РАҲБАРШУНОСЛИК ВА БОШҚАРУВ ФАНЛАРИ

ЗАМОНАВИЙ МЕНЕЖМЕНТ: НАЗАРИЯ ВА АМАЛИЁТ



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ҲУЗУРИДАГИ
ДАВЛАТ ВА ЖАМИЯТ ҚУРИЛИШИ АКАДЕМИЯСИ

ЗАМОНАВИЙ МЕНЕЖМЕНТ: НАЗАРИЯ ВА АМАЛИЁТ

II ЖИЛД

ТОШКЕНТ
«SHARQ»
НАШРИЁТ-МАТБАА
АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ
БОШ ТАҲРИРИЯТИ
2011

338.24(07)
3-31

"Замонавий менежмент: назария ва амалиёт". II китоб, таҳрир ҳайъати: Қ.Н. Назаров, Д.Н. Рахимова Т.: ДЖҚА, 2011 йил.

Муаллифлар жамоаси:
Қ.Н. Назаров, Д.Н. Рахимова, А.Н. Арипов, Қ.Х. Абдураҳмонов,
Х.П. Абдулқосимов, Н.Х. Жумаев, О.К. Иминов, Ш.Н. Зайнутдинов,
Э.А. Ҳошимов, С.Б. Мухиддинова, М.А. Мирҳамидова,
Ш.М. Садиков, А.Х. Мухитдинов, Т. Тешабоев

Тақризчилар:

и.ф.д., проф. Р.Р. Хасанов,
и.ф.д., проф. М.С. Қосимова,
и.ф.н., доц. М.П. Отақулов,

Мазкур дарсликнинг II китоби Президент Ислом Каримов асарларида асослаб берилган "Замонавий менежмент", "Бошқарувда ахборот технологиялари", "Инқирозга қарши бошқарув", "Инвестицияларни бошқариш", "Корпоратив бошқарув" йўналишлари бўйича кўникмалар ҳосил қилиш, бу борада тингловчилар маҳоратини ошириш, замонавий технологияларни ўзлаштиришга доир назарий ва амалий масалаларга бағишланган.

Китоб Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитасининг ИТД-2-047 "Иқтисодиётни эркинлаштириш жараёнида тадбиркорликни бошқарув самарадорлигини ошириш йўллари", И2011-7-1 "Раҳбар кадрларнинг бошқарув маҳоратини ошириш бўйича ўқув қўлланмалар мажмуасини тайёрлаш ва чоп этиш" лойиҳалари бўйича тадқиқотлар асосида тайёрланган.

Дарслик бошқарув ва раҳбаршунослик масалалари билан шуғулланувчи мутахассислар, ўқитувчи ва магистрлар, тингловчилар ва ушбу мавзуга қизиқувчи китобхонларга мўлжалланган илк тажрибалардан биридир. У ҳақидаги фикр ва мулоҳазаларни қуйидаги манзилга юборишингизни сўраймиз:

Тошкент ш. Ўзбекистон шоҳ кўчаси – 45 уй.
Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси **Тел. 239-89-00, 232-60-48**

ISBN 978-9943-00-637-9

6965

© «SHARQ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси Бош таҳририяти, 2011

КИРИШ

Тарихан қисқа 20 йилликда аввало эл-юртимизнинг хоҳиш-иродаси, куч-қудрати, машаққатли ва бунёдкорона моҳияти эвазига жаҳон харитасида янги, ўз кучи ва салоҳиятига таянган, бугун тараққиёт йўлидан барқарор суръатлар билан ривожланиб бораётган мустақил, суверен Ўзбекистон давлатининг пайдо бўлиши, ҳеч шубҳасиз, халқимизнинг тарихий ғалабасидир. Мамлакатимизда демократик давлат, фуқаролик жамиятини барпо этиш, иқтисодиётимизни бозор муносабатларига ўтказиш ва ривожланган давлатлар қаторидан муносиб жой олиш йўлида эришган марраларимиз жаҳон аҳлини ҳақли равишда ҳайратда қолдирмоқда.

Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов таъкидлаганидек: "Республикада инновация лойиҳалари негизида иқтисодиётни модернизациялаш, ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш, техник ва технологик жиҳатдан янгилаш дастурларини амалга ошириш борасида кенг қамровли ишлар олиб борилмоқда"[1].

Бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида хўжалик субъектлари бўлмиш корхоналар ўз фаолиятини "нима?", "қандай?", "ким?", деган саволларга ўзига хос жавоб бериш орқали ташкил этади ва иш юритади. "Нима ишлаб чиқариш зарур?", - деган саволга жавоб беришда корхоналар зарар кўрмаслик ва фойда олиш учун ҳаракат қоидасига амал қилишини ҳисобга олиб, "фақат фойда келтириши мумкин бўлган товарларни ишлаб чиқарадилар ва хизмат кўрсатадилар.

Корхоналар фойда олиш учун пул тўлаш қобилиятига эга бўлган истеъмолчиларга зарур бўлган миқдорда ва турда товарлар ишлаб чиқаради ва ресурсларни етказиб беради. Қандай ишлаб чиқарилади?, ёки "ишлаб чиқариш қандай ташкил қилинади?", деган саволларга корхоналар ишлаб чиқаришга иқтисодий жиҳатдан анча самарали технологияни қўллашга, меҳнат унумдорлигини, ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш, ресурслардан самарали фойдаланиш орқали жавоб берадилар. Шунинг учун ҳам бозор муносабатларига ўтиш шароитида корхоналар юқори фойда олиш мақсадида фаолият юритишга, ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишга ўрганишлари мақсадга мувофиқдир.

Шунингдек, давлат корхоналарининг бозор муносабатларига ўтиш шароитида эркин иқтисодий фаолият юритишлари ва рақобатлашишлари учун тегишли ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий шароитларни вужудга келтириши муҳим аҳамият касб этади. Шу боисдан ҳам, мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотлар корхоналар бозор муносабатлари тизими талабларига мос фаолият юритишлари учун тегишли макон, шароит яратишга

[1]Каримов И.А. Мамлакатимизни демократик ислоҳотларини янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузаси "Халқ сўзи" газетаси 2010 йил 13 ноябр.

қаратилгандир. Бу ҳақда Президент И.А.Каримов "Мамлакатимизни модернизация қилиш ва янгилашни изчил давом эттириш — давр талаби" мавзусидаги маърузасида мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурининг изчил амалга оширилиши натижасида иқтисодий ўсишнинг юқори, барқарор ва мувозанатлашган суръатлари ва макроиқтисодий барқарорлик тенденциялари мустаҳкамланаётгани, иқтисодиёт таркибини тубдан ўзгартириш, диверсификациялаш ва модернизация қилиш, аҳоли бандлиги ва фаровонлигини ошириш бўйича узоқ муддатли масалаларни ҳал этишда ижобий силжишлар таъминланаётганини алоҳида қайд этиб ўтди.

Маърузада жаҳонда юз бераётган молиявий ва иқтисодий инқирознинг сабаблари ва у келтириб чиқаётган оқибатлар, бундай ҳолатга йўл қўймаслик учун мамлакатимизда изчил олиб борилаётган чора-тадбирлар, хусусан тараққиётнинг ўзбек модели асосини ташкил этувчи беш тамойилни янада изчил ва қатъий жорий этиш бўйича аниқ тавсиялар берилди. Шунингдек, "Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги" Давлат дастурини ҳаётга жорий этиш бўйича амалга оширилиши зарур бўлган ишлар кўлами чуқур асослаб берилди. Президентимиз маърузасида Инқирозга қарши чоралар дастури, унинг мазмун-моҳияти ҳамда конкрет бўлимлари – белгиланган комплекс чора-тадбирлар ҳақида атрофлича тушунтиришлар берилган. Ана шу юксак вазифаларни бажариш учун мамлакатимизда ҳуқуқий давлат, фуқаролик жамияти асосларини барпо этиш барчанинг, хусусан раҳбар кадрларнинг фаолияти учун асос бўлиши зарурлиги таъкидлаб ўтилди.

Иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишда бизнинг асосий устувор йўналишимиз бундан буён ҳам бизнес жумладан, хусусий бизнес учун зарур бўлган барча қулай шароитларни яратишдан, давлатнинг иқтисодиётдаги иштирокини изчил камайтириб боришдан иборат бўлиб қолаверади.

Муҳим устувор йўналиш — бу, хорижий инвестицияларни, биринчи галда, тўғридан-тўғри инвестицияларни жалб этиш борасидаги ишларимизни ҳар томонлама кучайтиришдан иборат", деб таъкидладилар.

Ушбу фикрдан келиб чиқиб, корхоналарнинг бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида инқирозга қарши фаолиятини бошқариш муаммоларини илмий-назарий ва амалий жиҳатдан ўрганиш зарурлиги ушбу китобдаги инқирозга қарши бошқарув қисмининг долзарблигидан далолат беради.

Шунинг учун бозор муносабатларига асосланган иқтисодий тизимга ўтиш шароитида корхоналарнинг ишлаб чиқариш ва фаолият самарадорлигини ошириш бўйича тегишли назарий ва амалий таклифларни ишлаб чиқиши муҳим аҳамият касб этади.

"Инқирозга қарши бошқарув ва инқироз хавфининг олдини олишга йўналтирилган бошқарув фаолияти" деган илмий тушунчалар МДҲ ҳудудидаги мамлакатларнинг, жумладан республикамизнинг, бозор муносабатларига ўтиш жараёнлари ҳамда ушбу жараёнларни тадқиқ этиш зарура-

ти боис сўнгги йилларда иқтисодий адабиётларда қўлланила бошлади. Бир ижтимоий-иқтисодий тизимни бархам топтириб янгисини шакллантиришга йўналтирилган туб ислоҳотлар кутилмаганда турли хилдаги инқирозли вазиятларни ҳам юзага чиқара бошлади.

Бугунги кунда миллий иқтисодиётни ҳар томонлама ривожлантириш ва ишлаб чиқариш соҳаларини жадал модернизациялаштириш талабларининг мазмун-моҳиятидан келиб чиқиб, мутлақо янги, замонавий бошқарув услуби талаб этилаётганлигини давлат раҳбарлари, олимлар, амалиётчи мутахассислар теран англаб етишган. Таъкидлаш жоизки, айни пайтда мамлакатимизда давом этаётган иқтисодий эркинлаштириш ва модернизациялаштириш жараёнлари мамлакатимизни янада ривожланишига, макроиқтисодий мувозанатни сақлаб туришга, ҳамда иқтисодий ўсиш суръатларининг юқори даражаларини таъминлашга қаратилган фаолият жадал равишда олиб борилмоқда. Ўз навбатида ушбу фаолиятни «Инқирозга қарши бошқарув фаолияти» деб ҳам аташ мумкин.

Шу ўринда бир нарсани таъкидлаб ўтмоқчи эдик. «Инқирозга қарши бошқарув фаолияти» илмий тушунча таклиф этилиб, амалиётда кенг кўламда қўлланилаётганлигига қарамасдан ушбу тушунчанинг мазмун-моҳияти хусусида жуда кўп тортишувлар, баҳс-мунозаралар кузатилмоқда. Баҳс-мунозараларнинг моҳиятини қисқача ифодалаб, шундай таърифлашимиз мумкин: инқироз қанчалик чуқур бўлмасин, қачондир барҳам топади. Буни ижтимоий-иқтисодий тараққиёт тарихи жуда кўп маротаба исботлаб берган. Бундан чиқди, «Инқирозга қарши бошқарув» деб ном олган алоҳида ҳаракат дастурининг ишлаб чиқилишига ҳеч қандай объектив эҳтиёж йўқ. Шу йўналишда фикримизни давом эттирсак, у ҳолда инқироз хавфининг олдини олишга йўналтирилган бошқарув фаолияти вақтинчалик чора-тадбир сифатида соф прагматик (яъни, амалий) характер касб этар эканда, деган савол пайдо бўлади. Бордию, шундай бўлса, у ҳолда «Инқирозга қарши бошқарув»ни алоҳида хусусиятга эга бўлган феномен сифатида илмий жиҳатдан ўрганишнинг, бу турдаги бошқарувнинг илмий концепциясини яратиш, бу борада ихтисослашган мутахассислар тайёрлашнинг нима ҳожати бор, деган бошқа бир ўринли савол ҳам юзага чиқиши аниқ.

Ушбу муаммоларга муаллифларнинг нуқтаи назаридан қараб кўрайлик. Шак-шубҳасиз, мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий ҳаётида рўй бераётган туб ислоҳотлар туфайли инқироз ҳолатининг кескинлашиб кетганлиги инқироз хавфининг олдини олишга йўналтирилган бошқарув дастурини ишлаб чиқиб, уни амалга оширишни табиий эҳтиёжга айлантириб қўйди. Бироқ, бугунги кундаги бошқарув назарияларининг ривожланиш қонуниятлари ҳам объектив равишда инқирозга карши йўналтирилган бошқарув дастурини ишлаб чиқилишини талаб этмоқда.

Назарий жиҳатдан инқирозга қарши ҳаракат дастурининг ишлаб чиқилишини тақозо этувчи турли шарт-шароитлар орасида иқтисодий фаолиятнинг циклик ривожланиши, бошқарувчанлиги, иқтисодий фаолият самарадорлигини оширишда ресурслардан оқилона фойдаланиш, ходимлар меҳнатини замонавий талаблар асосида мотивациялаш зарурати, ишлаб чиқариш жараёнлари учун сарфланадиган иш вақтининг тежаш лозимлиги, ишлаб чиқариш жараёнлари иштирокчиларининг ижтимоий жиҳатдан ўзаро ҳамкорлик қилишларини таъминлаш каби муҳим ғояларнинг ривожлантирилиши ҳақидаги илмий тушунчаларнинг амалиётга жорий этилишини алоҳида кўрсатиб ўтишимиз мумкин. Ушбу илмий тушунчалар воситасида ифодаланувчи шарт-шароитларнинг бирортаси таъминланмай қолса, ҳаттоки жуда муваффақиятли иқтисодий фаолият юритаётган корхоналар ҳам инқирозга юз тутиши мумкинлиги ҳеч қандай шубҳа уйғотмайди.

Объектив жиҳатдан олиб қараладиган бўлса, инқирозли вазиятлар негизида кузатиладиган, ўзаро боғлиқ бўлган шарт-шароитлар натижасида ҳар қандай бошқарув фаолиятини ўта даражада мураккаблаштириб, турли хил рискларни кескин ошириб юборади.

Айтиб ўтиш лозимки, нафақат иқтисодий тизимлар, балки табиий муҳит ҳам циклик тарзда ривожланиш хусусиятига эга. Шу сабабдан нафақат иқтисодий тизимларнинг ривожланиши, балки табиий жараёнлар ҳам турли хил инқирозли вазиятларни келтириб чиқариши мумкин.

Ижтимоий онгнинг шаклланиб, ривожланиб боришининг турли хил босқичларида инқирозли вазиятларга нисбатан муносабат турлича бўлган. Масалан, инқирознинг моҳияти, келиб чиқиш сабаблари ва ривожланиш хусусиятларини талқин этишга қаратилган нуқтаи назарлардан бирига кўра, инқирозлари вазиятлар фақатгина табиий шарт-шароит туфайли юзага чиқади. Бошқа олимларнинг қарашларига кўра, инқирозлар одамларнинг ижтимоий фаолияти натижаси, турли хатоликлар, бидъатлар, ишончсизлик ва ҳоказо сабабларнинг салбий оқибатидир.

Ўтган асрда айрим назариётчилар ижтимоий тараққиёт жараёнларининг негизида учраб турадиган турли хилдаги инқирозларнинг бош манбаи хусусий мулкка эгалик қилиш тамойилига асосланган иқтисодиёт ҳисобланади, айнан шу хилдаги иқтисодий тизим негизида ижтимоий манфаатлар зиддияти рўй бериб, улар ўз навбатида инқирозни келтириб чиқаради, деган фикрни ривожлантириб, алоҳида назарий қарашлар тизимини яратишган эди. Айнан шу сабабдан собиқ шўролар тизими ҳукмронлик қилган даврда инқирозли вазиятларнинг табиатини, хусусияти ва мазмун-моҳиятини ифодалаш учун «иқтисодий ривожланиш қийинчиликлари», «иқтисодий ривожланиш муаммолари», «турғунлик» каби абстракт илмий тушунчалардан фойдаланиб келишган.

Ҳар нима бўлганда ҳам, инқирозли вазиятлар объектив воқеликни биз қандай тушунчалар воситасида ифодалашимизга қараб эмас, балки реал

ишлаб чиқариш тизимлари ҳамда бутун иқтисодий тизимнинг ривожланиш қонуниятларига, мазкур тизимларни ривожлантириш босқичлари давомида табиий равишда вақти-вақти билан уларни қайта ташкил этиш заруриятининг қай даражада эътиборга олинишига боғлиқ ҳолда юзага чиқади. Юзага чиқувчи инқирозларнинг кўлами ва характери пировард натижада бошқарув тизимининг хусусиятларига, потенциал имкониятларига яъни, иқтисодий фаолият субъектлари табиий равишда юзага келадиган инқирозларни қачон ва қандай сеза билиши, унинг салбий оқибатларидан қутулиш учун қандай чоратадбирлар кўриши, инқирозли вазиятни ўз фойдасига айлантиришнинг уддасидан қай даражада чиқа олишига боғлиқ бўлади.

Маълумки, замонавий бошқарув соҳасидаги асосий эҳтиёжлар ва ушбу турдаги фаолият самарадорлигини оширишнинг муҳим омилларидан бири бу раҳбарларнинг профессионаллик ва компетенлик даражаси билан баҳоланади. Ташкилотнинг иқтисодий фаолиятига раҳбарлик қилувчилар замон талаблари даражасида профессионаллик хусусиятларига эга бўлмоғи учун улардан қуйидаги касбий лаёқатлар талаб этилади: воқеалар ривожланиши тенденцияларини олдиндан кўра билиш, айни воқеликнинг негизида қандай шарт-шароит ётганлигини чуқур мулоҳаза қилиш, ташкилотнинг иқтисодий жиҳатдан ривожланиши йўлида учраши мумкин бўлган потенциал тўсиқларни ўз вақтида аниқлаш ҳамда уларнинг салбий оқибатларини бартараф этиш ёки уларнинг таъсир самарасини имкон даражасида юмшатиш билан боғлиқ турли муаммоларнинг оқилона ечимини излаб топиши керак.

Ҳозирги кунда мавжуд «Инқирозга қарши бошқарув» мавзуига бағишлаб ёзилган саноқли дарсликлар ва ўқув қўлланмалари инқироз хавфининг олдини олиш концепциясини яратишга нисбатан турли ёндашувларга асосланган. Жумладан, айрим адабиётларда инқироз хавфининг олдини олиш муаммоси том маънода макроиқтисодий муаммо сифатида талқин этилиб, инқирозли вазиятлар алоҳида олинган ташкилот негизида ҳам рўй бериши ва демакки, умумий иқтисодий шарт-шароитларга боғлиқ бўлмаслиги мумкинлиги тамомила эътибордан четда қолдирилади. Бошқа турдаги илмий адабиётларда эса инқирозли вазиятларнинг фақатгина иқтисодий жиҳатларига эътибор қаратилиб, ушбу феноменнинг ижтимоий, сиёсий, психологик, ташкилий ва бошқарувчилик соҳаларига оид табиий ва ҳоказо жиҳатлари мавжудлиги унутилиб қўйилмоқда.

Диққатингизга ҳавола этилаётган мазкур китобнинг биринчи қисмида инқироз хавфининг олдини олишга йўналтирилган бошқарув фаолияти негизидаги мавжуд турли муаммоларни (жумладан, давлат тузилмалари билан муносабат ўрнатилиши, иқтисодиёт, ишлаб чиқариш, ташкилий фаолият юритилиши, инсоний омил билан боғлиқ) комплекс тарзида ўрганишга ҳаракат қилинган. Шу билан бир қаторда китобда рўй бериши мумкин бўлган инқирозларнинг кўламини, шаклларини, мазмун-моҳиятини, сабабларини ва натижаларини ҳам ўрганишга алоҳида эътибор берилди.

Китоб мантиқий жиҳатдан илгари олинган билимларни янада кенгайтириш, мазмун жиҳатдан тўлдириш ва конкретлаштиришга асосланган бўлиб, бундай тузилма китобдан фойдаланувчиларга инқирозли вазиятлар шаклланиши, ривожланиши ва бартараф этилиши жараёнларининг моҳиятини тўлиқ англаб етиш учун қулай имконият яратиб беради. Китобда инқирозга қарши бошқарув фаолияти саккизта бобга бўлиб ўрганилган. Китобнинг биринчи қисмида «инқироз» тушунчаси ёрдамида ифодаланувчи объектив воқеликнинг мазмун-моҳияти, иқтисодий инқирозларнинг илмий таърифи, иқтисодий инқирозларнинг тузилиши ва уларнинг келтириб чиқарувчи шарт-шароитлар таҳлил қилинган. Инқирозли вазиятларнинг турли хил босқичларида жараёнга аралашиб, уни онгли равишда бошқариш мумкинлиги, айрим вақтларда эса ҳаттоки, лозимлиги илмий жиҳатдан асослаб берилган. Инқирозларнинг табиати, мазмун-моҳияти, тузилиши, динамикаси ва алоҳида хусусиятларини ўқувчилар яхшироқ тасаввур этиши учун инқирозларнинг типологиясига ҳам эътибор қаратилган.

Бундан ташқари, дарсликда инқирозли вазиятларни тартибга солиш, иқтисодий тизим фаолиятини бошқаришда давлатнинг ўрни ва роли очиб берилган. Амалий иш тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, давлат органлари инқироз хавфининг олдини олиш масалаларига нисбатан қандай ёндашишига қараб инқирозлар турлича ривожланиши мумкинлигига эътибор қаратилган.

Кейинги бобларда эса алоҳида олинган ташкилий тузилма (хоҳ бу фирма, корхона ёки компания)лар миқёсида рўй бериши мумкин бўлган инқирозли вазиятларнинг таҳлилига алоқадор материаллар келтирилган. Китобимизнинг бу қисмида инқирозлар нафақат макроиқтисодий кўламларда, балки микроиқтисодий кўламда ҳам намоён бўлиши мумкинлиги ҳақидаги фикр-мулоҳазалар баён этилади. Бундан ташқари, китобнинг ушбу қисмида инкироз хавфининг олдини олишга йўналтирилган бошқарув фаолиятининг технологияси ҳақида ҳам фикр юритилади.

Биринчи бобнинг якуний қисмида инқироз хавфининг олдини олиш муаммоси янада кенгайтирилиб, мазкур чора-тадбирларни режалаштириш амалга ошириш жараёнлари билан боғлиқ чет эл тажрибаси таҳлил қилинган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузасида инвестиция жараёнлари тўғрисида батафсил тўхталиб, хусусан, қуйидаги фикрни билдирди: "... Иқтисодиётимизга тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар жалб этиш кескин – яъни, 1,5 баробар кўпайди. Айниқса, нефть, газ, тўқимачилик саноатида уларнинг улуши янада салмоқли бўлди".

Республикамизнинг мустақиллик даврига қадар хорижий сармоядорларни Ўзбекистонга жалб этиш ва жаҳон хўжалигига интеграциялашиш стратегиясини ишлаб чиқиш ҳамда жорий этишга жиддий эътибор берилмаган эди. Табиийки, мустақилликка эришган мамлакатимиз раҳбарияти иқтисодиётимизни

ривожлантиришнинг стратегик мақсадларидан бири бўлган айнан шу масалани ҳал этишга жиддий муносабат билан ёндашди.

Шу билан бирга, бугунги кунда миллий иқтисодиётни модернизациялаш йўлига қадам қўйган Ўзбекистон Республикасига хорижий инвестицияларни жалб қилиш жараёнларини янада жадаллаштириш ва инвестицион сиёсатни фаоллаштириш давлатимиз раҳбарияти томонидан устувор вазифаларнинг қўйилишига сабаб шуки, корхона ва компанияларнинг экспорт салоҳиятини ошириш, ички бозорни юқори сифатли товарлар билан бойитиш ҳамда янги иш ўринларини яратиш кўп жиҳатдан самарали ташкил этилган инвестицион фаолиятга боғлиқдир.

Таъкидлаш жоизки, инвестицион сиёсатни амалга оширишдаги ижобий тамойилларнинг дастлабки асослари Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг биринчи кунлариданоқ шакллантирила бошланди. Турли мулкчилик шаклларини ривожлантириш ва инвестицион муҳитни тартибга солувчи механизмларнинг ишлаб чиқилиши хорижий инвесторлар учун қулай инвестицион муҳит яратилишига олиб келди.

Ўз навбатида, инвестиция фаолиятини тартибга солувчи 50 дан ортиқ норматив ҳужжатлар қабул қилинди. Хорижий сармоялар иштирокидаги корхоналар сони 4575 тани ташкил этди. Бу республикамизда инвестицион хавф-хатарларнинг камайиб боришидан ҳамда инвестициялаш субъектларининг жозибадорлиги сезиларли даражада ошаётганлигидан далолат беради. Хорижий инвесторлар нефть, газ, тўқимачилик саноатида, шунингдек, транспорт ва алоқа соҳаларида фаоллик кўрсатмоқдалар.

Маълумки, жалб этилаётган хорижий инвестицияларнинг аниқ ва мақсадли йўналтирилишида унинг оптимал технологик таркибига аҳамият бериш ўта муҳимдир.

Фикримизча, айнан мана шу соҳадаги жараёнларни такомиллаштириш таркибий ислоҳотлар самарадорлигининг янада ошишига олиб келиши мумкин. Иқтисодиётнинг турли соҳаларига ишлаб чиқариш ресурсларини, энергия қувватларини тежашга имкон берувчи инновацион технологияларни ва ускуналарни кенг жорий этиш ишлаб чиқариш ҳаражатларини сезиларли даражада камайтиришга, пировард натижада, арзон, сифатли ҳамда рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришга имкон яратади. Ушбу масалалар китобнинг иккинчи қисмида ўз ифодасини топган.

Таъкидлаш жоизки, мамлакатларнинг ривожланиши улардаги инвестицион муҳит билан узвий боғлиқдир. Шунинг учун ривожланаётган мамлакатлар индустриал жиҳатдан тараққий этган давлатларда қўлланилган инвестицион сиёсатнинг, жумладан, тўғридан-тўғри инвестицияларни рағбатлантириш, ижтимоий соҳаларга инвестицияларни йўналтириш, хусусий инвестицион лойиҳаларни имтиёзли молиялаштириш каби воситалардан кенг фойдаланади.

Республикамиз раҳбариятининг шу каби чора-тадбирлари ўз вақтида иқтисодиётимизга жорий этиш борасида фаолият миллий иқтисодиётимиз МДҲ мамлакатларига нисбатан анча самарали ривожланишига олиб келди.

Хорижий инвесторлар иштирокидаги корхоналарнинг жадал ривожланиши қувонарли ҳол, аммо ХИКларнинг экспорт-импорт операцияларидаги улуши ҳозирча талаб даражасида эмас. Фикримизча, бунинг асосий сабабларидан бири — ХИКларнинг ўз стратегиясини ташқи бозорга эмас, балки ички бозорга кўпроқ йўналтирилганлиги билан боғлиқ.

Республикамизда хорижий инвесторлар иштирокида қўшма корхоналарни ҳудудий жиҳатдан жойлаштириш ва ривожлантириш жараёнларини ҳам такомиллаштириш зарур. Ушбу масала бугунги куннинг муҳим муаммоларидан бирига айланган.

Президент Ислом Каримов қатор маърузаларида хорижий инвестицияли корхоналарни оқилона жойлаштириш ва республикамизнинг турли ҳудудуларида қўшма корхоналар ташкил этиш тўғрисида бир неча бор таъкидлаб ўтган эди. Фикримизча, ушбу фикр турли ҳудудларимизни ривожлантириш, уларнинг республикани ташқи иқтисодий фаолиятидаги ҳиссасини ошириш ҳамда янги иш ўринларини яратиш нуқтаи назаридан жуда муҳимдир.

Бунинг учун миллий иқтисодиётни ривожлантиришнинг таркибий жиҳатларига мурожаат этишимиз зарур. Чунки охир оқибат инвестициялар билан боғлиқ ечимлар прогрессив таркибий ривожланишда ўз ифодасини топмоғи керак. Агар миллий иқтисодиёт тармоқлари бўйича ялпи ички маҳсулотнинг ўсишига назар ташласак, ўтган даврда энг катта ўсиш савдо ва соф солиқлар соҳасига хос бўлганини кўриш мумкин.

Ҳолбуки, айнан мана шу йилларда инвестицияларнинг катта улуши саноатни ривожлантиришга йўналтирилган эди. Фикримизча бу ҳолат инвестицион лойиҳаларни ишлаб чиқиш, инвестиция оқимларини тартибга солиш, хорижий ҳамкорларни танлаш, корхоналарни жойлаштириш, лойиҳа маҳсулотларини ички ва ташқи бозорларга олиб чиқиш стратегияларини ишлаб чиқиш ва ушбу лойиҳаларни амалга оширилишини самарали бошқариш услубларидан тўғри фойдаланиш муаммолари билан узвий боғлиқдир.

Бизга маълумки, қўшма корхоналарни барпо этиш республикамизга ресурсларни тежайдиган замонавий технологияларни олиб киришга, янгича ишлаб чиқариш муносабатларини шакллантиришга, замонавий бошқарув услубларини жорий этишга, экспортбоп товарлар ишлаб чиқарилишини йўлга қўйишга имкон беради ва энг муҳими, янги иш ўринлари яратади.

Шу билан бирга, жойлардаги ҳокимликлар инвестицион фаолиятнинг мониторинги орқали амалга оширилаётган лойиҳаларни ҳудуд аҳолисининг турмуш тарзига, улар муҳим ижтимоий-иқтисодий самарадорлик кўрсаткичларига қандай таъсир этаётганини муттасил таҳлил қилиб, тегишли қарорлар қабул қилиб боришлари лозим.

Бундан ташқари, мамлакатимизнинг халқаро капитал бозорларидаги рақобатбардошлигини мустаҳкамлаш инвестицион жараёнлар самарадорлиги билан узвий алоқадорликда бўлган қуйидаги учта асосий омилга боғлиқ:

Биринчидан, давлат бошқарувининг рақобатбардошлигини кучайтирмоқ лозим, яъни давлатчилик функцияларининг оптимал ва бошқа мамлакатлардагига нисбатан янада самарали ташкил қилишга имконият берувчи тамойилларни ишлаб чиқиш ва амалиётга тадбиқ этиш керак. Амалдаги ва янги қонунларни халқаро талаблар асосида унификациялаш, уларни мақсадли қўлланишини таъминлаш, фуқароларнинг эркинликлари ва ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ҳамда иқтисодий эркинликларни таъминлаш жараёнларини такомиллаштириш зарур.

Иккинчидан, маҳаллий бизнес ва тадбиркорлик лаёқатини кучайтириш керак. Чунки янги инвестицион лойиҳаларни амалга оширишнинг дастлабки босқичларида ўзига хос иқтисодий капитал ҳисобланмиш — қимматли вақтнинг ноўрин сарфланиши туфайли инвестицион лойиҳалар ўз аҳамиятини йўқотиб қўймоқда. Натижада, биз миллий иқтисодиётимиз учун жуда муҳим бўлган экспортбоп, ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштиришни мақсад қилиб олган, импорт ўрнини босувчи самарали хорижий инвестицияларни бой бериб қўйишимиз мумкин.

Бизнеснинг рақобатбардошлигини ошириш билан боғлиқ бўлган иккинчи вазифа — молиявий секторни ислоҳ қилиш билан боғлиқ. Бунинг учун молиявий сектордаги фаолиятни ташкил этиш ва бошқариш томойилларини такомиллаштириш даркор.

Учинчидан, инсон капиталининг, фуқароларимизнинг иш билан таъминланиш ва даромад олиш имкониятлари, бизнесдаги юқори рақобат муҳити шароитида фаолият юрита олиш қобилиятлари билан белгиланади. Бу рақобат аста-секин нафақат фукароларимиз ўртасида, балки маҳаллий хорижий мутахассислар ўртасидаги рақобатга ҳам айланиши мумкин. Инсон капиталининг ривожланиши, умуман олганда, одамнинг ҳаёти ва фаолияти билан чамбарчас боглиқ. Шу сабабли биз илгари бизнес устунлик қилиши кераклиги назарда тутилмаган соҳаларда ҳам бизнес олиб бориш учун қулай шароитларни яратишимиз керак.

Мамлакатимизга тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб этиш, ички хусусий инвестициялар иштирокидаги инвестицион лойиҳаларни ривожлантириш, инвестицион сиёсатни эркинлаштириш ҳамда маъмурий тадбирларни соддалаштириш мақсадида one-stop shops тизимини (хорижий компанияларга *инвестиция жараёнлари билан боғлиқ барча масалаларни бир* ташкилот миқёсида ҳал этиш имконини яратиш) жорий этиш ўринлидир.

Ҳар бир инвестицион лойиҳаларни амалга ошириш учун, уни танлов асосида, мустакил, ҳар сафар янгидан ташкил қилинадиган ва шартнома асосида ишлайдиган бошқарув ҳамда раҳбарлар "жамоаси"га тақдим этиш мақсадга мувофиқ бўларди.

Республикамизда ҳозирги пайтда экспорт салоҳиятини ошириш, ишлаб чиқаришни ривожлантириш орқали хом ашё экспортидан тайёр маҳсулот экспортига ўтиш масаласи муҳим масала сифатида кун тартибига қўйилди. Барчамизга маълумки, бу борада Президентимиз И.А.Каримов ва ҳукуматимиз олиб бораётган сиёсат муҳим аҳамият касб этади. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов таъкидлаганидек, "Инқирозга қарши чоралар дастурини амалга оширишда инвестицияларни жалб этиш, аввало, ички манбаларни сафарбар этиш ҳисобидан иқтисодиётимизнинг муҳим тармоқларини жадал модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш, транспорт коммуникацияларини янада ривожлантириш ва ижтимойи инфратузилма объектларини барпо этиш ҳал қилувчи устувор йўналишга айланди"[1].

Иқтисодиётни эркинлаштириш, хорижий сармояларни жалб этиш орқали ишлаб чиқаришни ривожлантириш, хизмат кўрсатишни яхшилаш, жаҳон андозаларига мос, сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш орқали жаҳон бозорига чиқиб бориш давр талаби бўлиб турибди. Бу борада республикамизда бир талай самарали чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Хорижий инвестиция жалб қилиш орқали хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар очиш ҳам бугунги кунда юқорида билдирилган фикрларни амалга оширишда муҳим ўрин тутувчи омил ҳисобланади. Хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар ташкил қилиш, уларни фаолиятини шакллантириш ва Ўзбекистон иқтисодиётини юксалтиришда уларнинг роли ва аҳамияти дарсликнинг инвестицияларни бошқариш қисмининг асосий мазмунини ташкил этади.

Иқтисодиётга сармоя киритиш самарадорлигини тадқиқ қилиш доимо иқтисодиёт фанининг диққат марказида бўлган. Бу, шу билан изоҳланадики, сармоя киритиш хўжалик фаолиятининг фаоллашувига ижобий таъсир кўрсатувчи омил бўлиб, у умумиқтисодий ўсишни таъминлайди.

Ҳозирги кунда инвестиция ҳажмини ошириш орқалигина, юзага келган иқтисодий бўҳронни енгиш, технологик ўсишни таъминлаш, макро ва микро даражада хўжалик фаолиятининг сифат ва ҳажм кўрсаткичларини ошириш мумкин. Инвестицион жараёнларни инвестицион фаолиятини тадқиқ қилишни чуқурлаштириш лозим. Асосий муаммолардан яна бири бу инвестицион ҳаражатларнинг самарадорлик манбаларини назарий жиҳатдан асослаш, сармоя киритиш ва иқтисодиётдаги фаоллаштириш иқтисодиётни қайта куришда асосий ўрин тутади.

Фикримизча, ҳозирда олдинда турган вазифалардан бири — микро ва макро даражада бозор форма ва механизмларини ва тузилмавий ўсиш орасидаги ўзаро боғланишни ўрганиш, халқ хўжалигининг асосий бўғини ҳисобланган ижтимоий инфраструктура ва ишлаб чиқаришдаги сармоя киритиш самарадорлигининг юқори тармоқларини аниқлашдир.

[1]Каримов И.А. Асосий вазифамиз — Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. — Т.: Ўзбекистон, 2010 8б.

Ҳозирда ишлаб чиқаришнинг аҳволи, халқ хўжалиги корхоналари асосий фондларининг техник жиҳатдан қуролланганлик даражаси, иқтисодиётда тузилмавий ўзгаришларни амалга ошириш ва ижтимоий муаммоларни ечиш давлат инвестиция сиёсатининг бошқарув самарадорлигига боғлиқ. Инвестиция киритиш корхона ва умумиқтисодиётнинг ривожланишига катта таъсир кўрсатади.

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгандан кейин мамлакат иқтисодиёти жуда катта иқтисодий бўҳронларга дуч келди. Бунинг асосий сабабларидан бири сифатида барча бозор иқтисодиётига ўтаётган ёш давлатлар сингари Ўзбекистон ҳам буйруқбозлик иқтисодий тизимидан боскичма-босқич бозор иқтисодиётига ўта бошлаганлиги билан изоҳланади.

Жаҳон тажрибаси шуни кўрсатадики, бозор иқтисодиётига ўтаётган ҳеч қайси бир давлат хорижий инвестицияларни ўз иқтисодиётига жалб қилмасдан ва хорижий инвестициялардан самарали фойдаланмасдан юзага келган иқтисодий бўҳрондан чиқиб кетиш имкониятига эга эмас. Сабаби, хорижий инвестициялар нафақат миллий инвестицион бозорлар шаклланишига туртки бўлади, балки хизмат ва маҳсулотлар бозори ривожланишига ҳам ўз ҳиссасини қўшади. Бундан ташқари, хорижий инвестициялар макроиқтисодий барқарорликни таъминлашда муҳим ўрин тутади ва ўтиш давридаги маълум бир ижтимоий муаммоларни ечиш имкониятини яратади. Шундан келиб чиққан ҳолда, Республика иқтисодиётига хорижий инвестициялар жалб қилиш мамлакатимиз ташқи иқтисодий алоқалар тизимида ўзига хос ўринга эга деб хулоса чиқаришимиз мумкин.

Лекин, Ўзбекистондаги мавжуд иқтисодий вазият инвестицион фаолиятнинг ривожланишига бир неча тўсиқлар мавжудлигини кўрсатмоқда. Бу тўсиқларни енгиш учун бозор муносабатларига жавоб берадиган механизмлар ишлаб чиқиш керак, инвестиция жараёни субъектларининг ўзаро боғлиқлик даражасини ошириш ва алоҳида бирлашма, компания, тармоқ ва умумиқтисод даражасида сармоя фаолиятини мувофиқлаштирувчи меъёрий қонунчилик асосларини амалда шакллантирилди.

Хорижий инвестицияни жалб қилиш жамият ижтимоий ривожланишга тўғридан-тўғри таъсир этибгина қолмай, балки мавжуд иқтисодий бўҳронни энг мукобил йўлларидан биридир. Шунинг учун ҳўжалик юритувчи субъектлар инвестицион фаолиятларини ҳозирги хусусиятларини тадкик килиш иқтисод фанининг асосий йўналишларидан бири ҳисобланади.

Ҳозир хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар ва хорижий сармояли корхоналар бозор инфратузилмасини яратишда ва халк истеъмол молларини ишлаб чикаришда салмокли ўринга эга.

Республикада хорижий сармоялардан сифатли ва самарали фойдаланиш учун ҳам иқтисодий, ҳам ҳуқуқий асос яратилган.

Дарсликда бозор иқтисодиётига ўтиш даврида чет эл инвестициялари иштирокидаги қўшма корхоналарнинг ташкил қилиниши ва ривожланиш механизмини комплекс таҳлил килиш, фаолиятини такомиллаштириш ва бошқарув самарадорлигини оширишга оид ва муаммоларнинг мазмун-моҳияти кўриб чиқилган.

Бугунги кунда давлат томонидан хорижий сармояли корхоналарга бир қанча имтиёз ва кафолатлар жорий қилинган. Ўзбекистон Республикасида фаолият кўрсатаётган хорижий сармояли корхоналар фаолияти жаҳон миқёсида фаолият кўрсатаётган халқаро ҳуқуқ нормалари ва Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги билан тартибга солинади.

Ўзбекистон ҳукумати хорижий сармояли корхоналар фаолиятини такомиллаштириш бўйича бир қанча Олий Мажлис қонунлари, Вазирлар Маҳкамаси қарорлари ва Президент Фармонлари амалга тадбиқ этилган. Жумладан, -«Чет эл инвестициялари тўғрисида»ги қонун ва айнан шу санада қабул қилинган «Чет эллик инвесторлар ҳуқуқларининг кафолатлари ва уларни ҳимоя қилиш чоралари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори фикримиз далилидир. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 21 июлдаги «Ташқи иқтисодий ва савдо алоқалари, хорижий инвестицияларни жалб этиш соҳасида бошқарув тизимини такомиллаштириш тўғрисида»ги Фармони ва 2005 йил 2 августда Президентимизнинг «Тўғридан-тўғри хусусий хорижий инвестицияларни жалб этишни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонини амалга ошириш борасидаги саъй-ҳаракатларни вужудга келтирди.

Президент Ислом Каримов Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг 2010 йил 12 ноябрдаги қўшма мажлисидаги маърузасида демократик бозор ислоҳотларини ва иқтисодиётни либераллаштиришни янада чукурлаштириш ҳақида қуйидагиларни айтиб ўтган эдилар:

Ўзбекистон Республикасида амалга оширилаётган туб ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ислоҳотлар кучли демократик ҳуқукий давлат ва фуқаролик жамиятини қуришга қаратилган.

Ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига ўтишнинг "ўзбек модели"ни босқичма-босқич амалга ошириш ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятини шакллантириш учун мустаҳкам моддий асосни яратади.

Республика танлаган йўл мамлакатимиз манфаатлари, шарт-шароитлари ва хусусиятларига тўла жавоб берадиган ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига қаратилган ва у халқнинг муносиб ҳаёт кечириши, инсоннинг шахс сифатида ҳар томонлама ривожланишини кафолатлайди. Шу муносабат билан ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиёти демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг ижтимоий-иқтисодий асосини ташкил қилади.

Ўзбекистонда ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига ўтишнинг асос бўлиб хизмат қилувчи 5 та тамойилга таянган "ўзбек модели" амалга оширилмоқда, улар: иқтисодиётнинг сиёсатдан устунлиги; давлатнинг бош ислоҳотчи эканлиги; қонун устуворлиги; кучли ижтимоий ҳимоя; ислоҳотларни босқичма-босқич амалга ошириш. Ана шу тамойилларга амал қилиш туфайли

Ўзбекистонда ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиёти асосини яратишга, макроиқтисодий барқарорлик ва иқтисодий ўсишнинг барқарор юқори суръатларини таъминлашга муваффақ бўлинди.

Ҳозирги ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётининг асосий элементлари ва тамойиллари сифатида қуйидагилар юзага чиқади: 1) хусусий мулк; 2) тадбиркорлик ва танлаш эркинлиги; 3) шахсий манфаат хулқ-атворнинг асосий турткиси сифатида; 4) рақобат; 5) нархлар тизими ёки бозор тизимига таяниш; 6) бозор иқтисодиётини, асосан, иқтисодий дастаклар ва воситалар ёрдамида давлат томонидан тартибга солиниши.

Хусусий мулк мулкдорга моддий ресурсларни қонун доирасида ўз ихтиёрига кўра олиш, сотиш, эгалик қилиш, ишлатиш ва тасарруф этишига имкон беради. Шахсий манфаат, кишиларнинг шахсий фойда олишга интилиши, даромадлар оилавий бизнесни ривожлантиришда рағбатлантирувчи омилдир. Бизнес юритишнинг миллий хусусиятлари манбалари Буюк Ипак Йўли даврларидан буён яшаб келаётган анъаналар билан боғлиқ.

Ўзбекистонда банк тизимининг мустаҳкамланиши ва ривожлантирилиши мамлакатда барқарор пул-кредит сиёсатини юргизиш ва молиявий-иқтисодий барқарорликни ушлаб туришга хизмат қилади. Бунинг натижаси эса "Мудис" Жаҳон рейтинг агентлиги томонидан бирданига уч жиҳат: банк-молия тизимининг барқарорлиги; миллий валютадаги узоқ муддатли депозит рейтинги; хорижий валютадаги узоқ муддатли депозит рейтинги бўйича эътироф этилишида намоён бўлди.

Хусусий мулкка асосланган лизинг, суғурта компаниялари, кредит уюшмалари, микромолиявий ташкилотлар каби молиявий институтлар ва хусусий банкларни тузишнинг қонуний асосларини шакллантириш воситасида банк-молия соҳасига хусусий капитални жалб қилиш рақобатни кенгайтириш ва молиявий бозорни либераллаштириш имконини беради.

Ўзбекистон Республикасида корпоратив ҳуқуқ меъёрларининг бутун бир мажмуаси шакллантирилганки, улар акционерлик жамияти каби корпоратив ташкилотларни тузиш, таркибини шакллантириш ва фаолиятининг асосий тамойиллари ва тартибларини, уларнинг ҳуқуқий мақоми, акционерлар ва корпоратив муносабатларнинг бошқа иштирокчиларининг ҳуқуқ ва мажбуриятларини регламентлайди. Ўзбекистонда корпоратив ҳуқуқ ва умуман, корпоратив қурилишни тузиш жараёни бормоқда, шунинг учун мамлакатда акционерлик қонунчилигининг янада ривожланиши ҳамда ҳуқуқий меъёрларни амалда рўёбга чиқаришнинг якуний натижалари корпоратив ҳуқуқнинг асосий тамойилларини ишлаб чиқишга боглиқ. "Акционерлар жамияти ва акционерлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Қонуннинг янги таҳрирининг қабул қилиниши аҳамиятга молик бўлиб, унда корпоратив бошқарув ва назорат органларининг ваколатлари, ҳуқуқ ва масъулиятлари аниқ белгилаб берилади, шунингдек, акционерлик жамиятларининг Кузатув кенгаши, умумий йигилиши ва текширув комиссияларининг роли ва аҳамиятини оширади.

Ўзбекистонда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини тартибга солиш бўйича муайян тажриба тўпланган. Бугун мамлакат иқтисодиётида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг роли, улуши ва миқёсларини янада кенгайтиришга имкон берадиган қонунларни қабул қилиш масаласи долзарблигича қолмоқда. Бунда саноат кооперацияси тўғрисидаги бир қатор Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонлари катта аҳамият касб этади. Келгусида саноат ишлаб чиқаришининг кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари билан кооперацияси ва интеграцияси мамлакат ЯИМнинг ошишига хизмат қилади.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари ўртасида давлат буюртмасининг либераллаштирилиши мобил ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш орқали ишлаб чиқариш харажатларининг камайишига хизмат қилади. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини тузиш учун соддалаштирилган схемадан фойдаланиш, улар фаолияти учун катта эркинликлар тақдим қилиш, ушбу секторни кредитлаштириш, ресурслар билан таъминлаш, давлат буюртмаларини олиш каби механизмлар ҳисобидан рағбатлантириш, улар ишлаб чиқараётган маҳсулотни сотиш билан боғлиқ янги имтиёзларни бериш, халқаро амалиётга мувофиқ тарзда даромадларни ҳар йили декларациядан ўтказиш шаклига босқичма-босқич ўтиш, молиявий ва статистик ҳисоботлар, шу жумладан, уни давлат вакиллик органларига электрон шаклда тақдим қилиш тизимини янада соддалаштириш муҳим вазифалардир.

Мазкур схемани амалга ошириш мукобил ва трансакцион харажатларни пасайтиришга хизмат қилади.

Ўзбекистон Республикаси бозор иқтисодиёти асоси бугунги кунда рақобат ва монополиядан чиқариш тўғрисидаги мавжуд қонунчилик базасини такомиллаштиришни талаб қилаётган бозор укладлари ва рақобатни ривожлантириш хусусиятлари билан боғлиқ муайян тажрибага эга. Давр талабини ҳисобга олганда, амалдаги "Рақобат ва товар бозорларида монопол фаолиятни чеклаш тўғрисида"ги Қонун товар бозорлари билан бир қаторда молиявий бозорларда ҳам монопол фаолиятни тартибга соладиган меъёрларга талаб даражасида жавоб бермайди. Бундан ташқари, биржа савдоларини антимонопол тартибга солиш бўйича меъёрларни киритиш, назорат қўшилиш, бирлашиш ҳамда акциялар сотиб олиш битимларини тузиш ва амалга ошириш жараёнларини енгиллаштириш зарур.

"Рақобат тўғрисида"ги янги Қонуннинг кабул қилиниши кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ишлаши учун қулай шароитларни яратиш ва рақобат муҳитини ривожлантиришга хизмат қилади.

Ушбу Қонун турли хил норасмий бирлашмалар, хўжалик юритиш субъектлари томонидан рақобатга карши ҳаракатлар, тил бириктириш, шунингдек нарх белгилаш билан боғлиқ фитналарни аниқлаш ва олдини олишга ёрдам беради. Янги Қонуннинг киритилиши эркин тадбиркорлик фаолиятини ноҳалол рақобат ҳаракатларидан ҳимоя қилади. У олигополия бозорларида антимонопол назоратни таъминлайди.

Бугун ЯИМ таркибида нодавлат секторнинг улуши 80%дан ортиқни ташкил қилади. Давлат объектларини хусусийлаштириш бўйича амалга оширилган ислоҳот мавжуд 80 дан ортиқ қонуности актлари асосида босқичма-босқич амалга оширилди ва муваффақиятга эришди.

Хусусийлашган корхоналар миқёсларининг кенгайишига 2009-2014 йилларга мўлжалланган Ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик қайта таъминлаш бўйича муҳим лойиҳаларни амалга ошириш дастури янада кучли туртки бўлди.

Мамлакатнинг стратегик муҳим тармоқлари ва корхоналарида "олтин" акцияни ёки давлат назорат пакетини сақлаб қолган ҳолда, нодавлат сектор улушини янада ошириш ва иқтисодиётнинг муҳим тармоқларига хусусий сармоядорларни кенгроқ жалб қилиш зарур. Бу келажакда хусусийлаштирилган битимларнинг очиқ ва ошкоралигини, хусусийлаштириш жараёнида хусусий секторнинг иштирокини кенгайтиришни, шунингдек, барча тоифадаги салоҳиятли сармоядорларнинг хусусийлаштириш жараёнларига киришида тенг ҳуқуқлиликни таъминлашни тақозо этади.

Халқаро амалиёт тасдиқлашича, иқтисодиётнинг ички талабини рағбатлантириш ялпи ички талабнинг ошишига, бу эса, иқтисодиётнинг импорт ўрнини босадиган маҳсулотларини кўпайтириш имкониятларига олиб келади. Ички талабни рағбатлантириш ишлаб чиқаришнинг ички интеграцион ривожига шарт-шароит яратади, бу ЯИМнинг ўсишига олиб келади. Бу факт, айниқса, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида жуда муҳим ўрин тутади, бинобарин, бу вақтда экспортнинг хомашёга йўналтирилиши ҳамда жаҳон бозорининг хавф-хатарлари ва пинжикликларига ҳаддан зиёд боғлиқлиги валюта тушумларининг пасайишига, молиявий барқарорликнинг ёмонлашуви ва алоҳида мамлакатлар иқтисодиётининг нобарқарорлашувига сабаб бўладиган жиддий омилга айланади.

Ижтимоий-иқтисодий соҳада демократик бозор ислоҳотларини ва иқтисодиётни либераллаштиришни янада чуқурлаштириш якин истиқболга мўлжалланган бир қатор муҳим вазифаларни ўз ичига олади, уларни аҳоли истеъмол талабини ошириш, ижтимоий соҳа ва хизматлар секторини ривожлантириш, инфратузилмавий, транспорт ва коммуникацион объектларни ишга солиш бўйича лойиҳаларни жадал амалга ошириш, иш ҳақини мунтазам ошириб бориш ҳисобига бажарилади.

Ахборот технологиялари ва компьютер коммуникация тизимларининг барча соҳаларда қўлланиши ҳозирги давр талабларидан биридир. Мамлакатимизда жаҳон ахборот маконининг инфратузилмаси ва ахборот – компьютер тармоғига мос келувчи миллий тизимни яратиш — бошқарув, иқтисодиёт, фан ва таълим самарадорлигининг муҳим омили бўлиб ҳисобланади.

Маълумки, инсоният ахборотлаштириш соҳасида ҳақиқий инқилобий ўзгаришлар даврини бошидан кечирмоқда, бунинг натижасида эса умумжаҳон

6965

ахборотлашган ҳамжамияти шаклланмоқда. Бу ўзгаришлар асосини ахборотлаштириш, телекоммуникация ва компьютер технологиялари конвергенцияси негизида ахборотни узатиш, истеъмолчига етказиб беришнинг энг замонавий ва самарали воситалари яратилаётганлиги ташкил этади. Оқибатда XXI аср — ахборотлашган жамият асри деб эътироф этилди, яъни ахборотнинг тез ва сифатли айланишини таъминлаш мамлакат тараққиёти ва равнақининг бош мезонига айланмоқда.

Шу сабабли ҳам ахборот-коммуникация соҳасини жадал суратлар билан ривожлантириш Ўзбекистон иқтисодиётида амалга оширилаётган таркибий ўзгаришлар ҳамда иқтисодий ислоҳотларнинг бош йўналишларидан бири ҳисобланади. Чунки бу йўналиш нафақат республикани ахборотлашган жамиятга айлантириш учун хизмат қилади, балки ахборот-коммуникациялар ривожининг ҳозирги даврдаги асосий мазмуни шундаки, у мамлакат иқтисодиётини ривожланган давлатлар даражасига кўтаришда ўзига хос етакчи тармоқ ролини ўйнайди. Мамлакат мустақиллигининг дастлабки йилларидаёқ Республика Президенти И.Каримов "Биз яқин йиллар давомида алоқа ва телекоммуникация ривожи бўйича жаҳон стандартлари даражасига кўтарилишимиз лозим. Ривожланган коммуникация тизими бўлмаса Ўзбекистоннинг келажаги бўлмайди. Биз буни аниқ ҳис қилишимиз лозим" - деб ёзган эди. Соҳа ривожи мамлакат иқтисодий тараққиётининг энг устувор йўналишларидан эканлиги Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил якунларига бағишланган йиғилишида яъна бир бор таъкидлаб ўтилган. Ўзбекистонда ахборот-коммуникация технологияларини кенг қўллаш ҳамда "ахборотлашган жамият" сари жадал интилиш мақсадида амалий чоралар кўрилмоқда. Аммо, бу борада қилинган ишлардан кўра келгусида қилиниши керак бўлган ишлар кўлами жуда кенгдир. Жаҳонда ахборот-коммуникация соҳаси ривожи жуда тезлик билан рўй бераётганлиги сабабли бу борадаги ҳар қандай сусткашлик мамлакат тараққиётига ўта салбий таъсир этиши мумкин.

Келгусида ахборот-коммуникация тизими ривожини республика иқтисодий тараққиётининг бош йўналишларидан бирига айлантириш учун қуйидаги вазифаларни биринчи галда ҳал қилиш талаб этилади: Чунончи, соҳа ривожи учун қулай бўлган иқтисодий ҳамда ҳуқуқий муҳитни давр талабларига мос равишда шакллантириш, соҳада мулкий муносабатларни эркинлаштириш ва ахборот-коммуникация хизматлари бозори ривожини давлат томонидан қўллаб-қувватлашни кучайтириш, ахборот-коммуникация соҳасида фаолият кўрсатаётган фирма ва компаниялар фаолиятини рағбатлантириш механизмини шакллантириш, энг асосий, соҳасининг республикада шаклланаётган бозор муносабатлари талабларига жавоб бериладиган оқилона бошқарув тизимини яратиш ва бу йўналишда чуқур сифат ўзгаришларини амалга ошириш лозим. Булар ҳусусида китобнинг учинчи қисмида кенг баён қилинган.

Бозор иқтисодиёти шароитида замонавий корхонани бошқариш мураккаб жараён бўлиб, у молиявий турғунлик ва ижтимоий-иқтисодий ривожланишни таъминловчи стратегик масалаларини ечишни тақазо этади. Кейинги ўн йилликда янги сифат даражасига эришган ахборот технологиялари самарали бошқарув имкониятларини сезиларли даражада кенгайтирмоқда. Бунинг асосий омили ахборот технологиялари менеджер, маркетолог, молиячи ва ишлаб чиқаришнинг турли хил тоифадаги бошқарувчилари ихтиёрига қарор қабул қилиш учун зарур иқтисодий ахборотга ишлов бериш ва таҳлил этишнинг янги усулларини берди.

Бошқарувда ахборот технологиялари бошқариш объектининг иқтисодий параметрларини оптималлаштириш мақсадида тартибга солинмаган бирламчи маълумотларга қарор қабул қилиш учун керакли бўлган ишончли ва тезкор маълумотлар кўринишига келтиришда аппарат ва дастурий воситалар ёрдамида ишлов бериш усуллари мажмуасидир.

Иқтисодиёт ва бошқарувда ахборот технологиялари аппарат воситалар ва дастурий маҳсулотларга асосланган дир. Аппарат воситалари таянч технологияларга кириб, улардан инсон фаолиятининг исталган жабҳасида фойдаланиш мумкин.

Дастурий воситалар турли кўринишда бўлиб, улардан тизимли дастурлар синфига кирувчилари (операцион тизимлар, қобиқ дастурлар, коммуникацион дастурлар, антивирус дастурлари ва ҳ.к.) бошқарув фаолияти нуқтаи назаридан таянч технологиялар ҳисобланади.

Ахборотларга функционал ишлов берувчи дастурларга матн муҳаррирлари, электрон жадваллар, маълумотлар базасини бошқариш тизимлари, тарқоқ ахборотга ишлов берувчи дастурлар, интеграллашган офис дастурларни ва шу кабиларни киритиш мумкин бўлиб, улар таянч технологиялардан фарқли ҳисобланади.

Бошқарув қарорларини қўллаб қувватловчи дастурий воситалар муаммоли йўналтирилган бўлиб, уларга молия ва мухосиблик дастурлар пакети, режалаштириш ва корхона фаолиятини башорат қилувчи дастурлар киради.

Таянч ва муаммоли йўналтирилган дастурий маҳсулотлар ўзаро муносабатда бўлиб, ахборот тизимини ташкил этади. Бу тизим фирма ёки корхона бошқарувида фаолият кўрсатиши мумкин.

Иқтисодий ва бошқарув ахборот технологияларини қўллаш исталган корхона учун сезиларли даражада фойда келтириши билан бирга катта харажатларни ҳам юзага келтириши мумкин. Шунинг учун ахборот технологияларининг иқтисодий самарасини ошириш масаласи ўта муҳим ҳисобланади.

Ахборот тизимларини лойиҳалаш ва эксплуатация қилиш қуйидаги воситалар билан таъминланади: компьютер дастурлари, ахборот ресурсларини жойлаштириш ва уларга шахсий компьютерларда ишлов берувчи ҳисоблаш техникаси, алоқа воситалари, локал, регионал ва глобал тармоқ, лингвистик воситалар, ҳуқуқий-норматив ва ташкилий ҳужжатлар.

Ахборот тизимлари, тармоқлари, технологиялари ва уларнинг таъминотлари иқтисодий фаолиятнинг махсус тармоғини ташкил этади. Бу тармоқнинг ривожланиши ахборотлаштиришнинг давлат даражасида илмий-техник ва ишлаб чиқариш сиёсати билан аниқланади.

Ахборот технологиялари бошқа технологияларнинг (масалан, ишлаб чиқариш, ташкилий, ижтимоий) функционал компонентлари бўлиб, уларнинг интеллектуал ядроси ҳисобланади. Ахборот технологияларини қўллаш бу технологияларнинг самарасини оширади, бошқа кўринишдаги ресурсларни иқтисод қилади.

Ҳозирги вақтда маълумотларни ҳимоялаш воситалари ва технологияларининг жадал ривожланиб боришига қарамасдан ахборот хавфсизлиги муаммосининг кескинлашиб бораётгани ушбу муаммони фундаментал тадқиқ этишни тақозо қилмоқда. Ахборот хавфсизлиги борасидаги мислсиз бузилишлар ва бунинг оғир оқибатлари бундан далолат беради. Дунёда ахборот тизимлари бузилиши ва буни оқибатида ахборотни ноқонуний тарқалишининг умумий сони йилига 100 фоиздан кўпроққа ортиб бормоқда. Статистикага кўра, фақат компьютер ахбороти соҳасининг ўзида бу ҳол йилига ўртача 3-4 баробарга ўсмоқда. Статистиканинг далолат беришича, агар тижорат ташкилотларининг ички муҳим ахборотидан 20 фоизидан кўпроғи ташқарига чиқиб кетадиган бўлса, 100 дан 60 ҳолатда бундай ташкилот инқирозга учрайди[1]. 10 кун муддатга ўз ахборотларини олиш имкониятидан маҳрум бўлган компанияларнинг 93 фоизи бизнесни тарк этади, бунда уларнинг ярми ўзининг ночорлигини дарҳол тан оладилар[2].

Юртбошимиз таъкидлаганларидек: «Ҳозирги ахборот, коммуникация ва компьютер асрида, интернет кундан-кунга ҳаётимизнинг барча жабҳаларига тобора чуқур ва кенг кириб бораётган бир айни пайтда ушбу масалалар жамиятимиз учун долзарб ва устувордир»[3].

Ахборот хавфсизлиги таҳдиди, бузғунчиликлар, жиноятлар рўйхати шу кадар каттаки, бу улар билан боғлиқ хавф эҳтимолларини баҳолаш мақсадида махсус тадқиқотни ва илмий асосланган тизимлаштиришни ҳамда уларни бартараф этиш тадбирларини ишлаб чиқишни талаб қилади.

Тадқиқотлар шундан далолат берадики, корхоналарнинг ахборот муҳофазаси соҳасидаги асосий муаммоси ахборот хавфсизлигини таъминловчи ташкилий, техник, иқтисодий қарорларга асосланган ва таҳлил этилган сиёсатининг йўқлиги ҳисобланади.

Юқоридаги ҳолатлар корхонанинг ахборот хавфсизлигини таъминлашнинг ўзбек ва хориж корхоналарининг бу соҳадаги ижобий амалий тажрибалари ҳисобга олинган илмий асосланган усул ва услубиётларини ишлаб чиқишни тақозо қилади.

[1] Баутов А. Эффективность защиты информации/М.: Ж «Открытые системы», 2003, 7-8 сонлар.
[2] Езлаков А. Макарова О. Как защитить информацию?. М.: Ж «Сети», 2007, № 8.
[3] Каримов И.А. «Янги ҳаётни эскича қараш ва ёндошувлар билан қуриб бўлмайди» Т.: «Ўзбекистон», 2005.

Корхоналарнинг ахборот хавфсизлиги муаммолари А.Н.Арипов, Р.И. Исаев, Т.К.Иминов, М.М.Махмудов, Х.П. Хасанов, М.М. Каримов, З.Т. Адиловна, Ш. Саидахмедов каби мамлакатимиздаги кўплаб маҳаллий олим ва мутахассислар, шунингдек, Р. Уитти, А.М. Уилхайт, С.Норкатт, Ж. Брассар, В.и. Коржик, А.Ю. Красов сингари ва бошқа чет эллик муаллифлар ишларида тадқиқ этилган.

Шу билан бирга юқорида қайд этилган тадқиқот ишлари ахборот хавфсизлигини таъминлашнинг айрим жиҳатларига тааллуқли бўлиб, айни пайтда ушбу муаммони комплекс тарзда ечиш учун янада замонавий ва мувофиқ услубларни ишлаб чиқиш талаб қилинади. Буларнинг барчаси аниқ мақсад ва вазифалар белгилаб олинган илмий тадқиқотлар олиб боришни талаб этади.

Замонавий корхоналарнинг ахборот камайтиришга имкон берадиган ахборот хавфсизлигини таъминлаш услубларини ишлаб чиқиш ўз ечимини кутаётган аниқ вазифалардир. Шунинг учун мазкур илмий ишда корхоналар ахборот хавфсизлиги тизими объект сифатида танланди.

Корхонанинг ахборот рискларини камайтиришга ва ахборот муҳофазаси учун харажатларини оптималлаштиришга йўналтирилган ахборот хавфсизлигини таъминлашнинг иқтисодий услублари эса тадқиқотларнинг предмети ҳисобланади. Хорижий ва мамлакатимиздаги мутахассисларнинг иқтисодий хавфсизлик, инвестициялар, бюджетлаштириш, статистика, хавф эҳтимоли назарияси, бошқарув ва иқтисодий жараёнларни ахборотлаштириш соҳаларига оид ишлари тадқиқотнинг методологик ва назарий асосини ташкил қилади.

Тадқиқот устида ишлаш жараёнида ахборот муҳофазасини тартибга соладиган Республика Қонунлари, қонунчилик ҳужжатлари ва меъёрий ҳужжатлар, ЎзР Президенти Фармонлари ва Фармойишлари, Ҳукумат қарорлари мазмунини акс эттирган маълумотлардан, ахборот хавфсизлиги бўйича халқаро андозалардан фойдаланилди. Тадқиқотнинг назарий аҳамияти риск-таҳлил концепциясига асосланган ҳолда корхоналарда ахборот хавфсизлиги тизимини ишлаб чиқиш методологиясини ривожлантиришдан иборат. Тадқиқотнинг амалий аҳамияти эса, унинг илмий натижалари ахборот пасайтиришга каратилган ахборот хавфсизлиги тизимини шакллантиришда таклиф қилинган услублар, алгоритмлар ва амалий тадбирлардан фойдаланиш орқали корхоналарда ахборот муҳофазаси даражасини оширишга имкон беришлиги билан ифодаланади.

Бозор иқтисодиёти шароитида ташқи муҳитнинг динамик ўзгаришида саноат корхонаси фаолиятининг самарадорлигини ошириш билан боғлиқ бўлган масалалар ўзига хос аҳамият ва долзарбликка эгадир. Ахборот технологияларининг ривожланиши корхонани бошқаришнинг самарадорлигини ошириш имкониятларини сезиларли даражада кенгайтиради, аммо улардан тўғри фойдаланмаслик самарадорликни пасайтириб юборади, юртбошимиз таъкидла-

ганларидек "..сиёсий модернизация жараёнларида тобора муҳим аҳамият касб этиб бораётган замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан давлат ва жамият қурилиши тизимида кенг фойдаланиш лозим"[1].

Маҳаллий ва хорижий бизнес таҳлилчиларнинг изланиши шуни кўрсатадики, саноат корхонасини информацион бошқаришнинг бозор иқтисодиёти ва компьютер технологияларининг замонавий ҳолатига муносиб методология мавжуд эмаслиги нафақат тараққиётга халақит беради, балки бозорда корхона эгаллаб турган мавқенинг йўқотилишига ҳам сабаб бўлиши мумкин.

Ҳар қандай саноат корхонасида техник, бошқарув, маъмурий ва иқтисодий турларга бўлинадиган ахборот айланади. Техник ахборот техник ҳужжатларда мавжуд бўлади, бошқарув ахбороти режали ҳужжатлаштириш кўринишида, иқтисодий ахборот молиявий-бюджет ва таҳлилий ҳужжатларда, маъмурий ахборот буйруқлар, фармойишлар кўринишида бўлади. Корхонанинг 80 фоиз ҳужжатлари 20 фоиз бошқарув бўлинмалари ичида ҳаракатланади. Корхона инфратузилмаси ва бошқарув тизимларини шакллантиришнинг турли жиҳатларига бағишланган маҳаллий ва хорижий адабиётларни, шу жумладан, ахборот тизимлари ва уларни татбиқ қилиш масалаларини таҳлил қилиш бошқарувда ахборот тизимларини ва уларнинг тузилмаларини шакллантириш услуби ва назариясининг тадқиқ қилиш лозим бўлган йўналишларини аниқлашга имкон беради.

Амалий жорий қилиш учун электрон ҳужжат айланишини бошқаришнинг автоматлаштирилган тизимларини татбиқ қилиш ва яратиш услуби зарурдир. Бу эса, бир томондан, маҳаллий ва хорижий мутахассисларнинг мавжуд материалларини — уларни хўжаликни замонавий бошқариш шароитларига мослаштирган ҳолда ҳисобга олган бўлар эди.

Юқоридаги ҳолатлар ҳужжатларни электрон айланиш тизимларини яратиш ва жорий этиш билан бирга, танланган мавзунинг долзарблигини белгилайди.

Бироқ мамлакатимиз саноат корхоналарида электрон ҳужжат алмашинуви масалалари комплекс тарзда деярли тадқиқ этилмаган, айни пайтда ушбу муаммони мамлакатимиз мисолида комплекс тарзда ечиш учун замонавий усул ва услублар ишлаб чиқилмаган. Буларнинг барчаси аниқ мақсад ва вазифалар белгилаб олинган илмий тадқиқотлар олиб боришни талаб этади.

Дарсликда мамлакатимизда фаолият юритаётган корхоналар ва улардаги мавжуд электрон ҳужжат айланиши тизимлари олинди, предмети сифатида эса корхоналарда электрон ҳужжат айланишини жорий этишнинг иқтисодий самарадорлиги масалалари олинди.

---

[1] И.А.Каримов. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузаси). «Халқ сўзи» г. №220. 13 ноябрь 2010 й.

Дарсликнинг амалий аҳамияти эса, унинг илмий натижалари корхоналарда электрон ҳужжат айланиши тизимларини иқтисодий жиҳатдан самарали ташкил этишда таклиф қилинган услублар, усуллар ва амалий тадбирлардан фойдаланиш орқали корхоналарда электрон ҳужжат айланиши тизими самарадорлигини оширишга имкон беришлигидадир. Шунингдек, мазкур дарслик материалларидан «Иқтисодиётда ахборот технологиялари», "Корхоналар иқтисодиёти", "Электрон ҳужжат айланиш тизимларини ташкил этиш", «Риск менежменти», «Корхоналарни бошқариш», «Ишлаб чиқаришни ташкил этиш» курсларини ўқитишда фойдаланиш мумкин.

Қисқача қилиб айтганда, жамият тараққиёти жараёнини жадаллаштиришда ахборот технологияларининг роли беқиёсдир.

Китобнинг турли бобларида келтирилган ёрдамчи кўргазмали материаллар (расмлар, чизмалар ва жадваллар) китобдан фойдаланувчиларга мутолаа давомида ҳосил қилинган билимларни тизимлаштиришга, масалаларнинг туб моҳиятини англаб олишга, турли хил материаллар ўртасидаги ички алоқадорликларни кўришга имконият яратиб беради.

Китобнинг якуний қисмида асосий таянч тушунчаларнинг қисқача изоҳлари ҳамда олинган билимларни янада кенгайтириш учун тавсия этиладиган махсус адабиётлар рўйхати келтирилган. Ўйлаймизки, бу ҳол китобхонларга мақбул бўлади.

Китоб нафақат олий таълим тизимида таҳсил олувчи талабаларга, академиянинг тингловчиларига, аспирантларга, балки амалиётчи мутахассисларга, олий таълим тизимида ишлайдиган профессор-ўқитувчиларга ҳам фойдали бўлиши мумкин.

Корпоратив бошқарув мамлакат рақобатбардошлигининг асоси ва иқтисодий ҳамда ижтимоий тараққиётнинг муҳим омили бўлиб, уни тадқиқ этиш масаласи бугунги куннинг энг долзарб масалаларидан бири ҳисобланади. Мазкур дарсликда корпоратив бошқарувнинг энг асосий жиҳатлари ўрганилган ва китобга киритилган.

I. БЎЛИМ
ИНҚИРОЗГА ҚАРШИ БОШҚАРУВ

1.1. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг моҳияти ва юзага келиш сабаблари

Иқтисодиётда мунтазам равишда инқирозларнинг юзага келиши, уларнинг ортидан эса иқтисодий ўсиш даврининг ўрин алмашиниши классик мувозанат модели қоидаларининг амалиётда тўлиқ ўз тасдиғини топмаганлигини кўрсатди. Тадқиқотлар кўрсатишича, бозор иқтисодиётининг ривожланиши тўғри чизиқли эмас, балки тўлқинсимон характер касб этади. Бунда тўлқинсимон ҳаракатнинг мунтазам юз бериши кузатилади ва у циклик тўлқинлар деб аталади. Иқтисодий цикл талаб ва таклиф номувофиқлигининг турли шаклларида юзага келувчи бозор конъюнктурасининг кўтарилиши ва тушиши ҳолатларини тавсифлайди.

2008 йилги жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шуни кўрсатдики, молиявий сектордаги танглик, молия тизими иқтисодиётнинг муҳим таркибий қисми бўлгани боис, аста-секин иқтисодиётнинг реал секторига ҳам ўз салбий таъсирини ўтказиши ва таъбир жоиз бўлса, том маънодаги иқтисодий инқирозга ҳам айланиб кетиши мумкин экан.

Маълумки, молиявий инқироз тизимли равишда молия бозорлари, молия сектори муассасалари, пул муомаласи ва кредит, халқаро молия, давлат, муниципиал ва корпоратив молияни қамраб олувчи инқироз бўлиб, мамлакатдаги иқтисодий фаоллик ва аҳолининг турмуш тарзи даражасига салбий таъсир кўрасатади.

Унинг молия сектори ва молия бозорларида юзага келиши фоиз ставкасининг ошиши, банк ва нобанк муассасалар тўлов қобилиятининг пасайиши, муаммоли активлар салмоғининг ортиши, иқтисодиёт ва уй хўжаликларига бериладиган кредитлар ҳажмининг қисқариши, банкротликнинг занжирли боғланиш касб этиши, қимматли қоғозлар баҳоларининг кенг кўламли пасайиши, тўлов тизимининг таназзулга учраши, нотўловлар ҳажмининг ортиши, ҳосилавий қимматли қоғозлар бозорида йирик ҳажмдаги зарарларнинг юзага келиши, молия бозори ва молия муассасалари ликвидлилигининг тушиб кетиши, домино эффекти орқали эса, банк саросимасининг вужудга келиши каби оқибатларга олиб келади.

Халқаро молия соҳасида молиявий инқирознинг юз бериши миллий валюта алмашув курсининг тартибга солиб бўлмас даражада пасайиши, мамлакатдан капиталнинг кенг кўламда чиқиб кетиши, давлат ва тижорат ташкилотлари ташқи қарзи ва улар бўйича муддати ўтган қарздорлик ҳажмининг ортиши,

тизимли рискнинг халқаро бозорлар ва бошқа давлатлар молия бозорларига кўчишига сабаб бўлади.

Пул муомаласи соҳасида молиявий инқироз баҳоларнинг кескин тарзда кўтарилиши ва унинг сурункали инфляцияга айланиши, миллий валютадан қочиш ва мамлакат ичкарисида хорижий резерв валюталардан фойдаланиш кўламининг ортишига ("долларлашув" жараёни ва "доллар фетишизми"нинг ортиши) каби салбий оқибатларга олиб келади.

Шунингдек, молиявий инқироз давлат молияси соҳасида мамлакат олтин-валюта захиралари ва давлат барқарорлаштириш фондлари маблағлари ҳажмининг кексин камайиши, давлат бюджети дефицитининг пайдо бўлиши ёки дефицит ҳажмининг сезиларли даражада ортиши, солиқлар йиғилувчанлигининг пасайиши, давлат ички қарзининг ортишига сабаб бўлади.

Молия бозорининг бир сегментида юзага келган тизимли рисклар (хусусий ҳолдаги инқироз) унинг бошқа сегментларига тарқалар экан, тизимли риск механизми орқали бутун молия-кредит тизимини таназзулга бошлайди.

Хусусий ҳолдаги инқирозларга қуйидагилар тааллуқлидир:

– *қимматли қоғозлар бозоридаги инқироз* – қимматли қоғозлар баҳосининг кескин пасайиши, бозор ликвидлилигининг тушиб кетиши, фоиз ставкаларининг бирданига ошиши билан юз бериб, инқироз жараёнларининг янада чуқурлашувига ва кенг кўламдаги молиявий инқирозга айланишига замин яратади. Ушбу инқироз "совун кўпиклари", қимматли қоғозлар баҳосининг ўсиши ёки пасайишига қаратилган спекулятив ўйинлар билан боғлиқ бўлиши мумкин. Бундай турдаги инқирозлар одатда базавий ва ҳосилавий (деривативлар) молия инструментлари бозорларига параллель равишда амалга оширилган спукелятив ҳужумлар натижасида юзага келади;

– *қарз-мажбуриятлар билан боғлиқ инқирозлар* – молиявий инқирозларнинг дастлабки сабабларидан бири бўлиб, йирик қарз олувчилар гуруҳи, хусусан давлат (агар халқаро қарз инқирози бўлса) ёки йирик тижорат ва инвестиция банклари олган қарзлари бўйича тўловларни амалга ошириш имкониятига эга бўлмай қолади ва уларни дефолтга етакловчи йирик миқдордаги зарарлар шаклланади. Йирик халқаро қарздорлик инқирози XX асрнинг 80-йилларида юз берган бўлиб, қатор ривожланаётган давлатлар юқори даромадли саноат давлатларидан жалб қилган қарзлари бўйича тўловларни амалга ошира олмай қолган эди;

– *валюта инқирозлари,* молия бозорининг бошқа сегментларида инқироз ҳолатларининг кўпайишини таъминлаб, бир валютанинг бошқа валютага нисбатан алмашув курсининг кескин ўзгариши халқаро молия ва ички иқтисодиётдаги иқтисодий манфаатлар тизимининг сезиларли даражада қайта тузилишига, тўлов баланси муаммоларининг юзага келишига олиб келади;

– *банк инқирозлари,* домино эффектига асосланган банк сектори инқирозлари бўлиб, қатор банкларда муаммоли активларнинг жамланиши ва

улар тўлов қобилиятининг пасайиб кетиши банк саросимасига, омонатларнинг кенг кўламда банк тизимидан қайтариб олинишига, банклараро кредитларнинг ҳажмининг кескин камайишига сабаб бўлади ва банкларга бўлган ишончнинг пасайиши замирида банклар томонидан тўловлар ҳажмининг қисқаришига ва натижада тўлов тизими ва молия бозори таназзулига олиб келади;

– *ликвидлилик инқирози,* ликвидлилик рискининг ортиши, молиявий ҳолатнинг ёмонлашуви билан боғлиқ тарзда тўловларни амалга ошириш имкониятининг қисқа вақт ичида йўқолишини англатиб, макроиқтисодий даражада тўлов тизимидаги танглик, уни асосини ташкил этувчи банкларда ликвидлиликнинг кескин пасайиши, халқ хўжалигидаги ҳисоб-китоблар узлуксизлигини таъминлаш учун иқтисодиётда пул маблағларининг сезиларли даражада етишмаслигидир.

Юқорида келтирилган хусусий инқирозларнинг ҳар бири молия бозорининг бир сегментидаги инқирозли ҳолатни кенг қамровли молиявий инқирозга айлантирувчи механизм бўлиб хизмат қилиши мумкин. Бинобарин, валюта инқирозлари банк инқирозларини келтириб чиқариши мумкин. Валюта курсининг қатъий белгиланган режимида валюта захираларининг сезиларли даражада камайиши Марказий банкни пул массасини қисқартиришга, хусусан пул агрегатларини камайтиришга ундаши ва бу, ўз навбатида, банк инқирозларига олиб келиши мумкин. Айни пайтда банк инқирозлари валюта инқирозларига ҳам сабаб бўлиши мумкин. Агар инвесторларнинг банк инқирозидан қутилиб бўлмасликка ишончи комил бўлса, у ҳолда улар миллий валютадаги активларини хорижий валютадаги активларга алмаштириш орқали ўз портфелларини қайта кўриб чиқишлари мумкин. Агар Марказий банк муаммолар домида қолган банкларни қўллаб-қувватлаш учун банк тизимига қўшимча ликвидлиликни тақдим этса, ушбу қўшимча пуллар валюта спекуляциясини рағбатлантириши ва валюта захираларига кучли босим ўтказиши мумкин[1].

Шу билан бирга, фонд бозоридаги спекулятив кўпиклар банк секторига нисбатан сезиларли даражада салбий таъсирни юзага келтириши мумкин. Чунки гаров таъминоти сифатида олинган қимматли қоғозлар баҳосининг пасайиши инқирозни янада чуқурлашувига сабаб бўлади. Қарздорнинг банк олдидаги мажбуриятларини бажара олмаслиги натижасида, мазкур қимматли қоғозларни фонд бозорида сотиш зарурати туғилса, бу, ўз навбатида, қимматли қоғозлар таклифининг кўпайиши ва шунинг асосида улар баҳосининг янада пасайишига олиб келади. Пировард натижада банкларнинг балансида йирик миқдордаги зарарлар ва унинг орқасидан ликвидлилик муаммолари авж олади.

Молиявий инқироз одатда бозор иқтисодиёти қарор топаётган давлатларда (emerging markets) қуйидаги параметрлар билан тавсифланади:

[1]Kawai Masahiro, Newfarmer Richard, Schmukler Sergio. Crisis and Contagion in East Asia: Nine Lessons. - World Bank, 2003. - P.3

– акциялар бозори капиталлашувининг 20 % дан ортиққа пасайиши;

– облигациялар ҳажмининг бозор қиймати бўйича ички ва ташқи бозорларда 15 %дан ортиққа қисқариши;

– бозор фоиз ставкасининг 20 % дан ортиққа ошиши;

– йиллик инфляция суръатининг 20 % дан ортиққа ўсиши;

– хорижга чиқиб кетадиган капитал миқдорининг 30 % дан ортиққа кўпайиши;

– миллий валюта алмашув курсининг 15 % дан ортиққа пасайиши;

– Марказий банк олтин-валюта захираларининг 20 % дан ортиққа камайиши;

– банк сектори депозит базасининг 10 % дан ортиққа камайиши;

– ички кредитлар ҳажмининг 10 % дан ортиққа қисқариши.

Ҳозирги глобал молиявий-иқтисодий инқирознинг келиб чиқиш сабаблари борасида иқтисодчи олимлар, экспертлар, сиёсат арбобларининг қарашларида турлича ёндашувлар кўзга ташланади. Айримлар мазкур инқирозда АҚШ ҳукумати фаолиятини айблаш билан чекланса, қолганлар инқироз сабабларини олтин стандартидан воз кечиш, Алан Гринспэннинг АҚШ Федерал захира тизими бошқарувидаги номувофиқ пул-кредит сиёсати ва бозор иқтисодиёти тизимининг камчилиги кабилардан қидирмоқда.

Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг "Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари" номли асаридаги қуйидаги фикрларини келтириш ўринлидир: "Ҳеч кимга сир эмаски, бугун кенг кўламда тарқалиб бораётган жаҳон молиявий инқирозининг асосий сабабларидан бири – бу банклар ликвидлиги, яъни тўлов қобилиятининг заифлиги билан боғлиқ муаммонинг кескинлашуви, кредит бозоридаги танглик, содда қилиб айтганда, пул маблағларининг етишмаслиги билан изоҳланади.[1]"

Дарҳақиқат, халқаро банк ликвидлилиги муаммоларининг кескинлашуви АҚШ ипотека кредитлари бозоридаги тангликни бутун молия секторига тарқалишига, сўнгра иқтисодиётнинг реал секторига таъсир этиш орқали иқтисодий инқирозга айланишига сабаб бўлди.

Фикримизча, ушбу инқирознинг илдизларини АҚШнинг йирик миқдордаги жорий операциялар дефицити (10 йил мобайнида ЯИМнинг 5 фоизи атрофида) ва керагидан ортиқ ташқи қарздорлик; ортиқча ликвидлилик ва кредитларни юзага келтирган паст фоиз ставкалари; паст даромадли аҳолига ипотека кредитларини бериш кўламини оширишга нисбатан АҚШ ҳукумати томонидан ўтказилган босим; нобанк молия ташкилотлари устидан етарлича назоратни амалга оширилмаганлиги кабилардан излаш мақсадга мувофиқ саналади.

[1]Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари / И.А. Каримов. – Т.: Ўзбекистон, 2009.-8 б.

XXI асрнинг бошларидан ҳозирги кунга қадар АҚШда жамғармаларнинг паст даражада қолиши ортиқча жорий операциялар дефицитини юзага келишига олиб келди. Бу дефицит АҚШ ҳукумати, корпорациялари ва уй хўжаликлари томонидан жалб қилинган қарз маблағлари ҳисобидан молиялаштирилди. Аксарият ҳолларда қарз маблағлари Осиё давлатларидан жалб этилди, хусусан, Хитой 1 трлн. АҚШ доллари миқдоридаги АҚШ қимматли қоғозларига инвестиция киритган. Бу эса, ўз навбатида, АҚШ ташқи қарзининг ошиб кетишига сабаб бўлди. Айни пайтда АҚШ фуқаролари, корпорациялари ва давлат қарзи ЯИМнинг қарийб 300 фоизини ташкил этади.

2002 йилдан бошлаб, дот-ком инқирозига (dot-com crisis) жавобан АҚШ ФЗТ инвестициялар ва иқтисодий ўсишни рағбатлантириш мақсадида "юмшоқ" пул-кредит сиёсатини амалга оширди ва фоиз ставкаларини сезиларли даражада пасайтирди. Бу эса, ортиқча банк ликвидлилиги ва банкларнинг кредитлаш операциялари ҳажмининг ортишига олиб келди.

1999 йилда АҚШ ҳукумати давлат ҳомийлиги остидаги корхоналарга (Fannie Mae and Freddie Mac) босим ўтказади, яъни уларни ипотека кредитлари шартларини енгиллаштириш ва паст даромадли АҚШ фуқароларига бериладиган ипотека кредитлари ҳажмини оширишга чақиради. Бу ерда албатта Федерал уй-жой маъмурияти (Federal Housing Administartion), Ҳукумат миллий ипотека ассоциацияси (Government National Mortgage Association – Ginni Mae) ва Федерал уй-жой ва шаҳар тараққиёти Бошқармасининг (The department of Housing and Urban Development) ҳам ўз ўрни бор.

1996 йилда АҚШда Федерал уй-жой ва шаҳар тараққиёти Бошқармаси Fannie Mae ва Freddie Macга ипотекани молиялаштириш учун мақсадли мўлжал – таргетни белгилаб беради. Унга мувофиқ, Fannie Mae ва Freddie Mac томонидан молиялаштириладиган ипотека кредитларининг 42 фоизи ҳудуддаги ўртача даромаддан паст даромадли қарздорларга ажратилиши лозим эди. Бу мақсадли мўлжал 2000 йилда 50 фоизга, 2005 йилда эса, 52 фоизга оширилди. Бундан ташқари, 1996 йилда Федерал уй-жой ва шаҳар тараққиёти Бошқармаси Fannie Mae ва Freddie Mac томонидан харид қилинган барча ипотека кредитларининг 12 фоизи ҳудуддаги ўртача даромаднинг 60 фоизидан кам бўлган даромадга эга бўлган қарздорларга берилган кредитлар бўлишини талаб этарди. Мазкур кўрсаткич 2000 йилда 20 фоизга, 2005 йилда эса, 22 фоизга оширилди. 2008 йилга мўлжалланган мақсадли кўрсаткич 28 фоиз этиб белгиланган эди[1].

Қизиқарли жиҳати шундаки, капиталистик давлат намунаси бўлган АҚШда ҳам давлат социал мақсадларда ипотека кредитлари бозорига маъмурий тарзда аралашган ва бу охир-оқибатда сифатсиз кредитлар ҳажмининг ортишига сабаб бўлган.

1999 йилга келиб Глэсс-Стигел қонунининг бекор қилиниши АҚШ тижорат банкларига инвестиция банки функциясини бажариш имконини берди ва

[1]Schwartz A.J. Origins of Financial market Crisis of 2008 // www.federalreserve.com.

бу ўз навбатида рискли андеррайтинг, қимматли қоғозлар савдоси, бекарор кредит амалиётларининг ривожланишига олиб келди.

Хўш, Глэсс-Стигел қонуни қандай мақсадларни кўзлар эди?

Албатта, АҚШда мазкур қонуннинг қабул қилиниши Буюк Депрессия билан чамбарчас боғлиқ. 1930-33 йиллардаги банк инқирозларидан сўнг манфаатлар тўқнашуви низосини бартараф этиш, соғлом ва барқарор банк тизимини қўллаб-қувватлашга нисбатан сиёсий босим ортди. Бунга жавобан 1933 йилда АҚШ Конгресси томонидан Глэсс-Стигел деб номланувчи банк қонунини қабул қилинди. Бу қонунга мувофиқ, тижорат банклари фаолияти қимматли қоғозлар саноатидан ажратилди. Инвестиция банкларининг тижорат банк фаолияти билан шуғулланиши қонуний жиҳатдан тақиқлаб қўйилди. Шунингдек, тижорат банкларининг андеррайтинг фаолияти ҳамда корпоратив қимматли қогозлар билан шуғулланишига чек қўйилди.

Шундай қилиб банкларга маълум муддат вақт берилиб, уларга инвестицион банк фаолиятини давом эттириш ёки ундан воз кечишга имконият берилди. 1929-1933 йиллар мобайнида қарийб 200 та тижорат банки инвестицион-банк фаолиятидан воз кечди[1].

1999 йилга келиб молиявий модернизациялаш бўйича Грэмма-Лич-Блайли қонуни қабул қилингач, тижорат банкларига суғурта фаолияти ва қимматли қоғозлар билан шуғулланадиган шўъба корхоналарини очишга рухсат берилди. Ушбу қонун 2000 йилнинг март ойидан кучга кирган бўлиб, шу пайтдан бошлаб АҚШ тижорат банклари юридик мақоми "инвестицион-банк холдинг компанияси" (investment bank holding company) бўлгани ҳолда "универсал тижорат мажмуалари[2]"га айлана бошладилар. 2000 йилнинг май ойига келиб, АҚШда 270 та миллий банклар ва 17 та хорижий банк инвестицион-банк холдинг компанияси сифатида қайтадан ташкил этилди.

Ажабланарлиси шундаки, Буюк Депрессиядан сўнг қабул қилинган Глэсс-Стигел қонуни 1999 йилга келиб Клинтон маъмурияти даврида бекор қилинди ва 2008 йилдаги глобал молиявий инқирозга дебоча ясади.

АҚШ ипотека кредитлари бозоридаги инкирознинг бутун дунё молия бозорига шиддат билан ёйилишида молиявий глобаллашувнинг ҳам муҳим ўрни бор. Бинобарин, замонавий технологиялар (Свифт, интернет-банкинг) ва капиталлар ҳаракатининг эркинлаштирилиши боис, дунёда ҳақиқатан "ягона" банк тизими шаклланди. Натижада бир мамлакатдан бошқа мамлакатга кўчаётган қисқа муддатли капиталлар ҳажми савдо, реал сектордаги инновациялар учун талаб қилинадиган суммадан қарийб ўн баравардан зиёдга кўпайди. Айнан шунинг асосида молиявий инқирозларни мамлакатдан мамлакатга кўчириш механизми шаклланди.

[1]Shughart. W.F. A Public Choice Perspective of the Banking Act of 1933 / Cato Journal. 1988. vol. 7. No. 3. P. 606.

[2]Рубцов Б.Б. Мировые фондовые рынки: проблемы и тенденции развития: Дисс. ...док. эконом. наук. - М., 2000. - С. 179.

Халқаро фонд биржалари ассоциацияси тадқиқотлари кўрсатишича, миллий фонд биржаларида акциялари котировка қилинадиган хорижий корпорациялар сони ва ўз навбатида, уларнинг акциялари бўйича савдолар ҳажми 2007 йилнинг якунига келиб, 1995 йилга нисбатан 6,6 мартага ошган[1].

Бундан ташқари, халқаро кредитлар ва инвестициялар соҳасида глобаллашув жараёнларининг жадаллашуви кузатилган. Хусусан, юқори даромадли мамлакатларда қимматли қоғозлар бозори капиталлашувининг ўртача даражаси ЯИМга нисбатан қарийб 125%ни ташкил этгани ҳолда, банк сектори томонидан ажратилган ички кредитлар ЯИМнинг 220 фоизидан ошади[2].

Айни пайтда, АҚШ ва Европанинг қатор давлатларида мамлакат молия сектори жозибадорлигини ошириш мақсадида тартибга солиш билан боғлиқ миллий талаблар енгиллаштирилди ва бу охир-оқибат молия бозоридаги рискларнинг ҳаддан зиёд ошиб кетишига замин яратди. Натижада банклар ва молиявий конгломератлар фаолияти кўламининг кенгайиши шароитида миллий тартибга солиш органлари томонидан амалга ошириладиган чоралар, ички тартибга солувчи органлар етарлича ахборот ва кўникмаларга эга бўлиши, самарали назоратни қўллай олишига қарамасдан, аста-секин ўз моҳиятини йўқотмоқда[3].

Глобаллашув натижасида ривожланаётган давлатлар ўртасида ўзаро ва ривожланган саноат мамлакатлари молия бозорлари билан кучли боғлиқлик юзага келди. Биргина Россия мисолида 1995-2007 йиллар мобайнида Россия фонд бозори индекслари ва ривожланган мамлакатлар фонд бозори ўртасидаги корреляция коэффициенти 0,66ни, BRIC (Бразилия, Россия, Ҳиндистон, Хитой) бозори билан эса – 0,93ни; бозор иқтисодиёти қарор топаётган давлатлар бозори билан – 0,88ни; Европанинг ривожланаётган давлатлари бозорлари билан – 0,97ни ва жаҳон бозори билан 0,73ни ташкил этди.

Жаҳон фонд бозорлари капиталлашувининг қарийб 40 фоизи АҚШнинг ҳиссасига тўғри келмоқда[4], бу эса унинг жаҳон фонд бозоридаги етакчилигини ва ривожланаётган давлатлар фонд бозорларига таъсир даражасининг нақадар юқорилигини кўрсатади. Йигирмадан ортиқ ривожланган мамлакатлардан еттитасига (Буюк Британия, Германия, Италия, Канада, АҚШ, Франция, Япония) жаҳон фонд бозори капиталлашувининг қарийб 85 фоизи тўғри келмоқда, 83 тадан ортиқ ривожланаётган давлат фонд бозорининг жаҳон фонд бозори капиталлашувидаги салмоғи 5-7 фоиздан ошади холос. Ушбу номувофиқлик натижасида, ривожланган бозорлардаги пасайиш ривожланаётган давлатлар фонд бозорида инқироз ҳолатларининг авж олишига олиб келмоқда.

---

[1] www.world-exchanges.org маълумотлари.

[2] World Development Indicators, 2007; http:// devdata.worldbank.org/dataonline/.

[3] Prati A., Garry J. Financial stability in European economic and monetary union. International finance section/ 1999.

[4] Рубцов Б.Б. Современные фондовые рынки. – М.: Альпина Бизнес Букс, 2006. – С.51.

Айни пайтда молия муассасаларининг спекулятив манфаатлари жаҳон иқтисодиёти талабларини инобатга олмайди. Бошқача айтганда, трансмиллий банкларнинг спекулятив ресурслари нефть излаб топиш, технологияларни такомиллаштириш каби реал сектор мақсадларида эмас, балки индексларга бўлган виртуал ўйинлардан юқори даромад олишга йўналтирилмоқда.

Бундан ташқари, қатор иқтисодчилар глобал молиявий инқироз сабабларини жаҳон молиявий архитектурасидан, халқаро молия муассасалари фаолиятидаги камчиликлардан, қолаверса, жаҳон валюта тизимидан ҳам қидирмоқдалар. Уларнинг фикрича, амалдаги глобал молиявий архитектура барча дунё мамлакатларининг манфаатларига бирдек хизмат қилмайди. Хусусан, ХВФ, ЖБ, ЕТТБ, ЖСТ каби ташкилотлар доимо ҳам уларни ташкил этишда белгиланган принциплар ва шартларга риоя этишмаган, уставида белгиланган функцияларни рисоладагидек бажаришмаган, бунинг устига, муайян мамлакатлар манфаатлари учун ишлаш ҳолатлари ҳам кузатилган.

XX асрнинг 70 йилларига келиб, Бреттон-Вудс валюта тизими бекор қилингач, валюталар ҳосилалари (деривативлари) билан бирга ўзларининг олтин асосидан ва таъминотидан узилиб қолди. Монетаристик ғоялар (М.Фридмен ва б.) асосига қурилган Ямайка валюта тизими молия муассасаларига пулни босиш дастгоҳидан максимал даражада фойдаланиш, валюта деривативлари, электрон пулларни ташкил қилиш, сохта капитал ҳисобига йирик миқдордаги таъминланмаган қимматли қоғозларни жаҳон молия тизимига киритиш имконини берди. Натижада жаҳон молия тизимида қоғоз пирамидаси, "молиявий кўпик" шаклланди. Ўз-ўзидан молия сектори ва иқтисодиётнинг реал сектори ўртасидаги мувозанат бузилди, яъни узилиш юз берди. Жаҳон молия тизимида муомалада бўлган молиявий инструментларнинг умумий қиймати жаҳон ялпи ички маҳсулотидан 10 бараварга ошди.

2008 йилдаги глобал молиявий инқирознинг муҳим хусусиятларидан бири шундаки, у инновацион характерга эга. Яъни унинг келиб чиқишида мураккаб тузилмали инновацион молиявий маҳсулотларнинг ривожланиши ва уларни тартибга солишнинг самарали тизими шаклланмаганлиги муҳим роль ўйнаган.

Айникса банк секторида секьюритизациялаш жараёнларининг кўлами янада кенгайиб кетди. Айни пайтда бу амалиёт тижорат банкларига арзон ресурсларни жалб қилиш, кредит рискини трансформациялаш, ликвидлиликни бошқариш ва юқори фойда олиш каби имкониятларни берди.

2005-2007 йилларда молиявий кўпиклар тез суръатларда кўпая бошлади, кредит рискини трансформациялаш кўламлари ортди, хусусан, молиявий инновациялар ипотека кредитлари рискининг CDOs (Collateralised Debt Obligations – таъминланган қарз мажбуриятлари) деб аталмиш тузилмали маҳсулотлар ёрдамида бошқа бозор иштирокчиларига ўтказилишини таъминлади. Риск трансферининг бу янги шакли қатор афзалликларга эга бўлса-да,

ушбу молиявий инженеринг ўз навбатида янги рискларни ҳам юзага келтирди. Бу янги рискларни ўз вақтида пайқамаслик ва бошқармаслик молиявий инқирозни рағбатлантирган сабаблардан бирига айланди.

Яна бир муҳим масала — деривативларни, айниқса ипотека кредитларига асосланган қимматли қоғозларни (mortgage-backed securities – MBSs) баҳолаш билан боғлиқ эди. Ипотека кредитларига асосланган қимматли қогозлар таъминоти ипотека кредитлари жамланмаси (pool) бўлгани боис, бундай қимматли қоғозларнинг баҳоси кредит жамланмасидан келиб чиқиши кўзда тутилди. Бироқ жамланмадаги кредитлар турли ассортиментда бўлиб, сифат жиҳатидан бир-биридан фарқ қилар эди. Бу мураккаб масалани ҳал қилишда рейтинг агентликларига таянилди. Рейтинг агентликлари эса, мураккаб қимматли қоғозларга, унинг асосида ётган кредит жамланмасидаги кредитларни индивидуал тарзда ўрганмасдан туриб, рейтинг бердилар. Чунки мураккаб тузилмали инновацион молиявий маҳсулотларни баҳолаш бўйича рейтинг агентликларининг махсус методологияси йўқ эди. АҚШнинг энг катта иқтисодиётга эга эканлиги ва ликвидлилиги, резерв валютани эмиссия қилиши каби омиллар унинг холис рейтингга эга бўлмаган (аксарият ҳолларда ААА) ипотека қимматли қоғозларини харидоргир бўлиб кетишини таъминлади.

Ҳозирги жаҳон молиявий инқирози амалдаги институционал механизмнинг молиявий инновацияларнинг ривожланиш суръатларига мослаша олмаганлигини ҳам кўрсатди. Бошқача айтганда, глобал молиявий инқирознинг институционал омиллари сифатида қуйидагиларни алоҳида ажратиб кўрсатиш мумкин:

– *молиявий муассасалар:* риск ва ликвидлиликни бошқариш механизмининг заифлиги, молиявий муассасаларнинг бошқаруви ва кенгашлари томонидан рискни бошқаришга масъулият билан ёндашмаганликлари, рискни бошқариш моделларининг мураккаб молиявий маҳсулотларнинг хусусиятларини ўзида мужассамлаштирмаганлиги;

– *рейтинг агентликлари ва ташқи аудиторлар:* уларнинг моделлари ва баҳолаш методлари молиявий инновацияларга оид молиявий рискларни етарли даражада баҳолаш имкониятини бермади;

– *тартибга солувчи органлар:* молиявий барқарорлик даврларида молиявий инновацияларни самарали тартибга солиш қоидалари, меъёрлари ва мезонлари ишлаб чиқилмади, ипотека қимматли қоғозлари ва бошқа инновацион мураккаб тузилмали молиявий маҳсулотларни самарали мониторинг қилиш тизими шакллантирилмади.

Шунингдек, фикримизча, АҚШда уй-жой харид қилишга бўлган талабнинг кескин ошиши негизида ётган омилларни ҳам эътибордан четда қолдирмаслик лозим. Янги уй-жой харидорларини жалб этиш ва уй-жойга бўлган талабни рағбатлантириш мақсадида қатор банклар тўловга лаёқатсиз бўлган ха-

ридорларга ҳам ипотека кредитларини тақдим этишди. Бинобарин, уй-жой баҳосининг муттасил ошиши ва шунинг ҳисобига кредитларни қоплашга уларнинг ишончи комил эди.

2008 йилнинг охирларига келиб, барча ипотека кредитларининг қарийб 30 фоизини сабпрайм кредитлар ташкил этди. Бундан ташқари, ипотека кредитларини тақдим этувчи кредит муассасалари ўзларининг кредит бериш стандартларини соддалаштирдилар ва «NINJA» кредитларини йўлга қўйишди. «NINJA» (No Income, No Job or Assets) кредитлари "даромадсиз, ишсиз ёки активларсиз" мижозларга бериладиган кредитлардир. Ушбу кредитларни беришда мижоз даромадларининг тасдиқланиши ҳам талаб этилмайди, яъни мижоз даромадларини қанча кўрсатса, шундайлигича маълумот учун қабул қилинади.

Уй-жойга бўлган талабнинг ортиши уй баҳосининг кескин кўтарилишига сабаб бўлди. Уй хўжаликларининг қарзи 2000 йилнинг охиридаги 7,4 трлн. АҚШ долларидан 2008 йилнинг ўрталарига келиб 14, 5 трлн. АҚШ долларига ўсди. Мазкур ҳолатлар, ўз навбатида, уй-жой кредитлари, уй-жой курилиши ҳажмининг сезиларли даражада ошишига замин ҳозирлади.

АҚШ ипотека инқирозининг чуқур илдизларидан бири 2001-2007 йилларда ностандарт кредитлар ҳажмининг ўсиш тенденциясига эга бўлганлиги ҳисобланади. АҚШ ипотека муассасалари томонидан ажратилган юқори рискли ипотека кредитларини қуйидагича гуруҳлаш мумкин:

– биринчи гуруҳ (subprime): ёмон кредит тарихига эга бўлган қарз олувчиларга берилган кредитлар бўлиб барча ипотека кредитларининг 20 фоизини ташкил қилган, кредитларнинг ўзи эса, ипотека кредитининг анъанавий стандартларига мос келмайди (LTV 70% дан ошмайди, PTI 34% дан ошмайди, барча маълумотлар расмий тасдиқланган);

– иккинчи гуруҳ (Alt-A): даромадлари ҳужжат билан тасдиқланмаган, активларга эга бўлган қарз олувчиларга ажратилган кредитлардир (берилган ипотека кредитларининг 20%и), кредитларнинг ўзи ипотека кредитининг анъанавий стандартларига мос келмайди.

Бу ерда LTV – кредитнинг таъминоти етарлилигини баҳолаш коэффициенти бўлиб, қуйидагича аниқланади:

LTV = К/Г < 70-80%

К – кредит суммаси;

Г – гаровга қўйилган мол-мулк қиймати: кўчмас мулкнинг сотилган баҳоси ёки кўчмас мулкнинг мустақил баҳоловчилар томонидан баҳоланган қиймати.

PTI эса, уй-жой бўйича тўловларнинг қарз олувчи даромадларига нисбати коэффициенти бўлиб қуйидагича аниқланади:

PTI = УХ/Д < 30-35%

УХ – ойлик уй-жой харажатлари суммаси:

– кредит бўйича ойлик тўлов;

– мулк солиғи бўйича ойлик тўлов;

– кўчмас мулк ва қарз олувчи ҳаётини суғурталаш бўйича ойлик тўлов;

– бошқа уй-жой харажатлари (уйга тўловлар, коммунал хизматлар ва бошқ.).

Д – қарз олувчининг ойлик ялпи даромади (даромад солиғини чегириб ташлаган ҳолда):

– меҳнат ҳақи;

– мукофотлар, комиссион тўловлар;

– дивидендлар ва фоизлар;

– бошқа даромадлар (ижара тўловлари, пенсия тўловлари ва бошқ.).

Ностандарт кредитлар бозори муаммосининг илдизларини ўтган асрнинг 90-йиллари ўрталаридан излаш мақсадга мувофик. Чунки шу даврдан бошлаб ипотека кредитларини берувчилар (кредиторлар) қарз олувчиларга талабларни сусайтирдилар. Бундай кредитлар бўйича фоиз ставкалари бироз юқори бўлса-да, "ностандарт" қарз олувчиларнинг кредит олиш имкониятини оширишга хизмат қилди.

Ушбу кредитлар турли шакллари, хусусан олдиндан тўловларсиз кредитлар, имтиёзли даврга эга бўлган кредитлар (фақат фоиз тўловлари амалга оширилади) кенг тарқалди. Бу ҳолатлар пировардида қарз олувчиларнинг уй-жой сотиб олиш имкониятини оширди. АҚШда 2004 йилга келиб ўз уйига эга бўлганлар салмоғи 69 фоизга (тарихда илк бор) етди.

Ипотека кредитлари бўйича рискларнинг ҳаддан зиёд ортиб бориши, ўз навбатида, дефолтлар сонининг кўпайишига олиб келди. Ипотека кредитларининг сезиларли даражада юқори қисми Америка ипотека қимматли қоғозларини муомалага чиқариш орқали молиялаштирилганлиги боис, ностандарт кредитлар бўйича дефолтлар сонининг ортиши миллий ва халқаро молия бозоридаги инвесторларга салбий таъсир кўрсатди.

Дефолтлар сонининг ортиши оқибатида янги қурилган уйлар ва иккиламчи бозордаги уйлар сотуви қисқарди. Ностандарт кредит эгалари қийин ҳолатга тушиб қолди, яъни ипотека кредити бўйича қарздорлик ипотекага олинган уйнинг амалдаги баҳосидан ошиб кетди. 2007 йилнинг охирига келиб, ностандарт кредитлар бўйича қарз олувчиларнинг 17 фоизи ўзларининг кредитлари бўйича тўловларни тўхтатишга мажбур бўлишди.

АҚШ ипотека кредитлари бозори инструментларидан бири – бу ўзгарувчан ставкали ипотека кредитлари (Adjustable–Rate Mortgages – ARM) бўлиб, улар бўйича фоиз ставкаси қатъий белгиланмаган ҳолда, унинг ўзгариши қоидалари кредит шартномасида белгилаб қўйилади. Ўзгарувчан фоиз ставкали кредитлар ҳозирда янгилик эмас, анъанавий тарзда улар «LIBOR + маржа» кўринишида бўлади. Бироқ ностандарт кредитлар учун фоиз ставкаларининг ўзгариши қуйидаги график бўйича белгиланган: бир неча йил паст фоиз ставкалари, сўнгра эса, LIBORга боғланган ўзгарувчан фоиз ставкаси. Шунингдек, ўзгарувчан ставкали ипотека кредитлари бир ёки икки йилга жуда паст ставкаларда (teaser rate), кейин эса, бозор ставкасидан ҳам юқори ўзгарувчан ставкаларда ҳам тақдим этилди.

Бундан ташқари, Alt-A ипотека кредитлари (тасдиқланмаган ҳужжатлар асосида бериладиган кредитлар – no-doc кредитлари) биринчи синф қарз олувчиларига (уларнинг FICO кредит скоринги 600 ортиқ бўлган) ажратилган бўлиб, улардан кўп ҳужжатлар талаб этилмайди, бироқ вақт ўтиши билан маълум бўлдики, қарз олувчиларнинг барчаси ҳам биринчи синфга доир бўлиб чиқмади.

Alt-A ипотека кредитлари бозорида LTV коэффициентининг ўртача даражаси 2002 йилдаги 76 фоиздан 2006 йилга келиб 80 фоизга ошди. Ностандарт сабпрайм кредитлари бозорида эса, LTV коэффициенти 2002 йилда 80,7 фоиздан 2006 йилда 85,5 фоизга ошди.

Нью-Йорк Федерал захира банкининг тадқиқотлари кўрсатишича, 1999-2006 йилда берилган ностандарт ипотека кредитларининг ярмидан кўпи уй-жой сотиб олиш учун эмас, балки бошқа мақсадларда ишлатилган. Чунки қарз олувчилар ипотека кредитлари бўйича даромад солиғидан имтиёзларга эга бўлган, истеъмол кредитлари бўйича эса, имтиёзлар берилмаган. Бу ҳолат ипотека кредитларидан мақсадсиз фойдаланиш амалиётининг кенгайишига замин яратган.

Шундай қилиб, АҚШ ипотека инқирозининг умумий сабаблари сифатида қуйидагиларни келтириш мумкин:

– ностандарт кредитлар ҳажмининг ортиши;

– молиявий рецессия шароитида юқори рискли (ишончсиз) қарз олувчилар ўртасида кредитни қайтармаслик ҳолатлари сонининг ортиши;

– кўчмас мулкка инвестиция қилиш мақсадида олинган ипотека кредитлари ҳажмининг ўсиши;

– кўчмас мулк баҳосининг пасайиши ва ипотека кредитларининг гаров таъминотининг ёмонлашуви;

– кредиторлар томонидан ностандарт кредитларга бўлган ўсаётган талабни қондириш мақсадида қисқа муддатли юқори даромадли ипотека қимматли қоғозларини муомалага чиқариш орқали молиявий ресурсларни шакллантирилиши;

– Fannie Mae ва Freddie Mac ностандарт кредитлар бозорини рағбатлантиришдаги фаоллиги;

– ностандарт ипотека қимматли қоғозлари жозибадорлигининг пасайиши;

– рейтинг агентликлари томонидан ностандарт кредитлар рискини паст баҳоланиши ва бундай кредитлар билан таъминланган қимматли қоғозларга юқори рейтинг берилиши.

Умуман олганда, АҚШдаги молиявий инқироз ички экспансион сиёсат ва халқаро эркинлаштириш, шунингдек, тартибга солинмаган мураккаб деривератив қимматли қоғозлар, тузилмали инвестиция воситалари каби молиявий инновациялардан рағбат олган ҳолда шаклланди.

1.2. Ривожланган ва ривожланаётган давлатларда инқирозга қарши чораларнинг устувор йўналишлари

АҚШдаги инқироз дастлаб истеъмол ва ипотека кредити соҳаларида юзага келди. АҚШнинг ипотека агентликлари Freddie Mac ва Fannie Mae биринчилардан бўлиб, катта миқдорда зарар кўрганликларини (мос равишда 50 млрд. ва 59 млрд. АҚШ доллари миқдорида) эълон қилишди. Ваҳоланки, улар ҳиссасига ипотека бозори айланмасининг 44 фоизи (5,3 трлн. АҚШ доллари) тўғри келар эди. Инвестиция банклари ҳам катта талофат кўрди. Bear Stearns йирик банк бўлмиш JP Morgan Chaseга сотилган бўлса, 158 йиллик тарихга эга бўлган инвестиция банки Lehman Brothers 613 млрд. қарз жамлаган ҳолда банкротликка юз тутди. Йирик инвестиция банкларидан бири Merril Lynch тижорат банки – Bank of Americaга бозор баҳосининг 70 фоизига сотилди.

Morgan Stanleyнинг акциялари биргина 8 та савдо сессияларида биржа қийматининг 49 фоизини йўқотган бўлса, бу кўрсаткич Goldman Sachsда 51 фоизни ташкил этди. Натижада Уолл-стритда фақатгина иккита мустақил инвестиция банки қолди. Йирик суғурта компанияси American International Group ҳақиқатда миллийлаштирилди[1]. Кейинчалик инқироз АҚШнинг йирик молиявий муассасалари Citigroup, Bank of America, JP Morgan Chase, Wells Fargo ва бошқаларни қамраб ола бошлади.

Банк тизимидаги ликвидлилик муаммолари, ўз навбатида, хўжалик субъектлари ва аҳолининг банк тизимига бўлган ишончини пасайишига, кредит рискларининг ортишига ва иқтисодий қийинчиликларга сабаб бўлди.

Инқироз банкларнинг кредитлаш соҳасидан ишлаб чиқариш соҳасига кўчди: бозорда таклифнинг талабдан ошиши кузатилди ва бу ҳолат, АҚШ автосаноатидаги ёппасига ишдан бўшатишнинг кучайиши билан якунланди. General Motors, Ford, Chrysler каби гигантлар оғир ҳолга тушиб қолишди.

АҚШнинг инқирозга қарши сиёсати бозордаги талабни рағбатлантириш, йирик бизнесга – йирик банклар ва корпорацияларга етарлича кўмак беришга йўналтирилди. Инқирознинг етти ойи мобайнида (2008 йилнинг сентябридан 2009 йилнинг мартигача) АҚШ Dow Johns индекси 34,8 фоизга, Nasdaq индекси эса, 38,3 фоизга пасайди[2].

Ишлаб чиқаришнинг тушиб кетиши банк кредитларининг қисқариши, реал ишлаб чиқариш рискларининг ортиши билан бирга кечди. Ишлаб чиқишнинг пасайиши ва рискларнинг ортиши, ўз навбатида, инвестицияларни, шунингдек, импорт товарларига бўлган талабнинг камайишига олиб келди.

[1] Эксперт. 2008. № 37. С. 30; № 39. Р. 22; 2009. № 10. С. 10.
[2] New York Times, 26.03.2009.

Жаҳонда нефть ва хом-ашёларга бўлган баҳоларнинг пасайиши ушбу товарларни экспорт қилувчи мамлакатларнинг иқтисодий аҳволини оғирлаштирди, импорт қилувчи давлатларга эса ижобий таъсир қилиб инқироздан кўрилган талофатларни юмшатиш имконини берди.

АҚШда инқирозга қарши чоралар Ж.Буш маъмурияти даврида Полсоннинг инқирозга қарши Режаси (The Troubled Asset Relief Program, TARC) шаклида ишлаб чиқилди. Полсон Режаси муаммоли банк активларини сотиб олишга 700 млрд. АҚШ доллари миқдорида молиявий маблағлар ажратишни кўзда тутарди. 2009 йилнинг март ойига келиб, AIGни (American Insurance Group) банкротликдан қутқариш учун давлат хазинасидан 170 млрд. АҚШ доллари сарфланди. 2009 йилнинг январь ойида эса, Молия вазирлиги Bank of Americaга унинг имтиёзли акцияларига айирбошлаш эвазига 20 млрд. АҚШ доллари ажратишни, шунингдек, умумий суммаси 118 млрд. АҚШ доллари миқдорида банк активларига давлат кафолатини беришни эълон қилди. Бундан ташқари, инқирозга қарши чоралар доирасида мамлакатнинг йирик автомобиль ишлаб чиқарувчи компаниялари GM ва Chrysler мос равишда 13,4 ва 4 млрд. АҚШ доллари миқдорида кредит олишди.

Таъкидлаш лозимки, Полсон Режасига ишлаб чиқилгунга қадар ҳам давлат томонидан йирик ипотека агентликларини қутқариш чоралари кўрилган эди. 2008 йилнинг сентябрь ойида АҚШ ипотека бозорининг (12 трлн. АҚШ доллари) қарийб ярмини назорат қилувчи Fannie Mae ва Freddie Mac ипотека агентликлари давлат томонидан миллийлаштирилди. Ушбу ипотека агентликларининг имтиёзли акцияларини харид қилиш АҚШ солиқ тўловчиларининг 238 млрд. АҚШ доллари миқдоридаги маблағлари сафарбар этилди[1].

Кейинчалик янги Президент Б.Обама бошчилигида янги инқирозга қарши дастур ишлаб чиқилди ва унга мувофиқ, Конгресс 787 млрд. АҚШ доллари миқдоридаги молиявий кўмакни тасдиқлади (1.2.1-жадвалга қаранг). Полсон Режаси бўйича маблағлар қолдиғи ҳисобга олинадиган бўлса, умумий сумма 1,1 трлн. АҚШ долларини ташкил этди[2].

АҚШ Президенти Б.Обаманинг 2009 йилнинг февраль ойида тасдиқланган инқирозга қарши чоралар Дастури Американи тиклаш ва қайта инвестициялаш Режаси (American Recovery and Reinvestment Act) номи билан ҳам юритилиб, 3 йил муддатга, яъни 2011 йилгача ишлаб чиқилган.

[1] www.usbudgetwatch.org/stimulus/.
[2] Financial Times, 16.01.2009.

1-жадвал

АҚШнинг инқирозга қарши чоралар дастури (American Recovery and Reinvestment Act)[1]

№	Йўналишлари	Млрд. АҚШ доллари	Салмоги
1.	Солиқ юкини енгиллаштириш	288	37%
2.	Штатлар ва маҳаллий ҳокимият органларига солиқлардан озод қилиш	144	18%
3.	Инфратузилма ва фан	111	14%
4.	Ижтимоий ҳимоя	81	10%
5.	Соғлиқни сақлаш	59	7%
6.	Таълим	53	7%
7.	Энергетика	43	5%
8.	Бошқалар	8	1%
	Жами	787	100%

Обама Режасида кўзда тутилган чора-тадбирлар:

– 3 млн. иш жойларини сақлаб қолиш ва ташкил этиш;

– соғлиқни сақлаш тизимини модернизация қилиш;

– муқобил манбалардан энергия ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш ва 3 йил мобайнида унинг ҳажмини икки бараварга ошириш;

– федерал мулкка тааллуқли бўлган (мактаблар билан бирга) бино-иншоотларнинг 75 фоизини ва 1 млн. хусусий уйларни таъмирлаш;

– 7 млн. талабалар учун грантлар тизимини молиялаштириш ҳажмини ошириш, таълим учун тўловлар бўйича солиқларни камайтириш;

– инфратузилмага кенг кўламли инвестицияларни амалга ошириш, хусусан, йўллар, кўприклар, жамоат транспорт тизимини қуриш ва қайта таъмирлаш, темир йўл ва аэропортларни модернизациялаш;

– солиқлардан озод қилиш (солиқ кредитлари), солиқ ставкасини пасайтириш орқали уй хўжаликларининг тўлов қобилиятини ошириш;

– етарли даражадаги шаффофлик, мониторинг ва жавобгарлик даражасини таъминлаш имконини бериши лозим.

Ж.Бушнинг инқирозга қарши неомонетар сиёсатидан фарқли ўлароқ, Б.Обама дастурида солиқ имтиёзлари ёрдамида истеъмол талабини рағбатлантириш, ишсизликка қарши курашиш учун молиявий ажратмалар, иш жойларини кўпайтириш каби чоралар белгиланди. Молиявий маблағларнинг сезиларли қисмини инвестиция ва банк тизимини барқарорлаштиришга йўналтириш кўзда тутилди.

[1] www.recovery.gov веб сайти маълумотлари асосида тузилди.

Обама Режаси капиталдан олинадиган даромад, дивиденд солиғини оширишни (15 %дан 20 %га), 2010 йилда энг бой кишилар учун солиқ имтиёзларини бекор қилиш (йиллик даромади 250 минг доллар ва ундан ортиқ бўлган 2,6 млн. кишиларга), хорижда ишлаб топилган фойдага (трансмиллий корпорациялар ва банкларнинг фойдаларига) солиқларни жорий қилишни кўзда тутади. Ушбу чораларнинг йил давомида 350 млрд. АҚШ доллари миқдорида бюджет тушумини таъминлаши кутилмоқда. Айни пайтда, аҳолининг катта қисмига солиқ имтиёзлари сақлаб қолинади ва ўз-ўзидан солиқ тизимидаги ўзгаришлардан энг паст даромад олувчилар ютади[1].

Б.Обаманинг инқирозга қарши дастурига мувофиқ, истеъмол талабини рағбатлантиришга мўлжалланган даслабки харажатлар дастурда ажратилиши кўзда тутилган умумий сумманинг 30 фоизини ташкил этади (330 млрд. АҚШ долларидан ортиқ), бироқ унга инвестицияга мўлжалланган сумманинг 18 фоизи (иш ҳақига тўланадиган сумма, 140 млрд. долларга яқин) келиб қўшилади ва сўнггида бу мақсаддаги молиявий кўмак 470 млрд. АҚШ долларини ёки инқирозга қарши умумий молиявий ёрдамнинг 42 фоизини ташкил этади.

Молиявий кўмакнинг қолган 58 фоизи (650 млрд. долларга яқин) инвестиция мақсадларига сарфлашнинг ўз хусусияти бор: улар банк кредитлари, молиявий ёрдам шаклида айланма капитални молиялашга мўлжалланган, чунки инқироз туфайли асосий капитал тўлиқ "босим" билан ишламаяпти. Бу чораларнинг, мультипликаторни ҳисобга олган ҳолда, қарийб 3 трлн. АҚШ доллари миқдоридаги капиталнинг ишлашини ва шунинг асосида иқтисодий ўсишни таъминлаши назарда тутилган.

2009 йилнинг 19 мартига келиб, ФЗТ 1150 млрд. АҚШ долларини ажратишни кўзда тутувчи дастурни эълон қилди. Унга мувофиқ, 300 млрд. доллар ҳукуматнинг узоқ муддатли қимматли қоғозларини харид қилишга, 750 млрд. доллар ипотека қимматли қоғозларини ("ёмон активлар") сотиб олишга, шунингдек, 100 млрд. доллар Freddie Mac ва Fannie Mae агентликларининг қарз мажбуриятларини харид қилишга йўналтирилади[2].

Нобанк ташкилотлар фаолиятининг молиявий барқарорликка таҳдид солишини ҳисобга олиб, АҚШ Молия вазири Т.Гайтнер бутун банк тизимини тартибга солишни кучайтириш билан бир қаторда, нобанк ташкилотлар устидан назорат қилувчи орган ташкил қилиш таклифи билан чиқди.

Жаҳон молиявий инқирози Европа Иттифоқи мамлакатлари банк тизимига ҳам жиддий таъсир ўтказди. Бунга жавобан Европада банкларни қутқариш чоралари кўрилди. Г.Браун бошчилигидаги Англия ҳукуматининг инқирозга қарши чораларида банк тизими устидан кучли давлат назоратини таъминлаш асосий бўғинга айланди. Браун Дастури (510 млрд. АҚШ доллари) 290 млрд. доллар миқдоридаги маблағларни Британия банклари муаммоли активларини

[1]АҚШ Федерал бюджетининг 80 фоизи солиқлар ҳисобидан шаклланади ва бунинг 20 фоизини энг юқори даромад олувчилар тўлайди.

[2]Financial Times, 12.03.2009; New York Times, 20.03.2009.

сотиб олишга, 220 млрд. долларни эса, банкларнинг қайта капиталлашувига, кредитлаш, инвестиция ва истеъмол талабини қўллаб-қувватлашга сафарбар этишни кўзда тутди.

Буюк Британияда инқирозга қарши чоралар доирасида давлатнинг банк капиталидаги улуши дастлаб Northern Rock Bank ипотека банкида, сўнгра Bradford & Bingleyда оширилди. Кейинчалик эса, мамлакатдаги иккинчи йирик банк Royal Bank of Scotland (RBS)да давлатнинг улуши 58%дан 70 %га, Lloyds Bank Groupда 40%дан 45 %га оширилди. Бироқ бу каби чоралар доимо ҳам барқарорликни кафолатлай олмайди. RBS 11,5 млрд. АҚШ доллари миқдорида рекорд даражадаги зарар кўрганини эълон қилгач, унинг акциялари курси 67 фоизга пасайди[1].

АҚШ, Швейцария, Германия, Исландия ва бошқа давлатлар Буюк Британия "модели"га эргашдилар.

Германия ҳукумати банкротлик таҳдид солаётган банкларни миллийлаштиришни қўллаб қувватлади. Чунки Германиянинг биргина Hipo Real Estate банки акциялари 89 фоизга қадрсизланиб улгурган эди. Йирик банклардан Aareal ва Commerzbankнинг капиталлашуви мос равишда 21 ва 42 фоизга камайди. Канцлер А. Меркель 2009 йилнинг февраль ойида зарурат туғилганда вақтинчалик муаммоли банкларни миллийлаштириш йўлидан бориш мумкинлигини ҳам маълум қилди.

Кўчмас мулк бозорида фаолият юритадиган Hypo Real Estate Holding AG ипотека банкини қутқариш учун Германия ҳукумати 60 млн. евро эвазига банкнинг 8,7 фоиз акцияларини сотиб олди. Бунга қадар эса 2008 йилда ушбу банкни қўллаб-қувватлаш учун 62 млрд. евро ажратилган эди.

Бундан ташқари, 2009 йилнинг март ойида Германия ҳукумати "топ-менежерлар"нинг меҳнат ҳақини чеклашга доир янги қоидаларни тасдиқлади. Бундан буён раҳбариятни мукофотлаш улар томонидан бошқарилаётган акциядорлик жамиятининг узоқ муддатли муваффақиятига боғлиқ равишда амалга оширилади. Энди Бошқарув аъзолари мукофотлашнинг бир қисми бўлган ўз ихтиёридаги акцияларини уларни олгандан сўнг 4 йил ўтгачгина сотишлари мумкин (инқирозга қадар бу 2 йил эди).

Янги автомобилни харид қилишдаги компенсация миқдори икки бараварга камайтирилди. Инқирозга қадар автоулов эгаси янги автомобилни харид қилишда 9 йилдан ортиқ фойдаланилган автомобилни топшириб давлатдан 2500 евро олиш имкониятига эга эди.

Таъкидлаш лозимки, Германияда ишлаб чиқарувчи компанияларга давлат томонидан тўғридан-тўғри молиявий кўмак бериш амалиёти АҚШдаги каби кенг кўламда амалга оширилмади. Хусусан, 2009 йилнинг март ойида АҚШнинг General Motors компаниясига тегишли машҳур немис автомобиль ишлаб чиқарувчиси Opel концернининг тўғридан-тўғри молиявий ёрдам

[1]Экономист, 2008. № 39. С. 34.

сўраб қилган мурожаати рад этилди. Бу ҳолатни Германия ҳукумати 3 млрд. евро миқдоридаги молиявий ёрдам ажратилган тақдирда ҳам мамлакатда иш жойларини сақлаб қолишни кафолатлаб бўлмаслиги билан изоҳлади. Зеро, молиявий кўмак сифатида ажратилган пул маблағлари АҚШ томон йўналиш олиши мумкин эди.

Франция ҳукумати мамлакатнинг муҳим аҳамиятга эга етакчи компанияларини қўллаб-қувватлаш йўлидан борди. 2009 йилнинг февраль ойида мамлакатнинг йирик автомобиль ишлаб чиқарувчи корпорациялари PSA Peugeot Citroen ва Renaultга молиявий кўмак берилди. Корпорациялар банк кредит ставкалари 11-12 фоиз атрофида бўлган шароитда 6-7 фоиз ставкасида 6 млрд. евро миқдорида молиявий маблағларни оладиган бўлишди. Бунга жавоб тариқасида корпорациялар заводларини ёпмасликни кафолатлаш, кредитлар бўйича тўловлар вақтига қадар ходимлар сонини қисқартиришдан воз кечиш, дивидендлар ва раҳбарият мукофотларини қисқартириш мажбуриятини олишди.

Францияда банклар ва бизнесга тезкор ёрдам лойиҳаси 380 млрд. доллар ажратишни кўзда тутди. Нидерландия, Бельгия ва Люксембургда йирик Бельгия банки Fortisни (ушбу банк активлари мамлакат ЯИМдан 2,5 баравар кўп–1,5 трлн. доллар) қутқариш учун 16,1 млрд. доллар ажратилди. Бундан ташқари, Бельгия ҳукумати иккинчи йирик банк Dexiани қутқариш чораларини кўрди[1].

АҚШда Ж.Буш модели неолиберал монетаристик принципларга, хусусан, банк тизимига давлат маблағларини сафарбар этишга асосланган бўлса, Европада масалан, Н.Саркози "молиявий капитализм" моделидан воз кечиб, амалга ошириш мураккаб бўлган "тадбиркорлик капитализми" модели билан чиқди. Буюк Британия Бош вазири Ж.Браун давлат томонидан молиявий рагбатлантириш чораларини кўриш ва бундай ёрдамни олувчи муассасаларнинг капитали таркибида давлат улушини ошириш орқали самарали давлат назоратини таъминлашга ҳаракат қилди.

Германия молия вазири П. Штайнбрюк инқирозга олиб келган "эркин бозор" моделини танқид остига олар экан, молия тизими ва иқтисодиётни жонлантириш ва соғломлаштириш режаси АҚШ бюджети дефицити ва давлат қарзининг ошиши ҳисобига амалга оширилишига эътибор қаратди. Унинг фикрича, агар АҚШ хазина облигацияларига инвестиция қилиш давом этса, унда бу Вашингтоннинг инқирозга қарши чоралари бошқа давлатлар (Хитой, Япония, Европа давлатлари) ҳисобидан молиялаштирилишини англатади[2].

Европада инқирозга қарши молиявий кўмак ҳажми дастлаб 600 млрд. АҚШ доллари миқдорида баҳоланди, бирок инқироз суръатларининг ошиши натижасида у 1,5 трлн. АҚШ долларига етди.

[1]Эксперт, 2008. № 39. С. 34.

[2]Block F. M. Capital Stocks: Explaining Economic Stages. Amsterdam, 2004. - С. 164.

2009 йилнинг якунига келиб, глобал молиявий инқироз шароитида Европа Иттифоқи учун янги муаммолар ва синовлар даври бошланди. Бу ерда гап Греция давлатидаги бюджет инқирози ҳақида кетмоқда.

2009 йилнинг якунига келиб, Грецияда бюджет дефицити ЯИМга нисбатан 12 фоиздан ошди. Айни пайтда, давлат қарзи Грецияда 110 фоиздан ошган эди. Бундай шароитда Греция ҳукумати қарзларни қайта молиялаш ва дефицитни қоплаш учун молиявий ресурсларни жалб қилишда қийинчиликларга юз тута бошлади. Албатта, бунда Европа Иттифоқининг беминнат ёрдамини кутиш амри маҳол. Бироқ Иттифоққа аъзо бўлиш учун Маастрихт келишувида ифодаланган талаблардан бири — давлат бюджети дефицити ЯИМнинг 3 фоизидан ошмаслиги бўлиб, Грециянинг Иттифоқда қолиши унинг бюджет инқирозидан қай суръатда чиқиб кетишига боғлиқ бўлиб қолади. Айни пайтда, бу нафақат Грециянинг муаммоси, балки бутун Иттифоқ барқарорлиги ва ҳаётийлигини таъминлай олиш муаммоси саналади. Бошқача айтганда, Европадаги интеграциялашувнинг замонавий босқичида бир аъзо мамлакатда юзага келадиган фискал муаммо ягона пул-кредит сиёсати амалга ошириладиган ҳудудда қандай бартараф этилиши бошқа аъзо давлатлар учун ҳам бирдек муҳимдир. Чунки, Евро ҳудудда фискал муаммо тез суръатларда ва самарали бартараф этилмаса, Иттифоқнинг келажаги ҳам хавф остида қолиши мумкин.

Евро ҳудуднинг 16 давлати молия вазирларининг музокараларидан сўнг Грецияга уч йил муддатга 110 млрд. евро миқдорида ёрдам пакети ажратиладиган бўлди[1]. Албатта, Европа Иттифоқи томонидан Грецияга кўрсатиладиган ёрдам оддий кредитдан бошқа нарса эмас. Аммо ажратиладиган кредитнинг фоиз ставкаси бозордаги мавжуд ставкадан пастроқ бўлади (қарийб 5 фоиз атрофида).

Грецияга ажратиладиган ёрдам пакетида Евро ҳудуднинг улуши 80 млрд. еврони ташкил этиб, ёрдамнинг қолган қисми (30 млрд. евро) ХВФ томонидан жорий йилда ажратиладиган бўлди. ХВФ раҳбари ушбу қарорни Евро ҳудудни қутқариш чораси эканлигини эътироф этди.

Бунга жавобан Греция ҳукуматидан меҳнат ва пенсия қонунчилигини эркинлаштириш талаб этилмоқда. Чунки ушбу чоралар яқин икки йил мобайнида бюджет дефицитини 20 млрд. еврога қисқартириш имконини беради.

Грециядаги дефолт ҳолати эътироф этилгандан сўнг озгина фурсат ўтиб, Standard & Poor's рейтинг агентлиги томонидан Испания ва Португалия учун кредитга лаёқатлилик рейтингининг пасайтирилиши Европа Иттифоқидаги молиявий инқирознинг кучайишига сабаб бўлди. Ваҳоланки, Fitch рейтинг агентлиги Грециянинг суверен рейтингини BBB+гача пасайтирган эди. Бу эса, Грециянинг A+ рейтингига эга бўлган Малайзиядан ҳам кредитга лаёқатлилик бўйича орқада эканлигини кўрсатади[2].

[1] http://top.rbc.ru/economics/02/05/2010/402138.shtml
[2] http://www.assessor.ru/forum/index.php?t=1103

Евро ҳудуд ўзининг Марказий банкига эга бўлгани ҳолда, ягона ғазначиликка эга эмас. Бу эса, бюджет интизоми бузилган ҳозирги шароитда евро учун оғир синов даврини бошланганлигини билдиради. Ваҳоланки, ягона пул-кредит сиёсати қўлланиладиган Евро ҳудуд аъзо давлат учун ҳам муайян қийинчиликларни туғдираётганлигини ҳам таъкидлаш лозим. Чунки агар Греция ўзининг Марказий банки орқали мустақил пул-кредит сиёсатини амалга ошириш имкониятига эга бўлганда, бюджет дефицити билан боғлиқ муаммоларни инфляцияга йўл қўйиб бериш, Марказий банкдан кредит жалб қилиш (гарчи мақбул саналмаса ҳам), девальвация суръатларини ошириш ҳисобига енгиллаштириши мумкин эди.

Бундан кўринадики, валютавий интеграциялашувнинг ёрқин наъмунаси сифатида эътироф этиладиган Европа Иттифоқида ҳам фискал муаммоларни самарали ҳал этишнинг такомиллашган механизми мавжуд эмас экан.

Бундан ташқари, Грецияда бюджетнинг қисқариши иқтисодий фаолликка салбий таъсир кўрсатгани ҳолда, солиқ тушумларининг камайишига ва қарзнинг ЯИМга нисбати кўрсаткичининг янада ёмонлашишига олиб келиши мумкин.

Россия Федерацияси чуқурлашиб бораётган молиявий инқироздан жиддий талофат кўрди. Ҳолбуки, Россия инқирозга қадар ҳам "голланд касаллиги"[1] муаммосига учраган ва айнан шу муаммо инқироз давридаги беқарорликнинг асосий манбаига айланди.

2008 йилнинг июль ойига келиб, 1 баррель нефть баҳосининг 146 АҚШ долларига етиши, албатта Россия учун жуда қулай вазиятни юзага келтирди. Мамлакат ўз мавқеи ва молиявий салоҳиятини тиклади, сезиларли даражада юқори валюта захираларини жамлаб олди. Бироқ юқори миқдордаги хорижий валюта захиралари инқироз учун самарали ҳимоя вазифасини ўтай олмади.

Жаҳон банкининг баҳолаши бўйича эса, нефт-газ сектори Россия ялпи ички маҳсулотининг қарийб 20 фоизини таъминлаб берар экан. Бу эса, Россиянинг инқироздан муваффақиятли чиқиши "қора" олтин бозоридаги баҳоларга нақадар узвий боғлиқлигини кўрсатади.

Россия ўтиш даври иқтисодиёти институти прогнозларига мувофиқ, агар 1 баррель нефть баҳоси 95 АҚШ доллари даражасида бўлса, жаҳонда инқирознинг ривожланишига қарамай, Россияда жиддий иқтисодий муаммолар бўлмас экан. Аксинча, нефть баҳосининг 30 доллардан пасайиши ҳукумат томонидан инқирозга қарши қанчалик самарали чоралар кўрилмасин иқтисодиёт чуқур рецессияга тушиши ва рублнинг кескин девальвацияга учраши муқаррар ҳодисага айланади.

---

[1] "Голланд касаллиги" деганда мамлакат экспорти таркибида алоҳида бир маҳсулотнинг (одатда табиий хом-ашё маҳсулоти) сезиларли даражада юқори салмоққа эга бўлиши натижасида, иқтисодиётнинг ташқи бозор конъюнктурасига боғлик бўлиб қолиши тушунилиб, реал алмашув курсининг ошиши, иқтисодиётнинг бошқа тармоқларида диверсификациялашув даражаси ва рақобатбардошликнинг пасайиши билан юз беради.

Шундай қилиб, Россияда, биринчидан, инқирознинг глобал характери тўлиқ ҳисобга олинмади, яъни нефть баҳосининг ўсиш тенденциясининг салбий томонга ўзгариши учун олдиндан тараддуд кўрилмади. Иккинчидан, Россиянинг йирик банклари ва корпорациялари билан хорижий кредиторлар ўртасидаги узвий кредит муносабатларининг йўлга қўйилиши ташқи қарздорликнинг (540 млрд. АҚШ долларидан ортиқ) ошишига олиб келди. Фонд биржаларида қимматли қоғозлар баҳосининг фалокатли даражада тушиши, ликвидлиликнинг пасайиши, қарз олувчиларга дефолть таҳдидини солди. Учинчидан, Россияда ишлаб чиқариш таркибий тузилиши жиҳатидан ортда қолмоқда: иқтисодиётни модернизациялаш жараёнлари ҳақиқатда кенг кўламда амалга оширилмади; хом-ашёга йўналтирилган иқтисодиёт сақланиб қолмоқда. Чунончи, Россияда 2009 йилнинг январь ойига келиб, саноат ишлаб чиқариш индекси 2008 йилнинг октябрига нисбатан 16 фоизга, асосий капиталга инвестициялар эса, мазкур даврда 15,5 фоизга пасайган. 2008 йил октябридан 2009 йилнинг 20 февралига қадар ўртача иш ҳақи 20 фоизга камайган, ишсизлик эса 8 фоизга етган.

Россияда инқирозга қарши чоралар икки босқичда амалга оширилди: биринчи босқичда 5 трлн. рубль, иккинчи босқичда эса, 4,5 тлрн. рубль сафарбар этилди. 2009 йилнинг февраль ойига келиб, инқирозга қарши чоралар учун сарфланган молиявий маблағларнинг умумий миқдори 9,5 тлрн. рублни (ЯИМнинг 23 фоизи) ташкил этди.

Сезиларли даражада юқори молиявий маблағларнинг сарфланиши албатта ўзининг ижобий самарасини бериши шарт. Бироқ биринчи босқичдаги тажрибалар кўрсатишича, иқтисодий қонуният ҳисобга олинмаганлиги боис самара бўлмади. Инчинун, самарали бозор талаби бўлмас экан, ишлаб чиқаришни ривожлантиришнинг имкони йўқ.

Инқирозга қарши чоралар учун ажратилган молиявий маблағлар таркибида банк тизимини қутқаришга сарфланган маблағлар етакчи ўрин тутади. Бинобарин, барқарор банк тизимисиз иқтисодий тараққиётни таъминлаш мушкул.

Бундан ташқари, Россия банки[1] томонидан тижорат банкларига гаров таъминоти талаб қилинмайдиган кредитларни тақдим этилиши, қатор йирик корхоналарга ажратилган кредитлар бўйича давлат кафолатининг берилиши каби чоралар ҳам банк тизимидаги ликвидлилик муаммоларини юмшатиш имконини берди.

Инқироз даврида баҳоларнинг пасайиши юз бериши лозим, бироқ Россияда инфляция даражаси 2006 йилда 9%, 2007 йилда 11,7 фоиз ва 2008 йилда 13,5 фоизни ташкил қилди.

Умуман олганда, 2008-2009 йилларда иқтисодиётни соғломлаштириш бўйича Россия ҳукумати ва Россия банкининг инқирозга қарши чоралар

[1]Россия Марказий банки шундай ном билан юритилади.

дастурига мувофиқ, 4932 млрд. рубль ажратилиши белгиланган бўлиб, унинг асосий йўналишлари бўлиб қуйидагилар ҳисобланади:

1. *Аҳолини ижтимоий ҳимоялашни кучайтириш ва иш жойларини ташкил этиш.* Бу мақсадда ишсизлик учун ажратиладиган моддий маблағлар ҳажмини 1,5 бараварга, пенсияларни 30 фоизга ошириш; уларнинг касб маҳорати ва малакасини ошириш, қайта тайёрлаш курсларини ташкил этиш; хориждан ишчиларни жалб қилишга нисбатан квоталарни камайтириш кўзда тутилган. Вақтинчалик ишини йўқотган кишиларга Ипотека-уй-жой кредитларини реструктизациялаш Агентлиги орқали ипотека кредитлари бўйича қарзларини реструктизация қилиш имкони берилган. Бундан ташқари, талабаларга паст фоиз ставкаларда таълим кредитларини ажратишни кенгайтириш чоралари ҳам кўзда тутилган.

2. *Маҳаллий корхоналар маҳсулотларига нисбатан ички талабни рағбатлантириш.* 2009 йилда Россияда маҳаллий компаниялар маҳсулотлари бўйича давлат буюртмасини ошириш белгиланди. Автомобиль саноати маҳсулотларига талабни ошириш мақсадида Россия ҳудудида ишлаб чиқилган енгил автомобилларни харид қилишга ажратиладиган уч йиллик истеъмол кредитлари бўйича қайта молиялаш ставкасининг 2/3 қисми субсидиялаштириладиган бўлди. Ижро этувчи ҳокимият органлари учун Россияда ишлаб чиқарилган автомобилларни сотиб олишга 12,5 млрд. рубль сарфлаш режалаштирилди.

Шунингдек, дастурда кичик бизнесни ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш ва иқтисодиётдаги инновацион фаолликни рагбатлантириш чоралари ҳам кўзда тутилган бўлиб, кичик бизнесни имтиёзли кредитлашга (хусусан, Внешэкономбанкка ушбу йўналишда 30 млрд. рубль ажратилиши белгиланган), кафолатлаш ва венчур фондларини ташкил этишга давлат томонидан маблаглар ажратиш белгиланди. Иқтисодий ўсишни таъминлаш мақсадида энергияни тежовчи технологияларни кенг жорий этиш, ички туризм дастурларини ривожлантириш, автомобиль ва уй-жой қурилиш тармоқларини қўллаб-қувватлаш, қишлоқ хўжалик корхоналарига ажратиладиган кредитлар, балиқни қайта ишлаш инфратузилмасини шакллантириш ва кемасозликни модернизациялаш бўйича фоиз тўловларини субсидиялаш каби чоралар белгиланди.

3. *Бизнес ва аҳолига солиқ юкини камайтириш.* 2009 йилдан бошлаб, фойда солиғи 24 фоиздан 20 фоизга туширилди. Шунингдек, корхоналарга соликка тортиладиган базани асосий воситаларга қилинган инвестициялар, ходимларини ўқитишга сарфланган маблағлар ва кредитлар бўйича фоизлар суммасига камайтириш имкони берилди. Ушбу чоралар корхона ва аҳоли ихтиёрида қоладиган пул маблағлари ҳажмини ошириш ва ўз навбатида, талабни рағбатлантиришга қаратилди.

4. *Бизнесга нисбатан маъмурий босимни камайтириш.* Коррупцияга қарши курашиш ишларини давом эттириш, шу билан бирга, турли рухсатнома ва лицензиялар олиш жараёнларини соддалаштириш, ахборот олиш имкониятини ошириш белгиланди.

5. *Миллий молия тизими барқарорлигини ошириш.* 2009 йилда банк тизимини қайта молиялаш учун қарийб 1 трлн. рубль ажратилиши (асосан Марказий банк маблағлари ҳисобидан) мўлжалланган бўлиб, шундан 200 млрд. рубль ВТБга, 130 млрд. рубль – Внешэкономбанкка, 225 млрд. рубль иқтисодиётни реал секторини молиялашни таъминлаш мақсадида бошқа тижорат банкларига ажратиладиган бўлди.

2008 йилда глобал молиявий инқирознинг чуқурлашувига қарамай Хитой Халқ Республикасида (ХХР) ЯИМнинг ўсиш суръати 9 фоизни (жаҳон ЯИМ 1,7 фоизга ўсган) ташкил этди.

ХХ асрнинг охирларидан бошлаб ХХР ишлаб чиқаришнинг экспортга йўналтирилганлиги, тўғридан-тўғри инвестициялар кириминиг барқарорлиги боис, жадал суръатлар билан ривожланмоқда. Жаҳон савдо ташкилотининг маълумотларига кўра, 2008 йилда дунё савдоси ҳажмининг ўсиши 2 фоизни ташкил этган. Бу эса 2007 йил кўрсаткичларидан 3 баравар кам демакдир.

2008 йилнинг иккинчи ярим йиллигида Хитой экспортининг ўсиш суръатлари пасая бошлади ва бу, ўз навбатида, мамлакатнинг бир қатор экспортга ишловчи корхоналарининг ёпилишига ва натижада ишсизлик даражасининг ошишига сабаб бўлди. Энергия ташувчилар ва озиқ-овқат маҳсулотлари баҳосининг ошиши инфляция суръатларини жадаллаштиришга хизмат қилди. Шундай қилиб, инфляция ва экспортнинг ўсиш суръатларининг пасайиши Хитойга инқироз кириб келганлигига гувоҳлик берувчи асосий омилларга айланди.

Хитой ҳукумати макроиқтисодий кўрсаткичларнинг ёмонлашувини бартараф этиш мақсадида тезкор чораларни кўриш йўлидан борди. Мамлакатдаги иқтисодий ҳолатни яхшилаш бўйича дастур қабул қилиниб, унда асосий эътибор мамлакатдаги ички талабни қўллаб-кувватлашга қаратилди. Хусусан, дастурнинг 10 та бандида қуйидаги чоралар кўзда тутилган: аҳоли учун иқтисодий кафолатланган ва қулай уй-жойлар дастури доирасидаги қурилиш ишларини жадаллаштириш; қишлоқ жойларда инфратузилмавий объектларни барпо этишни кенгайтириш; автомобиль ва темир йўллари, аэропортлар ва бошқа муҳим инфратузилма объектларини қуриш ишларини жадаллаштириш; соғлиқни сақлаш, маданият ва таълимни ривожлантириш; экологик объектларни барпо этиш суръатларини ошириш; мустақил инновацияларни ривожлантиришни қўллаб-кувватлаш ва тузилмавий ислоҳотларни ўтказиш, Сичуань вилоятидаги (провинция) зилзила оқибатларини бартараф этиш бўйича тиклаш ишларини жадаллаштириш; шаҳар ва қишлоқ аҳолиси даро-

мадларини ошириш; ишлаб чиқаришнинг техник жиҳатдан қайта тиклашни қўллаб-қувватлаш, корхоналарнинг солиқ юкини 120 млрд. юанга камайтириш; иқтисодий ўсишни молиявий қўллаб-қувватлаш даражасини ошириш.

Ушбу комплекс чора-тадбирлар махсус инқирозга қарши инвестицион дастур билан бирга тасдиқланган. ХХР ҳукумати мазкур дастурнинг ижросини таъминлаш мақсадида 4 трлн. юань (қарийб 580 млрд. АҚШ доллари) миқдорида маблағ ажратган. Шундан, марказий бюджет маблағлари ҳисобидан дастурни ижро этиш учун 1,18 трлн. юань (қарийб 170 млрд. АҚШ доллари) маблағ ажратилган, яъни умумий харажатларнинг 30 фоизи қоплаб берилган.

Бундан ташқари, Хитой ҳукумати саноатнинг ривожланишини қўллаб-қувватлаш мақсадида ўрта муддатли истиқболга мўлжалланган ўнта дастур ишлаб чиққан бўлиб, у иқтисодиётнинг қатор тармоқларини, жумладан, қора металлургия, автомобиль, текстиль ва енгил саноат, асосий воситаларни (жиҳозлар) ишлаб чиқариш, кемасозлик, нефть-кимё, рангли металлургия, транспорт, шунингдек, юқори технологиялар соҳасини қамраб олади.

ХХР пул-кредит сиёсати доирасида монетар сиёсатнинг ўзаро таъсир механизмини такомиллаштириш, кредит муассасалари ва уларни бошқариш устидан назоратни кучайтиришга алоҳида эътибор қаратмоқда. Пул массасининг 17 фоизга ошиши, хусусан, 5 трлн. юань қўшимча қарз маблағлари сифатида ажратилиши белгиланди.

Малайзия банклари глобал молиявий инқироз шароитида молиявий ҳолати ва кўрсаткичлари жиҳатидан АҚШ ва Европа банкларига нисбатан барқарорликни сақлаб қолди. 2008 йилнинг охирига келиб, Малайзия банк тизимининг ўртача рискка тортилган капитал коэффициенти ва асосий капитал коэффициенти, мос равишда, 12,7 ва 10,6 фоизни ташкил этди. Масаланинг яна бир муҳим томони шундаки, Малайзия банклари активларининг 90 фоиздан ортиғи миллий валюта – ринггитда деноминацияланган. Малайзия банкларининг жами депозитлари 2008 йилнинг декабрига келиб, 29,3 млрд. ринггитга ёки 11,3 фоизга ошган. Депозитларнинг ўсиш суръати кредитлар ҳажмининг ўсиш суръатидан (12,8%) ортда қолганлиги боис, банкларнинг ссудаларнинг депозитларга нисбати коэффициенти 2008 йилнинг декабрига келиб 73,5 фоизни ташкил этган. Ваҳоланки, 2007 йилнинг охирида бу кўрсаткич 72,2 фоизни ташкил қилган эди[1].

Малайзия ҳукумати жаҳон молиявий инқирози шароитида миллий молия тизимининг барқарорлигини сақлаб қолиш ва иқтисодий ўсишни қўллаб-қувватлаш мақсадида қуйидаги чораларни амалга оширди:

– тижорат, ислом ва инвестиция банкларидаги миллий ва хорижий валютадаги барча турдаги депозитлар давлат томонидан (Perbadanan Insurans Deposit Malaysia орқали) 2010 йилнинг декабрига қадар тўлиқ кафолатланди;

[1]Манба: http:// www.maref.org.

– кафолатлаш тизими кўлами Малайзиядаги барча хорижий банк муассасалари (филиаллар)га қадар кенгайтирилди;

– барча суғурта компаниялари Bank Negara Malaysianинг ликвидлилик дастурларидан фойдаланиш имконига эга бўлдилар;

– Куала Лумпур Фонд биржаси листингига киритилган "паст баҳоланган" компанияларга инвестиция қилиш учун 5 млрд. ринггит ажратилди;

– банк тизими ликвидлилигини ошириш, кредитлар ҳажмини оширишни қўллаб-қувватлаш ва қарз жалб қилиш харажатларини камайтириш мақсадида расмий овернайт ставкаси ва мажбурий захира талабномалари ставкаси пасайтирилди.

Қозоғистон Республикасининг глобал молиявий инқирозга қадар ҳам бир қатор ички иқтисодий муаммоларга юз тутиши кутилаётган бўлиб, унинг асосий сабаблари сифатида қуйидагиларни келтириш мумкин:

1. Иқтисодиётнинг етарли даражада диверсификацияланмаганлиги, хомашё ресурсларини технологик қайта ишлаш даражасининг пастлиги, мамлакат иқтисодиётининг нефть маҳсулотига бўлган жаҳондаги талаб ва баҳоларга юқори даражада боғлиқлиги. Миқдор жиҳатидан қараганда, инқирозга қадар Қозоғистондаги иқтисодий ривожланишни тўла-тўкис муваффақиятли бўлганлигини эътироф этиш мумкин, бироқ ушбу иқтисодий ўсиш самарали иқтисодий ислоҳотлар натижаси эмас, балки нефть, дон, металл ва бошқа экспорт товарларига нисбатан жаҳон бозоридаги қулай коньюнктуранинг юзага келганлиги билан белгиланади.

2. Мамлакатдаги, айниқса, банк тизимидаги юқори даражадаги ташқи қарздорлик. Инқирозга қадар, яъни 2007 йилнинг августига келиб, ташқи қарз 96,4 млрд. АҚШ долларидан ошди. Йирик тижорат банкларида ташқи қарздорлик банк пассивларининг қарийб ярмини ташкил этди ва бу ҳолат Қозоғистонда инқироз талофатларининг сезиларли даражада юкори бўлишига сабаб бўлди.

Қозоғистон банклари Ғарб молия муассасаларидан арзон кредитларни (5 фоизли ставкага қадар) жалб қилиш орқали мижозларини, улар ҳақиқатда бундай кредитларни қайтариш имкониятига эга бўлмасаларда, юқори ставкада (12-15 фоиз ставкаларида) кредитлаб келишди.

3. Банклар фаолиятини тартибга солиш ва назорат қилиш тизимининг заифлиги ва самарасизлиги. Назорат қилувчи органлар фаолияти ва меъёрий ҳужжатлардаги нуқсонлар туфайли мамлакатда сезиларли даражада юкори ташқи қарз шаклланди. Сўнгги 1-2 йил давомида ташқи қарзнинг сезиларли қисми норезидентларга қайтарилган бўлсада, унинг ҳажми оша бошлади ва 2009 йилнинг 1 январь ҳолатига келиб, 105,5 млрд. АҚШ долларига етди.

4. Банк активлари, хусусан, иқтисодиёт ва аҳолининг кредитлаш кўламининг гез суръатларда ошиши. 2001-2007 йиллар мобайнида Қозоғистон банк секто-

рининг ялпи активлари 30 баравардан зиёдга, иқтисодиётни кредитлаш ҳажми эса, қарийб 50 бараварга ортди. Вахоланки, бу даврда номинал ЯИМ 2,5 бараварга, ташқи савдо айланмаси эса 7,1 бараварга ошган. Бундан ташқари, Қозогистоннинг айрим йирик банклари умумий активлари таркибида хорижий активларнинг салмоғи 50 фоизгача етади. Ажабланарли томони шундаки, улар аксарият ҳолларда юқори рискли давлатларга, хусусан, Қирғизистон, Украина, Грузия, Тожикистонга инвестиция киритган.

Умуман олганда, ташқи қарз ҳисобига ички кредит экспансиясини амалга оширган Қозоғистон банклари глобал инқироз шароитида мураккаб вазиятга тушиб қолди. Бу ҳолат, ўз навбатида, қисқа муддатли спекулятив қарзга асосланмасдан, асосан ички омиллар ҳисобидан банк тизими ресурсларини шакллантирган Ўзбекистоннинг танлаган йўлини нақадар тўғри эканлигини ҳам кўрсатди.

Умуман олганда, тадқиқот натижаларига асосланиб дунё мамлакатларининг инқироздан қутқариш чора-тадбирларини қуйидаги асосий тўрт гуруҳга ажратиш мумкин:

– банкларнинг қарз мажбуриятлари бўйича давлат кафолатини бериш;
– молия муассасаларини қайта капиталлаштириш;
– муаммоли активларни харид қилиш;
– иқтисодий талабни рағбатлантириш.

Ғарб давлатларининг инқирозга қарши чоралар дастурларида ажратилиши кўзда тутилган маблағлар таркибида банкларнинг қарз мажбуриятлари бўйича давлат кафолатини бериш энг юқори салмоқни эгаллаган (қарийб 49 %). Бир қатор давлатлар, хусусан, Буюк Британия ва Хитой солиқлар орқали рагбатлантириш чора-тадбирларидан фаол фойдаланишмоқда. Россияда эса, капиталлаштириш орқали иқтисодиётни реал пул маблағлари билан таъминлашга устуворлик берилган бўлиб, бу барча инқирозга қарши чораларга ажратилган маблағлар таркибида қарийб 84 фоиз салмоқни ташкил этади[1].

Шунингдек, АҚШда мамлакатни инқироздан қутқариш чоралари таркибида давлат кафолатини бериш, капиталлашувни ошириш ва муаммоли активларни харид қилишга устуворлик берилганлигини кўриш мумкин.

1.3. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг Ўзбекистон иқтисодиётига таъсири, уни юмшатиш, бартараф этиш чоралари

Ўзбекистон жаҳон ҳамжамияти ва глобал молиявий-иқтисодий бозорнинг ажралмас таркибий қисми ҳисобланар экан, табиийки жорий глобал молиявий инқироз мамлакатимиз иқтисодиётига, пул-кредит ва молия тизимига ўз таъсирини ўтказмасдан қолмайди. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг қуйидаги фикрларини келтириш ниҳоятда ўринлидир:

[1] Манба: IMF, Financial Stability Report (Bank of England).

"...тобора чуқурлашиб бораётган жаҳон молиявий инқирози мамлакатимизга таъсир кўрсатмайди, бизни четлаб ўтади, деган хулоса чиқармаслик керак. Масалани бундай тушуниш ўта соддалик, айтиш мумкинки, кечириб бўлмас хато бўлур эди[1]."

Ўзбекистон халқаро савдо тизимига жадал суръатларда интеграциялашиб бораётган давлатлар сирасига киради. Биргина 2008 йилда республикамизнинг ташқи савдо квотаси 68,5 фоизни, экспорт ва импорт квоталари эса, мос равишда 41,6 ва 26,9 фоизни ташкил этди[2].

Хўш, Ўзбекистонга глобал молиявий-иқтисодий инқирознинг таъсири қайси йўналишларда кузатилиши мумкин?

Биринчи навбатда, жаҳон иқтисодиётидаги рецессия жараёнлари мамлакат экспорт товарларига бўлган талабнинг камайиши орқали ундан келадиган валюта тушумларига салбий таъсир қилади.

Жаҳон молиявий инқирозининг чуқурлашиши натижасида жаҳон бозорида Ўзбекистон экспорт қиладиган товарлар, хусусан, қимматбаҳо ва рангли металлар, пахта, уран, нефть маҳсулотлари ва бошқа товарларга нисбатан талабнинг пасайиши юз бериб, уларнинг баҳолари пасайиш тенденциясига эга бўлди.

Иккинчидан, жаҳон молия бозорида фоиз ставкаларининг ошиши туфайли ташқи қарзга хизмат кўрсатиш қийинлашиши мумкин. Чунки "ЛИБОР + маржа" ставкасида жалб қилинган ташқи қарзлар сузувчи ставкали кредитлар ҳисобланиб, ЛИБОР ставкасининг бир бирликка ошиши ҳам ташқи қарз бўйича фоиз тўловларининг кўпайишига олиб келади. Бироқ, мамнуният билан қайд этиш лозимки, мамлакатимизда ташқи қарзнинг ЯИМга нисбати кўрсаткичи сезиларли даражада кичик ва бу ҳолат фоиз ставкалари ошишидан кўриладиган зарарнинг юқори бўлмаслигидан далолат беради.

Шунингдек, халқаро кредит бозорида фоиз ставкаларининг ошиши маҳаллий банкларнинг хорижий кредит линиялари орқали кредит жалб қилиш имкониятига ҳам салбий таъсир қилиши мумкин.

Учинчидан, инқироз туфайли мамлакатимизнинг савдо ҳамкорлари ҳисобланган давлатлар миллий валюталарининг алмашув курслари кескин пасайиши натижасида Ўзбекистон экспорт товарларининг мазкур мамлакатлар миллий валютасидаги қиймати ошиши ва натижада унинг рақобатбардошлиги йўқолиши мумкин. 2008 йил якунларига кўра, мамлакатимизнинг ташқи савдо айланмасида энг юқори улуш Россия Федерациясига тўғри келган бўлиб, у 20,2 фоизни ташкил этган. Шунингдек, МДҲ давлатларидан Украина ва Қозоғистон давлатларининг улуши ҳам мос равишда 8,4 ва 4,8 фоизни ташкил этган. Бунда миллий валютамиз сўм девальвация суръатининг асосий савдо ҳамкори ҳисобланган давлатлар валюталари девальвация суръатларидан

[1]Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари / И.А. Каримов. – Т.: Ўзбекистон, 2009.-11 б.

[2]Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида ҳисобланган.

кескин ортда қолмаслигини таъминлаш муҳим ҳисобланади. Чунки бу ҳолатда сўмнинг мазкур давлатлар миллий валюталарига нисбатан реал алмашув курси ортиши мумкин. Бу эса, мамлакат экспорт товарлари рақобатбардошлигига салбий таъсир қилади.

Албатта бундай мураккаб шароитда барқарор иқтисодий ўсишни таъминлаш, ташқи савдо балансининг ижобий сальдосига эришиш ўз-ўзидан осон кечмаслиги аён.

Энди Ўзбекистоннинг иқтисодий-ижтимоий жиҳатдан барқарор ривожланиши ва инқироз таъсирининг бир қадар юмшоқ кечиши замирида ётган омилларни таҳлил қиламиз.

2008-2009 йилларда глобал молиявий-иқтисодий инқироз тобора чуқурлашиб борганлигига қарамай, Ўзбекистонда ЯИМнинг барқарор ўсиши кузатилди ва мос равишда 9,0 ва 8,1 фоизни ташкил этди.

Бу, биринчи навбатда, дунёда "ўзбек модели" номи билан танилган иқтисодий ислоҳотлар стратегиясининг ўзини тўла-тўкис оқлаганлигини, ҳозиргидек мураккаб вазиятлар эса, Ўзбекистон танлаган йўлнинг нақадар тўғрилигини яна бир бор тасдиқлайди.

Умуман олганда, Ўзбекистонда жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози таъсирини юмшатишга асос бўлган омиллар сифатида қуйидагиларни келтириш ўринлидир:

– "шок терапияси" деб аталган усулларни бизга четдан туриб жорий этишга қаратилган уринишлардан, бозор иқтисодиёти ўзини-ўзи тартибга солади, деган алдамчи тасаввурлардан воз кечилганлиги;

– маъмурий буйруқбозлик тизимидан бошқарувнинг бозор тизимига ўтишнинг босқичма-босқич амалга ошириш йўли танланганлиги;

– давлатнинг бош ислоҳотчи сифатида масъулиятни ўз зиммасига олганлиги;

– Ўзбекистонда молиявий-иқтисодий, бюджет, банк-кредит тизими, шунингдек, иқтисодиётнинг реал сектори корхоналари ва тармоқларининг барқарор ҳамда узлуксиз ишлашини таъминлаш учун етарли даражада мустаҳкам захиралар яратилгани ва зарур ресурслар базаси мавжуд эканлиги;

– аҳолининг иш ҳақи ва даромадларини изчил ва олдиндан ошириб бориш ҳамда истеъмол бозорида нархлар индексининг асоссиз тарзда ўсишининг олдини олишга доир чора тадбирларнинг изчиллик билан амалга оширилганлиги;

– оқилона ташқи қарз сиёсати олиб борилганлиги.

Ўзбекистондаги иқтисодий-ижтимоий ислоҳотлар самараси ўлароқ, қатор ютуқлар ва марраларга эришишга муваффақ бўлинди. Уларнинг асосийлари сифатида қуйидагиларни келтириш мумкин:

1. Мамлакатда макроиқтисодий барқарорлик ва иқтисодий ўсишнинг барқарор суръатлари таъминланди. 2009 йилда жаҳон иқтисодиётидаги

рецессия жараёнларининг чукурлашувига қарамай, республикамизда ЯИМнинг ўсиши 8,1 фоизни ташкил этди. 2010 йилда эса республикамизда ЯИМ 8,5 фоизга ўсди. Айни пайтда, Ўзбекистондаги иқтисодий ўсишнинг юқори суръатлари аввало иқтисодиётдаги чуқур таркибий ўзгаришлар ҳисобидан таъминланганлигини алоҳида таъкидлаш лозим.

Республикамизда қисқа вақт ичида дон маҳсулотлари, энергетика, нефть мустақиллиги таъминланди ва бу, ўз навбатида, иқтисодиётнинг барқарор ривожланиши учун шарт-шароит яратиб, хорижий валюта захираларини тежаш имконини берди.

Бугунги кунда Ўзбекистон йилига 6,3 млн. тонна дон етиштиради (1991 йилда бу кўрсаткич 0,5 млн. тонна эди), 7 млн. тоннага яқин нефть қазиб чиқаради (1991 йилда бу кўрсаткич 2,8 млн. тонна эди), бу эса, ўз навбатида, ҳар йили 4,8 млрд. АҚШ доллари миқдорида молиявий маблағларни тежаш имкониятини беради[1]. Шунингдек, иқтисодиётнинг янги юқори технологияли тармоқлари юзага келганки, улар қаторига автомобилқурилиш, газ-кимё, электро-техника, фармацевтика, текстил, озиқ-овқат ва бошқа саноат тармоқларини киритиш мумкин.

Бундан ташқари, қишлоқ хўжалигидаги самарали ислоҳотлар, фермер хўжаликларини моддий-техник таъминлаш ва молиялашнинг ишончли тизими ва механизмининг шакллантирилиши ва ер майдонларини оптималлаштирилиши натижасида 2008 йилда фермер хўжаликларининг пахта етиштиришдаги улуши 99,1 фоизни, галла тайёрлашдаги ҳиссаси эса, 79,2 фоизни ташкил этган[2]. Бу эса, инқироз шароитида мамлакатимизда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш нуктаи-назаридан ҳам ижобий ҳисобланади.

Паст рентабелли ва иқтисодий ночор корхоналарни тугатиш ва бу жараёнга тижорат банкларини жалб қилишга қаратилган ишлар ҳам бугунга келиб ўз самарасини бермоқда. Ҳозирги кунда тижорат банклари балансига ўтказилган 70 та иқтисодий ночор корхонада ишлаб чиқариш тўлиқ қайта тикланиб, истиқболли сармоядорларга сотилди, қолганларида молиявий соғломлаштириш ишлари давом эттирилмоқда.

Иқтисодиётдаги изчил таркибий ўзгаришлар натижасида мамлакатимиз ялпи ички маҳсулоти таркибида саноатнинг улуши 2009 йилда 2000 йилга нисбатан 10 ф.п.га ошган бўлса, қишлоқ хўжалигининг улуши тегишли даврда 12 ф.п.га камайган.

2. Халқаро валютавий тўловга қобиллик ва ликвидлиликнинг таъминланганлиги. Республикамизда халқаро валютавий тўлов қобилияти ва миллий валютанинг барқарорлигини таъминлашнинг асоси бўлган олтин-валюта захиралари мунтазам ошиб бормоқда. Айни пайтда олтин-валюта захираларининг

[1] Азимов Р.С. "Узбекская модель" реформирования и модернизации экономики, ее эффективность в преодоление последствий мирового финансово-экономического кризиса // конференция материаллари. – Тошкент, 2009 йил, 22 май.

[2] Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инкирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари / И.А. Каримов. – Т.: Ўзбекистон, 2009.-22 б.

ҳажми сўнгги беш йилда 6 марта ошгани ҳолда 1,5 йиллик импортни қоплаш имконини беради. Ташқи қарзнинг ялпи ички маҳсулотга нисбати кўрсаткичи 2009 йилнинг 1 январь ҳолатига 13,3 фоизни ташкил этган бўлса, 2010 йилнинг 1 январига келиб бу кўрсаткич 9,5 фоизга пасайди. Бошқача айтганда, жами давлат ташқи қарзи экспортга нисбатан 26 %дан ошмайди. Ваҳоланки, халқаро амалиётда ташқи қарзнинг ЯИМнинг 60 фоизидан ошмаслигига эришиш мақбул ҳолат ҳисобланади. Бу эса, мамлакатимизда ташқи қарз бўйича сезиларли муаммолар бўлмаслигини англатади.

3. Оқилона пул-кредит ва солиқ-бюджет сиёсатининг амалга оширилганлиги. Пухта ўйланган қатъий пул-кредит сиёсати ва оқилона солиқ-бюджет сиёсатини қўллаш натижасида инфляциянинг йиллик 7-8 фоизли мақсадли мўлжал (таргет) доирасида бўлиши таъминланди. Хусусан, йиллик инфляция даражаси 2009 йилда 7,4 фоизни, 2010 йилда эса 7,3 фоизни ташкил қилди.

Республикамизда давлат бюджети дефицитини қоплашнинг қисқа муддатли ташқи қарз жалб қилиш, Марказий банкнинг кредитларини жалб қилиш каби усулларидан воз кечилди. Чунончи, 2005 йилдан буён республикамиз бюджети профицит билан бажарилиб келинмоқда. Давлат бюджети профицитининг ЯИМга нисбати 2009-2010 йилларда мос равишда 0,2 ва 0,3 фоизни ташкил этди (1-расмга қаранг).



1-расм. Ўзбекистонда давлат бюджетининг бажарилиши ва инфляция даражаси[1]

4. Банк тизимидаги ислоҳотларнинг изчиллиги, банк капиталлашувининг мунтазам ошириб борилганлиги ва банкларни тартибга солишнинг самара тизими шаклланганлиги.

[1]Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида тузилган.

Республикамизда инқирозга қадар бўлган даврда чуқур иқтисодий ислоҳотлар натижасида Базель банк тизими назорати тамойилларига қатъий риоя қилинган ҳолда барқарор банк-молия тизими шакллантирилди.

Ўзбекистонда банкларнинг устав капиталига қўйиладиган талаблар ҳам тадрижий равишда оширилиб борилди (2-жадвалга қаранг). Масалан, 1998 йилнинг 1 январь ҳолатига тижорат банклари ва хусусий банклар учун устав капиталининг минимал миқдори мос равишда 1,5 млн. ва 0,3 млн. АҚШ доллари эквиваленти миқдорида белгиланган бўлса, ҳозирда тижорат ва хусусий банклар учун минимал устав капитали миқдори мос равишда 10 млн. ва 5 млн. Евро эквивалентини ташкил қилмоқда.

2-жадвал

Тижорат банклари устав капиталининг минимал миқдорига қўйилган талаблар[1]

Йиллар	Тижорат банклари учун	Чет эл капитали иштирокида очилаётган банклар учун	Хусусий банклар учун
01.01. 1998	1,5 млн. АҚШ долл. экв.	5 млн. АҚШ долл. экв.	0,3 млн АҚШ долл. экв.
01.01. 1999	2,0	5,0	0,3
01.01. 2000	2,5	5,0	0,3
01.01. 2002	2,5	5,0	1,25
01.01. 2005	5,0	5,0	2,5
01.01. 2008	5,0 млн. Евро экв.	5,0 млн. Евро экв.	2,5 млн. Евро экв.
01.01. 2011	10 млн. Евро экв.	10 млн. Евро экв.	5 млн. Евро экв.

Шунингдек, мамлакатимизда тижорат банкларининг капиталлашув даражасини ошириш бўйича ҳам қатор чора-тадбирлар изчил амалга ошириб келинмоқда. 2010 йилнинг ўзида тижорат банклари капитали 36,2 фоизга ошди ва 4100,1 млрд.сўм (2-расмга қаранг). Айни пайтда, банклар капиталлашувининг ошиши нафақат банк тизими ликвидлилигини мустаҳкамлашга, балки тижорат банкларининг инвестицион фаоллигини оширишга хизмат қилмоқда.

[1]Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 6 апрелдаги "Банк тизимининг молиявий барқарорлигини янада ошириш ва инвестициявий фаоллигини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-1317-сонли Қарори ва Марказий банкнинг меъёрий ҳужжатлари асосида тузилган.



2-расм

Тижорат банклари жами капиталининг ўсиши[1]
(млрд.сўм)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 26 ноябрдаги "2011-2015 йилларда республика молия-банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва барқарорлигини ошириш ҳамда юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишнинг устувор йўналишлари тўғрисида»ги ПҚ-1438 – сонли Қарорига мувофиқ, банкларнинг капиталлашув даражасини ошириш бўйича муҳим чора-тадбирлар белгиланди. Унга кўра, 2011-2015 йилларда республикамиз тижорат банкларининг капиталлашув даражаси 2,1 мартага ошиши лозим.

Республикамиз тижорат банкларининг активлари ҳажмида ўсиш тенденцияси мавжуд бўлиб, глобал молиявий инқироз шароитида ҳам мазкур тенденция сақланиб қолди. Хусусан, 2010 йилда тижорат банклари активлари 32,1 фоизга ортди. Бундан ташқари, тижорат банкларининг иқтисодиётнинг реал секторига ажратган кредит қўйилмалари ҳажмида ҳам ўсиш тенденцияси кузатилмоқда. 2010 йилда реал секторга ажратилган банк кредитлари ҳажми 11551,68 млрд.сўмни ташкил этган бўлиб, бу кўрсаткич 2005 йилга нисбатан 3,2 марта кўп демакдир.

Республикамиз тижорат банкларининг ташқи қарздорлиги сезиларли даражада паст бўлиб, бу ҳолат банкларимизнинг жаҳон иқтисодий инкирози шароитида ташқи молия бозорларидаги конъюнктурага боглиқ бўлмаслигини таъминлади. Хусусан, 2000 йилда республикамиз тижорат банклари кредит портфелининг қарийб 54 фоизи ташқи қарзлар эвазига шаклланган бўлса, 2009 йилда банкларнинг жами кредит портфелининг 84 фоизи ички манбалар ҳисобидан шаклланган[2].

[1]Ўзбекистон Республикаси Марказий банки маълумотлари асосида шакллантирилган.
[2]Муллажонов Ф. Баркарор банк тизими – иқтисодиёт таянчи // Бозор. пул ва кредит.– №1, 2010. – 10 б.

Бугунги кунда аҳолининг банк депозитларидаги омонатлари миқдоридан қатъий назар давлат томонидан тўлиқ кафолатланган.

Таъкидлаш лозимки, республикамиз банк амалиётида активларни секьюритизациялаш амалиёти мавжуд эмас. Бошқача айтганда, кредитларнинг устига чиқарилган қимматли қоғозлар янги берилаётган кредитлар учун гаров сифатида қабул қилинмайди. Бу эса, реал сектор ва молиявий сектор ўртасидаги мутаносибликни сақлаб қолиш имконини беради.

Юқорида қайд этилган чоралар банк тизими барқарорлигининг кафолати ва ишончли ҳимоясини таъминлаб, хўжалик субъектларига ўз вақтида ва тўлиқ ҳажмда хизмат кўрсатиш имкониятини оширди. Бу эса, ўз навбатида, хўжалик субъектлари ва аҳолининг банк тизимига бўлган ишончини янада мустаҳкамлашга хизмат қилди.

5. Иқтисодиёт ва экспорт таркибини диверсификация қилиниши миллий иқтисодиёт равнақининг ташқи конъюнктура ҳолатига узвий боғланиб қолмаслигини таъминлади.

2010 йилда импортнинг экспорт ҳисобидан қопланиши даражаси 148,2 фоизни ташкил қилди. Таққослаш учун, бу кўрсаткич 2009 йилда 124,7 фоизни ташкил этган эди.

Мамлакат экспортининг диверсификациялашув даражасининг ортиши, хусусан, унинг таркибида пахта толаси каби стратегик хом ашё маҳсулоти салмоғининг пасайиб бориши жаҳондаги иқтисодий рецессия ва ташқи бозорлардаги коньюнктуранинг ўзгаришига қарамасдан республикамизда экспортнинг ўсишини таъминлашга хизмат қилди. Жумладан, 2009 йилга келиб пахта толасининг республикамиз экспорти таркибидаги салмоғи 8,6 фоизни ташкил этиб, бу кўрсаткич 2000 йилдагига нисбатан 18,9 ф.п.га кам демакдир.

Бу ўринда эришилган ютуқларда 2009 йил мобайнида экспорт қилувчи корхоналарни қўллаб-қувватлаш ва уларнинг барқарор фаолиятини таъминлаш мақсадида амалга оширилган чора-тадбирларнинг ҳам муҳим ўрни борлигини таъкидлаб ўтиш мақсадга мувофиқ саналади. Хусусан:

– йирик корхоналар томонидан маҳсулотлар таннархи 2,7 трлн. сўмга пасайтирилди ва умуман саноат тармоқларида маҳсулот таннархи 18 фоизга камайди;

– 50 та экспорт қилувчи корхоналарга 202,6 млрд. сўм миқдорида банк кредитлари бўйича қарзлар тўлаш муддати кечиктирилиб (реструктуризация), жарима санкциялари ва пенялари ҳисобдан чиқарилди;

– экспорт қилувчи корхоналарга тижорат банклари томонидан айланма маблағларни тўлдириш учун 233,5 млрд. сўмлик имтиёзли кредитлар ажратилди;

– 105,8 млрд. сўм миқдорида бюджет олдидаги ва етказиб берилган электр энергияси, табиий газ ва коммунал хизматлар қарзларини тўлаш муддатларини кейинга сурилди;

– барча турдаги энергия манбалари ва асосий коммунал хизматлар учун нархлар ўсиши паст даражада сақлаб қолинди (ўртача 7,7%).

Мамлакатимизда иқтисодиётнинг реал аҳволи ва шароитларини ҳисобга олиб, 2008 йилнинг иккинчи ярмидаёқ Инқирозга қарши чоралар дастурини ишлаб чиқишга киришилди. Мазкур дастур глобал молиявий инқирознинг мамлакатимиз иқтисодиётига салбий таъсирини юмшатиш ва бартараф этиш имконини бериб, мамлакатдаги барқарор иқтисодий ўсишни таъминлаш, иқтисодиётнинг муҳим етакчи тармоқларини модернизация қилишни такомиллаштириш, банк-молия тизимини мустаҳкамлашга асос бўлиб хизмат қилди. Зеро, республикамизда инқирознинг салбий таъсирини юмшатиш ва бартараф этишнинг самарали механизми шакллантирилганлиги ва унинг ўзини тўла-тўкис оқлаганлиги нуфузли ташкилотлар раҳбарлари ва экспертлар томонидан эътироф этилмоқда.

Инқирозга қарши чоралар дастурига батафсилроқ тўхталадиган бўлсак, унинг асосий вазифалари этиб қуйидагилар белгиланган[1]:

1. Корхоналарни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлашни янада жадаллаштириш, замонавий, мослашувчан технологияларни кенг жорий этиш. Ушбу вазифа иқтисодиётнинг асосий тармоқлари, экспортга йўналтирилган ва маҳаллийлаштириладиган ишлаб чиқариш қувватларига тегишли бўлиб, унда халқаро сифат стандартларига ўтиш бўйича қабул қилинган тармоқ дастурларини амалга оширишни жадаллаштириш, мамлакатнинг ички ва ташқи бозорларда барқарор мавқега эга бўлишини таъминлаш кўзда тутилади.

2. Экспортга маҳсулот чиқарадиган корхоналарнинг ташқи бозорларда рақобатбардош бўлишини қўллаб-қувватлаш. Жорий конъюнктура кескин ёмонлашиб бораётган шароитда экспортни рағбатлантириш учун қўшимча омилларни яратиш, хусусан:

– айланма маблағларни тўлдириш учун корхоналарга Марказий банк қайта молиялаш ставкасининг 70 фоизидан ортиқ бўлмаган ставкаларда 12 ойгача бўлган муддатга имтиёзли кредитлар бериш;

– тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришга ихтисослашган, хорижий инвестиция иштирокида ташкил этилган корхоналарни бюджетга барча турдаги солиқ ва тўловлардан (қўшилган қиймат солиғи бундан мустасно) озод қилиш муддатини 2012 йилгача узайтириш;

– банклар кредитлари бўйича тўлов муддати ўтган ва жорий қарзлар миқдорини қайта кўриб чиқиш, бюджетга тўланадиган тўловларнинг пенясидан кечиш ва бошқа муҳим имтиёз ва преференциялар бериш белгиланди.

[1]Каримов И. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози. Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. – Т.: "Ўзбекистон" НМИУ, 2009. – 32-35 бетлар.

Бундан ташқари, экспортга маҳсулот чиқарадиган корхоналарни янада қўллаб-қувватлаш мақсадида:

– 2009 йил январь ҳолатига корхоналарнинг кредиторлик қарзларини реструктуризациялаш ва бюджет, бюджетдан ташқари фондларга электр энергияси, табиий газ ва коммунал хизматлар бўйича пеняларни ҳисобдан ўчириш;

– қўшилган қиймат солиғи суммасини қайтариш муддатини 30 кундан 20 кунгача қисқартириш;

– ўз вақтида валюта тушумлари келиб тушмаганлиги учун жарима чоралари ҳисобланадиган муддатни 30 кундан 60 кунгача узайтириш белгилаб қўйилди.

3. Қатъий тежамкорлик тизимини жорий этиш, ишлаб чиқариш харажатлари ва маҳсулот таннархини камайтириш. 2008 йилда хўжалик юритувчи субъектларнинг иқтисодиётимиздаги етакчи тармоқ ва соҳаларда маҳсулот таннархини камида 20 фоиз туширишга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш, шунингдек, таннархни камайтириш бўйича белгиланган параметрларга эришиш учун раҳбар ва масъул ходимларни рағбатлантиришнинг таъсирчан механизмини ишлаб чиқиш кўзда тутилди.

Бунда таннархни пасайтиришнинг асосий йўналишлари сифатида қуйидагилар кўзда тутилди:

– импорт қилинадиган ресурслар нархларини қайта кўриб чиқиш ва пасайтириш;

– материаллар сарфи меъёрларини пасайтириш;

– маҳаллийлаштириш даражасини ошириш;

– маҳсулотлар ишлаб чиқариш технологиясини такомиллаштириш;

– фойдаланилмаётган ишлаб чиқариш қувватларни консервация қилиш;

– маъмурий бошқарув ходимлари сонини қисқартириш.

Бундан ташқари, 2009 йилда барча турдаги энергия манбалари ва коммунал хизматларнинг асосий турлари бўйича нархларнинг кўтарилишини чеклаш, уларнинг 6-8 фоиздан ошмаслик механизми шакллантирилди.

4. Электроэнергетика тизимини модернизация қилиш, энергия истеъмолини камайтириш ва энергия тежашнинг самарали тизимини жорий этиш. Зеро, иқтисодиётимизнинг рақобатбардошлигини янада кучайтириш, аҳоли фаровонлигини юксалтириш кўп жиҳатдан бизнинг мавжуд ресурслардан, биринчи навбатда, электр ва энергия ресурсларидан қанчалик тежамли фойдалана олишимизга боғлиқдир.

5. Ички бозорда талабни рағбатлантириш орқали маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлаш, иқтисодий ўсишнинг юқори суръатларини сақлаб қолиш. Ушбу вазифани бажарилишида ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастурини кенгайтириш алоҳида ўрин тутади. Ушбу дастур доирасидаги лойиҳалар ҳажмини 3-4 баробар кўпайтириш, гўшт ва

сутни қайта ишлашга ихтисослашган микрофирма ва кичик корхоналар учун бўшаган маблағларни ишлаб чиқаришни техник қайта жиҳозлаш ва модернизация қилишга мақсадли равишда йўналтириш шарти билан ягона солиқ тўлови ставкасини 2012 йилнинг 1 январига қадар 50 фоизга қисқартириш, тайёр ноозиқ-овқат товарларнинг муайян турларини ишлаб чиқаришга ихтисослашган корхоналарни фойда ва мулк солиқларидан, микрофирма ва кичик корхоналарни ягона солиқ тўловидан озод қилиш кўзда тутилган.

2009-2012 йилларга мўлжаллаб қабул қилинган Инқирозга қарши дастурда белгиланган чора-тадбирларнинг устувор йўналишлари сифатида қуйидагиларни келтириш мумкин:

– мамлакат молиявий-иқтисодий, бюджет, банк-кредит тизимининг барқарор ҳамда узлуксиз ишлашини таъминлаш;

– иқтисодиётнинг реал сектори тармоқлари ва корхоналарга ёрдам кўрсатиш;

– инвестицияларни жалб этиш, аввало, ички манбаларни сафарбар этиш ҳисобидан иқтисодиётимизнинг муҳим тармоқларини жадал модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш, транспорт коммуникацияларини янада ривожлантириш ва ижтимоий инфратузилма объектларини барпо этиш;

– аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш.

Инқироз таъсирини юмшатиш ва бартараф этиш мақсадида мамлакат молия-банк тизимини мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратилди. Натижада биргина 2008-2009 йилларда республикамиз тижорат банкларининг умумий капитали 2 бараварга кўпайди. 2009 йилнинг ўзида эса, Ўзсаноатқурилишбанк, Микрокредитбанк, Халқ банки, Агро банки, Асака банки ва Қишлоқ қурилиш банки устав капиталларига жами 500 млрд. сўмдан зиёд давлат маблағлари йўналтирилди.

Айни пайтда Ўзбекистон Республикаси банклари капиталининг етарлилик даражаси 23 фоиздан ошгани ҳолда, Базель қўмитаси талабларидан 3 баравар кўпдир.

Бу ўринда яна бир муҳим масала – банкларга бўлган ишонч бўлиб, ҳозирда банкларнинг активлари миқдори аҳоли ва юридик шахсларнинг банкдаги маблағлари ҳажмидан 2 баравардан зиёдга кўпдир. Бундан ташқари, республикамиз банк тизимидаги умумий жорий ликвидлилик банкларнинг ташқи тўловлар бўйича жорий мажбуриятларидан 10 бараварга ортиқ. Бу ҳолат, мамлакатимиз банк тизимида тўловларни ўз вақтида ва тўлиқ амалга ошириш бўйича ҳеч қандай муаммолар мавжуд эмаслигини ҳам кўрсатади.

Шунингдек, банкларнинг инвестицион кредитларининг умумий банк кредит портфелидаги салмоғи карийб 70 фоизни ташкил этди. Иқтисодиётнинг реал

секторига ажратилган кредитларнинг умумий миқдори 2009 йилга келиб, 2000 йилга нисбатан 14 бараварга кўпайди.

Инқирозга қарши чоралар дастурининг муҳим йўналиши ҳисобланган иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарини қўллаб-қувватлаш бўйича ишлаб чиқаришни модернизация қилиш; кооперация алоқаларини кенгайтириш, мустаҳкам ҳамкорликни йўлга қўйиш; мамлакатимизда ишлаб чиқарилган маҳсулотларга ички талабни рағбатлантиришга алоҳида эътибор қаратилди.

Биргина 2009 йилнинг ўзида экспортга маҳсулот чиқарадиган корхоналарнинг айланма маблағларини кўпайтириш учун уларга умумий миқдори 233 млрд. сўмдан иборат имтиёзли кредитлар ажратилди. Натижада глобал молиявий инқироз шароитида жаҳон бозорида талабнинг пасайишига қарамасдан 2009 йилда республикамизда экспорт ҳажми 2,4 фоизга ошди.

Шунингдек, Инқирозга қарши чоралар дастури доирасида солиқ юкини енгиллаштириш, солиққа тортиш тизимини соддалаштириш ва унификация қилиш бўйича қўшимча чоралар кўрилган бўлиб, солиқ имтиёзлари ва преференциялар бериш ҳисобидан 500 млрд. сўмдан ортиқ маблағ хўжалик субъектлари тасарруфида қолдирилди. 2009 йилда кичик саноат корхоналари учун ягона солиқ тўлови 8 фоиздан 7 фоизга пасайтирилгани ҳолда, якка тартибдаги тадбиркорлар учун солиқ миқдори ўртача 1,3 бараварга камайтирилди.

2009 йил мобайнида инвестиция дастури ва техник модернизациялаш бўйича 690 та инвестиция лойиҳаси амалга оширилган бўлиб, уларнинг 303 таси муваффақиятли якунланган. Шунингдек, газ қувурларини тортиш орқали транзит имкониятларини ошириш, электр узатиш линияларини барпо этиш, Ўзбекистон миллий автомагистралини қуриш ва реконструкция қилиш бўйича ҳам салмоқли ишлар амалга оширилди. Туркманистондан республикамиз ҳудуди орқали Хитойга ўтадиган газ қувурларини тортиш ишлари якунланди, "Янги Ангрен –Ўзбекистон" ЛЭП-500 электр узатиш линияси, "Оҳангарон – Пунгон" магистрал газ қувури, "Ғузор – Сурхон" юқори вольтли электр узатиш линиясини қуриш бўйича стратегик инвестиция лойиҳалари амалга оширилди. Натижада мамлакатимизда ягона электр ва газ тармоғи тизимларини ташкил этиш ишлари қарийб якунланди. Шунингдек, 2009 йилда 217 километрлик автомобиль йўли фойдаланишга топширилган бўлса, 538 километрлик йўл ва 19 та кўприк таъмирланган. Йўл-қурилиш техникасини сотиб олиш учун Осиё тараққиёт банкининг умумий қиймати 56 млн. АҚШ долларига тенг бўлган имтиёзли кредитлари жалб этилган.

Бундан ташқари, мамлакатимизнинг 2009-2014 йилларда амалга ошириш кўзда тутилган инвестицион лойиҳалар Дастурида нефть ва газ тармоғи, транспорт ва инфратузилма, шунингдек, энергетика ва кимё саноати

тармоқларида амалга ошириладиган инвестициялар юқори салмоқни ташкил этишини алоҳида таъкидлаш лозим.

2009 йилда Инқирозга қарши чоралар дастури доирасида янги иш ўринларини яратиш ва аҳолининг турмуш даражасини янада оширишга қаратилган муҳим чора-тадбирлар амалга оширилди. Натижада 2009 йилда мамлакатимизда 940 мингдан зиёд янги иш ўринларини яратишга эришилди, хусусан, уларнинг 500 мингга яқини қишлоқ жойларда ташкил этилди.

Аҳолининг реал даромадлари 2009 йил мобайнида 26,5 фоизга ошди, иш ҳақи, пенсия ва нафақаларнинг ўсиши эса ўртача 40 фоизни ташкил этган.

2010 йилда мамлакатимизнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг устувор вазифалари этиб қуйидагилар белгиланди:

– ислоҳотларни давом эттириш ва чуқурлаштириш, мамлакатимизни янгилаш ва модернизация қилиш, 2009-2012 йилларга мўлжалланган Инқирозга қарши чоралар дастурини сўзсиз бажариш ва шу асосда иқтисодий ривожланишнинг юқори ва барқарор суръатларини, самарадорлигини ҳамда макроиқтисодий мувозанатни таъминлаш;

– банк-молия тизимининг барқарорлигини таъминлаш;

– мамлакатимизнинг рақобатбардошлигини оширишни таъминлаш учун иқтисодиётни таркибий ўзгартириш жараёнларини чуқурлаштириш сиёсатини давом эттириш;

– асосий етакчи соҳаларни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш, транспорт ва инфратузилма коммуникацияларини ривожлантиришга қаратилган стратегик аҳамиятга молик лойиҳаларни амалга ошириш учун фаол инвестиция сиёсатини олиб бориш;

– қишлоқда уй-жой қуриш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантиришни жадаллаштириш.

Умуман олганда, республикамизда 2009-2012 йилларга мўлжаллаб қабул қилинган Инқирозга қарши чоралар дастури мамлакат молиявий-иқтисодий, бюджет, банк-кредит тизимининг барқарор ҳамда узлуксиз ишлашини таъминлаш, иқтисодиётнинг реал сектори тармоқлари ва корхоналарга ёрдам кўрсатиш, инвестицияларни жалб этиш, аввало, ички манбаларни сафарбар этиш ҳисобидан иқтисодиётимизнинг муҳим тармокларини жадал модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш каби таъсирчан ва самарали чораларни кўзда тутиб, инқироздан кейинги даврда иқтисодиётнинг барқарор ривожланишини таъминлашга хизмат қилади.

1.4. Инқирозга қарши бошқарувнинг асосий хусусиятлари

Ташкилот фаолияти доирасида кечадиган жараёнларнинг барчасини иккита асосий гуруҳга ажратиш мумкин: субъектив жиҳатдан таъсир ўтказиш мумкин бўладиган ва таъсир ўтказишнинг иложи бўлмайдиган жараёнлар. Биринчи турдаги жараёнлар ҳақида сўз юритилганида, субъект томонидан объектив ҳолатнинг ўзига хос жиҳатлари, асосий қонуниятларини инобатга олиб туриб, вазиятни ўзгартирилиши мумкинлиги тушунилади. Иккинчи турдаги жараёнларга келсак, маълум бир объектив сабабларга кўра жараённинг ривожланиш тенденцияларини ўзгартириб бўлмайдиган ҳолатлар назарда тутилади. Бундай жараёнларнинг ички детерминацияси туфайли объектив равишда содир бўлиши лозим бўлган сабабли оқибатлар юзага келади.

Ҳар икки турдаги жараёнлар муайян тарзда ўзаро боғлиқ бўлиб, уларнинг негизида доимий равишда динамик хусусиятли ўзгаришлар рўй беради. Яъни, ички динамизм туфайли айрим шароитларда субъектив жиҳатдан таъсир ўтказиш мумкин бўладиган жараёнлар ўзининг аксига айланиши мумкин. Бунинг оқибатида уларга ортиқ таъсир ўтказишнинг иложи бўлмай қолади.

Бошқарувчилик маҳорати айнан шундай вазиятларда яққол намоён бўлади. Чунки вазиятнинг нозик жиҳатини ўз вақтида пайқаш ва адекват тарзда муносабат билдириш талаб этилади. Конкрет вазиятда субъектив жиҳатдан таъсир ўтказиш мумкин бўлмайдиган жараёнлар устунлик қилса, пировард натижада анархия ва инқирозлар авж олади. Субъектив жиҳатдан вазиятга таъсир ўтказиш мумкин бўлсин учун бошқарувчилик соҳасида бениҳоя моҳирлик кўрсатиш талаб этилади. Акс ҳолда муайян вақтда тизимнинг ички зиддиятлари кучайиб инқирозли вазиятларга сабаб бўлиши мумкин. Мисол учун ижтимоий муносабатлар соҳасидаги бюрократизмнинг салбий жиҳатлари кескин ошиб кетса, пировард натижада ижтимоий тангликни келтириб чиқаради, турли хил низолар авж олади, бошқарувчилик самарадорлиги эса пасайиб кетади. Демоқчимизки, барча соҳаларда бўлгани каби, бошқарувчилик соҳасида ҳам меъёрдан ошириб юбориш мумкин эмас. Таассуфки, аксарият ҳолларда бир вақтнинг ўзида ҳамма нарсани ва барча кимсани бошқаришга интилиш кузатилади. Ҳолбуки, баъзи вақтларда бундай иш тутиш учун объектив эҳтиёж мутлақо сезилмайди. Субъектив жиҳатдан олиб қаралса, бундай интилиш менежерларнинг иззатталаблиги, шуҳратпарастлиги билан изоҳланиши мумкин.

Таъкидлаш жоизки, субъектив жиҳатдан таъсир ўтказиш мумкин бўладиган жараёнлар аслида корхона томонидан намоён этилаётган яшаш қобилиятини ва ривожланиш хусусиятларининг юзадаги бир қисмини акс эттиради холос. Қолаверса, бу хилдаги жараёнларга маълум даражадагина таъсир ўтказиш мумкин. Фикримизни асослаш учун ҳаётий тажрибадан бир мисол келти-

райлик. Масалан, ўз вазифасини мукаммал бажарадиган, малакали ходим раҳбарнинг қонунга хилоф келадиган ёки беъмани топшириғини бажаришдан бош тортиши табиийдир.

Юқорида келтирилган фикр-мулоҳазалардан қуйидагича хулоса чиқариш мумкин: ҳар қандай жараёнларга ҳам субъектив жиҳатдан таъсир ўтказиш мумкин эмас, борди-ю шундай имконият мавжуд бўлганда ҳам таъсир ўтказиш самарасининг аниқ чегараси мавжуд бўлади. Айни ҳақиқат инқирозли вазиятларнинг олдини олиш мақсадида амалга ошириладиган ва инқирозли вазиятлардаги бошқарувга ҳам тааллуқлидир.

Инқирозли вазиятларнинг олдини олиш мақсадида амалга ошириладиган ва инқирозли вазиятлардаги бошқарув деганда, алоҳида олинган корхонанинг стратегик мақсадларига ва ташкилотнинг ривожланиш тенденцияларига мос келувчи ҳаракат дастури назарда тутилади.

Ҳаётий тажрибаларни далолат беришича, аксарият ҳолларда ривожланиш жараёнлари қанчалик равнақ топса, тизимнинг ташкилий тузилмаси шунчалик мураккаблашади. Бу ҳолни биз ишлаб чиқариш соҳасида ҳам, иқтисодиётда ҳам, ижтимоий соҳада ҳам кузатишимиз мумкин. Мисол учун, бирон бир маҳсулотни тайёрлаш технологияси, унинг функционал вазифаси қанчалик мураккаблашса, иқтисодий муносабатлар ҳам шунчалик мураккаблашади, ўз навбатида инсоннинг эҳтиёжлари ҳам турли туман бўла бошлайди. Вазиятнинг бу зайилда ривожланишига турли хил омиллар, хусусан, маориф тизимидаги ютуқлар, ҳаётдаги урбанизация жараёнлари, маданиятнинг юксалиши ва бошқа омиллар таъсир кўрсатиши мумкин.

Моҳиятан ва табиатан ривожланиш жараёнлари циклик хусусиятли бўлгани боис, конкрет тизимнинг ташкилий жиҳатдан ўзгариши ҳамда тобора мураккаблашуви жараёнлари логистик эгри чизиқ бўйича амалга ошади. Ривожланишнинг логистик эгри чизиғи тараққиёт жараёнлари учун зарур шарт-шароитларнинг шаклланиши, тизимнинг ташкилий жиҳатдан ўзгариши ҳамда тобора мураккаблашуви жараёнларининг намоён бўлиши, бу хилдаги жараёнларнинг рўй бериши учун зарур бўлган асоснинг барҳам топиши ва ниҳоят, келгусидаги ривожланиш цикли учун зарур потенциалнинг тўпланиши босқичларини фарқлашга имкон беради.

Шундай қилиб, ривожланишнинг логистик эгри чизиғи ҳар қандай тизим (ташкилот, ишлаб чиқариш, фирма ва ҳ.к.) тараққиётининг тўрт босқичини ифода этади, яъни: кундалик шарт-шароитдаги бошқарув услуби; ишлаб чиқариш характерининг мураккаблашуви давридаги бошқарув услуби; ишлаб чиқариш характерининг мураккаблашуви даври учун хос бўлган бошқарув услуби; ишлаб чиқариш характерининг мураккаблашуви даври учун мос келмайдиган бошқарув услуби.

Аслида бошқарув жараёнлари ҳам айнан шу босқичларга хос ва мос тарзда амалга оширилиши лозим.

Бошқарув услуби ижтимоий-иқтисодий тизимнинг таркибий элементи бўлгани боис у ўзида тизимнинг ривожланиш хусусиятларини тўлиқ акс эттиради. Шунга қарамасдан, бошқарув тизимининг ривожланиши логистика тамойилларига асосан кечади. Бу хил ёндашув воситасида бошқарув тизимининг статусини, унинг ижтимоий-иқтисодий тизим ривожланиш тенденциялари билан ўзаро боғлиқлигини, ижтимоий-иқтисодий тизим миқёсида рўй бераётган ўзгариш жараёнларига таъсир ўтказиш имкониятларининг доирасини аниқлаш мумкин бўлади.

Тизим ривожланишининг илк босқичида бошқарувчилик нисбатан соддароқ бўлади. Ушбу жараён билан боғлиқ барча операциялар аниқ ва равшан ифодалангани боис бошқарувчилик самарадорлигини ошириш учун ортиқча куч-ғайрат ва ресурслар сарфланиши талаб этилмайди. Функционал жиҳатдан ҳам бошқарувчилик унчалик мураккаб бўлмасдан, ташкилий жараёнларнинг элементар шаклларида намоён бўлади.

Ишлаб чиқариш жараёнлари тобора мураккаблашиб борадиган бўлса, бошқарувчилик тизими нисбатан тезроқ суръатларда ривожланиши лозим. Акс ҳолда унинг самарадорлиги кескин пасайиб кетиши аниқ. Бошқарув тизимини изчил равишда такомиллаштириш учун уни қайта ташкил этиш лозим бўлади. Бунинг оқибатида бошқарув функционал, ташкилий, мотивацион ва ахборат олиш жиҳатидан мураккаблашади. Бу ҳол ўз навбатида бошқарувчиларнинг янада профессионаллашувини тақозо этади.

Бу мақсадга эришмоқ учун маърифий ва тадқиқотчилик ишлари билан шуғулланадиган ташкилий тузилмаларни барпо этиш керак.

Бошқарув тизимининг ишлаб чиқаришга нисбатан жадалроқ ривожланиши тенденцияси бир текис давом этавермайди. Вақти-вақти билан ривожланиш жараёнларида сустлик кўзга ташланадики, айни пайтларда келгусидаги сифат ўзгаришлари учун замин етилиб боради. Ривожланишнинг айни даврида ишлаб чиқариш билан бошқарув тизимининг мураккаблашуви ўртасидаги номувофиқлик, субъектив жиҳатдан таъсир ўтказиш мумкин бўладиган ва бунинг иложи бўлмайдиган ҳолатларнинг ўзаро боғланишида муайян бузилишлар юзага чиқиши мумкин. Буларнинг барчаси бошқарув тизимидаги инқирозли вазиятдан далолат беради.

Илгарироқ айтиб ўтганимиздек, ташкилот фаолиятининг ҳар қандай босқичида инқирозли вазиятга дуч келиш хавфи мавжуд бўлади. Нима

учун шундай дейсизми? Бунга сабаб турли-туман рискларнинг мавжудлиги, ижтимоий-иқтисодий тизимларнинг циклик тарзда ривожланиши, субъектив жиҳатдан таъсир ўтказиш мумкин бўладиган ва бунинг иложи бўлмайдиган ҳолатлар ўртасидаги ўзаро нисбат ва муносабатларнинг ўзгариб туриши, инсон манфаатларининг ўзгарувчанлиги деб тўлиқ асос билан айта оламиз. Шу сабабдан ҳам ижтимоий-иқтисодий тизимни бошқариш ҳамма вақт турли хил инқирозларнинг ривожланиши мумкинлигини инобатга олиб амалга оширилиши даркор.

Инқирозли вазиятларнинг олдини олиш мақсадида амалга ошириладиган ва инқирозли вазиятлардаги бошқарув деганда, инқирозларнинг рўй бериши мумкинлигини олдиндан билиш, инқирозларнинг аломатларини таҳлил қилиш, инқирозларнинг салбий оқибатларини бартараф этиш ва инқирозни юзага чиқарган омилларни ривожланишнинг янги босқичига чиқиш йўлида ишлата билиш механизмини яратишга асосланган бошқарувдир.

Инқирозли вазиятларнинг олдини олиш мақсадида амалга ошириладиган ва инқирозли вазиятлардаги бошқарувни реал тарзда ташкил эта билиш биринчи навбатда инсоний омилга боғлиқдир. Зотан, инқирозли вазиятларда айнан инсонларнинг оғир ҳолатдан чиқиб кетиш йўлларини излашга қаратилган онгли равишдаги фаолияти вазиятни ўнглашга ёрдам беради. Бундан ташқари инқирозли вазиятларнинг олдини олиш мақсадида амалга ошириладиган ва инқирозли вазиятлардаги бошқарув реал хусусият касб этиши учун ижтимоий-иқтисодий тизимларнинг ривожланиши циклик хусусиятга эга эканлигини билиш зарур. Фақат шундагина инқирозларни олдиндан кўра билиш мумкин бўлади. Кутилмаганда юзага чиқадиган инқирозли вазиятлар ўта хавфлидир.

Инқирозли вазиятларнинг олдини олиш мақсадида амалга ошириладиган ва инқирозли вазиятлардаги бошқарувнинг зарурияти ривожланиш мақсадлари билан белгиланади. Масалан, экология соҳасида вужудга келадиган инқирозли вазиятлар инсониятнинг ҳаёти учун жиддий хавф туғдириши мумкин ва табиийки инсонлар бу хавфни бартараф этиш чорасини излашади. Айни вазиятда ишлаб чиқариш технологияларини тубдан ўзгартириш эҳтиёжи юзага келиши мукин.

Инқирозга карши бошқарув жараёнлари билан боғлиқ муаммолар туркумини тўрт гуруҳга ажратиш мумкин (3-расмга қаранг).


Инқироздан олдинги ҳолатларни аниқлаш муаммолари
Инқирозларни олдини олиш муаммолари
Инқирозли вазиятдаги ташкилотнинг ишлаб туриши муаммолари
Инқироздан чиқиш муаммолари
Инқирознинг оқибатларини бартараф этиш муаммолари
Инқирозга қарши бошқарувнинг услубий муаммолари
Инқирозга қарши бошқарувнинг молиявий-иқтисодий муаммолари
Инқирозга қарши бошқарувнинг ҳуқуқий муаммолари
Инқирозга қарши бошқарувни ташкил қилиш муаммолари
Инқирозга қарши бошқарувнинг ижтим.-психол. муаммолари
Инқирозга қарши бошқарув:
ташкилотнинг инқирозли ишлаб туриши шароитида муаммоларни ҳал қилишнинг методологияси ва такомиллаштирилиши
Маълумот излаш
Истикболдаги инқирозларни аниқлаш муаммолари
Таваккалчилик шароитида бошқарув қарорларини ишлаб чиқиш
Инқирозли ҳолатларнинг таҳлили ва баҳоланиши
Инқирозли фармонларнинг инновацион стратегиялари
Бошқарувнинг можароли муаммолари
Маркетинг: ноаниқлик шароитларидаги муомала
Ташқи бошқарув ва санация муаммолари
Инқироз шароитида ходимларни танлаш: баҳолаш ва рақобатлантириш
Инвестицион лойиҳалаштириш

3-расм.

Инқирозга қарши бошқарув жараёнлари билан боғлиқ муаммолар

Биринчи гуруҳ ўз ичига инқирозлардан олдинги вазиятларни аниқлаш билан боғлиқ муаммоларни қамраб олади. Инқирознинг бошланишини ўз вақтида кўра билиш, унинг биринчи белгиларини пайқаш, уни хусусиятини тушуниш - оддий иш эмас. Инқирозни бартараф қилиш эса айнан шунга боғлиқдир. Шу билан бирга инқирозни бартараф этиш механизмларини шакллантириш ва уларни ишга қўшиш ҳам лозим. Бу ҳам бошқарув муаммоси. Лекин инқирозларнинг барчасини ҳам олдини олиш жуда қийин, шунинг учун уларнинг кўпчилигини босиб ўтиш, бартараф қилиш керак бўлади. Бунга эса айнан самарали оптимал бошқарув орқали эришиш мумкин. У инқироз даврида ташкилотнинг ишлаб туриши муаммоларини ҳал қилади, инқироздан чиқишга ва унинг оқибатларини йўқотишга ёрдам беради.

Иккинчи гуруҳга киритиладиган муаммолар ташкилий тузилманинг устувор фаолият йўналишлари билан боғлиқ. Бунда биринчи навбатда фирма фаолиятининг услубий жиҳатлари назарда тутилади. Айни турдаги муаммоларни ҳал этиш баробарида бошқарув тизимининг миссияси ва аниқ мақсадлари, тараққиёт йўналишлари, инқирозли вазиятларда бошқаришнинг услуб ва воситалари аниқланиб, белгилаб олинади. Бу турдаги муаммолар жумласига молиявий-иқтисодий хусусиятга эга бўлган муаммолар ҳам киритилади. Масалан, иқтисодий нуқтаи назардан инқирозли вазиятларнинг олдини олиш мақсадида амалга ошириладиган ва инқирозли вазиятлардаги бошқарув вазифаларини бажариш учун ишлаб чиқаришни диверсификациялаш, яъни уларнинг турини аниқлаш, муаммосини ҳал этишга тўғри келади.

Бунинг учун қўшимча ресурсларни ва молиявий таъминот манбаларини излаб топишга тўғри келади. Юқорида айтиб ўтилган муаммолар туркумидан ташқари ташкилий ҳамда ҳуқуқий масалалар билан боглиқ, ижтимоий-психологик муаммолар мавжуд.

Инқирозли вазиятларнинг олдини олиш мақсадида амалга ошириладиган ва инқирозли вазиятлардаги бошқарув жараёнлари билан боғлиқ муаммоларнинг учинчи гуруҳига бошқарув технологияларини фарқлаш (табақалаштириш) зарурияти билан боглиқ муаммолар туркумини киритиш мумкин.

Бу хилдаги муаммолар туркумига умумий тарзда ифодаланадиган инқирозли вазиятларнинг рўй беришини олдиндан кўра билиш (башорат қилиш), инқирозли вазиятларда ижтимоий-иқтисодий тизимнинг ривожланиш вариантларини аниқлаш, вазиятга алоқадор ахборотни тўплаш, зарурият юзасидан қабул қилинадиган бошқарув қарорларини ишлаб чиқиш билан боғлиқ масалаларни киритса бўлади. Инқирозли вазиятларни таҳлил қилиш ва баҳолаш ҳам муҳим аҳамиятни касб этади. Бу борада амалга ошириладиган

ишларнинг унумдорлигига фаолият субъектларининг ихтиёридаги вақтнинг тиғизлиги, персоналнинг малакавий тайёргарлиги, ахборотнинг танқислиги ва бошқа шу каби омиллар таъсир ўтказади.

Учинчи гуруҳга ташкилотни инқирозли вазиятдан олиб чиқишга хизмат қилувчи инновацион стратегияларни ишлаб чиқиш билан узвий боғлиқ муаммолар туркумини ҳам киритиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Муаммоларнинг тўртинчи гуруҳига конфликтологияга ва ходимларни саралашга оид муаммоли масалаларни киритиш мумкин. Зотан, бу хилдаги муаммолар инқирозли вазиятларда ҳамма вақт кузатилади. Булардан ташқари инқирозли вазиятларнинг олдини олиш мақсадида амалга ошириладиган ва инқирозли вазиятлардаги бошқарув жараёнларига алоқадор турли хил чора-тадбирларни сармоялар билан таъминлаш, маркетинг тадқиқотларини уюштириш, банкротлик ва санация муаммоларини ҳам айнан шу гуруҳдаги муаммолар туркумига қўшиш даркор.

Инқирозли вазиятларнинг олдини олиш мақсадида амалга ошириладиган ва инқирозли вазиятлардаги бошқарув жараёнларининг мазмун-моҳияти билан узвий боғлиқ бўлган муаммоларнинг хусусияти шундан далолат беради-ки, бу турдаги бошқарув фаолияти умуман бошқарувчилик учун хос бўлган хусусиятлардан ташқари ўзига хос хусусиятларга ҳам эгадир.

Инқирозга қарши бошқарувнинг белгилари ва ўзига хос хусусиятлари

Ҳар қандай турдаги бошқарув фаолиятини тавсифлайдиган асосий хусусият бу унинг предмети ҳисобланади. Умумлаштириб олинганида бошқарувчилик фаолияти предметининг мазмун-моҳиятини бевосита инсон фаолияти ташкил этади. Ташкилотни бошқариш — бу одамларнинг биргаликда амалга ошириладиган фаолиятини бошқариш демакдир. Бу турдаги фаолият моҳиятан у ёки бу тарзда айни фаолият давомида ўз-ўзидан ҳал бўладиган ёки иш жараёнида онгли равишда ҳал этиладиган бир қатор муаммолардан иборат. Шунинг учун бошқарувчилик фаолияти предметининг моҳиятини аниқлаштириб ифода этадиган бўлсак, уни инсон фаолияти билан боғлиқ муаммолар мажмуи сифатида эътироф этиш мумкин.

Инқирозли вазиятларнинг олдини олиш мақсадида амалга ошириладиган ва инкирозли вазиятлардаги бошқарув фаолияти ўзининг таъсир ўтказиладиган аниқ предметига эга. Айни турдаги фаолиятнинг предметини инқирозли вазиятлар билан боғлиқ муаммолар, инкирозларнинг эҳтимолий ва реал омиллари ташкил этади.

Аслини олганда, хар қандай бошқарув фаолияти қайсидир маънода инқирозли вазиятларнинг олдини олишни кўзлаб ташкиллаштирилиши лозим. Бундай талабга нисбатан эътиборсизлик қилиш кутилмаганда салбий оқибатларни келтириб чиқаради. Фаолият стратегияси инқирозли вазиятларнинг олдини олишни кўзлаб амалга оширилса, инқирозлар нисбат ўтиб кетади.

Инқирозли вазиятларнинг олдини олиш мақсадида амалга ошириладиган ва инқирозли вазиятлардаги бошқарувчилик фаолиятининг моҳияти қуйидаги ҳолатларни инобатга олиб амалга оширилса, яхши самара бериши мумкин:

- инқирозли вазиятларни нафақат олдиндан пайқаш, балки онгли равишда уларни юзага келтириш мумкин;

- қайсидир жиҳатдан инқирозли жараёнларнинг кечишини тезлаштириш, уларнинг олдини олиш ва ортга суриш мумкин;

- инқирозли вазиятларда бошқарувчилик фаолияти самарали кечиши учун вазиятга мос келадиган услубларни танлай билиш, махсус билим, малака ва тажрибага эга бўлиш, умуман бошқарувчилик маҳоратини намойиш этиш керак бўлади;

- инқирозли вазиятларга маълум даражада ва доирада субъектив жиҳатдан таъсир ўтказиш мумкин;

- бошқарувчилик инқирозли вазиятлардан омон-эсон чиқиб кетишни кўзлаб ташкиллаштирилса, у ҳолда жараёнларнинг кечишига субъектив жиҳатдан таъсир ўтказиб, уларни жадаллаштириш, салбий оқибатларини эса минималлаштириш мумкин.

Инқирозлар моҳиятан турли хил бўлгани боис бундай вазиятларни бошқариш услублари ҳам турлича бўлади. Бу каби хилма-хиллик бошқарув қарорларини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш алгоритмларида, айниқса, бошқарув механизмларида тўлиқ намоён бўлади (4-расмга қаранг).

Инқирозли вазиятларнинг олдини олиш мақсадида амалга ошириладиган ва инқирозли вазиятлардаги бошқарувчилик тизими бир қатор алоҳида хусусиятларга эга бўлмоғи лозим. Улар орасида энг муҳимлари қуйидагилардир:

- вазиятга мосланувчанлик;

- бошқарувнинг норасмий услубларидан фойдаланишга, персоналнинг шижоатини, сабр-бардошини, қатъий ишончини қўзғотиш ниятида алоҳида мотивациялаштиришга мойиллик сезилади;

мавжуд вазиятдан келиб чиқиб самарали бошқариш имкониятларини излаш мақсадида бошқарув тизимини диверсификациялаш;


Инқирозга қарши
Инқирозга қарши
Инқирозга қарши бошқарув механизмлари
Инқирозга қарши
Қайишқоқлик, мослашувчанлик, матрицали тузилмалар
Инқирозга қарши ҳолатларга қаратилган рақобатлантириш
ҳаракатчанлик
Норасмий бошқарув даражаси
Некбинликка (оптимизм) ва ишончга йўналтириш
Дастурли-мақсадли ёндошувлар
Интеграция
Профессионаллик қадриятлари бўйича интеграция
Альтернативаларни, қарорлар оқибатини баҳолаш
Бошқарув диверсификацияси
Ташаббускорлик
Барорларнинг ўз вақтида бўлиши (вақт омили)
Марказлашиш даражаси, ҳолатларга таъсир этиш тизими
Корпоративлик даражаси ва ўзаро мувофиқлик
Барорларнинг сифат мезонлари
Бошқарув усули
Профессионал ишонч
Мақсадга эришишга интилувчанлик
Бюрократияга қарши, очиқ-ойдин ташкилот
Ташаббус ва мустақил ташкиллаштиришни рағбатлантириш
Ходимларни саралаш
Альтернативаларни тадқиқ қилиш

4-расм.

Инқирозга қарши бошқарув тизимига, жараёнига ва механизмига нисбатан қўйиладиган талаблар

- инқирозли вазиятларда тўсатдан пайдо бўладиган муаммоларни тезкор равишда ва самарали ҳал этиш учун бошқарувни марказлаштирилган даражасини қисман ўзгартириш;

- ташкилот персоналининг куч-ғайратини бир йўналишда жамлаб, кучайтириш ва ходимлар компетентлигидан имкон қадар тўлиқ фойдаланиш учун интеграцион жараёнларни жадаллаштириш.

Инқирозли вазиятларнинг олдини олиш мақсадида амалга ошириладиган ва инқирозли вазиятлардаги бошқарувчилик жараёнларининг табиати ҳамда технологик жиҳатлари ўзига хос хусусиятларга эга. Улар орасида аҳамиятга моликлари қуйидагилардир:

- ресурслардан фойдаланиш, турли хил ўзгаришларни, инновацион дастурларни амалга ошириш борасидаги ҳаракатланувчанлик ва динамизм;

- бошқарув қарорларини қабул қилиш ва амалга ошириш технологияларини яратиш борасида конкрет мақсадга йўналтирилган ҳаракат дастурларини ишлаб чиқиш;

- бошқарув жараёнларида вақтдан тўғри ва унумли фойдаланиш;

- даставвал ва кейинчалик қабул қилинган бошқарув қарорларини диққат билан таҳлил қилиш асосида вазиятни ўрганиш ва хатти-ҳаракатларнинг муқобил вариантларидан бирини танлаш.

Инқирозли вазиятларнинг олдини олиш мақсадида амалга ошириладиган ва инқирозли вазиятлардаги бошқарув қарорларининг қабул қилиниши ва рўёбга оширилиши самарали бўлиши учун қабул қилинаётган бошқарув қарорларининг сифатини аниқлаш мезонларидан ўринли фойдаланиш.

Инқирозли вазиятларнинг олдини олиш мақсадида амалга ошириладиган ва инқирозли вазиятлардаги бошқарув механизми ҳам ўзига яраша хусусиятларга эга. Зотан, ташкилот инқирозли жараёнларни бошидан кечираётган бир пайтда жорий иқтисодий фаолият жараёнида қўлланиладиган бошқарувчилик воситалари кутилган самарани беролмаслиги ҳам мумкин.

Инқирозли вазиятларнинг олдини олиш мақсадида амалга ошириладиган ва инқирозли вазиятлардаги бошқарув механизмининг устувор жиҳатларини аниқлашда фикримизча, қуйидагиларга эътибор каратилиши лозим:

- инқирозли вазиятларнинг рўй беришининг олдини олиш, гарчи бундай жараёнлар юз берган бўлса, уларнинг салбий оқибатларини бартараф этиш, ресурсларни тежаш, вазиятни атрофлича таҳлил қилиш асосида эҳтиёткорлик билан иш юритиш, ходимларнинг профессионалик даражасиги таяниш ва бошқа шу каби омилларни ишга солиш учун мотивациялаш;

- ташкилот ходимларининг кўнглини кўтариш, умидворлик ва ишонч ҳиссини уйғотиш ва шу тариқа, ижтимоий-психологик жиҳатдан фаолият барқарорлигини таъминлаш;

- профессионаллик қадриятларига алоҳида эътибор берган ҳолда интеграциялашув;

- пайдо бўлган муаммоларни ҳал этиш борасида алоҳида ташаббускорликни намойиш этиш;

- корпоративлик даражаси, инновацион янгиликларни излаш ва жорий этиш, ўзаро мувофиқлашув.

Таъкидлаб ўтилганларнинг барчаси бошқарув услубида ўз аксини топмоғи лозим. Таъкидлаш лозимки, бу хилдаги талаблар нафақат алоҳида олинган менежерлар фаолиятига, балки бутун бошқарув тизимига нисбатан илгари сурилади. Ўйлашимизча, бу хилдаги фаолият услубий жиҳатдан қуйидаги сифатлари билан ажралиб туриши керак: ходимларнинг профессионаллик лаёқатига бўлган ишончга асосланиши, мақсадга йўналтирилган бўлиши, ортиқча расмиятчиликка йўл қўйилмаслиги, тадқиқотчилик руҳияти, ўз-ўзидан батартибликка эришиш хусусияти, масъулиятлилик устун бўлмоғи лозим. Инқирозли вазиятларнинг олдини олиш мақсадида амалга ошириладиган ва инқирозли вазиятлардаги бошқарувнинг биз юқорида тавсифлаб ўтган айрим хусусиятларига батафсилроқ тўхталишни мақсадга мувофиқ деб ўйлаймиз.

1.Фаолият функцияларининг жиҳатлари деганда, бошқарув фаолиятининг мазмун-моҳиятини белгиловчи ва пировард натижаларини акс эттирувчи алоҳида фаолият турлари назарда тутилади. Улар инқирозли вазиятларда фирма фаолиятини самарали бошқариш учун нималар қилиниши керак деган муҳим саволга жавоб беришга хизмат қилади. Бу борада 6 та функционал вазифани ажратиб кўрсатишимиз мумкин: инқироз рўй бермасидан илгариги, бевосита инқирозли вазиятларда бошқариш, инқирозли вазиятдан чиқишга йўналтирилган бошқарув жараёнлари, ўзгарувчан вазиятларни барқарорлаштиришга йўналтирилган бошқарув, инқирозли вазиятнинг салбий оқибатларини минималлаштириш чора-тадбирларини кўриш, бой берилган имкониятларнинг ўрнини тўлдириш ва вазиятдан келиб чиқиб зарур топилган бошқарув қарорларини ўз вақтида қабул қилиш. Алоҳида олинганида бу функционал вазифаларнинг барчаси ўзига хос хусусиятларга эгадир, аммо улар биргаликда инқирозли вазиятларнинг олдини олиш максадида амалга ошириладиган ва инқирозли вазиятлардаги бошқарувнинг мазмун-моҳиятини ташкил этади.

2. Ҳар қандай бошқарув жараёнининг негизида диалектик алоқадорликда бўлган икки ажралмас компонент, яъни интеграциялашув ва дифференциялашув жараёнлари рўй беради. Ушбу икки жараёнлардан бири кучайса иккинчиси сусаяди. Бу хил муносабат уларнинг диалектик моҳиятини ташкил

этади ва ўз навбатида логистик эгри чизиқ бўйлаб ривожланиш тенденциясини ифодалайди (5-расмга қаранг). Логистик эгри чизиқ бўйлаб ривожланишнинг кескин бурилишлар палласидаги интеграциялашув ва дифференциялашув жараёнлари ўртасидаги ўзаро алоқадорликнинг ифодаланиш хусусияти бошқарувнинг янгича ташкилий тузилмасини ёхуд янги ташкилотнинг пайдо бўлишини белгилаб беради. Бошқарув жараёнининг негизида яширинган бу икки омил ўртасидаги ўзаро алоқадорликнинг намоён бўлиши давомида ташкилий тузилманинг ривожланишида потенциал жиҳатдан инқирозли вазиятлар юзага келиши учун зарур шарт-шароитларнинг етилишини белгилаб берувчи алоҳида нуқта, яъни босқичлар, мавжуд.



5-расм. Бошқарувчилик фаолиятини ташкиллаштириш жараёнига таъсир ўтказувчи асосий омилларнинг динамикаси: С-ташкилот ривожланишида инқирозли вазият нуқтаси; АВ-янги ривожланиш даврига ўтиш ва ташкилий тузилманинг қайтадан шаклланиши.

Одатда бу хилдаги хавфли бурилиш палласи фирманинг (корхонанинг) ташкилий асослари барбод бўлишидан хабар бериб туради. Тараққиётнинг хавфли палласида инқирознинг салбий оқибатларини бартараф этмоқ учун бошқарув тизимининг негизидаги интеграциялашув ва дифференциациялашув жараёнлари ўртасидаги нисбатни шундай ўзгартириш лозим-ки, токи бошқарув тизимини янада юкорирок босқичга олиб чиқиш ва тамомила янгича ташкилий асосда тузиш имконияти пайдо бўлсин.

3. Ҳар қандай бошқарув соҳаси функционал жиҳатдан муайян тарзда чекланган бўлади. Бундай чекланишлар ички ва ташқи омиллар таъсирида юзага

келади. Бу икки хил омилнинг ўртасида ўзига хос нисбатда намоён бўлувчи боғлиқлик кузатилади. Айнан шу алоқадорликнинг намоён бўлиш хусусиятига кўра эҳтимол тутиладиган инқирозли вазиятларни қай пайтда ва қандай кўринишда юзага чиқиши мумкинлигини аниқлай оламиз (6-расмга қаранг).



6-расм. Муаммоларни ҳал қилиш имкониятлариии чеклайдиган омиллар

Инқирозли вазиятларни келтириб чиқарувчи асосий сабаблар:

- мамлакатдаги жорий молиявий-иқтисодий вазият;
- кескин рақобатчилик;
- амалга оширилаётган бошқарувнинг профессионаллик даражасини пастлиги (бошқарув қарорларини қабул қилишда жиддий камчиликларнинг мавжудлиги);
- ривожланишнинг риск билан боғлиқ стратегияси;
- инқирозли вазиятларни юзага келтирувчи бошқарув (турли хил низоларнинг авж олиши);
- мураккаб ижтимоий-сиёсий ҳолат;
- табиий ҳалокатлар.

Таъкидлаш жоизки, функционал жиҳатдан бошқарув соҳасининг чегараларини тартибга солиш мумкин. Бундай вазифани онгли равишда амалга ошириш ҳам инқирозли вазиятларнинг олдини олиш мақсадида амалга ошириладиган ва инқирозли вазиятлардаги бошқарув стратегиясининг муҳим элементи хисобланади.

Бошқарув самарасини чеклаб қўйиши мумкин бўлган ички омиллар таъсирини персонални ротациялаш йўли билан ёхуд мотивациялаш тизимини такомиллаштириш йўли билан ҳам бартараф этиш мумкин. Бошқарув

жараёнларини ахборот билан тўлиқ таъминлаш воситасида ҳам бошқарув самарадорлигини оширса бўлади.

Бошқарув самарасини чеклаб қўйиши мумкин бўлган ташқи омиллар таъсирини эса маркетинг ва паблик рилейшенз услубларини ривожлантириш орқали камайтириш мумкин.

Инқирозли вазиятларнинг олдини олиш мақсадида амалга ошириладиган ва инқирозли вазиятлардаги бошқарувнинг муҳим хусусиятларидан бири айни жараён замирида формал ва ноформал бошқарув жараёнларининг уйғун бирлиги кузатилади. Ушбу алоқадорлик турли шаклларда намоён бўлиши мумкин. Бошқарув қандай кўринишда намоён бўлишидан қатъий назар фаолиятни рационал жиҳатдан ташкиллаштириш имкониятлари муайян даражада чегараланган бўлади. Бу борадаги имкониятлар доираси нисбатан кенгроқ ёхуд торроқ бўлиши мумкин. Инқирозли вазиятларнинг олдини олиш мақсадида амалга ошириладиган ва инқирозли вазиятлардаги бошқарув имкониятларининг торайиши инқирозли вазиятларнинг етилиши, баъзида эса инқирозларнинг ўта даражада кучайиши хавфини юзага келтиради.

4. Инқирозли вазиятларнинг олдини олиш мақсадида амалга ошириладиган ва инқирозли вазиятлардаги бошқарув стратегияси нечоғли истиқболли бўлиши мумкинлигини аниқ тасаввур этиш ғоятда муҳимдир. Зеро, пировардида шунга қараб ривожланишнинг рационал стратегиясини ишлаб чиқиш мумкин.

Инқирозли вазиятларнинг олдини олиш мақсадида амалга ошириладиган ва инқирозли вазиятлардаги бошқарув стратегияси турлича бўлиши мумкин. Фикримизча, уларнинг энг муҳимлари қуйидагилардир:

- инқирозли вазиятнинг олдини олиш, бундай ҳолатнинг рўй беришига тайёрланиш;
- инқирозли вазиятларнинг ривожланишига тўскинлик қилиш, айни жараёнлар динамикасини имкон қадар сусайтириш;
- инқирозли вазиятнинг етилишини кутиб, шундан кейин унинг салбий оқибатларини бартараф этиш чораларини излаш;
- захира ва қўшимча ресурслардан фойдаланиш;
- рационал тарзда чамалаб кўрилган рискка бориш;
- инқирозли вазиятдан босқичма-босқич чиқиб кетиш;
- инқирозли вазият оқибатларини бартараф қилиш учун зарур шарт-шароитларни яратиш йўли билан вазиятни барқарорлаштириш.

Ривожланиш жараёнида қандай стратегияга таяниб иш кўриш инқирозли вазиятнинг хусусияти ва нечоғли чуқурлигига ҳам боғлиқдир.

Вазиятга таъсир ўтказиш борасида имкониятларни чекловчи омиллар деганда, ўз-ўзидан ҳал бўладиган ёки бавосита таъсир ўтказиш йўли билан

ўнгланадиган субъектив жиҳатдан таъсир ўтказиб бўлмайдиган жараёнлар ҳамда мураккаб муаммолар тушунилади.

Ҳар доим тизимнинг ривожланишига таъсир ўтказиш имкониятлари ташқи ёхуд ички омиллар туфайли чекланган бўлади. Инқирозли вазиятларнинг олдини олиш мақсадида амалга ошириладиган ва инқирозли вазиятлардаги бошқарув стратегиясини ишлаб чиқишда жараёнларга субъектив жиҳатдан таъсир ўтказиш самарасини чеклаб қўядиган омилларни албатта инобатга олиш зарур.

1.5. Давлат бошқаруви тизими ва ташкилотлар миқёсида учраши мумкин бўлган инқирозлар

Давлат ҳокимияти моҳиятан ижтимоий, оммавий феномен бўлиб, жамият тараққиётининг алоҳида босқичларида мавжуд шарт-шароитларга мос шаклларда ифодаланди. Шаклланишининг илк даврида давлат ҳокимияти аноним хусусиятли бўлиб, элат, қабила аъзолари орасида тарқалган эди. Бу даврда давлатнинг регулятив функцияси урф одатлар ва эътикодлар мажмуида намоён бўларди. Ижтимоий тараққиётнинг кейинги даврларида ҳокимият индивидуаллашган хусусият касб этиб қабила бошлиқлари, шоҳ ва хоқонларнинг ҳокимияти шаклида ифодаланган. Тарихий тараққиётнинг маълум поғонасида ҳокимиятнинг институциаллашган шакли қарор топди.

"Ҳокимият институти" тушунчаси муайян тарзда ташкил топган алоҳида тузилмани англатади. Ушбу тузилманинг ўзига хос хусусиятлари мавжудки, пировард натижада улар шаклланаётган ижтимоий феноменга алоҳида мазмун бахш этади. Қуйида биз ҳокимият феномени учун хос бўлган хусусиятларни бирма-бир санаб ўтамиз:

а) ҳокимият табиий кучлар таъсирида эмас, ижтимоий омиллар таъсирида шаклланади. Яъни, ижтимоий муносабатларнинг ўзига хос тарзда ривожланиши туфайли муайян мақсадларни кўзлаб, инсонлар томонидан махсус яратилади;

б) ҳокимият объектив шарт-шароитлар тақозоси билан пайдо бўлган, умумий аҳамиятга эга оммавий эҳтиёжлар ва манфаатларнинг қондирилишини таъминлаш учун зарур объектив куч сифатида юзага чиқади;

в) ҳокимият амалий жиҳатдан аҳамиятга молик бўлиши учун оммавий тарзда эътироф этиладиган расмий сиёсий-ҳуқуқий қарорлар, норматив ҳужжатлар асосида шакллантирилади;

г) ҳокимиятнинг алоҳида хусусияти шуки, у бутун жамиятга, алоҳида ижтимоий гуруҳлар фаолиятига, ижтимоий муносабатлар ва мамлакатнинг ички жараёнларига регулятив таъсир кўрсатиш имкониятига эга бўлади.

Давлат бошқаруви органи юридик жиҳатдан расман белгилаб қўйилган ташкилий тузилма бўлиб, у тегишли тартибда бир ёки бир қанча ижтимоий аҳамиятга молик функцияларни бажаради. Давлат бошқарув органи ташкилий тузилмасига, ваколатлари доирасидаги муайян ҳуқуқ ва бурчларга эга. Давлат бошқарув органи – олий ҳокимият томонидан белгиланган алоҳида функционал вазифаларни бажаришга расман масъулиятли қилиб қўйилган ёлғиз мансабдор шахс ёхуд тегишли тартибда ташкиллаштирилган бир гуруҳ мансабдор шахслар қиёфасида мужассам бўлиши мумкин.

Давлат бошқаруви органининг моҳиятини унинг таркибий элементлари негизида мужассамланган функционал вазифаларнинг умумлашмаси сифатида эътироф этиш мумкин.

Давлат бошқаруви органи таркибан қуйидаги элементлардан ташкил топган:

сиёсий вазифалар мажмуи (мақсади ва вазифаси: давлат ҳокимиятчилигини амалга ошириш);

социологик вазифалар мажмуи (мақсади ва вазифаси: жамият эҳтиёжлари ва манфаатларини қондиришга йўналтирилган умум аҳамиятга молик муаммоларни ҳал қилиш);

юридик вазифалар мажмуи (норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқади, ҳуқуқий тартиботни ўрнатади, ҳуқуқни муҳофаза қилиш билан шуғулланади);

маъмурий-бошқарувчилик хусусиятига эга вазифалар мажмуи (ижтимоий ҳаётни ташкиллаштириш, муносабатларни бошқариш билан шуғулланади).

Давлат бошқаруви органлари деганда, давлат ҳокимиятчилигини амалга ошириш соҳасида зиммасидаги ваколатлари доирасида муайян функционал вазифаларни бажаришга ихтисослашган барча субъектлар назарда тутилади. Айни субъектлар давлат ҳокимиятчилигининг ажралмас таркибий қисми бўлмиш вакиллик, ижроия ва суд ҳокимият органларининг ўзига хос механизми сифатида ягона давлат аппаратини ташкил этади. Давлат аппарати ҳокимиятчилик функцияларини оптимал равишда ижро этилишини таъминлайди. Давлат аппаратини ҳукмрон ижтимоий-сиёсий тузумнинг рамзий ифодаси бўлмиш давлат тузилиши, давлат бошқарувчилигининг ташкилий шакллари, давлат аппаратининг ваколатлари чегараси ва функционал вазифалари доирасида учрайдиган муаммоларни ҳал этиш технологиялари мезонлар асосида турлича таснифлаш мумкин.

Давлат ҳокимиятчилигининг моҳиятини ва табиатини англаб етмоқ учун, айни ижтимоий-сиёсий феномен қаердан ва қандай қилиб пайдо бўлганлигини аниқлаш, ҳокимиятчилик аслида нималарга асосланиши, нималарга таяниши, қандай қилиб ўз табиатини намоён этишини изоҳлаб бериш керак. Бу масалаларга жавоб излаш учун биринчидан, ҳокимиятчиликнинг асл ман-

баи қаерда ва нимада эканини; иккинчидан, ҳокимиятчилик феномени изчил давом этувчи жараён сифатида қандай ресурсларга таянишини билиб олишимиз лозим бўлади. Аслини олганда, ҳокимиятга эришиш ва амалда ҳокимият соҳиби бўлиш бошқа-бошқа нарсалардир. Айрим ҳолларда давлат ҳокимиятчилигининг асл манбалари том маънода унинг ҳаётбахш ресурсларига айланиши мумкин.

Ҳаётий тажрибамиз шуни кўрсатмоқдаки, ҳеч бир жамиятда айни пайтнинг ўзида ижтимоий-сиёсий ҳаётнинг барча жабҳаларида умуммиллий якдилликка эришиб бўлмайди. Кўпгина ҳолларда фуқароларнинг аксарияти актуал ижтимоий муаммолар хусусида шахсий фикрларини ҳаттоки шакллантирмайдилар. Демоқчимизки, умумжамоавий, умуммиллий ироданинг ифодаси — аслида шунчаки абстракт тасаввур холос. Токи шундай экан, "умуммиллий ирода" ифодаси реал равишда давлат ҳокимиятчилигининг манбаси бўлолмайди. Ҳокимиятнинг манбаси бўлолмаган нарса қандай қилиб унинг ресурсига айланиши мумкин? "Умуммиллий ирода" тушунчаси аслича жамият аъзоларининг аксарият қисми, янада аниқроқ ифодалайдиган бўлсак, ҳокимиятчилик функцияларининг субъектив иштирокчилари сифатида ижтимоий-сиёсий жараёнларда қатнашувчи жамият аъзоларининг 50 фоизини ёхуд амалдаги қонунчилик асосида белгилаб қўйилган ҳуқуқий лаёқатли аҳолининг 2/3 ёки 3/4 қисми томонидан билдирилган фикрни ифодалайди.

Юқорида келтирилган мантиқий фикрдан келиб чиқиб, давлат ҳокимиятчилигининг асл манбаси ва муҳим ресурси сифатида ўз ихтиёрига кўра, очиқчасига, қонуний йўл билан кўндаланг қўйилган конкрет муаммо юзасидан рационал асосда ўзининг шахсий муносабатини билдирган фуқароларнинг иродаси ифодаланади, деб таъкидлашимиз мумкин.

Кўпчилик жамият аъзолари иродасини аниқлашнинг асосий механизми давлат аҳамиятига молик долзарб муаммолар бўйича ўтказиладиган референдумлар ва ҳокимиятнинг вакиллик органларига номзодларни демократик принциплар асосида сайлаш тизими ҳисобланади. Шу ўринда юқорида билдириб ўтилган фикрларимиздан келиб чиқиб, яна бир бора таъкидламоқчимизки, сайловларда қатнашиб ғолиб бўлган сиёсий арбобларнинг умумхалқ номидан гапириши ножоиздир. Бундай сиёсий арбоб ҳамиша ҳуқуқий лаёқатга эга бўлган жами фуқароларнинг неча фоизи унинг учун овоз берганлигини унутмаслиги лозим. Зеро, илгарироқ айтиб ўтганимиздек, ҳокимиятга эришиш ва амалда ҳокимият соҳиби бўлиш бошқа-бошқа нарсалардир. Чинакамига ҳокимият соҳибига айланмоқ учун киши ўзида лидерлик хусусиятларини ривожлантириши, ўзининг шахсий обрўсини, сиёсий мавқеини ошириш чора-тадбирларини излаши, маслакдошлар сонини кўпайтиришга уриниши шарт. Бу нима учун керак дейсизми? Ҳокимиятчилигининг асл манбалари том маънода унинг ҳаётбахш ресурсларига айланишига эришмоқлик учун керак.

Давлат ҳокимиятининг ресурслари турли-туман (табиий, иқтисодий, ижтимоий, демографик, информацион, куч ишлатишга асосланган, ғоявий) бўлиши мумкин. Ҳозирги замон америкалик сиёсатшунос олими М.Роджернинг таърифлашича, ҳар қандай *омил, хусусан олганда* "шахснинг бошқа индивидларга таъсир ўтказа олиш хусусиятини кескин оширишга имкон берадиган алоҳида атрибут, конкрет вазият ёки бирон бир неъмат" ҳокимиятчилик ресурсига айланиши мумкин.

Давлат ҳокимиятчилигини таъминлайдиган ва мустаҳкамлайдиган муҳим ресурслар жумласидан – бошқарувчилик таъсири самарасини оширишга имкон берадиган ҳуқуқий тизимни, ҳокимиятчилик ваколатига эга бўлган шахсларнинг бошқарувчилик соҳасидаги потенциал салоҳияти чегарасини белгилаб берадиган билимдонлик ва компетентликни алоҳида кўрсатиб ўтишимиз керак бўлади. Ҳокимиятчилик ресурслари муайян хатти-ҳаракатларни рағбатлантириш, жазолаш ва мажбурлаш чораларини қўллаш, ишонтиришга уриниш каби механизмлар воситасида амалий фаолиятнинг самарадорлигини ошириш учун зарур барча имкониятларни яратиб бериши мумкин.

Шундай қилиб, умуман давлат ҳокимияти ва унинг моҳиятига мос, табиатига хос шаклда ифодаланувчи давлат бошқаруви қуйидаги элементлардан тащкил топади:

1) Давлат аппарати орқали ижтимоий муносабатларга, фуқароларнинг фаолиятига ва пировард натижада жамият аъзоларининг тақдирига муайян тарзда таъсир кўрсатиш ҳуқуқи, имконияти ва лаёқати;

2) Ҳокимиятчилик қарорларини қабул қилиш ваколатларига эга бўлган давлат органлари ва институтлар тизими;

3) Ҳокимиятчилик борасида алоҳида ваколатларга эга бўлган мансабдор шахсларнинг фаолияти.

Давлат ҳокимияти ва давлат бошқаруви тизимининг асосий белгилари: уларнинг легитимлиги, яъни жамият аъзолари томонидан давлат ҳокимиятининг қонунийлигини эътироф этилиши; ҳокимиятчиликнинг мамлакат конституцияси ва қонунлари мажмуи билан тартибга солиб туриладиган расмий ҳарактер касб этиши; давлат аппаратининг тузилмавийлиги, яъни мақсадли равишда яратилган ва ўзаро алоқадорликда бўлган ҳокимият институтларининг мавжудлиги; давлат органлари томонидан қабул қилинган қарорларнинг ҳамма учун мажбурийлиги; қонуний асосда мажбурловчи функцияларни қўллаш ҳамда давлат хавфсизлигини таъминлаш учун махсус хизматлардан фойдаланиш ҳуқуқига эгалиги; жорий қонунчилик нормаларига асосан нодавлат сиёсий ташкилотларнинг қарор ва фармойишларини бекор қилиш ҳуқуқидан фойдалана олиши; мутлақ ҳуқуқларга эга бўлиши, масалан, солиқ солиш воситасида фуқаро ва ташкилотлар даромадининг маълум қисми қонуний асосда ушлаб қолиш.

Давлат ҳокимияти ва давлат бошқаруви тизимининг реал ҳолатини белгилайдиган асосий жиҳатлари қуйидагилар ҳисобланади:

• давлат ҳокимиятчилиги ўз фаолиятини амалга ошириши жараёнида қай даражада фуқароларнинг умумий манфаатларини инобатга олади ва уларни қондириш учун нималар қила олади;

• ижтимоий жараёнларни амалий жиҳатдан бошқариш қандай амалга оширилмоқда, жамиятнинг ривожланишини таъминлаш борасида давлат нималар қилмоқда;

• кутишлар, талаб ва эҳтиёжлар қанча кўп қондирилса, ижтимоий база шунча кенг ва ҳокимиятга бўлган ишонч мустаҳкам ва қаттиқроқ бўлиши;

• фуқароларнинг шахсий, жамоавий, умуммиллий манфаатлари қанчалик тўкис қондирилса, фуқароларнинг давлат ҳокимиятига нисбатан ишончи кучлик, ҳурмати шунчалик ортиб боради. Булар ўз навбатида давлат ҳокимиятининг ижтимоий ресурсларини мустаҳкамланишига олиб келади.

Давлат бошқаруви тизимидаги инқирозларининг сабаб ва оқибатлари

Давлат бошқаруви тизимидаги инқироз деганда, жамият сиёсий тизимининг шаклланиши ва ривожланиши жараёнлари давомида рўй бериши мумкин бўлган кескин ўзгаришлар (ижтимоий-сиёсий соҳадаги беқарорлик, сиёсий институтлар фаолиятидаги номутаносиблик, реал вазиятни бошқариш лаёқатининг сусайиб кетиши, ички зиддиятларнинг кескинлашуви, халқ оммасининг норозилик кайфиятларини ошиб бориши билан характерланади) тушунилади.

Давлат бошқаруви тизимидаги инқирознинг умумий аҳамиятли белгилари жумласидан қуйидагиларни эътироф этиш мумкин:

• сиёсий ва иқтисодий соҳадаги зиддиятларнинг кескинлашуви. Одатда бундай норозилик кайфиятлари сиёсий тус олиши мумкин. Оммaнинг норозилиги асосан давлат органларининг олиб бораётган сиёсатига нисбатан қаратилади. Халқнинг асосий талаби иқтисодий-сиёсий ҳаракатлар дастури йўналишини, стратегиясини ва бошқарув услубларини ўзгартиришдан иборат бўлади;

• давлат аппарати анъанавий бошқарув услублари ва воситалари ёрдамида тобора ўсиб бораётган ички зиддиятларни уларнинг ҳосиласи бўлмиш норозилик кайфиятларини бошқара олмай қолади;

• ҳокимиятнинг сиёсий институтлари билан функционал-тузилмавий бошкарув тизими ўртасидаги номутаносибликнинг кучайиши оқибатида ташки муҳит билан алоқадорликнинг узилиши, давлат ҳокимиятига нисбатан

ишончсизликни билдирилиши, жамиятда тангликнинг ошиб боришига олиб келиши мумкин.

Назарий жиҳатдан олиб қаралса, давлат бошқаруви тизимининг инқирози босқичма-босқич ривожланади, деган тахминни илгари суриш мумкин. У ҳолда мазкур жараён қуйидаги босқичларни босиб ўтади:

Жараённинг бошланғич босқичида ижтимоий ҳаётнинг турли соҳаларида ички зиддиятлар шаклланиши мумкин. Потенциал жиҳатдан турли ривожланиш йўлларидан бориш имкониятлари мавжуд бўлган тизимлар замирида етилиб қолган инқирозлар жамиятдаги куч ва манфаатларнинг янгича нисбати шаклланганлигини ифодалайди. Пировард натижада бундай зиддиятлар ижтимоий ривожланишнинг янги ўсиш даврига қадам қўйишга имконият беради. Бу ҳолда инқирозли вазият янгича муносабатларнинг шаклланишига йўл очиб бериб, қайтадан ижтимоий барқарорликни таъминлаши мумкин.

Жараённинг иккинчи босқичида жамиятдаги ички зиддиятлар шунчалик кучайиб кетадики, ортиқ уларни компромисслар асосида ҳал этишнинг иложи қолмайди. Вазият шу даражагача етиб борса, давлат ҳокимияти механизмлари функционал вазифаларни бажариш учун яроқсиз ҳолга келиб қолган, ижтимоий институтлар ўртасидаги ўзаро алоқадорлик бузилган деб, ишонч комил билан айтиш мумкин бўлади. Бу нимадан далолат беради? Бу ҳол давлат бошқаруви тизимининг ташкилий тузилмаси, фаолият юритишнинг шакл ва услублари потенциал жиҳатдан етилиб қолган янгича ижтимоий-иқтисодий шарт-шароитларга мос келмай қолганлигини кўрсатади.

Жараённинг учинчи босқичида инқирозли вазиятнинг ривожланишида туб бурилиш (миқдорий ўзгаришларнинг сифат ўзгаришларига ўтиши) юз беради. Бу пайтда мавжуд сиёсий тузилмалар ҳаётий лаёқатини йўқотиши оқибатида барҳам топади ва давлат бошқаруви тизимида энтропия (яъни давлат ҳокимиятчилиги моҳиятан ўз табиатига хос бўлган ички куч-кудратни аввалгидек ўзида мужассам эта олмаслиги мумкин) кучайиб кетади. Натижада давлат аппарати жамиятнинг ички ҳаётида рўй бераётган ижтимоий-сиёсий жараёнларга илгаригидек таъсир эта олмайди. Вазият шу даражагача етиб борса, ижтимоий миқёсдаги бошқарувчилик функциясининг издан чиққанлиги ҳақида сўз юритиш мумкин.

Яна бир бор таъкидлаш жоизки, бу фикр-мулоҳазалар фақатгина назарий жиҳатдангина аҳамиятга молик бўлиб, нисбий ва шартли хусусиятга эгадир. Аммо илм-фан соҳибларига яхши маълумки, назария амалиётнинг инъикоси бўлиши билан бир вақтда, ўрни келганида амалиётни бойитиши, унинг ривожланишига ижобий таъсир ўтказиши мумкин. Шуни назарда тутган ҳолда давлат бошқаруви тизимида инқирозли вазиятнинг пайдо бўлиши ва жараённинг кечишини бир мунча кенгроқ таҳлил қилиб чиқишга уринамиз.

Илмий жиҳатдан маълумки, зиддиятлар инсоний муносабатларнинг объектив хосиласи ҳисобланади. Нима учун шундай, деган ўринли савол туғилади. Биринчи мавзунинг муҳокамасига бағишланган мулоҳазаларимиз давомида айтиб ўтган эдикки, инсоннинг барча турдаги фаолияти пировард натижада турли туман эҳтиёжларини қондиришга қаратилган. Субъектив жиҳатдан идрок этиладиган манфаатлар қарама-қаршилиги негизида доимий равишда зиддиятлар қўзғалади. Объектив жиҳатдан ижтимоий муносабатларнинг бундай хусусиятини батамом бартараф этишнинг иложи йўқ.

Бир турдаги ижтимоий-иқтисодий тузумдан бошқасига ўтиш даврида кузатиладиган турли хилдаги зиддиятлар орасида ижтимоий-сиёсий соҳадаги зиддият доминантлик қилиши эҳтимолдан холи эмас. Айни вазиятнинг негизида нима ётади, дейсизми? Гап шундаки, ўтиш даврининг ўзига хос хусусиятлари бор. Улардан энг муҳими шуки, айни пайтда бир вақтнинг ўзида моҳиятан ва табиатан бир-бирига зид келадиган икки хил масала ҳал этилади. Бир томондан, эски давр учун мос бўлган давлат институтларини, муомала қонун-қоидаларини, стереотипларни, қўйингки, ҳокимият бошқарувчилиги тамойилларини тубдан ўзгартиришга қаратилган ислоҳотлар амалга оширилса, иккинчи томондан, янгича шарт-шароитлар учун хос бўладиган институционал ташкилий тузилмаларни, сиёсий фаолиятнинг устувор тамойилларини шакллантириш лозим бўлади.

Ижтимоий тараққиётнинг ўтиш даврларида жамиятнинг иқтисодий ва сиёсий соҳаларида турли хилдаги (аксарият ҳолларда тамомила қарама-қарши йўналишда ривожланувчи) субъектив ҳамда оммавий манфаатлар ва ҳадриятларнинг айни пайтнинг ўзида биргаликда мавжуд бўлиши кузатилади. Шунинг учун ҳам ўтиш даврида субъектив ва ижтимоий онг омилининг аҳамияти ниҳоятда ошиб кетади. Бундан ташқари, вазиятнинг издан чиқмаслигини таъминлашда турли хилдаги устқурмавий механизмларнинг, сиёсий-мафкуравий омилларнинг роли сезиларли бўлади.

Ўтиш даврида давлат ҳокимияти тизимида амалга ошириладиган туб ислоҳотларга очиқчасига ёхуд зимдан эскича тузилмаларнинг, муносабатлар ва иш принципларининг сақланиб колишидан манфаатдор бўлган кучлар қаршилик кўрсатиши ҳам мумкин. Бу хилдаги зиддиятларни келтириб чиқарувчи субъектларнинг бош мотиви шак-шубҳасиз уларнинг шахсий, группавий манфаатлари замирида яширин бўлади. Вужудга келадиган вазиятларда давлат бошқаруви органларининг устувор вазифаси шу хилдаги зиддиятларни аниқлаш ҳамда имкон қадар уларни бартараф этишдан иборат бўлиши керак.

Ўтиш даври ислоҳотларининг ўзига хос қийинчиликларидан яна бири шуки, бу пайтда динамик жараёнларнинг кечиши устидан мониторинг назоратини ўрнатиш ва жараёнларни тартибга солиб туриш билан боғлиқ

масалаларни ўз вақтида ҳал этишга етарлича аҳамият берилмаслиги билан боғлиқ. Бунинг оқибатида оддийгина муаммолар ҳам чигаллашиб кетиб кўпгина ноқулайликларга олиб келиши мумкин.

Бу борада муваффақиятли фаолиятни амалга ошириш учун қуйидагиларга эътибор бериш керак деб ҳисоблаймиз:

1. Давлат бошқаруви ижтимоий муносабатлар соҳасида юзага келувчи ички зиддиятларни конкрет вазиятдан келиб чиққан ҳолда ёхуд жамият манфаатларини кўзлаб, ёхуд ижтимоий-сиёсий тузилманинг алоҳида субъектлари манфаатини кўзлаб ҳал қилиниши демакдир.

2. "Низоларни тартибга солиш" ҳамда "Низоларни ҳал этиш" тушунчалари мазмун-моҳиятига кўра бир-биридан фарқланади. Низоларни ҳал қилиш деганда, манфаатлар тўқнашувида иштирок этаётган томонларни муросага келтириш ёки расман томонларнинг бирини ҳақ деб топиш тушунилади. Низони тартибга солиш деганда, зиддиятни жорий қонунчилик доирасида (яъни қонун асосида) ҳал этилишини таъминлаш тушунилади.

3. Аксарият ҳолларда ҳар қандай даража ва босқичдаги кўпчилик ижтимоий-сиёсий низоларни ҳал этишнинг энг оптимал вариантларини топиш мумкин. Зиддиятли ҳолатни бартараф этишга йўналтирилган тактик хатти-ҳаракатларнинг ривожланиш босқичларини қуйидагича ифодаласа бўлади:

- вазиятни бошқариш жараёнларини институциаллаштириш, яъни низоларни ҳал қилишнинг қонун-қоидалари ва меъёрларининг белгилаб қўйилиши;

- вазиятни бошқариш жараёнларини легитимлаштириш, яъни давлат томонидан белгилаб қўйилган ҳуқуқий меъёрларнинг зиддият иштирокчилари томонидан бирдек эътироф этилиши ва жараён субъектлари томонидан ихтиёрий равишда ўз зиммасига уларга қатъий амал қилиш масъулиятини олишига эришиш;

- низода иштирок этаётган томонларни структуравий жиҳатдан гуруҳлаштириш; алоҳида манфаатларни кўзловчи субъектларнинг ўз мақсадлари йўлида бирлашиб ҳаракат қилиши учун зарур шарт-шароитларни яратиш;

- низоларни редукциялаш, яъни ички зиддиятларни аста-секин юмшатиб бориш асосида вазиятни бошқариладиган ҳолатга келтириш.

1. Инкирозли вазиятларни бошқариш деганда, зиддиятли жараённинг сиёсий, ижтимоий, иқтисодий ва маънавий соҳаларда намоён бўлиши эҳтимол тутиладиган салбий оқибатларини минималлаштириш имкониятларини юзага келтириш тушунилади. Бу деган сўз, имкони борича ижтимоий муносабатлар соҳасида ривожланиш тенденциялари ўта мавҳум ва оқибат натижаларини олдиндан кўра билиш ниҳоятда мушкул бўлган ҳар қандай зиддиятларнинг авж олишига йўл қўймаслик лозим.

2. Ижтимоий ҳаётнинг турли соҳаларидаги инқирозли вазиятларни (бу ўринда уларнинг замирида ётган ички зиддиятлар сабабларини) бартараф қилиш учун биринчи навбатда, жамият субъектларининг кайфиятларини давлат органларига ўз вақтида ва объектив равишда етказиб бера оладиган "қайта алоқа" механизмини яратиш лозим.

3. Ҳокимият соҳиблари бўлган мансабдор шахслар ижтимоий ҳаётдаги ҳар қандай зиддиятлар, низоларга албатта жиддий эътибор беришга одатланишлари лозим, чунки улар ижтимоий ҳаётнинг қайси бир соҳасида потенциал ёки реал муаммолар мавжудлигини кўрсатади, уларнинг характери ва хусусиятларини англаб етишга ёрдам беради. Бу нарсалар ўз навбатида давлат сиёсатини такомиллаштиришга, ижтимоий ҳаёт учун хавфли бўлган йўналишларни назоратга олишга, ижтимоий тараққиётнинг ривожланиш истиқболларини белгилашга, қолаверса, сиёсатчиларга ўзларининг лидерлик салоҳиятини намоён этишларига имконият туғдиради.

4. Бизга маълумки, давлат бошқаруви аслида ҳар қандай низоларнинг олдини олишга йўналтирилиши, яъни профилактик хусусиятга эга бўлиши лозим. Бундай сиёсат зиддиятларнинг ривожланиши авж олиш палласига киргунига қадар вазиятга қатъий равишда аралашиб тартиб ўрнатишни тақозо этади. Таъбир жоиз бўлса, айтиш мумкинки, асл бошқарувчилик ривожланиш тенденцияларини чуқур ва атрофлича таҳлил қилиш асосида вазиятни истиқболларини олдиндан кўра билиш ва эҳтимол тутиладиган низоларнинг олдини олиш чораларини кўриб қўйиш демакдир. Шунинг учун олий ва ўрта даражадаги ҳар бир бошқарувчи бир нарсани чуқур англаб етиши керак: ижтимоий жиҳатдан жорий бошқарувчилик самарадорлигини ифода этувчи муҳим кўрсаткич бу турмуш фаровонлигининг узлуксиз ошиб боришидир.

1.5.1. Ташкилотнинг даврий ривожланиш тенденциялари

Ҳар қандай ижтимоий-иқтисодий тизим (ташкилот)нинг ривожланиши циклик хусусиятни касб этади. Тараққиёт цикллари ўзининг алоҳида босқичларига эга. Умумий ривожланиш жараёни давомида турли хилдаги цикллар, уларнинг фазалари бири бирини тўлдиради, гоҳо қўшилиб, гоҳо тарқалиб кетишади. Шунинг учун ижтимоий-иқтисодий тизимларнинг ҳаётий қобилиятини намоён этиши жараёнларини ва уларнинг ривожланиш тенденцияларини тадқиқ қилишда муайян қийинчиликлар учрайди.

Ҳозирги пайтда муҳокама этилаётган мавзуга бағишланган илмий адабиётларда ижтимоий-иқтисодий тизимларнинг ривожланиш даврларини ажратишга нисбатан ҳар хил ёндашувлар мавжудлиги кўзга ташланади. Бизнинг назаримизда, ижтимоий-иқтисодий тизимларнинг ривожланиш даврларини ажратишга нисбатан ёндашувлар орасида энг маъқули ривожланишни беш босқичли даврга ажратиб ўрганишдан иборат (қуйидаги 7-расмга қаранг). Ушбу принципга кўра ривожланиш босқичларининг ҳар бирига ижтимоий-иқтисодий тизимнинг аниқ бир даврида олинган ҳолати (уни тавсифловчи алоҳида жиҳатлари ва хусиятлари)га мос келади (шу ердан бошлаб ушбу масалани фирма тараққиёти мисолида кўриб чиқамиз). Ривожланишнинг ҳар бир алоҳида босқичи учун хос бўлган хусусиятлар пировард натижада фирмани ташкил этиш турини тавсифлайди.

Тараққиётнинг биринчи босқичини эксплерент давр деб номлашган. Бу пайтда фирма эндигина таркиб топган бўлиб, даставвал, унинг бирламчи тузилмаси шакллантирилади. Бу боскичда янги ташкил топган фирмани яхлит иқтисодий бирлик сифатида эътироф этиб бўлмайди. Чунки ҳали фирмани иқтисодий соҳадаги бошқа субъектлардан фарқловчи ва мустақил фаолиятини таъминловчи ички интеграцияси якунига етмаган бўлади. Ҳар ҳолда янги иқтисодий субъектнинг потенциал характеристикаси шаклланиб боради. Корхона (фирма) ҳали буткул шаклланиб улгурмаган бўлса ҳам бозорни ўрганиш мақсадида бозорга ишлаб чиқарилиши мўлжалланган маҳсулотлар намунасини, янги ғоялар ва хизматларни етказиб туради. Фаолиятнинг илк даври одатда таваккалчиликка асосланган боис бирламчи инқироз айнан шу паллада рўй бериши мумкин. Оқибат натижада фирма тўлиқ шаклланиб улгурмасиданоқ ўз фаолиятини тугатишга мажбур бўлиши мумкин.



А, Б, В, Г – инқирозли вазиятлар рўй бериши мумкин бўлган нуқталар

Даврий тараққиёт вариантлари



7-расм. Ташкилотнинг ҳаётий лаёқат даври – орали даврлардаги ва якуний инқироз минтақалари

Шаклланиш босқичида турган ташкилотларни "эксплерент фирмалар" деб ҳам аташади. Улар ҳали том маънодаги фирма эмас. Эксплерент ташкилотлар одатда рисклардан чўчимайдиган одамлар томонидан ташкиллаштирилади, жамоа аъзолари ниҳоятда ташаббускор ва иқтидорли инсонлар бўлишади. Жамоага лидерлик хусусиятлари ёрқин намоён бўлган, обрў-эътиборли, кучли иродали инсон раҳбарлик қилади. Бундай раҳбарнинг тадбиркорлик салоҳияти яхши ривожланган, иқтисодий фаолиятнинг истиқболларини аниқлай олиш ҳисси кучли ривожланган бўлади. Эксплерент ташкилотларни оёққа қўйиш учун дадиллик ва ирода кучи, жамоа аъзоларининг ишончи ва ҳурматини қозона билиш, тиришқоқлик каби шахсий фазилатлар зарур (8-расмга қаранг).



8-расм. Эксплерент фирманинг тавсифи

Ташкилий фаолият яхши йўлга қўйилса, ташкилот ривожланишда давом этади ва вақти келиб тараққиётнинг янги босқичи (патиент босқичи)га ўтади (қуйидаги 9-расмга қаранг). Фирма ўзини ўнглаб олиб, иқтисодий жиҳатдан ўсишида давом этиши муносабати билан ташкилий тузилмани қайта тузиш, бошқарувчилик вазифаларини қайтадан тақсимлаш ва фаолият самарадорлигини янада ошириш талаб қилинади. Фаолиятнинг бу даврида фирма ўз маҳсулотлари билан бозорнинг қандайдир қисмини эгаллаб олишга, ўзининг бозордаги ҳолатини мустаҳкамлаш, рақобатчилик стратегиясини ишлаб чиқишга, маркетинг тадқиқотларини янада кенгайтиришга уринади.

Патиентлик босқичидан омон-эсон ўтиб олган ташкилот бора-бора иқтисодий соҳада ўзининг ўрнини топиб, мавқеини мустаҳкамлаб олишга эришади. Компаниянинг рақобатбардошлиги юқори даражага етади. Айни пайтдан бошлаб ривожланишининг учинчи босқичи виолентлик даври кечади.



9-расм. Патиент фирманинг хусусиятлари

Виолентлик давригача етиб келган фирмалар одатда, ўз фаолиятини йирик бизнес соҳасида амалга оширадиган, ишлаб чиқариш (хизмат кўрсатиш) соҳасига замонавий юқори технологияларни жорий қилинган, маҳсулотларни оммавий миқёсда ишлаб чиқаришни йўлга қўйган, умуман кучли стратегияли фирмалар ҳисобланади.

Виолент фирмаларнинг учта турини фарқлаш мумкин: миллий ва халқаро миқёсдаги виолент фирмалар, тузилмаси ўзгартирилган виолент фирмалар.

Миллий миқёсдаги виолент фирмаларнинг аксарияти венчур ташкилотлари ҳисобланиб, асосан янги маҳсулот, дизайн лойиҳаларини ёхуд ишлаб чиқариш, савдо-сотиқнинг янги концепциялари ва ташкилий чизмаларини яратиш билан шуғулланади. Мутахассислар таъкидлашича, саноат соҳасидаги миллий виолентларнинг умумий сони 20%дан кам бўлмаслиги керак, акс ҳолда янги илғор ғоялар билан озиқлантирилмайдиган, замонавий маҳсулотлар ва хизмат турлари билан бойитилмайдиган миллий иқтисодиёт тез орада таназзулга юз тутиши мумкин. Чунки, ижтимоий тараққиётнинг динамикаси ниҳоятда жўшқин бўлиб, жуда ҳам қисқа фурсатларда ҳар қандай технология, маҳсулот ва хизмат турлари маънавий жиҳатдан тез эскириб қолади. Ривожланиш жараёнлари маълум бир чегарага етиши билан (масалан, фирма бозорда ўз мавқеини мустаҳкамлаб олди, унинг молиявий ва технологик имкониятлари юксак даражага етказилди) фирма, одатда, янги бозорлар (сегментлар)ни эгаллашга, янги маҳсулотлар турини, стратегик аҳамиятга молик технологияларни ишлаб чиқаришга интила бошлайди, умумлаштириб айтганда, ўз истиқболларини янада ривожлантириш ҳақида қарор қабул қилади.

Миллий миқёсдаги виолент ривожланиш босқичида бўлган фирмаларнинг ҳаётий циклини швейцариялик олим Х.Фризенвинкель батафсил ўрганиб чиққан.

Таъкидлаш жоизки, йирик миллий виолент компанияларнинг баъзилари ташкилий тузилмаси катталигига қарамасдан, иқтисодий жиҳатдан тез ўсиш қобилиятини йўқотмаяпти. Уларнинг фаолияти ниҳоятда жўшқин, рақобат борасида ўта агрессивдир. Шу боисдан улар фаолият доираси кечадиган иқтисодий соҳа субъектларининг иерархиясида мағрурона танҳолик қилишмоқда. Бундай фирмалар ўзларининг юқори даражадаги мавқеини кўп ҳисобда ишлаб чиқариш ёки иқтисодий фаолиятнинг аниқ бир соҳасида ташкилотчилик ва ўта замонавий технологияларни ишлаб чиқиш ҳамда амалиётга жорий этиш борасида кескин устунликка эгалиги туфайли барқарор сақлаб турибдилар. Рақобатчилик борасида муайян устунликларга эга бўлиш иштиёқи ва бунинг учун зарур шарт-шароитларнинг доимий равишда сақланиб туриши аксарият ҳолларда бундай фирмаларни ҳар қандай ҳамкорликдан воз кечишга ундайди. Виолент фирманинг тавсифи навбатдаги 10-расмда келтирилган.



10-расм. Виолент фирманинг хусусиятлари

Ривожланиш жараёнида компаниялар кўпинча тараққиётга хос бўладиган ривожланишни йўқотиб, нисбий барқарорликка эришишга интилишади (бундай ҳолатни "кудратли фил" ҳолати деб ҳам аталади). Айни ҳолат қуйидаги учта омил туфайли шаклланиши мумкин: ишлаб чиқариш қувватининг катталиги, диверсификация ва халқаро миқёсдаги филиаллар тармоғини мавжудлиги туфайли. Кучли рақобатчилик шароитида ҳамма вақт инновация соҳасида пешқадамлик қилиш мушкулдир. Одатда бундай ҳолларда ассортиментнинг кенглиги ва халқаро миқёсдаги филиаллар тармоғини мавжудлиги рақобатбардошлик хусусиятини кучайтиради. Аксарият ҳолларда барқарор ривожланиб турган йирик компаниялар инновацион соҳада пешқадамлик қилишга интилишмайди ҳам. Бу масалада улар ниҳоятда эҳтиёткорлик билан

иш тутадилар. Ахир, инновацион соҳадаги изланишлар нима билан тугаши мумкинлигини ҳеч ким олдиндан айтиб беролмайди-ку. Иқтисодий гигантлар у ёки бу янгилик бозорларда синовдан ўтганидан сўнг ишга киришадилар ва вақти соати келиб улар бу борада ўз мавқеларини юксак даражагача кўтара олишади.

Шундай қилиб, халқаро миқёсдаги виолент фирма миллий виолентнинг ривожланишининг мантиқий давоми сифатида чет элларда ўз бўлинмаларини очиши, чет эл бозорларини эгаллаши туфайли пайдо бўлади. Халқаро виолент ўз фаолиятини жаҳон бозорлари миқёсида амалга ошириши шарт.

Монополияларнинг инқирозга учрашининг бош сабаби улар ташқи муҳитнинг динамик ўзгаришларига мослаша олмаганлигидадир. Гап шундаки, жуда катта миқдордаги капитал айланмасига эга бўлгани ҳолида фирма шунга яраша фойда ололмай қолади, баъзида эса зарар ҳам кўради. Бундай ҳолатнинг бош сабабчиси фаолият йўналишининг аниқ тарзда белгиланмаганлиги ва чекланмаганлиги, ташкилий тузилманинг жуда мураккаблиги, капиталнинг каттагина қисми истиқболи йўқ бўлган мавҳум лойиҳаларга сарфланиши ва ҳоказолар бўлиши мумкин.

Гарчи фирма шундай вазиятга тушиб қолсада, муаммонинг ечимини топиш мумкин. Бунинг учун энг аввало, зарар кўриб ишлаётган корхоналарни тугатиш, сақланиб қоладиган корхоналарда эса умумий ҳаражатларни камайтириш зарур. Шу тариқа фирма молиявий соғломлаштириш имкониятига эга бўлади.

Ташкилий тузилма ривожланишининг тўртинчи босқичи коммутантлик даври деб номланади. У фирманинг тушкунликка тушиши, маънавий жиҳатдан эскириши, ҳаётий лаёқатнинг энг муҳим кўрсаткичларини анча пасайиши, умумлаштириб айтганда ривожланиш ортиқ ҳеч қандай аҳамиятни касб этмай қолганлигини ифодалайди. Компания ўз ташкилий тузилмасини нисбатан соддалаштиришга ва ихчамлаштиришга мойиллик кўрсатади. Бу вақтда уларнинг рақобатчилари янада ривожланиб борадилар.

Шундай қилиб, конкрет ҳудудларнинг эҳтиёжларини қондиришга, мижозларга индивидуал тарзда ёндошишга мослашган, виолент-компанияларнинг ютуқларидан унумли ҳам ўринли фойдаланишга қодир ўрта ва кичик бизнес субъектлари ҳисобланган коммутант - фирмалар пайдо бўлади. Коммутантлар қандайдир турдаги маҳсулотнинг ишлаб чиқарилиши пасайган даврда майдонга чиқадилар. Одатда булар, ўз даврини ўтаб бўлган ва қисман эскирган ёки фақат миллий, маҳаллий бозор доирасида чекланган талабга эга бўлган маҳсулот ва хизматларни етказиб бериш билан шуғулланадиган фирмалардир. Йирик ва ўрта фирмалар каби кичик фирмалар ҳам коммутант бўлиши мумкин (11-расмга қаранг).

Ташкилий тузилма ривожланишининг бешинчи босқичи леталентлик даври деб аталади. Бу даврда фирмаларнинг тузилмаси такомиллашиб,

илгариги ташкилий тузилма батамом ўзгартирилади. Айнан шу даврда леталент фирмалар пайдо бўлади. Бу самарали фаолият юритишга ортиқ қодир бўлмаганлиги туфайли барҳам топаётган ёхуд фаолият йўналиши батамом диверсификация қилинаётган компаниялардир. Бунда нафақат фаолият тури ўзгартирилади, балки илгариги технологик жараёнлар ҳам тўлиқ ёки қисман алмашинади, ходимлар таркиби эса бутунлай янгиланади.



11-расм. Коммутант фирманинг хусусиятлари

Назарий ва амалий жиҳатдан менежмент учун инқирозли вазиятнинг моҳияти, табиати ҳақида атрофлича маъумотларга эга бўлиш стратегик аҳамиятга молик масаладир. Зотан, тегишли билимлар инқирозли вазиятларнинг салбий оқибатларини олдини олиш, ижобий оқибатларини эса янада кучайтиришга қаратилган чора-тадбирлар дастурини ишлаб чиқиш учун асос бўлиб хизмат қилади.

Инқирозли вазиятлар фирма тараққиётининг ўтиш даврларида, ривожланиш циклининг алоҳида босқичлари орасида рўй беради. Бу хилдаги даврий жараёнлар сифат жиҳатидан тараққиётнинг бир ҳолатидан иккинчисига ўтиш арафасида кузатилади (12-расмга қаранг).



Ҳаётий қобилиятини
намоён этиш хусусиятлари

12-расм. Ташкилот (фирма)нинг талаб даражасида ривожланиш даврлари

1 – потенциал имкониятларнинг шаклланиш даври;

2 – ривожланишда юксалиш даври;

3 – ривожланишда нисбий барқарорлик ва циклик инқирозлар кутиладиган давр;

4 – циклик инқирозлар даври;

5 – инқироздан кейинги ҳолат.

Дастлабки ўтиш даврида потенциал жиҳатдан ривожланиш учун қулай шарт-шароитлар шаклланади. Айни давр эксплерент фирманинг пайдо бўлишидан олдинроқ кечади. Бу давр аввалроқ ишлаб турган фирма шаклланган ташқи муҳит шароитида янги фирманинг пайдо бўлиши билан тавсифланади. Ривожланиш учун зарур потенциал имкониятлар фирманинг яшаш қобилиятига турлича таъсир кўрсатиши мумкин. Аксарият ҳолларда мавжуд шарт-шароитларнинг салбий ва ижобий жиҳатлари узвий бирликда намоён бўлади.

Ривожланиш учун зарур потенциал имкониятларнинг шаклланиши инқирозли вазиятни келтириб чиқариши мумкин. Инқирозли вазият пировард натижада ривожланиш негизидаги асосий қарама-қаршиликни ифодалайди. Таъкидлаш лозимки, ҳамма вақт ҳам инқирозли вазият албатта тизим учун вайронагарчилик келтирмайди.

Табиатан ва моҳиятан инқирозли вазиятлар янгиланиш даври инқирози, тезкор тараққиёт инқирози, муқобил вариантларни излаш инқирози сифатида намоён бўлиши мумкин.

Янги фирманинг салоҳиятини пайдо бўлиши, одатда, унинг фаолияти мўлжалланган мамлакат ёки ҳудуддаги умумий иқтисодий вазиятига боғлиқ бўлади. Бу давр кичик бизнес соҳасидаги тадбиркорликка, ғоянинг туғилиши ва уни амалга оширишдаги биринчи эҳтиёткор қадамларга ўхшайди.

Салоҳият жиҳатидан янги ташкилий тузилманинг пайдо бўлиш эҳтимоли одатда фирманинг фаолияти амалга оширилиши кўзда тутиладиган ҳудуд ёки мамлакатнинг ички ҳолати билан узвий алоқадорликда бўлади. Айни даврдаги жараёнлар қайсидир маънода кичик бизнес соҳасидаги тадбиркорлик фаолиятининг кечишини, янги ғоянинг шаклланиши ва уни амалга ошириш йўлида қўйиладиган дастлабки қадамларни эслатади.

Эксплерент фирмаларнинг пайдо бўлиши даврида рўй берувчи инқирозлар алоҳида олинган мамлакат ёки ҳудуддаги иқтисодий ҳолатга сезиларли таъсир кўрсатмайди. Чунки бу турдаги фирмаларнинг кўпчилигида ходимларнинг сони оз миқдорда бўлиб, уларнинг бозордаги мавқеи нисбатан паст, улар омадсизликка учрашга маънан тайёр бўлишади. Кўпчилик мамлакатларда кичик тадбиркорлик фирмаларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш дастурлари амал қилади. Бу бежиз эмас, чунки кичик бизнес субъектлари инновацион лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш, ички бозорлардаги талаб ва таклиф динамикасининг кескин ўзгаришларига мослашиш борасида ниҳоятда катта салоҳиятга эгадир.

Инқирозли вазиятлар таъсирига тушадиган эксплерент фирмалар сони кескин ошиб кетса, алоҳида ҳудуднинг ҳаётий циклига салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Бунда тизим фаолияти учун салбий ҳисобланувчи эмерджент ва синергетик самарани вужудга келиши туфайли ижтимоий танглик кучайиб кетиши мумкин.

Кўпчилик мамлакатларда барҳам топган, айниқса янги тузилган фирмаларнинг статистикаси олиб борилади. Ғарбий Европа тадқиқотчиларининг тўплаган шундай маълумотларга қараганда, аксарият компанияларни (20-30%) 1-2 йил давомида таназзулга учрар экан.

Ўтиш даврининг иккинчи босқичи тикланиш даври ҳисобланади. Бу пайтда янги ташкил топган фирма ҳаққоний ташкилотга, яъни иқтисодий муносабатларнинг тўлақонли субъектига айланади. Патиент фирмалар учун инқирозли вазиятлар тамомила ўзгача аҳамиятни касб эта бошлайди. Бу даврда учрайдиган асосий муаммолар ташкилий фаолият ва инсон омили билан боғлиқ бўлади.

Патиент фирмалар эксплерентлик босқичидан омон-эсон ўтиб олиб, ўзининг иқтисодий ривожланиши даражасига кўра эксплерент фирмаларга (яъни

патиентликнинг илк даври) ёхуд виолентларга (яъни патиентлик ҳолатининг сўнгги босқичи) яқин бўлиши мумкин. Тадқиқотларнинг кўрсатишича, бу турдаги фирмаларнинг таназзулга юз тутиш эҳтимоли 40-80% ни ташкил этар экан. Бу нимадан далолат бериши мумкин? Мухтасар қилиб айтадиган бўлсак, эксплерент ва патиент фирмалар фаолиятини ташкиллаштириш ҳамда бошқариш бир-биридан кескин фарқланувчи жараёнлардир. Патиентларнинг ўзига хос хусусияти шундаки, улар иқтисодий жиҳатдан юксалишга интилиш борасида ташқи муҳитнинг шарт-шароитларига унчалик эътибор бермасдан ниҳоятда агрессив сиёсат юритишади. Бундай хатти-ҳаракатларнинг замирида қандай қилиб бўлмасин мавжуд бозорларда ўз ўрнини эгаллаш иштиёқи ётади. Айнан шундай жўшқин иштиёқ патиентларга инқирозли вазиятлар таъсири ва оқибатларини муфассал ўрганишга тўсқинлик қилади. Бу масаладаги агрессивликни фақатгина жамият миқёсидаги умумтадбиркорлик маданиятини юксалтириш йўли билан бирмунча тизгинлаб туриш мумкин.

Ўтиш даврининг учинчи босқичи устунликни қарор топтириш даври деб аталади. Бу даврда фирманинг бозорлардаги мавқеи ва рақобатбардошлик хусусияти анча мустаҳкамланиб қолади. Аммо фирманинг ички муаммолари зиддият даражасигача етилиб қолади. Оқибат натижада фирманинг бир нечта мустақил ташкилий тузилмаларга ажралиб кетиши эҳтимоли реал хусусият касб эта бошлайди. Зотан, виолентлар бозордаги аҳволга жиддий таъсир кўрсата оладиган йирик ташкилотлар ҳисобланади. Инқирозли вазият бундай фирмаларга ҳам ўз таъсирини ўтказади. Виолентлар учун хавф туғдирувчи омиллар жумласига кескин рақобатчилик муҳити, йирик компаниялар учун хос бўлган ташкилий тизим муаммолари, ижтимоий-психологик жиҳатдан мураккаб вазиятлар, инновацион стратегия ва тактика борасида жиддий бош қотиришга асоснинг йўқлиги ва бошқа шу кабиларни киритишимиз мумкин.

Йирик виолент фирмаларнинг банкротлиги ёхуд ташкилий жиҳатдан таназзулга учраши нафақат алоҳида худуднинг, балки жаҳон иқтисодий тизимининг издан чиқишига сабаб бўлиши ҳеч гап эмас. Бундай салбий оқибатнинг олдини олмоқ учун виолент фирмаларнинг ривожланишига алоҳида эътибор берилиши керак. Айнан шу хилдаги фирмаларда инқирозли вазиятларда бошқариш масаласига жиддий қараш талаб этилади. Ўз навбатида давлат томонидан ҳам инқирозли вазиятларнинг олдини олиш сиёсати амалга оширилиши лозимки, токи объектив равишда мамлакатда бошқарилмайдиган инқирозли ҳолат юзага келмасин. Бу анча мураккаб масала, чунки бир томондан, миллий иқтисодиёт манфаатларини, иккинчи томондан эса, умумжаҳон иқтисодий тараққиётининг тенденцияларини инобатга олиш зарур.

Ўтиш даврининг тўртинчи босқичи тушкунлик даври дейилади. Тараққиётнинг бу босқичи учун фирманинг яшаш кобилиятини ифода этувчи муҳим кўрсаткичларидан айримларининг кескин пасайиб кетиши хосдир.

Бундай вазият фирманинг инқирозга юз тута бошлаганидан далолат беради. Фирманинг реал ҳолатига баҳо бермоқ учун тушкунлик қандай суръатларда рўй бераётганига эътибор бериш лозим. Шунга қараб қайтариб бўлмас инқирозий жараёнларни кузатилиши ёхуд ташкилотни буткул таназзул домига тортиши мумкин бўлган чуқур инқирозни шаклланаётганлиги ҳақида сўз юритса бўларди. Аслини олганда, инқироз нимадир? Инқироз — компанияни таназзулига олиб келиши мумкин бўлган ички зиддиятларнинг ниҳоятда кескинлашуви аломати. Инқироз бу кескин ва тубдан сифат ўзгаришларининг рўй бериши. Шундай экан, тушкунлик ҳолатидан ҳам чиқиб кетиш, қайтадан ўз ҳолатини тиклаб олиш имконияти мавжуд. Бу борада давлатнинг тартибга солиб турувчилик функцияси ниҳоятда катта аҳамиятга эга.

Ўтиш даврининг бешинчи босқичи оқибатнинг кузатилиши даври ҳисобланади. Айни давр мобайнида инқирозли жараёнлар ўзининг якуний босқичига етади, яъни турли хил йўллар билан фирманинг яхлитлиги бузилади.

Ҳар бир ўтиш даври ва улар учун хос бўлган босқичларнинг давомийлиги аниқ чегараланган бўлиб, ўзига хос жиҳатлари билан ажралиб туради. Ўтиш даврларининг дастлабки иккитаси учун ташкилий ва иқтисодий бошқарувчиликнинг ўта самарадорлиги хос. Бошқача қилиб айтганда, ўз вақтида ва ўрнида инқирозли вазиятларни пайқаб, бошқарув стратегиясига тегишли ўзгартиришлар киритилади. Ўтиш даврининг кейинги босқичларида тизимнинг таркибида ва ривожланишида объектив сифат ўзгаришлари рўй беради. Табиийки, бу хилдаги жараёнлар қонуний равишда аста-секин тизимга янги хусусиятларни бахш этади. Айни хусусиятларни ички ва ташқи аломатларига кўра аниқлаш мумкин.

Ички аломатлар деганда, фирманинг (корхонанинг) молиявий ҳолати, ташкилий тузилманинг бошқарувчанлиги, фаолиятнинг ижтимоий-психологик муҳити, интеллектуал ва инновацион салоҳият, ресурсларни тежаш тизими, стратегиялар, ахборот технологиялари, персоналнинг компетентлик жиҳатлари назарда тутилади.

Ташқи аломатлар деганда, фирманинг рақобатбардошлиги, бу борадаги устунликлари, фирманинг имиджи, ҳудудий тузилмаси, ижтимоий-сиёсий мавқеи, халқаро алоқалари, паблик рилейшенз, фаолиятнинг табиий шароитлари эътиборга олинади.

1.6. Инқирозни диагностикалаш босқичлари ва услублари

Ташкилот фаолияти учун якинлашиб келаётган инқироз хавфидан огоҳ бўлмоқ учун ўз вақтида вазиятларни диагностик жиҳатдан чуқур таҳлил қилиш талаб этилади. Бунинг учун диагностиканинг асосий кўрсаткичларидан бохабар бўлмоқлик талаб этилади. Шуни назарда тутиб биз, ушбу мавзуимизни айнан шу масалага доир маълумотлар асосида очиб беришга ҳаракат қиламиз.

Энг аввало, мавзуимизнинг негизини ташкил этувчи асосий тушунчалар мазмунини талқин этишдан бошлаймиз. «Диагностика» сўзи грекча «диагноз» сўзининг асосида ташкил топган бўлиб, ўзбекча аниқламоқ, таъриф, тавсиф бермоқ сўзлари негизидаги маънода ишлатилиши мумкин. Кундалик ҳаётимиз мобайнида «диагноз» сўзи воситаси ила биз биринчидан, кимнидир ёки ниманидир текшириб кўриш асосида ҳосил қилган хулосаларимизни, иккинчидан, текширув жараёнида тўпланган турли хил кўрсаткичлар, меъёрлар, тавсифлар ва ҳ.к. элементлар асосида ҳосил қилинган умумий хулосаларимизни назарда тутамиз.

Абстракт тафаккур соҳасида ушбу сўзларга қандай маъно бағишланишини аниқлаб олайлик. Шундай қилиб, диагноз деганда, вақт ўлчови ёрдамида қайд этилиши ва аниқ бир хусусиятлари белгиланиши мумкин бўладиган муайян вазиятни тушунамиз. Илмий изланишлар давомида конкрет вазиятга диагноз қўйиш учун биз диагностика деб ном олган категориядан фойдаланамиз. Диагностика – деганда, турли хилдаги тадқиқотчилик услублари ёрдамида муайян объект, предмет, ҳодиса ёки жараённинг айни пайтдаги мавжудлик ҳолатини аниқлашга қаратилган чора-тадбирлар мужмуини назарда тутамиз. Мазмун-моҳиятига кўра диагностика муайян макон ва замонда намоён бўладиган ўзига хос жараёндир. Бундан чиқди, диагностика жараёни — табиатан тадқиқотчилик, изланиш, янги билимни ҳосил қилишга йўналтирилган жараён сифатида эътироф этилиши мумкин. Ушбу хусусиятига кўра диагностика муайян даврдаги бошқарувчилик жараёнларининг реал ҳолатини аниқлашда ниҳоятда қимматлидир. Шуни инобатга олган ҳолда биз диагностика жараёнларини муфассал тавсифламоқчимиз. Бунинг учун диагностика жараёнларининг объектлари, диагнознинг мақсад ва вазифалари, асос бўлувчи кўрсаткичлари қандай, деган масалаларга бир қадар аниклик киритиб олишимиз даркор.

Диагностика жараёнининг объекти сифатида мураккаб ташкилий тузилмали, динамик хусусиятга эга бўлган тизим (масалан, мамлакатнинг иқтисодий тизими, иқтисодиётнинг алоҳида тармоғи, конкрет фирма ёки ташкилот) ёхуд ушбу мураккаб тизимларнинг алоҳида элементи (масалан, ташкилотнинг

ички муҳити, турли ресурслар, ишлаб чиқариш функциялари, ташкилий тузилма, таннарх ва ҳ.к.) олиб қаралиши мумкин.

Диагноз қилинаётган объектнинг бошқаруви асосини аниқ хусусиятга эга бўлган тадбирлар ташкил қилади.

Диагностика жараёнининг мақсади — тадқиқот объектининг жорий даврдаги ҳолатини диагноз қилиш асосида яқин ёки узоқ муддатли истиқболда воқеалар ривожи қандай давом этиши мумкинлигини аниқлаб беришдан иборатдир. Конкрет иқтисодий вазиятга диагноз қўйиш асосида иқтисодий (сиёсий, ижтимоий) сиёсат, стратегия ёки тактикани тўғри белгилаш, самарали амалга ошириш мумкин бўлади.

Диагностиканинг вазифалари деганда, конкрет тизимни ташкил этувчи таркибий элементларнинг ўзаро алоқадорлигини мустаҳкамлаш ва стратегик мақсад йўлидаги ҳаракатларини мувофиқлаштирилишини таъминлашга қаратилган зарур чора-тадбирлар мажмуини ҳамда уларни амалиётга татбиқ этиш усулларини белгилаб олиш тушунилади. Бу шунинг учун ҳам муҳимки, хўжалик юритиш ва бошқарувчилик фаолиятининг ҳар қандай босқичида конкрет вазиятнинг ҳолатини аниқ билиб олмасдан туриб иш юритиб бўлмайди. Шу сабабдан ҳам диагностикалаш моҳиятан жараён динамикасини инобатга олиб туриб унинг истиқболларини белгилаш ва таҳлил қилиш асосида айни вазиятни юзага келтирган объектив ҳамда субъектив сабабларни аниқлаш жараёнлари билан узвий боғлиқдир.

Вазиятни иқтисодий жиҳатдан диагностикалаш жараёнида истиқболни белгилаш диагнозни янада аниқроқ бўлишига ёрдам беради. Кузатилаётган объектнинг шаклланиш ва ривожланиш жараёнларини тадқиқ қилиш ҳам унинг айни пайтдаги ҳолатини муфассалроқ билиб олишга хизмат қилади. Шундай бўлсада, таъкидлашимиз жоизки, диагностиканинг натижалари пировардида истиқболни белгилаш учун асос бўлади. Фикримизча, ушбу нуқтаи назар ҳеч кимда эътироз уйғотмаса керак. Чунки тадқиқот объектининг жорий ҳолатини аниқ ва ишончли равишда қайд этмасдан туриб, унинг истиқболдаги альтернатив ривожланиш йўлларини белгилаш деярли мумкин эмас. Айтилган фикрлардан хулоса қилишимиз мумкинки, вазиятни диагностикалаш ҳар қандай ташкилий тузилмаларда ва иқтисодий фаолият жараёнининг ҳар қандай босқичидаги зарур элементлардан биридир.

Юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, вазиятни иқтисодий жиҳатдан диагностикалаш ўз мазмун-моҳиятига кўра илмий тадқиқот фаолиятининг бир йўналиши сифатида эътироф этилиши мумкин. Токи шундай экан, диагностикалаш ҳар қандай илмий тадқиқот ишларига нисбатан илгари суриладиган талабларга тўлиқ жавоб бериши лозим. Бу қандай талаблар бўлиши мумкин? Уларга бирма-бир қисқача шарҳ бериб ўтишни лозим деб топдик.

Биринчидан, вазиятни иқтисодий жиҳатдан диагностикалаш аутентик хусусиятни касб этиши, яъни вазиятни тавсифловчи ахборот ўта даражада аниқ ва ишончли, бирламчи манбалардан олинган бўлиши шарт.

Иккинчидан, тадқиқот мумкин қадар объектив асосга эга бўлиши лозим. Яъни, вазиятни диагностикалашга киришишдан аввал жараён иштирокчилари аниқ вазиятни қандай параметрлар асосида баҳоланишини аниқлаб, тадқиқот ишларининг муфассал дастурини ишлаб чиқишлари керак. Ушбу ишларни муваффақиятли якун топишини истасангиз, уларни бажаришга киришишдан аввал қуйидаги учта муҳим масалани ҳал этмоқ зарур:

• тадқиқот ишларини кимлар амалга оширади;

• тадқиқот ишлари қаерда ўтказилади;

• тадқиқотлар қандай мезонлар асосида ва қандай параметрлар бўйича ўтказилади.

Ишни шу тарзда ташкил қилиш, диагноз қўйилиши лозим бўлган ҳар қандай ҳолатда ҳам доимий элементлардан саналадиган субъектив омил таъсирини имкон қадар камайтиришга шароит туғдиради. Қолаверса, биз таклиф этаётган талабларга қатъий риоя этиш оқибатида амалга оширилаётган диагностикалаш жараёни максимал даражада объектив хусусиятни касб этади ҳамда аниқ бўлади. Биз аниқлик ҳақида беҳуда сўз юритмадик.

Зеро, юқорида айтиб ўтилган шартларнинг учинчиси айнан — аниқлик талабида ифодасини топади.

Аниқлик қўйиладиган диагнознинг тўғрилиги ва ҳаққонийлигини таъминловчи, шу билан бирга тасдиқловчи, учинчи элементдир. Биз юқорида эътироф этган учта муҳим ва зарурий талаблардан ташқари диагностикалашнинг яна бир муҳим элементи мавжуд. Бу ўринда сўз, амалга оширилган тадқиқотларнинг қайтадан такрорланиши мумкинлиги ҳақида кетмоқда. Лекин бу хилдаги талаб қатъий хусусиятни касб этмайди. Зеро, аксарият ҳолларда жараён ривожланиши хронометраж воситасида ёки киноплёнкада қайд этилмаса, конкрет хусусиятли вазиятни муайян вақт ўтгач айнан ўхшашликда такрорлашнинг имконияти бўлмайди.

Диагностикалаш жараёнининг аниқ мақсадларига эришиш, вазифаларини тўлиқ бажариш ҳамда энг муҳими, уни талаблар даражасида амалга ошириш учун аввал бошданоқ бутун жараён пухта режалаштирилиши, ташкил этилиши, қолаверса, жараённинг кечиши устидан қатъий назорат ўрнатилиши лозим.

Яқинлашиб келаётган инқироз хавфидан огоҳ бўлмоқ учун ўз вақтида вазиятни диагностик жиҳатдан чуқур таҳлил қилиш лозимлиги, бунинг учун эса, диагностиканинг асосий кўрсаткичларидан бохабар бўлмоқлик талаб этилиши ҳақида биз мавзуимизнинг илк сатрларида сўз юритгандик. Ниҳоят, вазиятни

иқтисодий жиҳатдан диагностикалашнинг асос бўлувчи кўрсаткичларининг ўзи қандай, деган саволни муҳокама қилишга ўтишимиз мумкин.

Диагноз қўйилиши лозим бўлган объектнинг реал ҳолати қандай эканлигини ҳаққоний ва объектив баҳоламоқ учун турли даврларда аниқ бир объектга нисбатан ўз таъсирини ўтказиб турган омилларни инобатга олиш, объектнинг ҳолатини адекват тарзда ифодалашга имконият бера оладиган мезонлар тизимини ишлаб чиқиш лозим бўлади. Бу тизимга қандай кўрсаткичлар киритилади, деган ўринли савол туғилиши табиий. Улар жумласига, тадқиқ қилинувчи объектнинг жорий даврдаги ҳолатини баҳолашга имкон берадиган алоҳида кўрсаткичлар тизими, жараённи сифат ва миқдор кўрсаткичлари асосида ўрганиш имкониятини берувчи маълумотлар мажмуи, талаб этиладиган сифат ва кўрсаткичларнинг мазмуни ва аҳамиятини алоҳида белгилашга имкон берувчи тавсиф ва кўрсаткичларнинг мезонлари киритилади.

Диагностикалаш бир вақтнинг ўзида объектларнинг ўзлигини намоён қилиш хусусиятларини тадқиқ қилиш, диагноз қўйиш учун зарур бўладиган ахборотларни тўплаш ва уларга ишлов бериш тадбирларини бажариш давомида қўлланиладиган асосий кўрсаткичларнинг муайян ўлчов шкалаларидан турли даражадаги эҳтимолий оғишларини таснифлашни ҳам кўзда тутишни тақозо этади. Умумий тарзда олиб қаралса, диагностикалашни муайян тадқиқот объектининг жорий даврдаги ҳолатини эталон сифатида эътироф этиладиган меъёрга нисбатан қиёслаш асосида турли хилдаги оғишларни (уларнинг салбий ёки ижобий хусусиятли эканлигини) аниқлаб олишдан иборат жараён деб таърифлаш мумкин. Бу хилдаги диагностик жараён айни турдаги фаолиятнинг биринчи турига мансубдир. Бу хилдаги диагностикалаш услуби диагноз қилинувчи объектнинг техник-иқтисодий ва бошқа хилдаги кўрсаткичлари маҳаллий аналогларга қанчалик мос келишини аниқлаш зарурияти туғилганида қўлланилади.

Анъанавий диагностикалаш жараёнининг иккинчи тури ўз хусусиятига кўра аниқ бир ҳолатда олинган тадқиқот объектини муайян синф ёхуд гуруҳга мансублигини аниқлаш имкониятини беради. Бу хилдаги диагностикалаш услубиёти пировард натижада амалга оширилган тадқикотчилик жараёнида аниқланган турли хил кўрсаткичларни тартибга солиш ва тизимлаштиришга кулайлик яратади. Бундай турдаги диагностикалашга тадқиқот натижаларини умумлаштириш асосида олинган маълумотларни принципиал жиҳатдан мутлақо янги ва модификацияланувчи хилларга туркумлашни мисол сифатида келтиришимиз мумкин. Бу турдаги диагностикалаш услуби тадқиқот объектининг белгиланган меъёрга нисбатан ижобий ёки салбий йўналишда қай даражада оғиб кетганини аниқлаш имконини беради.

Диагностикалаш жараёнининг учинчи тури тадқиқот объекти сифатида танлаб олинган объектни ноёб хусусиятли ҳодиса сифатида баҳолаш имкониятига

эга. Бу хилдаги диагностикалаш технологияси тадқиқот объектларини қиёсий таҳлил қилиш ва ўзаро таққослаш учун зарур бўладиган ўлчов мезонлари мутлақо бўлмаган ҳолатларда жуда қўл келиши мумкин. Бу турдаги диагностик технологиянинг ўзига хос жиҳати ва афзаллиги шундаки, ундан фойдаланиш учун ҳеч қандай статистик ёки бошқа хилдаги маълумотлар талаб этилмайди. Тадқиқот объектини ноёб хусусиятли ҳодиса сифатида баҳолашга интилганда чиндан ҳам объект шундай ноёб хусусиятларга эга эканлигини асослаб бериш ва ушбу хусусиятларга муфассал тавсиф беришнинг ўзи кифоя қилади. Шундай қилиб, тадқиқот учун танлаб олинган конкрет объектни диагностикалаш жараёнининг пировард натижаси айни объектга диагноз қўйишда ўз ифодасини топади.

Юқоридаги фикр-мулоҳазадан келиб чиқиб, диагностикалаш жараёнининг пировард натижасига таъриф берсак бўлади. Диагностикалашнинг натижаси, деганда тадқиқот объектининг муайян талаблар даражасига, эталон сифатида белгилаб қўйилган меъёрларга, тавсифларга тўлиқ мос келиши ёхуд улардан қайсидир маънода оғишини белгилаш тушунилади. Диагностикалаш натижалари турли хилдаги статистик жадваллар, диаграммалар шаклида ифодаланиб, олинган асосий параметрларнинг муайян давр мобайнидаги динамик ўзгаришларини ҳисобга олиб туриб объектнинг (вазиятнинг) ривожланиш хусусиятларининг истиқболини аниқлаштириш имкониятини беради. Диагностикалаш — алоҳида олинган тизимлар ва умуман яхлит тизим сифатида фаолият юритувчи жамиятнинг ўз ҳаётий лаёқатини намоён қилишни самарали давом эттириши ҳамда барқарор ривожланиши учун ўта муҳим саналадиган шартлардан биридир.

Бинобарин, конкрет вазиятга ўз вақтида ва ўрнида тўғри, объектив диагноз қўйиш туфайли инқироз хавфининг олдини олиш мумкин.

Менежерлик фаолиятида инқироз хавфининг олдини олиш билан боғлиқ турли хил муаммоларнинг ечимини топиш жуда катта аҳамиятга эга. Зотан, бозор муносабатлари қарор топган ижтимоий-иқтисодий тизимда ҳеч бир корхона, ташкилот инқироз хавфидан батамом ҳимоялана олмайди. Токи шундай экан, замонавий менежментнинг асосий фаолият мақсадларидан бири турли хил бошқарувчилик воситалардан фойдаланган ҳолда шу каби муаммоларни иложи борича камайтиришдан иборатдир. Инқироз хавфининг нечоғли реал эканлигини диагноз қилиш чоғида тадқиқот объекти сифатида бутун мамлакатнинг иқтисодий тизими, унинг алоҳида тармоғи ёхуд мустақил бирон бир муаммо танлаб олиниши мумкин. Бинобарин, мавжуд ҳолатдаги бош муаммони аниқ белгилаб олиш ва уни диагностикалаш вужудга келган тангликни бартараф этишнинг энг биринчи шарти ҳисобланади. Мавжуд вазиятга диагностик жиҳатдан баҳо бериш муаммони локализациялаш ва унинг ечимини

излаш йўлидаги дастлабки қадам бўлади. Аксарият ҳолларда реал муаммони диагноз қилиш бир қанча босқичли мураккаб жараён тусига киради.

Бирон бир мураккаб муаммоли вазиятни диагностикалаш борасидаги асосий масала бу айни муаммо негизидаги бирламчи сабаблар, аломатларни ёхуд потенциал жиҳатдан вазиятни ўнглаш имкониятларини аниқлашда ўз ифодасини топади. Чигал вазиятнинг асосий аломатларини аниқ белгилаб олиш пировард натижада олдимизда кўндаланг турган муаммони ҳеч бўлмаса умумий тарзда ифодалаб беришга қулай шароит яратади. Бундан ташқари, диагноз қўйилган вазиятда бошқарув қарорларига у ёки бу жиҳатдан таъсир кўрсатиши мумкин бўлган турли хилдаги омиллар кўламини сезиларли даражада қисқартириш мумкин бўлади. Шу ўринда бир нарсани алоҳида таъкидламоқчимизки, мушкул вазиятнинг аломатларини қандай бўлмасин тезроқ бартараф этишга ошиқиш асло ярамайди.

Муаммоли вазиятда уни юзага келтирган сабабларни билиб олишга хизмат қиладиган барча маълумотларни тўплаш лозим. Диагностик жиҳатдан таҳлил қилинаётган объектга тегишли маълумотларни формал равишда бозорлардаги аҳволни ва молиявий ҳисоботларни таҳлил қилиш, интервьюларни уюштириш, бошқарув соҳасидаги консалтинг хизмати вакилларини таклиф этиш, ходимлар ўртасида саволномалар тарқатиш каби услублар воситасида тўпласа бўлади. Ахборотни норасмий тарзда ҳам тўплаш мумкин. Ҳар қалай, диагностикалаш жараёнида релевант (ўринли, аҳамиятли) ва ўринсиз ахборотларни бир-биридан фарқлай билиш лозим. Релевант хусусиятли ахборот деганда, муайян турдаги муаммо, конкрет инсон, мақсад ва даврга бевосита дахлдор бўлган турли хилдаги маълумотлар назарда тутилади.

Алоҳида олинган муаммони диагностикалаш чоғида энг муҳими, ушбу вазиятни қандай қилиб мақсадга мос равишда ўзгартириш мумкинлигини инобатга олиб туриб тадқиқ қилмоқ керак. Инқирозли вазиятларнинг олдини олмоқ учун аввалига, инқирозларни таснифлаб олиш лозим бўлади. Инқирозларни таснифлаш чоғида эса турли туман мезонларни ҳисобга олишга тўғри келади. Масалан, инқирозларни тури ва хилига; таъсир доирасига ёхуд инқирознинг шаклланиш хусусиятига; инқирозли вазиятни аниқ белгилашнинг услубларига; инқирознинг ривожланганлик даражасига; инқирознинг давомийлигига; инқирозни ҳисобга олиш усулларига ва ниҳоят, инқирозли вазиятни тартибга солиш имкониятларига қараб тансифлаш мумкин.

Диагностикалаш жараёнининг қуйидаги икки босқичи фарқлаш мумкин:

- тадқиқ қилинаётган объектни муайян туркумга ёки гуруҳга мансублиги аниқланади;

- объектнинг қандай туркум ёки гуруҳга мансублиги аниқланганидан сўнг уларга умумий жиҳатдан хос бўлган кўрсаткичлар билан киёслаш асосида ди-

агноз қўйиладиган объектнинг ўзига хос хусусиятлари ва жиҳатлари аниқлаб олинади.

Диагностикалаш жараёнининг биринчи босқичи объектни сифат жиҳатидан идентификациялаш деб аталади. Бу жараённинг асосий мақсади тадқиқот объектини муайян турдаги ёки хилдаги объектлар учун хос умумий кўрсаткичлар нечоғли кучли намоён бўлганлигини аниқлашдан иборатдир. Масалан, макроиқтисодий инқироз ҳолатини диагностикалаш учун биринчи навбатда, тадқиқот объектига айланган аниқ бир давлатнинг миллий иқтисодиёти иқтисодий тизимларнинг қандай турига (иқтисодий жиҳатдан кучли ривожланган, ривожланиб бораётган ёхуд ўтиш давридаги иқтисодий тизимга асосланган) мансублиги аниқланиши лозим.

Маълум бир тизимдаги инқирозли вазиятни диагностикалаш учун ушбу тизим қандай мулкчилик шаклига (давлат мулки, хусусий мулк, акционерлик мулки ва ҳ.к.) асосланганлигини билиб олиш керак.

Диагностикалаш жараёнининг иккинчи босқичида тадқиқот объектини миқдор ўлчамларига қараб идентификациялаш амалга оширилади. Бунинг учун диагностикалашнинг асосий кўрсаткичларидан фойдаланган ҳолда тадқиқот объектининг кўрсаткичлари ўлчаб кўрилади. Сўнгра тадқиқот объектининг кўрсаткичлари асосий кўрсаткичлардан қанчалик четланганига қараб хулоса чиқарилади, яъни диагноз қўйилади.

Шу ўринда таъкидлашимиз лозимки, инқирозли вазиятларни диагностикалаш услуби, воситалари ва шакл-шамойили тадқиқот объектининг табиатига кўра турлича бўлиши мумкин. Конкрет ҳолатда диагностикалашнинг қандай воситалари ва услубиётидан фойдаланишга жиддий таъсир кўрсатувчи омиллар қаторида энг аввало, тадқиқотчиларнинг ихтиёридаги вақтни алоҳида ажратиб кўрсатишимиз даркор. Диагностикалашнинг туб мақсад ва вазифаларидан келиб чиқиб, тадқиқ қилинаётган объектнинг муайян вақт мобайнидаги ҳолатини баҳолаш мумкин. Ушбу хилдаги диагностикалаш тури объектнинг статик ҳолатини баҳолаш, деб аталади. Борди-ю, тадқиқот объектининг муайян вақт мобайнидаги ҳолати баҳоланиши лозим бўлса, у ҳолда маълум бир давр мобайнидаги жараёнга диагноз қўйилади. Турли хилдаги диагностик тадқиқотларни амалга ошириш имкониятини нечоғли хақиқатга яқинлигини ифодаловчи ишончли аломат бўлиб диагноз қўйиш жараёнини ташкиллаштириш имкониятларининг мавжудлиги ҳисобланади.

Бирон объектни диагностикалашга киришишдан аввал тадқиқот объектининг мураккаблиги ва кўламларини ҳисобга олган ҳолда тадқиқот услубини танлаш керак бўлади. Одатда, диагноз қиёслаш асосида қўйилади. Кузатилаётган объектни белгиланган меъёрдан қай даражада четлашганини аниқлаш учун аниқланган материалларни қабул қилинган мезон (миқдор ва сифат

жиҳатидан ўлчаниши мумкин бўлган кўрсаткичлар)га нисбатан таққослаш лозим. Диагностикалаш объект фаолиятига тааллуқли маълумотларни таҳлил қилишдан бошланади. Шу аснода кузатилаётган объектнинг ривожланиш хусусиятлари ва йўл қўйилган камчиликлари аниқланиши мумкин. Диагностикалаш жараёни аналитик, экспертлар фикрига асосан хулоса чиқариш, бир йўналишли ва динамик асосда дастурлаш, моделлаштириш каби турли хил услублар ёрдамида амалга оширилади.

Диагностикалашнинг аналитик услублари ҳақида сўз юритилганида, статистик материалларнинг таҳлили асосида хулоса чиқаришнинг турли услублари назарда тутилади. Аналитик диагностикалаш объект билан бевосита алоқага киришмасдан туриб таҳлилий ишларни амалга ошириш имкониятини беради. Бунда тўпланган турли хил статистик маълумотлар комплекс иқтисодий таҳлил, баллар тизими асосида баҳолаш ва бошқа шу каби таҳлил услубларидан кенг фойдаланилади.

Экспертлар фикрига асосан хулоса чиқариш тадқиқот объектига диагноз қўйиш учун махсус таклиф этилган малакали ва тажрибали мутахассисларнинг фикрига таяниб иш кўриш услубининг моҳиятини ташкил этади. Бу хилдаги диагностикани тадқиқот объектини бевосита ўрганмасдан туриб амалга ошириб бўлмайди. Айни жараён мобайнида экспертлар муайян саволлар мажмуи негизида мавжуд вазиятни ўрганиб чиқишади ва тегишли хулосалар чиқарилади. Экспертиза хулосаларини турли воситалар ва услублар ёрдамида қиёсий жиҳатдан таққослаш мумкин бўлган махсус коэффициентлар ҳамда иқтисодий самарадорлик кўрсаткичларини баҳолаш негизида чиқариш мумкин.

Диагностиканинг бир йўналишли дастурлаш каби услуби мазмун-моҳиятига кўра математик ҳисоб усулларининг алоҳида шаклий ифодаси бўлиб, унинг ёрдамида конкрет вазиятда кўзланган мақсадга эришишнинг энг оптимал услубини излаб топиш мумкин. Иқтисодий фаолият субъектининг ихтиёридаги мавжуд ресурсларни ва аниқ чора-тадбирларни ўзаро комбинациялашнинг энг оптимал вариантини излаб топиш негизида бирон бир жараённи жадаллаштириш, олинадиган фойда салмоғини ошириш, ресурсларни ва вақтни самарали ишлатиш учун қулай шарт-шароит яратилади. Диагностикалашнинг ушбу туридан самарали фойдаланиш учун менежер миқдорий кўрсаткичлар асосида ўлчаниши мумкин бўлган аниқ мақсадли кўрсаткичларни белгилаб олиши керак. Шундан кейин, фаолият йўналишларини белгилаш, кўзланган мақсадга эришиш учун зарур бўлган ресурслар, ишлаб чиқариш қувватлари билан белгиланадиган имкониятларни ва вақт кўламини аниқлаб олиш талаб этилади.

Динамик дастурлаш — ҳисоблаб чиқариш асосида натижа хосил қилишнинг ўзига хос услубларидан бири бўлиб, муайян тузилмали, яъни n ўзгарувчан

кўрсаткичларга эга бўлган узоқ давом этувчи бошқарув қарорларини ишлаб чиқиш жараёнлари билан боғлиқ муаммоларни ҳал этишга хизмат қилади. Бу услубда иш кўриладиган бўлса, мураккаб тузилмали жараённинг ҳар бир босқичида алоҳида олинган ўзгарувчан кўрсаткичдан келиб чиққан ҳолда функциялар экстремуми (яъни, max ёки min кўрсаткич) аниқланади. Шу тартибда иш юритилса диагностикалаш жараёни қуйидаги уч босқичдан иборат бўлади:

- тадқиқот объектининг математик моделини ишлаб чиқиш. Бу модель асосида амалга ошириладиган турли хилдаги иммитациялар ёрдамида диагноз учун зарур бўладиган ахборотларни тўплаш учун зарур;
- айни пайтда кўндаланг турган бошқарув муаммосини ҳал этиш;
- тадқиқот якунида олинган турли маълумотларни атрофлича таҳлил қилиш ва умумлаштиришлар асосида хулосалар чиқариш.

Диагностикалашнинг турли хил услубларидан фойдаланиш пировард натижада тадқиқот объекти (предмет, ҳодиса, жараён)га алокадор муҳим маълумотларни тўплашга, уларни ўрганиб чиқиш негизида объектнинг иқтисодий ва ижтимоий тараққиёти хусусиятлари ҳақида аниқ хулосалар чиқаришга ёрдам беради.

Умуман олганда, ҳар қандай жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиёти иқтисодий тизим, ишлаб чиқариш услуби, сиёсий тартиб, менталитет, турмуш тарзи каби таркибий элементларнинг конкрет вазиятдаги ҳолати билан белгиланади.

Ушбу нуқтаи назардан келиб чиқиб, иқтисодий тизимнинг муайян ҳолатини тавсифловчи инқирозли вазиятни олиб қарайлик. Моҳиятан инқироз ҳар кандай иқтисодий тизимнинг ривожланиш фазаларидан биридир. Иқтисодий инқироз ҳолатидан қуйидаги аломатлар маълумот беради: ишлаб чиқариш ва ижтимоий бандлик кўлами кескин қисқаради; инфляция даражаси кучаяди; аҳолининг турмуш даражаси эса анча пасайиб кетади.

Иқтисодий тараққиётнинг навбатдаги босқичи — таназзул деб аталади. Бу даврнинг ўзига хос аломатлари қуйидагилардир: ишлаб чиқариш ҳажми минимал даражада сақаланиб турилади; нархларнинг ўсиб бориши кузатилмайди; аҳолининг турмуш даражаси пастлигича қолаверади. Таназзулдан кейинги босқич иқтисодий жонланиш даври дейилади. Бу давр учун қуйидаги кўрсаткичлар хосдир: ишлаб чиқариш кўламлари, ижтимоий бандлик кўрсаткичлари ва аҳолининг турмуш даражаси кескин юксалади. Ва ниҳоят, иқтисодий тараққиётнинг сўнгги босқичи – юксалиш даври бошланади. Бу даврда ишсизлик батамом йўқолиб, ишлаб чиқариш кувватлари тўлиқ ҳажмда ишлай бошлайди, ЯИМ кўрсаткичлари ва аҳоли турмуш даражаси иқтисодий ривожланишнинг дастлабки босқичидагига нисбатан кескин ошиб кетади.

Инқирозли вазиятни диагностикалаш чоғида тадқиқот объекти статик ҳолатда эмас, аксинча динамик ҳолатида, яъни муайян даврий цикл давомида ўрганилиши лозим. Бундан чиқди, диагностикалаш объекти бирон бир давлатнинг иқтисодий тизими бўлса, у ҳолда макроиқтисодий кўрсаткичлар диагноз учун асос бўладиган мезонга айлантирилади. Тадқиқот объекти алоҳида олинган иқтисодий соҳа (тармоқ) бўлса, у ҳолда айни тизимнинг техник-иқтисодий кўрсаткичлари асосий мезон ўрнида хизмат қилади.

Диагностикалаш жараёнида тўпланган объектга алоқадор асосий маълумотлар икки блокка ажратилади, яъни тизимнинг фаолиятини барқарорлаштиришга хизмат қилувчи омилларнинг таъсирини ва объектнинг динамик хусусиятлари қай даражада намоён бўлишини аниқлашга ёрдам берувчи маълумотлар.

Ҳар икки информацион блокка кирувчи маълумотларни диагностикалашнинг турли хилдаги услуб ва воситалари ёрдамида чуқур таҳлил қилиш асосида тадқиқотчи кузатилаётган объектнинг айни пайтдаги ҳолатини ва ривожланиш истиқболларини аниқлаб олишга эришади. Ишончли ахборотларни тўплаш иқтисодий объектнинг ҳолатига аниқ диагноз қўйиш учун зарур кафолат бўлади. Шунинг учун бирон бир конкрет объектни диагностик жиҳатдан тадқиқ қилишга киришилар экан, унинг жорий фаолиятига доир ишончли маълумотларни олиш ниятида расмий маълумотларга мурожаат этиш керак. Масалан, давлат статистика органлари томонидан бериладиган расмий маълумотларга эътиборни қаратиш мумкин. Зотан, давлат статистика органлари иқтисодий тизим субъектларининг фаолияти устидан илмий асосда ташкиллаштирилган оммавий миқёсдаги мониторинг кузатувларини уюштириб, аниқ ва ишонарли ахборот тўплашга муваффақ бўлади. Биз муҳокама қилаётган ҳолатда алоҳида олинган корхона (ташкилот)ларнинг фаолияти ҳақидаги ҳисоботлари, ижтимоий фойдали меҳнат билан бандлик миқёси, меҳнат ресурсларининг салмоғи ва умумий тақсимоти каби маълумотларни аниқ ва ишонарли ахборот сифатида эътироф этса бўлади.

Мамлакат миқёсидаги барча иқтисодий субъектлар фаолияти устидан оммавий миқёсдаги мониторинг кузатувларини уюштириш пировардида муайян тадқиқот йўналишида миқдор жиҳатидан имкон қадар максимал даражадаги иштирокчиларни қамраб олишга қулай шароит яратилади. Шу тарика тўпланган бой статистик маълумотларни умумлаштириб иқтисодий субъектларнинг жорий даврдаги ҳолати ҳақида тегишли хулосалар чиқариш мумкин. Бир вақтнинг ўзида жуда катта миқдордаги иқтисодий субъектлар фаолияти ҳақидаги умумлаштирилган таҳлилий маълумотларни тўплай олиш, тасодифий элементлар ва омилларнинг таъсиридан қутилиш ҳамда диагноз қўйиладиган объект учун хос бўлган аломатларни аниқлашга катта ёрдам беради.

Формал жиҳатдан олиб қаралса, айни пайтда бизнинг диққат-эътиборимиз марказида турган объектга алоқадор барча ахборотларни жамлаш қуйидаги уч босқич давомида амалга оширилади: турли хил маълумотларни туркумлаштириш, гуруҳларга ажратиш ва ниҳоят тўпланган ахборотни умумлаштириш асосида якуний таҳлилни амалга ошириш. Конкрет вазиятда инқироз хавфи нечоғли ҳақиқатга яқинлигини аниқлаш учун диагностикалаш мақсадида тўпланган барча ахборотларга статистик жиҳатдан ишлов берилади. Фақат бундан илгари диагноз қўйиладиган объектга тааллуқли барча кўрсаткичлар сифат жиҳатидан қандайлиги таҳлил қилинади. Бунинг нима аҳамияти бор, дейсизми? Гап шундаки, ҳар қандай объектда миқдорий жиҳатдан ўлчаниши мумкин бўлган ўзгаришлар баробарида сифат ўзгаришлари ҳам юз беради.

Диагностик таҳлил учун муҳим саналган барча турдаги ахборотлар билан ишлаш жараёнининг биринчи босқичида дастлаб зарур маълумотлар тўпланиши лозим сўнгра улар кластер таҳлил услуби асосида гуруҳларга ажратилади. Шу тариқа ҳар бир турдаги ахборот мазмун-моҳият жиҳатидан яқинлиги ва ўхшашлигига қараб алоҳида гуруҳ, кичик гурухга ёхуд синфга мансублиги аниқланади. Тўпланган маълумотлар аналитик матрицалар шаклида қайд этилади. Ушбу хилдаги иш тартиби ёрдамида турли хилдаги объектлар ўзаро таққосланиб, уларнинг ривожланиш хусусиятлари ва ўзига хос жиҳатлари аниқланади. Пировард натижада олинган барча маълумотлар умумлаштирилади.

Диагностик таҳлил учун зарур маълумотларга ишлов бериш жараёнида индекслар ҳисоблаб чиқилади ва диагноз қўйилиши лозим бўлган объект ҳолатини баҳолашга, унинг ривожланиш тенденциялари ва қонуниятларини ўрганишга хизмат қилувчи синтетик кўрсаткичлар аниқланади.

Диагностика мақсадида тўпланадиган ахборот билан ишлаш жараёнининг якуний босқичида олинган маълумотлар атрофлича таҳлил қилинади. Акс ҳолда диагноз қўйиладиган объектнинг асл ҳолати ҳақида ишонарли ҳамда объектив хулосалар чиқариб бўлмайди. Якуний хулосалар матн шаклида тайёрланиб, турли хил графиклар, жадваллар, диаграммалар ёхуд бошқа хилдаги кўргазмали материаллар билан тўлдирилиши мумкин.

Шу ўринда таъкидлаб ўтмоқчимизки, диагностикалаш жараёнининг барча босқичлари ўзаро узвий боғлиқликда бўлади. Шунинг учун уларнинг бирон-тасида йўл қўйилган хато ва камчиликлар таъсири пировард натижада албатта намоён бўлади.

Диагностикалашнинг якуний натижалари қуйидаги тартибда баён этилиши лозим:

1. Умумий миқёсда тадқиқот объектининг *иқтисодий (ижтимоий, сиёсий)* жиҳатдан тараққий қилиш тенденцияларини аниқлаб олишга ёрдам берувчи маълумотлар таҳлили.

2. Диагноз қўйилиши лозим бўлган объектнинг ривожланиш жараёнларини босқичларга ажратиш ва айни пайтда объект тараққиётининг қайси бир босқичида турганлигини аниқлаб олишга уриниш.

3. Объектнинг ривожланиш истиқболларини аниқлаш.

Шундай қилиб биз, умумий ва иқтисодий диагностикалаш ҳақида бирмунча муфассал фикр-мулоҳазаларимизни баён этдик. Энди корхоналарнинг банкротлигини диагностикалашга доир фикрларимизни баён этишга навбат келди.

Корхона банкротлиги даражасини диагностикалаш

Менежмент нуқтаи назаридан олиб қаралса, корхонанинг банкротликка учраш эҳтимоли ҳам инқирозли вазиятлар туркумига киритилади. Зеро, банкротлик ҳолатига тушиб қолиш, корхонанинг молиявий жиҳатдан ночорлигини эътироф этиш демакдир. Корхонанинг тўлов лаёқати пасайиб кетиши унинг даромад ва буромад балансида мувозанат бузилганлигидан далолат беради. Бундай вазиятларда нима қилиниши керак? Мавзуимиз мазмун-моҳиятидан келиб чиқадиган бўлсак, табиийки, корхонанинг жорий ҳолатига диагноз қўйиш керак, деб жавоб бериш мумкин. Шу вақтга қадар иқтисодий ишлаб чиқариш амалиётида расм бўлган таомилга кўра, корхонанинг инқироз ҳолатига тушган-тушмаганлигини аниқлаш мақсадида амалга ошириладиган диагностикалаш жараёни давомида қуйидаги тўртта асосий кўрсаткич (коэффициент) аниқлаб олиниши лозим:

– Жорий ликвидлик коэффициенти К(жл);

– Корхонанинг шахсий маблағлари билан таъминланганлик коэффициенти К(шмт);

– Корхонанинг тўлов лаёқатини тиклаш коэффициенти К (тлт);

– Корхонанинг ўз тўлов лаёқатини йўқотиши коэффициенти К(тлй);

Бу ерда жорий ликвидлик коэффициенти К(жл) умумий маънода корхонанинг хўжалик субъекти сифатида ўз фаолиятини йўлга қўйиш учун айланма маблағлар ва пул ресурслари билан қандай даражада таъминланганлиги, муддатли тўлов мажбуриятлари бўйича ўз вақтида мажбуриятларини бажара олиши қобилиятини ифодалайди. Буни ушбу формула тарзида ифодалаш мумкин:

$$К_{(ж)} = \frac{2А + 3А}{2П - (_{катор.}500 + 510 + 730 + 735 + 740)}$$

Бу ерда 2А ва 3А – «жами активнинг 2 ва 3 бўлимлари» йиғиндиси;

2 П - «жами пассивнинг 2 бўлими» йиғиндиси.

К(шмт) корхонанинг молиявий барқарорлиги учун зарур бўлган айланма маблағ ва ресурслар билан таъминланганлик даражасини ифодалайди. Бу кўрсаткични формула тарзда қуйидагича ифодалаш мумкин:

$$К_{(шмт)} = \frac{1П - 1А}{2А + 3А},$$

Корхонанинг даромад ва харажатлар баланси К(жл) <2 бўлганида қониқарсиз эканлигидан, К(шмт) <0.1 бўлганида эса корхонанинг тўлов лаёқати пасайиб кетганлигидан далолат беради.

К(тлт) коэффициентини аниқлаш учун К(жл) нинг ҳисобида қайд этилган қийматнинг белгиланган қийматга нисбатини топиш лозим. К(жл) нинг ҳисобда қайд этилган қиймати ҳисобот давринг якунига кўра реал жиҳатдан қайд этилган қиймат билан ҳисобот давринг илк ва якуний даврида ушбу кўрсаткичнинг корхонанинг тўлов лаёқатини тиклаш учун талаб этиладиган даврига нисбатан, 6 ойга тенг, мос келувчи коэффициентнинг ўзгариш даражасини ифодаловчи умумий йиғинди қиймати билан ўлчанади.

$$К_{(тлт)} = \frac{К_{(жл)} + 6 / Х\ Д(К_{(жл)} - К_{(ав.д.жл)})}{2},$$

бу ерда, К(жл) ҳисобот давринг якунида жорий ликвидлик коэффициентининг реал қийматини англатади;

К(ав.д.жл) — ҳисобот давринг бошидаги жорий ликвидлик коэффициентининг реал қийматини англатади;

2 – жорий ликвидлик коэффициентининг норматив қийматини англатади;

Т - ҳисобот давринг давомийлигини (3, 6, 9 ёки 12 ой) англатади;

6 – корхонанинг тўлов лаёқатини тиклаш учун минимал жиҳатдан талаб этиладиган давр давомийлигини англатади.

Агар К(тлт) >1 бўлса, бу ҳолатда корхона ўзининг тўлов лаёқатини тиклаб олиш учун реал имкониятга эга, акс ҳолда бундай имконият бой берилган бўлади.

К(тлт) <1 бўлганида корхона ўз тўлов лаёқатини қай даражада йўқотгани қуйидаги формула ёрдамида аниқланиши мумкин:

$$К_{(тлй)} = \frac{К_{(жл)} + 3 / Х\ Д(К_{(жл)} - К_{(ав.д.жл)}}{2},$$

бу ерда, 3 – корхонанинг ўз тўлов лаёқатини йўқотган даври (ойларда ифодаланади).

Агар К(тлй) >1 бўлса, бу ҳолатда корхона ўзининг тўлов лаёқатини тиклаб олиш учун реал имкониятга эга, К(тлт) <1 бўлганида имконият бой берилган бўлади.

Юқорида келтирилган формулалар асосида амалга оширилган ҳисоб-китоблардан келиб чиққан ҳолда корхонанинг тўлов лаёқатини тиклаш бўйича реал имкониятларни мавжудлиги тасдиқланса, хўжалик субъектининг баланс тузилмасини қониқарсиз, деб топиш ҳақидаги расмий қарорнинг қабул қилиниши мутасадди давлат органлари томонидан белгиланадиган муддатга кечиктирилиши мумкин.

Инқироз ҳолатига тушиб қолган корхонанинг фаолиятини соғломлаштириш учун бошқарувнинг ўзига хос услубларидан фойдаланишга тўғри келади. Бозор иқтисодиётининг узоқ йиллик ривожланиш тажрибаси асосида банкротлик хавфи пайдо бўлаётганлигини бирмунча илгарироқ аниқлаб олиш ва тегишли ҳимоя чораларини кўришнинг муайян тизими яратилди. Ушбу хилдаги услубий материаллар мажмуи «Инқироз хавфининг олдини олишга йўналтирилган тизим» деб аталади. Амалий жиҳатдан ушбу турдаги фаолият билан махсус тайёргарлик кўрган менежерлар шуғулланишади. Инқироз хавфининг олдини олишга йўналтирилган тизим ва махсус тайёргарлик кўрган менежерларнинг бош вазифаси эҳтимолий банкротликни имкон қадар илк ривожланиш босқичларидаёқ аниқлаб, тегишли ҳимоя чораларини кўришдан иборатдир. Гарчи, иқтисодий ночорлик гирдобига тушиб бораётган корхонани соғломлаштиришга қаратилган алоҳида чора-тадбирлар кутилган самарани бермаса, у ҳолда бундай корхона ихтиёрий равишда ёхуд мажбурий тарзда (суд қарорига биноан) ўз фаолиятини тугатади.

Инқироз хавфининг олдини олишга йўналтирилган бошқарув фаолиятининг бош мақсади корхонанинг тўлов лаёқатини қайтадан тиклаш ва вазиятни молиявий барқарорликнинг муайян даражасигача ўзгартиришга интилишдан иборат. Ушбу мақсадга мувофиқ равишда инқироз хавфининг олдини олишга йўналтирилган махсус ҳаракат дастури ишлаб чиқилади. Мазкур ҳаракат дастури мазмунан корхонани ривожлантириш стратегиясининг алоҳида элементи сифатида идрок этилади. Дастурнинг негизини эҳтимолий банкротликни имкон қадар вақтлироқ аниқлаб, тегишли ҳимоя чораларини кўришга хизмат қилувчи конкрет чора-тадбирлар мажмуи ташкил этади. Бу хилдаги сиёсат юргизиш учун босқичли тадқиқотлар амалга оширилиши керак. Айни тадқикотнинг қуйидаги босқичларини эътироф этишиш мумкин:

1. Банкротлик эҳтимолини мумкин қадар илгарироқ аниқлаш учун вақтивақти билан корхонанинг молиявий ҳолатини атрофлича таҳлил қилиш.

2. Корхонада инқироз ҳолати секин-аста ривожланиб улгурган бўлса, унинг кўламини аниқлаш.

3. Корхонада инқироз ҳолатини юзага келтирувчи асосий омилларни аниқлаш, уларнинг табиатини, сабабларини, бартараф этиш йўлларини ўрганиш.

4. Банкротлик хавфи реал тус олган бўлса, инқироз хавфининг олдини олишга йўналтирилган сиёсий концепцияни ишлаб чиқиш.

5. Корхонанинг молиявий аҳволини барқарорлаштиришга хизмат қилувчи ички механизмларни излаб топиш ва амалиётга жорий этиш.

6. Корхонани санация қилишнинг самарали услубларини аниқлаш.

7. Корхонанинг банкротликка учраши реал бўлиб қолса, тугатиш ишларини амалга оширмоқ учун зарур бўладиган молиявий маблағларни излаб топиш. Одатда, менежментнинг бу хилдаги вазифалари корхонани тугатиш комиссияси зиммасига юклатилади.

Корхонанинг банкротликка учраши эҳтимолини аниқлаш мақсадида ўтказиладиган диагностикалаш жараёнларининг дастлабки чораси тадқиқот объектини аниқлаб олишдан иборат бўлади. Бунинг учун, жорий даврдаги ва истиқболдаги тўловлар ҳажмини, корхонанинг ишлаб чиқариш, инвестицион, молиявий фаолиятини маблаглар билан таъминланишини аниқлашга ёрдам берадиган иқтисодий кўрсаткичларни жамлаш керак бўлади. Шу ўринда алоҳида таъкидламоқчимизки, ҳамма вақт ҳам реал иқтисодий (молиявий) кўрсаткичлар формал жиҳатдан белгиланган коэффициентлардан у ёки бу даражада четлашганида албатта банкротликни эълон қилишга ошиқиш шарт эмас. Аксарият ҳолларда қарздор корхонани тугатиш кредиторларга ҳам, давлатга ҳам бирдек манфаат келтирмайди. Шундай ҳолларни эътиборга олиб корхоналарнинг тўлов қобилиятини тиклашга қаратилган махсус чора-тадбирлар мажмуи ишлаб чиқилган. Улар қай пайтда амалга оширилади?

Потенциал жиҳатдан жорий даврдаги банкротлик хавфини аниқлаш талаб этилганида. Бундай хавф-хатар асосан қуйидаги икки хил кўрсаткичларга динамик ўзгаришлар тарзида олинган жорий даврдаги тўлов лаёқати ва автономия коэффициентларига қараб аниқланади. Ушбу икки коэффициентнинг изчил равишда пасайиб бориши банкротлик хавфининг жиддийлигидан далолат беради. Айни кўрсаткичларнинг абсолют қиймати қанчалик паст бўлса, банкротликка учраш эҳтимоли шунчалик кучлироқ ифода этилган ҳисобланади. Корхона тўлов лаёқатининг оптимал даражадаги коэффициенти 0.7 бўлганда, автономия коэффициенти 0.5 ни ташкил этиши керак. Эслатиб қўймоқчимизки, ушбу кўрсаткичлар ташкилотнинг хусусиятлари ва фаолият кўламига қараб ўзгариб туриши мумкин.

Корхонанинг ички потенциалидан келиб чиқиб, эҳтимол тутилаётган банкротлик хавфини бартараф этиш имкониятларини аниқлаш мақсадида диагностикалаш жараёнида ушбу икки кўрсаткичлар муҳим аҳамият касб этади:

- Капитал рентабеллигини коэффициенти

$$К Р_{ш к} = \frac{С Д}{Ш К},$$

Бу ерда СД – тайёр маҳсулотларни сотиш ҳисобига олинган соф даромад суммасини ифодалайди;

ШК – шахсий капиталнинг ўртача суммасини ифодалайди.

- Активлар оборотини ифодаловчи коэффициент

$$А К_{а} = \frac{О_{с}}{А},$$

Бу ерда – кузатилаётган давр мобайнидаги тайёр маҳсулотлар реализациясидан олинадиган оборот маблағларнинг умумий суммасини ифодалайди;

А - кузатилаётган давр мобайнида сақланиб қолаётган активларнинг ўртача қийматини ифодалайди.

Капитал рентабеллигининг коэффициенти корхонанинг ошиб бораётган тўлов мажбуриятларини қондириш учун талаб этиладиган сармояларни жалб қилиш бўйича потенциал имкониятлари қай даражада эканлигини аниқлашга ёрдам беради. Активлар айланмасини ифодаловчи коэффициент эса тўлов мажбуриятларини қондириш учун талаб этиладиган қўшимча сармоялар манбаини қай даражада тезлик билан ташкил этиш (излаб топиш) мумкинлигини аниқлашга имкон беради.

Банкротликка дучор бўлиш хавфи нечоғли реал эканлигини аниқлашга хизмат қилувчи вазиятни интеграл баҳолаш услублари юқорида айтиб ўтилган иқтисодий кўрсаткичларни комплекс тарзда таҳлил қилишга асосланади. Бу хилдаги тадқиқот услубининг энг оммавий шакли Альтман модели ҳисобланади. Ўз моҳиятига кўра бу беш омиллик модель бўлиб, бунда конкрет объектнинг банкротликка дучор бўлиш хавфи нечогли реал эканлиги қуйидаги кўрсаткичлар асосида аниқланади:

1. Муомиладаги капиталнинг корхона ихтиёридаги барча активлар суммасига нисбати (активларнинг ликвидлик даражасини ифодалайди);

2. Соф фойданинг амалда фойдаланилаётган ёхуд корхонанинг жами капиталига нисбатини ифодаловчи жами активларнинг ёки реал муомиладаги капиталнинг рентабеллик даражаси (фойданинг кўпайиб бориши даражасини ифодалайди);

3. Активлар (ёки муомалага киритилган жами капитал) даромадлилиги даражаси. Ушбу кўрсаткич моҳиятан соф даромаднинг (яъни, ялпи даромаддан солиқ ва бошқа хилдаги тўловлар чиқарилиб ташланганидан сўнг қоладиган қисми) амалда фойдаланиладиган активлар ёки жами капиталнинг ўртача

қийматига нисбатини ифодалайди. Мазкур қиймат кўрсаткичи корхона оладиган даромадлар жорий сарф-харажатларни нечоғли қоплаши ва фойда ҳосил қилиши мумкинлигини кўрсатиб беради;

4. Активлар ёки капитал айланишининг тезлиги (айни кўрсаткич сотилаётган маҳсулотлар кўламининг амалда фойдаланиладиган активлар ёхуд жами капиталнинг ўртача қийматига нисбатини ифодалайди);

5. Корхонанинг шахсий капитали билан қарзга олинган маблағлар ўртасидаги нисбатни ифодаловчи коэффициент.

Номи юқорида зикр этилган иқтисодий кўрсаткичларни таҳлил қилиш асосида Альтман банкротлик хавфини нечоғли реаллигини аниқлашга имкон берадиган вазиятни интеграл баҳолаш механизмларини ишлаб чиққан эди.

Банкротликка дучор бўлиш хавфи нечоғли реал эканлигини аниқлашга хизмат қилувчи вазиятни интеграл баҳолашнинг бошқача услублари ҳам мавжуд. Улар жумласидан, ликвидлик даражасига эришиш қийин бўлган активларни молиялаштириш коэффициентини ҳисоблаб чиқишни кўрсатиб ўтиш мумкин. Таъкидлаб ўтмокчимизки, банкротликка дучор бўлиш хавфи нечоғли реал эканлигини аниқлашга хизмат қилувчи вазиятни интеграл баҳолашнинг ҳозирги пайтда мавжуд барча услублари нисбатан номукаммал ҳисобланади. Шундай бўлсада, улардан ўз ўрнида ва вақтида фойдаланиш инқироз хавфини аниқлашга жиддий ёрдам бериши мумкин. Илмий адабиётларда банкротлик ҳолати даражаланганлигига дуч келишимиз мумкин. Хусусан олганда, банкротлик хавфининг жуда юқори, юқори, эҳтимолий, жуда паст даражалари таснифланади. Конкрет тадқиқот объектининг ҳолатини ушбу тасниф асосида белгилаб олгач, диагностикалашнинг иккинчи босқичига, яъни инқироз хавфининг миқёсини аниқлашга ўтилади. Инқироз хавфининг миқёслари ўз навбатида қуйидагича таснифланади: нисбатан енгил кечадиган инқироз, оғир кечадиган инқироз, ҳалокатли тус олган инқироз. Одатда, инқирознинг миқёслари аниқланганидан сўнг инқироз хавфининг олдини олишга йўналтирилган аниқ чора-тадбирлар мажмуи ишлаб чиқилади.

Банкротлик ҳолатини диагностикалаш жараёнининг якуний босқичи ушбу ҳолатни юзага келтирган омилларни аниқлаш, деб аталади. Умуман олганда, инқироз ҳолатини юзага келтирадиган омилларни ташқи ва ички омилларга ажратилади. Диагностикалаш жараёнида ташқи ва ички омилларнинг таркибига кирувчи алоҳида элементлар, аниқроғи ташкилот фаолиятига салбий таъсир кўрсатувчи омилларгина, тадқиқ қилинади. Салбий таъсир даражасини аниқлаб олиш учун бир ёхуд кўп омиллик корреляцион моделлардан фойдаланилади. Диагностикалаш жараёнининг якуний босқичида истиқболда корхонанинг банкротлигини муқаррар қилиши мумкин энг ўзгарувчан ва таъсирчан омиллар прогнозлаштирилади.

Объектга таъсир кўрсатувчи омиллар таҳлилининг якунларига қараб банкротликнинг олдини олиш механизмлари ишлаб чиқилади.

Замонавий менежментнинг асосий вазифаси тадқиқот объектининг ҳолатига салбий таъсир ўтказувчи омилларни ўз вақтида аниқлаб, зарур ҳимоя чораларини ташкил этишга хизмат қиладиган бошқарув қарорларини қабул қилишдан иборатдир. Бундай вазиятда энг муҳими, етилиб қолаётган инқирознинг олдини олиб бўлмасада, ҳеч бўлмаганида уни локаллаштириб салбий оқибатларини имконият даражасида камайтиришга эришишдан иборат.

Шу вақтга қадар диагностикалаш борасидаги чет эл тажрибаси натижаларидан келиб чиқиб айтадиган бўлсак, улар тадқиқ қилинаётган объектнинг жорий ҳолатини ва ривожланиш жараёнларидаги салбий тенденцияларни аниқлашга имкон берадиган, самарадорлиги анча юқори таҳлил воситаларидир. Диагностикалаш услублари айниқса, ижтимоий-иқтисодий тизимлар менежментида муҳим аҳамият касб этади. Зеро, улар ўз вақтида тараққиётнинг негатив тенденцияларини, уларнинг сабабларини аниқлаб олишга ва зарур ҳимоя тадбирларини ишлаб чиқишга имконият яратиб беради. Диагностикалаш жараёнларининг самарадорлиги юқори бўлишини истасангиз, уларни комплекс тарзида қўллаш керак.

1.7. Инқирозли вазиятларда бошқарувни амалга оширишнинг стратегия ва тактикаси

Кескин рақобатчилик ҳукм сурадиган бозор иқтисодиёти шароитида айрим хўжалик юритувчи субъектлар иқтисодий ночорлик гирдобига тушиб қолишлари ёхуд вақтинчалик тўлов қобилиятларини йўқотишлари ҳеч гап эмас. Бу каби нохуш ҳолатлар иқтисодий ривожланиш нисбатан барқарор кечаётган мамлакатларда ҳам учраб туради. Масалан, АҚШда янги ташкил этилган кичик ва ўрта миқёсдаги корхоналарнинг тахминан 50 фоизи бир йил давомида ўз фаолиятини тўхтатар экан. Шу билан бирга қонуний асосда банкрот деб эълон қилинган корхоналар барча иқтисодий фаолият субъектларининг бор йўғи 1 фоизни ташкил қилади.

Шу ўринда бир ўринли савол туғилади: нима сабабдан шу вақтга қадар муваффақиятли амал қилиб турган корхоналар иқтисодий жиҳатдан ночор ҳолатга тушиб қолмоқда? Бу каби ҳолатларни назарий жиҳатдан таҳлил этиш асосида ва амалиёт тажрибасидан келиб чиқиб фикр билдириладиган бўлса, таъкидлаш лозимки, деярли ҳамма вақт нохуш ҳолатнинг сабабчиси компания стратегиясининг ташқи муҳитдаги ўзгаришлар динамикасига мос келмаслигида ўз ифодасини топади.

Бундан ўттиз йил муқаддам ҳам иқтисодий фаолият стратегияси нима эканлиги ҳақида ҳеч ким жиддий фикр юритиб кўрмаганди. Табиийки, иқтисодий фаолиятнинг стратегик принциплари ҳам кашф этилмаганди. Фақатгина ўтган асрнинг 60-70 йилларига келиб бошқарувнинг янги услублари ишлаб чиқилди. «Стратегик бошқарув» тушунчаси ҳам айнан шу пайтдан бошлаб илмий соҳага кириб келди. Бу каби ўзгаришлар биринчи галда бизнес оламининг ташқи муҳитида рўй берган туб ўзгаришлар оқибатидир.

Мавзуимизнинг туб негизидан келиб чиқиб қаралса, ташкилот ташқи муҳитдаги динамик ўзгаришларга мослаша олмай қолган ҳар қандай вазиятни инқирозли вазиятнинг етилиш даври деб қараш мумкин.

Шундай вазиятга бехосдан тушиб қолмаслик учун компания иқтисодий фаолиятини ҳамиша таҳлил қилиб бориши ва имкон қадар қалтис вазиятга сабаб бўлган ички ҳамда ташқи омилларни ўрганиб чиқиши даркор.

Баъзи ҳолларда корхона фаолиятининг алоҳида хусусиятлари инқирозли вазиятларнинг келиб чиқишига туртки бўлувчи ички омилларни юзага чиқариши мумкин. Таъкидлаш жоизки, инқирозли вазиятни юзага келтирувчи иқтисодий фаолиятнинг ички омиллари ўз навбатида, резонанс қоидасига кўра, ташқи омиллар таъсирини кучайтириб юборади. Буни чет эл тажрибаси ҳам тасдиқлаб турибди. Фикримизни бир мисолни воситасида аниқроқ ифодалашга уринамиз. Масалан, маҳсулотларни сотиш борасида тўпланиб қолаётган муаммолар кўзга ташланмаса, улар айланма маблағларнинг ҳаракат тезлигида намоён бўлиши мумкин. Айланма маблағларнинг ҳаракати суст бўлса, бу ишлаб чиқариш жараёнларининг давомийлиги нисбатан узайиб кетганлигидан далолат беради. Гарчи шундай бўлса, у ҳолда ишлаб чиқариш босқичларини чуқур таҳлил қилиб вазиятни юзага келтираётган сабабларни излаб топиш лозим. Баъзида инқирозли вазиятни сотиш учун топширилган маҳсулотларга тўланадиган ҳақнинг ўз вақтида амалга оширилмаслиги ҳам юзага келтириши мумкин. Бундай вазиятда нархларни белгилаш сиёсатига, товарларни сотишга топшириш шартларига (эҳтимол, товарларни олдиндан қисман пул ўтказмасдан ҳам бериб юборишаётгандир) эътибор қаратиш керак. Нархларнинг юқорилиги ишлаб чиқариш харажатларининг асоссиз оширилиб юборилганлигидан бўлиши мумкин. Гарчи шундай бўлса, конкрет товарни ишлаб чиқариш учун сарфланадиган умумий харажатлар динамикасига эътибор берилиши лозим.

Айланма маблағларнинг ҳаракати нисбатан юқори бўлса, у ҳолда инқирозли вазиятга товарларнинг рентабеллиги сабабчи бўлиши мумкин. Савдонинг ҳажми кескин пасайиб кетса, маҳсулотлар сотилишига алоҳида эътибор қаратмоқ лозим. Булардан ташқари, қалтис вазиятга олиб келувчи муаммолар қаторида тайёр маҳсулотлар захирасининг ҳажми, товарларнинг истеъмол

хусусиятлари, нархлар сиёсати ва тақсимот тизими, товарларни харидорларга етказиш тизимидаги алоҳида шарт-шароитлар ҳақида гапиришга тўғри келади.

Юқорида айтиб ўтилган фикрлардан келиб чиққан ҳолда хулоса қилиш мумкинки, инқирозли вазиятдан чиқиб олиш учун ушбу ҳолатга сабаб бўлган омилларни аниқлаш лозим. Қалтис вазиятга олиб келган сабабларни аниқлаш ва уларни бартараф қилиш билан боғлиқ вазифаларни режалаштириш жараёнини инқирозга қарши бошқарувнинг стратегияси ва тактикаси деб аташ мумкин.

Ҳар қандай ташкилотнинг ривожланиши жараёнида инқирозли вазиятларнинг учраши эҳтимолдан холи эмас. Бозор иқтисодиётининг ўзига хос хусусияти шундан иборатки, инқирозли вазият ташкилот ҳаётий циклининг барча босқичларида (ташкил топиши, ўсиши, етилиши, таназзулга учраши) рўй бериши мумкин. Давомийлиги узоқ бўлмаган инқирозли вазиятлар корхона фаолиятини тубдан ўзгартириб юборолмайди. Ташкилот моҳиятига кўра илгаригидек фойда олиш илинжида хўжалик фаолияти билан банд бўлаверади. Борди-ю корхона умуман самарасиз фаолият юритаётган бўлса, у ҳолда инқирозли вазият нисбатан узоқ давом этади, ҳаттоки сурункали тус олиб, аҳвол банкротлик билан тугаши мумкин. Инқирозли вазиятнинг салбий таъсирини камайтирса бўлади. Фақат бунинг учун вазиятнинг ўзига хос хусусиятларини, сабабларини тушуниб етиш, қалтис вазият етилишини ўз вақтида англаш лозим.

Ушбу нуқтаи назардан олиб қараладиган бўлса, умуман ҳар қандай бошқарув фаолияти инқирозли вазиятларнинг рўй бериши эҳтимолини назарда тутган ҳолда амалга оширилиши керак. Инқирозга қарши бошқарувнинг самарадорлиги кўп жиҳатдан бошқарув стратегиясининг тўғри белгиланиши билан боғлиқ. Шунга кўра, инқирозли вазиятнинг рўй бериши аниқ бўлиб, унинг олдини олишнинг ҳеч бир иложи топилмаса, бошқарув стратегияси қалтис вазиятдан омон-эсон чиқиб кетиш йўлларини излашга йўналтирилади.

Бу хилдаги стратегик фаолият энг аввало, вазиятни юзага келтирган сабабларни аниқлаш ва уларни тезроқ бартараф этишга қаратилади. Бунинг учун бизнес фаолияти кечаётган ички ва ташқи муҳитга эътибор қаратилади, ташкилот ўз ҳаётий лаёқатини сақлаб қолиши учун муҳим саналган элементлар аниқланади, вазиятга доир барча маълумотлар тўпланиб ўрганилади. Шу тариқа амалга оширилган таҳлил асосида инқирозли вазиятни юзага чиқарган сабаблар излаб топилади. Ташкилотнинг жорий пайтдаги ҳолатини комплекс тарзида, аниқ диагностика қилиш — инқирозга қарши бошқарув стратегиясини ишлаб чиқиш жараёнининг дастлабки босқичи ҳисобланади.

Ташқи омилларни таҳлил қилиш асосида инқирозли вазиятни юзага келтирган сабабларни аниқлаш давомида нималарга эътибор берилиши лозим?

Бундай тадбирни амалга ошириш жараёнида ҳаддан ташқари кўп маълумот тўплаш фақатгина чалкашликларга сабаб бўлади холос. Бироқ маълумотлар керагидан оз бўлса, конкрет вазиятга мос равишда жавоб беришнинг имконияти бўлмай қолади. Вазиятнинг реал ҳолати ҳақида муфассал ва объектив маълумот олмоқ учун тўпланган турли хил маълумотларни алоҳида гуруҳларга ажратиш ва ўзаро солиштира билиш талаб этилади. Шундан кейин таҳлил жараёнини бир қанча босқичларга ажратиш лозим. Қандай дейсизми? Биз қуйида уларни бирма-бир санаб ўтамиз:

- макромуҳитни таҳлил қилиш. Бу соҳани нисбий тарзда тўртта секторга ажратиш мумкин: сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва технологик муҳит;

- рақобатчилик муҳитини таҳлил қилиш. Бунинг учун ушбу соҳанинг бешта муҳим компонентига эътибор бериш керак. Яъни харидорлар, хом ашё ва иккиламчи маҳсулотларни етказиб берувчиларга, асосий фаолият кечадиган тармоқдаги рақобатчиларга, потенциал жиҳатдан рақобатчига айланиши мумкин бўлган иқтисодий фаолият субъектларига, ташкилот ишлаб чиқарадиган асосий маҳсулотларнинг ўрнини боса оладиган товарларга.

Ташқи муҳит ҳақида етарлича ва муфассал маълумот тўплангач, бутун ахборотни умумлаштириш асосида ривожланиш сценарийларини яратиш мумкин. Иқтисодий ривожланиш сценарийлари деганда, иқтисодиётнинг у ёки бу соҳасидаги ривожланиш тенденциялари қандай бўлиши мумкинлигини хаёлан тасаввур этиб, ҳаракат дастурини ишлаб чиқиш тушунилади. Одатда бир эмас, бир қанча сценарийлар ишлаб чиқалади ва уларнинг ҳар бирига асосан инқирозга қарши бошқарув стратегияси яратилади. Сўнгра ана шу сценарий бўйича ҳаракатланиш мумкин. Иқтисодий ривожланиш сценарийлари ташқи муҳитнинг энг аҳамиятли омилларини аниқлашга имкон беради. Инқирозли вазиятдан чиқишни истаса, корхона уларга алоҳида аҳамият билан қарашга мажбур бўлади. Шунга кўра корхона реал тарзда туғиладиган хавф-хатардан қутилиб қолиши ёхуд пайдо бўлган қулай имкониятдан фойдаланиши мумкин бўлади. Борди-ю, ташқи муҳитда субъектив жиҳатдан таъсир ўтказиш мумкин бўлмайдиган омиллар мавжуд бўлса, қалтис вазиятда иш юритиш стратегияси компанияга рақобатчилик борасидаги реал афзалликларидан ўринли ҳам унумли фойдаланишга зарур шарт-шароитлар яратиб бериши баробарида инқирозли вазиятнинг салбий оқибатларини минималлаштириши лозим.

Ташқи муҳитни атрофлича ва чуқур таҳлил қилиш давомида менежерлар асосий диққат-эътиборни мавжуд хавф-хатарларни аниқлашга қаратмоғи даркор. Бу борада таҳлилнинг SWOT услуби жуда қўл келади.

Инқирозли вазиятга дуч келиб қолган корхонанинг ҳолатини таҳлил қилиш давомида нималарга эътибор берилиши лозим? Ташқи муҳит ҳақида объектив маълумотлар тўпланганидан сўнг, корхонанинг ички реал ҳолати ўрганилиши

керак. Бу хилдаги маълумотларни ўзлаштириб олгач, менежер келгусида корхона қандай ривожланиши кераклигини тасаввур этади ва шунинг асосида инқирозли вазиятдан чиқиб кетишнинг реал дастурини ишлаб чиқиши мумкин бўлади.

Корхонанинг бугунги ҳолати қанчалик мураккаб ва заиф бўлса, унинг келгусига йўналтирилган ривожланиш стратегияси шунчалик синчковлик билан таҳлил қилиниши талаб этилади. Зотан, корхонанинг инқирозга йўлиқиши шу вақтгача амалда бўлган ривожланиш стратегиясининг заифлигидан ёки мавжуд стратегияни тўғри амалга оширилмаганлигидан далолат беради. Баъзи ҳолларда уларнинг ҳар иккиси ҳам сабаб бўлиши мумкин. Корхонанинг амалдаги стратегиясини таҳлил қилганда менежерлар диққат-эътиборини масаланинг қуйидаги бешта жиҳатига қаратишлари тавсия этилади:

Амалдаги стратегиянинг самарадорлиги қандайлигини аниқлаш. Бунинг учун аввалам бор корхонанинг рақиблар орасида тутган ўрнини, кейин эса рақобатчилик кураши кечадиган соҳа чегарасини (бозор ҳажмини), ҳаридорлар гурҳларини аниқ билиб олиши лозим. Шундан сўнг ишлаб чиқариш, маркетинг, молиявий фаолият, кадрлар билан ишлаш соҳасидаги функционал стратегияларни аниқлашга ҳаракат қилиш керак. Иқтисодий кўрсаткичларда ифодаланадиган бу каби маълумотларнинг тўпланиши умуман корхона миқёсидаги стратегия ҳақида объектив тасаввур ҳосил қилишга имконият беради. Бунда корхонанинг бозорлардаги улуши, бозорларнинг ҳажми, олинадиган даромадлар ва кредитлар салмоғи, савдо операцияларининг кўлами (бозорларга чиқарилган ўхшаш турдаги маҳсулотларнинг умумий миқдорига нисбатан озми ёки кўпми?) каби ва бошқа кўрсаткичлари эътиборга олинади.

Корхонанинг кучли ва заиф томонларини, ривожланишга таъсир кўрсатиши мумкин бўлган қулай имкониятлар ва хавф-хатарларни ўрганиш. Бу борада қўлланилиши мумкин бўлган энг қулай услуб SWOT таҳлилидир. Корхонанинг кучли томонлари деганда, компания қандай жиҳатлари, хусусиятлари билан ўз рақобатчиларидан ўзиб кетганлиги тушунилади. Бунда ходимларнинг касбий малакаси, иш тажрибаси, ресурслар, эришилган конкрет ютуқлар (энг харидоргир маҳсулот, энг замонавий технология, энг ибратли хизмат тури, товар маркаси ва ҳоказо) эътиборга олинади.

Корхонанинг заиф томонлари деганда, табиийки, муваффақиятли фаолият юритиш учун етишмайдиган қандайдир муҳим жиҳат, омил, хусусият, ресурслар тушунилади.

Корхонанинг кучли ва заиф томонлари аниқлангач муаммо бирмунча ойдинлашади. Келгусида бундай маълумотлар инқирозга қарши бошқарув стратегиясининг асосини ташкил этиши мумкин. Борди-ю, бу хилдаги маълумотлар етарлича бўлмаса, у ҳолда менежерлар зудлик билан шу каби ахборотни

тўплашга киришишлари лозим. Таъкидлашимиз лозимки, инқирозли вазият оқибатларидан қутилишга қаратилган стратегия муваффақиятли бўлиши учун корхонанинг шундай ночор аҳволга тушиб қолишига сабаб бўлган заиф томонларини бартараф этишга йўналтирилиши шарт.

Айни пайтдаги бозор конъюнктураси ва иқтисодиётнинг умумий ҳолати ҳам инқирозга қарши бошқарув стратегиясининг мазмун-моҳиятини ва ўзига хос хусусиятларини белгилаб беради. Бундай стратегия пировардида корхонанинг салоҳияти ва реал имкониятларини инобатга олиши лозим. Фақат шундагина ташкилотнинг истиқболлари қандай бўлиши мумкинлигини фараз қилиш мумкин бўлади.

Ҳар бир таркибий қисмнинг баҳоланиши инқироз ҳолатидаги корхонанинг стратегиясини тушунарлироқ кўринишини беради, бунда баҳолаш миқдор кўрсаткичлари асосида амалга оширилади. Буларга корхонанинг бозордаги улуши, бозорнинг ва фойданинг ҳажми, кредитларнинг ҳажми, савдо ҳажми (умуман бозорга нисбатан кўпайиши ёки камайиши) ва ҳоказолар киради. Корхонанинг кучли ва заиф томонларини аниқлаш, шунинг асосида корхона (фирма) стратегиясига зарур ўзгартиришлар киритиш SWOT таҳлилининг муҳим таркибий қисми ҳисобланади.

Корхонанинг нарх-наво ва умумий харажатлар қиймати бўйича рақобатбардошлиги. Корхона фаолиятининг муваффақиятли кечишини зарур шартларидан яна бири бу нарх-наво ва умумий сарф-харажатлар қиймати бўйича рақобатбардошлик хусусиятидир. Бу масалада стратегик аҳамиятга молик вазифаларни белгилаб олиш учун корхонанинг умумий харажатларини чуқур таҳлил қилиш лозим. Бундай операцияни мутахассислар «қадриятлар занжири» деб ҳам аташади (13-расмга қаранг).



13-расм. Қадриятлар занжири

Қадриятлар занжири маҳсулот/хизмат қийматининг ҳосил бўлиш жараёнини акс эттиради. У таркиби жиҳатидан ҳар хил турдаги фаолият асосида

олинадиган фойдани ифода этади. Корхонага даромад келтириши мумкин бўлган турли хилдаги фаолият йўналишлари ўртасидаги боғланиш ташкилотнинг кучли томони сифатида эътироф этиладиган омиллар манбаи бўлиши мумкин. Қадриятлар занжирида акс эттирилган фаолият турлари муайян сарф-харажатларни тақозо этади. Бу ўз навбатида корхонанинг умумий харажатлари учун ажратиладиган активлар салмоғига боғлиқдир. Токи шундай экан, корхонанинг ишлаб чиқаришга сарфланадиган харажатлари ва умумий активларини қадриятлар занжирига киритилган ҳар бир фаолият йўналишига алоҳида сарфланиши лозим бўладиган харажатлар қиймати билан ўзаро солиштириб кўриш оқибатида компаниянинг молиявий ҳамда ресурслар борасидаги имкониятларини аниқ чамалаб кўриш мумкин бўлади.

Корхонанинг нархлар сиёсатига ва умумий харажатлари қийматига хом ашё, ёрдамчи материалларни етказиб берувчи ҳамкорларнинг фаолияти ҳам маълум даражада таъсир этади. Қадриятлар занжирига киритилган ҳар бир фаолият соҳаси бўйича харажатлар қийматини алоҳида-алоҳида ҳисоблаш бирмунча мушкул, аммо бунинг натижасида корхонанинг умумий сарф-харажатлари таркибини тузиш анча енгил кечади. Қолаверса, шу йўл билан алоҳида олинган фаолият соҳасида барқарор ўсишга эришиш, харажатлар қийматини минималлаштириш ва олинган маълумотларни чуқур таҳлил қилиш асосида корхонанинг нарх-наво ва умумий сарф-харажатлар қиймати бўйича рақобатбардошлик хусусиятини кескин оширишга эришилади.

Корхонанинг рақобатбардошлик борасидаги мавқеининг мустаҳкамлигини аниқлаш. Корхонанинг сарф-ҳаражатлари бўйича рақобатбардошлик лаёқати нечоғли мустаҳкамлигини аниқлаш муҳим, лекин шу билан кифояланиб бўлмайди. Асосий рақобатчиларга нисбатан корхона мавқеининг мустаҳкамлигини аниқламоқ учун товарнинг сифат кўрсаткичларини, корхонанинг молиявий ҳолатини, технологик имкониятларини ҳамда товарни ишлаб чиқариш босқичининг давомийлиги каби муҳим иқтисодий кўрсаткичларни таҳлил қилиш лозим. Шу тариқа корхонанинг кучли ва заиф томонларини аниқлаб олиш мумкин.

Корхонани инқирозга олиб келган муаммоларни аниқлаш. Бу борада иш олиб бораётган менежерлар инқироз давридаги корхона фаолиятига алоқадор барча турдаги маълумотларни тўплаб атрофлича таҳлил қилиши лозим. Шу тарика улар айни пайтда вазиятни ўнглаш учун ишни нималардан бошлаш кераклигини белгилаб олишлари мумкин. Аслини олганда, корхона фаолиятини инқирозга олиб келган муаммоларни аниқламасдан туриб уларни бартараф этиш йўлларини ва чора-тадбирларини белгилаб бўлмайди. Айни амалиётнинг пировардида корхона стратегиясига тегишли ўзгартиришлар киритилади ёки тамомила янги стратегия ишлаб чиқилади. Навбатдаги муҳим вазифалардан

бири корхона миссияси ва асосий мақсадлар тизимини қайтадан кўриб чиқиш билан боғлиқ.

Инқирозли вазиятда фаолият юритаётган корхонанинг умумий ҳолатини таҳлил қилганда қуйидагиларга эътибор берилади:

1. Корхона фаолиятининг стратегик аҳамиятга молик кўрсаткичлари:

- бозорлардаги улуши;
- савдо ҳажми (камаяди / ошади);
- фойда ҳажми;
- акцияларнинг даромадлилиги;
- бошқа кўрсаткичларга.

2. Корхонанинг заиф ва кучли тарафлари (ички омиллар), ташқи муҳитдаги хавфлар ва потенциал имкониятлар таҳлилига.

3. Рақобатга алоқадор ўзгарувчан кўрсаткичларига:

- маҳсулотларнинг сифати / тавсифи;
- компаниянинг обрўси / имиджи;
- ишлаб чиқариш соҳасидаги имкониятлари;
- ходимларнинг технологик малакаси;
- маҳсулотларни харид қилиш тармоғининг мавжудлиги;
- маркетинг фаолияти;
- корхонанинг молиявий ҳолати;
- рақобатчиларникига нисбатан харажатлар қиймати;
- бошқа кўрсаткичларга.

4. Рақобатчиларга нисбатан корхонанинг ҳолати қандайлигини аниқлашга.

5. Ҳал қилиниши зарур бўлган асосий стратегик муаммоларни аниқлаш ва уларнинг ечимини топишга.

Инқирозли вазиятда фаолият юритишга мажбур бўлган корхона фаолиятини мувофиқлаштириб турган менежер стратегик таҳлил натижаларини умумлаштириб олинган барча маълумотларни тўплаши даркор. Шундан кейин унинг зиммасидаги турган вазифалардан муҳими ўзининг илгариги миссияси доирасидан четга чиқмасдан туриб корхона ҳаётий лаёқатини сақлай олади-ми ёки йўқми, аниқлашдан иборат бўлади. Зарур бўлса, корхона миссиясини қайтадан кўриб чиқиш лозим. Корхона миссиясини шакллантириш вақтида унинг ходимлар ва жамият учун тушунарли бўлишини, унга ходимларнинг ишонишини таъминлаш жуда муҳим аҳамиятга эга. Келгусида бундай ишонч-эътиқод ходимлар фаолиятини рағбатлантирувчи омилга айланишини назардан четда қолдирмаслик керак. Умумий маънода ташкилот миссияси қуйидагиларни ўз ичига олиши мумкин:

1. Корпоратив қадриятларнинг эълон қилиниши.

2. Корхона сотадиган маҳсулот ёки бажарадиган хизматлар тури (корхона қондира оладиган эҳтиёжлар).

3. Корхона ўз маҳсулотлари билан эгаллаши лозим бўлган бозорларга чиқиш стратегияси:

- бозорга чиқиш усуллари;
- корхона фойдаланадиган технологиялар;
- иқтисодий жиҳатдан ўсиш ва молиялаштириш сиёсати.

Корхона миссияси аниқ ифодаланган бўлса, бу ҳол ходимларни илҳомлантиради ва ҳаракатга ундайди, кенг кўламда ташаббускорликни намоён этиш учун қулай имкониятлар яратиб беради ва умуман, корхона фаолиятининг муваффақиятли ривожланиши учун зарур шарт-шароитлар туғдиришга хизмат қилади.

Бу масала ҳал этилганидан сўнг асосий мақсадлар тизимига тегишли ўзгартиришлар киритишга ўтилади. Бундан кўзланган мақсад инқирозли вазиятнинг салбий оқибатларини бартараф этиш ёхуд минималлаштиришдан иборат бўлади. Бу борада амалга ошириладиган ишлар режасини тузар экан,

менежер энг аввало, эришилиши лозим бўлган идеал ҳолат билан ички ва ташқи муҳитдаги корхонанинг фаолиятига таъсир ўтказувчи омилларни таққослаб фаолиятнинг бош мақсадлари тизимига тузатишлар киритади.

Аслини олганда, ҳар қандай корхона ҳам фаолиятнинг бош мақсадлари тизимига эга бўлади. Бу хилдаги мақсадлар ижтимоий-иқтисодий муносабатларда иштирок этадиган турли хил гуруҳларнинг (хусусий мулк эгалари, ёлланма ишчилар, харидорлар, ҳамкорлар ва умумжамият) манфаатларини ифода этиш асосида белгиланиши лозим.

Таъбир жоиз бўлса, корхона миссиясини келгусида ташкилотнинг қандай бўлиши лозимлигини мухтасар тарзда ифода этувчи концепция, деб айтишимиз мумкин. У ҳолда фаолиятнинг узоқ ва қисқа муддатларга мўлжалланган асосий мақсадлари тизимини кўзланган мақсад йўлида реал равишда эришиладиган натижалар ифодаси, деб эътироф этиш мумкин бўларди.

Фаолият мақсадлари стратегик режалаштириш, ходимларни мотивациялаш ва умумий фаолиятни назорат қилиш тизимининг асосини ташкил этади. Уларнинг асосида корхона миқёсидаги ташкилий ва ишлаб чиқариш фаолиятининг аниқ натижаларини баҳолаш мезонлари ишлаб чиқилади. Ҳар қандай корхонада бир қанча мақсадли фаолият йўналишлари белгилаб қўйилади. Шу тариқа аҳамиятлилиги ва амалга оширишнинг давомийлиги жиҳатидан даражаланган мақсадлар иерархияси ташкил топади (14-расмга қаранг). Кўлами ва мавқеи кенгроқ бўлган мақсадлар одатда узоқ муддатли вазифалар жумласига киритилади. Бу хилдаги фаолият мақсадларининг белгилаб қўйилиши менежерларга жорий фаолият давомида қабул қилинаётган бошқарув қарорларининг

перспектив мақсадларга қай тарзда ва даражада таъсир кўрсатаётганини кузатиш имкониятини беради. Нисбатан аҳамияти пастроқ фаолият мақсадлари қисқа, баъзида ўртача муддатларга мўлжалланган бўлишади. Улар пировард натижада олий мақсадларга эришиш воситаси бўлади. Корхонанинг қисқа муддатли мақсадлари ташкилотнинг иқтисодий жиҳатдан ўсиш суръатларини белгилаб, шунинг негизида яқин вақт ичидаги вазифаларни режалаштиришга имконият яратиб беради. Корхона раҳбариятининг айни пайтда қандай турдаги мақсадларни устувор деб билиши ҳам инқирозли вазиятларни келтириб чиқариши мумкин бўлган омиллардан биридир.



14-расм. Ташкилий мақсадларнинг турлари

Фаолиятни стратегик жиҳатдан режалаштириш жараёни мавжуд вазиятни қандай услуб воситасида таҳлил қилиниши, инқирозли вазиятдан чиқиб кетишнинг мукобил вариантларини ишлаб чиқиш ва ниҳоят, ҳаракат стратегиясини белгилаб олиш билан якунланади. Шундан кейин ҳаракатлар тактикасини аниқлаш (яъни, фаолиятни оператив режалаштириш) босқичи бошланади.

Қалтис вазиятдан чиқиш учун танланган стратегияни амалга ошириш

Иқтисодий инқироз ҳолатидан чиқишга қаратилган тактик чора-тадбирлар қуйидагича бўлиши мумкин: харажатларнинг қисқартирилиши, айрим ташкилий бўлинмаларни бартараф этиш, кадрлар сонини қисқартириш, ишлаб чиқариш ва савдо ҳажмини қисқартириш, маркетинг тадқиқотларини кучайтириш, маҳсулот нархининг оширилиши, ички захиралардан ўринли фойдаланиш, компанияни модернизациялаш, ташқаридан малакали мутахассисларни жалб қилиш, кредитлар олиш, ички интизомни кучайтириш ва ҳоказолар.

Стратегик ва оператив режалаштириш ўзаро боғлиқ жараёнлар бўлганлиги боис уларни алоҳида-алоҳида бажариш мумкин эмас. Фаолиятни тактик жиҳатдан режалаштириш белгилаб олинган устувор стратегия доирасида амалга оширилиши лозим. Агарда қалтис вазиятдан чиқишга қаратилган оператив тадбирлар стратегик мақсадларга боғлиқ ҳолда амалга оширилмаса, бу вақтинчалик корхонанинг молиявий ҳолатини ўнглаб олишга имконият яратиши мумкин, лекин инқирознинг вужудга келишига туртки бўлган асл сабаблар бартараф қилинмагани боис бир қанча фурсатдан сўнг корхона яна инқирозга дучор бўлади.

Иқтисодий инқироз ҳолатидан чиқишга қаратилган стратегияни амалга ошириш давомида менежерлар зиммасига қуйидаги вазифалар юклатилади:

- иқтисодий инқироз ҳолатидан чиқиб кетишга йўналтирилган стратегия ва фаолият мақсадларининг мазмун-моҳиятини, улар ўртасидаги узвий боғлиқликни чуқур англаб етиш;
- персонал томонидан иқтисодий инқироз ҳолатидан чиқиб кетишга йўналтирилган стратегия ва фаолият мақсадларининг мазмун-моҳиятини, улар ўртасидаги узвий боғлиқликни мукаммал ўзлаштириб олинишига эришиш;
- ишлаб чиқилган стратегияни рўёбга ошириш учун зарур бўладиган ресурсларни тахт қилиб қўйиш;
- компаниянинг ташкилий тузилмаси қандай бўлиши лозимлигини аниқлаш.

Янги стратегияни амалга оширганда диққат-эътиборни режалаштирилган ўзгартиришлар ходимлар томонидан қандай қабул қилинишига (ислоҳотларга қандай кучлар ва нима учун қаршилик кўрсатиши мумкинлигига) қаратиш лозим. Шунга қараб хатти-ҳаракатларнинг қандай усулини танлаш кераклиги ҳал этилади. Қалтис вазиятдан чиқиб олмоқ учун амалга ошириладиган ислоҳотларга нисбатан кўрсатиладиган ҳар қандай қаршиликни минимал-лаштириш ёки бутунлай бартараф қилиш керак. Қуйидаги 15-расмда кўрсатилганидек, иқтисодий инқироздан чиқиб кетишга йўналтирилган стратегияга қуйидаги омиллар таъсир кўрсатади: жорий пайтдаги бошқарув тизими ва ташкилий тузилмаси; бошқарув маданияти; менежерларнинг малакаси ва ресурслар.



15-расм. Стратегик имкониятларни чеклайдиган тузилма, ресурслар ва маданият

Ҳаётий тажрибаларни кўрсатишича, аксарият корхоналарда бошқарув самарадорлигига таъсир кўрсатувчи *асосий омилларнинг оптимал даражадаги* уйғунлигига эришилмайди. Бундай уйғунликнинг нима аҳамият бор дейсизми? Бу масалага ойдинлик киритиш учун ушбу омилларнинг таъсир самарасини аниқлаш мақсадида уларни бирма-бир кўриб чиқайлик.

Кўпгина корхоналар учун ҳақиқат шундаки, уларга муваффақиятли фаолият кўрсатиши учун зарур бўлган малака, маданият, оптимал тузилманинг уйғунлашувига эришмайдилар.

Корхонанинг ташкилий тузилмаси ўз хусусиятига кўра ташқи муҳитда рўй бераётган динамик жараёнларга адекват тарзда жавоб қайтариш имкониятларини белгилаб беради. Шунга кўра, ташкилий тузилманинг бошқарув тизими ҳаддан ташқари марказлаштирилган бўлса, у ташқи муҳитдаги ўзгаришларга оператив тарзда мослашиш хусусиятининг ривожланишига, инновацион жараёнларга, вужудга келган муаммоларнинг ечимини излаш масаласига нисбатан ижодий ёндашувнинг очиқ намоён бўлишига тўсқинлик қилиши мумкин. Одатда менежерлар ташкилий тузилмани ўзгартиришга қаратилган ислоҳотлар *ходимлар томонидан ички норозилик* билан қарши олинадиган бўлса, ўз ниятларидан воз кечишни афзал кўрадилар. Бунинг оқибатида ташкилий тузилмани қайтадан тузиш қанчалик зарур бўлмасин ортга сурилиб бораверади.

Навбатдаги 16-расмда юқоридаги фикр-мулоҳазаларни умумлаштирган ҳолда корхонадаги инқирозга қарши бошқарув стратегиясининг умумий кўриниши акс эттирилган.



16-расм. Инқирозга қарши бошқарув стратегияси ва тактикаси.

Иқтисодий инқироз хавфини бартараф этишга қаратилган стратегиянинг амалий жиҳатдан ташкил қилиниши

Ташқи муҳитдаги бironта ўзгаришлар корхона фаолиятининг барқарорлигига таҳдид сола бошлаганини тезлик билан аниқлаш имконияти ва унга яраша жавоб реакциясини билдириш учун бошқарув тизимининг ихтиёрида етарлича вақт бўлса, бу албатта яхши. Аммо инқироз юз берганида бундай имконият ҳам зарур фурсат ҳам бўлмайди. Шунинг учун инқирозли вазиятдан чиқиб кетишга йўналтирилган стратегияни режалаштириш чоғида турли хил чора-тадбирларни бир вақтнинг ўзида параллел равишда амалга оширишга тўғри келади. Иқтисодий инқироз хавфини бартараф этишга қаратилган стратегияни амалиётга муваффақиятли тадбиқ этиш кўп жиҳатдан реал вазиятдан келиб чиқиб илгари суриладиган ташкилий вазифаларни бажаришга ва

корхонанинг стратегик мақсадлари шажарасига мослаштирилган бошқарув тизимининг мавжудлигига боғлиқ. Бироқ қалтис вазиятларда стратегик аҳамиятга молик бўлган ташкилий ўзгаришлар учун зарур шарт-шароитларни яратишга фурсат етарли бўлмайди. Бундай ҳолларда амалдаги бошқарув тизимини кескин ўзгартиришга тўғри келади. Бу хилдаги чора-тадбирлар одатда персонал томонидан жиддий норозилик билан қабул қилинади. Лекин на чора? Ахир қандай бўлмасин вазиятни ўнглаш керак-ку.

Ходимлар томонидан кўрсатиладиган қаршиликларни енгиш учун икки турдаги, яъни психологик ва тизимга оид амалий тадбирларни бажаришга тўғри келади. Биринчи тоифадаги вазифалар доирасида қуйидагиларни амалга оширмоқ лозим: ходимлар орасида тартибсиз ёки онгли равишда шаклланиб улгурган турли хил гуруҳларнинг жорий этиладиган ўзгаришларга нисбатан билдирадиган муносабатига қараб инқирозни бартараф этиш стратегиясининг бош ғоясини аста-секин сингдириб бориш, қатъият билан ислоҳотларга қаршилик кўрсатишга мойил бўлган одамлар гуруҳининг жамоага таъсир ўтказиш имкониятларини ҳар томонлама чегаралаш керак. Иккинчи тоифадаги вазифалар доирасида эса қуйидаги амалларни бажариш керак бўлади: ўтиш даври учун хос ва мос бўлган ташкилий тузилмани шакллантириш асосида иқтисодий инқирозни бартараф этишга йўналтирилган стратегик режани жорий оператив фаолиятга жиддий зиён етказмаган ҳолда амалга ошириш лозим.

Кичик ва ўрта миқёсдаги ташкилотларнинг ходимлари ташқи муҳит динамикасига нисбатан енгил мослаша оладилар. Кичик ва ўрта бизнес субъектларининг бу хилдаги хусусияти туфайли илгариги бошқарув тизимини кескин тарзда бузмасдан аста-секинлик билан янги вазифаларни бажаришга мослаштириш мумкин.

Йирик ва жуда йирик корхоналар ва компаниялар билан вазият бирмунча ўзгача тус олади. Бундай ташкилотларда амалга оширилиши режалаштирилган ислоҳотларга нисбатан норозилик кайфияти билан ёндошадиган ходимларнинг салмоғи анча катта бўлса, у ҳолда «қўш тузилмали» бошқарув тизимидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ бўлади. Бунда иқтисодий инқироз таъсиридан чиқиб кетиш стратегиясини амалга ошириш билан оператив бошқарув фаолиятини бир-биридан ажратиш керак бўлади. Шундай йўл тутилса, компания менежерлари иқтисодий инқироз таъсиридан чиқиб кетиш стратегиясини амалга ошириш билан бевосита машғул бўлган ташкилий тузилмаларга пировард мақсадни кўзлаб алоҳида эътибор бериши мумкин. Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, қабул қилинган бошқарув қарорларини қатъият билан амалга оширмоқ учун ихтиёридаги ҳокимият кучидан ўринли фойдалана билиш даркор. Бунинг учун лозим топилса, амалдаги иерархик

муносабатларни четлаб ўтиб юқори даражадаги раҳбарнинг бевосита ижрочи ходимлар билан алоқаси йўлга қўйилиши ҳам мумкин.

Иқтисодий инқироз ҳолатидан чиқиб кетишга йўналтирилган стратегияни рўёбга ошириш учун четдан малакали мутахассисларни таклиф этиш ҳам яхши самара беради. Бундай юмушни бажариш учун консалтинг хизматидан маслаҳатчиларни, янги, тажрибали иш бошқарувчиларни ёхуд ташкилотнинг ўзидан лидерлик хусусиятлари билан ажралиб турган, илгариги бошқарув стратегиясига алоқадор бўлмаган (психологик жиҳатдан бунинг аҳамияти жуда катта) ходимни жалб этса бўлади. Биз бу ҳақда бежиз таъкидлаб ўтмадик. Зотан, иқтисодий инқироз ҳолатидан чиқиб кетишга йўналтирилган стратегияни рўёбга ошириш ниҳоятда масъулиятли ва ўта мураккаб вазифа эканлигини асло унутиб бўлмайди. Фирманинг бозордаги фаолияти ва рақобатчилик борасидаги позицияси қандай бўлиши лозимлиги аниқ ифодаланган ҳолларда бошқарув стратегиясини ўзгартириш енгилроқ кечиши мумкин. Фикримизни далиллаштириш учун мисол келтирайлик. Ўз вақтида Ли Яккоки Chrysler фирмасининг бошқарув тизимида муайян ўзгартиришлар қилишга киришганида унинг ислоҳотлари жиддий қаршиликка дучор бўлмаганди. Чунки бу ислоҳотлар стратегик бошқарув тизимида фундаментал ўзгаришларни амалга оширишни кўзда тутмаганди. Ли Яккоки ислоҳотларни амалга ошириш давомида компаниянинг бир қатор вице-президентларини ишдан бўшатди ва уларнинг ўрнига ўз маслакдошларини тайинлади, айрим тизимларнинг таркибий тузилишини ўзгартирди, тежамкорлик сиёсатига қатъий риоя қилишни талаб этди, янги реклама агентлиги билан ҳамкорлик қила бошлади. Энг қизиғи шуки, ислоҳотлар даврида Ли Яккоки ўзига 1 АҚШ доллари миқёсида йиллик маош тайинлади. Пировард натижада бу хилдаги ислоҳотлар компанияда илгаритдан мавжуд бўлган фаолият юритиш тенденцияларини янада мустаҳкамлади. Инқироз ҳолатидаги Chrysler фирмасининг қайтадан жонланишига янгича рақобатчилик стратегияси эмас, балки Ли Яккоки жорий этган бошқарув тизими, компания миссиясининг янгитдан талқин этилиши, бош менежернинг профессионал маҳорати, ғайрат-шижоати кўпроқ таъсир этди.

Инқирозга қарши бошқарувни амалга оширишда маркетингнинг тутган роли

Иқтисодий инқироз ҳолатидаги ташкилотнинг маркетинг соҳасидаги фаолияти энг аввало, компания маҳсулотларига нисбатан реал равишда талаб (эҳтиёж)ни шакллантиришга қаратилиши керак. Бунинг учун табиийки, истеъмолчиларга товарнинг фойдали хусусияларини кўрсатиш, унинг зарурлигини англатиш лозим. Бундан ташқари, конкрет бозорда фаолият олиб бориш

бўйича ҳаракат дастури ишлаб чиқилиши ва изчиллик билан амалга оширилиши шарт.

Маркетинг фаолиятининг негизида ётган асосий принцип моҳиятини қуйидагича ифодалаш мумкин: компания фаолиятини харидорларнинг эҳтиёжларини максимал даражада қондиришга бўйсундириш лозим. Мазкур принципни хўжалик фаолиятининг барча соҳаларида тадбиқ этишга менежмент тизими ёрдам беради. Шундай қилиб, айни тизимнинг зиммасига — фаолият мақсадларини белгилаш, мақсад сари йўналтирилган хатти-ҳаракатларни режалаштириш, ташкилий фаолият билан шуғулланиш, ходимлар фаолиятини мотивациялаш ва ниҳоят умумий иш жараёни устидан мониторинг назоратини ўрнатиш каби масъулиятли вазифалар юклатилади.

Маркетинг хизматининг асосий мақсади — конкрет товарга нисбатан мавжуд талаб миқёсини аниклашдан иборатдир. Бунинг учун айни турдаги товарнинг иқтисодий кўрсаткичларда ифодаланган савдо-сотиқ ҳажмини, товарнинг бозорлардаги маҳсулотлар умумий йигиндиси орасидаги улуши миқёсини аниқлаш талаб этилади. Бу борада тўпланган маълумотлар асосида маркетинг режасини тузиб уни рўёбга ошириш устида ишлаш лозим бўлади.

Менежмент хизматининг асосий мақсади — менежмент тизимининг ихтиёридаги мавжуд воситалар ва механизмлар ёрдамида ташкилот аъзоларининг муайян шарт-шароитларда кечувчи таркоқ меҳнат фаолиятини мотивациялаштириб, корхона/компания миссиясида эътироф этилган стратегик мақсад сари йўналтириш, ташкилий тузилманинг алоҳида-алоҳида элементларини бирлаштириб, ташкилотнинг изчил ривожланишини таъминлашдан иборат бўлиши лозим.

Илмий нуқтаи назардан олиб қаралса, ижтимоий-иқтисодий тизим сифатида эътироф этилиши мумкин бўлган ҳар қандай ташкилот (корпорация, компания, фирма)да жорий этиладиган маркетинг ва менежмент хизмати яхлит бирликнинг таркибий элементлари эканлиги аён бўлади. Шунга қарамасдан, маркетинг хизмати функционал жиҳатдан маркетинг хизматининг маркази, агентлиги, консалтинг бўлинмалари мавжуд тамомила мустақил ташкилий тузилма бўлиши мумкин. Биз мисол тарикасида келтирган ташкилий-таркибий бўлиниш ҳар қандай кўринишга эга бўлиши мумкин, чунки аслида маркетинг фаолиятининг асл моҳияти ва иқтисодий аҳамияти ниҳоятда улкандир. Таъбир жоиз бўлса, маркетинг ташкилот менежерлари ва ходимларининг корпоратив миқёсда фикр юритиш хусусиятини англатувчи тизим ифодаси деб айтсак ҳам бўлади. Бундай ёндашувнинг негизида бутун ташкилот фаолиятини, яъни ходимларнинг куч-ғайрати, меҳнатини, бошқарув жараёнларининг самарадорлигини пировард стратегик мақсадларнинг амалга оширилишига йўналтирилиши ётади. Стратегик мақсадлар сари интилишда сифат,

унумдорлик, иқтисодий ва ташкилий самарадорлик, рақобатбардошлик каби устувор принципларга таяниб иш кўрилиши лозим. Иқтисодий фаолиятнинг бу хилдаги тавсифий жиҳатлари кўлами ва динамикаси ички (ташкилотнинг потенциал ва реал имкониятлари) ва ташқи (ташқи муҳитдаги шарт-шароитлар) омилларга боглиқ.

Корхонани иқтисодий жиҳатдан ривожлантириш жараёнларини фаолиятнинг стратегик мақсадларига боғлиқ ҳолда ташкил этиш оқибат натижада иқтисодий фаолиятнинг пировард натижаси бўлмиш маҳсулот (хизмат)ни бирин-кетин ишлаб чиқаришнинг барча босқичларидан ўтиш жараёнларини ташкилий жиҳатдан изчиллик билан бошқариш заруриятини ва айни функцияни бажарувчи тизимнинг аҳамиятини кескин оширади.

Таъкидлаш жоизки, иқтисодий фаолиятнинг якуний натижаси сифатида тайёр маҳсулот, хизмат тури пайдо бўлганидан сўнг уни ижтимоий жиҳатдан нечоғли фойдали эканлиги аниқланиши лозим (бунда менежмент тизимининг самарадорлиги ҳам аниқланади). Бунинг учун маҳсулот (хизмат тури) бозорларга чиқарилади. Маҳсулот (хизмат тури) бозорга чиқарилганидан сўнг маҳсулотларни сотишни ташкил этиш жараёнининг самарадорлиги (бу ўринда маркетинг хизмати деб ўқишингиз мумкин) истеъмолчилар синовидан ўтказилади. Ҳар икки ҳолатда ҳам умумий сарф-харажатлар қиймати эътирофга олиниши шарт.

Ташкилотни иқтисодий инқироз чангалидан юлиб олиш учун алоҳида маркетинг тадқиқотлари уюштирилиши талаб этилади. Бунда айни пайтда ва ҳолатда ташкилот ўзини бозорларда қандай экспозиция қилиши мумкинлиги (бунинг учун ташкилотнинг кучли ва заиф томонлари аникланиши лозим) масаласи тадқиқот объектига айланади. Бу масаланинг ечимини излашда ташқи муҳитдаги ижтимоий-иқтисодий ҳодисалар динамикасига алоқадор тўлиқ ахборотга эга бўлиш жуда қўл келади. Шунинг учун ташкилот ўзининг миссиясига яраша функционал вазифаларини бажаришига нисбатан маркетинг механизмларидан қандай фойдаланиш, ташкилий ва иқтисодий фаолияти самарадорлигини ошириш жараёнларига қандай қилиб таъсир ўтказиш мумкинлигини билиб олиш муҳимдир. 17-расмда маркетингнинг таъсир воситалари, маркетинг тадқиқотларининг асосий объектлари ифода этилган.



17-расм. Маркетингнинг таъсир воситалари ва объектлари

Маркетингнинг таъсир воситалари деганда, муайян хилдаги ташқи ва ички омиллар йиғиндиси тушуниладики, уларни рамзий тарзда «маркетинг комплекси» тушунчаси ила ифодалаш мумкин. Бу тушунча таркибий мазмунига кўра қуйидаги элементларни қамраб олади:

- товар – харидорга таклиф қилинадиган буюм ва хизматлар;

- нарх – харидор учун кимматли маҳсулотнинг қийматига тенг бўлган пул миқдори;

- истеъмолчи учун бирон бир аҳамиятга эга бўлган маҳсулотни сотиб олишга имконият берадиган тақсимот усуллари;

- коммуникациялар — маҳсулотнинг ижтимоий аҳамиятини англаб етишга хизмат қилувчи ва потенциал истеъмолчини харид қилишга ундовчи тизим (реклама).

Маркетинг комплексидан конкрет товарнинг бозорларда ўзини қандай намоён этиши мумкинлигини аниқлаш ниятида амалий жиҳатдан фойдаланиш асносида ташкилотнинг маркетинг хизмати қандай ишлашини аниқлаб олса бўлади. Қолаверса, бу хилдаги фаолият натижаларига кўра бозорлардаги реал ва потенциал таҳдидларни аниқлаш, шунинг замирида ташкилотнинг бозордаги мавқеининг стратегик асосларини, конкрет мақсадларини ишлаб чиқиш мумкин.

Ташкилотнинг маркетинг хизмати қандай ишлашини баҳолаш жараёнида асосий диққат-эътибор қуйидаги иқтисодий объектларга йўналтирилади: талаб, таклиф ва нарх-наво.

Бозор муносабатларининг ушбу муҳим элементлари ўртасидаги ўзаро алоқадорлик талаб ва таклиф қонунининг амал қилиш принципини акс эттиради.

Маркетинг фаолияти билан машғул бўлган менежер ташкилотни иқтисодий инқироз гирдобидан олиб чиқиш устида бош қотирар экан, энг аввало, ташкилий фаолиятнинг ички омилларига (ишлаб чиқаришнинг технологик хусусиятлари, ресурслар салоҳияти, ички муҳит, менежмент тизимининг истиқболини аниқлаш, режалаштириш, ахборот билан таъминлаш, ходимларни мотивациялаш, бошқарувнинг марказлаштирилиши ва бошқарув ваколатларининг қуйи бўғинларга юклатилиши, интеграциялашуви ва диверсификациялашуви, бошқарув ва умумий назорат тизимларининг ташкилий тузилиши каби алоҳида компонентларининг қай даражада ривожланганлигига) аҳамият беради.

Иқтисодий инқироз шароитида фаолият юритаётган корхоналар учун ҳамкорлар ва хом ашё етказиб берувчи фирмаларнинг ўз мажбуриятларини тўлиқ ва энг муҳими, ўз вақтида бажариши ниҳоятда катта аҳамиятга эга. Бундан ташқари, компания ўз истеъмолчилари билан алоқани узиб қўймасликка, имконият доирасида янги истеъмолчилар гуруҳини топишга уриниши керак. Иқтисодий инқироз ҳолатидан чиқиб кетиш учун рақобатчиларнинг стратегиясини, уларнинг кучли ва заиф томонларини ўрганиш, конкрет олинган бозорда (товарлар, инвестициялар, молия, ресурс) амалга оширилаётган сиёсатини чуқур таҳлил қилиш устувор аҳамиятни касб этади. Маркетинг тадқиқотчилиги учун объектив, иқтисодий тараққиёт тенденцияларини (илмий-техник, демографик, ижтимоий, сиёсий, маданий жараёнлар) ўрганиш ҳам ўта долзарб масалалардан бири ҳисобланади. Зеро, инқироз даврида ижтимоий ҳаётнинг бу соҳаларидаги ҳолат бевосита бозорлардаги шарт-шароитларга таъсир ўтказади.

Коммуникациялар соҳасидаги ва ташқи муҳитдаги аҳволнинг шаклланишига оид турли хил маълумотларни тўплаш ва чуқур таҳлил қилиш маркетинг хизматига мамлакат доирасидаги ва бутун дунё миқёсидаги алоҳида регионлар бозорида рўй бераётган воқеалардан бохабар бўлишга имконият беради.

Диққатингизга ҳавола этилаётган 3-жадвалда компаниянинг иқтисодий фаровонлигига жиддий салбий таъсир кўрсатиши мумкин бўлган асосий омиллар ифода этилган.

3-жадвал

Инқироз хавфининг олдини олишга қаратилган менежмент доирасида назорат қилинадиган маркетинг муҳитини шакллантирувчи омиллар

	Ўрганиладиган омиллар
1. Халқаро	«Алоҳида минтақа ва мамлакатлардаги иқтисодий инқирозлар Демографик портлашлар Дунёнинг алоҳида минтақаларида рўй берувчи ижтимоий можарова урушлар Экологик ҳодисалар, табиий офатлар. Халқаро шартномаларнинг бузилиши
2. Макро-иқтисодий	Ижтимоий-иқтисодий сиёсат Илмий-техник ва саноат сиёсати Мамлакатнинг ресурс потенциали Нарх ва солиқ сиёсати Молия-кредит сиёсати Божхона сиёсати Фуқаролик ва тижорат ҳуқуқи
3. Микро-иқтисодий	Рақобат муҳитининг характери Талабнинг параметрлари. Харидорларнинг характеристикаси (гуруҳлар бўйича сегментация) ресурслар бозорининг конъюнктураси: хом ашё, моддий, мехнат, молиявий рақобатнинг афзалликлари ва рақибларнинг заиф томонлари
4. Минтақавий (ҳудудий)	Бизнес учун қулай бўлган минтақанинг ўзига хос хусусиятлари динамикаси Инвестициялар динамикаси Аҳоли бандлигининг характери, даражаси ва унинг динамик структураси Аҳоли фаровонлигининг динамикаси ва даражаси Инфра тузилманинг ривожланиш даражаси

Вазиятга таъсир кўрсатиши мумкин бўлган омилларнинг ҳар бири маркетинг фаолиятининг алоҳида соҳасида қайд этиладиган иқтисодий кўрсаткичларда ифодаланади. Шунинг асосида рискли вазият зонасини аниқлаш имконияти туғилади. Рискли вазият индикаторлари кўрсаткичлари алоҳида давлат ва халқаро миқёслардаги хўжалик фаолиятини тартибга солиш параметрлари билан ўзаро алоқадорлик жараёнларида аниқланади. Бу хилдаги кўрсаткичлар ҳар бир алоҳида иқтисодий соҳада ўзига хос тарзда намоён бўлади.

Чет эл олимларининг фикрича, маркетинг тадқиқотлари асосида ишлаб чиқилган бошқарув концепцияси асосан йирик компаниялар, шунингдек, оммавий истеъмол маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи корхоналар томонидан кенг қўлланилади. Баъзи бир корхоналар эса маркетинг хизматини шунчаки расмиятчилик юзасидан жорий этишади. Ўзига яраша маркетинг режасини ишлаб чиқиб, айрим турдаги изланишларни амалга оширишади.

Инқироз хавфининг олдини олишга йўналтирилган маркетинг концепциясини ишлаб чиқиш анча мураккаб ва серқирра фаолиятдир. Айни

вақтда бу хилдаги фаолиятнинг самараси кўп жиҳатдан конкрет вазиятдаги аҳволга, вазият негизидаги жараёнларни юзага чиқарувчи турли хил омилларга боғлиқ. Маркетинг стратегиясининг бош объекти конкрет олинган бозорда корхонанинг истиқболдаги ҳолати (эгаллайдиган ўрни, мавқеи) ҳамда ушбу мақсадга эришиш йўлида қўлланилиши лозим бўлган турли хилдаги восита ва услубларини аниқлаш ҳисобланади.

Маркетинг стратегияси мазмунан маркетинг фаолиятини амалга ошириш жараёнида узлуксиз бойитилиб боради. Фикримизни далили сифатида қуйидаги 2-жадвалга мурожаат этишингизни сўраймиз. Унда инқироз хавфининг олдини олишга йўналтирилган стратегия доирасида қабул қилинадиган бошқарув қарорлари акс эттирилган. Эътибор берсангиз ушбу жадвалда маркетинг жараёни учун хос бўлган тўрт хил фаолият босқичи ажратиланига гувоҳ бўласиз. Уларни қуйида кўрсатиб ўтганмиз:

- Ташкилотнинг бозорни эгаллаш ва маркетинг соҳасидаги имкониятларини таҳлил қилиш ва баҳолаш;
- Аниқ мақсадларни кўзлаб муайян бозорларни танлаш;
- Маркетинг комплексини ишлаб чиқиш;
- Маркетинг дастурларини ишлаб чиқиш ва рўёбга ошириш.

Маркетинг фаолиятига оид маълумотлар ва бу борадаги тавсиялар инқироз хавфининг олдини олишга йўналтирилган стратегияни ишлаб чиқиш учун асос бўлиб хизмат қилади. Шундай қилиб 4-жадвалда бошқарув қарорларини қабул қилиш учун ўзига хос «майдон» таърифланган. Унинг асосида менежер эгалланиши мўлжалланган бозорларда компания фаолиятини ифодаловчи моделнинг мантиқий асосини ишлаб чиқади, инқирозли вазиядан чиқиб кетиш учун амалга оширилиши лозим бўладиган устувор йўналишни (асосий маркетинг стратегиясини) белгилаб олади.

Устувор йўналишли стратегиядан бошқалари аҳамияти жиҳатидан табақалаштирилади ва тактик воситалар сифатида хизмат қилади. Инқирозли вазиятларда одатда ўртача муддатли (уч йиллик) стратегиялар ишлаб чиқилади. Маркетинг фаолиятининг ҳар қандай стратегик дастури амалий жиҳатдан рўёбга оширилади.

4-жадвал

Инқироз хавфининг олдини олишга йўналтирилган бошқарув қарорларининг йўналишлари

Маркетинг фаолиятининг	Қарорларнинг турлари
1. Ташкилотнинг бозорни эгаллаш ва маркетинг имкониятларини баҳолаш ва таҳлил қилиш	Ташкилотнинг ҳаётий лаёқатига салбий таъсир кўрсатиши мумкин бўлган маркетинг муҳитидаги омилларни баҳолаш ва даражалаш, уларнинг таъсирини нейтраллаштириш Конкрет бозорлардаги фаолият юритиш билан боғлиқ рискни баҳолаш, риск чегарасини ва вазиятнинг қай даражада мавҳумлигини аниқлаш Ташкилотнинг реал бозорлардаги фаолияти нечоғли афзалликлар келтириши мумкинлигини баҳолаш
2. Мақсадли бозорларни танлаш	Бозорни эгаллаш эҳтимоли ва мавжуд талабни баҳолаш Бозорнинг янги сегментларида ишлаб чиқариладиган янги маҳсулотга нисбатан эҳтиёжни шакллантириш Мақсадли сегментларни эгаллашга ёрдам берадиган ва тўсқинлик қиладиган шарт-шароитларни аниқлаш
3. Комплекс – маркетингни ишлаб чиқиш	Ихтисослашган соҳа бўйича муҳим инновацион қарорларни қабул қилиш мезонларини танлаш Нархлар даражасини баҳолаш усулларини танлаш Маҳсулотларни бозорларга чиқариш ва уларни харидорларга етказиш жараёнини бошқариш усули ва воситаларини танлаш Маҳсулотни сотишни бошқариш усули ва воситаларини танлаш Фирма хизматини (сервис) тақдим этиш усули ва воситаларини танлаш Реклама кампаниясини уюштириш усули ва воситаларини, коммуникациялар самарадорлигини баҳолаш
4. Маркетинг дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш	Инқироз хавфининг олдини олишга йўналтирилган дастурларни, стратегик ва тактик режаларни, бизнес-режаларини асослаб бериш

Маркетинг соҳасидаги ҳаракат дастурлари одатда ташкилотнинг бозордаги аҳволини ўнглаш ва тўловга лаёқатсизлик (бошқарув тизимининг самарадорлиги, рақобатбардошлик хусусиятининг кескин пасайиб кетиши) билан боғлиқ инқирозли вазиятдан чиқиш кетиш учун режалаштирилган мажбурий чора-тадбирларни ўз ичига олади. Умуман олганда, инқироз хавфининг

олдини олишга йўналтирилган маркетинг дастурлари умумий стратегия ёхуд бизнес режанинг таркибий қисми бўлиши ҳам мумкин.

Чет эллик маркетологларнинг фикрича, икки-уч хилдаги харидоргир, юқори сифатли маҳсулотларни ишлаб чиқаришга ихтисослашган майда фирмалар ўзига хос сиёсат юритишади (бу хилдаги сиёсат «айёр тулки» номи билан машҳур). «Кўримсиз сичқонлар» номи билан донг таратган сиёсатга асосан ҳар қандай талабни қондиришга ихтисослашган, маҳсулотларнинг сифатини таъминлашга унчалик эътибор бермайдиган, имкон қадар тез ва кўп фойда олиш илинжида бўлган майди фирмалар амал қилишади. Бу хилдаги стратегиялар бугунги кунда миллий иқтисодиётимизда ҳам намоён бўлиши мумкин. Таъкидлаш жоизки, ўрта миқёсдаги корхоналар учун бозорнинг алоҳида сегментларига тааллуқли маҳсулотларни ишлаб чиқариш стратегияси хосдир. Бундай корхоналар томонидан инновацион сиёсат ҳам амалга оширилади, ушбу новатор-корхоналар илмий-техник жиҳатдан илғор ғояларни синаб кўриш эҳтиёжи мавжуд бўлган соҳаларда фаолият юритишади.

Конкрет шарт-шароитларда бозорнинг алоҳида сегментларини танлаб олиш стратегиясини ишлаб чиқиш учун мавжуд эҳтиёжларни атрофлича ўрганиб чиқишни, харидорлар билан яқин алоқа ўрнатишни тақозо этади. Интенсив маркетинг стратегияси муайян талабни шакллантириш ва савдо операцияларининг самарадорлигини оширишга йўналтирилган бўлади.

Талабни шакллантиришга ва савдо-сотиқни ривожлантиришга анчагина маблағ сарфланиши эвазига янги бозорларни эгаллаш. «Сутнинг қаймоғини олиш» маталида ифодалангани каби янги маҳсулотларни ишлаб чиқариб бозорда сотиш ҳисобига мўмай даромад олиш стратегияси иқтисодий фаолият субъектлари томонидан тез-тез қўлланилади. Унинг мазмун-моҳияти ниҳоятда оддий. Рақобатчилардан илгари бирон бир янги товарни ишлаб чиқиб тезда бозорга олиб чиқиш ва бу турдаги маҳсулотга нисбатан ҳали талаб ниҳоятда катталигидан фойдаланиб тезлик билан сармоя тўплашдан иборат.

Ўйлашимизча, республикамиздаги йирик корхоналар ҳам айнан шу каби стратегиялар асосида иш олиб борсалар айни муддао бўларди. Хусусан олганда, улар «брендга асосланган товар» шиори остида ўта сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқариб, уларнинг нархини нисбатан барқарор сақлашга интилиши мумкин. Бунда энг муҳими бу хилдаги товарларни мамлакатимизнинг исталган еридан харид қилиш учун кулай шарт-шароит туғдириб бериш ҳисобланади. «Корхона/Фирма имиджи даражасидаги маҳсулот» тушунчаси маҳсулотларнинг ишончли бўлишини, хизмат турларининг кўп вариантлилигини, харидорга етказиб берилишини ҳам назарда тутишини унутмаслик даркор. Шундай қилиб, айни турдаги стратегия аниқ белгиланган мақсадга етишиш йўлида конкрет маркетинг воситалари ва услубларидан унумли фойдаланишга ундайди.

Республикамиз шароитида ҳам инқироз хавфининг олдини олишга йўналтирилган бошқарувни муваффақиятли амалга оширмоқ учун миллий ишлаб чиқарувчиларга ўз маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва сотишлари учун максимал тарзда қулай шарт-шароитларни яратиб бериш лозим бўлади.

Жамоатчилик билан алоқа ва муносабатлар ўрнатиш (publik relations – паблик рилейшнз) — фирма, унинг фаолияти, маҳсулотлари, бошқарувчилари, корпоратив маданияти хусусида жамоатчиликда ижобий фикр уйғотишга йўналтирилган фаолият туридир. Бунинг учун кенг жамоатчиликка фирманинг манфаатлари ҳақида маълумот берилиб, компаниянинг имижи ҳосил қилинади. Хорижда амал қиладиган жамоатчилик билан алоқа ва муносабатлар ўрнатиш хизматлари фаолиятининг таркибий тузилиши қуйидагича ифодаланиши мумкин: оммавий ахборот воситалари билан алоқа ўрнатишга – 35%, фирма имижини ҳосил қилишга – 28%, компания манфаатларини ифодалаш ва ҳимоялашга ҳамда спонсорлик фаолиятига – 37% вақт ва маблағ ажратилади.

Шу ўринда таъкидлашимиз лозимки, ҳозирги кунда ҳар қандай ташклот юксак даражадаги коммуникацион тизимларга эга бўлмоғи лозим. Бу тизимнинг аҳамияти айниқса инқирозли вазиятларда жуда сезиларли бўлади. Чунки бундай пайтда ташқи муҳит ва бозордаги ҳолат ўзгаришлари динамикасига тезлик билан адекват жавоб қайтариш, ўз ўрнида бозорга таъсир ўтказишга уриниш талаб этилади.

1.8. Корхонанинг банкрот бўлиши ва тугатилиши

1.8.1. Корхона банкротлигини аниқлашнинг белгилари ва тартиби

Ўзбекистон Республикасининг бозор иқтисодиётига ўтиши иқтисодиёт ва сиёсат соҳасидаги янги тушунчаларнинг пайдо бўлишига ва шаклланишига сабаб бўлди. Давлатни бошқариш ва жамият ривожланишининг бир шаклидан иккинчисига, ҳаттоки тобора ўсиб бораётган даражасига ўтишини ҳисобга олсак, бу жараён доимо қийин кечади. Реал бозорларни эгаллаш учун рақобат кураши, бизнес соҳаларидаги курашлар корхоналарнинг банкрот бўлишига ва айрим ҳолларда эса тугатилиш жараёнларини келиб чиқишига сабабчи бўлиши табиийдир. Банкротлик нима, унинг қандай белгилари мавжуд? – деган саволни пайдо бўлиши табиийдир.

Банкротлик (иқтисодий ночорлик) — хўжалик суди томонидан эътироф этилган, қарздорнинг пул мажбуриятлари бўйича кредиторлар талабларини тўла ҳажмда қондиришга ва (ёки) мажбурий тўловлар бўйича ўз мажбуриятини тўла ҳажмда бажаришга қодир эмаслиги (3-модда, Ўзбекистон Республикасининг Қонуни «Банкротлик тўғрисида», янги таҳрири. 2003 йил 24 апрель).

Банкротлик аломатлари. Қарздорнинг пул мажбуриятлари бўйича кредиторлар талабларини қондиришга ва (ёки) мажбурий тўловлар бўйича ўз мажбуриятини бажаришга қодир эмаслиги, агар тегишли мажбуриятлар ва (ёки) тўловлар мажбурияти юзага келган кундан эътиборан уч ой давомида қарздор томонидан бажарилмаган бўлса, унинг банкротлик аломатлари деб эътироф этилади (4-модда, Ўзбекистон Республикасининг Қонуни «Банкротлик тўғрисида», янги таҳрири. 2003 йил 24 апрель).

Жисмоний шахснинг банкротлик белгиси бўлиб, (юридик шахс бўлмаган, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланадиган шахслар) кредиторларнинг пулли мажбуриятлар бўйича талабларини қондира олмаслик ва (ёки) мажбурий тўловларни тўлаш бўйича мажбуриятларни бажара олмаслик, агарда тегишли мажбуриятлар ва (ёки) вазифаларни амалга оширишни бошлаш давридан бошлаб 3-ой давомида бажарилмаса ҳамда мажбурият миқдори унга тегишли бўлган мулкнинг нархидан ошган бўлса.

Банкротлик тўғрисидаги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни жисмоний шахслар каби юридик шахслар учун ҳам моддий ва процессуал ҳуқуқ меъёрларидан иборат комплекс акт ҳисобланади, уларнинг фаолият соҳаларига кириб, ҳар хил турдаги корхоналарга тарқалади. Қарздорнинг банкрот деб тан олиниши учун асосни ушбу Қонун белгилаб беради. Банкротликни олдини олиш бўйича тадбирларни амалга ошириш тартиб ва шартларини, ҳамда банкротлик тўғрисида ишларни кўриб чиққанда қарздор корхона ва кредиторлар орасидаги муносабатлар ушбу жараёндаги барча шахсларнинг мажбурияти, ҳуқуқи ва жавобгарлигини ҳам белгилайди ва ҳоказо.

Таъкидлаш жоизки, қарздорни банкрот деб топиш тўғрисидаги аризани қабул қилиш ва банкротлик тўғрисидаги ишни қўзғатиш ёки аризани қабул қилишни рад этиш ёхуд қайтариш тўғрисидаги масалани судья ариза тушган пайтдан эътиборан беш кундан кечиктирмай ҳал этади.

Судья қарздорни банкрот деб топиш тўғрисида Ўзбекистон Республикасининг Хўжалик процессуал Кодекси ва ушбу Қонун талабларига риоя этилган ҳолда берилган аризани ўз иш юритишига қабул қилади.

Судья қарздорни банкрот деб топиш тўгрисидаги аризани иш юритишига қабул қилар экан, кузатувни жорий этиш ва муваққат бошқарувчини тайинлаш тўғрисида ажрим чиқариши мумкин.

Хўжалик судининг қарздорни банкрот деб топиш тўғрисидаги аризани қабул қилиш ва банкротлик тўғрисидаги ишни қўзғатиш ҳақидаги ажрими хўжалик суди томонидан давлат солиқ хизмати органларига ва бошқа ваколатли органларга, қарздор жойлашган ердаги (яшаш жойидаги) суд ижрочисига юборилади. Қарздор юридик шахснинг ўзига нисбатан банкротлик тўғрисида иш қўзғатиш ҳақидаги ажримнинг нусхасини ўзининг ваколатхоналари ва

филиаллари жойлашган ердаги шундай шахсларга (органларга) юбориш мажбурияти унинг ўзига юклатилади.

Агар ушбу Қонун 5-моддасининг иккинчи қисмида назарда тутилган шарт бузилган бўлса, судья қарздорни банкрот деб топиш тўғрисидаги аризани қабул қилишни рад этади.

Агар қарздорни банкрот деб топиш тўғрисидаги ариза ушбу Қонуннинг 37-44-моддаларида назарда тутилган талабларга мувофиқ бўлмаса, судья аризани қайтаради. Ариза билан мурожаат этиш қарздорнинг раҳбари учун мажбурий бўлган ва аризага ушбу Қонуннинг 38-моддасида назарда тутилган ҳужжатлар илова қилинмаган ҳолларда бундай ариза хўжалик суди томонидан қабул қилинади, етишмаётган ҳужжатлар эса банкротлик тўғрисидаги ишни суд муҳокамасига тайёрлаш тартибида талаб қилиб олинади.

Қонун банкротлик белгилари мавжуд бўлганда корхонани шартли равишда тугатиш мақсадини кўзламайди. Агарда корхона фаолиятини соғломлаштириш (тиклаш) имкониятлари бўлса, унинг тугатилишини олдини олиш мақсадида махсус қайта тузиш чоралари кўзда тутилади. Таъкидлаш жоизки, қарздор мулкининг ташқи бошқарувчиси хўжалик суди томонидан тайинланади. Қайта тузиш чоралари хўжалик судига мурожаат қилингандан сўнг қабул қилинади, лекин қарздорни банкрот деб эълон қилинишидан олдин албатта. Ишлаб чиқариш жараёнида иш бўйича икки томоннинг келишувига эришиш ҳам мумкин. Агар қарздор кредиторлар билан ўз муносабатларини шундай йўлга қўя олса, яъни корхона ўз фаолиятини давом эттирса ёки кредиторлар назорати остида унинг ихтиёрий тугатилиши амалга оширилса, суддан ташқари чораларга ҳам йўл қўйилади (45-модда. Банкротлик тўғрисида иш қўзғатиш, ЎзРнинг Қонуни «Банкротлик тўгрисида», 2003 йил 24 апрель).

1.8.2 Хўжалик судининг ўрни ва фаолияти

Банкротлик тўғрисидаги ишлар қарздор корхонанинг таъсис ҳужжатларида кўрсатилган жойлашув ҳудудининг хўжалик суди томонидан кўриб чиқилади.

Қарздорнинг банкротлиги тўғрисидаги ишлар Ўзбекистон Республикасининг Хўжалик процессуал Кодексида назарда тутилган қоидалар бўйича, ушбу Қонунда белгиланган ўзига хос хусусиятларни инобатга олган ҳолда хўжалик суди томонидан кўриб чиқилади.

Банкротлик бўйича ишда: қарздор; бошқарувчи — хўжалик суди томонидан банкротлик бўйича тадбирларни бажариш учун тайинланадиган шахс; конкурс кредиторлар пул мажбуриятлари бўйича кредиторлар; овоз бериш ҳуқуқига эга бўлган кредиторлар йиғини иштирокчилари; мажбурий тўловлар талабномалари бўйича солиқ ва бошқа вакиллик органлари; прокурор,

банкротлик ва молиявий соғломлаштириш ишлари бўйича давлат органи; қонунда кўрсатилган ҳолатларда бошқа шахслар ҳам иштирок этади.

Хўжалик судида банкротлик тўғрисидаги иш қарздор ёки кредиторларнинг, шунингдек, прокурорнинг аризаси асосида қўзғатилиши мумкин бўлади. Ариза қарздор корхона мулкдори ёки корхона мулкини бошқариш ваколатига эга бўлган органнинг қарори асосида берилади, ёки ташкилий ҳужжатлардан келиб чиққан ҳолда бундай қарорларни қабул қилиш ҳуқуқига эга бошқарув органи томонидан ҳам ариза берилиши мумкин.

Таъкидлаш лозимки, қарздорнинг ўзини банкрот деб топиш тўғрисидаги аризаси хўжалик судига ёзма шаклда берилади ва тегишинча қарздор юридик шахснинг раҳбари ёки қарздор якка тартибдаги тадбиркор ёхуд уларнинг вакиллари томонидан имзоланади. Қарздорнинг ўзини банкрот деб топиш тўғрисидаги аризасида қуйидагилар кўрсатилиши керак:

- ариза берилаётган хўжалик судининг номи;

- пул мажбуриятлари бўйича кредиторлар талабларининг қарздор томонидан эътироз билдирилмаётган миқдордаги суммаси;

- қарздорнинг ходимлар ҳаёти ёки соғлиғига етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш, уларга меҳнат ҳақини ва тўланиши керак бўлган ишдан бўшатиш нафақасини тўлаш борасидаги қарз суммаси;

- муаллифлик шартномалари бўйича тўланиши керак бўлган ҳақ суммаси;

-мажбурий тўловлар бўйича қарз суммаси;

- кредиторларнинг талабларини тўла ҳажмда қондиришга қодир эмасликнинг асоси;

- қарздорга тааллуқли, судларнинг иш юритишига қабул қилинган даъво аризалари тўғрисидаги, шунингдек сўзсиз (акцептсиз) ҳисобдан чиқариш учун тақдим этилган ижро ҳужжатлари ва бошқа ҳужжатлар тўғрисидаги маълумотлар;

- қарздордаги бор мол-мулк, шу жумладан пул маблағлари, дебиторлик қарзи тўғрисидаги маълумотлар;

- қарздорнинг банкдаги ҳисобварақлари рақамлари, банкнинг почта манзили;

- илова қилинаётган ҳужжатлар рўйхати.

Қарздорнинг ўзини банкрот деб топиш ҳақидаги аризасида банкротлик тўғрисидаги ишни тўғри ҳал этиш учун зарур бўлган бошқа маълумотлар, шунингдек қарздорда илтимосномалар бўлса, улар ҳам кўрсатилади.

Қарздор якка тартибдаги тадбиркорнинг ўзини банкрот деб топиш ҳақидаги аризасида унинг тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ бўлмаган мажбуриятлари тўғрисидаги маълумотлар ҳам кўрсатилиши лозим.

Кредиторларга ҳамда банкротлик тўғрисидаги ишда иштирок этувчи, бошка шахсларга қарздор ўз аризасидан нусха юбориши шарт. Агар қарздор

ариза бергунга қадар қарздор муассисларининг ёки қарздор мол-мулки эгасининг вакили, қарздорнинг ходимлари вакили сайланган (тайинланган) бўлса, мазкур шахсларга ҳам қарздор аризасининг нусхаси юборилади (37-модда. ЎзРнинг Қонуни «Банкротлик тўғрисида», 2003 йил 24 апрель).

Шуни ҳам таъкидлаш зарурки, қарздорнинг ўзини банкрот деб топиш тўғрисидаги аризасига Ўзбекистон Республикасининг Хўжалик процессуал кодексида назарда тутилган ҳужжатлардан ташқари қарз борлигини, шунингдек кредиторларнинг талабини қарздор тўла ҳажмда қондиришга қодир эмаслигини, қарздорнинг аризасига асос бўлган бошқа ҳолатларни тасдиқловчи ҳужжатлар илова қилинади (38-модда. ЎзРнинг Қонуни «Банкротлик тўғрисида», 2003 йил 24 апрель).

Қарздорнинг ўзини банкрот деб топиш тўғрисидаги аризасига қуйидагилар ҳам илова қилиниши шарт:

- қарздор юридик шахснинг таъсис ҳужжатлари, шунингдек юридик шахснинг ёки якка тартибдаги тадбиркорнинг давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги ҳужжатлар;

- қарздорнинг кредиторлари ва дебиторлари рўйхати, унинг кредиторлик ва дебиторлик қарзини изоҳлаган ҳамда кредиторлари ва қарздорларининг почта манзилларини кўрсатган ҳолда;

- сўнгги ҳисобот кунидаги ҳолатга кўра бухгалтерия баланси ёки унинг ўрнини босувчи ҳужжатлар;

- қарздор якка тартибдаги тадбиркорнинг мол-мулки таркиби ва қиймати тўғрисидаги ҳужжатлар;

- қарздор муассисларининг (иштирокчиларининг) ёки қарздор мол-мулки эгасининг қарздор ўзини банкрот деб топиш тўғрисида ариза билан хўжалик судига мурожаат қилиши ҳақидаги қарори;

- агар қарздорни банкрот деб топиш ҳақидаги ариза берилгунга қадар қарздор ходимлари йиғилиши ўтказилиб, унда банкротлик тўғрисидаги ишни кўришда иштирок этиш учун қарздорнинг ходимлари вакили сайланган бўлса, ана шу йиғилиш баённомаси.

Агарда кредиторнинг қарздорни банкрот деб топиш тўғрисидаги аризаси тўғрисида борса, у ҳолда кредитор хўжалик судига ўз аризасини ёзма шаклда беради. Кредитор юридик шахснинг аризаси унинг раҳбари ёки вакили томонидан, кредитор якка тартибдаги тадбиркорнинг аризаси эса шу жисмоний шахснинг ўзи ёки унинг вакили томонидан имзоланади (39-модда. ЎзРнинг Қонуни «Банкротлик тўғрисида», 2003 йил 24 апрель).

Кредиторнинг қарздорни банкрот деб топиш тўғрисидаги аризасига Ўзбекистон Республикасининг Хўжалик процессуал кодексида назарда

тутилган ҳужжатлардан ташқари қарздорнинг кредитор олдидаги пул мажбуриятларини, шунингдек бу мажбуриятлар бўйича қарзи борлигини ва унинг миқдорини, кредиторнинг аризасига асос бўлган бошқа ҳолатларни тасдиқловчи ҳужжатлар ҳам илова қилинади.

Кредиторнинг унинг вакили томонидан имзоланган аризасига аризани имзолаган шахснинг ариза беришга ваколатли эканлигини тасдиқловчи ишончнома ҳам илова қилинади (41-модда. ЎзРнинг Қонуни «Банкротлик тўғрисида», 2003 йил 24 апрель).

Кредиторнинг қарздорни банкрот деб топиш тўғрисидаги аризасига, агар бор бўлса, қуйидагилар ҳам илова қилинади: Кредиторнинг қарздорга бўлган талабларини кўриб чиққан суд қарори; ижро ҳужжати (ижро варақаси, қарздор томонидан акцептланган тўлов талаблари, нотариуснинг ижро хати ва бошқалар) ёки кредитор талаблари қарздор томонидан тан олинганлигини тасдиқловчи далиллар.

Хўжалик суди мажлисида қуйидагилар қатнашадилар: қарздор томонидан вакил; қарздорнинг жойда қайд этилган мулк эгаси ва молиявий орган томонидан вакил; кредиторга, қарздорга ҳисоб-китоб ва кредит хизматларини кўрсатувчи банк вакили; Ўзбекистон Республикаси Қонуни ва ҳужжатларида кўрсатилган бошқа шахслар.

Банкротлик тўғрисидаги ишлар бўйича давлат органининг устав фондида давлат улуши бўлган ва (ёки) Ўзбекистон Республикаси олдида пул мажбуриятлари бўйича қарзи бор корхонани банкрот деб топиш тўғрисидаги аризаси хўжалик судига ёзма шаклда, қарздорнинг иқтисодий ночорлигини тасдиқловчи зарур ҳужжатлар илова этилган ҳолда берилади.

Банкротлик тўғрисидаги ишлар бўйича давлат органининг аризаси хўжалик судига ушбу Қонуннинг 39 ва 41-моддаларида назарда тутилган талабларга риоя этилган ҳолда берилади (Янги таҳрирдаги «Банкротлик тўғрисида»ги Қонуннинг 42-моддаси).

Демак, шу кўринишда ЎзРси Хўжалик судига Давлат солиқ хизмати органининг ва бошқа ваколатли органнинг аризаси (43-модда), Прокурорнинг аризасалари (44-модда) белгиланган тартибда қабул қилиниб, кўриб чиқилади.

Қарздорни банкрот деб топиш тўғрисидаги аризани қабул қилиш ва банкротлик тўғрисидаги ишни қўзғатиш ёки аризани қабул қилишни рад этиш ёхуд қайтариш тўғрисидаги масалани судья ариза тушган пайтдан эътиборан 5 кундан кечиктирмай ҳал этиши лозим (Янги таҳрирдаги «Банкротлик тўғрисида»ги Қонуннинг 45-моддаси)

Судья қарздорни банкрот деб топиш тўғрисида Ўзбекистон Республикасининг Хўжалик процессуал Кодекси ва ушбу Қонун талабларига риоя этилган ҳолда берилган аризани ўз иш юритишига қабул қилади.

Судья қарздорни банкрот деб топиш тўғрисидаги аризани иш юритишига қабул қилар экан, кузатувни жорий этиш ва муваққат бошқарувчини тайинлаш тўғрисида ажрим чиқариши мумкин.

Хўжалик судининг қарздорни банкрот деб топиш тўғрисидаги аризани қабул қилиш ва банкротлик тўғрисидаги ишни қўзғатиш ҳақидаги ажрими хўжалик суди томонидан давлат солиқ хизмати органларига ва бошқа ваколатли органларга, қарздор жойлашган ердаги (яшаш жойидаги) суд ижрочисига юборилади. Қарздор юридик шахснинг ўзига нисбатан банкротлик тўғрисида иш қўзғатиш ҳақидаги ажримнинг нусхасини ўзининг ваколатхоналари ва филиаллари жойлашган ердаги шундай шахсларга (органларга) юбориш мажбурияти унинг ўзига юклатилади.

Агар ушбу Қонун 5-моддасининг иккинчи қисмида назарда тутилган шарт бузилган бўлса, судья қарздорни банкрот деб топиш тўғрисидаги аризани қабул қилишни рад этади.

Агар қарздорни банкрот деб топиш тўғрисидаги ариза ушбу Қонуннинт 37-44-моддаларида назарда тутилган талабларга мувофиқ бўлмаса, судья аризани қайтаради. Ариза билан мурожаат этиш қарздорнинг раҳбари учун мажбурий бўлган ва аризага ушбу Қонуннинг 38-моддасида назарда тутилган ҳужжатлар илова қилинмаган ҳолларда бундай ариза хўжалик суди томонидан қабул қилинади, етишмаётган ҳужжатлар эса банкротлик тўғрисидаги ишни суд муҳокамасига тайёрлаш тартибида талаб қилиб олинади.

Шуни ҳам эътиборга олиш керакки зарурки, «Банкротлик тўғрисида»ги Қонуннинг 49-моддасига кўра банкротлик тўғрисидаги иш хўжалик судининг мажлисида қарздорни банкрот деб топиш тўғрисидаги ариза иш юритишга қабул қилинганлиги ҳақида ажрим чиқарилган кундан эътиборан, 3 ойдан ортиқ бўлмаган муддатда кўриб чиқилиши лозим. Банкротлик тўгрисидаги ишни кўриш алоҳида ҳолларда 2 ойдан ошмаган муддатга узайтирилиши ҳам мумкин.

Банкротлик тўғрисидаги ишлар бўйича қабул қилинадиган суд ҳужжатлари ҳақида фикр юритсак, у ҳолда банкротлик тўғрисидаги ишни кўриб чиқиш натижалари бўйича хўжалик суди қуйидаги суд ҳужжатларидан бирини қабул қилишини таъкидлашимиз керак бўлади, яъни: қарздорни банкрот деб топиш тўгрисидаги ва тугатишга доир иш юритишни бошлаш ҳақидаги қарор; қарздорни банкрот деб топишни рад этиш тўғрисидаги қарор; суд санациясини жорий этиш ва унинг муддатини узайтириш тўгрисидаги ажрим; ташқи бошқарувни жорий этиш ва унинг муддатини узайтириш тўгрисидаги ажрим; банкротлик тўғрисидаги иш юритишни тугатиш ҳақидаги ажрим; қарздорни банкрот деб топиш тўғрисидаги аризани кўрмасдан қолдириш ҳақидаги ажрим; келишув битимини тасдиқлаш тўғрисидаги ажрим.

Банкротлик жараёнининг яна бир босқичи бу банкротли тўғрисида иш қузатилганда хўжалик суди қарздони банкрот деб топиш тўғрисидаги аризани иш юритишга қабул қилган санадан эътиборан жорий этилади. Ушбу қонунга мувофиқ банкротликнинг бошқа таомили йўлланилиши лозим бўлган ҳоллар бундан мустасно. Банкротлик тўғрисида иш қўзғатилган тақдирда хўжалик судининг аризани иш юритишга қабул қилиш тўғрисидаги ажримида кузатув жорий этилганлиги кўрсатилади (Янги таҳрирдаги Қонуннинг 62- моддаси).

1.8.3. Қайта ташкилий тадбирларнинг шакллари ва амалга ошириш тартиби

Қарздор мулкининг ташқи бошқарилиши ташқи бошқарувчи томонидан амалга оширилади. Унинг мажбуриятларига қарздор корхона тўлов қобилиятини тиклаш ва унинг фаолиятини давом эттириш бўйича бир қатор чора-тадбирлар киради. Ташқи бошқарувчи барча тадбирларни кредиторлар йиғилишида тасдиқланган режа асосида амалга оширади. Қарздор мол-мулкининг ташқи бошқарилиши жараёнида кредиторларнинг қарздорга бўлган талабларини қондиришга нисбатан мораторий амал қилади. Кредиторлар ва ташқи бошқарувчи ўртасидаги баҳс ва тортишувлар хўжалик суди томонидан кўриб чиқилади. Ташқи бошқарувчига мукофот тўланади, унинг миқдорини кредиторлар белгилайди ва хўжалик суди тасдиқлайди.

Кредиторлар ўз мулкини бошқариш режаси бўйича йиғилишларини ташкил этадилар, ўзгартиришлар киритадилар ва ташқи бошқарувчидан тегишли маълумотларни талаб қилиш ҳуқуқига эга бўладилар. Кредиторлар мажлисига қарздор корхонанинг меҳнат жамоасидан вакиллар таклиф қилинади.

Қарздорнинг мол-мулкини ташқи бошқариш: 1) агар ташқи бошқарув мақсадга эришилган бўлса, корхонанинг иқтисодий ночорлиги тўғрисида иш юритишнинг тўхтатилиши билан; 2) ёки корхонанинг иқтисодий ночор деб тан олиниши хусусида қарор қабул қилиниши ва конкурс асосида ишлаб чиқариш жараёнининг бошланиши билан якунланади.

Кейинги қайта ташкилий жараён — бу судгача бўлган санациядир. Қарздор юридик шахснинг муассислари (иштирокчилари) ёки унинг мол-мулки эгалари, кредиторлар ва бошқа шахслар томонидан қарздорнинг тўлов қобилиятини тиклаш ҳамда банкротлигининг олдини олиш мақсадида кўриладиган чора-тадбирлар.

Бунда қарздор корхонага қарздорнинг пул мажбуриятлари ва мажбурий тўловларини қоплаш, шунингдек, қарздорнинг тўлов қобилиятини тиклаш учун етарли ҳажмда молиявий ёрдам тақдим қилиниши мумкин.

Одатда корхона санацияси қуйидаги асосий ҳолатларда амалга оширилади:

- кредиторлар томонидан банкротлик тўғрисида иш очилган ва аввал корхона танглик ҳолатидан чиқиб кетиш ҳаракатида ўз ташаббуси билан ташқи ёрдамга мурожаат қилса;

- агар ўзининг банкротлиги тўғрисидаги ариза билан хўжалик судига мурожаат этган корхона бир вақтнинг ўзида ўз санациясининг шартларини ҳам таклиф қилса;

- агар қарздор корхонанинг кредиторлари талабларини қондириш ва унинг бюджет олдидаги мажбуриятларини бажаришни истовчилар томонидан келган таклифлари асосида хўжалик суди санация ўтказиш тўғрисида қарор чиқарса. Охирги икки ҳолда санация банкротлик тўғрисида ишнинг юритилиши жараёнида ва йиғилишда кредиторларнинг талабларини бажариш муддатларига ва қарзни ўтказишига розилиги шартида амалга оширилади.

Корхона танг ҳолатининг даражасига ҳамда унга кўрсатиладиган ташқи ёрдам шартларига кўра санациянинг бир қатор кўринишларга эга бўлган икки шакли мавжуд:

1. Санация қилинадиган корхонанинг юридик шахс мақомини ўзгартирмасдан, қарзни реструктуризация қилишга йўналтирилган корхона санацияси. Одатда бундай санация корхонага унинг тўловга қобилиятсизли-гини бартараф этишга кўмаклашиши учун (агар унинг танглик ҳолати вақтинчалик бўлса) амалга оширилади:

- Бюджет маблағлари ҳисобидан корхона қарзларини қоплаш. Бу шаклда фақат давлат корхоналарининг санацияси амалга оширилиши мумкин;

- Мақсадли банк кредити ҳисобидан корхона қарзини қоплаш. Амалда санациянинг бундай шакли корхонага хизмат кўрсатувчи тижорат банклари томонидан унинг фаолиятини чуқур аудит текширувидан ўтказгандан сўнг амалга оширилиши мумкин;

- Қарзни бошқа юридик шахсга ўтказиш. Бу юридик шахс қарздор корхонанинг санациясида иштирок этишни истаган ва тадбиркорлик фаолиятини амалга оширадиган ихтиёрий корхона бўлиши мумкин.

- Санация қилувчи кафолати остида облигациялар (бошқа қимматбаҳо қоғозлар) чиқариш. Бу турдаги санацияни корхонага хизмат кўрсатувчи тижорат банки ўтказиши мумкин.

2. Санация қилинадиган корхонанинг юридик шахс мақомини ўзгартириш билан ўтказиладиган корхона санацияси. Санациянинг бундай шакли корхонани қайтадан ташкил этиш деб номланиб, мазкур корхона мулкчилик шаклини, фаолиятининг ташкилий-ҳуқуқий шаклини ўзгартириш билан (бирикиш, ажралиш, очиқ ҳиссадорлик жамиятига айлантириш, ижарага топшириш,

хусусийлаштириш ва ҳ.к.) боғлиқ бўлган бир қатор тадбирларни ўтказишни талаб этади. У корхонанинг янада чуқурроқ танглик ҳолатида амалга оширилади.

Санация ўтказиладиган корхоналарни қайтадан ташкил этиш жараёни санация лойиҳасини олдиндан ишлаб чиқаришни тақозо этади. Қоида бўйича бу турдаги лойиҳани ишлаб чиқиш санация қилувчининг вакиллари, қарздор корхона ва мустақил аудиторлар томонидан амалга оширилади. Лойиҳада қуйидагилар акс эттирилади:

- санациядан олдинги корхонанинг иқтисодий ва молиявий ҳолати;
- қарздор корхонани молиявий танг аҳволга олиб келган асосий сабаблар;
- санациянинг мақсади ва шакли;
- санация режаси, унда корхонани молиявий соғломлаштириш бўйича дастлабки чора-тадбирлар алоҳида кўрсатилади;
- таклиф этилган санация шакли самарадорлигининг ҳисоб-китоби;
- санацияни муваффақиятли ўтказишни таъминлаб берувчи шартлар, мезонларнинг ифода этилиши.

Санациянинг у ёки бу шаклини танлашда унинг самарадорлигига эътибор қаратилади. Самарадорлик эса санация жараёнини ўтказишга сарф этилган харажатлар билан пировард натижани солиштириш йўли билан аниқланади.

Санация жараёни иштирокчиларининг таркиби маълум тоифадаги шахсларнинг устунлик ҳуқуқларидан келиб чиқиб ёки иштирок этиш бўйича суд томонидан ўтказиладиган танловнинг натижалари асосида аниқланади. Санацияни ўтказишда биринчи навбатда қарздор корхонанинг эгаси, кредиторлар, меҳнат жамоасининг аъзолари иштирок этиш ҳуқуқига эгадирлар.

Кузатув жараёнида қарздор, қарздор муассислари (иштирокчилари) ёки қарздор мол-мулкининг эгаси, шунингдек учинчи шахс (шахслар) суд санациясини жорий этиш ҳақида хўжалик судига мурожаат қилиш тўғрисидаги илтимоснома билан кредиторларнинг биринчи йиғилишига ёхуд суд санациясини жорий этиш ҳақидаги илтимоснома билан бевосита хўжалик судига мурожаат қилишга ҳақли. Қарздорнинг суд санациясини жорий этиш ҳақидаги илтмосномасига суд санациясининг таклиф қилинаётган муддати ва қарзни узиш жадвали кўрсатилган холда қарздорнинг суд санацияси режаси илова қилинмоқи лозим (янги таҳрирдаги қонун 76-модда).

Қарздор муассислари (иштирокчилари) ёки қарздор мол-мулки эгасининг суд санациясини жорий этиш ҳақидаги илтимосномасига суд санациясининг режаси, қарзни узиш жадвали, қарздорнинг муассислари (иштирокчилари) умумий йиғилишининг баённомаси унинг суд санациясини жорий этиш ҳақидаги илтимоснома билан кредиторлар йигилишига мурожаат этиш учун овоз берган муассислари (иштирокчилари) ҳамда бу шахслар томонидан

қарзни узиш жадвали қарздор томонидан ижро этилишини таъминлаш тўғрисидаги ҳужжатлар кўрсатилган ҳолда илова қилинмоғи лозим.

Суд санациясини жорий этиш ҳақида хўжалик судига мурожаат қилиш тўғрисида кредиторларнинг йиғилишига бир неча шахс илтимоснома билан мурожаат этган тақдирда қарздорнинг қарзини узиш жадвалини бажариши бу шахсларнинг ҳар бири томонидан таъминланиши улар ўртасидаги битимга биноан белгиланиши мумкин.

Шуни ҳам эътиборга олмоқ керакки, мажбуриятларни бажариш таъминоти берилганлиги тўғрисидаги битим, агар қонунда бошқача тартиб белгиланган бўлмаса, ёзма шаклда тузилади. Кредиторлар тарафидан мазкур битимни Кредиторлар йиғилишининг (Кредиторлар қўмитасининг) вакили, хўжалик судининг ташаббуси билан суд санацияси жорий этилганда эса муваққат бошқарувчи, бошқа тарафдан қарздорнинг мажбуриятларни қарзни узиш жадвалига мувофиқ бажариши таъминотини берган шахслар (бундан буён матнда мажбуриятларни бажариш таъминотини берган шахслар деб юритилади) имзолайди.

Мажбуриятларни бажаришнинг берилган таъминоти миқдори қарздор мажбуриятларининг суд санациясини жорий этиш ҳақидаги масала юзасидан Кредиторлар йиғилиши ўтказилиши олдидан охирги ҳисобот санасидаги холатга кўра балансда акс эттирилган миқдоридан камида 20 фоиз ортиқ бўлиши керак.

Қарздорга мулк ҳуқуқи ёки бошқа ашёвий ҳуқуқ асосида тегишли бўлган мол-мулк, шу жумладан мулкий ҳуқуқлар қарздорнинг қарзни узиш жадвалини бажариши таъминотининг предмети бўлиши мумкин эмас.

Хўжалик судининг суд санациясини жорий этиш тўғрисидаги ажримида суд санациясининг муддати кўрсатилиши, унда хўжалик суди томонидан тасдиқланган қарзни узиш жадвали, мажбуриятларни бажариш таъминотини берган шахслар ҳақидаги, бундай таъминотнинг миқдори ва шакллари, санация қилувчи бошқарувчини тайинлаш ва унга тўланадиган ҳақ миқдори ҳақидаги маълумотлар бўлиши керак.

Хўжалик судининг суд санациясини жорий этиш тўғрисидаги ажрими устидан шикоят берилиши мумкин, лекин мазкур ажрим устидан шикоят берилиши унинг ижросини тўхтатиб қўймайди. Суд санацияси кўпи билан 24 ой муддатга жорий этилади, бу муддат мажбуриятларни бажариш таъминотини берган шахслар кредиторларнинг талабларини қондириши учун хўжалик суди томонидан кўпи билан олти ойга узайтирилиши мумкин.

Суд санацияси ўтказилаётганда қарздорнинг бошқарув органлари ўз ваколатларини ушбу бобда белгиланган чекловлар билан амалга оширадилар. Суд санацияси жорий этилган пайтда: кредиторларнинг талабларини таъминлаш

юзасидан илгари қабул қилинган чоралар бекор қилинади (янги таҳрирдаги қонуннинг 79-моддаси).

Шу билан бирга қарзни узиш жадвалига мувофиқ, қондирилиши лозим бўлган пул мажбуриятлари ва мажбурий тўловлар бўйича кредиторнинг талаблари суммасига Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 327-моддасида назарда тутилган тартибда ва миқдорда фоизлар ҳисобланди. Бу фоизлар суд санациясини жорий этиш ҳақида хўжалик суди ажрим чиқарган пайтдан эътиборан ва кредиторнинг талабини қаноатлантириш пайтигача, агар бундай қаноатлантириш рўй бермаса, қарздорни банкрот деб топиш ва тугатишга доир иш юритишни бошлаш тўғрисида қарор қабул қилиш пайтигача кредиторнинг талаблари суммасига қўшиб ёзилиши лозим.

Қарздорнинг муассислари (иштирокчилари) ёки қарздор мол-мулкининг эгаси кредиторлар йиғилишининг ёхуд кредиторлар қўмитасининг розилигисиз қарздорни реструктуризациялаш (қўшиб юбориш, қўшиб олиш, бўлиш, ажратиб чиқариш, ўзгартириш) ва тугатиш ҳақида қарор қабул қилишга, қарздор эса қуйидаги битимларни тузишга ҳақли эмас:

- кўчмас мол-мулкни ижарага, гаровга бериш, мазкур мол-мулкни хўжалик ширкатлари ҳамда маъсулияти чекланган ва қўшимча маъсулиятли жамиятларнинг устав фондига (устав капиталига) улуш сифатида қўшиш ёки бундай мол-мулкни бошқача тарзда тасарруф этиш билан боғлиқ битимлар;

- қарздорнинг баланс қиймати қарздор активлари баланс қийматининг 10 фоизидан ортиғини ташкил этувчи мол-мулкини тасарруф этиш билан боғлиқ, битимлар;

- заёмлар (кредитлар) олиш ва бериш, кафиллик ва кафолатлар бериш, талаб қилиш ҳуқуқларидан ўзганинг фойдасига воз кечиш, қарзни бошқа шахсга ўтказиш, шунингдек қарздорнинг мол-мулкини ишончли бошқариш шартномасини тузиш билан боғлиқ, битимлар.

Санация қилувчи бошқарувчи ва кредиторлар қарздорнинг битимларини қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳақиқий эмас деб топишни талаб қилиш ҳуқуқига эга (янги таҳрирдаги қонуннинг 79-моддаси).

Санация қилувчи бошқрувчи суд санацияси жорий этилган пайтдан эътиборан ва суд санацияси тугагунга қадар ёки муддатидан илгари тугатилгунга қадар фаолият юритади. Санация қилувчи бошқарувчи ўз вазифасини бажаришдан аризасига биноан ёки кредиторлар йиғилишининг ёхуд мажбуриятларни бажариш таъминотини берган шахсларнинг илтимосномасига биноан, шунингдек ушбу қонунда назарда тутилган бошқа ҳолларда хўжалик суди томонидан озод қилиниши мумкин.

Ўз навбатида санация қилувчи бошқарувчининг асосий ҳуқуқлари қуйидагилардан иборат:

- қарздорнинг раҳбаридан қарздорнинг жорий фаолияти тўғрисида ва суд санацияси режасида назарда тутилган тадбирлар амалга оширилиши ҳамда қарзни узиш жадвали бажарилиши жараёни ҳақида ахборот талаб қилиш;

- қарздорнинг раҳбаридан кредиторларнинг талабларини қаноатлантириш учун пул маблағлари ўз вақтида ва тўлиқ ўтказилишини талаб қилиш;

- қарздор томонидан мол-мулкнинг инвентаризацияси ўтказилган тақдирда унда иштирок этиш;

- кредиторлар жорий талабларини арздор ўз вақтида бажариши устидан назоратни амалга ошириш;

- қарздорнинг мол-мулки бут сақланишини таъминлаш юзасидан қўшимча чоралар кўриш ҳақидаги, шу жумладан мол-мулкни сақлаш учун учинчи шахсларга ўтказиш, шунингдек бундай чораларни бекор қилиш тўғрисидаги илтимоснома билан хўжалик судига мурожаат этиш.

Фаолият давомида санация қилувчи бошқарувчи талаблари қарзни узиш жадвалига киритилган барча кредиторларни қарздор раҳбарининг ўтказилган суд санацияси натижалари ҳақидаги ҳисоботини кўриб чиқувчи суд мажлисининг санаси, вақти ва жойи тўғрисида қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда хабардор қилиши шарт.

Қарздор раҳбарининг ўтказилган суд санацияси натижалари ҳақидаги ҳисоботини, шунингдек кредиторларнинг шикоятларини кўриб чиқиш якунлари асосида хўжалик суди:

- агар узилмаган қарз қолмаганлиги аниқланган, кредиторларнинг шикоятлари эса асоссиз деб топилган бўлса, қарздор раҳбарининг ҳисоботини тасдиқлайди ва банкротлик тўгрисидаги иш юритишни тўхтатиш тўғрисида ажрим чиқаради;

- агар узилмаган қарз борлиги аниқланган ва кредиторларнинг шикоятлари асосли деб топилган бўлса, қарздор раҳбарининг ҳисоботини тасдиқлашни рад этади.

Хўжалик суди қарздор раҳбарининг ҳисоботини тасдиқлашни рад этган тақдирда ташқи бошқарувни жорий этиш тўғрисида ажрим ёки қарздорни банкрот деб топиш ва тугатишга доир иш юритишни бошлаш тўғрисида қарор чиқаради.

Кредиторлар билан ҳисоб-китоблар тамомлангач ёки хўжалик суди томонидан кредиторларнинг талабларини қаноатлантириш учун белгиланган муддат ўтгач, санация қилувчи бошқарувчи қарздорнинг мажбуриятларни шахслар таъминот берилган ҳолда бажариши якунлари тўғрисида хўжалик судига ҳисобот тақдим этиши шарт. Санация қилувчи бошқарувчининг ҳисоботи ва кредиторларнинг шикоятлари хўжалик суди томонидан мажлисда кўриб чиқилади. Ҳисоботга доир талаблар, шунингдек уни тақдим этиш ва кўриб

чиқиш тартиби (янги таҳрирдаги «Банкротлик тўғрисида»ги қонуннинг 116 ва 117-моддаларида) белгилаб берилган.

Демак, пировардида санация қилувчи бошқаручининг ҳисоботини, кредиторларнинг шикоятларини кўриб чиқиш якунлари асосида хўжалик суди:

- агар узилмаган қарз қолмаганлиги аниқланган, кредиторларнинг шикоятлари эса асоссиз деб топилган бўлса, санация қилувчи бошқарувчининг ҳисоботини тасдиқлайди ва банкротлик тўғрисидаги иш юритишни тугатиш тўғрисида ажрим чиқаради;

- агарда узилмаган қарз борлиги аниқланган ва кредиторларнинг шикоятлари асосли деб топилган бўлса, у ҳолда санация қилувчи бошқарувчининг ҳисоботини тасдиқлашни рад этади ҳамда ташқи бошқарувни жорий этиш тўғрисида ажрим чиқаради ёхуд қарздорни банкрот деб топиш ва тугатишга доир иш юритишни бошлаш тўгрисида қарор қабул қилиши мумкин.

Банкротга учраган корхоналарни тугатиш билан боғлиқ жараёнларни ушбу ўқув қўлланмамизнинг навбатдаги қисмида очиб беришга ҳаракат қиламиз.

1.8.4. Банкротга учраган корхоналарни тугатишга доир иш юритиш

Агар қарздор корхонани санация қилиш жараёнидаги чора-тадбирлар кутилган натижаларга олиб келмаса, бу корхона банкрот деб эълон қилинади. Сўнгра хўжалик судининг қарорига мувофиқ тугатиш таомилларини (процедура) ўтказиш учун махсус комиссия — тугатиш комиссияси тузилади. Унинг таркибига кредиторлар йиғини вакиллари, банклар, молия органларидан вакиллар, шунингдек, агар давлат корхонаси банкротга учраганда, Давлат мулки Қўмитаси вакиллари киритилади.

Тугатиш комиссияси амалдаги қонунчиликка мувофиқ банкрот корхона мулки устидан умумий бошқаришни амалга оширади.

Тугатиш таомилларини ўтказиш жараёни қуйидагиларни ўз ичига олади:

1. Балансдаги қиймати бўйича банкрот корхонанинг мулкини баҳолаш. Баҳолаш корхона мол-мулкини тўла инвентаризацияси асосида ўтказилади.

2. Банкрот корхонанинг мол-мулкини бозор қиймати бўйича баҳолаш. Бу ҳолда корхонанинг мулки кредиторлар талабларини қондириш учун реализация қилинади, шунинг учун у аввал минимал бозор қиймати бўйича баҳоланиши лозим.

3. Тугатиш массасини аниқлаш. Тугатиш массасини шакллантирувчи асос қарздор корхонанинг бозор қийматида баҳоланган (амалдаги қонунчиликда кўрсатилган чегирмани чиқариб ташлашдан сўнг) барча мол-мулкини қолган қисмидан ташкил топади.

4. Мулкни сотишнинг самарали шаклларини танлаш. Бу ҳақда қарорни тугатиш комиссияси кредиторлар йиғини билан келишилган ҳолда қабул қилади. Танлов мулкни реализация қилишдан мумкин қадар максимал миқдорда маблағ олишга асосланади.

5. Кредиторларнинг шикоятларини қондиришни таъминлаш. Бу таомил (процедура) банкротлик шароитида тугатиш таомилларини ўтказиш жараёнида энг мураккаб ҳисобланади. Шикоят-даъволарни қондиришнинг манбасини қарздор мулкини сотишдан тушган маблағлар ташкил этади. Бу маблағлар миқдори — суммаси муайян навбат бўйича тақсимланади. Биринчи навбатда, хўжалик суди, тугатиш комиссияси, мулкни бошқарувчиларнинг харажатлари қопланади, кредиторларнинг гаров билан таъминланган талаблари қондирилади. Сўнгра банкрот корхона ишчи-ходимлари олдидаги мажбуриятлар бажарилади; умумдавлат ва маҳаллий солиқлар, бюджетга носолиқ тўловлар, давлат суғуртаси ва нафақа таъминоти органларининг талаблари қондирилади; кредиторларнинг гаров билан таъминланмаган талаблари; устав фондига ишчи-ходимлар бадалларини қайтариш ва меҳнат жамоаси акциялари бўйича тўловлар ва бошқа талаблар қондирилади.

Кейинги навбатдаги ҳар бир талаб ундан олдинги талаблар тўлиқ қондирилганидан сўнггина қондирилади. Бирор-бир навбатдаги барча талабларни тўлиқ қондириш учун мулкни сотишдан тушган маблаглар етарли бўлмаган тақдирда, даъволар ҳар бир кредиторга тегишли суммага мутаносиб равишда қондирилади.

6. Барча кредиторларнинг талаблари қондирилгандан сўнг тугатиш комиссияси томонидан тугатиш балансини ишлаб чиқиш ва уни хўжалик судига тақдим этиш. Агар тугатиш баланси бўйича талабларни қондиришдан сўнг мол-мулк қолмаган бўлса, хўжалик суди юридик шахс — банкротнинг тугатилиши тўғрисида ажрим — қарор чиқаради. Агар банкрот корхонада кредиторларнинг барча талабларини қондириш учун етарлича (белгиланган қонунчилик бўйича ўзининг мавжуд ташкилий-ҳуқуқий шаклида фаолият юритиши учун етарли) маблағ ва имконияти бўлса, у қарзлардан озод деб ҳисобланади ва ўз тадбиркорлик фаолиятини давом эттириши мумкин.

Хўжалик суди томонидан қарздорни банкрот деб топиш тўғрисида қарор қабул қилиниши тугатишга доир иш юритишнинг бошланишига сабаб бўлади. Тугатишга доир иш юритиш муддати 1 йилдан ошиши мумкин эмас. Зарурат бўлганда бу муддат хўжалик судининг ажрими билан узайтирилиши мумкин.

Тугатишга доир иш юритиш муддати банкротлик тўғрисидаги ишда иштирок этувчи шахснинг илтимосномасига биноан ёки хўжалик судининг ташаббуси билан узайтирилиши мумкин.

Хўжалик судининг тугатишга доир иш юритиш муддатини узайтириш тўғрисидаги ажрими устидан шикоят берилиши мумкин.

Хўжалик суди томонидан қарздорни банкрот деб топиш ва тугатишга доир иш юритишни бошлаш тўғрисида қарор қабул қилинган пайтдан эътиборан:

- қарздорнинг мол-мулкини бошқа шахсга ўтказиш билан боғлиқ, ёки унинг мол-мулкини учинчи шахслар фойдаланиши учун топширишга сабаб бўлувчи битимлар тузишга фақат ушбу бобда белгиланган тартибда қўйилади;

- қарздорнинг барча пул мажбуриятларини бажариш муддати, шунингдек кечиктирилган мажбурий тўловларни тўлаш муддати бошланган деб ҳисобланади;

- қарздорнинг барча турдаги қарзлари бўйича не устойка (жарима, пеня) ва фоизларни ҳисоблаш тугатилади;

- қарздорнинг молиявий аҳволи тўғрисидаги маълумотлар махфий тоифага (шу жумладан тижорат сирига) мансублигини йўқотади;

- ундирувни қарздорнинг мол-мулкига қаратишга доир барча чекловлар олиб ташланади;

- ижро ҳужжатларини ижро этиш тугатилади. Пул мажбуриятлари, мажбурий тўловлар бўйича барча талаблар, бошқа мулкий талаблар фақат тугатишга доир иш юритиш доирасида қарздорга тақдим этилиши мумкин, мулк ҳуқукини эътироф этиш, маънавий зиённи компенсация қилиш, мол-мулкни бошқа шахснинг қонунсиз эгалигидан талаб қилиб олиш, асоссиз орттирилган бойликни қайтариш, битимларни ҳақиқий эмас деб топиш ва уларнинг ҳақиқий эмаслиги оқибатларини қўллаш тўғрисидаги талаблар, шунингдек жорий тўловлар бўйича талаблар бундан мустасно (янги таҳрирдаги ЎзРси «Банкротлик тўғрисида»ги қонуни 125-модда).

Ушбу 125-модданинг биринчи қисмининг еттинчи хатбошисига мувофиқ ижро этилиши тугатилган ижро ҳужжатлари қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда суд ижрочилари томонидан тугатиш бошқарувчисига ўтказилиши лозим. Қарздорнинг барча мажбуриятлари бажаришига фақат тугатишга доир иш юритиш доирасида йўл қўйилади.

Хўжалик суди томонидан қарздорни банкрот деб топиш ва тугатишга доир иш юритишни бошлаш тўғрисида қарор қабул қилинган пайтдан эътиборан қарздорнинг бошқарув органлари қарздорнинг мол-мулкини бошқариш ва тасарруф этиш вазифаларини бажаришдан, агар илгари четлаштирилмаган бўлса, четлаштирилади, қарздор раҳбарининг ваколатлари тугатилади (қарздорнинг раҳбари билан тузилган меҳнат шартномаси бекор қилинади), қарздорнинг ишларини бошқариш тугатиш бошқарувчисига юклатилади, шунингдек қарздорнинг мол-мулкини бошқариш ва тасарруф этиш бўйича мулкдорнинг ваколатлари тугатилади. Тугатиш бошқарувчиси қарздорнинг раҳбари билан тузилган меҳнат шартномасини бекор қилиш ёки мазкур раҳбарни бошқа ишга ўтказиш тўғрисида буйруқ чиқаради.

Хўжалик суди қарздорни банкрот деб топиш тўғрисида қарор қабул қилаётганда тугатиш бошқарувчисини ташқи бошқарувчини тайинлаш учун

назарда тутилган тартибда тайинлайди (янги таҳрирдаги ЎзРси «Банкротлик тўғрисида»ги қонуни, 126-модда). Устав фондида давлат улуши бўлган корхона банкрот деб топилган тақдирда, банкротлик тўғрисидаги ишлар бўйича давлат органи ҳам тугатиш бошқарувчилигига номзод тақдим этиши мумкин.

Навбатдаги босқичда қарздорни банкрот деб топиш ва тугатишга доир иш юритишни бошлаш тўғрисидаги маълумотларни эълон қилиш тугатиш бошқарувчиси томонидан (янги таҳрирдаги қонуннинг) 52 ва53-моддаларида назарда тутилган тартибда амалга оширилади.

Қарздорни банкрот деб топиш ва тугатишга доир иш юритишни бошлаш тўғрисида эълон қилинаётган маълумотларда қуйидагилар бўлиши керак: банкрот деб топилган қарздорнинг номи (фамилияси, исми отасининг исми) ва бошқа реквизитлари; банкротлик тўғрисидаги иш юритаётган хўжалик судининг номи ва ишнинг тартиб рақами; қарздорни банкрот деб топиш ва тугатишга доир иш юритишни бошлаш тўғрисида хўжалик суди қарор қабул қилган сана; кредиторлар талабларини қўйишнинг белгиланган муддати, бу муддат мазкур эълон чиққан санадан эътиборан камида 2 ой бўлиши шарт; қарздорга ўз талабларини билдиришлари учун кредиторларнинг почта манзили; тугатиш бошқарувчиси тўғрисидаги маълумотлар.

Бундан ташқари қарздорни банкрот деб топиш ва тугатишга доир иш юритишни бошлаш тўгрисидаги маълумотларни тугатиш бошқарувчиси бошқарувчиликка тайинланган пайтдан эътиборан 10 кундан кечиктирмай расмий нашрда эълон қилиш учун юбориши лозим.

Тугатиш бошқарувчиси тайинланган пайтдан эътиборан қарздорнинг ишларини бошқариш ҳамда қарздорнинг мол-мулкини тасарруф этиш бўйича барча ваколатлар унинг зиммасига ўтади (янги таҳрирдаги ЎзРси «Банкротлик тўғрисида»ги қонуни, 128-модда). Ўз навбатида тугатиш бошқарувчиси қуйидаги ҳуқуқларга эга;

- қарздорнинг мол-мулкини тасарруф этиш;

- ходимлар билан, шу жумладан қарздорнинг раҳбари билан тузилган меҳнат шартномаларини бекор қилиш;

- қарздорнинг шартномалирини бажаришдан (янги таҳрирдаги қонуннинг 102-моддасида белгиланган тартибда) бош тортиш;

- қарздор томонидан тузилган битимларни, агар қонун ҳужжатларида назарда тутилган асослар бўлса, ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисида даъволар тақдим этиш;

- қарздорни банкротликка олиб келганлиги муносабати билан унинг пул мажбуриятлари ва (ёки) мажбурий тўловлари юзасидан қонун ҳужжатларига мувофиқ Субсидиар жавобгар бўладиган учинчи шахсларга нисбатан талаблар қўйиш. Мазкур талабларнинг миқдори кредиторлар талабларининг суммаси

билан тугатиш массаси ўртасидаги фарқдан келиб чиқиб аниқланади. Ундирилган суммалар тугатиш массасига қўшилади ва улардан фақат кредиторларнинг талабларини қондириш учун (янги таҳрирдаги ЎзРси «Банкротлик тўғрисида»ги қонуннинг 133, 134 ва 169-моддаларида) белгиланган навбат тартибида фойдаланилиши мумкин.

Тугатиш бошқарувчиси қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин. Тугатиш бошқарувчиси: қарздорнинг мол-мулкини ўз тасарруфига қабул қилиши, уни инвентаризация қилиши ва баҳолашдан ўтказиши, унинг бут сақланиши чораларини кўриши; қарздорнинг молиявий аҳволини таҳлил этиши; кредиторлар йиғилишини ва кредиторлар қўмитасини чақириши; қарздор олдидаги қарзларни ундириш чораларини кўриши; қарздор тугатилганда унинг ходимлари ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиши ҳамда улар билан тузилган меҳнат шартномалари бекор қилинажаги тўғрисида уларни хабардор этиши; кредиторларнинг талаблари реестрини юритиши ва уларнинг талабларини кўриб чиқиши; қарздорнинг учинчи шахсларда турган мол-мулкини қидириш, аниқлаш ва қайтаришга қаратилган чораларни кўриши; ва ҳаказо.

Агарда банкрот юридик шахс бўлса, у ҳолда уни тугатиш режасида қуйидагилар бўлиши лозим: банкротнинг молиявий аҳволи тўғрисидаги маълумотлар; кредиторларнинг талабларини қондириш шартлари, тартиби, навбати ва нисбати; банкрот мол-мулки эгасининг, меҳнат жамоасининг манфаатлари ҳисобга олинганлиги; сотилиши лозим бўлган мол-мулк рўйхати; мол-мулкни сотиш санаси, вақти, жойи ва усули; суд харажатларини тўлаш, тугатиш бошқарувчисига, экспертлар ва бошқа шахсларнинг фаолиятига ҳақ тўлаш шартлари.

Банкрот юридик шахсни тугатиш режаси кредиторлар йиғилиши билан келишиб олиниши керак ва режа, агар талаблар жами суммасининг камида учдан икки қисмини ифода этувчи кредиторлар томонидан қўллаб-қувватланса, маъқулланган деб ҳисобланади. Агар тугатиш режаси маъқулланмаган бўлса, кредиторлар эса банкрот юридик шахсни тугатишга доир режасини белгиланган муддатда тақдим этмаган бўлса, тугатиш бошқарувчиси ўз режасини тасдиқлайди.

Агар қарздорнинг ўзи банкротлик тўғрисида иш қўзғатиш ташаббускори бўлса, у ўз тугатиш режасини тақдим этишга ҳақли.

Банкрот юридик шахсни тугатишнинг тасдиқланган режаси асосида мол-мулк сотилади ҳамда кредиторларнинг қарздорга қўядиган талаблари ушбу янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси «Банкротлик тўғрисида»ги қонуннинг 133, 134, 135 ва 169-моддаларида белгиланган тартибда қондирилади.

1.9. Инқирозга қарши бошқарув технологиялари

Ҳар қандай бошқарув жараённи, яъни бошқариладиган объектга таъсир қилиш ва шакллантириш усуллари, услублари йўлларининг кетма-кетлигини ифодалайди. Ушбу жараён бошқарув моҳиятининг жиҳатини белгилайдиган: мақсадни билиш, вазиятни баҳолаш, асосий муаммони аниқлаш, бошқарув қарорларини қабул қилиш ва амалга оширишнинг қонуний-меъёрий таркибига эга.

Лекин бошқарув жараёнининг умумий таркиби доирасида, бошқарув субъекти ва объекти хусусиятларини, аниқ вазиятни, менежер ҳамда бошқарув ходимларининг тажриба ва ваколатини ва бошқарув фаолиятини амалий шароитларининг бошқа хусусиятларини акс эттирадиган таъсир қилишни шакллантиришнинг ҳар хил турлари бўлиши мумкин. Шунга мувофиқ бошқарув жараёни қулайлик, вақтни тежаш, ресурслардан фойдаланиш, юқори самарадорлик мезонлари бўйича онгли равишда қурилади. Бошқарув қарорларини ишлаб чиқишда бажариладиган ишларнинг маълум кетма-кетлиги, баробарлиги мажмуини амалга ошириш ва танлашдан иборат бўлиши — бошқарув технологияси деб номланади.

Инқирозга қарши бошқарув, умуман ҳар қандай бошқарув маълум технологик чизмалар билан тавсифланади. Лекин инқирозга қарши бошқарувнинг ўзига хос хусусияти унинг технологик хусусиятини акс эттиради. Бу ерда вақтнинг камлиги, бошқарувчанлик даражасининг пасайиши, манфаатлар можароси, риск даражасинининг ҳамда ноаниқликнинг юқори даражаси, муаммоларнинг мураккаб боғланганлиги, ташқи муҳит босими, рақобатбардошликнинг пасайиши, ҳокимият мувозанатининг бузилиши ва бошқа омиллар катта таъсир кўрсатиши мумкин.

Инқирозга қарши бошқарув технологияси — инкирознинг олдини олиш, бартараф қилиш ва унинг салбий оқибатлари даражасини пасайтириш каби кетма-кет амалга ошириладиган чоралар мажмуасидир. Ушбу технология катта илмий-таҳлилий иш сифатида ижтимоий-ташкилий фаолиятни ҳам кўзлайди. Таъкидлаш жоизки, инқирозга қарши бошқарув технологиясини фақатгина ҳаракатланиш йўлларини излашга қаратиш мумкин эмас. Ушбу технология, унинг барча вазифалари, ўрни ва ваколатларининг тўлиқ мажмуасидаги жадал бошқарув фаолиятининг технологиясидир.

Инқирозга қарши бошқарувнинг технологик чизмаси 8 та блокдан иборат (қуйидаги 1-расмга қаранг). Бошқарув қарорларини ишлаб чиқишда ва амалга оширишда улар ҳар хил бажариладиган ишларни ва уларнинг гуруҳларини *қайтиб келиш кетма-кетлигини* ифодалаб, корхонанинг инқирозли вазиятлардан чиқишининг энг қулай йўлини тавсифлайди.

Биринчи блок. Инқирозга қарши бошқарувнинг ушбу босқичида ихтисослашган махсус гуруҳ тузилади. Мазкур гуруҳ ташкилотнинг ўз ходимларидан ҳамда инқирозли вазият кутилиши мумкин бўлган ёки содир бўлган пайтда четдан таклиф қилинган мутахассислардан иборат бўлиши мумкин. Мутахассислар инқирозлар назарияси, истиқболни белгилаш, можаро шунослик, бошқарув қарорларини ишлаб чиқиш, бошқарув тизимларининг тадқиқоти, макроиқтисодиёт, микроиқтисодиёт ва ҳоказо билимларга эга бўлишлари шарт. Шу билан бирга мутахассислар инқирозга қарши бошқарув жараёнларида, ноаниқлик ва риск даражаси мавжуд шароитларда самарали бошқарувнинг амалиёт услублари билан муаммоларни ҳал қилиш санъатига, бошқарув соҳасида махсус тайёргарликка эга бўлиши, ҳудудий ва тармоқли инфратузилмадаги корхона ишининг ўзига хос хусусиятини, молия, ходимлар, технологиялар, маълумотлар оқими ва ҳоказоларни бошқаришда функционал хусусиятини тушуниш ва ҳисобга олиши шарт.

Гуруҳнинг алоҳида тузилмавий бўлинмага ажратилиши ёки ташкилотнинг бошқарув аппарати қошидаги маслаҳат берувчи орган мавқеига эга бўлиши мумкин. Инқирозга қарши бошқарув мутахассисларини танлаш мезонлари қуйидагилар ҳисобланади: шахсий хусусиятлар, амалий фаолият тажрибаси, маълумоти ва фаолиятнинг ижтимоий-руҳий йўналтирилганлигидир.

Иккинчи блок. Инқирозга қарши бошқарувнинг технологик чизмасидаги иккинчи босқичи. Бу ерда инқирозга қарши бошқарув бўйича тадбирлар ўтказилишининг мақсадга мувофиқлиги ва ўз вақтида ўтишини текшириш кўзда тутилади. Мақсадга мувофиқ бўлмаса аввалги ҳолатга қайтиш, яъни янги мақсадларни излаш, улар бўйича махсус тадбирларни режалаштириш ишлари амалга оширилади. Агарда инқирозга қарши бошқарув «юритилаётганлиги»нинг мақсадга мувофиқлиги ва ўз вақтида ўтилиши асослаб берилса, учинчи блокка ўтиш амалга оширилади.

Инқирозга қарши бошқарув

Учинчи блок. Бу босқичда инқирозга қарши тавсифдаги бошқарув қарорларини ишлаб чиқиш олиб борилади, бу эса ўз навбатида бир неча босқичларда амалга оширилиши мумкин. Улардан асосийлари қуйидагилардан иборат: ташкилотлардаги вазият ҳақида дастлабки маълумот йиғиш, вазиятнинг тузилмавий-морфологик таҳлили, ташкилотни инқирозли ҳолатдан чиқариш йўлларини аниқлаш, керакли ресурсларни аниқлаш, белигиланган мақсадларга эришиш мумкинлигини текширишдир.

Тўртинчи блок. Тўртинчи босқичда ташкилотни инқирозли ҳолатдан чиқариш бўйича бошқарув қарорларини амалга ошириш тизими яратилади.

Ушбу қарорларни тайёрлаган мутахассислар гуруҳи томонидан уларнинг аниқ бажарувчилари белгиланади. Бажарувчи инқирозга қарши бошқарув қарорларини амалга ошириши учун керакли ва етарли ресурсларга эга бўлиши лозим, ҳамда ўз малакаси бўйича унинг олдига қўйилган масалалар даражасига ва мураккаблигига мос келиши шарт. Акс ҳолда инқирозга қарши бошқарув тадбирларининг бажарилиши бошқа режалаштирилгандан фарқланадиган йўналиш бўйича кетиши ёки умуман бажарилмаслиги мумкин.

Бешинчи блок. Инқирозга қарши бошқарувнинг ушбу босқичида бошқарув қарорларининг бажарилишини ташкил этиш амалга оширилади. Бу аниқ ташкилий-амалий тадбирлар бўлиб, уларнинг аниқ белгиланган кетма-кетликда амалга оширилиши инқирозга қарши бошқарув олдига қўйилган мақсадларга эришишга ёрдам беради.

Олтинчи блок. Кейинги босқичда ташкилот фаолияти кўрсаткичлари бўйича бошқарув қарорларини бажариш баҳоси ва сифат таҳлили зарур бўлади.

Агар бошқарув қарорини бажариш етарли бўлмаган ижобий натижаларни берса, яъни фирманинг ишида хўжалик фаолияти кўрсаткичларининг яхшиланишига таъсир этувчи омиллар аниқланганда ҳам, бошқарув қарорларини амалга ошириш тизимига ўзгаришлар киритилади.

Агар бошқарув қарорини бажариш сифати самарадорлик мезонлари талабини қондирса, яъни керакли натижалар олинса, ташкилот фаолиятида ижобий ўзгаришлар амалга оширилса, инқирозга қарши бошқарувнинг кейинги босқичига ўтилиши амалга оширилади.

Еттинчи блок. Навбатдаги босқичда ташкилотни инқирозли вазиятдан чиқариш бўйича кейинги ишларни олиб боришнинг мақсадга мувофиқлиги текширилади ва ушбу текшириш натижасида инқирозга қарши дастурнинг бажарилиши қандай босқичда эканлиги аниқланади.

Агар мутахассислар томонидан инқирозга қарши дастурнинг бажарилганлиги ҳақида хулоса берилса, аммо ташкилотнинг бозордаги инқирозли вазият билан боғлиқ ҳолати ўзгармаса, ташкилот мавқеини ўзгартириш бўйича тадбирлар ишлаб чиқишни олиб бориш зарур бўлади, хусусан унинг банкротлигини тан олиш ишларини амалга ошириш билан боглиқ бўлган тадбирларни ўтказиш мумкин.

Ташкилотдаги жараёнларнинг ташқи ҳолати ўзгарса ва инқирозга қарши дастур бажарилса, инқирозга қарши бошқарув тизими бозордаги ўзгарган муҳитга мослаштирилади. Ташкилотни инқирозли ҳолатдан чиқариш учун инкирозга қарши тавсифдаги қўшимча бошқарув қарорларини тайёрлаш ишлари олиб борилади.

Саккизинчи блок. Мазкур технологик чизма учун инқирозга қарши бошқарувнинг охирги босқичида келгусидаги инкирозли ҳолатларнинг

истиқболини аниқлаш бўйича тадбирлар ишлаб чиқилади. Истиқболни белгилаш инқирозга қарши бошқарув технологиясининг ажралмас қисми ҳисобланади. Инқирозли ҳолатларни четлаб ўтишга ёрдам бермаган тақдирда ҳам, унга тайёрланишга ва унинг оқибатларини камайтиришга ёрдам беради. Инқирозли ҳолатларнинг яқинлашиш белгиларини олдиндан кўриш ва назорат қилиш тизими муҳим ҳисобланади. Бу ерда фақат асосий жиҳатларни кўрсатиб ўтамиз:

1. Бизнес бўйича ҳамкорлар, кредиторлар, банклар, маҳсулот истеъмолчиларининг корхона томонидан олиб бориладиган у ёки бу тадбирларга ва уларнинг таклифларига нисбатан салбий муносабати, ташкилотнинг яқинлашаётган муваффақиятсизлигидан далолат беради. Бунинг яққол белгиси бўлиб, корхонадаги турли ташкилий ўзгаришлар (ташкилий, тузилмавий, бўлинмаларни, филиалларни очилиши ёки ёпилиши, уларнинг қўшилиши), ҳамкорларни тез-тез ва асоссиз равишда ўзгартириш, янги бозорларга чиқиш, хом ашё ва материалларни таваккал харид қилиш ҳамда ундаги стратегияларнинг бошқа ўзгаришлари ҳисобланади. Бошқа аҳамиятли белгиси, бошқарув тузилмасидаги ва бошқарувнинг юқори даражаларидаги муҳитининг ўзгариши ҳисобланади, у ҳам кредиторлар томонидан назорат қилинади. Шу ерда таъкидлаш жоизки, корхона, фирма ёки ташкилотнинг синиши одатда юқори раҳбариятдаги можаролардан бошланади.

2. Инқирозли вазиятнинг яқинлашиш белгилари: корхона фаолиятидаги молиявий кўрсаткичларининг ўзгариш хусусияти, молиявий ҳисоботларни тақдим этиш ва аудиторлик текширувлар ўтказилишининг сифатини ва вақтида бўлишини ҳам ўз ичига олади. Синчковлик билан кузатиш предмети бўлиб қуйидагилар ҳисобланади:

- бухгалтерия ҳисоботини топширишда кечикишлар ва унинг сифати, бундай ҳолат онгли равишда ҳаракат қилишлар ҳақида ёки ходимларнинг малакасини паст даражада эканлигидан далолат беради. Иккала ҳолатда ҳам молиявий бошқарувнинг самарасизлигини ифодалайди;

- бухгалтерия баланси моддаларида пассивлар ва активлар томонидан ўзгаришлар ва уларнинг маълум нисбатини бузилиши;

- моддий захираларнинг кўпайиш ёки камайиш ҳолатлари корхонанинг манфаатдорлиги ҳақида ёки етказиб бериш жараёни билан боғлиқ мажбуриятларини бажара олмаслигидан далолат беради;

- корхонанинг ҳамкорлари ва кредиторлари олдидаги қарзининг кўпайиши;

- корхона даромадларининг камайиши ва унинг фойдалилигининг пасайиши, унинг акцияларини қадрсизланиши, ўз маҳсулотига юқори ёки паст нархларининг белгиланиши ва ҳоказо. Корхонани навбатдан ташқари текшириш, ҳокимият органлари томонидан унинг воситачилик фаолиятини чеклаш, рухсатномани бекор қилиш ёки тортиб олиш ва ҳоказо.

1.9.1. Инқирозга қарши бошқарув қарорларини ишлаб чиқиш технологияси

Ташкилотни инқирозли ҳолатдан чиқаришда энг масъулиятли босқич-бошқарув қарорларини ишлаб чиқиш билан боғлиқдир. Бошқарув қарорларининг сифати кўпгина омилларга боғлиқ бўлиб, уларнинг энг аҳамиятлиларидан қуйидагиларни айтиб ўтиш мумкин:

1. Муаммолар категорияси: стандарт муаммолар уларнинг қарорларини маълум стандартларга йўналтириш талаб қилинади. Бундай муаммолар ҳеч қандай четга бурилишларга йўл қўймайди ва охир оқибатда уларнинг қарорида қобилият ва маҳорат асосий ўрин эгаллаши керак:

- кенг тарқалган муаммолар. Улар кўпгина олдиндан белгиланган қоидалар асосида ҳал қилинади, шу билан бирга ҳал қилиш даврида мавжуд бўлган барчасидан, муваффақиятга эришишга ёрдам берадиган аниқ ва ягона қоидалар тўпламини танлаш керак бўлади;

- эвристик муаммолар. Бу муаммоларни ҳал қилиш жараёнида уларни ҳал қилиш қоидаларини қаердандир, масалан адабиётлардан, излаб топиш керак, ёки ўзлари шакллантириб, ундан кейинчалик фойдаланишлари керак. Хозирги даврда инқирозга қарши бошқарув билан шуғулланадиган мутахассислар, кенг тарқалган ва стандарт муаммоларни ҳал қилишга етарли даражада яхши тайёр эмас. Замонавий, айниқса эртанги менежер самарали эвристик фикрлаш сифатига эга бўлиши керак. XXI аср менежери ҳар доим эвристик муаммоларни ечишга мажбур бўлади ва бунга уни ҳозирдан тайёрлаб бориш талаб этилади.

2. Фойдаланиш шартлари:

- квазибарқарор, ёки қулай шароитлар, мутахассис олдида ҳеч қандай фавқулодда ҳолатлар юзага келмаганда, у оддий, тинч ҳолатда бўлганда;

- экстремал, яъни мутахассисдан ўз сифатларини намоён қилишини талаб қилинганда, ва шуларга қараб унга малакаси бўйича баҳо бериш ва қандайдир маънода унинг келгусидаги тақдири шуларга боғлиқ бўлган шароитлар;

- инқирозли шароитлар, яъни фаолиятнинг оддий кўрсаткичларини узулишига олиб келадиган ёки олиб келиши мумкин бўлган, ва айрим ҳолатларда авариялларга, халокатларга ва бошқа шунга ўхшаш ҳодисаларга олиб келадиган фавқулодда вазиятлар юзага келганда.

3. Бошланғич маълумотнинг етарлиги.

- бошланғич маълумотнинг етарли бўлмаган ҳажми. Қўйилган вазифани амалга ошириш учун исталган мақсадга эришишга ёрдам берадиган бошланғич маълумотни топиш ёки синтез қилиш керак;

- бошланғич маълумотнинг етарли бўлган ҳажми. Қўйилган вазифани бажариш учун мутахассис ихтиёрида бор бўлган маълумот етарли бўлади. Ўқув масалаларининг кўплари шу тамойил бўйича қурилади;

- бошланғич маълумотнинг ортиқча бўлган ҳажми. Қўйилган вазифани бажариш учун бошланғич ҳолатни изоҳлаганда мавжуд бўлган маълумотнинг барчаси талаб қилинмайди. Мутахассис фақатгина керакли маълумотни аниқлаб олиши ва фақат ундан фойдаланиши шарт;

Одатда реал ҳолатда мутахассис бошланғич маълумотнинг етарли бўлмаган ҳажми билан ҳам фаолият юритишга мажбур. Лекин, унинг услубий аппарати, одатда «тозаланган деб номланувчи ҳолатдаги» фаолиятга тайёр бўлиши шарт.

4. Бошланғич маълумотнинг ишончлилиги.

- яққол ишончсиз бўлган, яъни ишончсизлигини аниқлаш қийин бўлмаган масалалар шартларига мос келмаган маълумотлардир;

- сохта ишончли, вазифа шартларига мос келадиган, аммо бошлангич вазифанинг тўғри ечимини олишга ёрдам бермайдиган ахборотдан таркиб топган маълумотдир;

- тўлиқ ишончли, масала шартларига мос келадиган ва бошланғич вазифанинг тўғри ечимини олишга ёрдам берадиган маълумотдир.

Менежер одатда ишончсизлик даражасини баҳолаш қийин бўлган маълумот билан ишлайди. Бошқарув амалиёти, одатда ушбу нозик масалани юзаки кўриб ўтади. Мутахассислар ёлғонни ажратишни ва далилларни бошқача тақдим қилишни, афсонавий фикрлашни ўрганишга ва урилиб, сурилиб, ўз хатолари асосида ўрганишга мажбур. Бу эса деярли ҳар доим салбий оқибатларга олиб келади. Ушбу энг нозик муаммо мутахассисни унинг ўқиш даврида шакллантирадиган услубий аппаратига умуман киритилмаган. Чет эл компаниялари, рақобатчиларни чалғитиш усулларини, хусусан ахборот оқимини ёпиш, бозорга сохта патентларни чиқариш усулларини аллақачон ўзлаштирганлар. Жаҳон бозорига киришга ҳаракат қилганда шуни эсда сақлаш керак.

5. Муаммо даражаси:

- глобал муаммолар — бутун ҳудудларнинг ва алоҳида ҳолларда бутун сайёранинг келажагига, уларнинг ечимига боғлиқ;

- маҳаллий муаммолар — одамларнинг ўртача гуруҳи, камида алоҳида инсоннинг фаолияти шуларнинг ечимига боғлиқ;

- микромаҳаллий муаммолар — алоҳида инсоннинг конкрет ҳаракатлари шуларнинг ечимига боғлиқ.

6. Техник жиҳозлаш:

- мавжуд эмас. Сифатли ўқув жараёнининг йўлга қўйилиши учун керакли техник воситаларининг йўқлиги;

- етарли бўлмаган ҳажмда мавжуд. Сифатли, барқарор ўқув жараёни учун техник воситаларнинг етишмаслиги;

- етарлича мавжуд. Техник воситалар тўлиқ ҳажмда иштирок этади ва ўқув жараёнининг талабларига мувофиқ ишлайди.

Санаб ўтилган универсал омиллар қўйилган мақсаднинг хусусияти, пайдо бўладиган муаммолари, инқирозга қарши бошқарув жараёнларида уларни ҳал қилиш шартларига қараб бошқалари билан тўлдирилиши мумкинлиги табиийдир.

Инқирозга қарши бошқарув қарорларини ишлаб чиқишнинг умумий кетма-кетлиги 18-расмда кўрсатилган бўлиб, у ўн битта блокдан иборат.

Биринчи блок. Бошқарув қарорларини тайёрлашнинг ушбу босқичида ташкилотни инқирозли ҳолатдан чиқариш бўйича тадбирлар тизими ишлаб чиқилади.

Иккинчи блок. Ушбу босқичда ташкилотдаги ҳолат ҳақида унинг турли хил тузилмавий бўлинмаларининг ҳужжатлар (ҳисобот, режалар, кириш ва чиқиш ҳужжатлари, ёзишма ва ҳоказо) оқимининг таҳлилидан иборат бўлган бошланғич маълумотларни йиғишдан бошланади. Хўжалик фаолиятининг таҳлили камчиликларни аниқлашга ёрдам беради ва кейинчалик шу йўналишда уни ишлаб чиқариш салоҳиятини ошириш бўйича иш олиб бориш зарур.

Учинчи блок. Бошқарув қарорларини тайёрлашнинг ушбу босқичида ташкилотни инқирозли ҳолатдан чиқариш бўйича тузилмавий морфологик таҳлил олиб борилади.

Тўртинчи блок. Мазкур босқичда ташкилотни инқирозли ҳолатдан чиқариш йўллари ва мақсадга мувофиқлиги белгиланади. Ташкилотни инқирозли ҳолатдан қандай қилиб чиқариш мумкин ва унинг мақсадга мувофиқлиги, инқироз қанчалик унинг фаолиятига таъсир қилганлигига боғлиқ.

Бешинчи блок. Ушбу босқичда ташкилотларни инқирозли ҳолатдан чиқариш бўйича фаолиятнинг бошланиш даври ўтиб кетганлиги аниқланганда (давлат, ҳудуд ва ҳоказолар учун ушбу ишлаб чиқаришнинг стратегик аҳамиятининг *сабаби бўйича ўзининг мавқеини* ўзгартириши ёки ўзини банкрот деб эълон қилиш иложисининг йўқлиги ҳамда тубдан ўзгартиришлар ижтимоий низоларни келтириб чиқариши мумкин) ундаги кечадиган жараёнларга аралашмасдан, уларни фақат назорат қилиш, ҳамда давлат томонидан ёрдамни олиш мумкин. Келгусида, бозордаги ўзгарган ҳолат ташкилотни инқирозли ҳолатдан чиқариш муаммосига яна қайтишга ёрдам бериши мумкин. Бу ҳолатда ривожланишнинг кейинги иккита йўли кўриб чиқилади.

Олтинчи блок. Ушбу босқичда агар инқирозли вазият ташкилот фаолиятига қаттиқ салбий таъсир кўрсатган бўлса ва кейинчалик унинг бор бўлиши гумон бўлса, тузилмани ўзгартириш (деструктуризация) модели ишлаб чиқилади: унинг фаолияти тўхтатилади ва банкрот деб эълон қилинади.



18-расм. Инқирозга қарши бошқарув қарорларини ишлаб чиқиш технологияси

Еттинчи блок. Ушбу босқичда агар инқирозли вазият корхонанинг хўжалик фаолиятига озгина салбий таъсир кўрсатган бўлса, қайта ташкил қилиш модели қурилади. Бу ерда ташкилий тузилманинг ўзгариши, зарар келтирадиган ишлаб чиқаришларнинг ёки олинадиган фойда билан тўғри келмайдиган харажатларнинг қисқартирилиши кўзланади.

Бешинчи, олтинчи, еттинчи босқичлардан олинган моделлар ташкилот фаолияти суръатларини, инқирозли вазиятдан чиқишнинг танланган йўлига боғлиқ истиқболини белгилашга ёрдам беради.

Саккизинчи блок. Мазкур босқичда инқирозга қарши бошқарув билан шуғулланувчи мутахассислар гуруҳи томонидан қайта ташкил қилиш мақсадлари белгиланган кейин, ушбу мақсадларга эришиш учун керакли ресурслар аниқланади. Қайта ташкил қилиш жараёнини таъминлаш учун керакли ресурслар ҳажми қайта ташкил қилишнинг белгиланган мақсадлар миқёсига боғлиқ бўлади. Ресурслар ички ва ташқи бўлиши мумкин. Қайта ташкил қилиш жараёнларини амалга ошириш учун керакли ресурсларнинг

етарлича бўлишида, белгиланган мақсадларни рўёбга чиқариш бўйича тадбирлар ишлаб чиқилади.

Тўққизинчи блок. Ушбу босқичда белгиланган мақсадларни амалга ошириш бўйича инқирозли вазият омилларини ҳисобга оладиган инқирозга қарши бошқарув қарорларини бажарадиган мутахассисларнинг ҳаракатлар дастурини тузишни ўз ичига оладиган тадбирлар ишлаб чиқилади.

Ўнинчи блок. Ушбу босқичда белгиланган мақсадларга эришиш имкониятларини текшириш амалга оширилади. Бу текшириш мавжуд бўлган ресурсларнинг таҳлилига ва инқирозли вазиятнинг морфологик таҳлилини ўтказиш сифатини текширишга олиб боради. Ушбу иккита модда инқирозга қарши бошқарув дастурини ўтказиш сифатига катта таъсир кўрсатади. Ресурсларнинг етишмаслиги аниқланган ҳолатда ташкилотни инқирозли вазиятдан чиқариш бўйича тизимни яратишга бўлган ёндошувлар қайтадан кўриб чиқилади.

Ўн биринчи блок. Бу босқичда олинган маълумотлар ва мақсадларни амалга ошириш бўйича ишлаб чиқилган дастурлар асосида ташкилотни (корхонани) инқирозли вазиятдан чиқариш бўйича бошқарув қарорлари шакллантирилади.

Корхонанинг истиқболдаги фаолияти стратегиясини белгилаш учун инкирозли вазиятнинг тузилмавий - морфологик таҳлилини (ТМТ) ўтказиш зарур. Унинг умумий кетма-кетлиги 19-расмда акс эттирилган бўлиб, у ҳам ўн битта блокдан ташкил топган.



19-расм. Бошқарув қарорларини ишлаб чиқариш технологиясида таркибий-морфологик таҳлил алгоритми

Биринчи блок. Инқирозли вазиятнинг ТМТ ўтказишнинг ушбу босқичда унинг пайдо бўлиш сабаблари аниқланади. Олдинроқ айтиб ўтилганидек, ушбу сабаблар турли бўлиши мумкин, лекин асосийси ички ва ташқига бўлиниши ҳисобланади.

Иккинчи блок. ТМТ ушбу босқичида бошқариладиган инқирозларнинг ажратилиши билан уларнинг сабабларини туркумлаш олиб борилади. Аниқланган инқироз сабаблари уларнинг аҳамиятлигига қараб гуруҳларга бўлинади, ҳамда уларнинг ҳар бирини бошқаришнинг мумкин бўлган йўллари аниқланади.

Учинчи блок. Ушбу босқичда келгусида фаолият стратегиясини танлаш учун инқирозли вазиятнинг ТМТ ўтказишнинг асосий босқичи ҳисобланиб, унда корхона фаолиятининг тармоқли йўналиши ёки диверсификациясининг таҳлили ўтказилади.

Тўртинчи блок. ТМТ ўтказилишининг ушбу босқичида корхонанинг истиқболдаги фаолияти стратегиясини танлаш амалга оширилади. Унинг келгусидаги фаолияти стратегиясининг учта вариантини ажратиш мақсадга мувофиқ бўлади (5-7 блоклар).

Бешинчи блок. Инқирозли вазиятнинг ТМТ ўтказишнинг ушбу босқичида фаолиятнинг барча йўналишлари ўзгармасдан қолиши тўғрисида хулоса берилади. Бу эса фаолиятда хеч қандай ўзгаришлар амалга оширилиши мақсадга мувофиқ бўлмаслигини англатади, чунки бу вазиятнинг ёмонлашишига олиб келади.

Олтинчи блок. Мазкур босқичда ташкилот фаолиятига янги йўналишнинг таркибий қисмлари киритилиши ҳақида қарор қабул қилинади, яъни хомашё ёки технология меъёрида ўзгаради. Бу эса ўзининг принципиал ҳолатлари бўйича илгари мавжуд бўлганига яқин фаолиятнинг янги йўналишига ўтиши корхонани бозордаги рақобатбардошлигини оширишига ёрдам беради.

Еттинчи блок. Ушбу босқичда корхона фаолияти бутунлай ўзгартирилиши тўғрисида қарор қабул қилинади, яъни кўрсаткичлардан бири (хомашё, технологиялар, тайёр маҳсулот) тубдан ўзгартирилади. Корхона янги хом ашёдан, технологиялардан фойдаланишни ёки умуман янги маҳсулот ола бошлайди. Бу эса фаолиятнинг умуман янги йўналиши ташкилотнинг инқирозли вазиятдан чиқишига ва ўзи учун янги бозорда рақобатбардош бўлишига ёрдам беради.

Саккизинчи блок. Ушбу босқичда фаолиятнинг ҳар бир йўналишини морфологик тузилмавий моделлари ишлаб чиқилади. Шу мақсад билан мазкур

ташкилотнинг ва ўхшаш маҳсулотни чиқариш билан шуғулланадиган ташкилотларнинг фаолияти ҳақидаги маълумотлар таҳлил қилиниб, бунда ташкилотнинг жорий ҳолатдаги ҳаётий босқичи аниқланади ва у ёки бу ишлаб чиқариш стратегияси билан таққосланади. Ушбу босқичлар стратегияси ўхшаш бўлган корхоналарнинг босқичлари билан таққосланади. Бундай таҳлилни ўтказишдан мақсад, ташкилот фаолияти йўналишининг энг самаралигини аниқлаш ва келгусида шунга асосланиб йўл тутиш ҳисобланади. Аммо шуни таъкидлаш керакки, маълум йўналишдаги фаолият олиб борадиган корхонанинг ҳаётий босқичининг юқори ривожланган корхона босқичи билан яқинлашуви ҳар доим уни ишлаб чиқариш учун устувор сифатида қабул қилиш учун мақсадга мувофиқ ва истиқболли ҳисобланмайди.

Тўққизинчи блок. Ушбу босқичда фаолият йўналишининг ягона тизимига ўзаро боғлиқлиги ва уйғунлашувини текшириш ўтказилади. Бу текшириш фаолиятнинг турли хил йўналишлари ўртасидаги қарама-қаршилигини аниқлашдан иборат. Агар ушбу қарама-қаршиликлар мавжуд бўлса, уларни бартараф қилиш ёки келгусидаги фаолият стратегиясини қайта танлаш керак. Агар фаолиятнинг турли хил йўналишлари орасида қарама-қаршиликлар бўлмаса ёки уларни бартараф қилишга муваффақ бўлганда, яъни барча йўналишлар ўзаро боғлиқ ва уйғунлашган бўлса, янги шароитларда ташкилотнинг, рақобатбардошлиги аниқланади.

Ўнинчи блок. Ушбу боскичда янги иш шароитларида ташкилотнинг рақобатбардошлиги аниқланади. Унинг омади кўпроқ маҳсулотнинг бозордаги ўрнига боғлиқ бўлади, шу бозорни тадқиқ қиs нисбатан афзалликларга эга бўлган маҳсулот турларини аниқлашга имконият беради.

Рақобатли муваффақиятнинг таҳлили бозордаги ўринларни эгаллаш бўйича аниқ қадамларни асослаш учун, корхонанинг бозор стратегиясини тузатиш учун асос бўлиб хизмат қилади. Ишлаб чиқариладиган маҳсулотнинг рақобатдаги афзалликларини аниқлаш учун, масалан, таққослама таҳлил ўтказиш мумкин.

Ишлаб чиқариладиган маҳсулот ўзининг бозорида ҳар доим маълум бир ўринни эгаллайди. Бозордаги рақобат вазиятини бозордаги улуши, маҳсулотнинг сифати, нисбий нарх, асосий рақобатчиларга караганда нисбий харажатлар каби кўрсаткичлар тасвирлайди. Корхонанинг бозордаги омади молиявий кўрсаткичлари, яъни сармоянинг рентабеллиги ва бошқалар билан белгиланади.

Рентабелликка таъсир кўрсатадиган энг муҳим кўрсаткич бўлиб, маҳсулотнинг бозордаги улуши ҳисобланади. Бу кўрсаткичларнинг миқдорий боғлиқлиги маҳсулотнинг бозордаги улушининг ҳар 10 фоизга ўсиши

рентабелликни 3,5 фоизга кўпайтиришидан иборат. Фойдага таъсир қиладиган иккинчи аҳамиятли омил бўлиб маҳсулотнинг сифати ҳисобланади. Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, сифат — бу маҳсулотнинг бозордаги юқори улушини сақлаб туришининг энг ишончли кафолатидир (ишлаб чиқаришнинг паст ҳаражатлари эмас, балки сифатнинг ўзидир).

Маҳсулот сифати ва маркетингга сарф қилинган маблағлар ўртасида маълум бир боғлиқлик мавжуд. Сифат ёмон бўлса, маркетингга маблаг сарф қилишнинг фойдаси йўқ. Рентабеллик, маҳсулот сифати ва савдо харажатларнинг умумий ҳажмда маркетингга кетган харажатлар қисмининг бир-бирига таъсир қилишига боғлиқ бўлади. Маҳсулотнинг юқори сифати маркетинг харажатлари минимал бўлганда ҳам юқори фойдани кафолатлайди (айланманинг 6% атрофида). Шу билан бирга ушбу харажатларнинг кўпайиши фойдага кам таъсир кўрсатади. Маркетингга савдонинг умумий ҳажмидан 11 фоиздан кўпроқ сарф қилишнинг фойдаси йўқ, чунки корхона фойдасининг камайишига олиб келади. Паст сифатли маҳсулот билан эса умуман маркетинг бўйича тадбирларни кучайтиришнинг ҳожати йўқ.

Корхона рентабеллиги унинг ҳажмига маълум боғлиқликда бўлади. Хўжаликнинг стратегик доираларини эгаллайдиган йирик корхоналар катта фойдага эга. Нисбатан ёмонроқ ҳолатда кўпинча ўрта корхоналар бўлади. Кичик корхоналар эса аксинча яхши натижаларни кўрсатади. Уларнинг устунлиги ихтисослашган маҳсулотлар билан нисбатан тор бозор тахмонларини таъминлаш мумкинлигига асосланади.

Кўпгина ҳолларда фақатгина бозордаги улуши катта бўлган корхоналар илмий тадқиқотларга маблағни сарф қилиши ва ундан салмоқли фойда олиши мумкинлиги амалиётда таъкидланган. Лекин бозорда кам улушига эга бўлиб илмий тадқиқот ишларига катта харажат қилиш, шубҳасиз молиявий ҳалокатга олиб келади.

Шунингдек, янги ишлаб чиқариш қувватларини тўлиқ ишлашини таъминлаш иложи бўлмаса, қимматбаҳо технология йирик корхоналарда фойданинг пасайишига олиб келиши мумкин.

Маблағ ажратиш билан ҳам худди шундай ҳолат. Уларнинг юқори интенсивлиги одатда тажовузкор ва бузувчи рақобатга олиб келади. Бу эса тармоққа кирганда кам даромадли корхоналар учун тўсиқ яратади. Бундай вазиятда юқори капитал ҳажми омилининг салбий таъсирини четлаб ўтиш учун йирик капиталли ишлаб чиқариш ўрнига мосланувчан технологияларни ривожлантириш максадга мувофиқдир. Инқироздан чиқишнинг бошқача йўли шахсий маблағларни тежаш билан бир қаторда бошқа катта афзалликлар берадиган замонавий технологиянинг ижараси бўлиши мумкин (лизинг). Янги технология сифатли маҳсулот ишлаб чиқаришга ёрдам беради ва бу ўз навбатида бозордаги улушнинг ўсишига олиб келиши мумкин.

Ўн биринчи блок. Ушбу босқичда ташкилот сиёсатининг йўллари, яъни уни ўтказиш бўйича аниқ тадбирлар белгиланади. Уларнинг кетма-кет бажарилиши танланган сиёсат мақсадларини амалга оширишга ёрдам беради. Ушбу сиёсат ҳар хил шароитларга қараб (корхонанинг ҳажми, бозорда шаклланган шарт-шароитлар, рақобатбардошлик ва ҳоказо) ҳозирги пайтда бошқа йўлларга нисбатан қулайроқ ҳисобланади.

1.9.2. Инқирозга қарши бошқарув технологиясида инқирозли ҳолатларни назорат қилиш кўрсаткичлари

1) Корхонани инқирозли ҳолатдан чиқариш бўйича тўғри ташкил қилинган фаолиятнинг муҳим жиҳати бўлиб, ундаги вазият ҳақида бошлангич маълумотни йиғиш ва унинг фаолиятини дастлабки таҳлили ҳисобланади. Бундай маълумотни йиғилиши ва таҳлил ҳар хил йўналишлар бўйича, турли услублар асосида олиб борилиши мумкин, бу эса вазиятнинг конкрет хусусияти билан изоҳланади.

2) Ташкилотни инқирозли вазиятдан чиқариш бўйича мутахассислар гуруҳи фаолиятининг бундай таҳлиллари қуйидаги йўналишларда бўлиши мумкин: ходимлар таркибининг потенциали; ташкилий тузилмаларнинг ўзгарувчан шароитларга мослашиши; молиявий ҳолат; ходимларнинг ахборот билан таъминланганлик маданияти; тармоқ ва ташкилотнинг илмий-техник салоҳиятини ўзгариши; ташкилотнинг фаолиятига ва унинг ходимларига бўлган

ҳуқуқий муҳитнинг таъсири; экологик вазиятнинг ўзгаришлари ва ташкилот фаолиятига унинг таъсири; хавфсизлик муаммоларининг ечими ва ташкилотнинг иқтисодий ҳолати.

3) Ташкилотни инқирозли ҳолатдан чиқариш бўйича мутахассислар гуруҳини иш йўналишларининг барчасидан, биринчи босқич ташкилотнинг молиявий ҳолатини ва уни фаолиятининг молиявий натижаларини таҳлил қилишдан иборат бўлган, молиявий-хўжалик фаолиятининг таҳлилини биринчи навбатда ажаратиш керак. Молиявий ҳолат корхона ресурсларининг мавжудлигини акс эттиришини, тарқатилиши, ишлатилиши, ҳаракатини пулда ифодаланган кўрсаткичлар тизимидан фойдаланиш асосида аниқланади. У кўпгина омиллар таъсирида шаклланади. Ташкилотнинг молиявий ҳолатини таҳлил қилишнинг асосий йўналишларига қуйидагилар киради:

4) - ташкилот мулкининг таркиби ва тузилмаси динамикасининг таҳлили;

5) - молиялаштириш манбаларининг ҳаракатини баҳолаш;

6) - захира ва харажатлар ҳолатининг таҳлили;

7) - молиявий коэффициентлар таҳлили.

8) Бозор муносабатлари шароитида корхона фаолиятининг молиявий натижалари кўрсаткичларнинг бутун тизими билан баҳоланади ва уларнинг орасида фойда ва унинг ҳосилалари муҳим ўринни эгаллайди.

9) Ташкилот пул маблағларининг аниқ миқдори ва жойлашиши ҳақида маълумот, одатда баланс ва шартномалар каби манбаларда йиғилади.

10) Инқироз ҳолатига тушган корхонада, кўпинча ўғирликлар ва талон-тарож қилиш ҳоллари ҳам кузатилади.

11) Талон-тарож қилиш усуллари ва уларнинг ҳужжатларда акс эттирилиши (талон-тарожнинг тахминий миқдори ва аҳамиятининг камайиши тартибида) қуйидагича бўлиши мумкин:

12) Мунтазам равишда ҳисобдаги пулларни нақд пулга айлантириш орқали талон-тарож қилиш. Маҳсулот иштирок этмаган шартномалар расмийлаштирилади. Хизматлар одатда таннархга кўчирилади. Уни аниқлаш учун корхона билан катта миқдорда айланмаси бўлган фирмаларни аниқлаш керак.

13) Маҳсулот олиш шартномаси бўйича пулнинг кетиши (шартнома бор, маҳсулот эса йўқ). Омбор орқали қалбаки ўтказишлар эҳтимоли кам (кўпгина кишиларнинг хабардорлиги). Бунда маҳсулотни омборга келиб тушишини текшириш зарур (накладной ва бошқалар).

14) Янги фирмаларнинг таъсис этилиши ва пулларни уларга ўтказиш. Бу ҳолда ҳам корхона ҳамкорлик қиладиган фирма таъсисчиларини батафсил текшириш керак.

15) Маҳсулот топширишда содир бўладиган талон-тарожликлар. Фақатгина бозордаги нархларни яхши билган ҳолдагина аниқланиши мумкин.

16) Хом ашё харажатларини кўпайтириш, ҳисобга олинмаган маҳсулотни сотиш. Бу механизмни фақатгина яхши мутахассисларгина аниқлаши мумкин.

17) Ишчиларни қалбаки ёллаш.

Юқорида кўрсатилган ҳолларнинг барчасини ва бошқа мумкин бўлган коидабузарликларни аниқлаш учун таннарх ҳисобланишини ўрганиб, таҳлил қилиш керак бўлади. Сўнгра эса шубҳали моддалар бўйича маъносини очиб берадиган ҳужжатларни сўраш ва таҳлил қилиб чиқиш керак. Бухгалтерия ҳисоботи билан биринчи марта танишиш натижасида шаклланган бухгалтерия ҳисобининг амалиётини ўрганиш ва ўзгартириш зарурлиги ҳамда мақсадга мувофиқлиги тушунчаси пайдо бўлади, уни ўтказганда эса қуйидагилар баҳоланади: ишчиларнинг сони, уларнинг қисқа тавсифи (ёши, маълумоти, мазкур корхонада ишлаган стажи); мавжуд бўлган ишчилар сонини асослаш учун уларнинг ҳар бирини иш билан юкланганлик даражаси; мажбуриятлар ва жавобгарликларнинг тақсимланиши; бутун бухгалтерия ва алоҳида ҳар бир

ҳисобчи, жумладан бош ҳисобчининг ҳам иш сифатини (ким, қанақа ва қандай кўрсаткичлар бўйича); бўйсуниш иерархияси; бошқа бўлинмалар ва шахслар билан ўзаро боғлиқлиги; бухгалтерияга тақдим этиладиган ҳужжатлар (қайси бўлинма, ким ва қачон) ва бошқалар.

Баҳолашдан асосий мақсад — биринчидан, корхонада қулай ҳисобнинг олиб борилишини аниқлаш; иккинчидан, бухгалтерияда туб ўзгартиришларнинг қанақаси ва кераклигини аниқлаш ва керак бўлганда, бир томондан аввал мавжуд бўлган ҳисоб тизимидан келиб чиқиб, иккинчидан эса корхонадаги бухгалтерия ҳисобини ташкил қилиниши қўйилган талабларни ҳисобга олган ҳолда бухгалтерия тўғрисида янги низом ишлаб чиқиш. Бунда бухгалтерия ишига бўлган талаблар молиявий ҳисоботларни ўз вақтида тузиш ва солиқ органларига тақдим этиш ва бошқарув ҳисоби учун тезкор маълумотларни ўз вақтида етказишдан иборат.

• Бошқарув ҳисоби соҳасидаги назорат технологияси қуйидагича бўлиши мумкин: бошқарув маълумотининг раҳбариятга, ташкилотга кириб келиши қандай ташкил этилганлигини аниқлаш талаб қилинади; амалдаги бошқарувнинг ташкил қилинишида қандай маълумот, қайси бўлинмалардан, ва кимлардан, кимларга, қандай тез келишини аниқлаш; ушбу маълумот инқирозга қарши бошқарув бўйича мутахассислар учун етарлигини, раҳбариятни тезкор бошқарув учун маълумот билан таъминлашини аниқлаш.

• Корхона иқтисодини бошқариш маъноси таннархни бошқариш демакдир. Бошқарув ҳисобининг моҳияти айнан шундан иборат. Таннархни бошқариш дегани, уни режалаштириш ва назорат қилиш, кейин эса унинг чегарадан чиқиб кетмаслиги учун маркетинг, бизнес-режа, ишлаб чиқаришни ташкил қилишнинг янги йўлларини ишлаб чиқиш, ходимларни бошқариш ва ҳоказолар билан боғлиқ бўлган зарур чоралар кўришдир.

Таннарх билан ишлаганда қуйидаги тавсиялардан фойдаланиш мумкин:

1. Компаниянинг бизнес жараёнларини 3 та қисмга ажратиш: етказиб бериш — ишлаб чиқариш — сотиш. Ушбу учта босқичдаги таннархни камайтириш захираларини баҳолаш.

2. Ташкилотда қуйидагилар орқали таннархни пасайтириш дастурининг мавжудлигини аниқлаш мумкин: сотиб олиш тизимини такомиллаштириш (сотувчилар ва нархлар маркетинги); ишлаб чиқариш харажатларини пасайтириш (режалаштиришни яхшилаш, ташкиллаштириш даражасини ошириш, ишларни бажариш вақтини ва материаллар харажатини назорат қилиш); савдо ва маркетинг натижаларини ошириш.

3. Таннархни ва харажатларни ҳисоблаганда вақт омилини инобатга олиш (масалан: агар сотишгача бўлган харажатларни ҳисоблаганда қарз пуллари иштирок этса).

4. Таннархни тўғри белгилаш.

5. Маржинал даромадни ҳисоблаш, назорат қилиш ва тартибга солишни амалга ошириш (даромад ҳажмидан ярим маҳсулотлар ва қисмларни сотиб олишга кетган харажатларни ажратиш), ҳамда уни шартли-доимий харажатлар билан таққослаш.

6. Харажатлар, ҳақиқий ортиқча харажат, моддий ва меҳнат ресурсларини тежаш ва бошқа омилларни доимий динамик тарзда қайта ҳисоблашни ташкил қилиш (яъни маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмининг ўзгариши, нархлар динамикаси билан боглиқ бўлган режалаштириш ва таннарх ҳисобининг ўзгарувчан тартиби).

7. Компаниянинг тижорат хизмати маҳсулот ва хизматларни ишлаб чиқариш нархларида сотиб олиб, харидор нархларида сотишни ҳисобга олиб, ишлаб чиқариш ва шартнома тузиш даражасигача амалга оширишнинг таҳлилини ўтказиш, бунда сотиш нархи билан кўрсатилган харажатлар орасидаги белгиланган фарқ бўйича «вақт-пул» формуласини инобатга олиб даромад кўради.

8. Асосий маҳсулотни ишлаб чиқариш майдони қанча жойни эгаллашини, қолган майдонлар қандай ишлатилмоқда, шунингдек, бўш турган майдонлардан қандай фойдаланиш мумкинлигини ва ишлаб чиқаришни тўхтатиш ҳамда уни бошқа соҳага ўтказиш учун асослар мавжудлигини баҳолаш.

9. Асбоб-ускуна қанчалик тез алмаштирилиши, ишлаб чиқаришни бошқа жойга кўчириш мумкинлиги, асосий фондларнинг ўзини қоплаш даврини таҳлил қилиш ва бошқалар.

10. Кейинги босқичда ташкилот савдо тизимининг фаолияти таҳлил қилинади. Бунда умумий вазифалар қуйидагилардан иборат:

11. Режадаги ва амалдаги савдо ҳажми:

12. Сўнгги икки йил мобайнида ойлик савдолар ҳақида статистик маълумотларни кузатиш. Қандайдир боғлиқликлар борми? Савдо ҳажмларига талабнинг мавсумий ўзгаришлари қандай таъсир қилади?

13. Зарур бўлган ойлик савдо ҳажмини аниқлаш. Қандай йўллар билан тарқатишга эришиш мумкин (тўғридан-тўғри савдо, айрибошлаш, дўконлар, ҳудудлар ва ҳоказо)?

14. Ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар рақобатчи маҳсулотларидан қандай хусусиятлари билан фарқланади. Маҳсулотнинг савдо белгиси борми, ривожланишнинг қандай даражасида ҳозир у турибди? Гуллаб-яшнаш даври қай пайтда бўлган?

15. Мавжуд бўлган савдо тизими, уни рақобатчилар тизими билан таққослаш;

16. Корхона ва унинг рақобатчиларининг мавжуд бўлган савдо тизимини тасвирлаш;

17. Мазкур ташкилотда амалдаги маҳсулот учун қўллаш мумкин бўлган тизимнинг хислатлари ва камчиликларини ҳамда савдо тизимини такомиллаштиришга аниқ нима халақит қилишини аниқлаш;

18. Рақобатчиларнинг тажрибасидан нималарни қўллаш мумкин?

19. Асосий харидор, сотиш бозорини кенгайтириш имконияти;

20. Маҳсулотнинг асосий ҳаридорларини аниқлаш. Ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг қандай ҳажмини улар ҳар ой харид қиладилар? Улар кўпроқ сотиб олиши мумкинми, нима учун олмайди? Харидор ҳаракатида барқарорлик борми?

21. Нима учун харидорлар айнан биздан сотиб оладилар (анъанавий маҳсулотнинг сифати, маҳсулот нархи ва ҳоказо)? Доимий мижозлар билан сўровнома ўтказиб, уларнинг таклиф ва истакларини ўрганиш;

22. Маҳсулотнинг асосий харидорлари қаерда тўпланганлигини, савдо ҳудудини кенгайтириш мумкинлигини аниқлаш. Бунинг учун нималар қилинди, қандай натижаларга эришилди, асосий сабаби нимада?

23. Сотиш бозорида янги фирмалар пайдо бўлаяптими? Бозорнинг тўйинганлик даражаси қандай (потенциал/ҳажми);

24. Агар бошқа корхоналарда сифат яхшироқ бўлса, нархни озроқ пасайтириш мумкинми?

25. Реклама компанияси олиб борилаяптими, қаерда, натижалар қандай?

26. Юқоридаги таҳлиллар билан бир қаторда савдо соҳасида пайдо бўладиган муаммолар (брак маҳсулот, етказиб берувчилар ва ҳоказо), савдо бўлимидаги ходимлар ва меҳнатга ҳақ тўлаш, савдо меъёрлари ва ҳисоботлар каби маслалар ҳам таҳлил қилиниши керак бўлади.

27. Шуни ҳам таъкидлаш лозимки, савдо бўлимини мувофиқлаштирувчи ходимнинг иши корхона маркетинги учун жавоб берувчи ходимнинг иши билан чамбарчас боғлиқдир. Маркетинг хизмати фаолиятини баҳолашдаги асосий йўналишлар қуйидагилардан иборат: реклама ва жамоатчилик билан алоқалар ва маркетинг сўровномаларини ўтказиш.

28. Маркетинг тадқиқотларини доимий равишда ўтказиб бориш раҳбарият учун ўзаро муносабатларнинг тўлиқ кўринишини ифодалашда ва шундай экан, узоқни кўзловчи ҳамда асосланган қарорларни қабул қилишга ёрдам беради. Шундай қилиб, инқирозга қарши бошқарув технологияси аниқ вазиятни ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилиши лозим. Маълум даражада у бошқарув санъатининг маҳсулоти ва унинг муваффақиятини ҳал қилувчи омил бўлиб ҳисобланади.

I БОБ. ИНВЕСТИЦИЯЛАРНИ БОШҚАРИШ

2.1. «Инвестиция» тушунчаси, унинг турланиши ва иқтисодиётда тутган ўрни

Ўзбекистон Республикаси бозор иқтисодиётини шакллантириш томон йўл тутиб муқаррар тарзда, қадамба-қадам жаҳон хўжалик алоқаларини тобора мустаҳкамлаб бормоқда. Бу умумжаҳон жараёнлари, шунингдек, мамлакатимизнинг сармоя соҳасидаги сиёсатининг шаклланишига таъсир кўрсатадиган ҳолатларни ҳар томонлама ҳисобга олишни талаб қилади

Ижтимоий йўналтирилган барқарор бозор иқтисодиётини вужудга келтириш билан бирга аниқ иқтисодиётимиз пойдеворини яратиш ва бутун ташқи иқтисодий фаолиятни чуқур ислоҳ қилиш давлат иқтисодий сиёсатининг энг муҳим йўналишларидан биридир. Ташқи иқтисодий фаолиятни ривожлантиришда ва умуман мамлакат иқтисодиётини тубдан янгилаш ва уни ривожлантиришда ва умуман асосий устувор йўналиш хорижий сармояларни кенг жалб этиш учун қулай шарт-шароитлар яратиш ҳисобланади. Ана шу жиҳатдан мамлакат иқтисодини ислоҳ қилиш ва уни мумкин қадар тезроқ ривожлантиришга бош ислоҳотчилик вазифасини зиммасига олган давлат ва барча ислоҳотларнинг бош ташкилотчиси Президент И.А.Каримов алоҳида эътибор билан қарайди.

Жумладан, «Ташқи савдо, иқтисодий, илмий ва маданий алоқаларда хорижий сармояларни, асосан бевосита капитал маблағлар тарзидаги сармояларни республика иқтисодиётига кенг кўламда жалб этиш учун зарур ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий ҳамда бошқа шарт-шароитларни вужудга келтириш, қўшма корхоналар ташкил қилишда кўмаклашиш, шунингдек, сармоядорларнинг манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлаш устивор йўналишлардан бири ҳисобланади»[1] – деган эди Президент И.А.Каримов.

Ўзбекистоннинг жаҳондаги кўплаб мамлакатлар билан ташқи иқтисодий алоқалари тобора нуфузли ва ишончли шерик, дунёдаги хўжалик муносабатлари тизимида фаол қатнашчига айланмоқда.

Инвестиция тушунчаси лотинча investio – сармоя киритиш сўзидан олинган бўлиб, пировард натижада капитални кўпайтириш мақсадида халқ хўжалигининг қайта ишлаб чиқариш асосий фондларига сарфланган моддий, мехнат ва пул ресурсларига кетган барча харажатларни англатади.

Ушбу изланишга оид адабиётларда "хориж инвестициялари" тушунчасининг мазмун-моҳияти хусусияда турли фикр-мулоҳазаларга дуч келиш мумкин. Хориждан олинадиган тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларини қандай талқин этиш ҳақидаги мунозаралар эса айниқса кескин кечмоқда.

[1]Каримов И.А. « Ўзбекистон – бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли».Т.:«Ўзбекистон» 1993. 97 бет

Бунда зиддиятли ҳолатни келтириб чиқараётган асосий муаммолардан бири шуки, "хориж инвестициялари" деган тушунчанинг мазмуни ҳамма томонидан бир хил англанмайди. Хориж инвестициялари ҳақида сўз кетганда, сармоя ажратаётган алоҳида жисмоний шахсми ёки конкрет фирманинг акцияларига эга бўлган юридик шахс

Ҳуқуқшуносликка оид адабиётларда учрайдиган "хориж инвестициялари" тушунчасининг мазмун-моҳиятини талқин этиш чоғида фуқаролик ҳуқуқларига эга бўлган объектларнинг тартибини белги лаш принципи (тамойили)га таяниб иш кўрмоқда. Хориж сармоялари ҳақида фикр юритар эканмиз, асосан моддий ва номоддий асосга эга бўлган хорижий мол-мулк эгасининг ўз капиталини ўзга мамлакатларга сафарбар қилиши назарда тутилади. Бунда мулкдор ўз капиталининг сарфланиши жараёни устидан тўлиқ ёки қисман назорат ўрнатиш ҳуқуқи алоҳида белгилаб қўйилади.[1]

"Хориж инвестициялари" тушунчасини мазкур тарзда талқин этиш борасидаги ёндашув XX асрнинг 70-80 йилларидаги қонунчилик амалиётининг натижасидир. Бу тушунчанинг мазмун-моҳиятини белгилашда Умумий бозор ташкилотчиларининг ягона типдаги инвестицион кодексида белгилаб қўйилган принципдан келиб чиққан. Бу талқинга кўра, чет эл инвестициялари деганда, пул кўринишига эга бўлган капитални, шунингдек, саноат корхонасини барпо этиш ва ишлаб чиқариш жараёнини йўлга қўйиш учун зарур турли хил асбоб-ускуналар, жиҳозларни бир мамлакатдан бошқа бир мамлакатга олиб кириш ҳамда ана шу фаолият асосида олинган фойдаларни (шу жумладан, даставвал сарфланган сармояни ҳам) қайтадан хорижга кўчириш ҳуқуқи назарда тутилади.

Юқорида келтирилган Кодекс хориж сармоядорларининг турли хил илмий кашфиётларга, ноу-хау, товар белгиларига эгалик қилишга нисбатан алоҳида ҳақ-ҳуқуқини ва шу ҳуқуқ билан бевосита ёки билвосита боглиқ бошқа хилдаги ҳуқуқий муносабатларни ҳам тартибга солади.

Илм-фан соҳасида "хориж инвестициялари" тушунчасининг турлича талқин этилиши маълум. Масалан, "Россия Федерациясининг чет эл инвестициялари ҳақида"ги Қонуннинг 2-бандида келтирилишича (09.07.1999 й.), хориж инвестицияси деганда, мазкур мамлакат ҳудудида фуқаролик ҳақ-ҳуқуқлари мажмуининг объекти сифатида белгиланиши мумкин бўлган тадбиркорлик фаолиятининг у ёки бу турига сарфланган сармоялар тушунилади.

Бунда хориж сармоядорларига нисбатан бир қатор қонуний чеклашлар татбиқ этилади, хусусан, сармоячи танлаган иқтисодий фаолият тури Россия Федерацияси ҳудудида қонуний асосда ман этилмаган бўлиши лозим. Кўриниб

[1]Юридическая информационная система "Эталон". Версия от 2000 г.

турганидек, "хориж инвестициялари" тушунчасига берилган талқинларнинг ўхшаш жиҳатлари йўқ эмас.

Инглиз тилида "инвестициялар" тушунчасининг мазмун-моҳиятини "капитал маблағларни иқтисодий аҳамиятга молик бирон-бир объектга жойлаштирилиши" деб талқин этиш мумкин. Демак, бу икки тушунча мазмунан синоним сўзлар сифатида эътироф этилиши ўринлидир.

Иқтисодий ва ҳуқуқий мазмундаги адабиётларда "инвестициялар" тушунчасининг мазмун-моҳиятига берилган ўзгача таърифлар ҳам мавжуд. Масалан, "инвестициялаш — инвестицион неъматлардан мақсадли фойдаланиш воситасида бугунги кунда ҳис этилаётган муайян эҳтиёжларни қондириш имкониятларини келажакда пайдо бўлиши мумкин бўлган шу каби имкониятларга алмаштириш жараёнидир"[1] ёки "инвестиция (капитал) – муайян ишлаб чиқариш даврида жамланган аммо ҳали сарфланмаган сармояларни маълум вақт ўтказиб қайтадан ишлаб чиқариш жараёнига киритилишидир".[2] Инвестициялар (капитал жойлаштирилиши) – пировард натижада фойда олиш мақсадини кўзлаб, мамлакат ичкарисида ёки хорижда иқтисодий соҳанинг турли тармоқларига сармоя жойлаштирилиши.[3]

Инвестициялаш — шахсий молиявий, моддий ёки интеллектуал неъматларни қонуний жиҳатдан таъқиқланмаган ҳар қандай тадбиркорлик объектига сафарбар қилиниши. Инвестициялаш субъекти сифатида мулкчилик шаклидан қатъий назар, иқтисодий ёки ижтимоий самарадорликни кўзловчи ҳар қандай жисмоний, юридик шахс ёхуд давлат қатнашиши мумкин.

Ҳуқуқий масалаларга бағишланган адабиётларда, турли хил давлатларнинг қонунчилик амалиётида, айниқса халқаро иқтисодий муносабатлар соҳасида инвестициялар тушунчасига турлича таъриф берилишига гувоҳ бўламиз. Энди бевосита уларнинг шарҳига ўтамиз.

Шундай қилиб, "инвестиция" тушунчаси (инглизча in vest – "нимчага...") ўз маъносига кўра юридик ёки жисмоний шахслар томонидан иқтисодий ёки ижтимоий самарадорликни кўзлаб, шахсий мол-мулкни, асосан бўш пул маблағларини, биронта объектга жойлаштирилишини ифода этади. Инвестициялаш молиявий соҳада амалга оширилганида бўш пул маблағлари қимматли қоғозларга жойлаштирилади. Акс ҳолда, инвестициялар иқтисодий таваккалчилик асосида бирон-бир тадбиркорлик режасини амалга ошириш учун йўналтирилиши мумкин. Одатда, иқтисодий таваккалчилик омилининг мавжудлиги инвестициялаш тушунчасининг кўпинча хусусий секторга нисбатан қўлланилишидан дарак беради.

---

[1] Массе П. Критерии и методы оптимального определения капиталовложений. –М., 1971. С.27.

[2] Евтеева М.С. Международные двусторонние инвестиционные соглашение. //Международная отношения. 2002. С.35.

[3] Хайдаров Н.Х. Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида корхоналар инвестицион фаолиятидаги молия-солиқ муносабатларини такомиллаштириш масалалари (хорижий инвестицияли корхоналар мисолида). /Иқтисод фанлари доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган дивветация автореферати. –Т.. 2003. 14-бет.

"Инвестициялаш" тушунчаси "капиталлар бозори", "қимматли қоғозлар бозори" каби иқтисодий тушунчалар билан узвий боғлиқликда ишлатилади. Бозор иқтисодиётига асосланган давлат тузилмасида давлатнинг иқтисодий соҳага аралашуви ғайриоддий ҳол ҳисобланади. Давлатнинг ижтимоий-ҳуқуқий муносабатлар соҳасида иштироки кузатилса. Масалан, давлат займи муомалага чиқарилса, давлат ҳам бозор принципларининг талабига мувофиқ иш тутишга мажбур бўлади.[1]

Инвестициялаш (лотинча investire – ясантирмоқ, ўрамоқ, кийдирмоқ) инглизча investment – қўшимча даромад олиш, ўз таъсирини (нуфузини) ошириш мақсадида ёхуд шахсан бизнес билан шуғулланишдан кўра бўш пул маблағларини амалдаги жорий операцияларга жойлаштиришдан кўпроқ иқтисодий самара олиниши туфайли, шахсий сармояларини узоқ муддатга (камида бир йилга) мустақил ҳуқуқий мақомга эга бўлган корхоналар фаолиятига сафарбар этилиши. Инвестициялаш асосан қимматли қоғозларни харид қилиб олиш йўли билан амалга оширилади...".[2]

1947 йилда АҚШда иккинчи марта нашр этилган Ф.Хениуснинг "Ташқи савдо муносабатлари луғати"да чет эл инвестицияларига қуйидагича таъриф берилган: "Чет эл инвестициялари деганда, бир мамлакатдан бошқа бир мамлакат ҳудудида жойлашган объектларга бўш сармояларнинг сафарбар (экспорт) этилиши тушунилади".[3]

"Хорижий инвестициялар" тушунчаси билан турли хил шаклдаги хорижий сармояларни бир мамлакат ҳудудидан бошқа бир мамлакат ҳудудига кўчириб биронта тадбирга сарфланиши ифодаланади.[4]

"Инвестициялар" тушунчаси жуда кенг маъноли бўлиб, мазмунан у турлича шакл-тамойилга эга бўлшган мулкий қадриятларни ва улар билан боғлиқ ҳуқуқий муносабатларни, шунингдек, технологиялар, ноухаулар, патентлар, лицензиялар, фирманинг рамзий белгилари ва ҳоказоларни қамраб олади. Бундан ташқари, мазкур тушунча интеллектуал мулк ва турли хил битимларнинг қийматини ҳам ифода этади.[5]

Ўта кенг маънода талқин қилинса, "инвестициялаш" тушунчаси рамзий маънода қуйидагини англатади: "маълум миқдордаги маблағлардан келгусида кўпроқ фойда олиш илинжида ажралмоқ". Одатда, инвестициялаш жараёни билан икки хил омил чамбарчас боғлиқ бўлади: буларнинг бири вақт бўлса, иккинчиси таваккалчиликдир. Шунга кўра, муайян миқдордаги мавжуд молиявий ресурсларни аниқ бир вақт давомида сарфлашга тўгри келади. Ҳолбуки,

---

[1]Доронина Н. Комментарий к Закону об иностранных инвестициях. //Право и экономика, 2000. №4. С.64-65.
[2]Язык бизнеса. Термины. –Т.: Шарк, 1995. С.171.
[3]Dictionary of Foreign Trade, by F.Henus Sec. Ed. N4. 1947. P.387.
[4]См.: Богатырёв А.Г. Инвестиционное право. –М.: Росс.право, 1992. С.8-13.
[5]Саидов А.Х. Инвестиционное право Республики Узбекистан. //Тезисы международного семинара "Инвестиционное право и политика в Азиатско-Тихоокеанском регионе". –Т., 1992. С.19.

кутилган натижа ва ўз-ўзидан маълумки, қўшимча даромад анча кейин "қўлга киритилади". Бундан ташқари, иқтисодий таваккалчилик омилининг таъсирини эътиборга оладиган бўлсак, фойда умуман олинмаслиги мумкинлигини ҳам унутмаслик лозим бўлади".[1]

Инвестициялар — мавжуд ишлаб чиқариш тармоқларини модернизациялаш, янги бизнес режаларини рўёбга ошириш, янги турдаги техника ва технологияларни ўзлаштириш, ишлаб чиқарилаётган тайёр маҳсулот (хизматлар) нинг сифатини ва кўламини ошириш асосида қўшимча фойда олишни кўзлаб узоқ муддатли сармоялар сарфланишидир.[2]

Ўзбекистон Республикасининг 30 апрель 1998 йилдаги "Чет эл инвестициялари ҳақида"ги Қонуннинг 3-моддасида таъкидланишича,[3] "Ўзбекистон Республикаси ҳудудида чет эллик юридик (жисмоний) шахслар томонидан таркиб топтирилган жамики моддий ва номоддий неъматлар, шу жумладан, интеллектуал мулк ва улардан фойдаланиш ҳуқуқи, амалдаги қонунчилик хорижий инвесторлар томонидан маҳаллий иқтисодиётга киритилган сармоялардан тадбиркорлик фаолиятининг пировард натижасида олинадиган фойда чет эл инвестициялари сифатида эътироф этилади.

Мазкур қонунга биноан чет эллик инвесторлар томонидан мамлакатимиз ҳудудидаги тадбиркорлик фаолиятини янада ривожлантириш мақсадида реинвестицияланадиган даромад турли хил шаклларда ифодаланиши мумкин, масалан, соф фойда, фоизлар, дивиденд, роялти, лицензион ва комиссион мукофотлар, техник ёрдам ва хизмат учун олинадиган тўловлар ва ҳоказо".

Биз юқорида таъкидлаган мазмундаги юридик таърифлар асосий қонунга киритиладиган тузатишлар ва шарҳлар баёнига бағишланган норматив ҳужжатларда ҳам ўз аксини топган. Хусусан, «Чет эл инвестициялари ва чет эл инвесторларининг фаолиятини кафолатлаш ҳақида"ги норматив ҳужжатда эътироф этилишича, мамлакатимиз ҳудудида чет эл фуқаролари бўлган юридик ҳам жисмоний шахслар томонидан миллий иқтисодиётга сафарбар этилган ҳар қандай капитал, тадбиркорлик фаолиятининг пировард натижасида олинадиган ҳар қандай даромад чет эл инвестициялари ҳисобланади.

Ўзбекистон миллий ҳисоб тизимида инвестиция фақат моддий харажатларни ўз ичига олади. Лекин унинг асосини ташкил этувчи интеллектуал билимни оширишга, таълимга ва тадқиқотларга сарфланган харажатлар ҳисобга олинмайди. Бундай фақат моддий харажатларни ўз ичига олувчи ёндошув усули ҳақиқий инвестиция ҳажмини кўрсатиб бера олмайди.

Шундай қилиб, инвестиция деганда жамиятни реал маблағларини оширишга қаратилган, ишлаб чиқаришни замонавийлаштириш ва ишлаб чиқариш

[1]Sharpe William F., Alexander Gordon J., Bailey Jeffery V. Investments. Fifth edition. -Prentice Hall International, Inc. 1998. P.1.
[2]Махмудов Э. Инвестиционная стратегия и экономический рост // *Деловой партнёр Узбекистана. 10 августа 2000 г.*
[3]Ведомости Олий Мажлиса Республики Узбекистан, 1998. №5-6. С.91.

ҳажмини оширишга қаратилган барча умумиқтисодий ресурслар тушунилади. Бу янги технология яратиш, янги бинолар, йўллар, кўприклар ва бошқа муҳандислик иншоотларни қуришга, янгилашга кетган барча харажатларни ўз ичига олади. Бу ерга таълим, илмий-тадқиқот ва кадрлар тайёрлашга кетадиган харажатларни ҳам киритиш лозим. Иқтисодий ривожланишнинг ҳозирги босқичида ўзига хос ўринга эга бўлган «инсон омилига инвестиция», пировардида инсон фаолиятининг натижаси ўлароқ янги бино, иншоот, технология, ускуналар ўзлаштирилишига ва энг муҳими замонавий иқтисодий ривожланишнинг асосий омили бўлган интеллектуал маҳсулот яратилишига туртки бўлади. Зеро, интеллектуал маҳсулот давлатнинг иқтисодий ва сиёсий аҳволини яхшиланишига катта таъсир кўрсатади.

Мамлакатдаги сиёсий, макроиқтисодий барқарорлик, солиққа тортишдаги имтиёзлар, хусусий мулк ва чет эл сармоясига жамоатчиликнинг ижобий муносабати ҳамда мафкуравий бирдамликнинг мавжудлиги инвестиция муҳитининг ижобийлигидан далолат беради. Бу эса хорижий инвестицияларни миллий иқтисодиётга жалб қилиш имкониятини кенгайтиради.

Шунга кўра, бозор иқтисодиётига ўтишнинг дастлабки босқичида инвестициялар оқими, энг аввало, иқтисодиётнинг шундай соҳаларига йўналтирилиши лозимки, унинг ривожланиши қолган соҳаларга ижобий таъсир ўтказиши керак. Демак, бозор иқтисодиёти муносабатларининг шаклланишида инвестиция киритишнинг асосий вазифаси хўжалик юритувчи субъектларнинг ва жисмоний шахсларнинг тўпланган ҳамда вақтинча бўш турган маблағларини иқтисодиётни турли соҳаларини ривожлантириш учун мақсадли йўналтириш ҳисобланади. Бунинг учун инвестиция маблагларини марказлаштирилган ҳамда бошқа нодавлат йўлларини ташкил этиш ва уни бошқариш тизими механизмини ишлаб чиқиш лозим деб ҳисоблаймиз.

Инвестициялар тизими бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида қуйидагиларни ўз ичига қамраб олади:

- инвестор ва инвестиция олувчилар ўзаро ҳамкорлик шарти билан молиявий ва иқтисодий алоқалар олиб борадилар;

- инвесторлар қўйган капитал маблағларига тўланадиган фоизлар, ўзаро келишилган ҳолда белгиланади ва бу фоизлар доимий равишда инвестицияларга бўлган талаб ва таклиф асосида белгиланади;

- инвестициялашнинг марказлашишидан холис бўлиб, инвесторлар ўртасида ҳамда инвесторлар билан инвестиция олувчилар ўртасида инвестициялар бозоридаги рақобат асосида амалга оширилади.

Диссертацияда инвестиция ҳажми эҳтиёждан ортиқ маблағларга боғлиқлиги асосланган ва унинг манбалари ўрганилган. Бу борада, муаллиф томонидан тузилган 1-чизмага қаранг.

1-чизма. Инвестицияни шаклланиш манбалари



Ҳозирги иқтисодий шароитда аҳолининг бўш пул маблағларини асосий ички сармояларга айлантириш учун уларнинг қўлидаги қимматли қоғозлар ҳамда банклардаги омонат пуллар учун кафолатлар ва тўланадиган фоиз ставкаларини инфляция даражасига қараб ошириш, шунингдек, маълум иқтисодий имтиёзлар бериш лозим деб ҳисоблаймиз.

Бизнинг тадқиқотларимиз тижорат банклари фонд бозорида фаол роль ўйнай бошлаганлигини кўрсатмоқда, чунки уларнинг чиқарган акциялари ҳиссасига фонд бозорининг 75 фоизга яқин ресурслари тўғри келади.

Ўзбекистонда иқтисодиётга инвестиция киритувчи энг йирик иштирокчилар орасида Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки, Ғаллабанк, Туронбанк,

Саноатқурилиш банки ва бошқалар ўзларининг фаоллиги билан ажралиб туради.

Инвестиция хизматларини ташкил этиш ва сотишдаги энг муҳим муаммо инвестиция бозорини ўрганиш масаласидир. Ҳар қандай инвестиция бозорини барқарор амал қилиши учун муайян шартлар зарур. Бу шартлардан энг муҳимлари қуйидагилардан иборат:

- инвестиция берувчи ва олувчи кўринишида иккита манфаатдор томоннинг мавжудлиги. Бу ҳолатда ивестиция берувчилар молия муассасалари, олувчилар эса инвестициялаштирувчи юридик ва жисмоний шахслар ҳисобланади;
- молия тизими тадбиркорларга инвестиция хизматлари мажмуини кўрсатишга лаёқатли бўлиши керак;
- инвестиция олувчилар инвесторларга инвестиция лойиҳалари, уларга қўйилган талаблар тўғрисида тўла ахборот беришлари лозим. Бу уларга инвестиция бозори талабларини ўрганиш ва шулар асосида инвестиция лойиҳасини ишлаб чиқиш имконини беради.

Инвестиция бозори мижозларини қуйидаги гуруҳларга бўлиш мумкин: юридик шахслар, жисмоний шахслар, институционал бозорга кирувчи ваколатли банклар, ҳукумат ва маҳаллий бошқарув идоралари.

Бозор иқтисодиётида инвестиция бозорини янада ривожланишининг муҳим йўналишларидан бири ушбу бозорни тадқиқ этишнинг маркетинг дастури ва унинг асосий режаларини ишлаб чиқиш ва унга риоя қилиш зарур.

Бу режалар қуйидагилардан иборат бўлиши керак: банкнинг ҳозирги ҳолатини баҳолаш, инвестиция бозорининг асосий йўналишини белгиловчи омилларни аниқлаш, ундаги шарт-шароитларнинг ўзгаришини аниқлаш. Инвестиция бозорининг асосий йўналишларини режалаштириш босқичлари 2-чизмада акс эттирилган.

2-чизма. Инвестиция бозорининг асосий йўналишларини режалаштириш босқичлари



Тадқиқот жараёнида бўш турган пул маблағлари инвестициялар бозорига ҳал қилувчи таъсир ўтказади ва оқим манбаларига қараб уларни бешга бўлиш мумкин. Биринчи соҳа банкнинг бошқа корхона ва ташкилотлар олдидаги депозит омонатлари, сертификатлари ва бошқа муддатли мажбуриятларидан иборат. Иккинчи соҳада корхона ва ташкилотларнинг пул маблаглари айланади, улар талаб қилиб олингунга қадар катта қолдиқларни сақлайди.

Учинчи соҳада аҳолининг бўш турган пул маблағлари билан операциялар амалга оширилади ва инвестицияга айлантириладиган пул манбаларининг асосий қисми шу соҳадан олинади. Тўртинчи соҳада эса бошқа банк муассасаларининг кредит ресурслари асосий инвестиция манбағлари бўлиб хиз-

мат қилади. Бешинчи соҳада банклар томонидан тўлов ҳисобига инкассация қилинган нақд пуллардан фойдаланилади.

Юқорида санаб ўтилган соҳаларда самарали иш олиб бориш учун маркетингни йўлга қўйиш ва амалга ошириш жараёнида қуйидаги вазифаларни ҳал этиш зарурдир:

- инвестициялар бозоридаги талабларни ва унинг айрим қисмларини таҳлил қилиш;
- инвестициялар бозорида фоиз сиёсатини ҳамда унинг мамлакат иқтисодиёти, корхона ва аҳоли жамғармаларини жалб этишга таъсирини ўрганиш;
- банкларнинг пассивларини ва активларини кенгайтириш;
- инвестициялар бозорида мижозларга хизмат кўрсатиш жараёнларини такомиллаштириш;
- инвестициялар бозорига мослаштирилган маркетинг стратегиясини ишлаб чиқиш ва уни режалаштириш;

Инвестициялар бозорини ривожлантиришда молиявий режалаштириш ва истиқболни аниқлаш ҳам катта аҳамиятга эга.

Инвестициялар бозорини бошқаришни такомиллаштириш унинг фаолияти самарадорлигини оширишнинг муҳим шартларидан биридир. Бошқариш хусусияти қўйилган вазифаларнинг мазмуни билан белгиланади. Улардан асосийлари бизнингча қуйидагилардан иборат:

- пул бозори доирасида бир маромда ишлаш учун зарур шароитлар яратиш;
- инвестиция бозорининг барқарорлигига эришиш мақсадида мижозларнинг кўрсатиладиган хизматларга бўлган эҳтиёжларини тўлароқ саноатлантириш;
- инвестиция бозорининг ишончлилик кафолати, унинг қатнашчилари, кредитор ва омонатчилари манфаатларига риоя этиш. Ўтказилган тадқиқотлар натижалари шуни кўрсатадики, инвестициялар бозорини бошқаришнинг асосий мақсади: миқдор, сифат ва ижтимоий кўрсаткичларни бажаришни таъминлашдир.

Шу сабабли бизнинг фикримизча, республикамизда қуйидаги йўналишлар бўйича олиб бориладиган ишларни кучайтириш зарур:

• талаб юқори бўлган рақобатбардошли маҳсулотларни ишлаб чиқариш орқали республиканинг ишлаб чиқариш ихтисослашувини чуқурлаштириш;

• маҳаллий ва четдан келтириладиган хом ашёни қайта ишлашни ташкил этиш билан республика халқ хўжалиги мажмуининг тармоқ ва ҳудудий таркибий тузилишини такомиллаштириш, табиий-иқтисодий ресурслар, тупроқ иқлимий салоҳиятидан комплекс фойдаланишни таъминлашда илмий салоҳиятни фаоллаштириш;

• юқори меҳнат унумдорлигига эга бўлган янги хорижий техника ва технологияларни жалб этган иқтисодий регионлар хом ашё базасини эътиборга олиш асосида кичик ва ўрта корхоналарни ташкил этиш, маҳсулот ишлаб чиқариш маданиятини ошириш;

• ўзаро фойдали бўлган ташқи иқтисодий ва молиявий алоқаларни кенгайтириш, айни пайтда давлат кафолатини талаб этувчи хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар тўғридан-тўғри инвестициялар ҳисобига амалга оширишни ҳамда юқори меҳнат унумдорлигига эга бўлган кичик ва ўрта бизнес тармоқларини кенгайтириш лозимдир;

• ташқи иқтисодий фаолиятни ахборот таъминотини такомиллаштириш ва унинг таркибий тузилишини жадал ривожлантириш.

Бозор имкониятларини тадқиқ этишни чуқурлаштириш уни истеъмолчилар гуруҳ ва кўрсатиладиган хизматларнинг истеъмол хусусиятларга қараб қисмларга ажратиш зарурлигини кўзда тутади, бу эса кенг маънода бозорни табақалаштириш тушунчасини белгилайди.

Ишлаб чиқариш фаолиятига киритиладиган инвестиция бир неча турларга бўлинади:

1.Молиялаштириш объектига кўра инвестициялар ҳақиқий ва молиявий инвестицияларга ажратилади. Ҳақиқий инвестициялар қаторига моддий ва номоддий ишлаб чиқариш тармоқларига қўйилган маблағлар киради. Молиявий инвестициялар деганда асосий ўринни қимматбаҳо қоғозлар эгалловчи молиявий активларга қўйилган пул маблағлари тушунилади.

2.Инвестиция қилиш жараёнида иштирок этиш тавсифига кўра бевосита ва билвосита инвестиция турлари мавжуд. Бевосита инвестиция киритиш бу инвестор томонидан маълум бир объектга воситачилар иштирокисиз пул маблағларини жойлаштириш усулидир. Бу усулда инвесторлар ўзлари сотиб олаётган корхона ҳақида барча маълумотларга эга бўладилар. Билвосита инвестициялар — бу инвестор томонидан маълум бир объектга молиявий воситачилар орқали пул маблагларини жойлаштириш усулидир.

3.Инвестициялар инвестиция қилиш муддатига кўра қисқа ва узоқ муддатли турларга бўлинади. Қисқа муддатли инвестициялар деб бу бир йиллик муддатгача киритилган инвестицияларга айтилади. Узоқ муддатли инвестициялар деб бир йилдан ортиқ муддатга киритилган инвестицияларга айтилади.

4.Инвестиция киритиш жараёнида қатнашувчи инвесторларнинг мулкчилик шаклига кўра хусусий, давлат, хорижий ва умумий турларга бўлинади. Жисмоний ва юридик шахсларнинг ўз маблағлари ҳисобига амалга оширган инвестициялари хусусий инвестициялар дейилади. Давлат, маҳаллий ҳокимият органлари, бюджетдан ташкари жамғармалар ва давлат унитар корхоналари томонидан иқтисодиётга йўналтирилган инвестициялар давлат

инвестициялари дейилади. Хорижий давлат ёки хорижий юридик шахслар томонидан амалга оширилган инвестициялар эса хорижий инвестициялар дейилади. Маълум бир давлат ёки хорижий давлат субъектлари томонидан сарфланган сармоялар умуминвестициялар дейилади.

5.Сармояларни инвестиция қилиш ҳудудий чегараланишига кўра маҳаллий ва хорижий турларга бўлинади. Маҳаллий инвестициялар деганда маълум бир давлат ҳудудидаги хўжалик юритувчи субъектларга ушбу давлат ҳудудида жойлашган хўжалик юритувчи субъектлар томонидан йўналтирилган инвестициялар тушунилади. Хорижий инвестицияларга бирор бир мамлакат ҳудудидаги хўжалик юритувчи субъектларга бошқа бир давлатда рўйхатдан ўтган хўжалик юритувчи субъектлар томонидан йўналтирилган инвестициялар тушунилади.

Қайта ишлаб чиқариш тизимида инвестиция ишлаб чиқариш ресурсларидан самарали фойдаланиш ва умумиқтисодий ўсишни таъминлашда муҳим ўрин эгаллайди. Агар умумий қайта ишлаб чиқаришни бир ишлаб чиқариш тизими сифатида оладиган бўлсак, инвестиция нафақат унинг тақсимланишида, айрибошланишида ва истеъмол қилинишида асосий ўринни эгаллайди, балки унинг моддий асосини ташкил қилади.

Жаҳон хўжалигига интеграциялашув жараёнининг ривожланишининг ҳозирги босқичида инвестицион фаолликни ошириш ва иқтисодий ўсишни тезлаштириш нафақат ривожланаётган, балки ривожланган давлатларда ҳам ўз иқтисодиётига кириб келаётган хорижий инвестициялар қўллаб-қувватлаш ҳисобига амалга оширилади. Бир қатор давлатлар ўзларининг иқтисодий ўсиш стратегияларида бир қатор ўзгартиришлар амалга оширишди. Улар ўз олдиларига иқтисодиётни эркинлаштириш ва жаҳон хўжалигига интеграциялашув каби тамойилларни мақсад қилиб қўйишди.

2.2. Хорижий инвестициялар иқтисодий ўсишнинг асосий омили сифатида ва уларнинг шакллари

Ўзбекистон иқтисодиётига хориж инвестицияларини жалб этиш ва хориж инвестиция ҳуқуқларини кафолатлаш, уларга қулай шарт- шароитларни, ишлаб чиқариш имконияти берилганлигини мамлакат иқтисодий тараққиётини бир жиҳатдан тезлаштирмоқда, иккинчи жиҳатдан давлатнинг молия сиёсати, ишлаб чиқариш сиёсати, хусусан инвестиция сиёсати нақадар асосли, ҳаётий ва амалиётга яқин эканлигини кўрсатади. Шунинг учун ҳам, айни пайтда Ўзбекистон жаҳоннинг элликка яқин мамлакати билан савдо-иқтисодий ҳамкорликда қулай шарт-шароит яратиб бериш тўғрисида битим имзолангани

АҚШ, Япония, Исроил каби бир қанча мамлакатларда қатор конференция ва бизнес семинарлар ташкил этилганлиги яққол мисол бўла олади.

Халқаро Валюта Фонди, Жаҳон Банки, Халқаро Молия Корпорацияси, Европада хавфсизлик бўйича комиссия, Осиё Банки каби бир неча халқаро молия ташкилотлари билан ҳамкорлик тобора мустаҳкамланмоқда.

Ўзбекистон бутун Марказий Осиё минтақасида барқарор давлат бўлиб қолаётгани ҳам сармоя бозорларининг кенгайишига ва кириб келишига имкониятларни кенгайтиради. Ўзбекистон МДҲ доирасига кирган давлатлар сингари жаҳон иқтисодий маконига қатор ўн йилликлар давомида мавжуд бўлган, тараққиётга заиф муносабатда бўлган совет иқтисодий тизими таъсирида яратилган технологик қолоқликни бартараф этиш билан кириб бормоқда. Бу ҳолат нафақат шунчаки сармоялар, балки илғор технологик даражага чиқишни таъминлайдиган сармоялар муҳимлиги ҳақидаги масалани кун тартибига қўйди. Бу ерда ҳамма гап капитал маблагларнинг миқдорий ифодаланишида эмас, балки замонавий ишлаб чиқариш технологияларига объектив йўл очишдадир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида"[1] китобида таъкидлаганидек, "Иқтисодиётни таркибий қайта қуришни амалга ошириш фаол сармоядорлик сиёсатини фаол юргизиш билан чамбарчас боғлиқдир. Сармоя базасини ривожлантириш ва чуқурлаштириш — ислоҳотлар стратегиясининг энг муҳим шартидир. Иқтисодиётни таркибий қайта қуришнинг, экспорт салоҳиятини кенгайтиришнинг кўрсатилган йўналишлари фақат кучли сармоя сиёсати юргизилган тақдирдагина ҳаётга тадбиқ қилинади. Ихтиёрий мамлакатда мавжуд бўлган сармоя муҳити хорижий сармоядорлар учун жалб қилинишининг муҳим омили ҳисобланади. Чунки фақат угина сармоянинг қай даражада эканлиги ҳақидаги талабга жавоб беради. Унинг шаклланиши Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётга хорижий сармоя, замонавий технология ва бошка ўқув тажрибасини жалб қилишнинг шарти ҳисобланади.

Жаҳон тажрибаси шуни кўрсатадики, ҳеч қайси давлат жаҳон иқтисодиётидан айри ҳолда, хорижий сармояларсиз иқтисодий тараққиётга эришиши мумкин эмас. Ривожланган давлатларнинг тараққиёт тарихи хорижий инвестицияларнинг иқтисодиётни қайта қуриш, модернизациялаш ва юксалтиришдаги ўрни ниҳоятда катта эканлигини кўрсатади.

Ҳозирги пайтда дунёда иқтисодиётни қайта куриш ва жадал ривожлантириш учун хорижий инвестициялардан фойдаланиш кенг тус олди. Жаҳон тажрибасидан келиб чиқиб, юртбошимиз И.А.Каримов «биз тезрок ўсмоқчи бўлсак, иқтисодиётимизни жаҳон иқтисодига тенг қилмокчи бўлсак, аввалам­бор, саноатни, иқтисодни ривожлантирмокчи бўлсак, Голландия, Германия,

[1]Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида. Т.:«Ўзбекистон», 1995. 269 б.

Хитой ва Япония технологияларини олиб келиб, қишлоқ хўжалигини кўтармоқчи бўлсак, бизга сармоя, сармоя, яна бир бор сармоя керак. Яъни хорижий инвестициялар керак»[1] – деган эди. Иқтисодиётни молиялаштиришда хорижий инвестицияларнинг аҳамияти шундаки, улар давлатга кўп томонлама самара беради. Жумладан:

Биринчидан, давлатнинг ишлаб чиқаришга ёки бирор соҳага ажратилган харажатлари;

Иккинчидан, экспорт салоҳияти, ишлаб чиқариш ёки хизмат соҳаси ривожланади;

Учинчидан, аҳолининг иш билан бандлик даражаси ўсади;

Тўртинчидан, давлат бюджетига қўшма корхоналардан солиқлар тушумлари кўпаяди;

Бешинчидан, давлатларнинг жаҳон иқтисодиётига интеграциялашуви жадаллашади.

«Ўзбекистон хорижий инвестицияларни жалб этмай, айниқса, етакчи тармоқларда чет эл сармояси иштирокини кенгайтирмай туриб, иқтисодий тизимда таркибий ўзгаришларни амалга ошириш ва модернизациялаш, корхоналаримизни замонавий техника билан қайта жиҳозлаш ҳамда рақобатга бардошли маҳсулот ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш мумкин эмас»[2] , - деган эди Президент И.А.Каримов.

Ўзбекистон инвестицион муҳитининг негизида қуйидаги асосий омиллар ётади:

- сиёсий барқарорлик. Маълумки, ҳозирги пайтда Ўзбекистон Марказий Осиёдаги энг барқарор давлатдир. Бу омил инвесторларнинг узоқ муддатли инвестиция режаларини амалга оширишларига имкон яратади;

- бой табиий захиралар. Жаҳон харитасида Ўзбекистон заминида мавжуд бўлган бойликларга эга давлатлар кўп эмас. Бу бойликларнинг кўпчилиги ҳали ишга солинмаган, бу эса дунёдаги машҳур чет эл компанияларининг эътиборини жалб этиши аниқ;

- ҳуқуқий кафолатланганлик. Ўзбекистонда 20 дан ошиқ қонун ва Президент фармонлари хорижий инвестициялар учун замонавий ҳуқуқий база асосини ташкил этади. Ўзбекистон Республикасига киритилган хорижий инвестициялар 100 фоиз давлат томонидан кафолатланади. Бундай имтиёз дунёда саноқли давлатларда учрайди;

- нисбатан арзон, ишлаб чиқариш ҳамда бошқаришдаги янги технологияларни тезда қабул қила олувчи малакали кадрлар мавжудлиги. Ўзбекистонда аҳолининг саводхонлиги даражаси 98 фоизни ташкил этиб, ишчи кучи

[1]Каримов И.А. «Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қурамиз» 7- жилд. «Ўзбекистон». Т.- 1999. 48-бет
[2]Каримов И.А. «Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида». «Ўзбекистон». Т.-1995.154-бет

ниҳоятда арзондир. Мутахассислар ҳисоб-китобича, Ўзбекистонда ишчи кучи Германиядаги ишчи кучига нисбатан 70, Россия ишчи кучига нисбатан 4 баробар арзондир;

- йирик ички бозорнинг мавжудлиги. Афғонистон можароларининг тинчлик йўли билан ҳал этилиши Ўзбекистон учун янги йирик бозорнинг пайдо бўлишига олиб келди. Мамлакатимизда амалга оширилаётган хусусийлаштириш жараёнлари ва унда хорижий инвесторларнинг иштирок этиш имконияти мавжуд. Ўзбекистонда корхоналарнинг 100 фоизи хусусийлаштирилиши яна ҳам кенг имконият яратади. Бундай имтиёз ҳам дунёда камдан-кам давлатларда учрайди.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида хорижий инвестициялар деганда нима тушунилади? Хорижлик сармоядорлар асосан даромад (фонди) олиш мақсадида тадбиркорлик фаолияти ва қонун ҳужжатларида таъқиқланмаган бошқа турдаги фаолият объектларига қўшадиган барча турдаги моддий ва номоддий бойликлар ва уларга доир ҳуқуқлар, шу жумладан, интеллектуал мулкка доир ҳуқуқлар, шунингдек, хориж инвестицияларидан олинган ҳар қандай даромад Ўзбекистон Республикаси ҳудудида хориж инвестициялари деб эътироф этилади. Ушбу Қонунда тадбиркорлик фаолияти ва бошқа турдаги фаолият объектларига чет эллик инвесторлар томонидан реинвестиция тариқасида, қўшиладиган даромад деганда Ўзбекистон Республикасида инвестициялашдан олинган ҳар қандай маблаг, шу жумладан фойда, фоизлар, дивидендлар, роялти, лицензия ва комиссион мукофотлар, техникавий ёрдам, техник хизмат кўрсатиш учун тўловлар ва бошқа шаклдаги мукофот пуллари тушунилади.

Бундан йигирма йил олдин бир қанча давлат арбоблари ва катта-катта бизнесменлар ҳам трансмиллий компаниялар келажагига ишонқирамай қарар, бундай компаниялар мамлакат бойликларини фақат ўз манфаатлари йўлида фойдаланадилар ва бу амалда ушбу давлат учун ҳеч қандай наф келтирмайди деб ҳисоблар эдилар. Хорижий сармоядорлар маҳаллий ресурслар кўмагида ҳам ишлаб чиқариш мумкин бўлган мамлакат бойликларини ўзлаштириб олади деган тушунча ҳукмрон эди.

Амалда эса бу каби важлар саноатни миллийлаштириш ва трансмиллий компаниялар мулкини экспроприация (юридик шахсларнинг мулкини оз миқдордаги компенсация тўлаш эвазига ёки умуман компенсация тўламасдан давлат органлари томонидан ўзлаштириши) қилиш каби хорижий инвесторларга жуда катта зарар келтирадиган ҳаракатларни оқлашга қаратилганди. Ҳозирда хорижий инвестицияларни миллийлаштириш кам учраб турадиган ҳол ҳисобланади. Масалан, япониялик ишбилармонлар АҚШ кўчмас мулкларини кўп миқдорда сотиб олишни бошлаганларида, Америка ҳукумати ўз

иқтисодини назорат қила олмай қолиш хавфи мавжудлиги ҳамда жаҳоннинг иқтисодий ривожланган энг олди мамлакат нуфузини йўқотиб қўяди деган хавотирлар кучайиб борди.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида кимлар хорижлик инвесторлар бўлиши мумкин? Ўзбекистон Республикасида чет эллик инвесторлар қуйидагилар бўлиши мумкин: чет эл давлатлари, чет эл давлатларининг маъмурий ёки ҳудудий органлари; давлатлараро битимлар ёки бошқа шартномаларга мувофиқ ташкил топган ёки халқаро оммавий ҳуқуқ субъектлари бўлган халқаро ташкилотлар; чет эл давлатларининг қонун ҳужжатларига мувофиқ ташкил топган ва фаолият кўрсатиб келаётган юридик шахслар, бошқа ҳар қандай ширкатлар, ташкилотлар ёки уюшмалар; чет эл давлати фуқаролари бўлмиш жисмоний шахслар, фуқаролиги бўлмаган шахслар ва чет элларда мамлакат нуфузини доимий яшайдиган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари. Бу каби тенденциялар (жараёнлар)ни жаҳон хўжалигига хорижий инвестициялар жалб қилиш орқали интеграциялашувни ўз олдига мақсад қилиб қўйган собиқ социалистик давлатлари сиёсатида ҳам кузатиш мумкин. Масалан, Польша ҳукумати 90-йиллар бошларида ўз иқтисодиётига хорижий инвестицияларни жалб қилиш фойдасизлиги ва бунинг оқибатида мамлакат иқтисодиёти бевосита хорижий инвесторларга қарам бўлиб қолади деб ҳисоблар эди.

Айнан шу каби сабаблар учун аксарият ривожланаётган давлатлар хорижий инвестициялар жалб қилишда ва хорижий давлатлар билан савдода чекловлар сиёсатини қўллай бошладилар. Турли давлатларда ҳаттоки маълум бир саноат тармоқларига хорижий инвестициялар киритиш тақиқлаб қўйилди.

Мамлакатга хорижий инвестициялар оқимини чеклашнинг бир неча усуллари мавжуд:

- Миллий компаниялар устав жамғармасида хорижий инвесторлар улушини чеклаб қўйиш орқали;
- Хорижий инвестицияларни олиб кириш ва олиб чиқишда рухсатнома ва лицензия олишни мураккаблаштириш орқали;
- Хорижий сармоядорлар оладиган фойдага солинадиган солиқларга солиқ ставкаларини ошириш орқали;
- Олинган даромадларни олиб чиқишни чегаралаш орқали;
- Мамлакат иқтисодиётига киритилган сармоялар қайтаришни мураккаблаштириш орқали.

Бундай сиёсат маълум бир давлатларга қисқа муддатли истиқболда миллий ишлаб чиқариш тизимини ривожлантиришга имкон берди. Лекин ўрта ва узоқ муддатли истиқболда бундай сиёсат давлат ҳамда жамият иқтисодиётига зарар бўлган, кам самарали ва норақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқаришга олиб келади.

Лекин юқорида таъкидлаб ўтилганидек, ривожланаётган давлатларнинг ҳеч қайси бири амалда мавжуд иқтисодий бўхрондан ташқи молиявий ёрдамларсиз чиқиш имконига эга эмас. Шу сабабли кўпгина давлатлар хорижий инвестицияларнинг ўз иқтисодиётларига ижобий таъсирига ишонқирамасаларда уларга қўйилган тўсиқларни секин-аста олиб ташлай бошладилар.

Хорижий инвестицияларни амалга ошириш шакллари: хорижлик сармоядорлар Ўзбекистон Республикаси ҳудудида инвестицияларни қуйидаги йўллар билан амалга оширишлари мумкин: Ўзбекистон Республикасининг юридик ва жисмоний шахслари билан биргаликда ташкил этилган хўжалик жамиятлари ва ширкатларининг, банклар, суғурта ташкилотлари ва бошқа корхоналарнинг устав жамғармаларида ва бошқа мол-мулкида улуш қўшиб қатнашиш; хорижий инвесторларга тўлиқ қарашли бўлган хўжалик жамиятлари ва ширкатларини, банклар, суғурта ташкилотлари ва бошқа корхоналарни барпо этиш ва ривожлантириш; мол-мулк, акциялар ва бошқа қимматли қоғозларни, шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси резидентлари томонидан эмиссия қилинган қарз мажбуриятларини сотиб олиш; интеллектуал мулкка, шу жумладан, муаллифлик ҳуқуқлари, патентлар, товар белгилари, фойдали моделлар, саноат намуналари, фирма номлари ва ноухауга, шунингдек, ишчанлик нуфузига (гудвиллга) ҳуқуқлар киритиш; концессиялар, шу жумладан, табиий ресурсларни қидириш, ишлаб чиқиш, қазиб олиш ёки улардан фойдаланишга бўлган концессиялар олиш; савдо ва хизмат кўрсатиш соҳалари объектларига, турар жой биноларига улар жойлашган ер участкалари билан биргаликда мулк ҳуқуқини, шунингдек, ерга эгалик қилиш ва ундан фойдаланиш (шу жумладан, ижара асосида фойдаланиш) ҳамда табиий ресурсларга эгалик қилиш ва улардан фойдаланиш ҳуқуқларини сотиб олиш орқали.

Инвестиция ишлаб чиқариш жараёнига жалб қилиш характерига қараб уни якка тартибдаги инвестиция, корпоратив (ташкилот, корхона) инвестициясига ажратиш мақсадга мувофиқдир. Якка тартибда инвестициялаш жараёнида жисмоний шахслар ўз номларидан инвестициялаштиришни олиб борсалар, корпоратив инвестициялаш жараёнида эса корпорациялар юридик ҳуқуққа эга бўлган корхоналар номидан инвестициялаш билан шуғулланадилар.

Инвестиция турли шаклларга эга бўлиб, уларнинг ҳаракати бир-бирларидан фарқ қилади ва ўз хусусиятларига эга. Шунинг учун ҳам бизнинг фикримизча, ҳар бир йуналишдаги инвестиция маблағлари унинг хусусиятларини инобатга олиб аниқ лойиҳаларга йўналтирилиши лозим ва бу ҳолда инвестор томонидан юқори даромадни олиш асосий мақсад қилиб қўйилади.

Юқоридаги фикрлардан келиб чиққан ҳолда инвестициялар манбалари умумий тарзда қуйидагилардан иборат:

-ички манбалар, яъни хўжалик субъектларининг фойдаси ва амортизация ажратмалари;

-жалб қилинган маблағлар, яъни акция, облигация ва бошқа қимматли қоғозларни жойлаштириш орқали тўпланадиган маблаглар;

-банк кредитлари. Улар қисқа, ўрта ва узоқ муддатли банк кредитлари шаклида бўлади;

-жамғармалар, аҳоли ва тадбиркорларнинг вақтинча бўш турган маблаглари;

-чет эл маблағлари ўз ичига хорижий инвестицияларни ва кредитларни олади. 3-чизма



Муаллифлар томонидан тузилган юқоридаги 3-чизмада инвестициялар шаклланиш манбаларининг умумлаштирилган таркиби келтирилган. Ўзининг қўлланилиш хусусиятларига қараб инвестицияларни қуйидаги турларга ажратиб таҳлил қилиш муҳимдир:

-кам қўлланиладиган инвестицион маблағлар, яъни, бўш ётган ерлардан фойдаланиш (кўрик ерларни ўзлаштириш) ёки меҳнат ресурслари вақтинча фойдаланиш (мутахассисларни, раҳбарларни) ва ҳоказо;

-маълум ҳажмда талаб қилинадиган инвестиция маблаглари;

-инвестицион режалаштиришдан олинадиган даромадга таъсир этувчи бошқа инвестицион шароитлар, яъни режалаштирилган асосий инвестиция маблағларига қўшимча инвестиция маблағларини жалб этиш натижасида инвестиция даромадларини ошириш;

-даромадларни олиш шаклига қараб, инвестиция ўз ҳаракатида даромадларини ошириш ёки камайтириши, бизнес фаолиятига қараб инвестиция хавфхатарини камайтириш, жамоа аъзоларининг меҳнат қилиш фаолиятларини

яхшилаш, ижтимоий-иқтисодий муносабатларни мувофиқлаштириш асосида амалга ошириш;

- қўшимча инвестициялар ҳақиқатан ҳам харажатларни пасайтириш, самарадорликни ошириш, маҳсулотларни ишлаб чиқаришни ва сотишни кўпайтириш, қўшимча даромадлар асоси бўлиши;

- таркибий инвестициялар, яъни маълум ишлаб чиқариш йўналишида, уларни ихтисослашувига қараб инвестицияни тақсимланиши;

- тармоқлар бўйича инвестициялаштириш, яъни режа асосида ажратиладиган инвестицион маблағлар фақат шу тармоққа тегишли ёки бошқа тармоқларга ҳам тааллуқлилиги;

- амалга оширилиш даражасига қараб айрим инвестиция маблағлари зарурий ҳисобланади. Бу билан шуни таъкидлаш лозимки, инвестиция маблағларидан фойдаланиш йўналишларига қараб уларни яна турли тоифаларга, энергетика-ёқилғи ресурсларини тежашга, янги маҳсулотни ишлаб чиқаришга, бозорда ўз имиджини сақлаб туришга, ишлаб чиқаришни кенгайтиришга, табиатни сақлашга ва ҳоказоларга бўлиш мумкин.

Шу билан бир қаторда инвестициялар фойдаланиш даражаларига қараб боғлиқ ва боглиқ бўлмаган инвестицияларга бўлинади. Боглиқ бўлмаган инвестициялар бу маълум инвестиция лойиҳасини амалга оширилишининг иккинчи бир инвестиция лойиҳасига иқтисодий жиҳатдан боғлиқ бўлмаганлигида ифода этилади. Аммо ҳар қандай инвестиция лойиҳаси бошқа инвестиция лойиҳасидан мустақил равишда амалга оширилса ҳам, улар бир-бирлари билан иқтисодий жиҳатдан боғлиқ, яъни бир инвестиция лойиҳаси иккинчи инвестиция лойиҳасининг амалга оширилишига сабаб бўлади.[1] Бизнинг фикримизча ҳам ҳар қандай инвестицион лойиҳалар юридик жиҳатдан алоҳида, мустақил ҳисоблансада, улар иқтисодий жиҳатдан бир-бирлари билан боғлиқдирлар. Бу боғлиқлик инвестиция лойиҳаларидан олинадиган даромадларини кўпайишида хўжалик юритувчи субъектларни бир-бирларига иқтисодий жиҳатдан манфаатдорлигида ўз ифодасини топади.

Иқтисодий боғлиқ бўлган инвестициялар асосан биринчи инвестиция лойиҳасидан келадиган даромадларни олиниши ва ўсиши иккинчи инвестиция лойиҳасига боғлиқлигида ифодаланади. Гарчанд иккинчи инвестиция лойиҳаси қўшимча инвестиция лойиҳаси ҳисоблансада, унинг камайиши ёки ортиши биринчи асосий инвестиция лойиҳаси даромадини ошишига ёки пасайишига таъсир этади.

Шунингдек, айрим иқтисодчи олимлар «хорижий инвестицияни миллий иқтисодиётга киритишни рағбатлантириш билан бирга, ички имкониятларни

[1]Бирман Г. Шмидт С. Экономический анализ инвестиционных проектов. - М.. «Банки и биржи» изд-во ЮНИТИ, 1997 г. с.72.

ҳаракатга келтириш муҳимдир. Бунда аҳолини асосий инвесторга айлантириш механизмини яратиш лозим[2]»лигини таъкидлайдилар.

Хорижий сармоядорлар Ўзбекистон Республикаси ҳудудида инвестицияларни амалдаги қонун ҳужжатларига зид бўлмаган бошқа шаклларда ҳам амалга оширишлари мумкин. Чет эл инвестициялари бирламчи ёки такроран амалга оширилаётган шаклларининг ўзгартирилиши уларнинг инвестиция сифатидаги моҳияти ўзгаришига олиб келмайди.

Масалан, хорижий инвестициялар мамлакат иқтисодиётининг ривожланишига қандай таъсир кўрсатишини Польша Республикасида олиб борилган бозор иқтисодиётига ўтиш ислоҳотлари мисолида ҳам кўриш мумкин. Ҳукумат биринчи навбатда савдони эркинлаштиришга, хорижий инвестицияларни жалб қилишга, иқтисодиётда хусусий сектор ўрнини оширишга, маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлашга ва ички бозорни кенгайтиришга алоҳида эътибор берди. Ҳукумат томонидан асосий муаммолардан бўлган ишончли банк тизими, инфраструктурани ривожланмаганлиги каби муаммолар ҳал этилди. Хорижий инвестициялар жалб қилиш мақсадида бир неча ишлар амалга оширилди. Ҳозирги кунда Польша Республикаси Марказий Европада энг кўп хорижий инвестиция қабул қилувчи давлатлардан бири ҳисобланади.

Инвестициявий фаолиятнинг қонуний равишда тартибга солишнинг намунаси сифатида кўрсатилувчи, иқтисодиёти энг саноатлашган давлатлардан бири бўлган Америка ҳам хорижий сармоялар оқимининг кўпайиши ҳисобига иқтисодиётини янада ривожлантиришга, энг асосийси ишлаб чиқариш самарадорлигини ва рақобатбардош экспорт салоҳиятини оширишга муваффақ бўлди.

Ҳозирги пайтда тузиладиган хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар ва уларнинг хориждаги филиалларининг мамлакатларга мансублиги тўғрисидаги маълумотларини таҳлил қилиш чоғида шу нарса аён бўладики, уларнинг 60-70 % и «Ғарб-Ғарб» линияси (йўналиши) бўйича, яъни ривожланган мамлакатлар - АҚШ, Япония, Ғарбий Европа фирмалари ўртасидаги ҳамкорликка тўғри келади. Бу мамлакатларга хорижий шерикларнинг тўғридан-тўғри инвестицияларида хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар ҳиссаси ўсиб бормоқда. Ушбу мамлакатларга инвестициялашни тўғридан-тўғри қўйиш учун уларнинг асосий қисмини янги индустриал мамлакатлар деб аталувчи Бразилия, Мексика, Аргентина, Гонконг, Тайвань, Малайзия, Жанубий Корея ва бошқа мамлакатларга танлаш одат бўлиб қолди. Бу мамлакатларда ҳозирдаёқ замонавий саноат базаси ва тегишли инфратузилма,

[1]Абулқосимов Х. Таркибий ўзгаришлар ўсиш омили.// Иқтисод ва ҳисобот. 1997 й. №2

катта ҳажмли ички бозор барпо этилган, ташқи савдо экспансияси фаол ривожланмоқда.

Бу давлатлар ўз иқтисодиётларига бевосита инвестициялар жалб қилиш орқали жуда қисқа фурсатда импорт ўрнини босувчи тармоқларни ривожлантириш, маълум бир тур маҳсулотлар турини ишлаб чиқариш, мамлакат экспорт салоҳиятини ошириш ва илмий ишлаб чиқариш тармоқларини ривожлантириш орқали ҳозирги жаҳон хўжалигининг энг олди индустриал давлатларига айландилар.

Хорижий инвестицияларни жалб қилиш орқали Бразилия ҳам, Осиёнинг янги индустриал давлатлари сингари биринчи навбатда импорт ўрнини босувчи маҳсулот ишлаб чиқаришга ва мамлакатнинг экспорт салоҳиятини оширишга алоҳида эътибор берди. Шу сабабли катта салоҳиятга эга бўлган Жанубий Америка давлатлардан бири бўлган Бразилия давлати ҳам ўз иқтисодиётини ривожланаётган давлатларда бўлгани каби асосан займ ва кредитлар ҳисобига эмас, балки бевосита хорижий инвестициялар ҳисобига ривожлантиришга эришди. Шу билан бирга хорижий корпорациялар билан иқтисодий ҳамкорликни ривожлантиришга алоҳида эътибор бериб, ушбу корпорациялар савдо шаҳобчалари ва бозорларига айланган мамлакатларга ушбу корпорациялар орқали ўз маҳсулотлари кириб боришига замин яратди.

Ушбу давлатлар тажрибаларидан ҳам кўриниб турибдики, кўпгина давлатларнинг иқтисодий имкониятларини ошириш ва иқтисодиётларини ривожлантиришда хорижий инвестицияларга бўлган муносабатда умумий жиҳатларни кўриш мумкин. Шунингдек, энг асосийси қайсидир мамлакат ҳудудига жалб қилинган хорижий инвестиция ушбу давлатнинг ҳам иқтисодий, ҳам ижтимоий ривожланишида муҳим аҳамият касб этмоқда. Хорижий инвестицияларнинг афзалликларидан яна бири — бу хўжалик жараёнида фойдаланилаётган ишлаб чиқариш, табиий ва меҳнат ресурсларидан оқилона ва самарали фойдаланилишга катта таъсир кўрсатади. Хорижий инвестициялар, миллий ресурс ва интилишларни уйғунлаштириб мутахассислар малакасини ошириш ва ишлаб чиқариш ресурсларидан унумли фойдаланиш ҳисобига ишлаб чиқариш самарадорлигига жуда катта таъсир кўрсатади.

Юқоридаги мисоллардан хулоса чиқариб, инвестицион фаоллик ва иқтисодий ўсиш бир-бирига боғлиқ бўлган омил дейишимиз мумкин. Иқтисодий ўсиш, инвестицион фаолликка боғлиқ бўлиб, ўз навбатида мамлакатнинг ҳақиқий имкониятини кўрсатиб беради. Бошқача қилиб айтганда, соф миллий маҳсулот ва миллий даромад қанчалик кўп бўлса, шунчалик қайта ишлаб чиқариш соҳасини кенгайтириш учун инвестицион ресурсларни жалб қилиш имконияти катта бўлади, шунга асосланган ҳолда мақбул инвестицион сиёсат ишлаб чиқиш имконияти пайдо бўлади.

2.3. Халқаро инвестицион фаолият ва халқаро валюта-молия ташкилотлари: мақсадлари ва фаолиятининг хусусиятлари

Халқаро инвестицион фаолият капитални хорижга пул ёки маҳсулот кўринишида фойда олиш ва иқтисодий таъсирни ошириш мақсадида йўналтирилган пул маблағларидан иборат бўлади.

Юқорида таъкидлаб ўтилганидек, инвестиция ким томонидан амалга оширилганига кўра хусусий ва давлат инвестицияларига бўлинади:

Иқтисодий мазмунга кўра инвестициялар икки турга бўлинади:

1. Ссуда инвестициялари — банк депозитлари, молиявий институтлар ҳисобидаги маблағлар, қарзлар ва кредитлар кўринишида.

2. Тадбиркорлик инвестициялари — бу бирор бир давлат резидентининг бошқа бир давлат ҳудудидаги ишлаб чиқариш корхоналари ёки хўжалик юритувчи субъектларига фойда олиш мақсадида йўналтирилган пул ёки маҳсулот кўринишидаги маблағлари тушунилади.

Тадбиркорлик инвестициялари ўз навбатида икки турга бўлинади:

А) Бевосита инвестициялар — бу инвесторлар томонидан маълум бир объектга воситачилар иштирокисиз пул маблағларини жойлаштириш усулидир.

Б) портфель инвестициялар деганда — асосий ўринни қимматбаҳо қоғозлар эгалловчи молиявий активларга қўйилган пул маблағлари тушунилади.

Халқаро валюта фонди: фаолиятининг хусусиятлари

Жаҳон валюта тизимини ривожлантириш ва мустаҳкамлаш, жаҳон молиявий ресурслар бозорини барқарорлаштириш ва капитал айланишини рағбатлантириш мақсадида халқаро валюта-молия ташкилотлари ташкил этилган эди. Улар ичида энг аҳамиятлиси халқаро валюта фонди (ХВФ) ва катор йирик банклар – Умумжаҳон банки (УБ), Европа Тикланиш ва Тараққиёт банки (ЕТТБ), Халқаро ҳисоб-китоблар банки (ҲКБ), Ислом Тараққиёт банки (ИТБ), Осиё Тараққиёт банки (ОТБ) ва бошқалар ҳисобланади.

1944 йил Бреттон-Вудсда (АҚШ) валюта-молия масалалари бўйича Бирлашган миллатларнинг анжумани бўлди ва унда 44 давлат ҳукумати вакиллари қатнашди. Анжуманда катор битимлар, жумладан Халқаро валюта фонди тўғрисида, Халкаро Тиклаш ва Тараққиёт банки (Умумжаҳон банки) тўғрисида битимлар тузилди. Бу битимлар 28 мамлакат томонидан имзоланди ва улар БМТ доирасида йирик жаҳон молия ташкилотларини яратишнинг ҳуқуқий асос бўлди.

Халқаро валюта фонди (ХВФ) 1945 йилнинг охирларидан иш юрита бошлади, ҳозир унга 178 мамлакат аъзодир.

Унинг асосий мақсади аъзо-давлатлар валюта-молия сиёсатини мувофиқлаштириш ва уларга тўлов балансини тартибга солиш ҳамда валюта курсини сақлаш учун қарз бериш ҳисобланади. Бунинг учун фонд тўлов балансида қийинчиликлар сезаётган ўз аъзоларини молиялаштиради, уларнинг хўжалик юритиш усулларини яхшилашга қаратилган техник ёрдам кўрсатади. XX асрнинг 80-90 йилларидан бошлаб ХВФнинг молиявий воситачи ва йирик кредитор сифатида роли ошди.

Фонднинг молиявий ресурслари аъзо-мамлакатлар бадалларидан, шунингдек расмий ва хусусий молиявий муассасалардан бозор шартида қарзга олинган маблағлардан ташкил топади. Бадалларнинг миқдори мамлакатнинг фонд капиталидаги ҳиссасига боглиқ бўлиб, ИҲТТ (Иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш ташкилоти аъзолари – АҚШ, Япония, Канада, Австралия, Янги Зелландия, Европа Ҳамжамиятига кирувчи 15 та давлат шунингдек, Исландия, Норвегия, Швецария, Туркия) аъзолари ҳиссасига деярли – 62%, жумладан АҚШ га 20 % га яқин ва ривожланаётган мамлакатлар ҳиссасига 38% тўғри келади.

Қарзлар аъзо мамлакатлар бадалларидан ташкил топган умумий ресурслар ҳисобидан ҳамда СДР (СДР – 70 йиллардан бошлаб халқаро резерв тўлов маблағи ва қиймат ўлчови сифатида олтин ўрнига чиқарилган халқаро валюта, ҳозирда асосан АҚШ доллари) шартли бирликлардаги махсус ҳисобдан берилиши мумкин.

ХВФ операцияларининг хусусияти шундаки, у маблағларни чет эл валютасини ёки СДРни миллий валютага айирбошлаш йўли билан беради. Маълум вақтдан сўнг қарз олган мамлакат ўз қарзини фонд томонидан ўз ҳиссасидан ортиқ жамғарилган миллий валютасини сотиб олиш йўли билан қоплайди.

Умумий ҳисоб бўйича ХВФ барча аъзо мамлакатлари чет эл валютани олтинда, конвертланган валюта ва СДР да фонд капиталидаги ўз ҳиссасининг тахминан 25% чегарасида шартсиз олиши мумкин. Бу миқдордан ортиқ қарз ХВФнинг иқтисодий ва ижтимоий сиёсат соҳасидаги тавсиялари бажарилган тақдирдагина берилади.

Оддий кредиторлардан ташқари кам ривожланган давлатлар аниқ мақсадлар учун маъмурий ҳисоблар деб номланган имтиёзли кредиторлар олиши мумкин. 1987 йилда ҳар бир мамлакатнинг фонддан олинадиган кредиторлари бўйича қарз чегараси шу мамлакат квотасининг 400-440 фоизини ташкил қилди. Кредитлаш муддатига асосан, 3-5 йил билан чегараланган (қарзнинг баъзи турлари бўйича 7-10 йил билан). Кредитлар учун фоизлар доимо қайта кўриб турилади. 80-йилларнинг охирида у ўртача 6,4 фоизни ташкил этди.

1986 йилдан кам ривожланган мамлакатлар иқтисодий тузилишини қайта қуришни молиялаштиришнинг махсус тизими – САФ иш юрита бошлади. Бу тизим доирасида кредитлар имтиёзли шартларда берилади:

қоплаш муддати 10 йил, имтиёзли давр 5,5 йил, ставка 0,5 фоиз. Қарз олаётган мамлакатлар ўзининг бутун иқтисодиёти тузилишини қайта қуришнинг ХВФ билан келишилган уч йиллик дастурини амалга ошириш юзасидан мажбурият олади.

1988 йилдан кам ривожланган мамлакатлар учун иқтисодиёт тузилишини қайта қуришни молиялаштиришнинг кенгайтирилган тизими (ЕСАФ) иш юрита бошлади. Бу тизимда молиявий ресурслардан фойдаланиш чегараси 1986 йилдаги тизимга таққослаганда уч йил мобайнида мамлакат ҳиссасининг 150 фоизгача, айрим ҳолларда 350 фоизгача кенгайди.

Кредитлаш ХВФ фаолиятининг асосий соҳаси бўлиб қолиши сабабли, у йирик иқтисодий тадқиқотлар марказига айланди, бу эса унга мувофиқлаштириш функциясини самарали бажаришга имкон берди.

Ўзбекистон Республикаси Халқаро Валюта Фондига 1992 йилда аъзо бўлди.

Умумжаҳон банки гуруҳи фаолиятининг умумий тавсифи

БМТнинг Халқаро Тикланиш ва Тараққиёт банки, Халқаро молия корпорацияси, Халқаро-Тараққиёт уюшмаси ва Инвестицияларнинг кафолатлаш бўйича Халқаро агентлиги каби ихтисослашган муассасаларидан ташкил этилган гуруҳ Умумжаҳон банки деб аталади.

Умумжаҳон банки ўзининг умумий раҳбарлик ва балансига эга. У қарзларнинг маълум қисмини имтиёзли шартларда, баъзан текин беришига қарамай, унинг фаолияти умуман фойда келтирувчи барча халқаро ташкилотлар томонидан ажратиладиган маблағлар ҳажмининг деярли 2/3 қисми тўғри келади.

Умумжаҳон банкининг асосий ташкилоти бўлиб, ўз фаолиятини 1946 йилда бошлаган ХТТБ ҳисобланади. Бу ташкилотга фақат ХВФ га аъзо бўлган мамлакатлар кириши мумкин.

ХТТБ нинг асосий мақсадлари — бу аъзо мамлакатлар иқтисодиётини қайта қуришга ва ривожланишига капитал қўйилмалар бериш ҳамда хусусий чет эл инвестицияларини рағбатлантириш орқали кўмаклашиш, тўлов балансини мувозанатини таъминлашга қаратилган қарз беришдир.

Фаолиятнинг хусусиятлари:

- қарзлар фақат ишлаб чиқариш мақсадлари учун асосан ривожланаётган мамлакатларга қишлоқ хўжалиги, энергетика, соғлиқни сақлаш, йўл хўжалиги ва бошқаларни ривожлантиришга берилади;

- қарзлар мос равишда ҳукумат томонидан кафолатланиши ва аниқ лойиҳалар учун берилиши лозим.

- қарзлар зарур маблағларни бошқа манбалардан кафолатланиши ва аниқ лойиҳалар учун берилиши лозим.

- қарзлар зарур маблағларни бошқа манбалардан олиш умкин бўлмаган ҳоллардагина берилади.

ХТТБнинг молиявий ресурслари банк томонидан чиқариладиган облигацияларга аъзо давлатларнинг ёзилиши йўли билан, шунингдек, халқаро пул бозорларида жойлаштириладиган облигация заёмлари маблағларидан ташкил этилади. ХТТБ муайян мамлакатга кредит беришда унинг иқтисодий аҳволи ҳақида тўлиқ маълумот талаб қилади ва у ерга экспертлар гуруҳини жўнатади. Экспертлар гуруҳи мамлакат иқтисодий ва молиявий аҳволини текширадилар, бу хусусда аниқ тавсиялар ишлаб чиқадилар. Агар кредит олаётган мамлакат бу тавсияларни қабул қилмаса, унга кредит берилмаслиги мумкин.

80-йиллардан бошлаб ХТТБ фаолияти қарзларга мамлакатларда иқтисодиёт тузилишини қайта қуриш дастурини амалга оширишга қаратилмоқда (Туркия, Филиппин, Индонезия, Чили, Аргентина, Мексика, Нигерия). Бу ерда ХТТБ фаолияти ХВФ фаолияти билан бирлашиб кетади. ХТТБ аъзо мамлакатлар ҳукуматларига ёки ҳукуматлар кафолат берган хусусий ташкилотларга ўрта ва узоқ муддатли (25 йилгача) қарзлар беради ҳамда уларни кўрсатилган мақсадларга ишлатилишини назорат қилади. Қарзлар бўйича фоизлар халқаро капиталлар бозоридан Банк оладиган кредитлар қийматига боғлиқ. 1993 молия йилида ўрта ва узоқ муддатли қарз капиталининг ўртача қиймати 5,97 фоизни ташкил этди.

Банкнинг бошқарув Кенгашида ҳал қилувчи овозга 7 етакчи мамлакат — АҚШ, Япония, Буюк Британия, Франция, Канада, Германия ва Италия эга. Улар ХТТБ нинг кредит сиёсатини аниқлайдилар.

ХТТБ иккита ихтисослашган шахобчага эга: Халқаро молия корпорацияси (ХМК) ва Халқаро тараққиёт уюшмаси (ХТУ).

ХТТБ нинг шахобчаси сифатида 1956 йилда яратилган ХМК ўз шахсий ресурсларига эга бўлган мустақил юридик шахс ҳисобланади, лекин унинг фаолияти ХТТБ билан чамбарчас боғланган. 1995 йилда унинг аъзолари 165 мамлакат эди.

Корпорациянинг асосий мақсадлари — ривожланаётган мамлакатларни қўллаб-қувватлаш, хусусий ва аралаш иқтисоддаги корхоналарни капитал қўйилмалар ёрдамида молиялаштириш, ишлаб чиқаришни ривожлантиришга хусусий инвестицияларни рағбатлантириш, иқтисодиётни бошқаришда ёрдам бериш.

ХМК фаолиятининг хусусияти шундаки, у хусусий акционерларга акцияларни қайта сотиш ҳуқуқига эга бўлган ҳолда, қурилаётган ёки кенгаяётган

корхоналарнинг акционерлик капиталида бевосита қатнашиши мумкин. Бироқ ХМК нинг ҳиссаси акционерлик капиталининг 1/5 дан ошмаслиги лозим.

ХМК молиявий ресурслари қуйидагилар ҳисобига яратилади:

- ХМК акцияларига ёзилишига мувофиқ аъзо-давлатларнинг бадалларидан;
- ХМК фойдасидан ажратмалардан;
- ХТТБ дотацияларидан;
- ХТТБдан қарзлар кўринишида жалб этилган маблағлардан.

Корпорация Умумжаҳон банки муассасалари ичида энг даромадли ташкилот ҳисобланади. У устун равишда ўрта муддатли қарзлар (7-12 йил муддатга) беради, улар бўйича фоиз ставкалари бозордагидан юқори. Чунки ХМК ресурсларининг катта қисми ХТТБ бадаллари ҳисобига ташкил топади. Шу сабабдан, унинг кредитларидан кўпинча барқарор ривожланаётган мамлакатлардаги юқори фойда олувчи корхоналар фойдаланади.

Асосан қайта ишловчи, қазиб олувчи саноат, сайёҳлик. Коммунал корхоналарга ажратмалар йўналтирилади.

Қарз қандай валютада олинган бўлса, шу валютада қайтарилади.

Халқаро тараққиёт уюшмаси (ХТУ) — 1960 йилдан ХТТБ нинг шахобчаси сифатида фаолият кўрсатмоқда ва унинг мансабдор шахслари томонидан бошқарилади.

Фаолиятининг хусусияти кам ривожланган мамлакатларга ёрдам беришдир. ХТУ дан кредит олиш учун қуйидаги 4 шарт ёки ҳолат асос бўлади:

1. Кредит олаётган мамлакат жуда камбағал бўлиши керак (бу тоифага 1993 йилда ЯММ аҳоли жон бошига 690 доллар миқдорида тўғри келган мамлакатлар кирди).

2. Кредит олаётган мамлакатда иқтисодий, молиявий ва сиёсий барқарорлик бўлиши лозим.

3. Кредит олаётган мамлакат ўз тўлов балансида катта қийинчиликларни бошидан кечираётган бўлиши ва чет эл валютани имтиёзли шартларда олишдан бошқа имкониятларга эга бўлмаслиги керак.

4. Кредит олаётган мамлакат ривожланишга ҳақиқатда интилиши лозим ва бунинг сиёсатида акс этиши керак.

Шундай қилиб, ХТУ нинг асосий мақсади ривожланаётган мамлакатларга имтиёзли кредитлар беришдир. Уюшманинг молиявий ресурслари қуйидагилардан ташкил топади:

- биринчи гуруҳ мамлакатларнинг бадаллари - бу 20 дан ортиқ ривожланган мамлакат, шунингдек, Қувайт ва Бирлашган араб Амирликларининг конвертирланадиган валютадаги бадаллари;

- иккинчи гуруҳ мамлакатларнинг бадаллари - бу кам ривожланган мамлакатлар бадаллари (10 фоиз конвертирланадиган валютада ва 90 фоиз миллий валютада);

- аъзо-мамлакатларнинг миллий валютадаги қўшимча бадаллари;

- ХТТБ субсидиялари;

- Швейцария ажратадиган кредитлар.

ХТУ асосан узоқ муддатли кредитларни беради: 40 йил муддатга кам ривожланган мамлакатлар учун (БМТ рўйхати бўйича) ва 35 йил муддатга бошқа мамлакатлар учун; бу муддатга қарз олган мамлакат ҳеч қандай тўловларни амалга оширмайдиган 10 йиллик давр ҳам киритилади (бунда фақат маъмурий харажатлар учун 0,75 фоиз миқдорда воситачилик ҳақи олинади).

Кредитлар асосан иқтисодий ва ижтимоий инфраструктурани, шунингдек қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга йўналтирилади.

Ўзбекистон Республикаси Жаҳон Банкига 1992 йилда аъзо бўлиб кирди.

Европа Тикланиш ва Тараққиёт банки: мақсадлари ва фаолият доираси

Жаҳон валюта тизимининг ривожланишида, валюта операциялари ва кредит оқимларини халқаро миқёсда тартибга солишда БМТ нинг ихтисослашган муассасалари қаторига кирмайдиган йирик молиявий ташкилотлар рол ўйнайди. Уларга Европа тиклаш ва Тараққиёт банки, Халқаро ҳисоб-китоблар банки, Осиё тараққиёт банки, Ислом тараққиёт банки ва бошқалар киради.

Европа тикланиш ва тараққиёт банки 1991 йилдан иш юрита бошлади ва унинг таъсисчилари 34 мамлакат ҳисобланади. Уларга Марказий Европа мамлакатлари (жумладан, собиқ Иттифоқ), АҚШ, Япония, Австралия, Янги Зеландия, Туркия, Кипр, Мальта, шунингдек, Европа Ҳамжамияти комиссиси ва Европа инвестиция банки киради. У Марказий ва Шарқий Европа мамлакатларига бозор иқтисодиётига ўтиш бўйича ислоҳотларни ўтказишга кўмаклашиш мақсадида тузилган.

ЕТТБнинг асосий фаолият доирасида қуйидагилар:

- турли лойиҳаларни молиялаштириш ва кредитлаш. Бунда ресурсларнинг 60% хусусий бўғинга, 40% давлат бўғинига мўлжалланган;

- хусусий капитал қўйилмаларга кафолатлар бериш;

- иқтисодиёт тузилишини қайта қуриш юзасидан тавсиялар ишлаб чиқиш. Низомдаги капиталнинг 51 фоизи ЕҲ мамлакатларга, 15 фоизи Шарқий Европа мамлакатларига (шу жумладан, собиқ Иттифоққа 6%) тўғри келади.

Ўзбекистон Республикаси ЕТТБга 1992 йилда аъзо бўлиб кирди.

Халқаро ҳисоб-китоблар банки фаолиятининг хусусиятлари

Халқаро ҳисоб-китоблар банки ёки Базель банки молиявий операциялар олиб боришни ХВФдан 17 йил аввал бошлаган бўлсада, ундан ресурсларнинг миқдори бўйича ва ҳиссадор мамлакатлар сони бўйича сезиларли орқададир. АҚШ нинг кучли таъсирида бўлган ХВФдан фарқли равишда, ХҲБда Европа давлатларининг мавқеи баланд. У қисқа муддатли кредитлар беришга ихтисослашган. Ҳозирги вақтда кўплаб Европа мамлакатларининг Марказий банклари унинг кредитларидан фойдаланади ва ўз резервларини шу ерда жойлаштиради. Банк ўзининг ҳисоб бирлигига эга бу Швейцария франки. ХҲБ ҳиссадор мамлакатларнинг марказий банки, шунингдек бошқа йирик халқаро валюта ва кредит ташкилотлари билан чамбарчас ва ишончли муносабатларга эга бўлиб, халқаро валюта тизимининг ривожланиши, аҳволи ва келажаги ҳақида турли маълумотларга эга. Бу эса банкка баъзи миллий пул бирликларининг аҳволи, шунингдек бозор ва валюта-молия конъюктурасини аниқ баҳолашга имкон беради.

Осиё тараққиёт банки ва Ислом тараққиёт банки

Осиё тараққиёт банки — ўз кредит фаолиятини 1967 йилдан бошлади. Унинг аъзолари бўлиб осиёнинг 43 давлати ҳисобланади. Банкнинг асосий мақсадлари:

Қитъанинг ривожланаётган мамлакатларига иқтисодиёт ва ташқи савдони юксалтиришда кўмаклашади, ҳудудий ҳамкорликни рағбатлантириш, аъзо мамлакатларга техник ёрдам кўрсатиш ва уларнинг иқтисодий сиёсатини мувофиқлаштириш.

Фаолиятнинг хусусияти шундан иборатки, у ўз кредитларининг 30 фоизини имтиёзли шартларда махсус фонддан беради. У бу маблағларни Европа бозорига жалб этиб, уларни ривожланаётган мамлакатларга 25-40 йилга мўлжалланган узок муддатли кредитларга айлантиради. Бунда банк имтиёзли фоиз ставкаларини кўзда тутади.

Кредитлар шунингдек, тижорат шартларида ёки юкори бозор фоиз ставкаси бўйича 10-25 йил муддатга оддий фондлардан хам берилади.

Ислом тараккиёт банки фаолиятини 1975 йилнинг охирида хукуматлараро даражада бошлади. Унга ислом дини хукмрон бўлган мамлакатлар, яъни Ислом анжуманининг деярли барча аъзолари киради. Низомий капиталининг миклори ОТЬ дан 5 марта кам.

Банкнинг асосий мақсади аъзо мамлакатларнинг ривожланиш лойиҳаларини, ташқи савдони кредитлаш ва савдо ҳамда саноат компаниялари капиталларини сармоялашдан иборат.

Республика ваколатли банклари томонидан дунёнинг қарийб барча йирик банклари билан вакиллик муносабатлари ўрнатилган. Бу эса уларга хорижий ҳамкорлар билан алоқаларни тўғридан-тўғри амалга ошириш ва мижозларга кўрсатилаётган хизмат турларини кўпайтиришга имконият бермокда.

Булардан ташқари Англия банки, Франция банки, Германиянинг Дойче Бундес банки, Дойче банк, Коммерцбанк ва Дрезднербанк, АҚШнинг Жи Пи Морган Чейз банки, Ситибанки, Нидерландиянинг АБН АМРО банки, Швейцариянинг ЮБС банки, Франциянинг «Сосьете Женераль» ҳамда «Ротшильд энд Санз» банклари билан самарали ҳамкорлик ишлари давом эттирилмоқда.

Инвестиция ёрдамини кўрсатиш дастурига мувофиқ бир қатор лойиҳаларни молиялаштириш учун Германиянинг Кредитанштальт фюр Видерфбау (KfW), «Ипак Йўли» ва «Узприватбанк» ўртасида ссуда билан таъминлаш шартлари хусусида шартнома, шунингдек инвестициялаштиришнинг аниқ механизмини белгилаб берувчи қўшимча битимлар имзоланди.

1997-98 йиллар Республикада KfW банкининг инвестиция лойиҳаларини таҳлил қилувчи мутахассислар гуруҳи ишлаган. 1999 йил январ ойида Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки KfW билан бир неча босқичдан иборат кичик ва ўрта тадбиркорликни ривожлантириш учун кредит линияларни очишга қаратилган заём битимларини имзолади.

Бугунги кунда, давлат инвестиция сиёсати ҳақида гапирганда аввалам-бор, шуни таъкидлаш лозимки, инвестиция сиёсати мамлакатнинг социал иқтисодий ривожланиши йўлида олиб борилаётган сиёсатнинг ажралмас бир қисмидир.

Мамлакатнинг маҳсулот ишлаб чиқариш потенцияли, инфраструктуранинг ривожланиши, иқтисодий ўсиш суръатлари ва маҳсулот ишлаб чиқариш каби кўрсаткичлар бевосита давлатнинг инвестиция сиёсати ва инвестициялар билан боғликдир.

Бундан ташқари давлатнинг, инвестиция сиёсати бугунги кундаиқтисоддаги структуравий ўзгаришларни амалга оширишнинг ҳам асосий воситасидир. Айтайлик, давлат ўзининг инвестицион сиёсати орқали қайта ишлаш саноатини ёки қишлоқ хўжалигини ривожланишига, ишсизлик билан боғлик социал муаммоларни ечимига ёки фан ривожига кўмак бериши мумкин. Натижада тегишли тармоқлардаги ривожланиш даражаси тезлашишига эришилади ва ялпи ички маҳсулотда бу тармоқларнинг улиши ортиб боради.

Инвестицион сиёсатнинг ажралмас қисми, бу иқтисодиётни янги техник-технологик асосда ривожланишини ва доимо янгиланиб боришини

таъминлайдиган хорижий инвестицияларни жалб қилиш масаласидир. Хорижий инвестицияларни жалб қилиш учун мамлакат инвестиция сиёсати ўзида хорижий инвесторларнинг мамлакатга кириб келишини ва уларни фаолият кўрсатиши билан боғлиқ қулай шароитларни яратишга қаратилган бўлиши билан бирга иқтисодиётдаги либерализмни ҳам таъминланиши лозим. Бунинг мазмуни шундан иборатки, давлат иқтисодиётга керакли жойларда эффектив тарзда аралашиши бошқа жойларда эса бу аралашувдан ўзини тийиб туриши керак. Бу аралашув асосан керакли қонуний базани яратиш билан бирга бу қонунлар устидан назорат ўрнатиш орқали ижросини тўлиқ таъминлаши масаласида кўринади.

Хорижий инвестицияларни миллий иқтисодиётга жалб этишдан манфаатдор ҳар қандай давлат, ўзининг инвестиция сиёсатини ишлаб чиқади. Бу сиёсат хорижий инвестицияларни жалб қилишнинг ўзига хос йўналишини, шунингдек, уларни жалб этишни рағбатлантириш тизимини аниқлаб беради ва инвестиция фаолиятининг ҳуқуқий тартибини белгилайди.

Иқтисодий адабиётларда ва жаҳон тажрибасида хорижий инвестицияларни мувофиқлаштиришда турлича тартиб ва усулларнинг бўлиши қайд этилган.

Саноати ривожланган мамлакатлардаги иқтисодий ва сиёсий барқарорлик хориж капитали ва инвестицияни махсус қонунларсиз ҳам етарлича ҳимоялаш имкониятини беради. Бу ерда хорижий инвестициялар ҳам миллий ички инвестициялар каби умумий қонунлар асосида мувофиқлаштирилади. Бу мамлакатлардаги аниқ ишлаб чиқилган қонуний база чет-эл инвесторларининг тўлақонли фаолиятини, яъни компанияларни ташкил этишда эркин фаолиятни (рўйхатдан ўтказиш жараёни, мулк ҳуқуқи кафолати), фойда олиш (солиқ сиёсатидаги енгиллик ва имтиёзлар), низоларни тартибга солиш кабиларни кафолатлайди.

Инвестицияларни амалга оширишда, инвестицион сиёсатни асосий йўналишларини ишлаб чиқишда бозор механизмларига таяниш албатта самарали ҳисобланади. Чунки инвестицион ресурслар бозор механизмлари асосида тақсимлангандагина улар иқтисодиётнинг умумий талабидан келиб чиқиб тақсимланган бўлади ва рационаллик таъминланади. Лекин, кўпчилик адабиётларда билдирилган бу фикрга эътироз ҳам билдириш мумкин.

Ривожланаётган ва бозор механизмларига энди ўтаётган давлатларда иқтисодиётни ривожланишини ва инвестицион ресурсларни ва уларни тақсимлаш масаласини фақат бозор механизмига юклаб қўйиш ҳам фикримизча нотўғридир.

Чунки, биринчидан бу мамлакатларда бозор механизмларининг ўзи энди шаклланмоқда ва буларнинг тўла ишлаши учун ҳали баъзи т¨сиклар ҳам мавжуд.

Иккинчидан, мамлакатдаги даромадларнинг камлиги ва ўз навбатида инвестициялаш учун манба бўлиб ҳисобланадиган жамғармаларнинг камлиги инвестицион маблағларни баҳосини қимматлаштириб қўяди. Натижада инвестициялар фақат юқори даромад келтирувчи соҳаларга йўналиб бу соҳаларнинг ривожланишига, бошқа баъзи соҳаларнинг эса технологик ва ривожланиш жиҳатидан орқада қолиб кетишга, бу ҳолатнинг ўзи эса иқтисодиётда кераксиз, салбий диспропорцияларнинг келиб чиқишига сабаб бўлади.

Учинчидан, энг муҳими шундан иборатки ривожланаётган давлатларда қулай ивестицион муҳитнинг асосий шартларидан бири бўлган инфратузилма объектларининг ўзи ҳам қайсидир маънода инвестициялашга муҳтожлик сезади. Бизга маълумки, инфраструктурага инвестиция маблағларини бозор механизмининг ўзи тасдиқлайди деб кутиб ўтириш бу стратегик хато ҳисобланади. Дастлабки даврларда бу соҳаларнинг ривожланишига давлат томонидан етарли эътибор бериб, яъни давлат инвестиция сиёсати асосий йўналишларини ишлаб чиқишда устуворлик берилмаса бу соҳаларнинг ривожланиши орқада қолиши ва бу нарса ўрта ва узоқ муддатда инвестицион муҳитга ва бу орқали умуман иқтисоднинг ўзига салбий таъсирини ўтказиши мумкин.

Бу ердан келиб чиқадиган кичик бир хулоса шундан иборатки ҳар бир давлатда инвестицион сиёсатининг асосий йўналишларини чиққан шу давлатнинг специфик хусусиятларидан келиб чиқиш лозим.

Шунинг учун фикримизча ривожланаётган ва ўтиш давридаги давлатларда инвестицион сиёсат асосий йўналишлари чиқилаётганда маблағларнинг марказлашган тартибда тақсимланишини назарда тутадиган давлат инвестицион дастурлари ва бу асосда маблағларни капитал қўйилмалар шаклида тақсимлаш ҳам асло нотўғри эмас.

Бундан ташқари, ривожланган давлатда бу масала шундай қилинади деб ҳисоблаб инвестицион сиёсатни шакллантиришда фақат бозор механизмларига таяниш мамлакатда инвестицияларнинг регионлар ва ҳудудлар бўйича тақсимланишида ҳам биз кутган натижани бермайдиган тарзда амалга ошиши мумкин.

Айтайлик, марказга яқин ва қулай транспорт ва бошқа инфратузилма объектлари кўп бўлган жойларга маблағларнинг кўплаб йўналиши, бошқа бир ҳудудларга эса умуман инвестицияларнинг кетмаслиги масаласини ҳам ечиб бера олмайди. Бу нарса ўз навбатида қуйидаги муаммоларни келтириб чиқаради. Булар инвестицияларнинг асосий кўп қисмининг бир жойда тўпланиши, ҳудудда инфратузилма объектлари ва уларнинг хизматига ортиқча

талаб пайдо бўлиши, ресурсларнинг қимматлашиши, инвестициялар бормаган ҳудудларда эса даромадларнинг камайиб кетиши, ишсизликнинг ошиши ва орқасидан келадиган социал муаммолар ва бошқалар. Жаҳон тажрибаси шуни кўрсатадики, бугунги кунда бундай вазиятга тушиб қолган мамлакатлардаги ҳолатлар ундан сабоқ чиқаришга арзийдиган даражага бориб етган.

Юқоридагилардан келиб чиқадиган умумий хулоса шуки, ривожланаётган ва ўтиш давридаги мамлакатларда давлат инвестицион жараёнларнинг ташаббускори бўлиш ва бош инвесторга айланиши, ҳамда бу ишларни амалга оширишда социал оқибатларни бир зум ҳам кўздан қочирмаслиги лозим.

Энди масалага Ўзбекистон Республикаси мисолида ёндашаётганлигимизни таъкидлаган ҳолда, давлат инвестиция сиёсатининг энг муҳим йўналиши бу мамлакатнинг ривожланиши, халқ фаровонлигини таъминлаш ва бу йўлда инвестицион фаолиятни жонлантиришдан иборат эканлигини келтириб ўтмоқчиман. Шу мақсадга эришиш учун давлатимизнинг инвестиция сиёсати қуйидаги мақсадларга бўйсундирилган:

инвестиция сиёсати авваламбор турли хил мулк шаклларига асосланади.

Ўз молиялаш маблағларига эга бўлмаган ва социал аҳамиятга эга объектларни молиялаштириш мақсадида бу соҳаларга инвестицияларни бюджет маблағлари ҳисобидан амалга ошириш.

Ишлаб чиқариш билан боғлиқ инвестицияларни давлат маблағлари ҳисобидан амалга оширишда уларнинг давлат мақсадли дастурларига мослигини таъминлаш ва улар ижросини таъминлашда рақобат муҳитини таъминлашга эътибор қаратилади.

инвестицион фаолият билан боглиқ конуний ва норматив базани доимий такомиллаштириб бориш.

Ҳар доим ҳар бир давлатда инвестицион сиёсатдан кутилган пировард мақсад, бу ички ва ташқи инвестиция сиёсатини юргизиш орқали инвестицияларни сифат ва миқдор жиҳатдан кўпайтиришдир. Бу мақсадга эришишда давлатнинг ички инвестицион манбалари билан бир қаторда ташқи инвестиция сиёсатининг маҳсули ҳисобланган инвестициялашнинг ташқи манбалари, яъни хорижий инвестициялар алоҳида аҳамиятга эга.

Мамлакатга чет эл инвестицияларини жалб қилишда уларга хизмат кўрсатадиган ташкилотлар фаолиятини тўғри ташкил қилиш ҳам катта аҳамиятга эга. 5-жадвалда Ўзбекистонда чет эл инвестицияларини тартибга солиш ва жалб этиш билан шуғулланадиган расмий муассасалар рўйхати келтирилган.

5-жадвал

Ўзбекистон Республикасида чет эл инвестицияларини тартибга солиш ва жалб этиш билан шуғулланадиган расмий муассасалар:
(В.А.Чжен "Бозор ва очиқ иқтисодиёт" 4. Бизнес каталог. Тошкент 1996)

№	Муассасанинг номи	Қисқача қиладиган иши
1.	Вазирлар Маҳкамасининг Ташқи иқтисодий фаолиятни мувофиқлаштириш департаменти	Қуйидаги жорий жараёнларни мувофиқлаштиради: *инвестиция фаолиятини, биринчи навбатда чет эл инвестициялари билан амалга ошириладиган лойиҳаларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш бўйича зарур бўлган ҳукумат қарорларини ишлаб чиқиш; *давлат ва бошқарув идоралари, вазирликлар ва идоралар ишини ташкил этиш
2.	Иқтисодиёт Вазирлиги	Инвестиция сиёсати ва дастурларини ишлаб чиқиш
3.	Ташқи иқтисодий алоқалар Вазирлиги	Корхоналарни ташқи иқтисодий алоқалар иштирокчилари тарзида рўйхатга олиш ва хорижий компаниялар ваколатхоналарини аккредитациялаш
4.	Давлат мулк қўмитаси	Давлатга тегишли мулкни хусусийлаштириш ва тасарруф этиш жараёнларида чет эл инвестицияларини иштирокини таъминлаш ва тартибга солиш
5.	Молия Вазирлиги	Кредит сиёсатини юргизиш ва ҳукумат кафолатларини бериш
6.	Адлия Вазирлиги	Чет эл инвестицияси иштирокидаги корхоналарни рўйхатга олиш
7.	Ташқи ишлар Вазирлиги	Хорижий инвесторларга ва Ўзбекистонда ишлаётган хорижий фукароларга визаларни расмийлаштириш
8.	Ички ишлар Вазирлиги	Хорижий инвесторларни ва Ўзбекистон Республикасида ишлаётган хорижий фуқароларни рўйхатга олиш

9.	Давлат солиқ қўмитаси	Чет эл инвестицияси иштирокидаги корхоналарни солиққа тортиш ва уларнинг божхона билан боғлиқ фаолиятини тартибга солиш
10.	Марказий банк	Конвертация тартиб ва қоидаларини, шунингдек унинг ўтказилишини, валюта маблағларидан фойдаланишни тартибга солиш ва кредит сиёсати
11.	Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки	Ташқи иқтисодий фаолиятга банк хизматларини кўрсатиш ва лойиҳаларни молиялаштириш ишларини амалга ошириш
12.	Хорижий инвестициялар бўйича агентлик	*мамлакат ва хорижий инвесторларнинг инвестиция таклифлари тўғрисида маълумотлар банкини шакллантириш; *инвестиция муҳитини ўрганиш; *хорижий инвесторларга ахборот ва бошқа хизматларни кўрсатиш; *инвестиция лойиҳаларини амалга оширишда мамлакат ва хориж инвесторларига ёрдам кўрсатиш; чет эл капитали иштирокида амалга ошириладиган инвестиция лойиҳаларини бажарилишини кузатиб бориш (мониторинг)
13.	"Ўзбекинвест" суғурта компанияси	Чет эл инвестицияларини суғурталаш ва инвестиция таваккалчилигидан суғурталаш
14.	"Ўзбекинвест лойиҳа" миллий инжиниринг компанияси	Дастлабки техник — иқтисодий асослашни ва инвестиция лойиҳаларини техник иқтисодий асосларини тайёрлаш
15.	Давлат мулк қўмитаси қошидаги қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази	Қимматли қогозлар бозорини шакллантириш, ривожлантириш, назорат қилишни тартибга солиш соҳаларида давлат сиёсатини амалга ошириш. Маҳаллий ва хорижий эмитентларини қимматли қоғозларини сотиб олиш орқали мажмуа инвестицияларини амалга ошириш

Ташқи инвестиция сиёсатининг энг асосий таркибий қисми авваламбор, амалдаги ташқи инвестициялар билан боғлиқ қонунчилик ва шартнома тизимларини такомиллаштиришни назарда тутади. Бу такомиллаштириш жараёнида авваламбор, мамлакат инвестиция сиёсати асосий йўналишларидан (талабларидан) келиб чиқилади.

Бизга маълумки, ҳар қандай сиёсатни амалга оширишнинг воситаси бу шу сиёсат билан боғлиқ бўлган жараёнларни тартибга солишдир. Худди шундай, инвестицион сиёсатни юргизиш ҳам инвестицион фаолиятни тартибга солиш орқали амалга оширилади.

Республикамизда инвестицион сиёсатни юргизиш ва шу мақсадда уни тартибга солишда Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 28 декабрдаги "Инвестицион фаолият тўғрисида"ги қонуни, шунингдек, 1998 йил 30 апрелдаги "чет эл инвестициялари тўғрисида"ги ва "чет эл инвесторларининг ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида"ги қонунлари асосий ўринни эгаллайди.

Давлат инвестиция сиёсатининг асосий йўналишлари ҳақида гап кетганда "Инвестицион фаолият тўғрисида"ги қонуннинг 18-модда: Ўзбекистон Республикаси инвестицион дастури, 14-модда: инвестицион фаолиятни давлат томонидан тартибга солиш, 15-модда: марказлашган инвестициялар алоҳида аҳамиятга эга.

Республикани социал-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишлари билан боглиқ бўлган инвестицион лойиҳалар Вазирлар Маҳкамасининг тасдиғига асосан Ўзбекистон Республикаси инвестиция дастурига киритилади. Бу инвестицион лойиҳаларни амалга оширишда қатнашаётган иштирокчиларга солиқ ва бошқа тартибдаги имтиёзлар берилади ва бу имтиёзлар ҳар бир лойиҳа бўйича амалдаги қонунчиликка асосан алоҳида кўриб чиқилади.

Қонуннинг 14-моддасида инвестицион фаолиятни давлат томонидан тартибга солиш, солиқлар билан боғлиқ амалдаги қонунчилик базасини такомиллаштириш, дифференциялашган солиқ объекти ва тўлови, антимонополия тадбирларини қўллаш, кредит сиёсати, давлат инвестицион дастурига кирган лойиҳалар ижроси устидан мониторинг ўрнатиш орқали амалга оширилиши кўзда тутилган.

Инвестицион фаолиятни давлат томонидан тартибга солишга алоҳида тўхталганимизнинг боиси, давлат бу орқали инвестицион сиёсатнинг асосий (устувор) йўналишларини амалга оширади.

Энди, Республикамиз инвестиция сиёсатининг асосий (устувор) йўналишларига келсак, булар биринчи навбатда республикамизнинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқиб ва унинг манфаатларига самарали хизмат

қиладиган тартибда шакллантирилганлигини таъкидлаб, уларни келтириб ўтамиз.

Биринчи асосий йўналиш – Республика аҳолисини ҳаёт фаровонлигини ошириш мақсадида аҳолининг дастлабки эҳтиёжларини (озиқ-овқат, соғлиқни сақлаш, таълим ва уй-жойга бўлган эҳтиёжидан) қондиришдан келиб чиқадиган комплекс тадбирлар билан боғлиқ лойиҳалар.

Иккинчи асосий йўналиш – Республикамизда замонавий коммуникация, алоқа ва транспорт тизимини шакллантиришга қаратиладиган лойиҳалар.

Учинчи асосий йўналиш – мамлакатда ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг рақобатбардошлигини таъминлайдиган юқори технологиялар.

Тўртинчи асосий йўналиш – ресурслардан самарали фойдаланиш имконини берадиган ҳамда экологик жиҳатдан тоза технологиялар билан боглиқ лойиҳалар.

II БОБ. КОРПОРАТИВ БОШҚАРУВ

3.1. Корпоратив бошқарув тушунчаси ва моҳияти

Корпоратив бошқарув мамлакат ижтимоий-иқтисодий ривожланишини белгилаб берадиган асосий омиллардан бири бўлиб, ҳозирда такомиллашиб бормоқда. Чунки мамлакат корпоратив секторини ва фонд бозорига маҳаллий ва хорижий инвестицияларни жалб қилган ҳолда уни ривожлантириш компаниялардан халқаро стандартларга мос даражадаги корпоратив бошқарувни талаб қилади. Корпоратив бошқарув илми, авваламбор корпоратив бошқарувнинг тушунчаси ва моҳияти ўрганиб чиқишни тақозо қилади.

"Корпоратив бошқарув" атамаси тарихан 1970-йилларнинг ўрталарида АҚШда юзага келган. Кейинчалик, ушбу атама Европада кенг тарқалиб, унда корпоратив менежмент, корпоратив ҳуқуқ ва корпоратив структуралар (ташкилотлар)ни яратиш соҳаларида тадқиқотлар ўтказилиши давом эттирилган[1]. Бироқ, бундан олдин, корпоратив муносабатлар тизими корпоратив ва хусусий мулкни бошқаришни қўллаш жараёни сифатида биринчи марта 1932 йилда америкалик ҳуқуқшунос олим А. Берли ва иқтисодчи Г. Минснинг классик ишларида ўрганилган. Уларнинг ишларида "корпоратив бошқарув" атамаси тилга олинмаган бўлса ҳам, улар классик агентлик муаммоларини ўрганганлар: корпоратив менежерлар акциядорларнинг агентлари сифатида корпоратив активларни бошқаришга ва акциядорлар манфаатлари йўлида фаолият юритишларига қай тарзда йўналтирилишлари мумкин? Улар корпо-

[1]Veasey E.N. The Emergence of Corporate Governance as a New Legal Dicsipline // The Business Lawyer/ №48. 1993. p.1276.

ратив бошқарувни ишончли кишилар – principals (аутсайдерлар, инвесторлар) ва вакиллар – agents (инсайдерлар, бошқарувчилар) ўртасидаги агентлик муносабатларда ифодаланадиган, эгалик ва бошқарувнинг бўлиниши билан боғланлар. Уларнинг таъкидлашича, фирманинг иқтисодий ривожланиши учун ташқаридан анча йирик ҳажмдаги молиявий ресурслар зарурати мавжудлиги туфайли акциядорлар жалб қилинади ва мазкур ҳолат корпорацияда мулкчилик ва бошқарувнинг бўлиниши учун асос бўлиб хизмат қилади[1].

Корпоратив бошқарув бўйича охирги йилларда олиб борилган ишлар қуйидаги назарияларнинг устунлиги билан боғлиқ: манфаатдор томонлар назарияси (Stakeholder's Theory) ва агентлик назарияси (Agency Theory).

Манфаатдор томонлар назарияси (Stakeholder's Theory)ни кўп ҳолларда корпорация манфаатларининг жамият манфаатларига мос келмаслиги назарияси деб атайдилар. Корпорация, катта-катта даромад келтириб, янги технологияларни жорий қилиб, мамлакатда нафақат иқтисодий, балки сиёсий ҳаётини белгилаб беришга қодир бўлиб, ўз ҳаракатларида умуман ҳеч кимга ҳисобдор эмас ва фаолияти билан боғлиқ одамлар манфаатларини, шунингдек истеъмолчилар, солиқ тўловчилар, кичик бизнес, келажак авлод ва б. манфаатларини инобатга олмайди. Ушбу назарияга мувофиқ, корпорация ҳам ўзининг акциядорларига, ҳам турли манфаатдор гуруҳлар (ходимлар, мижозлар, таъминотчилар ва б.га нисбатан муайян мажбуриятларга эга.

Агентлик назарияси (Agency Theory)[2] корпоратив муносабатлар механизмини агентлик харажатлари таъсири остида кўриб чиқади. Ушбу назарияга мувофиқ, капитал эгалари ва бу капитални бошқарадиган агентлар манфаатлари бир-бирига мос тушмайди. Юридик шахс мақомига эга бўлишига қарамай замонавий акциядорлик жамияти кўпчилик томонидан эгалик қилинади ва мулкдорлар номидан фаолият юритадиган бир неча шахслар гуруҳи томонидан бошқарилади. Компанияда бошқарув ва назорат менежерларнинг кўп поғонали иерархияси орқали амалга оширилади. Менежерлар тадбиркорлик функциясини бажаради, мулкдорлар эса, зарур профессионал малакага доим бир хилда эга бўлмай, капиталдан самарали фойдалана олмайдилар ва капитал таъминотчиси сифатида хизмат кўрсатади. Компания акциядорлик капитали структурасида компанияни бошқариш жараёнида бевосита иштирок этмайдиган майда инвесторлар кўпчиликни ташкил қилган пайтда жиддий хавф пайдо бўладики, бунда акциядорлар томонидан назоратни ҳис қилмаётган менежерлар компания ресурсларидан ўз мақсадларида фойдаланишлари мумкин. Агентлик харажатлари инвесторлар учун мулкчилик ҳуқуқи ва назоратнинг ажратилиши билан боғлиқ бўлган йўқотишларнинг қийматидир.

---

[1] Berle Jr.A., Means G. The modern Corporation and Private Property – NY.: Macmillan. 1932

[2] Агентлик муносабатлари назарияси 1976 йилда америкалик иқтисодчилар М. Дженсон ва У. Меклинг томонидан корпорациялар ичида содир бўлаётган ўзаро муносабатларни тушунтириш учун ишлаб чиқилган.

"Корпоратив бошқарув" ("Corporate Governance") номли биринчи китоб 1984 йилда чоп қилинган, 1993 йилдан бошлаб эса "Corporate Governance – an International Review" деб номланган назарий журнал чиқа бошлаган. Унга мувофиқ компаниялар (корпорациялар)ни ташкил этиш, бошқариш ва самарали ўзаро фаолият юритиш асосида ётган ҳуқуқий концепциялар ва тартиботларнинг умумий номланиши "корпоратив бошқарув" номини олган.

Кундалик ҳаётда корпоратив бошқарув иборасидан кенг фойдаланиш шунга олиб келдики, ҳозирги пайтда ушбу иборани кўпгина иқтисодий ҳодисаларда қўллаш мумкин. Шу билан бирга айтиш мумкинки, корпоратив бошқарув бошқа, яъни ноиқтисодий соҳаларга ҳам кириб борди. Корпоратив бошқарув тушунчасига берилган кўпгина таърифларни турли ёндашувлар нуқтаи-назаридан қараш мумкин.

Менежмент психологияси нуқтаи назаридан корпоратив бошқарув корпоратив маданиятни, яъни умумий анъаналар, мақсадлар, хатти-ҳаракат тамойиллари мажмуини туғдирадиган бошқарув сифатида талқин қилинади. Ташкилотлар назариясида корпоратив бошқарув корпорация ҳамда ташкилот тушунчаларининг бир-бирига дуч келишини кўзда тутади. Молиявий менежмент соҳаси нуқтаи назаридан корпоратив бошқарув жамғармаларни инвестицияларга айланишини таъминлайдиган ҳамда саноат тармоғида мукобил фойдаланувчилар орасида ресурсларни тақсимлайдиган муайян институционал келишувлар сифатида талқин қилинади. Банк ва саноат капиталининг бирлашуви асосида яратилган корпорация доирасида капитал турли тармоқлар ва жамият соҳалари ўртасида самарали айланиб туради. Ҳуқуқшунослик соҳаси нуқтаи назаридан корпоратив бошқарув корпорацияни ташкил этиш ва бошқариш асосида ётган, айниқса акциядорлар ҳуқуқлари билан боғлиқ бўлган ҳуқуқий концепциялар ва тартиботларнинг умумий номланишини ифодалайди.

Корпоратив бошқарув корпорацияларда махсус ташкил этилган органлар томонидан амалга ошириладиган онгли бошқарув ҳисобланади. Бундан ташқари, корпорация органлари конунчиликда белгиланган тартибга мувофиқ шакллантирилади ва конунчиликда ушбу бошқарув органлари ваколатлари ажратилган ҳолда белгилаб қўйилади. Шунинг учун корпоратив бошқарув, авваламбор, конун ва конунга мувофиқ қабул қилинган корпорациянинг ички ҳужжатлари асосида амалга ошириладиган бошқарув ҳисобланади. Демак, тор маънода, корпоратив бошқарув корпорацияга ташкилий тизим сифатида таъсир этиш бўлиб, бу таъсир ўз ваколати доирасида фаолият юритадиган махсус ташкил этилган органлар томонидан амалга оширилади. Кенг маънода эса, корпоратив бошқарув, бошқарув органлари ҳамда корпорациянинг мансабдор шахслари, унинг қимматли қоғозлари эгалари (акциядорлар, облигациялар ва

бошқа қимматли қоғозлар эгалари), шунингдек корпорацияни бирор-бир даражада бошқаришга жалб қилинган бошқа манфаатдор шахслар ўртасидаги муносабатлар тизимидир.

Бугунги кунда жаҳон амалиётида корпоратив бошқарувнинг барча мамлакатларда ва ҳар қандай вазиятда қўлланилиши мумкин бўлган ягона таърифи мавжуд эмас. Охирги йилларда корпоратив бошқарувнинг турли корпорацияларда ҳамда мамлакатларда шаклланиши ва ривожланиб бориш ҳолати корпоратив бошқарув тушунчасига нисбатан кўпгина таърифлар, муайян корпорациялар хусусиятларини ҳамда ушбу корпорациялар фаолият юритаётган мамлакат ёки ҳудуднинг миллий тафовутларини инобатга оладиган таърифларнинг пайдо бўлишига олиб келди.

Ҳозирда ғарб олимлари томонидан шакллантирилган корпоратив бошқарувнинг кўпгина таърифлари мавжуд. Илмий доира вакиллари орасида корпоратив бошқарув "корпорация бизнеси ўз ресурслари ва фойдасини қандай тақсимлашига таъсир кўрсатадиган институт"[1], "транзакциялар бирдамлиги масалалари ҳал қилинадиган институционал тармоқ"[2] сифатида талқин қилинади.

Америкалик иқтисодчи олимлар А. Шлейфер ва Р. Вишни, масалан, корпоратив бошқарувга қуйидаги таърифни берганлар: "Корпоратив бошқарув корпорация учун молия таъминотчиларининг ўзлари қўйган инвестициялар қайтими ёрдамида ўзларини таъминлаш воситасидир"[3]. Олимлар К. Жон ва Л. Сенбет ўзларининг тадқиқотларида таъкидлашларича, корпоратив бошқарув шундай механизмлардан ташкил топганки, улар ёрдамида корпорация фаолияти иштирокчилари корпоратив инсайдерлар ва менежерлар устидан уларнинг манфаатлари бузилишига қарши назоратни олиб боради[4] .

Муаллиф В. Бэбик томонидан корпоратив бошқарувга қуйидагича таъриф берилган, яъни "Корпоратив бошқарув корпорация фаолиятига ўз ҳиссасини қўшувчи ҳам молиявий, ҳам номолиявий инвесторлар манфаатларини ҳисобга олиш ва ҳимоя қилишдир. Номолиявий инвесторларга ходимлар (корпорация учун махсус кўникмаларга эга ходимлар), товар таъминотчилари (корпорация учун махсус жиҳозлар етказиб берувчилар), маҳаллий ҳокимият (корпорация манфаатларидаги инфратузилма ва солиқлар) кабилар кириши мумкин"[5]. Венгриялик олим М. Хессельнинг фикрича, корпоратив бошқарув мулкдорлар ва бошқа манфаатдор шахсларнинг корхона фаолиятини баҳолаш ва назорат қилиш билан боғлиқ ўзаро муносабатларидир[6]. Америкалик олим М. Портер

[1]O'Sullivan M. Corporate Governance and Globalization. The ANNALS of the American Academy of Political Science, Vol. 570, No.1 (July 2000). P.153-154.
[2]Williamson O.E. The Mechanism of Governance. New York: Oxford University Press. 1996. p.11.
[3]Shleifer A and Vishny R. A Survey of Corporate Governance // Journal of Finance – 1997 №52.p.738
[4]John K and Senbet L. Corporate governance and board effectiveness // Journal of banking and finance/ - 1998 - #22 p.371-403
[5]Babic V. The Key Aspects of the Corporate Governance Restructuring in the Transition Process // Economist/ - 2001. Vol.33 No.2 – P.133.
[6]Хессель М. Корпоративное управление: владельцы, директора и наемные работники акционерного общества. / Пер. с англ. -М.: Джон Уайли энд Санз, 1996.

корпоратив бошқарувга қуйидагича таъриф берган: "Корпоратив бошқарув корпорацияни бошқариш ва назорат қилишни, корпорациянинг бирламчи иштирокчилари орасидаги муносабатларни белгилаб берадиган қоидалар ва институтлар тизимидир"[1]. Америкалик тадқиқотчилар Ш.Паффер ва Д.Маккарти корпоратив бошқарувга ўзгача таъриф таклиф қилганлар: "Корпоратив бошқарув ҳамма ўзича тушунадиган шундай терминлардан бири, лекин, яхши корпоратив бошқарув менежерлар, директорлар кенгаши аъзолари ва акциядорлардан хушахлоқли бўлишни талаб қилади деган фикрга ҳамма қўшилишади"[2].

Корпоратив менежерлар, инвесторлар, адвокатлар ва сиёсатчилар нисбатан тор таърифдан фойдаланадилар. Улар учун корпоратив бошқарув корпорацияни назорат қилиш ва ривожланиш йўналишларини белгилаб берадиган қоидалар ва институтлар тизими бўлиб, бундай ҳаракатлар корпорация асосий иштирокчилари (акциядорлар) ўртасидаги ўзаро муносабатларида келиб чиқади. Cadbury 1992 йил ҳисоботида куйидаги таърифни топиш мумкин: "Корпоратив бошқарув — бу шундай тизимки, унинг ёрдамида бизнес бошқарилади ва назорат қилинади"[3].

"Корпоратив бошқарув" тушунчаси "корпорация" тушунчасига боғлиқ, бироқ корпоратив бошқарувни фақат корпорацияни бошқариш сифатида талқин қилиб бўлмайди. Ҳозирги пайтда корпоратив бошқарув кенгроқ маънода, яъни юқори даражадаги ташкилий тузилмага ва ўзига хос алоҳида хусусиятларга эга бошқарув сифатида қаралмоқда.

Россиялик тадқиқотчи-олимлар ҳам корпоратив бошқарув тушунчасига ҳам иқтисодий, ҳам ҳуқуқий нуқтаи назардан бир неча таърифлар беришга уринганлар. Мисол сифатида, муаллифлар В.Ю. Башкинсас, Д.И. Дедов, С.А. Карелина корпоратив бошқарувни компания эгалари томонидан қўйилган капиталларнинг қайтарилишини кафолатлайдиган усуллар тизими сифатида талқин қиладилар[4]. Муаллиф И.А.Храброванинг фикрича, корпоратив бошқарув — бу қабул қилинган мақсадлар асосида бизнеснинг ташкилий-ҳуқуқий томони ва энг мақбул ташкилий тузилмаларни бошқариш ҳамда компаниянинг фирмалараро муносабатларини йўлга қўйиш[5]. Муаллиф С. Карнаухов корпоратив бошқарувни муайян доирадаги синергетик самарани бошқариш сифатида таърифлаган[6].

Корпоратив бошқарув, деб таърифлайди С.А.Масютин — бу корхона менежерлари ва эгалари ўртасида корхона фаолияти самарадорлигини таъминлаш

---

[1]Porter M. Capital Choices: Changing the way America Invests in Industry / D.Chew/ Studies in International Corporate finance and governance systems – A comparison of the US, Japan and Europe – Oxford: Oxford University Press. 1997, p.48

[2]Корпоративное управление: поиск модели // Экономические стратегии. 2004. №2

[3]Report of the Committee on the Financial Aspects of Corporate Governance (Cadbury Report). Para. 2.5. URL: www.ecgn.org

[4]Башкинсас В.Ю., Дедов Д.И., Карелина С.А. Правовое регулирование деятельности акционерных обществ. -М.: 1999.

[5]Храброва И.А. Корпоративное управление: вопросы интеграции. Аффилированные лица, организационное проектирование, интеграционная динамика. – М., 2004 - с.64

[6]Карнаухов С. Эффективность корпоративных структур // Риск – 2000- №12. с.4

ҳамда мулкдорлар ва бошқа иштирокчилар манфаатларини ҳимоя қилишга оид муносабатлар тизимидир[1]. Муаллиф С.П.Кукура "Корпоратив бошқарув" тушунчаси илмий ва амалий билимлар соҳаси ҳамда корпорация кўринишидаги йирик корхоналар фаолиятини ташкил этиш ва тартибга солиш билан боғлиқ амалий фаолият соҳасини ўз ичига олади,[2] деб таърифлаган. Корпоратив бошқарувга яна бир эътиборга лойиқ таърифлардан бирини И.И.Мазур ва бир қатор муаллифлар гуруҳи беришган: "Корпоратив бошқарув акциядорлар ҳамда ходимлар, яқин жойлашган аҳоли пунктларида яшайдиган одамлар, мижозлар ва таъминотчилар каби бошқа манфаатдор томонлар манфаатлари йўлида қатъий фаолият юритадиган корпорацияни бошқариш ва уни назорат қилишни таъминлайдиган қоидалар мажмуи, маданиятни билдиради"[3].

Ўзбекистон тадқиқотчи-олимлари ичида ҳам корпоратив бошқарув тушунчасини таърифлашда четда қолмаганлар. Улар ўтказган тадқиқотлари доирасида корпоратив бошқарув тушунчасига ўз таърифларини бериб ўтганлар. Муаллиф А.А.Зоҳидовнинг фикрича, "Корпоратив бошқарув – бу акциядорлар манфаатлари устуворлигини компания самарадорлиги билан биргаликда таъминлаб берадиган бошқарув тизимидир"[4]. Иқтисодчи М.М. Воҳидов ҳам ўз тадқиқотида корпоратив бошқарувга ҳуқуқшунослик нуқтаи назаридан муаллиф таърифини бериб ўтган. Муаллиф корпоратив бошқарувни компания бошқарувчиларнинг акциялари юзасидан акциядорларнинг даромад олиш манфаатлари йўлида ва компанияни бошқаришда кафолатланган иштирок этишини таъминлашга қаратилган бошқарув фаолияти сифатида белгилаб, корпоратив бошқарувда кредиторлар, компания ходимлари ва хамкорлари, шунингдек яхлит тарзда жамият (масалан, сотиб олувчилар) каби манфаатдор томонлар иштирок этиши мумкин ва шарт, деб ҳисоблайди[5].

Яна бир ўзбек олимларидан бири Б.Б. Беркинов корпоратив бошқарув тизимини аниқлаштириб берган. Муаллифнинг фикрича, "Корпоратив бошқарув тизими — бу мураккаб, тез ўзгарувчан механизм бўлиб, у бир-бирига боғлиқ кўплаб ташкил этувчилар, жумладан қонунчилик, қонуности ҳужжатлар ҳамда корпорацияни мулкдорлар, бошқарувчилар ва кредиторлар томонидан назорат қилишнинг ички механизми ҳисобланувчи ички меъёрий ҳужжатлар мажмуини ўз ичига олади[4]. Иқтисодчи олимлар Ш. Зайнутдинов, Д. Рахимоваларнинг фикрига кўра, "Корпоратив бошқарув — манфаатдор шахсларнинг даромад олиш мақсадида биргаликдаги ҳаракатларидир"[6].

---

[1]Масютин С.А. Корпоративное управление: опыт и проблемы. Монография. - М.: ООО «Финстатинформ», 2003 - 33 с.
[2]Кукура С.П. *Теория корпоративного управления*. - М.: ЗАО Издательство «Экономика», 2004 - 478 с.
[3]Корпоративный менеджмент: Учеб. пособие, под общ. ред. И.И. Мазура и В.Д.Шапиро. – М.: Изд-во «Омега-Л» 2008.
[4]Зохидов А.А. Повышение эффективности управления акционерными компаниями в условиях переходной экономики: дисс. раб. на соискание к.э.н. -Т., 2004.
[5]Воҳидов М.М. Ўзбекистон акциядорлик жамиятларида корпоратив бошқарув тизимининг ҳуқуқий муаммолари ва такомиллаштириш йўллари: юф.ф.н. илмий даражасини олиш учун ёзилган дисс. Иши. -Т., 2007.
[6]Беркинов Б.Б. Корпоративные структуры (основы создания и управления). - Т.: Изд-во Нацб-ки Узбекистана им А.Навои, 2005 - 132 с.

Иқтисодчи олим М.Б. Ҳамидулиннинг корпоратив бошқарув атамасига берган таърифи ҳам эътиборга лойиқ. Унинг фикрича, "Корпоратив бошқарув — бу корпорация мулкдорларининг корпорация капиталини шакллантиришга, ундан фойда олиш мақсадида янада самарали фойдаланишга ҳамда олинган даромадларни корпоратив муносабатларнинг барча иштирокчилари ўртасида адолатли тақсимлашга қаратилган стратегик муҳим қарорларни белгилаш, таърифлаш ва қабул қилишга доимий ва реал таъсирни таъминлашдаги онгли, бевосита иштирокидир"[1]. Яна бир эътиборга лойиқ бўлган таърифлардан бири иқтисодчи олим Д.Х. Суюновнинг илмий тадқиқоти асосида шакллантирилган таъриф бўлиб, унга кўра: "Корпоратив бошқарув — бу корпоратив мулк шаклига кирувчи субъектларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи амалдаги меъёрлар, ҳамда бошқарувнинг маълум бир тамойиллари асосида корхона мақсадига эришиш учун амалга ошириладиган ҳаракатлар мажмуидир"[2].

Турли халқаро ташкилотлар ҳам корпоратив бошқарув тушунчасига "авторитет" мавқега эга бўлган ўз таърифларини ишлаб чиқишган.

Жаҳон Банки берган таърифга кўра, корпоратив бошқарув ҳўжалик жамиятларига инвестицияларни жалб қилиш ва самарали ишлаб чиқариш фаолиятини амалга оширишга имкон берадиган қонунчилик ҳужжатлари мажмуига тегишлидир. Акционерлик жамиятларини бошқариш структураси (акционерларнинг умумий йиғилиши, кузатув кенгаши, ижроия органи, тафтиш комиссияси, ички ва ташқи аудит) корпоратив бошқарув тизимидаги элементларидан бири хисобланади. Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти (ИХТТ) 1999 йилда ишлаб чиккан корпоратив бошқарув тамойилларида унга куйидагича таъриф беради: "Корпоратив бошқарув иқтисодий самарадорлик ва ўсишнинг ҳамда инвесторлар ишончини кучайтиришнинг асосий элементларидан бири бўлиб хисобланади. Корпоратив бошқарув ўз ичига компания раҳбарияти, директорлар кенгаши ва акциядорлари ҳамда бошқа манфаатдор шахслари ўртасидаги муносабатлар мажмуини олади"[3]

Шу ўринда, кўпгина адабиётларда учрайдиган бир-бирига якин, аммо мазмуни жихатидан мос келмайдиган "корпоратив бошкарув" (Corporate Governance) ва "корпоратив менежмент" (Corporate Management) тушунчаларига изоҳ бериб ўтиш лозим, чунки кўп ҳолларда ушбу икки тушунчани адаштириш мумкин. Инглиз тилидаги "governance" ва "management" сўзлари ўзбек тилида "бошқарув"ни англатса-да, аммо улар мазмун жиҳатдан фарқланади. Корпоратив бошкарув, умумий маънода, корхона мулкдорлари (акциядорлар), юкори поғона раҳбарлари (директорлар) ва уни бошкараётган менежерлар, шунингдек бошқа манфаатдор шахслар (ходимлар, истеъмолчилар,

---

[1]Зайнутдинов Ш.Н., Рахимова Д.Н. Корпоратив бошкарув асослари. – Т.: Академия, 2007. – 48 б.

[2]Хамидулин М.Б. Корпоратив стратегияларни молиялаш усул ва стратегиялари. «Корхонани бошкариш» журнали, 5-6-сон, 4-14-б.

[3]Суюнов Д.Х. Бизнес мухитининг ривожланишига корпоратив бошкарув механизмини жорий этишни такомиллаштириш: и.ф.д. илмий даражасини олиш учун ёзилган дисс. Нашр. -Т., 2008.

таъминотчилар, кредиторлар, давлат органлари ва б.) ўртасидаги ўзаро муносабатлар тизимини англатса, корпоратив менежмент эса бозор шароитида корпорация фаолиятини профессионал бошқариш бўлиб, фаолият мақсадларига эришиш ва ресурслардан оқилона фойдаланиш орқали фойда олишга йўналтирилган (20-расм).

Корпоратив бошқарув корпоратив менежментдан фарқли ўлароқ компанияни бошқаришнинг юқори даражасида туради. Корпоратив бошқарув ва корпоратив менежмент функцияларининг туташиш нуқтаси компанияни ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқиш жойи ҳисобланади. Шунинг учун, ўйлаймизки, Corporate Governance – "корпоратив бошқарув" сифатида ва Corporate Management – "корпоратив менежмент" сифатида ифодаланиши мақсадга мувофиқ.



20-расм. Корпоратив бошқарув ва корпоратив менежмент соҳалари

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, корхонада яхши йўлга қўйилган корпоратив бошқарув инвесторларнинг ҳуқуқларини ҳимоялашда ижобий натижаларни юзага келтиради, чунки корпоратив бошқарув асосан қуйидаги мақсадларни кўзлайди:

- акциядорларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоялаш;
- компаниянинг инвестицион жозибадорлигини ошириш;
- акциялар қийматини ошириш йўли орқали узоқ муддатли иқтисодий салоҳиятни тўплаш;

- жамият ривожининг стратегиясини аниқлаш ва уни амалга оширишни назорат қилиш;

- бизнес-режа ва бошқаларни тасдиқлаш ва назорат қилиш ва ҳ.к.

Демак, корпоратив бошқарув компанияда инвестицияларни жалб қилишни таъминлашда, компанияни бошқа манфаатдор томонлар манфаатларини инобатга олган ҳолда самарали бошқаришда ҳамда компания фаолияти самарадорлиги таъминлаш ва рақобатбардошлиги оширишда муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

Таянч иборалар

Корпоратив бошқарув, корпорация, манфаатдор томонлар назарияси, агентлик назарияси, корпоратив менежмент, корпоратив бошқарув мақсадлари.

Назорат саволлари

1. Корпоратив бошқарув тушунчаси нимани англатади?

2. Корпоратив бошқарув тушунчасини биринчи марта ким тадқиқ қилган?

3. Корпоратив бошқарувда манфаатдор томонлар назарияси ва агентлик назарияларининг моҳияти нимада?

4. Корпоратив бошқарув тушунчасини таърифлашда қандай хорижий олимларни биласиз?

5. Корпоратив бошқарувни ривожлантиришда мамлакатимиз олимлари қандай ҳисса қўшган?

6. Корпоратив бошқарув ва корпоратив менежмент ўртасидаги фарқ нимада?

3.2. Корпоратив бошқарув тамойиллари ва кодекслари

Корпоратив бошқарувнинг кўпгина кўринишларида қўлланиладиган бир неча стандартлар мавжуд бўлиб, булар корпоратив бошқарув амалиётининг асосий тамойиллари йиғиндисини ташкил этади. Ушбу тамойиллар ҳуқуқий нормаларнинг турли тизимлари билан муносабатда бўлади. Бундай тамойилларга риоя қилиш барча акциядорлар ҳуқуқларини ҳимоялашга ва уларни рўёбга чиқариш имконини беради ҳамда ижроия органига ҳўжалик жамиятининг стратегиясини мустақил тасдиқлаш, ижроия аппарати аъзоларини ёллаш, заруратга кўра уларни алмаштириш ҳуқуқини беради. Халқаро ташкилотлар томонидан ишлаб чиқилиб, амалга киритилган бундай тамойиллар корпоратив бошқарувнинг халқаро стандартларини ташкил этади.

ИҲТТ корпоратив бошқарув тамойиллари. Бугунги кунда Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти (ИҲТТ)нинг Кенгашининг 1999 йил 26-27 майдаги йиғилишида қабул қилинган "Корпоратив бошқарув тамойиллари" корпоратив бошқарувнинг халқаро стандартлари соҳасида асосий ҳужжат

ҳисобланади. Шундан сўнг ИҲТТ корпоратив бошқарув тамойиллари ўзига хос мезонлар ўлчови бўлиб қолди. Уларни стандарт сифатида Молиявий барқарорлик бўйича Форум, Жаҳон банки ва бошқа халқаро ташкилотлар ўз фаолиятларида ҳамкорлик қилаётган муайян мамлакатларда корпоратив бошқарувни яхшилаш мақсадида қўлламоқда. 2002 йилда компанияларда тартибга солувчи, назорат қилувчи ва ижрочи органлари ўртасидаги жавобгарликни аниқ ажратиб берадиган бир неча ҳолатларни белгилаб қўйиш ва кучайтириш зарурати туфайли, шунингдек компания раҳбарияти фаолиятининг шаффофлигини кўпроқ таъминлаш, директорлар кенгаши ва раҳбариятнинг қарор қабул қилишда жавобгарлигини кучайтириш учун ушбу тамойилларни қайта кўриб чиқиш ҳаракати муваффақиятли амалга оширилди. Кейинчалик 2004 йилда ТҲТТнинг 30 мамлакат ҳукуматлари томонидан янги, қайта кўриб чиқилган "Корпоратив бошқарув тамойиллари" тасдиқланди. ИҲТТ корпоратив бошқарув тамойиллари ИҲТТнинг нафақат аъзо давлатларга, балки бошқа давлатлар, шунингдек фонд биржалари, инвесторлар, компаниялар ва корпоратив бошқарувни такомиллаштиришда муҳим аҳамият касб этадиган бошқа шахсларга ҳам мўлжалланган. ИҲТТ тамойиллари мажбурий эмас, балки тавсиявий характерга эга бўлиб, ҳукуматлар томонидан амалдаги миллий қонунчиликни баҳолаш ва такомиллаштириш учун, шунингдек корпорациялар томонидан корпоратив бошқарув тизимини яратиш ва корпоратив бошқарув соҳасида "илғор тажриба"ни ишлаб чиқиш учун қўлланилиши мумкин. ИҲТТ корпоратив бошқарув тамойиллари олти соҳани ўз ичига олади:

1. Самарали корпоратив бошқарув тизимига асос таъминлаш (Ensuring the Basis for an Effective Corporate Governace Framework) – корпоратив бошқарув тизими шаффоф ва самарали бизнес муҳитини яратиши, қонун талабларига мувофиқ бўлиши ҳамда турли кузатувчи, тартибга солувчи ва ижроия органлари орасида масъулиятлик тақсимланишини аниқ белгилаб бериши лозим.

2. Акциядорлар ҳуқуқлари ва уларнинг мулкка эгалик қилиш асосий вазифалари (The Rights of Shareholders and Key Ownership Functions) – корпоратив бошқарув тизими акциядорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиши ва рўёбга чиқаришини таъминлаши лозим.

3. Акциядорлар билан тенг ҳуқуқли муносабатда бўлиш (The Equitable Treatment of Shareholders) – корпортив бошқарув тизими акциядорлар, шу жумладан миноритар ва хорижий акциядорлар билан тенг ҳуқуқли муносабатда бўлишни таъминлаши лозим. Барча акциядорлар ўз ҳуқуқларини бузилиши ҳолларида самарали ҳимоя қилиниш имкониятга эга бўлиши лозим.

4. Манфаатдор томонларнинг корпоратив бошқарувдаги роли (The Role of Stakeholders in Corporate Governance) – корпоратив бошқарув тизими манфаатдор томонларни чг қонун билан ёки икки томонлама келишув асосида

ўрнатилган ҳуқуқларини тан олиши ҳамда фаровонликни ошириш, янги иш ўринларини яратиш ва молиявий соғлом корхоналар барқарорлигини таъминлашда корпорациялар ва манфаатдор томонлар ўртасидаги фаол ҳамкорликни рағбатлантириши лозим.

5. Ахборотни ошкор қилиш ва шаффофлик (Disclusure and Transparency) – корпоратив бошқарув тизими корпорация фаолиятига оид барча муҳим масалалар, жумладан компаниянинг молиявий ҳолати, фаолият натижалари, мулкчилик ва бошқарув структураси тўғрисидаги ахборотни ўз вақтида ва аниқ ошкор қилинишини таъминлаши лозим.

6. Директорлар кенгаши жавобгарлиги (The Responsibilities of the Board) – корпоратив бошқарув тизими директорлар кенгаши томонидан компания стратегик бошқарувини, менежерлар ишини самарали назорат қилишни, шунингдек директорлар кенгашининг компания ва акциядорларга ҳисобдорлигини таъминлаши лозим.

Кейинчалик, корпоратив бошқарувнинг ушбу асосий тамойилларини қисқача қуйидагича ифодалаш мумкинлиги белгиланган:

- адолатлилик (1- ва 2- тамойиллар);
- жавобгарлик (1- ва 3- тамойиллар);
- шаффофлик (4- тамойил);
- ҳисобдорлик (5-чи тамойил);

Мазкур тамойиллар бугунги кунда корпоратив бошқарув илмининг энг эътироф этилган ва кўп қўлланиладиган қоидалари бўлиб қолиб, корпоратив бошқарувнинг фарқли хусусиятларга эга маълум барча моделлари асосида ётади.

Халқаро корпоратив бошқарув тармоғининг корпоратив бошқарув мезонлари. Халқаро корпоратив бошқарув тармоғи (International Network of Corporate Governance) 1995 йил Вашингтонда институционал инвесторлар, уларнинг вакиллари, компаниялар, молиявий воситачилар ҳамда корпоратив бошқарув жаҳон амалиётини ривожлантиришдан манфаатдор бўлган бошқа шахслар орасида ташкил этилган. Ушбу ташкилот ИҲТТ тамойилларини тан олиб маъқуллаган ҳолда, уларни жаҳонда компания ва инвесторлар учун корпоратив бошқарувнинг минимал стандартлари сифатида қабул қилади. Бундан ташқари, Халқаро корпоратив бошқарув тармоғи (ХКБТ) 2005 йилда "Корпоратив бошқарувнинг умумий тамойиллари"ни қабул килди ва улар қуйидагилардан иборат:

- Компаниянинг асосий мақсади акциядорлар даромадини мунтазам равишда оптималлаштириб боришдан иборат бўлиши лозим. Компания узоқ муддатли фаолият олиб боришга ҳамда манфаатдор томонлар билан самарали ҳамкорлик қилишга интилиши лозим.

• Компания инвесторлар томонидан пухта ўйланган қарорларни қабул қилиш учун бозор талабларига жавоб берадиган ахборотни аниқ, тўлиқ ва ўз вақтида ошкор қилиши лозим.

• Ҳар бир оддий акция бир овозга эга бўлиши лозим. Компаниялар акциядорнинг овоз бериш ҳуқуқини таъминлаб бериши лозим. Назорат қилувчи органлар ва қонунчилик овоз бериш ҳуқуқини амалга оширишни ҳамда овоз бериш ҳуқуқи тўғрисидаги ахборотни ўз вақтида ошкор қилишни енгиллаштириши лозим.

• Директорлар кенгаши ва унинг ҳар бир аъзоси барча акциядорларнинг ишончли вакили (фидуциарий) ҳисобланади ва барча акциядорларга ҳисобдор бўлади. Директорлар кенгаши аъзолари мунтазам асосда қайта сайланиши лозим. Ҳар йиллик ҳисоботда директорлар кенгаши аъзолари тўғрисидаги ахборот ошкор қилиниши лозим. Директорлар кенгаши таркибида етарли миқдорда мустақил директорлар (камида 3 та) бўлиши лозимлиги; аудит бўйича, мукофотлар бўйича ва лавозимлар бўйича қўмиталар тўлиқ ёки асосан мустақил директорлардан таркиб топган бўлиши лозим.

• Директорлар кенгаши аъзолари ва менежерлар меҳнатига ҳақ тўлаш акциядорлар манфаатларига жавоб бериши лозим; мукофотларни тўлаш сиёсати ва миқдори йиллик ҳисоботда ошкор қилишини лозим.

• Компания асосий фаолиятининг муҳим стратегик ўзгариши, шунингдек оқибатда акциядорлик капитали оқимига ёки акциядорлар ҳиссалари камайишига олиб келадиган муҳим ўзгаришлар акциядорларнинг дастлабки тасдиғисиз амалга оширилмаслиги лозим.

• Корпоратив бошқарув амалиёти компания фаолиятини доимий оптималлаштиришга йўналтирилган бўлиши лозим.

• Корпоратив бошқарув амалиёти акциядорлар даромадини ҳам доимий оптималлаштиришга йўналтирилган бўлиши лозим.

• Компаниялар ўзлари фаолият юритаётган ҳудуднинг барча қонунларига риоя қилишлари лозим. Директорлар кенгашлари манфаатдор томонларга нисбатан олиб бораётган ўз сиёсатларини ошкор қилишлари лозим.

• Агар корпоратив бошқарувнинг илғор амалиёт кодекслари мавжуд бўлса, улар қўлланилиб турилиши лозим, агар мавжуд бўлмаса, инвесторлар ва бошқа манфаатдор шахслар уни ишлаб чиқиш билан шуғулланишлари лозим.

Европа тикланиш ва тараққиёт банкининг оқил бизнес стандартлари ва корпоратив амалиёти. Европа тикланиш ва тараққиёт банкининг (ЕТТБ) Оқил бизнес стандартлари ва корпоратив амалиёти ("Sound Business Standards and Corporate Practices") 1997 йилда "Куперс энд Лайбранд" компанияси билан ҳамкорликда ишлаб чиқилган бўлиб, унинг мақсади компанияларга инвестиция карорларини кабул килишда кредиторлар ва инвесторлар томонидан

қандай умумий жиҳатлар инобатга олинишини тушунишга ёрдам бериш ҳисобланади. Унга мувофиқ компанияларга манфаатдор томонлар билан ўзаро ҳамкорликда қуйидаги тамойилларга риоя қилиш тавсия қилинади:

1. Мижозлар билан ўзаро муносабатлар:

• чиқарилаётган товарлар ва кўрсатилаётган хизматларга юқори сифат ва рақобатбардошлик;

• товарлар ва хизматлар тўғрисида тегишли ахборот бериш;

• муносабатларда узоқ муддатли истиқболни кўзлаш.

2. Ходимлар билан ўзаро муносабатлар:

• меҳнат қонунчилигига, шу жумладан меҳнат муҳофазаси нормалари ва гигиенасига риоя қилиш;

• ишга қабул қилишда, меҳнатга ҳақ тўлашда, хизматда кўтарилишда аниқ тамойилларнинг бўлиши ва камситишларнинг бўлмаслиги;

• ходимнинг касаба уюшмаларида иштирок этиш ҳуқуқларини ҳурмат қилиш.

3. Таъминотчилар билан ўзаро муносабатлар:

• харидларни амалга оширишда аниқ ва ошкора тамойиллар;

• ҳисоб-китоб қилишнинг замонавий йўллари;

• порахўрликни таъқиб қилиш;

• манфаатдорлиги бўлган битимлардан воз кечиш.

4. Жамият билан ўзаро муносабатлар:

• маҳаллий аҳоли фикрлари ва манфаатларини инобатга олиш;

• атроф-муҳитни муҳофаза қилиш талабларига риоя қилиш.

5. Давлат органлари ва маҳаллий ҳокимият билан ўзаро муносабатлар:

• солиқларни тўлаб туриш;

• барча турдаги мажбурия меъёрларга риоя қилиш;

• барча турдаги зарурий рухсатномалар ва лицензияларни олиш;

• манфаатдорликнинг йўқлиги.

6. Компаниянинг акциядорлари билан ўзаро муносабатлари энг муҳим аҳамият касб этади. Шу муносабат билан оқил бизнес стандартлари қуйидаги тавсияларни ўз ичига олади:

• компанияни бошқариш структураси бўйича:

– бошқарув органлари ва акциядорлар функция ва мажбуриятларини компания низомида аниқ бириктирилиши;

– ижроия органи, директорлар кенгаши ва умумий йиғилиш ўртасидаги ваколатларнинг аниқ тақсимланиши;

• акциядорлар ҳуқуқлари бўйича:

– акциядорлар таркиби, овоз бериш қоидалари ва йирик акция пакетларининг ҳақиқий эгалари тўғрисидаги ахборотни ошкор этиш;

– майда акциядорлар ҳуқуқларини ҳурмат қилиш;

• ахборотни ошкор қилиш бўйича:

– акциядорлар билан тизимли ва очиқ муносабатда бўлиш. Аудитор томонидан тасдиқланган ҳисоботни тақдим этиш, компания тўғрисидаги маълумотлар раҳбарият қабул қилган асосий қарорлар хусусида тушунтиришлар бериш, йиллик ҳисоботга киритилган ишлаб чиқариш ва молиявий фаолият таҳлили кўринишида;

• директорлар кенгаши бўйича:

– директорлар кенгашида билим ва вақт, шунингдек самарали ишлаш учун зарур бўлган маълумотларни олиш ҳуқуқи бўлиши. Мустақил қўмиталарни (тафтиш, мукофотлар, тайинлашлар бўйича) ташкил этиш;

– директорларнинг битимларни тузишдаги манфаатдорлиги тўғрисидаги ахборотни ошкор қилиш (манфаатлар тўқнашуви);

• назоратлар ва мувозанатлар тизими бўйича:

– компания стратегик мақсадлари ва сиёсати тўғрисидаги, компанияга жиддий таъсир кўрсата оладиган ҳодисалар тўғрисидаги ахборотларни тақдим қилиш, бошқарув органларини барча муҳим жиҳатлар тўғрисида хабардор қилиш;

– тегишли ички назорат олиб бориш (ахборот алмашиш ва коллегиал қарорлар қабул қилиш; манфаатлар тўқнашуви сабабларини аниқлаш тартиботининг мавжудлиги; раҳбарият томонидан компания фаолиятини, айниқса пул маблағлари ҳаракатини самарали назорат қилиш; директорлар кенгашига ҳисобдор бўлган малакали ички тафтишчилар ва текширувчиларнинг мавжуд бўлиши; *холис ташқи аудиторнинг мавжудлиги*).

Евроакциядорларининг асосий корпоратив бошқарув тамойиллари. 1990 йилда Евроакциядорлари уюшмаси Конфедерацияси таркиб топган бўлиб, унинг таркибига 8 миллий уюшма (Бельгия, Буюк Британия, Германия, Голландия, Дания, Испания, Франция ва Швеция)нинг акциядорлари кирди. Ушбу ташкилотнинг асосий вазифаси Европа Иттифоқи акциядорларининг манфаатларини ифодалаш, майда акциядорларни ҳимоя қилиш, капитал бозорлари шаффофлигини таъминлаш, Европа компанияларидаги акциядорлик капитали қийматини ошириш, корпоратив бошқарув масалаларини қўллаб-қувватлашдан иборат. 2000 йилда Евроакциядорларининг корпоратив бошқарув йўриқномалари ("EurosharehoIders Corporate Governance Guidelines") қабул қилинди ва улар қуйидагилар:

• компания авваламбор узоқ истиқболда акциядорлик капитали қийматини кўпайтиришга интилиши лозим. Компаниялар ўз молиявий мақсадлари ва ўз стратегиясини ёзма равишда аниқ белгилаб қўйиши ҳамда уни йиллик ҳисоботга киритиб қўйишлари лозим.

• Компаниянинг табиати, катталиги, структураси ва хавф-хатарларига жиддий таъсир кўрсатадиган асосий қарорлар ҳамда компания акциядорининг молиявий ҳолати учун муҳим оқибатларга эга бўлган қарорлар акциядорлар томонидан тасдиқланиши ёки акциядорлар умумий йиғилишида қабул қилиниши лозим.

• Сингдиришга қарши ҳимоялаш воситалари ёки акциядорлар таъсирини чеклаб қўядиган бошқа воситалардан сақланиш лозим.

• Компанияни қўшиб олиш ва сингдириш жараёнлари тартибга солиниши ҳамда бундай қоидаларга риоя қилиниши назорат этилиши лозим.

• Агар акциядорнинг мулкчилик улуши маълум ҳажмгача етиб борса, ушбу акциядор бошқа акцияларни оқил шартларда, яъни компания устидан назоратни қўлга киритиш учун тўланган мақбул нархларда сотиб олишни таклиф қилишга мажбурдир.

• Компаниялар акция нархига таъсир этадиган ахборотни, шунингдек 5% дан ортиқ улушга эга бўлган акциядорлар тўгрисидаги ахборотни дарҳол ошкор қилишлари лозим. Мазкур қоида риоя қилинмаган тақдирда жиддий жарима санкциялари қўлланилиши лозим.

• Аудиторлар мустақил бўлишлари ва акциядорлар умумий йиғилиши томонидан сайланиши лозим.

• Акциядорлар умумий йиғилиш кун тартибига масалалар киритиш имконига эга бўлишлари лозим.

• Ахборотни тарқатишнинг оддий каналларидан ташқари компания акциядорларга акция қийматига таъсир этадиган ахборотни тақдим этиш учун электрон воситалардан фойдаланиши лозим.

• Акциядорлар камида битта кенгаш аъзоларини сайлаш ҳуқуқига эга бўлишлари, шунингдек кенгаш аъзосини ишдан бўшатиш тўғрисидаги масалани кўтариш имконига эга бўлишлари лозим. Сайлашдан олдин акциядорлар кенгаш таркибига сайланадиган номзодларни таклиф қилиш имконига эга бўлишлари лозим.

• Ноижрочи директорларнинг кенгаш таркибидаги аъзолиги кузатув кенгашининг ҳам бир поғонали, ҳам икки поғонали тизимида 12 йил муддат билан чекланиши лозим.

• Кенгаш таркибида собиқ ижрочи кенгаш аъзоси орасидан кўпи билан битта ноижрочи кенгаш аъзоси бўлиши мумкин.

Калифорния очиқ нафақа фондининг глобал корпоратив бошқарув тамойиллари. Калифорния очиқ нафақа фонди (California Public Employees' Retirement System – CalPRES) АҚШдаги энг йирик ва энг фаол нафақа фонди ҳисобланади. Ушбу ташкилот 80-йилларнинг бошларида ташкил этилган бўлиб, ўз фаолиятини нафақат АҚШ молия бозорида олиб боради, балки хо-

рижий компанияларга инвестициялар ҳам қўяди. Калифорния очиқ нафақа фонди 1996 йилда "Корпоратив бошқарувнинг глобал тамойиллари"ни эълон қилди. Ушбу тамойиллар 1999 йилда ИҲТТнинг корпоратив бошқарув тамойилларини ишлаб чиқишда асос бўлиб хизмат қилган ва улар қуйидагилардан иборат:

1. Ҳисобдорлик:

• директорлар кенгаши ва кузатув кенгаш акциядорларга ҳисобдор бўлиши;

• директорлар кенгаши компания раҳбарияти назорат қилиш имкониятига эга бўлиши, инвесторлар эса директорлар кенгашини назорат қилиш имкониятига эга бўлиши;

• компания раҳбариятини мукофотлаш компания фаолиятининг узоқ муддатли натижалари билан боглиқ бўлиши лозим.

2. Шаффофлик:

• глобал рақобатли бозорлар компаниялар томонидан тақдим этилаётган ахборотнинг ошкорлиги ва ишончлилигига боғлиқлиги;

• компаниялар халқаро бухгалтерия ҳисоби стандартларини тан олиши;

• компаниялар Илғор амалиёт кодексига риоя этиш хусусида акциядорлар олдида ҳисобот беришлари лозим.

3. Адолатлилик:

• компаниялар миноритар акциядорларни хурмат қилишлари лозим. Улар барча акциядорларга бўлган адолатлик муносабатни таъминлаши;

• умумий йиғилишда бир акция эгасига бир овозни бериши лозим.

4. Овоз бериш усуллари:

• ишончномалар аниқ ва ихчам бўлиши ҳамда акциядорларга муайян ахборотни бериши;

• акциядорлар шахсан ҳамда ишончнома асосида берган барча овозлар расман санаб чиқилиши ва эълон қилиниши;

• ишончнома асосида овоз бериш тартиботини соддалаштириш учун янги технологиялар қўлланилиши лозим.

5. Илғор амалиёт кодекслари:

• барча бозорлар компания директорлари ва раҳбарияти амал қилиши мумкин бўлган тегишли Илғор амалиёт кодексларини ишлаб чиқиши;

• компаниялар Илғор амалиёт кодексларида баён қилинган тамойилларга риоя қилишлари;

• бозор иштирокчилари даврий равишда Илғор амалиёт кодексларини қайта кўриб чиқишлари лозим.

6. Узоқни кўра билиш:

• компания директорлари ва раҳбарияти стратегик жиҳатдан узоқни кўра билиш қобилиятига эга бўлиши лозим, унда муҳим эътибор акция қиймати ошишини таъминлашга қаратилган бўлиши лозим.

Компанияларда корпоратив бошқарув тамойилларини жорий этишдан мақсад энг аввало акциядорлар, шу жумладан миноритар акциядорлар ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўлиб ҳисобланади. Чунки, бундай мақсад йирик ҳажмдаги инвестиция жалб этиш учун замин яратади ва умуман мамлакат иқтисодиётига ижобий таъсир қилади.

Корпоратив бошқарувнинг умумий ёндашувлар ва тамойилларини шакллантиришда нафақат кўпгина мамлакатлардаги давлат органлари, балки нодавлат (жамият, тадбиркорлик) ташкилотлари ва гуруҳлари ҳам фаол иштирок этади. Давлат органларининг фаолияти, авваламбор, акциядорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва ахборотни ошкор этиш меъёрларини мажбуран бириктириш мақсадида қонунчиликни такомиллаштиришдан иборат бўлса, ишбилармонлар доираси ҳамда бошқа нодавлат тузилма ва гуруҳлар фаолияти эса халқаро тан олинган тамойил ва стандартларга мос, миллий хусусиятларни ҳисобга олган ва ишбилармонлар ҳамжамиятининг кўпчилик қисми томонидан ихтиёрий тарзда қабул қилинадиган корпоратив бошқарувнинг қоида ва тартибларини шакллантиришга йўналтирилади.

Бундай фаолият натижалари турли мамлакатларда "Корпоратив бошқарув кодекси" деб аталадиган ҳужжатнинг пайдо бўлиши ҳисобланади. Корпоратив бошқарув кодекси (ёки корпоратив хулқ кодекси) ихтиёрий равишда қабул қилинадиган, корпоратив муносабатлар тартибини ўрнатадиган ва тартибга соладиган стандартлар ва ички меъёрлар мажмуидир. Корпоратив бошқарув кодекслари таркибининг асосини ташкилот фаолиятига тегишли тавсиялар, корпоратив бошқарувнинг асосий ва энг таъсирчан механизми сифатида қараладиган директорлар кенгашининг фаолияти тамойиллари ва технологиялари ташкил қилади.

"Корпоратив бошқарув кодекси" (баъзи мамлакатларда "Корпоратив хулқ кодекси", "Энг илғор амалиёт кодекси") деб аталадиган ҳужжатга корпоратив бошқарувни ривожлантиришда муҳим ўрин ажратилган. Корпоратив бошқарув кодекси:

- хулқ-атвор стандартлари. Компанияни бошқариш жараёни ва структурасини мураккаблаштирмаган ҳолда корпоратив бошқарувнинг энг илғор амалиёти учун шароит яратадиган қоидалар мажмуи;

- тавсиявий меъёрлар. Кодекслар турли мамлакатларда турлича ҳуқуқий ҳолатга эга, шунинг учун уларни ишбилармонлик амалиётига жорий этишнинг муайян механизмлари мавжудлиги;

- кодексга риоя килиш тўғрисидаги ахборот йиллик ҳисоботда ахборот ошкор этиладиган мажбурий талаб сифатида киритилиши мумкинлиги;

- акциялари фонд биржасида муомалада бўлган компанияларга кодекс тавсияларига риоя этиш ёки уларга риоя этмаслик хусусидаги ахборотни ошкор қилиш бўйича мажбурият юклатилиши мумкинлиги;

- янги имкониятлар. Корпоратив бошқарув кодекси акциядорлар ва бўлғуси инвесторларга, айниқса хорижий инвесторларга компаниянинг корпоратив бошқарув даражасини умумэътироф этилган стандартлар ва меъёрларга амал қилиш нуқтаи назаридан объектив баҳолаш имкониятини бериши;

- энг илғор амалиёт;

-ўзаро ҳамкорлик натижаси. Корпоратив бошқарув даражасини оширишдан манфаатдор бўлган турли томонлар иштирокидан иборат.

Бугунги кунда кўпгина ривожланган ва ривожланаётган мамлакатларда нодавлат профессионал бирлашмалар ташаббуси асосида ишлаб чиқилган ва корпоратив хулқ-атворнинг миллий стандартларини белгилайдган 100 дан ортиқ корпоратив бошқарув кодекслари амал қилмоқда. Ишлаб чиқилган кодекслар қонунчилик ҳужжати характерига эмас, балки тавсиявий асосга эга, лекин корпоратив бошқарув кодексига риоя қилишдан воз кечиш ташкилот обрўсига зарар етказиши ҳамда унинг иқтисодий ҳолати ёмонлашувига сабаб бўлиши мумкин.

Дастлабки шундай кодекслардан бири 1991 йилда Буюк Британияда молиявий ахборот бўйича Кенгаши, Лондон фонд биржаси ва бухгалтерия ходимлари профессионал уюшмаси томонидан тайёрланган Кэдбери Кодекси бўлди. Шунга ўхшаш ҳужжатлар бошқа мамлакатларда ҳам қабул қилинган. АҚШда 1994 йилда "Дженерал Моторс" компанияси директорлар кенгаши томонидан тайёрланган "Корпоратив бошқарувнинг асосий йўналишлари ва муаммолари", 1998 йилда Калифорния нафақа фонди томонидан тайёрланган "Корпоратив бошқарувнинг асосий тамойиллари ва йўналишлари" амал қилади. Франция саноатининг миллий кенгаши, Франциянинг хусусий тадбиркорлар уюшмаси ва Франция корхоналари ҳаракати билан тузилган гуруҳ томонидан 1995 йилда М.Вьено раҳбарлигида корпоратив бошқарув бўйича қўмита тавсиялари (1999 йилда янги нашри чиққан) қабул қилинган. 2000 йилда Германия корпоратив бошқарув гуруҳи томонидан тайёрланган Германия корпоратив бошқаруви учун илғор амалиёт Кодекси қабул қилинган. Шунга ўхшаш кодекслар Канада, ЖАР, Бразилия, Мексика, Руминия, Финландия, Чехия, Швейцария, Япония, Жанубий Корея, Туркия ва бошқа кўплаб мамлакатлардан қабул қилинган. Россияда бундай ҳужжат 2002 йилда қабул қилиниб, у "Корпоратив хулқ кодекси" деб номланган. Ушбу ҳужжатни ишлаб чиқиш ишида етакчи мутахассислар ва ишбилармон доира вакиллари иштирок этган.

Ўзбекистонда ҳам корпоратив бошқарув кодексининг қабул қилиниши лозимлиги ҳозирги пайтда долзарб масалага айланган. Мамлакатда корпоратив бошқарув кодексини ишлаб чиқишда икки маротаба уриниш бўлган. 2001-2002 йиллар мобайнида АҚШнинг "Карана" корпорацияси томонидан Осиё тараққиёт банкининг "Ўзбекистонда корпоратив бошқарувни ислоҳ қилиш

дастури" лойиҳаси амалга оширилган. Ушбу лойиҳани амалга ошириш доирасида америкалик мутахассислар томонидан Ўзбекистон учун корпоратив бошқарувнинг энг яхши усуллари Кодекси ишлаб чиқилган. Мазкур ҳужжат таркибининг 90 фоизи Кузатув кенгаш фаолияти билан боглиқ бўлган батафсил ёритилган тавсиялардан иборат бўлган. Шу билан бирга, унда корпоратив бошқарувнинг қонунчилик билан тартибга солинмаган бошқа кўпгина масалаларини ечиш борасида тавсиялар берилмаган эди. Бундай киритилмаган масалаларга акциядорлик жамиятлари томонидан акциядорлар умумий йиғилишини ўтказишнинг бир неча масалаларини ҳал этиш тартибини белгилаш масалалари (йиғилиш иштирокчиларини рўйхатга олишни қачон бошланиши, йиғилиш бошлангунга қадар неча кун аввал акциядорларга йиғилиш муҳокамасига чиқарилаётган ҳужжатлар тақдим этилиши лозим ва ҳ.к.); коллегиал ижроия органи сифатидаги Бошқарув ва унинг раиси ваколатлари чегаралари; корпоратив котиб лавозимини жорий қилишнинг мақсадга мувофиқлигини, унинг вазифаларини аниқлаш каби масалаларини киритиш мумкин. Бундан ташқари, ҳужжат матни, гарчанд кўпгина фойдали тавсиялардан иборат бўлса-да, Ўзбекистон акциядорлик жамиятлари мутахассислари учун тушуниши қийин шаклда ифодаланган эди.

Ўзбекистон акциядорлик жамиятлари учун хос бўлган корпоратив бошқарув кодексининг иккинчи варианти 2003 йилда АҚШ давлат департаменти ҳузуридаги таълим ва маданият алокалари Бюросининг молиявий кўмагида Тренинг ва консалтинг маркази (Тошкент ш.) томонидан тайёрланган. Унда асосан узоқ хориж мамлакатлари кодексларидан танлаб олинган муайян тафсилотларсиз ва Ўзбекистон шароитига мослаштирмаган ҳолда декларатив кўринишидаги тавсиялар баён этилган эди. Демак, корпоратив бошқарувнинг миллий жиҳатларини ўз ичига оладиган корпоратив бошкарув кодексини ишлаб чиқиш ва амалиётга татбиқ этиш истиқболдаги масалалардан бирига айланмоғи лозим.

Корпоратив бошқарув кодекслари турли институтлар томонидан ишлаб чиқилади: қимматли қоғозлар бозори бўйича комиссия, фонд биржалари, инвесторлар ва уларнинг уюшмалари, миллий ташкилотлар. Умуман олганда, бундай кодексларда сифатли корпоратив бошқарувга муаллифлар қарашлари амалга оширилган. Деярли барча давлатлар қонунчилиги миллий компанияларнинг кодексларга аниқ риоя этишини талаб этмайди, шунинг учун кодекс қоидаларини ижро этиш мажбурий эмас. Бироқ, амалиёт кўрсатишича, турли мамлакатларда қабул қилинган корпоратив бошқарув кодекслари ишлаб турибди.

Корпоратив бошқарув кодекслари кўлами ва тафсилотлари билан ажралиб туради, бироқ уларнинг барчаси тўрт асосий тамойилни ифодалайди:

1) барча акциядорларга тенг муносабат, уларнинг ҳуқуқлари рўёбга чиқарилиши лозим; 2) директорлар кенгаши ва компания раҳбариятининг ҳисобдорлиги; 3) ахборотни ошкор этиш ва шаффофлик, яъни молиявий ва бошқа ҳисоботларни ўз вақтида ва тўлиқ тақдим этиш; 4) миноритар акциядорлар ва бошқа манфаатдор гуруҳлар манфаатларига риоя этиш учун жавобгарлик. Ушбу муаммолар билан ишлайдиган кўпгина экспертларнинг фикрича, юқоридаги тамойиллар асосида яратилган кодекслар нафақат инвесторларни ҳужжатларни қалбакилаштириш ҳамда активларини бепарволик билан бошқаришдан ҳимоялайди, балки жалб этилаётган капиталнинг қийматини қисқартириши ҳам мумкин. Бундай афзалликлар муайян мамлакат хусусиятларида боглиқ ҳолда турлича таъминланади.

Таянч иборалар

Корпоратив бошқарув тамойиллари, ИҲТТнинг корпоратив бошқарув тамойиллари, адолатлилик тамойили, жавобгарлик тамойили, шаффофлик тамойили, ҳисобдорлик тамойили, корпоратив бошқарув кодекси.

Назорат саволлари

1. Бугунги кунда қандай асосий ҳужжат корпоратив бошқарувнинг халқаро стандартларини белгилаб беради?
2. Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти корпоратив бошқарувнинг қандай халқаро тамойилларини қабул қилган?
3. Қандай халқаро ташкилотларнинг корпоратив бошқарув тамойилларини биласиз?
4. Корпоратив бошқарув кодекси нима ва у қандай мақсадларда қабул қилинади?

3.3. Ўзбекистонда корпоратив бошқарувнинг ривожланиши

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришиши билан мамлакатнинг устувор вазифаси иқтисодий ўсишнинг юқори суъатлари ва жамият барқарор ривожланишини таъминлайдиган кўп укладли иқтисодиёт ҳамда рақобатли муҳитни шакллантиришнинг ҳуқуқий ва ташкилий шарт-шароитларни яратишдан иборат бўлди.

Ўтиш иқтисодиётига эга мамлакатларни ислоҳ қилиш тажрибасига кўра, маъмурий-режали иқтисодиётдан хўжалик юритишнинг бозорга асосланган моделига ўтишнинг муҳим воситаси реал мулкдорлар синфининг шаклланиши

ҳамда хусусийлаштирилган корхонани самарали корпоратив бошқариш усулларини жорий этишга имкон берадиган хусусийлаштириш ва акциядорлаштириш ҳисобланади.

Ўтиш иқтисодиёти шароитида корпоратив бошқарув тизими хўжалик жамиятлари фаолиятини тартибга солишда бошқарувнинг энг илғор тамойиллари асосида шаклланади. Хўжалик жамиятларида корпоратив бошқарувни жорий этишнинг асосий мақсади инвестор ва акциядор томонидан қўйилган капитал самарадорлигини оширишга қаратилган. Халқаро тажрибага кўра, корпоратив бошқарув тамойилларига асосланган акциядорлик мулки шаклидаги мулкий муносабатлар самарали хўжалик фаолияти юритишнинг асосий кўринишларидан бири ҳисобланади.

Ўзбекистонда ўтиш иқтисодиёти шароитида корпоратив бошқарув тизимини амалиётга жорий этиш мамлакатда хусусийлаштириш ва давлат тасарруфидан чиқариш, шунингдек давлат мулки корхоналарини акциядорлаштириш бўйича иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш билан бошланди. Бугунги кунда Ўзбекистонда корпоратив бошқарув очиқ ва ёпиқ акциядорлик жамиятлари, масъулияти чекланган жамиятлар, акциядорлик компаниялари, корпорациялар, уюшмалар, холдинглар шаклидаги корхоналарда кенг тарқалган.

Алоҳида таъкидлаш лозимки, "корпоратив бошқарув" тушунчаси Ўзбекистон учун нисбатан янги тушунча ҳисобланади. "Корпортив бошқарув" ибораси биринчи марта 2000 йилда Ўзбекистон Республикаси Марказий Банкининг тижорат банкларда муносиб корпоратив бошқарув меъёрларини ўрнатадиган ҳужжатда[1] қўлланилган. Мазкур Низом асосан тижорат банкларида корпоратив бошқарувни ташкил этиш асосини белгилаб бериб, ўзида банк корпоратив бошқарув муносабатлари иштирокчилари (акциядорлар, банк тафтиш комиссияси, банк Бошқаруви, банк Кенгаши)нинг роли, ҳуқуқлари ва мажбуриятлари, банк фаолияти устидан назорат олиб боришда банк Кенгашининг вазифалари каби масалаларни мужассамлаштирган.

Низомда тижорат банкларида корпоратив бошқарув тушунчасига қуйидагича таъриф берилган: "Корпоратив бошқарув" тушунчасига тижорат банки фаолиятини бошқаришда Кенгаш аъзолари ва бошқа раҳбар ходимлар томонидан амалга ошириладиган асосий фаолият ҳамда қоидалар мажмуаси тушунилади. Шу билан бирга корпоратив бошқарув концепцияси бизнес юритиш этикасининг андозалари ва акциядорларга муносабатларда масъулият ҳисси ҳамда банк фаолият юритаётган жамият талабларини эътиборга олишни ўз ичига олади".

Ўзбекистонда корпоратив бошқарув тизимини ривожлантиришга қаратилган халқаро молиявий ташкилотлар томонидан молиялаштирилган лойиҳаларнинг ҳам ўрни беқиёс бўлди. Хусусан, 2001-2002 йилларда Осиё

тараққиёт банки иштирокида "Ўзбекистонда корпоратив бошқарувни ислоҳ килиш" лойиҳаси амалга оширилиб, унинг доирасида корпоратив бошқарув соҳадаги вазият таҳлил қилиниб, амалдаги қонунлар, қарорлар, фармонлар ва компанияларнинг низомлари ўрганиб чиқилган, яхши бошқарувга олиб борувчи шароитлар устидан диагностик тадқиқот ўтказилган.

Лойиҳа асосан КАРАНА корпорацияси ёрдамида Ўзбекистонда корхона ва уюшмалар даражасида ахборот шаффофлиги ва ошкоралигини ошириш ҳамда инвесторлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш мақсадида амалга оширилган. Ушбу лойиҳанинг асосий натижалари сифатида давлат мулки бўлган корхоналарда корпоратив бошқарув принципларини ривожлантириш бўйича тавсиялар таклиф этилганлиги; корхона менежер ва директорлари, давлатнинг ишончли вакиллари, корхонани тугатувчи сифатида фаолият юритаётган ташқи бошқарувчилар, банкротлик тамойилларини қўллаётган шахслар ва инспекторлар салоҳиятини ривожлантиришга ёрдам берадиган халқаро корпоратив бошқарув илғор тажрибасига асосланган қўлланмалар ишлаб чиқилганлиги, ҳамда Ўзбекистон нуфузли давлат вакиллари учун корпоратив бошқарувнинг илғор тажрибасига доир тренинг дастурлари ўтказилганлигини қайд этиш мумкин.

Кейинчалик ушбу лойиҳанинг давоми сифатида мамлакатда корпоратив бошқарув ва корхоналарни қайта ташкил этиш стратегиясини шакллантириш, корпоратив соҳанинг сиёсий, ҳуқуқий ва тартибга солиш тизимини яратиш ва ривожлантириш, давлат корхоналарини қайта ташкил этиш мақсадида 2003-2005 йилларда Осиё тараққиёт банки иштирокида "Корхоналарни қайта ташкил этиш ва корпоратив бошқарув" лойиҳаси амалга оширилди.

Ўзбекистонда корпоратив бошқарув тизимини шакллантириш ва такомиллаштириш юзасидан, биринчи навбатда, муайян қонунчилик базасини яратиш муҳим роль ўйнади. Чунки корпоратив бошқарув соҳасидаги Ўзбекистон қонунчилик базаси корхоналарда корпоратив бошқарув тизимини карор топтириш ва уни янада ривожлантириш жараёнини рағбатлантирувчи энг муҳим омил ҳисобланади. Чунки миллий корпоратив бошқарув тизими мамлакат тарихи, унинг ҳуқуқий, сиёсий ва ижтимоий анъаналари билан бирга ривожланади ва маълум давр оралиғидаги жамиятнинг тарихий вазиятига боғлиқ.

Мамлакатимизда корпоратив бошқарув асосларини шакллантириш корпоратив қонунчилик базасини яратиш, аввало, корпоратив муносабатларни тартибга солувчи муҳим қонунларни қабул қилишдан бошланди. Корпоратив бошқарув тизимини шакллантиришнинг таянч қонунлари, биринчи навбатда, "Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик Кодекси" (1995) ва "Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги қонуни (1996) ҳисобланади. Улар билан боғлиқ қонунлар бўлиб

"Қимматли қоғозлар бозорининг фаолият кўрсатиш механизми тўғрисида"ги қонуни (1996), "Масъулияти чекланган ва қўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида"ги қонуни (2001), "Хўжалик ширкатлари тўғрисида"ги қонуни кабилар ҳисобланади. Ушбу асосий қонунлар, хўжалик жамиятларини бошқариш ва фаолиятини олиб бориш механизми, шунингдек бошқарув органлари ва манфаатдор томонлар ўртасидаги ўзаро муносабатлар механизмини белгилаб берди.

1996 йил 26 апрелда акциядорлик жамиятлари фаолияти барча асосий ҳуқуқий институтларининг ўрнатилиши ва тартибга солинишини кўзда тутувчи Ўзбекистон Республикаси "Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқукларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги қонунининг қабул қилиниши акциядорлик жамиятларида корпоратив муносабатлар асоси ўрнатилиши, уларни бошқариш ва назорат қилишнинг ўзига хос механизмини белгилаб беришда муҳим қадам бўлди. Ушбу механизм миллий хусусиятни ҳисобга олган ҳолда корпоратив бошқарувнинг жаҳонда маълум моделларидан бири асосида ташкил этилди.[1]

Корпоратив бошқарув ва акциядорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасида бундай муфассал ишлаб чиқилган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатнинг қабул қилиниши мамлакатимизда бозор муносабатларининг ривожланишига ижобий таъсир этди. Ушбу қонун акциядорлик жамиятининг макоми, тузилиши, фаолият юритиши, қайта ташкил этилиши ва тугатилиши, корпоратив бошқарувни ҳуқуқий тартибга солиш, акциядорлик жамиятининг бошқарув органлари ва уларнинг ўзаро муносабатлари, жамият фаолиятини назорат қилиш, унинг қимматли қоғозлари ва уларни жойлаштириш, дивидендлар ва уларни тақсимлаш масалаларини ҳал этишнинг ҳуқуқий базасини яратди.

Мазкур қонун қабул қилингандан сўнг изчиллик билан бир қатор ҳукумат қарорлари асосида акциядорлик жамиятларини бошқариш тизими такомиллаштирилди, корхона ва қимматли коғозлар бозорини ривожлантириш ҳамда республика фонд бозорида хорижий инвесторлар иштирокини кенгайтиришда инвестиция жалб этлиш механизми такомиллаштирилди, давлат мулки асосида ташкил этилган акциядорлик жамиятларини бошкаришда акциядорлар ролини ошириш бўйича чора-тадбирлар амалга оширилди.

Хусусан, 1997 йил 31 мартда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Қимматли қоғозлар бозорини ривожлантириш ва республиканинг фонд бозорида хорижий инвесторлар иштирокини кенгайтириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПФ-1740-сонли Фармони билан акциядорлик жамиятларига айлантирилган корхоналар акциялар пакети давлат (25%), меҳнат жамоаси (26%), хорижий инвесторлар (25%) ва эркин савдо улушларига тақсимланиши белгилаб қўйилди.

Мазкур фармонни бажариш юзасидан 1997 йил 18 августда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Акциялар пакетларини жойлаштиришни такомиллаштириш ҳамда давлат мулки негизида ташкил этилган акциядорлик жамиятларини бошқаришда акциядорлар ролини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 404-сонли қарорига мувофик, акциядорлик жамиятларининг акцияларини жойлаштириш аҳволи таҳлил қилинди, акциядорлик жамиятининг устав фондини ошириш йўллари ўрнатилди, корхоналарда давлат улуши бўйича дивидендларни назорат қилиш механизми жорий этилди, акциядорлик жамиятлари акция пакетларини сотиш тартиблари ўрнатилди.

Шунингдек 1998 йил 4 мартда Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Фонд бозорини янада ривожлантириш ҳамда давлат мулки негизида ташкил этилган акциядорлик жамиятларини қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПФ-1939-сонли Фармони қабул қилиниб, унда акциядорлик жамиятлари акция пакетларини жойлаштириш тартиби, уларни молиявий ва техник жиҳатдан қўллаб-қувватлаш чоралари белгиланди.

Таъкидлаш жоизки, шу даврларда ташкил этилган акциядорлик жамиятларини бошқариш "Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги қонунга мувофиқ олиб борилди. Шу билан бир вақтда, бир қанча акциядорлик жамиятлари ва холдинг компанияларида маъмурий-буйруқбозлик принципларига асосланган эски бошқарув усуллари сақланиб қолди, акциядорларнинг умумий йиғилиш ва кузатув кенгашларининг раҳбарлик ўрни зарур даражада таъминланмади, акциядорлик жамиятлари раҳбарларини ёллашнинг шартнома тизими механизми ишга туширилмади.

Бунга асосий сабаб, акциядорлик жамиятлари раҳбарлик ва ижро этувчи органлари фаолиятини аниқ тартибга солувчи меъёрий ҳужжатларнинг мавжуд эмаслиги бўлди. Шунинг учун 1998 йил 22 августда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Акциядорлик жамиятларини бошқариш тизимини такомиллаштиришга доир чора-тадбирлари тўғрисида" 361-сонли қарори қабул қилинди.

Ушбу қарор акциядорлик жамиятларини бошқаришда акциядорларнинг фаол қатнашишини таъминлаш, акциядорлар умумий йиғилиши ва кузатув кенгашининг аҳамиятини ошириш ҳамда ижро этувчи органларнинг масъулиятини кучайтириш мақсадида акциядорлик жамияти бошқарув органлари (акциядорлар умумий йиғилиши, кузатув кенгаши ва ижро органи) фаолиятини тартибга солувчи намунавий низомларни таъминлади.

Шу билан бирга, давлатнинг ишончли вакиллари ҳамда ишончли бошқарувчилар тизими жорий этилди, акционерлик жамиятлари устав фон-

дидаги давлат акция пакетларини бошқариш бўйича давлатнинг ишончли вакиллари ва ишончли бошқарувчиларни тайинлаш механизми ҳамда улар фаолиятларининг асосий йўналишлари белгилаб қўйилди.

Хўжалик жамиятларида ишончли бошқарувчилар ва давлатнинг ишончли вакиллари тизимини жорий этиш Ўзбекистон корпоратив бошқарув тизимини такомиллаштиришга туртки берди. Бунда давлат улуши 25% дан ошган акциядорлик жамиятлари учун жисмоний шахс сифатидаги давлатнинг ишончли вакиллари тайинланди, давлат улуши 25% гача бўлган акциядорлик жамиятлари учун акция пакетлари ишончли бошқарувга юридик ҳамда жисмоний шахсларга топширилди. Бироқ акционерларни корхоналарни бошқаришга жалб этиш бўйича амалга оширилган ислоҳотларга қарамай, бир қанча акциядорлик жамиятлари, холдинг компанияларида бошқарувнинг маъмурий-буйруқбозлик тамойилларига асосланган, акционерларнинг умумий йиғилиши ва кузатув кенгашларининг раҳбарлик ролини тегишлича таъминланмайдиган эски усуллари сақланиб колди.

2001 йил 30 августда Ўзбекистон Республикасининг "Қимматли қоғозлар бозорида инвесторларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги қонун қабул қилиниб, унда эмитентлар (қимматли қоғозлар чиқарадиган корхоналар) ҳамда инвестицион институтлар (қимматли қоғозлар бозори профессионал иштирокчилари)нинг инвесторларга ахборотни тақдим этиш бўйича мажбуриятлари белгиланди.

Ўзбекистон Республикасининг "Қимматли қоғозлар бозорида инвесторлар ҳуқуқларини ҳимоялаш тўғрисида"ги қонун бир йўла бир неча масалалар, жумладан инвесторлар ва айниқса акциядорлар ҳуқуқларини уларга тақдим этилаётган ахборотнинг сифати ва ишончлигини ошириш хамда ахборотни тақдим этиш тизимини такомиллаштириш йўли билан ҳимоя қилинишини таъминлаш масалаларини ҳал қилади.

Мазкур қонун асосида Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Маркази томонидан "Хўжалик субъектининг 35 фоиздан ортиқ акциясини сотиб олиш устидан назорат қилиш тартиби тўғрисидаги Йўриқнома", "Қимматли қоғозлар бозори иштирокчилари томонидан ахборотни очиш тўғрисидаги Низом", "Акциядорлик жамиятларида аффилланган шахслар, уларнинг ҳисобини олиб бориш ва ахборотларни ошкор қилиш тартиби тўғрисидаги Низом"[3] тасдиқланди.

Ушбу низомлар акциядорлик жамиятларини ахборот ошкоралиги ва шаффофликни таъминлашнинг асосини ташкил этди. Жумладан, "Қимматли қогозлар бозори иштирокчилари томонидан ахборотни очиш тўғрисидаги Низом" ахборотни ошкор этишни тартибга солувчи Ўзбекистон Республикасида-

ги асосий ҳуқуқий манба ҳисобланиб, унинг таркиби ахборотни очиши шарт бўлган иштирокчилар турларидан келиб чиққан ҳолда тузилган.

Бунда ахборотни очиши шарт бўлган қимматли қоғозлар иштирокчилари қуйидагича туркумланади: қимматли қоғозларнинг эмитентлари, инвестиция институтлари, қимматли қогозлар савдоси ташкилотчилари, эмитент қимматли қоғозлари исталган турининг 35 ёки ундан ортиқ фоизига эга бўлганлар, қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органи. "Акциядорлик жамиятларида кафилланган шахслар, уларнинг ҳисобини олиб бориш ва ахборотларни ошкор қилиш тартиби тўғрисидаги Низом" акциядорлик жамиятларида кафилланган шахслар ҳисобини олиб бориш, улар ҳақидаги ахборотларни ошкор қилиш тартиби ҳамда уларнинг жавобгарлигини белгилаб берди.

Алоҳида таъкидлаш лозимки, ахборотни ошкор этиш корпоратив бошқарувда муҳим аҳамият касб этади. Ахборотни ошкор этиш тизими акциядорларга ўз ҳуқуқларини самарали амалга оширишга ёрдам беради, шунингдек корхона раҳбарияти томонидан ўз фидуциар мажбуриятларини бажаришни таъминлайди. Ахборотни ошкор қилиш корхона раҳбариятини назорат қилиш хусусидаги иқтисодиётнинг тўрт асосий механизмига ижобий таъсир этади: корпоратив назорат бозори, акция нархига боғлиқ ҳолда раҳбариятга ҳақ тўлаш, капитал қиймати ва ташқи молиялаш манбаларини жалб этиш.

Бунда ахборотни ошкор этиш иқтисодиётда янги инвестиция лойиҳалари танлови ҳамда мавжуд маблағлар ҳаракати танловини яхшилайди. Натижада ахбротни ошкор этиш корхона раҳбарияти фаолияти камчиликларини англаб тузатган ҳолда яхшилаши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 24 январдаги ПФ-3202-сонли "Ўзбекистон иқтисодиётидаги хусусий сектор улуши ва аҳамиятини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида" Фармони ҳамда ушбу фармонни бажариш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 19 апрелдаги 189-сонли "Хусусийлаштирилган корхоналар корпоратив бошқарувини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорининг қабул қилиниши билан таъкидлаш мумкинки, Ўзбекистонда корпоратив бошқарувни ривожлантиришнинг янги даври бошланди.

Мазкур фармон ва қарордан келиб чиққан ҳолда, Ўзбекистон корпоратив бошқарув тизимининг энг муҳим хусусиятлари қуйидагилардан иборат:

-республикада устав фондидаги давлат улуши 25 фоиз ва ундан камрок хусусийлаштирилган корхоналар давлат акция пакетларини сотиш бўйича муҳим карорлар қабул қилинди;

-масъулияти чекланган ва қўшимча масъулиятли жамиятлар иштирокчилари сони аниқ белгилаб қўйилди;

- очиқ акциядорлик жамиятлари устав фондининг энг кам миқдори 50 минг АҚШ доллари эквивалентини ташкил этиши белгилаб қўйилди;

- Кузатув кенгаши қарорини давлатга тегишли акциялар пакетининг ишончли бошқарувчиси (ёки давлатнинг ишончли вакили) розилигисиз қабул қилиш мумкин бўлмайдиган, давлатнинг ишончли вакили акциядорлар умумий йиғилиши қарорининг ижросини тўхтатиб қўйиш ҳуқуқига эга, шунингдек акцияларнинг давлат пакетларини хўжалик бирлашмаларининг устав фондига ишончли бошқариш ҳуқуқи билан топширишга йўл қўйиладиган тартиб бекор қилинди;

-тегишли тармоқлардаги уюшма, компания, корпорация ва концернларнинг таркибига кирувчи корхоналар тезкор фаолиятига аралашиш ҳуқуқи чеклаб қўйилди;

-акциядорлик жамиятлари ижрочи органлари масъулиятини кучайтириш ҳамда улар фаолияти самарадорлигини ошириш бўйича аниқ чоралар кўзда тутилди. Бунда шундай тартиб ўрнатилдики, унда директорни (бошқарув раисини) тайинлаш тўғрисидаги қарор акциядорларнинг умумий йиғилишида, асосан танлов йўли билан қабул қилинади; директор (бошқарув раиси) билан ишга ёллаш шартномаси бир йил муддатга тузилади; келгуси йилга мўлжалланган корхона бизнес-режаси (асосий кўрсаткичлари – ишлаб чиқаришнинг ўсиши, фойдалилик ва дивидендларни тўлаш) акциядорлар умумий йиғилишида тасдикланади; директор (акциядорлик жамиятининг ижрочи органи) йиллик бизнес-режа қандай бажарилаётганлиги тўғрисида ҳар чоракда Кузатув кенгаши олдида ҳисобот беради; Кузатув кенгашига акциядорлик жамиятининг йиллик бизнес-режаси қўпол равишда бузилса ёки унинг параметрларини бажариш барбод этилганда директор (бошқарув раиси) билан ишга ёллаш шартномасини муддатидан илгари тўхтатиш ҳуқуқи берилди; ижрочи директорлар ва кузатув кенгаш раисларини моддий рағбатлантириш акциядорлик жамияти фаолияти самарадорлигига тўғридан-тўғри боғлик;

- шундай тартиб ўрнатилдики, унда кузатув кенгаши ва Тафтиш комиссияси аъзоларининг фаолияти, уларнинг мазкур акциядорлик жамиятларидаги ёлланма меҳнат фаолияти билан қўшиб олиб борилишига йўл қўйилмайди, бу эса, фикримизча, Кузатув кенгаши ва Тафтиш комиссияси аъзоларининг акциядорлик жамияти ижроия органи рахбаридан мустакиллигини таъминлади;

-ишончли бошқарувга колдирилган хўжалик жамиятлари устав фондларидаги давлат акция пакет, улуш (пай)ларни профессионал бошкарувчи компанияларга боскичма-боскич ўтказиш кўзда тутилди.

Шу билан бирга, Вазирлар Махмакамасининг 19.04.2003 йилдаги 189-сонли қарори билан бир вактда акциядорлик жамиятларида Кузатув кенгашини ташкил этиш ва унинг фаолият тартиби, аъзоларини сайлаш, шунингдек уларнинг

ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгилаб берувчи янгича намунавий нормалар,[1] шунингдек давлатнинг акциядорлик жамиятларидаги ишончли вакили ҳамда ишончли бошқарувчилар вазифа, ҳуқуқ ва мажбуриятлари, улар фаолиятининг асосий йўналишларини белгилаб берадиган низомлар,[2] тасдиқланди, акциядорлик жамияти ижро этувчи орган раҳбарини ёллаш бўйича меҳнат шартномаси такомиллаштирилди.

Ночор тижорат корхоналар, шу қаторда молиявий ташкилотларни банкрот деб эълон қилиш имконияти самарали корпоратив бошқарув тизимининг ҳал қилувчи унсурларидан бири ҳисобланади. Шу сабабли ночорлик ҳолатини самарали ҳал этиш учун банкротлик билан боғлиқ процессуал чораларни амалга ошириш бўйича тегишли қонунчилик ва таъсирчан суд-маъмурий механизмини яратиш мақсадида 2003 йилда "Банкротлик тўғрисида"ги қонуннинг янги таҳрири қабул қилинди.

Республикада корпоратив бошқарувни ривожлантиришнинг ушбу босқичида маъмурий ислоҳотларни чуқурлаштириш ва иқтисодиётни бошқариш тузилмасини такомиллаштиришга ҳам катта эътибор берилди. Шу муносабат билан 2003 йил 22 декабрда республикада корпоратив бошқарув меъёр ва тамойилларини кенг жорий этишни кўзда тутадиган Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ-3366-сонли "Хўжалик бошқарув органлари тизимини такомиллаштириш тўғрисида"ги Фармони қабул қилинди.

Мазкур фармон ўз ичига хўжалик бирлашмаларини унификациялаш ва улар фаолиятини ташкил этиш самарадорлигини ошириш чора-тадбирларини қамраб олиб, уларнинг асосий вазифаларини белгилаб берди. Ушбу фармонга мувофиқ, асосий ташкилий-ҳуқуқий шаклларда ташкил этиладиган хўжалик бирлашмалари, жумладан таркибига кирувчи корхоналарнинг хўжалик бирлашмасига тегишли акция пакетлари орқали ана шу корхоналарнинг хўжалик бошқарувини амалга оширувчи акциядорлик компаниялари, шу жумладан давлат-акциядорлик компаниялари ҳамда таъсисчи корхоналар томонидан улар фаолиятига кўмаклашиш учун таъсисчи корхоналар акция пакетларини бошқариш ҳуқуқисиз айрим умумий вазифаларни уларга топшириш йўли билан ихтиёрийлик асосида ташкил этиладиган уюшмалар хўжалик бошқаруви органлари этиб ҳисобланадиган бўлди.

Шу билан бирга, ушбу фармон билан айрим хўжалик бирлашмалари тугатилиши ("Ўзбеккоғозсаноат" уюшмаси, "Ўзбектранскурилиш" уюшмаси, "Қизилқумнодирметаллолтин" давлат концерни, "Махсускотишма" республика ташкилоти, "Шойи" акциядорлик компанияси, "Пилла-холдинг" компанияси) ва бошқалари қайта ташкил этилиши (Ёғ-мой ва озик-овқат саноати уюшмаси, "Ўзавтосаноат" АК, "Ўздонмаҳсулотлари" АК, "Тошшаҳарйўловчитранс" АК, "Ўзагромашсервис" АК, "Дори-дармон" АК, "Ўзфармсаноат" уюшмаси,

“Ўзгўштсутсаноат” уюшмаси, “Ўзқишлоқхўжаликкимё” уюшмаси, “Ўзкурилишматериаллари” уюшмаси) белгилаб қўйилди.

Бундан ташқари, давлат бошқаруви ва тақсимлаш функциялари ҳамда таркибига кирувчи корхоналар фаолиятига маъмурий аралашув хўжалик бошқаруви органларининг ваколатига кирмаслиги аниқ белгилаб қўйилди.

Ўзбекистонда корпоратив бошқарув шаклланиши ва ривожланишининг эътиборли жиҳати шундаки, унинг такомиллашиб бориши хўжалик жамиятлари (акциядорлик жамиятлари, компаниялар, холдинглар, масъулияти чекланган жамиятлар ва ҳ.к.)даги давлат акция (улуш) пакетларини бошқариш тизимини ривожлантириш билан боғлиқ ҳолда амалга оширилди. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 25 июндаги 295-сонли қарорига мувофиқ, Акциядорлик бирлашмалари ва компанияларида давлат улуши акцияларини самарали ишлатиш устидан мониторинг бўйича Комиссия фаолияти ташкил этилиб, унинг таркиби тасдиқланди.

Мазкур Комиссиянинг асосий вазифалари хўжалик жамиятлари устав фондидаги давлат улушини бошқариш самарадорлигини ошириш, давлатнинг ишончли вакили ва ишончли бошқарувчиларни тайинлаш ва улар вазифасидан озод қилиш, хўжалик жамиятларининг устав фондидаги давлат улуши бўйича дивидендлар давлат бюджетига тўлиқ ва ўз вақтида тўланишини таъминлаш, давлат улуши сақланадиган стратегик ва ижтимоий муҳим корхоналар рўйхатини тасдиқлаш ҳисобланади.

Давлат вакилининг хўжалик жамиятини бошқаришда иштирок этиши масалалари “Хўжалик жамиятлари устав жамғармасидаги давлат акциялари пакетлари (улушлари)ни бошқариш бўйича фаолиятни амалга ошириш тартиби тўғрисидаги Низомда[1] ҳам белгилаб қўйилган.

Ўзбекистонда корпоратив бошқарув тизимини янада мустаҳкамлашда, корпоратив бошқарув тамойилларини жорий қилишда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 26 апрелдаги ПҚ-335-сонли “Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси фаолиятини такомиллаштиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорининг қабул қилиниши туртки бўлди. Ушбу қарор билан Давлат мулки қўмитаси органлари ишидаги камчиликларни бартараф этиш ҳамда хусусийлаштириш жараёнларини чуқурлаштириш, корпоратив бошқарув тизимини мустаҳкамлаш, қимматли қоғозлар бозорини ривожлантиришни таъминлашга доир чора-тадбирлар қабул қилинди. Мазкур қарор билан тасдиқланган чора-тадбирларни амалга оширишнинг натижаси сифатида қуйида қабул қилинган ҳужжатлар ва бажарилган ишларни кўрсатиш мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 27 сентябрдаги ПҚ-475-сонли “Қимматли қоғозлар бозорини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ҳамда қарор билан тасдиқланган “2006-2007

йилларда қимматли қоғозлар бозорини ривожлантириш Дастури"нинг қабул қилиниши билан мамлакатда корпоратив бошқарув тизимини яхшилаш, шунингдек қимматли қоғозлар бозорини янада ривожлантириш борасидаги муҳим бурилиш содир бўлди. Қарорда мувофиқ корпоратив бошқарувга оид қуйидаги тартиблар белгиланди:

- корпоратив облигациялар чиқарилиши ўз шахсий капитали миқдори доирасида, кейинги уч йил ичида рентабеллик, тўлов қобилияти, молиявий барқарорлик ва ликвидлик жиҳатидан ижобий кўрсаткичларга эга бўлган мустақил рейтинг бахосини олган фақат очиқ турдаги акциядорлик жамиятлари томонидан тўлов агентлари вазифасини бажарувчи тижорат банкларининг иштирокида амалга оширилади;

- акциядорлик жамиятининг ҳар йилги бизнес-режаси келгуси молия йилининг 1 декабридан кечиктирмай Кузатув кенгаши мажлисида маъқулланилади;

- акциядорлик жамиятларининг Кузатув кенгашлари қонунда белгиланган корпоратив бошқарув нормаларига риоя этиш бўйича акциядорларнинг умумий йиғилишларида ҳар йили ҳисобот беради;

- активларининг баланс қиймати 1 млрд. сўмдан кўпроқ бўлган акциядорлик жамиятларида Кузатув кенгашлари томонидан тайинланадиган ва уларга ҳисобдор бўлган ички аудит хизматлари ташкил этилади;

- устав капиталида давлат акциялари (улушлари) пакети 50 фоиздан ортиқ бўлган корхоналарда аудитор ташкилотини танлаш Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси ва Молия вазирлиги томонидан белгиланадиган рўйхат бўйича танлов асосида амалга оширилади;

- ўтган йилларнинг тақсимланмаган фойдасини устав капиталини оширишга йўналтиришда акциядорлар қўшимча акцияларнинг қиймати ёки акцияларнинг номинал қийматини кўпайтириш орқали олган даромадлари солиққа тортиш объекти ҳисобланмайди.

"2006-2007 йилларда қимматли қоғозлар бозорини ривожлантириш Дастури"да корхоналарни тўлиқ давлат тасарруфидан чиқариш ва янги акциядорлик жамиятларини барпо этиш ҳисобига қимматли қоғозлар бирламчи бозорини янада ривожлантириш, иккиламчи қимматли қоғозлар бозори микёсини жадал ривожлантириш ва кенгайтириш, акциядорлик жамиятларида корпоратив бошқарув тизимини такомиллаштириш, фонд бозорининг замонавий инфратузилмасини шакллантириш ва унинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, қимматли қоғозлар бозори учун кадрларни тайёрлаш ва малакасини ошириш ишларини яхшилаш каби чора-тадбирларни амалга ошириш кўзда тутилди. Амалга оширилган чора-тадбирлар натижасида Ўзбекистонда корпоратив бошқарув тизимини қонунчилик даражасида такомиллаштириш ва мустаҳкамлашга даъват этадиган бир қатор меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар яратилди ҳамда бир нечтасига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди.

Шундай энг муҳим меъёрий-ҳуқуқий ҳужжат сифатида 2008 йил 22 июлда Ўзбекистон Республикасининг "Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида"ги ягона қонуни қабул қилиниб, унда қимматли қоғозлар бозори бўйича амалдаги қонун ҳужжатларининг қоидаларини халқаро стандартларга мувофиқ равишда унификациялаш ва такомиллаштириш назарда тутилди. Мазкур қонуннинг қабул қилиниши билан қимматли қоғозлар бозорида профессионал фаолият турларини биргаликда олиб бориш чекловлари бекор қилинди, эмитентлар ва инвесторларга хизмат кўрсатиш тартиботини соддалаштирадиган "ягона ойда" тизими жорий қилинди, фонд бозорида акциялар ҳисобини юритувчи ва рўйхатга олувчи оралиқ бўғинлар тугатилиб, Марказий депозитарий базасида марказий рўйхатга олувчи институт яратилди, қимматли қоғозлар бозори барча иштирокчилари томонидан ахборотни ошкор қилишнинг қатъий шартлари ўрнатилди.

Акциядорлик жамиятларида корпоратив бошқарув тизимини такомиллаштириш Ўзбекистон Республикасининг «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонунига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш[1] билан эришилди. Бундан асосан юртимизда қимматли қоғозлар бозорини янада ривожлантиришни рағбатлантирадиган механизмларни яратиш, акциядорлик жамиятларида корпоратив бошқарув тизимини такомиллаштириш, фонд бозорининг барқарор фаолият юритишини таъминлаш, шунингдек акциядорларнинг ҳимояланганлигини ошириш мақсад қилиб олинди. Киритилган ўзгартириш ва қўшимчаларнинг энг муҳим жиҳатлари қуйидагилардан иборат:

- Акциядорлик жамиятларида Кузатув кенгаши томонидан тайинланадиган ва унга ҳисобдор бўлган, корпоратив конунчиликка риоя қилиш устидан назорат қилиш функциясини бажарадиган корпоратив маслаҳатчи лавозими жорий қилинди.

- Акциядорлик жамиятининг ҳар йилги бизнес-режаси келгуси молия йилининг 1 декабридан кечиктирмай кузатув кенгаши томонидан маъқулланиши муддати ўрнатилди.

- Қонун меъёрларини халқаро стандартларга якинлаштириш асосида миноритар акциядорларнинг ҳуқуқий ҳимояланганлик даражаси оширилди.

- Давлат вакилининг акциядорлик жамияти акциядори сифатидаги акциядорлар умумий йиғилиши ва кузатув кенгашида иштирок этиши борасидаги ҳуқуқлари ва ваколатлари аниклаштирилди.

- Акциядорларга дивидендларни чикариш ва тўлаш тартибига ўзгартириш киритилди.

- Акциядорлик жамиятининг Кузатув кенгаши ва ижроия органлари фаолияти, уларнинг ваколатлари кайта кўриб чикилди.

- Акциядорлик жамияти томонидан ахборотни ошкор этиш ва эълон қилишнинг қатьий шартлари ўрнатилди.

Корхоналарда корпоратив бошқарувни такомиллаштириш юзасидан қабул қилинган яна бир эътиборли меъёрий-ҳуқуқий ҳужжат Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 15 октябрдаги 215-сонли "Устав фондидаги давлат улуши бўлган корхоналарнинг самарали бошқарилишини ва давлат мулкининг зарур даражада ҳисобга олинишини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори бўлди. Мазкур қарор асосида миллий корпоратив бошқарув тизимига корпоратив назоратнинг яна бир органи сифатида ички аудит хизмати киритилди. Активларининг баланс қиймати 1 млрд. сўмдан ортиқ бўлган корхоналарда ташкил этиладиган ички аудит хизматига қўйиладиган ягона талаблар ҳамда унинг ишини ташкил этишнинг методологик асослари "Корхоналардаги ички аудит хизмати тўғрисидаги Низом"да белгилаб қўйилди.

Миллий ва халқаро тажриба шуни кўрсатадики, давлат мулкида акция пакетларига эга бўлиш мақсадга мувофиқдир, чунки бу акция пакетлари корхонани тўлиқ назорат қилишга ва уни бошқаришга ёинки, камида ушбу корхоналарда давлатнинг умуммиллий иқтисодий ва бошқа манфаатларига зарар келтиришга қодир бўлган бошқарув қарорларини тўсиб қўйишга имкон беради. Шу мақсадда, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 20 июлдаги "Иқтисодиётнинг стратегик тармоқлари корхоналарини хусусийлаштириш жараёнларини чуқурлаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПФ-3897-сонли Фармони билан давлатнинг мамлакат иқтисодиёти учун устувор аҳамиятга эга бўлган стратегик тармоқ хусусийлаштирилган алоҳида акциядорлик жамиятларини бошқаришда иштирок этишида махсус чекловчи ҳуқуқ "олтин акция" жорий қилинди. Кейинчалик, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 24 июлдаги 151-сонли қарори билан Давлат томонидан акциядорлик жамиятларини бошқаришда махсус иштирок этиш ҳуқуқи ("олтин акция")дан фойдаланиш тартиби тасдикланди. Ушбу ҳужжатларнинг қабул қилиниши, фикримизча, мамлакат иқтисодиёти учун устувор аҳамиятга эга бўлган стратегик тармоқлардаги устав капиталида давлат улуши бўлмаган ёки бу улуш 25 фоиздан ортиқ бўлмаган акциядорлик жамиятларини давлат томонидан назорат қилиш механизми ишга туширилди.

Шуни алоҳида қайд этиш лозимки, республикада корпоратив бошқарувни ривожлантиришга кўмаклашадиган институтлар фаолиятини ташкил қилиш бўйича ҳам аниқ чоралар амалга оширилган. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 04.07.2003 йилдаги 304-сонли қарори билан Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси қошидаги Олий бизнес мактабининг таркибий бўлинмаси

сифатида Корпоратив бошқарув Маркази ҳамда 09.06.2006 йилдаги 113-сонли қарори билан Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси ҳузуридаги Хусусийлаштириш, корпоратив бошқарувни ва қимматли қоғозлар бозорини ривожлантириш муаммоларини тадқиқ этиш Маркази ташкил этилди. Ушбу марказларнинг асосий вазифалари корпоратив бошқарув органлари аъзоларини ўқитиш ва қайта тайёрлаш, корхоналарда корпоратив бошқарув институтлари ва механизмларини ривожлантириш ва такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш, ходимлар малакасини ошириш ва бошқалардан иборат.

Охирги йилларда Ўзбекистонда корпоратив бошқарувни такомиллаштиришга қаратилган энг эътиборли қадам шу бўлдики, акциядорлик жамиятларининг капиталлашув даражасини янада ошириш ва молиявий барқарорлигини мустаҳкамлаш, уларда корпоратив бошқарув механизмларини такомиллаштириш ва инвестицияни жалб қилиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 18 ноябрдаги ПФ-4053-сонли "Иқтисодиёт реал сектори корхоналарининг молиявий барқарорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони қабул қилиниб, унга мувофиқ республикадаги очиқ ва ёпиқ акциядорлик жамиятлари учун устав жамғармасининг энг кам миқдори 400,0 минг АҚШ долларига тенг эквивалент суммани ташкил қилиши белгилаб қўйилди. Ушбу фармоннинг қабул қилиниши орқали кўпгина корхоналар ўз устав фондини оширади, бошқа корхоналар эса бошқа мулк шаклига ўтиб олади, ва натижада бу ҳолат республикада акциядорлик жамиятлари сони қисқаришига, улар орасида ликвидли ва инвестор учун жозибали йирик корхоналар қолишига олиб келади. Акциядорлик жамиятларида устав фондининг энг кам миқдори оширилиши банк капиталининг ҳам мамлакат акциядорлик капиталидаги ҳиссаси ошишига олиб келади, банклар банкрот-корхоналарни сотиб олишида ва уларни кейинчалик инвесторларга сотишида иштирок этиши эса банкларнинг инвестицион фаолиятини жонлантиради ва уларнинг фонд бозоридаги позицияларини янада мустаҳкамлайди.

Ўзбекистон Республикасида корпоратив бошқарувни ривожланиши, унинг ташкилий-ҳуқуқий жиҳатлари ва эришилган натижаларни таҳлил қилиб, Ўзбекистонда корпоратив бошқарувнинг ривожланиш босқичларини қуйидагича белгилаш мумкин.

Биринчи босқич 1996 йилдан 2002 йилгача бўлган давр мобайнида ўтди. Ушбу даврда, авваламбор, акциядорлик корхоналарини бошқариш ва ички назорат механизмларини ўрнатадиган қонунчилик базаси яратилиши ва шаклланиши амалга ошди. Шунингдек, бу давр унда муайян ҳукумат қарорлари билан акциядорлик жамияти бошқарув ва ижроия органларини аниқ тартибга солувчи меъёрий ҳужжатлар қабул қилингани, акциядорлик жамияти

раҳбарини шартнома асосида ёллаш механизми ишга туширилганлиги, давлатнинг ишончли вакиллари, давлатнинг ишончли бошқарувчиси ва компаниялари каби институтлар жорий қилиниб, уларга давлат акция пакетларини ишончли бошқарувга топшириш тартиблари амалга киритилганлиги, қимматли қоғозлар бозори фаолият юритиши ҳамда республика фонд бозорида хорижий инвесторлар иштирокини кенгайтириш асослари шаклланганлиги билан характерланди. Ҳақиқатда, ушбу даврда жамиятда баъзи кишилар акциядорлик корхонасини бошқаришнинг самарали механизми ҳисобланган корпоратив бошқарув тўғрисида тасаввурга эга бўлди.

Иккинчи босқич 2003 йилдан 2007 йилгача бўлган даврларни ўз ичига олади. Ушбу босқич 2003 йилда Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон иқтисодиётида хусусий секторнинг улуши ва аҳамиятини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармонининг қабул қилиниши билан бошланди ва мамлакат иқтисодиётида хусусий секторнинг ролини ҳамда аҳамиятини тубдан ошириш, шунингдек мамлакатда корпоратив бошқарув тизимини такомиллаштириш билан характерланди. Ушбу босқич асосан очиқ акциядорлик жамиятлари учун устав фондини 50 минг АҚШ доллари эквивалентига тенг энг кам миқдорининг белгиланиши ҳамда акциядорлик жамиятларини бошқаришнинг янги даражаси — "корпоратив бошқарув"га ўтиш билан ажралиб туради. Мазкур босқичда корпоратив бошқарув тамойиллари ўзининг комплекс ифодасини топди. Бу даврда янги низомларнинг қабул қилиниши, амалдаги қонунларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритилиши давлат ва хусусий мулкдорлар ўртасидаги ҳамда акциядорлар ва ижроия органлари ўртасидаги ўзаро муносабатларни, уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларни кучайтиришга имкон берди. Бошқарув, Кузатув кенгаши ва Тафтиш комиссияси ўртасидаги ваколатлар ва функциялар таксимотини аниқлаштириб берди.

Корпоратив бошқарув ривожланиши иккинчи босқичнинг муҳим ҳодисаси 2006 йилда "2006-2007 йилларда қимматли қоғозлар бозорини ривожлантириш Дастури"нинг қабул қилиниши бўлиб, унда асосан қимматли қоғозлар бирламчи бозорини янада ривожлантириш, қимматли қоғозлар иккиламчи бозори микёсларини жадал ривожлантириш ва кенгайтириш, акциядорлик жамиятларида корпоратив бошқарув тизимини такомиллаштиришга доир чора-тадбирларни амалга ошириш инобатга олинди.

Учинчи босқич 2008 йилдан бошланиб ҳозиргача давом этмоқда ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 18.11.2008 йилдаги ПФ-4053-сонли "Иқтисодиёт реал сектори корхоналарининг молиявий баркарорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги карорига мувофик акциядорлик жамиятларида уларнинг капитализация даражасини 400 минг АҚШ долларига ошириш билан корпоратив бошқарув ривожланишининг янги замонавий даврига ўтишнинг бошланиши тахмин қилинмоқда.

Ушбу босқичнинг яна бир хусусияти шуки, мамлакатимизда иқтисодий инқирознинг салбий оқибатларини бартараф этиш борасида реал секторни қўллаб-қувватлаш, уни барқарор ишлашини таъминлаш ва экспорт салоҳиятини ошириш учун Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 28 ноябрдаги ПФ-4058-сонли "Иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарини қўллаб-қувватлаш, уларнинг барқарор ишлашини таъминлаш ва экспорт салоҳиятини ошириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида"ги Фармони қабул қилинди, яъни мазкур фармон ҳам республикамизда корпоратив бошқарувни ривожлантиришга дастлабки асос бўлди. Чунки, фикримизча иқтисодиёт реал сектори базавий тармоқлари акциядорлик корхоналарининг барқарор иқтисодий ўсиш суръатлари ва турғун ишлашини таъминлаш, корхоналарда модернизация, техник ва технологик қайта жиҳозлаш ишларини амалга ошириш, рақобатбардош тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришни фаол ташкил қилиш, аҳоли бандлигига кўмаклашиш ва натижада макроиқтисодий мутаносибликка эришиш корхоналарда корпоратив бошқарувнинг асосий мақсади бўлмоги керак.

Шундай қилиб, Ўзбекистонда корпоратив бошқарувнинг ҳуқуқий негизи асосан яратилган ва у халқаро тамойиллар ва стандартларга мос равишда такомиллашиб бормоқда. Корпоратив бошқарув ривожланишининг учинчи босқичидан бошлаб бундан буён корпоратив бошқарув асосан капиталлашув даражаси юқори бўлган акциядорлик корхоналарига хос бўлади ва эндиликда уларда корпоратив бошқарув амалиётини яхшилаш мамлакат иқтисодиётини ислоҳ қилиш умумий жараёнининг узвий қисми ҳисобланиб, хусусий мулкни реал ҳимоя қилиш, инвесторларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, инвестицияга қулай ҳамда рақобатбардош миллий компанияларни шакллантириш учун шароит яратишга хизмат қилиши зарур. Зеро, бу Ўзбекистоннинг иқтисодий ўсишини асосий ҳаракатга келтирувчи кучи ҳисобланади.

Бизнингча, корпоратив бошқарув ривожланиши учинчи босқичининг асосий вазифалари қуйидагилар бўлмоғи лозим:

- корпоратив бошқарувнинг халқаро стандартлар ва миллий хусусиятлар асосида ишлаб чиқилган умумэътироф этилган тамойилларни ўзида мужассам этган корпоратив бошқарув кодексини яратиш ва амалга киритиш, бундай кодекс дастлабки босқичда тавсиявий характерга эга бўлиши;

- республика иқтисодиёти базавий тармоқларининг барқарорлигини таъминлаш ва саноат тармоқлари етакчи корхоналарини қўллаб-қувватлашда ягона снёсатни олиб борадиган интеграллашган корпоратив тузилмалар (холдинг компаниялари, акциядорлик ва давлат-акциядорлик компаниялари) фаолиятини янада такомиллаштириш ва ролини кучайтириш бўйича уларда корпоратив муносабатлар ва бошқарувнинг янги жиҳатларини ўрнатадиган меъёрий-ҳуқуқий базани ривожлантириш;

- акциядорлик корхоналари ҳамда бошқа мулкчилик шаклидаги корхоналарнинг ижтимоий йўналганлигини оширишга кўмаклашадиган ҳамда мамлакат ижтимоий, иқисодий ва экологик барқарорлигини таъминлайдиган корпоратив ижтимоий масъулиятлилик тизимининг ҳуқуқий асосларини яратиш.

Таян иборалар

Ўзбекистон корпоратив бошқарув тизими, корпоратив бошқарув бўйича қонунчилик, қимматли қоғозлар бозори бўйича қонунчилик, акциядорлик жамиятини бошқариш органлари, корпоратив бошқарув ривожланиш босқичлари.

Назорат саволлари

1. Ўзбекистонда корпоратив бошқарув ибораси биринчи марта қайси ҳужжатда қўлланилган?
2. Ўзбекистон корпоратив бошқарув тизими корпоратив бошқарувнинг қайси модели асосида қурилган?
3. Мамлакатимизда корпоратив бошқарувни ривожлантиришда қандай қонунлар қабул қилинган?
4. Қайси асосий қонун акциядорлик жамияти ва унинг бошқарув органлари фаолиятини белгилаб беради?
5. Акциядорлик жамиятлари бошқарув органларини такомиллаштиришда қайдай ҳукумат қарорлари қабул қилинган?
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 24.01.2003 йилдаги ПФ-3202-сонли Фармони мамлакатимизда корпоратив бошқарувни ривожлантиришда қандай ўринга эга?
7. Республика фонд бозорини тартибга солувчи асосий қонун қайси ва у қачон қабул қилинган?
8. Ўзбекистонда корпоратив бошқарувни қандай ривожланиш босқичларига ажратиш мумкин?

3.4. Корпоратив бошқарув моделлари

Корпоратив бошқарув тизими турли хил давлатларда унинг ижтимоий-иқтисодий келиб чиқиш хусусиятлари билан боглиқ ҳолда турланади. Мамлакатда корпоратив бошқарувнинг ўрни, акциядорларнинг капитали ва акциядорлик жамиятларининг ҳолати билан боғлиқ ҳолда бўлади. Ҳозирги даврда жаҳон амалиётида турли мамлакатлар доирасидаги компанияларда корпоратив бошқарувнинг бир қанча моделлари қўлланилади. Жахон амалиётида, одатда корпоратив бошқарувнинг уч моделини ажратадилар: англо-америка модели, Германия (континентал-европача) модель ва Япония модели. Алоҳида модель сифатида яна корпоратив бошқарувнинг оилавий моделини ҳам киритадилар. Уларнинг моҳиятини қисқача кўриб чиқамиз.

Корпоратив бошқарувнинг англо-америка модели. Корпоратив бошқарувнинг англо-америка модели АҚШ, Буюк Британия, Австралия, Канада ва Янги Зеландия мамлакатлари учун хос бўлган модель ҳисобланади.

Ушбу моделнинг шаклланишида бир қатор иқтисодий ва ҳуқуқий хусусиятлар сабаб бўлган. Корпоратив бошқарувнинг англо-америка тизими, авваламбор, миллий акциядорлик мулкчилик хусусиятлари билан боғлиқ. Фонд бозори корпорациялар капиталининг юқори даражада сочилиб кетганлиги билан характерланади. Аҳоли ўз жамғармаларини компания акциялари ва облигацияларига инвестициялаш йўли билан амалга оширади. Фирмалар бизнесни кенгайтириш учун молиявий маблағларни жалб қилиш мақсадида ўз қимматли қоғозларини инвесторларга сотади.

Ушбу компаниялар капиталининг асосий эгалари хусусий ва институционал инвесторлар ҳисобланади. Улар бунда таваккал қилишга тайёр бўлиб, акция курсларидаги тафовутлар ҳисобидан даромад олишга бўлган қисқа муддатли мақсадларни кўзда тутадилар. Инвесторлар ўз маблағларини компанияга қўйишлари учун улар компанияларда корпоратив бошқарув самарали олиб борилаётганига ишончлари комил бўлиши керак. Инвесторлар корпоратив бошқарув устидан назорат олиб боради ва шунинг учун фонд бозоридаги акция қиймати корпоратив бошқарув сифатига боғлиқ бўлади.

Фонд бозори юқори ликвидликка эга бўлади, у орқали йирик компаниялар устидан назоратнинг бир қўлдан иккинчи қўлга ўтиши амалга оширилади. Америка фонд бозори учун компанияларни қўшиб юбориш, сингдириб олиш ва уларни сотиб олиш бозор орқали назоратнинг бир қўлдан иккинчи қўлга ўтишининг асосий шакллари ҳисобланади. Бу эса корпоратив назорат бозори орқали менежерлар фаолиятини назорат қилиш самарадорлигини таъминлайди. Биржалар ва мамлакат қонунчилиги молиявий ахборотни мажбурий ошкор қилишни талаб қилади ҳамда менежерларга компания акциялари устидан ҳаракатлар олиб боришни тақиқлайдиган меъёрларни ўрнатади. Ушбу нормаларни бузган менежерлар акциядорлар томонидан жиноий жавобгарликка тортилиши мумкин. Юқори погона бошқарув менежерларининг фидуциар мажбуриятлари, одатда аниқ белгиланган бўлади, агар менежерлар бундай мажбуриятга амал қилмаса, акциядорлар ўзларига етказилган зарарни қоплаш учун суд даъвосини қўзғатишга ёки улар манфаатларига зид бўлган карорларни бошқарувчилар томонидан қабул қилинишини тўхтатиб қўйишга ҳақли бўлади.

Корпоратив бошқарувнинг англо-америка модели бевосита АҚШда акциядорлик мулкининг тизимли хусусиятларига боглиқ. Маълумки, АҚШ компанияларида акциядорлик капиталлари маълум даражада тарқатилган. Американинг кўпсонли компанияларида акциядорларнинг улуши жами капиталнинг

ҳаттоки бир фоизни ҳам ташкил этмайди. Шунинг учун ҳам, акциядорларнинг муайян гуруҳи компания ва директорлар Кенгаши ҳолатига кучли таъсир кўрсата олмайди. Англо-америка моделининг яна бир хусусияти шундаки, унда жами капиталнинг асосий қисми инвестиция институтлари, яъни нафақа ва инвестиция фондлари, суғурта компанияларига тегишли, ҳозирда АҚШ компанияларида уларнинг роли беқиёсдир.

Англо-америка моделининг асосий хусусияти шундаки, унда корпорациянинг фақат акциядорлари стратегик қарорларни қабул қилиш жараёнига таъсир кўрсатиш ҳуқуқига эга бўладилар. Яъни корпорация манфаатлари унинг акциядорлари манфаатларига тенглаштирилган. Менежерлар ҳамда ходимлар акциядорларнинг агентлари сифатида фаолият юритишида, акциядорларга уларга корпорацияни оператив бошқариш ваколатини берадилар.

Англо-америка моделининг яна бир муҳим хусусияти шундаки, унда корпорациялар акция пакетлари юқори таркоқлик характерига эга. Йирик компанияларда акциядорлар сони ўн ва юз минггача етади, энг йирик акция пакетлари эса атиги бир неча фоизни ташкил этади. Амалда ҳеч бир акциядор корпорация раҳбарияти фаолиятини реал назорат қилиш имкониятига эга бўлмайди. Фақатгина акциядорлар кучларини бирлаштириш ҳолатида назоратни амалга ошириш мумкин бўлади.

Ушбу моделда давлатнинг корпоратив сектори иштирокига иккиламчи ўрин ажратилади, яъни давлатнинг корпоратив қурилишдаги иштироки деярли кўринмайди. Бунда давлатнинг иштироки фақатгина бозор иштирокчилари учун умумий қоидаларни ўрнатиш билан чекланган бўлади.

Англо-америка моделида корпорацияни бошқаришнинг юкори органи акциядорлар умумий йиғилиши бўлиб, одатда у йилига бир марта ўтказилади. Акциядорлар корпорацияни бошқаришда директорларни сайлаш масалалари ёки корпорация фаолияти учун муҳим қарорларни қабул қилиш юзасидан овоз беришда иштирок этадилар. Умуман, англо-америка моделининг қонун-қоидаларига мувофиқ, акциядорларнинг жамият бошқарувидаги ўрни маълум даражада келишилган бўлади. Бунга кўра уларга қуйидаги ҳуқуқларни амалга оширишга рухсат берилади:

• корпорациянинг низомига муайян ўзгартиришлар киритилиши учун овоз бериш;

• директорларни сайлаш ва тайинлаш;

• компанияни қайта ташкил этиш билан боғлиқ барча масалаларни ҳал этиш.

Акциядорлар умумий йиғилиши фонд бозоридаги акцияларнинг катта таркоқлиги туфайли кўпинча расмий характерга эга. Шунинг учун, Директорлар Кенгаши Корпоратив бошқарув англо-америка моделининг асосий органи

ҳисобланади. Директорлар Кенгаши акциядорлар томонидан сайланади, акциядорлар манфаатларини сайлаш, овоз бериш тартиботларини, корпорация молиявий ҳолатини, капиталдан фойдаланишни назорат қилиш орқали ҳимоя қилади, шунингдек корпорациянинг қонунга мувофиқ фаолиятини ҳамда ижтимоий масъулиятини таъминлайди.

Директорлар Кенгаши бошқарувнинг барча функцияларини бажаради, акциядорлик жамиятининг барча фаолиятини идора қилади ва акциядорлар йиғилиши ҳамда назорат қилувчи давлат органлари олдида жавобгар бўлади.

Директорлар Кенгашининг асосий вазифаси бўлиб акциядорлар манфаатларини ҳимоя қилиш ва улар фаровонлигини ошириш, яъни корпорация қиймати ўсишини кафолатлайдиган корпоратив бошқарув сифатини таъминлаш ҳисобланади. Директорлар Кенгаши корпорациянинг барча ишлари учун жавобгар бўлади, ва агар компания банкрот ҳолатига учраса, унинг аъзолари маъмурий ва жиноий жавобгарликка тортилади. Директорлар Кенгашининг сон таркиби самарали корпоратив бошқарув заруратидан келиб чиққан ҳолда белгиланади, аммо унинг энг кам сони биттадан учтагача бўлиши мумкин.

Директорлар Кенгаши таркибига икки гуруҳ директорлар иштирок этади:

1. Ички ёки ижрочи директорлар — бу бир вақтнинг ўзида компания менеджерлари ҳисобланадиган шахслар.

2. Ташқи ёки мустақил директорлар — бу компания манфаатларини инобатга олмайдиган четдан таклиф этилган шахслар.

Ички директорлар бир вақтнинг ўзида ижрочи директорлар ва компания менежерлари бўлиб ҳисобланади. Мустақил директорлар – бу компаниядан манфаатдор бўлмаган шахслар бўлиб, улар объектив карорлар кабул қилишга таъсир этади. Мустақил директорларнинг сони биттадан кўп бўлиши лозим. Акс ҳолда, у ҳеч қандай таъсир доирасига эга бўлмайди. Бирок уларнинг сони ярмидан кўп ҳам бўлмаслиги керак, чунки компания уни бошқарилаётган шахслар қўлида бўлиши керак.

Бу икки турдаги директорларнинг ҳар бири, компания ва акциядорлар ўртасидаги тенг ҳуқукли мажбуриятларни амалга оширувчи ишончли вакил ҳисобланадилар.

Директорлар кенгашининг мустақил аъзолари жуда мухим ва амалда чекланмаган ваколатларга эга бўлади. Уларнинг функцияси ва уларни аниқ бажарадиган ишларни акциядорларнинг ўзлари таксимлаб, белгилаб берадилар. Директорлар Кенгаши аъзоларининг асосий кисмини мустақил директорлар ташкил этади. Директорлар Кенгашининг асосий кисми бошка компанияларда бошкарувчи бўлиб ишлайди ёки илгари ишлаган бўлади.

Корпоратив бошқарувнинг ушбу моделида компания раҳбариятининг директорлар Кенгаши олдидаги ҳамда, ўз навбатида, директорлар Кенгашининг

акциядорлар олдидаги масъулиятига катта аҳамият берилади. Раҳбарият фаолияти устидан объектив назорат олиб бориш муҳим аҳамият касб этади. Бундай назоратнинг муваффақияти компаниянинг мулкчилик структурасига боғлиқ. Агар компания мулкдорлари кам бўлса, унда улар директорлар Кенгаши таркибига кириши ва раҳбарият фаолиятини объектив назорат қилиш учун ўз механизм ва тартиботларини ўрнатишлари мумкин. Агар мулкдорлар сони кўп бўлса, назорат қилиш муаммоси компания раҳбарияти билан бевосита боғлиқ бўлмаган директорлар Кенгашининг ташқи аъзорлари ёрдамида ҳал қилинади.

Директорлар Кенгаши компания президентини, бош ижрочи директорини, президент муовинларини, ғазначини ва компания низомида белгиланган бошқа менежерларни танлайди ва тайинлайди. Бош ижрочи директор (CEO) одатда катта ваколатга эга бўлади ва директорлар Кенгаши ҳамда акциядорларга ҳисобдор бўлади.

АҚШда амалдаги меъёрий қонунчиликка мувофиқ, ҳар бир компания директорлар Кенгаши таркибида мажбурий равишда учта қўмита амал қилиши ва бу қўмиталар фақатгина мустақил директорлардан ташкил топган бўлиши лозим.

Биринчи қўмита – аудит бўйича қўмита ҳисобланиб, одатда у Тафтиш комиссияси деб аталади.

Иккинчи қўмита – рағбатлантириш бўйича қўмита ҳисобланиб, у юқори поғона раҳбарияти ва директорлар кенгаши аъзолари учун мукофот тўловларини тавсия этади ва тасдиқлайди. Ушбу қўмита компания ҳисоботларини мажбурий равишда чоп этилишини таъминлайди. Бундай ҳисоботларда компания фаолиятининг сифати ва менежерларни рагбатлантириш даражаси каби муҳим масалалар ёзилган бўлиши лозим.

Учинчи қўмита – директорлар Кенгаши аъзоларини танлаш ва сайлаш масаласини ҳал этади.

Қўмиталар фаолияти тўғридан-тўғри компанияни бошқариши жараёни билан боғлиқ бўлмаса-да, аммо компанияни ривожлантириш ва ўсишини таъминлаш учун ўта муҳим ҳисобланади.

АҚШ корпоратив бошқарув соҳасида сўзсиз пешқадам мамлакат ҳисобланади. АҚШда ишлаб чиқилган корпоратив бошқарув тамойиллари умумэътироф этилган ҳисобланиб, улар барча мамлакатларда, ҳатто корпоратив бошқарувнинг бошқа моделлари қўлланилаётган мамлакатларда ҳам қабул қилинади. Ушбу тамойилларнинг моҳияти максимал даражада очиклик ва адолатлиликни ифодалайди, барча иштирокчиларнинг ахборотга эга бўлишга тенг шароитларни таъминлайди.

Одатда, олтита бир-бирига алоқадор тамойиллар ажратилади:

1. Ҳисобдорлик. Акциядорлар олдидаги масъулият. Корпорациянинг ҳам директорлар Кенгаши, ҳам раҳбарияти акциядорларга ҳисобдор бўлиши лозим. Улар акциядорларнинг ҳар қандай талабларига самимий бўлишлари шарт. Акциядорлар директорлар Кенгашига номзодлар таржимаи ҳоли тўғрисида тўлиқ ва ишончли ахборотга эга бўлишлари лозим.

2. Шаффофлик. Ошкоралик. Барча корпорациялар ҳисоботнинг умумэътироф этилган халқаро стандарларидан фойдаланишга интилишлари лозим. Акциядорлар билан ўзаро муносабатлар тамойиллари кодекслари қабул қилиниши лозим. Раҳбарият акциядорлар олдида ушбу кодексга қандай риоя қилинаётганлиги тўғрисида ҳисобот бериши лозим.

3. Адолатли муносабат. Барча акциядорларга, шу жумладан хорижий акциядорларга бир хил муносабат таъминланиши лозим.

4. Овоз бериш методикаси: ишончнома асосида овоз бериш учун материаллар, овозларни санаб чиқиш, овоз бериш технологияси.

5. Тамойиллар кодекси. Барча корпорациялар акциядорлар билан ўзаро муносабатлар тамойилларини ўзида мужассам этган муносиб кодексни ишлаб чиқишлари ҳамда унга қатъий риоя қилишлари лозим. Корпоратив бошқарув стандартлари рақобатбардошликнинг жаҳон даражасида сақланиши учун ушбу кодексларни вақти-вақти билан қайта кўриб чиқиш лозим.

6. Стратегик режалаштириш. Директорлар Кенгаши ва корпорация раҳбарияти стратегик кўра билиш қобилиятига эга бўлишлари лозим.

Ушбу моделда акциядорлар манфаатлари корпорация менежментига боғлиқ равишда бир-биридан ажратилган катта миқдордаги майда инвесторлар томонидан ифодаланади. Бунда фонд бозорининг роли ошади ва у орқали корпорация раҳбарияти устидан назорат олиб борилади.

Шундай қилиб, умумлаштирган ҳолда моделнинг асосий хусусиятлари қуйидагилардан иборат:

• акцияларга эгалик қилиш ва корпорация фаолияти устидан назорат қилиш ўртасида аниқ тақсимотнинг мавжуд бўлиши;

• акцияларнинг ликвидлиги ва жозибадорлиги;

• конунчиликда монополияга қарши курашиш нуқтаи назаридан банкларнинг корпорацияларни бошқариш роли чекланганлиги;

• корпорация директорлар Кенгаши таркибига ҳам ички директорлар (инсайдерлар), ҳам ташқи директорлар (аутсайдерлар) киради;

• одатда директорлар Кенгаши раиси бир вақтнинг ўзида ижрочи директор ҳам ҳисобланади;

• корпоратив қонунчилик томонидан ижрочи орган ва нафақа фондларига фидуциар мажбуриятлар (акциядорлар манфаатларини ҳимоялаш) юкланган;

• корпоратив қонунчиликда корпорация фаолияти тўғрисидаги ахборотни ошкор қилишнинг қатъий меъёрлари ишлаб чиқилган.

Корпорация йиллик ҳисоботи ёки акциядорлар йиллик умумий йигилиши кун тартибига киритилиши шарт бўлган маълумотлар:

- молиявий ахборот (АҚШ да ҳар чоракда берилади), капитал структурасига оид маълумотлар;

- сайланаётган директорларнинг олдинги меҳнат фаолияти тўгрисида маълумот (эгаллаган лавозимлари, компаниялар билан муносабатлари, уларнинг акцияларига эгалик қилиш);

- ижрочи директорларга тўланадиган иш ҳақи (мукофотлар) миқдори (энг юқори маош оладиган юқори раҳбариятдан 5 таси ҳам кўрсатилади);

- акциядорлик капиталининг 5 %га эга бўлган барча акциядорлар тўғрисида маълумот;

- компанияни қўшиб юбориш ёки қайта тузиш эҳтимоли тўғрисидаги маълумотлар;

- компания Низомига киритилиши кўзланаётган ўзгартириш ва қўшимчалар;

- аудиторлик текшируви учун таклиф қилинаётган шахслар ёки компаниялар номи.

Моделнинг афзаллик томонлари:

- Фонд бозори орқали хусусий жамғармалар ҳаракатининг юқори даражаси;

- инвесторлар юқори даромадни таъминлайдиган соҳаларни излашга қаратилган бўлиши;

- компанияларнинг юқори ахборот шаффофлигига эга бўлиши.

Моделнинг асосий камчиликлари:

1) Инвесторларнинг қисқа муддатли манфаатларни кўзлаши. Бунга асосан муносабатларнинг юқори шаффофлиги, чораклик ҳисоботларнинг чоп қилиниб турилиши имкон туғдиради.

2) Фонд бозори томонидан активларнинг ҳақиқий қиймати бузиб кўрсатилиши. Фонд бозори активларнинг ҳақикий қийматини акс эттирмайди, чунки уларнинг қиймати фонд бозоридаги йирик ўйинчиларнинг фаолиятига боғлиқ бўлади.

3) Юқори поғона раҳбариятига тўланадиган иш ҳаки ва бошка турдаги мукофотлар асоссиз равишда тез ўсиб боради.

4) Бошқариш ва назорат функцияларининг аник таксимоти мавжуд эмас.

Корпоратив бошқарувнинг англо-америка моделини қўллаш амалиёти хилма-хил тусга эга бўлиб, улар модель коидаларига ҳар доим ҳам мувофиқ келавермайди. Бирок, охирги ўн йиллик тажриба шуни кўрсатмокдаки, англо-америка модели жуда катта ривожланиш салоҳиятига эга.



21-расм. Корпоратив бошқарувнинг англо-америка модели

Корпоратив бошқарувнинг континентал-европача модели. Корпоратив бошқарувнинг континентал-европача модели Германия, Австрия, Нидерландия каби Марказий Европа ҳамда Скандинавия мамлакатлари учун кўпроқ хос бўлган, шунингдек Бельгия ва Франция мамлакатлари учун камроқ хос бўлган модель ҳисобланади. Ушбу модель кўп ҳолларда "Корпоратив бошқарувнинг Германия модели" деб ҳам аталади.

Ушбу модель асосида ижтимоий ўзаро ҳамкорлик тамойили ётади, яъни корпорация фаолиятида манфаатдор бўлган барча томонлар (акциядорлар, менежерлар, меҳнат жамоаси, банклар, турли жамият ташкилотлари, давлат ва б.) қарор қабул қилиш жараёнида иштирок этиши мумкин. Уларнинг барчаси корпоратив структуранинг бир қисми сифатида қабул қилинади ва компанияни бошқаришда муайян ҳуқуқларга эга бўлади. Корпоратив бошқарув барча иштирокчиларнинг манфаатлари турли-туман бўлишига қарамай, уларнинг барчаси корпорация муваффақиятли фаолиятидан манфаатдор бўладилар. Ижтимоий ҳамкорлик тамойили кўпгина Европа мамлакатларида тарихан корпорацияни бошқариш тузилмасининг ўзида ҳамда хўжалик фаолиятини тартибга солувчи қонунларда биркитилган.

Корпоратив бошқарувнинг ушбу модели, очиқ бозорга йўналтирилган англо-америка моделидан фарқли ўлароқ, кўп ҳолларда ёпиқ модель сифатида характерланади, чунки унинг фаолияти банклар орқали белгиланади. Моделнинг шаклланишига бир қатор омиллар таъсир этган. Бу, авваламбор, акциядорлик капиталининг юқори даражада жамланиб қолиши, корпоратив қарорларни қабул қилишда банкларнинг катта роли ҳамда акцияларнинг хусусий инвесторлар орасидаги нисбатан тарқоқлиги. Бунда фонд бозори Буюк Британия ва АҚШ фонд бозорларига қараганда нисбатан паст ликвидликка эга.

Корпоратив бошқарувнинг континентал-европача моделида акциядорлар манфаатдор гуруҳлардан бири сифатида иштирок этади, бу эса унинг англо-америка моделидан фарқланувчи жиҳати ҳисобланади. Ушбу моделнинг асосий элементлари қуйидагилар:

- директорлар Кенгашининг икки поғонали тузилмаси;
- манфаатдор томонларнинг вакиллиги;
- универсал банклар;
- акцияларни ўзаро эгалик қилиш.

Мазкур Германия моделида АҚШ моделидан фарқли ўлароқ, назорат ва бошқарув функциялари ундаги икки поғонали бошқарув тизими туфайли бўлинган бўлиб, улар орасидаги чегаралар аниқ белгилаб берилган. Германия компанияларида директорлар Кенгаши икки органдан иборат:

- Бошқарув Кенгаши – компания раҳбариятидан ташкил топган орган.
- Кузатув Кенгаши – тўлиқ ҳолда мустақил директорлардан ташкил топган орган.

Компаниянинг Бошқарув Кенгаши (ёки ижроия органи) Кузатув Кенгаши томонидан сайланади ва унга ҳисобот бериб туради. Бир вақтнинг ўзида икки органда аъзолик фаолиятини олиб боришга йўл қўйилмайди. Шунингдек, бошқарув аъзоларига бошқа бир тижорат фаолияти билан шуғулланишга йўл қўйилмайди. Бошқарув органи, одатда 5-15 кишидан ташкил топиб, уларнинг ҳар бири корпорация фаолиятининг муайян йўналиши учун ёки асосий функционал соҳаларидан бири учун масъул саналади. Бошқарувга компания хўжалик фаолиятига бевосита раҳбарлик қилиш вазифаси ҳамда унинг фаолият натижалари учун жавобгарлик юклатилади. Бошқарув кенгаши — корпорациянинг ўзига хос жамоавий бош директоридир.

Кузатув кенгаши — корпорацияда ижтимоий ўзаро ҳамкорлик тамойилини амалга оширишнинг асосий механизми бўлиб хизмат қилади. Кузатув кенгаши компания хўжалик фаолияти устидан назорат қилиш функциясини бажаради. Кузатув кенгашининг асосий вазифаларидан бири компания бошқарувини ишончли масъул менежерлар қўлида бўлишини таъминлашдир, уларни

танлаш ва улар ишини назорат қилиш ҳисобланади. Кузатув кенгаши ижроия органи аъзоларини қайта сайлаш йўли билан 5 йилга сайлайди ва фақат кенгаш менежерлар билан компания орасида тузилган шартнома муддатини бекор қилиши мумкин (фақатгина жиддий сабаблар аниқланганда). Кузатув кенгаши компания йиллик балансларни тасдиқлаш, йирик капитал қўйилмалар, ишлаб чиқаришнинг ёпилиши ва дивидендлар даражасини аниқлаш каби масалаларга жавобгар бўлади. Кузатув кенгаши аъзоларининг стратегик муҳим масалаларини ҳал этишдаги иштироки юридик жиҳатдан белгилаб қўйилган, яъни ижроия органи ўта муҳим стратегик масалаларни тасдиқлаш ҳуқуқига эга, аммо кузатув кенгашининг тавсиясисиз улар ҳеч қандай иш қила олмайди. Кузатув кенгашининг аъзолари фақатгина мустақил директорлардан иборат бўлиши лозим.

Кузатув кенгаши таркибининг сони АҚШ ва Япония корпорацияларидаги сингари низом билан эмас, балки қонун билан белгилаб қўйилади. Кенгашнинг энг кам таркиби уч кишидан иборат бўлиши лозим. Асосий капитал миқдори 20 млн. евродан ортиқ бўлган йирик компанияларда кузатув кенгаши 20 кишидан кўп бўлиши мумкин. Кузатув кенгаши акциядорлар ва хизмат кўрсатувчи компаниялар вакилларидан шакллантирилади. Акциядорлар томонидан сайланадиган кузатув кенгаши аъзолигига, шунингдек банклар, инвестиция тузилмалари ва ушбу компания билан алоқаси бўлган бошқа корпорациялар вакиллари ҳам кириши мумкин.

Корпоратив бошқарув Германия моделининг қонун билан белгиланадиган ўзига хос хусусиятида ко-детерминация, яъни компания ходимларининг компанияни бошқаришда иштирок этиши алоҳида ўрин тутади. Масалан, Германия қонунчилигига кўра, агар компанияда 500 дан ортиқ ходим ишласа, кузатув кенгашининг 1/3 қисми меҳнат жамоасининг вакилларидан ташкил топган бўлиши мумкин, агарда компанияда 2000 дан ортиқ ходим ишласа, у ҳолда Кузатув Кенгашининг ярми меҳнат жамоасидан ташкил топган бўлиши мумкин. Кузатув кенгашининг қолган қисми акциядорлар томонидан сайланади. Кузатув кенгашининг сон таркиби турли корпорацияларда 9 кишидан 22 кишигача бўлади. Энг йирик компанияларда ходимлар ва акциядорлар тенг ҳуқуқлилик асосида кузатув кенгашида фаолиятида катнашадилар.

Ходимларни кузатув кенгаши таркибига киритиш ҳамда уларга компанияни бошқаришга иштирок этиш ҳуқуқини бериш корпоратив бошқарув Германия моделининг хусусияти ва ходимлар мотивацияси шаклларидан бири ҳисобланади. Компания меҳнат жамоаси корпоратив қарорлар қабул қилиш жараёнига таъсир этиш имкониятига эга экан, касаба уюшмалардан фойдаланиш зарурати йўқ. Германия касаба уюшмалари корпорация ички ишларига

аралашиш ҳуқуқига эга эмас, балки улар ўз вазифаларини маъмурий ҳудуд даражасида бажарадилар.

Компания директорлар Кенгашига вакиллик тизимининг асосий вазифаси муайян бир инвесторлар гуруҳи манфаатларини ҳимоя қилиш эмас, балки корпорация барча иштирокчиларининг умумий мақсадини тан олиш, яъни корпорациянинг мувозанатлашган фаолиятини таъминлаш ва унинг рақобатбардошлиги ошириш ҳисобланади. Ушбу моделнинг мафкуравий моҳияти жамият уйғунлигига, манфаатлар мувозанатига эришишга интилишдан иборат. Масалан, Германияда манфаатлар мувозанатини ўрнатиш жараёни бир неча босқичларда амалга оширилади. Энг юқори поғонада Германия саноатчилар уюшмаси туриб, у касаба уюшмалари билан ўзаро ҳамкорлик қилиш умумий сиёсати ва стандартларини белгилаб беради. Сўнг, бундай фаолият тармоқ уюшмалари доирасида олиб борилади. Белгиланган стандартлардан оғишган корпорацияларга нисбатан ижтимоий санкциялар қўлланилади.

Корпоратив бошқарувнинг континентал-европача моделининг алоҳида хусусияти корпоратив бошқарув жараёнларида банкларнинг иштирок этишидир. Банклар ушбу тизимда марказий ролни ўйнайди. Тижорат банклари корпорацияларнинг акциядорлари ҳисобланади. Банклар, шунингдек депозитарий ролини бажариши мумкин ва ишончнома орқали овоз бериш жараёнида муҳим аҳамиятга эга. Тижорат банклари ҳар томонлама фаолиятга эга бўлиб, корпорацияларга турли хизматлар кўрсатади: кредитлаш, брокерлик ва маслаҳат хизматлари. Шу билан бирга, банклар турли компаниялар акция ва облигацияларини тўгридан-тўгри сотиб олиш йўли билан инвесторлар сифатида фаолият юритиши мумкин. Шунинг учун улар корпоратив бошқарувни мунтазам равишда назорат қилиб боради. Агар корпоратив бошқарув сифати улар нуқтаи назаридан қониқарсиз бўлса, банклар компанияларни қўшимча молиявий маблағлар билан таъминлашни рад этиши мумкин. Одатда банк кузатув кенгаши таркибига вакил бўлиб кириб, корпорация учун малакали эксперт ҳисобланади.

Банкларнинг Кузатув Кенгашлари фаолиятида иштирок этиш амалиёти кенг қўлланилади. Ҳозиргача корпорациялар учун акцияларни эмиссия қилиш пул маблағларини жалб этишнинг асосий манбаи ҳисобланмайди, бунда корпорациялар ташқи молиялаштиришни таъминлаш учун банк хизматларидан фойдаланади. Натижада акциядорлар фонд бозори фаолиятига камроқ қизиқиш пайдо бўлади.

Ушбу корпоратив бошқарув моделининг яна бир хусусияти, тижорат банкларида сақланаётган акциялар бўйича овоз бериш ҳисобланади. Хусусий акция эгалари банкларга уларда ишончли сақланаётган акциялар асосида

ҳар йилги акциядорлар умумий йиғилишида овоз бериш кафиллигини беради. Шунингдек, тижорат банклари томонидан акцияни гаров сифатида қабул қилиб кредитлар бериш амалиёти мавжуд, бу эса, бир вақтда, ушбу акциялар бўйича акциядорлар умумий йиғилишида овоз бериш ҳуқуқини тақдим этади. Шундай қилиб, банкда ишончли сақланаётган акциялар бўйича овоз бериш банкка корпорация кузатув кенгашини шакллантиришда иштирок этишга имкон беради, бу эса, ўз навбатида, банкнинг бизнесда фаол иштирок этишига олиб келади.

Корпоратив бошқарув континентал-европача моделининг бошқа бир хусусияти давлатнинг ролидир. Корпорациялар давлат билан чамбарчас боғлиқ. Давлат кўп ҳолларда йирик акция пакетларига эгалик қилади ва корпорация бошқарувида ўз вакилларига эга бўлади. Ўз навбатида, давлат алоҳида тармоқлар доирасида корпорациялар ўртасидаги мувофиқликни рағбатлантиради ва қўллаб-қувватлайди.

Мазкур модель доирасида корпорацияларда акцияларга ўзаро эгалик қилиш кенг тарқалган бўлиб, бу уларга корпоратив бошқарув механизмлари орқали бир-бири билан ўзаро ҳамкорлик қилиш имконини беради. Масалан, Германиянинг деярли барча компаниялари акцияларни ўзаро эгалик қилиш улкан бир тармоғининг бир қисми ҳисобланади. Акцияларни ўзаро эгалик қилишга икки компаниянинг бир-бирининг акциядори бўлиши вазиятига тушунилади. Бундай тизимда марказий ўринни банклар ҳамда суғурта компаниялари эгаллайди. Бугунги кунда акцияларни ўзаро эгалик қилишнинг мақсади бўлиб, турли компания ва инвестиция тузилмалари ўртасидаги узоқ муддатли муносабатлар ва ўзаро боғлиқликни мустаҳкамлаш ҳисобланади.

Шундай қилиб, умумлаштирган ҳолда моделнинг асосий хусусиятлари қуйидагилардан иборат:

• банк бир неча ролларни бажаради: акциядор, кредитор, қимматли қоғозлар ва қарз мажбуриятлари эмитенти, депозитарий, акциядорлар йиллик умумий йиғилишида овоз берувчи вакил;

• корпорациялар бошқа аффилланмаган корпорациялар акцияларига эга бўлишлари ҳамда уларда узоқ муддатли жамғармаларни сақлашлари ҳам мумкинлиги;

• корпорация кузатув кенгаши таркибига ишчи ва ходимлар ҳамда акциядорлар вакиллари киради, лекин унга инсайдерлар кирмайди, яъни кенгаш асосан аффилланган аутсайдерлардан ташкил топиши;

• корпорациялар икки палатали кенгаши томонидан бошқарилади. Кузатув кенгаши корпорациянинг фақат ходимларидан таркиб топган ижроия органини тайинлайди ва тарқатади, раҳбарият қарорларини тасдиқлайди ва уларга тавсиялар бериши;

• корпорация Низомида Кузатув Кенгаши томонидан тасдиқланиши талаб қилинадиган ҳужжатлар кўрсатилиб ўтилади. Кузатув Кенгаши одатда ойига бир марта йиғилиш ўтказиши;

• Кузатув кенгаши таркиби ва сони қонунлар билан белгилаб қўйилади. Ушбу қонунлар билан ишчи ва ходимлар томонидан ҳамда акциядорлар томонидан танланган вакиллар сони қатъий белгиланиши;

• корпорациялар фаолияти 1995 йилда ташкил этилган Қимматли қоғозлар бўйича федерал агентлиги томонидан назорат қилинади ҳамда акциядорлик жамиятлари тўғрисидаги, фонд биржалари тўғрисидаги федерал қонунлар, тижорат қонунлари, Кузатув кенгаши таркиби тўгрисидаги қонун ҳамда биржалар тўғрисидаги ҳудудий қонунлар орқали тартибга солинади.

Ахборотни ошкор қилишга бўлган талаблар:

• корпорация фаолиятига оид молиявий ахборот (ҳар ярим йиллик);

• капитал структураси тўғрисидаги маълумотлар;

• Кузатув кенгаши таркибига номзодлар тўғрисида чекланган ахборот;

• Кузатув кенгаши ва бошқарув аъзоларига тўланадиган мукофотлар тўғрисида умумий ахборот;

• корпорациянинг 5 % дан ортиқ акцияларига эгалик қиладиган акциядорлар тўгрисида маълумотлар;

• компанияни қўшиб юбориш ёки қайта тузиш эҳтимоли тўғрисидаги ахборот;

• компания Низомига киритилиши таклиф қилинаётган ўзгартириш ва қўшимчалар;

• аудиторлик текшируви учун таклиф қилинаётган шахслар ёки компаниялар номи.

Моделнинг афзаллик томонлари:

- капитал жалб қилишнинг паст қиймати;
- инвесторларнинг узоқ муддатли мақсадларга қаратилганлиги;
- компания барқарорлигининг юқори даражаси;
- бошқариш ва назорат функцияларининг аниқ тақсимланганлиги.

Моделнинг камчиликлари:

• ташқи назорат воситаси сифатида фонд бозорининг кўримсиз роли;

• капиталнинг юқори даражада жамланганлиги ва миноритар акциядорлар ҳукукларига кам эътибор берилиши;

• ахборот шаффофлигининг паст даражаси, бу эса инвестицияни амалга ошириш мураккаблигига сабаб бўлади.



22-расм. Корпоратив бошқарувнинг континентал-европача модели

Корпоратив бошқарувнинг англо-америка ва континентал-европача моделларининг кесишган нуқтаси корпоратив бошқарувнинг бошқа мамлакатларда мавжуд бўлган кенг шакллари жойлашган ўзига хос бир жойни ифодалайди.

Масалан, Швецияда унитар кенгашлар тизими (яъни, кузатув кенгашни алоҳида тузилма сифатида ажратмасдан) амал қилади, лекин бунда компания "паст" поғона ходимлари вакилларининг директорлар Кенгашида иштирок этиши қонун жиҳатдан биркитилган бўлиб, бу ерда компания раҳбариятининг кенгашдаги иштироки компания президентлари иштирокига тенглаштирилган. Бундай вазият "Швеция социализми" деб номланган умумий ижтимоий-иқтисодий тизимнинг ифодаси ҳисобланади.

Нидерландияда қўшалоқ кенгашлар тизими кенг тарқалган, лекин Германиядан фарқли равишда, ушбу тизимда ходимларга кузатув кенгашига аъзо бўлиб киришга йўл қўйилмайди. Кузатув кенгаши фақат мустақил директорлардан ташкил топган.

Италияда директорлар кенгаши, унитар хусусиятга эга бўлса-да, саноат тузилмаси доирасида ҳамда акциядорлик мулки тизимида амал қилади, бу эса АҚШдан кўра Германиядаги вазиятга жуда ўхшаб кетади. Ҳатто жуда йирик Италиядаги компаниялар кўп ҳолларда муайян оилаларга тегишли, шунинг учун компания йирик акциядорлари деярли ҳамма вақтда менежер-директорлар ҳам бўлиб ҳисобланади.

Корпоратив бошқарувнинг Япония модели. Японияда корпоратив бошқарувнинг замонавий модели асосан икки омил таъсири остида шаклланган: Япония Иккинчи жаҳон урушидан сўнг АҚШ томонидан демократлаштириш

ҳамда асосида ижтимоий бирдамлик ва ўзаро ҳамкорлик ётадиган ушбу мамлакат маданияти, урф-одатлари.

Иккинчи жаҳон урушигача Япония иқтисодиётида "дзайбацу" деб номланган молия-саноат конгломератлари фаолият юритиб, уларнинг мулки муайян оилавий гуруҳлар қўлида мужассамлашган бўлган. Урушдан кейин Япония иқтисодиёти монополиядан чиқарилган ва Япония компаниялари ўзаро акция пакетларини уларни сотмаслик шарти асосида келишган холда эгалик қилишни бошлаганлар, бу эса уларга компаниялар устидан назоратни сақлаш имконияти берган. Бундай ҳаракат Японияда "кейрецу" деб номланган молия-саноат гуруҳларининг шаклланишига олиб келди.

Кейинчалик Япония ҳукумати иқтисодиётни ривожлантириш дастурини ишлаб чиқиб, уни амалга оширишни бошлаган. Бунда барча молиявий ресурслар олти йирик банклар ўртасида тақсимланган. Ушбу дастурга мувофик, банклар инвестиция жараёнини ташкил қилиши ва барча хавф-хатарларни ўзларига олишлари лозим эди. Банклар атрофида ўзаро алоқадор саноат, савдо ва суғурта компаниялари гуруҳи мужассамлашди. Шундай қилиб, Япония иқтисодиётида олтита горизонтал (Sumitomo, Mitsubishi, Mitsui, Fuyo, Sanwa, Dai-Ichi Kangyo Bank) ва учта вертикал (Toyota, Sony, Nissan) молия-саноат гуруҳлари тобора шаклланиб борди. Банклар шунчалик муҳим ролни ўйнадики, бунда ҳар бир компания улар билан яхши муносабатларни ўрнатишга интилади. Ҳар бир горизонтал гуруҳда битта асосий банк бўлиб, вертикал гуруҳларда иккита асосий банк бўлиши мумкин.

Корпоратив бошқарувнинг Япония модели шу билан ўзига хоски, унда мулк ўрта ва йирик акциядорлар қўлида, йирик банк ва молия-саноат гуруҳлари портфелида мужассамлашган, шунингдек кейрецу тизимига кирган компаниялар ўртасида акцияларни ўзаро эгалик қилиш кенг амалиётда тарқалган. Йирик акция пакетига эга бўлган акциядорлар, ўз-ўзидан маълумки, бошқарувда бемалол иштирок эта оладилар. Ушбу моделда банклар ниҳоятда муҳим ролни бажаришади ва ҳар бир саноат гуруҳи фаолиятини белгилаб беради. Япония компаниялари учун бизнесни олиб боришда энг муҳим мақсад капитализация даражасини ошириш эмас, балки бозорни кенгайтириш ҳисобланади. Япония иқтисодиёти бошқа ривожланган мамлакатларга нисбатан энг паст ликвидли фонд бозори билан характерланади.

Кўпгина Япония компанияларида акцияларнинг 70% молиявий институтлар ва аффилланган компаниялар қўлида бўлишига қарамай, фирма фаолиятини мунтазам тарзда назорат қилиб бориш асосий банк механизми ёрдамида амалга оширилади. Асосий банк фирманинг нафақат асосий акциядори, балки кредитори бўлиб ҳам хизмат қилади. Бундан ташқари, банк компаниянинг молиявий фаолиятини таъминлайдиган барча функцияларни бажаради.

Япония кейрецу тизимининг мажбурий аъзоси бўлиб универсал савдо фирмалари ҳисобланади. Улар бизнес операциялар ҳажми ҳамда ахборот ва савдо тармоқлар кўлами жиҳатидан жаҳондаги энг йирик фирмалар қаторига киритилган. Савдо фирмалари, асосий функцияларидан ташқари, янги фаолият соҳаларини излаш ва ўзлаштиришда ҳам иштирок этишади.

Корпоратив бошқарув Япония моделининг асосий тамойилларини қуйидаги тўрт гуруҳга бўлиш мумкин:

1. Корпорация ва ходимлар фаолияти соҳалари ва манфаатлари ўзаро алоқадор, ходимлар ўз корпорациясидан юқори даражада боғлиқдирлар.

2. Яккаликдан кўра жамоавийликнинг устуворлиги, корпорация ичида ходимларни бор имкониятлардан фойдаланиб рағбатлантириш, ходимлар ўртасида улар эгаллаган лавозимларига қарамасдан тенглик муҳитининг мавжудлиги.

3. Корпорация ишлаб боришини таъминлайдиган уч асосий куч (мулкдорлар, менежерлар ва ходимлар) манфаатлари ҳамда таъсир нисбатини бир маромда сақлаш.

4. Корпорациялар ва ишбилармон ҳамкорлар, шу жумладан ва авваламбор, таъминотчилар ва маҳсулот истеъмолчилари ўртасида хилма-хил алоқаларни шакллантириш.

Япония корпоратив бошқарув моделининг асосий ноёблик жиҳати шундаки, аксарият ривожланган мамлакатларга нисбатан унда давлат секторининг мамлакат иқтисодиётидаги ҳиссаси кўримсиз. Бу эса Япония моделининг асосий тамойилини ташкил қилиб, унга кўра давлат иқтисодиётни ривожлантиришнинг йўналтирувчи ва йўл кўрсатувчи кучи бўлиши лозим. Японияда давлатнинг иқтисодиётга таъсири қуйидаги йўналишлар бўйича амалга оширилади:

1) иқтисодиётни ривожлантириш ҳамда белгиланган соҳа мақсадларини аниқлашнинг энг истиқболли йўналишларини ишлаб чиқиш;

2) миллий иқтисодиёт ривожланиши учун қулай шароитларни яратиш (бюджет маблағлари ҳисобидан инфратузилмани ривожлантириш ҳамда саноат тармоқлари ва алоҳида фирмаларга ёрдам бериш);

3) ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш, мамлакат товарлари рақобатбардошлигини таъминлаш учун муайян компаниялар ичида ҳамда улар ўртасидаги ташкилий муносабатлар ва шаклларни ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш.

Японияда давлат томонидан узоқ муддатли прогнозлар ва ўрта муддатли режаларни ишлаб чиқишни дастурлаштириш тизими шаклланиб ривожланган. Бунда ишлаб чиқиладиган барча режалар япон бошқаруви хусусиятларини акс эттириш билан бирга улар иқтисодий тараққиётнинг энг афзал ва энг стратегик асосланган йўлини белгилаб беради.

• Банклар асосий акциядорлар сифатида корпорациялар билан мустаҳкам алоқаларни кучайтиришади. Банк тизими "банк-корпорация" доирасида мустаҳкам алоқаси билан ажралиб туради.

• Банк ўз корпоратив мижозларига кредитлар беради ҳамда облигация, акцияларни чиқариш бўйича, ҳисоб варақаларини олиб бориш бўйича кўпгина хизматлар, шу жумладан консалтинг хизматлари кўрсатади.

• Қонунчилик, жамият ва саноат структуралари томонидан "кейрецу" тизими қўллаб-қувватланади.

• Гуруҳлардаги Кузатув Кенгаши ўртача 50 кишидан, асосан ички аъзолардан (инсайдерлардан) таркиб топган. Кенгашнинг мустақил аъзолари салмоғи жуда паст.

• Директорлар кенгаши таркиби корпорациянинг молиявий ҳолатидан боғлиқ.

• Молия вазирлиги Кузатув Кенгаши таркибига ўз истеъфодаги ходимини тайинлаши мумкин.

• Корпорациялар байналминаллашувининг кенгайиб бориши уларни ички бозордан, яъни саноат сиёсатидан камроқ боглиқ қилиб қўйган.

• Асосий тартибга солувчи органлар Молия вазирлиги Қимматли қогозлар бюроси ва фонд биржалари устидан назорат қилиш Қўмитаси ҳисобланди.

Ахборотни ошкор қилишга бўлган талаблар:

• ўтган молия йили учун қабул қилинган қарорларнинг компания Бошқаруви ҳамда директорлар Кенгаши томонидан тасдиқланиши;

• акциядорлар маъқулланиши талаб қилинадиган масалаларга қуйидагилар киради: дивидендларни тўлаш ва маблағларни тақсимлаш (жумладан, директорлар ва аудиторларга ҳақ тўлаш, директорлар ва аудиторларга тўланадиган мукофотнинг юқори чегарасини ўрнатиш), директорлар Кенгашини сайлаш, аудиторларни тайинлаш;

• тижорат кодексига мувофиқ, компаниянинг камида 10% акциясига эгалик қилувчи акциядор ўз таклифларини йиллик умумий йиғилиш муҳокамасига қўйиши мумкин;

• навбатдан ташқари йиғилишларда компанияни қўшиб юбориш, сингдириш ва қайта ташкил этиш бўйича масалалар акциядорлар томонидан маъқулланиши талаб этилади;

• корпорациялар ҳар ярим йилда ўз фаолиятларига оид батафсил молиявий ахборотни эълон қилишлари шарт, хусусан:

• капитал структураси тўғрисидаги маълумотлар;

• Кузатув Кенгашига ҳар бир номзод тўгрисида маълумот (исми-фамилияси, эгаллаган лавозими, корпорация билан муносабати, корпорация акцияларига эга бўлиши);

• мукофотлар, асосан ижрочи ходимлар ва директорлар Кенгаши аъзоларига тўланадиган энг катта ҳақ миқдорлари тўғрисида маълумотлар;

• компанияни қўшиб юбориш ёки қайта тузиш эҳтимоли тўғрисидаги маълумот;

• 10 та йирик акциядорлар рўйхати;

• компания низомига киритилиши кўзда тутилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар, аудиторлик текшируви учун таклиф қилинаётган шахслар ёки компаниялар номи.

Моделнинг афзаллик томонлари:

• капитал жалб қилиш қийматининг пастлиги;

• узоқ муддатли мақсадларни кўзлашга қаратилганлик;

• компаниянинг юқори рақобатбардошликни кўзлашга қаратилганлиги;

• компанияларнинг юқори даражадаги барқарорлиги.

Моделнинг камчиликлари:

• инвестицияни амалга ошириш мураккаблиги;

• инвестиция даромадлигига кам эътибор ва банк томонидан молиялаштиришнинг мутлақ ҳукмронлиги;

• компанияларда ахборот шаффофлигининг пастлиги;

• миноритар акциядорлар ҳуқуқларига кам эътибор қаратилганлик.



23-расм. Корпоратив бошқарувнинг Япония модели

Шундай қилиб, Япония корпоратив бошқарув моделини банк назорати ва молиясига асосланган, тўла ёпиқ сифатида характерлаш мумкин. Япония банк-саноат гуруҳларида узоқ муддатли ҳамкорлик муносабатларини ўрнатиш бош банк томонидан кучли назорат қилинади, бу эса менежерлар фаолияти устидан олиб бориладиган назоратни пастайтиришга имкон беради.

Корпоратив бошқарувнинг оилавий модели. Корпоратив бошқарувнинг оилавий модели ёки оилавий бизнес-гуруҳлар дунёнинг аксарият мамлакатларида кенг тарқалган. Корпоратив бошқарувнинг бундай тизими кўп холларда Осиё ва Лотин Америкаси мамлакатлари, Канада, шунингдек Швеция, Италия ва Франция каби Европа мамлакатларидан учрайди. Мазкур моделда йирик корпорацияни бошқариш ва бизнесни назорат қилиш бир оила аъзолари томонидан амалга оширилади. Компания капитали оилавий каналлар бўйлаб мужассамлашган ва тақсимланган бўлади. Айрим манбаларда ушбу модель "Корпоратив бошқарувнинг лотин модели" деб ҳам аталади.

Ушбу моделда, одатда оилавий холдинг компанияси бир қатор фирмаларни назорат қилади, бу фирмалар эса, ўз навбатида бошқа компаниялар гуруҳини назорат қилади. Инвесторлар қўшимча капиталга эга бўлиш учун жалб қилиниши мумкин, лекин улар оилавий гуруҳнинг ҳеч бир фирмасида аксарият овозга эга бўлмайди. Оилавий моделнинг ажралиб турадиган хусусияти шуки, фақатгина чекланган акциядорлар гуруҳи компанияни бошқаришда фаол иштирок этади. Ушбу моделда эгалик қилиш ва назорат ваколатлари ўртасида катта фарқ мавжуд.

Оилавий бизнес-гуруҳида назорат асосан гуруҳнинг пирамидали тузилмаси, икки ҳиссали акцияларни чиқариш ва акцияларни ўзаро эгалик қилиш воситалари ёрдамида ўрнатилади.

Оилавий бизнес-гуруҳининг пирамидали тузилмаси деярли барча гуруҳларнинг асоси ҳисобланиб, бундай тузилма оилавий компанияга капитал ва ресурсларни назорат қилишга имкон беради.

Оилавий гуруҳлар бошқа фирмалар устидан назоратни сақлаб қолиш учун кўп ҳолларда тенгсиз овоз бериш ҳуқуқларига эга акцияларни чиқаради. Биржада айланиши учун овозлар сони кам бўлган акциялар жойлаштирилади, оилавий фирма эса овозлар сони кўп бўлган акцияларга эгалик қилади. Агар компания барча акциялари бир овозга эга бўлса, унда оилага тегишли бўлган акциялар қўшимча имтиёзларга эга бўлади (масалан, директорлар кенгаши аъзоларини сайлашда танҳо ҳуқуқ). Бундай восита йирик акция пакетига эга бўлмай туриб, компания фаолиятини белгилаб беришга ва назорат қилишга имкон беради. Шунга ўхшаш икки ҳиссали акцияни чиқариш бизнес-гуруҳнинг

пирамидали тузилмаси билан мос келади ва назорат тизимини кучайтиради. Шунингдек, пирамидали (вертикал) тузилмага эга бизнес-гуруҳлар акцияларни ўзаро эгалик қилишнинг горизонтал тузилмасидан ҳам фойдаланадилар.



24-расм. Корпоратив бошқарувнинг оилавий модели

Моделнинг афзаллик томонлари:

бизнес устидан қатъий назорат олиб бориш имконияти;

асосий мулкдорлар (оила аъзолари) учун таваккалчиликнинг пастлиги;

капитални йирик лойиҳаларни амалга ошириш учун жамғариш имконияти;

компаниялар барқарорлигининг юқори даражаси.

Моделнинг камчиликлари:

бизнеснинг асосий мақсади оила манфаатларини таъминлаш ҳисобланиши;

миноритар акциядорлар ҳуқуқларига кам эътибор берилиши;

компания инновативлик даражасининг пастлиги;

бизнеснинг ахборот шаффофлиги паст ва бизнесга инвестиция киритиш мураккаб;

компанияни авлоддан-авлодга ўтиши оқибатида нопрофессионал раҳбарлик қилиш хавфи пайдо бўлиши.

Бугунги кунда корпоратив бошқарувнинг оилавий модели янги акциядорлар учун ёпиқ ҳисобланади ва тарихан юзага келган мулкдорлар гуруҳининг таъсир доираси бўлишда давом этмоқда.

Корпоратив бошқарувнинг тадбиркорлик модели. Корпоратив бошқарувнинг тадбиркорлик модели бозор муносабатларини деярли бошидан бошланаётган ўтиш иқтисодиёти мамлакатларига (Марказий ва Шарқий Европа мамлакатлари, МДҲ мамлакатлари, Хитой) хосдир.

Ушбу модель устида ўтказилган охирги тадқиқотлар шуни кўрсатдики, модель доирасида корпоратив бошқарувнинг барча зарурий элементлари номигагига мавжуд, лекин амалда энг асосий тамойил ҳисобланган эгалик ва

Шундай қилиб, Япония корпоратив бошқарув моделини банк назорати ва молиясига асосланган, тўла ёпиқ сифатида характерлаш мумкин. Япония банк-саноат гуруҳларида узоқ муддатли ҳамкорлик муносабатларини ўрнатиш бош банк томонидан кучли назорат қилинади, бу эса менежерлар фаолияти устидан олиб бориладиган назоратни пастайтиришга имкон беради.

Корпоратив бошқарувнинг оилавий модели. Корпоратив бошқарувнинг оилавий модели ёки оилавий бизнес-гуруҳлар дунёнинг аксарият мамлакатларида кенг тарқалган. Корпоратив бошқарувнинг бундай тизими кўп холларда Осиё ва Лотин Америкаси мамлакатлари, Канада, шунингдек Швеция, Италия ва Франция каби Европа мамлакатларидан учрайди. Мазкур моделда йирик корпорацияни бошқариш ва бизнесни назорат қилиш бир оила аъзолари томонидан амалга оширилади. Компания капитали оилавий каналлар бўйлаб мужассамлашган ва тақсимланган бўлади. Айрим манбаларда ушбу модель "Корпоратив бошқарувнинг лотин модели" деб ҳам аталади.

Ушбу моделда, одатда оилавий холдинг компанияси бир қатор фирмаларни назорат қилади, бу фирмалар эса, ўз навбатида бошқа компаниялар гуруҳини назорат қилади. Инвесторлар қўшимча капиталга эга бўлиш учун жалб қилиниши мумкин, лекин улар оилавий гуруҳнинг ҳеч бир фирмасида аксарият овозга эга бўлмайди. Оилавий моделнинг ажралиб турадиган хусусияти шуки, фақатгина чекланган акциядорлар гуруҳи компанияни бошқаришда фаол иштирок этади. Ушбу моделда эгалик қилиш ва назорат ваколатлари ўртасида катта фарқ мавжуд.

Оилавий бизнес-гуруҳида назорат асосан гуруҳнинг пирамидали тузилмаси, икки ҳиссали акцияларни чиқариш ва акцияларни ўзаро эгалик қилиш воситалари ёрдамида ўрнатилади.

Оилавий бизнес-гуруҳининг пирамидали тузилмаси деярли барча гуруҳларнинг асоси ҳисобланиб, бундай тузилма оилавий компанияга капитал ва ресурсларни назорат қилишга имкон беради.

Оилавий гуруҳлар бошқа фирмалар устидан назоратни сақлаб қолиш учун кўп ҳолларда тенгсиз овоз бериш ҳуқуқларига эга акцияларни чиқаради. Биржада айланиши учун овозлар сони кам бўлган акциялар жойлаштирилади, оилавий фирма эса овозлар сони кўп бўлган акцияларга эгалик қилади. Агар компания барча акциялари бир овозга эга бўлса, унда оилага тегишли бўлган акциялар қўшимча имтиёзларга эга бўлади (масалан, директорлар кенгаши аъзоларини сайлашда танҳо ҳуқуқ). Бундай восита йирик акция пакетига эга бўлмай туриб, компания фаолиятини белгилаб беришга ва назорат қилишга имкон беради. Шунга ўхшаш икки ҳиссали акцияни чиқариш бизнес-гуруҳнинг

пирамидали тузилмаси билан мос келади ва назорат тизимини кучайтиради. Шунингдек, пирамидали (вертикал) тузилмага эга бизнес-гуруҳлар акцияларни ўзаро эгалик қилишнинг горизонтал тузилмасидан ҳам фойдаланадилар.



24-расм. Корпоратив бошқарувнинг оилавий модели

Моделнинг афзаллик томонлари:

бизнес устидан қатъий назорат олиб бориш имконияти;

асосий мулкдорлар (оила аъзолари) учун таваккалчиликнинг пастлиги;

капитални йирик лойиҳаларни амалга ошириш учун жамғариш имконияти;

компаниялар барқарорлигининг юқори даражаси.

Моделнинг камчиликлари:

бизнеснинг асосий мақсади оила манфаатларини таъминлаш ҳисобланиши;

миноритар акциядорлар ҳуқуқларига кам эътибор берилиши;

компания инновативлик даражасининг пастлиги;

бизнеснинг ахборот шаффофлиги паст ва бизнесга инвестиция киритиш мураккаб;

компанияни авлоддан-авлодга ўтиши оқибатида нопрофессионал раҳбарлик қилиш хавфи пайдо бўлиши.

Бугунги кунда корпоратив бошқарувнинг оилавий модели янги акциядорлар учун ёпиқ ҳисобланади ва тарихан юзага келган мулкдорлар гурухининг таъсир доираси бўлишда давом этмоқда.

Корпоратив бошқарувнинг тадбиркорлик модели. Корпоратив бошқарувнинг тадбиркорлик модели бозор муносабатларини деярли бошидан бошланаётган ўтиш иқтисодиёти мамлакатларига (Марказий ва Шарқий Европа мамлакатлари, МДҲ мамлакатлари, Хитой) хосдир.

Ушбу модель устида ўтказилган охирги тадқикотлар шуни кўрсатдики, модель доирасида корпоратив бошқарувнинг барча зарурий элементлари номигагига мавжуд, лекин амалда энг асосий тамойил ҳисобланган эгалик ва

3. Корпоратив бошқарувнинг континентал-европача модели қандай хусусиятларга эга ва у қайси мамлакатларга хос?

4. Корпоратив бошқарувнинг Япония модели қайси жиҳатлар билан ажралиб туради?

5. Корпоратив бошқарувнинг оилавий модели асосида нима туради ва у қандай афзаллик ва камчилик томонларига эга?

6. Корпоратив бошқарувнинг тадбиркорлик модели қандай мамлакатларга хос ва унинг юзага келиши қандай хусусиятлар билан изоҳланади?

3.5. Корпоратив бошқарув муносабатлари иштирокчилари

Охирги йилларда кўпгина мамлакатларда корпоратив муносабатлари ва корпоратив бошқарув жараёнининг фаол иштирокчилари томонидан компания ходимлари, кредиторлар, ҳокимият органлари, ҳамкорлар каби бошқа манфаатдор томонлар манфаатларини ҳам тан олиш тенденцияси ривожланиб бормоқда. Амалиёт кўрсатишича, корпоратив бошқарув муносабатлари иштирокчилари турли гуруҳларининг манфаатлари бир соҳада бир-бирига мос келса, бошқа соҳаларда улар ажралиб туради. Манфаатларнинг умумийлик томони шундан иборатки, корпоратив бошқарув муносабатларининг барча иштирокчилари компаниянининг барқарор фаолиятидан ва фойдалилигидан манфаатдор бўлади. Шу билан бирга, корпоратив бошқарув муносабатлари иштирокчиларини асосий гуруҳларининг манфаатларини умумлаштирган ҳолда бундай манфаатлар ўртасидаги бир неча фарқларни ажратиб кўрсатиш мумкин.

Одатда корпоратив бошқарув муносабатлари иштирокчилари бўлиб қуйидаги уч асосий шахслар гуруҳи ҳисобланади:

1. Компания. Корпоратив бошқарув корхона раҳбарияти, директорлар Кенгаши ва акциядорлар умумий йиғилиши ўртасидаги муносабатларни қамраб олади ва компания ичида манфаатлар уйғунлигини излашга имконият туғдиради.

2. Акциядорлар. Корпоратив бошқарув, шунингдек, ушбу гуруҳ ичидаги муносабатларни тартибга солади ва турли акциядорлар гуруҳлари (акциялар назорат пакети эгалари ва миноритар акциядорлар, стратегик ва портфель инвесторлар ва ҳ.к.) манфаатлари уйғунлигини таъминлайди.

3. Бошқа манфаатдор шахслар. Манфаатдор шахслар ёки шериклар (stakeholders) – бу компания фаолиятига таъсир кўрсатадиган ёки компания фаолиятидан боғлиқ бўлган шахслардир. Компаниянинг манфаатдор шахслари бўлиб ходимлар, кредиторлар, мижозлар, таъминотчилар, маҳаллий жамоатчилик, давлат ва маҳаллий ҳокимият органлари ҳисобланади. Компаниянинг

манфаатдор томонлар билан ўзаро муносабатлари компанияда корпоратив бошқарув даражасини аниқлаш учун муҳим аҳамият касб этади. Жаҳон амалиётида компаниянинг манфаатдор шахсларга нисбатан муа0йян хулқ-атвор стандартлари мавжуд.

Умуман, корпоратив бошқарув иштирокчиларининг барчасини манфаатдор томонлар қаторига қиритиш мумкин. Чунки бундай иштирокчиларнинг ҳар бири компания фаолиятидан маълум иқтисодий ва ижтимоий манфаатга эга бўлади. Манфаатдор томонлар (ёки хориж амалиётида стейкхолдерлар (stakeholders)) – бу шундай шахсларки, уларнинг манфаатлари бирон-бир корхона ёки ташкилот фаолияти билан бевосита боғлиқ бўлади. Одатда манфаатдор томонлар уч катта гуруҳларга бўлинади:

1) ички манфаатдор томонлар (internal stakeholders) – корхона менежерлари ва ходимлари;

2) алокадор манфаатдор томонлар (connected stakeholders) – компания акциядорлари, инвесторлар, кредиторлар, мижозлар ва таъминотчилар;

3) ташқи манфаатдор томонлар (external stakeholders) – марказий ва маҳаллий давлат органлари, жамият.

Турли манфаатдор томон гуруҳлари турлича манфаатларга эга бўлади. Масалан, акциядорлар дивидендлар кўринишида ҳамда компания (ёки унинг акциялари) бозор қийматининг ўсиши натижасида узоқ муддатли иқтисодий фойда олишга манфаатдор бўлади. Корхона менежерлари ва ходимлари муносиб ва барқарор иш ҳақига, мехнат шароитлари ва унинг натижаларидан қониқишга, шунингдек шахсий обрўси ва ўз мартабасининг ошишига манфаатдор бўлишади. Кредиторлар берилган кредитларнинг ўз вақтида қопланишига ва улар бўйича фоизларнинг тўланишига манфаатдор бўлишади. Таъминотчилар манфаатлари сотувлар рентабеллигининг ошишидан, етказилган маҳсулотлар бўйича тўловларнинг ўз вақтида амалга оширилишидан, шунингдек буюртмачи билан узоқ муддатли тадбиркорлик муносабатларини ривожлантиришдан иборат. Компания мижозлари маъқул нархларда сифатли товар ва хизматлар олишга манфаатдор бўлишади. Давлат ҳокимияти органлари ва жамият манфаатлари атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, янги иш ўринларини яратиш, ишсизликни камайтриш ва давлат ҳамда маҳаллий бюджетларга солиқ тушумларини таъминлашдан иборат.

Корпоратив бошқарув муносабатлари иштирокчиларини компания фаолиятига таъсири ва манфаатлари *нуқтаи назаридан* алоҳида кўриб чикамиз.

Акциядорлар. Акциядорлар компаниядан фақат дивиденд кўринишида ва компания акциялари бозор *киймати юқори* бўлган ҳолларда акцияларни сотиш оркали даромад олишлари мумкин. Шунинг учун улар компаниянинг салмоқли соф фойдаси ва акцияларининг юқори курсидан манфаатдор

тўловларни ўз вақтида тўланиши, сотувлар ҳажмининг ошиши каби манфаатларга эга бўладилар. Маҳсулот истеъмолчилари маҳсулотни кредитга олиш имкониятига эга бўлиш, маҳсулотларни мунтазам етказиб берилиши, маҳсулот тури ва ассортиментини янгиланиб турилиши каби манфаатларга эга бўлади.

Кредиторлар. Кредиторлар тузилган шартнома бўйича қатъийй белгиланган даражадаги фойдани олади. Шунинг учун улар жамият ҳолатининг барқарорлиги ва маблағлар қайтарилишининг кафолатланишидан манфаатдор бўлиб, гарчи юқори фойда олиниши кутилса-да, бироқ юқори таваккалчиликка эга қарорларни қўллаб-қувватлашга мойил бўлмайди. Улар ўз сармояларини жуда кўп жамиятлар ўртасида диверсификация қилишади. Кредиторлар айниқса фоизларни ўз вақтида тўланиши, гаровга қўйилган мулкни тўғри баҳоланиши, қарз маблағларини ўз вақтида тўланиши, қарз мажбуриятларини ифодалайдиган қимматли қоғозларни компания акцияларига айлантириш имкониятига эга бўлиш каби манфаатларга эга бўлади.

Ходимлар. Ходимлар биринчи навбатда, компания фаолияти барқарорлиги ва улар учун асосий даромад манбаи ҳисобланувчи иш ўринларининг сақланиб қолинишидан манфаатдор бўладилар. Улар компания раҳбарияти билан бевосита алоқада фаолият юритади, унга бўйсунади ва одатда унга таъсир қилишнинг чекланган имкониятларига эга бўлади. Ходимлар ёки (акциядор бўлмаган) меҳнат коллективи кўпроқ иш ҳақини оширилиши, ижтимоий ёрдамларни кенгайтирилиши, меҳнат шароитларини яхшиланиши, касаба уюшмаларида иштирок этиш кабиларга манфаатдор бўлади.

Ихтисослашган регистраторлар (реестр сақловчилар). Улар ўзига мижоз бўлган акциядорлик жамияти барқарорлиги ва эмиссия ҳажмларининг ошиб бориши, компания акцияларининг иккиламчи бозоридаги фаоллигини ошишидан манфаатдор бўлади. Реестр сақловчининг компания раҳбарияти ва акциядорлари билан алоқаси деярли тенг даражада бўлади, акциядорлар манфаатларини ҳимоя қилишга доим тайёр эканлигини билдириб туришга ҳаракат қилади.

Демак, ҳар бир манфаатдор гуруҳ манфаатлари ҳам акциядорлар манфаатларидан, ҳам ўзаро фарқланиши мумкин. Турли компаниялардаги ҳар бир манфаатдор гуруҳлар таркиби ва аҳамияти турлича бўлиб, улар вақт давомида ўзгариб туради. Корпоратив бошқарув муносабатлари иштирокчиларининг ўзаро таъсири корпоратив бошқарув соҳасида асосий низоларни келтириб чиқаради, бу эса ҳар иштирокчи ҳуқуқлари ва манфаатларини бузилишига олиб келади. Шунинг учун ҳар бир компаниянинг корпоратив бошқарув тизими ҳар бир иштирокчилар гуруҳининг манфаатлари ва имкониятларини инобатга олиши ҳамда улар билан ўзаро ҳамкорлик қилишнинг энг мақбул шакллари ва усулларини ўзида мужассамлаши лозим. Тўғри ташкил этилган

корпоратив бошқарув тизими манфаатдор томонлар манфаатлари ўртасидаги фарқларнинг компания фаолияти жараёнига эҳтимолий салбий таъсирини камайтиришга даъват этиши лозим.



25-расм. Корпоратив бошқарув муносабатларининг асосий иштирокчилари

Таянч иборалар

Корпоратив бошқарув муносабатлари иштирокчилари, манфаатдор томонлар (стейкхолдерлар), акциядорлар менежерлар, давлат органлари, ҳамкорлар, кредиторлар, ходимлар, ихтисослашган регистраторлар.

Назорат саволлари

1. Корпоратив бошқарув муносабатлари иштирокчилари кимлар ва уларнинг ўзаро алоқаларини қандай тасвирлайсиз?
2. Корпоратив бошкарувда манфаатдор томонлар нима ва улар қандай гуруҳларга бўлинади?
3. Акциядорлар корпорацияни бошқаришда қандай манфаатларга эга бўлади?
4. Менежерлар корпорацияни бошқаришда нималардан манфаатдор бўлади?
5. Давлат органларининг корпоратив бошқарувдаги манфаатлари нимада?

6. Компания ҳамкорлари (таъминотчилар, истеъмолчилар ва ҳ.к.) нималардан манфаатдор бўлади?

7. Компания ходимларининг корпоратив бошқарувдаги роли қандай ва улар асосан қандай манфаатларга эга бўлади?

8. Кредиторлар ва ихтисослашган регистраторлар компания фаолиятидан қандай манфаатларга эга?.

3.6. Корпоратив бошқарув механизми

Бозор иқтисодиётида корпоратив бошқарув механизмлари мулкчилик ҳуқуқини рўёбга чиқариш ва корпоратив назоратнинг муайян тузилмаларини шакллантиришни таъминлашга йўналтирилган. Мазмун жиҳатдан, корпоратив бошқарув механизмлари корхона раҳбарияти устидан унинг мулкдорлари томонидан назорат қилиш усуллари сингари ҳамда, шу билан бирга, етакчи менежерларнинг ўз-ўзини ҳимоялаш ва акс таъсир қилиш усуллари сингари ишлайди. Амалиётда корпоратив назорат жараёнида турли даражадаги ҳокимият органлари, меҳнат жамоаси каби бошқа кучлар иштирок этадилар. Улар ўз манфаатларини асосий иштирокчилар, яъни акциядорлар ва менежерлар билан иттифоққа киришиб амалга оширади. Корпоратив бошқарув механизми кўп жиҳатдан корпоратив бошқарув механизми қандай ишга солинган ва қандай ишлаётганлиги билан белгиланади.

Корпоратив бошқарув механизми компания (ёки корпорация)нинг белгиланган мақсадларига эришиш учун зарур бўлган ижтимоий, иқтисодий, ҳуқуқий ва ташкилий муносабатларни ҳаракатга келтирадиган элементлар мажмуидир. Корпоратив бошқарув механизми директорлар Кенгашининг акциядорлар олдида компания раҳбариятининг директорлар Кенгаши олдида, йирик акция пакети эгаларининг миноритар акциядорлар олдида, корпорациянинг унинг ходимлари ва мижозлари ҳамда умуман жамият олдидаги масъулиятини таъминлашга хизмат қилади. Корпоратив бошқарувнинг диққат-эътибори ушбу гуруҳлар ва институтлар ўз фукциясини, улар ўртасидаги манфаатлар уйғунлигини сақлаган ҳолда бажаришлари учун қаратилган. Чунки корпоратив бошқарувнинг асосий вазифаларидан бири — акциядорлар манфаатларини таъминлашдир. Корпоратив бошқарув механизми компания фаолиятини тартибга солишда бошқарувнинг энг яхши тамойиллари асосида доимий тарзда такомиллашиб боради.

Умуман, корпоратив бошқарув механизмини икки жиҳатдан тушуниш мумкин: иқтисодий ва ҳуқуқий жиҳатдан.

-иқтисодий жиҳатдан, корпоратив бошқарув механизми бошқарув тамойиллари, усуллари ва шакллари мажмуи бўлиб, унинг ёрдамида корпорация раҳбарияти унинг инвестиция жозибадорлигини ошириш, қийматини капи

тализация қилиш, акциядорлик капиталини самарали ишлатиш мақсадида иқтисодий қонунлардан фойдаланади.

-ҳуқуқий жиҳатдан, корпоратив бошқарув механизми меъёрлар, чекловлар ва стандартлар мажмуи бўлиб, улар корпоратив бошқарув мақсадларига эришиш, чунончи корпоратив муносабатлар иштирокчилари (авваламбор, акциядорлар ва раҳбарият)нинг қонуний ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоялаш, назорат (эгалик қилиш) функциясини бошқариш функциясидан ажратиш муаммосини мақбул ҳал этиш имкониятини олдиндан белгилаб беради.

Корпоратив бошқарув назариясида корпоратив бошқарув механизмининг икки турдаги элементларини ажратади: ташқи ва ички. Корпоратив бошқарув механизмининг ташқи элементлари ташкилот ташқи муҳити таъсири билан боғлиқ, ички элементлари эса ташкилот ичидаги бошқарув ҳаракатларининг натижаси ҳисобланади. Корпоратив бошқарувнинг ташқи ва ички механизми элементлари ташқи муҳитнинг таъсири (*бошқарувнинг ташқи механизмлари*) ҳамда корпорацияда бошқарувнинг ички амалий механизмларини ифодалайди.

Корпоратив бошқарув механизмининг асосий ташқи элементларига қуйидагилар киради:

-давлат томонидан тартибга солиниши (корпорация фаолият юритишининг қонунчилик жиҳатлари, банкротлик тартиботлари, фаолият стандартлари, бухгалтерия ҳисоби тизими, аудит тамойиллари, корпорация фаолиятига раҳбарлик қилиш топширилган кишилар (компания раҳбарияти)нинг роли, ваколатлари ва масъулиятлигини белгилаб берадиган корпоратив ҳуқуқнинг бошқа нормалари);

-корпоратив қимматли қоғозлар бозори (инвестицион жараёнларни уюштирадиган ва молиявий активларни яратиш ва айирбошлаш механизмларини таъминлайдиган жой, раҳбариятнинг интизомли бўлишига таъсир этадиган акциядорлик капиталининг бозор қийматини шакллантириш)

-мамлакат ишбилармонлик маданияти, ишбилармонлик этикаси;

-корпоратив назорат бозори (бадхоҳона сингдириб олиш, рақибларни синдириш хавфи ва менежерларнинг алмашинуви);

-корпоратив қонунчилик ва унинг ижроия инфратузилмаси;

-молия бозори назорати, бошқача айтганда, самарасиз корпорациянинг қимматли қоғозларини ликвидли молия бозорига оммавий «ташлаш» корпорация менежерларининг нотўғри сиёсати туфайли синиш хавфи (унинг кескин кўриниши).

Корпоратив бошқарув механизмининг асосий ички элементларига қуйидагилар киради:

-акциядорлар номидан компания раҳбарияти фаолиятини кузатиш ва назорат қилиш ваколатларига эга бўлган сайлаб қўйиладиган орган (директорлар кенғаши), яъни директорлар Кенгаши томонидан компания фаолиятини мониторинг қилиш;

-корпоратив бошқарув стандартларини ўрнатадиган ҳамда бизнес-жараёнларни, ресурсларни, ходимларни ва ахборотни бошқариш тартибини белгилайдиган ички меъёрий ҳужжатлар;

-ички назорат тартиботлари ва ички аудиторлар;

-ноижрочи (мустақил) директорларни жалб қилиш;

-мукофотлаш механизми;

-акциядолар ишончномаси бўйича ваколатларга эга бўлиш.

Ички (ёки бевосита) назорат механизми сифатида корпорация менежменти фаолияти устидан акциядорлар номидан кузатув ва назорат ваколати юкланиб, сайланган орган сифатида Кузатув Кенгаши (директорлар Кенгаши) ҳамда акциядорларнинг умумий йиғилиши майдонга чиқади.

Шуни қайд этиш лозимки, корпоратив бошқарувнинг турли моделларида турлича корпоратив бошқарув механизмлари хос бўлади, чунки корпоратив бошқарув механизми муайян мамлакат ижтимоий-иқтисодий ҳолати, корпоратив қонунчилиги, корпоратив бошқарув амалиёти ва тажрибасига боглик бўлади. Масалан, корпоратив бошқарувнинг англо-америка моделида корпоратив бошқарувнинг асосан қуйидаги механизмлари ажратилиб кўрсатилади:

- корпоратив бошқарув иштирокчилари ўртасидаги муносабатларни тартибга солувчи ҳужжатларни қабул қилиш, расмий тартиботларни ишлаб чиқиш ва ҳ.к. йўллар орқали расмийлаштириш. Айниқса, йирик компаниялар ўз корпоратив бошқарув кодексларини қабул килади;

- барча турдаги акциядорларнинг, шу жумладан миноритар акциядорларнинг (бир неча ҳолатларда бошқа манфаатдор гуруҳларнинг, масалан, касаба уюшмаларнинг) директорлар Кенгашига вакил бўлиб кириши;

- компания раҳбариятининг директорлар Кенгашига (лекин бевосита йирик акциядорларга эмас), директорлар Кенгашининг эса акциядорлар йиғилишига қатъий ҳисобдорлиги;

- бошқарув доирасидан ташқари бўлган барча муҳим масалаларни директорлар Кенгаши мажлисларида ёки акциядорлар умумий йиғилишида ҳал қилиш;

- аффиллик муносабатлари ҳамда манфаатлари низосидан четда сақланиш (масалан, раҳбарият йирик акциядорлар билан аффилланган ҳолларда). Шу мақсадларда, айниқса директорлар Кенгашига четдан мустақил директорларни, яъни акциядорлар ва компания раҳбарияти билан алоқадор бўлмаган профессионал мутахассислар таклиф килинади. Кўпгина ғарб компанияларида

директорлар Кенгашининг аксариятини мустақил директорлар ташкил қилади. Бундан ташқари, у ёки бу келишувларда манфаатдор бўлган директорлар улар бўйича қарор қабул қилишда иштирок этмайди;

- директорлар фаолиятининг раҳбариятдан боғлик бўлмаслиги. Шу мақсадда, айниқса, директорларга ҳақ тўлаш масалалари раҳбарият эмас, балки директорлар Кенгаши қошида ташкил қилинган махсус комиссия томонидан ҳал қилинади;

- "назорат ва назорат қилинувчилар" тушунчаларининг ажратилганлиги. Бунда, аудит ўтказиш ва молиявий ҳисобот билан боғлиқ бўлган масалаларни раҳбарият эмас, балки директорлар Кенгаши қошида ташкил килинган махсус комиссия ҳал қилади;

- компания фаолияти ҳамда молиявий кўрсаткичлари тўғрисида максимал ҳажмдаги ахборотни чоп этиш, раҳбарият ва йирик акциядорлар фаолиятининг шаффофлигини таъминлаш. Ахборот шаффофлиги корпоратив бошқарувнинг асосий талабларидан бири бўлиб ҳисобланади.

Ўзбекистон корпоратив бошқарув тизимида ҳам корпоратив бошқарув механизмлари маълум даражада ўрнатилган ва у ишламоқда. Корпоратив бошқарув механизми акциядорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиши лозим. Шунинг учун, акциядорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш механизмини кўриб чиқадиган бўлсак, у Ўзбекистон Республикасининг "Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги қонунида белгилаб қўйилган. Жумладан, акциядорлар акциядорлик жамиятини бошқаришда иштирок этиш, жамият фойдаси бир қисмини дивиденд тарзида олиш ва улардан эркин фойдаланиш, акциядорлик жамияти фаолиятининг молиявий-хўжалик натижалари тўғрисида тўлиқ ва ишончли ахборотни олиш, акциядорлар реестрига киритилиш, акциядорлик жамияти тугатилган тақдирда мол-мулкнинг бир қисмига эга бўлиш, ўз ҳуқуқларини ваколатли давлат органида ҳимоя қилиш, ўз манфаатларини ифодалаш ва ҳимоялаш мақсадида уюшма ва бошқа ижтимоий ташкилотларга бирлашиш каби ҳуқуқларга эга.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, акциядор ўз ҳуқуқлари ва конуний манфаатларини ҳимоялашнинг турли ҳуқуқий воситалардан фойдаланиши мумкин. Биринчидан, акциядор жамият томонидан акцияларни сотиб олиши бўйича, агар компания устав фондининг 10%дан ортиқ акцияларига эгалик қилса, навбатдан ташқари акциядорлар умумий йиғилишини чақириш талаби бўйича, акциядорлик жамиятининг бошқарув органларини шакллантиришда иштирок этиш бўйича ўз ташкилий ҳуқуқларини рўёбга чикариши мумкин. Иккинчидан, акциядор ўз ҳуқуқларини ҳимоялаш мақсадида ваколатли давлат органларига ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига мурожаат қилиши мумкин. Учинчидан, акциядор суд ҳимоясидан фойдаланиш ҳуқуқига эга. Бу,

биринчи навбатда, майда акциядорларга тегишли. Катта акция пакетларига эга бўлган йирик акциядорлар ҳам амалда акциядорлар умумий йиғилишида уларга керакли қарорлар қабул қилиш орқали ҳамда бошқарув органларига сайланган шахслар ёрдамида ўз ҳуқуқларини самарали ҳимоялашни амалга ошириши мумкин.

Турли акция пакетлари ҳажмига эга бўлган акциядорлар нафақат турли овозлар сонига эга бўлганликлари учун тенг ҳуқуқли ҳисобланишади, балки уларнинг ҳуқуқлари акция улушларидан ҳам боглиқ. Жумладан қонунчиликка мувофиқ, акциядорлар ҳуқуқлари қуйидаги тартибда тақсимланади:

- 1% - йиллик акциядорлар умумий йиғилиши кун тартибига масалалар киритиш ҳамда Кузатув Кенгаши ва Тафтиш комиссияси аъзолигига ўз номзодларини таклиф қилиш;

- 1% - Кузатув Кенгаши аъзоси ва ижроия органига нисбатан жамиятга етказилган зарарларни қоплаш тўғрисида даъво билан судга мурожаат қилиш ҳуқуқи;

- 10% - Кузатув Кенгашига акциядорларнинг навбатдан ташқари йигилиши ўтказилишини талаб қилиш ҳуқуқи;

- 10% - муайян давр учун фаолият натижалари бўйича жамиятнинг молиявий-хўжалик фаолияти устидан тафтиш ўтказишни талаб қилиш ҳуқуқи;

- 60% - жамият уставига ўзгартириш киритиш ёки янги таҳрирдаги уставни тасдиқлаш, жамиятни қайта ташкил этиш ва тугатиш, устав фондини ошириш ёки камайтириш, ўз акцияларни жамият томонидан сотиб олиниши, ижроия органи, тафтиш комиссияси ва кузатув кенгаши аъзоларини сайлаш ва бошқа масалалар тўғрисида қарор қабул қилиш;

- 75% - ёпиқ акциядорлик жамиятида сиртдан овоз бериш йўли билан акциядорлар умумий йиғилишининг қарорини қабул қилиш ҳуқуқи.

Ўзбекистонда Кузатув Кенгаши томонидан компания фаолияти устидан назорат ва мониторинг олиб бориш механизми ҳам ўрнатилган. Кузатув Кенгаши компания фаолиятининг умумий раҳбарлигини амалга оширади. Компания фаолиятини назорат қилишда кузатув кенгаши ҳар чоракда ижроия органи раҳбарининг йиллик бизнес-режани бажарилиши тўғрисидаги ҳисоботини тинглайди. Ижроия органи томонидан тасдиқланган йиллик бизнес-режа параметрларини қўпол равишда бузиш ёки уни бажаришда барбод қилиш йўл қўйилганда кузатув кенгаши ижроия органи билан тузилган шартномани муддатидан олдин бекор қилиш ҳуқуқига эга. Бунда кузатув кенгаши томонидан компания фаолияти устидан мониторинг қилиш воситаси бўлиб бизнес-режа ҳисобланади. У ижроия органи томонидан ишлаб чиқилиб, ҳар йили акциядорлар умумий йигилиши томонидан тасдиқланади. Бунда жамиятнинг келгуси йилга мўлжалланган бизнес-режаси кузатув кенгаши мажлисида жорий

йилнинг 1 декабридан кечиктирмай маъкулланиши лозим. Бизнес-режанинг энг муҳим кўрсаткичлари бўлиб ишлаб чиқаришни ўстириш, фойда олишни кўпайтириш ва дивидендларни тўлаш ҳисобланади.

Корпоратив бошқарувнинг яна бир механизми ахборот шаффофлигини таъминлаш ҳисобланади. Ахборот шаффофлигини таъминлаш механизми ўз ичига компания фаолияти ва унинг молиявий кўрсаткичлари тўғрисидаги ахборотни максимал даражада чоп этишни, компания раҳбарияти хатти-ҳаракати ва йирик акциядорлар шаффофлигини таъминлашни олади. Ахборот шаффофлиги корпоратив бошқарувнинг асосий талабларидан бири ҳисобланади. Ўзбекистон қонунчилигига мувофиқ, акциядорлик жамияти томонидан ахборотни ошкор этиш инвесторларга муайян ахборотни тақдим этиш, қимматли қоғозлар бозорини тартибга солувчи ваколатли давлат органига ахборотни тақдим этиш ва уни чоп қилиш йўли билан амалга оширилади.

Мажбурий тартибда ошкор қилиниши керак бўлган ахборот компания томонидан оммавий матбуот воситаларида, шунингдек интернет халқаро тармоғида жойлаштирилади. Бунда қуйидаги ахборот мажбурий тартибда чоп этилиши лозим: акциялар чиқарилиши тўғрисидаги маълумотлар, акциядорлар умумий йиғилишининг ўтказилиши тўғрисидаги хабар, охирги молиявий йил учун йиллик ҳисобот, компаниянинг аффилланган шахслари рўйхати ва уларга тегишли акциялар сони ва турлари, муҳим фактлар тўғрисидаги ахборот ва ҳ.к.

Компания раҳбариятининг Кузатув Кенгашига ҳамда Кузатув Кенгашининг акциядорлар умумий йиғилишига қатьий ҳисобдорлиги ҳам корпоратив бошқарув механизми сифатида ажратиб кўрсатилади. Охирги йилларда Ўзбекистонда компаниялар бошқарув органлари ҳисобдорлигини ошириш учун қонун ва қонуности ҳужжатларда муҳим ўзгартиришлар киритилган. Масалан, шундай, тартиб ўрнатилганки, бунда Кузатув Кенгаши акциядорларнинг ҳисобот умумий йиғилиши давомида унинг ваколатларига кирадиган масалалар бўйича, шунингдек, қонунчиликда корпоратив бошқарувга қўйилган талабларнинг бажарилиши масалалари бўйича ҳисобот беради.

Ўз навбатида, компания раҳбарияти ўрнатилган муддатларда акциядорлар умумий йигилишига ҳамда Кузатув ККенгашига йиллик бизнес-режанинг бажарилиши тўғрисида ва компания фаолияти самарадорлигини ошириш борасидаги шарномавий мажбуриятлар тўғрисида чораклик ҳисоботларни тақдим этади ҳамда унинг ваколат доирасидаги ишлар ҳолати хусусида маъруза қилади. Бундан ташқари, компания раҳбарияти бошқа манфаатдор томонлар (акциядолар, кредиторлар ва ҳ.к.)га йиллик ва бошқа молиявий хисоботларни, шунингдек компания фаолияти тўғрисидаги маълумотларни ўз вақтида тақдим этиб боради.

Шундай қилиб, ушбу механизмлар корпоратив бошқарувнинг барча иштирокчиларини самарали ва тўғри ишлашини таъминлашга хизмат қилади. Агар корпоратив бошқарув механизмлари ёмон ишласа, унда компанияда турли суиистеъмол қилиш ҳоллари содир бўлиши мумкин. Ёмон олиб борилган корпоратив бошқарувга энг машҳур ва жанжалли мисол Америкадаги Enron компанияси билан боғлиқ бўлиб, унинг менежерлари фойдани юқори қилиб кўрсатиш мақсадида молиявий ҳисоботларни сохталаштирган.

Таянч иборалар

Корпоратив бошқарув механизми, корпоратив бошқарув механизмининг иқтисодий жиҳати, корпоратив бошқарув механизмининг ҳуқуқий жиҳати, корпоратив бошқарув механизмининг ички ва ташқи элементлари.

Назорат саволлари

1.Корпоратив бошқарув механизмини қандай тушунасиз?

2.Корпоратив бошқарув механизмининг иқтисодий ва ҳуқуқий жиҳатлари нимадан иборат?

3.Корпоратив бошқарув механизмининг қандай ички ва ташқи элементлари мавжуд?

4.Корпоратив бошқарувнинг англо-америка моделида корпоратив бошқарувнинг қандай механизмлари ажратилиб кўрсатилади?

5. Ўзбекистонда корпоратив бошқарув механизмлари қандай ўрнатилган ва улар қандай ишламоқда?

Тестлар

1. "Корпоратив бошқарув" атамаси тарихан нечанчи йилларда ва қаерда юзага келган?

A)	1932 йилда АҚШда
Б)	1980-йилларда Европада
C)	1970-йилларда АҚШда
D)	1965 йилда Японияда
E)	1970-йилларда Европада

2. Корпоратив муносабатлар тизими биринчи марта қачон ва қайси хорижлик олимлар томонидан ўрганилган?

A)	1997 йилда А.Шлейфер ва Р.Вишни томонидан
Б)	1932 йилда А.Берли ва Г.Минс томонидан
C)	1998 йилда К.Жон ва Л.Сенбет томонидан
D)	1976 йилда М.Дженсон ва У.Меклинг томонидан
E)	1984 йилда Ш.Паффер ва Д.Маккарти томонидан

3. Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилотининг таърифига кўра, корпоратив бошқарув — бу _____

A)	хўжалик жамиятларига инвестицияларни жалб қилиш ва самарали ишлаб чиқариш фаолиятини амалга оширишга имкон берадиган қонунчилик ҳужжатлари мажмуига тегишлидир.
B)	шундай тизимки, унинг ёрдамида бизнес бошқарилади ва назорат қилинади.
C)	корпорацияни назорат қилиш ва ривожланиш йўналишларини белгилаб берадиган қоидалар ва институтлар тизимидир.
D)	иқтисодий самарадорлик ва ўсишнинг ҳамда инвесторлар ишончини кучайтиришнинг асосий элементларидан бири бўлиб ҳисобланади.
E)	корпорация бизнеси ўз ресурслари ва фойдасини қандай тақсимлашига таъсир кўрсатадиган институт.

4. ИҲТТнинг корпоратив бошқарув тамойиллари қачон қабул қилинган ва у қандай асосий тамойиллардан иборат?

A)	1999 йилда: адолатлилик, ошкоралик, тенг ҳуқуқлик ва ишончлилик
Б)	2001 йилда: шаффофлик, ҳисобдорлик ва хушмуомалалик

C)	2004 йилда: ўзаро муносабатлар ва узоқни кўра билиш
D)	1999 йилда: адолатлилик, жавобгарлик, шаффофлик ва ҳисобдорлик
E)	2002 йилда: ҳисобдорлик, масъулиятлилик ва мулкка эгалик

5. Корпоратив бошқарув кодекси — бу _____

A)	ихтиёрий равишда қабул қилинадиган, корпоратив муносабатлар тартибини ўрнатадиган ва тартибга соладиган стандартлар ва ички меъёрлар мажмуи
B)	компанияни бошқариш жараёни ва структурасини мураккаблаштирмаган ҳолда корпоратив бошқарувнинг энг илғор амалиёти учун шароит яратадиган қоидалар мажмуи
C)	энг илғор амалиёт
D)	корпоратив бошқарув даражасини оширишдан манфаатдор бўлган турли томонлар иштироки
E)	Ҳаммаси тўғри

6. Дастлабки ишлаб чиқилган корпоратив бошқарув кодекси қайси ва у қаерда қабул қилинган?

A)	"Кэдбери Кодекси", Буюк Британияда
Б)	"Корпоратив бошқарувнинг асосий йўналишлари ва муаммолари", АҚШда
C)	"Вьено Кодекси", Францияда
D)	"Корпоратив бошқаруви учун илғор амалиёт Кодекси", Германияда
E)	"Корпоратив хулқ кодекси", Россияда

7. Ўзбекистонда "корпоратив бошқарув" ибораси биринчи марта қачон ва қайси меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатда қўлланилган?

A)	1996 йилда "Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги қонунда
B)	2003 йилда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 189-сонли "Хусусийлаштирилган корхоналар корпоратив бошқарувини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорида
C)	2000 йилда "Тижорат банкларда корпоратив бошқарув тўғрисидаги Низом"да
D)	1995 йилда Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик Кодексида
E)	2003 йилда Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ-3202-сонли фармонида

8. Ўзбекистонда акциядорлик жамиятларини бошқариш ва назорат қилишни тартибга солувчи ҳамда уларда корпоратив бошқарув муносабатларнинг асосини белгилаб берувчи асосий ҳужжат ____ ҳисобланади.

A)	Ўзбекистон Республикаси Конституцияси
Б)	Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик Кодекси
C)	Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 22.08.1998 йилдаги 361-сонли "Акциядорлик жамиятларини бошқариш тизимини такомиллаштиришга доир чора-тадбирлари тўғрисида" қарори
D)	Ўзбекистон Республикасининг "Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида"ги қонуни
E)	Ўзбекистон Республикасининг "Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги қонуни

9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг қайси Фармони қабул қилиниши билан мамлакатда корпоратив бошқарув ривожланишининг иккинчи босқичи бошланган?

A)	1997 йил 31 марта қабул қилинган "Қимматли қоғозлар бозорини ривожлантириш ва республиканинг фонд бозорида хорижий инвесторлар иштирокини кенгайтириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПФ-1740-сонли фармони
Б)	1998 йил 4 мартда қабул қилинган "Фонд бозорини янада ривожлантириш ҳамда давлат мулки негизида ташкил этилган акциядорлик жамиятларини қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПФ-1939-сонли фармони
C)	2003 йил 24 январда қабул қилинган "Ўзбекистон иқтисодиётидаги хусусий сектор улуши ва аҳамиятини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида" ПФ-3202-сонли фармони
D)	2003 йил 22 декабрда қабул қилинган "Хўжалик бошқарув органлари тизимини такомиллаштириш тўғрисида"ги ПФ-3366-сонли фармони
E)	2007 йил 20 июлда қабул қилинган "Иқтисодиётнинг стратегик тармоқлари корхоналарини хусусийлаштириш жараёнларини чукурлаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПФ-3897-сонли фармони

10. Ўзбекистон Республикасининг "Акциядорлик жамиятлари ва акциядорнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги қонунига мувофиқ, кузатув кенгаши _____

A)	акциядорлик жамиятининг йиллик бизнес-режаси қўпол равишда бузилса ёки унинг параметрларини бажариш барбод этилганда директор (бошқарув раиси) билан ишга ёллаш шартномасини муддатидан илгари тўхтатиш ҳукукига эга
Б)	директор (бошқарув раиси) билан ишга ёллаш шартномаси бир йил муддатга тузади

C)	қонунда белгиланган корпоратив бошқарув нормаларига риоя этиш бўйича акциядорларнинг умумий йиғилишларида ҳар йили ҳисобот беради
D)	акциядорлик жамиятининг ҳар йилги бизнес-режасини келгуси молия йилининг 1 декабридан кечиктирмай маъқуллайди
E)	Ҳаммаси тўғри

11. Ўзбекистон Республикасида очиқ ва ёпиқ акциядорлик жамиятлари учун устав фондининг энг кам миқдори?

A)	50,0 минг АҚШ доллари эквивалентидаги сумма
Б)	Энг кам ойлик иш ҳақининг 500 бараваридаги сумма
C)	400,0 минг АҚШ доллари эквивалентидаги сумма
D)	Энг кам ойлик иш ҳақининг 200 бараваридаги сумма
E)	200,0 минг АҚШ доллари эквивалентидаги сумма

12. Корпоратив бошқарувнинг англо-америка модели қайси мамлакатлар учун хос?

A)	АҚШ, Буюк Британия, Франция, Германия
Б)	АҚШ, Буюк Британия, Астралия, Канада, Янги Зеландия
C)	Буюк Британия, Россия, Хитой, АҚШ
D)	Германия, Австрия, Нидерландия
E)	АҚШ, Австралия, Швеция, Италия

13. Корпоратив бошқарувнинг континентал-европача модели кўп холларда яна қандай бошқа ном билан аталади?

A)	Корпоратив бошқарувнинг Австрия-Германия модели
B)	Корпоратив бошқарувнинг Скандинавия модели
C)	Корпоратив бошқарувнинг Бельгия модели
D)	Корпоратив бошқарувнинг Германия модели
E)	Корпоратив бошқарувнинг Марказий Европа модели

14. Ушбу фикр корпоратив бошқарувнинг қайси моделини характерлайди: “ушбу моделда назорат ва бошқарув функциялари ундаги икки поғонали бошқарув тизими туфайли бўлинган бўлиб, улар орасидаги чегаралар аниқ белгилаб берилган”?

A)	Корпоратив бошқарувнинг англо-америка модели
Б)	Корпоратив бошқарувнинг Япония модели

C)	Корпоратив бошқарувнинг континентал-европача модели
D)	Корпоратив бошқарувнинг оилавий модели
E)	Корпоратив бошқарувнинг тадбиркорлик модели

15. Корпоратив бошқарувнинг Япония модели қандай асосий хусусиятлардан иборат?

A)	Банклар асосий акциядорлар сифатида корпорациялар билан мустаҳкам алоқаларни кучайтиришади. Банк тизими "банк-корпорация" доирасида мустаҳкам алоқаси билан ажралиб туради.
Б)	Қонунчилик, жамият ва саноат структуралари томонидан "кейрецу" тизими қўллаб-қувватланади.
C)	Директорлар кенгаши таркиби корпорациянинг молиявий ҳолатидан боглик ҳамда Молия вазирлиги кузатув кенгаши таркибига ўз истеъфодаги ходимини тайинлаши мумкин.
D)	А ва В жавоблари тўғри
E)	Ҳаммаси тўғри

16. Корпоратив бошқарув муносабатлари иштирокчиси сифатида акциядорлар нимадан манфаатдор бўлишади?

A)	Акциядорлар ва кредиторлар
Б)	Менежерлар ва ходимлар
C)	Таъминотчилар ва истеъмолчилар
D)	Давлат ва маҳаллий ҳокимият органлари
E)	*Ҳаммаси тўғри*

17. Корпоратив бошқарув муносабатлари иштирокчиларига кимларни киритиш мумкин?

A)	Акциядорлар ва кредиторлар
Б)	Менежерлар ва ходимлар
C)	Таъминотчилар ва истеъмолчилар
D)	Давлат ва маҳаллий ҳокимият органлари
E)	Ҳаммаси тўгри

18. _____ компания фаолияти ва иш ҳақининг барқарорлиги ҳамда улар учун асосий даромад манбаи ҳисобланувчи иш ўринларининг сақланиб қолинишидан манфаатдор бўладилар.

A)	Ходимлар

Б)	Менежерлар
С)	Акциядорлар
D)	Кредиторлар
Е)	Ҳамкорлар

19. Корпоратив бошқарув механизми — бу _____

А)	корпоратив бошқарув мулкдорлар ва бошқа манфаатдор шахсларнинг корхона фаолиятини баҳолаш ва назорат қилиш билан боғлиқ ўзаро муносабатларидир
Б)	қабул қилинган мақсадлар асосида бизнеснинг ташкилий-ҳуқуқий томони ва энг мақбул ташкилий тузилмаларни бошқариш ҳамда компаниянинг фирмалараро муносабатларини йўлга қўйиш
С)	компания (ёки корпорация)нинг белгиланган мақсадларига эришиш учун зарур бўлган ижтимоий, иқтисодий, ҳуқуқий ва ташкилий муносабатларни ҳаракатга келтирадиган элементлар мажмуидир
D)	бозор шароитида корпорация фаолиятини профессионал бошқариш, фаолият мақсадларига эришиш ва ресурслардан оқилона фойдаланиш орқали фойда олиш
Е)	компанияни бошқариш жараёни ва структурасини мураккаблаштирмаган ҳолда корпоратив бошқарувнинг энг илғор амалиёти учун шароит яратадиган қоидалар мажмуи

20. Корпоратив бошқарувда Кузатув Кенгаши томонидан назорат ва мониторинг олиб бориш механизми нимани назарда тутади?

А)	акциядорлар (миноритар ва йирик инвесторлар) манфаатлари ва қонуний ҳуқуқларини ҳимоя қилишни
Б)	Компанияда ахборот шаффофлигини таъминлашни, ахборотни максимал даражада чоп этишни, компания раҳбарияти хатти-ҳаракати ва йирик акциядорлар шаффофлигини таъминлашни
С)	компания раҳбариятининг кузатув кенгашига ҳамда Кузатув Кенгашининг акциядорлар умумий йиғилишига қатъий ҳисобдор бўлишини
D)	барча турдаги акциядорларнинг, шу жумладан миноритар акциядорларнинг кузатув кенгашига вакил бўлиб киришини
Е)	Кузатув Кенгаши томонидан компания фаолияти устидан мониторинг олиб боришни ва ижрои органини назорат қилишни.

II БЎЛИМ.
ИҚТИСОДИЁТ БОШҚАРУВИДА АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИ ҚЎЛЛАШНИНГ МОҲИЯТИ ВА ТАРКИБИ ҚИСМЛАРИ

4.1. Ахборот жамиятининг шаклланиши ҳамда социология ва иқтисодиётда инфокоммуникациялар тушунчаси

Иқтисодиётнинг бир турдан иккинчи турга айланиши даврида туб ўзгаришлар юз беради. Бундай пайтда унинг алоҳида секторлари бир бутун ҳолда ҳамда уларни ташкил қилувчи субъектлар қабул қилинган қарорнинг тўғрилигига ниҳоят даражада боғлиқ бўлади. Технологик жараёнларни мукаммаллаштириш, маънавий ва жисмоний эскирган жиҳозлар (асбоб-ускуналар) ни замонавийсига алмаштириш, сифатли хизматлар кўрсатиш салоҳиятига эга бўлиш тўғри инвестициявий қарор қабул қилишни тақозо этади. Бунга эса корхона фаолиятининг молиявий натижалари боғлиқ бўлади. Бу тадбиркор ёки менежерлар томонидан амалга оширилган энг муҳим амалий ташаббуслардан бири ҳисобланади, чунки инвестициялар молиявий ресурсларни нисбатан узоқ муддатга боғлайди.

Бизнес нуқтаи назаридан, ўз инвестициявий даври мобайнида режа билан асосий мақсадга эришишга имкон берадиган ҳар қандай инвестицияларни ўзини оқлаган деб ҳисоблаш мумкин. Шу билан бирга, бу ўринда инвестициявий лойиҳаларнинг асосий мақсади муҳим саналади — бу нафақат уларнинг техник самарадорлиги ёки фойдани кўпайтириши, балки бизнесни стратегик лойиҳалаштиришнинг мақсади бўлиши лозим бўлган барча техник ва иқтисодий жиҳатларнинг энг мақбул бирикуви ҳамдир.

Инфокоммуникация тузилмаси ва хизматлар истеъмолининг умумийлиги ўзига хос хусусияти бўлган телекоммуникация соҳаси учун бутун бошли иқтисодиёт ва соҳанинг ишлаб чиқариш имкониятларини ривожлантириш даражалари ўртасидаги мутаносибликни сақлаш катта аҳамиятга эга. Телекоммуникациянинг инфокоммуникация ости бўлимлари, бирламчи ва иккиламчи инфокоммуникациялар, стационар (кўчмас) жиҳозлар ва линиявий иншоотлар ўртасидаги мутаносиблик ва мувозанатлиликни таъминлашни соҳа концепциялари ва дастурларини ишлаб чиқиш босқичида ҳал қилиш лозим. Бутун мамлакат миқёсида ҳам, унинг алоҳида ҳудудларида ҳам ялпи иқтисодиёт ва

телекоммуникация секторини ривожлантириш ўртасидаги ўзаро мақбул муносабатни белгилаб олиш анча қийин муаммо ҳисобланади.

Масалан, телекоммуникация айрим турларининг (шаҳар ва қишлоқ телекоммуникация инфокоммуникацияларидаги телефонларнинг зичлиги, шаҳарлараро ва телеграф каналларнинг сифати ва узунлиги ва ҳоказолар) ривожланиш даражасини тавсифловчи солиштирма кўрсаткичлар таҳлили уларнинг вилоятлар бўйича анча фарқ қилишини кўрсатди. Бу телекоммуникация соҳаси ривожининг бир текисда кечмаётганлигидан ва уни маромга солиш мақсадга мувофиқ эканлигидан далолат беради.

Аммо бунда сўз нолга нисбатан кўрсаткичлардаги фарқларнинг оддий автоматик маълумоти ҳақида эмас, балки бутун вилоят хўжалиги ва телекоммуникация ривожи даражаси ўртасидаги балансга (тенглик)ка эришиш ҳақида бормоқда. Бу иқтисодий ва ижтимоий омилларни ҳам, географик, демографик, миллий ва бошқа омилларни ҳам ҳисобга олиш имконини беради. Аввало, телекоммуникациянинг ишлаб чиқариш ресурслари ва иқтисодиётнинг барча секторлари ва фаолият соҳаларида ҳудудларнинг телекоммуникация хизматларига бўлган эҳтиёжлари ўртасидаги ўзаро муносабатни аниқлаш зарур.

Пировард натижада, бу хорижий инвестициялардан фойдаланишнинг ўзини оқламаган вариантлар баҳридан ўтиш имконини беради.

Телекоммуникация соҳаси хўжалик ривожига нисбатан юқори суръатлар билан ривожланмоғи лозимлиги ҳақида олимларнинг фикрлари мавжуд. Масалан, шаклланган ахборот мамлакатда бир йилда ишлаб чиқарилган ишлаб чиқарув ахбороти ҳажми ва ялпи миллий маҳсулот ўртасидаги боғликликни белгилайди. Унга кўра, мазкур ахборотни узатиш учун ахборот мажмуининг ўтказиш қуввати ЯММ ўсишидан илгарилаб кетиши лозим, акс ҳолда, иқтисодиётнинг ривожланиш суръати пасаяди.

Телекоммуникация ва бутун вилоят хўжалигининг ривожланиш даражаси ўртасидаги ўзаро мақбул нисбатни белгилаш учун уларнинг ҳозирги ҳолатига баҳо бериш зарур. Шу максадда қиймат кўрсаткичларидан ҳам, натурал кўрсаткичларидан ҳам фойдаланилади. Бироқ, ушбу кўрсаткичлар алоҳида олинганда, алоқанинг ривожланиш даражасини билвосита (бир томондан) акс эттиради. Демак, капитал қўйилмалар ҳажми соҳада тўпланган барча ишлаб чиқариш имкониятларини ҳисобга олмайди, асосий ишлаб чиқариш фондлари қиймати эса келгуси ривожланиш учун зарур бўлган капитал қўйилмалар ҳажмини кўрсатмайди.

Айни пайтда хориждан келтирилган жиҳозлар қиммат нархда эканлиги, инфокоммуникациядан оқилона фойдаланмаслик, мавжуд ишлаб чиқариш қувватининг сифати пастлиги ва ундан фойдаланишнинг аҳволи яхши эмаслиги оқибатида ушбу кўрсаткичларнинг суммаси телекоммуникация соҳаси ривожининг юқори даражасига ҳамда унинг хизматларига бўлган талабга ҳар доим ҳам мос келавермайди.

Бундан ташқари, капитал қўйилмалар ва асосий фондларнинг мутлақ катталигини, уларнинг ўсиш суръатини вилоятларнинг узатиш воситаларига бўлган талаби, шунингдек, ижтимоий-иқтисодий ривожланиш билан боғламасдан туриб таҳлил қилиш аниқ бир маъноли ва асосланган хулосалар чиқаришга имкон бермайди.

Муаммо К1 ва К2 мувозанатлашганлик коэффициентларидан фойдаланилгандагина маълум даражада ҳал қилиниши мумкин.

К1 вилоят алоқа тармоғи асосий фондлари Фсо қиймати солиштирма оғирлигининг вилоят асосий ишлаб чиқариш фондлари Фпо умумий қийматига мамлакат алоқа тармоғи асосий ишлаб чиқариш фондлари Фсс солиштирма оғирлигининг мамлакат асосий ишлаб чиқариш фондлари Фпс умумий қийматига ўзаро нисбатини характерлайди.

$$К1 = \frac{Фсо}{Фпо} / \frac{Фсс}{Фпс}$$

К2 вилоят асосий ишлаб чиқариш фондлари Фпо барча қийматларининг мамлакат асосий ишлаб чиқариш фондлари Фпс умумий қийматига ва вилоят алоқа тармоғи асосий фондлари Фсо қиймати солиштирма огирлигининг мамлакат алоқа тармоғи асосий фондлари Фсс умумий қийматига ўзаро нисбати сифатида аниқланади.

$$К2 = \frac{Фпо}{Фпс} / \frac{Фсо}{Фсс}$$

К1=К2 бўлганда, алоқа тармоги вилоят иқтисодий ўсиш даражасига мутаносиб ривожланади. Агар К1<К2 бўлса, алоқа ривожи вилоят эҳтиёжидан

ортда қолади, К1>К2 бўлганда эса, асосий алоқа воситалари вилоят эҳтиёжига қараганда керагидан ортиқчалиги юзага келади.

Ҳисоб-китобларга таянган ҳолда барча вилоятлар шартли равишда уч гуруҳга бўлинди:

1.Телекоммуникациянинг ривожланиш даражаси иқтисодий ривожланишлари мутаносиб бўлган ҳудудлар (Тошкент ва Хоразм вилоятлари).

2.Телекоммуникациянинг ривожланиш даражаси иқтисодий ривожланишлари даражасидан ортда қолган ҳудудлар (Андижон, Бухоро, Жиззах, Қашқадарё, Навоий, Самарқанд, Сурхондарё ва Фарғона вилоятлари).

3.Телекоммуникациянинг ривожланиш даражаси иқтисодий ривожланишларидан ўзиб кетган ҳудудлар (Қорақалпоғистон, Наманган ва Сирдарё вилоятлари, Тошкент шаҳри).

Коэффициентлардан ҳудудлардаги инвестиция сиёсатига баҳо бериш учун фойдаланиш мумкин. Аммо, бутун мамлакат иқтисодиёти ва телекоммуникация соҳаси ривожланиши ўртасидаги мувозанатлашганлик даражасини баҳолашда бу маълумотларни татбиқ қилиш мақсадга мувофиқ эмас, улар инфляция жараёнларига учраганлик туфайли тўпланган ишлаб чиқариш салоҳиятлари ҳақиқий қийматини бузиб кўрсатади.

Табиий кўрсаткичларга асосланган баҳолаш методлари анча объектив ҳисобланади. Улар нарх ўзгаришларига дучор бўлмаганликлари билан барча соҳани ривожлантиришнинг пировард мақсадини — аҳолининг телекоммуникация соҳаси турли хизмат турларига бўлган эҳтиёжини қондиришни ҳам акс эттиради.

Ушбу йўналишлар бўйича телекоммуникация соҳаси ривожи ва ҳолатини комплекс тарзда баҳолаш маъқул:

- телекоммуникация корхоналарининг ривожланиш даражасини баҳолаш;
-истеъмолчиларнинг телекоммуникация воситалари билан таъминланганлик даражасини баҳолаш;
- телекоммуникация хизматидан фойдаланиш даражасини баҳолаш.

Телекоммуникация ривожланиш даражасига баҳо бериш учун хусусий табиий кўрсаткичлар тизимини татбиқ этиш мақсадга мувофиқ. Улар телекоммуникация соҳаси корхоналарининг мутлақ сонини, шунингдек, хизмат ва восита миқдорини ўзида акс эттиради. Уларни инфокоммуникация ости бўлимлари нуқтаи назаридан қуйидагича таснифлаш лозим:

Халқаро телефон алоқаси:
- халқаро телефон сўзлашуви хизмати кўрсатувчи корхоналар сони;
- халқаро таксофонлар сони;
- ХТАнинг охирги (энг четки) каналлари сони;
- чиқадиган халқаро телефон сўзлашувлари сони.

Ҳужжатли алоқа:
- телеграф операциялари олиб борувчи корхоналар сони;
- телеграф станцияларининг монтажли сиғими;
- телеграф каналларининг сони;
- ўрнатилган абонент телеграф ва телекслар сони;
- чиқадиган телеграммалар сони.

Маҳаллий телефон алоқаси:
- шаҳар ва қишлоқ телефон станциялари сони;
- шаҳар ва қишлоқ АТС ларининг монтажли сигими;
- ШТС ва ҲТСдаги телефон аппаратлари сони;
- таксофонлар сони.

Ушбу кўрсаткичлар тизими телекоммуникациянинг анъанавий турлари ривожланишини таснифлайди. Телекоммуникацияларнинг анъанавий турлари асосий ишлаб чиқариш фондларидан тушадиган даромаднинг 97%дан ортиғини таъминлайди ва улар ҳиссасига телекоммуникация соҳасининг қарийб 95% асосий ишлаб чиқариш фондлари тўғри келади.

Ушбу тизим мобил телефон алоқаси каби янги хизматларнинг ривожланиш даражасини таснифловчи кўрсаткичлар билан тўлдирилган бўлиши мумкин.

Шу билан бирга, ушбу кўрсаткичларнинг мутлақ қиймати ҳудудлардаги телекоммуникациялар ривожланишини ҳаққоний (объектив) баҳолай олмайди, чунки улар яшаб турган аҳолининг сони бўйича ва ҳудудий ўлчами бўйича фарқ қилади. Шунинг учун телекоммуникациянинг ҳудудий ривожланиши даражасига баҳо берилганда барча кўрсаткичларни хизмат кўрсатилаётган ҳудуд майдонига ва унда истиқомат қилувчи истеъмолчилар сонига нисбатан киёслаб келтириш мақсадга мувофиқдир. Бунда аҳоли яшаш жойлари билан банд бўлган ва хўжалик юритилаётган майдондан иборат ҳудуднинг фақат иқтисодий фаол қисми ҳисобга олиниши зарур.

Истеъмолчилар сони бўйича телекоммуникацион инфокоммуникацияларнинг ривожланиш даражасини тавсифловчи кўрсаткичларни таққослаганда телекоммуникация воситаларининг географик жойлашув ва кўрсатилган хизмат турига боғлиқ равишда истеъмолчилар турли абонент гуруҳларига (шаҳар ва қишлоқ аҳолиси, ташкилотлар ва хусусий кишилар бўлган абонентларга) бўлинишини эътиборга олиш лозим.

Минтақада телекоммуникациялар ривожланиш даражасининг жамланган кўрсаткичи (индекси) ҳисоб-китобини статистик метод ёрдамида хусусий, табиий кўрсаткичлар асосида олиш мумкин. Телекоммуникация ривожланиш даражасининг жамланган индексини аниқлаш алгоритми қуйидагилардан иборат:

1. Маълум минтақада тегишли кўрсаткич мутлақ миқдорининг Ўзбекистон бўйича ялпи ўртача қийматга нисбатини таснифловчи ҳар бир хусусий кўрсаткич хусусий ҳудудий индекслар тарзида ҳисоб-китоб қилинади:

$$Iij = Xij / Xi\ ўзб$$

Бунда:

Iij – хусусий ҳудудий индекслар;

Xij – маълум ҳудуддаги тегишли кўрсаткичнинг мутлақ катталиги;

Xi ўзб – Ўзбекистон бўйича кўрсаткичларнинг ялпи ўртача қиймати.

2. Телекоммуникациянинг аниқ бир инфокоммуникация ости бўлимига тегишли бўлган хусусий ҳудудий индексларнинг ҳар бир гуруҳида ҳудуддаги телекоммуникация ривожланиш даражасининг инфокоммуникацияости индекслари қуйидаги формула бўйича аниқланади:

$$Iотр.j = I1j\ I2j\ \ldots\ Imj$$

Бунда:

Iотр.j – j ҳудуддаги телекоммуникация ривожининг ўрта ҳисобдаги инфокоммуникацияли индекси;

м – айрим инфокоммуникация ости телекоммуникацияси ривожини тавсифловчи кўрсаткичлар сони;

Инфокоммуникация ости индекслар асосида ҳудудда телекоммуникация ривожланишининг жамланган индекси ҳисоб-китоб қилинади:

Iсв.j = Iотр.1j Iотр.2j …….. Iотр.кj

Бунда:

К – ҳудудда алоқанинг ривожланиш даражасини умумлаштириб баҳолашда ҳисобга олинадиган телекоммуникациянинг инфокоммуникацияости сони.

Телекоммуникация ривожланиш даражасининг жамланган индекси телекоммуникация инфокоммуникациялари ва истеъмолчиларга хизмат кўрсатишнинг аҳволи ўртача инфокоммуникацияли даражасидан сезиларли ортда қолган ҳудудларни аниқлашга имкон беради. Бу ривожланиш даражаси ушбу узилишни изоҳлайдиган аниқ инфокоммуникацияостини аниқлаб олиш, уни бартараф этиш учун биринчи галдаги чора-тадбирларни белгилаб олиш имконини беради. Бундан мақсад телекоммуникациялар воситаси ва хизматига бўлган талабни янада тўликроқ қондиришдир. Таклиф қилинган метод телекоммуникацияларнинг инфокоммуникацияларо ва ҳудудий ривожланишидаги мутаносибликни такомиллаштириш учун зарур таҳлилий материалга эга бўлиб, хорижий инвестициялардан ва молиявий ташкилотлар кредитларидан янада самарали фойдаланишга ёрдам беради.

Ривожланишнинг жамланган индексларини тенг ҳажмли интерваллар тамойили бўйича шартли равишда беш гуруҳга ажратиш мумкин:

I – телекоммуникациялар ривожининг юқори даражаси (1 дан ортиқ);

II – телекоммуникациялар ривожининг ўртачадан юқори даражаси (0,6-1,0);

III – телекоммуникациялар ривожининг ўртача даражаси (0,2-0,5);

IV – телекоммуникациялар ривожининг ўртачадан паст даражаси (0,06-0,1);

V – телекоммуникациялар ривожининг паст даражаси (0-0,05);

Қиёслаш учун узоқ хориж мамлакатларида аҳоли жон бошига тўғри келадиган ЯИМга телефон зичлигининг боғлиқлигини таҳлил қиламиз (4-чизма).

4-чизма. Телефон зичлиги ва аҳоли жон бошига тўғри келадиган ЯИМ ўртисидаги боғлиқлик



4-чизмадан кўриниб турибдики, диаграмманинг юқори қисмида юқори ривожланиш имкониятларига эга бўлган мамлакатлар ўрин олган. Уларда аҳоли жон бошига тўғри келадиган ЯИМ бу борада жаҳоннинг ўртача даражасидан 3-4 баравар ошади. Россия, Венгрия ва Польша билан бир қаторда аҳоли жон бошига тўғри келадиган ЯИМ ўртача даражасидаги мамлакатлар сирасига киради. Ушбу мамлакатлар учун иқтисодий имкониятларга нисбатан алоқа тармоғининг ривожланишида илгарилаб кетиш хосдир. Ўзбекистон эса Миср ва Покистон билан бир қаторда ЯИМ ва телефон зичлиги паст даражада эканлиги билан тавсифланади.

Юқорида айтилганларнинг барчаси ялпи иқтисодий ривожланиш даражасига нисбатан телекоммуникация инфратузилмасининг мутаносиб суратда илгарилаб ривожланиши қонуни билан боғлиқ, чунки айнан алоқа иқтисодиётнинг барча соҳалари ривож топишида катализатор ҳисобланади ва умумий шароитларни яратади.

Айни пайтда шуни эътиборга олиш зарурки, телекоммуникация соҳаси ривожининг ҳаддан ташқари илгарилаб кетиши уларга тўлов учун истеъмолчиларда маблағнинг бўлмаслиги туфайли инфокоммуникациянинг айрим

хизматлари талаб қилинмасдан қолиб кетишига олиб келиши мумкин. Бу ҳол соҳанинг ишлаб чиқариш имкониятларидан фойдаланиш даражасининг пасайишига ва унинг фаолият кўрсаткичларининг ёмонлашувига олиб келиши мумкин. Шундай қилиб, телекоммуникация соҳасининг ривожланиш вариантлари кўриб чиқилар экан, республиканинг ҳар бир алоҳида ҳудудларининг иқтисодий ривожланиш даражасини ҳисобга олиш зарур. Бу ушбу соҳа ривожига йўналтирилган ички ва ташқи хорижий инвестициялардан янада самарали фойдаланишни таъминлашга имкон беради.

4.2. Ўзбекистонда инфокоммуникациялар тармоғини ривожлантиришнинг долзарб муаммолари

Давлатимиз раҳбари томонидан 2006 йилнинг 10 февралида ҳукумат йиғилишида 2006 йилда Мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш, иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишлари белгилаб берилган эди. Белгилаб берилган вазифалар қандай ва қай тарзда бажарилганлигини кўриб чиқиш мақсадида 2007 йилнинг 12 февралида Вазирлар Маҳкамасида ҳукуматнинг махсус кенгайтирилган мажлиси бўлиб ўтди.

Республикада макроиқтисодий ўсиш кўрсаткичлари яхшиланди иқтисоднинг умумий ўсиши 7,3 фоизни, хизмат кўрсатиш соҳасидаги ҳажмий кўрсаткичларнинг ўсиши эса 16,4 фоизни ташкил этди. Хизмат кўрсатиш соҳасининг ажралмас қисми бўлмиш алоқа ва ахборотлаштириш соҳасида ҳам бир қатор ишлар бажарилган, ҳажмий кўрсаткичларнинг ўсишига эришилган ва давлатимизнинг барқарорлигини таъминлаш жараёнига соҳа инфратузилмаси ва ходимлари томонидан тегишли улуш қўшилган.

Алоқа ва ахборотлаштириш соҳасининг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 2,97 фоизни, 2005 йили ўсиш суръати 109,2 фоизни ташкил этди. Ҳисобот даврида соҳада кўрсатилган хизматлар ҳажми ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 43 фоиз ошиб 584,1 млрд.сўмни ташкил этди. Алоқа ва ахборотлаштириш тизимидаги корхоналарнинг барчаси 2006 йилни ижобий натижалар билан якунлади.

Соҳада ушбу кўрсаткичларга эришишда қуйидаги йўналишлар бўйича бир қатор ишлар олиб борилди.

Биринчидан, алоқа ва ахборотлаштириш соҳасини янада ривожлантиришга қаратилган меъёрий-ҳуқуқий базани такомиллаштириш давом эттирилди.

2006 йилнинг феврал ойида Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан ПҚ-277- сонли қарор билан Ўзбекистон ҳудудида чет эл теле-радио дастурларни тарқатиш тартиби тасдикланган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 20 июндаги "Республика аҳолисини ахборот-кутубхона билан таъминлашни ташкил этиш тўғрисида"ги ПҚ-381-сонли қарори қабул килинди ва ушбу қарор билан Алоқа ва ахборотлаштириш Агентлик тасарруфига 14та вилоят универсал билим кутубхонаси ўтказилди ва ҳукуматнинг 2006 йил 21 августдаги 178-сонли қарори билан янги корхона бўлмиш Республика ахборот-кутубхона маркази ташкил этилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 8 июлдаги «Ахборот-коммуникация технологияларини янада ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги 117-сонли қарори билан тасдиқланган режага асосан 2006 йил 20 февралда "Давлат ахборот ресурслари ҳамда уларни шакллантириш, улардан фойдаланиш ва уларни қўллаб-кувватлаш учун масъул бўлган давлат органлари рўйхатини тасдиклаш тўғрисида"ги ҳукумат қарори кабул қилинди.

Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 22 февралдаги 29-сонли қарори билан Телекоммуникациялар соҳасида фаолият кўрсатиш ҳукуқи учун давлат божи миқдорларини тасдиклаш тўғрисидаги Ҳукуматнинг 421-сонли карорига ўзгартиришлар киритилди.

Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 22 ноябрдаги 256-сонли «Ахборотлаштириш соҳасида норматив-ҳуқуқий базани такомиллаштириш тўғрисида»ги қарорига мувофик Ахборотни ҳужжатлаштириш, давлат ахборот ресурсларини ҳисобга олиш ва рўйхатдан ўтказиш тартиби тўғрисида низом ишлаб чиқилди ва Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилди.

Бундан ташқари, компьютер ва ахборотлаштириш соҳасидаги жиноятлар учун жавобгарликни кучайтириш бўйича қонун лойиҳаси ишлаб чиқилиб, тегишли вазирлик ва идоралар билан келишилди.

Электрон рақамли имзо ва ахборот хавфсизлиги соҳасида 5 та давлат стандарти кабул қилинди.

Иккинчидан, кўрсатиладиган хизматлар ҳажми ошиши натижасида соҳада молиявий кўрсаткичлар ўсиши таъминланди.

Ҳисобот даври давомида алока ва ахборот-коммуникация технологиялари соҳасидаги корхоналар томонидан 584,1 млрд.сўмлик хизматлар кўрсатилди, бу кўрсатакич 2005 йилга нисбатан 43 фоиз ошди, шу жумладан аҳолига алока

хизматлари кўрсатиш 306,8 млрд. сўмни (ёки ўтган йилга нисбатан ўсиш 63 фоизни) ташкил этди.

Шу жумладан, Алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги тизимидаги корхоналар томонидан 249,7 млрд.сўмлик (2005 йилга нисбатан 26 фоиз кўп) хизматлар кўрсатилган. Аҳолига алоқа хизматлари кўрсатиш 81,0 млрд. сўмни ташкил қилди (бунда ўсиш суръати – 28 фоиз).

Соҳа учун ташқи иқтисодий фаолият бўйича белгиланган асосий кўрсаткич – экспорт ҳажми 28,6 млн.АҚШ долларини ташкил этди ва топшириққа нисбатан 125 фоиз бажарилди.

Умумий импорт миқдори 43,2 млн.АҚШ долларини ташкил этди, жумладан, 25,17 млн. АҚШ доллари — алоқа хизматлари бўйича.

Ҳажм кўрсаткичларини таҳлил қиладиган бўлсак:

шаҳарлараро ва халқаро телефон сўзлашувлари ўтган йилга нисбатан 15 фоиз, хат-хабарлар 3,5 фоиз, посилкалар 11 фоиз ошди.

Асосий стационар телефонлар сони йил бошига нисбатан 58 минг дона кўпайиб, 2007 йилнинг 1 январ ҳолатига кўра 1 млн. 792 мингтани ташкил этди. Республика шаҳарларини рақамли телекоммуникация инфокоммуникациялари билан қамраб олиш даражаси 100 фоизни ташкил этди.

2007 йил 1 январ ҳолатига кўра мобил телефон алоқаси абонентлари сони 2 млн. 720 мингни ташкил этди (2006 йил бошида 1150 минг эди). Мобил алоқа абонентларининг кўпайиши суръатлари йил давомида 2,36 баробар тезлашди (2005 йил давомида 606 минг абонент уланган бўлса, 2006 йилда 1570 минг абонент уланди).

Монтаж қилинган АТСларнинг иш коэффициенти 89 фоизга етказилди. Барча АТСлар ҳажмида электрон АТСлар улуши ошиб, 76,4 фоизни ташкил этди.

Учинчидан, инвестиция фаолияти суръатлари тезлашди. Инвестиция дастурига киритилган лойиҳалар бўйича инвестициялар ва кредитларни ўзлаштириш 146,3 млрд. сўмни (режага нисбатан 132 фоизни) ташкил этди:

Телекоммуникация инфокоммуникацияларини ривожлантириш: JBIC лойиҳаси бўйича 11,02 млн.АҚШ долл. ёки 184 фоиз

«Сунъий йўлдош орқали телерадиотарқатишни ташкил этиш» лойиҳаси бўйича 4,68 млн.долл, ёки 94 фоиз;

тўғридан-тўғри жалб этилган хорижий инвестициялар ҳисобига

104,1 млн.доллар (125,59 млрд.сўм) ўзлаштирилди, йиллик режа 130 фоиз бажарилди.

"МТС-Уздунробита" томонидан 47,55 млн.долл.

“Юнител” корхонаси томонидан 40,0 млн.долл.

“Коском” томонидан 10,39 млн.долл.

“Ист-Телеком” корхонаси томонидан 6,2 млн.долл. ўзлаштирилди.

Бундан ташқари, корхоналарнинг ўз маблағлари ҳисобига 9,8 млрд. сўм ўзлаштирилди.

Натижада инфратузилмани модернизациялаш ва янги технологиялар асосида хизматлар номенклатурасини кенгайтириш, янги хизматларни жорий этиш учун замин яратиляпти.

Тўртинчидан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 17 апрелдаги «Ўзбекистон Республикасида 2006-2010 йилларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришни жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-325-сонли қарорининг бажарилиши бўйича қуйидаги чора-тадбирлар амалга оширилди:

1. Рақамли техника ва технологиялар базасида телекоммуникация инфокоммуникацияларини ривожлантириш, модернизация ва реконструкция қилиш йўналишида:

корхона ва ташкилотлар томонидан кўрсатилаётган маҳаллий, шаҳарлараро ва халқаро хизматлар сифатини ошириб бориш, телекоммуникацияларда янги қўшимча хизмат турларини ривожлантириш ва тадбиқ этиш мақсадида рақамлаштириш даражаси 76,4 фоизга етказилиб, 2006 йил Дастур топшириғи 1,46 баравар ошириб бажарилди, рақамли телефон аппаратлари зичлиги 100 фуқаро ҳисобига 5,7 тани ташкил этди, бу эса 2006 йил режасининг 146,1 фоиз бажарилганини кўрсатмоқда;

шаҳарлараро, халкаро телефон сўзлашувлар 2005 йил натижаларига нисбатан 15 фоиз ошди, яъни бу 261 млн. ни ташкил этди;

мобил алоқа абонентларининг сони 2,720 млн. га етди, бу Дастур бўйича жорий йилда кутилаётган кўрсаткичдан 1120 мингга ортиқ.

2. Республиканинг тоғли ҳамда олис ҳудудларида телерадиотаркатиш қамровини ошириш.

Ҳозирги кунда республикамизнинг Жиззах, Навоий, Кашқадарё, Сурхондарё ва Самарқанд вилоятларида лойиҳа бўйича монтаж ишлари олиб борилмоқда, Қорақалпоғистон Республикаси ва қолган вилоятларда (Сирдарё, Тошкент, Хоразм, Бухоро, Фарғона, Андижон, Наманганда) эса қурилмалар тажриба тарзидаги фойдаланиш ҳолатидадир.

2006 йил 8 декабрдан Ўзбекистонда йўлдош тармоғи орқали замонавий рақамли форматда битта «O‘zbekiston» давлат теле ва радиоканалининг узатишлари ташкиллаштирилди ва бошлаб юборилди. Шу билан бирга,

телерадиодастурларни нафақат Ўзбекистон, Марказий Осиё ҳудудида, балки Россия, Кавказорти, Шарқий Европа, Хитой, Монголия, Ҳиндистон ва Афғонистоннинг кенг ҳудудида йўлдош орқали бевосита қабул килиш мумкинлигини таъкидлаш керак.

Телевизион узаткичларнинг қамрови 2007 йил 1 январ ҳолатига кўра республика бўйича (ЎзТВ 1-канал) 99,85 фоизни ташкил этди.

3. Янги ахборот-коммуникация технологияларини татбиқ этиш натижасида почта алоқаси хизматлари номенклатурасини кенгайтириш.

Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 20 февралдаги «Давлат ахборот ресурслари ҳамда уларни шакллантириш, улардан фойдаланиш ва уларни қўллаб-қувватлаш учун масъул бўлган давлат органлари рўйхатини тасдиқлаш тўғрисида»ги 27-сонли қарори қабул қилинди.

2006 йилда 42 та Давлат ахборот ресурси бўйича талабнома тушган бўлиб, ундан 4 таси белгиланган талабларга мос келмайди, 2 та Давлат ахборот ресурси бўйича эса маълумотлар умуман тақдим этилмаган. Натижада 38 та Давлат ахборот ресурси рўйхатдан ўтказилган (бу эса умумий Давлат ахборот ресурслари сонидан 86,4 фоизни ташкил этади). Давлат ахборот ресурсларининг рўйхатга олинганлиги тўғрисида гувоҳномалар тайёрланиб, мурожаат этувчи давлат ва хўжалик бошқаруви органларига тақдим этилган.

Ўзбекистон Республикаси Алоқа соҳасидаги ҳамдўстлик ташкилотининг Алоқа маъмуриятларининг 35-сонли йиғилиши бўлиб ўтди. Ушбу ташкилотнинг тегишли комиссиялари ва ишчи гуруҳларининг йигилиши Ўзбекистонда ўтказилди ва унда Республика учун зарур ва муҳим бўлган масалаларни муҳокама қилишда бизнинг мутахассислар фаол қатнашдилар.

Давлатимиз раҳбари томонидан Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил якунлари бўйича ўтказилган мажлисда барча инфокоммуникациялар ва давлат бошқаруви органлари олдига қўйилган вазифалардан келиб чиқиб, қуйидагилар алоқа ва ахборот-коммуникация технологиялари соҳаси олдидаги иқтисодий ислоҳотларни янада чукурлаштиришнинг 2007 йилги энг муҳим устувор йўналишлари ҳисобланади:

- Соҳанинг баркарор ва мутаносиб суръатларда ўсишини сақлаб қолган ҳолда бундан ҳам юқори кўрсаткичларга эришиш учун соҳани модернизация қилиш ҳамда техник ва технологик жиҳатдан янгилаш. 2007 йилда алока ва ахборотлаштириш соҳасида кўрсатилаётган хизматлар ҳажмини 1,4 баравар ошириш, уларнинг миқдорини 800,0 млрд. сўмга етказиш ва шу орқали соҳанинг ялпи ички маҳсулотдаги улушини 3,3 фоизга етказиш;

- шундай ўсиш натижасида 2008 йилда соҳада кўрсатилаётган хизматларнинг ҳажмини 1,0 трлн. сўмга етказиш, шу орқали соҳанинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 3,6 фоиз бўлишини таъминлашга тайёргарлик кўриш ва тегишли замин яратиш;

- алоқа ва ахборотлаштириш соҳаси барқарор ва мутаносиб суръатларда ўсиши ҳамда таркибий ўзгаришлар ва модернизациялашни таъминлаш, унинг энг муҳим инфокоммуникацияларини техник ва технологик жиҳатдан янгилаш, бу борада янги хизмат турларини жорий этиш ва уларни сотиш, ахборот хизматларини йўлга қўйиш, асбоб-ускуналарнинг барча имкониятларидан фойдаланиб, техник курилмаларни тўлиқ ишлатиш, почта ва телекоммуникация корхоналарининг ҳамкорликларини кучайтириш;

- Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятлари телекоммуникация тармоқларини модернизациялари ва рақамлаштириш лойиҳасини якунлаш;

- миллий ахборот тизимини янада ривожлантириш — бу борада Миллий ахборот қидирув тизимини ривожлантириш ва белгиланган турли мазмундаги Ўзбекистон ҳақидаги Интернет ресурсларини барпо этиш;

- электрон рақамли имзодан кенг фойдаланишни йўлга қўйиш ва шу асосда корхоналарда электрон ҳужжат тизимларини жорий этиш;

- давлат бошқарув органлари билан ҳамкорликда улар фаолиятига ахборот технологияларни жорий этишда мувофиқлаштириш ишларини кучайтириш;

- аҳолининг ахборот тизимларига бўлган талабини қондириш мақсадида Республика ахборот-кутубхона марказининг янгича иш бошлаши, унинг жойлардаги филиалларини техник қайта жиҳозлаш ишларини амалга ошириш;

- машҳур операцион тизимларни ва дастурларни ўзбек тилига ўгириш, миллий операцион тизим тест жараёнларини тезлаштириш, тегишли рус-ўзбек-инглиз тилларидаги компьютер дастурлашнинг ягона лугатларини яратиш;

- хусусий бизнес учун зарур бўлган барча қулай шароитларни яратиш, давлатнинг иқтисодиётдаги иштирокини изчил камайтириб бориш, бу борада хусусий мулк ва хусусий тадбиркорлик ҳуқуқини ҳимоя қилишга доир соҳага оид қонунчиликни янада мустаҳкамлаш масаласига эътибор қаратиш;

- хорижий инвестицияларни, биринчи галда, тўғридан-тўғри инвестицияларни жалб этиш борасидаги ишларимизни ҳар томонлама кучайтириш, бу борада чет эл инвестицияларини, соҳа корхоналарини техник ва технологик жихатдан тубдан янгилаш учун жалб килиш максадида халкаро ҳамкорлар билан тегишли кенг кўламдор ишларни олиб бориш;

- телефонлаштирилмаган ижтимоий инфратузилма объектларини ҳамда почта алоқа бўлимларини телефонлаштириш бўйича белгиланган чора-тадбирларнинг тўлиқ бажарилишини таъминлаш;

- иш ҳақи миқдорини ва аҳолининг турмуш даражасини изчил ошириб боришни таъминлаш, бу борада ижтимоий сиёсат талабларининг амалга оширилишини, яъни пенсия маблагларини сақланиши ва ўз вақтида етказилишини таъминлаш, соҳада ижтимоий ҳимоя масалаларни ечишни давом эттириш;

- кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг жадал ривожланишини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, шу асосда аҳолининг иш билан бандлиги ва фаровонлигини ошириш муаммоларини ҳал этиш, бу борада вилоятларда, айниқса қишлоқ жойларда инфокоммуникация ва сервис хизматларини кўрсатувчи инфратузилма тармоғини (ўрта ҳисобда 400 та пунктлар) яратиш, телекоммуникация соҳасида рақобатни ривожлантириш йўлида маълум лицензияланадиган фаолият турларига лицензия олинишини осонлаштириш ва давлат божини камайтириш юзасидан ишлар олиб бориш;

- бизнес, энг аввало, хусусий бизнес учун мумкин қадар қулай шароит яратиш мақсадида бир ой мобайнида сервис хизматлари кўрсатувчи пунктлар (янги 400 та пункт)нинг ишлари самарали олиб борилиши учун соҳада телекоммуникация операторлари ва хусусий тадбиркорлар ўртасида тузиладиган намунавий имтиёзли шартнома лойиҳасини ишлаб чиқиш;

- банк-молия тизимида олиб борилаётган ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва кўламини кенгайтириш мақсадида кундан-кунга сони ошиб бораётган минибанклар тизимида телекоммуникация инфокоммуникациялари орқали ахборот алмашувини тезлаштириш учун уларни тўлиқ телефонлаштириш масаласини кўриш;

- коммунал хўжалик соҳасида ислоҳотларни янада чукурлаштириш, бу борада аҳолидан коммунал тўловларни кенг кўламда қабул қилиб олиш мақсадида почта алоқа бўлимлари инфратузилмасини компьютерлаштириш масаласини тезлаштириш;

- кўрсатиладиган хизматлар сифатини ошириш.

4.3. Социология ва иқтисодиётда инфокоммуникация маълумотлари концепцияси

Сўнгги йилларда янги технологияларнинг гуркираб ривожланиши, ахборот узатиш жараёнининг сезиларли даражада тезлашуви ва оддийлашуви муносабати билан, ахборот жамиятининг шаклланиши ва ривожланиши тўғрисида кўп гапириладиган бўлиб қолди, ушбу ривожланишнинг инсоният ҳаётининг аввалги ривожланиш босқичларидан катта фарқлари бор.

Ахборот жамияти назариясининг тарафдорлари унинг вужудга келишини иқтисодиётнинг қишлоқ хўжалигидан кейинги тўртинчи соҳаси, яъни саноат ва хизматлар тармоғининг ҳукмронлиги билан боғлашади. Бунда индустриал жамиятнинг асоси саналувчи капитал ва меҳнат ахборот жамиятининг асоси ҳисобланувчи ахборотга ўз ўрнини бўшатиб беради.

Ахборот жамияти назариясига мувофиқ, у индустриал жамиятдан сезиларли даражада фарқ қилади. Бу фарқларни кўрсатиб ўтамиз:

Энг аввало, ишлаб чиқаришни ташкил қилиш шакли ўзгаради. Индустриал жамиятда бўлгани каби ишлаб чиқаришни кучли концентрациялашга эҳтиёж қолмайди. Инсон энди йирик иқтисодий марказлардан узоқда туриб ҳам ишлаб чиқариш жараёнларида тўлақонли равишда иштирок этиши мумкин бўлади. О.Тоффлернинг таъбири билан айтганда, биз ўта замонавий технологияга асосланган «ҳунармандчилик касби»нинг янгича шаклига яқинлашишимиз турган гап.

Ахборот жамиятида бюрократик бошқарув аҳамияти пасаяди ва ишчилар ўзларининг асосий вазифаларини бажаришда кўпроқ мустақил бўладилар, ҳар бир ташкилий бирлик эса муайян топшириқ ёки топшириқларни ҳал қилишга қаратилган алоҳида модулни ўзида намоён қилади.

Қадриятлар тизими ўзгариб, жамоатчилик компаниядан нафақат иқтисодий, балки ижтимоий муаммоларни ҳам ҳал этишни талаб қилади: истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари ва бошқа ташкилотлар юзага келади ва фаоллашади, шунингдек уларнинг фаолияти тобора кўп қиррали бўлиб, хилма-хил истеъмолчиларнинг манфаатларини ҳисобга олади.

Ва ниҳоят, жаҳон миқёсидаги иқтисодий жараёнларнинг ўзаро таъсири ва туташуви ортади, оқибатда халқаро бошқарув ва халқаро муассасаларнинг роли кучаяди. Ишлаб чиқариладиган ва етиштириладиган маҳсулотларнинг тобора камроқ қисми аниқ бир миллатга тегишли бўлади, яъни неъматлар турли мамлакатлар ва минтақаларда ишлаб чиқарилиши, кейин эса қандайдир якуний неъмат кўринишида шаклланиб ер куррасининг турли жойларида савдога чиқарилиши мумкин бўлиб қолади. Трансмиллий корпорациялар (ТМК) шунчалик ўзгариб, глобал тузилмаларга айланадики, кўпинча молиявий нуқтаи назардан ҳам, ишлаб чиқариш жараёни нуқтаи назаридан ҳам уларнинг миллий мансублигини аниқлаш мушкул бўлади. Худди шу сингари акциядорлар таркиби ҳам байналмилал йўналиш оладики, улар қандайдир ноаниқ интернационал оммага айланиб боради.

Индустриал жамият билан қиёслаганда, тараққиётнинг буткул янги босқичини ифода этувчи замонавий ахборот жараёнларининг оқибати мана шундайдир.

Ахборот жамияти назарияси ижтимоий инфокоммуникациялар концепцияси билан узлуксиз алоқадордир. Ижтимоий фанлар соҳасида инфокоммуникация тушунчаси биринчи навбатда XX аср охиридаги социологик тадқикотларда С. Берковиц, С. Вассерман, Б. Веллман, Д. Ноук, П. Марсден, К. Фауст, Л. Фриман ва бошқаларнинг[1] ишларида баён қилинди. Шу боис инфокоммуникация неъматларини тадқиқ қилиш методологияси ўз манбаларининг катта қисмини социологияга доир ишлардан олади.

Гипотетик ижтимоий инфокоммуникацияни иштирокчилар ўртасидаги ўзаро муносабатлар кечишини кўрсатиш мақсадида матрица кўринишида ифода этиш мумкин (6-жадвал).

Бу модел ижтимоий инфокоммуникациянинг ўзига хос хусусиятларини намойиш қилади, хусусан, улардан баъзилари факторларга хос бўлса, қолганлари бутун инфокоммуникацияларга тегишли.

6-жадвал

Гипотетик ижтимоий инфокоммуникациянинг матрица кўринишидаги ифодаси

	A	B	C	D	E	F	G	н	I	J	Умуман
A		0	0	0	1	0	0	0	0	0	1
B	1		1	1	0	0	0	0	0	0	3
C	1	1		1	0	0	0	0	0	0	3
D	1	1	1		0	0	0	0	0	0	3
E	1	0	0	0		1	1	1	0	0	4
F	0	0	0	0	1		0	0	0	0	1
G	0	0	0	0	1	0		0	0	0	1
H	0	0	0	0	1	0	0		0	0	1
I	0	0	0	0	0	0	1	0		0	1
J	0	0	0	0	0	0	0	0	0		0
Умуман	4	2	2	2	4	1	2	1	0	0	IS

Агар факторлар тўғри ёки кадамли йўл билан боғланган бўлса, улар бир-бирларига нисбатан етарли бўлади. Демак, А ва Е факторлар инфокоммуникациянинг бошқа 9 аъзосидан 8 тасига нисбатан эришимли бўлса, J факторга эришиш имкони йўк.

Инфокоммуникациядаги акторлар бир-бирлари билан пухтарок ёки сустрок боғланган бўлиши мумкин, бу эса уларнинг ижтимоий инфокоммуникацияда-

ги ўрнини белгилаб беради. Бизнинг мисолимизда энг яхши ахборот олувчилар — бу A ва E. Уларнинг ҳар бири бошқа тўртта актордан ахборот олиши мумкин, лекин E акторда ушбу тўрт вариант икки томонлама очиқдир, яъни E ушбу тўрт акторга ахборотни жўнатиши ҳам мумкин, A акторда эса бу вариантлар асимметрик ёки бир томонламадир. E – энг йирик ахборот тарқатувчи бўлиб, унинг ортидан B, C, D келади ва уларнинг ҳар бири учта акторга ахборот жўнатиши мумкин бўлади.

Ижтимоий инфокоммуникация ичидаги кичик гуруҳлардаги факторларни ушбу кичик гуруҳлар ичида юзага келадиган муносабатларга боғлиқ равишда аниқлаш мумкин. Қуйидагилар энг кенг тарқалган кичик гуруҳ турларидир:

Тўда: серунум ўзаро алоқалар ёрдамида бир-бири билан кучли боғланган акторлар (бизнинг мисолда B, C, D — улар бир-бири билан бир қадамга тенг бўлган энг қисқа йўллар билан боғланишган). Бундай турдаги кичик гуруҳлар реал ижтимоий тизимларда камдан-кам учрайди;

Ижтимоий доира: алоқалар бир неча акторларга хос (ABCD кичик гуруҳи, унда, мисол учун, 75 та алоқа эҳтимоли бор, ABCDE кичик гуруҳи — 55 та алоқа эҳтимоли);

Умумий мавқе: тузилмавий жиҳатдан эквивалент бўлган акторлар томонидан ташкил қилиниб, бундай акторлардан саналиш учун улар ушбу тизимдаги қолган акторлар билан бир хил ўзаро алоқаларга эга бўлишлари керак (бизнинг мисолда B ва D тузилмавий эквивалент акторлар, чунки уларнинг иккаласи ҳам C билан икки томонлама ва A билан бир томонлама алоқага эга; худди шундай F ва H тузилмавий эквивалент акторлар бўлиб, уларда E билан ягона икки томонлама алоқа мавжуд).

Ижтимоий инфокоммуникацияларнинг моделлари кўпинча матрица кўринишида ифода этилади, бироқ уларни шунингдек график кўринишда ҳам тақдим этса бўлади. Масалан биз тавсифлаётган инфокоммуникациянинг график талқини 26-расмда ифодаланган.



26-расм. Гипотетик ижтимоий ннфокоммуникациянинг график талқини

Ижтимоий инфокоммуникацияларнинг моделларидан турли қарорларни қабул қилишда субъектлар ўзларини қандай тутишларини тасвирлашда фойдаланишади.

Методологик ёндашув сифатида инфокоммуникацияли таҳлилнинг қуйидаги қирралари кўзга ташланади:

акторлар ўзаро қарам бирликлар сифатида қаралади;

акторлар ўртасида муносабатли алоқалар — моддий ва номоддий ресурсларни узатиш каналлари;

инфокоммуникацияли моделлар инфокоммуникациядан фойдаланаётган акторларнинг индивидуал хатти-ҳаракатларига эътибор қаратади;

инфокоммуникацияли (ижтимоий, сиёсий, иқтисодий ва ш.к.) моделларни акторлар ўртасидаги бардавом тизимли муносабатлар сифатида таърифлаш мумкин.[1]

Инфокоммуникацияли тадқиқотларнинг методологик салоҳияти ниҳоятда катта, чунки улар уй хўжаликлари ва ташкилотлар ўртасидаги ўзаро муносабатларни анча аниқ шаклда тузилмага солиш имконини беради ҳамда маълумотлар билан ҳам макро даражада, ҳам микро даражада иш кўришга шароит туғдиради. Шу туфайли ҳам социологиядаги инфокоммуникацияли тадқиқотлар *ижтимоий-иқтисодий ва иқтисодий инфокоммуникацияли изланишлар* ривожи учун глобал базага айланди. Инфокоммуникацияли ёндашув шу маънода универсалки, унинг доирасида фанлараро таҳлилий ишларни ҳам амалга ошириш мумкин. М. Кастелснинг "Ахборот асри: иқтисодиёт, жамият ва маданият" номли асари жамиятдаги ўзгаришларни инфокоммуникацияли тузилмаларга доир атамаларда таҳлил қилувчи анчагина қизикарли ва кўламли ишлардан бири бўлиб қолди.

Инфокоммуникациядан ҳоли қилинган бошқарув тизими сифатида янада катта аҳамият касб этади. Инфокоммуникация тамойилига кўра фирмалар ўзларининг ҳам ички, ҳам ташқи алоқаларини барпо этадилар, қолаверса, бунга ўхшаш жараёнлар турли маданий ва миллий контекстларда кечади.

Цивилизация ривожланиши тарихида бир қанча ахборот инқилоблари рўй берадиган — ахборотга ишлов бериш соҳасидаги туб ўзгаришлар сабабли жамоат муносабатларининг ислоҳотлари амалга ошди. Бундай ислоҳотлар натижасида инсон жамияти янги сифатга эга бўлди.

Биринчи инқилоб ёзувни ихтиро қилиниши билан боғлиқдир, бу эса улкан сифатий ва миқдорий сакрашга олиб келди.

[1] Wasserman S. Social Network Analysis: Methods and Applications. — P. 4.

Иккинчиси (XVI аср ўртаси) эса саноатлашган жамиятни, маданиятни, фаолиятни ташкиллаштиришни тубдан ўзгартирган китоб босишнинг ихтиро қилиниши билан вужудга келган.

Учинчиси (XIX аср охири) электр ихтиро қилиниши билан боғлиқ бўлди. Электр шарофати билан ҳар қандай ҳажмдаги ахборотни тезкорлик билан етказиш ва тўплашга имконият берадиган телеграф, телефон, радиолар пайдо бўлди.

Тўртинчиси (XX асрнинг 70-йиллари) микропроцессорли технологиянинг ихтиро қилиниши ва шахсий компьютернинг пайдо бўлиши билан боглиқ бўлди. Микропроцессорли ва интегралли схемаларда компьютерлар, компьютер инфокоммуникациялари, маълумотларни узатиш тизимлари яратилади. Бу даврда қуйидаги учта асосий янгилик киритилди:

- ахборотни ўзгартиришнинг механик ва электр воситаларига ўтиш;
- барча узеллар, конструкциялар, асбоблар, машиналарни кичиклаштириш;
- программали-бошқариладиган конструкциялар ва жараёнларни яратиш.

Ушбу давр ҳақида тўлиқ тассавурни ҳосил қилиш учун электрон-ҳисоблаш машиналари (ЭҲМ) бўғинларининг ўзгариши ҳақидаги қуйида келтирилган маълумот билан танишиш ва бу маълумотларни ахборотга ишлов бериш ва узатиш босқичлари билан солиштириш мақсадга мувофиқдир.

ЭҲМ бўғинлари ўзгариши ҳақида маълумот. 1-бўғин (50-йй боши). Элементли базаси – электрон лампалар. ЭҲМлар катта ҳажмлари, қувватни кўпроқ истеъмол қилиши, паст тез ҳаракатлилиги, кодларда дастурланиши билан ажралиб турардилар.

- 2-бўғин (50-йиллар охиридан). Элементли базаси — ярим ўтказгичли элементлар. Барча техник характеристикалар ЭҲМнинг олдинги бўғинига нисбатан яхшиланди. Дастурлаш учун алгоритм тиллари ишлатилади.
- 3-бўғин (60-йиллар боши). Элемент базаси — интегралли схемалар, кўп қатламли босма монтаж. ЭҲМлар ҳажмларининг кескин камайиб кетиши, улар мустаҳкамлигининг ошиши, унумдорлигининг ўсиши. Узоқлашган терминаллардан кира олиш.
- 4-бўғин (70-йй ўртаси). Элементли базаси — микропроцессорлар, катта интегралли схемалар. Техник характеристикалари яхшиланди. шахсий компьютерларнинг оммавий чиқарилиши. Ривожланиш йўналишлари: унумдорлиги юқори бўлган кучли кўп процессорли ҳисоблаш тизимлари, арзон микро ЭҲМларни яратиш.
- 5-бўғин (80-йй ўртасидан). Интеллектуал компьютерларнинг ишланиши бошланди, бу иш ҳозирча муваффақият келтирмади. Барча соҳаларга компьютер инфокоммуникацияларининг киритилиши ва уларни бирлаштирилиши, маълумотларга тақсимланган ишлов беришдан фойдаланиш, компьютер ахборот технологияларини ҳар ерда қўлланилиши.

Охирги ахборот инқилоби биринчи қаторга янги инфокоммуникацияни суриб чиқаради — ахборот саноатини. Бу саноат янги билимларни ишлаб чиқариш учун техник воситалар, технологияларни ишлаб чиқиш билан боғлиқдир. Ахборот саноатининг муҳим таркибий қисмлари – барча турдаги ахборот технологияларининг барча турлари, айниқса телекоммуникациядир. Замонавий ахборот технологиялари компьютер техникаси ва алоқа воситалари соҳасидаги ютуқларга таянади.

Ахборот технологияси (АТ) — объект, жараён ёки ташқи кўриниш ҳақида янги сифатдаги ахборотни олиш учун маълумотларни (бирламчи ахборотни) йиғиш, уларни ишлаш ва узатиш воситалари ва усуллари мажмуидан фойдаланиладиган жараёндир.

Телекоммуникация – компьютер инфокоммуникациялари ва замонавий техник алоқа воситалари базасига таяниб, маълумотларни масофадан туриб узатиш.

Саноатлашган ишлаб чиқаришнинг, ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий ҳаётнинг қийинлашиши, инсон фаолиятининг барча соҳаларидаги жараёнлар динамикасининг ўзгариши, бир тарафдан, билим олишга бўлган талабларнинг ошишига, иккинчи тарафдан эса бу талабларни қондиришнинг янги воситалари ва усулларини яратишга олиб келди.

Компьютер техникаси ва ахборот технологияларининг шиддатли ривожланиши, турли ахборотлардан фойдаланиш асосида қурилган жамиятнинг янада тараққий этишига олиб келди. Ушбу жамият ахборот жамияти номини олди.

Япон олимларининг фикрича, ахборот жамиятида компьютерлаштириш жараёни одамларга ахборотнинг ишончли манбаларига кира олиш рухсатини беради, икир-чикир ишдан халос қилади, ишлаб чиқариш ва ижтимоий соҳаларда ахборот юқори даражада ишланишини таъминлайди. Моддий маҳсулотларни ишлаб чиқариш эмас, балки ахборот маҳсулотини ишлаб чиқариш жамият ривожланишининг ҳаракатга келтирувчи кучи бўлиб колиши керак. Моддий маҳсулот янада ахборотталаб бўлиб боради, бу эса унинг нархига янги тузатишлар киритилишини, дизайн ва маркетинг улуши ошишини англатади.

Ахборот жамиятида нафақат ишлаб чиқариш, балки умуман ҳаёт тузилишидаги қадриятлар тизими ўзгаради, маданий ҳордиқнинг моддий бойликларга нисбатан аҳамияти ошади. Товарларни ишлаб чиқариш ва истеъмол қилишга қаратилган саноатлашган жамият билан солиштирганда, айтиш мумкинки, ахборот жамиятида интеллект, билимлар ишлаб чиқарилади ва истеъмол қилинади, бу эса ақлий меҳнат улуши ошишига олиб келади. Инсондан ижод қилиш қобилияти талаб қилинади, билимга бўлган талаб ортади.

Компьютер техникаси ва компьютер инфокоммуникациялари, ахборот технологиялари, телекоммуникация алоқа базасидаги турли хил тизимлар ахборот жамиятининг моддий ва техник базаси бўлади.

Ахборот жамияти шундай жамиятки, унда ишлайдиганларнинг аксарияти ахборотни, айниқса унинг юксак шакли бўлиши билимларни ишлаб чиқиш, уларни сақлаш, қайта ишлаш ва сотиш билан банд бўлади.

XX аср охирида етакчи мамлакатларнинг фан ва техникаси ривожланишининг ҳақиқий амалиётида назариячилар томонидан яратилган ахборот жамияти манзарасининг чизгилари секин-аста яққол кўрина борди. Умумжаҳон маконида одамларнинг компьютерлаштирилган ва ахборотлаштирилган ягона ҳамжамиятга айланиши башорат қилинмоқда. Бу ҳамжамиятда одамлар электрон хонадонлар ва коттежларда яшайдилар. Ҳар бир турар жой мавжуд бўлган электрон ускуна ва компьютерлаштирилган конструкциялар билан жиҳозланади. Одамлар фаолияти асосан ахборот ишлаб беришга қаратилган бўлади, моддий ишлаб чиқариш ва энергия ишлаб чиқариш эса машиналар зиммасига юкланади.

Ҳозирда бу хом хаёл эмаслиги, балки яқин келажакнинг муқаррар воқеълиги бўлиб қолишини тасдиқловчи бир қатор аниқ материаллар босиб чиқарилган.

1.1-мисол. АҚШда ўтказилган социологик тадқиқотлар маълумотларига қараганда, ҳозирда ишлаётганлардан 27 млн. киши ўз фаолиятини уйидан чиқмаган ҳолда олиб бориши мумкин, яқинда рўйхатга олинган фирмаларнинг 1/3 қисми эса мустақил тарзда иш билан бандликни кенг қўллашга асосланган. Қуйидагилар АҚШда мустақил банд бўлганлар сирасига киритилган: 1980 й.да 5.7 млн. киши, 1989 й.да 14.6 млн. киши, 1995 й.да эса 20.7 млн. киши.

Ахборот жамиятига ўтишда компьютер ва телекоммуникация ахборот-технологиялари базасида ахборотни қайта ишлаш янги саноати вужудга келади.

Бир қатор олимлар ахборот жамиятининг қуйидаги ўзига хос хусусиятларини ажратмоқдалар:

- ахборот тангликлари муаммоси ҳал қилинди, яъни шиддатли ахборот оқими ва ахборот етишмаслиги ўртасидаги зиддият ҳал этилди;
- бошқа манбаларга нисбатан ахборот устуворлиги таъминланди;
- ахборот иқтисодиёти ривожланишнинг асосий шакли бўлиб боради;
- энг янги ахборот техникаси ва технологияси ёрдамида билимларнинг автоматлаштирилган ҳолда пайдо бўлиши, уларни сақлаш, ишлаш ва ишга солиш жамият пойдеворига айлантирилади;
- ахборот технологияси инсон ижтимоий фаолиятининг барча жабҳаларини қамраб олган ҳолда глобал тусга эга бўлади;
- бутун инсоният цивилизациясининг ахборот бирлиги шаклланади;
- информатика воситалари ёрдамида ҳар бир инсоннинг бутун цивилизация ахборот манбаларига кира олиши амалга оширилади;

• жамиятни бошқариш ва атроф муҳитга таъсир этишнинг инсонпарварлик тамойиллари амалга оширилади.

Ижобий жиҳатлардан ташқари, хавфли тенденциялар ҳам олдиндан башорат қилинмоқда:

• оммавий ахборот воситалари жамиятга борган сари кучли таъсир этади;

• ахборот технологиялари одамлар ва ташкилотларнинг шахсий ҳаётини бузиб юбориши мумкин;

• сифатли ва ишончли ахборотни танлаб олиш муаммоси юзага келган;

• кўпчилик кишиларнинг ахборот жамияти муҳитига кўникишлари қийин бўлади.

"Ахборот элитаси" (ахборот технологияларини ишлаш билан шуғулланадиган одамлар) билан истеъмолчилар ўртасида узилиш рўй бериши хавфи бор.

Ривожланган ахборот саноати мавжуд бўлган давлатлар ахборот жамияти йўлидаги мўлжалга айникса яқин турибдилар, булар сирасига АҚШ, Японияни, Англия, Германия, Ғарбий Европа баъзи бошқа давлатларини киритиш мумкин. Ахборот саноатига компьютер тизимлари ва телекоммуникацияларга инвестициялар йўналтириш ва янгиликлар киритиш бу давлатларда анчадан бери давлат сиёсатининг йўналишларидан бири бўлиб келмоқда.

Айрим кишилар, гуруҳлар, жамоалар ва ташкилотларнинг фаолияти ҳозирги кунда борган сари кўпрок даражада уларнинг ахборотланганлигига ва эга бўлган ахборотдан самарали фойдаланиш қобилиятига боғлиқ бўла бошлаяпти. Ҳар қандай ҳаракатни бошлашдан аввал ахборотни йиғиш ва қайта ишлаш, уни тушуниб етиш ва таҳлил қилиш бўйича катта ишни ўтказиш лозим. Турли соҳаларда оқилона қарорларни излаб топиш катта ҳажмдаги ахборотга ишлов беришни талаб қилади, махсус техник воситаларни жалб қилмасдан эса баъзан бунинг имконияти йўқ.

Ахборот ҳажми ошиб бориши айникса XX аср ўртасида сезиларли бўлиб қолди. Шиддатли ахборот оқими инсонга бу ахборотни тўла равишда қабул қилиш учун имконият бермаган тарзда кела борди. Ҳар куни юзага келадиган янги ахборот оқимини тушуниш тобора қийинлашиб борди. Баъзан олдинроқ ишланган мувофиқлигини излашдан кўра янги моддий ёки интеллектуал махсулотнинг янгисини яратиш афзалроқ бўлиб қолди. Катта ахборот оқимлари пайдо бўлиши қуйидагилар билан белгиланади:

• илмий тадқиқотлар ва тажриба-конструкторлик ишлари натижалари акс эттирилган ҳужжат, ҳисобот, диссертация, маъруза ва бошқалар сони ҳаддан ташқари тез кўпайиши;

• инсон фаолиятининг турли соҳалари бўйича даврий нашрлар сони муттасил кўпайиб бориши;

• одатда, магнит тасмаларига ёзиладиган ва шунинг учун коммуникациялар тизимининг таъсир доирасига бўйсунмайдиган турли хил (метеорологик, геофизик, тиббий, иқтисодий ва ҳоказо) маълумотларнинг юзага келиши билан. Бунинг натижаси — қуйидаги бошқарувга эга бўлган ахборот танглиги (портлаши) юзага келади:

• инсоннинг ахборот қабул қилиши ва қайта ишлаш борасидаги имкониятлари чекланганлиги билан сақланадиган ахборотнинг мавжуд бўлган кучли оқим ва массивлари ўртасида зиддиятлар пайдо бўла бошлайди. Масалан, шундай қилиб, билимларнинг умумий миқдори бошида жуда секин ўзгарарди, лекин 1900 йилдан бошлаб у ҳар 50 йилда икки баробар орта бошлади, 1950 йилга келиб бу миқдордаги ортиш ҳар ўн йилда, 1970 йилга келиб — ҳар 5 йилда, 1990 йилдан бошлаб эса — ҳар йили кечадиган бўлди;

• истеъмолчи учун фойдали бўлган ахборотни қабул қила олишни қийинлаштирадиган ортиқча ахборот ҳажми кўпайиб кетди;

• ахборотнинг тарқалишига тўсқинлик қиладиган муайян иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий тўсиқлар вужудга келади. Масалан, кўпинча махфийликка риоя қилиниши сабабли турли идоралар ходимлари муҳим ахборотлардан фойдалана олмайдилар.

Бу сабаблар мантиққа умуман тўғри келмайдиган вазиятни юзага келтирди — жаҳонда улкан ахборот имкониятлари тўпланган, лекин одамлар ўз имкониятлари чекланганлиги туфайли улардан тўла ҳажмда фойдалана олмайдилар. Ахборот танглиги жамиятни вужудга келган ҳолатдан қутулиш йўлларини излаш заруриятига дуч келтирди. Фаолиятнинг турли доираларига ЭҲМ, ахборотни қайта ишлаш ва узатиш замонавий воситалари жорий қилиниши саноатлашган ривожланиш босқичида турган кишилик жамиятининг тараққий этишида ахборотлаштириш деб номланган янги ривожланиш жараёнининг юзага келишига хизмат қилди.

Жамиятни ахборотлаштириш фуқаролар, давлат ҳокимияти органлари, маҳаллий ўз-ўзини бошқариш органлари, ташкилотлар, жамоат бирлашмаларининг ахборотга бўлган эҳтиёжларини қондириш ва ҳуқуқларини амалга ошириш учун ахборот манбаларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш асосида энг муносиб шароитлар яратиб беришнинг ташкил қилинган ижтимоий-сиёсий ва илмий-техник жараёнидир.

Бу жараённи батафсил кўриб чиқамиз.

Ахборотлаштиришнинг ривожланиш тарихи АҚШда XX асрнинг

60-йилларидан бошланиб, 70-йилларда — Японияда, ва 70 йилларнинг охирида - Ғарбий Европада ҳам кечади.

Замонавий моддий ишлаб чиқариш ва фаолиятнинг бошқа доиралари ахборот хизматлари кўрсатилишига, катта миқдордаги ахборотни қайта ишлашга

борган сари кўпроқ муҳтождирлар. Турли ахборотга беришнинг универсал воситаси компьютер бўлиб, у инсоннинг ва умуман жамиятнинг имкониятларини кучайтирувчи ролини ўйнайди, компьютердан фойдаланадиган алоқа воситалари эса алоқа ва ахборотни узатиш учун хизмат қиладилар. Компьютерларнинг пайдо бўлиши ва ривожланиши — бу жамиятнининг муҳим таркибий қисмидир.

Жамиятни ахборотлаштириш замонавий ижтимоий тараққиётнинг қонуниятларидан биридир. Бу атама яқин вақтгача ишлатилган "жамиятни компьютерлаштириш" атамасини қатъий изчиллик билан сиқиб чиқармоқда. Бу тушунчаларнинг ташқи ўхшашлиги бор бўлса-да, уларнинг сезиларли фарқи ҳам бор.

Жамиятни компьютерлаштиришда асосий эътиборни ахборотни қайта ишлаш натижаларининг тезкор олинишини таъминлайдиган компьютерлар базасини ривожлантириш ва жорий қилишга қаратилади.

Жамиятни ахборотлаштиришда асосий эътибор инсон фаолиятининг барча турларида ишончли, тўлиқ ва ўз вақтида олинган билимдан тўла-тўкис фойдаланишни таъминлашга йўналтирилган чоралар мажмуасига қаратилади.

Шундай қилиб, "жамиятни ахборотлаштириш" тушунчаси "жамиятни компьютерлаштириш"га қараганда кенгроқ тушунча бўлиб, у ўз талабларини қондириш учун ахборотни тезкорлик билан қўлга киритишга йўналтирилганликни англатади. "Жамиятни ахборотлаштириш" тушунчасида урғуни нафақат техник воситаларга, балки ижтимоий-техник тараққиётнинг моҳияти ва мақсадига қўйиш керак. Компьютерлар жамиятни ахборотлаштириш жараёнинг асосий техник таркибий қисмидир.

Компьютер ва телекоммуникация технологияларини жорий қилиш негизида амалга ошириладиган ахборотлаштириш меҳнатга лаёқатли аҳолининг ярмидан кўпи ишлайдиган ижтимоий ишлаб чиқаришдаги ахборот соҳасида меҳнат самарадорлигини сезиларли даражада оширишга бўлган талабга жамиятнинг жавобидир. Шундай қилиб, масалан, АҚШнинг ахборот соҳасида меҳнатга лаёқатли аҳолининг 60% идан кўпроғи, МДҲда – 40% ига яқини иш билан банддир.

1.2-мисол. Жорий қилинган ахборот ва алоқа технологияларининг аҳоли иш билан бандлиги даражасига ва ишлаб чиқариладиган саноат маҳсулотларига, демакки, меҳнат унумдорлигига бўлган таъсири АҚШ Меҳнат статистикаси бюросининг 1992 йилда тайёрланган маърузасида таҳлил қилинган:

• кўмир қазиб чиқариш саноатида ҳар йили кўмир қазиб олиш 3% ошади, иш билан бандлик эса 1.8 % камаяди.

• дастгоҳсозлик тармоғида 1990 йилда 330 минг киши иш билан банд эди, 2005 йилга келиб, 14 минг киши қолиши башорат қилинган. Бу эса маҳсулотни

йиғиш конвейерларида одамларни оммавий қисқартириш, уларнинг ўрнига робот ва манипуляторларни қўйиш ҳисобига рўй беради;

• фармацевтика саноатида компьютер мутахассислари, дастурчилар, тизим таҳлилчиларини жалб этиш ҳисобига иш билан бандликнинг 1/4 қисм миқдорида кузатилади.

Ҳозирги вақтда жаҳоннинг барча мамлакатлари у ёки бу даражада ахборотлаштириш жараёнини амалга оширмоқдалар. Ахборотлаштиришнинг нотўғри танланган стратегияси ёки унинг етарли бўлмаган динамизми ва ҳаракатчанлиги мамлакат ҳаётининг барча соҳаларида сезиларли, баъзида эса аянчли ўзгаришларга олиб келиши мумкин. Маълумки, ахборотлаштиришни бошлаган биринчи мамлакат — бу АҚШдир. Бошқа саноати ривожланган мамалакатлар бу йўналишнинг истиқболини етиб келишини англаб, тез кўникдилар ва компьютерлар ва телекоммуникация воситаларини жорий қилиш суръатларини ошира бошладилар. Ҳозирги кунда АҚШнинг бошқа ривожланган мамлакатлар томонидан (Япония, Германия ва б.) сиқиб чиқариши ҳисобига компьютер, телекоммуникация ва микроэлектроника соҳаларида ўз сотиш бозорларини йўқотиб бораётгани ҳақида АҚШнинг барча ишбилармон ва сиёсий матбуоти чексиз мунозараларга тўлиб кетган.

Маълумот. АҚШ қуйидагиларни ўз ички бозори учун чиқарган:

• 1980 йилда — барча телефон аппаратларининг 95% ини, телевизорларнинг 80% ини;

• 1991 йилда — телефон аппаратларининг 25% ини ва телевизорларнинг 10% ини. Телекоммуникация савдосида АҚШнинг Японияга экспортининг ўртача йиллик фоизи 1986-1991 йиллар даврида 8% ни, Япониядан телекоммуникация асбоб-ускуналари импортиники 38% ни ташкил этди.

80-йилдан бошлаб ҳар йили Америка саноати электроника бозорининг 3% ини йўқотмоқда, бу 750 млрд.долл.ни ташкил этади, 2000 йилга келиб эса 1 трлн.дол.ни ташкил этиши башорат қилинган эди.

Америка товарларининг ички бозорда истеъмолчилар тарафидан талаб қилинадиган улушининг камайиши томон юзага келган доимий тенденцияси АҚШ иқтисодиётида кўпдан-кўп муаммоларга олиб келди. Вужудга келган вазиятдан қутулиш учун Америка жамияти фаолиятининг барча тарафларини ахборотлаштиришни интенсивлаштириш чора-тадбирлари кўрилмоқда, яъни,

• янги тадқикот ишларига инвестициялар йўналтиришни ошириш;

• таълим сифатини яхшилаш;

• маҳсулот ишлаш босқичида халқаро ҳамкорликни ривожлантириш;

• ишчи кучининг сифатини ошириш ва бошка бир қатор тадбирлар амалга оширилмоқда.

Бу тажрибани бизнинг мамлакатни ахборотлаштириш давлат сиёсатининг ишлаб чиқилишида ҳисобга олиш муҳимдир, негаки, ахборот технологиялари ишлаб чиқилганда, бошқа юқори технологиялар ва иқтисодиётни ривожлантириш учун барча устунликларга ва шарт-шароитларга эга бўлиш мумкин бўлиб қолади. Аксарият ривожланган мамлакатларда шуни тушунадиларки, агар фавқулодда ҳаракатлар амалга оширилмаса, ахборот ва коммуникация технологиялари соҳасидаги қолоқлик мамлакатларнинг ривожланишида қайтариб бўлмаслик тусидаги ҳолатга айланиб қолиши мумкин. Ахборотлаштиришни амалга ошираётган саноати ривожланган мамлакатлардан ўз давлатлари борган сари ортда қолаётганини баъзи "учинчи мамлакатлар" раҳбарлари кучайиб бораётган хавотир билан кузатмоқдалар. Бу шунга олиб келиши мумкинки, мазкур мамлакат ахборот ва саноат соҳасида ривожланган мамлакатлар ҳамжамиятининг хом ашё етказиб берадиган қўшимчаси деб қаралиши мумкин бўлиб қолади. Бу фикр Россия учун ҳам тўла тааллуқлидир.

Мамлакат имкониятларини солиштириш ва баҳолаш учун Япония ахборотлаштириш дастурининг асосий ғоя ва концепциялари қизиқиш уйғотиши мумкин. Бу давлат ҳозирги вақтда замонавий ахборот маҳсулотлари, хизматлари ва технологияларини ишлаб чиқариш бўйича дунёда етакчи ўринни эгаллаган.

Ҳозирги вақтда Япония ахборотлаштиришнинг иккинчи босқичидадир.

Япон лойиҳасининг мақсади — илгари алоҳида таклиф этилган хизматларни ўзаро боғлаш. Бунинг учун телефон хабарлари ва теледастурлардан тортиб то компьютер маҳсулотларигача бўлган барча ахборот турлари умумий бир кабел орқали узатилиши керак. Истиқболда кабел тармоғи абонентлари ўзида бир неча хизмат турини қабул қилиши мумкин бўлади. Лойиҳада шунингдек тажрибасиз фойдаланувчилар учун терминаллар яратишга катта эътибор берилади. Бу терминаллар интеллектуал интерфейсга эга бўлиб, бунда ахборотни киритиш товуш орқали амалга оширилади.

Ахборотлаштириш лойиҳасининг тўлиқ амалга ошиши 20 йилни эгаллайди ва 100 млрд.долл. атрофида маблағ талаб қилади, деб тахмин қилинмоқда.

Бундан ташқари, 5-бўғин компьютерлари яратилишидаги омадсизликка қарамасдан, янги компьютер турларини ишлаш бўйича 10 йилга мўлжалланган ва нархи 480 млн.долл.га тенг бўлган дастур қабул қилинди, у:

• ичидаги ўнлаб-юзлаб процессорлар бир вақтда мураккаб операцияларни бажарадиган ахборот ишлаш параллелизми юқори даражага етган компьютерларни;

• ишлаши миянинг ишлашига мувофиқлиги мавжуд бўлган нейтрон инфокоммуникацияли компьютерларни;

• ахборот узатиш ёруғлик билан амалга ошириладиган компьютерларни ишлашни назарда тутади.

Ривожланиши даражасидан қатъий назар, ҳар қандай давлатда жамиятни ахборотлаштириш ғоялари ҳаётга татбиқ этилиши муқаррарлиги ва зарурлиги тушунилади. Кўпгина давлатлар маҳаллий хусусиятлари ва шароитларини ҳисобга олган ҳолда тузилган миллий ахборотлаштириш дастурларига эга. Бироқ бундай дастурларни тузиш ва жорий қилишда етакчи мамлакатлар тажрибасига таяниш, уларнинг ютуқ ва муваффақиятсизликларини инобатга олиш, уларда ахборотлаштиришнинг мавжуд ва истиқбол тенденцияларини акс эттириш керак.

Ахборотлаштириш дастурини муваффақиятли амалга ошириш учун бутун жаҳон ҳамжамияти учун умумий бўлган тамойилларга амал қилиш маъқул бўлади:

• мамлакатнинг иқтисодий ривожланишини биринчи навбатда таъминлашга интилишдан воз кечиш;

• оғир саноатга асосланган иқтисодий тузилмани илм-фан инфокоммуникацияларига асосланадиган тузилмага алмаштириш;

• ахборот соҳасининг устуворлик хусусиятларини тан олиш. Миллий иқтисодиётни қўллаб-қувватлашга қодир бўлган янги инфратузилма ва хизмат соҳасини яратиш муваффақиятли иқтисодий ривожланишнинг асоси бўлиб бормоқда;

• дунёдаги фан ва техника ютуқларидан кенг равишда фойдаланиш;

• давлат ахборотлаштиришига қанча бўлса, хусусий ахборотлаштиришга ҳам шунча маблаглар йўналтириш;

• коммуникация ва ахборот ишлаш шароитларини енгиллаштириш ҳисобига мамлакат ва унинг фуқаролари фаровонлиги ошишини ахборотлаштиришнинг асосий мақсади деб эълон қилиш.

Ахборот жамиятининг яратилиши ахборотлаштириш жараёнининг натижаси бўлади. Бу жамиятда моддий объектлар билан эмас, балки белгилар, ғоялар, образлар, интеллект, билимлар билан иш олиб борилади. Умуман инсоният олиб қараладиган бўлса, у ҳозирги вақтда саноатлашган жамиятдан ахборот жамиятига ўтмоқда.

Ҳар бир мамлакатда саноатлашган ривожланиш босқичидан ахборот босқичи томон кечадиган ҳаракат жамиятни ахборотлаштириш даражаси билан белгиланади.

Замонавий жамиятдаги ҳаётнинг ажралиб турувчи хусусиятларидан бири оммавий ахборот воситаларининг (газеталар, журналлар, кино, телевидение, радио) ривожланишидир. Улар замонавий фан-техника ишлашлари билан сифатли бир янги даражага қўйилган ва алоқа воситалари ёрдамида

дунё ахборот-коммуникация инфокоммуникацияларига бирлашган бўлиб, бутун дунёда одамларнинг улкан оммаси психологиясига ўта қаттиқ таъсир кўрсатади. Бу АҚШ, Япония, Буюк Британия ва Ғарбий Европанинг кўпроқ ривожланган мамлакатларида айниқса кучли ва аниқ равшанлашаяпти. Оммавий ахборот воситалари ёрдамида жамоат фикри билан манипуляция қилиш, фаолиятининг турли соҳаларида сиёсий қарорларни шакллантириш учун лозим бўлган психологик шарт-шароитларни яратиш имконияти мавжуд.

Оммавий ахборот воситаларининг ривожланишига жамиятни ахборотлаштириш кўп жиҳатдан ёрдам беради. Янги техник воситалар, ахборот технологиялари, телекоммуникациялар ва ҳоказоларнинг юзага келиши ахборотни йиғиш, тўплаш, тезкор ишлаш ва умумжаҳон маконини бўшлиғининг исталган нуқтасига узатишни таъминлайди. Бунинг натижасида, тезкор қарорлар қабул қилиш ва жамиятга мақсадли таъсир ўтказиш мумкин бўлиб қолмоқда. Бу шундай сабаблардан бирики, оқибатда кейинги йилларда етакчироқ давлатларнинг ҳукуматлари ишлаб чиқаришнинг ахборот доирасига катта эътибор қила бошладилар. Жамиятни ахборотлаштириш оммавий ахборот воситаларига бўлган ижобий таъсир этиш билан бир қаторда салбий таъсири ҳам кўрсатади. Шундай қилиб, кўпгина давлатларда бир қатор олимлар шуни таъкидламоқдаларки, оммавий коммуникация доирасидаги техник тараққиёт баъзи ҳолларда жамиятнинг ижтимоий тараққиётига хизмат қилади, негаки баъзан асрлар мобайнида яратилган айрим ижтимоий коммуникациявий алоқаларни йўқ қилади.

Ўз навбатида, оммавий ахборот воситалари ҳам жамиятни ахборотлаштириш жараёнига ўз таъсирини кўрсатиши мумкин: у янги ахборот маҳсулотлари ва хизматларини реклама қилган ҳолда; бу жараённинг бошқа жараёнларга нисбатан устуворлиги ҳақидаги, уни интенсификация қилиш бўйича ўтказиладиган тадбирларнинг бирламчи даражада муҳимлиги ҳақидаги, келажакдаги ахборот жамияти моделида ахборот соҳасининг роли ҳақидаги ижтимоий фикрни шакллантирган ҳолда, шундай қилиш мумкин.

4.4. Ахборот маданияти ҳақида

Ахборот жамиятига ўтиш даврида, юқорида ёритилган муаммоларни ҳал қилишдан ташқари, инсонни катта ҳажмдаги ахборотни тезкор қабул қила олиш ва уни ишлашга, ишлашнинг замонавий воситалари, усуллари ва технологияларини эгаллашга тайёрлаш муҳимдир. Бундан ташқари, ишлашнинг янги шароитлари бир одам ахборотлаштирилишининг бошқа одамлар эгаллаган ахборотга боғлиқлиги келтириб чиқаради. Шунинг учун, ахборотни мустақил равишда ўзлаштириш ва тўплашнинг ўзигина кифоя қилмайди,

балки жамоа билимлари асосида қарорлар тайёрланганда ва қабул қилинганда кечадиган ахборот билан ишлашнинг бундай технологиясини ўрганиш ҳам керак. Бу шундан далолат берадики, ахборот билан иш олиб боришда инсон маълум даражадаги маданият эгаси бўлиши керак. Бу фикрни акс эттириш учун "ахборот маданияти" атамаси киритилган.

Ахборот маданияти — ахборот билан мақсадли ишлаш ҳамда компьютер ахборот технологиясини, замонавий техник воситалари ўзлаштириш, ахборот ишлаш ва узатиш учун улардан фойдаланиш маҳоратидир.

Айрим адабиётларда берилган "ахборот маданияти" тушунчасини келтирамиз: «Ахборот маданияти тор маънода — бу одамлар муносабатлари ривожланишида эришилгани даражаси, шунингдек одамлар ҳаётий фаолияти ахборот доирасининг тавсифи. Бу тавсифда биз эришилганларнинг даражасини, яратилганининг сони ва сифатини, ривожланиш тенденцияларини, келажакни башорат қилиш даражасини белгилашимиз мумкин"

Ахборот оқимини бемалол биладиган бўлиш учун инсон умумий маданият таркибий қисмларидан бири сифатидаги ахборот маданиятини эгаллаши керак. Ахборот маданияти инсоннинг ижтимоий табиати билан боғлиқ бўлади. У инсоннинг турли ижодий қобилиятлари маҳсули ҳисобланиб, қуйидаги кўринишларда намоён бўлади:

• техник конструкциялардан фойдаланиш бўйича аниқ билимларда (телефондан тортиб то шахсий компьютер ва компьютер инфокоммуникацияларигача);

• асосий таркибий қисми кўп сонли дастурли маҳсулотлар бўлган компьютер ахборот технологиясини ўз фаолиятида ишлата олиш қобилиятида;

• ахборотни турли манбалардан ола билишда: даврий нашрлардан қандай бўлса, электрон коммуникациялардан ҳам шундай қилиб, уларни тушунарли кўринишда тақдим этиш ва ундан унумли фойдаланишни билиш;

• ахборотни таҳлилий қайта ишлаш асосларига эга бўлишда;

• турли хил ахборот билан ишлай олишда;

• ўз фаолият соҳасидаги ахборот оқимларининг хусусиятларини билишда.

Ахборот маданияти унинг ривожланишига ва муайян фаолият турига мослашишга ёрдам қиладиган фанлар (кибернетика, информатика, ахборот назарияси, маълумотлар базасини лойиҳалаш назарияси ва бошқа бир қатор фанлар) билимларини ўз ичига олади. Янги ахборот технологияларини билиш ва уни қўллай олиш ахборот маданиятининг ажралмас қисмидир. Бу қўллаш эскирган, қолоқ операцияларни автоматлаштириш учун қандай бўлса, ноанъанавий ижодий ёндашувни талаб қилувчи одатдан ташқари вазиятларда ҳам шундай амалга оширилади.

Ахборот жамиятида ахборот маданиятини эгаллашни болаликданоқ бошлаш зарур, аввалига электрон ўйинчоқлар ёрдамида, сўнгра эса электрон компьютерларни жалб қилган ҳолда. Олий таълим муассасасида ахборот жамиятининг ижтимоий буюртмаси деб, фаолиятнинг муайян доирасида ишлаш учун муҳим бўлган, талабаларнинг ахборот маданияти даражасини таъминлашни ҳисоблаш керак. Олий таълим муассасасида талабага ахборот маданиятини сингдиришда ахборот йўналишидаги назарий фанларни ўқитиб-ўргатиш билан бир қаторда, кўпгина вақтни бўлғуси фаолият доирасининг асосий таркибий қисми бўладиган компьютер ахборот технологияларига ажратиш лозим.

Янги технологияларнинг фирма ҳаракатлари ва инсон хатти-ҳаракатига таъсири. Ахборот технологиялари таъсири остида истеъмолчиларнинг хатти-ҳаракатида рўй берадиган ўзгаришлар ҳақида сўзлаш имконини берувчи бир нечта умумжаҳон тенденцияларини ажратиб кўрсатиш мумкин.

Энг аввало, бизнинг назаримизда, шундай жараён юз бермоқдаки, уни истеъмолчи хатти-ҳаракатининг оқилоналашуви деб аташ мумкин. Истеъмолчи танлови назариясида кўзда тутилгани шуки, истеъмолчи наф даражасини оширишга интилади ва бунда истеъмолчининг мувозанати таъминланади. Бироқ ахборотдан фойдаланиш имкониятининг кенглиги бугунги кунда истеъмолчига бу соҳада анча катта имкониятларни тақдим этади, шунингдек наф даражаси анчагина ошади.

Бозор ҳам 20-30 йил аввалгига қараганда анча кўпроқ даражада истеъмолчига қаратилган бўлади. Қолаверса ахборот технологияси имкониятлари туфайли истеъмолчи ва ишлаб чиқарувчининг ўзаро муносабатлари соддалашиб, истеъмолчининг узоқ муддатли даврдаги манфаатлари қисқа муддатли даврдаги манфаатлари билан қўшилиб кетишига замин ҳозирланади.

Истеъмолчининг хабардорлик даражаси ошиши билан унинг мослашувчан ва жорий даврга мос қарор қабул қилиш имконияти ҳам ортади, буни истеъмолчининг хатти-ҳаракатига доир башоратлар ишлаб чиқишда инобатга олиш лозим бўлади. Шундай қилиб, ахборот технологиялари шароитида истеъмолчининг хатти-ҳаракати кўп жиҳатдан чексиз когнитив имкониятларга эга бўлган «homo economicus» нинг ортодоксал моделига мувофиқ келади, негаки янги ахборот технологиялари таъсирида оқилоналикнинг потенциал имкониятлари тўғри хатти-ҳаракат функцияларига айланади.

Яна бошқа бир фикр борки, унга кўра бугун инсоннинг хулқ-атворини «homo economicus»нинг анъанавий неоклассик модели доирасида тушунтириш мумкин эмас, чунки инсонда бу модел кондиришни назарда тутадиган соф моддий эҳтиёжлардан ташқари, янги имкониятлар таказоси билан, кўпроқ номоддий эҳтиёжлар юзага келмоқдаки, бу инсоннинг кўп жиҳатдан постиндустриал жамиятга хос бўлган янги моделини шакллантиришга олиб

келади — бундай тасаввур социоэкономика (socio-economics)[1] тарафдорларига тегишли.

Уларнинг фикрича, одамларга худбин ва рационал субъектлар сифатида бир томонлама қараш мумкин эмас, чунки " ...инсонларга худбинлик ҳам, саховат ҳам, рақобатга интилиш ҳам, ҳамкорликка интилиш ҳам, ялқовлик ҳам, тадбиркорлик ҳам хосдир..."[2]

ҳолбуки замонавий дунёда инсоннинг бундай иккилик моҳияти шунчалик аҳамият касб этмоқдаки, на социология ва на иқтисодий назария индустриал давргача уларда ҳукмронлик қилган инсоннинг анъанавий моделлари билан чекланиб қололмайди.

Замонавий одамнинг хатти-ҳаракатини таҳлил қилиш соҳасида 2000 йилдаги Нобел мукофотининг иқтисодий йўналишдаги номзодлари Д.Макфадден, Ж.Хекманнинг ишлари алоҳида аҳамият касб этади. Улар ортодоксал назарияга муқобил бўлган истеъмолчининг хатти-ҳаракати назариясини илгари сурдилар, бунда Д.Макфадден шахслар томонидан фаолият ва истиқомат жойининг танланиши назариясига асос солди, Ж.Хекман эса ҳаридор томонидан сотиб олинадиган маҳсулотнинг эркин танланишини баҳолаш услубиятини ишлаб чиқди. Иккала муаллиф ҳам шунга эътибор қаратадики, шахснинг бугунги кунда юзага келган шарт-шароитдаги хатти-ҳаракати одатдагидан кўра анча мураккаб бўлган кўп муқобилли танлов натижасидир.

Аммо, бизнинг назаримизда, гап мақсад функциясининг табиатини инкор этиш ҳақида эмас (бу функция ахборот жамиятида ҳам максималлаштирувчи бўлиб қолаверади) ва, демакки, унга асосланган инсон моделини инкор этиш ҳақида эмас, балки шахснинг афзал кўриш тизимидаги ўзгаришлар ҳақида бормоқда. Қолаверса истеъмолчининг хатти-ҳаракати классик таҳлил доирасида умум қабул қилинган назарий низомларга тўла-тўкис мос келади ва ҳатто, биз юқорида кўрсатганимиздек, оқилона қарор қабул қилиш маълум маънода соддалашади ҳам.

Билим асосий ресурсга айланади, ресурслар танқислигига асосланган иқтисодий фаолият эса ахборот ва уни узатиш усулларининг мўллигига асосланган иқтисодий фаолиятга ўрин беради. Ушбу ҳолатда истеъмолчи учун шуниси муҳим жиҳат бўладики, у замонавий ахборот технологиялари истеъмолчининг тасарруфига тақдим этадиган улкан ҳажмдаги ахборотдан керакли сини саралаб олиш имконига эга бўлади.

Янги технологиялар шароитида иқтисодиётга хос бўладиган ахборотнинг мўллиги ўз танловини амалга оширувчи истеъмолчи учун турлича ҳолатни

---

[1] Э. Вальцескини, Р.А. Кокорев, К. Менар и др. Под ред. А.Е. Шаститко Трансакционные издержки, связанные с созданием и использованием прав на товарные знаки в России /. - М.: ТЕИС. 2000. - С. 49-50.

[2] Сакайя Т. Стоимость, создаваемая знанием, или История будущего / Т. Сакайя. Новая постиндустриальная волна на Западе. Антология. Под ред. В.Л. Иноземцева. - М.: Academia. 1999. - С. 349—350

юзага келтиради. Бир томондан, у йирик ҳажмдаги ахборотдан фойдаланиш имконига эга бўлиб, бутун ахборот орасидан ўзи учун энг аҳамиятли бўлганини топиши эҳтимоли ошади. Бошқа томондан, айнан ахборот ҳажмининг йириклиги аҳамиятли ахборотни излаш ва танлаш жараёнини қийинлаштиради. Истеъмолчи ўз истеъмолида энди алоҳида олинган маҳсулотга эмас балки умумий хусусиятлар ва сифатларга эга бўлган маҳсулотлар гуруҳи (компьютер моделлари, қаҳва навлари ва ш.к.)га эътибор қаратади ва турли-туман имкониятлар ортиб бораётган шароитда шу тарзда ўзининг танлов жараёнини соддалаштиради.

Америкалик иқтисодчи К.Ланкастер истеъмолчининг хулқ-атвори ва истеъмол талабининг шаклланишини таҳлил қилишнинг янги усулини таклиф этди. Хусусиятлар таҳлили (attribute analysis)3 номини олган бу усул товарларни турдош гуруҳларга ажратишга асосланади.

Умуман олганда, бу усул ординалистик назария инструментларидан фойдаланади, фақат бир фарқи шуки, унинг мулоҳазавий "қурилмалари"да фарқсизлик эгри чизиқлари, ординалистик концепциянинг анаъанавий вариантида қабул қилингани каби, товарларни ўз ҳолича эмас, балки уларнинг кўпгина хусусиятларини намойиш қилади.

Ушбу ёндашувнинг асосий хулосаси шуки, мавжуд афзалликлар тизимида истеъмолчи берилган товар учун тўлашга тайёр бўлган энг юқори нарх борки, нархлар кўтарилганда у мазкур товар билан бир хил хусусиятларга эга бошқа товарлар комбинациясини афзал кўра бошлайди, қолаверса умумий хусусиятларга эга товарлар кўлами кенгая бориб, нархларнинг тобора пасаювчи қийматларида кўзланганига эришилади. Бундай шароитда бозор хабарларининг аҳамияти ортади, яъни сотувчилар томонидан иқтисодий маҳсулотларнинг хусусиятлари ҳақида хабарлар шакллантирилиб, потенциал харидорлар томон йўлланади.

Шунчаки ўз маҳсулот ва хизматларининг бозори чаққон бўлиши учунгина эмас, балки истеъмолчиларда ўзлари ва ўз фаолиятларининг натижалари ҳақида нархсиз рақобатнинг муҳим унсурларига айланаётган товар белгилари ва брэндлар орқали барқарор ижобий таассурот уйғотишга интилаётган компанияларнинг реклама фаолияти айнан бозор хабарларини тарқатишга йўналтирилган бўлади. Компания томонидан ишлаб чиқарилган товар ва хизматларни бошқалардан фарқлаш имконини берадиган махсус мазмунни ўзида ифодаловчи товар белгиси ҳамда муайян товар белгиси билан боғлиқ ҳолда юзага келадиган харидорнинг таассуротлари мажмуини ўзида жамлайдиган унга мос брэндлар кўпгина иқтисодчилар томонидан капиталнинг номоддий активи сифатида қаралади, негаки улар товарларни фарқлашнинг сунъий воситаси сифатида ўз эгаси учун бозорда монопол вазиятни таъминлайди, товар

белгисини ўзлаштирган маҳсулотнинг истеъмолчи учун жозибаси камайиши эса орқали капитални эскиришга олиб келади.[1]

Бундай шароитда ишлаб чиқарувчининг вазифаси ижобий брэнднинг "яшаш муддати"ни узайтиришдан иборат бўлади, чунки бу унга бозордаги ўз монопол мавқеидан фойдаланиш ва ижобий брэнднинг бутун яшаш даври мобайнида монополиявий тарзда рента олиб туриш имконини беради.

Булар истеъмолчи учун нимани англатади? Истеъмолчи, ижобий брэндга дуч келгани ҳолда, ушбу брэнд назарда тутадиган мажбуриятларни фирма қанчалик бажариши ҳақида юз фоиз аниқлик билан ҳукм чиқара олмайди. Катта ҳажмли ахборотга эга бозорларда ёлғон хабарлар тарқалиши эҳтимоли юқори бўлади ва истеъмолчи товар танлашда анча мушкул аҳволда қолиши ҳам мумкин.

Истеъмолчининг хатти-ҳаракатини айни ушбу шарт-шароитлар белгилайди. Биринчидан, бозорга юзланган истеъмолчи имкони борича кенг танилган, халқаро миқёсда машҳур бўлган номдор брэндни танлашга интилади. Т.Сакайя қандай қилиб галстук танлаётган истеъмолчи таниқли брэндга эга маҳсулот учун юқори нарх тўлаши мумкинлиги ҳақида бир мисол келтиради: "...мазкур фирманинг галстугини сотиб олишда харидор бу маҳсулотнинг нуфузи юқори деб тан олинганига, унинг мисли йўқ дизайни эса бу маҳсулотни тайёрлаган фирмага у ёки бу тарзда алоқадор бўлганларнинг жамоавий интеллектини акс эттиришига ишончи комил бўлади. Бошқача айтганда, билим туфайли яратилган қийматни фирманинг номи беради, ишлаб чиқарувчиларнинг интеллектини акс эттирувчи маҳсулотни сотиб олган харидор тутган йўл эса оқилона деб тан олинади"[2] .

Шундай қилиб, ишлаб чиқарувчилар ўз билим ва иқтидорлари билан истеъмолчида ўзлари сотадиган маҳсулот ҳақида яхлит интеллектуал тасаввур ҳосил қилиш ва яхши таассурот қолдиришга интиладилар. Яъни брэндда биз ҳам ишлаб чиқарувчи томонидан, ҳам истеъмолчи томонидан "келган" билимларнинг тўпланишини кўрамиз. Брэнднинг ахборий табиатини ҳисобга олиб ҳеч ажабланмай айтиш мумкинки, у инфокоммуникация неъматларининг хоссаларига эга ва мазкур брэнддаги неъматнинг истеъмолчилари сони ўсиши нафақат унинг жозибадорлиги ортишига, балки уни шакллантиришга кетадиган харажатларнинг кўтарилишига ҳам сабаб бўлади.

Иккинчидан, брэндлар қопқон каби самара бериши мумкин (бир брэнд доирасидаги товар ва хизматлар бир-бирига нисбатан кучли тавсия бўлиб чиқиши ҳам мумкин), истеъмолчи ўзи ўтмишда фойдаланган ёки ҳозир фойдаланаётган брэндларини танлайди.

Ва ниҳоят, истеъмолчи имкон қадар брэндларни текширишга интилади ва шу муносабат билан тегишли давлат қонунлари ва органларининг роли муҳим бўлади.

---

[1] Э. Вальцескини, Р.А. Кокорев, К. Менар и др. Под ред. А.Е. Шаститко Трансакционные издержки, связанные с созданием и использованием прав на товарные знаки в России // - М.: ТЕИС, 2000. - С. 49-50.

[2] Сакайя Т. Стоимость, создаваемая знанием, или История будущего // Т. Сакайя. Новая постиндустриальная волна на Западе. Антология. Под ред. В.Л. Иноземцева. - М.: Academia, 1999. - С. 349-350

Технологик ўзгаришлар даврида гравитацион модел деб номланмиш туб ўзгаришлар юз берадики, унинг доирасида ҳодисаларнинг иштирокчилари таксимоти башорат қилинади (бизнинг ҳолатда — бозордаги истеъмолчилар сони). Гравитацион моделнинг анъанавий талқинига кўра янги истеъмолчилар сони улардан айрибошлаш битишувлари жойигача бўлган масофага тескари пропорционал бўлиб, бу нисбат қуйидаги тенглама билан ифода этилади:

$$Exportsij = \alpha\ GDPiGDPj\ /(DISTij)\beta\ ,$$

Бунда GDPjGDPj — қаралаётган икки мамлакатнинг ялпи ички маҳсулоти; DISTij — улар орасидаги масофа; α ва β — муайян макроиқтисодий муҳитдаги катталиклар билан аниқланувчи реакция коэффицентлари.

Модел илк бор В. Бекерман томонидан Европа савдосини иқтисодий таҳлил қилиш учун ишлатилган эди, лекин кейинчалик бошқа иқтисодчилар ҳам ундан кенг фойдалана бошлашди[1].

Шунга қарамай сўнгги йилларнинг тажрибаси ушбу тахминни йўққа чиқармоқда; статистиканинг гувоҳлик беришича, анча олис минтақалардаги истеъмолчилар сони гравитацион модел асосида олинадиган сондан ошиб кетади[2]. Бугунги кунда иштирокчилар сонини аниқлашдаги ҳал қилувчи омил сифатида қарор қабул қилиш харажати (decision-making cost) олдинга чиқади ва бу В. Бекерман таклиф килган моделнинг хулосаларини йўққа чикаради.

Бундан ташқари бозор трансакциялари секин-аста барча учун равшанлашиб бормоқда ва иқтисодий субъектлар ўз карорларини қабул қилишда унга асосланишмоқда.

Шундай қилиб, ахборот технологиялари хўжалик субъектларининг ўз иқтисодий вазифаларини идрок этишини модификациялайди ва шунга мос ҳолда ушбу субъектларнинг хулқ-атворини ўзгартиради. Истеъмолчи танлови назариясининг мазмуни ҳам ўзгаради. Ҳа, агар неоклассик назариянинг ўзагидан туриб қарашда давом этсак, истеъмолчи аввалгидек нафлиликни максималлаштиришга интилади, лекин, биринчидан, нафлилик кенгроқ талқин қилинади, иккинчидан эса, истеъмол танловини амалга оширишда мукобил имкониятлар ортади.

Ахборот нуктаи назаридан юксак очиклик ва карор қабул қилиш нуктаи назаридан катта мослашувчанлик бизнесни анча кучли рақобатга қўяди ва унинг ривожи учун янги талабларни тақдим этади. Бошқача айтганда, гап мутлак рақобат модели асосий фаразларининг ҳақиқатга мос келиш даражаси кўтарилиши ҳақида бормоқда. Товар ва хизмат портфеллари (вертикал

[1] Beckerman W. Distance and the Pattern of intra-European Trade / W. Beckerman. Review of Economics and Statistics. — 1956. — V. 38. — P. 31 — 40.
[2] Сакайя Т. То же. С. 364.

бозорлар) ни ташкил қилиш орқали Интернет рақобатбардошлик, харажатлар тузилмаси ва ишлаб чиқарувчиларнинг фойдаси учун янги стандартларни жорий қилади.

Бундан кейинги қисмларда энди, ахборот технологияларининг гуркираб ёйилиши шароитида фирма фаолиятига бўлган муносабат қай тарзда ўзгаришини кўриб чиқамиз.

Кўп йиллар аввал таниқли америкалик иқтисодчи Р.Коуз ўзининг "Фирманинг табиати" номли машҳур мақоласида шундай савол қўйган эди: фирма нега мавжуд? Жавоб шу эдики, фирма бозорни мувофиқлаштиришдаги трансакциявий харажатларни пасайтириш имконини берарди. Агар "тасодифий тартиб" трансакциявий харажатларни катта гуруҳли ҳажмда тежаса, тадрижий тартиб шу натижани кичик гуруҳли ҳажмда, яъни фирма кўринишидаги ташкилот доирасида таъминлайди. Бироқ замонавий ахборот технологиялари иқтисодиётнинг кўпгина соҳаларидаги трансакциявий харажатларни амалда нолга қадар тушириш имконини беради. Сўз таъминотчилар ва харидорларни излаб топиш, махсус ва кўп хусусиятли ресурсларни танлаб олишга доир трансакциявий харажатлар ҳамда илгари анча анча кўп вақт ва пул маблағларини сарфлашни талаб қилган бошқа масалаларни ҳал қилиш тўғрисида бормоқда.

Ахборот технологияларининг иқтисодиётдаги татбиқига бағишланган кўпгина нашрлар шуни таъкидлайдики, харажатларни камайтириш ва миқёс билан тежашга қаратилган ёппасига ишлаб чиқариш асри 1970 йилларнинг охири ва 1980 йилларнинг бошида япон корхоналарининг музаффарлиги билан якун топди ва секин-аста асосий устуворлиги ишончлилик, умрбоқийлик ва андозаларга мувофиқлик бўлган сифат асрига йўл берди. Ҳозир эса, XXI аср бошида, биз истеъмолчи асрининг қадам қўйишини кузатмоқдамизки, унинг марказида истеъмолчининг маҳсулотга бўлган таъсири ғояси ётади. Бунда мижозларнинг якка тартибдаги эҳтиёжларини самарали ишлаб чиқариш ва глобал бозорнинг шаклланиши билан ҳамоҳанг қилиш имконияти пайдо бўлди. Иқтисодий фаолиятнинг жўғрофий макондан кибер маконга кўчиши ва олди-сотди жараёнларининг анъанавий шакллардаги бозор соҳасидан Инфокоммуникация соҳасига ўтиши рўй бермоқда. Икки ёнма-ён амал қилаётган тенденция, яъни глобаллашув ва ахборотлашув замонавий бозорларнинг олдинги даврлардагидан мураккаброқ бўлишини таъминлайди, иш-фаолиятнинг юқори даражадаги равшанлиги эса таваккалчилик ва кутилмаган натижалар хавфини пасайтиради.

Интернет-компанияларнинг динамик ривожи ҳам эътиборга лойиқ. Интернет-компанияларда ўсиш суръатлари иқтисодиётнинг анъанавий соҳаларидаги компанияларга қараганда юқорироқ. Россиянинг Rambler номли интернет-холдинги 2004 йилда 12.5 млн. долл. айланмаси бўлгани ҳолда 2005 йилнинг

июнида лондоннинг AIM майдончасига муваффакиятли жойлашиб олди ва бу жойлашувдан сўнг дархол унинг капиталлашуви 150 млн. долл. ни ташкил қилди.

Интернетни иқтисодиётнинг анъанавий соҳаларидаги фирмалар фаол равишда ишлатадилар. Инфокоммуникация имкониятлари эндиликда рақобатдаги устунлик сифатида эмас, балки бизнесни замонавий даражада, малакали фирма фаолияти ҳақидаги жаҳон тасаввурларига мувофиқ ҳолда юритиш учун зарурий шарт сифатида қаралмоқда. "Инфокоммуникацияли иқтисодиётда фирманинг асосий мақсади — фирманинг қадрини максималлаштириш эмас, балки фирма тармоғининг қадрини максималлаштириш", - дея ифода этади бу фикрни К.Келли. Инфокоммуникация шуниси билан фарқланадики, унинг фаолият кўрсатишидаги ўзгарувчан харажатлар ва лаг (вақт оралиғи) нолга тенглашади, у ахборотдан ҳам, иқтисодий агентларнинг бир-бири билан ўзаро муносабатидан ҳам чекланмаган равишда фойдаланиш имкониятини тақдим этади. Шундай экан, замонавий фирма ишини ташкил қилишда янги ёндашувларни ишлаб чиқиш зарур бўлади.

Фирма фаолиятида Интернет янада муҳимроқ рол ўйнайди: даставвал компания Инфокоммуникацияни яна бир маркетинг канали сифатида ишлатади, сўнг Интернетдан хўжалик юритувчи субъектларни бирга боғлаш мақсадида фойдаланиш бошланади, ундан кейин, аксарият бизнес жараёнлари тўлиқ автоматлаштирилгач, компаниянинг трансформациялашуви юз беради.

Компанияларнинг асосий бўлмаган функциялари бунда аутсорсингга берилиши мумкин. Аутсорсинг деганда алоҳида функциялар ёки жараёнларнинг фирма томонидан бевосита ушбу соҳага ихтисослашган бошқа фирма, шахс ёки ташкилотларга қисман ёки тўлиқ топширилиши тушунилади. Аутсорсинг бир қатор сабаблар туфайли амалий тажрибада кенг тарқалди: компанияларнинг ўз фаолиятларини турли мамлакатлар бўйлаб ёйишга интилиши бир ҳудудга маҳкам боғланишдан воз кечишни талаб қилади, АҚШатқич рақобат энг юқори натижага эришиш учун турли фаолият кўринишларини кучлироқ ихтисослаштиришга мажбур қилади, замонавий компаниялар йирик сондаги ходимларни бош компанияда ушлаб туришлари шарт эмас, балки уларга бош компаниянинг алоҳида топшириқларини бажариб берувчи бир қанча турли компанияларни назорат қилиш афзалроқ. Аутсорсингга маркетинг, ишлаб чиқариш учун харидлар, логистика каби вазифаларни топшириш мумкин. Секин-аста фақат стратегик масалалар (маҳсулотни ишлаб чиқиш, мижозларга хизмат кўрсатишиш) билан шуғулланувчи виртуал компаниялар моделига ўтиш юз беради, бошқа вазифалар эса Инфокоммуникация ёрдамида кўрсатиладиган хизмат сифатида истеъмол қилинади. Рақобатга эса алоҳида брэндлар тушади, маълум ташкилий тузилмалар эмас. Мана сизга

компаниянинг янги модели — унда маҳсулот таркибини ишлаб чиқарувчи эмас, балки буюртмачи шакллантиради. Бундай тизим қанчалик қайишқоқ бўлса, у истеъмолчининг оний манфаатларини шунчалик яхшироқ акс эттиради.

Компаниянинг "ахборий фойдалилиги" атамаси пайдо бўлдики, у компаниялар ва бошқа ташкилотларнинг ахборотдан стратегик мақсадларга эришишда тизимли ва оқилона равишда фойдаланиш қобилиятини англатади, — бу компаниянинг ахборот кўникмаларини электрон айрибошлаш шакллари берадиган афзалликлар билан бирлаштириш усулидир. Ахборот нуқтаи назаридан фойдалилик мавкеига эришиш учун компания яхши ўйланган ахборот сиёсатига, ахборот борасида аниқ белгиланган устувор йўналишларга, ахборот масалаларини инобатга олувчи корпоратив маданиятга, ва ниҳоят, ахборотларга алоқадор топшириқларни бажара оладиган юқори малакали ходимларга эга бўлиши лозим.

Бугунги кун тадқиқотларидан маълум бўлишича, энг ракобатбардош фирмалар шундай фирмаларки, улар технологик янгиликларни ҳисобга олган ҳолда доимий такомиллашиш ва уларни жорий қилиш имконига эга бўладилар. Технологик афзалликларга эришиш мақсадини кўзловчи ишлаб чиқариш жараёнидаги таълим ғояси кенг тарқалмоқда.

4.5. Ахборот технологияларининг пайдо бўлиши ва ривожланишидаги асосий босқичлар

Ахборот технологияларининг пайдо бўлиш тарихи қадим замонларга бориб такалган бўлиб, унинг биринчи босқичида, ҳисоблаш амалларини бажариш учун оддий таёқчалар ва тошлардан фойдаланилган.

1617 йили ихтиро этилган Жон Непернинг логарифмик асосида ишловчи "таёқча"си ҳисоблаш амалларини бажаришни енгиллаштиришдаги муҳим қадамлардан саналади.

Кейинчалик Генри Бриггс биринчи маротаба ўнлик логарифмлар жадвалини тузди. Бу жадвал ёрдамида ҳисоблаш амалларини бажариш бирмунча осонлашди. 1851-1854 йиллар орасида француз Амедей Маннхейм логарифмик линейкани ихтиро этди. Ундан XX-асрнинг ўрталаригача, яъни электр токи ёрдамида ишловчи арифмометрлар пайдо бўлгунига қадар тахлилий ҳисобларни бажаришда фойдаланиб келинди.

Сонлар йиғиндисини ҳисоблаш имкониятига эга бўлган биринчи механик машина 1642 йили француз физик олими Блэз Паскаль томонидан яратилди. 1673 йили немис олими Готфрид Вильгельм Лейбниц эса механик хисоблагични ихтиро қилди. Бу машина аввалгиларига қараганда анча мукаммал бўлиб, иккилик саноқ тизимида қўшиш, айириш, кўпайтириш, бўлиш ва квадрат илдиз чиқариш амалларини бажара оларди.

1822 йилда инглиз математиги Чарльз Бэббижнинг дастур ёрдамида бошқариладиган таҳлилий машина лойиҳаси ҳисоблаш машиналарининг яратилишида муҳим қадамлардан бири бўлди. Аммо ўша даврларда техник имкониятлар чекланганлиги туфайли Бэббидж ўз лойиҳасини тўлиқ амалга ошира олмади. Кейинчалик мазкур лойиҳа ҳисоблаш машиналарининг яратилишида асосий тамойил бўлиб хизмат қилди.

XIX асрнинг 80-йиллари охирида АҚШлик Герман Холлерит перфокартага туширилган маълумотларни автоматик тарзда ишлайдиган статистик табулятор яратди. Бундай табуляторларнинг яратилиши рақамли таҳлилий ҳисоб машиналари янги синфини ишлаб чиқишда илк қадам бўлди.

Ч.Бэббиж ва Г.Холлеритларнинг ихтироларидаги ғояларга асосланган ҳолда Гарвард университетининг профессори Говард Эйкен 1937-1943 йиллар давомида электромагнит реле асосида ишлайдиган "МАРК-1" ҳисоб машинасини ихтиро этди.

Тахминан шу вақтнинг ўзида АҚШда таниқли математик Жон фон Нейман иштирокида Пенсильвания университетининг ходимлари Жон Мочли ва Проспер Эккертлар томонидан ҳисоб машинасининг ҳаракати электрон лампалар ёрдамида амалга оширилиши мумкинлигининг назарий ва техник асослари яратилди. Бундай ҳамкорлик натижасида 1946 йили дунёда биринчи электрон ҳисоблаш машинаси-ENIAC яратилди. Бу ҳисоблаш машинаси 18 минг электрон лампадан ташкил топган бўлиб, 150 квт электр кувватини сарф этарди. Иш жараёнида Жон фон Нейман 1945 йили ҳисоблаш техникасининг ривожланишида муҳим илмий ҳужжатлардан бири бўлган ўзининг мақоласини чоп этган бўлиб, унда янги авлод универсал ҳисоблаш машиналари қурилмаларининг функционал вазифалари ва ишлаш тамойиллари асослаб берилган эди. Бу ихтиро биринчи авлод ҳисоблаш машиналари, яъни компьютерларнинг яратилишидаги дастлабки қадам бўлган эди.

Транзисторлар вужудга келиши ва уларнинг ҳисоблаш техникасида қўлланилиши иккинчи авлод ҳисоблаш машиналари учун асосий мезон бўлди. Электрон лампалар ўрнини транзисторлар эгаллаши натижасида компьютерларнинг тезлиги ва ишончлилик даражаси ошди, шунингдек, қурилмаларнинг ҳажми ихчамлашиб, имкониятлари кенгайди.

1958 йили АҚШлик Жек Килби томонидан битта ярим ўтказгичли пластинада бир нечта транзисторни хосил қилиш имконияти яратилди. 1959 йили Роберт Нойс (INTEL фирмасининг асосчиси) эса шундай пластинадаги транзисторларни маълум схема бўйича улаш усулларини ихтиро қилди. Бундай кўринишдаги электрон схемалар интеграл схемалар ёки чиплар деб юритилди. 1968 йили Burroughs фирмаси интеграл схемалар асосида биринчи

компьютерни яратди. Шундай қилиб, учинчи авлод компьютерлари пайдо бўлишида элемент база асосини интеграл схемалар ташкил этди.

70-йилларнинг ўрталарида тўртинчи авлод компьютерлари яратилиб, уларнинг элемент базаси катта ва ўта катта интеграл схемалардан ташкил топган эди.

70-йилларга келиб, микроэлектрониканинг ривожланиши шахсий компьютерлар яратишга имконият очиб берди. INTEL фирмаси 1970 йил охирига келиб, биринчи Intel-4004 микропроцессорини яратди. Аввалига бу микропроцессорлар турли хил махсус қурилмаларда электрон схемалар ўрнида ишлатиб келинди. 1973 йили INTEL фирмаси 8 битли Intel-8008 микропроцессорини яратди ва 1975 йили шу микропроцессор асосида биринчи шахсий компьютер - Альтаир - 8800 юзага келди.

1981 йилнинг август ойида IBM фирмаси биринчи IBM PC типидаги шахсий компьютер яратиб, уни кенг оммага тақдим этди. Бир-икки йилдан сўнг IBM PC компьютерлари жаҳон бозорида олдинги ўринларга чиқиб олди. Ҳозирги вақтда IBM PC компьютерлари шахсий компьютерларнинг стандарти бўлиб қолди.

1984 йили Microsoft фирмаси Windows операцион тизимининг биринчи намунасини яратди. Windows операцион тизимининг яратилишини, жумладан америкаликлар XX асрнинг энг буюк кашфиётлари сифатида эътироф этдилар.

4.6. Ахборотлаштириш соҳасидаги давлат сиёсати

Ахборотлаштириш соҳасидаги давлат сиёсати ахборот ресурслари, ахборот технологиялари ва ахборот тизимларини ривожлантириш ҳамда такомиллаштиришнинг ҳозирги жаҳон тамойилларини ҳисобга олган ҳолда миллий ахборот тизимини яратишга қараталгандир[1].

Ахборотлаштириш соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари қуйидагилардан иборат:

- ҳар кимнинг ахборотни эркин олиш ва тарқатишга оид конституциявий ҳуқуқларини рўёбга чиқариш, ахборот ресурсларидан фойдаланилишини таъминлаш;

- давлат органларининг ахборот тизимлари, тармоқ ва ҳудудий ахборот тизимлари, шунингдек, юридик ҳамда жисмоний шахсларнинг ахборот тизимлари асосида Ўзбекистон Республикасининг ягона ахборот маконини яратиш;

- халқаро ахборот тармоқлари ва Интернет жаҳон ахборот тармоғидан фойдаланиш учун шароит яратиш;

[1] Ўзбекистон Республикаси Президентинг "Компьютерлаштиришни янада ривожлантириш ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш тўғрисида"ги фармони. 2002 йил 30 май

- давлат ахборот ресурсларини шакллантириш, ахборот тизимларини яратиш ҳамда ривожлантириш, уларнинг бир-бирига мослигини ва ўзаро алоқада ишлашини таъминлаш;

- ахборот технологияларининг замонавий воситалари ишлаб чиқарилишини ташкил этиш;

- ахборот ресурслари, хизматлари ва ахборот технологиялари бозорини шакллантиришга кўмаклашиш;

- дастурий маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва уни рағбатлантириш;

- тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш, инвестициялар жалб этиш учун қулай шароит яратиш;

- кадрлар тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш, илмий тадқиқотларни рағбатлантириш.

Ахборотлаштириш миллий тизимини шакллантириш, барча соҳаларда замонавий ахборот технологияларини жорий этишни жадаллаштириш ҳамда унинг ҳуқуқий асосларини тартибга солишда шу йўналишдаги Республика қонунлари, Президент Фармонлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва бошқа меъёрий ҳужжатлар муҳим ўрин тутади.

Айниқса, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2002 йил 30 майда чиққан "Компьютерлаштиришни янада ривожлантириш ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш тўғрисида"ги Фармонида ахборотлаштириш миллий тизимини шакллантириш, иқтисодиёт ва жамият ҳаётининг барча соҳаларида замонавий ахборот технологияларини, компьютер техникаси ва телекоммуникация воситаларини оммавий равишда жорий этиш, ҳамда улардан фойдаланиш, фуқароларнинг ахборотга ортиб бораётган талаб-эҳтиёжларини янада тўлароқ қондириш, жаҳон ахборот ҳамжамиятига кириш, ҳамда жаҳон ахборот ресурсларидан баҳраманд бўлишни кенгайтириш учун қулай шарт-шароитларни яратиш каби масалалар максад килиб олинган. Мазкур Фармонда компьтерлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш, ҳамда уларнинг замонавий тизимларини жорий этишнинг биринчи галдаги энг муҳим вазифалари белгилаб берилган бўлиб, улар қуйидагилардир:

– замонавий ишончли ва хавфсиз миллий маълумотлар ахборот базаларини яратиш, ахборот ресурслари ва хизматларининг бозорини ривожлантириш, ахборот алмашуви электрон шаклларига изчиллик билан босқичма-боскич ўтиш;

– реал иқтисодиёт тармоқларида, бошқарув, бизнес, фан ва таълим соҳаларида компьютер ва ахборот технологияларини кенг жорий этиш, аҳоли турли қатламларининг замонавий компьютер ва ахборот тизимларидан кенг баҳраманд бўлишлари учун шарт-шароитлар яратиш;

– мактаблар, касб-ҳунар коллежлари, академик лицейлар ва олий ўқув юртларининг таълим жараёнига замонавий компьютер ва ахборот технологияларини эгаллашга ҳамда уларни фаол қўлланишга асосланган илғор таълим тизимларини жорий этиш;

– ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида, биринчи навбатда дастурий воситалар, маълумотларнинг ахборот базаларини ишлаб чиқиш, республика, тармоқ ва маҳаллий ахборот-коммуникация тармоқларини шакллантириш, компьютер ва телекоммуникация техникасини ишлаб чиқиш соҳаларида фаолият юритиш учун юқори малакали мутахассис кадрлар тайёрлашни ташкил қилиш;

– ахборот-коммуникация тармоқ ва хизматлари конвергенциясини назарда тутган ҳолда мамлакатнинг барча ҳудудларида ахборот-коммуникация технологияларининг техника инфратузилмасини, шу жумладан, кўчма алоқа, IP технологиялари, бошқа замонавий телекоммуникация ва маълумот узатиш воситаларини жадал ривожлантириш;

– миллий ва халқаро ахборот тармоқларига ғоят тезкорлик билан кириб боришни жорий этиш, аҳоли пунктлари, шу жумладан, қишлоқ аҳоли пунктларининг уларга кириб боришини таъминлаш;

– сифатли маҳаллий дастурий маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва уларни экспорт қилишни рағбатлантиришнинг самарали механизмини яратиш;

– маҳаллий компьютер техникаси ва уни бутловчи қисмлар ишлаб чиқаришни ташкил этиш.

Шунингдек, фармонда компьютерлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш бўйича Мувофиқлаштирувчи Кенгаш тузиш ва республикада унинг шу йўналиш бўйича мувофиқлаштирувчи Олий орган ҳисобланиши белгилаб қўйилган. Мувофиқлаштирувчи Кенгаш зиммасига қуйидагилар юклатилади:

– компьютерлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантиришнинг замонавий халқаро тенденцияларга ва мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш стратегиясига мос келувчи устувор йўналишларини белгилаш;

– компьютерлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини жадал ривожлантириш учун қулай шарт-шароит хамда иктисодий омилларни вужудга келтириш юзасидан Ҳукуматга таклифлар киритиш;

– компьютерлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш соҳасига оид дастурлар, лойиҳалар, меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар ишлаб чиқилиши ҳамда экспертизадан ўтказилишини ташкил этиш;

– ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида малакали кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлаш, жумладан мутахассисларни чет элларда ўқитиш борасидаги ишларни мувофиқлаштириш;

– ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида рақобат муҳитини шакллантиришга кўмаклашиш, инновация бизнесини, шу жумладан, маҳаллий дастурий воситалар ва компьютер техникасини ишлаб чиқиш ҳамда ишлаб чиқаришни қўллаб-қувватлаш, иқтисодиётнинг барча соҳалари ва тармоқларини компьютерлаштириш учун шарт-шароит яратиш;

– ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида халқаро ҳамкорликни ривожлантиришга, ахборот-коммуникация технологияларининг инфратузилмасини ривожлантириш учун хорижий инвестициялар, ҳомийлик маблағлари ва грантларни жалб этишга, таълим муассасаларининг ахборот тармоқларидан фойдаланиш имкониятини кенгайтиришга кўмаклашиш.

Мувофиқлаштирувчи Кенгашга 2002-2010 йилларда телекоммуникация ва маълумот узатиш миллий тармоғини ривожлантириш ҳамда давлат бошқарувида электрон технологияларни жорий этиш дастурини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасиға тақдим этиш топширилган.

Фармонда Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлиги Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги этиб қайта ташкил этилган ҳамда унга қуйидаги вазифаларни ҳал этиш юклатилган:

– ахборот тизимлари, телекоммуникациялар ва маълумот узатиш тармоқларини ривожлантириш ҳамда такомиллаштиришга хорижий инвестицияларни жалб этиш учун шароит яратиш;

– замонавий халқаро стандартларни жорий этиш, телекоммуникация ва ахборот технологияларига оид маҳаллий стандартларни, техник шартлар ва талабларни ишлаб чиқиб, уларни тасдиқлаш;

– ахборот ресурслари бозорини ривожлантириш, давлат бошқаруви, бизнес, соғлиқни сақлаш, фан ва таълим соҳаларида, шунингдек, жамият ҳаётининг бошқа соҳаларида ахборот алмашинувининг электрон шаклларига ўтиш дастурларини ишлаб чиқиш ва уларни амалга оширишни ташкил қилиш.

Шунингдек, бу Фармонда республикага олиб келинаётган компьютер маълумотларини узатиш тармокларини барпо этишга мўлжалланган асбоб-ускуналар, компьютер техникаси ва унга бутловчи буюмлар, шунингдек дастурий воситалар, компьютер ва ахборот технологияларига ўқитиш бўйича хизматлар, дастурий, воситаларни сотиш, уларга сервис хизматлари кўрсатишга имтиёзлар бериш лозимлиги қайд этилган.

Мазкур фармонни бажариш хамда ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида стратегик устуворликларни амалга ошириш чора-тадбирларни таъминлаш максадида Вазирлар Махкамасининг 2002 йил 6 июндаги 200-сонли "Компьютерлаштиришни янада ривожлантириш ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори[1] чикарилди. Унда, хусусан, 2002-2010 йилларда компьютерлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш дастури

[1] Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 6 июндаги 200-сонли "Компьютерлаштиришни янада ривожлантириш ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори

тасдиқланган бўлиб, мазкур дастур замонавий техник инфратузилмани ривожлантиришни жадаллаштиришга, компьютерлаштиришни, мамлакатимизда дастурий маҳсулотлар индустриясини ва экспортини ривожлантиришни рағбатлантириш, юқори малакали кадрлар потенциалини тайёрлаш, қонунчиликни такомиллаштириш, ахборот хавфсизлигини таъминлаш бўйича шарт-шароитлар яратишга қаратилган. Жамиятнинг ахборотга бўлган эҳтиёжини қондириш, мамлакатимиз иқтисодиётининг жаҳон бозорларидаги рақобатбардошлигини ошириш дастурнинг мақсадли вазифаси ҳисобланади. Унда ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантиришнинг қуйидаги асосий йўналишлари белгилаб берилган:

• Телекоммуникациялар инфратузилмасини ривожлантириш;

• Интернет тармоғининг миллий сегментини ривожлантириш;

• Компьютер техникаси билан таъминлаш ва компьютер тармоқларини ривожлантириш;

• Дастурий маҳсулотлар индустриясини барпо этиш;

• Ахборот ресурсларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш;

• Ахборот-коммуникация технологиялари соҳаси учун кадрлар тайёрлаш;

• Ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида рақобат муҳитини ривожлантириш;

• Норматив-ҳуқуқий базани стандартлаштириш ва сертификатлашни такомиллаштириш.

Дастурнинг ахборот хавфсизлигини таъминлаш бандида, жумладан, ахборотни рухсатсиз йўқ қилиш, ўзгартириш, бузиш, кўчириб олиш, тўсиб қўйиш ва ахборот ресурсларига қонуний аралашувга доир бошқа хатти-ҳаракатларнинг олдини олиш, қонунчиликка мувофиқ равишда ҳужжатлаштирилган ва электрон шаклга киритилган давлат сирини, ахборотнинг махфийлигини сақлаш, Ўзбекистон Республикасининг ахборот ва компьютер технологиялари соҳасидаги ахборот хавфсизлигини таъминлаш тизимини ташкил қилиш ва ахборот хавфсизлигини таъминловчи хизматларни шакллантириш, маълумот узатиш тармоқларига ҳимоя воситаларини жорий этиш самарадорлигини баҳолаш, лойиҳаларни ахборот хавфсизлигини таъминлаш талабларига жавоб бериш нуқтаи назаридан экспертизадан ўтказиш учун доимий ишлайдиган (идоралараро) эксперт гуруҳи тузиш ва ахборотни ҳимоя қилиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш, мамлакатимизда ахборотни криптографик ҳимоялаш воситаларини ишлаб чиқиш каби тадбирларни амалга ошириш кўзда тутилган.

Қарорда Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги Вазирлар Маҳкамасининг Ташқи иқтисодий алоқалар ва хорижий инвестициялар департаменти, Ўзбекистон Республикаси Макроиқтисодиёт ва статистика

вазирлиги манфаатдор вазирликлар, идоралар билан биргаликда кўрсатиб ўтилган 2002-2010 йилларда компьютерлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш дастурини амалга ошириш учун асосан имтиёзли хорижий кредитлар ва грантларни жалб этиши зарурлиги уктириб ўтилган.

Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги ҳузуридаги Компьютер ва ахборот технологияларини ривожлантириш ҳамда жорий этиш марказига, хусусан, қуйидаги асосий вазифалар юклатилган:

Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг буюртмаси бўйича ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш соҳасидаги дастурлар ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш;

– реал иқтисодиёт тармоқлари, бошқарув, бизнес, соғлиқни сақлаш, фан ва таълим соҳаларини ривожлантириш, шунингдек электрон тижорат дастурини амалга ошириш учун амалий ва мослаштирилган дастурий воситалар, маълумотларнинг ахборот базалари, веб-сайтлар ва бошқа дастурий маҳсулотларни ишлаб чиқиш бўйича ўтказиладиган тендерларда иштирок этиш;

– компьютерлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш масалалари юзасидан бошқарув органлари, бюджет ташкилотлари ва хусусий бизнесга кенг миқёсдаги ахборот, сервис ва консалтинг хизматлари кўрсатиш.

Вазирликлар, идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларига 2002 йил охиригача Компьютер ва ахборот технологияларини ривожлантириш ҳамда жорий этиш марказининг кўмагида маҳаллий идоравий компьютер тармоқларини ташкил этиш дастурини ишлаб чиқиш, уларнинг Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигида экспертизадан ва синовдан ўтказилишини ташкил этиш, шунингдек, ички электрон ҳужжатлар айланишини босқичма-босқич жорий этиш, ахборот ресурсларини Интернет тармоғига жойлаштирган ҳолда шакллантириш ва доимий равишда янгилаш бўйича аниқ чора-тадбирлар ишлаб чиқиш топширилган.

Шунингдек, қарорда мазкур йўналиш бўйича мутахассисларни тайёрлашга ҳам катта аҳамият берилган бўлиб, ихтисослаштирилган олий ўқув юртлари, касб-хунар коллежлари ва академик лицейларда дастурий воситаларни, маълумотларнинг ахборот базаларини, мультимедиа, компьютер техникасини ишлаб чиқиш ва уларга хизмат кўрсатиш бўйича юқори малакали мутахассислар ва техник ходимлар, шунингдек, компьютер ва ахборот технологияларидан фойдаланувчилар тайёрлашни кенгайтириш лозимлиги уктирилган.

Сўнгги йилларда замонавий ахборот технологияларини ривожлантириш ва жорий этиш бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан бир қатор қонунлар қабул қилинди. Буларга Олий Мажлиснинг иккинчи чақирик

13-сессиясида қабул қилинган "Электрон рақамли имзо тўғрисида"ги ва "Ахборотлаштириш тўғрисида"ги қонунлар ҳамда Олий Мажлиснинг иккинчи чақириқ 14-сессиясида қабул қилинган "Электрон тижорат тўғрисида"ги ва «Электрон ҳужжат айланиши тўғрисида»ги қонунларни мисол келтириш мумкин.

Хусусан, 2003 йил 13 декабрда қабул қилинган "Ахборотлаштириш тўғрисда"ги Қонуннинг янги таҳрири АКТнинг сўнгги ҳолатини ҳисобга олган ҳолда олдингисидан кескин фарқли бўлиб, унда қуйидаги тамойиллар ўз аксини топган:

• ҳар кимнинг ахборотни эркин олиш ва тарқатишга доир конституциявий ҳуқуқларини амалга ошириши, ахборот ресурсларидан эркин фойдаланишини таъминлаш;

• давлат органларининг, тармоқ ва ҳудудий ахборот тизимлари, шунингдек, жисмоний ҳамда юридик шахсларнинг ахборот тизимлари асосида республиканинг ягона ахборот майдонини яратиш;

• халқаро ахборот тармоқлари ва Интернет жаҳон ахборот тармоғидан эркин фойдаланиш учун шароит яратиш;

• давлат ахборот ресурсларини шакллантириш, ахборот тизимларини яратиш ҳамда ривожлантириш, уларнинг бир-бирига мослигини ва ўзаро алоқада ишлашини таъминлаш;

• ахборот технологияларининг замонавий воситаларини ишлаб чиқаришни ташкил этиш;

• ахборот ресурслари, хизматлари ва ахборот технологиялари бозорини шакллантиришга кўмаклашиш;

• дастурий маҳсулотлар ишлаб чиқарилишини ривожлантиришни рағбатлантириш;

• соҳа йўналишида тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш, инвестициялар жалб этиш учун қулай шароит яратиш.

Олий Мажлиснинг иккинчи чақириқ 13-сессиясида қабул қилинган "Электрон рақамли имзо тўғрисида"ги Қонун иқтисодиёт, бошқарув ва бошқа соҳаларда ҳужжат юритишнинг бутунлай янги технологиясиға ўтиш учун ҳуқуқий йўриқнома вазифасини бажаради.

Ҳозиргача "Электрон рақамли имзо тўғрисида"ги Қонун жаҳоннинг 70 га яқин мамлакатида қабул қилинган бўлиб, Ўзбекистон Республикаси ҳам ана шу мамлакатлар қаторидан ўрин олди.

Айтиш жоизки, ҳозирги вақтгача республикамизда электрон рақамли имзодан фақат банк фаолиятида электрон тўловларни амалга оширишдагина фойдаланилар эди. "Электрон рақамли имзо тўғрисида"ги қонуннинг қабул қилиниши бу тизимдан фойдаланиш кўламини кенгайтиришга ҳуқуқий

пойдевор бўлди. Республика даражасида электрон рақамли имзодан фойдаланишни тўғри ташкил этиш энг долзарб ва мураккаб вазифалардан бири ҳисобланади. Электрон рақамли имзо тизимини шакллантиришда тизимнинг тузилмасига кирувчи барча компоненталарнинг функционал вазифалари, мажбуриятлари, уларга қўйиладиган талаблар ва улар ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг аниклаб берилиши электрон рақамли имзодан фойдаланишни ташкил этишдаги энг асосий ва бирламчи босқич ҳисобланади.

Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 7 майда имзоланган «Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида"ги қарорида[1] "Ахборотлаштириш тўғрисида"ги Қонунга асосан Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг асосий вазифалари белгилаб берилган. Шунингдек, бу қарорда Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги тўғрисидаги Низом ҳамда унинг ҳудудий бошқармасининг намунавий ва марказий аппаратининг ташкилий тузилмаси тасдиқланган.

Мамлакат мактаблари, лицейлари, коллежлари ўқувчиларининг, олий таълим муассасалари талабаларининг ахборотга бўлган талаб-эҳтиёжларини ҳар томонлама қондириш учун зарур шарт-шароитларни яратиш, шунингдек, Интернет тармоғининг миллий сегментида таълим ва билим берадиган ахборот ресурсларини ривожлантириш мақсадида 28 сентябрь 2005 йил Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 28 сентябрдаги "Ўзбекистон Республикасида умумтаълим тармоғини яратиш тўғрисида"ги ПҚ 191-сонли қарори имзоланди.

Унда Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги, Олий ва ўрта махсус таълим, Халқ таълими вазирликларининг ҳамда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг республикадаги турли тузилмалар томонидан маълумотлар узатиш тармокларида ташкил этилаётган таълим ва ёшларга мўлжалланган ахборот ресурсларини ягона «ZiyoNET» ахборот тармоғига бирлаштириш ва тизимлаштириш тўғрисидаги таклифи маъқулланди.

Хусусан, тегишли вазирликларга «ZiyoNET» тармоғини шакллантириш ва ривожлантиришни, шунингдек Ресурс маркази ва бўлимларининг тармоқ ахборот ресурсларини мунтазам равишда жамлаш ва янгилаш борасида самарали фаолият кўрсатишини таъминлаш топширилди.

Шунингдек, Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг Компьютер ҳамда ахборот технологияларини ривожлантириш ва жорий қилиш «Ўзинфоком» маркази таркибида Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги бўлимлари билан «ZiyoNET» тармоғининг Ресурс марказини ташкил этиш лозимлиги қайд этилди.

[1]Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 7 майдаги 215-сонли «Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида"ги қарори.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 26 сентябрда эълон қилинган "Электрон рақамли имзодан фойдаланишнинг ҳуқуқий-норматив базасини такомиллаштириш тўғрисида"ги Қарори[1] ушбу Қонуннинг бажарилишини таъминловчи норматив ҳужжатлардан ҳисобланади.

Шунингдек, 2005 йил 22 ноябрда имзоланган Вазирлар Маҳкамасининг "Ахборотлаштириш соҳасида норматив-ҳуқуқий базани такомиллаштириш тўғрисида"ги Қарорида[2] Давлат ахборот ресурсларини шакллантириш ва Давлат органларининг ахборот тизимларини ташкил этиш тартиблари тўғрисидаги низомлар тасдиқланган.

Хулоса қилиб айтганда, юқорида келтирилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг барчаси республикамизда ахборотлаштиришнинг миллий тизимини шакллантириш, барча соҳаларда замонавий ахборот технологияларини оммавий равишда жорий этиш ҳамда жаҳон ахборот ҳамжамиятига киришни таъминлаш бўйича ҳуқуқий асос ва йўриқнома вазифасини ўташи шубҳасиздир.

[1,2] Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон Республикасида умумтаълим тармоғини яратиш тўғрисида"ги ПҚ-191-сонли қарори

I БОБ. АХБОРОТ-КОММУНИКАЦИЯ СОҲАСИДА ЗАМОНАВИЙ БОШҚАРУВ ТИЗИМИНИ ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

5.1. Ахборот-коммуникация соҳаси ривожининг муҳим хусусиятлари

XX асрнинг охирги ўн йиллигида ахборот-коммуникация технологиялари (АКТ) инсонлар ҳаёт тарзи ва жамият ривожига таъсир қилувчи асосий омиллардан бири бўлиб қолди. Бугунги кунда кишилик жамиятида ахборот-коммуникация технологияларини жадал ривожланиши натижасида инсонлар ҳаётининг барча йўналишларида чуқур ўзгаришлар рўй бермоқда. Ахборот-коммуникация технологиялари инсон ҳаётининг барча жабҳаларини, яъни иш фаолиятини ҳам, мулоқотини ҳам, маиший ва маданий соҳаларини ҳам қамраб олмоқда. Улар ҳар бир одамга ҳаёт кечириш даражасини ривожлантириш ва яхшилаш учун катта имкониятларни очиб бермоқда ҳамда инсонни ёлғизликдан чиқариб, жаҳон ахборот жамиятига қўшилишига имконият яратмоқда.

Кўпгина мамлакатлар ахборот-коммуникация технологияларини тезлик билан татбиқ қилиш ва такомиллаштиришнинг улкан афзалликларини англаб етди. Шу билан бирга жаҳонда ахборот-коммуникация технологиялари бозорининг ривожланиши бирдай эмас ва бу бозорнинг келгусида кенгайиши учун талай имкониятлар мавжуд. Буни 1- ва 2-диаграммада келтирилган маълумотлардан ҳам кузатиш мумкин.

1-диаграмма. Жаҳон минтақаларида ахборот-коммуникация технологиялари бозорини ривожланиш даражаси.



2-диаграмма. Айрим давлатларда инсонларнинг Интернетга боғланиш имкониятининг даражаси.



Билимлар ва маълумотларни етказиш, улардан фойдаланиш билан боғлик бўлган иктисодий фаолият ушбу мамлакатларнинг барқарор иқтисодий ривожланишига сабаб бўлди. Яъни билимларга асосланган янги иқтисодиёт асри бошланди. Бундай иктисодиётнинг ўзига хос энг муҳим хусусиятлари қуйидагилардан иборат:

– ахборот-коммуникация кўринишидаги билимларга асосланган иктисодиёт кучли технологик кувватга эга. Ҳар уч-тўрт йилда ахборот-коммуникацияларнинг янги авлоди юзага келмоқда. Бугунги кунда, ахборот-коммуникация компаниялари бутун дунёда энг йирик корпорациялар билан бир қаторда туради. Ахборот-коммуникация сектори иктисодиётнинг энг тез ривожланаётган секторларидан бири ҳисобланади;

– АКТ тараққиёти билан узвий боғлиқ бўлган ахборот-коммуникация соҳаси инсон фаолиятнинг барча жабҳаларига кириб бормоқда ҳамда уларни янги шароит ва усулларга мослашишга мажбур қилмоқда;

– ахборотга асосланган ҳамда маданий-маънавий қадриятлар билан мувофиқликда бўлган билимлар мустақил кучга айланиб, ижтимоий, иқтисодий, технологик ва маданий ўзгаришларнинг ҳал қилувчи омили бўлиб колди;

– глобал ахборотлашган жамият шаклланмоқда. Билимларга асосланган иқтисодиёт ўтиш даври иқтисодиётида бўлган мамлакатларнинг улкан интеллектуал ресурслари тобора ривожланишига туртки бўлган ҳолда уларнинг бутун дунё интеллектуал салоҳиятига тезрок қўшилишини таъминламоқда;

– билимларга асосланган иқтисодиёт инсон ресурслари ривожига ва жамият ҳаётининг бошқа жабҳаларига, шу жумладан, институционал ва инновация тизимларига ўз таъсирини кўрсатмоқда.

Хулоса шуки, инсониятнинг глобал масштабдаги ноёб захираси ҳисобланган ҳамда инсон капитали ва технологияларни ўз ичига оладиган билимлар, яъни интеллектуал капитал замонавий такрор ишлаб чиқариш жараёнида асосий омил даражасига кўтарилмоқда. Инсоният тараққиёти шундай паллага кириб келмоқдаки, унинг келгуси ривожи учун билимларни ҳай даражада ишлата олиш билан боғлиқ бўлиб қолмоқда.

Янги билимлар яратиш билан бир қаторда уларни масофага узатиш, трансформациялаш ва улардан оқилона фойдаланиш муҳим аҳамият касб этмоқда, бошқача айтганда, мамлакатлар ижтимоий-иқтисодий ривожланишида билимлар ва ахборотлаштиришнинг ўзаро уйғунлашувини таъминлаш аҳамияти кескин ортмоқда, яъни билимлар ижтимоий ишлаб чиқаришнинг муҳим факторига айланиб бормоқда. Бунинг натижасида маҳсулот ва хизматлар қиймати ҳамда уларнинг таннархи таркиби ўзгариши табиий. Шу сабабли бизнинг фикримизча, маҳсулот ва хизматлар таннархи таркибида билимлар ва янги технологиялар харажатларига оид янги элементнинг жорий қилиниши мақсадга мувофиқ. Бу, албатта, чуқур методик ва методологик изланишларни тақозо этади.

Шундай қилиб, миллий иқтисоднинг билимларни абсорбция қилиш ва оқилона ишлата билиш қобилияти яқин келажакда миллатнинг иқтисодий қувватини ва фаровонлигини белгиловчи асосий факторига айланади. Ҳозирги кунда кам ривожланган давлатларнинг ривожланган давлатлардан фарқи ҳам биринчи навбатда билимлар ва янги технологияларнинг камлиги билан белгиланмоқда, капиталнинг камлиги эса иккинчи даражали бўлиб қолмоқда.

Билимларга асосланган иқтисодиётнинг ана шу ўзига хос хусусиятлари, барча мамлакатларда, Айниқса, ўтиш даври иқтисодиётида бўлган мамлакатларда АКТ ютукларидан энг кўп даражада фойдаланилган ҳолда иқтисодий тараққиётнинг оқилона стратегиясини ишлаб чиқиш мақсадидаги чуқур мушоҳада юритиш мавзуи ҳисобланади. Фақат шундай сиёсатгина таълимнинг муҳим устуниликларини унинг фундаменталлигини ва изчиллигини сақлаб қолиш имконини беради, мамлакатни жаҳон иқтисодиётининг олдинги ўринларига чиқиб олишини таъминлайди[1].

Шу билан бирга, ахборот-коммуникация бозорига нисбатан экспертларнинг бир-бирини инкор этадиган ёндашувлари мавжуд: баъзи муаллифлар иқтисодиётдаги ва соҳадаги давлат бошқарувини чеклашни ёқлаб чиқмоқдалар ҳамда айни чоғда, алоқа хизматлари учун тарифларни кесишган субсидиялаш тизимини турли даражадаги бюджетлардан тўғридан-тўғри субсидиялашга алмаштириш зарурлигини айтмоқдалар.

[1]Беляков Н.А. Прогноз экономики на завтра. «Российская газета», 18 март 2003 й.

Айни пайтда бошқалари ахборот-коммуникациялари, таълим, интеллектуал хизматлар бозори ривожини бошқа соҳаларнинг зарари ҳисобига абсолютлаштириш умуман мамлакат иқтисодий тизимини барқарорлаштиришга путур етказиши ва мазкур соҳалар келажагини хавф остида қолдириши мумкин деб ҳисоблайдилар. Улар бундай фикрни АҚШ иқтисодиётини жиддий инқирозга олиб келиш эҳтимолини уйғотган ва юқори технологиялар билан боғлиқликдаги соҳалар ўсиш суръатларининг пасайишига сабаб бўлган «янги иқтисодиётни» оммавий равишда татбиқ этишдан иборат салбий тажриба билан изоҳлайдилар.

Буларнинг барчаси ахборот-коммуникация бозорини ривожлантириш баробарида иқтисодиётнинг мазкур бозорнинг эҳтимол тутилган қатнашчилари ҳисобланувчи бошқа соҳаларини ҳам уйғун равишда ривожлантириш зарурлигидан далолат беради. Акс ҳолда, ахборот-коммуникация бозорининг ҳаддан ташқари илдамлаб кетиши ахборот-коммуникация хизматларига бўлган талабнинг таклифга нисбатан орқада қолишига, мазкур хизматларни таклиф қилувчилар ва истеъмолчиларнинг иқтисодий имкониятларида тафовут пайдо бўлишига, улар орасида дебиторлик ва кредиторлик қарзлари миқдори асоссиз ошиб кетишига олиб келади.

Демак, хўжаликлараро алоқалар кенгайиб бораётган ҳозирги шароитда истиқболли ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш ҳисобига жамият тараққиётини ахборотлаштириш муҳим аҳамиятга эга. Ушбу алоқаларнинг халқаро хусусиятга эгалиги телекоммуникацияларни ривожлантиришда ва уни инвестициялар билан таъминлашда турли мамлакатларнинг куч-ғайратларини бирлаштиришни тезлаштириш зарурлигини тақозо этади. Дунёнинг юксак ривожланган етакчи мамлакатлари телекоммуникациялари миллий хўжаликнинг иқтисодий конъюнктура таъсири остида бўлмаган энг динамик соҳаси ҳисобланади. Уларнинг ривожланиш тенденциялари шунда яққол кўринадики, ахборот оқимларининг ўсиш суръатлари ялпи ички маҳсулотнинг ўсиш суръатларидан камида икки баробар юқоридир. Ахборот-коммуникацияларининг ривожланиш даражаси—миллий иқтисодиёт соғломлигининг муҳим кўрсаткичларидан биридир. Буни 3-диаграммада келтирилган мамлакатлар тажрибасидан ҳам кузатиш мумкин. Масалан, Сингапур давлати иқтисодининг сўнгги йилларда кескин ривожланиши ва бу мамлакатнинг Осиёнинг жуда тез ривожланаётган давлатларидан бири сифатида тан олиниши энг аввало, бевосита АКТ ривожи билан боғлиқдир. Худди шундай ҳолни Осиёнинг «кичик аждаҳолари» ёки «Осиё йўлбарслари» деб ном олган Жанубий Корея, Тайван, Малазия каби давлатлар мисолида ҳам кузатиш мумкин.

Илғор мамлакатларнинг давлат органлари ахборотлашган жамият шаклланиши борасида аллақачон фаол позицияни эгаллаган. Бунинг натижасида шу

кунда барча ривожланган давлатларда бундай жамият шаклланиши ва такомиллашуви борасида махсус ахборотлаштириш сиёсати қарор топган, мамлакатни ахборотлаштириш дастурлари ишлаб чиқилган ва амалга оширилмоқда. Масалан, АҚШда 1993 йил Б.Клинтон маъмурияти ташаббуси билан Миллий ахборот инфратузилмаси (The National Information infrastructure: Agenda for action) борасидаги дастур ишлаб чиқилган. Бу дастур мамлакат ўша даврдаги ҳукуматининг энг сезиларли ишларидан бири, деб тан олинган.



3-диаграмма. Ахборот-коммуникация технологияларининг иқтисодиёт фаолиятидаги устуворлик даражаси.

Худди шунингдек, Европа иттифоқи Комиссияси томонидан 1994 йил «Ахборотлашган жамият қуришнинг Европача йўли» ҳаракат дастури, 1995 йил «Ахборотлашган жамият сари Финляндия йўли», 1996 йил «Германиянинг ахборотлашган жамият сари ривожланиши» дастурлари ишлаб чиқилган. 90-йилларда жуда кўплаб давлатлар бу каби дастурларни тузиб ҳаётга татбиқ этишни бошлади. Худди шунингдек, собиқ советлар ҳудудидаги Россияда «2002-2010 йилларда Электрон Россия» ва Белоруссияда 2010 йилгача мўлжалланган «Электрон Беларус» давлат дастурлари қабул қилинган[1].

Ахборотлаштириш борасидаги бундай фаол ҳаракатлар натижаси умумжаҳон ахборотлашган ҳамжамиятини шакллантиришга кўмаклашувчи қатор халқаро ташкилотлар тузилишига олиб келди ва улар фаолиятининг умумий натижаси сифатида 2000 йил Глобал ахборотлашган ҳамжамияти Ҳартияси қабул қилинди.

Айтиш жоизки, бу борада Ўзбекистонда ҳам мустақиллик йилларида жиддий ишлар қилинди, мамлакатда ахборот-коммуникацияларни ривожлантиришга қаратилган қатор давлат дастурлари ишлаб чиқилди ва амалга

[1]Гринберг А.С., Король И.А. Информационный менеджмент. М., ЮНИТИ. 2003 й., 10-11- бетлар.

оширилмоқда. Бу дастурлар ҳақида кейинги бўлимларда батафсил фикр юритилади.

Ахборот-коммуникация соҳаси бутун иқтисодиёт учун муҳим аҳамиятга эга. Рақобатбардош, самарали ва қиймати нуқтаи назаридан афзал бўлган ахборот-коммуникация тармоқлари ишлаб чиқаришнинг умумий самарадорлигини оширишга, иш ўринларини кўпайтиришга, экспорт салмоғи ва солиқ тушумларини ўсишига, яъни иқтисодий тараққиётни орқага тортувчи монополь хизмат кўрсатишдан тубдан фарқ қиладиган ижобий тенденцияларни шакллантиришга олиб келади. Ривожланган мамлакатлар тажрибаси шуни кўрсатадики, буларнинг барчаси ўз навбатида соҳани янада жадалроқ ривожлантиришни тақозо этади. Масалан, Россия экспертлари таъкидлаганидек, бугунги кунда ушбу мамлакатнинг 1% иқтисодий ўсишини таъминлаш учун ахборот-коммуникация саноатининг 3% ўсишига эришиш зарур бўлади[1]. Яъни ахборот-коммуникация тармоқлари нафақат жамият тараққиётини ва мамлакат хавфсизлигини таъминлашнинг, балки мамлакат иқтисодиёти барқарор ўсиб боришининг муҳим омили бўлиб колишининг асосий шартларидан биридир. Бу эса соҳанинг ривожига бўлган алоҳида эътиборни талаб этади.

Яъни амалий баҳолашлардан келиб чиққан ҳолда шуни айтиш мумкинки, ахборот-коммуникация соҳаси Ўзбекистонда иқтисодий ривожланишнинг ғоят муҳим омилларидан бири ҳисобланади. Шу билан бирга, юқоридагиларни ҳисобга олган ҳолда Ўзбекистонда рақобат шароитларида фаолият кўрсатувчи ахборот-коммуникация хизматлари бозорини жадал шакллантириш ҳамда ахборотни яратиш ва уни узатиш билан боғлиқ бўлган соҳаларини шундай интеграциясини таъминлаш вазифаси пайдо бўлмоқдаки, токи бундай вертикал интеграция коммуникацияларнинг критик тизими доирасидан ташқарида монополия муаммоларини вужудга келтирмасин. Бу вазифаларни ҳал этиш соҳада жадал хусусийлаштиришни амалга оширишни, унинг бошқарувини эркинлаштиришни ва соҳада эркин рақобатни ривожлантиришни тақозо этади. Бунда иқтисодий ислоҳотлар ўтказилгани сари дунё бозорига йўл кенгайиб, халқаро савдо ҳажми ва ахборот-коммуникация воситаларидан фойдаланиш даражаси узлуксиз ошиб боришини алоҳида ҳисобга олиш зарур.

Ахборот-коммуникация соҳасидаги хусусийлаштиришнинг; рақобат ва тўғридан-тўғри чет эл инвестицияларининг афзалликларини тушуниб, улардан фойдаланаётган мамлакатлар сони тобора ортиб боргани сайин, соҳанинг ўсиш динамикаси, ривожланиши ва халқаро тус олиши кенгайиб бормоқда. Майда миллий бозорлар борган сари бошқа мамлакатларнинг бозорлари билан алоқаларини ривожлантирмоқда, бу эса технологиялар тезкорлик билан

[1] Мильчакова Н. Телекоммуникации в России: Структурные реформы и проблемы повышения рыночной стоимости активов. «Вопросы экономики», 7- сон, 2001 й.

алмашиниши ва рақобат ривожланишига шарт-шароит яратмоқда. Телекоммуникация компаниялари ўртасида тегишли келишувлар сони кўпайгани сайин, тармоқларга уланганлик учун анъанавий халқаро тарифлар тобора камроқ қўлланилмоқда. Бундан ташқари, чет эл компанияларининг ўз тармоқларини ривожлантиришга қаратилган инвестициялари олдинги бошқариладиган иқтисодиётда иложи бўлмаган ривожланиш вариантларини танлаш имконини бермоқда.

Ахборот-коммуникация тармоқлари соҳа умумий инфратузилмасининг муҳим таркибий қисми ва истеъмолчилар (фирмалар ва алоҳида хусусий мулкдорлар) билан алоқанинг кучли базаси хисобланади. Бу тармоқлар тараққиёти истеъмолчиларнинг бир-бирларига уланишларини ҳам, маълумотларни узатиш жараёнини ҳам тезлаштиради.

Собиқ иттифоқ даврида маъмурий-буйруқбозлик тизими дунё ҳамжамиятидан ўзини-ўзи яккалаб олганлиги туфайли мамлакатда, шу жумладан, Ўзбекистонда ҳам, юз берган ахборот-коммуникация соҳасидаги корхоналарнинг жиддий техник ва технологик қолоқлиги ҳозирги кунда инновация соҳасида ҳам жадал ривожланишнинг янги шаклларини талаб қилмоқда. Шуни хисобга олиб, республика мустақиллигининг дастлабки куниданоқ чет эл инвестицияларини фаол жалб қилишга, хорижнинг энг илғор техника ва технологияларини жорий этишга катта аҳамият берилди. Мазкур жараён асосан инвестицияларни рағбатлантириш ва қўшма корхоналар ташкил этиш орқали амалга оширилмоқда.

Мустақиллик йилларида соҳада ўтказилаётган ислоҳотлар нодавлат инвесторлар учун соҳанинг жозибадорлигини таъминламоқда ва минтақавий телефон абонентларининг ташаббускорлигини оширмоқда. Нафақат тижорат тузилмаларининг, балки абонент ва оператор ўртасида турли битимлар тузиш йўли билан аҳолининг маблағлари ҳам муомалага киритилмоқда. Кейинги тўрт йил ичида кўпгина корхоналар кичик ва ўрта фирмалар имкониятларидан деярли фойдаланмасдан товар ишлаб чиқарувчиларнинг катта кредитлари билан ишлаб, йирик инвесторлар томон оқдилар. "Ўзбектелеком" АК акцияларининг бир қисмини чет эллик инвесторларга сотиш учун белгиланган чора-тадбирлар айнан инвестиция жозибадорлигини оширишга қаратилгандир.

Хусусийлаштиришда мамлакатимиз корхоналари қатори чет эл компанияларининг ҳам иштирок этиши муҳим омил хисобланади. Амалиётда исботланганки, кайд этилган алоқа соҳасида ўртача сутка давомида камида учта компания рақобат ҳолатида бўлиши керак. Бироқ маҳаллий алоқа соҳасида узоқ масофаларга телефон алоқаси ва халқаро телефон алоқаси учун хос бўлган рақобат даражасига эришиш қийин. Устун мавқеда турган компания учун нархларнинг юқори даражасини белгилайдиган ва телекоммуникация хизматлари

кўрсатиш соҳасида нарх белгилашнинг чеклаб қўйилмайдиган хусусиятга эга бўлишини кафолатлайдиган мустақил бошқарувчи ташкилотни тузиш тартибга солиб туриладиган иқтисодиёт учун муҳим вазифа ҳисобланади.

Телекоммуникациялар соҳасини ривожлантиришда чет эл инвестициялари ва компанияларнинг халқаро бирлашмалари катта ўрин тутади. Кейинги пайтларда амалга оширилаётган симсиз алоқа технологияларига ўтиш рақобатни ривожлантиришга ҳамда иқтисодиётни ислоҳ қилиш даврида телекоммуникациялар соҳасига мамлакатимиз ва чет эл фирмаларини жалб этишга кўмаклашади.

Шу ўринда уяли алоқа тизими ривожига тўхталиб ўтиш жоиз. Зеро, алоқанинг ушбу тури «болалик» ва «ўсмирлик» давридан ўтиб, ўзининг етуклик даврига кўтарилди ва жаҳон телекоммуникация тизимида етакчи ўринлардан бирини эгаллаб турибди. АҚШнинг Worldwatch Institute мустақил тадқиқот ташкилоти мутахассислари ҳисоботига кўра, 2003 йил жаҳон аҳолисининг ҳар бештадан бири уяли алоқа воситасидан фойдаланган, ҳолбуки, 1992 йил ҳар 227 яшовчидан бири бундай имкониятга эга эди. Бунинг натижасида 2003 йили уяли алоқадан фойдаланувчилар сони (1,15 млрд.) симли алоқа абонентлари сонидан (1,05 млрд.) ортиб кетди. Бу ҳол, энг аввало, уяли алоқанинг симли алоқага нисбатан кам харажат талаб этиши, унга сарфланган маблағининг қисқа муддатларда қопланиши ва шу сабаб унинг юқори рентабеллилиги ҳамда рақобатбардошлиги билан боғлиқ. Қолаверса, алоқанинг бу тури симли алоқа етиши қийин бўлган ҳудудларга телефон алоқаси кириб боришига, Айниқса, кам тараққий этган давлатларда ахборот-коммуникация тизими ривожланишига қулай шароит яратади. Масалан, шу кунда Африка қитъасининг 30 дан ортиқ давлатида уяли алоқа абонентлари сони симли алоқа абонентлари сонидан ортиб кетган.

Уяли алоқанинг ривожланиши, симсиз алоқа воситасида Интернет тармоқига боғланиш имконининг пайдо бўлиши ўз навбатида бу тармоқдан фойдаланувчилар сонининг кескин ортишига ҳам имконият яратди. 1992 йил ўша Worldwatch Institute маълумотларига кўра планета аҳолисининг 778 тадан бири Интернет тизимига кириш имконига эга бўлган бўлса, бу рақам 2003 йили ўнтадан бирга кўтарилди.

Айтиш жоизки, бу кўрсаткичларга эришиш учун Ўзбекистонда катта тайёргарлик ишлари талаб этилади. Республикада ахборот-коммуникация соҳасининг ривожланиш жараёнларига унинг алоқа воситалари билан таъминланганлиги ва янги технологиялар билан жиҳозланганлиги катта таъсир кўрсатади. Ҳозирча мамлакатимизда ахборот-коммуникация воситалари саноати ривожланган мамлакатлар даражасидаги технологияларни ишлаб чиқиш ва жорий этиш имкониятини бермайди. Шу сабабли эксплуатация килувчи корхоналар асосан чет эл технологиялари ва техникасини афзал кўришмоқда. Бунинг натижасида кейинги йилларда мамлакатимизга хорижий

алоқа воситалари оқиб кела бошлади. Ахборот-коммуникация соҳасини замонавийлаштириш бўйича барча йирик лойиҳалар чет эл технологиялари негизида амалга оширилди. Мамлакатимизнинг ҳали шаклланиб улгурмаган ахборот-коммуникация воситалари бозорининг дунё рақобатига дош бериши қийинлиги табиий. Шу сабабли ҳам мамлакатимиз ахборот-коммуникациялар воситалари саноати давлат томонидан кучли ҳимоялаш ёрдамига муҳтождир.

5.2. Соҳа бошқарувининг замонавий тамойиллари

Бошқарув тизими жамият тараққиёти қонунлари асосида шаклланади ва ривожланади. Айтиш жоизки, жамият тараққиёти қонунлари Бошқарув жараёнига тўғридан-тўғри ёки бевосита татбиқ этила олмайди, яъни ҳар кандай қонуннинг амал қилиш механизми шакллантирилмоғи лозим. Бошқарув механизми эса мазмунан «Менежментнинг илғор ютуқлари асосида ишлаб чиқаришни ёки меҳнат жамоасини бошқаришнинг тамойиллари, элементлари, услуллари ҳамда турлари мажмуини англатади[1]». Бинобарин, Бошқарувни такомилаштириш, ўз навбатида, Бошқарув механизмининг иқтисодий тараққиётнинг янги босқичи талабларига мос бўлган сифат даражасига ўтишни англатади. Бу эса, энг аввало, Бошқарувнинг давр талабига мос янги тамойилларини, элементларини ва усулларини асослашни ҳамда уларни ҳаётга қадам-бақадам жорий этиб боришни тақозо этади.

Бошқарув механизмида бошқариш тамойиллари алоҳида ўрин тутади. Умуман тамойил категориясининг фалсафий мазмуни «ижтимоий ҳаракат ёки фаолиятнинг асосий ғоясини, унинг умумий қоидаларини англатади»[2]. Шу нуқтаи назардан бошқариш тамойиллари мазмунан «жамиятда амал қилаётган иқтисодий муносабатларнинг барча томонидан эътироф этилган ва қабул қилинган қоидаларини ҳамда иқтисодий жараёнларнинг умумий хусусиятларини ўзида ифода этади»[3]. Шунинг учун ҳам бошқарув тамойиллари юқорида кўрилган мажмуадаги бошқа категорияларга нисбатан етакчилик ролини ўтайди.

Ушбу бобда жамият тараққиёти қонунларининг фалсафий моҳияти, уларнинг турлари, амал қилиш механизмини ва бошқа сифатларини очиб бериш мақсад қилиб олинмаган. Фақат бир фикрни таъкидлаб ўтиш ўринлики, бу қонунлар доимо ривожланишда бўлиб, мамлакат тарққиётининг ҳар босқичида ўзига хос мазмун касб этади, яъни жамият тараққиётининг ҳамма босқичлари учун универсал бўлган Бошқарув механизмини шакллантириб бўлмайди, бу механизм тараққиёт қонунлари ўзгаришига мувофиқ динамик тарзда ривожланиб боради.

---

[1] Современный экономический словарь. М., ИНФРА-М. 1998 й., 195-бет.
[2] Философский словарь. М., Политиздат. 1975 й., 329-бет.
[3] Современный экономический словарь. М., ИНФРА-М. 1998 й., 264-бет.

Шу нуктаи назардан Ўзбекистоннинг ахборот-коммуникация соҳасидаги ўзгаришларни, рақобатни ривожлантириш асоси сифатида уни халқаролаштириш жараёнларини таҳлил қилиш, бир томондан, шуни кўрсатадики, иқтисодиётнинг ўтиш даврида соҳа тармоқларини тез ва самарали кенгайтириш халқаро савдо ҳажмини кўпайтириш, инвестициялар жалб қилиш ва миллий ишлаб чиқарувчиларнинг самарадорлигини ошириш учун шарт-шароит яратади. Иккинчи томондан, иқтисодиётда, Айникса, кўрилаётган соҳада бозор муносабатларига тезлик билан ўтиш юз бермокда. Ушбу ўзига хос хусусиятлар соҳани бошқаришда янгича ёндашувларни, янгича усуллар ва элементларни жорий этишни талаб қилмоқда.

Ахборот-коммуникация соҳасини бошқариш тизимининг тамойилларини аниқлаб олиш уни макроиқтисодий бошқариш жараёнларини амалга оширишнинг, ушбу объектни ривожлантиришнинг ва унинг экспорт салоҳиятини ўстиришнинг у ёки бу сценарийсини ишлаб чиқиш ҳамда уни вариантли башорат қилишнинг энг муҳим шарти ҳисобланади. Буларни ишлаб чиқишда ахборот-коммуникация соҳаси локал тузилмадан иборат эмаслигини назарда тутиш лозим. У жамиятнинг аниқ бир иқтисодий тузилмасида, муайян иқтисодий шароитда иш олиб боради. Шу сабабли фақат ахборот-коммуникация соҳаси бошқарув тизимингина белгиловчи тамойиллар йўқ ва бўлиши ҳам мумкин эмас. Уларнинг алоқадорлиги ва бир-бирига боғлиқлигидаги якка ҳолдалик, ўзига хослик ва умумийликнинг ўзаро алоқадорлигини акс эттирувчи тамойилларнинг қандайдир мажмуи бўлиши зарур.

Ўзбекистоннинг бозор муносабатлари асосларига ўтиши аввало, хўжаликни ривожлантиришдаги собиқ маъмурий-буйруқбозлик тизимидан мерос бўлиб қолган жиддий номутаносибликларни бартараф этиш зарурлиги билан боғлиқ йўл қўйилган қолоқлик энг сезиларли бўлган ахборот-коммуникация соҳасини тараққий эттириш жараёнларига ҳам таъсир этмаслиги мумкин эмасди. Бундай шароитда соҳа ривожланишини бошқаришнинг моҳияти ва асосий йўналишларини белгиловчи умумий тамойилларни аниқлаб олиш, уларнинг давр талабларига мос янги-янги турларини Бошқарувга татбиқ қилиш ўта муҳимдир.

Мазкур умумий тамойилларни таърифлаш, агар ахборот-коммуникация соҳаси берк алоҳида тизим сифатида тасаввур этиладиган бўлса, ҳам назарий, ҳам амалий жихатдан жуда мураккаб вазифа ҳисобланади. Лекин, ахборот-коммуникация соҳаси мамлакат умумий хўжалик тузилмасининг бир қисмидир, холос ва шу сабабли ушбу соҳани бошқариш тизимини ривожлантириш бутун давлат иқтисодиётини ислоҳ қилиш доирасидан ташқарида кўрилиши мумкин эмас. Бу борада ахборот-коммуникация соҳасини бошқариш тизимини ислоҳ қилиш ва ривожлантириш жараёнларини белгиловчи энг умумий тамойиллар

бутун давлат иқтисодиёти умумий тамойилларига тўла мувофиқдир. Бу эса масалани кўп жиҳатдан енгиллаштиради. Чунки кўрилаётган бошқарув тамойиллари асосида Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримов асарларида таърифлаб берилган, жамулжам ҳолда иқтисодий ислоҳотларнинг энг умумий концепциясини, мантиғи ва йўналишини, республика иқтисодиётини ва унинг таркибий элементларини ривож топишини ифодаловчи беш тамойил турганлиги равшан бўлади. Бутун иқтисодиётда бўлгани сингари ўтиш даврида ахборот-коммуникация соҳасини бошқариш тизимини ривожлантириш асосида чуқур сифат ўзгаришлари, иқтисодий муносабатларни эркинлаштириш, марказлаштирилган-тақсимлаш, маъмурий-буйруқбозлик тизимидан бозор муносабатлари тизимига изчил ўтиш ётганлигидан келиб чиқадиган бўлсак, қуйидагилар бу объектни, шунингдек, умуман бутун иқтисодиётни ҳам ривожлантиришнинг умумий тамойиллари ҳисобланади:

биринчидан, иқтисодиётни бутунлай мафкурадан ҳоли қилиш. Иқтисодиётнинг сиёсатдан устунлиги;

иккинчидан, давлат бош ислоҳотчи, у бутун халқ иродасига мувофиқ ҳолда иқтисодиёт ривожининг асосий устиворликларини аниқлайди;

учинчидан, барча янгиланиш жараёни ҳуқуқий асосда, амалий кучга эга бўлган қонунлар асосида бўлиши керак;

тўртинчидан, бозор муносабатларига ўтиш инсонларни ижтимоий ҳимоя қилиш бўйича кучли тадбирлар билан бирга амалга оширилиши керак;

бешинчидан, янги иқтисодий муносабатларга қадам-бақадам, эволюцион тарзда ўтиш лозим.[1]

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов томонидан таърифланган, ўтиш даври иқтисодиёти учун умумий бўлган айнан ана шу тамойиллар ахборот-коммуникация соҳасини бошқариш тизими учун ҳам умумий тамойиллар сифатида қўлланилмоғи зарур.

Ўзига хос тамойиллар эса, бошқа масала. Бунда гап умумий тамойиллар билан ўзаро боғлиқликда соҳанинг ўзини ривожлантиришнинг асосий қоидалари ҳақида бориши керак. Шу нарсага эътибор бериш керакки, ўзига хос тамойилларни якка ҳолдаги, бирорта алоҳида объектга ёки ахборот-коммуникация соҳасининг қисмларига хос бўлган тамойиллар билан адаштирмаслик лозим. Ўзига хос тамойиллар ахборот-коммуникация соҳасининг умумий тузилиши ва ишлаши бўйича энг муҳим масалаларни акс эттириши керак. Шу билан бирга, ўзига хос тамойиллар фақат ахборот-коммуникация соҳасини бошқариш тизимига хос бўлади, деб ўйламаслик лозим. Мантикан улар умумий тамойилларнинг ойдинлик киритилган давомидир ва шу боис бошқа йирик объектлар Бошқарув тизимига нисбатан ҳам у ёки бу даражада

[1] И. А. Каримов Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чуқурлантириш йўлида. Т., "Ўзбекистон", 1995 й., 10-11-бетлар.

қўлланилиши мумкин. Бу ўринда аниқ объектга нисбатан ўзига хос амални қидириш жоиз эмас. У фақат умумий ва ўзига хос тамойилларни якка ҳолда учрайдиган тамойилларга айланиши натижасидагина намоён бўлади. Ушбу диалектик ўтишнинг хусусияти мазкур ишнинг кейинги бўлимларида ахборот-коммуникация соҳасини бошқариш тизимини такомиллаштиришнинг аниқ механизмларини ишлаб чиқишда кўрилади.

Шунга қарамай, умумий тамойиллардан якка ҳолдаги тамойилларга тўғридан-тўғри ўтишни амалга оширишга эришиб бўлмайди. Шу сабабли биз умумий тамойиллар ҳозирги босқичда ахборот-коммуникация соҳасини бошқариш тизимини такомиллаштиришга қаратилган алоҳида (ўзига хос) тамойилларга табиий равишда ўтадиган бир бутун тизимни ишлаб чиқишга уриниб кўрдик. Табиийки, уларнинг барчаси умумий тамойиллардан келиб чиқади. Лекин, Республика умумий иқтисодий тизими чегараларида фаолият кўрсатадиган бир бутун объект сифатидаги ахборот-коммуникация соҳасини ривожлантиришнинг ўзига хос томонларини ҳисобга олади. Бунда биз бирон-бир янги тамойилларни топиб, уларни асослаб беришни ўз олдимизга вазифа қилиб қўймадик, чунки халқаро иқтисодий тафаккур ушбу тамойиллар мажмуини етарли даражада ишлаб чиққан. Тамойилларнинг бир бутун тизимини ишлаб чиқишдаги асосий вазифа уларнинг табиий ўзаро боғлиқ кетма-кетлигини шундай тузишдан иборат бўлганки, макроиқтисодий бошқарувнинг ҳар бир ўзига хос тамойили умумий тамойиллардан келиб чиқсин. Шу билан бирга якка ҳолдаги тамойиллар келиб чиқишига асос бўлсин.

Бунда мазкур тамойилларнинг ўзаро нисбати ҳақида жуда аниқ тасаввурга эга бўлиш керак. Агар умумий тамойиллар Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов томонидан таърифланган иқтисодиётни ислоҳ қилиш миллий моделидан келиб чиқадиган бўлса, ўзига хос тамойиллар ахборот-коммуникация соҳасини ривожлантириш мақсадларини сезиларли даражада қамраб олади. Улар энди кенг миқёсда глобал ҳамда минтақавий ахборотлашган жамиятни вужудга келтириш мақсадларига, барча учун ахборот-коммуникация технологияларига баробар йўл очиб беришга, ахборот-коммуникация тармоқларидан иқтисодий ва ижтимоий ривожланиш воситаси сифатида фойдаланишга, бу технологияларни ишлатишда махфийлик ва хавфсизликни таъминлашга қаратилгандир.

Бизнинг фикримизча, алоҳида ёки ўзига хос тамойиллар куйидагича мазмунда бўлиши керак:

– «барчанинг ахборот ва билимлардан фойдалана олишини таъминлаш» — хусусий шахслар ва ташкилотлар йўл очиб берилган ахборот, билимлар ва ғоялардан фойдаланишдан наф олишлари кераклигини назарда тутади. Қолаверса, ахборотдан ҳамда ахборот-коммуникация хизматларидан кенг аҳоли қатламлари фойдалана олишини таъминлаш лозим.

– «аҳолининг ахборот-коммуникация соҳаси хизматларидан қурби етадиган нархларда кенг фойдалана олишига кўмаклашиш» — ривожланган ахборот-коммуникация инфратузилмаси хизматларидан барча фуқаролар хавфсиз ва ишончли фойдалана олишлари – бу хизматларни замонавийлаштиришнинг гарови эканлигидан далолат беради. Алоқа сифатини яхшилаш истикболлари, Айникса, муҳимдир ва уни амалга оширишда кенг аҳоли қатламлари, шунингдек, хусусий сектор иштирок этмоғи лозим. Жамиятнинг ривожланиши ахборот ва билимларга кенг йўл очиб берилишининг муҳим элементи ҳисобланади.

– «лингвистик хилма-хилликка ва миллий рамзийликка кўмаклашиш» — кўпмиллатли ва кўпдинли республика бўлмиш Ўзбекистонда, айниқса, муҳимдир. Мамлакатда босқичма-босқич лотин алифбосига ўтиш дастури қабул қилинган. Бу ўз ўрнида ахборот-коммуникация жиҳозлари ва дастурий воситаларини янги иш шароитига мослаштириш бўйича жиддий иш олиб боришни талаб қилади.

– «таълим бериш ва ўқитиш орқали инсон имкониятларини ўстириш» — ахборот-коммуникация соҳаси янги электрон ўқитиш, шу жумладан, масофадан ўқитишда мутлақо янги имкониятларни очиб беради.

– «юридик, ҳуқуқий ва ҳукумат доираларида ахборот-коммуникацияга мувофиқ муҳитни яратиш» — тушунарлидир, негаки, ахборотлашган жамиятни яратиш механизмлари тўлақонли ишлаши учун жамиятни ахборотлаштириш сиёсати самарали олиб борилишини таъминлайдиган тегишли юридик, ҳуқуқий ва ташкилий муҳит яратилиши лозим.

– «ахборот-коммуникация соҳасида махфийлик ва хавфсизликни таъминлаш» деганда, ахборот оқимларининг махфийлиги таъминланиши зарурлиги, фуқароларнинг шахсий ҳаётига аралашмаслик ва асосийси, ахборот манбалари ва технологияларидан давлат манфаатларига қарши жиноий ва террорчилик ҳамда саноат жосуслиги мақсадларида фойдаланиш имкониятини йўқотиш тушунилади.

– «ахборотлашган жамиятнинг одоб тамойилларига риоя қилиш» деганда, ахборотлашган жамиятнинг одоб меъёрларини шакллантириш, ривожлантириш ва уларга риоя этиш англанади.

Ушбу ўзига хос тамойиллар тизимини кўриб чиқар эканмиз, аввало, улар глобал хусусиятга эгалигига эътибор берамиз. Улар бир қарашда умумий тамойилларга мувофиқ эмасдай кўринса-да, аслида мамлакат иқтисодиётини ва ахборот-коммуникация соҳасини ислоҳ қилиш йўлида умумий тамойилларига боғланувчи яна бир оралиқ тамойиллар қўшилиши биз учун муҳимдир. Бу тамойиллар ишлаб чиқилишида ушбу рисола муаллифларидан бири бевосита иштирок этган. Улар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан

[1]Ўзбекистон Республикасининг «Ахборотлаштириш тўғрисида»ги Қонуни, 2003 й.

2003 йил 13 декабрда қабул қилинган «Ахборотлаштириш тўғрисида»ги Қонуннинг янги таҳририда таърифлаб берилган. Қонунда қуйидаги тамойиллар ўз аксини топган:

– ҳар кимнинг ахборотни эркин олиш ва тарқатишга доир конституциявий ҳуқуқларини амалга ошириш, ахборот ресурсларидан эркин фойдаланишини таъминлаш;

– давлат органларининг, тармоқ ва ҳудудий ахборот тизимлари, шунингдек, жисмоний ҳамда юридик шахсларнинг ахборот тизимлари асосида республиканинг ягона ахборот майдонини яратиш;

– халқаро ахборот тармоқлари ва Интернет жаҳон ахборот тармоғидан эркин фойдаланиш учун шароит яратиш;

– давлат ахборот ресурсларини шакллантириш, ахборот тизимларини яратиш ҳамда ривожлантириш, уларнинг бир-бирига мослигини ва ўзаро алоқада ишлашини таъминлаш;

– ахборот технологияларининг замонавий воситаларини ишлаб чиқаришни ташкил этиш;

– ахборот ресурслари, хизматлари ва ахборот технологиялари бозорини шакллантиришга кўмаклашиш;

– дастурий маҳсулотлар ишлаб чиқариш ривожлантирилишини рағбатлантириш;

– соҳа йўналишида тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш, инвестицияларни жалб этиш учун қулай шароит яратиш;

– кадрлар тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш, илмий тадқиқотларни рағбатлантириш.

Барча ўзига хос тамойиллар умумий тамойиллардан келиб чиқиб, улар билан чамбарчас боғлиқдир.

Ахборот-коммуникация соҳасининг аниқ тармоқлари ва объектлари шароитида ушбу умумий ва ўзига хос тамойиллардан ташқари объектларни бошқаришнинг талай тармоқ учун хос бўлган ҳамда якка ҳолдаги тамойиллари амал қилмоқдаки, бу аниқ таҳлилий ва услубий ишланмаларда намоён бўлмоқда. Кейинги гуруҳлар бевосита соҳанинг ўзига хос хусусиятлари ҳамда унинг жамият ҳаётидаги ўрни билан бевосита боғлиқдир. Улар қуйида батафсил кўриб чиқилади.

5.3. Бошқариш тизимининг замонавий элементлари таснифи

Иқтисодий адабиётларда бошкарув элементлари тўғрисида аниқ бир фикрни ифодалайдиган таърифни учратиш қийин. Бизнингча, бу категория

мазмунан бошқариш субъекти (Бошқарувчи) ҳамда бошқариш объектини (бошқарилувчи) ифодалайди. Бунда субъект бошқарув тамойиллари ва усулларига таяниб ҳамда уларни оқилона қўллаш асосида объектни бошқаради, яъни бошқарув жараёнида субъект актив ва объект пассив ролни ижро этади. Бошқариш самарадорлиги кўп жиҳатдан Бошқарув элементларининг оқилона фаолиятига боғлиқ бўлади. Зеро, улар бошқариш жараёнининг ҳақиқий иштирокчиларидир, бошқариш механизмининг бошқа ташкиллаштирувчилари (тамойиллари, усуллари, турлари ва ҳ.к.) эса, бу жараён амалга ошиши учун услубий ёки ғоявий восита ролини ўйнайди.

Ахборот-комуникация соҳасининг бошқариш тизими самарадорлиги кўп жиҳатдан бошқариш элементлари «вертикал» ва «горизонтал» мажмуаларининг ҳам ички, ҳам ўзаро жиҳатдан давр талабларига мос равишда оқилона (рационал) бўлишига боғлиқ. Биринчи ҳолатда, бошқаришнинг республика ҳукуматидан бошлаб, то энг қуйи алоқа шахобчасигача бўлган бошқариш элементлари тушунилади. Телекоммуникация соҳасининг ўзига хос техникавий ва фаолият кўрсатиш хусусиятлари ушбу вертикал тизимни сақлаб туришни тақозо этади. Иккинчи ҳолатда гап соҳанинг ҳар бир ҳудудий ёки корхона даражасидаги Бошқарув элементлари ҳақида боради.

Ҳар қандай бошқарув тизими ўзаро боғлиқликда ва алоқада бўлган бошқарув элементлари мажмуаси бўлиб, бу мажмуа ягона бутунликни ташкил этади. Яъни бошқарув элементлари мажмуасини тўлиқ тизим (целостная система) сифатида таърифлаш мумкин. Ўз навбатида бу тизимни бошқарилувчи ва бошқарувчидан иборат кичик тизимчаларга (подсистемы) ажратиш мумкин. Биринчи ҳолатда, бошқариш ҳаракатини ўзига қабул қилувчи ҳамда унга жавобан акс алоқа кўрсатувчи объектлар мажмуаси тушунилади. Бунда «акс алоқа» сифатида ушбу бошқарилувчи объектнинг ҳолати ва фаолият кўрсатиши ҳақидаги маълумотларни шакллантириш ҳамда уларни ҳисоботлар тарзида Бошқарувчига етказиб бериш тушунилади. Иккинчи ҳолатда, бошқарилувчи кичик тизимнинг маълумотларини ўзида жамлаш, уларни турли механизм ва усуллар асосида коррекция қилиш йўли билан бошқарилувчига таъсир ўтказувчи Бошқарув субъекти тушунилади.

Шундай қилиб, бошқарувга тизимли ёндашув нуқтаи назаридан ахборот-коммуникация соҳасининг барча бўлинмаларини, уларнинг бажарадиган вазифасидан қатъий назар, бошқарувчи ҳамда бошқарилувчини қуйи тизимлар сифатида кўриш лозим. Масалан, «Ўзбектелеком» АК филиалларининг алоқа бўлимлари унинг филиалларига нисбатан, филиаллар эса, ўз ўрнида компаниянинг ижро аппаратига нисбатан бошқарилувчи қуйи тизимлар, ҳар бир юқори турувчи бўғин эса Бошқарувчи қуйи тизим ҳисобланади. Айни чоғда "Ўзбектелеком" АК ЎзАААга нисбатан бошқарилувчи қуйи тизим сифатида ўрин тутади.

Бошқарув пиллапоясининг бундай аниқ белгиланиши ҳар бир қуйи тизим учун вазифалар, функциялар ва жавобгарликни аниқлаштириш имконини беради. Буларнинг ҳаммаси технологик ва ишлаб чиқариш хусусиятларига асосан ахборот-коммуникация соҳасида бошқарувни ташкил этишнинг вертикал тамойили устунлик қилиши, яъни ушбу жараённинг марказлаштирилганлиги сақланиб қолиши билан боғлиқ. Гап шундаки, ахборот-коммуникация соҳасида, Айниқса, унинг телекоммуникация тармоғида бутун мамлакатда, шу жумладан, халқаро сўзлашувларни қўшганда ягона технологик тизим мавжуд ва унинг бир маромда ишлаши ҳар бир бўлими ва бўлинмалари фаолиятини марказдан қаттиқ назорат қилишни ҳамда тартибга солишни тақозо этади.

Ахборот-коммуникация соҳасини бошқариш тизими — бу қонуниятлар ва тамойиллар асосида тузилган шундай умумийликки, ундаги барча элементлар бир-бири билан узвий боглиқ бўлганлиги сабабли атрофдаги шарт-шароит ва бошқа тизимларга нисбатан бир бутунлик сифатида намоён бўлади. Ахборот-коммуникацияларни бошқариш тизимининг элементи мантиқан муайян фаолиятни амалга оширувчи бир бутунлик таркибидаги минимал бирликдир. Ахборот-коммуникацияларни бошқариш тизимини оддий ва мураккаб тизим сифатида кўриш мумкин. Агар биз тизимнинг ҳар бир элементига мустақил тизим сифатида, яъни «тизим ичидаги тизим» тамойили бўйича қарайдиган бўлсак, уни мураккаб тизим сифатида кўрган бўламиз. Бу тизим элементлари орасида мавжуд бўлган ўзаро боғлиқликларнинг хусусиятлари унинг ички тузилмаси тушунчасида белгиланади. Ахборот-коммуникацияларни бошқариш тизимининг ички тузилмаси — бу унинг сифат хусусиятини белгиловчи, тизим таркибидаги элементлар боғлиқлигининг ўзаро шартли мажмуидир.

Бир бутун тузилмадаги ҳар бир бошқарув элементи барча элементларни умумий тизимга жамлаш ҳамда унинг самарали ишлашини таъминлаш мақсадида маълум бир вазифани бажаради. Маълумки, тузилма ва тизимнинг вазифалари бир-бирини тақозо этади. Чунончи, ахборот-коммуникация соҳасини бошқариш органларининг ички тузилмаси унинг вазифалари билан боғлиқ бўлиб, ички тузилманинг бузилиши, ўзгариши (тугатилиши, қайта ташкил этилиши, такомиллаштирилиши) унинг вазифалари бузилиши ёки ўзгаришига олиб келади. Шу сабабли бошқарув тизимининг янгича фаолият кўрсатиши ва унинг эскича ички тузилмаси орасидаги номувофиқлик ички тузилма ўзгаришлари билан ҳал қилинади, яъни бошқаришнинг элементлари, тамойиллари ёки усуллари тизими такомиллаштирилади. Мазкур номувофикликнинг ечими шакл ва мазмуннинг ўзаро нисбати диалектикасига боғлиқдир. Яъни ахборот-коммуникацияларни бошқариш тизими тушунчалари диалектиканинг анъанавий категорияларига, аввало, умумийлик ва алоҳидалик категорияларига бевосита алоқадордир.

Бошқарув тизимининг ҳар бир элементида, агар статика нуқтаи назаридан кўрилганда, доим унинг тарихи ҳамда динамик ҳолати ҳақида ахборот мавжуд бўлади. Бу ҳолда ахборот-коммуникация бошқаруви тизимининг статик тузилишини мазкур тизим ўз тараққиёти давомида босиб ўтган вақт босқичларининг макондаги проекцияси сифатида кўриб чиқилиши мумкин. Бу маънода ички тузилма нафақат тизим тузилиши қонуни бўлибгина қолмай, балки унинг фаолияти қонуни ҳам бўлиб қолади. Ахборот-коммуникацияларни бошқариш ички тузилмаси тизимлар ва тегишлича вазифалар пиллапояларидан иборат. Бинобарин, ахборот-коммуникацияларни бошқариш тузилмасининг вақт мобайнидаги кўриниши, яъни унинг шаклланиш жараёни иқтисодиётнинг мазкур соҳасини ривожлантириш жараёнининг муҳим хусусиятларидан бири ҳисобланади.

Шундай қилиб, бизнинг фикримизча, ахборот-коммуникацияларни бошқариш тизими мазкур соҳани иқтисодий ва ижтимоий ривожлантиришнинг аниқ мақсадига эришишга қаратилган воситалари, вақт ва макон билан ҳамоҳанг иқтисодий, ижтимоий, ташкилий ва илмий-техникавий тадбирлар мажмуини англатади.

Ахборот-коммуникация соҳасининг фаолият кўрсатишидан мақсад эса, унинг жамият талабларини оқилона таъминлаш даражасидаги келгуси ҳолатига эришишдир. Мазкур ҳолда соҳанинг жамият тараққиётининг барча келгуси босқичларида мақбул тарзда ишлаб туришини таъминлаш ҳақида сўз бормоқда. Яъни мақсад аниқ қилиб эмас, балки исталган ҳол сифатида қўйилмоқда ва мазкур объект хусусиятларининг табиий ривожланишини белгиловчи кейинги ҳолати изчил мақсадлари кўринишида тасаввур этилмоқда. Шу сабабли объектни узоқ вақт мобайнида, ташқи талаблар билан белгиланган йўналишда жадал ривожлантириш тадбирлари комплекси объектни бошқариш дастури ҳисобланади.

Бундай бошқарув дастурини ишлаб чиқиш учун турли элементларни ўхшашликлари ва фарқлари бўйича алоҳида гуруҳларга ёки синфлар деб юритилувчи бир канча тобе гуруҳларга ажратишдан иборат бўлган мантикий жараённи ўз ичига олувчи бошқарув элементлари таснифини (классификациясини) амалга ошириш ўта муҳимдир.

Бошқарув элементларини таснифлаш белгиларини аниқлаб олиш дастлабки вазифа ҳисобланади. Таснифлашнинг биринчи белгиси сифатида ахборот-коммуникацияларнинг ташқи ва ички муҳити тушунчасини киритамиз.

А. Ташқи муҳитнинг мазмуни шуки, ўрганилаётган соҳа мустакил тизим сифатида маълум муҳитда фаолият кўрсатади, у билан ўзаро алокада бўлади, унинг таъсирида ўзгаради ва ўз навбатида унга фаол таъсир қилади. Ташқи муҳит макродаражада олиб қаралганда иқтисодий, сиёсий, ҳуқуқий, техноло-

гик ҳамда табиий хусусият касб этиб, микродаражада у ахборот-коммуникация хизматлари истеъмолчилари, соҳа таъминотчилари, шериклар, рақобатчилар, давлат ва маҳаллий Бошқарув тузилмаларини ўз ичига олади.

Соҳанинг ташқи муҳит билан алоқаси ўзаро ҳамкорлик ва мослашув тарзида амалга оширилади, яъни бошқарувнинг бу борадаги вазифаси ташқи муҳитнинг соҳага алоқадор ижобий ва салбий ўзгаришларини ўз вақтида англаб олиш ва стратегик бошқарув усулларини қўллаш асосида ўзгарувчан ташқи муҳитда соҳа барқарорлигини таъминлайдиган чоралар белгилашдан иборатдир.

Ахборот-коммуникация соҳаси ташқи муҳитдан энергия, ахборот, инсон ресурслари, моддий, молиявий ва бошқа ресурсларни олади, уларни маҳсулот ҳамда хизматларга айлантиради ва яна уларни ташқи муҳитга қайтаради. Ташқи муҳитни ахборот-коммуникация фаолиятига таъсир ўтказувчи икки таркибий гуруҳга ажратиш мумкин. Биринчиси, макро ташқи муҳит, ўз навбатида уни иқтисодий, сиёсий, ҳуқуқий, ижтимоий, технологик ва табиий-жўғрофий қисмларга бўлиб караш мумкин. Иккинчиси, ахборот-коммуникация хизматларининг истеъмолчилари, хизмат кўрсатувчилар, рақобатчилар, шериклар, инфратузилма ташкилотлари, давлат ва муниципал органлар қаторидаги ишбилармонлар муҳити бўлган микро ёки бевосита ташқи муҳит.

Ташқи муҳит сифатида қонун чиқарувчи ҳамда ижро этувчи ҳокимият органларини ўз ичига олувчи маълум давлат бошқаруви органлари тизимига алоҳида эътибор қаратиш керак бўлади. Ушбу тузилма барчага маълум ва уни ёритишга эҳтиёж йўқ.. Фақат шуни айтиб ўтиш жоизки, айнан шу соҳада республика мустақиллиги йилларида катта ўзгаришлар бўлди ва ҳануз давом этмоқда. Нафақат органларнинг номлари, балки уларнинг тузилиши, вазифалари ва функциялари ҳам ўзгармоқда. Уларнинг умумий ривожланиш йўналишини эркинлаштириш, мулкчиликнинг турли шаклидаги корхоналарнинг хўжалик соҳасига аралашиш механизмларини йўқотиш жараёнларини янада чуқурлаштиришга қаратилгандир. Буларнинг барчаси ахборот-коммуникациялар соҳасини бошқариш тизимини ана шу ўзгаришларга ҳамоҳанг равишда изчил такомиллаштиришни талаб қилади.

Ахборот-коммуникация соҳасини бошқариш тизимига кучли таъсир кўрсатадиган кейинги ташқи объектлар гуруҳига миллий ва чет эл рақобат қилувчи тузилмалари киради. Бу Ўзбекистон ахборот-коммуникация соҳасини бошқариш тизими учун умуман янги элементдир. У Фақат бозор муносабатларига хос бўлиб, ахборот-коммуникация соҳасини бошқариш тизимининг ташқи муҳит талабларига мослашиши ва ўзини-ўзи ташкил этиш хусусиятининг такомиллашувини таъминлайди.

Ташқи муҳитнинг учинчи тур элементлари жумласига ички тузилмаларнинг жаҳон бозорларига чиқишида макроиқтисодий бошқарувнинг энг умум-

лашган қоидаларини шакллантирувчи халқаро иқтисодий ташкилотлар киради. Улар савдо ва молия тузилмалари қуйи синфларини ўз ичига олади. Бундан ташқари, ушбу синфда ахборот-коммуникация хизматлари олди-сотдиси амалга ошириладиган ахборот ва телекоммуникация хизматларини кўрсатувчи халқаро бозорларнинг катта гуруҳи мавжуд. Мазкур тадқиқот доирасида ушбу синфнинг энг диққатга сазовор элементлари — булар ахборот-коммуникация соҳасини ривожлантириш бўйича Ўзбекистон Республикаси давлат дастурларига инвестиция қилиш кўринишидаги ёрдамни амалга оширувчи ҳамда ушбу сектор ривожига давлат органларида ҳам, илмий-тадқиқот институтларида, таълим муассасаларида, нодавлат жамоат ташкилотларида, кичик ва ўрта бизнес секторида ҳам катта ҳисса қўшаётган Буюк Британия, Германия, АҚШ, Швейцария ва Япония каби давлатлар органларидир. Бундан ташқари, ахборот-коммуникация тараққиётини тўғридан-тўғри қўллаб-қувватловчи БМТ Тараққиёт дастури, Жаҳон Банки, ЕТРБ, ОРБ, Европа Иттифоқи, USAID фонди тузилмаларини ва бошқа халқаро донорлик ташкилотларини айтиб ўтиш керак бўлади. Жумладан, НАТОнинг илмий дастури миллий академик муассасаларда ахборот-коммуникация тармоқлари ривож топишини, кутубхоналар ва халқ таълими тизимларида Интернетдан жамоавий фойдаланиш пунктлари ташкил қилинишини қўллаб-қувватламоқда. БМТ Тараққиёт дастурининг махсус йўналишлари давлат органларида ахборотлаштиришнинг ривожлантирилишини таъминламоқда. Шу билан бирга ушбу лойиҳалар жамоат ва хусусий секторларда ҳам ахборот-коммуникация тармоқлари ривожланишини таъминлашга қаратилган.

Б. Соҳа бошқаруви ички элементлари классификацияси Ўзбекистонда ахборот-коммуникация тизими ривожига бевосита алоқадор бошқарув элементларини қамраб олади. Бу классификация асосан Алоқа ва ахборотлаштириш мажмуида фаолият кўрсатаётган ҳамда Республика ҳукумати қарорига кўра ҳар бир вазирликда, йирик соҳавий бирлашмаларда ташкил этилган ва ахборотлаштириш ҳамда ахборот технологияларини ривожлантиришга жавобгар бўлган таркибий бўлинмаларни ўз ичига олади.

Ушбу таснифда соҳа бошқарув элементларининг ҳозирги кунда шаклланган икки гуруҳини ажратиб кўрсатиш мумкин, булар:

– ахборот-коммуникация тизимини ривожлантириш бўйича Миллий стратегия ва ҳаракатлар режасини амалга оширувчи ташкилотлар;

соҳанинг ички тузилмалари.

Биринчи гуруҳга қуйидагилар мансуб:

1. Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари томонидан бошқариладиган компьютерлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш бўйича мувофиқлаштириш кенгаши. Бу кенгаш

компьютерлаштириш ва ахборот-коммуникация технологиялари ривожини мувофиқлаштирувчи юқори орган ҳисобланади. Мазкур органнинг асосий вазифалари қуйидагилардир:

– ахборот-коммуникация соҳасини ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқиш;

– ахборот-коммуникация соҳасини ривожлантириш дастурлари амалга оширилишини назорат қилиш;

– соҳада инвестиция сиёсатини ишлаб чиқиш, шу жумладан, ахборот-коммуникация соҳасида йирик инвестиция лойиҳаларини бошлаш ҳақида қарор қабул қилиш;

– соҳани ривожлантириш учун мувофиқ шароитни яратиш сиёсатини белгилаб бериш.

2. Ахборот-коммуникация соҳасида давлат Бошқарувини амалга оширувчи махсус ваколатли орган Ўзбекистон Алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги (ЎзААА) ҳисобланади. Ушбу органнинг асосий вазифалари қуйидагилардир:

– ахборот-коммуникация соҳасида қонунлар ва ҳукумат қарорлари, лойиҳаларини ишлаб чиқиш;

– ахборот-коммуникацияларни ривожлантириш дастурлари бажарилишини ташкил этиш;

– ахборот-коммуникация соҳасидаги фаолиятни лицензиялаш ва сертификатлаш;

– телекоммуникация ва ахборот технологияларига замонавий стандартлар ва талабларни ишлаб чиқиш ва татбиқ қилиш;

– вазирликлар ва идораларнинг ахборот маълумотлар базаларини, тармоқларини, электрон ҳукуматни вужудга келтириш ва улардан фойдаланиш бўйича амалий фаолиятини мувофиқлаштириш;

– вужудга келтирилаётган электрон ахборот тармоқларини экспертиза қилиш.

Агентлик Мувофиқлаштириш кенгашининг ишчи органи ҳисобланади.

3. Компьютер ва ахборот технологияларини ривожлантириш ва татбиқ этиш маркази — Ўзинфоком бўлиб, у ЎзААА ҳузурида тузилган. Марказ қуйидаги вазифаларни бажаради:

– ЎзААА буюртмасига биноан ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш соҳасида дастурлар лойиҳалари ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш;

– реал иқтисодиёт секторлари, бошқарув соҳалари, бизнес, соғлиқни сақлаш, фан ва таълим соҳалари, шунингдек, электрон тижорат дастурларини амалга ошириш учун амалий ва мослаштирилган дастурий воситаларни, маълумотлар базаларини, вэб-сайтларни ва бошқа дастурий маҳсулотларни ишлаб чиқиш бўйича тендерларда иштирок этиш;

– бошқарув органларига, бюджет ташкилотларига ва хусусий тадбиркорликка компьютерлаштириш ҳамда ахборот-коммуникация технологияларининг жорий этиш бўйича кенг ахборот, сервис ва консалтинг хизматларини кўрсатиш;

– миллий ва жаҳон ахборот-коммуникация технологияларини ривожланиш жараёнлари, соҳадаги замонавий халқаро стандартлар ҳақида йилнинг ҳар чорагида маърузалар ва шарҳлар тайёрлаш.

4. Рақамли ривожланиш ташаббуси дастури (DDI дастури) мамлакатнинг ахборот-коммуникация соҳасини ривожлантириш эҳтиёжларидан келиб чиқиб, БМТнинг Ўзбекистондаги Доимий ваколатхонаси ташаббуси билан уюштирилган. DDI дастурининг стратегик шериги Ўзбекистон Республикаси ҳукумати номидан ЎзААДир. DDI дастурининг мақсади Ўзбекистон томонидан ахборот инқилоби устунликларидан энг кўп даражада фойдаланишини таъминлаш. Ушбу дастурда қуйидаги асосий вазифаларни бажариш кўзда тутилган:

– ахборот-коммуникация соҳасини ривожлантириш муаммолари бўйича миллий мулоқот жараёнларини кучайтириш;

– Интернетни ривожлантиришга ва ахборот-коммуникация ютуқларини республика иқтисодиёти ва Бошқарувининг турли соҳаларга татбиқ этишга кўмаклашиш;

– ахборот-коммуникация бўйича давлат хизматчилари, жамоат ташкилотлари ҳамда кичик ва ўрта бизнес вакиллари учун тренинглар уюштириш;

– масофадан ўқитиш ва таълимнинг бошқа услубларини амалга оширишда ёрдам кўрсатиш;

– ахборотлашган жамиятга ўтиш учун Ўзбекистоннинг тараққиёти ҳолати ва эҳтиёжини баҳолаш.

Ички элементлар жумласига юқоридагилардан ташқари, Ўзбекистон Республикаси ҳукумати қарорларига мувофиқ ҳар бир вазирлик ва йирик тармоқ уюшмаларида ташкил қилинган ахборот тармоқлари ҳамда маълумотлар базаларини вужудга келтириш ва улардан фойдаланишга, ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантиришга жавобгар алоҳида таркибий бўлимлар ҳамда ахборот-коммуникация соҳасидаги корхоналарни бошкариш ташкилий тузилмалари субъектлари ҳам киради. Бундай субъектларнинг Республика Вазирлар Маҳкамасининг тегишли мажмуи таркибига кирадиганларининг жами сони 68 та. Улар орасида ишловчилар сони ва хизматлар ҳажми бўйича энг йириклари ҳамда республиканинг барча вилоятлари ва туманларида ўз ҳудудий бўлинмаларига эга бўлганлари «Ўзбектелеком» АК ва «Ўзбекистон почтаси» ДАК ҳисобланади.

Аммо, ташкилий тузилмаларнинг бошқарув элементлари бу бошқарув статикасигина холос. Бошқарув тизими ишлаб кетиши учун эса, у доимо

тараққиётда бўлмоғи керак. Бошқача айтганда, бошқарув жараёни оқилона шаклланиши учун ушбу тизимда унинг ривожланиши динамикасини акс эттирувчи элементларнинг катта гуруҳини жам қилган бўлиши керак. Ушбу элементлар маълум иқтисодий, ҳуқуқий ва ижтимоий гуруҳларга бўлинади. Баъзи ҳолларда шу гуруҳга сиёсий усулларни ҳам қўшадилар. Мазкур ҳолда, бизнинг нуқтаи назаримиз бўйича, ахборот-коммуникация соҳаси, бу, авваламбор, хўжалик, иқтисодий мажмуа эканлигини ҳисобга олиш даркор ва шу сабабли, у сиёсий фаолият майдони сифатида хизмат қилиши мумкин эмас. Лекин сиёсат ҳам соф хўжалик жараёнларига таъсир кўрсатиши маълум. Аммо, сиёсий ва иқтисодий бошқарув шаклларининг бу таъсири ва ўзаро алоқаси барчага маълум бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг иқтисоднинг сиёсатдан устуворлиги ҳақидаги илгари сурган тамойили орқали аниқ акс эттирилган диалектик мантиққа бўйсунади.

Барча иқтисодий, ҳуқуқий ва ижтимоий бошқарув элементлари мажмуини тўла-тўкис ёритишнинг зарурати йўқ деб биламиз. Улар барчага маълумдир. Фақат шуни айтиб ўтиш даркорки, республикада мустақиллик эълон қилингандан буён ушбу элементларнинг бутун мажмуини жадал қайта қуриш жараёни бормоқда ҳамда бу бозор муносабатларини шакллантириш ва ривожлантиришга қаратилгандир. Бунда фақат мулкчилик муносабатларини эркинлаштиришни амалга ошириш, давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш, рақобат муҳитини яратиш, ишлаб чиқарилган маҳсулотни тақсимлаш муносабатларини ўзгартириш, корпоратив бошқарув тизимларини шакллантириш билан боғлиқ бўлган янги муҳим элементларни ажратиб кўрсатиш мумкин. Бироқ, ана шу барча янги ва бошқа бошқарув элементларини мазкур тадқиқот иши доирасида кўриб чиқиш қийин вазифадир. Бунда, табиийки, фақат ҳозирги босқичда асосий, етакчи ўринда бўлганларинигина ажратиб кўрсатамиз. Масалан, эндиликда бироз илгари бўлиб ўтган ва асосан якунланган акциялаштириш жараёнлари ҳақида сўз юритиш шарт эмас. Тараққиётнинг иқтисодий жараёнларини бошқаришда, нарх, тариф, маркетинг ва инвестиция сиёсатини такомиллаштиришда давлатнинг тутган ўрни сингари муаммолар бугунги куннинг ҳамда яқин ва узоқ истиқболнинг жуда долзарб масалалари ҳисобланади. Шу сабабли уларни бирма-бир ишнинг кейинги бўлимларида батафсил кўриб чиқамиз.

5.4. Бошқариш тизими элементларининг ислоҳотлар давридаги шаклланиш қонуниятлари

Объектив тавсифга эга бўлган иқтисодий қонунлар таъсири остида рўй берадиган ахборот-коммуникация соҳасини бошқариш жараёни алоҳида ху-

сусиятларга ва ўзига хос томонларга ҳам эгадир. Ушбу ўзига хос томонларни ўрганиш энг кўп такрорланадиган, ўзаро боғлиқ ҳодисаларнинг барқарор алоқадорликларини, бошқарув қонуниятларини аниқлаш имконини беради. Фақат қонуниятларни билган ҳолдагина илмий асосда, етарлича холисона равишда соҳанинг ривож топишини бошқариш бўйича аниқ йўналишлар ва ҳаракатларни белгилаш мумкин.

Бошқарув элементларини шакллантириш қонуниятлари барча соҳалар учун умумий ва айрим, шу жумладан, ахборот-коммуникация соҳаси учун алоҳида бўлиши мумкин. Улар бутун Бошқарув тизимини ҳам, унинг айрим қисмларини, элементларини ҳам шакллантириш жараёнига мос бўлиши мумкин.

Бунда умумий қонуниятлар ҳал қилувчи ҳисобланади. Бу ерда энг муҳим қонуният ва ўзига хос хусусият – ахборот-коммуникация соҳасини бошқариш элементларининг мақсадли вазифаларини белгилаш ва уларнинг бажарилишини таъминлаш билан боғлиқдир. Бунда, бошқарув элементларини шакллантириш соҳа олдида турган йирик халқ хўжалиги вазифаларининг (ижтимоий-иқтисодий, техникавий, илмий ва ҳ.к.) ечимларига бўйсундирилиши кераклиги тушунилади. Бошқарув элементларини шакллантиришнинг халқ хўжалиги, тармоқ вазифалари ва мақсадларининг айнан мана шундай ўзаро узвий боғлиқлиги билан ахборот-коммуникация соҳасини бошқаришни такомиллаштириш бутун жараённинг комплекслилиги таъминланади.

Ахборот-коммуникация соҳасини бошқариш элементларини шаклланти-риш тамойилларининг бирлиги ҳам умумий қонуниятлар жумласига киради. Бундай бирликнинг муҳим шарти — мулк шаклларининг тенглиги, ривожланган рақобат муҳити мавжудлиги, иқтисодий муносабатларнинг барча соҳалари эркинлаштирилишидир. Ахборот-коммуникация соҳасининг иқтисодий моҳияти унинг бошқарув элементлари ички соҳавий ёки соҳалараро жараёнларни бошқариш шакли бўлиши-бўлмаслигидан қатъий назар ўзгармайди. Аксинча, уларнинг халқ хўжалигининг турли соҳаларидаги шаклланиши тамойилларининг бирлиги бошқарув элементлари шакллари, шаклланиш усуллари ва жараёнлари хилма-хиллигини англатади. Ахборот-коммуникация соҳасини бошқариш элементларининг шаклланиш тамойилларининг бирлиги унинг тизимлилиги, яъни бир вақтда бошқарув шакллари ва ишлаб чиқаришнинг ташкил этилиши уйғунлаштирилиши билан боғлиқ бўлади.

Ахборот-коммуникация соҳасини бошқаришнинг мақбул ишлаб чиқариш ва ташкилий бошқариш тузилмасини танлаш ва таъминлаш зарурлиги ҳам қонуният ҳисобланади. Маълумки, ҳар қандай иқтисодий тизим элементлар ва қуйи тизимлардан иборат бўлади, лекин, ҳар қандай элемент ҳам тизимнинг бир қисми бўла олмайди. Бошқарув элементларининг бир тизим сифатида

шаклланиши учун уларнинг таркибий қисмларида уйғунлашиш, бирлашиш хусусияти бўлиши керак.

Лекин, бошқарувнинг ишлаб чиқариш ва ташкилий тузилмаларини аниқлаш самарали фаолият кўрсатувчи бошқарув элементларини шакллантиришнинг барча вазифаларини тўла ҳал қилмайди. Чунки ахборот-коммуникация соҳаси динамик ривожланишдаги тизим бўлгани сабаб, бу соҳа унинг корхоналари билан соҳа хизматлари истеъмолчилари ўртасида доимий ўзаро алоқа бўлгандагина етарли даражада шаклланади ва фаолият кўрсатади. Ушбу ўзаро алоқанинг бузилиши тизимнинг издан чиқишига ва унинг мустақил объектларнинг оддий тўпламига айланиб қолишига олиб келади. Бундан яна бир қонуният келиб чиқади — бу ахборот-коммуникация соҳаси таркибига кирувчи корхоналар ва унинг хизматлари истеъмолчилари бўлган субъектлар ўртасидаги барқарор ўзаро алоқаларга эришиш ва уни сақлаб туришдир.

Ушбу ўзаро алоқа асосида соҳадаги корхоналарнинг қуйидаги умумий вазифаларни (ишлаб чиқариш-техникавий, иқтисодий, ташкилий, ижтимоий) ечишдаги бирлиги ётади: бу вазифалар у ёки бу маҳсулот (хизмат) ишлаб чиқарилишини кўпайтириш, унинг сифатини ошириш, соҳада инновация тараққий этишига эришиш ва ҳ.к. Ўзаро муносабатлар шакли эса, бутун ахборот-коммуникация соҳаси бирлиги мустаҳкамланган сари барқарорлашиб борувчи ҳар хил турдаги алоқалардир (иқтисодий, ахборотга оид ва бошқалар).

Соҳага мансуб бўлган барча объектлар комплекси ахборот-коммуникация хизматларини кўрсатгани сари ягона организмга айланиб боради. Бу бирликнинг мустаҳкамланиб бориши жараёнида ташқи алоқалар тобора кенг аҳамият касб этади. Бу авваламбор, ташқи бозорга чиқиш ва глобал ахборот тармоқига уланиш жараёнида намоён бўлмоқда. Ахборот-коммуникация соҳасида бирлик бўлмаслиги унинг яккаланиб қолишига, ташқи алоқаларни йўқотишига олиб келиши мумкин. Тизимдаги ўзаро таъсирнинг аҳамияти улкандир — у нафақат тизимни бирлаштириб мустаҳкамлайди, балки унинг олдига қўйилган вазифаларнинг бажарилишини таъминлайди. Ушбу қонуниятнинг ҳозирги замон шароитидаги аҳамияти ўта муҳимдир, чунки узоқ йиллар давомидаги маъмурий-буйруқбозлик тизими ҳукмронлиги даврида дунё ҳамжамиятидан ва унинг илмий-техникавий ютуқларидан ажралиб қолган ахборот-коммуникация соҳасининг ўнлаб йиллар орқада қолишига олиб келди. Мустақиллик эълон қилингунга қадар Ўзбекистоннинг алоқа тизими ибтидоий аҳволда бўлганлигини фақат мамлакат жаҳон иқтисодий ҳамжамияти сари дастлабки қадамларини қўйгандагина барча англаб етди.

Соҳани бошқариш элементларини шакллантиришнинг асосий, умумий конуниятлари ана шулардан иборат бўлиб, уларнинг аниқланиши ўтиш даври шароитида соҳанинг самарали бошқарилишини ва унинг динамик ривожланишини таъминлаш имкониятини беради.

Энди ахборот-коммуникация соҳасини бошқаришнинг замонавий услубларини тавсифлашга ўтамиз.

5.5. Ахборот-коммуникация соҳаси бошқарув усуллари ривожланишининг илмий асослари

Ахборот-коммуникация соҳасини бошқариш тамойиллари ва қонуниятлари мувофиқ бошқарув усуллари орқали олиб борилади, яъни бошқариш субъекти ўз фаолиятини маълум усуллар орқалигина амалга ошира олади. Мазкур соҳадаги корхоналар фаолиятининг сифати ва самарадорлиги нафақат унинг техникавий таъминланганлиги билан, балки биринчи ўринда ходимларнинг билим даражаси ҳамда интеллектуал қобилиятлари ва авваламбор, уларнинг меҳнатини ташкил этиш даражаси билан боғлиқдир. Яъни ахборот-коммуникация соҳасини бошқаришни мазкур соҳа фаолиятидан катта самара олиш мақсадида аввало, одамлар иш фаолиятини, улар ўртасидаги ишлаб чиқариш муносабатларини бошқариш сифатида кўриш лозим бўлади.

Ахборот-коммуникация соҳасини бошқариш турли усуллар билан амалга оширилади ва уларнинг ҳар бири Бошқарувчи тизимнинг бошқарилувчи тизимга бўлган муайян таъсири билан тавсифланади. Ўзбекистон ахборот-коммуникация соҳасининг ўзига хос хусусиятини ва уни бошқариш пиллапоясини ҳисобга олган ҳолда кўриб чиқилаётган бошқариш усулларини икки катта гуруҳга ажратиш мумкин:

1. Соҳа ичида мувофиқ муҳитни таъминлайдиган, соҳанинг ўз доирасида қўлланиладиган усуллар.

2. Ахборот-коммуникация соҳасини давлат томонидан бошқариш усуллари (сўнгги пайтларда «давлат томонидан тартибга солиш» деб ҳам талқин қилинади).

Биринчи гуруҳ усуллари иқтисодий адабиётда уч кичик гуруҳга бўлиб ўрганилади: иқтисодий, ижтимоий-психологик ва ҳуқуқий бошқарув усуллари. Ушбу усулларнинг барчага маълумлигига қарамасдан шуни айтиб ўтиш керакки, улар Ўзбекистон шароитида иқтисодий, ижтимоий ва ҳуқуқий муҳит юқори даражада динамиклилиги натижасида тез ўзгарувчан хусусиятга эга. Буларнинг ҳаммаси ахборот-коммуникация соҳаси менежменти томонидан унинг ҳар кунги фаолиятида ҳисобга олинган бўлиши керак.

Биринчи гуруҳ усулларидан фарқли равишда иккинчи гуруҳ усуллари республикага хос хусусиятларни ва ахборот-коммуникация соҳаси бозори шаклланиши динамикасини ҳисобга олган ҳолда ҳали етарли даражада илмий жиҳатдан таҳлил қилинмаган. Бизнинг фикримизча, бунга сабаб республиканинг дунё иқтисодий майдонига жадал кириб бориши ҳамда Ўзбекистонда иқтисодий

ислоҳотларнинг мустақилликнинг жуда қисқа муддатларида юқори суръатлар билан ривожланишига нисбатан бу жараёнларни илмий таҳлил қилишнинг ортда қолаётганлигидир. МДҲ доирасида эса, соҳадаги кўрилаётган муаммо бўйича ушбу рисола муаллифлари томонидан фақат айрим махсус ишларни аниқлашга муваффақ бўлинди.[1]

Давлат томонидан тартибга солишнинг моҳиятини кўриб чиқишда шуни эсда тутиш лозимки, бозор иқтисодиёти тамойилларига амал қилиш кучайиб боргани сайин, аста-секин «давлатнинг бизнесдан ажратилиши» юз беради. Лекин, ахборот-коммуникация соҳасида техник стандартларга риоя этилишини қаттиқ назорат қилиш, техника тараққиётини қўллаб-қувватлашда давлат кўмаги кераклиги ва унга мамлакат хавфсизлиги кенг маънода (ҳам ҳарбий, ҳам хўжалик маъносида) боғлиқ бўлганлиги сабабли давлатнинг ундаги тутган ўрни юқорилигича қолаверади ва бошқарувни эркинлаштириш бошқа соҳаларга нисбатан ўзига хос тарзда рўй беради.

Ахборот-коммуникация соҳасини давлат томонидан тартибга солиш усулларининг маъноси шундайки, бозор иқтисодиётининг янги сифат даражасига тезлик билан ўтиш стихияли бозор жараёнларини бутун жамият фойдасини кўзлаган ҳолда ягона иқтисодий марказдан иқтисодни онгли тартибга солиш билан бирга уйғунлаштириш кераклигини тақозо этади. Бозор муносабатларига ўтаётган мамлакатлар «режа ва бозорни» мақбул уйғунлаштиришнинг ҳар бир мамлакат учун алоҳида бўлган аниқ-тарихий вариантларини қидиришга мажбур қилаётган ушбу оламшумул жараёндан четда қолмасликлари зарурдир. Яъни ахборот-коммуникация соҳасини ривожлантириш бўйича қўйилган вазифаларни амалга ошириш учун давлат энг самарали ва очиқ тартибга солиш усулларидан фойдаланиши лозим.

Давлат томонидан тартибга солиш усулларининг турли таснифлари мавжуд. Масалан, объектга таъсир кўрсатиш хусусиятига кўра адабиётларда бу усулларнинг қуйидаги уч гуруҳи келтирилади: кузатувчи, дастурли тартибга солиш ва барқарорлаштириш. Биринчи ҳолда (кузатиш орқали тартибга солиш) тизим фаолияти ва атроф-муҳит ҳолати олдиндан маълум эмас. Иккинчи ҳолда (дастурли тартибга солиш) ушбу хусусиятлар олдиндан маълум ва тизим белгиланган дастурга мувофиқ тартибга солинади. Учинчи ҳолда бошқарувдан мақсад тизим фаолияти натижаларининг доимий кўрсаткичларини таъминлашдан иборатдир. Ислоҳотлар энди кучайиб бораётган ва шу боис давлат бош ислоҳотчи бўлган Ўзбекистон шароитида учинчи ҳол устунликка эга, яъни бошқарув тизими ҳозирда асосан муайян ривожланиш кўрсаткичлари мажмуига таянади. Ушбу усул адабиётларда «индикатив бошқарув» деб ҳам номланади.

Васильченко Р.П. Исследование и регулирование рынка информационных услуг в трансформируемой экономике. СПб 2001., Пинчук В. Н. Реформа отрасли связи России как условие интеграции в мировое информационное пространство. М., 2002., Малахов С. А. Лицензирование деятельности в механизме государственного регулирования. Волгоград,1997., Рейман Л. Д., Совершенствование системы государственного регулирования отрасли телекоммуникаций. С. Петербург, 2000., Шибаршова Л. И. Развитие сферы почты и телекоммуникаций Республики Узбекистан в период рыночных преобразований (макроэкономические аспекты). Т., 2000 ва бошқалар.

Давлат томонидан тартибга солишнинг ахборот-коммуникация соҳаси хўжалик юритувчи субъектларининг фаолиятидаги мазмуни барча қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятлар даражасида қабул қилинадиган қонунлар ва қонун ости ҳужжатлари билан белгиланади. Давлат томонидан тартибга солиш шакли давлат талабларини хўжалик юритувчи субъектларга етказиш, уларнинг бажарилишини назорат қилиш ва тартиб бузувчиларга нисбатан чоралар кўриш механизмлари ёрдамида белгиланади.

Давлат томонидан тартибга солиш билвосита ёки бевосита хусусиятли бўлиши мумкин. Билвосита давлат томонидан тартибга солиш деганда давлат институтларининг бозор иштирокчилари сифатида бозорга чиқиб унинг қатнашчиси сифатида бозорнинг бошқа субъектлари фаолиятига таъсир этиши тушунилади. Тартибга солишнинг бу тури асосан ривожланган рақобат муҳити шароитида амал қилади. Ўтиш даври иқтисодиёти шароитидаги Ўзбекистон учун эса, ахборот-коммуникация соҳасини давлат томонидан тартибга солиш асосан, бевосита хусусият касб этади. Шу сабаб бошқаришнинг бу турини батафсилроқ кўриб чиқамиз.

Хўжалик юритувчи субуъектлар фаолиятини давлат томонидан бевосита тартибга солишнинг икки турини ажратиб кўрсатиш мумкин:

1. Хўжалик юритувчи субъектларга тартибга солинадиган нархларда битимлар тузиш талабини қўювчи нарх белгилаш орқали тартибга солиш. Бу усул тўғридан-тўғри нархларни (тарифларни) ўрнатиш, нарх белгилаш формулалари ва қоидаларини белгилаш, тузиладиган битимлар, муайян ҳаридорлар гуруҳлари ёки сотувчилар гуруҳлари учун энг юқори ва паст нархларни белгилаш кўринишида бўлиши мумкин. Сотиладиган ёки харид қилинадиган маҳсулотлар (хизматлар) нархларини (маҳаллий монополиялар нархлари, энг кам иш ҳақи ва ҳ.к.) тартибга солиш нарх белгилаш орқали тартибга солиш жумласига киради.

2. Нарх белгиламасдан тартибга солиш. У хўжалик юритувчи субъектлар учун фаолиятларини ташкил этиш ёки амалга ошириш, ишлатиладиган анжомларга бўлган техник талаблар, фаолиятни амалга ошириш жойи ва вақти, ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар ёки кўрсатиладиган хизматлар ҳажми ҳамда бошқа шу сингарилар билан боғлиқ бўлган мажбурий талабларни белгилашни ўз ичига олади. Текшириш ва назорат қилиш ваколатлари ҳам нарх белгиламасдан тартибга солишнинг муҳим таркибий қисми ҳисобланади. Нархи бўлмайдиган усуллар жумласига лицензиялаш, шу жумладан, техникавий тартибга солиш, стандартлаш, сертификациялаш, мажбурий суғурталаш кабилар киради.

Ахборот-коммуникация соҳасини давлат томонидан тартибга солишнинг яна бир таснифи бошқарув субъекти, яъни тартибга солиш усулларининг

белгилари бўйича бошқарувнинг турли вазифаларига мувофиқ ҳолда амалга оширилиши мумкин. Ахборот-коммуникация соҳасига нисбатан қўлланиладиган мазкур тасниф 2-шаклда берилган.

Ушбу таснифга биноан ахборот-коммуникация соҳасини давлат томонидан тартибга солиш усуллари иқтисодий ва ташкилий-ҳуқуқий усулларга бўлинади. Бунда тартибга солиш объекти сифатида ахборот-коммуникация соҳалари бир бутунликда кўриб чиқилишини айтиб ўтиш керак. Агар гап алоҳида компания ёки акциядорлик жамиятини бошқариш ҳақида борадиган бўлса, ушбу усуллар қаторига ундаги муайян бўлинмалар ва ишловчиларга таъсир кўрсатиш билан боғлиқ бўлган ижтимоий-психологик бошқарув усулларини ҳам киритиш лозим бўлар эди.

Келтирилган таснифда катакларда ажратиб кўрсатилган усуллардан Ўзбекистондаги ахборот-коммуникация соҳаси учун асосий бўлганлари давлат томонидан тартибга солишнинг қуйидаги беш умумлаштирилган усулларидир:

1. Нарх сиёсати, бунда ахборот-коммуникация соҳасининг пировард хизматлари учун тарифларни шакллантириш тушунилади. Нарх сиёсатини такомиллаштириш ва самарали ишловчи ахборот-коммуникация тармоқларини яратиш жараёнини тезлаштириш бўйича кенг имкониятлар очиб бериши мумкин бўлган оқилона тарифларни белгилаш уларни ислоҳ қилиш муаммоларини ечишда устувор аҳамиятга эгадир.

Юзага келган вазиятда тўғри нарх сиёсатини ишлаб чиқиш нафақат алоқа хизматлари кўрсатувчиларнинг молиявий барқарорлиги ҳамда истеъмолчилар ва уларнинг тўловга қобилиятларини ҳисобга олиш учун, балки тармоқни ривожлантириш, алоқа хизматларига бўлган талабни янада тўлароқ қондириш мақсадида эҳтимол тутилган инвестицияларни баҳолаш ва ахборот-коммуникация соҳасини ривожлантиришга қўшилган ҳисса сифатидаги сармоялари хавф (риск) остида бўлган ташқи инвесторлар учун ҳам ўта муҳимдир.

Ўзбекистонда ахборот-коммуникация соҳасининг бозор шароитларига ўн уч йиллик ўтиш давридан сўнг ҳам тарифлар белгилаш ва ўзаро ҳисобкитобларнинг ислоҳотларгача бўлган даврдаги тизими деярли сақланиб қолди. Ушбу тизим соҳанинг янги таркибий тузилишига, хусусийлаштирилган компанияларнинг янгича ташкилий-ҳуқуқий мақомига, янги хизматлар тузилмасига монанд эмас. Анъанавий операторларнинг аксарияти сақланиб қолган тариф сиёсати доирасида инвестиция ресурслари тақчиллигини ҳис этмоқдалар, шу сабабли Ўзбекистон ахборот-коммуникация соҳасининг бир қатор корхоналарида тўловга қобилиятсизлик белгилари мавжуддир. Ушбу тариф муаммолари ечимини топмай туриб инвестицияларни жалб қилиш, талабни кенгайтириш ва умуман ахборот-коммуникация соҳасини ривожлантириш масаласини ҳал қилиб бўлмайди.

Шуларни ҳисобга олиб, китобнинг кейинги бўлимларида нарх сиёсати масалалари алоҳида кўриб чиқилади.

2. Лицензиялаш. Лицензиялаш муаммосининг ҳам техникавий, ҳам иқтисодий хусусияти бор. Лицензиялашнинг асосли, холисона тартиб-таомили операторларга телекоммуникация хизматлари бозорига чиқишларида ва унда адолатли рақобат шароитида фаолият кўрсатишларида барқарор шарт-шароит яратади. Лицензиялашнинг аҳамияти яна шундаки, лицензиялар ҳар бир лицензиатнинг жамият манфаатларини кўзлаган ҳолда, умумтармоқ маконини юзага келтириш бўйича ва ундан тенг ҳуқуқлар асосида фойдаланилишини таъминлаш бўйича мажбуриятини мустаҳкамлайди.

3. Ахборот-коммуникация соҳасидаги корхоналарни реструктуризациялаш (таркибий жиҳатдан қайта тузиш). Корхона ёки соҳани реструктуризациялаш моҳиятан кенг маънода бўлиб, ташкилий-иқтисодий ҳамда меъёрий-ҳуқуқий тусга эга ва ўзгариб бораётган бозор шароитига мослашиш усули сифатида мулкдорнинг, капиталнинг тузилмаси ва ўзаро алоқадаги хўжалик юритувчи субъектларнинг эгалик қилиш шакли ёки бошқарув тузилмаси ўзгартирилишини англатади.

Бундай реструктуризациянинг асосий мақсадлари қуйидагилардир:

– ахборот-коммуникациялар бозорида ўзаро рақобатда бўлган компаниялар сонини кўпайтириш;

– компанияларни капиталлаштиришни ўстириш ва давлат улушини қисқартириш асосида стратегик инвесторларни жалб қилиш;

– реструктуризация қилинган компаниялар ишининг самарадорлигини ошириш.

4. Техникавий тартибга солиш. Бу усул бажарилиши мажбур бўлган техник регламентлар ва талабларнинг жорий қилиниши асосида амалга оширилади. Ўз моҳиятига кўра бу усул лицензиялаш, стандартлаштириш, сертификациялаш каби йўналишларда амалга оширилиши мумкин.

Таъкидлаш лозимки, давлат томонидан тартибга солишнинг юқорида кўриб ўтилган усуллари чеклаш хусусиятига ва қолаверса, қатор камчиликларга ҳам эга:

– бизнес кўп ҳолларда керагидан ортиқча тартибга солинади, унинг имкониятлари чекланади;

– бу усуллар реал юзага келиши мумкин бўлган таваккалчилик (риск)лардан ҳимояланишнинг молиявий механизмини шакллантирмайди;

– инновациялар учун тормоз бўлади ва инвестициявий хатоликлар юзага келиши эҳтимолини кучайтиради;

– коррупция ривожи учун шароитни кенгайтиради.

Мамлакатда бозор иқтисодиёти ривожланиши, давлат бошқарувининг эркинлашуви ва рақобат муҳити тўлақ шакллана бориши билан давлат

томонидан тартибга солишнинг юқорида келтирилган бевосита усуллари ўз ўрнини билвосита усулларга бўшата боради. Яъни ахборот-коммуникацияларни давлат томонидан тартибга солишнинг юқоридагилардан ташқари жаҳоннинг бошқа ривожланган давлатларида қўлланилаётган қатор муқобил усуллари мавжуддир. Юқорида айтиб ўтилган камчиликлар давлат томонидан тартибга солишнинг билвосита ёки муқобил усуллари жорий қилина боргач тугатилади. Улар асосан бошқарув эркинлашиши ҳамда рақобат муҳити ривожининг юқори даражаларига хос бўлиб, Ўзбекистон иқтисодиёти ривожининг кейинги босқичларида бу усулларга албатта, мурожаат қилинади.

Бу усуллар ичида Ўзбекистон ахборот-коммуникация соҳасининг яқин истиқболида қўллаш мумкин бўлган энг мақбулларидан бири ривожланган давлатларда кенг қўлланилаётган мажбурий суғурталаш усулидир.

5. Мажбурий суғурталаш. Бу усулнинг моҳияти шундаки, суғурталовчилар томонидан суғурталанувчи (бу ерда бизнес қатнашчиси) фаолиятига талаб ва шартлар суғурта шартлари сингари қўлланилади ҳамда суғурталовчи суғурталанувчига нисбатан назорат қилиш ва мажбурлаш имкониятларини қўлга киритади, яъни давлат томонидан бизнесга белгилаб қўйилиши мумкин бўлган техникавий, иқтисодий регламентларга амал қилишлик суғурта қилинади. Суғурта полисининг лицензия сингари мажбурийлиги эса, бизнес вакилларининг бозорга кириш рухсатини таъминлайди. Бунда суғурта бошқарув усули сифатида ўрнатилган регламентлардан чиқиб кетилган ҳолда кўрилган зарарни бартараф этишга (масалан, техник талабларга жавоб бермайдиган ускунани қўллаб, учинчи шахсларга зарар етказилганда) ва етказилган зиённи қоплашга қаратилган чора-тадбирлар ўртасидаги мувофиқликни таъминлаш имконини беради. Суғурталаш давлат томонидан тартибга солишнинг мукобил усули сифатида юқоридаги бундай тартибга солишнинг бевосита усулларига хос бўлган кўплаб камчиликлардан холи. Чунки бу усул тартибга солиш оқибатида пайдо бўладиган харажатни (суғурта бадали сифатида) ҳамда суғурта ҳодисаси рўй берганда юзага келадиган зарарни (суғурта суммаси) пул сифатида ўлчаш имконини беради. Усулнинг яна бир сифати шуки, рақобатли суғурта бозорида бу миқдорларни минимал даражага тушириш имкони пайдо бўлади.

Шу билан бирга рақобатли суғурта бозори мавжудлиги бизнес фаолиятнинг шаклланаётган талаблари ва шартларининг мувофиқлигини таъминлайди. Суғурталовчиларнинг рақобатлашиши доирасида уларнинг хусусий стандартлари (суғурта тарифлари ва бошк.) ўзаро рақобатлашади ва бу ўз навбатида стандартларнинг такомиллашиб ҳамда бозор талабларига мослашиб боришига олиб келади. Стандартларни ташкил этишнинг ҳар бир суғурталовчига хос хусусий механизмлари мавжудлиги технологиялар ўзгаришини ҳамда илмий

ютуқларни суғурта бозорида тезроқ ўзлаштиришга ва уларнинг таъсирида стандартларни бозор талабларига оз фурсатда мослаб олишга имкон беради. Шунинг учун ҳам қалтисликларни камайтиришга қаратилган ихтиролар давлат лицензиялаш шартларидан фарқли ўлароқ суғурталашда тезроқ амалда қўлланилиб боради.

Рақобатли сугурта бозори бизнесни тартибга солувчиларнинг ҳаддидан ошишини ҳамда коррупциянинг вужудга келиши хавфларини чеклайди. Қалтисликларни таҳлил этиш ва бошқарув харажатлари давлат бюджетидан суғурталовчилар елкасига ўтади.

Муаллифлар фикрига биноан, давлат томонидан тартибга солишнинг юқорида баён қилинган усуллари Ўзбекистонда ахборот-коммуникацияларни ривожлантиришда хозирги кундаги энг муҳим усуллар ҳисобланади. Айнан шу усулларни такомиллаштириш соҳани ривожлантиришнинг янги вазифалари ва соҳа ишининг эски ташкилий-иқтисодий шакллари ўртасидаги асосий номувофиқликларни ҳал қилиши мумкин.

Келтирилган бобда ахборот-коммуникация сохасини бошқаришнинг асосий тамойиллари, элементлари ва усулларига тавсиф беришга ҳаракат қилинди. Уларни Ўзбекистон шароитида амалга ошириш масалалари кейинги бобларда ёритилади.

II БОБ. ЎЗБЕКИСТОН АХБОРОТ-КОММУНИКАЦИЯ СОҲАСИ БОШҚАРУВ ТИЗИМИНИНГ САМАРАДОРЛИГИ

6.1. Ахборот-коммуникация соҳасининг республика иқтисодиётидаги ўрни ва аҳамияти

Ахборот-коммуникация соҳасининг ўрни ва аҳамиятини таърифлашда унинг камида икки таркибий қисмини телекоммуникация (алоқа) ва ахборот яратиш соҳаларини ажратиб караб кўриш лозим. Шунда ушбу икки элементни ахборотлаштириш соҳасидаги кўпгина адабиётларда келтирилган тавсифи барчага равшан бўлади[1]. Яъни кўплаб адабиётларда бу икки тушунча ҳанузгача айри ҳолда ўрганиб келинди. Лекин, замонавий шароитда бундай ёндашув фақат у ёки бу алоҳида олинган соҳани якка ҳолда тавсифлашга мосдир. Масала шундаки, бугунги кунда ахборот-коммуникациянинг ушбу икки муҳим элементини амалда ажратиб бўлмайди, чунки ахборот-коммуникациялари алоҳида элементлар йиғиндиси тарикасида кўриб чикилмайди. Шу сабабли у бир бутун ўзаро боғлиқ организм сифатида кўриб чиқилади ва албатта, шундай бўлиши лозим.

[1] Масалан: Основы экономики телекоммуникаций (связи). Под. ред. М.А. Горелика и Е.А. Голубицкая. М., «Радио и связь». 1997 й., 6-14-бетлар. Информационные технологии управления. Под. ред. Г.А. Титоренко. М., ЮНИТИ. 2002 й., 6-12-бетлар.

Узоқ вақт давомида Ўзбекистонда алоқа ва ахборотлаштириш технологиялари бир-биридан айри ҳолда ривожланиб борди. Алоқа соҳаси ўз хизмат турларининг фойдаланилиш белгисига қараб сунъий равишда ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш шаклларга ажратилиб қаралди, бутун ахборотни яратиш соҳаси эса, алоқа соҳасидан алоҳида ҳолда шаклланди. Уларни бошқаришнинг ташкилий тизими ҳам айнан шундай тарзда тузилган эди: алоқа ва телекоммуникация соҳаси Алоқа вазирлигига (кейинчалик Почта ва телекоммуникациялар агентлигига) бўйсундирилган эди, компьютерлаштириш ва ахборот технологиялари ривожи эса, Фан ва техника давлат қўмитаси (ФТДҚ) томонидан бошқариларди.

Техника ва технологияларнинг мукаммал бўлмаганлиги натижасида ахборот ишланиши корхоналар ва тармоқларнинг йирик ҳисоблаш марказларида амалга оширилган ва у ерга эса, электрон ҳисоблаш машиналарида тайёрланган маълумот олдиндан юборилган. У ерда маълумотлар қайта ишланиб, ҳужжат кўринишида истеъмолчиларга етказилган. Ахборотларнинг бундай тарзда ишланишига сабаб, ҳисоблаш марказлари асосан Фақат бухгалтерия ва статистикага оид оммавий ахборотларни қайта ишлаган. Электрон алоқа эса фақат ёрдамчи вазифани бажарган. Шу тарзда республикада улкан, аммо, фойдаланиш учун айниқса, тезкор вазифаларни бажаришда ўта ноқулай бўлган улкан ҳисоблаш марказлари пайдо бўлди.

Лекин, шахсий компьютерларнинг пайдо бўлиши маълумотларни ишлаш соҳасида ҳақиқий инқилоб ясади. Энди ҳар бир ахборот ишлаб чиқарувчи ўзи уни машинага киритиб, қайта ишлай бошлади. Ҳисоблаш марказларига бўлган эҳтиёж умуман йўқолди. Ривожланган мамлакатларда буни аллақачон тушуниб етдилар, шу пайтда эса, улкан ва қовушимсиз маъмурий-буйруқбозлик тизими одат бўлиб қолган ташкилий тузилмалардан – ҳисоблаш марказларидан, яъни иш жойлари, бюджет ва маошдан кечишни хоҳламаган.

Ўзбекистон мустақиллиги эълон қилиниши ва чет эл илмий-техника ахборотларига кенг йўл очилиши билан республикадаги ҳисоблаш марказлари тез суръатларда йўқола бошлагани бежиз эмас. Шахсий компьютер ҳар бир иш жойида, ҳар қандай идорада, бошқарув тизимида одатий ҳолга айланди. Табиийки, аввалига компьютер матн териш машинасининг электрон турини эслатарди. Лекин, аста-секин компьютерларнинг дастурлари такомиллашиб борди ва энг асосийси, компьютерларда катта ҳажмдаги маълумотларни жуда кичик ахборот тўпловчи курилмаларда сақлаш имконияти туғилди. Ушбу ахборотларни алмашиниш масаласи пайдо бўлди. Бир корхона доирасида бир неча компьютернинг ўзаро алокасини таъминловчи маҳаллий (локал) ахборот тармоқлари юзага келди. Кейинчалик бутун инсоният маълумотлар базасини ўзаро боғловчи халкаро Интернет тармоғига уланиш эҳтиёжи туғилди.

Табиийки, бунга фақат республиканинг электрон алоқа соҳасидаги технологик ютуқлари ҳисобига эришилди. Шундан сўнг соҳанинг ўзи, мазмунан янги алоқа тури бўлганлиги сабабли телекоммуникация деган янги номни олди.

Шу тариқа, ахборот ва телекоммуникация технологиялари соҳаси такомиллашуви ҳамда кенгайиши натижасида ўтган асрнинг 90-йиллари охирига келиб, ушбу соҳаларда қўлланиладиган усуллар ва воситаларнинг боғланиб кетиш жараёни бошланди. Ушбу жараён «ахборотлаштириш ва телекоммуникация конвергенцияси» номини олди. Алоқа ва ахборот технологияларининг узвий қўшилиши бутун дунёда ахборот-коммуникация номини олди. Биз ушбу тизимнинг ўзидан махсус фойдаланган ҳолда, Интернет орқали турли мамлакатларнинг замонавий оммавий қомуслари даражасида ушбу тушунчанинг таърифини топишга уриндик. Лекин, биз уни энг машҳур бўлган ва даврий равишда янгиланиб турадиган юз томлик олмон «Duden» қомусида ҳам, Россиянинг энг янги «Кирилл и Мефодий» қомусида ҳам топа олмадик. Ваҳоланки, уларнинг иккови ҳам замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан ўз маълумотларини, шу қаторда аудио ва видео маълумотларни жойлаштиришда кенг фойдаланадилар. Биз ушбу тушунчани турли мамлакатларнинг биз кўришимиз мумкин бўлган бошқа қомусларида ҳам учратмадик. Бу тушунчани учратмаганлигимиз унинг умуман йўқлигидан далолат бермайди, балки унинг яқиндагина юзага келганидан, энг асосийси, мазкур йўналишнинг ривожланиши шунчалар шиддат билан амалга ошганлигидан, ҳатто илмий тафаккур уни назарий талқин қилишнинг ягона йўналишини ҳали ишлаб чиқмаганлигидан далолат беради.

Юқоридагиларни ҳисобга олган ҳолда кейинги йилларда адабиётларда ушбу тушунчани талқин қилишга уринишлар пайдо бўла бошлади. Бизнинг нуқтаи назаримизда, ахборот-коммуникация талқинининг энг мос келадигани Л.Рейман раҳбарлигидаги муаллифлар жамоаси томонидан келтирилган: «Ахборот-коммуникация — бу ташкилотлар ва аҳолига ахборот-коммуникация маҳсулотлари ва хизматларни тақдим этишга мўлжалланган замонавий ахборот, компьютер ҳамда телекоммуникация технологияларини, уларни рўёбга чиқарувчи тизимлари ва воситаларини узвий равишда бирлаштирувчи мажмуадир»[1]. Ушбу таъриф «2010 йилгача бўлган даврда Россияда ахборотлаштиришни ривожлантириш» Федерал дастури концепциясига ҳам киритилган.

Шунга қарамасдан, бизнингча, бу таъриф ҳам ахборот-коммуникация мазмунини тўлиқ очиб бермайди. Шу сабабли биз ҳам ахборот-коммуникацияга тўлиқ қамровли таъриф беришга ҳозирча уринмаган ҳолда, ушбу янги тушунчага тескари усулда, яъни унинг иктисодиёт ва жамият ҳаётида намоён бўладиган энг муҳим ва асосий йўналишларини очиб бериш йўли билан

[1] Инфокоммуникации в деловом мире: Учебное пособие . Под. общ. ред. Рейман Л.Д. М., ФИОРД-ИНФО, 2001, 31-бет.

ёндашишга ҳаракат қиламиз. Бу ҳам етарли бўлмаслигини тушунсакда, ушбу соҳадаги ииқилобий портлаш хусусияти шундай эканлигини эсда тутишимиз даркор. Ахборот-коммуникация бундан кейин ҳам ривожланибгина қолмай, балки замонавий жамиятда улкан қадамлар билан такомиллашиб бораверади. Бу айниқса, мустақиллиги эълон қилинган пайтида алоқа ва ахборот технологиялари ривожланган мамлакатлардан камида 20-25 йилга орқада қолган Ўзбекистон учун ҳам хосдир. Энди эса, бу йўлни тезроқ босиб ўтишга тўғри келади.

Алоқа воситалари ва компьютерлар ҳақида сўз юритилганида ахборот-коммуникациялар фақат шу билан белгиланади деган нотўғри тасаввур туғилиши мумкин. Аслида бундай эмас. Булар Фақат янги йўналиш таъминланишига сабаб бўлувчи бошланғич техник элементлар ёки тузилмалардир холос. Аслида масала кенг қамровлидир, чунки ахборот-коммуникациялар янада кенгроқ фалсафий – «ахборотлашган жамият» тушунчасининг шартли бўлагидир. Саноати ривожланган мамлакатлар айни шундай жамият қурмоқда ва Ўзбекистон ҳам айнан шу йўналишда қадам босмоқда. Булар қуруқ гап ёки йўналишни чиройли тавсифлаш эмас. Ахборот-коммуникация технологиялари негизида ахборотлашган жамият барпо қилиш Ўзбекистон иқтисодий ва ижтимоий сиёсатининг энг муҳим йўналишларидан бири эканлигига Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонлари, ҳукумат қарорлари мазмунидан ишонч ҳосил қилиш мумкин. Энг асосийси шундаки, ахборот-коммуникация технологиялари ҳозир нафақат идораларда ва Бошқарув девонларида ишламоқда, балки улар республикамиз оддий фуқароларининг уйларига кириб борди ва ҳаётларининг ажралмас қисми бўлиб қолди. Ахборот-коммуникацияларнинг жамият ва ҳар бир кишининг ижтимоий камол топишга таъсири унинг мамлакат ҳаётида тутган ўрни катта эканлигининг муҳим белгисидир. Шуни қўшимча қилиш мумкинки, ахборот-коммуникациялар бизнинг турмушимизга кириб келар экан, уни тубдан ўзгартиради, шу билан бирга инсоннинг ўзи ҳам ўзгаради.

Зотан, ахборотлашган жамият тушунчаси ҳам хали комуслардан ўз ўрнини топмаганлиги яна бир бор ҳаёт кўпинча назария ва комуслардан илдамроқ олға босишидан дарак беради. Биз олмон давлат матбуот хизматининг ахборот сайтига мурожаат қилишимиз мумкин, унда бир рўзнома мухбирининг ГФР Канцлери Герҳард Шредерга ахборотлар чет элга чиқиб кетишининг олдини қандай қилиб олмоқчи эканлиги ҳақида берган саволига жавоб келтирилган. Олмон тилидан таржима қилинган Канцлернинг жавоби шундай: "Бизда ахборотлашган жамият. Бу тараққиёт асоси, бу бизнинг иқтисодиётимиз асоси. Агарда ахборотни ёпиб қўйсак ёки уларни беркитсак биз кўпроқ нарсани йўқотамиз"[1].

[1] http:// www. regirungspress.de

Ўзбекистон учун иқтисодий ривожланиш даражаси, миллий урф-одатлари, бошқарув тизими жуда яқин бўлган Ҳиндистонда ахборот-коммуникация технологияларининг ривожланиши тажрибаси жуда кўл келиши мумкин.

Соҳа ушбу мамлакатда 80-йилларнинг ўрталаридан бошлаб кескин ривожлана бошлади. 90-йилларнинг бошларига келиб ҳукумат соҳани миллий давлат даражасидаги устувор йўналиш сифатида белгилади. Аммо, 90-йилларнинг ўрталарида мамлакат соҳа инфратузилмаси талаб даражасида эмаслиги муаммоси билан тўқнашди. Бу камчиликни тугатиш мақсадида ҳукумат қатъий чоралар белгилади ва соҳада олиб борилган собитқадам ислоҳотлар натижасида ушбу соҳа янада шиддатлироқ ривожлана бошлади. 1995-2000 йиллар унинг ўртача ўсиш сурати 42%ни ташкил этди[1]. Ҳозирда мамлакатнинг бу соҳасида 300 мингдан ортиқ турли касбдаги юқори малакали мутахассислар мавжуд бўлиб, бу кўрсаткич бўйича Ҳиндистон жаҳонда АҚШдан кейин иккинчи ўринда туради. Бу соҳа мамлакат иқтисодининг етакчи тармоқларидан бирига айланди. Натижада ахборот-коммуникация соҳасининг йиллик экспорт кўрсаткичи 2003 йилда 10 млрд. АҚШ долларини ташкил этди, бундан келган фойда эса, 3,4 млрд. долларга етган. Халқаро экспертларнинг тахминларига кўра бу кўрсаткич 2008 йилга бориб 50 млрд. АҚШ долларига етади[2]. (Таққослаш учун Россияда бу кўрсаткич 2003 йил 1 млрд. доллардан ошмаган.) Соҳа экспорт миқдорининг мамлакат умумий экспортидаги улуши 20,4 %ни ташкил этган. Бундай юқори кўрсаткич жаҳоннинг бирорта давлатида кузатилмайди. Масаланинг муҳим томони шундаки, бу экспортнинг 90 фоизи АҚШ, Европа давлатлари ва Японияга тўғри келади.

Бу соҳанинг ривожи мамлакат иқтисодиёти бошқа тармоқларининг ривожига ҳам катта туртки бўлди, АКТни ривожлантириш учун тегишли инфратузилма яратилди ва катта миқдордаги чет эл портфель инвестициялари жалб этилди, 200 дан ортиқ Хайтек компаниялар мамлакатда ўз филиалларини очди, 40 фоиздан ортиқ маҳсулотларнинг нодавлат секторида, махсус ҳудудларда ишлаб чиқарилишига эришилди.

Ҳиндистонда соҳа ривожининг ўзига хос хусусиятларидан бири шуки, мамлакатда дастурий таъминот индустрияси ташкил этишга алоҳида эътибор берилди, натижада соҳа умумий ишлаб чиқариш ҳажмининг 50 фоиздан зиёдини дастурий маҳсулотлар ташкил этади. Яна бир хусусият — мамлакатда фундаментал аниқ фанларнинг тараққий этганлигидир. Бу ҳол ривожланган давлатларнинг соҳага оид марказларига кўплаб иқтидорли ёшларни ишга ва ўқишга жўнатишнинг имконини берди, шу сабаб хорижда ишлайдиган малакали ҳинд мутахассислари соҳа даромадига катта ҳисса қўшадилар.

---

[1]Рогожин А. Индия на мировом рынке информационно-коммуникационных технологий. Ж., «Мировая экономика и международные отношения», 2004, 7-сон, 75- бет.

[1]Манбалар: Statistics on Indian Software Exports. IDPM, University of Manchester. Manchester, 2001; Hindystan Times.09.09.2003.

Таъкидлаш лозимки, Ҳиндистонда соҳа ривожланишининг ўзига хос мезонлари мавжуд. Булар: фундаментал математиканинг тараққий этганлиги; соҳада дунё мамлакатлари орасида энг кўп инглиз тилини билувчи мутахассисларнинг концентрациялашганлиги; ҳукумат соҳанинг ривожланиши учун қулай солиқ имтиёзлари, жозибадор иқтисодий ва сармоявий шароитлари мавжуд бўлган махсус ҳудудлар, технопарклар яратганлиги билан изоҳланади.

Албатта, Ҳиндистон ёки бошқа давлатларнинг АТК ривожи бўйича тажрибасини Ўзбекистонга айнан кўчириб бўлмайди, зеро, мамлакатимизнинг ислоҳотлар ва ривожланиш бобида ўз йўли бор. Аммо, бу жаҳоннинг илғор тажрибасини четлаб ўтиш дегани эмас. Бу тажрибадан мамлакат иқтисодий, миллий, ҳудудий хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда кенг фойдаланиш лозим.

Шуларни ҳисобга олган ҳолда, 2004 йил октябр ойида Ўзбекистон ва Ҳиндистон ҳукуматларининг «Ахборот технологиялари бўйича Ўзбек-Ҳинд маркази»ни ташкил этиш ҳақида меморандуми имзоланди.

Ўзбекистон айнан мана шундай тажрибаларга асосланиб, ахборотлашган жамият қурмоқда. Шу билан бирга жамиятда туб сифат ўзгаришлари юз бермоқда. Бугунги кунда Ўзбекистоннинг ҳатто энг узоқ чўл ёки тоғли ҳудудларидаги ҳар бир фуқароси нафақат оламшумул жараёнлардан хабардор, балки ўзини уларнинг тўлақонли иштирокчиси деб ҳис этмоқда. У дунёнинг нариги чеккасидаги дўстларини фақат кўриш ва эшитиш ёки мулоқотда бўлиш билан чекланиб қолмай, у ҳам минтақавий, ҳам дунё миқёсида содир бўлаётган сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий жараёнларга ўз таъсирини кўрсатишга муваффақ бўлмоқда. У энди шунчаки ахборот истеъмолчисигина эмас, уни (ахборотни) яратувчи, фан, техника ва жамиятдаги барча янгиликлар хосил қилинишида иштирокчи ҳамдир.

Шу тарика, кенг умумфалсафий маънода ахборот-коммуникация соҳасининг тутган ўрни ва моҳияти Ўзбекистоннинг янги ахборотлашган жамият ҳолатига ўтиш шароитлари ҳамда барча соҳаларда демократлаштириш ва эркинлаштириш шарт-шароитларини таъминлаш билан белгиланади.

Ахборот-коммуникация ривожланган сари инсон ҳам ўзгариб боради. У сусткаш ахборот истеъмолчисидан уни хосил қилувчига айланади. Асосийси, у ахборот хосил қилиш жараёнининг фаол ҳамда чинакам иштирокчиси бўлиб қолди. Бу эса, ҳар бир Ўзбекистон фуқаросининг маънавий ва миллий ўзлигини топишида муҳим элементдир.

Ўзбекистон тараққиётида ахборот-коммуникациянинг тутган ўрни ва аҳамиятининг иккинчи жиҳати иқтисодий соҳага дахлдордир. Гап шундаки, алоқа воситалари орқали узатиладиган ахборот жамият ривожининг энг муҳим шартларидан бири бўлиб қолди. У ишлаб чиқариш ресурси, инсонлар орасидаги алоқани таъминловчи қудратли восита ҳисобланади. Шу сабабли халқ хўжалиги ва жамиятнинг ахборот узатиш тезлиги ҳамда сифатига бўлган

талаблари анча ўсиб бормоқда. Шу билан бирга кўп сонли фойдаланувчилар учун ахборотнинг очиқлигини таъминлаш бугунги кунда бозорнинг ушбу секторини ривожлантириш, иқтисодиётнинг ушбу соҳаси обрўсини ошириш ва инвестициялар жозибадорлигини таъминлаш учун бўлган ҳаракатда муваффақиятга эришишнинг асосий таркибий қисми ҳисобланади.

Бугунги кунда ахборот-коммуникациялар корхоналари даромадлари дунё ялпи маҳсулотининг уч фоизини, соҳа учун моддий-техникавий ҳамда дастурий маҳсулотлар ишлаб чиқаришни қўшиб ҳисоблаганда эса, беш фоиздан кўп миқдорни ташкил этмоқда. Яқин йилларда эса ушбу кўрсаткич янада ўсиши кутилади. Бу борада янги ахборот технологияларининг салмоғи тезкор ортиб бормоқда. Масалан, ҳозирда симли телефон алоқаси телекоммуникация хизматлари бозори ҳажмининг 60 фоизини ташкил этиб, унинг дунёдаги йиллик ўсиш суръати 5-7 фоизни ташкил этмоқда, уяли алоқанинг эса, телекоммуникация бозоридаги умумий салмоги 20 фоиз бўлиб, ўсиш суръатлари 80-90 фоиз. Интернет хизматлари улуши 10 фоиз, лекин яқин йилларда бу кўрсаткич 30-33 фоизга ўсиши кутилади. Халқаро статистикага биноан ҳар йили Интернет тармоғига 150 миллион янги фойдаланувчи уланмоқда. Шуниси ҳам борки, бу кўрсаткич тобора ўсиб бормоқда.

Замонавий глобаллашув дунё иқтисодий тизими динамикасидаги сезиларли ўзгаришлар билан тавсифланади. Айниқса, охирги ўн йилликларда глобаллашув жараёнлари тобора тезлашиб бормоқда. Агар 1997 йилда оддий телефон алоқасидан фойдаланувчилар сони 800 млн. кишини, уяли телефон алоқасидан фойдаланувчилар тахминан 200 ва Интернетдан фойдаланувчилар сони тахминан 100 млн. кишини ташкил этган бўлса, 2004 йилдаёқ ушбу кўрсаткичларнинг ҳар бири 1 миллиарддан ортиб кетди[1].

Шуларни ҳисобга олган ҳолда, ҳозирда Ўзбекистонда компьютер ва ахборот технологиялари, телекоммуникация ва маълумот узатиш тармоқларини, Интернет хизматларини ривожлантириш ва замонавийлаштириш олдинги ўринга чиқмоқда. Шу йўналишда уларни дунё стандартларига етказиш мақсадида кенг кўламли чора-тадбирлар кўрилмоқда. Ушбу мақсадни амалга ошириш учун республикада зарур меъёрий-ҳуқуқий асос яратилган — «Алоқа тўғрисида»ги, «Радиочастота спектри тўғрисида»ги, «Телекоммуникациялар тўғрисида»ги, «Почта алоқаси тўғрисида»ги Қонунлар ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг бир қатор Фармонлари, ҳукумат қарорлари қабул қилинди ва ҳозирда амалда қўлланилмоқда. Ўзгариб бораётган бозор муносабатлари шароитида ушбу меъёрий-ҳуқуқий асос тўхтовсиз ривожланиб ва такомиллашиб бормоқда.

Чет эллик шериклар ва ҳамкорлар кўмаги билан республикада телекоммуникациялар соҳасини техникавий қайта жиҳозлаш бўйича талай ишлар амал-

[1]Гапоненко А.Л., Панкрухин А.П. Стратегическое управление. М., Омега-Л, 2004, 112-бет.

га оширилмоқда ва бугунги кунда мамлакат иқтисодиётини ривожлантиришда, аҳолига хизмат кўрсатишда буларнинг ўсиб бораётган аҳамияти намоён бўлмоқда. Корхоналарнинг ишлаб чиқариш салоҳияти ўсиб бормоқда, замонавий техника ва технологиялар татбиқ қилинмоқда, тармоқларни ривожлантириш ва замонавийлаштириш бўйича катта ишлар, чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Айни пайтда республика телекоммуникацияларининг маҳаллий тармоғи икки мингдан ортиқ АТС ва 1,9 миллиондан зиёд абонент рақамларини ўз ичига олади ва улардан 86 фоизи аҳолига тегишли. Станциялар қувватининг 86 фоизи ишлатилмоқда. Тармоқда 1,65 млн. дан ортиқ телефон линиялари хизмат кўрсатмоқда. Мамлакат ичидаги асосий йўналишларда оптик толали алоқа линиялари, кабелли ва радиорелели коммуникациялар хизмат кўрсатмоқда. Шу сабабли шаҳарлардаги абонентларнинг 98 фоизи ва қишлоқ жойлардаги абонентларнинг 32 фоизи халқаро ҳамда шаҳарлараро автомат алоқа тизимларига уланган. Барча вилоят марказларида шаҳарлараро ва халқаро электрон алоқа воситалари мавжуд. Аҳоли ва ҳудудларнинг 98 фоиздан зиёди давлат телевидениеси ва радиоси дастурларини қабул қилиш имкониятига эга. Шаҳарлараро тармоқлар каналларининг 60 фоиздан зиёди ва халқаро тармоқлар каналларининг 83 фоизи рақамлидир. Маълумот узатиш, шу қаторда Интернет тармоқлари ҳам ривожланиб бормоқда.

Уяли алоқа ва шахсий радиочақирув тармоқлари жадаллик билан ривожланмоқда. Уяли алоқа абонентлари 140 мингдан зиёд. Икки ер усти станциясида сунъий йўлдош орқали алоқа каналлари ишга туширилган, Интелсат ва Горизонт тизимлари ишлатилмоқда, компьютер ва ахборот технологияларини татбиқ қилиш дастурларини амалга ошириш жараёни тобора жадаллашиб бормоқда.

Ўзбекистон телекоммуникация тизимининг 28 та йўналиш бўйича дунёнинг 180 та мамлакатига чиқадиган тўғридан-тўғри халқаро каналлари мавжуд. Буларда оптик толали ва сунъий йўлдошли тизимлардан фойдаланилмоқда. Ушбу каналларнинг 83 фоиздан зиёди рақамлидир, бутун тармоқ нафақат ҳозирги пайтда, балки кейинчалик ҳам ҳозиргидан кўпроқ ахборот ўтказиш қувватига эга. Республиканинг барча вилоят марказларида электрон коммутация воситалари мавжуд. Республикада улкан муаммо ечилди – рақамли магистрал тармоқ юзага келтирилди, шу жумладан, оптик толали кабеллар, рақамли радиорелели алоқа тармоқлари қўлланилди. Айтиб ўтилган замонавий узатиш тармоги 70 фоиз ҳажмда ишлаб турибди, республикада эса айни пайтда янги, айланма ва захира алоқа тармоқлари яратилмоқда. Ички ҳудудий ва станциялараро тармоқларда тобора кўпроқ оптик толали кабеллардан фойдаланилмоқда. Абонентларнинг тармоққа уланиши енгиллашиб бормоқда, шу жумладан, интеллектуал хизматлар ва симсиз алоқа техника воситаларини жорий этиш ҳисобига қулайликлар яратилмоқда.

Маълумот узатиш хизматини кўрсатувчи операторлардан 44 нафари Интернет хизматларини тақдим этади. Ушбу тармоқда 7500 та абонентлик портлари ишга туширилган. Интернет тармоғи халқаро каналларининг маълумот ўтказиш қуввати ошириб борилмоқда, 2001 йил бошларига нисбатан 2003 йил 1 июлдаги ҳолатга кўра у 3,5 баравар оширилди ва 9 Мб секундига етказилди. Интернет тармоғига корхоналар, ташкилотлар, ўқув юртлари, олий ўқув юртлари, мактаблар, коллежлар ва лицейлар уланиб бормоқда. Улар тармоққа уланишни электрон почтадан фойдаланиш, ахборот хизматларининг маълумотлар банклари тизимларига кириш, виртуал хизматлардан фойдаланиш, турли ахборотлар алмашиниш кўринишида амалга оширмоқдалар.

Бир сўз билан айтганда, бугунги кунда Ўзбекистон Республикасининг ахборот-коммуникация тармоқлари ва воситалари — бу мамлакат иқтисодиётида алоҳида муҳим аҳамиятга молик, такомиллашиб бораётган комплексдир. Лекин, юқорида таъкидлаб ўтилганидек, бу ҳали республиканинг ривожланиб бораётган иқтисодиёти эҳтиёжларига, Бошқарув соҳасининг, хўжалик юритувчи субъектларнинг, хусусий шахсларнинг ўсиб бораётган талабларига тўла жавоб бермайди. Бунинг сабаби битта — соҳанинг жўшқин ривожланиши ҳам, чет эллик инвесторларнинг ёрдамлари ҳам республикага маъмурий-буйруқбозлик тизимидан мерос бўлиб қолган чорак асрлик орқада қолишнинг ўрнини тезлик билан тўлдира олмайди. Ҳал қилиниши керак бўлган муаммолар кўп. Вақт тақозоси билан мамлакатда олиб борилаётган ислоҳотлар, телекоммуникация соҳасининг, компьютер ва ахборот технологияларининг жадалликда янгиланаётганлиги билан боғлиқ бўлган вазифалар юзага келмоқда. Ушбу вазифалар уларни кўриб чиқиш ва ечимини топиш учун янгича ёндашувларни талаб қилмоқда.

Булардан ташқари, Ўзбекистонда компьютер ва ахборот технологияларининг техник имкониятлари, гарчи замонавий техника ва технологияларни ўзлаштириш асосида жўшқин ривожланиш босқичида бўлса ҳам, уларни янгилаш ва замонавийлаштириш эҳтиёжи мавжуд, соҳанинг ташкилий тузилмасини ва Бошқарув тизимини тўхтовсиз такомиллаштириб бориш талаб қилинади. Тармоқда стационар телефонлар сони камлиги, телефон рақамларининг 100 киши ҳисобига олганда паст зичлилиги сабабли республика ҳали дунё кўрсаткичларидан, айниқса, бозор иқтисодиёти, саноати ривожланган мамлакатлардан орқада қолмоқда. Уяли алоқа ва Интернет тармоғидан фойдаланувчилар сони бўйича ҳам тахминан худди шундай аҳвол.

Давлат муассасалари ва идоралари даражасида амалга оширилаётган тадбирлар Ўзбекистонда ушбу кўрсаткичлар яқин бир неча йил ичида реал ўсажагини тасаввур қилиш имкониятини беради. Бу эса, ўз навбатида телекоммуникация, компьютер ва ахборот технологиялари мамлакат иқтисодиёти

самарадорлигини оширишда, одамлар фаолияти ва турмушини энг замонавий техник воситалар ва хизматлар билан таъминлашда янада кўпроқ ўрин тутишини билдиради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2002 йил 30 майдаги «Компьютерлаштиришни ривожлантириш ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш тўғрисида»ги Фармони бу борада катта аҳамият касб этди. Унда замонавий коммуникация технологиялари тизимини ривожлантириш ва жорий этишнинг биринчи галдаги вазифалари таърифланган, бу соҳани бошқаришни такомиллаштириш юзасидан аниқ чора-тадбирлар белгиланган. Бу борада иқтисодиёт, бошқарув, бизнес, фан ва таълим соҳаларида замонавий, мустаҳкам ва хавфсиз миллий ахборот технологияларини яратиш, аҳолининг турли табақалари учун замонавий компьютер ҳамда ахборот тизимларига кенг йўл очиб берилишини таъминлаш биринчи галдаги вазифа қилиб қўйилган.

Мактаблар, касб-ҳунар коллежлари, академик лицейлар, олий ўқув юртлари ўқув жараёнига замонавий компьютер ва ахборот технологияларини эгаллашга асосланган илгор таълим тизимларини киритишга ҳамда АТК соҳасида ишлаш учун юқори малакали кадрлар тайёрлашни ташкил этишга алоҳида эътибор берилади. Мазкур муаммони ечишда Ўзбекистон Республикасининг «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»га киритилган кўрсаткичлар асос бўлиб хизмат қилади.

Юқорида айтилганлар асосида ахборот-коммуникация технологияларини жорий этишнинг қуйидаги кутиладиган натижаларини умумлаштириш мумкин:

а) давлат бошқарувига татбиқ этилганда: давлат ва жамият ўртасидаги ўзаро маълумотлар алмашинувига очиқлик ва ойдинлик киритади; очиқ фуқаролик жамияти қуришга кўмаклашади; давлат бошқаруви самарадорлигини оширади; жамият ва иқтисодиётда бўлаётган ўзгаришларни кузатиш учун мутлақо янги имкониятлар яратади; давлат ҳокимияти ва хўжалик юритувчи субъектлар ўртасидаги бошқарув жараёнини яхшилайди; давлат бошқарувида ҳаражатларни кескин камайтиради;

б) иқтисодий жараёнларга татбиқ этилганда: маҳсулот ва хизматлар таннархини камайтиришга кўмаклашади; маҳсулот ва хизматлар рақобатбардошлигини оширади; ишлаб-чиқариш самарадорлигини ва хизматлар ҳажмини кўпайтиради; электрон савдоларни йўлга қўйиш ва ривожлантиришга имконият яратади; маълумотлар олиш ва уларни жўнатишга кетадиган молиявий ҳаражатларни камайтиради; маълумотларни қисқа муддатларда ва сифатли олиниши натижасида хўжалик фаолиятининг самарадорлиги кўтарилади;

в) ижтимоий ҳаётда: аҳолини фуқаролик жамияти сифатида шаклланишига ёрдам беради; билим олиш учун янги имкониятлар яратади; тиббиёт хизмати сифатини кўтаради; маданий-маънавий меросни сақлаш имкониятини юксалтиради; аҳоли бандлигини ошириш ва қўшимча даромадлар олиши учун қулайликлар яратилади; инсонларга табиий офатлар ва ўзгаришларни олдиндан аниқлаш ҳамда уларнинг олдини олишга ёрдам беради.

Шундай қилиб, ахборот-коммуникация соҳасининг Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёти ривожининг ҳозирги босқичидаги роли ва аҳамиятини умумиқтисодий нуқтаи назардан таҳлил қилиб шундай хулосага келиндики, бу соҳанинг бугунги кундаги бош вазифаси республикада ахборотлашган жамият шаклланиши учун зарур шарт-шароит яратишдан иборатдир. Соҳанинг яқин истиқболдаги ривожи мамлакатда олиб борилаётган иқтисодий ислоҳотлар ҳамда ахборот-телекоммуникацияларнинг жаҳон хўжалик тузилмасига уйғунлашуви умумий қонуниятларининг амал қилиш тенденциялари билан асосланади. Яъни яқин истиқболда ахборот-телекоммуникация соҳасини ривожлантиришнинг умумий йўналишлари иқтисодиётни янада эркинлаштириш ҳамда иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишда ва ахборот-коммуникация соҳасининг жаҳон хўжалик тузилмаларига уйғунлашувида юзага келаётган қонуниятларни инобатга олган ҳолда истиқболли тузилмавий ўзгаришларни таъминлаш учун қулай шарт-шароитни шакллантириш жараёнларига асосланади. Бунда замонавий технологияларга ўтиш, ахборот-коммуникация хизматларининг рақобатга қодирлиги юқори даражада бўлишини таъминлаш асосий вазифа ҳисобланади. Ахборот-коммуникация соҳасини бошқариш тузилмасини такомиллаштириш республикамизнинг ҳаётий муҳим муаммоси, унинг иқтисодий хавфсизлиги масаласи бўлиб олдинга чиқади. Мазкур ҳолда гап жамиятни ахборотлаштириш ва телекоммуникация воситалари билан таъминлашнинг шундай даражасига эришиш ҳақида бормоқдаки, токи у республикамиз иқтисодиётининг самарали ривожланишини ва унинг жаҳон хўжалик тизимига уйғунлашувини таъминласин.

6.2. Соҳанинг ривожланиш босқичлари ва истиқболли йўналишлари

I. Ривожланиш босқичлари. Ўзаро хабар алмашинувининг юзага келиши ижтимоий ҳаётнинг, жамият шаклланишининг энг муҳим белгиларидан биридир. Шу сабаб ҳам Марказий Осиё ҳудудида турли давлатлар ҳамда одамлар ўртасида узоқ масофали ёзма ва оғзаки алоқанинг таркиб топиши, ривожи қадимий ўтмишга, бу ҳудудда кишилик жамияти ривожининг бизга маълум бўлган дастлабки тарихий босқичларига бориб такалади. Бу борадаги

дастлабки ёзма маълумотлар Аристотел асарларида келтирилган. У қадимда «Буюк тракт» деб аталган ва кейинчалик «Буюк ипак йўли» номини олган трасса бўйлаб ёзма ва оғзаки номалар ва хабарлар йўллаш жуда қадимдан мавжуд бўлганлигини эслатиб ўтган.

Тарихий манбалардан қадимги Сўғдиёнанинг Миср фиръавинлари билан олиб борган ёзишмаларини махсус чопарлар икки томонга етказиб тургани, араблар ҳалифалиги даврида ҳозирги Ўзбекистон ҳудудида почта хизмати прототипи бўлган махсус хизматлар ташкил этилганлиги ва уларни ҳалифалик томонидан тайинланадиган «соҳиб берид»лар, яъни почта раҳбарлари бошқарганлиги маълум. Аббосийлар ва сомонийлар даврида давлат идоралари махсус «девонлар» шаклини олган ва уларнинг ичида «девон-берид», яъни почта хизмати алоҳида ўрин тутган. Бу хизматнинг ихтиёрида барча шаҳарларда номаларни ўз эгасига етказиб беришни таъминловчи махсус почта хизматчилари, чопарлар, отлар ва аробалар бўлган.

Араб ҳалифалиги даврида жорий этилган почта хизмати тизими XIII асргача жиддий ўзгаришларсиз сақланиб турган. Ўз даврида алоқа хизмати ривожида прогрессив рол ўйнаган бу тизим жиддий камчиликларга ҳам эга эди. Бу даврдаги почта хизматининг ўзига хос хусусияти шу эдики, хабарлар «қўлдан-қўлга» тамойили асосида етказилар, яъни хабар узатувчи ва олувчи ўртасидаги алоқани одатда бир киши таъминлар, хабар етиш тезлиги масаласига айтарли аҳамият берилмас эди. Бу эса, хабарнинг етиб бориш муддатини узайтирар, унинг сақланиш кафолатини камайтирарди.

Чингизхонийлар давлатида ва улар эгаллаган барча ҳудудларда хабарни етказиш хизматида тезлик ва хавфсизлик масаласи биринчи даражага кўтарилди. Умуман олганда, мўғуллар салтанати даврида жаҳон почта хизмати тарихида кескин бурилиш юз берди, деса бўлади. Почта хизмати биринчи бор бутун хонлик ҳудудида эстафета тамойили асосида ташкил этилиб, ҳар 15-20 километрда тегишли даражада жиҳозланган ва кучли қўриқланган «ямлар» почта хизматлари ташкил этилиб, хабар «ямдан-ямгача» тарзида ташкил этилган. Бу эса, хабар етказилишининг ўз даври учун юқори тезлигини ҳамда хавфсизлигини таъминлаган. Чопарлар ямчиларга хонлик томонидан махсус ёрлиқлар пайзалар берилган, бундай ёрлиқи бор шахс эса, хонлик ҳудудида тўсиқсиз ҳаракат қилиш, жойлардаги хонлик вакилларидан озиқ-овқат, тунаш учун жой ҳамда отлар олиш ҳуқуқига эга бўлган. Туб аҳоли учун эса, пайзалик шахснинг ҳар қандай буйруғи мажбурий ҳисобланган. Чингизий хонликлар даврида алоқанинг карвонлар эстафетаси, овоз ёки нур сигналлари, шунингдек кабутарлар орқали хабарлар етказиш турлари ҳам ривож топган.

Умуман олганда, мўғул хонликлари замонида таркиб топган алоқа тизими Темурийлар ҳамда кейинги хонлик ва амирликлар даврида замон талабларига

мослашиш асосида янада ривожланди. Аммо, унинг амал қилиш механизмида жиддий ўзгаришлар содир бўлмади хабар беришнинг ёзма ва оғзаки шакли сақланиб қолди, мўғуллар жорий этган почта хизматининг эстафета усули ривож топди. Айниқса, хабарни нур ёки олов ёқиш орқали етказиш оммавийлашди. Бу усулларни амалга ошириш воситаси сифатида маълум масофалар ва йўналишларда бунёд этилган баландлиги 30-40 метрдан ортган тупроқ тепаликлар республикамизнинг кўпгина ҳудудларида ҳозиргача ҳам сақланиб қолган.

Туркистонда алоқа тизими ривожининг ўзига хос босқичи ҳудудга Россия империясининг босқини билан боғлиқ . Босқинчилар билан бирга ҳудудга почта ва электр алоқасининг замонавий турлари кириб келди. Зеро, бу энг аввало, мустамлакачилик тузумини мустаҳкамлаш, ҳудудда ҳарбий ҳаракатларни бошқариш, янги иқтисодий, айниқса, хом ашё ресурсларини ўзлаштириш учун ўта муҳим эди. Шу сабаб ҳам чор ҳукумати Туркистон иқтисоди ривожига ва замонавий алоқа тизимини шакллантиришга эътибор беришга мажбур эди. Энг аввало, муҳим шаҳарлар ва аҳоли пунктлари ўртасида почта трактлари қурилди, уларнинг жиҳозланиши ва қўриқланиши таъминланди, бу трактларда ўрнатилган жадвал асосида почта алоқаси йўлга қўйилди.

Албатта, почта алоқасининг ривожи унинг Бошқарув тизимини шакллантиришни тақозо этди. Шу мақсадда йирик аҳоли марказларида почта идоралари ташкил этилди ва 1868 йил Тошкентда Сирдарё ва Самарқанд вилоятлари почта идораларининг бирлашган бошқармаси таъсис килинди. Бу бошқарма бевосита Россия ички ишлар вазирлигининг почта ва телеграф бош бошқармасига бўйсундирилган эди. 1873 йилга кадар бундай идоралар Каттақўрғон, Ғарши, Китоб, Хива ва Бухоро каби шаҳарларда ҳам очилди.

XIX аср охири ва XX аср бошларига келиб саноат ривожланиши, Айникса, темир йўлнинг кириб келиши Туркистонда почта алоқаси ривожига катта туртки бўлди, унинг кўлами кенгайди, кимматбаҳо хатлар, бандероллар ҳамда почта орқали пул юбориш каби янги-янги хизмат турлари пайдо бўлди.

Ҳудудда почта алоқаси билан бирга электр алоқаси ҳам ривожлана бошлади. Биринчи бор телеграф алоқаси 1873 йилда Тошкент ва Оренбург шаҳарлари ўртасида ўрнатилди. 1876 йил эса электр телеграф Самарқандда, Каттақўрғонда, Янги Марғилонда ва кейинги йилларда Бухоро амирлигида, Хива хонлигида, Андижонда ҳамда Наманганда пайдо бўлди. Хулласи калом, XX аср бошига келиб ўлканинг барча йирик шаҳарлари алоқанинг бу тури билан таъминланган эди. Почта ва телеграф алоқасининг бундай ривожи унинг Бошқарув тизимини янада такомиллаштиришни тақозо этди. Шу мақсадда 1886 йили Туркистонда ягона бошқарма тарзида почта ва телеграф округи ташкил этилди ва унга ўлкадаги барча алоқа корхоналари бўйсундирилди. Бошқарма

доирасида эса 5 та вилоят алоқа идоралари ташкил этилди. Бошқарувнинг бундай тузилмаси собиқ советлар ҳокимияти давригача сақланиб қолди.

Ўлкада саноат ва банк-молия тизимининг ривожланиши, мустамлака тизимини ҳимоялаш мақсадида катта ҳарбий кучларнинг мавжудлиги тезкор электр алоқасининг яна бир тури — телефон тармоқининг шаклланишига олиб келди. Албатта, биринчи навбатда ҳарбий телефон алоқаси пайдо бўлди. 1887 йил Туркистон почта-телеграф округи бошлиғи уйи билан Тошкент почта-телеграф идораси ўртасида телефон алоқаси ўрнатилди, бу ўлкада биринчи телефон алоқаси эди. 1891 йил эса Тошкентда биринчи бор кўпчилик абонентга мўлжалланган телефон тармоғи ўрнатилди ва ундан фойдаланувчилар сони 1901 йил 55 тага етди.

Биринчи хусусий телефон станциясини 1895 йил Хива хони Муҳаммад Раҳимхон ўрнаттирди. Бу Швециянинг «Л. М. Эрикссон» фирмаси ишлаб чиқарган 20 номерли қўл телефон станцияси эди. 1904 йил Тошкентда биринчи давлат телефон станцияси ишлай бошлади.

Туркистон почта-телеграф округи бошқармаси

Самарқанд

область алоқа идораси

Тошкент

область алоқа идораси

Қўқон

область алоқа идораси

Хива

область алоқа идораси

Янги Бухоро область алоқа идораси

Шундай қилиб, Ўзбекистонда электр алоқа XIX аср охирларида шакллана бошлаган. XX асрнинг 20-йилларига келиб Туркистон ўлкасининг барча вилоят марказларига алоқанинг бу тури етиб борган эди. Тармоқда ахборот узатиш теника-технологиясининг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олиб, соҳа бошқарувини бутун ҳудуд бўйича яхлит ҳолда ташкил этиш мақсадида ўша даврларданоқ чор ҳукуматининг бу ўлкасида ягона бошқарма шакллантирилган эди (1-шакл).

1-шакл.



Ўзбекистонда алоқа тармоғининг 1922 йилдаги тузилмаси.

Республикада алоқа тизими Бошқаруви алоҳида тармоқ вазирлиги сифатида 1955 йил шаклланди. Шу сабабли соҳа бошқаруви ривожи бўйича бу пайтгача бўлган архив маълумотларини топиш ва ушбу таҳлилга жалб қилиш имкони бўлмади.

Республикада 1955 йил ҳолатига телефон тармоқлари асосан шаҳарларда шаклланган бўлиб, жами 37060 абонентга эга бўлган 169 станция фаолият кўрсатган. Улардан фақат 7 таси автомат туридаги бўлиб, уларнинг абонентлари сони 10720 та бўлган. Қолган станциялар қўл билан бошқарилган. Квартира телефонлари салмоғи абонентлар умумий сонининг фақат 15 фоизини ташкил этган, агар бу кўрсаткич 2003 йилда 87 фоиздан ортиқни ташкил этгани эътиборга олинса, бу борда қанчалар сифат ўзгаришлари рўй берганини тасаввур этиш мумкин.

Вазирликнинг ташкил этилиши телефон тармоғи ўсишига жиддий туртки бўлди. 1955-1970 йилларни телефон станциялари ва абонетлари сони тезкор ўсган ҳамда телефон алоқасининг тез суръатлар билан автоматлаштирилган даври деб баҳолаш мумкин (7-жадвал).

7-жадвал

Ўзбекистонда телефон тармоқининг ривожланиш динамикаси

	1955 й	1960 й	1970 й	1975 й	1985 й	1990 й	2000 й	2003 й
Телефон станциялари сони, дона	169	153	190	296	338	388	2063	2043
Улардан АТС, дона	7	23	116	255	338	388	2063	2043

Станция-ларнинг ўрнатилган сиғими, минг-та	37,1	58,6	188,8	350,2	832,3	1219,5	1869	1907

1955 йилда қишлоқ жойларда телефон алоқаси қўл билан бошқариладиган, кўп ҳолларда икки-уч абонентга хизмат қилувчи коммутаторлардан иборат бўлган. Қишлоқ жойларда электр алоқа ривожи 60-йилларнинг бошларидан тез суръат ола бошлади. Бу пайтга келиб хўжаликлар учун ички ишлаб чиқариш тармоқлари (ИИТ) қурила бошланди. Агар 1960 йилда республика хўжаликларининг 3 фоизи ИИТ билан қопланган бўлса, 1965 йилга келиб бу кўрсаткич 30 фоизга ортган.

70-80-йиллар тармоқ моддий-техника базасининг янада ривожланиш даври бўлди, марказлашган ресурслар ҳамда банк кредитлари асосида кенг кўламда қишлоқ телефон станцияларини қуриш ва туман (район) марказларида алоқа узеллари реконструкцияси бошланди. 1970-1975 йиллар қишлоқ телефон тармоғида қўл билан бошқариладиган МБ ва ЦБ русумидаги станциялар автоматларга тўла алмаштирилди ҳамда уларнинг ўрнатилган сиғими 1,5 баробар ортди. Шаҳар тармоғида эса, АТСлар сони икки баробар ортди, натижада республика телефон тармоги ҳажми 1,9 мартага ўсди, эски типдаги телефон станциялари янги координат тизимли станцияларга кенг кўламда алмаштирила бошланди. Совет даврининг охирги ўн йиллиги ҳам республика телефон тармоқини сон ва сифат жиҳатдан ривожлантириш учун бўлган ҳаракатлар билан тавсифланади.

Аммо, республика мустақиллиги арафасигача бу йўналишда бўлган ҳаракатлар етарли натижа берди, деб бўлмайди. Чунки мустақилликнинг биринчи йилидаёқ республика алоқа тармоқининг ҳолати илғор техника ва технология талабларига, айниқса, мустақил давлатнинг халқаро алоқаларини таъминлашга бўлган талабларга жавоб бермаслиги маълум бўлди. Бошқача қилиб айтганда, республика алоқа тизимида мустақилликнинг биринчи йилларида бир катор муаммолар мавжудлиги кўриниб қолди. Албатта, бу муаммолар республика халқаро алоқаларни мустақил ўрната бошлагач ҳамда тизим ҳолатини ривожланган давлатлар билан таққослаш имконияти туғилгач намоён бўлди. Бу муаммоларни тўрт гуруҳга бўлиш мумкин:

1. Алоқа соҳаси ривожининг миқдор жиҳатдан етарли ривожланмаганлиги муаммолари. Телефон зичлиги, ҳудудларнинг телефон алоқаси билан қамраб олинганлиги каби миқдорий кўрсаткичлар бўйича Ўзбекистон нафақат

ривожланган давлатлардан қолиб кетган, балки собиқ иттифоқдош республикалар ичида ҳам охирги ўринлардан бирида эди.

2. Кўрсатилаётган алоқа хизматлари сифатининг паст даражаси билан боглиқ муаммолар. Бунинг асосий сабаби алоқа тизими фақат собиқ иттифоқда ишлаб чиқарилган техника билан жиҳозланган бўлиб, бу техника ривожланиш даражаси бўйича жаҳон стандартларидан анчагина ортда қолиб кетган эди.

3. Халқаро электр алоқасининг ўта марказлаштирилганлиги ва фақат Москва орқали ташкил этилганлиги муаммоси. Бу ҳол республиканинг сиёсий ва иқтисодий мустақиллиги тамойилларига бутунлай зид эди.

4. Алоқа соҳаси Бошқарув тизимининг ривожланган давлатларда таркиб топган Бошқарув тизимига бутунлай мос эмаслиги. Бу эса республика алоқа соҳаси субъектларини тармоқни ривожлантириш борасида чет эл фирма ва компаниялари билан муносиб равишда алоқа ўрнатишига имкон бермас эди.

Бу муаммоларни тугатишга қаратилган чора-тадбирлар мустақилликнинг дастлабки йилларида давлат ахборот-коммуникация сиёсатининг асосий мазмунини ташкил этди.

Мустақилликнинг биринчи кунлариданоқ соҳанинг олдида турган бош вазифа собиқ иттифоқ марказига ўта боғлиқ бўлган алоқа тизимининг, айниқса, халқаро алоқанинг бир маромда ишлашини таъминлаш эди. Шу мақсадда биринчи навбатда республика ҳудудидаги барча алоқа объектлари ва субъектларини мамлакат мулки деб эълон қилинди ҳамда уларнинг амал қилиш чегаралари белгиланди, ички ва халқаро сўзлашувларнинг узлуксизлигини таъминлаш чоралари кўрилди.

Бу вазифалар ичида энг муҳими халқаро операторлар билан мустақил, ҳеч бир давлатнинг алоқа йўлидаги аралашувига (ёки филтрига) боғлиқ бўлмаган алоқа каналлари ўрнатиш эди. Бу борада 1991 йил республика ҳукумати томонидан йўлдош алоқасининг NEAX-61 русумидаги 810 каналли халқаро коммутацияли станцияси сотиб олинди ва мустақилликнинг биринчи кунларидаёқ Япония орқали биринчи 20 халқаро алоқа канали йўлга қўйилди. Бундан кейинроқ, 1992 йили Туркия ҳукумати йўлдош алокасининг IBS русумидаги халқаро коммутацияли станциясини тақдим этди ва у орқали яна 30 канал очилди. Шу йўл билан республиканинг халқаро телекоммуникация тармоғига тўғридан-тўғри қўшилиш имконияти туғилди. Бу республиканинг алоқа соҳасидаги мустақиллигини таъминлашдаги дастлабки қадамлардан бири бўлиб, катта сиёсий аҳамиятга эга бўлган ҳодиса эди.

Бу қадамларни янада мустаҳкамлаш, республиканинг барқарор алоқа мустақиллигини таъминлаш, соҳанинг янги давр талабларига мос ҳолда ривожига эришиш мақсадида мустақилликнинг биринчи кунлариданоқ ахборот-

коммуникация тизимини ислоҳ қилишнинг қуйидаги биринчи навбатдаги вазифалари белгилаб олинди:

– соҳа субъектларининг барқарор ривожини ҳамда тармоқнинг бозор иқтисодига босқичма-босқич ўтишини таъминлашга қаратилган ҳуқуқий-меъёрий асосни яратиш;

– соҳада турли мулк шаклларини ривожлантириш ҳамда тармоқ ривожи учун чет эл инвестицияларини кенг кўламда жалб қилиш мақсадида давлат алоқа корхоналарини хусусийлаштириш ва давлат тасарруфидан чиқаришга тайёрлаш;

– алоқа тармоқларини мустақил ҳамда тўла-тўкис бошқаришни таъминловчи қўшимча элементларни шакллантириш, чет эл алоқа операторлари ва администрациялари билан кўрсатилган халқаро хизматлар учун ўзаро тўловларни ташкиллаштириш;

– телекоммуникация соҳасини замонавий рақамли технология асосида модернизациялаш ва ривожлантиришни бошлаш, шу мақсадга хизмат қилувчи чет эллардаги алоқа операторлари, администрациялари, замонавий телекоммуникация жиҳозлари ишлаб чиқарувчи фирма ва компания ҳамда молия институтлари ва ташкилотлари билан барқарор алоқаларни тиклаш;

– соҳага кенг ҳажмларда инвестициялар, шу жумладан, чет эл инвесторларини жалб қилиш ҳамда улардан самарали фойдаланиш механизмини яратиш;

– янги талабларга мос келувчи кадрларни тайёрлашни ташкил этиш, мутахассисларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини шакллантириш.

Мустақилликнинг ўтган даври мобайнида бу биринчи навбатдаги вазифаларни бажариш борасида улкан ишлар амалга оширилди. Бу ишларнинг мазмуни кейинги бўлимларда батафсил очиб берилади. Шу сабабли ушбу бобда бу борадаги ишларнинг умумий натижаларини қуйида келтирилган 4-8 диаграммалар орқали кўрсатиб ўтмоқчимиз.

4-диаграмма. Ички ҳудудий тармоқларнинг узунлиги



5-диаграмма. Ўзбекистон Республикасида телекоммуникация тармоқларининг рақамлаштириш даражаси



6-диаграмма. Магистрал тармоқларнинг узунлиги



7-диаграмма. АТСларнинг ўрнатилган сиғими



8-диаграмма. Асосий телефон аппаратлари



II. Истиқболли йўналишлар. Мамлакатнинг барча ҳудудларида ахборот-коммуникация технологияларининг техникавий инфратузилмасини, шу жумладан, барча замонавий телекоммуникация ва маълумот узатиш воситаларини ахборот-коммуникация тармоқлари ва хизматлари конвергенциясини ҳисобга олган ҳолда жадал ривожлантириш, яқин йилларда миллий ва халқаро ахборот тармокларидан катта тезликда маълумот олиш имкониятини яратиш ва унга барча аҳоли пунктларидан кириш имкониятини таъминлаш зарур. Ўзбекистон ахборот-коммуникация соҳасининг ушбу ривожланиш йўлларини миқдорий баҳолаш келтирилган. Ушбу жадвал мазкур китоб муаллифларидан бири иштирокида ишлаб чиқилаётган ва амалдаги соҳани ривожлантириш дастурлари кўрсаткичлари асосида тузилган. Шу ўринда бу дастурларда кўзда тутилган мақсадларни тўлароқ 1- ва 2-иловалар орқали ифодалашни лозим деб топдик.

Шунингдек, ушбу дастурлар ҳақида эслатиб ўтиш ҳам ўринли. Ўзбекистонда ахборот-коммуникация соҳасини ривожлантиришнинг ҳозирда қуйидаги давлат дастурлари амалга оширилмоқда:

– «2002-2010 йилларда компьютерлаштириш ва ахборот технологияларини ривожлантириш дастури»;

– «2003-2010 йиллар электрон технологияларни давлат бошқарувида татбиқ этиш дастури»;

– «2003-2010 йиллар мобайнида миллий телекоммуникация ва ахборот узатиш тармоқини ривожлантириш дастури»;

– «2010 йилгача электрон тижоратни ривожлантириш дастури».

Айтиш ўринлики, бу ҳужжатлар нафақат ахборот-коммуникация соҳаси ривожи учун аҳамиятли, уларнинг қабул қилиниши мамлакатда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг янги сифат даражасига кўтарилганидан, бу борада янги босқич бошланганидан дарак беради. Гап шундаки, 90-йиллар бошидаги собиқ советлар тузуми тугатилиши билан боғлиқ бўлган кризис ёш мустақил мамлакат ҳукуматини биринчи галда иқтисодий ҳолатни барқарорлаштириш билан боглиқ чоралар кўришга мажбур этган эди. Шунинг учун бу даврда қабул қилинган дастурий ҳужжатларнинг қиска муддатларга мўлжалланганини кузатиш мумкин. Ҳатто мақсадли илмий-техник дастурлар ҳам уч-тўрт йилгача бўлган муддатларга тузилган. Кейинги йиллардаги барқарорлаштириш борасида эришилган ютуқлар ривожланишнинг узоқ муддатларга мўлжалланган дастурларини ишлаб чиқишга имкон бермоқда. Бу борадаги биринчи қадам 1998 йили узоқ муддатли кадрлар тайёрлаш бўйича миллий дастурнинг қабул қилиниши билан қўйилган эди. АКТ ривожи бўйича сўнгги йилларда қабул қилинган дастурий ҳужжатлар бу борада тўпланган тажрибанинг ҳамда методологик база ривожининг натижаси деб кўрилиши мумкин.

Албатта, компьютер ва ахборот технологияларини ривожлантириш билан боғлиқ муаммоларни самарали ҳал қилиш республикада сифатли миллий дастурий маҳсулотларни ишлаб чикаришни ва уларнинг экспортини рагбатлантирувчи самарали механизм яратилишига, шунингдек, миллий компьютер техникасини, унинг бутловчи қисмларини ҳамда ахборот технологияларини ишлаш ва ишлаб чиқариш бўйича тўғри йўлга солинган тизим ташкил қилинишига шароит яратади.

Республика ахборот-коммуникация соҳасининг кейинги ривожланиши бир неча йўналишда амалга оширилмоқда. Бу йўналишларнинг асосийлари халкаро, шаҳарлараро ва ҳудудий тармоқларда юкори тезликдаги ракамли каналлардан самарали фойдаланишни таъминлаш, тўғри рақамли окимлар учун имкониятларни кенгайтириш, мукаммал Бошқарув тизимларини яратиш, янги участкаларда линиялар қурилишини амалга ошириш, синхронлаш ва сигнал бериш ягона тизимларини йўлга қўйиш, шаҳарлараро телефон алокасини бутунлай автоматлаштириш, тармоқларнинг чидамлилиги ва хавфсизлигини

таъминлашдир. Бутун мамлакат тармоқининг асоси сифатида резервланган рақамли телекоммуникация инфратузилмасини вужудга келтириш бўйича кўплаб муаммолар япон JBIC кредити асосидаги йирик лойиҳани рўёбга чиқариш орқали ҳал қилинмоқда. Лойиҳанинг II босқич кредити 2003 йилда амалга оширила бошланди.

Келгусида маҳаллий тармоқларда рақамли тизимларга ўтишни якунлаш, симсиз радиоалоқани, оптик толали алоқа тармоқларини кенг татбиқ этиш, интеллектуал ва бошқа қўшимча турдаги хизматлар кўрсатишни ўзлаштириш, янги абонент линияларини қуриш зарур бўлади.

Қўйилган вазифа ва белгиланган дастурлар муваффақиятли амалга оширилишига эришиш учун кўплаб объектлар замонавий техника ва илғор технологиялар негизида қурилишига эришиш муҳимдир. Умумий узунлиги минглаб километрлар бўлган оптик толали алоқа линиялари, 500 километргача бўлган рақамли радиорелели алоқа линиялари, Тошкент ва бир қатор шаҳарлардаги шаҳарлараро автомат телефон станцияларининг янги қувватлари, республика минтақаларини бирлаштирадиган ўзига хос «халқалар»ни бунёд қилиш, қишлоқларда янги алоқа тизимларини ишга тушириш шулар жумласидандир.

Натижада 2005 йилда шаҳарлараро алоқа каналларининг умумий узунлиги 1,5-2 баравар ошади, ҳудудлар ичидаги тармоқларни рақамли тармоқларга айлантириш 75 фоизга етади. Маҳаллий телефон тармоқларида деярли 250 минг линияли янги рақамли АТС қувватлари ишга туширилади. Кучли ривожланиш ва сифатли янгиланиш Тошкент шаҳар телефон тармогида амалга оширилади. Бу ҳозирги кундаги ҳақиқий реал имкониятлардир, 2010 йилга бориб эса бир қатор кўрсаткичлар бўйича республика дунё стандартларига яқинлашиши керак (2-иловага қаранг).

Аҳолининг Интернетдан фойдаланиш имкониятини кенгайтиришга тармоқни ривожлантириш, жамоат фойдаланиш пунктларини, Интернет кафелар, клублар, магазинларни, шу жумладан, қишлоқ алоқа бўлимларида очиш ҳисобига эришилади.

Муқобил-уяли, транкинг алоқа тармоқлари, шу жумладан, маълумотлар узатиш тармоқлари ҳам ривожланиб боради. Табиийки, Инернет-кафеларнинг ҳозирги машҳурлиги, бошқа, тижорат асосида жамоат ахборот тармоқларига уланиш шакллари каби вақт ўтиши билан ўтмишда қолади. Ривожланган мамлакатларда бўлгани каби уй шароитида фойдаланиладиган ахборот-коммуникация комплексини яратиш йўналишининг келажаги порлоқдир. Вақтинчалик чора сифатида, уй шароитида, ҳозирги кабел телевидениеси каби, Интернет ва электрон почта тармоғидан жамоат фойдаланиши тизимини яратиш даври келди. Бу каби тармоқлар сунъий йўлдош алоқа тизимларидан

фойдаланиш мумкинлиги сабабли жуда арзон ва сифат кўрсаткичлари жиҳатидан мақбул бўлиши мумкин.

Умуммиллий ахборот узатиш (АУ) тармоқини вужудга келтириш вазифаси етилди. Бу тармоқни замонавийлаштириш ва қайта қуриш, замонавий технологияларни татбиқ этиш, Интернет хизматларини ҳисобга олган ҳолда, хизматлар турини кўпайтириш, ушбу хизмат кўрсатиш турларини республиканинг барча вилоятларида ривожлантириш йўналишида амалга оширилади. Замонавий технологияларни татбиқ этиш, тармоқларнинг мустаҳкамлиги ва маълумот ўтказиш қувватини ошириш, хизматлар сифатини яхшилаш, янги хизмат турларини жорий этиш, электрон ҳужжатлар айланишини ўзлаштириш, сунъий йўлдош технологияларини қўллаган ҳолда халқаро тармоқларга уланишни кенгайтириш вазифалари ҳал қилинади.

ЎзПАК корхонасининг моддий-техника базаси янада мустаҳкамланиши лозим. Республикада нафақат электрон почта, Интернет, алоҳида уланиш ва коммутация, корпоратив тармоқларнинг уланиши каби хизмат турларини кенгайтириш, балки телеконференциялар, телемедицина, телетаълим, телеканаллар орқали овоз бериш кабиларни ҳам йўлга қўйиш даркор.

Телевидение, радиоалоқа ва радиоэшиттиришларнинг моддий-техника базасини бойитиш ва такомиллаштиришга берилаётган эътиборни алоҳида айтиб ўтиш ўринлидир. Фақатгина Япониянинг JBIC фондининг II босқич кредити асосида яқин кунларда 63 та янги телевизион узатгич, 63 комплект FM-узатгичи ишга туширилади. Бир қатор муҳим йўналишларда радиорелели алоқа линиялари қурилади ва такомиллаштирилади, 4250 та линияда симсиз радиоалоқа объектлари барпо қилинади.

Республиканинг ахборот-коммуникация соҳасидаги институциявий ислоҳотларни давом эттириш муҳимдир. Тез ўзгарувчан бозор ислоҳотлари шароити ахборот тизимлари соҳасидаги Бошқарув ва телекоммуникация воситалари орқали Бошқарувни қайта ташкил этиш ва такомиллаштириш бўйича янги чора-тадбирларни кўришни талаб қилади.

Амалий тадбирларда маълумотларнинг бутунлиги ва махфийлигини таъминлаш бўйича истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоялаш ҳамда давлат ва фуқароларнинг шахсий манфаатларини муҳофаза қилиш мақсадида ахборот хавфсизлиги масалалари муҳим ўрин эгаллайди.

Ахборот узатиш ва Интернет хизматларини кўрсатиш соҳасида эркинлаштириш ва рақобатни ривожлантириш бўйича ишларга янада жўшқинлик бахш этилади. Амалда бу лицензиялаш фаолияти ва тариф сиёсатини такомиллаштиришни, телекоммуникация бозори қатнашчилари ўртасидаги муносабатлар мувофиқлаштирилишини, ягона техникавий сиёсат кучайтирилишини, инвестициялар жалб қилинишини англатади. Бунда ахборот узатиш бозорининг барча қатнашчилари учун шароит яратиб беришга баъзи тузатишлар киритиш, вилоятларда тармоқларни кенгайтириш кераклигини, халқаро ахборот тармоқларига уланиш жараёнини аниқлаш,

ушбу тадбирларда кичик ва ўрта бизнес корхоналарининг иштироки бўлиши зарурлигини ёдда тутиш лозим.

Сертификатлаш, стандартлаштириш, меъёрий базани юзага келтириш, метрологик таъминотни ривожлантириш каби масалаларни ҳам ечиш вақти келди. Имтиёзли тарифлар асосида Интернет орқали ахборот узатиш хизматларини рағбатлантириш, унинг ёрдамида муаллифлик ҳуқуқини ва тадбиркорлик фаолияти ҳимоясини таъминлаш лозим.

Электрон тижорат, электрон ҳужжат айланиши тартибини, ахборот ресурсларидан фойдаланиш ҳамда компьютер ахборот технологиялари ва тизимлари ҳимоясини тартибга солишнинг қонунчилик асоси яратилди, бу борада тегишли қонунлар қабул қилинди. Аммо, бу йўналишлар ҳаётга секинлик билан кириб келмоқда, бунга сабаб қонунларни татбиқ қилиш механизмининг етарли шаклланмаганлиги ҳамда иқтисодий субъектларнинг бу борада етарли тайёргарлик кўрмаганлигидир. Бу масалаларни ечиш ҳам ўта долзарб ҳисобланади.

Юқорида санаб ўтилган улкан янги ишларни молиялаштириш масаласи ҳам долзарблигича қолмоқда. Шу мақсадга аҳоли ва алоқа корхоналари сармояларини, чет эл инвестициялари ва кредитларини кенг жалб қилиш талаб этилади.

Натижада 2010 йилга бориб Ўзбекистон Республикасида янги техник ва технологик база асосида хизмат истеъмолчиларининг барча катламлари талабларига ва жадаллик билан ривожланиб бораётган замонавий компьютер ҳамда ахборот технологиялари талабларига мос тушадиган, тубдан янгиланган телекоммуникация тармоқлари вужудга келтирилади. Мамлакат иқтисодиётини мустаҳкамлаш ва инсонларнинг яшаш шароитларини яхшилаш учун кафолатли қўшимча имкониятларга эга бўлади.

Шундай қилиб, Ўзбекистон ахборот-коммуникация соҳаси ўз ривожланишида энг янги алоқа воситаларини ахборот технологиялари билан уйғунлаштириш ва бу соҳага ўзаро боғланишдаги тармоқларни узвий равишда жалб этиш ҳисобига ўзининг таркибий тузилишини тобора кучайтириш хусусияти туфайли ажралиб турувчи бир неча ўзаро боғлиқ босқичлардан ўтмоқда. Ҳозирги давр ахборот-коммуникация соҳасининг сифат жиҳатидан янги босқичга чиқа бошлаши хусусиятига эга бўлиб, бу босқич шароитида унинг дунё хўжалик алоқалари доирасига тадрижий равишда кириб бориши, жаҳон хўжалик тизимига уйғунлашуви жараёнлари юз бермоқда. Замонавий оптик толали ва рақамли алоқа тизимларининг ривожланиши. бутун ер куррасини қамраб олган Интернет тармоғига уланиш ўтказилаётган инвестиция сиёсатининг муҳим йўналиши ҳисобланади.

6.3. Бошқарув тизимининг самарадорлигини баҳолаш

Бошқарув жараёни муайян харажатлар ва куч-ғайратни талаб қилади. Бу жараённинг натижалари албатта, ё ижобий ёки салбий баҳоланиши мумкин. Мазкур ҳолда «натижа» ва «харажат» атамаларини «самара» сўзи билан алмаштирамиз, бу сўз ушбу ҳолатда натижавий ҳолатни англатади. Ушбу алмаштиришнинг асосий сабаби натижавий ҳолатни натижа ва харажатларга таснифлаш тамойилидан келиб чиқади: агар натижавий ҳолат ижобий баҳоланса, уни иқтисодий адабиётларда натижа (самара) деб, салбийларини – зарар (издержки) деб юритиш қабул қилинган. Кўрсатилган алмаштиришни мазкур таснифнинг баҳолаш мулоҳазалари билан боғлиқлиги тақозо этади.

Бошқарув тамойиллари, элементлари ва усуллари пиллапоясида пешқадамлик ҳар бир ўзидан олдингисига тааллуқли ҳисобланади. Шунга қарамасдан, Бошқарув тамойиллари ва элементлари аниқ усуллар орқали амалга оширилади, шу сабаб ҳам аниқ Бошқарув усуллари натижалари бўйича пировард натижани ва Бошқарув самарадорлигини баҳолаш мумкин бўлади. Яъни Бошқарув тизими самарадорлигини унга мувофиқ усулларнинг самарадорлиги орқали таҳлил қилиш лозим.

Шунга мувофиқ, 1.5-мавзуда Бошқарув усулларини икки гуруҳга бўлиб, кўриб чиқилгани каби, Бошқарув самарадорлигини ҳам шартли равишда икки жиҳатга бўлиш мумкин. Булар:

– соҳанинг оқилона ички муҳитини таъминлаш мақсадидаги Бошқарув самарадорлиги;

– ахборот-коммуникация соҳасини давлат томонидан тартибга солиш самарадорлиги.

Аввал биринчи жиҳатни кўриб чиқамиз.

Иқтисодий адабиётларда режали иқтисодиётни бошқариш тамойиллари ва усулларини ҳисобга олган ҳолда бошқарув самарадорлигини баҳолашнинг назарий асослари 60-йилларнинг охири, 70-йиллар бошларида бошқарув бўйича бир қатор илмий ишлар ва дарсликлар чиқиши муносабати билан кўп мунозараларга сабаб бўлди[1]. Бу даврда харажатлар ва натижаларни солиштириш йўли билан бошқарув самарадорлигини баҳолашга бир неча бор уринишлар қилинган. Энг содда кўринишда бу ҳисоб-китоблар бошқарувни ривожлантиришдан тушган фойда билан бошқарувга сарфланадиган харажатлар ўртасидаги фарқ коэффициентини чиқаришда ўз аксини топган. Лекин аста-секин иқтисодий назария ва амалиёт бошқарув самарадорлиги бошқарилувчи объект ишининг пировард натижалари билан белгиланишини аниқлаб берди, яъни бозор усуллари амалда қўлланган шароитларда бошқарув

[1]Масалан: Ўзбекистон саноати бирлашмаларининг самарадорлиги.. Т., «Фан», 1975 й.

тизимининг самарадорлиги бир кўрсаткич билан эмас, балки ташкилотнинг ўз фаолиятини тавсифловчи кўрсаткичлар ёки индикаторлар тизими билан баҳоланиши мақсадга мувофиқдир[1]. Бу кўринишдаги ёндашувлардан ҳамда АТК соҳаси элементларининг ички ва ташқи алоқалари таҳлилидан келиб чиқиб, ахборот-коммуникация соҳасини бошқариш самарадорлиги қуйидаги кўрсаткичлар гуруҳлари билан баҳоланиши мумкин деган хулосага келдик:

– соҳанинг ривожланиш динамикасини тавсифловчи кенг қамровли ҳажмий кўрсаткичлар;

– ахборот-коммуникация тизими учун ниҳоятда муҳим бўлган ва ушбу соҳа самарадорлигини баҳолашда асосий бўлган инновация кўрсаткичлари;

– бошқарилувчи объект ишининг иқтисодий барқарорлиги ва пировард натижавий ҳолатини тавсифловчи молиявий кўрсаткичлар.

Самарадорликни баҳолашнинг ҳар бир кўрсаткичи яхши маълум, лекин уларнинг мажмуи барча ишда турлича намоён бўлади. Шу сабабли биз мавжуд бўлган ёндашувларни умумлаштиришга ва уларни ягона тизимга киритишга уринамиз.

Шу тариқа, ахборот-коммуникация соҳасини бошқариш самарадорлиги 2-шаклда келтирилган кўрсаткичлар тизими ёрдамида баҳоланиши мумкин деб айта оламиз. Мазкур ҳолда, биз самарадорликни баҳолаш учун унинг мезонлари, умумий ҳамда якка тартибдаги кўрсаткичлари тизимидан фойдаланишни таклиф қилаётган олимларнинг фикрларини қўллаб-қувватлаймиз[2].

Ушбу кўрсаткичлар тизимини келтириш билан бирга биз унинг амал қилиш йўналишига алоҳида аҳамият беришимиз керак. Тақдим этилаётган кўринишда у бошқарув самарадорлиги мониторинги воситаси ва базаси сифатида ўрин тутади. У худди катта кўрсаткичлар тизими ёрдамида баҳолаш фаолиятининг барча параметрларини бирма-бир кўриб чиқади. Лекин шуни ёдда тутиш керакки, бошқариш фаолияти ҳам тактик, ҳам стратегик вазифаларни ҳал этишни ўз ичига олади. Бундан ташқари, хўжалик фаолиятининг ҳар бир муайян босқичида Бошқарув жараёнида албатта, асосий бўғинлар намоён бўлади, заиф жойлар юзага келади ва уларнинг ҳал қилиниши бошқарув фаолиятида муайян устуворликларга таъриф берилишини талаб қилади.

---

[1]Бу ҳақда тўлиқ маълумот «Менежмент» ишида - М. М. Максимцев ва М.А.Комарова таҳрири остида, М., «Единство», 2002 й., 299-305- бетлар.

[2]Черняк Ю.И. Анализ и синтез в экономике. М., Экономика, 1970 й., 15-бет, Райзберг И.И. Народнохозяйственная и хозрасчетная эффективность. Кишинев, «Штица», 1985 й., 66- бет, Иминов Т.К., Рыночная экономика и обновление основных фондов, Санкт-Петербург, 1992 й., 150-бет, Белоконь А.В. и др. Менеджмент организации: современные технологии, Ростов на Дону, «Феникс», 2002 й., 328-бет ва бошқ.

2-шакл. Ахборот-коммуникация соҳасини бошқариш самарадорлигини баҳолаш кўрсаткичлари тизими

Ҳажмий кўрсаткичлар	Инновацион кўрсаткичлар	Молиявий натижа ва иқтисодий барқарорлик кўрсаткичлари
Асосий телефон аппаратлари сони. Аҳолига ўрнатилган асосий телефон аппаратлари Телефон станцияларининг рақамли ҳажми Стационар ўрнатилган аппаратлардан фойдаланиш коэффициенти	Сўзлашув қийматини вақтбай ҳисобга олиш аппаратураси Рақамли алоқа тизими асосида юзага келган шаҳарлараро алоқа линияларидаги телефон каналлари узунлиги шунинг ўзи, телефон каналларининг умумий	Мулкнинг қиймати Узоқ муддатли активлар улуши Айланма активлар улуши Корхоналарнинг ўз маблағлари Қарз маблаглари Айланма маблағлар нормативи
100 кишига асосий телефон аппаратлари сони 100 кишига асосий хонадон телефон аппаратлари сони Йил охирига шаҳарлараро алоқа линияларидаги телефон каналларининг узунлиги Алоқа тизими охирги аппаратурасидан ташкил топган четки телефон каналлари сони Шаҳарлараро телефон сўзлашувлари Халқаро телефон сўзлашувлари Алоқа ходимларининг ўртача йиллик сони Капитал қўйилмалар Хориж инвестициялари Асосий ишлаб чиқариш фондлари Бошқарувнинг барча бўлимларидаги раҳбар ходимлар ўртача бир йиллик сони	узунлигига нисбатан фоиз ҳисобида Телефон каналларининг умумий узунлигидан радиорелели линиялари бўйича Телефон каналларининг умумий узунлигидан сунъий йўлдош линиялари бўйича Рақамли алоқа тизими асосида юзага келган охирги (оконечный) телефон каналлари сони Телефон каналларининг умумий сонидан рақамли алоқа тизими асосида юзага келган якуний телефон каналларининг солиштирма салмоғи. Шаҳарлараро телефон алоқасини автоматлаштириш даражаси Электрон почта хизматлари Комфакс, Телефакс хизматлари Интернет тармоғидан фойдаланган ҳолда маълумот узатиш ва телематик хизматлар, фойдаланувчиларнинг қурилмалари сони Уяли алоқа абонентлари сони	Нормаланадиган айланма маблағларнинг айланувчанлиги Айланма маблағарнинг юкланганлик коэффициенти Ўзининг ва қарз маблағларининг ўзаро нисбати коэффициенти Тўлов қобилияти коэффициенти (умумий қоплаш коэффициенти) Ўз айланма маблағлари билан таъминланганлик коэффициенти Фойда ёки зарар Ишлаб чиқариш харажатлари Давр харажатлари Солиқ солинувчи база

Ахборот-коммуникация соҳасини такомиллаштиришнинг биринчи кенг қамровли параметрлар блоки алоқа соҳасидаги минтақавий ҳамдўстлик статистикаси томонидан тақдим этиладиган кўрсаткичлар тизими[1] ёрдамида ифодаланиши мумкин. Ушбу ҳамдўстлик таркибига 19 та мамлакат киради, у Халқаро электр алоқа иттифоқи ва Бутунжаҳон почта иттифоқида кузатувчи мавқеига эга. 8-жадвалда ахборот-коммуникация соҳаси ривожининг энг муҳим ҳажмий кўрсаткичлари қайд этилган.

8-жадвал

2001-2002 йилларда Ўзбекистон ахборот-коммуникация соҳасини ривожлантиришнинг кенг қамровли (ҳажмий) кўрсаткичлари*

Кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	2001 й.	2003 й.	Ўсиш суръати (фоиз)
Асосий телефон аппаратлари	минг. дона	1396,2	1421,9	101,8
Аҳолига ўрнатилган асосий телефон аппаратлари	минг. дона	1396,2	1421,9	101,8
Телефон станцияларининг рақамли ҳажми	минг. ном.	1894,8	1916,7	101,1
Стационар ўрнатилган аппаратлардан фойдаланиш коэффициенти	фоиз	85,4	86,2	100,9
100 кишига асосий телефон аппаратлари сони	дона	6,65	6,68	101,8
Йил охирига шаҳарлараро алоқа линияларидаги телефон каналларининг узунлиги	минг. канал-км	11856,3	12327,8	104,0
Шаҳарлараро ва халқаро телефон сўзлашувлари	млн. дона	155,5	161,5	104,2
Капитал қўйилмалар	млн. сўм	10833	18460	170,4
Хориж инвестициялари	млн. долл.	0,39	44,3	113 марта
Асосий ишлаб чиқариш фондлари	млн. сўм	126097,6	203613	168,2
Алоқа ходимларининг ўртача бир йиллик сони	минг. киши	42,6	40,8	95,7
Бошқарувнинг барча бўғинларидаги раҳбар ходимларнинг ўртача йиллик сони	минг. киши	5,99	5,3	88,5

[1] Статистический сборник о деятельности администраций связи в 2002 г. Исполнительный комитет Регионального содружества в области связи. М., 2003 й.

Бошқарувнинг барча бўғинларидаги раҳбар ходимларнинг ўртача йиллик сони	минг. киши	5,99	5,3	88,5

*ЎзААА ҳисоботлари асосида тайёрланган.

Келтирилган кўрсаткичларнинг ҳатто оддий юзаки таҳлили ҳам Ўзбекистон ахборот-коммуникация соҳасининг кенг қамровли кўрсаткичлари жадал ўсиш динамикасига эгалигидан далолат беради. Шуни айтиб ўтиш лозимки, ушбу ўсиш бошқарув ходимлари сони қисқариб бораётган бир пайтда содир бўлмоқда. Бу эса табиийки, бошқарув самарадорлиги ўсиб бораётганидан далолат беради. Аммо, айтиб ўтганимиздек, ҳажмий кўрсаткичлар самарали Бошқарув параметрларини баҳолаш учун етарли эмас. Улар, аввало, инновация кўрсаткичлари билан тўлдирилиши лозим.

Бунда, агар ҳажмий кўрсаткичлар вақт нуктаи назаридан барқарор ва самарадорликни баҳолаш усули таркибига кирадиган бўлса, инновация кўрсаткичлари доимий ўзгаришда ва ахборот-коммуникация соҳаси ривожининг у ёки бу йўналиши устунлигига боглиқ бўлади. Бу ерда дунё фан-техника тараққиёти жараёнларини аниқ кузатиб ва ахборот-коммуникация соҳасининг ўзгарувчан илмий-техника шароитларига мослашувчанлиги даражасини қайд этиб бориш муҳимдир. Шунингдек, бунда биз алоқа соҳасидаги Минтақавий ҳамдўстлик иттифоқи тавсия этадиган статистика кўрсаткичларига таянишимиз мумкин. Улар томонидан келтирилган параметрларга биноан инновация кўрсаткичларга 9-жадвалда келтирилган кўрсаткичларни киритиш керак бўлади.

Ахборот-коммуникация соҳасини бошқаришнинг инновациявий хусусиятларини тавсифловчи кўрсаткичларнинг киритилиши Бошқарув тизими фан-техника ютукларига қанчалик ҳозир жавоблигини ва уларни қанчалик тез ишлаб чиқаришга татбиқ этаётганлигини аниқлаш имкониятини беради.

Жадвалга мувофиқ Ўзбекистонда энг янги техника ва технологиялар юқори тезликда татбиқ этилаётганини кузатиш мумкин. Бу ўз ўрнида ахборот-коммуникация соҳасини бошқариш тизимини ижобий тавсифлашга имкон беради. Яна бир бор айтиб ўтиш жоизки, бу Бошқарув тизимини баҳолаш кўрсаткичлари блоки энг ўзгарувчан бўлиб, доимо ушбу соҳадаги фан-техника тараққиёти даражаси ва йўналишларига мослашиши лозим.

9-жадвал

2001-2002 йилларда Ўзбекистондаги ахборот-коммуникация соҳаси тараққиётининг инновация кўрсаткичлари*

	2001 й.	2003 й.	фоиз
Сўзлашувларни вақт бўйича ҳисобга олиш жиҳозлари, минг номер	647,7	749,1	115,7
Рақамли узатиш тизимлари орқали ташкил этилган шаҳарлараро алоқа линияларидаги телефон каналларининг узунлиги, минг канал-км	8320,1	12248,4	147,2
Телефон каналларининг умумий узунлигида радиореле орқали ташкил этилган қисми, фоиз	9	28,3	314
Телефон каналларининг умумий узунлигида йўлдош алоқаси орқали ташкил этилган қисми, фоиз	16,9	15,3	90,5
Рақамли узатиш тизимлари орқали ташкил этилган якунловчи телефон каналлари сони	26347	35241	133,8
Рақамли узатиш тизимлари орқали ташкил этилган якунловчи телефон каналларининг умумий телефон каналларидаги миқдори, фоиз	41,8	50,9	121,8
Шаҳарлараро телефон алоқасини автоматлаштириш даражаси, фоиз	82,5	89,9	108,9
Электрон почта хизмати	1392	23804	17 марта
Комфакс, Телефакс хизматлари	3325	4187	126,9
Маълумотларни узатиш ва интернет тармоқини қўлловчи телематика хизмати қурилмаларидан фойдаланувчилар сони	1151	30722	27 марта
Кўчма мобил алоқа абонентлари сони	128012	325190	254,1

*ЎзААА ҳисоботлари асосида тайёрланган.

Ва ниҳоят, ахборот-коммуникация соҳасининг якуний молиявий натижаларини ва молиявий тизимининг барқарорлигини тавсифловчи учинчи кўрсаткичлар блоки. Ушбу кўрсаткичлар блоки самарадорликни аниқлаш мезони даромад кўрсаткичи билан чегараланадиган халқаро статистикада келтирилмайди. Бундай баҳолашнинг етарли эмаслигига шубҳа йўқ, лекин халқаро статистика бундан ортиғини бермайди. Аммо, таъкидлаш лозимки, молиявий барқарорликка берилган баҳо бутун ахборот-коммуникация соҳасининг рақобатбардошлилигини, объект акциялар пакетининг реал қийматини, инвестициялар киритиш жиҳатидан жозибадорлигини тавсифловчи асосий мезонлардан бири ҳисобланади. Одатда ушбу параметрлар ҳар бир мамлакат учун ички баҳолаш кўрсаткичлари бўлиб ҳолмоқда. Лекин, айнан улар ахборот-коммуникация соҳасининг бошқарув аппарати фаолияти самарадорлигини баҳолашда ҳал қилувчи ўринни эгаллаш хусусиятига эга. Масалан, инновация ривожига катта маблағ киритиш ва натижада банкрот бўлиб ҳолиш ҳам мумкин. Бунда биров сиз нечта уяли телефон ва компьютерларни ўрнатганингиз билан қизиқмайди. Бундай ҳол, мисол учун, яқин ўтмишда дунё ахборот-коммуникация соҳаси гигантларидан бўлган «Дойче Телеком»да кузатилди. 2000 йилларнинг бошида айнан молиявий барқарорлик параметрларининг аҳамиятини тўғри баҳолай билмаганлик компаниянинг бутун Бошқарув тизимини бузилишига олиб келди. Яъни молиявий натижа бу Бошқарув тизими фаолиятининг пировард натижасидир.

Корхоналарнинг молиявий барқарорлигини баҳолашга бўлган ёндашувлар турлича. Иқтисодий адабиётларда мазкур масалани очиб берувчи кўпгина манбаларга дуч келамиз. Лекин, мазкур ҳолда, биз ахборот-коммуникация соҳасининг замонавий тизимларидан фойдаландик ва Н.В.Ивонина томонидан бажарилган молиявий таҳлил усулини[1] қўлладик. Айтиб ўтиш жоизки, на ўзимизнинг ва на хорижий адабиётларда биз корхоналар молиявий ҳолати таҳлилининг бундан тўлиқ мажмуини учратмадик. Шунингдек, бу ишнинг таҳлилий муаммоларини автоматик тарзда ечишга имкон берувчи электрон варианти ҳам мавжуддир. У Ўзбекистон Республикасининг бухгалтерия ҳисоби соҳасидаги қонунчилик базасига мослаштирилган. Бошқарув самарадорлигини баҳолаш учун биз бу усулнинг қискартирилган вариантидан фойдаландик, чунки унинг тўлиқ талқини жуда кенг саволларга жавоб бўлади ва Фақат Бошқарув самарадорлигини баҳолаш учунгина эмас, балки хўжалик фаолиятининг кўпгина масалаларини ечишда қўлланилиши лозим. ЎзААА маълумотлари асосида биз томондан компьютер дастурида бажарилган ҳисобнинг умумий натижалари 5-жадвалда келтирилган.

Бу маълумотлардан кўриниб турибдики, ахборот-коммуникация соҳаси (ЎзААА тимсолида) мол-мулкининг қиймати 1.01.03 йилда 266,6 млрд. сўмни

[1]Н.В. Ивонина и др. Методические рекомендации по проведению маркетинговых исследовании и разработки программ развития, повышения технического уровня и перепрофилирования производства на выпуск конкурентоспособной продукции (работ, услуг) на предприятии. Финансовое законодательство Республики Узбекистан . Приложение 6. Ташкент, 1996 г. стр. 99-112.

ташкил қилди ёки 4 йил мобайнида 4,8 баравар ортди ёки асосий фондларни қайта баҳолаш ҳисобига 211,6 млрд. сўмни ташкил қилди. 2002 йил баланс ҳисоби маълумотларидан кўринадики, 1999 йил билан қиёслаганда ЎзААА мулкидаги асосий фондлари 70 фоизни ташкил қиладиган узоқмуддатли активларнинг улуши 75 дан 29 фоизгача тушиб кетган. Айланма активлар улуши бир йилда барча мол-мулкнинг 25 дан 71 фоизигача ўсди. Ўз маблағлари ҳисобига мулк Фақат 27 фоизга, қарз маблағлари ҳисобига эса 73 фоизга шакллантирилган. Бунда ўз маблағлари улуши 1999 йилга (67 фоиз) нисбатан қарийб 63 фоизга тушиб кетган.

10-жадвал

ЎзААА корхоналари фаолиятини тавсифловчи асосий молиявий кўрсаткичлар*

	1999	2000	2001	2002	2003
Айланма маблағларнинг етишмовчилиги ёки ортиқчалиги (Ғ,-), (млн. сўм)	3885	12463	62878	60261	73917
Абсолют ликвидлилик коэффициенти (минимал меъёр - 0.2-0.25)	0,56	0,44	0,56	0,82	0,55
Соф фойда, (млн. сўм)	1589	2981	2598	3783	3716
Ўзлик ва қарз маблағлари нисбати (2 дан юқори бўлиши керак)	1,18	1,59	7,66	16,34	13,8
Ўз айланма маблағлари билан таъминланганлик даражаси (0.1 дан юқори бўлиши керак)	0,55	0,62	0,88	0,94	0,67
Сотув рентабеллиги (умум. фойда: сотувдан тушум), фоиз	24,5	23,7	18,1	10,5	8,6
Активлар рентабеллиги кўрсаткичи (0 дан кам бўлмаслиги лозим), фоиз	11	14	5	4	4
Ўзлик капитал кайтими, фоиз	23,6	8,7	27,0	18,9	25
Асосий воситаларнинг яроқлилик кўрсаткичи	0,82	0,79	0,61	0,55	0,46
Фондлар қайтими (сотувдан тушум: асосий фондлар)	0,97	1,67	1,20	1,61	1,45

*ЎзААА ҳисоботлари асосида тайёрланган.

Айланма маблағларни шакллантирувчи манбалар кўп жиҳатдан улардан фойдаланиш самарадорлигини белгилайди. Корхоналарнинг ўз маблағлари

айланма маблағларни шакллантирувчи асосий манбалар бўлиши керак. Лекин, таҳлил қилинган даврда ушбу манба улуши 1999 йилга нисбатан 15 фоизлик бандга тушиб кетди ва атиги 38 фоизни ташкил қилди. Бошқа айланма маблағларнинг (62 фоиз атрофида) манбалари эса, мувофиқ равишда улуши кўпайган қарз маблағлари ҳисобланади. Соҳага мансуб корхоналар учун айланма маблағлар меъёри Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 25 февралдаги 108-сонли қарори билан 60 кун ҳисобида белгиланган. Айланма маблағлар ҳолатини ҳисоб-китоб қилишнинг амалдаги услубиётидан келиб чиққан ҳолда, қилинган таҳлил натижаларига кўра, ЎзААА бўйича уларнинг миқдори номинал даражада эканлиги кузатилди. Бунда меъёрланадиган айланма маблағлар барча айланма маблағларнинг 2003 йилда фақат салкам 4 фоизини ташкил қилади (1999 йилда деярли 11 фоиз). Яъни айланма маблағлар меъёрийлиги атиги 32 фоизга тўлдирилган, 1999 йилда эса бу кўрсаткич 48 фоиз бўлган.

Бошқарув самарадорлигини кўрсатувчи энг муҳим кўрсаткич сифатида айланма маблағлардан фойдаланишнинг интенсивлик даражаси кўрсаткичларидан қуйидаги кўринишда фойдаланилади:

– меъёрланадиган айланма маблағларнинг айланувчанлиги — бу маблағларнинг бир марта тўлиқ айланиб чиқиш муддати. Таҳлил қилинаётган даврда айланиб чиқиш муддати 1999 йилдаги 21 кундан 2003 йилда 19,2 кунгача қисқарди. Бу дегани, айланувчанлик қисқариши натижасида актив айланмадан 0,5 млрд. сўм миқдордаги айланма маблағлар чиқарилиб юборилган;

– айланма маблағларнинг ишга солинганлик коэффициенти — бу айланувчанлик коэффициентига тескари кўрсаткич. У сотилган маҳсулотнинг 1 сўмлик ишлаб чиқариш таннархига бўлган айланма маблаглар қийматини ифодалайди. Ўтган даврда 1 сўмлик ишлаб чиқариш сарфларига барча айланма маблағларнинг (дебиторлик қарзларини ҳам ҳисобга олган ҳолда) 4 сўми тўғри келади, 1999 йилда эса бу кўрсаткич 1,2 сўмни ташкил этган.

Бошқарув самарадорлигини баҳолашда ахборот-коммуникация соҳасининг молиявий барқарорлиги, тўлов қобилияти, ишбилармонлик ва бозордаги фаоллиги кўрсаткичлари муҳим ўринни эгаллайди. Бозор муносабатлари шароитида соҳадаги корхоналарнинг ташқи қарз берадиган манбалардан молиявий жиҳатдан мустақиллиги муҳим аҳамият касб этади. Ўз маблағлари манбаларининг захираси — ўз маблағлари қарз маблағларидан устун бўлгани тақдирда корхонанинг молиявий барқарорлиги захирасидир. Молиявий барқарорлик корхона активларидаги ўзининг ва қарз маблағларининг ўзаро нисбати, хўжалик фаолияти натижасида маблағларининг тўпланиш суръатлари, моддий айланма маблағлар тегишли манбалар билан етарлича таъминланганлиги асосида баҳоланади. Таҳлил мақсадлари учун бир қатор коэффициентлардан фойдаланилди. Улар орасида ўзининг ва қарз маблағларининг солиштирма

коэффициенти жалб қилинган қарз маблағининг бирлигига қанча ўз маблағи тўғри келишини кўрсатади. Ушбу кўрсаткич корхонанинг тўлов қобилиятини аниқлаш мезонларидан бири ҳисобланади. Ушбу коэффициент даражаси 2дан паст бўлиши корхона учун хавфли ҳисобланади. Таҳлил қилинаётган 2003 йилда ЎзААА бўлинмалари бўйича бу кўрсаткич 13,8ни ташкил қилди, 1999 йилда эса унинг миқдори 1,2 эди.

Корхонанинг тўлов қобилияти айланма активларнинг ликвидлилигини, яъни уларни нақд пулга айлантиришга сарфланадиган вақтни ифодалайди. Корхонанинг тўлов қобилиятини кўрсатувчи энг умумлашган кўрсаткич бу тўлов қобилияти коэффициентидир (умумий қоплаш коэффициенти). Яна ушбу кўрсаткич корхонанинг бойлик даражасини белгиловчи мезонлардан бири ҳисобланади. Бу кўрсаткич даражаси 1 дан паст бўлиши хавфли ҳисобланади. Таҳлил қилинаётган даврда бу кўрсаткич ЎзААА бўйича 17,3 ни ташкил қилди, 1999 йил эса, 2,2 ни ташкил қилган.

Корхонанинг тўловга қодирлигини кўрсатувчи асосий мезонлардан бири — 1 сўмлик айланма активга йўналтирилган ўз маблағи ҳисобини кўрсатувчи корхонанинг айланма маблағлари билан таъминланганлик коэффициентидир. Бу ерда 0,1 сўмдан паст қиймат хавфли ҳисобланади. ЎзААА бўлинмалари бўйича айланма маблағнинг 1 сўмига ўртача 0,67 сўм ўз маблағлари манбаи тўғри келади. Агар юқорида кўрсатиб ўтилган уч коэффициент бўйича йиғинди (сумма) 3,1 дан паст бўлса, бундай корхона "иқтисодий хавф ёқасида" деб аталувчи гуруҳга киради, яъни банкротлик ёқасида турган бўлади. 2003 йил якунлари бўйича ЎзААА бўлинмаларининг ушбу коэффициент йиғиндиси корхона тўловга қодир эканлигини кўрсатувчи даражададир.

Ахборот-коммуникация соҳасини бошқариш самарадорлигини баҳолаш учун корхона фаолиятининг молиявий натижалари ва корхоналар даромади ҳосил бўлишининг омилли таҳлили ҳал қилувчи аҳамиятга эга.

Корхоналар хўжалик фаолиятининг турли томонларига молиявий натижалар кўрсаткичлари тизимида тугал пул баҳоси берилади. Фаолиятнинг сўнгги молиявий натижаси — бу фойда солиқи тўланишидан олдинги умумий молиявий натижадир (фойда ёки зарар). ЎзААА бўлинмалари олган даромад 2003 йилда 9.4 млрд. сўмни ташкил этди, 1999 йилда эса, бу кўрсаткич 5,9 млрд. сўмни ташкил қилган ёки 3,5 млрд. сўмга ошган, яъни хизматларни реализация қилишдан тушган фойданинг ўсиши ҳисобига 1,5 мартага ошган.

Реализация қилинган хизматларга сарфланган ишлаб чиқариш харажатларининг таҳлили шуни кўрсатадики, ўтган даврга нисбатан харажатларнинг мутлақ қимматлашуви 37,1 млрд. сўмни ташкил қилди. ЎзААА корхоналари харажатларининг 69 фоизи ишлаб чиқариш харажатларидан иборат ва 40 фоизи давр ҳаражатлари ҳамда бошқа молиявий фаолият харажатларидир

(1999 йил – 56 фоиз). Шу сабабли охиргисининг қимматлашуви умумий молиявий натижалар шаклланишига ҳал қилувчи таъсир кўрсатади. Ноишлаб чиқариш харажатлари улуши 1999 йилдаги даражада сақланиб қолганда фойда 3 млрд. сўмга ошиши мумкин эди. Таҳлил шуни кўрсатадики, солиқ солинадиган база шаклланишининг мавжуд тизими ҳисобига фойдадан тўланадиган тўловлар олинган фойданинг 58 фоиздан зиёдини ташкил этади.

6.4. Ахборот-коммуникация соҳасини давлат томонидан тартибга солишнинг самарадорлиги

Ахборот-коммуникация соҳасини давлат томонидан тартибга солишнинг самарадорлигини баҳолашнинг илмий усуллари аниқлик киритилишини талаб қилади. Мазкур ҳолда, биз давлат томонидан тартибга солиш чегаралари ҳақида батафсил тўхталиб ўтмоқчи эмасмиз, бу масала алоҳида тадқиқотни талаб қилади. Фақат айтиб ўтиш жоизки, ушбу муаммо барча ривожланган мамлакатларда тортишувларга сабаб бўлмоқда ва нуқтаи назарларнинг кўплиги боис ижобий натижага эришилмаяпти. Масалан, Россияда деярли 20 йилдан буён ушбу масала бўйича либерал ва социалистик йўналишдаги ҳаракатларнинг вакиллари ўртасида тортишувлар давом этиб келмоқда. Биринчи томон бозорга хос ўзини-ўзи бошқариш, хусусий бизнес ишларига давлат аралашувини *камайтириш тарафдори* бўлса, иккинчи томон амалда тўғридан-тўғри режалаштиришнинг совет моделига қайтишни таклиф қилмоқда.

Албатта, турли мамлакатларда вақт ўтиши билан давлат томонидан тартибга солиш чегаралари ҳокимият тепасига у ёки бу сиёсий партиянинг келиши билан ўзгариши мумкин. Лекин, чамаси, Л.Д.Рейман тўғри таъкидлаганидек, сиёсий майдондаги етакчилик қилаётган партияларнинг ўзгариши жамият иқтисодий ривожининг ҳар бир муайян босқичида давлат Бошқаруви усулларини ўзгартиришга бўлган эҳтиёжини акс эттиради[1]. Бунда шуни таъкидлаш керакки, чет эл мамлакатларида кузатилаётган давлат томонидан тартибга солишдаги бундай ўзгаришларнинг асосий тенденцияси рақобатни кенгайтириш мақсадида телекоммуникация бозорига давлат аралашувини камайтириш ва бу соҳа мулкининг айрим йирик монополистлар қўлида тўпланиб қолиши устидан назоратни кучайтиришдан иборатдир.

Юқорида айтилганларнинг барчасини ҳисобга олган ҳолда, ахборот-коммуникация соҳасининг давлат томонидан тартибга солинишининг мақсадини таърифлаш билан чекланамиз. Зеро, ушбу мақсаднинг амалга оширилиши

[1]Рейман Л.Д. Совершенствование государственного регулирования отрасли телекоммуникаций. Санкт-Петербург, 2000 й., 60- бет.

даражаси орқали, умумий тарзда, кўриб чиқилаётган жараён умумлаштирилган унинг мезонининг амалга оширилиши даражасини кузатиш мумкин.

Умумий шаклда ахборот-коммуникация соҳасини давлат томонидан тартибга солишнинг мақсади жамият эҳтиёжлари ҳамда юзага келган давлат ахборотлаштириш сиёсати билан белгиланадиган асосий йўналишлар, усуллар ва вазифаларни акс эттиради. Бу сиёсат иқтисодий адабиётларда турлича талқин қилинади ва бизнингча, уларнинг ичида энг муносиб талқин қуйидагича: "Давлат ахборот сиёсати — бу нафақат телекоммуникациялар, ахборот тизимлари ёки оммавий ахборот воситаларини, балки ахборотни унинг барча – бизнес, кўнгилочар, илмий-таълим, янгиликлар ва ҳ.к. кўринишида юзага келтириш, сақлаш, ишлаш, намойиш этиш, узатиш билан боғлиқ муносабатлар ва ишлаб чиқаришлар мажмуасини ўз ичига оладиган, жамиятнинг ахборот соҳасини ривожлантиришга қаратилган, давлат органларининг тартибга солиш фаолиятидир"[1]. Яъни ахборот-коммуникация соҳасини давлат томонидан тартибга солишнинг мақсади, аслини олганда, ҳар қандай ҳукумат ахборот сиёсатининг жамланган ифодасидир.

Айнан мана шу нуқтаи назардан "Электрон Россия (2002–2010 йиллар)" Федерал дастурининг мақсади қуйидагича таърифланган: - "Ахборот ва коммуникация технологияларини татбиқ қилиш ва оммавий тарқатиш, ахборотни эркин қидириш, олиш, ўтказиш, чиқариш, тарқатиш ҳуқуқини таъминлаш, ахборот ва коммуникация технологиялари бўйича мутахассисларни ҳамда малакали фойдаланувчиларни тайёрлашни кенгайтириш ҳисобига иқтисодиётнинг, давлат Бошқарувининг ва маҳаллий ўзини-ўзи бошқаришнинг фаолияти самарадорлигини оширишдан иборатдир."[2] Бу дастур, аслида, Россия ҳукуматининг ахборот-коммуникацияларни ривожлантириш бўйича асосий ҳужжати бўлиб, унинг буюртмачиси Иқтисодий ривожланиш ва савдо вазирликлари, Таълим, Саноат, Фан ва технологиялар вазирликлари, Россия авиация-космос, Россия Федерацияси Президенти ҳузуридаги Федерал ҳукумат алоқаси ҳамда Россия бошқарув тизимлари бўйича агентликлари ва бошка федерал идоралардир.

Россия ва бошка илғор мамлакатлар тажрибасидан фойдаланиб, шунингдек, Ўзбекистонда юзага келган давлат бошқаруви ҳолатини, бу борада амалдаги республика қонунлари, ҳукумат қарорларини ҳисобга олган ҳолда, ахборот-коммуникация соҳасини давлат томонидан тартибга солишнинг асосий йўналишларини таърифлашга уриниб кўрамиз:

– ахборот ва коммуникация технологиялари татбиқ қилинишини кучайтириш ва улардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш ҳисобига давлат Бошқаруви самарадорлигини ошириш ва иқтисодиётни ривожлантириш;

---

[1] Рейман Л.Д. ўша жойда, 61-бет.

[2] Федеральная программа «Электронная Россия (2002-2010 годы)». РФ ҳукуматининг 28.01.2002 й. Қарори билан тасдикланган.

– ахборот ва коммуникация технологиялари соҳасида ички ҳамда ташқи бозорларда рақобатбардош бўлган маҳсулот ва хизматларни ишлаб чиқаришни жадал ривожлантириш учун шарт-шароит яратиш, операторлар орасида рақобат муҳитини юзага келтириш ва соҳадаги монополияга қарши қарорлар қабул қилиш;

– аҳоли, барча хўжалик юритувчи субъектлар ахборот олиши учун тенг ҳуқуқ ва техник имкониятларни яратиб бериш, алоқа хизматлари тарифларини пасайтириш ҳисобига уларни ахборот ва коммуникация технологияларидан фойдаланишга фаол жалб этиш ва оммабоп ахборот тизимларига улаш;

– давлат ҳокимияти ва маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш органларининг ахборот беришда очиқлигини, уларнинг фуқаролар ва ташкилотлар билан ўзаро алоқалари самарадорлигини, кўрсатилаётган хизматлар сифатини ошириш;

– маҳаллий, шаҳарлараро, халқаро телефон-телеграф ва почта алоқаси хизматларини, матбуотни тарқатиш, маълумотлар узатиш, Интернетни ҳисобга олган ҳолда, радиоалоқа, радиоэшиттириш ва телевидение тармоқларини бунёд қилиш, ишлатиш ва хизматлар кўрсатиш соҳасида стратегик устуворликларни амалга ошириш;

– ахборот тизимлари, телекоммуникациялар ва маълумотлар узатиш тармоқларини ривожлантириш ва такомиллаштиришга чет эл инвестицияларини жалб қилиш учун шарт-шароит яратиш;

– замонавий халқаро стандартларни татбиқ қилиш, миллий стандартларни, ахборот ва телекоммуникация технологияларига бўлган техник шартлар ва талабларни ишлаб чиқиш, тасдиқлаш, фаолиятнинг тегишли турларини лицензиялаш;

– глобал компьютер тармоқларида компьютер қароқчилигига ҳамда жиноятларига қарши курашни ҳисобга олган ҳолда ахборотга оид, маданий ва иқтисодий хавфсизликни, интеллектуал мулкни муҳофаза қилишни таъминлаш;

– ахборот ва коммуникация технологияларини татбиқ қилиш орқали мустақил оммавий ахборот воситаларини ривожлантириш;

– ахборот ресурслари бозорини ривожлантирилишини ташкил қилиш, давлат Бошқаруви, бизнес, соғлиқни сақлаш, фан ва таълим ҳамда жамият ҳаётининг бошқа жабҳаларида электрон шаклдаги ахборот алмашинувига ўтиш дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш.

Баён қилинган йўналишлар, аслини олганда, Ўзбекистон ахборот-коммуникация соҳасини давлат томонидан тартибга солиш мақсадини акс эттиради ва бу давлатнинг ахборот сиёсати кўринишида тегишли қонунларда, Президент Фармонлари ва республика ҳукумати қарорларида ўз аксини топган. Мазкур сиёсат ушбу соҳа ривожининг умумжаҳон йўналишларини акс эттиради.

Шунингдек, бу сиёсатни ишлаб чиқишда унинг мазмунига Ўзбекистондаги ўтиш даври, унинг иқтисодий ва ахборот хавфсизлигини шакллантириш, соҳадаги қолоқликни бартараф қилиш зарурати билан боғлиқ ўзига хос вазифалар ва муаммолар сингдирилган[1].

Республика Президентининг "Компьютерлаштиришни янада ривожлантириш ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш тўғрисида"ги 2002 йил 30 майдаги 3080-сонли Фармони ҳамда Республика ҳукуматининг ушбу фармонга мувофиқ қабул қилган бир қатор қарорлари (Айниқса, "Алоқа ва ахборотлаштириш соҳасида Бошқарувнинг ташкил қилинишини такомиллаштириш тўғрисида"ги 2002 йил 23 сентябрдаги 328-сонли қарори), меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар Ўзбекистоннинг ахборот-коммуникация соҳасини ривожлантириш ва давлат ахборот сиёсатини амалга оширишда энг муҳим босқичлардан бири сифатида хизмат қилади.

Ахборот-коммуникация соҳасини давлат томонидан тартибга солишнинг, демак, давлат ахборот сиёсатининг ҳам айтиб ўтилган ҳужжатларда ифода этилган вазифалари қуйидагилардан иборат: ахборот-коммуникация технологиялари ролини мамлакат иқтисодиётини ривожлантиришнинг стратегик устуворлиги ва аҳоли фаровонлигини оширишнинг муҳим омили сифатида белгилаб қўйиш; ахборот айирбошлаш даражасини ошириш; ахборотлаштириш миллий тизимини шакллантириш; замонавий ахборот технологияларини иқтисодиётнинг ва жамият ҳаётининг барча соҳаларида жорий этиш ҳамда қўлланиш жараёнларини тартибга солиш; фуқароларнинг ахборотга ўсиб бораётган эҳтиёжларини тўлароқ қондириш учун шароит яратиш; дунё ахборот ресурсларидан фойдаланишни кенгайтириш; алоқа ва ахборотлаштириш соҳасидаги фаолиятни ташкил этиш ҳамда такомиллаштириш.

Юқорида кўрсатиб ўтилган ҳужжатларда ахборот-коммуникация соҳасини давлат томонидан тартибга солиш мақсадини амалга оширишнинг энг муҳим вазифалари сифатида қуйидагилар белгиланган:

– компьютер ва ахборот технологияларини реал иқтисодиёт тармоқларига, Бошқарув, бизнес, фан ва таълим соҳасига кенг жорий этиш;

– аҳоли турли табақалари замонавий компьютер ва ахборот тизимларидан кенг фойдаланиши учун шарт-шароит яратиб бериш;

– ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида юксак малакали кадрлар тайёрлашни ташкил этиш;

– бутун мамлакат ҳудудида ахборот-коммуникация технологиялари техник инфратузилмасини ривожлантириш;

---

[1]Мазкур монография иши муаллифларидан бири ўз хизмат вазифаси юзасидан кўрсатиб ўтилган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш, синовдан ўтказиш ва амалга оширишда бевосита иштирок этган.

– мамлакатимизда дастурий маҳсулотлар ва ахборот-коммуникация техника воситалари ҳамда ахборот технологияларини ишлаб чиқишни ривожлантиришни рағбатлантириш.

Ўзбекистоннинг ахборот-коммуникация соҳасини давлат томонидан тартибга солишнинг умумий самарадорлигини унинг икки ташкил қилувчисини таҳлил этиш орқали баҳолашга уриниб кўрамиз, булар: давлат томонидан тартибга солишнинг институционал асосини шакллантириш; ахборот-коммуникация соҳасини ривожлантиришнинг меъёрий-ҳуқуқий негизини яратиш ва такомиллаштириш.

Республикада АТК соҳасининг институционал асосини шакллантириш мақсадида сўнгги тўрт йил давомида қуйидаги ишлар амалга оширилди:

1.Мақсадли компьютерлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларининг ривожланишини мувофиқлаштириш, унга кўмак бериш, соҳанинг давлат томонидан тартибга солинишини ташкил этишдан иборат бўлган Компьютерлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш бўйича мувофиқлаштирувчи Кенгаш тузилди.

2. Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлиги Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигига айлантирилди ҳамда Компьютерлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш бўйича мувофиқлаштирувчи Кенгашнинг ишчи органи этиб белгиланди.

3. Компьютер ва ахборот технологияларини ривожлантириш ҳамда жорий этиш маркази («УзИнфоКом» маркази. Аъзолари ЎзАСИ, Олий ва ўрта махсус таълими вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси, Фан ва технологиялар маркази, Халқаро Вестминстер университети, ахборот-коммуникация соҳасидаги миллий компаниялар, шунингдек, БМТ Тараққиёт Дастури, USAID, JICA, NEC компанияси, Siemens, Huaewi, Alcatel каби халқаро ташкилотлар бўлган очиқ ҳомийлик Кенгаши билан) ташкил қилинган. Марказнинг мақсади компьютерлаштириш ва ахборот-коммуникация технологиялари масалаларида Бошқарув органларига, бюджет ташкилотларига ва хусусий бизнесга кенг кўламдаги ахборот, сервис ва консалтинг хизматларини кўрсатишдан иборатдир.

Давлат томонидан тартибга солиш самарадорлигини ахборот-коммуникация соҳасини ривожлантириш меъёрий-ҳуқуқий базасини такомиллаштириш натижалари билан ҳам баҳолаш мумкин. Мамлакатнинг ахборотлаштирилишини ривожлантириш жараёнидаги муносабатларни тартибга солишнинг ҳуқуқий асосларини шартли равишда уч гуруҳга бўлиш мумкин бўлган 14 тадан зиёд Республика қонунлари билан таъминланмоқда, булар:

– алоқа ва ахборотлаштириш соҳасидаги фаолиятни тартибга солувчи;

– интеллектуал мулк ҳуқуқий муҳофаза қилинишини таъминловчи;

– ахборот истеъмолчиларининг ҳуқуқларини кафолатловчи қонунлар.

Бу йўналишда Ўзбекистон Республикасининг охирги гуруҳдаги қонунлари ("Электрон рақамли имзо тўғрисида"ги, "Электрон ҳужжат айланиши тўғрисида"ги, "Электрон тижорат тўғрисида"ги ва Ўзбекистон Республикасининг "Ахборотлаштириш тўғрисида"ги Қонунининг янги таҳрири) Республика Олий Мажлисининг 2003 йил декабр ойидаги сессиясида қабул қилинган. Ушбу қонунларнинг лойиҳалари ҳам компьютерлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш бўйича мувофиқлаштирувчи Кенгаш томонидан тасдиқланган ишчи гуруҳ билан ҳамкорликда ЎзААА томонидан ишлаб чиқилган. Уларнинг амалга оширилиши ахборот-коммуникация хизматларининг янги турларини янада ривожлантиришга ва соҳани давлат томонидан тартибга солишнинг ҳуқуқий асосларини эркинлаштиришга ҳамда кенгайтиришга кўмаклашади.

Ахборот-коммуникация технологияларини янада ривожлантириш мақсадида ҳукумат томонидан Миллий телекоммуникация ва маълумотлар узатиш тармоқини ривожлантириш, электрон технологияларни давлат бошқарувига жорий этиш, 2010 йилгача бўлган даврда электрон тижоратни ривожлантириш дастури ишлаб чиқилди ва уни қабул қилиш бўйича ишлар олиб борилмоқда. Алоқа ва ахборотлаштириш соҳасидаги фаолиятни ташкил этиш ва такомиллаштириш бўйича, шунингдек, ахборот хавфсизлигини таъминлаш масалалари бўйича бир қатор ҳукумат қарорлари қабул қилинди. Тизимли таҳлилий ишларни амалга ошириш мақсадида мавжуд ҳисобот шаклларига ўзгартишлар киритиш ва 2003 йилдан амалга киритилган Интернет операторлари ва провайдерлари учун қўшимча статистика ҳисоботи шаклини жорий этиш йўли билан ахборот-коммуникация соҳасидаги статистик ҳисоботдорликни такомиллаштириш чора-тадбирлари кўрилди.

Шу тариқа, Ўзбекистонда ахборот-коммуникация соҳасини давлат томонидан тартибга солишнинг институционал асосларини ва меъёрий-ҳуқуқий негизини яратиш ва такомиллаштиришга қаратилган чора-тадбирлар бозор ислоҳотларининг ҳозирги талабларига жавоб беради, дейиш мумкин ва бу йўналишда муайян самарадорликка эришилди деб ҳисобласа бўлади.

Шу билан бирга, таъкидлаш лозимки, мазкур соҳа олдига қўйилган мақсадларга эришиш учун давлат томонидан тартибга солишнинг бир қатор масалалари ҳал қилинишини таъминлаш даркор, улар ушбу ишда қуйидаги 4 гуруҳга ажратилиб ўрганилди:

1. Бутун Ўзбекистон ҳудудида соҳанинг бир маромда ривожланишини таъминлайдиган инвестиция сиёсатини ишлаб чиқиш, шу жумладан, миллий ва хорижий инвестицияларни рағбатлантириш; давлат инвестицияларини

амалга ошириш; миллий ишлаб чиқаришни қўллаб-қувватлаш сиёсатини ишлаб чиқиш, чунончи чет эллик инвесторлар иштирокида.

2. Соҳада янги технологиялар ва хизматларнинг тезкор татбиқ қилинишини таъминловчи ягона инновация ва техника сиёсатини ишлаб чиқиш. Техника сиёсатини ишлаб чиқишда қуйидагилар ҳисобга олиниши ўта муҳим: пакетли коммутация негизида тўла сервисли тармоқларга ўтилиши; кенг полосали уланиш хизматлари жорий этилиши; фойдаланувчиларга тезкор, самарали ва тежамкор хизматлар кўрсатиш учун оммавий хизмат кўрсатиш интеллектуал тармоқларининг шакллантирилиши; уяли алоқа тизимларини, шу жумладан, учинчи авлод тизимлари жорий этилишининг жадаллаштирилиши; рақамли телевидение ва радиоэшиттириш оммавий татбиқ этилиши; электрон тижорат тизимини ривожлантириш (шу жумладан, мультимедиа хизматларига ўтилиши).

3. Ахборот-коммуникация хизматлари бозорини эркинлаштириш бўйича ягона сиёсатни шакллантириш.

4. Соҳада самарали реструктуризация стратегиясини белгилаш.

Ушбу вазифаларнинг муваффақиятли ҳал қилиниши ўз ўрнида соҳанинг давлат томонидан тартибга солиниши янада такомиллашувини таъминлайди. Бу ўринда, гап асосан, ахборот-коммуникация соҳаси Бошқарувини эркинлаштириш жараёнини поёнига етказган ривожланган мамлакатлар тажрибаси кўрсатганидек, соҳани ва ахборот-коммуникация хизматлари бозорини давлат томонидан тартибга солиниши динамик хусусиятга эгалиги ва эркинлаштириш даврида давлат бошқаруви аҳамияти кучайиши ҳақида бормоқда. Чунки давлат ахборот сиёсатини амалга ошириш учун айниқса, ахборот-коммуникация соҳасини эркинлаштириш борасида ушбу соҳани бошқарувчи мавжуд давлат органларини аста-секинлик билан уларнинг асосий функцияларини янги давлат органи — ЎзААА га ўтказишларини таъминлаш лозим. Гап шундаки, асосий йўналишларни белгилаш, масалан, нарх сиёсатининг Молия вазирлиги томонидан, инвестиция сиёсатининг — Иқтисодиёт вазирлиги томонидан белгиланиши соҳанинг ривожланиши йўлида тўсиқ бўлиб қолди.

Буларнинг барчаси ислоҳотларнинг ҳозирги босқичида ЎзААА ролини кучайтиришни, у томондан бошқарув функцияларини амалга ошириш механизмларини такомиллаштиришни талаб қилади. Дунё тажрибаси кўрсатганидек, айнан шундай тартибга солувчилар самарали бошқарув механизмлари ишлаб чиқилишини таъминлайди ва уларни барча операторлар манфаатларига мос равишда одил, тенг ва очиқ ишлатилишини кафолатлай олади.

Соҳа ривожини давлат томонидан тартибга солишнинг асосий йўналишлари

Ўзбекистон Республикаси Президентининг юқорида айтиб ўтилган Фармони, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари қабул қилинганидан сўнг ўтган

давр мобайнида ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида уни ривожлантиришга қаратилган бир қатор чора-тадбирлар амалга оширилди ва уларнинг натижалари бўйича давлат томонидан тартибга солишнинг амалий йўналишлари самарадорлиги, унинг камчиликлари ва муаммолари ҳақида фикр юритиш мумкин. Бунда босиб ўтилган йўлнинг тажрибаси ушбу жараённинг кейинги устувор йўналишларини белгилаб берди. Бу йўналишларни қуйидагича таърифлаш мумкин:

1. Алоқа инфратузилмасини шакллантириш. Ҳозирги пайтда Ўзбекистон Республикасининг телекоммуникация тармоқлари халқаро, шаҳарлараро, ҳудудий телефон тармоқларини, маълумотларни узатиш, телерадиодастурларни тарқатиш, умумий фойдаланишдаги уяли ва транк радиоалоқа тармоқларини, персонал радиочақирув тармоқларини ўз ичига олади. Республика мустақиллиги йилларида бу тармоқларни замонавийлаштириш лойиҳасининг биринчи босқичини амалга ошириш давомида оптик толали алоқа линиялари, радиорелели рақамли алоқа линиялари ва рақамли узатиш тизимлари (SDH) базасида рақамли магистрал тармоқ вужудга келтирилди. Бунинг натижасида рақамли каналлар Қорақалпоқистон Республикаси ҳамда 12 та вилоятга ва мавжуд 164 туман марказларининг 47 тасига етказилди. Оптик толали алоқа линияларидан фойдаланган ҳолда, шаҳарлараро алоқанинг шохланган транспорт тармоги ташкил қилинди, уларнинг умумий улуши барча алоқа линияларининг 55,3 фоизини, радиорелели линиялар улуши 11,4 фоизни, мис кабелни қўлланган ҳолда ташкил қилинган алоқа линиялари – 32,7 фоизни ташкил қилади. Энг кам улушни эса, (0,62 фоизни) ҳаво алоқа линиялари ташкил этади. Рақамли халқаро телефон каналлари улуши – 84,7 фоизни ташкил этади. Шаҳарлараро ва халқаро телефон алоқасининг стационар коммутация ускуналари улуши 81 минг портдан зиёд бўлиб, улардан 90 фоизи рақамли коммутация тизимларининг портларидир.

Одатдаги телекоммуникация хизматлари қаторида уяли радиоалоқа республикада кенг тарқалди. 2003 йил якунига кўра телекоммуникациялар бозорида 7 уяли алоқа операторлари хизмат кўрсатмоқда, уларнинг абонентлари сони 300 мингдан ошади (2002 йилнинг бошига нисбатан ўсиш 227 фоиз), уяли алоқа тармоғи Тошкент шаҳри, вилоятлар ва маъмурий марказларни ҳамда асосий саноат марказлари ва йирик автомагистралларни ҳисобга олган ҳолда, республиканинг 700 дан зиёд аҳоли пунктини ўз ичига бирлаштиради. Уяли алоқани амалга ошириш учун AMPS (DAMPS), GSM, IS-95 (CDMA) стандартлари ва CDMA-450 технологияларидан фойдаланилмоқда. Халқаро роуминг дунёнинг 40 дан зиёд мамлакати операторлари билан амалга оширилмоқда.

Ахборот ва телекоммуникация технологияларини жорий этиш, ривожлантириш лойиҳалари доирасида Мицуи, НЕК, Алкатель Сель АГ, Сименс АГ,

Хуавей Текноложиз ва бошқа шу сингари телекоммуникация, ахборот-коммуникация тизимлари ҳамда технологияларини ишлаб чиқарувчи ва етказиб берувчи етакчи чет эл фирмалари билан ҳамкорлик қилинмоқда.

Юқорида келтирилган ютуқларга қарамай соҳа замонавий техник инфратузилмаси мамлакатнинг ўсиб бораётган талабларига етарли жавоб бермайди, бу тузилма билан республиканинг барча ҳудудлари тўла қамраб олинган эмас, мактаблар, лицей ва коллежлар, соғлиқни сақлаш объектларининг катта қисми, кўплаб хўжалик субъектлари Интернетга уланмаган. Жамиятни компьютерлаштириш даражаси паст, бу эса, ахборот тизимларига кириб боришни кенгайтиришга тўсиқ бўлмоқда. Шу сабаб яқин келгусида телекоммуникациялар соҳасида оптик-толали ва радиорелели алоқа линияларини қуриш, радиобоғланиш воситаларидан ҳамда бошқа замонавий технологиялардан кенг фойдаланишни бундан буён ҳам давом эттириш назарда тутилмоғи лозим.

Шу йўналишда республиканинг «2002-2010 йилларда компьютерлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш дастури»га мувофиқ халқаро ҳамда шаҳарлараро телекоммуникациялар тармоқлари соҳасида 1019 км узунликдаги магистрал оптик-толали алоқа линиялари (ОТАЛ) ва 375 км узунликдаги рақамли радиореле линияларини қуриш, Тошкент шаҳридаги АТСларни қувватини кенгайтириш, Фарғона ва Қарши шаҳарларидаги АТСларни қуввати 5,7 минг коммутация тармоқлисига алмаштириш, Фарғона водийси вилоятлари алоқа линияларини, Тошкент ва Самарқанд вилоятлари телекоммуникация тармоқларини ягона халқага бирлаштириш, халқаро ва шаҳарлараро телекоммуникация тармоқларини бошқаришнинг автоматлаштирилган тизимларини қуришни тугаллаш назарда тутилади. 2005 йил охиригача ОТАЛ асосан, туман марказларигача етказилади, бу хизматлар, шу жумладан, Интернет хизматлари сифатини ошириш учун шароит яратади.

Маҳаллий телекоммуникация тармоқларини ривожлантириш ва реконструкция қилиш соҳасида эса умумий қуввати 128,3 минг номердан иборат рақамли АТСларни ишга тушириш ҳамда республиканинг барча шаҳарлари ва туман марказларини рақамли телекоммуникация тармоқлари билан тўлиқ қамраб олиш, қишлоқ аҳоли пунктларини қамраб олиш даражасини эса 50,8 фоизгача, йиғилган қувватлардан фойдаланиш даражасини 92,2 фоизгача етказиш, кўчма концентраторлар қуриш, шунингдек, замонавийлаштирилаётган АТСларнинг қувватларини кенгайтириш асосида Тошкент шаҳар телефон тармоқларини рақамли ускуналар негизида янада ривожлантириш ва замонавийлаштириш, Тошкент шаҳридаги барча туманларда, вилоят марказларидаги маҳаллий телекоммуникация тармоқларида SDH ускуналари негизидаги икки

томонлама йўналтирилган ўз-ўзидан тикланадиган оптик-толали халқалар тармоқларини ташкил этиш назарда тутилган.

2. Интернетнинг миллий сегментини ривожлантириш. Маълумотлар узатиш тармоқларини замонавийлаштириш ва реконструкция қилиш ҳамда замонавий компьютер ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш, шунингдек, республика минтақаларида Интернет тармоғига уланишни кенгайтириш — маълумотлар узатиш ва Интернет тармокини ривожлантиришнинг асосий йўналишлари ҳисобланади.

2003 йил якунига кўра республикада Интернет фойдаланувчиларининг сони 353 минг кишидан зиёдни ташкил этмоқда. Бу республика аҳолисининг 1,4 фоиздан кўпроқини ташкил этади (2002 йил бошида фойдаланувчилар сони 150 минг киши атрофида бўлган) ва бу кўрсаткич юқори суръатда ўсиб бормоқда (11- ва 12-жадваллар).

11-жадвал

Ўзбекистон Республикасида Интернетдан фойдаланувчилар сони

(минг фойдаланувчи)

Минтақалар	01.01.03	01.07.03	Фарқ (Ғ.-)
Республика бўйича жами	274,93	353,1	78,71
шу жумладан:			
Қорақалпоғистон Рес-си	3,4	5,5	2,1
Андижон вилояти	5,97	6,06	0,09
Бухоро вилояти	5,6	5,9	0,3
Жиззах вилояти	4,42	4,53	0,11
Қашқадарё вилояти	4,54	10,19	5,65
Навоий вилояти	5,4	6,05	0,65
Наманган вилояти	6,63	7,61	0,98
Самарқанд вилояти	8,7	13,3	4,6
Сурхондарё вилояти	2,3	4,3	2
Сирдарё вилояти	4,6	4,52	-0,08
Тошкент вилояти	11,54	12,71	1,17
Фарғона вилояти	6,73	8,4	1,67
Хоразм вилояти	4,54	5,27	0,73
Тошкент шаҳри	200,48	258,76	58,28

12-жадвал

Ўзбекистон Республикаси аҳолисининг Интернет тармоғига уланганлик кўрсаткичи (1000 киши ҳисобига фойдаланувчилар)

Минтақалар	01.01.03	01.07.03	Фарқ
Республика бўйича жами	10,74	13,97	3,23
шу жумладан:			
Қорақалпоғистон Рес-си	2,18	3,55	1,37
Андижон вилояти	2,59	2,67	0,08
Бухоро вилояти	3,77	4,02	0,25
Жиззах вилояти	4,32	4,47	0,15
Қашқадарё вилояти	1,96	4,48	2,52
Навоий вилояти	6,7	7,58	0,88
Наманган вилояти	3,27	3,8	0,53
Самарқанд вилояти	3,11	4,8	1,69
Сурхондарё вилояти	1,25	2,36	1,11
Сирдарё вилояти	6,95	6,84	-0,11
Тошкент вилояти	4,74	5,29	0,55
Фарғона вилояти	2,42	3,05	0,63
Хоразм вилояти	3,24	3,81	0,57
Тошкент шаҳри	93,03	121,03	28

Республика хўжалик юритувчи субъектларининг интернет тармоғига уланганлиги кўрсаткичлари таҳлили 8-жадвалда келтирилган.

Бугунги кунда Интернет тармоғига уланиш хизматларини 4800 га яқин хўжалик юритувчи субъектлар кўрсатмоқда, улардан 240 таси бевосита Интернет хизматларини кўрсатмоқда. Шу ўринда гуруҳли асосда Интернетдан фойдаланиш пунктлари — Интернет-кафелар, Интернет-клублар ва бошқалар сонининг улуксиз ортиб бораётганлиги аҳамиятга моликдир (9-диаграмма).

Рақобат муҳитини яратиш, маълумот узатиш тармоқлари операторлари ва провайдерлари учун тенг шароитни таъминлаш, дунё ахборот тармоқларига, шу жумладан, Интернетга уланишни кенгайтириш ҳамда мазкур соҳадаги кичик ва ўрта бизнесни янада ривожлантиришни рағбатлантириш мақсадида 2002 йил 10 октябрда Республика Вазирлар Маҳкамасининг халқаро компьютер тармоқларига уланишни қулайлаштиришга қаратилган махсус қарори қабул қилинди, ахборот-коммуникациялар соҳасида лицензиялаш тартибини енгиллаштириш бўйича тадбирлар амалга оширилмоқда.



9-диаграмма. Ўзбекистонда маълумотлар узатиш тармоқлари операторлари ва Интернетга жамоа бўлиб уланиш пунктлари сонининг ўсиш динамикаси.

Миллий Интернет сегментини ривожлантиришда ахборот ресурсларини ривож топтириш муҳим аҳамиятга эга, бу эса, «UZ» доменини бошқариш ва идора қилиш кимнинг қўлида бўлишига кўп жиҳатдан боғлиқдир. Гап шундаки, бугунги кунда мамлакатлар рамзи бўлмиш "жўғрофий доменлар"ни ёки юқори даража доменларини бошқариш ҳамма давлатларнинг ҳам ихтиёрида эмас.

Мақсадга йўналтирилган ишлар натижасида «UZ» доменини идора қилиш ҳуқуқини қайтариш бўйича ишлар якунланди. Номларни рўйхатдан ўтказиш ва (ICANN) рақамлаш бўйича Интернет Корпорацияси ҳамда Internet манзиллар кенглигини идора қилиш маъмурияти (IANA)нинг қарорига мувофиқ равишда "UZ" доменини бошқариш ҳуқуқи ЎзААА қошидаги Компьютер ва ахборот технологияларини ривожлантириш ва жорий этиш Марказига ўтказилди, бу эса, республиканинг мазкур йўналишдаги салоҳияти тан олинганлигидан далолат беради. 2003 йил 1 сентябрдаги ҳолатга кўра, умуман олганда, «UZ» домени зонасида 2500 дан зиёд веб-сайтлар рўйхатдан ўтказилган, улардан 700 дан ортиқи Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ва резидентларидир (01.09.02 йилда бу кўрсаткич 578 тани ташкил қилган эди).

Аммо, бу ўсиш кўрсаткичлари ва суръатлари мамлакат талаб даражасидан анча кам. Кўрилаётган соҳада олға ривожланиш томон кескин силжишлар талаб этилади, акс ҳолда жаҳон тараққиёти суръатларига етиб бўлмайди. Шуни эътиборга олиб, ушбу соҳада халқаро ахборот тармоқларига уланиш тезлигини, аҳоли ўртасида Интернет тармоғидан фойдаланувчилар зичлигини, давлат бошқарув органлари ва маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш органларининг Интернет тармоғига уланиш кўрсаткичларини, аҳоли пунктларини ахборот-коммуникация технологиялари хизматлари билан қамраб олиш даражасини кескин оширишга эришиш мақсадли йўналиш бўлиб ҳисобланиши лозим.

Аҳолининг Интернет тармоғидан кенг фойдаланишини таъминлаш учун алоқа бўлимлари, корхоналари, Интернет-қаҳвахоналар, Интернет-дўконлар, Интернет-клубларда жамоа тартибида фойдаланиш шохобчаларини ташкил этиш назарда тутилиши керак.

Маълумотлар узатиш миллий тармоқини 2010 йилгача бўлган даврда янада ривожлантириш ва замонавийлаштириш чора-тадбирлари «2003-2010 йилларда телекоммуникация тармоқларини ва маълумотлар узатиш миллий тармоқини ривожлантириш Дастури»да ишлаб чиқилди. 2-иловада шу Дастурда ҳисобга олинган асосий кўрсаткичлар келтирилган.

Интернетда ўзбек тилидаги миллий ахборот ресурсларини шакллантиришга алоҳида эътибор қаратилмоғи керак. Бунинг учун:

– давлат ҳокимияти органлари ва хўжалик юритувчи субъектларнинг ўзбек тилидаги ахборот ресурсларига бўлган эҳтиёжи қондирилиши учун зарур шарт-шароитлар яратиш;

– ҳуқуқий, статистика, банк ахборотига оид миллий маълумот базаларини барпо этиш ҳамда уларга ҳар қандай тоифадаги фойдаланувчиларнинг турли босқичларда киришини таъминлаш;

– давлат тилидаги идоравий ва идоралараро маълумот базаларини, шунингдек, идоравий ва идоралараро электрон ҳужжатнинг айланиш тизимини яратиш керак бўлади.

3. Ахборот-коммуникация технологияларининг давлат бошқаруви ва хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятига жорий этилиши. Бу йўналиш иқтисодиётни жадал ривожлантиришга, иш самарадорлигини оширишга, давлат Бошқарувида меҳнат унумдорлигини ўстиришга ва давлат ҳокимияти ҳамда Бошқаруви органларининг фуқаролар ва хўжалик юритувчи субъектлар билан ўзаро алоқалари яхшиланишига олиб келади. Охирги йилларда ахборот хизматлари ва маҳсулотлари бозорининг сезиларли кенгайганлигига қарамай, давлат ҳокимияти ҳамда Бошқаруви органлари, хўжалик юритувчи субъектлар ва фуқароларни ахборотлар билан таъминлаш паст даражада эди. Ахборот олиш имконияти унинг идорага тааллуқлилиги билан чекланганди.

Кўрилган чора-тадбирлар натижасида 2002 йил май ойидан 2003 йил май ойигача бўлган даврда ўз веб-сайтларига эга бўлган давлат ҳокимияти ва Бошқаруви органлари, вазирликлар, муассасалар ва хўжалик юритувчи бирлашмалар сони 27,3 фоиздан 79,8 фоизгача ортди, шу жумладан вазирликлар веб-сайтлари 31 фоиздан 92 фоизгача, давлат қўмиталарининг веб-сайтлари 27 фоиздан 91 фоизгача, агентликларники 63 фоиздан 100 фоизгача, маҳаллий давлат ҳокимияти идораларини 14 фоиздан 86 фоизгача, корпорациялар ва концернларники 25 фоиздан 75 фоизгача ва компанияларнинг веб-сайтлари 29 фоиздан 83 фоизгача ошди. Лекин, барча хўжалик юритувчи субъектлар

ҳам ахборотлаштиришни муваффақиятли жорий эта олмаяптилар. Масалан, ўз веб-сайтлари бўлган республика ассоциацияларининг солиштирма салмоғи 39 фоизни ташкил қилади.

Gov.uz. давлат ахборотлаштириш ресурсларининг ягона портали ишланиши поёнига етиб бормоқда. Бугунги кунда вазирликлар, идоралар, давлат ҳокимияти ва Бошқаруви органларида, хўжалик юритувчи бирлашмаларда 90 мингтадан зиёд компьютер техникаси мавжуд, буларнинг 70 фоизи Бошқарув аппаратларида маҳаллий (локал) компьютер тармоқларида ва 60 фоизи тузилмавий корхоналарда фойдаланилмоқда, уларнинг 90 фоизи Интернет тармоғига уланган. Республиканинг 60 фоиз вазирликлари, идоралари, давлат ҳокимияти ва Бошқаруви органлари, хўжалик юритувчи бирлашмалари тасдиқланган ва ўз ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш ҳамда татбиқ қилиш дастурларини амалга оширмоқда, шунингдек, 50 фоиздан зиёд ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш ва татбиқ этиш масалалари билан шуғулланувчи махсус бўлимлар (департаментлар, хизматлар) ташкил қилинган.

Электрон технологияларни вазирликлар, идоралар, давлат ҳокимияти органлари томонидан давлат Бошқарувига муваффақиятли жорий этиш учун жойларда уларнинг ходимларини босқичма-босқич ўқитиш тадбирлари ишлаб чиқилган ва амалга оширилмоқда. Вазирликлар ва идоралар марказий Бошқарув аппаратидаги иш тажрибасига эга бўлган ва замонавий компьютер техникасида ишлаш бўйича тайёрларликдан ўтган ходимларнинг солиштирма салмоғи ўрта ҳисобда бутун бошқарув аппаратининг ярмидан кўпроғини ташкил этади.

4. Ахборот-коммуникация технологияларини таълим, илмий, тиббиёт ва бошқа ижтимоий соҳа муассасаларига жорий этиш, уларнинг ахборот тармоқларига, шу жумладан, Интернет тармоғига уланишини кенгайтириш Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2002 йил 30 майдаги Фармони билан белгиланган компьютерлаштириш, АТКни ривожлантириш ва уларнинг замонавий тизимларини жорий этишнинг биринчи галдаги вазифаларидан бири ҳисобланади.

Бугунги кунга келиб республиканинг барча 63 та олий таълим муассасаси (100 фоиз) Интернет тармоғига уланган (2002 йил бошида эса олий таълим муассасаларининг атиги 28 фоизи бундай имкониятга эга эди), 42 тасида ахборот технологиялари марказлари тузилган. Олий ўқув юртларининг компьютерлар билан таъминланганлик коэффициенти 100 нафар талаба ҳисобига 2002 йил бошидаги 2,18 тадан 5,1 та компьютерга ортди. Академик лицейларда компьютерлар билан таъминланганлик даражаси 100 нафар ўқувчига 6,5 тадан 6,9 тага кўпайди. Лекин, Интернет тармогига уланган академик

лицейларнинг солиштирма салмоғи ҳозирча 2,4 фоизни ташкил этади холос. Касб-ҳунар коллежларида компьютерлар сони 2002 йил бошидаги 5,4 мингтадан 2003 йил май ойига келиб 7,3 мингтага кўпайганига қарамай, компьютерлар билан таъминланганлик коэффициенти таълимнинг бу турида талабалар сони кескин ортаётганлиги сабаб 3,2 дан 2,5 га пасайди. Интернет тармоғига уланган касб-ҳунар коллежларининг солиштирма салмоги атиги 1,2 фоизни ташкил этади. Умумтаълим мактабларида 8-11-синф ўқувчиларининг сони ортганлиги сабабли 2002 йилда компьютерлар билан таъминланганлик коэффициенти 2001 йилдаги 100 ўқувчига 0,64 дан 0,57 компьютерга камайди. Интернет тармоғига уланган мактабларнинг солиштирма салмоғи секинлик билан ортмоқда.

Ахборот тармоқларига уланишни янада кенгайтириш учун Ўзбекистон Республикасининг илмий, таълим, тиббиёт муассасаларига Интернет тармоғидан бепул фойдаланиш имкониятини бериш, ахборот технологиялари соҳасида мутахассислар тайёрлаш ва таълим бериш даражасини ошириш мақсадида UzSciNet илмий-таълим тармоғи "ЎзИнфоКом" Марказига ўтказилди. Шунингдек, таълим муассасаларининг ахборот ресурсларини ривожлантириш учун БМТ Тараққиёт Дастурининг "Рақамли ривожланиш ташаббуси" дастури доирасида www.re.uz. илмий-таълим портали тузилди.

5. Кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлаш, ходимларнинг компьютер ва ахборот саводхонлигини ошириш.

Кундалик ҳаётга компьютер ва ахборот технологияларининг жадал кириб келаётганлигини ҳисобга олиб, юқори малакали мутахассислар билан таъминлаш муаммосини ҳал этишга эҳтиёж ортади. Ушбу йўналишда соҳа бошқаруви томонидан кадрлар потенциалини яратишга асосий эътибор қаратилиши лозим. Бунинг учун ихтисослашган Марказий Осиёдаги ягона ўқув юрти Тошкент ахборот технологиялари университетининг имкониятларини ошириш, ихтисослашган касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейлар, университетларда ва техника олий ўқув юртларида ихтисослашган факультетлар очиш, кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тармоқларини мукаммаллаштириш назарда тутилиши керак.

Айниқса, олий ўқув юртларида дастурий таъминот, мультимедиа, тармоқларга ҳизмат кўрсатиш, маълумот базалари, электрон тижорат, кўчма радиотелефон алоқаси тизимлари, ахборот хавфсизлиги, электрон ҳисоблаш машиналари, комплекслар, тизим ва тармоқлар, ахборотни автоматик тарзда бошқариш ва ишлаш тизими, ҳисоблаш машиналарининг, комплексларнинг, тизимларнинг математик ва дастурий таъминоти каби янги ихтисосликлар бўйича кадрлар тайёрлашни ташкил этиш ҳамда шу йўналишларда илмий тадқиқотлар ўтказиш назарда тутилмоғи лозим.

Албатта, бу йўналишда республикада сезиларли ишлар қилинди. АКТ соҳасида юқори малакали мутахассисларни тайёрлаш учун мазкур соҳадаги таянч олий ўқув юрти сифатида Тошкент ахборот технологиялари университети ташкил этилди. Ҳозирги кунда университетда S-12 ва EWSD русумли рақамли коммутация тизимларини татбиқ этиш кенг йўлга қўйилмоқда, шулардан бири ТАТУ лабораториясида телекоммуникация соҳасидаги йирик «Шанхай Белл» компанияси ёрдамида ўрнатилган бўлиб, унда талабалар рақамли коммутация станцияларидан фойдаланиш ва техник хизмат кўрсатиш бўйича амалий ишларни бажариши мумкин. Шунингдек, телекоммуникация асбоб-ускуналари ва жиҳозларини ишлаб чиқариш ҳамда сотиш бўйича Осиёдаги йирик корхона - «Huawei Technologies» компанияси ёрдамида рақамли станция ва телекоммуникация қурилмалари университет лабораторияларига ўрнатилмоқда ҳамда бу ишлар телекоммуникация соҳасида таълим олаётган талабалар ва малакасини ошириш учун келган мутахассисларга амалиёт курслари ўтиш учун ёрдам беради.

2003-2004 ўқув йилидан бошлаб университет дунёда нуфузли олий ўқув юртлари ҳисобланган Пекин, Шанхай, Йонгнам (Жанубий Корея) ва Миср университетлари билан алоқа ва телекоммуникация соҳасида кадрлар тайёрлаш, илмий-техник ва иқтисодий ҳамкорликни ўрнатиш тўғрисида ўзаро келишув Меморандумларини расмийлаштирган. АҚШ савдо ва тараққиёт агентлиги гранти асосида университет қошида «Ахборот технологиялари соҳасида аёлларни ўқитиш маркази» ташкил этилган, ўқув синфларини SUN Microsystems компанияси томонидан дастурий таъминот ва асбоб-ускуналар билан таъминлаш белгиланган.

Дунёнинг етакчи таълим муассасаларидан бири ҳисобланган АҚШнинг Cisco Systems компаниясининг «Тармоқ академияси» дастури асосида ва ушбу компаниянинг ёрдамида университет қошида ўқув маркази ташкил этилган.

Ҳозирги кунда ТАТУда «Ахборот хавфсизлиги», «Ахборотни автоматлашган тузилмаларда қайта ишлашни бошқариш», «Уяли алоқа тизимлари» каби янги мутахассисликлар очилди. Ўзбекистон Миллий университети, Тошкент давлат техника университети, Тошкент давлат иқтисодиёт университети, Тошкент давлат педагогика университети ва Самарқанд давлат университети каби бошқа етакчи олий ўқув юртлари ҳам ахборот-коммуникация технологиялари бўйича мутахассисларни тайёрловчи таянч олий ўқув юртлари ҳисобланади. Кўпгина идоралар махсус бўлинмалар асосида тизимли ўқитишни амалга оширмоқда. Масалан, Молия вазирлигида АТМ, Ташқи иқтисодий алоқалар агентлигида махсус жиҳозланган компьютер синфи, НКЖИС «Ўзбекинвести»да Суғурталашда ахборот технологиялари департаменти, ЎзААААда Марказий Осиё телекоммуникациялар ўқув маркази, Давлат

статистика қўмитасида кадрларни қайта тайёрлаш ва статистика тадқиқотлари маркази, «Ўзбекэнерго» ДАКда Интернет синфи ва ҳ.к. БМТ Тараққиёт Дастури билан ҳамкорликда Ўзбекистон Алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги томонидан давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари раҳбарларининг ўринбосарларини замонавий ахборот-коммуникация воситаларида ишлашга ўқитиш ташкил қилинган.

Лекин, ҳамма давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларида ҳам ахборот-коммуникация технологиялари бўйича кадрлар малакасини ошириш, уларни тайёрлаш ва қайта тайёрлашга етарлича эътибор берилмаяпти. ҳозирча бу турдаги фаолият ҳамма жойларда ҳам устувор хусусият касб этгани йўқ, ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш сифати, ўқув дастурлари ҳамда таълим муассасаларининг жиҳозланганлик даражаси талабга жавоб бермайди.

6. Компьютер техникаси билан таъминлаш ва компьютер тармоқларини ривожлантириш. Экспертлар баҳосига кўра республика аҳолисининг компьютерлар билан таъминланганлик даражаси ҳар 100 киши ҳисобига 0,3 тани, шу жумладан, Тошкент шаҳри бўйича 2,5 тани ташкил этади, бу ниҳоятда паст кўрсаткич ҳисобланади. Компьютер техникаси билан таъминланганликнинг мавжуд аҳволи жамият эҳтиёжларини қондирмайди. Мактаблар, коллежлар, лицейлар ва олий ўқув юртларида компьютер техникаси мутлақо етишмайди.

Шу муносабат билан республика бошқарув тизимининг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат ҳисобланади:

– республикага компьютер асбоб-ускуналари ва унинг учун бутловчи буюмлар келтириш, шу жумладан, компьютер техникасини мамлакатимизда йиғишни ташкил этиш;

– олий ўқув юртлари, академик лицейлар, касб-ҳунар коллежларини, шунингдек, мактабларни компьютер асбоб-ускуналари билан жиҳозлашга бюджет маблағлари ажратиш, хорижий грантлар ва имтиёзли кредитларни жалб этиш;

– академик лицейлар, касб-ҳунар коллежлари ва мактабларда, шунингдек, барча олий ўқув юртларида босқичма-босқич Интернет-синфлар ташкил этиш;

– компьютер техникасини йиғиш, улар учун бутловчи буюмлар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш бўйича корхоналар ташкил этиш;

– компьютер техникасига хизмат кўрсатиш, уларни созлаш ва турли тармоқларда фойдаланиш бўйича ихтисослашган корхоналар ташкил қилиш.

7. Ахборот хавфсизлигини таъминлаш. Бу борада энг аввало, ахборот хавфсизлигининг асосий мақсадларига аниқлик киритиш лозим. Булар қуйидагилардир:

– ахборотни сақлаш, ишлаш ва узатиш вақтида унинг яхлитлигига эришиш, фойдаланувчилар уни ўз ваколатлари доирасида олишларини таъминлаш;

– ахборотни рухсатсиз йўқотиш, ўзгартириш, бузиш, кўчириб олиш, тўсиб қўйиш ва ахборот ресурсларига ноқонуний аралашувга доир бошқа хатти-ҳаракатларнинг олдини олиш;

– қонунчиликка мувофиқ равишда ҳужжатлаштирилган ва электрон тусдаги давлат сирини, ахборотнинг махфийлигини сақлаш;

– фуқароларнинг ахборот тизимларига киритилган шахсий сир ва хусусий маълумотларининг махфий сақланишини таъминлаш;

– ахборот ресурсларидан ноқонуний фойдаланиш ҳолларининг олдини олиш.

Муайян маълумот узатиш тармоғида ахборот хавфсизлигини таъминлаш вазифасини ҳар бир оператор амалдаги норматив ҳужжатларга таяниб, тавсия этилган чоралар ва воситалардан фойдаланиб ўзи ҳал қилиши зарур.

Маълумот узатиш ва Интернет соҳасида ахборот хавфсизлигини таъминлаш вазифасини ҳал этиш учун Ўзбекистонда қуйидаги тадбирларни амалга ошириши лозим:

– барча маълумот узатиш тармоқлари учун ҳимоя шахобчасини барпо этиш;

– республиканинг АКТ соҳасидаги ахборот хавфсизлигини таъминлаш тизимини ташкил қилиш ва ахборот хавфсизлигини таъминловчи хизматларни шакллантириш;

– маълумот узатиш тармоқларига ҳимоя воситаларини жорий этиш самарадорлигини баҳолаш, лойиҳаларни ахборот хавфсизлигини таъминлаш талабларига жавоб бериши нуқтаи назаридан экспертизадан ўтказиш учун доимий ишлайдиган (идоралараро) эксперт гуруҳини тузиш;

– мамлакатда ахборотни криптографик ҳимоялаш воситаларини ишлаб чиқишни ташкиллаштириш;

– ахборотни ҳимоя қилиш тизимлари ва воситаларини маълумот узатиш ва Интернетга уланиш тармоқларида жорий этиш;

– калитларнинг сақланиши, генерацияси, тақсимоти ва мустаҳкамлиги белгиланишини, шунингдек, сертификатлар, рақамли электрон имзоларнинг берилиши ҳамда тасдиқланишини таъминловчи ишонч ва сертификатлар бериш марказини барпо этиш;

– хорижий органлар билан компьютер ва ахборот технологиялари соҳасида ахборот хавфсизлигини таъминлаш масалалари бўйича ўзаро ҳамкорлик қилувчи тузилма ташкил этиш;

– ахборот хавфсизлигини таъминлаш воситаларини сертификатлаш тизимини барпо этиш;

– ахбороткоммуникация тизимига хос қалтисликларни бошқаришни такомиллаштириш ва энг аввало, уларни сугурталаш механизмини яратиш ва амалиётга киритиш;

– ахборот хавфсизлигини таъминлаш бўйича мутахассислар тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини жорий этиш.

Юқорида биз Ўзбекистон ахборот-коммуникация соҳасини давлат томонидан тартибга солиш бўйича ахборот сиёсатининг ҳозирги кундаги энг муҳим йўналишларини кўриб чиқдик.

Аммо, соҳани бошқариш бу йўналишлар билан чекланмайди. Жамиятни ахборотлаштиришни чуқурлаштириш самарали ахборот тарқатиш тизимини яратиш ва такомиллаштиришни талаб қилади. Буларнинг ҳаммасини ҳисобга олган ҳолда, Ўзбекистоннинг хўжалик юритувчи субъектларини, жамоатчилик қатламларини ахборот-коммуникация ривожи масалаларига кенг қамраб олиш, компьютер ва ахборот саводхонлигини ўзлаштиришнинг самарали усулларини ишлаб чиқиш, ахборот-коммуникация соҳасидаги ривожланиш жараёнларини оммавий ахборот воситалари орқали ёритиб бориш, жамиятни ахборот-коммуникация технологиялари соҳасидаги фаолият билан Интернет орқали таништириш йўли асосида жалб қилиш бўйича Республика комплекс дастури ишлаб чиқилиши ва амалга оширилиши керак. Махсус «InfoCOM.Uz» журналининг Интернет версиясини чиқариш ҳам долзарб масала ҳисобланади.

Ҳақиқатан ҳам, оммавий ахборот воситалари орқали ахборот-коммуникация ривожи жараёнларини кенг ёритиш ва аҳоли кенг қатламларининг компьютер ва ахборот саводхонлигини босқичма-босқич ошириш масалалари республика ҳамда минтақалар миқёсида амалга оширилаётган бир қатор дастурларда ўз аксини топди. Лекин, бу дастурлар асосан компьютерлаштириш ва ахборот-коммуникация технологиялари ривожининг умумий масалаларига бағишланган, компьютер ва ахборот саводхонлигини ошириш муаммолари эса, бир бутуннинг бир қисми бўлганлиги ҳолда иккиламчи масала сифатида кўрилади.

III БЎЛИМ.
КОРХОНАЛАРНИ БОШҚАРИШ ТИЗИМИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ЗАМОНАВИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ

7.1.1. Корхона – замонавий ахборотлаштириш объекти сифатида

Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, корхоналарнинг ахборот асосида бошқарув услубиётининг йўқлиги нафақат уларнинг ривожланишига халақит беради, шу билан бирга бозорда эгаллаган мавқеини йўқотишига ҳам сабаб бўлиши мумкин.

Умуман, замонавий корхоналарнинг самарали фаолиятини ахборот технологияларисиз тасаввур этиб бўлмайди, яъни: "юридик ва жисмоний шахсларнинг ахборот технологиялари ва тизимларини қўллаши уларни модернизация қилишни жадал ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этади"[1].

Бугунги кунда ҳар қандай корхонада ахборотга ишлов беришни ва ҳужжатлар ҳаракатланишини тартибга солиш зарурияти мавжуд. Ахборот техник, бошқарув, маъмурий, иқтисодий ва бошқа турларга бўлинади. Техник ахборот техник ҳужжатлар шаклида, бошқарувга оид ахборот режавий ҳужжатлар шаклида, иқтисодий ахборот молиявий-бюджет ва таҳлилий ҳужжатлар шаклида, маъмурий ахборот эса буйруқлар, фармойишлар ва ш.к. шаклида сақланади. Замонавий технологиялар ҳужжатлар ҳаракатини ҳужжатлар айланиши шаклида расмийлаштириш имконини беради. Ҳужжатлар айланиши ҳужжатларни йўналтириш, сақлаш ва назорат қилиш вазифаларини қамраб олади.

Ҳужжатларни электрон шаклга айлантириш уларнинг моҳиятини кескин даражада ўзгартириб юборади. Компьютер технологиялари ривожининг дастлабки босқичларида ЭҲМ универсал ёзув машинаси сифатида қўлланилган. Ҳозирда электрон ҳужжатларнинг интерфаол бўлиб бораётганини таъкидлаш, фикримизча, тўғри бўлар эди. Яъни, ҳужжатларининг долзарблиги ва бутунлиги, маълум йўналиш бўйлаб ҳаракатланиши – ҳозирда буларнинг барчаси ҳам ҳужжат айланишини автоматлаштириш тушунчасига киради. Айтиш мумкинки, ҳужжат айланишини автоматлаштириш кўпроқ ўзида ҳужжатларнинг яратилиши, сақланиш ва қайта йўналтирилиши жараёнини эмас, балки ушбу ҳужжатлар сабаб бўлиши мумкин бўлган барча жараёнларни ифодалайди.

Масалан, иш жадвали автоматлаштирилгани тақдирда, у ҳужжат ҳисобланган ҳолда энди унинг бажарилишини назорат қилишни талаб қилади. Ҳужжат айланишини автоматлаштириш янада катта миқёсга – ҳеч бўлмаганда, корхона ичкарисида (баъзан ташқарисида ҳам) баъзи жараёнларнинг автоматлашишини талаб этади.

---

[1]И.А.Каримов. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чукурлаштириш ва фукаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузаси). «Халқ сўзи» г. №220. 13 ноябрь 2010 й.

Айнан шунинг учун ҳужжат айланишини автоматлаштиришнинг бир-бирига мутлақо зид бўлган икки терминидан фойдаланилади: DMS (Document Management Systems) — ҳужжатларни бошқариш тизимлари ва Doc Flow — ҳужжатларни маълум йўналишларга солиш тизимлари.

Бундан ташқари, ҳужжат айланишини авоматлаштириш учун Work Flow тизимларидан бошқарувни қўллаб-қувватлаш тизими сифатида фойдаланилади. Умуман, умумий тенденция шундан иборатки, ҳужжатларнинг айланишини автоматлаштириш муаммоси оддий ҳужжатлар шаклидан аста-секин, маълумотларни сақлашни ташкил қилиш (Data Warehosing) ва маълумотларни тезкор таҳлил қилиш (OLAP) вазифаларига томон ҳаракат қилмоқда.

Шу муносабат билан корхоналарнинг ўзига хослиги ҳамда мамлакатимиздаги ва хорижий тажрибадан келиб чиқиб, электрон ҳужжат айланиши тизимини яратиш бўйича умумий услубиётини ишлаб чиқиш муаммоси мавжуд.

Корхона ичида айланадиган барча ахборотлар корхона томонидан тайёрланадиган ахборот ва истеъмол қилинадиган ахборотга бўлиниши мумкин. Яъни, корхона бир вақтнинг ўзида ахборот истеъмолчиси ҳам, унинг манбаи ҳам бўлиши мумкин.

27-расмда корхонада айланадиган ахборотнинг таснифланиши келтирилган. Ушбу тасниф бешта энг умумий белгига асосланган:

- ахборотнинг пайдо бўлиш жойи;
- ишлов бериш босқичи;
- акс эттириш усули;
- барқарорлиги;
- бошқарув вазифаси.



27-расм. Корхонада айланадиган ахборотнинг умумий таснифи

Вужудга келиш ўрни бўйича ахборотни кирувчи, чиқувчи, ички ва ташқи ахборотга бўлиш мумкин.

Кирувчи ахборот — бу корхона ва унинг бўлинмаларига келиб тушадиган ахборотдир.

Чиқувчи ахборот эса корхонадан бошқа корхона, ташкилот (бўлинма)ларга юбориладиган ахборотдир.

Бир ахборотнинг ўзи бир корхона учун кирувчи ахборот, бошқаси учун эса чиқувчи ахборот бўлиши мумкин. Ахборот бошқарув объектига (фирма ёки унинг бўлинмалари: цех, бўлим, лабораторияга) нисбатан ҳам ташқи, ҳам ички ахборотга бўлиниши мумкин.

Ички ахборот объект ичида, ташқи ахборот эса объектдан ташқарида вужудга келади. Масалан, олинадиган солиқлар даражасини ўзгартириш тўғрисидаги ҳукумат фармойиши мазмуни корхона учун, бир томондан, ташқи ахборот, бошқа томондан, кирувчи ахборот ҳисобланади. Корхонанинг солиқ инспекциясига давлат бюджети учун ажратмаси миқдори ҳақидаги маълумоти, бир томондан, чиқувчи ахборот, бошқа томондан, солиқ инспекциясига нисбатан ташқи ахборот саналади.

Ахборот ишлов бериш босқичига кўра бирламчи, иккиламчи, оралиқ, натижавий ахборотга бўлиниши мумкин.

Бирламчи ахборот – бевосита объектнинг фаолияти жараёнида вужудга келади ва бошланғич босқичида рўйхатдан ўтказилади.

Иккиламчи босқич – бирламчи ахборотга ишлов бериш натижасида олинади ва у оралиқ ёки натижали ахборот бўлиши мумкин.

Оралиқ ахборот – кейинги маълумотлар учун манба сифатида фойдаланилади.

Натижавий ахборот бирламчи ва оралиқ ахборотларга ишлов бериш жараёнида олинади ва бошқарув қарорларини ишлаб чиқиш учун фойдаланилади. Масалан, пиёлаларга нақш солинадиган бадиий цехда ҳар бир смена якунида ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг умумий миқдори ва ҳар бир ходимнинг нақшлаган пиёлалари сони рўйхат қилинади. Бу – бирламчи ахборот. Ҳар ой охирида уста бирламчи ахборотга якун ясайди. Бу, бир томондан, иккиламчи оралиқ ахборот, иккинчи томондан – натижага келтириладиган – натижавий ахборотдир. Якуний маълумотлар ҳар бир ходимнинг бажарган ишига қараб, унга иш ҳақи белгилайдиган мухосибга келиб тушади. Олинган ҳисоб-китоб маълумотлари – натижавий ахборот саналади.

Акс эттириш усулига кўра ахборот матнли ва чизмавий ахборотларга бўлинади.

Матнли ахборот — бу ҳарфли, рақамли ва махсус белгиларнинг жамламаси бўлиб, улар ёрдамида моддий ташувчида (қоғозда, экрандаги тасвирда) ахборот ифода қилинади.

Чизмавий ахборот — бу турли хил графикалар, диаграммалар, чизмалар, расмлар ва бошқалар ҳисобланади.

Ахборот барқарорлигига кўра ўзгарувчан (жорий) ва доимий (шартли-доимий) бўлиши мумкин.

Ўзгарувчан ахборот фирманинг ишлаб чиқариш-хўжалик фаолиятининг миқдор ва сифат жиҳатдан ҳақиқий хусусиятини акс эттиради. У вазифа бўйича ҳам, миқдор бўйича ҳам – ҳар бир воқеа бўйича ўзгариши мумкин. Масалан, бир сменада ишлаб чиқарилган маҳсулотлар миқдори, хом ашё етказиш учун кунлик харажатлар, тузатилган станоклар сони ва ҳ.к.

Доимий (шартли-доимий) ахборот — бу узоқ вақт мобайнида ўзгармас ва кўп бора фойдаланиладиган ахборотдир. Доимий ахборот маълумот берадиган, меъёрий ва режавий бўлиши мумкин:

• доимий маълумот берадиган ахборот узоқ вақт мобайнида барқарор турувчи маълумотларнинг хусусиятларини тавсифлашни ўз ичига олади. Масалан, хизматчининг табел рақами, ходимнинг касби, цех рақами ва ҳ.к.;

• доимий меъёрий ахборот маҳаллий, соҳавий ва умумдавлат нормативларидан иборат. Масалан, фойдага солинадиган солиқ миқдори, муайян турдаги маҳсулот сифатига белгиланган стандарт, энг кам иш ҳақи миқдори, давлат хизматчиларига ҳақ тўлашнинг тариф сеткаси;

• доимий режавий ахборот фирмада кўп бор фойдаланилган режа кўрсаткичларини ўз ичига олади. Масалан, маҳсулот ишлаб чиқариш режаси, маълум ихтисосликдаги мутахассисларни тайёрлаш режаси.

Бошқарув вазифасига кўра, одатда, иқтисодий ахборотни тасниф қилинади. Шу билан бирга қуйидаги гуруҳларга ажратилади: режавий, норматив маълумот берувчи, ҳисобга олувчи ва тезкор (жорий).

Режавий ахборот – келгуси давр учун бошқарув объекти ўлчамлари ҳақидаги ахборотдир. Ушбу ахборотга фирма фаолиятининг барча мўлжалдаги ишлари киради. Маҳсулот ишлаб чиқариш режаси, режадаги маҳсулот сотилишидан келадиган фойда, маҳсулотга кутилаётган талаб сингари кўрсаткичлар фирманинг режавий ахбороти бўлишлари мумкин.

Норматив-маълумот берувчи ахборот турли меъёрий ва кўрсатма берувчи маълумотлардан иборат. Унинг янгиланиб туриши нисбатан кам содир бўлади. Корхонада норматив - маълумот берувчи ахборотлар қуйидагилар ҳисобланади:

• бир турдаги деталлар тайёрлаш учун белгиланган вақт (меҳнат сиғими меъёри);

• ишчининг разрядига кўра ўртача иш ҳақи;

• хизматчининг ойлик маоши;

• таъминотчи ёки харидорнинг манзили ва ш.к.

Ҳисобот шаклидаги ахборот – бу ўтган муайян вақт давомида корхона фаолиятини тавсифлайдиган ахборот ҳисобланади. Ушбу ахборот асосида қуйидаги фаолиятлар олиб борилиши мумкин: режавий ахборотга тузатиш киритиш, корхонанинг хўжалик фаолиятини таҳлил қилиш, ишларни янада самарали бошқариш бўйича қарорлар қабул қилиш ва бошқалар. Амалиётда бухгалтерлик ҳисоботи ахбороти, статистик ахборот ва тезкор ҳисобга олиш ахбороти сифатида қўлланилади. Ҳисобот шаклидаги ахборот қуйидагилар ҳисобланади: маълум вақт мобайнида сотилган маҳсулот миқдори; станокларнинг ўртача бир суткадаги иш билан таъминланганлиги ёки бекор туриб қолиши ва ш.к.

Тезкор (жорий) ахборот – бу тезкор бошқарувда фойдаланилаётган ва жорий давр мобайнидаги ишлаб чиқариш жараёнларини тавсифлайдиган ахборотдир. Тезкор ахборотга ахборотларнинг келиб тушиш тезлиги ва ишлов берилиши, шунингдек, уларнинг тўғрилиги бўйича жиддий талаблар қўйилади. Корхонанинг муваффақиятли ишлаши ахборотга қанчалик тез ва сифатли ишлов берилишига кўп жиҳатдан боғлиқ. Қуйидагилар тезкор ахборот бўлиб ҳисобланади:

- бир соатда, бир сменада, бир кунда ишлаб чиқарилган деталлар миқдори;
- бир кунда ёки маълум соатда сотилган маҳсулотлар миқдори;
- иш куни бошида таъминотчидан олинган хом ашё ҳажми ва ҳ.к.

Корхонанинг электрон ҳужжат айланиши тизими, аслида ўзаро бирга ишлайдиган кўплаб участкалардан иборат тақсимлаш тизимини ўзида ифода этади. Бунда улардан бири бошқаларига нисбатан мувофиқлаштирувчи ва назорат қилувчи ўрин тутади. Бундай участкалардан ҳар бири ўз жавобгарлиги доирасида ҳужжатларнинг вертикал ҳаракатланиши технологиясидан фойдаланади. Участкалар ўртасидаги ҳужжатлар ҳаракатланиши вертикал – горизонтал хусусиятга эга. Корхонанинг ташкилий тузилмасида участканинг нисбий мавқеи унинг ташқи корреспондент ва адресатлари билан ҳужжат алмашинуви хусусиятини белгилайди.

Ҳозирги пайтда корхоналарда компьютер воситалари ёрдамида бутун ахборотнинг фақат бир қисмигагина (10-20% атрофида) ишлов берилмоқда. Ахборотга таҳлилий ишлов беришга ёрдам берадиган бирор-бир воситадан ёки дастурдан деярли фойдаланилмайди.

Шу билан бирга, ҳозирги замон ахборот технологиялари ихтиёрида ҳам тизимлаштирилган, ҳам тизимлаштирилмаган ахборотга таҳлилий ишлов бериш дастур ва услублари мавжуд. Шунингдек, улар захирасида мураккаб, кўп босқичли миқдорий-сифат муаммоларни ҳал қилиш технологиялари ҳам мавжуд бўлиб, уларни белгиловчи омиллар ўртасида аналитик боғланишни йўлга қўйишни талаб этади.

Корхоналар ва муассасаларни ахборотлаштириш тизими доирасида бир қатор тизимли ва амалий вазифалар мавжуд бўлиб, улар кўриб чиқилаётган бўлинмалар ёки участкаларнинг ҳар бирига (ёки кўпчилиги учун) зарур.

Бундай вазифаларга қуйидагилар киради:

- Иш юритиш ва ҳужжат айланишининг электрон тизими;
- Топшириқлар бажарилишини назорат қилиш;
- Ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва мувофиқлаштириш;
- Ички маълумот берувчи ахборотлар;
- Ташқи маълумот берувчи ахборотлар;
- Ички электрон почта;
- Ташқи электрон почта;
- Интернет ахборот ресурслари;
- Меъёрий ҳужжатлар базаси.

Ушбу босқичларга эркин кириш ҳар бир ахборотлашган ишчи жойи (АИЖ) дан таъминланиши зарур (албатта, АИЖ фойдаланувчиларининг лавозим вазифалари ва мақоми билан белгиланадиган ҳуқуқ ва ваколатлар доирасида).

Кўпчилик корхоналарда электрон ҳужжат алмашинувини йўлга қўйиш учун комьютер базаси илгари мавжуд бўлган бўлса, янги жиҳозларни сотиб олишга ва янгилашга доир ўзгаришлар қилиш зарур бўлади.

Мавжуд компьютерлар базасини тахминан 20% атрофида янгилаш ва алмаштириш ҳамда ички электрон тармоқни ташкил қилиш, бунга унча катта бўлмаган харажатлар талаб қилади.

Агар корхона ҳудудий-тақсимланиш тизимида бўлса, яъни шаҳобчалар тизимига эга бўлса бир қадар мураккаб вазият вужудга келади. Бундай вазиятда корхона Интернетга чиқишнинг кенг, тез ва ишончли каналига эга бўлмоғи лозим.

Кўп ҳолларда комьютерлардан маҳаллий автоматлашган ишчи жойи сифатида фойдаланилади, яъни улар лойиҳаларни автоматлашган тарзда ишлаб чиқишга қатнашмайдилар. Бу ҳолат бутунича лойиҳа устидаги ишларни умумий назорат қилишни амалга оширишга ёки лойиҳаларнинг барча гуруҳлари бўйича зудлик билан ҳисобот ахбороти олишга имкон бермайди.

Корхонадаги ахборотнинг бутун ҳажми ишлов бериш, сақлаш, таҳлилий баҳолаш жараёнларидан ўтиши лозим. Бу операциялар қисман автоматлаштирилган ва ўзаро боғланмаган бўлиб, бу ҳол таҳлилий баҳолаш чоғида корхона, бўлинма ёки лойиҳа бўйича ишларнинг аҳволи тўғрисида тўлиқ характеристика бера олмайди. Шу муносабат билан корхонада ҳужжатларни бошқаришнинг электрон тизимини жорий қилиш заруриятн вужудга келади.

7.1.2. Ахборотлаштиришнинг корхонани самарали бошқаришдаги ўрни

Бозор иқтисодиёти шароитида ахборот товарга айланади. Унга эга бўлиш, уни сақлаш, ундан фойдаланиш товар-пул муносабатлари қонунларига бўйсунади. Бугунги кунда ахборотни корхонанинг муҳим ресурслари қаторига

киритиш мумкин. Бу ресурсдан самарали фойдалана билиш, муболағасиз, корхонанинг рақобат шароитида яшашга бўлган лаёқатини белгилайди.

Қуйида корхонани бошқаришда ахборотнинг ролини тасдиқловчи баъзи статистик маълумотларни келтирамиз:

• Америкада чиқадиган "Management Services" журналининг фикрига кўра, АҚШда ахборотни қайта ишлаш билан машғул персоналнинг улуши йигирманчи асрнинг биринчи ярми мобайнида ўзгаришсиз қолган. Ўтган асрнинг иккинчи ярмида эса у оғишмай ўса бошлаган ва етмишинчи йилларнинг ўрталарига келиб жами ахборот билан банд бўлганлар корхоналарда ишловчиларнинг ярмига етган;

• Хорижда 70 – 80 фоиз менежерлар муваффақиятли бошқарув йўлидаги асосий тўсиқ – самарасиз ахборот алмашинувидир, деб ҳисоблайдилар;

• тадқиқотларга кўра, менежерларнинг ўз вазифаларини амалга ошириш чоғидаги 75 – 90 фоиз вақти қарор қабул қилиш жараёнларида ахборот алмашинуви билан боғлиқ оворагарчиликларга сарафланади.

Бошқарув учун ахборотдан самарали фойдаланиш имконияти ахборот сифатини, унинг қийматини тавсифловчи асосий хусусиятлари йиғиндиси билан белгиланади. Булар қуйидагилардир:

- ишончлилик;
- тўлиқлилик;
- аниқлилик;
- долзарблилик.

Алоқа жараёни, умуман олганда, бир неча босқичдан иборат. Улардан тўрт асосийсини ажратишни мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз:

1. Ахборотни тўплаш. Ахборот тўплаш, уни рўйхатдан ўтказиш, унга дастлабки ва якуний ишлов бериш аслида ушбу босқичда ахборотлар билан бўладиган операциялар ҳисобланади. Ахборотга дастлабки ишлов бериш – бу ахборотни узоқ муддатга сақлаш учун саралаш, таққослаш, танлаш, тайёрлаш, шаклларни бир хиллаштиришдир. Ахборотга якуний ишлов бериш (аслида қарор қабул қилиш учун ахборотни тайёрлаш) бир қанча маълумотлар базасига биргаликда ишлов бериш, иккиламчи маълумотларни олиш, турли даврлардаги ахборотни таққослашдан иборат.

2. Ахборотларни кодлаштириш ва уни узатиш учун канал танлаш. Ахборотни кодлаштириш деганда, кўпинча уни ўзгартиришни тушунилади. Битта ахборотнинг ўзига турли кодларни қўллай туриб, уни ёзма (матн ёки график) шаклда, турли тилларда, имо-ишоралар ёрдамида ва ш.к. орқали узатиш мумкин. Канал – бу ахборотни узатиш воситаси (ёзма ёки оғзаки узатиш, телефон, факс, электрон почта, эълонлар тахтаси ва ҳ.к.з.)

Шундай қилиб, биз ҳар доим конкрет вазиятдан келиб чиқиб ахборотнинг ўзига мос кодлар тизимини ва узатиш каналини танлаб оламиз. Шу билан

бирга, тадқиқотлар кўрсатадики, мулоқот (сўзлашув) жараёнида, масалан, ахборотнинг жуда катта қисми новербал йўл билан (тана ҳаракатлари, имо-ишора, кўз ифодаси ва ш.к.орқали) узатилади.

Новербал тилни "ўқиш"ни билиш (айниқса, ундан фойдалана олиш) ишга доир музокаралар чогида менежер учун қулай шарт-шароитларни таъминлайди.

3. Ахборотни узатиш жараёни. Ахборот оқимларини бошқара билиш, корхонада ахборот йўлидаги табиий ва сунъий тўсиқларни тушуниш бугунги кунда менежернинг энг муҳим хусусиятларидан бирига айланмоқда.

4. Олинган ахборотнинг кодини очиш. Ахборотни кодлаш, яъни максадли равишда ўзгартириш, одатда, уни тақдим қилиш ёки келгусида узатишнинг қулайлиги билан боғлиқ. Шунингдек, ахборотни кодлаш унинг махфийлиги билан боглиқ. Барча ҳолатларда, ахборот олувчи талофатсиз ва бузмасдан унинг кодини оча олиши имкониятига эга бўлиши лозим. Бундай ишончни таъминлаш учун одатда турли тескари алоқа шаклларидан фойдаланилади.

Ахборот алмашиш бошқарув жараёнида асосий вазифа ва боғловчи бўғин *бўлиб ҳисобланади.*

Ахборот оқимининг тўрт турини ажратиш мумкин:

1.Корхона ва унинг ташқи муҳити ўртасидаги ахборот алмашинуви:

- Маркетинг. Бозорда истеъмол талаби ҳақида ахборот тўплаш.

Ахборот оқими йўналиши: бозордан – компанияга;

- Реклама. Маркетингга тескари жараён. Реклама ахбороти оқимининг йўналиши: компаниядан – бозорга;

- жамоатчилик билан алоқа (Public Relations). Жамоатчилик билан алоқалар бўйича мутахассис бугунги кунда меҳнат бозорида энг талаб катта бўлган мутахассисликлардан бири ҳисобланади. Жамоатчилик билан алоқалар хизматининг вазифаси жамият кўз ўнгида компаниянинг ижобий имижини шакллантиришдир. Компаниянинг қарийб 80 фоиз кадр-қийматини унинг обрўси ташкил қилишини сўнгги тадқиқотлар кўрсатмоқда.

2. Корхоналарда бошқарув даражаларияро ахборот алмашинуви:

«Пасаювчи» ахборот оқимлари. Бундай йўл билан қўл остидагиларга жорий вазифалар, устивор саналган нарсаларнинг ўзгарганлиги, тавсия этилаётган процедуралар, аниқ топшириқлар ҳақида хабар берилади;

«Кўтарилувчи» ахборот оқимлари. Бу вазифаларнинг бажарилганлиги ҳақидаги ҳисоботлар, технологияларни такомиллаштириш бўйича таклифлар, янги техникаларни жорий қилиниши билан боғлиқ муаммолар ва ш.к. Раҳбарият бундай йўл билан жорий ва етилиб келаётган муаммолар ҳамда таклиф этилган қарор вариантларидан хабардор бўлади.

3. «Ёпиқ» ахборот алмашинуви:

- Ҳамкорлар билан ахборот алмашинув; бирон-бир маҳсулот турини ишлаб чиқаришга қатнашувчи бўлинмаларнинг кооператив ишлаши.

- Бир хил даражадаги вазифага эга бўлган корхона раҳбарларининг кенгаш йиғилиши. Масалан, маҳсулот сотувининг регионал бошқарувчилари билан умумий муаммолар ёки янги ғояларни муҳокама қилиш.

- Ишчи гуруҳлари (лойиҳани бошқариш) доирасидаги ишлар.

4. Норасмий ахборот алмашинуви:

- Норасмий учрашувлар чоғида ишлаб чиқариш масалаларини муҳокама қилиш. Ҳатто бир жамоада ишлайдиган кишиларнинг ишдан ташқари пайтдаги норасмий суҳбатлари ишлаб чиқариш масалалари муҳокамасига бурилиб кетади. Бу баъзан ишдан ташқари, норасмий шароитда бирор бир муҳим масалани ёки кундалик майда-чуйда ишлар билан бўлиб, бунга фурсат етмайдиган масалани муҳокама қилиш осонлиги билан боғлиқ. Тажрибали раҳбар дам олиш кунларини, байрам тантаналарини биргаликда ўтказишни рағбатлантирган ҳолда бундан моҳирлик билан фойдаланади.

- Миш-мишлар. Корхонада миш-мишларнинг пайдо бўлишига асосий сабаб – расмий ахборотнинг етишмаслигидир. Ўтказилган тажрибалар шуни кўрсатадики, миш-мишларнинг 80-90 фоиз тўғри чиқади (кучли ҳиссиётга берилиб, бўяб-чатилган ахборот ҳодисаси бундан мустасно). Миш-мишлар кучли таъсирга эга ахборот омили саналади.

Корхонада ахборот оқимлари йўлидаги тўсиқларни қуйидагича гуруҳлашни тавсия этамиз:

1. Ахборотларнинг бузиб талқин этилиши:

- шахслар ўртасидаги ўзаро мулоқот (муносабат) муаммолари ҳамда ахборотни ҳисобга олиш ва унга ишлов бериш чоғида ходимнинг хатога йўл қўйиши туфайли келиб чиқадиган қасддан қилинмаган бузилишлар;

- атайин (қасддан) бузиб кўрсатиш. Ахборот ташувчи бу маълумотга қўшилмай, хабар мазмунини ўз манфаатига мослаб ўзгартирганда содир этилади. Ахборот алмашинувидаги муаммолар ташкилотнинг турли гуруҳлари ва бўлимлари ўртасида зиддият келтириб чиқариши мумкин. Бундан ташқари, ахборот бузилишларига «фильтрлаш» ҳам киради. Юқоридан қуйига ахборот узатиш чоғида фильтрациянинг асосий мақсади – "бунинг уларга дахли йўқ" деб ҳисоблашдир. Пастдан юқорига ахборот узатиш чоғида раҳбариятга фақат яхши хабарларни етказиш тенденцияси кузатилади (жазодан қўрқиш).

2. Ортиқ даражадаги ахборот:

Тадқиқотлар кўрсатишича, фақат 50 фоизгача мавжуд бўлган алоқа самара келтирмоқда. Ахборот самарасизлигининг сабаби кўпинча коммуникация – бу икки ёки ундан ортиқ кишилар ўртасидаги ахборот алмашинуви эканини ёддан чиқаришда кўринади. Қачонки бир томон ахборотни таклиф қилса, иккинчи томон эса уни қабул қилса, бундай тақдирда ахборот алмашинуви юз беради. Акс ҳолда, Либерманнинг[1] "Ҳамма ёлғон гапиради, бунинг аҳамияти йўқ, чунки ҳеч ким эшитмайди" деб аталувчи қонуни кучга киради.

---

[1] Philip G. Lewis, Approaching Precalculus Mathematics Discretely: Explorations in a Computer Environment. Paperback – The MIT Press, September, 1990, 0262620634.

Келиб тушаётган ахборотга қайта ишлов бериш юмушлари ва ахборот алмашинувини кўллаб-қувватлаш зарурияти остида қолган раҳбар бутун ахборотга самарали жавоб қайтаришга қурби етмайди. У унча муҳим бўлмаган ва муҳим ахборотни саралаб олишга мажбур бўлади. Афсуски, бунда раҳбарларнинг ахборотнинг муҳимлигига баҳо бериши нотўғри бўлиши мумкин.

Корхонанинг қониқарсиз ахборот тузилмаси.

Ахборотни бир бошқарув даражасидан бошқасига узатиш чоғида унинг учдан бир ҳажми йўқолиши (таҳрир ва фильтрация) сабабли тўғридан-тўғри ахборот алмашинувига нисбатан кам сонли бошқарув даражаси ва каналларга эга компания энг самарали бошқариладиган компания ҳисобланади.

Ахборот алмашинуви жараёнини такомиллаштириш.

Ахборотга бўлган эҳтиёж ва унинг оқимларини тартибга солиш раҳбарнинг мақсадлари ва у томондан қабул қилинадиган қарорларга кўп жиҳатдан боглиқ. Ҳар қандай ресурс сингари ахборот ҳам муайян ўлчовларга кўра таркиблантирилиши лозим. Шундан сўнг ҳар бир тоифа ахборот истеъмолчилари ва уни етказиб бериш каналлари аниқланиши зарур.

Корхонанинг фаолияти тўгрисида унинг ходимларини хабардор қилишнинг кенг тарқалган усули ахборот бюллетени ҳисобланади. Бундай бюллетенлардан бошқарув масалаларига доир таклифлар шарҳланган мақолалар, янги шартномалар, яқин ўртада истеъмолчиларга таклиф этилиши режалаштирилган янги маҳсулот турлари ва хизматлари ҳақидаги ахборотлар, раҳбариятнинг оддий ходимлар саволларига жавоблари ўрин олиши мумкин. Замонавий ахборот технологиялари бу каби бюллетенларни босма маҳсулот шаклида тайёрлаш ва тарқатишга ҳам, уларни Интернетда компания сайтларида жойлаштиришга ҳам имкон беради.

Тескари алоқа

Тескари алоқа тизимини яратиш орган ва бошқарув объекти ўртасидаги ўзаро ишлаш таъсирни таъминлашга имкон беради. Масалан, тўгридан-тўғри алоқа каналлари бошқарманинг мақсадли кўрсатмалари ва тезкор вазифаларини объектгача етказиб беради, тескари алоқа канали бўйича эса бошқарув органи бошқарув объектининг жорий ҳолати ҳақида ахборот олади.

Тескари алоқани ташкил этиш ҳам шахслар ўртасидаги, ҳам ташкилотдаги алоқа алмашинуви самарадорлигини жиддий оширишга имкон беради.

Шу муносабат билан бизнес соҳасида ахборот алмашинуви бўйича мутахассис бўлган профессор Филипп Льюис ёзади: "Самарали ахборот алмашинуви икки томонлама йўналган бўлиши лозим; тескари алоқа қай даражада хабар қабул қилинган ва тушуниб етилганини тушуниш учун зарур. Раҳбар унинг

барча айтганлари ва ёзганлари у ўйлаганидек аниқликда тушунилади, деб ҳисоблаши мумкин эмас. Раҳбар бундай пуч хаёлга суянса, ўзини ҳақиқатдан айириб қўйган бўлади, агар ходимлар билан тескари алоқа йўли тўсилган бўлса, раҳбар охир-оқибатда ажралиб ёки алданиб қолиши мумкин"[1].

Корхонадаги ахборот тизимининг самарадорлигини баҳолаш учун вақти-вақти билан ходимлар билан сўров ўтказиб туриш тавсия қилинади. Бу қуйидаги масалалар бўйича тўғридан-тўғри ахборот олиш мақсадида амалга оширилади:

- ходимлар фаолиятидан мақсад уларга аниқ етказилганми?
- улар қандай реал муаммога дуч келишмоқда?
- ходимлар иш учун зарур бўлган ахборотни ўз вақтида ва аниқ олмоқдами?
- уларнинг раҳбари таклифлар масаласига очиқ муносабатдами?
- ходимларнинг ишига таъсир кўрсатадиган бўлғуси ўзгаришлар тўгрисида улар хабардор қилинганми?

Замонавий ахборот технологиялари.

Маҳаллий компьютер тармоқлари, электрон почта тизими, видеоконференция ўтказиш имконияти зарур ахборотни офис ичида бўлгани каби бошқа минтақадаги адресатларга ҳам амалда ҳар қанақа шаклда бир зумда етказишга имкон беради. Интернет ресурсларидан эркин фойдаланиш чексиз имкониятларни очади.

Шундай бўлсада, ахборот ортиши муаммоси фақат кучайиб бормоқда. Бундан ташқари, ахборот муҳофазаси масалаларида янги жиҳатлар пайдо бўлмоқда.

90-95 фоиз барча зарур ахборотни очиқ манбалардан олиш мумкин, деган ҳаммага маълум фикрларга қарамасдан, амалда ҳар бир корхонада ёпиқ тоифага мансуб бирон-бир ахборот мавжуд бўлади. Корхона хавфсизлигини таъминлаш бўйича чоралар мавзуида ахборотни муҳофазалашнинг махсус тизими ишлаб чиқилади. Бундай тизим жавоб бериши зарур бўлган баъзи талабларни келтирамиз:

- ахборот хавфсизлиги тизими бошқарув тизимини лойиҳалаштириш чоғида яратилади ва у билан бирга тузатиб борилади;
- хавфсизлик тизими ахборотни муҳофаза қилишнинг қонунчилик, ташкилий ва техник усулларини бирлаштиради;
- хавфсизликка кетадиган харажат ахборот сизиши туфайли кўрилиши мумкин бўлган харажатдан кам бўлиши лозим;
- хавфсизлик тизими корхонани бошқариш ишида ортиқча қийинчиликларга олиб келмаслиги лозим.

[1]Philip G. Lewis. Approaching Precalculus Mathematics Discretely: Explorations in a Computer Environment, Paperback // The MIT Press. September, 1990, 0262620634.

7.1.3. Ахборотни бошқаришнинг ташкилий шаклларининг ривожланиши

Рақамлаштириш жараёнларининг жадал такомиллашуви билан таснифланадиган сўнгги йигирма йил ичида ахборотни киритиш ва сақлаш технологиясига, маълумотлар базаларини тўплаш ва ишлаб чиқишга асосий эътибор қаратилди; ахборот тузилмаси ва ахборотга ишлов бериш сифатига кам эътибор берилмоқда.

70-йилларда ахборотга ишлов беришнинг асосий ривож топиши бошқарув ахборот тизимларини яратиш йўналишида борди. 60-йилларнинг сўнгида пайдо бўлган ва раҳбарларни зарур ахборот билан таъминлаш борасида ўшанда "янги сўз" бўлиб кўринган ушбу тизимлар ўз ролини ўйнади. Улар раҳбарларнинг ахборотга бўлган эҳтиёжини тўғри англашга, дастлабки маълумотларни йиғиш, уларга ишлов бериш ва уларни сақлаш тизимини такомиллаштиришнинг асосий йўналишларини аниқлашга, ахборотга ишлов бериш технологияларини келгусида такомиллаштиришнинг асосий йўналишларини белгилашга имкон берди.

Бошқарув ахборот тизимларидан амалиётда фойдаланиш ҳисоблаш техникаси имкониятларини реал баҳолаш, фирма ичидаги ахборот тизимини ривожлантиришда асос тутиладиган асосий йўналишларнинг кучли ва заиф томонларини аниқлаш имконини берди.

Бу пайтлардаги бошқарув ахборот тизими самарадорлиги нисбатан паст бўлиб, бу ҳол ўшандаги ҳисоблаш техникасининг бир қадар чекланган имкониятлари билан изоҳланар эди. Шунга қарамасдан, йирик саноат фирмаларида уларни яратишга катта эътибор қаратилди. Бу ишга саноат фирмаларининг буюртмаси бўйича бундай тизимларни ишлаб чиқиш ва жорий қилиш билан шуғулланувчи ихтисослашган компанияларнинг маслаҳатчилари кенг жалб қилинди.

Ҳисоблаш техникаларидан фойдаланиш ва дастурий воситаларни ривожлантириш бўйича мутахассислар ахборот тизимларини яратишда асосий роль ўйнадилар. Алоҳида қайд этиш жоизки, ишлов берилган ахборотни сақлаш масалалари билан шуғулланувчи мутахассислар бу гуруҳга амалда жалб қилинмаган эди. Ушбу йиллардаги дастурий жамоалар фаолияти барча раҳбарлар даражасида қарорлар қабул қилиш жараёнига тўлиқ хизмат кўрсатувчи ахборотни тайёрлаш ва узатиш шаклидаги пировард натижага эришишга қаратилмаган эди.

Ахборот инфратузилмаси деганда, ахборотга ишлов бериш, уни сақлаш, жўнатиш ва топшириш учун юқори самарадорлик билан фойдаланиладиган техник воситалар йиғиндисини тушуна бошладилар. Ушбу воситаларнинг

таркиби ва миқдори барча даражадаги раҳбарлар томонидан сифат ва миқдор жиҳатдан ахборотга бўладиган талабга мувофиқ белгиланди. Бундай инфратузилма фирма ичидаги ахборотни бошқаришнинг бутун тизимининг техник асоси сифатида қарала бошланди. Унинг ташкил топиши, биринчи навбатда, фирмаларнинг ахборотга бўлган жами эҳтиёжини, унинг мазмунини аниқлашга, кейин эса шу асосда ахборотга ишлов бериш, уни сақлаш ва узатишни таъминлаш учун талаб қилинадиган техник воситаларни белгилашга, ушбу техник воситалардан имкон қадар тўлиқ фойдаланишга йўналтирилган принципиал жиҳатдан янги ёндошувни ўзида акс эттиради.

Корхона доирасида ахборот тизимини такомиллаштириш бўйича фаоллаштирилган иш ҳар томонлама илмий тадқиқотлар олиб боришни талаб қилди. Барча даражадаги раҳбарларнинг ахборотга бўлган жами эҳтиёжларини аниқлашга ва шу асосда ахборотга ишлов бериш учун талаб қилинадиган техник воситалари тузилмасини яратишга имкон берадиган махсус билимларни қўллаш зарурати туғилди.

Фирма ичида ахборот тизимини яратиш бўйича объектив заруратининг пайдо бўлиши бошқарувнинг янги ташкилий шаклларини ривожлантириш эҳтиёжини туғдирди. Айрим йирик саноат фирмалари ахборот тизимини бошқариш шаклидаги махсус бўлинмани ташкил қилишнинг мақсадга мувофиқлиги тўғрисида хулосага келдилар.

Ушбу бўлинмалар зиммасига қуйидаги вазифаларни юклаш кўзда тутилган:

• фирма ичидаги бошқарув тизимининг барча даражадаги ҳар бир раҳбарининг ахборотга бўлган эҳтиёжини аниқлаш; барча даражадаги раҳбарларнинг эҳтиёжини тўлиқ қондириш учун матнли ахборотларга ишлов бериш бўйича ҳисоблаш техникалари ва техник воситалардан фойдаланишнинг асосий йўналишларини белгилаш;

• ахборотни топшириш ва сақлаш, унга ишлов бериш техник воситаларини сотиб олиш ёки ижарага олиш ва улардан фойдаланиш бўйича бутун фаолиятни марказлашган тарзда режалаштириш;

• ҳар бир ахборот хабарининг ҳаёт муддатини ҳисобга олган ҳолда, ахборотни тайёрлашга кетадиган харажатларни аниқлаш, бунга ахборотни бериш ва сақлаш, унга ишлов бериш учун фойдаланиладиган техник воситалар амортизацияси билан боғлиқ харажатлар ҳам киради;

• ахборотга ишлов бериш, уни сақлаш ва узатиш харажатларини доимий пасайтириб бориш шароитида барча даражадаги раҳбарларни ахборотга бўлган эҳтиёжини янада тўлиқ қондириш имкониятларини мунтазам равишда излаш.

Ушбу вазифаларни ёлғиз ҳисоблаш марказлари кучлари билангина бажариш мумкин эмаслиги аён бўлганлиги сабабли, айрим йирик фирмалар қўшимча бўлинмаларни яратиш йўлидан бордилар, яъни:

• ахборотдан фойдаланишни таҳлил қилиш;
• барча ҳисоботлар ва маърузаларни тузиш устидан назорат қилиш;
• матнли ахборотга ишлов бериш;
• кўпайтирувчи техника;
• электрон почта орқали ахборот узатиш;
• телефон ва телевизион алоқани таъминлаш;
• материаллар ва эҳтиёт қисмлар билан таъминлаш;
• фирма ичидаги ахборотни сақлаш ва унинг ҳузурида ахборот материалларини узатиш гуруҳларини ташкил этиш.

80 йилларда асосий эътибор барча даражадаги раҳбарлар, мутахассислар ва инженерларнинг меҳнат самарадорлигини оширишга қаратила бошланди. Техник ривожланишнинг иккита муҳим йўналиши томонидан янги ёндошув таъминланди: биринчи йўналиш микропроцессорларнинг тез такомиллашуви, иккинчиси телекоммуникация тизимларини ривожи билан боғлиқ. Микропроцессорларни такомиллаштириш саноат корхоналари томонидан маъмурий-бошқарув соҳа ходимларининг меҳнат самарадорлигини оширишни таъминлайдиган янада унумдор идора жиҳозлари ишлаб чиқариш учун кенг имкониятлар очди. Телекоммуникация тизимини ривожлантириш рақамли ва матнли ахборотга ишлов беришнинг барча техник воситаларини фирма ичидаги ягона тармоққа бирлаштиришга имкон беради.

Кўрсатилган техник воситаларни бирлаштиришнинг мақсадга мувофиқлиги уларнинг ривожланиб бориши билан изоҳланади. Ҳисоблаш техникаси, унинг номидан кўриниб турганидек, дастлаб ҳисоблаш операцияларини амалга ошириш учун яратилган. Матнли ахборотларга автоматик тарзда ишлов беришга бўлган эҳтиёжнинг ўсиши билан ЭҲМни матнга ишлов беришга мослай бошладилар. 80-йилларнинг бошида йирик саноат корхоналарида ишлов берилган рақамли ахборотларнинг ҳажми фирма ичкарисида тайёрланган барча ахборотнинг фақат 10 фоизга яқинини ташкил қилди.

Катта ҳажмдаги маълумотлар ва матнли ахборотларга ишлов бериладиган фирма ва ташкилотларда ягона тизимга бирлаштирилган ҳисоблаш техникаларидан ҳам, матнли ахборотларга автоматик ишлов бериш воситаларидан ҳам бир пайтнинг ўзида фойдаланганда, энг катта самарага эришилади.

Алоқа тизимини қўллаш муҳим бўлганлиги туфайли баъзи йирик саноат фирмалари ахборот тизимини бошқариш доирасида ички алоқани ривожлантиришнинг унча катта бўлмаган гуруҳларини яратиш йўлидан бордилар. Унинг вазифасига фирма ичида юқори самарали алоқа тизимини яратиш кирар эди. Бу алоқа тизими рақамли ва матнли ахборотга ишлов беришнинг мавжуд барча техник воситаларини ўзида бирлаштирган эди.

Мавжуд мутахассислардан ахборот тизимини такомиллаштириш бўйича маслаҳатчи сифатида фойдаланиш масаласига катта аҳамият берила бошланди.

Хусусан, маълумотларга автоматик ишлов бериш бўйича мутахассислардан ахборот тизими маслаҳатчилари тайёрлана бошланди.

Айни пайтда мақсадли гуруҳларнинг шаклланиши ва маслаҳатчи сифатидаги мутахассисларнинг ажратилиши билан ахборот узатиш, уни сақлаш ва ишлов бериш соҳасида банд бўлган ходимларнинг малакасини ошириш бўйича фаол ишлар ташкил қилинди. Бу барча даражадаги раҳбарларнинг ахборотга бўлган эҳтиёжини қондириш мақсадида кўрсатилган соҳада мавжуд техник воситалардан тўлиқ фойдаланишни таъминлашга қаратилган эди.

Ҳужжат тушунчаси ва бир-бирига яқин терминлар маъносини очиш.

Асосий кўриб чиқилаётган тушунча, шубҳасиз, ҳужжатдир. Бу термин лотинча «document" сўзидан олиган бўлиб, "исботлаш (далиллаш) усули" деган маънони англатади.

"Ахборот, ахборотлаштириш ва ахборот муҳофазаси тўғрисида"ги Қонунда "ҳужжат" тушунчаси моддий ташувчига уни айнанлаштиришга имкон берувчи реквизитлари билан қайд этилган ахборот сифатида таърифланади.

Муайян соҳада қўлланадиган ўзаро боғлиқ ҳужжатлар йиғиндиси ҳужжатлар тизимини ташкил қилади. Саноат ва ишлаб чиқариш корхоналарида режалар, жадваллар, чизмалар каби ҳужжатларни, банкларда эса тўлов ҳужжатларини ўзаро боғлаш тизими мавжуд.

Кўпинча "иш юритиш", "ҳужжат айланиши", "электрон архив", "ишга доир тадбир (процедура)лар" тушунчалари оғзаки нутқда маънодош сўзлар каби ишлатилади.

Бошқарувни ҳужжат бидан таъминлаш ва ҳужжат айланиши доирасида учрайдиган таянч тушунчаларни таснифлаш, асосий таърифини бериш ва миллий ҳужжат айланишининг ўзига хос асосий хусусиятларини тавсиф қилиш мумкин. Яъни, ҳужжат айланиши – бу ҳужжатларнинг ҳаракатланиши бўлиб, ўзида уларни тузиш пайтидан бошлаб ижросининг якунланиши, адресатга жўнатилиши ҳамда архивга топширилишигача бўлган жараёнларни қамраб олган тизимдир.

Ҳужжатлар ҳаракатланишининг асосий кўрсаткичларидан бири ҳужжатлар айланишининг ҳажми – корхонага келиб тушадиган ва муайян даврда улар томонидан тузиладиган ҳужжатлар сони ҳисобланади.

Ҳужжатлаштириш ҳужжатлар яратишни, яъни уларни тузиш, расмийлаштириш, мувофиқлаштириш ва тайёрлашни ўзида акс эттиради.

Бошқарувни ҳужжат билан таъминлаш (БҲТ) ҳужжатлаштириш, бошқарув жараёнида ҳужжатлар билан ишлашни ташкил қилиш масалаларини ўз ичига олади.

Архив – бу ўтмишга оид ҳужжатли ахборотлардан фойдаланиш мақсадида ҳужжатларни қабул қилиш ва сақлашни амалга оширадиган ташкилот ёки таркибий бўлинмадир.

Электрон архив – бошқарувни ҳужжат билан таъминлаш (БҲТ) доирасида электрон ҳужжатларни архив ҳолида сақлашни тизимлаштириш ва ташкил этишдир.

Иш юритиш – корхона ёки ташкилот бошқарувини ҳужжат билан таъминлаш (БҲТ), ҳужжатларнинг архив ҳолда сақланишини тизимлаштириш, ҳужжатларнинг ҳаракатланишини, уларни излаш, топиш ва улардан фойдаланишни таъминлаш бўйича комплекс чора-тадбирлар тизимидир.

Ишга доир тадбирлар – корхона ёки ташкилот фаолияти доирасида бирор-бир масалани ҳал қилиш учун ташкилот ходимлари томонидан амалга оширилган муайян операцияларнинг изчиллигидир.

Агар мутахассислар томонидан ишлаб чиқилган БҲТ жараёнини умумлаштирилса, у ҳолда ҳужжат айланиши жараёнини алоҳида фан ёки предмет сифатида тавсифлаш мумкин.

Ҳужжат айланиши турлари.

Иш юритишнинг таркиб топган жараёнларини муҳокама қилишдан аввал яна бир неча тушунчаларни кўриб чиқамиз. Одатда марказлаштирилган, номарказлаштирилган ҳужжат айланиши ва таркибий бўлинма даражасидаги ҳужжат айланиши фарқланади.

Марказлаштирилган ҳужжат айланишига марказлашган рўйхатга олишга тегишли барча ҳужжатлар киради. Марказлаштирилган ҳужжат айланишини таъминлашга, одатда, махсус бўлинма жавоб беради, барча тузилмавий бирликлар эса ягона тасдикланган қоидалар бўйича ишлайди.

Номарказлаштирилган ҳужжат айланишида марказий аппаратда тузилган қоида ва методикалар мустақил тузилмавий бирликларда уларнинг фаолият хусусияти ёки шаклланган анъаналарига мувофиқ ўзгартирилиши мумкин. Фақат таркибий бўлинмаларда ҳисобга олинадиган ҳужжатлар таркибий бўлинма даражасидаги ҳужжат айланишини ташкил қилади.

Марказлашган ҳужжат айланишини ташкил этувчи ҳужжатларнинг уч асосий турини ажратишимиз мумкин:

• раҳбарлар ёки таркибий бўлинмалар томонидан чиқариладиган ички ҳужжатлар;

• таркибий бўлинмалар томонидан ташқи ташкилотларга жўнатиш учун тузиладиган чиқувчи ҳужжатлар;

• ташқи ташкилотлардан келиб тушувчи кирувчи ҳужжатлар.

Ҳужжатлар турларининг сони чегараланмаган ва улар корхонанинг хусусиятига, шунингдек, ишлаш, излаш ва сақлашда қулайлик учун саралаш қоидаларига боғлиқ. Масалан, ҳужжатлар турларига молиявий, конструкторлик ва маркетингга оид ва бошқа ҳужжатларни киритиш мумкин.

Ички ҳужжатлар марказлашган ҳужжат айланишининг анча катта қисмини ташкил қилади. Улар каторига фақат корхонанинг ичида фойдаланиш учун мўлжалланган ташкилий-бошқарувчиликка оид ҳужжатлар киради.

Ички ҳужжатларни тузиш чоғида ижрочилар қуйидаги амалларни бажарадилар:

- ички ҳужжат лойиҳасини тайёрлаш;
- ҳужжат бўйича келишувни таъминлаш;
- тасдиқлатиш;
- рўйхатдан ўтказиш;
- бўлинмаларга тарқатиш;
- ҳужжат ижросини назорат қилиш.

Ички ҳужжатлар лойиҳаси таркибий тузилмалар ёки алоҳида ижрочилар томонидан тайёрланиши мумкин.

Ички ҳужжатлар бўйича қуйидаги операциялар олиб борилади:

- бирламчи ишлов бериш;
- рўйхатдан ўтказиш;
- раҳбар назоратидан ўтказиш ва резолюциялаш;
- таркибий тузилмада таништириш ёки ижро этиш;
- ижро устидан назорат, ҳужжатлар устидан назорат;
- ижронинг боришини кузатиш.

Юқорида биз ҳужжатларнинг уч асосий турини ва уларнинг ҳаракатланиш йўналишларини кўриб чиқдик. Энди уларнинг ҳаракатланишини тўғри белгилаш жараёнларини кўриб чиқамиз.

7.1.4. Ҳужжат айланишини бошқарув усуллари

Ҳар қандай жамоанинг тегишли равишда ташкил қилинган ва мақсадга йўналтирилган иши бошқарув усулларини тўғри танлаш ва тўғри қўллаш орқали таъминланади.

Бошқарув усули – бу қўйилган мақсадларга эришиш учун бошқарув тизимининг – (бошқарув субъектининг) бошқарилаётган тизимга, яъни бошқарув объектига (ходим, жамоа, ташкилий-иқтисодий бошқарув объектига) таъсир этиш усулидир.

Одатда бошқарув усуллари ва бошқарув жараёни усуллари фарқланади. Бошқарув усуллари бошқарув жараёнига таъсир этишнинг тугалланган жараёнини тавсифлайди; бошқарув жараёни усуллари томонидан фақат айрим ишларгина бажарилади. Шунингдек, тўгридан-тўғри (бевосита) ва билвосита таъсир этиш, расмий ва норасмий усуллар ҳам фарқланади. Тўғридан-тўғри (бевосита) таъсир этиш усулларидан фойдаланганда таъсир этишнинг бевосита натижаларини олиш кўзда тутилади; билвосита таъсир этиш усуллари ёрдамида юқори натижаларга эришиш учун шароитлар яратилади. Расмий ва норасмий таъсир кўрсатиш усулларининг нисбати бошқариш услубининг ўзига хос хусусиятларини акс эттиради.

Агар барча бошқарув занжири олиб қаралса, бошқарув усули унинг охирги халқаси саналади, буни қуйидаги тарзда ифодалашимиз мумкин:

Иқтисодий қонун => тамойиллар => бошқарув усули

Усуллар барчадан кўра бошқарув амалиётига яқин туради. Улар ташкилот олдига қўйган мақсадларга эришишда ходимларнинг ташаббускорлиги ва манфаатдорлигини оширишга ёрдам беради. Раҳбарлар (менежерлар) иқтисодий, ташкилий-бошқарувчилик, тарбиявий ва ижтимоий-психологик усуллардан, шунингдек, маркетинг ва назоратдан фойдаланадилар. Ушбу усулларнинг ҳар бир гуруҳи ўзининг аниқ вазифаси ва мазмунига эга.

Иқтисодий усуллар.

Бошқарувнинг иқтисодий усуллари асосини товар-пул муносабатлари, ҳар бир ходимнинг ўз меҳнати натижаларидаги моддий манфаатлари ташкил қилади. Улар жамоаларни ўз мақсадларига кам харажатлар сарфлаш орқали эришишга ундайди.

Бошқарувнинг иқтисодий усуллари гуруҳини режалаштириш, бюджетлаштириш, хўжалик ҳисоб-китоби, ўзини-ўзи маблаг билан таъминлаш ва баҳо белгилаш кабилар ташкил этади.

Режалаштириш ёрдамида жамоанинг келгуси даврдаги мақсадлари, уларга эришишнинг йўл ва воситалари белгиланади.

Режалаштириш жамоа фаолиятининг турли даврларини қамраб олиши мумкин ва шу асосда келгуси (стратегик) режалаштириш ва жорий режалаштиришларга бўлинади.

Бошқарувнинг бюджет усули режалаштириш билан зич туташган бўлади. Ушбу усулнинг асосини қуйидагилар ташкил қилади:

• келгусида корхона фаолияти амалга ошириладиган ва унинг асосий даромад манбалари ҳақида олдиндан тасаввур берадиган шарт-шароитларни тавсифловчи башоратлар (прогнозлар) йиғиндиси;

• меъёрдан четга чиқишлар содир бўлган иш участкалари учун бевосита жавобгар бўлган ходимларнинг четга оғишлари тўғрисида тезкор хабар.

Хўжалик ҳисоб-китоби корхона жамоаси фаолиятини бошқаришнинг энг муҳим иқтисодий усулларидан бири ҳисобланади. Хўжалик ҳисоб-китобининг асосий тамойиллари қаторига қуйидагилар киради:

• корхонанинг алоҳида бўлинмалари жамоаларига зарур ишлаб чиқариш воситаларини бириктириш;

• ҳар бир бўлинма жамоасига ўзининг жорий фаолиятини амалга оширишда муайян мустақиллик бериш;

• ички ҳисоб-китоб баҳоларини белгилаш;

• корхонанинг ҳар бир бўлинмаси хўжалик ҳисобидаги фаолиятига мунтазам якун ясаб бориш;

• хўжалик ҳисобидаги бўлинманинг ўз фаолияти натижалари учун моддий жавобгарлиги;

• мазкур бўлинма ходимларини хўжалик ҳисобидаги фаолиятида эришилган натижалари учун моддий рағбатлантириш.

Ўзини ўзи маблағ билан таъминлаш хўжалик ҳисоби билан зич алоқага эга. Унинг асосини ўз ҳаражатларини ўзи қоплаш ташкил қилади. Аммо ўз харажатларини ўзи қоплашнинг ўзини ўзи маблаг билан таъминлашдан принципиал фарқи шундаки, ўзини ўзи маблағ билан таъминлашда корхона ишлаб чиқариш ва хўжалик фаолияти билан боғлиқ бўлган жорий харажатларнинг барча турларини нафақат қоплашга, шу билан бирга, ишлаб чиқаришни кенгайтириш, қайта қуриш, техник қайта жиҳозлаш учун ҳам мустақил равишда пул топиши лозим.

Баҳо белгилаш (маҳсулотга баҳо белгилаш) деганда, иқтисодий қонунларнинг амал қилишини, хўжалик сиёсати ва тадбиркорлик манфаатларини ҳисобга олган ҳолда баҳо белгилаш жараёни тушунилади.

Аммо, амалий фаолиятда қўлланилаётган бошқарув усуллари, одатда, комплекс ташкил қилинган бўлиб, улар бир вақтнинг ўзида иқтисодий манфаатдорлик, моддий ва маънавий рағбатлантириш, ижтимоий-психологик омилларни ҳисобга олади. Шу билан бирга айрим усуллар аниқ вазиятларда бир-бирини тўлдиради, турли омилларнинг бошқарув объектига таъсирини комплекс равишда белгилашга имкон беради. Бундай шароитда барча даражадаги менежерлар бошқарув усулларини комплекс равишда эгаллаб олишлари, аниқ бир шароитда айнан энг самарали бўлган усулни тўғри танлай билишлари ва қўллашлари зарур. Ушбу ўринда бошқарув ҳужжатларини электрон ҳолда тайёрлаш ва айланишини ташкил этиш муҳим аҳамият касб этади.

Электрон ҳужжат айланиш тизимининг тузилиш тамойиллари

Электрон ҳужжат айланиши тизимининг тузилиши ва ундан фойдаланишнинг умумий тамойилларини 13-жадвалда кўрсатилган тарзда ифодалашни мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз.

Амалий жараён нуқтаи назаридан таъриф берсак – компьютерлашган тизим бирон-бир ишни бажариш чоғида амалга ошириладиган ҳаракат ёки қўйиладиган қадамларнинг изчиллигидир, бошқача айтганда, амалий жараёнларни электрон тарзда бажариш — бу турли фойдаланувчиларнинг алоҳида ҳаракатлари ва қадамларини ягона, узлуксиз жараёнга боғлайдиган тизимни яратишга имкон берувчи технологиядир.

13-жадвал

Ахборот технологиялари асосида корхонани бошқариш тизими тузилишининг умумий тамойиллари.

Тамойил	Тавсиф
Кенг кўламлилик	Бошқарув тизимининг фойдалаувчилар сонидан қатъий назар самарали ишлаши, шунингдек тегишли дастурий таъминот ҳисобига кенгайтириш имконияти
Тақсимлаш	Ҳужжатлар билан ишлашда асосий муаммолар ҳудудий бўлинган ташкилотларда юзага келади. Ҳужжат айланишларнинг архитектураси ташкилотнинг бошқа филиалларини боглаганда тезлиги, алоқа каналининг сифати бир-бирига мос келиши шарт. Шунингдек архитектура тизими бошқа фойдаланувчиларни ҳам боғлаш имкониятига эга бўлиши керак.
Қолипланганлик	Ҳужжат айланиш тизими интеграллашган модуллардан ташкил топиши керак. Корхона бошқарув вазифаларини ечиш ва ҳужжатлар айланишида алоҳида модуллардан фойдаланиши мумкин.
Очиклик	Бошқарувни ахборот ва ҳужжатлар айланиш тизими турли тизим ости бошқарув бўғинлари билан богланган бўлиши. Масалан, бухгалтерия дастурлари билан боғланиш имконияти.

Ўтган асрнинг 80-йиллари бошида янги ахборот технологиялари юзага келди ва жадал ривожлана бошлади. Улардан ҳозирги ҳужжат айланишининг компьютерлаштириш тизимида муваффақият билан фойдаланилмоқда, хусусан:

• Imaging System[1] – ҳужжатлар тасвирига ишлов бериш технологиялари. Улар қоғоз ҳужжатларнинг график кўринишларини киритиш, ишлов бериш, сақлаш ва излаш учун мўлжалланган.

• Optical Character Recognition System[2] – белгиларни оптик таниб олиш тизими. OSRни қўллаш қоғоз ҳужжатларни матнли файл кўринишидаги электрон шаклга айлантиришга имкон беради. OSR тизими вараққа нашр қилинган ҳужжатдан ёки факс орқали келган ҳужжатдан электрон нусха олишга имкон беради;

• Document Management System (DMS)[3] – ҳужжатларни бошқариш тизимлари (ҲБТ), ишга алоқадор ҳужжатлардан фойдаланиш ҳукуқини тизимлаштириш воситаси. Улар ҳужжатларни излаш ва сақлашни автоматлаштириш, шунингдек, турли форматдаги ҳужжатларни, шу жумладан, ҳужжатлар тасвирларини бошқариш учун мўлжалланган. Айтиш мумкинки, ҲБТ таркиблашмаган ахборот учун амалда Ҳужжатлар хавфсизлигини бошқариш тизими (ХХБТ) ролини ўйнайди;

• Full – Text System[4] – маълумотларнинг тўлик матнли базалари. Улар ёрдамида ахборотни индекслаш ва излаш амалга оширилади;

• Иш жараёнларини автоматлаштириш тизимлари (ИЖАТ) маълум йўналишдаги бизнес жараёнларни лойиҳалаш ва ташкил этиш воситаси

[1]IDC, IBM Special Software Project Report, 2002.
[2]IDC, IBM Special Software Project Report, 2002.
[3]IDC, Collaborative Applications Market Forecast and Analysis, 2000- 2003.
[4]IDC, 1999 Knowledge Management Survey.

– Work Flow System. Бу тизимлар турли бизнес жараёнларнинг боришида жамоавий ишлов беришнинг мураккаб амалий тизимларини яратиш учун мўлжалланган. Корхонадаги ҳужжат оқимлари мавжуд бизнес-жараёнларга ва уларнинг биргаликда ишлашини регламентга солишга боғланади. Ҳужжатнинг барча иш ўринлари бўйича аниқ йўналиши олдиндан ёзиб қўйилади, ҳар бир ҳаракатланиш нуқтасида фойдаланувчиларнинг ҳужжатга бўлган ҳуқуқи белгиланади. Ҳужжат эркин йўналтирилганда, ижрочи ҳужжатнинг кейинги ҳаракатланишини белгилаши мумкин;

• Groupware[1] – ишчи гуруҳлар учун дастурий таъминот, ижрочиларнинг электрон жиҳатдан ўзаро боғланган фаолияти, жамоавий иш учун яхлит ҳолга келтирилган муҳит. Уларнинг фаолият хусусиятига кўра доимий ахборот алмашинуви талаб қилинадиган корхона ва ходимлар учун мўлжалланган. Ҳужжатларни сақлаш, уларни кўриб чиқиш ва улардан биргаликда фойдаланиш вазифаларини амалга оширади;

• Long – term Storage[2] – маълумотларни узоқ муддатга сақлаш учун ихтисослаштирилган жиҳозлар ва дастурий таъминот.

Ҳар бир технологик гуруҳнинг маҳсулотлари алоҳида масалаларни ечади. Аммо турли гуруҳлар маҳсулотларини таққослаш мумкин эмас (худди матнли ва график редакторларни қиёслаш маъносиз бўлганидек). Бундан ташқари, тизимни у ёки бу гуруҳга киритиш шу билан қийинлашадики, ҳар бир алоҳида олинган маҳсулот "соф кўринишда" бажарилган бўлиши шарт эмас ва бир неча технологик усулларни ўз ичига олган бўлиши мумкин.

Ишга доир фаолият сингари амалий жараёнларни автоматлаштириш ҳам ҳар бир корхона учун ўзига хосдир. Таъминотчи фақат "ёрдамчи" технологияларни таклиф қилиши мумкин. Шундай бўлсада, бу технологиялар кўп вазифали бўлиб, ҳаридорлар уларни қўллаш усулини ўзлари аниқлаб олишлари лозим.

Шундай қилиб, ишга доир жараёнларни автоматлаштириш ҳаридорга унинг ташкилоти учун зарур бўлган амалий жараёнларни автоматлаштириш қўлланмасини яратишга ёрдам берадиган технологияни ўзида ифода этади.

Намунавий операциялар.

Корхоналарда марказлашган (махсус бўлинма) ва номарказлашган (бевосита таркибий бўлинмаларда) ҳужжат айланиши амалга оширилади.

Йирик корхоналарда таркибий бўлинма мавжуд бўлиб, унда раҳбар резолюцияси лойиҳаси масъул ижрочилар фамилиялари, ҳужжатни ижро этиш бўйича вазифаларнинг қисқача мазмуни ва ижро муддати кўрсатилган ҳолда тайёрланади. Мураккаб резолюциялар бир неча банддан иборат бўлади, улар турли ижрочиларга йўлланган бўлиб, турли назорат муддатларига эга бўлади.

[1]IDC, Collaborative Applications Market Forecast and Analysis, 2000- 2003.
[2]IDC, 1999 Knowledge Management Survey.

Раҳбар ижро ёки танишиб чиқиш учун ҳужжатни имзолайди. Ҳужжат раҳбарият томонидан кўриб чиқилгач, масъул ижрочи қайд этиш карточкасига киритади.

Ҳужжатдан нусха олинади ва тилхат билан бажариш учун таркибий бўлинмага берилади. У ерда бошқа ходимга – бевосита ижрочига берилиши мумкин. Бундай вазиятда қайд этиш карточкасига янгидан белги киритиб қўйилади.

Қоида бўйича, ҳужжатнинг ижросини таъминлаш — бу унга жавоб ҳужжати лойиҳасини тайёрлаш ва уни ҳам ижрочилар билан мувофиқлаштиришдир. Ҳам ижрочилар ҳужжатни тайёрлаш бўйича масъул ижрочига ҳужжатни тайёрлашга доир ўзларининг таклиф ва мулоҳазаларини билдирадилар. Ҳужжат лойиҳаси унга резолюция қўйган муаллифлар ва ҳамижрочилари билан мувофиқлаштирилади. Кирувчи ҳужжатга жавобни у қайси раҳбар номига келган бўлса, ўша раҳбар ёки ҳужжат лойиҳаси яратилган бўлинма раҳбари ёзади.

Ижро интизоми ҳужжатларни ижро қилиш муддатига қатъий риоя қилишни назорат этишни ўз ичига олади.

Резолюция қўйилиб, ижрочига келиб тушган ва бажариш муддати кўрсатилган ҳужжатлар назоратга қўйилиши лозим. Ҳужжатларнинг бажарилиши устидан назорат ҳам ижрочилар, ҳам таркибий бўлинмада иш юритишга жавобгар бўлган ходимлар томонидан амалга оширилади.

Йирик корхоналарда махсус таркибий бўлинма мавжуд бўлиб, унинг вазифасига ҳужжатларни назоратга қўйиш, уларнинг бажарилишини кузатиб бориш, раҳбарият учун иш юритилишига доир ҳисоботларни тайёрлаш, ижро ҳужжатларини назоратидан олиш кабилар киради.

Махсус назорат бўлинмаси ёки ҳужжат айланиши учун жавобгар ходим ҳар чоракда назоратдаги топшириқларнинг бажарилиши (ҳужжат турларига кўра), шунингдек, олинган ва жўнатилган хатлар тўғрисида раҳбарга ҳисобот тайёрлайди ва тақдим қилади.

Ҳужжат лойиҳалари амалдаги қонунларга мувофиқ тузилган, барча манфаатдор бўлинмалар билан келишилган, раҳбар томонидан виза (устхат) қўйилган бўлиши зарур. Ҳужжат охирида ушбу ҳужжатлар лойиҳаларини тузишда асос бўлган материаллар илова қилинган бўлиш лозим.

Хизмат иерархиясига мувофиқ раҳбарлар турли тоифадаги ҳужжатларни мазкур корхонада амал қилинаётган (иш юртиш йўриқномасида қайд этилган) тартибга кўра имзолайдилар.

Тегишли тарзда тузилган ва раҳбар томонидан имзоланган чиқиш ҳужжати иш юритиш учун масъул бўлган ходимга (ёки таркибий бўлинмага) қайтарилади.

Ташкилотдан чиқувчи барча ҳужжатлар жўнатилаётган ҳужжатларга қайд этиш рақами берилиб, албатта рўйхатдан ўтказилиши керак.

Биз ҳужжат айланишини – ҳужжатлар билан ишлашни ташкил қилиш, ҳужжатларни тузиш ёки олишдан бошлаб, ижросини якунлаш ёки жўнатишгача бўлган вақтдаги уларнинг ҳаракатланишини таъминлаш, уларнинг ижро этилишини назорат қилиш масалаларини кўриб чиқдик. Ҳужжат айланиши яна иккита вазифани ўз ичига олади: ҳужжатлаштириш ва архивлаштириш.

I БОБ. ЭЛЕКТРОН ТЕХНОЛОГИЯЛАР АСОСИДА КОРХОНАЛАРДА ҲУЖЖАТ АЙЛАНИШИНИ БОШҚАРИШ ТИЗИМЛАРИНИ ЯРАТИШ УСУЛЛАРИ ВА ЖАРАЁНЛАРИ

Ҳар қандай ҳужжат инсон томонидан ва инсон учун яратилади. Шу боис фойдаланувчилар сонини кўпайтириш ахборот тизимларини яратиш ва уларни татбиқ қилишнинг мураккаблигига қанчалик таъсири борлигини тушуниш керак. Тизимларнинг умумий назариясидан шу нарса маълумки, мураккаблик тизимдаги алоқалар сонининг кўпайиши билан ортиб боради. Биз учун "Инсон-Инсон", "Компьютер-Компьютер" ва "Инсон-Компьютер" каби муносабатлар муҳим ҳисобланади. Албатта, ҳақиқий лойиҳада ахборот тизимини яратиш ва татбиқ қилиш мураккаблиги тизим вазифалари, лойиҳа топшириғини таснифлаш, ташқи муҳит, лойиҳа бюджети каби кўплаб омилларга ҳам боғлиқ.

Модомики бизни асосан инсон омилининг таъсири қизиқтирар экан, ҳозир "Компьютер-Компьютер" алоқа тури кўриб чиқилмайди. Барча изоҳларга таяниб, фойдаланувчилар ўзаро муносабатларининг турли характери ҳамда тизимдаги алоқалар сонининг фойдаланувчилар сонига боғлиқлигининг турли даражаси билан фарқ қиладиган ахборот тизимларининг учта турини ажратиб кўрсатишимиз мумкин.



28-расм. Ахборот тизимлари фойдаланувчиларининг ўзаро муносабатлари турлари

28-расмда тизимларнинг уч тури: ягона "инсон-компьютер" алоқаси мавжуд бўлган биринчи тартибдаги тизим; кўплаб инсон-компьютер алоқалари мавжуд бўлган иккинчи тартиб ҳамда барча алоқа турлари иштирок этувчи учинчи тартиб кўрсатилган.

Фойдаланишдан олдин корхона бошқарувида ҳужжат айланишининг электрон тизимларидан фойдаланиш пайтида коммуникация тизимларини танлаш масаласи туради.

7.2.1. Ҳужжатларни бошқаришнинг электрон тизимлари таснифи

"Ҳужжатларни электрон бошқариш (ҲЭБ) тизимлари эркин фойдаланишни юзага келтириш ва уни бошқариш жараёнини ҳамда компьютер тармоқларидаги кўп ҳажмли ҳужжатларнинг тарқалишини, шунингдек ташкилотда ҳужжатлар оқими устидан назорат ўрнатилишини таъминлайди. Кўпинча мазкур ҳужжатлар махсус сақланадиган жойларда ёки файлли тизимларда сақланади. Қоида бўйича, ҲЭБ тизимларини қўллаб-қувватловчи файл турлари матнли ҳужжатлар, намуналар, электрон жадваллар, аудио-видео маълумотлар ҳамда Web ҳужжатларини ўз ичига олади. ҲЭБ тизимларининг умумий имкониятлари ҳужжатларни яратиш, фойдаланишни бошқариш, ўзгартириш ва хавфсизлик ҳисобланади".

Тарихан ҳужжатларни бошқариш тизимлари вертикал ҳолатда бўлиб, улар бир-бирига яқин жойлашган ҳудудларда ишловчи кичик мутахассислар гуруҳлари томонидан фойдаланиш учун ишлаб чиқарилган ва кучли таркиблаштирилган ҳужжатлар ҳисобланар эди.

Замонавий корхоналарда ҳужжатларнинг тарқалиш тизими, улардан фойдаланиш талаблари ва ҳамкорликда ишлаш зарурийлиги доимий равишда ўсиб бормоқда. Катта қийматга эга бўлган ахборот материаллари ҳар куни юзага келади, глобал тармоқларга жойлаштирилади, турли малакали жамоаларда оммалашиб кетади. Расмийлаштирилган ҳужжатлар фақатгина мутахассислар учун очиқ бўлиб, корпоратив билимлар сифатида ортиқ хизмат кўрсата олмай қолди.

Бугунги корхоналар 14-жадвалда ифодаланган қуйидаги талабларга жавоб берадиган ҳужжатлар бошқарувининг ҳақиқий такомилланган архитектурасини ташкил этишни талаб қилади.

14-жадвал

Ҳужжатлар бошқаруви тизими архитектурасига қўйиладиган талаблар[1]

Талаблар	Тавсиф
Тизимни кенгайтириш имконияти	Корпоратив бошқарувни иқтисодий самарадорлигини таъминлаган ҳолда, кенг кўламлиликни ва ишончлиликни таъминлаш тамойили.
Бошқарувни автоматик тақсимлаш	Ҳужжатларни тайёрлаш, таҳлил этиш, тасдиқлаш, тарқатиш, бажариш ва архивлаш жараёнларининг барчасини автоматик тарзда бошқарилишини таъминлаш.
Бошқарувнинг мослашувчанлиги	ҲЭБ тизимидан стандарт ва ностандарт ҳужжатларни тайёрлаш ва бошқаришда фойдаланиш имконияти, тизимни алоқа каналлари ва электрон почта орқали узатишга мослаштириш.
Киришнинг тезкорлиги	Ҳужжатларга интернет ва бошқа тизимлар орқали тез кира олиш имконияти.
Очиқ кенгаювчи архитектура	Бундай архитектура корхона ташқи ва ички муҳит ўзгарганда тезликда ҳужжатларни бошқариш имкониятини кенгайтиришга шароит яратади.
Технологияларнинг осон қўлланиши	ҲЭБларга ўзгартириш киритмасдан корхона бошқарувида кенг имкониятли электрон технологиялардан фойдаланиш.

Ҳужжатларнинг тақсимланган, кенгайтирилган бошқаруви ходимларнинг меҳнат унумдорлигининг ошишига, ташкилотнинг умумий рақобатбардошлик қобилиятининг кучайишига олиб келади. Ҳужжатларни корпоратив бошқариш корпоратив маълумотларни бошқариш бўйича инновацияларни ҳаётга татбиқ қилиш йўлида муҳим қадам ҳисобланади.

Ҳужжатларни электрон бошқариш (ҲЭБ) воситаларининг бозорини олти туркумини ажратиб кўрсатиш мумкин. Натижада айрим маҳсулотлар бир вақтнинг ўзида бир қанча туркумларга мос келади ҳамда турли туркумлардаги маҳсулотлар учун характерли бўлган имкониятларга эга бўлади.

Масалан, Lotus Domino.Doc[2]. гарчи бунда иш йўналиши Domino workflow[3] каби маҳсулот билан бирикканида кенг имкониятларга (workflow) эга бўлсада, у ҳақли равишда ҲЭБнинг корпоратив тизимлари туркумига киритилган.

---

[1]Муаллиф томонидан тузилган

[2]http://www.novosoft.ru/solutions/lotus_solutions_doc. Ушбу тизим хужжатларни архивлаштириш ва архивдан кидириш, жойлаштириш, қайта ишлашга асосланган.

[3]http://www.intertrustsib.ru/its.nsf/w1/Lotus_Workflow. Корхона масштабида хужжатларни бошкариш жараёнларига мўлжалланган тизим

Бунинг устига ишлаб чиқарувчи етакчи фирмалар доимий равишда ўз маҳсулотларининг вазифаларини такомиллаштириб бориши ҳисобига ҳам вазият мураккаблашаверади.

Қуйида ҲЭБ технологиялари туркумлари ҳар бир турдаги энг машҳур маҳсулотлар ва таъминотчиларнинг намуналари билан келтирилган (15-жадвал).

15-жадвал

Категория номи	Инглизча қабул қилинган номи	Фойдаланган йўналишлар	Ишлаб чиқарувчи фирма
1) Бизнес-жараёнлар учун мўлжалланган ҲЭБ тизимлари	Businness-process EDM	Documentum FileNet	Panagon Watermark
2) ҲЭБнинг корпоратив тизимлари	Enterprise-centric EDM	Domino.Doc Group Wise Live Link	Lotus Novell Opent Text
3) Контентни бошқариш тизимлари (ахборотни етказиб бериш ва назорат қилиш)	Content managment	Excalibur	Adobe
4) Ахборот бошқаруви тизимлари	Information managment	Excalibur Context PC DOCS Domino/ Notes K-station	Adobe Oracle Fulcrum Lotus
5) Намуналарни бошқариш тизимлари	Imaging		
6) Ишлар оқимини бошқариш тизимлари	Workflow managment	Domino/ Notes Domino/Workf Low FileNet	Lotus Watermark

Юқорида санаб ўтилган технологияларнинг ҳар бир туркумининг фарқланувчи белгиларига батафсил таъриф берамиз.

1. Бизнес-жараёнлар учун мўлжалланган ҲЭБ тизимлари, қоида бўйича, ўзига хос вертикал ва горизонтал қўшимчалар учун кўзда тутилган бўлиб, баъзан улардан муайян соҳаларда фойдаланиш ҳам эътиборга олинади. Одатда, мазкур қарорлар намуналар билан ишлаш, ишлар оқими ва ёзувларни, контент ва ш.к.ларни бошқариш технологияларини қамраган ҳолда ҳужжатлар билан ишлашнинг доимий циклини таъминлаб туради.

2. ҲЭБнинг корпоратив тизимлари ҳужжатлар устида ҳамкорликда ишлаш ва қоида бўйича, ташкилотдаги барча фойдаланувчиларга очиқ бўлган нашр ишларини ташкил қилиш учун корпоратив инфратузилмани таъминлаб беради. Мазкур тизимларнинг асосий имкониятлари бизнес-жараёнларга мўлжалланган тизимларга ўхшашдир. Фойдаланиш ва тарқалиш усули уларнинг фарқланувчи хусусиятлари саналанади. Бундай

воситаларга ўхшаш бўлган матн муҳаррири, электрон жадваллар ва ҲЭБнинг корпоратив тизимлари кабилар ташкилотда ҳужжатлар яратиш ва уларни нашр қилиш учун стандарт "доимий қўшимча" ҳисобланади. Қоидага биноан, ушбу воситалар қандайдир муайян соҳада фойдаланиш ёки тор доирада белгиланган вазифаларни бажариш учун мўлжалланмаган. Улар умумий корпоратив технологиялар сифатида таклиф қилинади ва татбиқ қилинади, ҳар қандай туркумдаги фойдаланувчи улардан эркин фойдаланиши мумкин (биз учун ушбу туркум алоҳида эътиборга молик. Чунки Lotus Domino оиласи айнан юқорида санаб ўтилган хусусиятлари мавжуд ҳужжатларни электрон бошқаришнинг корпоратив тизими ҳисобланади).

3. Контентни бошқариш тизимлари ахборотни етказиб бериш ва назорат қилиш, ундан фойдаланиш ҳуқуқини юзага келтириш жараёнларини таъминлаб беради. Ахборот олишнинг ҳужжат шаклидаги эмас, балки янада кичикроқ кўринишдаги потенциал очиқлиги иловалар ўртасида ахборот алмашинуви жараёнини осонлаштиради.

4. Порталлар деб аталадиган ахборот бошқаруви тизимлари ахборотни Internet, Intranet ва extranet орқали етказиш ва бошқаришни таъминлайди. Мазкур технологиялар ахборот порталларини яратишга пойдевор қўяди. Ахборот бошқаруви тизимлари ташкилотларга бизнес-қоидалардан фойдаланиш асосида тақсимланган корпоратив муҳитда контекст ва метамаълумотларни экспертиза қилишда фойдаланишга имкон беради. Гарчи бугунги кунда очиқ технологияларнинг аксарияти асосан статистик нашрларни етказиб берсада, биргаликда ишлаш воситалари ва кўпроқ интерфаолликни таъминлаш – яқин келажакдаги иш ҳисобланади.

5. Намуналарни бошқариш тизимлари ахборотни қоғозли ташувчидан рақамли форматга ўзгартиради. Одатда, бу TIFF (Tagged Image File Format)[1] форматига айлантирилганидан сўнг, уни иш жараёнида электрон шаклда ишлатса бўлади.

6. Ишлар оқимини бошқариш тизимлари (workflow) структуравий ва ноструктуравий бизнес-жараёнлар доирасида ҳар қандай турдаги ишнинг мунтазам йўналишини таъминлайди. Улардан бизнес-жараёнларни тезлаштириш, ташкилотда жараёнларни назорат қилиш даражаси ва самарадорлигини ошириш мақсадларида фойдаланилади.

Технологияларнинг турлари бўйича ҲЭБ тизимларининг тақсимланиши.

Халқаро ахборот технологиялари ташкилотларининг прогнозлари ва ҳисоботлари ёрдамида технологияларнинг ҳар хил турлари бўйича ҳужжатларни электрон бошқариш бозорининг тақсимланишига оид характеристикани олиш ва ушбу бозорнинг ўлчамини баҳолаш мумкин. Афсуски, асосий таъминотчиларнинг савдо ҳажмлари бўйича чоп этилган маълумотларнинг охиргиси 2007 йилга тегишлидир.

2004 йилда ҳужжатларни электрон бошқариш тизимларининг жаҳон бозоридаги айланмаси 1750 млн.долларни ташкил қилган. ҲЭБ тизимлари

[1] www.awaresystems.be/.../tiff/faq.html. Маълумотларни рақамли форматга айлантиришда қўлланилади.

бозорининг миқёсини яхшироқ тушуниш учун биз, ҳамкорликда ишлаш учун яхлитлаштирилган тизимлари бозори билан таққослашимиз мумкин. 2006 йилда ҲЭБнинг жаҳон бозоридаги айланмасининг баҳоси 2,37 млрд. долларни, ҳамкорликда ишлаш учун яхлитлаштирилган тизимлар бозоридаги бу кўрсаткич 3,48 млрд. долларни ташкил қилган эди[1].

2004 йилда ҳужжатларни электрон бошқариш тизимларининг Европа бозори 300 млн. долларни ташкил қилган ҳамда 29-расмда ифодалангани каби қуйидаги шаклда айланмалар бўйича тақсимланган эди.

29-расм. Бошқарувнинг электрон тизимлари бозори



30-расмда кўрсатилгани каби пул ифодасида савдо ҳажми бўйича бозорлар тақсимланиши



31-расм. ҲЭБнинг пул ифодасидаги ҳажми бўйича тақсимланиши[2]

[1]IDC, Europe Document Management market review and Forecast, 2004- 2008.
[2]www.emc.com/domains/emc.../index.htm

Шундай қилиб, 2007 йилда Lotus компанияси томонидан бир ярим йил мобайнида бозорда сотилган Lotus Domino маҳсулоти узоқ йиллар давомида бозорда фаолият кўрсатаётган рақобатчиларидан ўзиб кетди ҳамда кўп жиҳатдан ҲЭБ корпоратив тизимлари бозорини белгилаб берди. Шу билан бирга Domino.Doc ҳақиқий сотилган лицензиялари миқёси бўйича Documentumни ортда қолдириб кетди. 2005 йилда фақатгина беш буюртмачи – General Motors, Procter & Gamble, Texas Instruments, World Bank, Caterpillar томонидан Domino.Doснинг 193 минг мижоз ўринлари сотиб олинди. Ўша йилда бутун дунёда Documentumнинг 80 минг мижоз ўринлари сотилган эди.

ҲЭБ тизимлари бозорининг асосий ривожланиш тенденциялари.

Етакчи таҳлилчилар "ҳужжатларни электрон бошқаришнинг анъанавий тизимлари" даври тугаганлигини башорат қилишмоқда. Бунга сабаб қилиб инфратузилма таъминотчилари ҳужжатлар бошқарувининг қўшимча устама харажатларсиз ўз технологиялари базаси асосида ҲЭБ тизимларининг рационал усулларини таклиф қилиши кўрсатилмоқда.

Ҳужжатларни электрон бошқариш тизимларининг энг машҳурлари:

- Lotus ;
- LanDocs;
- Optima Workflow;
- Электрон офис тизимлари ;
- 1С (1С ҳужжат айланмаси) ва бошқа бир қатор таъминотчилар.

Ҳужжатларни электрон бошқариш тизимларининг мамлакатимиз бозорларидаги айланмаларини ва ҳужжат айланишини ишончли баҳолаш амалда мавжуд эмас. Ўзбекистондаги бу бозорнинг айланмалари ҳозирча паст даражада ва асосан молия-банк тизимида амалга оширилмоқда. Ушбу айланмаларни хориждаги каби ҳисоблаш амалиётини яратиш зарур.

Ҳужжат айланишининг санаб ўтилган тизимларининг аксарияти қуйидаги функцияларни тақдим қилади:

- Ҳужжатларни қайта ишлаш ва сақлаш: рўйхатдан ўтказиш;
- Ишлар оқимини бошқариш (ижрочилар ўртасида ҳужжатларни узатиш);
- Ижро этиш тартибини назорат қилиш;
- Тўлиқ матнни қидириш ва ҳужжатларни атрибутлар бўйича излаш;
- Ўзаро боғлиқ ҳужжатлар билан ишлаш;
- Эркин фойдаланиш регламентини белгилаш;
- Ҳужжатларни "иш папкасида" ҳисобдан чиқариш;
- Электрон почтанинг ташқи тизимлари билан интеграциялашуви.

Ташкилотларнинг ишлар бошқармаси, котибиятлари, девонхоналари, умумий бўлимлари, экспедициялари каби таркибий бўлинмалари мазкур тизимларнинг асосий фойдаланувчилари ҳисобланади. Шубҳасиз, булар муҳим фойдаланувчилар бўлсада, ташкилот ходимларининг 5-10 фоизини ташкил қилиб, ҳужжатларни электрон бошқаришнинг ҳамма жойда фойдаланиш мумкин бўлган умумкорпоратив тизимига эҳтиёж сезишади.

Бу каби технологик ечимларнинг натижаси шуки, мазкур тизимларнинг аксарияти ҳудудий тақсимланган корпоратив муҳитда амалда ҳужжатлар билан ишлашни таъминлашга қодир эмас.

Айтилиши керак бўлган биринчи фикр шундан иборатки, мамлакатдаги тизимларнинг аксарияти иш юритиш ва ҳужжат айланиши тизимларига тегишлидир. Аввал биз ҳужжатларни электрон бошқариш технологиялари ҳақида гапирган эдик. Электрон иш юритиш ва ҳужжат айланиши технологиялари ҳужжатларни электрон бошқариш тизимларидан бир қисми ҳисобланади, холос.

Биз юқорида умуман бу каби ҳужжатларни электрон бошқариш тизимлари ва айниқса, ҲЭБнинг корпоратив тизимлари тўғрисида таъриф бериб ўтдик. Энди ҳужжат айланиши ва иш юритиш тизимларига расмий таъриф берамиз. Ёрдамчи вариант сифатида қуйидаги таърифларни ҳам берса бўлади.

Иш юритиш тизимлари — ҳужжатларнинг электрон версиялари ва мамлакатда қабул қилинган иш юритиш стандартлари ҳамда қоидаларига мувофиқ рўйхатдан ўтказиш-назорат шаклларининг реквизитлари билан ишлашни таъминлайдиган тизимдир.

Ҳужжат айланиши тизимлари ахборот-коммуникация технологиялари асосида ташкилотнинг ўзида ва ташқарисида ҳужжатларнинг расмий назоратдаги ва қатъий регламентга солинган ҳаракатини таъминловчи тизимдир.

Агар иш юритиш тизимининг асосий вазифаси қабул қилинган қоидаларга мувофиқ содир бўлган у ёки бу ҳаракат ва ҳодисаларни ҳужжатли рўйхатдан ўтказиш ҳисобланса (масалан, "ҳужжат ижрога қабул қилинди", "ҳужжат ижро учун маълум бир ходимга берилди", "ҳужжатга тегишли жавоб берилди" ва ҳ.к.), унда ҳужжат айланиш тизимлари нафақат ҳаракат ва ҳодисаларни рўйхатдан ўтказади, балки ҳужжатлар устида ишлаш жараёнларининг ўзини ҳам қўллаб-қувватлайди.

Юқорида фойдаланилган тасниф бўйича иш юритиш тизимларини бизнес-жараёнларга мўлжалланган тизимлар турига киритиш мумкин. Мазкур тизимларга мўлжалланган бизнес-жараён "анъанавий *иш юритиш*" деб аталади. Бу жуда ўзига хос вертикал ечимлар ҳисобланади.

Ҳужжат айланиши ва иш юритиш тизимларининг асосий афзаллиги шундан иборатки, мазкур тизимларнинг энг яхшилари ҳужжатлар билан ишлаш анъанаси ва маҳаллий ўзига хосликни жуда яхши ҳисобга олади. Уларда олдиндан ишга тегишли бизнес-мантиқ жойлаштирилган. Бир қанча компанияларнинг маркетинг материалларида иш юритишнинг "совет-партиявийлик" анъаналарига риоя қилиш асосий рақобат устунлиги сифатида таъкидланганда, бу ерда муайян камчиликлар мавжудлиги кўринади.

Gartner Group таҳлилчиларига тегишли эътиборга молик яна бир хулоса мавжуд: "Ҳужжатларни бошқариш тизимларини жорий қилишдан мавжуд жараёнларни оптималлаштириш, уларни аниқлаш ва қайта кўриб чиқиш учун

восита сифатида фойдаланиш керак. Қоғозли жараёнларни мавжуд кўринишда компьютерлаштириш кўпинча ташкилот ишида янада кўпроқ самарасизликка олиб келади"[1].

Иш юритиш ва ҳужжат айланиши тизимлари билан таққослаганда, ҲЭБ корпоратив тизимининг фарқи ва асосий устунлиги шундан иборатки, очиқ ва универсал муҳитни таъминловчи бу тизим бутун ташкилот миқёсида барча ҳужжат турларини сақлаш ва ишлаш учун мосдир.

Мазкур тизимлар фойдаланувчилари нуқтаи назаридан айтиш мумкинки, иш юритиш тизимлари фойдаланувчилари ташкилотнинг ишлар бошқармаси, котибиятлар, девонхоналар, умумий бўлимлар, экспедициялар каби чекланган миқдордаги таркибий бўлинмаларининг ходимлари ҳисобланади. Ҳужжат айланиши тизимлари фойдаланувчилари кўплаб бўлинмаларнинг алоҳида ходимлари ҳисобланади. Ҳужжатларни бошқаришнинг корпоратив тизимлари фойдаланувчилари амалда ташкилотдаги барча бўлинмаларнинг ходимлари ҳисобланади.

Шундай қилиб, технологиялар ва тушунчаларнинг хусусийликдан кўпроқ умумийлик сари кенгайиш иерархияси қуйидагича (32-расм):



32-расм. Электрон ҳужжатларни бошқариш тизими технологияларининг иерархияси

[1]IDC, Europe Document Management market review and Forecast, 2004-2008.

ҲЭБ бошқаруви тизимини ишлаб чиқиш муҳитини танлаш

Ишлаб чиқиш муҳити деганда, дастурий таъминот мажмуи тушунилиб, у ахборот бошқаруви автоматлаштирилган тизимининг асосий тамойилларини амалга оширади ҳамда янги функцияларни қўшиш, шунингдек муҳитнинг мавжуд функциясини ўзгартириш имконини беради. Бу эса мазкур муҳит асосида минимал ҳаражатлар билан ахборот тизими соҳасида янги ечимларга эришиш имконини ҳам беради.

Ҳужжатлар бошқаруви автоматлаштирилган тизимини ишлаб чиқиш ва уни жорий қилишнинг усуллари ҳамда мавжуд методларни таснифлаш ва тадқиқ қилиш шуни кўрсатдики, амалга оширишнинг асосий муҳитларига қуйидагиларни киритиш мумкин (16-жадвал).

16-жадвал

ҲБТни (ҳужжатлар бошқаруви тизими) ишлаб чиқишнинг асосий муҳитлари[1]

Операцион муҳит	Ишлаб чиқиш муҳити	Ишлаб чиқарувчи корхона
Windows операцион тизимлари оиласи	Notes	IBM/Lotus
	Exchange Server	Microsoft
	Group Wise	Novell
Linux операцион тизими	Notes Domino Server	IBM/Lotus

Операцион муҳит.

Асос сифатида ҳар қандай ташкилотда фойдаланиладиган Windows операцион тизимлари оиласини оламиз.

Шунингдек, Linux[2] туридаги операцион тизимларнинг тарқалишини эътиборга олган ҳолда, мазкур тизим турига ўтиш имкониятини ҳам кўриб чиқиш зарур.

Амалга ошириш муҳити.

Мавжуд почта серверлари минглаб фойдаланувчиларни қўллаши, шунингдек маъмурий иш юритиш ва ҳужжатлар муомаласи ҳамда кўплаб почта бўлинмаларига эга кўп доменли тизимлардаги маълумотларни муҳофаза қилиш вазифаларини ўз ичига олиши эътиборга олинса, нима учун ушбу турдаги маҳсулотни ишлаб чиқариш билан фақатгина зарурий ресурсларга эга бўлган етакчи компаниялар шуғулланиши маълум бўлади.

[1] www.microsoft.com/.../windows/ ва www.linux.org. сайтларида келтирилган маълумотлар асосида муаллиф томонидан гурухлаштирилди.

[2] www.linux.org

7.2.2. Ҳужжат айланишини бошқариш тизимининг самарадорлигини баҳолаш омилларининг таснифи

Ташкилот раҳбарияти томонидан ҳужжат айланишини бошқариш тизимини яхшилашга маблаг ажратиш тўғрисида қабул қилинган қарор янада сифатли ва тезкор хизмат кўрсатиш, янада самарали иш макони яратиш, айниқса, рақобатчилар олдидаги устунлик каби ўзининг амалий натижаларини беради.

«Нарх-фойда» муносабатини таҳлил қилиш — бу ҳар бир муқобил вариантларнинг ижобий ва салбий томонларини баҳолашнинг мантиқий тартибидир. Ижобий ва салбий жиҳатларни миқдорий баҳолаб бўладиган ёки бўлмайдиган, ёхуд сезиб бўладиган ёки бўлмайдиган омиллар нуқтаи назаридан аниқлаш мумкин.

Кейинги бўлимда электрон ҳужжат айланиши тизими баҳосини ҳисоблаганда эътиборга олиш лозим бўлган жиҳатлар рўйхати тақдим қилинади. Қуйида «нарх-фойда» нисбатини таҳлил қилганда ҳисобга олиш лозим бўладиган барча омилларнинг назорат рўйхатини келтирамиз:

- Ходимлар;
- Аппарат таъминоти:
- Мижозлар аппарат таъминоти;
- Сервер аппарат таъминоти;
- Дастурий таъминот:
- Мижозлар дастурий таъминоти;
- Сервер дастурий таъминоти;
- Тармоқ:
- Тармоқ аппарат таъминоти;
- Тармоқ дастурий таъминоти;
- Ўқитиш ва махсус тайёрлов.
- Конвертация.
- Маслаҳатчилар хизмати.
- Техник хизмат кўрсатиш.

Ходимлар.

Персоналга кетадиган харажатларни ҳисоб-китоб қилганда, доимий асосдаги ходимларни ҳам, тўлиқсиз иш кунида ишлайдиганларни ҳам ҳисобга олиш зарур.

Ушбу бўлимда қуйидаги харажатлар ҳисобга олиниши зарур:

- Ходимларни ёллаш ёки янги иш ўринларига ўтказишга кетадиган бир вақтнинг ўзидаги харажатлар.
- Шартнома ёки иш ҳақининг йиллик суммаси.
- Қўшимча харажатларнинг йиллик суммаси.

Персоналга кетадиган харажатларни компонентлардан фарқли равишда олдиндан билиш анча осон. Асосланган натижаларга эга бўлиш учун ўтган йиллардаги маълумотларга таяниш мумкин.

Аппарат таъминоти.

Аппарат таъминоти икки асосий тоифага бўлинади — мижозлар ва сервер аппарат таъминоти.

Мижоз аппарат таъминоти.

• Мижоз аппарат таъминоти баҳоси бир вақтнинг ўзидаги харажатларни ҳам, йиллик жорий харажатларни ҳам ўз ичига олади. Бир вақтнинг ўзидаги харажатларнинг бўлиши мумкин бўлган варианти кетма-кетлиги қуйида келтирилган.

• Аппарат таъминотига бир вақтнинг ўзидаги харажатларнинг бўлиши мумкин бўлган кетма-кетлиги:

• Аппарат таъминотини сотиб олиш ёки янгилаш баҳоси:

- Талабнома баҳоси;
- Режалаштириш баҳоси;
- Элтиб бериш харажатлари;
- Харид қилиш (сотиб олиш) ёки ижара баҳоси;
- Сарф қилиш материаллари баҳоси;
- Бино (Хона)ларни тайёрлаш ва ўрнатишга кетадиган харажатлар;
- Жиҳоз (асбоб-ускуна)ларни сотиб олиш ёки янгилаш баҳоси;
- Сканер баҳоси;

• Биноларни қуриш ёки такомиллаштириш:

- Электр энергияси баҳоси;
- Ёнғин хавфсизлиги тизими баҳоси;
- Суғурта баҳоси;
- Хавфсизлик ва назорат қилиш тизимини янгилаш баҳоси;

Йиллик жорий харажатларнинг эҳтимолдаги варианти:

• Олинган барча аппарат таъминоти компонентларига техник хизмат кўрсатиш баҳоси;

• Сарф қилиш материаллари баҳоси;

• Биноларни сақлаш баҳоси;

• Коммунал хизматлар баҳоси;

• Эргономика (меҳнатни илмий ташкил этиш) таъминоти баҳоси;

• Ёнғин хавфсизлиги тизими таъминоти баҳоси;

• Суғурта баҳоси;

• Хавфсизлик ва назорат қилиш тизими таъминоти баҳоси;

Сервер аппарат таъминоти.

Сервер аппарат таъминоти баҳоси бир вақтнинг ўзидаги жаражатларни ҳам, йиллик жорий харажатларни ҳам ўз ичига олади. Бир вақтнинг ўзидаги

харажатларнинг бўлиши мумкин бўлган варианти, сканер баҳосини ҳисобга олмаганда, мижоз аппарат таъминоти учун харажатлар тизимига ўхшаш. Аппарат таъминотини сотиб олиш ёки янгилашга кетадиган харажатларнинг қолган тўртта банди сервер платформаси учун харажатлар сметасида одатда мавжуд бўлади.

Сервер платформаси учун харажатлар сметасига асбоб-ускуналарни ўрнатиш ёки янгилашга кетадиган харажатларнинг яна тўртта пунктини киритиш мумкин: кондиционерлар, хоналарни монтаж қилиш, полларни кўтариш баҳоси ва бино баҳоси.

Одатда, жорий харажатлар корхона харажатларининг энг кўп улушини ташкил қилади.

Дастурий таъминот.

Дастурий таъминот унинг қўлланиш соҳасига боғлиқ равишда икки тоифага бўлинади. Бу мижоз ёки сервер дастурий таъминоти бўлиши мумкин.

Мижоз дастурий таъминоти.

Мижоз дастурий таъминотининг баҳоси бир вақтнинг ўзидаги харажатларни ҳам, йиллик жорий харажатлар суммасини ҳам ўз ичига олади. Дастурий таъминотга бир вақтнинг ўзидаги харажатларнинг бўлиши мумкин бўлган варианти қуйидагича:

• Харид қилиш (сотиб олиш) баҳоси:

- Талабнома баҳоси;
- Режалаштириш баҳоси;
- Элтиб бериш харажатлари;
- Дастурий таъминотни ишлаб чиқиш учун қўшимча хизмат дастурлари ва комплектларни ҳисобга олган ҳолда фойдаланувчилар (ёки серверлар) сонига кўра қайта ҳисоблаб чиқишда харид қилиш (сотиб олиш) ёки ижара баҳоси;
- Матнни оптик таниш ва сканерлар учун дастурий таъминот баҳоси;
- Биноларни тайёрлаш ва инсталляция учун харажатлар;
- Опперацион тизимларни сотиб олиш ёки янгилаш;
- Баённома (протокол)ларни юритиш учун дастурий таъминот;

• Бинолар баҳоси:

- Суғурта баҳоси;
- Хавфсизлик ва назорат қилиш тизимини янгилаш баҳоси;

• Ишчи процедураларни тайёрлаш ёки такомиллаштириш харажатлари.

Мижоз дастурий таъминотини сақлашга йиллик жорий харажатлар қуйидаги пунктларни ўз ичига олади:

• Олинган барча дастурий таъминот таркибий қисмларига техник хизмат кўрсатиш баҳоси;

• Янгилаш баҳоси;

• Қўшимча харажатлар: сугурта баҳоси, хавфсизлик ва назорат қилиш тизими баҳоси.

Мижоз дастурий таъминотини сақлашга йиллик жорий харажатлар умумий суммаси ушбу дастурий таъминот баҳосининг 15 – 20 фоизини ташкил қилиши мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

Сервер дастурий таъминоти

Сервер дастурий таъминотининг баҳоси бир вақтнинг ўзидаги харажатларни ҳам, йиллик жорий харажатлар суммасини ҳам ўз ичига олади. Бир вақтнинг ўзидаги харажатларнинг бўлиши мумкин бўлган варианти мижоз дастурий таъминотига ўхшаш. Сервер дастурий таъминотини сақлашга йиллик жорий харажатларни мижоз дастурий таъминотида қандай бўлса, шундайлигича олишимиз мумкин.

Тармоқ омили.

Компьютер тармоғига харажатлар икки асосий тоифага бўлинади — тармоқ дастурий таъминоти ва тармоқ аппарат таъминоти. Агар ҲАБТни жорий қилгунга қадар база инфратузилмаси бўлмаган тақдирдагина бу пунктларни сметага киритиш лозим. Айниқса, инфратузилмага харажатларни ҲАБТга бутқул юкламасдан, унинг фойдаланувчилари ўртасида тақсимлашни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

Тармоқ аппарат таъминоти.

Тармоқ аппарат таъминотининг баҳоси бир вақтнинг ўзидаги харажатларни ҳам, йиллик жорий харажатлар суммасини ҳам ўз ичига олади. Бир вақтнинг ўзидаги харажатларнинг бўлиши мумкин бўлган варианти телекоммуникацион линияларни янгилаш ёки сотиб олиш учун қўшимча харажатларни ҳисобга олганда ва сканерлар баҳосини истисно қилганда, сервер аппарат таъминотига ўхшаш. Бундан ташқари, асбоб-ускуналарни ўрнатиш ёки аппарат таъминотини янгилаш бўлимига инфратузилмага тегишли қўшимча пунктни – линияларни ўрнатиш баҳосини киритиш мумкин.

Тармоқ дастурий таъминоти.

Тармоқ дастурий таъминотининг баҳоси бир вақтнинг ўзидаги харажатларни ҳам, йиллик жорий харажатлар суммасини ҳам ўз ичига олади. Бир вақтнинг ўзидаги харажатларнинг бўлиши мумкин бўлган варианти транзакция жараёнларини мониторинг қилиш учун, шунингдек, тармоқ бўйлаб маълумотларнинг харакатланиши статистикасини тўплаш ва таҳлил этиш учун дастурий таъминотга кетадиган қўшимча харажатларни ҳисобга олганда, сервер дастурий таъминотига ўхшайди. Тармоқ дастурий таъминотини сақлашга кетадиган йиллик жорий харажатлар мижоз ва сервер дастурий таъминотида қандай бўлса, шундай.

Таълим ва махсус тайёрлов.

Ўқитиш ва махсус тайёрлов баҳоси бир вақтнинг ўзидаги харажатларни ҳам, йиллик жорий харажатлар суммасини ҳам ўз ичига олади. Одатда, дастлаб таълим беришнинг кириш курси олиб борилади, ундан сўнг ходимлар ишга

киришишлари мумкин, кейин эса муддати саккиз ойгача бўлган, кенгайтирилган вазифаларни ўз ичига олувчи қўшимча таълим курси ўтказилади. Албатта, корхонага янги ходимлар келганда, улар ҳам навбати билан бошловчи ва илғор фойдаланувчилар учун мўлжалланган курсларни ўтишларига тўғри келади; уларнинг таълими учун харажатларни жорий харажатлар тоифасига киритиш лозим. Уларни ёки йиллик айланма қисм сифатида, ёки корхонада ходимлар кўнимсизлиги учун харажатлар сифатида ҳисоб-китобга киритиш мумкин.

Таълим ва махсус тайёрлов учун бир вақтнинг ўзидаги харажатларнинг бўлиши мумкин бўлган варианти:

1) Курсни олиб бориш ва сотиб олиш баҳоси.

- Таҳлил воситасида ўқувчилар эҳтиёжини белгилаш, яъни:

а) Охирги фойдаланувчи.

б) Таснифловчилар ёки клерклар.

в) Электрон ёзувлар маъмурлари.

г) Тизим маъмурлари ва маълумотлар баъзаси маъмурлари.

- Талабнома баҳоси;
- Режалаштириш баҳоси;
- Курсни ишлаб чиқиш ва тестлаш баҳоси;
- Ҳар бир курсни олиб бориш ва сотиб олиш баҳоси;
- Ўқитувчиларни тайёрлаш баҳоси, яъни:

а) Агар кўчма таълим курси олиб борилса, иштирокчиларнинг кўчиши, яшаши, бинолар билан таъминланиши.

б) Агар таълим фирмада олиб борилса, ўқитувчиларнинг кўчиши, яшаши, бинолар билан таъминланиши.

- Сарф қилиш материаллари баҳоси.
- Ўқув ҳужжатлари ва маълумот материаллари баҳоси.

2) Ўқув жиҳозлари баҳоси.

- Мижозлар хоналарига жиҳозлар ўрнатиш ёки уларни янгилаш.
- Аппарат таъминоти баҳоси.
- Дастурий таъминот баҳоси.
- Компьютер тармоги баҳоси.

3) Фирмадан ташқаридаги жиҳозлар баҳоси.

- Суғурта баҳоси.
- Хавсизлик тизимини янгилаш баҳоси.

Таълим ва махсус тайёрлов учун йиллик жорий харажатларнинг бўлиши мумкин бўлган варианти:

• Ўқув материалларини тайёрлаш баҳоси.
• Сарф қилиш материаллари баҳоси.
• Жиҳозлар баҳоси:

- Техник хизмат кўрсатиш баҳоси;
- Фирмадан ташқаридаги жиҳозлар баҳоси;
- Суғурта баҳоси;
- Хавфсизлик тизими таъминоти баҳоси.

Конвертация, яъни ҳужжатларни умумфойдаланиш кўринишидаги электрон ҳолатига ўтказиш. Конвертация баҳоси — бу ҳужжатларни базавий (айлантирилмаган) даражадан ишчи (айлантирилган) даражага қоғоз ва электрон кўринишга ҳамда тизимли тасвирлашга ўзгартириш учун бир вақтнинг ўзидаги харажатларнинг алоҳида тоифасидир. Бундай харажатлар миқдорини айниқса диққат билан ҳисоблаб чиқиш лозим, чунки ҳужжатларнинг барчаси ҳам ўзгаришга учрайвермайди. Ҳужжатларни бирма-бир қайта кўриб чиқиш ва уларнинг сақланадиган ёзувларга қўйиладиган талабларга жавоб бериш-бермаслигини аниқлаш учун вақт талаб қилинади. Ҳар бир ҳужжатнинг тизимли тавсифланишини таъминлаш зарур. Бу узоқ ва кўп меҳнат талаб қиладиган жараёндир.

Конвертация учун харажатларнинг таркибий қисмлари:

4) Режалаштириш баҳоси.
5) Тайёрлаш ва тестдан ўтказиш баҳоси.
6) Транспорт баҳоси.
7) Бир вақтнинг ўзида юклаш, сканерлаш ва қайта сканерлаш баҳоси.
8) *Тизимли тавсифлашни тузиш* баҳоси.
9) Сифат назорати баҳоси.
10) Ташувчилар баҳоси

Ҳужжатларни қоғоз кўринишидан электрон шаклга ўзгартириш баҳоси, одатда, бир саҳифа учун 25 сўмдан 100 сўмгача диапазонда тебранади. Кўпчилик ташкилотлар уларга бунча суммани сарфлаш учун ўз ёзувларини унчалик қадрлаб ўтирмайдилар. Агар вазиятга эргономика нуқтаи назаридан қаралса, бу ерда охирги фойдаланувчиларни муайян қийинчиликлар кутиши мумкин – ўзгартирилган кўплаб ҳужжатларни дисплей экранида кўриш учун уларни дастлаб тасвирни катталаштириш ёки кичрайтириш орқали тегишли ўлчамга келтиришга тўғри келади. Шунингдек, конун бир қанча асл ҳужжатларни улардан далил ёки имзонинг ҳақиқийлигига исбот сифатида фойдаланиш учун қоғоз шаклида сақланишини тақозо этади.

Кўплаб ҳужжатларни қоғозда ўқиш мумкин, аммо уларни экран ҳолда ўқий олиш учун тегишли сифат даражасига чиқаришга анча вақт талаб қилинади.

Аксарият ташкилотлар то бирор кишидан шу ёки бошқа файлга сўров келмагунича ҳужжатларни когоз шаклида қолдиради. Сўров келган пайтда ўша ҳужжатни сканер қилиш ёки қилмаслик ўйлаб кўрилади. Агар ҳужжат сканер қилинадиган бўлса, унинг қоғоз шаклини йўқ қилиш ёки сақлаб қолиш масаласини ҳал қилиш лозим бўлади. Шундай қилиб, 5-7 йил давомида (баъзи

ҳужжатларни сақлаш муддати 20 йилгача бўлади) қоғоздаги кўпгина ёзувлар ўз-ўзидан ўчиб кетади. Бу ҳолат кенг миқёсли конвертацияни амалга оширилишини талаб қилади.

Консультантларнинг хизматлари.

Кўплаб ташкилотларда малака даражаси ёки ўзига хос ресурслар етишмайди. Ташкилот ҳеч бўлмаганда юқори малакали мутахассислар раҳбарлиги остида лойиҳани ишга тушириш ҳамда қолган ходимларга янги тизимни ўзлаштириб олишлари учун консультантлар хизматларидан фойдаланиши зарур бўлади. Консалтинг хизматларига сарфланадиган харажатларнинг эҳтимолий варианти қуйидагича:

- Тизимни танлаш ва эҳтиёжларни таҳлил қилиш қиймати
- Лойиҳани бошқариш ва режалаштириш қиймати
- Лойиҳа раҳбарлиги қиймати
- Бизнес-таҳлил ўтказиш қиймати
- Файлларнинг тасниф тизимини созлаш ва қайта қуриш қиймати
- Тизимни татбиқ қилиш жараёнида техник хизмат кўрсатиш қиймати
- Техник инфратузилмага хизмат кўрсатиш ва уни ташкил этиш қиймати
- Тизим татбиқ қилинганидан сўнг ишни назорат қилиш, текшириш ва баҳолаш қиймати

Техник хизмат кўрсатиш.

Техник хизмат кўрсатиш харажатларига ҳужжат айланишни бошқариш тизимининг кейинги хизмат кўрсатиши ва уни кенгайтириш бўйича фаолиятга сарфланадиган харажатлар киради. Уларнинг қаторига қуйидагилар киради:

- Офис ишчиларини қайта тайёрлашга ёрдам бериш;
- Қўлланмалар ва операцион тизимни ишга тушириш;
- Қўлланмалар ва операцион тизимни созлаш;
- Техник қўллаб-қувватлаш тезкор хизмати ходими таъминотига кетадиган харажатлар.

Самарадорлик ва фойдани баҳолаш.

ҲАБТ эвазига эришилган фойда ва тежам миқдорини ҳисоб-китоблар ёрдамида аниқлаш ва аниқлай олмаслик ҳам мумкин. Тизимни танлай туриб, биз ҲАБТга ўтишнинг фойдаси харажатлардан кўп бўлишига ишонч ҳосил қилиш учун барча жиҳатларни баҳолаб олишимиз керак. Бундан ташқари, нарх/фойда муносабатини таҳлил қилишда риск омилларини ҳам ҳисобга олиш керак.

Аниқ самарадорлик.

ҲАБТга ёки ҳар қандай автоматлаштирилган тизимга ўтишнинг санаб ўтилган самарасининг ҳисоб-китоби оддий вазифа бўлмаслиги мумкин. Оддий тушунчада санаб ўтилган фойдалар — бу, фойдаланувчилар учун дастурий таъминот таннархини пасайтириш эвазига маблағларни тежашдир. ҲАБТ билан ишлашда бу каби тежашни намойиш қилиш ҳар доим ҳам оддий иш

бўлмасада, аммо мумкин бўлган ҳолатдир. Агар илгарилари қандайдир жараёнлар бутунлай қўлда бажарилган ёки фақатгина энг паст даражада автоматлаштирилган бўлса, унда ҲАБТни татбиқ қилиш билан ушбу жараёнларни амалга ошириш учун муайян турли хил ресурслардаги зарурийлик йўқ бўлиб кетади.

Қидирувнинг аниқлиги ва тезлигининг ошиши ҳам санаб ўтилган фойдаларга киради. Бундай ҳисоб-китоб бир қатор омилларга асосланади:

- Керакли ҳужжатлардан янада тезроқ фойдаланиш;
- Ҳужжатларнинг сўнгги версиялари жойлашуви ва уларга охирги фойдаланувчиларнинг киришини кенг назорат қилиш;
- Барча ҳужжатларнинг компания томонидан назорат қилинишига нисбатан ўсиб борувчи ишонч;
- Ҳужжатларнинг дубликатларини яратиш ва шахсий фойдаланиш мақсадида улардан нусха олиш учун барча сабабларни мустасно қилиш.

Йиллик тежаш суммасини ҳисоблаб чиқиш мумкин — бу, киши бошига бир йилда бўшаб қолган соатлар миқдори бўлиб, ушбу ўзгариш тегишли бўлган ходимларнинг миқдорига кўпайтирилади. Бу миқдор эса қайта ҳисоблашда битта ходимнинг ўртача маошига кўпайтирилади (яъни бир йилда бир кишига юклатилган соатлар миқдори Х ходимлар сони Х ходимларнинг ўртача маоши)

Аниқлаб бўлмайдиган самара.

Ҳисобланмайдиган фойдалар аниқ фойдаларга қўшимча бўлиб хизмат қилади. Уларни хронометр билан ўлчашнинг иложи йўқ, аммо менинг мижозларимнинг аксарияти уларнинг мавжудлигини биладилар ҳамда уларнинг аҳамиятига муносиб баҳо берадилар.

ҲАБТга ўтиш билан боғлиқ бўлган жараёнларни модернизация қилиш ва оқилона ташкил этиш учта муҳим соҳага таъсир қилади: хизмат кўрсатиш тезлиги, хизмат кўрсатишнинг таннархи ва хизматлар сони.

Хизмат кўрсатиш тезлиги сўнгги фойдаланувчиларнинг муносабати ва ёзувларни бошқаришга масъул ходимнинг оперативлиги билан боғлиқ. Сўнгги ва такрорий фойдаланувчилар ҲАБТ татбиқ қилиниши билан вазият ҳужжатдаги ахборотга боғлиқ бўлган барча ҳолатларда тезроқ ҳаракат қилишлари ҳамда қарор қабул қилишларига тўғри келади. Бундан ташқари, тизим ҳужжатдан ахборотни олиш ёки уни қайта кўриб чиқиш учун зарурий тадрижий ҳаракатлар миқдорини камайтиради, ҳужжатларни кўриб чиқиш учун автоматлаштирилган равишда тезроқ қайтишини таъминлайди ва муайян вақтда қанча иш бажара олиш қобилиятини ҳамда корхонада янги материалларнинг тарқалиш имкониятини кенгайтиради. Муаллифлар учун ҲАБТда ҳужжатларнинг тез юкланиши осонлаштирилиши эвазига ишнинг аниқлиги ва самарадорлиги такомиллашади.

Хизматлар кўрсатишнинг таннархи вақтга боғлиқ бўлиб, ёзувларни бошқариш бўйича фойдаланувчилар ва мутахассислар уни қидирувга, ишлов беришга, ҳужжатларни сақлаш ва жўнатишга сарфлашади. ҲАБТ эса сўров ҳужжатларини қидириш билан боглиқ кутиш вақти ва ушланиб қолинишлар сонини камайтиради, файл ёки ҳужжатга қаратилган сўровларнинг тўпланиб қолишига тўсқинлик қилади, шунингдек ҳужжатлар нотўгри жойлаштирилганида ёки кимдир уларни ўзлаштириб олганида ёки уларнинг жойлашувини белгилаш имконсиз бўлган ҳолларда тартибни қайта тиклашга сарфланадиган харажатларни камайтиради. Шунингдек, ёзувларга ишлов бериш бўйича қўл меҳнатининг қисқариши ва ҳужжатларни жўғрофий жиҳатдан алоҳида жойлашган фойдаланувчиларга етказиб бериш харажатларининг камайиши эвазига ҳам умумий харажатлар қисқариши мумкин. Фаол бўлмаган ва архив ёзувларни сақлаш учун электрон воситалардан янада унумли фойдаланиш охир-оқибатда ташкилотнинг қоғозли ҳужжатларни сақлаш учун қўшимча жойга бўлган эҳтиёжини камайтиради.

Хизматлар сифати тушунчаси ҳужжатларнинг ҳажми, сифати ва тарқалиши билан боғликдир. ҲАБТни татбиқ этиш билан ҳужжатларни талаб қилиб олиш фоизи ошиб кетади, чунки уларнинг соҳаси, айниқса ёзувларни бошқариш қисми фойдаланувчиларга очиқ бўлиб қолади. Бундан ташқари, назорат қилинаётган луғат, матнли қидирув имкониятларидан фойдаланиш эвазига ҲАБТ тизимли тавсифнинг муайян атрибутлари асосида ҳужжатларни танлаб олиш ва қидиришда аниқликни оширади. Қарорлар қабул қилишга таъсир этувчи маълумотлардан эркин фойдаланишда ўта аниқлик ташкилотда ишлаб чиқариш омилларни яхшилашга олиб келиши мумкин. Маълумотларни тизимли тавсифларига киритишнинг стандартларига риоя қилишда кўзда тутилган зарурийлик хатолар фоизини камайтиришга ҳамда фойдаланувчилар томонидан ахборот киритиш сифатини оширишга ёрдам беради.

7.2.3. Электрон ҳужжатлар айланишини бошқариш тизимини баҳолаш кўрсаткичлари

Электрон ҳужжат айланиши тизимини татбиқ этиш унумдорлигини баҳолаш учун мураккаб бизнес-жараёнларни тавсифловчи параметрларни ўлчайдиган мажмуага эга бўлиш керак. Электрон ҳужжат айланиши тизимлари учун ташкилотда ва унинг бўлинмаларидаги ҳужжат айланишини тавсифловчи параметрларни қуйидаги уч асосий тоифага бўлиш мумкин (17-жадвал):

- ҳужжат айланиши ҳажми;
- ҳужжатлар ҳаракати тезлиги;
- ҳужжатлар устида операцияларни амалга ошириш қиймати.

17-жадвал

Ахборот тизимини баҳолаш кўрсаткичлари[1]

Кўрсаткичлар гуруҳининг номланиши	Кўрсаткичларининг номланиши
Миқдорий кўрсаткичлар	Ички ҳужжат айланиши ҳажми
	Кирувчи ҳужжатлар оқими
	Чиқувчи ҳужжатлар оқими
	Йил давомида ҳужжатлар оқимининг давомийлиги
	Тузилма бўлинмалари кесимида ҳужжат айланиши ҳажми
	Ҳужжатлар турларининг кесимида ҳужжат айланиши ҳажми
	Ҳужжатнинг ўртача ҳажми
	Нусхаларнинг ўртача сони
Даврийлик(вақт билан боғлиқ) кўрсаткичлари	Битта ҳужжатни рўйхатдан ўтказиш вақти
	Ҳужжатни ижрога узатиш вақти
	Структуравий бўлинмалар ўртасида ҳужжатни жўнатиш вақти
	Маълум атрибутлар бўйича ҳужжат қидириш вақти
	Номаълум атрибутлар бўйича ҳужжат қидириш вақти
	Намунавий ҳужжатларни тайёрлаш ва мувофиқлаштириш вақти
	Намунавий (типовой) ҳисоботларни тайёрлашга кетган вақт
Қиймат кўрсаткичлари	иш соати қиймати
	ресурслар қиймати

Ҳужжат айланиш ҳажмини ифодалайдиган **миқдорий кўрсаткичлар:**

Ички ҳужжат айланиши ҳажми. Бу параметр йил давомида ташкилотда ёки алоҳида бўлинмада вужудга келган ички ҳужжатлар сонига тенгдир.

Одатда йил давомида ташкилотга (бу ташкилотнинг бирорта бўлинмасига) кирувчи ҳужжатлар сони билан ифодаланади.

[1]Муаллиф томонидан гуруҳлаштирилган

Чиқувчи ҳужжатлар оқими. Йил давомида ташкилотдан (ёки бўлинмадан) жўнатилган чиқувчи ҳужжатларнинг сони билан ифодаланади.

Йил давомида ҳужжатлар оқимининг давомийлиги. Қоида бўйича ҳужжат айланиш ҳажмлари доимий бўлиб қолмай, балки ойдан ойга ўзгариб туради. Иш фаоллигининг табиий чўққисини ва таназзулини акс эттирувчи ўрта даражага нисбатан ҳужжатлар сонининг 20-30 фоизга мавсумий ўзгариб туриши ўзига хосдир. Мавсумий ўзгариб туришлар билан бирга ташкилотни қисқартириш ёки кўпайтириш, иш фаоллигининг пасайиши ёки ошиши ва шунга ўхшаш бошқа сабабларга боғлиқ бўлган ҳужжат айланиши ҳажмлари ўзгаришининг умумий тенденцияси мавжуд бўлади.

Тузилма бўлинмалари кесимида ҳужжат айланиши ҳажми.

Шу нарса аниқки, ташкилотнинг таркибий бўлинмаларининг баъзилари бошқаларига қараганда кўпроқ ҳужжатларни қабул қилади. ЭҲАТни (электрон ҳужжат айланиш тизими) татбиқ қилишда умумий кўрсаткичлар билан бир қаторда структуравий бўлинмалар ўртасида ҳужжатлар оқимини тақсимлаш ҳам катта қизиқиш уйғотади. Қоидага биноан, ушбу тақсимлаш номунтазам характерга эгадир. Парето қонунига[1] мувофиқ шуни кузатиш мумкинки, ҳужжат айланишининг 80 фоизи одатда структуравий бўлинмаларнинг 20 фоизи ҳиссасига тўғри келади.

Ҳужжатлар турларининг кесимида ҳужжат айланиши ҳажми. Ҳужжатлар турлари бўйича ҳужжатлар оқимининг тақсимланишида ўзига хос тенгсизлик мавжуд. Бир турдаги ҳужжатлар бошқа турдаги ҳужжатларга қараганда кўпроқ келади. Ушбу ҳужжатлар асли қанақа, уларда қандай ахборот бор – буларнинг ҳаммаси ташкилотнинг ўзига хос фаолияти билан боғлиқ. Ҳужжатлар турлари бўйича ҳужжатлар оқимининг тақсимланиши тўғрисидаги ахборот электрон ҳужжат айланишининг иқтисодий самарадорлигини ҳисоблаш учун фойдалидир. Чунки, бу ушбу турдаги ҳужжатлар окимига ишлов беришга сарфланган ҳаражатларни аниқ ҳисоблашга имкон беради. Назоратга олинган ҳужжатларнинг ҳиссаси йил давомида назоратга қўйиладиган ҳужжатлар миқдорининг ҳужжатларнинг умумий сонига нисбатан муносабати сифатида белгиланади. Одатда назоратга олинган ҳужжатларнинг ҳиссасини икки гуруҳга ажратиш мумкин: назоратда турадиган кирувчи ҳужжатлар ва бажарилишини назорат қилишни талаб қиладиган ички ҳужжатлар. Назоратга олинган ҳужжатларнинг ҳиссаси сифатида бундай кўрсаткич ва умуман ижро тартибларини назорат қилиш билан боғлиқ барча умумий вазифалар кўп маънода давлат ташкилотлари учун характерлидир. Назоратга қўйилган ҳужжат муҳим ҳужжат ҳисобланади. Шу билан бирга ҳужжатнинг муҳимлик меъёрлари тижорат ташкилотлари учун бутунлай бошқача бўлиши мумкин.

[1] Levy M. Market efficiency, the Pareto wealth distribution and the Levy distribution of stock returns. Jerusalem: Hebrew University, 2001.

Таркибий бўлинмаларнинг кесимида назоратга олинган ҳужжатларни тақсимлаб ва уларни ташкилот тузилмаси бўйича барча ҳужжатлар оқимининг тарқалиши билан солиштириб, ҳужжат айланиши ҳажми ва муҳимлиги нуктаи назаридан ташкилот бўлинмалари бир-биридан нимаси билан фарқ қилади, шу нарсани аниқ кузатиш мумкин.

Ҳужжатнинг ўртача ҳажми. Ушбу кўрсаткич алоҳида ҳужжатда юбориладиган ахборот миқдорини ифодалайди. Кўпинча ҳужжатнинг ўртача ҳажмини машинада матн ёзилган варақларда ёки саҳифаларда ўлчаб кўрилади. Электрон почта орқали юбориладиган ҳужжатлар учун ҳужжатлар ҳажми килобайтларда ўлчанади. Машинада ёзилган матннинг битта саҳифаси тахминан 2 кб.га тенг эканлиги қабул қилинган. Бошқарувга оид ҳужжат айланиши учун битта ҳужжатнинг ўртача ҳажми кўпинча учтадан саккизтагача саҳифани ташкил қилади. Ҳужжат айланишининг бошқа ҳажмли кўрсаткичлари сингари ҳужжатларнинг ўртача ҳажмини ҳам алоҳида турдаги ҳужжатлар кесимида кўриб чиқиш мумкин: кирувчи, чиқувчи, ички ҳужжатлар ва ш.к.

Нусхаларнинг ўртача сони. Ушбу кўрсаткичнинг тарқоклиги ҳар хил ташкилотларда жуда ҳам сезиларли бўлади. Бир неча ўн йиллар олдин ҳужжатлар асосан қайта териш орқали амалга оширилган ҳамда нусхаларнинг ўртача сони 5-6 та намунадан ошмаган. Аммо нусха олишнинг техник воситалари кашф қилиниб, кунлик амалиётга жорий қилингач, битта асл ҳужжат асосида олинадиган нусхалар сони сезиларли даражада ошди. Бошқарувга оид ҳужжат айланишининг қоғозли технологияси даврида ҳар бир ҳужжат резолюцияга мувофиқ кўпайтирилади, бундай ҳолатда нусхалар сони резолюцияда қайд этилган ходимлар сонига тенг бўлади. Ҳужжатлардан нусха олиш жараёнларини соддалаштириш учун кўп ишларни амалга оширган "Ксерокс" компанияси мутахассислари баҳолашича, ташкилотларда ҳар бир ҳужжатдан ўрта ҳисобда 18 мартагача нусха олинишини кузатиш мумкин экан[1].

Ҳужжат айланишининг миқдорий характеристикасини тавсифловчи кўрсаткичлардан ташқари даврийлик (вақт билан боғлиқ) кўрсаткичларнинг ҳам аҳамияти каттадир. Улар ташкилотда ҳужжатларнинг ҳаракатланиш тезлиги ва ахборотнинг тарқалиш тезлигини ифодалайди. Бу турдаги кўрсаткичларнинг ичидан қуйидагиларни кўрсатиб ажратиб ўтишни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз:

• **Битта ҳужжатни рўйхатдан ўтказиш вақти.** Одатда, битта ҳужжатни рўйхатдан ўтказишга бир дақиқадан кўп вақт талаб қилинмайди. Агар ташкилотда битта ҳужжатни бир неча марта қайта рўйхатдан ўтказиш йўлга қўйилган бўлса, мазкур кўрсаткич ҳам бир неча баробарга ошиши мумкин;

[1] IDC, Document Management Market Review and Forecast:2004-2008

• **Ҳужжатни ижрога узатиш вақти.** Ушбу параметр ташкилотга ҳужжатнинг келиб тушиш вақтидан то масъул шахснинг қўлига теккунига қадар ўтган ўртача вақтни ифодалайди. Бу йўлда ҳужжат бир қанча оралиқ босқичларни босиб ўтиши керак. Ташкилот миқёсига боғлиқ ҳолда ҳужжат бу йўлда ҳужжат резолюция лойиҳасини тайёрлаш, раҳбар томонидан ҳужжатнинг кўриб чиқилишини кутиш, у хато манзилга кетиб қолганида бўлинмадан қайта девонхонага жўнатилиши, ҳужжатлар ҳаракатланаётганда масъул ижрочининг алмаштирилиши каби операцияларга дуч келади. Қоида бўйича, қоғозли ҳужжатлар билан ишлашда яхши йўлга қўйилган технологияда ҳам ҳужжатни ижрога узатишнинг ўртача вақти бир кундан кам эмас;

• **Структуравий бўлинмалар ўртасида ҳужжатни жўнатиш вақти.** Унча катта бўлмаган ташкилотларда қўшни бўлинмалар ўртасида ҳужжатлар алмашинуви унинг қўшни хонага узатилиши билан тугайди. Ушбу ҳолатда ҳужжатларни узатиш вақти дақиқалар билан ўлчанади. Бу кўрсаткич ташкилот қанча катта бўлса, шунча ўсиб бораверади. Масалан, агар бўлинмалар бир-биридан алоҳида жойлашган бўлса ёки уларда ички ёзишмаларни рўйхатдан ўтказиш тартиботлари мавжуд бўлса, структуравий бўлинмалар ўртасида ҳужжат юборишнинг ўртача вақти бир неча кунгача бориши мумкин;

• **Маълум атрибутлар бўйича ҳужжат қидириш вақти.** Агар ҳужжатнинг реквизитлари маълум бўлса, "қоғозли" технология бўйича ишлашда ушбу саволга жавоб бериш бир неча дақиқани талаб қилади;

• **Номаълум атрибутлар бўйича ҳужжат қидириш вақти.** Агар керакли ҳужжатнинг реквизитлари маълум бўлмаса ёки фақатгина тахминан маълум бўлса, қогозли рўйхатдан ўтказиш ёки картотекаларда ҳужжат қидириш бир неча соатларга ва ҳатто кунларга ҳам чўзилиши мумкин;

• **Намунавий ҳужжатларни тайёрлаш ва мувофиқлаштириш вақти.** Ушбу кўрсаткични битта ёки шу турдаги ҳужжатни тайёрлаш ва мувофиқлаштириш вақтини ўртача ҳисобга олиш билан татбиқ қилиш мақсадга мувофиқдир. Бир хил ҳужжатларга, мисол учун, буйруқлар, лойиҳалар, шартномалар, мажлислар баённомалари, ишлар режалари ва бошқа кўплаб ҳужжатларни киритиш мумкин. Шунингдек, мисол тариқасида мувофиқлаштиришнинг бир хилдаги йўналишлари кўриб чиқилса яхши бўлади. Ушбу кўрсаткични баҳолашда дастлабки маълумотларнинг ишончлилиги ва очиқлиги билан боглиқ муаммолар юзага келиши мумкин. Тегишли ҳужжатнинг имзоланган санаси билан мувофиқлаштириш қоғозида биринчи имзони олиш санасини таққослаб холис ахборот олиш мумкин;

• Намунавий (типовой) ҳисоботларни тайёрлашга кетган вакт. Одатда, ташкилот ходимлари доимо намунавий маълумотномалар ва ҳисоботларни

тайёрлаб борадилар. Уларнинг турли кесимларида қизиқарли маълумотлар мавжуд (ташкилотда ижро интизомининг ҳолати, ҳужжатларни архивга узатиш ва бошқа маълумотлар). Агар ҳужжатларни рўйхатдан ўтказиш қоғозли технология бўйича олиб бориладиган бўлса, бундай ҳисоботларни тайёрлаш учун ходимлар 30-40 фоизгача иш соатини сарфлаши мумкин.

Ниҳоят, ҳужжат айланишининг юқорида кўриб ўтилган миқдорий ва муваққат параметрларидан ташқари ҳужжатлар устида у ёки бу операцияларни амалга ошириш қийматини ифодаловчи қатор қиймат кўрсаткичлари мавжуд. Одатда, ушбу кўрсаткичлар ҳужжатлар миқдорига қандай боғлиқ бўлса, уларни қайта ишлаш вақтига ҳам шундай боғлиқ бўлади. Қиймат кўрсаткичларига қуйидагилар киради:

• ходимларнинг иш соати қиймати. Ҳужжатлар устидаги барча операцияларни ташкилот ходимлари бажаради. Уларни таъминлаш, шу жумладан меҳнат ҳақини тўлаш маблағлари, ишлаб чиқариш иншоотлари ижараси, солиқ тўловлари ва бошқа нарсаларга сарфланадиган ҳаражатлар ташкилотнинг чиқим бюджетида сезиларли ҳиссани ташкил этади;

• ҳужжатлар билан бирга у ёки бу амалларни бажариш учун зарур бўлган ресурслар қиймати. Бу каби ресурсларга қоғозлар, харажат материаллари, принтерлар, нусха кўчирадиган аппаратлар киради. Ресурслар қийматига архив иморатларини таъминлаб туриш учун тўлов билан боғлиқ харажатлар, амортизация чегирмалари ва шу кабилар қўшилади.

7.2.4. Электрон ҳужжат айланишини ташкил этишда риск омиллари

Ташкилотнинг ҲАБТга ўтишини *рисклардан холи деб* ҳисоблаш мумкин эмас. Керакли режалаштиришни ўтказиш риск фоизини минимумга тушириши лозим. Корхона ҲАБТни татбиқ этиш жараёнида ишнинг ташкилий ва техник томони билан, ходим, ишларни олиб бориш жараёнлари ва хавфсизлик билан боғлиқ бўлган риск омилларини ҳисобга олишига тўғри келади.

Ташкилий рисклар.

Рискнинг ташкилий омиллари, фикримизча учта асосий соҳада роль ўйнаши мумкин:

• Раҳбариятнинг қўллаб-қувватлаши: Лойиҳани ишга тушириш учун ва тизимни кучайтиришнинг бутун даврида белгиланган йўналишдан тўхтаб қолмаслик учун қўллаб-қувватлаш, бошқарувда ёрдам ва раҳбар ходимларнинг аниқ кўрсатмалари керак бўлади.

• Режалаштириш: ҲАБТ лойиҳаси бу жиддий ва узоқ муддатли ташаббус бўлиб, унинг устида ахборот менежменти, ёзувларни бошқариш ва ахборот

технологиялари гуруҳлари, шунингдек, охирги фойдаланувчилар ишлашади. Лойиҳани амалга ошириш учун керакли ресурслар рўйхатини тузиш, уларни тақсимлаш ва ишлаб чиқаришга буйруқ бериш лозим.

•Ўзгаришларни бошқариш чегаралари: ташкилотнинг ўзгаришларини бошқариш чегаралари қаерда бўлади, шуни аниқ билиб олиш керак. Корхонага ҳар қандай ҳужжат юритиш бошқарувини татбиқ қилиш ходимларнинг тинчини бузади. Ички ўзгаришлар қаршилиги, янги жараёнларни тушунмаслик ва тизимни қабул қилмаслик аломатларини ҳис қилиш учун ходимни диққат билан кузатиш керак.

Техникавий рисклар.

Хавфнинг техник омилларини бешта асосий соҳага бўлишимиз мумкин:

• Тизимнинг ишдан чиқиши: Аппарат таъминоти, компьютер тармоқлари ва дастурий таъминот мураккаблашиб боргани сари тизимнинг умуман ишдан чиқиш эҳтимоли ошиб боради. Тизим танланганидан сўнг корхонадаги локал ёки глобал компьютер тармоғида нуқсонликлар юзага келганида тезда унинг барқарорлигини ва қувватини кучайтиришни режалаштириш керак.

• Таъминотчи ва унинг маҳсулотининг ишончилилиги: Яқин келажакда бозорда жон сақлаб қолишига шубҳа туғилмайдиган компанияни афзал билиб, тизим ва унинг таъминотчисини танлашга эътибор билан муносабатда бўлиш керак. Яқин ўтмишдаги молиявий зарбалар ва фирманинг заиф мавқеи ҳам аппарат таъминоти, ҳам дастурий таъминот ишлаб чиқарувчилари орасида таъминотчининг узоқ муддатга яшаш қобилияти борасида шубҳа уйғонишига сабаб бўлади.



33-расм. ҲАБТни яратишда мавжуд бўлган риск омилларининг таснифи[1]

[1]Муаллиф томонидан тузилган

• Аппарат/дастурий таъминот архитектураси: ҲАБТни татбиқ қилиш учун шунга мувофиқ аппарат таъминоти ва компьютер тармоғининг ҳукмрон муҳитини саралаб олиш керак. Аппарат ва дастурий таъминотни ўз вақтида сотиб олиш зарур, чунки ахборот технологиялари мутахассислари гуруҳи архитектурани зудлик билан текшириши ва уни маъқуллаши керак.

• Мижоз/сервер муҳити архитектураси: ҲАБТ қўлланма (илова)лари - бу корхонага татбиқ қилинган мижоз/сервер муҳити архитектурасини текширишдир. Ҳатто бу соҳада ташкилотнинг амалий тажрибаси чегараланиши ҳам мумкин. Мижоз/сервер муҳити архитектурасининг рақобатлаша олувчи вариантларини зудлик билан мукаммал баҳолаш керак ҳамда улардан бирини танлаш керак.

• Таъминотчи томонидан техник қўллаб-қувватлаш хизматининг маҳаллий инфратузилмаси: Эҳтимоли кўпки, таъминотчи компаниянинг асосий биносида ўз маҳсулотини техник қўллаб-қувватлашни ташкил қилади. Таъминотчи – фирма вакилларининг компанияда бўлишини минимал даражага тушириш керак, чунки бу корхонага қимматга тушади.

Ходимлар билан боғлиқ риск омиллари.

Ходим билан боғлиқ рисклар, фикримизча қуйидаги иккита асосий соҳада намоён бўлади:

• Тизимни татбиқ қилиш жараёнида фойдаланувчиларни ўқитиш ва консультация; Корхонанинг кўп сонли ходимларини ўқитиш соҳасидаги тажрибаси чекланган бўлиши мумкин. ҲАБТни татбиқ қилишнинг техник ва стратегик режасини ҳамда уни кучайтириш жараёнида қўллаб-қувватлаш режасини эътибор билан ишлаб чиқиш керак. Шунингдек, ушбу режани таълим дастури ва ходимнинг махсус тайёргарлиги билан шундай таққослаш керакки, билимнинг корпоратив базаси юксалиб, олинган ахборот корхонанинг барча бўлинмаларида қабул қилинсин.

• Тизимни жорий қилиш жараёнида техник мутахассисларни ўқитиш ва консультация: Янги қўлланма (илова)лар, мижоз/сервер архитектуралари, ахборот тизимлари ва платформаларнинг пайдо бўлиши ахборот технологиялари ва ахборот менежменти учун ресурсларга киритиладиган инвестицияларнинг ўсишига олиб келади. Қиска муддатда фирма ходимлари орасидан малакали мутахассисларни тайёрлашнинг тактик ва стратегик режасини ишлаб чиқиш ҳамда корхона микёсида ҲАБТни кучайтириш учун техник қўллаб-қувватлашнинг ички хизматини вужудга келтириш талаб қилинади.

Иш жараёнида вужудга келадиган риск омиллари.

Иш жараёнида вужудга келадиган рискнинг асосий омили — бу самарадорликнинг қисқа муддатли тушишидир. Фойдаланувчилар ҲАБТнинг янги муҳити билан ишлашга ўтаётганида менежерлар бунинг содир бўлишига қарши олдиндан тайёрланиши мумкин. Келгусида ёзувларни бошқариш гуруҳига фойдаланувчилар орасида янгиликларни киритиш ғояларини қўллаб-қувватлашга катта ҳажмдаги ресурсларни йўналтириш талаб қилинади ва бу самарадорликни вақтинча тушириш мумкин.

Хавфсизлик тизими билан боғлиқ риск омили.

Хавфсизлик тизими билан боғлиқ рискнинг асосий омили мижоз/сервернинг ҳукмрон муҳити соҳасида вужудга келади. Шу турдаги тизимларни муҳофаза қилиш бўйича корхонанинг тажрибаси чегараланган бўлиши мумкин. Қисқа муддатда мижоз/сервер платформалари доирасида ҲАБТ хавфсизлигини таъминлаш учун назорат тизими, тактик режа ва стратегия ишлаб чиқиш талаб қилинади.

II БОБ. ЭЛЕКТРОН ҲУЖЖАТ АЙЛАНИШИНИ БОШҚАРИШ ТИЗИМИНИ ЯРАТИШ ВА БАҲОЛАШ УСУЛЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ

7.3.1. Электрон ҳужжат айланишини бошқариш тизимини яратиш услубиёти

Ушбу услубиёт электрон ҳужжат айланишини бошқариш тизимини (ҲАБТ) яратиш жараёнини тавсифлаб беради.

Саноат корхоналаридаги лойиҳа бўлимлари учун электрон ҳужжат айланишини бошқариш тизимини ишлаб чиқиш мазкур методиканинг мақсади ҳисобланади. ҲАБТ лойиҳа бўлими ходимлари ишини автоматлаштириши ва асосий вазифани – ҳужжат айланишини таъминлаши зарур.

Ҳужжат айланишини бошқариш тизимини яратиш ва жорий қилиш алгоритми 34-расмда кўрсатилган.



34-расм. Бошқарув тизимида ҲАБТни яратиш ва жорий қилиш алгоритми[1]

Корхона томонидан ҳужжат айланишини бошқариш тизимини яратиш тўғрисида қарор қабул қилингандан сўнг ўзаро ишлаш (ўзаро таъсир) типи танлаб олинади. Ўзаро ишлашнинг тармоқ типи (электрон) йўқлиги корхонани бошқариш функциялари бўйича бошқа тизимларга ўтиш заруратини билдиради. Корхонада ҳужжат айланишини бошқариш тизими тузилмаси (структураси) модуллардан иборат бўлиб, улар ўзларининг ўзаро алоқаси билан корхонани бошқариш тизимида турли тизим ва лойиҳаларни яратиш имконини беради.

Электрон ҳужжат айланишини бошқариш тизими тузилмаси.

ҲАБТнинг вазифаси ходимларнинг қуйидагилар билан боғлиқ кундалик фаолиятини автоматлаштиришдан иборат бўлиши зарур:

• лойиҳа ҳужжатларини кўриб чиқиш, яратиш, рўйхатлаштириш, сақлаш, ўзгартириш ва излаш билан;

• лойиҳалаш бўйича топшириқларни тузиш, бериш ва олиш билан;

[1]Интернет материаллари асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

• лойиҳалаш бўйича топшириқларни ва ҳужжат лойиҳарини мувофиқлаштириш билан;

• ходимлар ўртасида ҳужжатлар ва ахборот алмашинуви билан;

• архив ҳужжатлар билан ишлаш – кўриб чиқиш, жойлаштириш, ўзгартириш, олиб ташлаш билан;

• ахборотдан эркин фойдаланишни назорат қилиш билан;

• ижрони назорат қилиш билан.

ҲАБТнинг ўзига хос хусусиятлари қуйидагилар бўлиши лозим:

• мижоз-сервер архитектураси мавжудлиги;

• модуллик;

• очиқлик;

• хавфсизлик;

• масштаблилик.

Архитектуранинг "мижоз-сервер" турига мансублик энг муҳим ҳисобланади. Тизимнинг барча модуллари серверда жойлашган бўлиб, сервер дастурлари билан бошқарилади ва хизмат кўрсатилади. Мижоз қўлланма (илова)лари маълумотлар базасида сақланаётган ахборотни киритиш, таҳрир этиш ва акс эттириш учун мўлжалланган. Маълумотлар баъзаси (МБ) ва модул тушунчаси турли маъноларда қаралади.

Тизим таркиби.

Автоматлаштирилган ҳужжат айланиши тизимининг таркибига қуйидаги асосий маълумотлар баъзаси кириши лозим (35-расм):

• "Лойиҳалар картотекаси" модули

• "Объект" модули

• "Ходимлар маълумотномаси" модули

• "Ҳужжатлар андозаси" модули

• "Эълонлар тахтаси" модули

"Объект" маълумотлар баъзасини ҳисобга олмаганда, барча маълумотлар базаси ягона нусхада тизимда мавжуд бўлиши зарур. "Объект" каби маълумотлар баъзаси ҳам лойиҳалаш объектлари миқдорига мос келиши лозим. Бу янги объектни лойиҳалаш иши янги "Объект" модулини яратишдан бошланишини англатади.

Лойиҳалар картотекаси	Ходимлар маълумотлар Базаси	Ҳужжатлар андозаси	Эълонлар тахтаси	Лойиҳа

35-расм. Асосий маълумотлар базалари

Модулларнинг вазифалари

• "Лойиҳалар картотекаси" модули – тизимнинг асосий маълумотлар базасидир. Модуль объектлар ҳақидаги маълумотларни сақлаш ва акс эттириш,

шунингдек, объектлар бўйича зарур ахборотларни излаш учун мўлжалланган.

"Лойиҳалар картотекаси" модулининг асосий шакли "Объект карточкаси" ҳисобланади.

"Лойиҳалар картотекаси" модули "Объект" устидан қуйидаги операцияларни бажаришни таъминлаши лозим:

- "Объект карточкаси"ни яратиш, ўзгартириш ва чиқариб юбориш (ўчириш);
- "Объект" модулини яратиш ва чиқариб юбориш (ўчириш);
- "Объект" модули ҳолатини ўзгартириш.

Объектни лойиҳалаштириш иши янги "Объект" модулини яратишдан бошланади. Бунинг учун "Лойиҳалар картотекаси" маълумотлар базасининг объект карточкасини янги объект ҳақидаги тегишли маълумотлар билан тўлдириш лозим. Лойиҳалаш бўйича кейинги ишлар тўлдирилган объект карточкаси асосида яратилган "Объект модули"да юз беради.

"Лойиҳалар картотекаси" модули объектлар кесимида лойиҳалаш ишларининг бажарилиш муддатлари ҳақида ахборот тақдим этиши зарур. Масалан, объект бўлимлари кесимидаги ишларнинг бажарилиш муддатлари тўғрисида янада батафсил маълумот олиш имконияти "Объект модули"да амалга ошиши лозим.

Ахборотни сақлашни икки шаклда амалга ошириш кўзда тутилади, бу – лойиҳалаш объекти қисмига оид ахборотларни ўзида жамлаган. "Ҳужжат карточкаси" ва қисм бўйича зарур ахборотни бериш учун фойдаланиладиган "Топшириқ"дир. Лойиҳанинг муайян қисми бўйича ишлар якунлангандан сўнг "ТОПШИРИҚ" шаклидаги ахборот бошқа қисм бўйича ишлаётган ходимларга берилади. Навбатдаги қисмда иштирок этаётган ходимлар "ТОПШИРИҚ"ни қабул қилганларидан кейингина қисм бўйича иш тугалланган ҳисобланади.

"Объект" модули лойиҳа ҳужжатлари устидан қуйидаги операцияларни бажаришни таъминлаши зарур:

- яратиш;
- чиқариб юбориш (ўчириш);
- ўзгартириш;
- сақлаш.

"Ходимлар маълумотномаси" модули – маълумот берувчи маълумотлар базаси бўлиб, ташкилот ходимлари ҳақидаги маълумотларни яратиш, сақлаш ва чиқариб юбориш учун мўлжалланган.

Маълумотлар базаси қуйидаги ахборотларни ўзида мужассам этиши лозим:

- корхона ходимлари ҳақида
- тизимни созлаш ҳақида.

"Ходимлар маълумотномаси" модулининг асосий шакли "Ходимлар карточкаси" саналади.

Модулда янги ходимни рўйхатдан ўтказиш уни тизимда автоматик тарзда қайд этилиши, унга электрон имзо пароли ва файли берилиши билан бирга кечиши лозим. "Ходимлар маълумотномаси" модули қуйидагиларни шакллантиришга имкон бериши керак:

• лойиҳанинг рухсат этилиши мумкин бўлган қисмлари (шу жумладан, жалб қилинган вакиллар томонидан бажариладиган қисмларнинг ҳам) рўйхати:

• ходимларнинг улар ихтисослиги ва касби кесимидаги рўйхати. Ушбу рўйхатлар асосида ходимларнинг муайян қисмга мувофиқлиги жадвали тузилиши ҳамда тизимли ва бошқаришга оид хабарлар жўнатишни олиб бориш мумкин.

"Ҳужжатлар андозалари" модули — маълумотлар эслатма базасидир. Модуль ташкилотларда энг кўп фойдаланиладиган ҳужжатлар андозасини яратиш, сақлаш ва чиқариб ташлаш учун мўлжалланган. Ушбу маълумотлар базасидан фойдаланиш ташкилотда яратилаётган барча электрон ҳужжатларни стандартлаш ва ходимларнинг янги ҳужжатлар яратиш борасидаги ишини енгиллаштиришга ёрдам беради.

"Ҳужжатлар андозалари" маълумотлар базасининг асосий шакли "Андоза карточкаси" ҳисобланади.

"Эълонлар тахтаси" маълумотлар базаси — ахборот-маълумот берувчи база ҳисобланиб, ходимларни тез хабардор қилиш мақсадида эълонлар ва буйруқларни яратиш, сақлаш ва чиқариб юборишга мўлжалланган. Улар кимга мўлжалланган бўлса, "Эълонлар тахтаси" маълумотлар базасида фақат шу кишиларга кўринадиган умумий, гуруҳларга оид ва якка тартибдаги эълон ва буйруқларни тайёрлашга имкон бериши лозим. Бу ўринда фақат ахборот акс этиб қолмай, балки эълон ёки буйруқнинг олинганлигини тасдиқлаш ҳақидаги сўроқ билан муайян ходимларга юборилиши ҳам мумкин. Ходим томонидан унга мўлжалланган ахборот олинганлиги ҳақидаги маълумотни ўзида сақлаган журнал юритилиши лозим.

"Эълонлар тахтаси" маълумотлар базасининг асосий шакли "Эълон/буйруқ карточкаси" ҳисобланади[1].

Маълумотлар базасининг МБ вазифалари.

Ҳар бир маълумотлар базаси муайян вазифани бажариш учун мўлжалланган ва ўз вазифасини бажаради. Қуйида ҳар бир МБ учун улар эга бўлиши зарур бўлган вазифалар белгилаб чиқилган

"Лойиҳалар картотекаси" маълумотлар базасининг вазифалари:

• Янги ишчи лойиҳа тузиш.

"Лойиҳалар картотекаси" МБда лойиҳанинг янги карточкасини тузади. Карточкага киритилган ахборотни сақлайди. Карточкага киритилган ахборот

[1] www.emc.com/domains/emc.../index.htm

асосида янги "Объект" МБини яратади. Вазифа тизимда янги лойиҳа яратишга жавобгар бўлган ходим томонидан бажарилади. Лойиҳа шифрини вужудга келиши буюртмачи алгоритмига мувофиқ юз беради.

• Ишчи лойиҳа карточкасига ўзгартириш киритиш

Буюрмачининг истагига биноан баъзи майдонларда ахборотни ўзгартиришга рухсат этилган. Юзага келтирилган лойиҳа шифрига ўзгартириш киритиш тақиқланган!

• Ишчи лойиҳа МБни чиқариб юбориш (ўчириш).

Лойиҳалар таркибига ўзгартиришлар киритиш учун жавобгар бўлган мансабдор шахс томонидан амалга оширилади. Муайян маълумотлар базасини бир неча жавобгар шахслар рухсати олингандан сўнг чиқариб юбориш варианти бўлиши мумкин.

• Лойиҳани тугалланган ҳолатга ўтказиш.

Лойиҳа устида иш якунлангандан сўнг лойиҳани олиб боришга жавобгар ходим лойиҳани "Якунланган объектлар" босқичига ўтказишни амалга оширади. Шундан сўнг лойиҳани ташқи буюртмачига топшириш учун жавобгар бўлган шахслар гуруҳигина объект бўйича лойиҳа ахборотига ўзгартириш киритиши мумкин.

• Якунланган лойиҳани архивга жойлаштириш.

Ташқи буюртмачига топширилган ва "Якунланган объект" ҳолатида турган тугалланган лойиҳалар буюртмачи томонидан белгиланган муддат етганига кўра ёки лойиҳани олиб боришга жавобгар бўлган ижрочининг хоҳиши бўйича "Объектлар архиви"га ўтказилиши мумкин.

• Якунланган лойиҳага ўзгартириш киритиш.

Бу иш ушбу лойиҳага жавобгар ёки бундай ваколат олган ижрочи томонидан амалга оширилади.

• Архивда турган лойиҳага ўзгартириш киритиш.

Электрон архивга ўзгартириш киритиш тадбири жавобгар шахс ёки шахслар томонидан ушбу ўзгартиришнинг тасдиқланишини талаб қилади. Ўзгартириш киритиш эскисининг ўрнига янги ҳужжат яратиш шаклида амалга оширилади. Бунда янги ҳужжат эскисининг ўрнини эгаллайди. Ҳужжатнинг тўғриланганлиги сабабини изоҳлаш учун "Тушунтириш хати" ҳужжати тузилади.

• Архивда турган лойиҳалар ҳужжатларини кўриб чиқиш.

Бу вазифа архивда турган ҳужжатлардан эркин фойдаланиш ҳукукига эгаликни талаб килади. Қуйидагилардан эркин фойдаланишга рухсат этилади:

- барча лойиҳалар ҳақидаги ахборотлардан;
- аниқ лойиҳа ҳақидаги ахборотдан;
- аниқ лойиҳа ҳужжатидан.

• Объект бўйича ахборотнинг акс этиши (ифодаланиши).

Лойиҳанинг барча уч ҳолатига тегишли бўлган акс эттирилаётган ахборотнинг шакли ва таркиби тизим фойдаланувчисининг бажараётган ролига ва эркин фойдаланиш ҳуқуқига боғлиқ.

• Зарур ахборотни излаш.

Ахборотни излаш вазифаси қизиқтираётган объект ёки объектлар гуруҳини тез ва қулай топишга, шунингдек, ахборотни акс эттиришни фойдаланувчи учун қулай тарзда созлашга имкон туғдиради.

"Объект" маълумотлар базасининг вазифалари:

• Ҳужжат карточкасини тузиш.

Янги ҳужжат тузиш ёки ҳужжатларни йиғиш жараёни ҳужжат карточкасини тўлдиришдан бошланади. Карточка майдонининг бир қисми, масалан, "Ҳужжатнинг номланиши" қисми ижрочи томонидан мустақил тўлдирилиши шарт, бошқа қисми эса автоматик тарзда тўлдирилади.

• Карточкага ҳужжат бириктирилиши.

Ҳужжат карточкаси у тавсифлайдиган ҳужжат билан бевосита богликдир. Карточкани ҳужжат билан боғлашнинг икки усули бор: ҳужжат ичидагиларни бевосита карточкага жойлаштириш ёки мавжуд бўлган ҳужжат файлини ушбу карточкага бириктириш. Иккинчи усул операцион тизимда қайд қилинган ташқи қўлланма ёрдамида ҳужжат файлини яратишни ёки маълумотлар базасидан "Ҳужжатлар андозалари"ни олишни кўзда тутади.

• Карточкага бириктирилган ҳужжатни таҳрир қилиш.

Карточкага бириктирилган ҳужжатни очиш унинг ёрдамида ушбу ҳужжат тузилган ташқи қўлланмани автоматик тарзда юргизиб юборишга олиб келади. Кейин эса файлни таҳрир қилиш ушбу қўлланма воситасида бажарилади. Амалга оширилган ўзгаришларни сақлаш эски файл версиясини янги версия билан автоматик алмашинишига олиб келади.

• Ҳужжатнинг ноёб рақамини белгилаш.

Янги ҳужжат яратилган чоғда тизим унинг учун ноёб рақамни автоматик тарзда белгилайди. Келгуси ишларда ушбу рақамдан талаб қилинадиган ахборотни излаш учун фойдаланиш мумкин.

• Топшириқ бериш.

Ушбу вазифа турли лойиҳа қисмлари устида ишлаётган ходимлар гуруҳлари ўртасида топшириқ бериш учун мўлжалланган. Топшириқни яратишда вазифа шаклининг икки форматидан бирини фойдаланиш мумкин:

- "бўш шакл"
- "ишорати бўлган шакл"

Вазифа бўйича барча маълумотлар «бўш шаклга» фойдаланувчи томонидан қўл билан киритилади. Ишораси бўлган шакл эса берилиши керак бўлган ҳужжатларнинг фойдаланувчи томонидан белгиланган рўйхати бўлишини

талаб қилади. Шу билан бирга, тизим белгиланган ҳужжатларга Топшириқ шаклидаги ишорани автоматик тарзда яратади. Ҳужжатларни бевосита Топшириқнинг ўзидан кўриб чиқиш мумкин.

• Зарур ахборотни излаш.

Ахборотни излаш вазифаси муайян лойиҳа ҳужжати бўйича керакли маълумотларни тезда топишга имкон беради.

"Ходимлар маълумотномаси" МБ вазифалари:

• Янги ходимни рўйхатдан ўтказиш.

Ушбу вазифа ташкилотнинг янги ходими ҳақидаги маълумотларни маълумотлар базасига киритишни таъминлайди. Шу билан бирга янги ходимни рўйхатдан ўтказиш ҲАБТ тизими фойдаланувчиси сифатида автоматик тарзда амалга ошади.

• Ходимни МБдан чиқариб юбориш.

Ходимни тизимдан чиқариб юбориш операцияси бир неча босқичдан иборат бўлиши лозим. Иш ходим ижрочи ҳисобланган ишчи лойиҳаларни излашдан бошланади. Бу янги ижрочини келгусида алмаштириш учун зарур. Кейин тизим фойдаланувчиси тўғрисидаги маълумотлар сифатида ходим ҳақидаги маълумотлар чиқариб юборилади. Ходимнинг шахсий карточкасини чиқариб юбориш ёки уни келгусида фойдаланиш учун бошқа қисмга ўтказиш охирги босқич саналади.

• Ходим ҳақидаги маълумотларни ўзгартириш.

Ташкилот ходими тўғрисида сақланаётган маълумотларнинг амалда барча қисмига тегишли нарсаларни ўзгартиришга рухсат этилади. Фақат рўйхатдан ўтказиш чоғида энг муҳим саналган майдон, хусусан, Фамилия, Исм, Ота исми ва тизим созлашларида ўзгартириш учун ёпиқ бўлган майдонлар бундан мустасно. Муайян ходимнинг ихтисослиги ва касбини ўзгартириш фақат кенгайиш томонга мумкин. Бу ушбу ходим иштирок этган лойиҳага тегишли ўзгартириш киритмасдан туриб ходимда бор бўлган муайян ихтисосликни олиб ташлаш мумкин эмаслигини билдиради.

• Зарур ахборотни излаш.

Ахборотни излаш вазифаси маълум ходим ёки тизимдаги фойдаланувчилар гуруҳи ҳақидаги зарур маълумотларни тезда топиш, шунингдек, ахборотни акс эттиришни фойдаланувчи учун қулай тарзда созлаш имконини беради.

"Ҳужжатлар андозалари" МБ вазифалари:

• Янги андозани қўшиш.

Янги андозани қўшимча килиш киритилган файли бўлган ҳужжат карточкасини яратишга ўхшаш тарзда амалга оширилади. Муайян илова ёрдамида яратилган андоза файли андоза карточкасига бириктирилади ва маълумотлар базасига жойлаштирилади. Янги андоза яратилганда тизимнинг барча

фойдаланувчиларига маълумотлар базасида янги андоза пайдо бўлганлиги тўғрисида хабар жўнатилади.

• Ҳужжат андозасини таҳрир қилиш.

Карточкага бириктирилган андоза у қайси иловада яратилган бўлса, шунинг ёрдамида таҳрир қилинади. Илова тизим томонидан автоматик тарзда юргазилади ва бундан кейин ҳужжат андозасининг ўзгартирилган маълумотлар базасига автоматик тарзда киритилади. Муайян шаблоннинг янгиланганлиги ҳақида барча фойдаланувчиларга хабар жўнатилади.

• Ҳужжат андозасини чиқариб юбориш.

"Ҳужжат андозаси" МБ учун жавобгар ижрочи ёки ижрочилар гуруҳи эскирган ёки бундан кейин кераксиз андозаларни чиқариб юбориши мумкин. Бундай йўл тутилганда тизим маълумотлар базасидаги ўзгаришлар ҳақида хабар жўнатади.

"Эълонлар тахтаси" МБ вазифаси:

• Мўлжалланган хабарни қўшимча қилиш.

Муайян ижрочилар гуруҳига мўлжалланган ва бошқарувчилик хусусиятига эга янги хабар, буйруқ, фармойишларни қўшимча қилишга имкон беради. Ушбу хабар мўлжалланган фойдаланувчилар тизим билдиришини оладилар ва хабарни ўқиганлик ҳақида билдириш олинмагунча тизимни камал қиладилар.

• Умумий хабарни қўшимча қилиш.

Дарак бериш хусусиятига эга ва тизимнинг барча фойдаланувчиларига мўлжалланган хабарни қўшимча қилишга имкон беради. Хабар жўнатилаётганлигини фойдаланувчиларга билдириб ёки бусиз ҳам хабарни юбориш мумкин.

• Муҳокама учун мавзуни қўшимча қилиш.

Муайян мавзуни муҳокама учун қўшимча қилиш мумкин, бу тизимнинг бошқа фойдаланувчиларига ушбу мавзуга жавоб шаклида ўз мулоҳазаларини қўшиш имконини беради.

Базадан мавзуларни чиқариб ташлаш.

"Эълонлар тахтаси" МБ учун жавобгар шахс фойдаланувчилар учун эскирган эълонларни чиқариб юбориши мумкин.

Модулларнинг ўзаро ишлаши чизмасида электрон ҳужжат айланиши ахборот тизимининг барча 5 модули ўзаро ишлаши кўрсатилган:

• "Лойиҳалар картотекаси" МБ.

• "Объект" МБ

• “Ходимлар маълумотномаси” МБ

• “Эълонлар тахтаси” МБ

ҲЭБ тизимининг техник таъминланиши.

Ҳужжат айланишини автоматлаштириш тизимида вазифасига кўра энг асосий модель - бу “Объект” МБдир.

Маълумотлар базалари ўртасидаги алоқалар. “Ходимлар маълумотномаси” МБ корхона ходимлари ҳақида зарур ахборотни ўзида сақлайди. Ҳар бир ходим ҳақидаги маълумотлар ушбу МБда алоҳида ҳужжатда сақланади.

“Лойиҳалар картотекаси” МБда лойиҳалар бўйича ахборот мавжуд. Ушбу МБдаги ҳар бир ҳужжат лойиҳалаш объектлари бўйича маълумотларни сақлайди ва алоҳида МБ лойиҳасига мувофиқ келади. Ушбу МБда янги ҳужжат яратишда лойиҳа ҳужжатларини сақлаш учун “Объект” типидаги янги МБ яратилади. Лойиҳа карточкасида лойиҳалаш объектининг турли қисмлари бўйича, шунингдек; умуман объект бўйича жавобгарлар ва ижрочиларнинг белгилаш учун “Ходимлар маълумотномаси” МБдаги ахборотдан фойдаланилади.

“Лойиҳалар картотекаси” МБда ҳар бир қайд учун “Объект” МБ яратилади ва лойиҳалаш объекти бўйича ишчи ахборотни ўзида сақлайди. Ушбу маълумотлар базасидаги ҳужжатлардан эркин фойдаланиш бўйича тегишли даражани тақдим этиш ҳамда ахборотни ва электрон почта орқали хабарларни узатишни амалга ошириш учун “Ходимлар маълумотномаси” МБдаги ахборотлардан фойдаланади. “Андозалар” МБда лойиҳа бўйича иш жараёнларида фойдаланиладиган турли иловалар учун андозалар файли мавжуд. Фойдаланувчи зарур ўлчамлари бўлган файлни тезда яратиш учун, шу жумладан, “Объект” МБ ҳужжатига қўшиладиган нарсани яратишда ҳам ушбу МБга мурожаат қилиши мумкин.

“Эълонлар тахтаси” МБ эълонлар ва буйруқларни яратиш, ходимларга тезкор хабар етказиш ва ушбу ҳужжатларни сақлаш учун мўлжалланган. Тегишли ҳужжатни яратишда Маъмур ходимларга электрон почта орқали ушбу ҳужжатга ишорани жўнатади.

Ишчи ҳужжатларнинг жорийлашган сақланиш шакллари.

Ҳужжатлар билан ишлаш ва уларни сақлаш учун иловалари операцион тизимда қайд этилган иш ҳужжатларининг барча форматлари таъминланади. Ушбу форматлар жадвалда келтирилган (18-жадвал).

18-жадвал.

Ички фойдаланиш учун таъмин этиладиган файллар форматлари[1]

№ п/п	Номланиши	Файл
1	Microsoft Word	.doc, .rtf, .dot, ва бошка форматлар
2	Microsoft Excel	.xls, df ва бошка форматлар
3	Microsoft Power Point	.ppt
4	Стандартлашган график форматлари билан ишлаш учун дастурлар	.bmp, .jpg, .gif

Аппарат ва дастурий таъминотга қўйиладиган талаблар.

Лойиҳа бўлимида электрон ҳужжат айланишининг ахборот тизимини жорий қилиш учун қуйидагилар таъминланиши лозим:

• Сервер сифатида фойдаланиш учун компьютер;

• Ишчи станция сифатида фойдаланиш учун тахминан ўн еттита компьютер;

Сервернинг аппарат ва дастурий конфигурациясига ва ишчи станцияга қўйиладиган талаблар қуйида келтирилган. Сервер конфигурациясига талаблар:

• энг янги модификациядаги процессор;

• UPS (узлуксиз таъминот манбаи).

• Олиб-қўйиладиган ташувчиларда (флешка, диск ва бошқалар) захирага нусха кўчириш воситаси;

• Монитор, ранглиси тавсия этилади;

Ишчи станцияларга қўйиладиган талаблар:

• энг янги модификациядаги процессор;

• рангли монитор;

• Microsoft Windows;

• Тармоқ картаси;

Дастурий таъминотга таълаблар:

Ҳужжат айланишини автоматлаштириш тизимининг энг янги (Lotus Domino) версияси.

Ишчи станция дастурий таъминоти:

• Lotus Domino серверини қулай ва тўлақонли маъмурлаш учун мўлжалланган Lotus Notes Administrator (сервер версияси).

[1]Муаллиф томонидан саноат корхоналари учун тавсия этилмоқда

Қабул қилинган қисқартишлар.

ОБЪЕКТ – унинг бўйича лойиҳа ҳужжатлари ишлаб чиқиладиган нуқта;

ЛОЙИҲАЛАШТИРИШ – лойиҳа бўлими томонидан объект бўйича бажариладиган ишлар босқичи;

БМ – бирламчи маълумотлари;

ЛҲ – лойиҳа ҳужжати.

ЛТ – лойиҳалашга топшириқ.

ЛҲни МУВОФИҚЛАШТИРИШ – бошқа лойиҳаловчи шериклар билан ҳужжатни келишиб олиш.

ЛТни бериш – шерикка лойиҳалаш вазифасини бериш.

ЛҲ ни топшириш – қисм бўйича ишни якунлаш ва тайёр лойиҳа ҳужжатларини тасдиқлашга топшириш.

7.3.2. Электрон ҳужжат айланишини бошқариш тизимининг самарадорлигини баҳолаш услубиёти

Қуйидаги келтирилган маълумотлар ва ҳужжатларни электрон бошқариш (ҲЭБ) технологиясига киритиладиган инвестицияларнинг қайтишини таҳлил қилиш, асосан, ҲЭБнинг корпоратив тизимларига қабул қилинган технологияларни татбиқ қилиш контекстида келтирилади. Шуни назарда тутиш керакки, улар электрон иш юритишнинг тор вазифалари каби электрон ҳужжат бошқаруви соҳасидаги бошқа ўзига хос ечимларга мутлақо тўғри келмайди.

Иқтисодий нуқтаи назардан ҲЭБ тизимларини татбиқ қилиш инвестицияларнинг икки хил қайтишини таъминлаши мумкин:

1. Бевосита пул тарзида ўлчанадиган қайтиш (hard dollar)
2. Билвосита устунликлар (soft dollars).

Имтиёзларнинг ҳар икки турига намуналар ва ҳужжатларни сақлашнинг марказий тизимларини ўрнатиш ҳисобига осонгина эришиш мумкин. Улар қуйидагиларни таъминлайди:

- фойдаланувчининг интуитив тушунарли интерфейси[1];
- Web-браузер[2] ёрдамида универсал эркин кириш (ёпиқ, ўзига хос, хусусий мижозларсиз);
- Шакллар, видео, аудио ахборотларнинг ҳамда барча турдаги ҳужжатларнинг сақланадиган ягона жойи;
- Ҳужжатни олиш ва қайтаришда унинг йўлини тўсиш ва очиш;
- Маълумотларни назорат қилиш, электрон почта оркали билдириш;

---

[1]http://ru.wikipedia.org/wiki. Интерфейс сўзи инглизчада «юзма-юз» деган маънони англатиб, тизимдаги элементларнинг ўзаро муносабатларини англатади. Мазкур ҳолатда фойдаланувчининг компьютер элементлари билан муносабатга киришиши тушунилмоқда.

[2]http://ru.wikipedia.org/wiki. Интернет-браузер (браузер-инглизчадан сахифаларни очиб бориш маъносида) турли сайтларга кириш имкониятини яратувчи дастурий таъминот

• Хавфсизликнинг кўп даражали тизими.

ҲЭБнинг корпоратив тизимларини татбиқ қилиш ҳисобига ташкилотлар бир хил маълумотларни сақлашдан қутулади, меҳнат унумдорлигини ошириш, буюртмачиларни қаноатлантирадиган даражада ўсишга эришади ходимларнинг ўз ишида қаноатланишига олиб келади, иш сифатида ва коммуникация даражасида жиддий ўзгаришларни таъминлайди.

Агар буюртмачиларнинг талабларига жавоб беришни камайтириш, ишлаб чиқариш циклини қисқартириш ёки хизматлар кўрсатиш жараёнлари баҳоланса, ташкилот ҲЭБни татбиқ қилиш натижасини пул эквивалентида ўлчай олади. Масалан, саноат корхоналарининг маълумотига кўра, улардаги инфратузилмага Domino.Docни татбиқ қилиш ходимлар учун ҳар қандай жуғрофий узоқлаштирилган фойдаланувчининг ҳужжатларига осонгина эркин киришни таъминлади. Бу маҳсулот ишлаб чиқариш билан шуғулланувчи ходимлар жамоалари учун жиддий омил бўлиб, бозорга маҳсулотларни чиқариш тезлигида муҳим кўрсаткичларга эришиш имконини беради. Бу ташкилот учун янги маҳсулотни сотувга чиқаришни 6 ойга ушланиб колиши фойданинг 40 фоизини йўқотиш билан тенг.

General Motors ҲЭБга қилинган инвестицияларнинг қайтишини расмий таҳлил қилмас эди. Бироқ, уларнинг баҳолаши бўйича, улар тахминан лицензияларнинг ўзидан 10 млн.доллар тежаб колганлар ҳамда Domino.Docни татбиқ этиш орқали 4 карра самарага эришганлар[1]. Дастлаб Caterpillar компанияси расмий баҳолашдан сўнг ҳужжатлар бошқаруви бўйича ечим сифатида Documentumни танлади. Улар Documentumни[2] татбиқ қилишни бошлади, аммо лойиҳа босқичида 50 та фойдаланувчига бошида 20 минг фойдаланувчига ажратилган бюджетнинг ҳаммасини ишлатиб юборишди. Натижада, Caterpillar ёзувлар ва ҳужжатларни бошқариш соҳасида Lotusнинг ечимларига қайтди.

Ташкилот ҳужжатларни электрон бошқаришнинг корпоратив тизимларини татбиқ қилиш орқали икки турдаги имтиёзни қўлга киритиши мумкин: тактик ва стратегик.

Тактик имтиёзлар асосан ҳаражатларни қисқартириш билан боглик. Уларни осонгина аниқлаш ва ўлчаш мумкин. Пул ифодасида ўлчанадиган имтиёзлар ҳужжатларни сақлаш учун табиий сандиқларни қанча олиб ташлаш, қанча майдонни бўшатиш ҳамда кўпинча бир хилдаги ва ўша ҳужжатларнинг кўплаб

[1]Шапиро В.Д. Управление проектами. СПб, 1996.
[2]www.emc.com/domains/emc.../index.htm

нусхаларини сақловчи серверлардан қанчасини бўшатиш мумкинлигини ҳисоблаш асосида ҳисоблаб чиқилиши мумкин. Шундай қилиб, тактикларига қуйидаги имтиёзлар киради:

• Жойларни жисмоний бўшатиш.

• Нусха олиш учун сарфланадиган харажатларни камайтириш.

• Ахборотни қоғоз шаклида етказиб беришга сарфланадиган харажатларни камайтириш.

• Ресурслар: одамлар ва ускуналарга сарфланадиган харажатларни камайтириш.

• Қоғоз харажатларини камайтириш. Иш унумдорлигини ошириш.

• Ишни янада тезроқ бажариш.

• Бажарилган ишларнинг умумий сонини кўпайтириш.

• Маълумотлар/ёзувлар (ҳуқуқий мажбуриятларги эга бўлган ҳужжатлар) билан ишлашни яхшилаш.

• Янги иш турларини бажариш имконияти.

ҲЭБнинг самарадорлигини ҳисоблашда ишлатилиши мумкин бўлган бирламчи маълумотлар сифатида "GM-Ўзбекистон" компанияси маълумотларидан фойдаланиш мумкин[1]:

• Ишчи гуруҳлари вактининг 30 фоизи ҳужжатларни мувофиқлаштириш ва қидиришга кетади.

• Ҳужжатларнинг 6 фоизи қайтмасдан йўқолиб кетади.

• Ҳар бир ички ҳужжатдан 20 маротабагача нусха кўчирилади.

• Электрон ҳужжат айланишдан фойдаланишда ходимнинг меҳнат унумдорлиги 20-25 фоизгача ўсади.

• Электрон ҳужжатларнинг архив сақланиш қиймати қоғозли шаклда сақланиши билан таққосланса 80 фоизга кам бўлади.

Ташкилотда ҳужжатларни электрон бошқаришнинг корпоратив тизимини татбиқ қилишнинг иқтисодий самараси тўгрисидаги тасаввурни концептуал ишлаб чиқиш босқичида бир неча тахминий ҳисоб-китобларда олиш мумкин. Сўзсиз, янада аниқроқ рақамларга эга бўлиш корхонада умумий текшириш ўтказиш ва структуравий бўлинмалардан бирида ҳужжатларни электрон бошқариш тизимининг моделини жорий этишни талаб қилади.

19-жадвалда тизим жорий қилинишигача ва ундан сўнг ҳужжат айланишини бошқариш тизимини баҳолаш кўрсаткичлари «Саноат-транс» корхонаси мисолида берилган.

[1]Компания материаллари асосида муаллиф томонидан ҳисобланди

19-жадвал

Ҳужжат айланишини электрон бошқариш тизими татбиқ қилингунича ва ундан сўнг «Саноат-транс» корхонасини бошқариш тизимини баҳолаш кўрсаткичларининг ўртача қийматлари[1]

Гуруҳ кўрсаткичларининг номланиши	Кўрсаткич номи	Белгиланиши	Ўлчов бирлиги	ҲАБТ Жорий қилишгача	ҲАБТ жорий қилингандан сўнг	Кўрсаткичларни қиймати ўзгариши
1	2	3	4	5	6	7(5/6)
Миқдорий кўрсаткичлар	Электрон кўринишдаги нусхаларнинг ўртача сони	N ed	Дона	18	3	6
	Қоғоз кўринишдаги нусхаларнинг ўртача сони	Npd	Дона	5	2	2,5
	Яратиладиган ҳужжатларнинг ўртача сони	Nd	Дона/кун	22	17	1,29
Вақтинчалик кўрсаткичлар	Битта ҳужжатни рўйхатдан ўтказиш вақти	Trd	мин	10	4	2,5
	Ҳужжатни ижрога узатиш вақти	Tmd	мин	15	4	3,5
	Структуравий бўлинмалар ўртасида ҳужжатни жўнатиш вақти	Tsd	мин	10	1	10
	Маълум атрибутлар бўйича ҳужжат киритиш вақти	Tfkd	мин	30		
	Номаълум атрибутлар бўйича ҳужжат киритиш вақти	Tfud	мин	60	5	12
	Намунавий ҳужжатларни тайёрлаш ва мувофиклаштириш вақти	Ted	мин	120	60	2
	Намунавий (типовой) ҳисоботларни тайёрлашга кетган вақт	Tca	мин	120	20	6
Қиймат кўрсаткичлари	иш соати қиймати	Ct	Сум/соат	25,5	29	0,9
	ресурслар қиймати	Cr	Сум/дона	51	47	1,1

[1] «Саноат-транс» корхонаси материаллари асосида муаллиф томонидан ҳисобланди.

Қоғоз ҳолдаги ҳужжатни яратишга сарфланган умумий вақт ҳужжат андозасини қидириш вақти, ҳужжатни тайёрлаш, рўйхатдан ўтказиш ва уни ижрога узатиш вақтидан хосил бўлади. Яъни:

Тумум = Tfkd+Tcd+Trd+Tmd

Бир хилдаги ҳужжатни тайёрлашга сарфланган ресурслар қиймати ва уларни яратишнинг умумий вақтини ҳисобга олган ҳолда, бутун ҳужжатларни яратишга сарфланган умумий харажатларни ҳисоблаш мумкин:

ҲҚ= Тумумх Ct + Cr x Npd

Иқтисодий самарани баҳолаш корхонада электрон ҳужжат айланишини бошқариш тизими татбиқ қилинганидан сўнг қоғоз ҳолдаги ҳужжатни яратишга сарфланган умумий харажатларни камайтириш ҳисобига шаклланади, яъни:

Э қ ∑ Ҳ қоғ - ∑ Ҳ эл

4-жадвалда кўрсатилган корхона бўйича ўртача статистик маълумотларга асосланган ҳолда, бир ойда иқтисодий самаранинг ўзгариши қуйидагини хосил қилади:

Э қ 159,4 м.с. - 47,8 м.с. 111,6 м.с.

Умумий иқтисодий самарани кўрсатиш учун анъанавий қоғозли технология бўйича ҳужжатлар билан ишлаш вақтида ходимнинг меҳнатини баҳолаш асосида қуйидаги гипотетик ҳисоб-китоблардан фойдаланиш мумкин:

"Ўртача" ходим бир кунда турли ҳужжатларни қидириш бўйича 10 та амални бажаради, деб ҳисобласак:

- Битта ҳужжатни қидириш ўрта ҳисобда 2 дақиқани олади.
- 10 % ҳолатларда ходим керакли ҳужжатни топа олмайди.
- Агар ҳужжат тезда топилмаса уни қидиришга яна қўшимча 2 дақиқа кетади.
- Агар ҳужжат барибир топилмаса, ходим бошқа ишга чалғиб кетади.

Йиллик ўртача маош 3600 м.с. (ойига 300 м.с.).

- Ходимни таъминоти учун устама харажатлари (соликлар ва б.) 100 фоиз, яъни йиллик харажат 7200 м.с.га тенг.

Қуйида тежаб қолиш ҳисоб-китоби берилган:

Ээл = (10 марта/ кун х 2 дақ. + 10марта/ кун х 0,1(10%) х 2 дақиқа) х 1/(8 соат. х 60 дақ.) х 7200 м.с. = 330 м.с.

Демак, агар ҳужжат бошқаришнинг электрон тизими татбиқ қилинса, унда битта ходимнинг ҳисоб-китобида йилига 330 м.с. тежаб қолинади.

Агар 100 та ходим ҳисобидан оладиган бўлсак, йилига 33000 м.с. тежаб қолинади.

Шундай қилиб, барча ходимлар учун технологиялардан фойдаланиш ҳамда корхона миқёсида ҳужжатларни қидириш каби имкониятларни таъминлаб бериш ҳисобига юқорида келтирилган вазифани ҳал қилишда битта ходимнинг йиллик ўртача маоши 3600 м.с. бўлганида йилига битта ходимга иқтисодий самара 330 м.с.ни ташкил қилади.

100 та ходимнинг ҳисоб-китобида электрон иш ўрнининг тахминан 140 м.с. қийматида 1 та сервер ва 100та кириш лицензияси биз бир йил давомида технология лицензиясининг харажатларини икки ҳиссали қилиб чиқариб оламиз. Биз доимо ҳар ерда, шу жумладан маош бўйича ҳам баҳолашнинг консерватив усулидан фойдаланганимизга эътиборни қаратиш лозим.

Оддий ҳисоб-китоблар шуни кўрсатадики, ходимлар томонидан электрон ҳужжат алмашувда мавжуд мустақил таҳрир қилиш механизмлари, ҳужжатларни тасдиқлаш, мувофиқлаштириш жараёнлари ва талқинларини назорат қилишдан фойдаланилганида ходимларнинг тахминан умумий вақтининг 40 фоизи тежалади.

Кўриниб турибдики, ҳужжатларни электрон бошқаришнинг корпоратив тизими, айни вақтда, одамлар, ресурслар ва ҳ.к.ларнинг вақтини ва харажатини бошқариш тизими ҳисобланади. Шунинг учун, олинадиган барча имтиёзлар бевосита ҳажмни ошириш, қийматни тушириш, самарадорликни кўтариш ва ҳ.к.ларга кўчиб ўтади.

Муҳим бизнес-жараёнларнинг яхшиланиши билан боғлиқ бўлган имтиёзлар стратегик имтиёзларга киради. Агар гап тижорат корхоналари борасида кетса, бу, тушум ёки фойданинг ошиши билан боғлиқ бўлади, агар гап, мисол учун, ҳукуматнинг давлат органлари ҳақида кетса, бу, қарорларнинг қабул қилиниши, хизмат кўрсатиш ва ишнинг яхшиланиши билан боғлиқ бўлади. Ўз табиатига кўра ушбу имтиёзларни ўлчаш қийинроқдир. Стратегик имтиёзларнинг ўзини асосий иккита катта гуруҳларга бўлиш мумкин:

а) эришилган имтиёзларнинг ўртача даражаси;

б) мураккабликнинг ўртача даражаси

Мазкур туркумнинг ўзига хос имтиёзларига қуйидагилар киради:

• Ахборотга киришни яхшилаш

• Буюртмачиларга хизмат кўрсатиш сифатини, муносабат билдириш тезлигини яхшилаш

• Жараёнларнинг назоратга олинишини яхшилаш

• Аудиторлик текширувлари натижаларини яхшилаш
• Кафолатли хизмат кўрсатиш жараёнини яхшилаш
• Маҳсулотлар/хизматлар сифатини яхшилаш
• Молиявий айланишларни яхшилаш

Имтиёзларнинг юқори даражаси ва мураккабликнинг юқори даражаси

Ушбу туркумнинг ўзига хос имтиёзларига қуйидагилар киради:

• Қарорларнинг сифатли ва тез қабул қилиниши
• Раҳбарият томонидан назорат қилиш даражасини кучайтириш
• Мавжуд қоидалар ва қонунлар мувофиқлигини таъминлаш
• Бозорга янги маҳсулотлар ва хизматларнинг тезроқ чиқиши
• Ходимларнинг ўз ишидан қаноатланиши даражасини ва маънавий муҳитини яхшилаш
• Таклиф қилинган маҳсулотлар ва тақдим қилинган хизматларнинг янада кенг тўплами

Муаллиф томонидан таклиф қилинаётган электрон ҳужжат айланишини бошқариш тизимларини яратиш услубидан фойдаланувчи ташкилотлар қуйидаги натижаларга эришиши мумкин:

• Маҳсулотларнинг муҳандислик ишлаб чиқариш қийматини камида 10 фоизга тушириш
• Ишлаб чиқариш цикли даврини камида 20 фоизга камайтириш
• Маҳсулотда ёки хизматдаги ўзгаришларни амалга оширишга сарфланадиган вақтни 30 фоизга камайтириш
• Маҳсулотлар/хизматларнинг ўзгаришларини 40 фоизга камайтириш.

19-жадвалдаги кўрсаткичлар қийматларига асосланган ҳолда, 20-жадвалда электрон ҳужжат айланиши асосида бошқарув тизимини жорий қилишнинг умумий самараси келтирилган. Бу эса муайян хусусиятлар самарадорлиги қанча фоизга ошганлигини кўрсатиб беради.

20-жадвал

Электрон ҳужжат айланиши бошқаруви тизимини татбиқ қилиш ҳисобига корхонани бошқариш самарадорлигини ошириш

Гуруҳ	Афзалликлари
Стратегик	Ахборотга кириш имкониятини яхшиланиши
	Буюртмачиларга сифатли хизмат кўрсатиш тезлиги
	Жараёнларни назорат қилиш имкониятини ошиши
	Аудиторлик текширувлар натижаларини яхшиланиши
Стратегик	Кафолатли хизмат кўрсатишнинг яхшиланиши
	Маҳсулот ва хизматнинг кўрсатиш сифатининг ошиши
	Молиявий пул оқимларининг яхшиланиши

Корпоратив	Тез ва сифатли қарор қабул қилиш
	Қонун ва қоидаларга мосликни таъминлаши
	Бозорга янги маҳсулот ва хизматларни тезкор чиқариш
	Корхонада маънавий муҳитни соғломлашиши ва ходимларни меҳнат самарадорлиги
	Талкиф этилаётган маҳсулот ва хизмат турларининг кўплиги
Ташкилий	Раҳбарият томонидан ҳужжатларни назорат этиш жараёни осонлашуви
	Ҳужжатларни қайта ишлаш жараёнинг камайиши
	Корхонада ҳужжат айланишини такомиллаштирилиши
	Маълумотларни жўнатиш ва сақлашни такомиллаштирилиши
	Ахборотлардан фойдаланиш хавфсизлигини ошиши
Иқтисодий	Ҳужжатларни қайта ишлаш жараёнинг камайтириш ҳисобига ресурсларни иқтисод қилиш
	Архив ҳужжатларига хизмат кўрсатиш харажатларини пасайтириш
	Меҳнат самарадорлигини ошиши

ХУЛОСА

Хулосалар шуни кўрсатадики:

1. Ахборот жамиятининг иқтисодий-технологик манзараси, биринчидан, ахборот хизматлари бозорининг беқиёс миқёс ва суръатларда ривожланиши ҳамда мазкур соҳа маҳсулотига бўлган талабнинг жадал ўсишида, иккинчидан, миллий иқтисодиёт ва бизнес-тузилмаларнинг инновацион ахборот технологияларидан фойдаланишда фаол янги йўналиш олишларида, учинчидан, ахборот маҳсулотлари, ресурслари, хизматларидан юқори даражада эркин фойдаланиш имконининг таъминланишида намоён бўлаётганилигини кўрсатиб берилди.

2. Ахборот хавфсизлигини таъминлашнинг пухта ўйланган ва тасдиқланган сиёсатининг йўқлиги корхоналарнинг ахборот хавфсизлиги соҳасидаги асосий муаммоларининг сабаби эканлиги аниқланди. Бундай сиёсат ташкилий, техник ва молиявий қарорларни келгусида уларни амалга ошишини назорат қилиш ва самарадорлигини баҳолаш билан биргаликда қамраб олмоғи лозим.

3. Ахборот хавфсизлиги тушунчасининг корхона манфаатларини тўлалигича акс эттирадиган аниқ таърифи таклиф қилинди. Ахборот хавфсизлиги ахборот тизими ҳолатини ўзида ифода этади. Бу шароитда у тизим элементлари ва ташқи муҳит учун ички ва ташқи таҳдидларнинг вужудга келишига замин туғдирмай, уларнинг таъсирига қарши тура олиши мумкин. Ушбу таърифдан шундай мазмун келиб чиқадики, ўзаро боғлиқ учта муаммонинг ечими ахборот хавфсизлигини таъминлашнинг асоси ҳисобланади. Улар: тизимдаги ахборотни ташқи ва ички таҳдидлар таъсиридан муҳофазалаш; ахборотни ахборот таҳдидларидан муҳофазалаш; ташқи муҳитни тизимдан ташқарида бўлган ахборотдан муҳофазалашдир.

4. Қуйидаги мезонлар бўйича ахборот типлари умумлаштирилди ва ахборот турларини таснифлаш таклиф қилинди: мулк шакли, эркин фойдаланиш усули, қўлланиш соҳаси, ахборотни сақлаш ва фойдаланишни ташкил қилиш усули, ахборот ташувчиси шакли кабиларга кўра.

5. Ахборот махфийлигининг йўқолишига олиб келувчи учта асосий сабаб аниқланди – ахборотни ошкор қилиш, ахборот сизиши, ахборотдан рухсат этилмаган фойдаланиш. Уларнинг ҳар бири ҳодиса содир бўлишининг ўзига хос усулига эга.

6. Корхонанинг ахборот хавфсизлигининг сиёсати таърифи ҳужжатлаштирилган бошқарув қарорларининг мажмуи сифатида ифода этилди. Бундай қарорлар мажмуининг максади ахборотни ва у билан боғлиқ бўлган ресурсларни муҳофазалашни таъминлаш ҳисобланади.

7. Ўзбекистонда ахборот хавфсизлиги тизимининг етарли даражада ривож топмаганлигининг қуйидаги асосий сабаблари аниқланди:

- ахборот хавфсизлигини таъминлашнинг ҳуқуқий-меъёрий базаси мазкур соҳада муаммоларнинг барчасини қамраб ололмайди, айрим масалалар бўйича қонуний ҳужжатларга тегишли ўзгаришлар киритиш талаб этади;
- махсус муҳофазаланган ахборот-телекоммуникацион тизимни яратиш бўйича молиялаштиришни ривожлантириш лозим. Бунга мувофиқ равишда, сертификатланган ахборот муҳофазаси воситалари, шунингдек, мамлакатда ишлаб чиқарилган муҳофазаланган операцион тизимлар ва амалий дастурий воситалар етарли миқдорда таъминланишни йўлга қуйиш лозим;
- ахборот хавфсизлигининг минтақавий муаммолар етарли даражада ишлаб чиқилмаган, бу соҳада минтақавий давлат ҳокимияти органлари, давлат ва нодавлат ташкилотлари фаолияти етарлича мувофиқлаштирилмаган;
- мазкур соҳада махсус таълим олган мутахассислар етишмаслиги кучли сезилади.

8. Ахборот хавфларини тўртта мезон асосида таснифлаш (таҳдид манбаи, етказилган зарар хусусияти, пайдо бўлиш эҳтимоллиги, содир бўлиш сабаблари) ва статистик таҳлилга асосан корхона ахборот хавфсизлиги таҳдидининг ушбу намунавий ташкил топиш тизими ишлаб чиқилди: ташки таҳдидлар – 17%, тасодифий шахслар томонидан таҳдидлар – 1%, ички таҳдидлар (компания ходимлари тарафидан) – 82%.

9. Мамлакатдаги корхоналарнинг ахборот хавфсизлигига ички таҳдидининг ташкил топиш динамикаси таҳлили қуйидаги тенденцияларни аниқлаш имконини берди:

- регламентга солинмаган *ДТни ўрнатиш ва ундан фойдаланиш ҳанузгача* энг юқори ўрин тутмоқда;
- ходимлар томонидан ахборот ресурслари ва жиҳозлардан шахсий максадларда фойдаланиш ҳолати ҳиссаси жиддий равишда ортган;

- ахборотни ўғирлаш, ошкор қилиш, унга зарар етказиш каби қоида бузилишлари улуши ҳам ортган.

- маъмурият томонидан назоратнинг кучайтирилиши оқибатида регламентга солинмаган асбоб-ускуна (жиҳозлар)ни ўрнатиш ва улардан фойдаланиш билан боғлиқ салбий ҳодисалар сони камайган.

10.Корхона ахборот хавфсизлигини бошқариш соҳасидаги халқаро ва мамлакатдаги тажрибани умумлаштириш, унинг таъминланиши учун қуйидагилар зарур бўлиши тўғрисида хулосага келишимизга имкон берди:

- ахборотни хизмат ва тижорат сири турларига тоифалаштириш;

- молиявий, моддий ва маънавий зарар етказишга олиб келувчи ахборот таҳдидларини, уларнинг сабаб ва шароитларини прогнозлаш ва ўз вақтида аниқлаш;

- ахборот ресурсларидан фойдаланиш учун хавфсизлик таҳдидларининг амалга ошиши ва турли шаклдаги зарарлар етишининг энг кам даражадаги хавф эҳтимоллари бўлган шароитларини яратиш;

- ҳуқуқий, ташкилий ва техник воситалар асосида ахборот хавфсизлиги таҳдидига самарали жавоб қайтариш учун тегишли механизм ва шароитларни яратиш.

11.Корхонанинг ахборот хавфсизлиги концепциясининг асосий жиҳатлари ёритиб берилди. Мазкур концепция ахборот хавфсизлигини таъминлаш муаммоларига тизимли ёндошувни ўзида акс эттиради. Шунингдек, корхона ахборот хавфсизлигини таъминлаш бўйича чоралар мажмуини тадбиқ этиш ва лойиҳалаштиришнинг мақсади, вазифалари, тамойилларини тизимли равишда ифодалашни ўз ичига олади.

12.Корхонанинг ахборот хавфи эҳтимолларини баҳолашнинг тадбирлари таклиф қилинди. У корхонанинг автоматлаштирилган тизимида ишлайдиган ахборот ресурслари таркибини текшириш учун мўлжалланган бўлиб, ахборот ресурсларига бўлиши мумкин бўлган хавф эҳтимолларига қарши таъсир кўрсатиш бўйича чоралар мажмуини шакллантириш учун асос ҳисобланади.

13.Мутахассислар ва раҳбарларнинг анкета сўровларини ўтказиш асосида корхонанинг ахборот ресурслари тоифалаштирилди ва улар инвентаризация қилинди.

14. Ахборотнинг махфийлиги, бутунлиги ва эркин фойдаланиш осонлигининг тўрт даражаси аниқланди.

15. Ахборот ресурслари қийматининг балл тизимида баҳолашнинг матрицаси тузилди.

16. Корхона учун энг муҳим бўлган ахборот ресурсларининг рўйхати тузиб чиқилди. Улар орасида қуйидагилар ажралиб туради: IR1 – техник ахборот, IR2 – мижозлар ва таъминотчилар ҳақида ахборот (маълумот), IR3 – янги лойиҳалар, бизнес режалар, ноу-хаулар тўғрисида ахборот.

17. Манфаатдор шахслар тоифаси, уларнинг мотивацияси, ихтисослиги ҳисобга олинган ҳолда, эҳтимолдаги қоидабузарлар модели ифодалаб берилди. Эҳтимоли юқори бўлган қоидабузарларнинг моделлари тузилди.

18. Корхонада ахборот хавфсизлигига таҳдидларни амалга оширишнинг асосий йўллари аниқланди.

19. Энг муҳим ахборот ресурслари бўйича таҳдидларни идентификациялаш ва қоидабузарларнинг эҳтимолдаги моделлари билан таққослаш амалиёти ўтказилди.

20. Ахборот ресурси қиймати ва ресурснинг таҳдидга нисбатан заифликлари бир қатор корхоналарнинг раҳбарлари ва етакчи мутахассислари билан ўтказилган маслаҳатлашув ва суҳбатлар асосида балл тизимида баҳоланди. Мазкур корхоналар маҳсулотнинг яратилишидан сотилишигача: маркетинг – ғоя – Илмий-текшириш ва малакавий-конструкторлик ишлари – ишлаб чиқариш – сотиш (ёки унинг айрим элементлари) жараёнларининг тўлиқ циклига эга бўлганлигини қайд этиш жоиз.

21. Муайян даврда аниқ таҳдиддан кутилаётган якуний талофатлар, яъни аниқ ахборот ресурси учун хавф эҳтимоли даражаси ҳисоблаб чиқилди.

22. Ахборот хавфи эҳтимоллигининг ҳисоб-китоби ўтказилди. Ушбу рухсат берилмаган нусха кўчириш, ахборотни ўқиш шаклидаги энг кўп ва эҳтимоли энг юқори таҳдидлар учта асосий ахборот ресурсининг ҳаммаси учун характерли эканини кўрсатди. Қоидабузар модели ҳам шунга мос келади, яъни улар корхонага мойил бўлмаган ходимлар оркали хавф туғдирадиган рақиблардир.

23. Ахборот хавфсизлигининг бузилиш эҳтимолини камайтириш мақсадида тадқиқотларимизда ахборот хавфсизлиги тизими самарадорлигини ошириш ва ахборот хавф эҳтимолларини пасайтириш бўйича тадбирлар режаси ишлаб чиқилди. У ҳар хил турдаги таҳдидларни бартараф этишга қаратилган ҳуқуқий, ташкилий хусусиятдаги чораларни ва муҳофазалашнинг дастурий-техник воситаларини қамраб олади.

24. Салмоқли иқтисодий самарани шакллантириш учун қолдиқ хавф эҳтимолларини режалаштириш амалга оширилди. Бу корхона тадбирлари режасига кирган ахборот хавфсизлигини таъминлаш тадбирларини ўтказишга кетадиган компания харажатларининг иқтисодий самарадорлигини ҳисоблаб чиқиш имконини берди.

25. Амалиётда кенг тарқалган ва муаллифлар томонидан текширилган корхоналарда турли бирикувларда қўлланилаётган тадбирларни таҳлил этиш асосида таҳдидларга қарши чоралар мажмуи ишлаб чиқилди. Уларнинг амалга оширилиши ахборот ресурсларининг етарли даражада муҳофазалаш учун харажатларнинг мақбул даражасини таъминлашга имкон беради.

26. Бизнес бошқарувининг замонавий концепцияларини ўрганиш асосида компания қиймати ўсишининг қуйидаги манбалари аниқланди: номоддий актив шаклидаги ахборот ресурслари (жумладан, дастурий таъминот); тегишли таркибий элементларга эга корпоратив ахборот тизимлари; моддий актив сифатидаги аппарат таъминоти, яъни компания мулкининг бир қисми; ахборот технологиялари мутахассисларининг тўплаган билим, маҳорат ва малакалари, яъни компаниянинг интеллектуал мулки; ахборот хавфсизлигининг самарали тизими.

27. Ахборот эгаси учун ахборот муҳофазаси лойиҳасини ишлаб чиқиш, зарур хавфсизлик элементларини харид қилиш ва ҳимоя тизимидан фойдаланишга кетган харажатлар моддийлашган иқтисодий зарардан бошқа нарса эмаслиги ҳақидаги тезис асосланди. Фойдаланувчи бу ҳаражатларни амалга ошириб, махфий ахборотларнинг бузилиши туфайли келиб чиқадиган янада катта талофатлардан сақланишга ҳаракат қилади.

28. Ахборот хавфсизлиги бюджетини тузиб чиқишнинг аралаш услубидан фойдаланиш бўйича услубий тавсиялар ишлаб чиқилди. Мазкур аралаш услуб бюджетни лойиҳалаштиришнинг биринчи босқичида бюджетни моддамамодда тузиш учун бенчмарклардан фойдаланишни кўзда тутади.

29. Ҳар қандай кичик ёки ўрта корхона шароитига мос бўлган ахборот хавфсизлиги учун харажатларнинг иқтисодий самарадорлиги ва мақсадга мувофиқлигини аниқлаш методикаси (услуби) ишлаб чиқилди.

30. Ахборот хавфсизлиги учун учун харажатларнинг иқтисодий самарадорлигини хисоблаш усули ишлаб чиқилди.

Ўйлаймизки, ушбу тадқиқот ишида тавсия этилган усул ва услубиётларнинг корхоналарда ахборот хавфсизлигини таъминлашда қўлланилиши. Улардаги ахборот муҳитини соғломлаштириш билан бирга, маълум миқдорда иқтисодий самара ҳам келтиради.

Бизнинг фикримизча корхоналарда электрон ҳужжат алмашинуви жараёнларини тадқиқ ва таҳлил этиш асосида қуйидаги хулоса ва тавсияларни келтириш ўринлидир:

1. Тадқиқотлар давомида ахборотлар ва ҳужжатлар алмашинувини бошқаришни компьютерлаштиришнинг ҳозирги ҳолати тавсифланди, шунингдек, ахборот тизимининг тарихий ривож топиши кўриб чиқилди ва таҳлил қилинди.

Фикримизча, кўпчилик корхоналарда компьютерлар самарасиз фойдаланилмоқда. Тармоқ инфратузулмаси сийқаси чиққан (эскирган) файл алмашуви учунгина хизмат қилмоқда. Аксарият компаниялар учун жамоавий ишлаш — бу электрон почтадан фойдаланиш ва тақвимий режалаштиришдангина иборат бўлиб қолмоқда.

Хизматчилар кўплаб шартномалар тузишади, тижоратга оид таклифлар, реклама саҳифаларини яратишади, мижозлар ва ҳамкорлар билан ёзишмалар олиб боради, режалар ишлаб чиқиб, иш ҳақида ҳисоботлар тайёрлашади. Бу фаолият уларнинг иш кунининг катта қисмини эгаллайди. Натижада ҳақиқатан қимматли ва муҳим ҳужжатлар яратилади.

Аммо ходимлар ўз меҳнат маҳсулини шундоққина умумий "уюм"га ташлаб қўйишади. Бу ҳужжатлар кўпинча уларнинг локал дисклари дан, баъзида почта тизимларидан жой олади. Ҳужжатлар тўғри келган ном билан номланаверади, улар вақт ўтиши билан унутилади. Бу эса оригинал гоя ва фикрларни, шаклга келтирилган катта-катта ишларни топиш имкониятини деярли йўққа чиқаради.

Вақтнинг кўп қисми ҳужжат тайёрлаш учун зарур бўлган ахборотни излашга, ижрочилар ўртасида бир неча бор ва кўп томонлама ахборот алмашинувига, назорат операцияларига, тайёрланадиган ҳужжатларни жамлаш ва келишиб олишга сарфланади.

2. «Компьютерлаштирилган тартибсизлик» муаммоси кўпгина корхоналар томонидан англаб етилмокда ва ҳал этилмокда. Бошқарув қарорини қабул қилиш учун зарур бўлган ахборотлар сонининг доимий ошиб бориши ҳужжатлар билан ишлашнинг анъанавий усуллари тобора самарасиз бўлишига олиб келади. Ҳужжат айланишининг компьютерлашган тизимига ўтилганда, ходимларнинг меҳнат унумдорлиги кескин ошади. Корхона ахборот технологияларини жорий қилиб, ўз ходимларининг, умуман, компаниянинг меҳнат самарадорлигини оширишга интилади.

3. Ҳужжат айланишини компьютерлаштириш корхона ҳужжатлари ишланмаларини, уларнинг мувофиқлашуви, тарқалиши, изланиши ва архив ҳолда сақланишини комлекс равишда автоматлаштиришдан иборатдир.

4. Электрон ҳужжат айланишини бошқариш тизимларининг мавжуд методлари таҳлил қилинади. Электрон ҳужжат айланишини бошқаришнинг автоматлаштирилган тизимларини яратиш ва жорий қилиш масалаларига бағишланган адабиётлар таҳлили ҳамда ташкилотнинг тажрибаси асосида электрон технологиялар, мамлакатдаги электрон ҳужжат айланишининг автоматлаштирилган тизимларини баҳолаш асосида корхонани бошқариш тизимларининг таснифлари ишлаб чиқилади. Кейин таклиф қилинган таснифлар ҳужжат айланишини бошқариш тизимларини ишлаб чиқиш муҳитларини танлаш имконини беради.

5. Ҳужжат айланиши бошқарувини автоматлаштириш бўйича мавжуд қарорлар таҳлил қилинди, мазкур соҳада ташқи муҳитнинг барча талабларига жавоб берадиган ҳамда иқтисодий самарали бўлган тайёр идеал ечимни танлаб олишнинг имкони йўқлиги аниқланди. Электрон технологиялар асосида

хусусий бошқарув тизимини яратиш учун ҳужжат айланишини бошқаришнинг хусусий тизимини ишлаб чиқиш ва татбиқ қилишга имкон берувчи ўхшаш усуллар йўқлигини кўрсатади.

6. Китобда ҳужжат айланишини бошқариш тизимларини жорий қилиш самарадорлигини баҳолаш омиллари таснифи берилди.

7. Муаллиф ҳар бир саноат корхонасида электрон ҳужжат айланишини бошқаришнинг автоматлаштирилган тизимларини яратиш ва татбиқ қилиш усулларини ишлаб чиқиш зарур деган хулосани илгари сурилди ва ушбу тизимнинг самарадорлигини аниқлаш йўналишлари тавсия этилмоқда.

8. Электрон ҳужжат айланишини бошқаришнинг автоматлаштирилган тизимларини яратиш услуби қўлланилмоқда.

Шунингдек, ҳужжатларни электрон бошқариш технологияларига киритиладиган инвестицияларнинг қайтишини баҳолаш, электрон ҳужжат айланишини бошқаришнинг автоматлаштирилган тизимини жорий қилишнинг иқтисодий баҳолаш ҳисоб-китоблари аниқ олинган корхона мисолида амалга оширилиб кўрсатиб берилди.

IV БЎЛИМ. АХБОРОТ ХАВФСИЗЛИГИНИНГ КОНЦЕПТУАЛ АСОСЛАРИ

8.1.1. Ахборотлашган жамият даврида ахборот хавфсизлигини таъминлашнинг иқтисодий моҳияти ва назарий асослари

Ҳозирги пайтда жаҳон иқтисодиётининг катта ҳажмли ахборот оқимларига боғлиқлиги ўсиб бориши тенденцияси кузатилмоқда. Ахборот ва алоқа технологияларининг ривожланиши билан субъектлар ўртасида турли хилдаги ахборот алмашинуви соҳасида ўзгаришлар юз берди, бу ҳозирги жамиятнинг кўплаб масалаларини ахборот технологиялари ёрдамида тезкорлик билан ечиш имконини яратди. Шундай бўлсада, асосида дунёвий ва миллий ахборот макони ётган ҳисоблаш тизимлари ва тармоқларининг доимий равишда мураккаблашиб бораётгани ҳозирги замон жамияти олдига ахборот хавфсизлигини таъминлашдай мураккаб вазифани қўймоқда. Маълумотларни муҳофазалаш технологиялари йилдан йилга борган сари такомиллашиб бормоқда, аммо ҳимоянинг заифлиги камайиш ўрнига, балки доимий ортиб бормоқда. Шу са-

бабли маълумотлар оқимини ҳимоялаш ва уларни тўплаш, сақлаш, қайта ишлаш ва узатишдаги ахборот хавфсизлиги билан боғлиқ муаммоларнинг долзарблиги аниқ намоён бўлмоқда.

Президентимиз таъкидлаганидек: "Шуни унутмаслик керакки, бугунги кунда инсон маънавиятига қарши йўналтирилган, бир қарашда арзимас бўлиб туюладиган кичкина хабар ҳам ахборот оламидаги глобаллашув шиддатидан куч олиб, кўзга кўринмайдиган, лекин зарарини ҳеч нарса билан қоплаб бўлмайдиган улкан зиён етказиши мумкин"[1].

Замонавий иқтисодиётнинг ҳар қандай фаолияти ахборот технологияларининг у ёки бу даражада қўлланишига асосланган дир. Банк фаолияти ҳам, молия бозорлари ҳам, бизнес ва таълим тизими ҳам, аҳоли ва давлатнинг фаолият юритиши ҳам бир бутун ҳолда ахборот технологиялари билан боглик. Дунёдаги асосий молиявий оқимлар ахборот коммуникация тармоқлари орқали узатилмоқда ва қабул қилинмоқда. Шунинг учун ахборотни муҳофазалашга корхоналарда, инвестицияларни жалб этишда, ишлаб чиқаришни ташкил этишда ҳам зарурат туғилмоқда.

Илмий адабиётларда муаллифлар ахборот хавфсизлигинг турлича таърифини берадилар. Масалан, А.Н.Ариповнинг таърифига кўра, ахборот хавфсизлиги — бу ахборот эгасига зиён келтириш мақсадида атайлаб ёки тасодифан солинадиган ташқи таҳдидга нисбатан ахборот барқарорлигининг умумлашма хусусиятидир[2]. Л.И.Васильев эса икки тушунчани — ахборот муҳофазаси ва ахборот хавфсизлигини айнанлаштиради[3]. Бошқа олимлар 1970 йилларда компьютер хавфсизлиги, 1980 йилларда эса маълумотлар хавфсизлиги деб аталган нарсалар ҳозирги кундаги ахборот хавсизлигидир, деб ҳисоблайдилар. Ахборот хавфсизлиги муайян дастурий ва аппарат воситалари, бузишлардан, рухсат берилмаган эркин фойдаланишлардан, очишлардан ахборотни муҳофазалаш чораларининг йиғиндиси тарзида таърифланади[4].

Халқаро стандартлаштириш ташкилоти томонидан ишлаб чиқилган ва Ўзбекистон давлат стандарти деб қабул қилинган O'ZDSt ISO/IEC 2389-2007 стандартига кўра, ахборот хавфсизлиги деганда — ахборотни махфийлигини, бутунлигини ва ишончлилигини ҳимоялаш ҳолати тушунилади. Ахборот хавфсизлиги асосан 3 та масалани — махфийлик, бутунлик ва ишончлилик маса-

---

[1]И.А.Каримов «Юксак маънавият — енгилмас куч». «Маънавият» нашриёти Т.:2008, 115 б.

[2]А.Н.Арипов ва бошқ. Ахборот коммуникацион технологиялари изоҳли луғати. «Рақамли ривожланиш ташаббуси» дастури. Тошкент., 2004. 500 б.

[3]Васильев Л.И. Система национальной безопасности РФ (конституционно-правовой анализу/ Автореферат диссертации на соискание ученой степени доктора экономических наук. Санкт-Петербургский Университет МВД РФ. СПб., 1999.

[4]Введение в информационную безопасность. Компьютеры: преступления, признаки уязвимости и мери защиты. М., 1998.

ласини ҳал қилишга қаратилган. Махфийлик деганда, ахборотни эгасининг рухсатисиз ёки калитисиз ўқиб бўлмайдиган ҳолга келтириш ва бошқа йўллар билан ахборотни муҳофаза қилиш тушунилади. Бутунлик деганда, ахборот ва дастурли таъминотни аниқлиги ва тўлиқлигини муҳофаза қилиш тушунилади. Ишончлилик деганда ахборотнинг тўғри қабул қилиниш ҳамда ахборот ким томонидан юборилганлигини аниқлаб ола билиш хусусияти тушунилади[1].

Лавцов Д.А. ахборот хавфсизлигини фукаролар, алоҳида гуруҳлар ва аҳоли ижтимоий гуруҳлари, умуман, аҳолининг сифатли, зарурий иш юритишлари, ҳаётий фаолияти ва ахборотга бўлган эҳтиёжларининг муҳофазаланганлиги сифатида қарайди[2]. У келажакда инсон ахборот «арбоби» сифатида ягона ахборот муҳитининг таркибий қисмига айланади, дея қайд этади. Шу муносабат билан у қуйидаги учта: ақлий, ҳиссий ва фаолиятга оид билим турларини эгаллаши лозим. Бугунги кунда давлат миқиёсида ахборот хавфсизлилигига иккита ёндошув мавжуд.

Ижтимоий соҳа мутахассислари ахборот хавфсизлигини махфий институтга тааллуқли деб ҳисоблайдилар. Бошқа тузилмалар эса ахборот хавфсизлигини амалда ахборот соҳаси билан тенглаштиради. "Ахборот хавфсизлиги" терминингга кенг маънода ҳам, тор маънода ҳам караш мумкин. Масалан, Ўзбекистон Республикаси меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларида ахборот хавфсизлиги кенг тушунча сифатида талқин қилинади. Ахборот хавфсизлиги — бу давлатлар, ташкилотлар, фукароларнинг манфаатлари йўлида уни шаклантириш ва ривожлантириш, ундан фойдаланишни таъминловчи жамият ахборот муҳитининг муҳофазаланганлик ҳолатидир. Ўзбекистон қонунчилигига кўра, ахборот хавфсизлиги деганда, унинг ахборот соҳасидаги шахс, жамият ва давлатнинг мувозанатга келтирилган манфаатларининг умумийлиги билан белгиланадиган миллий манфаатларининг муҳофазаланганлик ҳолати тушунилади[3]. Келгуси тадқикот ишимиз учун биз ахборот хавфсизлиги терминидан тор маънода яъни ахборотни махфийлигини, бутунлигини ва ишончлилигини ҳимоялаш маъносида фойдаланамиз. Қайд этиш жоизки, бу ёндошув хорижий илмий адабиётларда қабул қилинган.

А.В. Володкин ва А.Л. Маношкин ўзларининг "Ахборот хавфсизлиги" китобида ахборот хавфсизлиги (ёки ахборот технологиялари хавфсизлиги)

---

[1] *Ўзбекистон Республикаси «Ахборотлаштириш тўғрисида»ги қонун.*

[2] Лавцов Д.А. Информационная безопасность больших эргатических систем: концептуальные аспекты. М., 1998.

[3] *«Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни 12.12.2002 й. N 439-II.*

деганда ахборотдан фойдаланувчиларга ёки ахборот ресурслари эгаларига зиён келтирадиган ички ёки ташқи характердаги тасодифий ёки олдиндан кўзланган таъсирлардан ахборот ҳисоблаш тизимида ишлаб чиқилган ахборотнинг муҳофазаланганлигини тушунадилар[1].

Таърифдан маълум бўладики, ахборот хавфсизлиги фақат бегона шахсларнинг рухсат берилмаган эркин фойдаланиши ва ғаразгўй кишиларнинг хатти-ҳаракатидан ҳимоялаш билангина чегараланиб қолмай, балки ахборот ресурсларини тасодифий жараёнлардан (аппарат воситаларининг ишламай қолиши, энергия таъминотидаги авариялардан), фойдаланувчиларнинг тасодифий хатоларидан муҳофазалаш ҳам бу борада муҳим омиллардан ҳисобланади. Биз бундай таърифга тўла қўшила олмаймиз, чунки ахборот хавфсизлиги муаммосини кўриб чиқишни ахборот технологиялари хавфсизлиги билангина чегаралаш ва бу муаммони фақат компьютер ахборотининг муҳофазаланганлигига боғлаш мақсадга мувофиқ эмас. Бизнинг фикримизча, ахборот хавфсизлиги — бу нафақат ахборот-компьютер тизимларида ишлаб чиқилган, балки ҳар қандай ахборотнинг муҳофазаланганлик ҳолатидир. Ахир, компьютер техникаси ахборотни сақлаш, қайта ишлаш ва узатиш тизимининг фақат бир таркибий қисми ҳисобланади ҳолос. Шу билан бирга компьютер орқали узатиладиган ахборотни муҳофазалашга кўпроқ эътибор қаратилади.

Умуммиллий категория сифатида ахборот хавфсизлигини ташқи ва ички таҳдидлар таъсирига қарши тура оладиган тизим деб таърифлаш мумкин. Бу тизимнинг ишлаши, ўзининг таркибий қисмларига ва ташқи муҳитга хавф туғдирмаслиги лозим.

Шу тариқа, бизнингча тўғри ва етарли даражада тўлиқ бўлган ахборот хавфсизлиги таърифини келтиришимиз мумкин, яъни Ахборот хавфсизлиги ўзида шундай ташкилий тизимни ифода этадики, бунда ушбу тизим элементлари ташқи муҳит учун ички ва ташқи таҳдидлар пайдо бўлишига йўл қўймай, уларнинг таъсирига қарши тура олади. Бундан шундай хулоса чиқадики, иккита ўзаро боғлиқ муаммонинг ҳал қилиниши ахборот хавфсизлигини таъминлашнинг асоси ҳисобланади, улар: ташқи ва ички таҳдидлар таъсиридан тизимдаги ахборотни муҳофазалаш муаммоси; ташқи муҳитни ахборот тизимидаги таҳдиддан ҳимоялаш.

Ҳозирги пайтда ахборот хавфсизлиги муаммосини назарий жиҳатдан ўрганиш ва амалий ишланмаси бўйича муайян натижаларга эришилган. Бу муаммо 30 йилдан буён мутахассислар диққат марказида туради. Ахборотни муҳофазалаш назариясига асос қўйилган. Ахборотни ҳимоялашнинг турли-туман воситалари ва технологиялари ишлаб чиқилган бўлиб, уларни ишлаб чиқариш йўлга қўйилган. Турли тизимларда ахборотни муҳофазалаш масала-

[1]Вологкин А.В., Манощкин А.П. Информационная безопасность. М.: НТЦ «ФИОРД-ИНФО», 2002.

ларини амалий ҳал қилиш тажрибаси тўпланган. Ахборотни муҳофазалашнинг давлат тизими ишлаб чиқилган.

Ахборот муҳофазаси муаммоси истиқболда ривожланиш учун ўзининг реал асосига эга. Бунинг учун амалда қўлланаётган мавжуд муҳофаза тизимлари ҳақидаги статистик маълумотларни доимий равишда тўплаш ва тадқиқ этишни таъминлаш зарур, бунга ушбу соҳа билан шуғулланадиган ташкилий тузилмаларни тузиш орқали эришилади. Ушбу ҳолатлар ахборотни муҳофаза қилиш назарияси ривожи ва ҳимоя тизимини лойиҳалаштириш метадологиясини такомиллаштириш учун ғоят муҳим саналади. Ахборот хавфсизлиги ва ахборотни муҳофазалашнинг илмий-методологик асосини ривожлантириш масаласи бугунги кунда ўта долзарб ҳисобланади.

Ахборотдан муҳофаза қилиш ҳам ички, ҳам ташқаридан кирадиган бирон-бир ахборот тизимининг таркибий қисми салбий таъсирларидан, шунингдек, кўрилаётган тизимдан ташқи муҳитга чиқаётган ахборотнинг салбий таъсиридан ҳимоялашнинг маълум усул ва воситаларини қўллашдан иборатдир. Бу муаммонинг долзарблиги шундан иборатки, ахборот ҳам инсонга, ҳам техникага ижобий бўлгани каби, салбий томондан ҳам жуда катта таъсир кўрсатиши мумкин. Жумладан, кишиларда ёмон кайфият қўзғаб, уларнинг ахлоқини бузиш, компьютерга махсус мослама ўрнатиш орқали эса ташқаридан туриб уни сафдан чиқариш ёки унинг ишини бўлиб қўйиш мумкин. Бизнинг назаримизда, ахборот таҳдидидан ҳимоялаш муаммоси ахборотни муҳофаза қилиш муаммосидан анча жиддий, негаки, бу таҳдиднинг таъсирини, одатда, аниқлаш қийин, яъни улар доим ҳам очиқ-ойдин кўринмайди. Шу билан бирга, ахборот таҳдидидан ҳимоялаш техник қарорлардан кўра, биринчи навбатда, ташкилий ва ҳуқуқий характердаги қарорларни, бунинг устига, ҳам давлат, ҳам давлатлараро, ҳам халқаро доирадаги қарорларни ишлаб чиқишни ва жорий этишни талаб қилади.

Ахборот хавфсизлиги муаммосининг долзарблиги ахборот, компьютер технологиялари соҳасидаги, турли иқтисодчи ва олимлар турлича таърифлайдиган янги типдаги жамият ва иқтисодиётни шакллантириш соҳасидаги замонавий ахборотлашган жамият шакилланиши тенденциялари билан белгиланади. Америка социологи К. Кроуфорд ҳозирги замон жамиятини "билимлар жамияти" сифатида таърифлайди. Бу жамиятда асосий рол билимга берилади, янги билим янги технологияларнинг пайдо бўлишига олиб келади, бу пировард натижада дунёни янгича кўришнинг юзага келишига сабаб бўлади.

Кўпчилик олимлар "постиндустриал жамият" (саноатлашишдан кейинги жамият), "тармоқ иқтисодиёти" каби терминларни қўллайдилар. Б.Гейтс шаклланган жамиятни – техножамият[1], немис олими Р.Крайбих – фан жамияти, В.Кувалдин – мегажамият, Д.Тапскотт – электрон рақамли жамият ва шу каби номлар билан атайдилар[2].

[1]www.microsoft.com\about_us

[2]Теоритические основы формирования и использования экономический информационный ресурсов (НИР 2007г.)

Россиялик иқтисодчи В.Иноземцев бунинг учун "билимлар иқтисодиёти" терминидан фойдаланади. Яъни, ҳозирги замон жамиятида "жамиятнинг муҳим ишлаб чиқариш ресурси нисбатан объектив моҳият (асосий мазмун) ёхуд у ёки бу ишлаб чиқариш ва технологик жараёнлар ҳақидаги маълумотлар йиғиндиси сифатидаги ахборотгина эмас, балки билим, яъни инсон томонидан ўзлаштирилган ва ундан ташқарида турмаган ахборот ҳам ҳисобланади[1].

XX аср сўнггида бир вақтнинг ўзида АҚШда Ф. Махлуп ва Японияда Т. Умесао "ахборот жамияти" тушунчасини илмий муомалага киритдилар. Уларнинг фикрига кўра, бу жамият, ундаги ҳаёт даражаси ва иқтисодий ўсиш имконияти борган сари ахборотга ва ундан фойдаланишга боглиқ бўлиб қолади. Ф. Махлуп биринчилардан бўлиб АҚШ мисолида иқтисодиётнинг ахборот секторида тадқиқот ўтказди. Жаҳон иқтисодиётидаги ҳозирги ўзгаришларни ифодалайдиган терминларнинг турли хиллигига қарамасдан, уларнинг барчаси у ёки бу даражада юз бераётган жараёнлар ва ўзгаришларнинг оламшумуллигини ҳамда ахборот, билим ва ахборот технологияларининг белгиловчи аҳамиятини кўрсатади.

Япон олими Е. Масуда[2] ахборот жамиятининг фалсафий концепциясини ишлаб чиқди. Унинг концепциясига кўра, кишиларнинг ақлий меҳнати ўрнини босадиган ёки уни кучайтирадиган компьютер технологиялари келажакда янги жамиятнинг базасига айланади. Ахборот, билим, технологияларнинг оммавий ишлаб чиқарилишига сабаб бўладиган ахборот инқилоби ишлаб чиқариш омили сифатида майдонга чиқади.

Ж. Бенингер, Ж. Нисбет, Т. Стоуньерларнинг фикрича, ишлаб чиқаришнинг асосий маҳсулоти бўлган ахборот истиқболда ҳокимиятнинг қудратли ресурси бўлиши мумкин. Олимлар бир қўлда тўпланган ахборот базаси янги шаклдаги тоталитар давлатнинг шаклланишига ёрдам бериши мумкинлигини башорат этишади. Ҳозирги пайтда, айтиш мумкинки, умуман, дунёда ахборотлашган жамият жадал шаклланиб бормоқда.

Бу қуйидагиларда намоён бўлади[3]. Биринчидан, анъанавий бозорлар (хом ашё, меҳнат бозорлари) билан бир қаторда ахборот бозори вужудга келмоқда. Ахборот технологиялари бозори энг динамик ривожланиб бораётган бозор ҳисобланади. Масалан, ушбу соҳага инвестицияларнинг солиш-

---

[1]Иноземцев В. Парадоксы постиндустриальной экономики (инвестиции, производительность и хозяйственный рост в 90-е годы)//МЭиМО, 2000. №3. С.3.

[2]http://philosophy.wideworld.ru/dictionary/9/45/

[3]Глобальное видение, как элемент выработки и принятие стратегических интересов. Доклад РИСИ. М., 1998.

тирма оғирлиги 1954 йилда бор-йўғи 7 фоизини, 1998 йилда эса 50 фоизини ташкил этган. Бутун жаҳонда компьютер техникасига бўлган талаб ўсиб бормоқда. Дунё телекоммуникацияси бозори йилига миллиардлаб доллар даромад келтирмоқда. Иккинчидан, ахборот технологиялари жиҳатдан энг ривож топган мамлакатлар ўз иқтисодиётларини ноишлаб чиқариш секторини ривожлантириш учун қайта ихтисослаштирмоқда. Бу мамлакатларда билим, ахборот ишлаб чиқариш, ахборот хизмати ва маҳсулотлари билан боғлиқ бўлган барча соҳалар анъанавий саноатдан кўра тез ривож топмоқда ва уларнинг иқтисодий ривожланишида етакчи ўрин тутмоқда. Учинчидан, ҳамма жойда шахсий (персонал) компьютерлар, дастурий таъминот, алоқанинг турли тармоқлари тарқалиб бормоқда. Тўртинчидан, барча ахборот ресурслари, маҳсулотлари, хизматлари учун эркин фойдаланиш мумкин бўлган микёс ғоят кенгайиб бормоқда.

Ахборот инсон учун ноёб ва абадий ресурсга айланмоқда. Унинг ноёблиги ҳозирги шароитда фақат кучайиб бормоқда. Бизнинг назаримизда, ахборотнинг инсон, жамият, иқтисодиёт учун асосий вазифаси ва муҳимлига ундан фойдаланиш, унга мурожаат этишдан иборат. Шу билан бирга ахборот вокеалар ва ҳодисалар ҳақида хабар етказиш манбаи; қарорлар қабул қилишда ресурс; жамият ва инсонга салбий таъсир этувчи манба; ақлий мулк объекти; товар сифатида муомалада иштирок этиши мумкин. Айнан бир субъектдан бошқасига турли шаклларда ўтиб, ахборот қийматга эга бўлади.

Худди шу боис ҳам биз томонимиздан кўрилаётган ахборот хавфсизлиги муаммосининг долзарблиги шубҳа уйғотмайди. Қайд этиш жоизки, ахборот тур ва шаклларнинг хилма-хиллиги билан ажралиб туради. Мавжуд ахборот типологияларини тартибга солиш ва умумлаштирилган таснифини таклиф этишни тадқиқотимиз мақсади учун муҳим деб ўйлаймиз (36-расм).



36-расм. Ахборотнинг турлари бўйича таснифланиши[1]

[1]Муаллифлар томонидан ишлаб чиқилган.

Таъкидлаш зарурки, ахборот хавфсизлиги термини билан баъзи бошқа тушунчалар чамбарчас боғланган, биз тадқиқотимизнинг навбатдаги бобларида уларга таяниб иш кўрамиз. Бу, хусусан, ахборотни муҳофаза қилиш, ахборот ресурслари, ахборот хавфи эҳтимоли (риски), ахборот маҳсулоти, ахборот соҳаси, ахборот фаолияти, ахборот тизими каби яна бир қатор тушунчалардир.

Ахборот ресурслари ишончли ахборотдан самарали фойдаланиш имконини бериш учун ташкил этилган маълумотлар мажмуини ўзида ифода этади. Ўзбекистон қонунчилигига кўра, ахборот ресурслари — бу кутубхоналар, архивлар, фондлар, маълумотлар банки, ахборот тизимининг бошқа шаклларида жойлашган алоҳида ҳужжатлар ва ҳужжатларнинг мажмуасидир.

Ахборот фаолияти деганда, ахборотни олиш, фойдаланиш, тарқатиш, узатиш ва сақлаш билан боғлиқ бўлган фаолият тушунилади. Бозорда товар ва хизмат шаклида сотиладиган ва сотиб олинадиган ахборот маҳсулоти ахборот фаолиятнинг натижаси ҳисобланади.

Шуниси қизиқки, луғатларда ахборот фаолияти фойдаланувчиларни ахборот маҳсулотлари билан таъминлаш борасида субъектларнинг хатти-ҳаракати тарзида талқин этилади.

Биз бундай таърифга қўшила олмаймиз, чунки хизмат — хатти-ҳаракат эмас, балки ҳар ҳолда моддий кўринишда бўлмаган конкрет маҳсулотдир. Ахборот технологияси — ахборотни тўплаш, сақлаш, излаш унга ишлов бериш ва уни тарқатишни таъминлайдиган, технологик занжирга бирлаштирилган ишлаб чиқариш ва дастурий технологик воситаларининг жами услубларидир[1].

Ахборот тизими муайян корхонада бизнес юритишнинг шаклланган моделини ўзида намоён қилади. Унинг ёрдамида бу ерда юз бераётган барча асосий жараёнлар акс этади.

Компаниянинг ахборот тизими (ёки корпоратив ахборот тизими) проекцияланган мураккаб мультимоделли объект сифатида қаралади ва қуйидаги анъанавий элементларни ўз ичига, олади: тармоқ, компьютер, телекоммуникация ускуналари; дастурий таъминот, ахборотни муҳофазалаш усуллари; хизмат кўрсатмалари (инструкциялари); ички ва ташқи кабел тармоқлари.

Ўзбекистон қонунчилигига кўра ахборот соҳаси — ахборотни хосил қилиш, тарқатиш, ўзгартириш ва истеъмол қилиш билан боғлиқ бўлган фаолият соҳаси сифатида таърифланади[2]. Ушбу таърифдан кўринадики, ахборот соҳаси ахборот фаолиятини ўзида ифода этади. Бизнинг назаримизда,

---

[1] А.Н.Аripов ва бошқ. Ахборот коммуникацион технологиялари изоҳли луғати. Т. 2004. 36-37 б.

[2] Манба «Ахборотлаштириш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонуни.

терминларнинг кўплигидан тушунчаларда баъзи чалкашликлар пайдо бўлади. Илмий адабиётларда кам учрайдиган «ахборот бозори» ва «ахборот инфраструктураси» терминларини қўллаш мақсадга мувофиқ деб ўйлаймиз.

Фикримизча, ахборот бозори ахборот маҳсулотлари ва хизматлари, ахборот технологиялари савдоси бўйича иқтисодий, ҳуқуқий ва ташкилий муносабатлар тизимини ўзида ифода этади.

Ахборот бозорини ахборот фаолияти натижасида юзага келадиган олди-сотди борасидаги иқтисодий муносабатларнинг мажмуи сифатида тушуниш ҳам мумкин.

Ахборот инфратузилмаси адабиётларда турлича талқин қилинади. Бу ахборот маконини ҳамда ахборот ҳамкорлигини шакллантириш ва ривожлантиришни таъминлайдиган ташкилий тузилмалар тизимидир. Бу яна секторларнинг мажмуи бўлиб, улардан ҳар қайсиси бир турдаги ахборот маҳсулотлари ва хизматларини таклиф этувчи кишилар ёки ташкилотлар гуруҳини бирлаштиради. Шунингдек, бу шахс, жамият, давлат эҳтиёжларини қондириш учун ахборот жараёнларини, яъни ахборотни ишлаб чиқариш, йиғиш, тўплаш, излаш, тарқатиш ва истеъмол қилиш жараёнларини самарали ва сифатли амалга оширишни таъминловчи оммавий ахборот ва ахборот ресурслари, алоқа ва телекоммуникациялар, ҳисоблаш техникалари воситаларининг ташкилий мажмуаси ҳамдир. Ахборот инфратузилмаси ёки АТ- инфратузилмаси[1] ахборот тизими ишини таъминлайдиган барча асосий элементларни қамраб олади, яъни бу ахборот тизимини меъёрда ва самарали ишлаши учун асос ҳисобланади.

Биз «ахборот инфратузилмаси»га ўз таърифимизни таклиф қиламиз. Ахборот инфратузилмаси деганда, ахборот фаолияти ва ахборот маҳсулотларини сотишни самарали амалга оширишни таъминлайдиган ўзаро боғлиқ, ўзаро алоқадор тузилмалар, механизмлар, жараёнларнинг мажмуасини тушуниш мақсадга мувофиқдир.

Ахборот риски корхона ахборот тизимига ички ва ташқи компьютер ҳужуми таҳдидини, бунинг натижасида тизимдаги ахборотнинг, биринчи навбатда, махфий маълумотларнинг ўғирланиши, зарар кўриш ёки алмаштирилиши хавфини ўзида ифода этади. Бизнинг назаримизда, қуйидаги таъриф ўринлидир. Яъни, ахборот риски — бу корхоналарда ахборот технологияларини қўллаш натижасида юзага келиши мумкин бўлган зарар ёки шикаст кўришнинг эҳтимоллик даражасидир.

[1]Ҳозирги вақтда адабиётларда бу терминларни турли кўринишларда учратиш мумкин, лекин кўпроқ «АТ - инфратузилма» кўринишда учрайди.

Шундай қилиб, ахборот рисклари электрон ташувчилар ва бошқа алоқа воситалари ёрдамида ҳар қандай ахборотни узатиш, сақлаш, ундан фойдаланиш билан боғлиқ. Илмий ва ўқув адабиётларида кейинги пайтда "ахборот активлари" тушунчасини тез-тез учратиш мумкин. Қайд этиш жоизки, ахборот активлари субъектнинг (жисмоний шахснинг ёки корхонанинг) қимматли ресурси ҳисобланади.

"Актив" тушунчасининг ўзи пул қийматига эга бўлган ва мулк эгасига муайян даромад келтирувчи бирон-бир мулк, объектни билдиради. Ҳозирги пайтда айнан ахборот кўпчилик хўжалик субъектлари учун улар бизнесида аниқ фойда келтирувчи асос ҳисобланади. Ахборот хавфсизлиги ва ахборот муҳофазаси тушунчаларини фарқлаш лозим. Илмий ва ўқув адабиётларида кўпинча бу икки тушунча тенглаштириладики, бу чалкашликка олиб келади. Биз уларни ажратиш зарур деб ўйлаймиз.

Ахборотни муҳофазалаш ахборот хавфсизлигини таъминлаш бўйича чоралар мажмуасини, яъни ахборот хавфсизлиги таҳдидини бартараф қилиш ва уларнинг оқибатларини йўқотиш бўйича ҳуқуқий, ташкилий, техник чора-тадбирларни ўзида ифода этади. Ахборотни муҳофазалашнинг асосий элементларига биз қуйидагиларни киритамиз: ахборот тарқалишини чегараловчи (чеклайдиган) шарт-шароитларни яратиш; ахборотдан рухсатсиз фойдаланишнинг олдини олиш; ахборотнинг ўғирланиши, чиқиб кетиши, бузилиши, ошкор этилишига йўл қўймаслик; мулкдорнинг ахборотни эгаллаш ва тасарруф этишга бўлган ҳуқукини таъминлаш ва шу кабилар. Ахборот хавфсизлигига эса мутлақо кенг тушунча бўлиб, биз унга кейинги параграфда кенг тўхталамиз.

8.1.2. Ахборот хавфсизлигини таъминлашнинг мақсадлари ва зарурият даражаси

Ахборот хавфсизлиги ўзида мураккаб ва кўп қиррали муаммоларни ифода этади. У барча иқтисодий агентлар ва хўжалик субъектлари, яъни асосий ахборот ташувчи — аҳоли, корхона ва ташкилотлар, шунингдек, умуман, давлат учун таъминланган бўлиши лозим. Аввало, ахборот хавфсизлигидан манфаатдор субъектларни ўз ичига қамраб олган ахборот хавфсизлигини таъминлашнинг зарурият даражаси ва вазифаларини белгилаб оламиз (37-расм).



37-расм. Ахборот хавфсизлигини таъминлашнинг зарурият аражаси ва вазифалари[1]

Ахборот хавфсизлигининг вазифалари ахборотнинг тўрт асосий хусусиятини таъминлашдан иборат, хусусан: фойдаланиш осонлиги, бутунлик, махфийлик ва ишончлилик. Ушбу терминлардан мос равишда қуйидагиларни тушуниш қабул қилинган:

- тегишли ҳуқуқларга эга бўлган субъектларнинг ахборот ресурсларидан ўз вақтида, тўсиқсиз фойдаланишини тақдим этиш тизимлари лаёқати;
- ахборотни йўқотишга олиб келадиган тўхтаб қолишлардан ҳимоялаш; маълумотларни рухсат берилмаган ўзгаришлар ёки йўқ қилишлардан муҳофаза қилиш;
- фақат муаллифлаштирилган фойдаланувчилар учун мўлжалланган маълумотлардан чекланган фойдаланиш;
- қабул қилинаётган маълумотларининг умимий тўлиқлиги ва аниқлиги.

Ахборот хавфсизлигининг амалда рўёбга чикаришнинг энг қийин ва муҳим бўлган жиҳати — бу ахборот махфийлигини сақлашдир. Ахборот махфийлигининг йўқолишига олиб келадиган учта асосий сабаб мавжуд: ахборотнинг ошкор бўлиши, ахборотнинг сизиши ва рухсат берилмаган маълумотлардан эркин фойдаланиш (38-расм).

[1]Ахборот хавфсизлиги бўйича ишлаб чикарилган стандартлар асосида муаллифлар томонидан ишлаб чикилган.



38-расм. Ахборот махфийлигининг йўқолиш сабаблари[1]

Ошкор қилиш деганда тегишли ҳуқуқи бўлмаган субъектлар томонидан қасддан ёки билмасдан қилинган ҳаракат натижасида ахборот олинишига олиб келган ҳодиса тушунилади. Ошкор қилиш турли усуллар орқали амалга оширилади. Бу хабар, кўрсатув-эшиттириш, нашр, йўқотиш, қўйиш, жўнатиш ва шу кабилар бўлиши мумкин. Ошкор қилиш ахборот тақдим этишнинг расмий ёки норасмий воситалари орқали амалга оширилади. Расмий каналларга музокаралар, хизмат учрашувлари, йиғилишлар ва шу кабиларни киритиш лозим. Шахсий учрашувлар, ёзишмалар, кўргазмалар, оммавий ахборот воситалари ва бошқалар норасмий каналларга мансуб. Одатда, махфий ахборотларни ошкор қилиш ходимларнинг малакасизлиги, махфий маълумотларни асраш қоидаларига амал қилинмаслиги туфайли юз беради.

[1]Ахборот хавфсизлиги бўйича ишлаб чиқарилган стандартлар асосида муаллифлар томонидан ишлаб чиқилган.

Ахборот сизиши деганда, биз корхона ёки муайян шахслар доирасидан ташқарига махфий ахборот узатишнинг назорат қилинмайдиган жараёнини тушунамиз. Махфий ахборотлар сизиши техник каналлар ёрдамида юз беради. Ахборот сизиш канали махфий маълумотларнинг моддий йўли деб аталади. Ғаразгўй ундан фойдалана туриб, қўриқланаётган ахборот ресурсларидан эркин фойдаланишга эришиши мумкин. Ахборот сизиш каналлари ахборотни ташиш усулига кўра: моддий-ашёвий, акустик, визуал-оптик ва электромагнитли турларга таснифланади.

Шахслар томонидан бунга тегишли ҳуқуқи бўлмаган ҳолда махфий ахборот олишга қаратилган ғаразли хатти-ҳаракат рухсат берилмаган эркин фойдаланиш деб аталади. Рухсат берилмаган эркин фойдаланиш турли услублар ёрдамида амалга оширилади. Уларга ходимларни сотиб олиш, ҳамкорликка зўрлаб бўйсундириш, объектга бевосита кириш ва бошқалар киради.

Ходимларни сотиб олиш, оғизбўшлик, назоратнинг йўқлиги, меҳнат интизомининг йўқлиги, ходимларни ёллаш чоғида кадрлар хизматининг ёмон ишлаши, руҳий номутаносиблик, паст иш ҳақи ва бошқалар махфий ахборотни ноқунуний эгаллашга ёрдам берувчи шароитлар ҳисобланади. Қуйида ахборот махфийлигини йўқотилишига имкон берувчи шарт-шароитларнинг фоизли тақсимланиши келтирилган(39-расм).



39-расм. Ахборотнинг махфийлиги йўқолишига имкон туғдирадиган шарт-шароитлар[1]

Шунингдек, маълумотлардан эркин фойдаланишни таъминлаш ахборот хавфсизлигининг вазифаларидан бири ҳисобланади, негаки, ахборот тизимлари турли хилдаги ахборот хизматлари (маҳсулотлари)ни тақдим этиш учун тузилади ва хизмат қилади. Алоқанинг бузилиши, бундай хизматларни олишда эркин фойдаланишга рухсат этилмаслик манфаатдор субъектларга

[1]Интернет материаллари асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

катта зарар келтириши мумкин. Фойдаланиш осонлигининг муҳим аҳамияти корхона фаолиятининг турли соҳаларидаги бошқарув тизимида намоён бўлади.

Ҳозирги пайтда Ўзбекистонда давлат даражасида ахборот олишнинг осонлиги масаласини тубдан ўзгартириш лозим. Масаланинг ҳукукий жиҳатлари тўғрисида ҳам алоҳида тўхталиш лозим. Ахборот тизимларининг ҳаммабоплигини оширадиган умумий қўлланишдаги аппарат-дастурий маҳсулотларни мамлакатимизда ишлаб чиқаришни ривожлантириш лозим.

Ахборот яхлитлиги ахборот хавфсизлигининг вазифаси сифатида статистик ва динамик қисмларга бўлинади. Статистик бутунлик деганда, ахборот ресурсларининг ўзгармаслиги тушунилади, динамик бутунлик эса мураккаб операциялар — транзакцияларни аниқ ўтказишни англатади. Ахборотнинг динамик бутунлигини таъминлаш ўғирлик, такрорланишларни аниқлаш мақсадида молиявий операцияларни ўтказишда муҳим саналади. Ахборот бутунлигининг бузилиши, яъни инсон фаолиятининг турли соҳаларида уни бузиш, йўқотиш олдиндан айтиб бўлмайдиган натижаларга олиб келиши мумкин. Мамлакатимизнинг ўзида ахборот тизимлари бутунлигини таъминловчи ёки назорат этувчи дастурий маҳсулотлар ишлаб чиқилган.

Ахборот хавфсизлиги вазифаларига тавсиф бериб, унинг таъминланиш даражасини кўриб чиқишга ўтамиз (2-расм). Ўзбекистонда давлат сиёсати йўналишларини белгилайдиган концептуал-сиёсий даражадаги ҳужжатлар қабул қилинмоқда, уларга эришишнинг йўл ва воситалари, мақсад ва вазифалари шакллантирилмоқда (2-3 иловалар). Мамлакатимизда ЎзР ахборот хавфсизлиги тўғрисидаги қонунчилик базаси бунга мисол бўлиши мумкин[1].

Республика қонунларида ва бошқа қонун ҳужжатларида ўз ифодасини топаётган, ахборот хавфсизлигини ҳуқуқий тартибга солиш ва таъминлашга йўналтирилган комплекс чора-тадбирлар қонунчилик даражасида яратилмоқда ва қўллаб-қувватланмоқда (Президент Фармонлари, ҳукумат қарорлари ва бошқалар).

Ахборот технологиялари соҳасидаги тараққиёт билан қонунлар ишлаб чиқиш жараёнини мувофиқлаштиришга имкон берадиган механизмларни шакллантириш ушбу даражанинг муҳим вазифаси сифатида ўзини кўрсатмоқда.

Меъёрий-техник даражада ахборот хавфсизлигини таъминлаш воситаларини ишлаб чиқиш, жорий қилиш ва улардан фойланиш жараёнларини тартибга солувчи андозалар, йўриқнома материаллари ва бошқа ҳужжатлар ишлаб чиқилмоқда. Мамлакатимиз андозаларини халқаро даражадаги ахборот технологияларига мувофиқлаштириш ушбу даражанинг асосий вазифаларидан саналади.

---

[1] «Электрон рақамли имзо тўғрисида», «Электрон ҳужжат айланиши тўғрисида» «Ахборотлаштириш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунлари

АҚШда ахборотни муҳофаза қилиш ҳақидаги қонун дастлаб 1906 йилда қабул қилинган. Ҳозирги пайтда бу мамлакатда ахборотни муҳофазалаш, ахборот хавфсизлиги, компьютер жиноятчилиги ва бошқа масалаларни тартибга соладиган 500 га якин қонун ҳужжатлари мавжуд. Америка маъмурияти ахборот хавфсизлиги муаммосини мамлакат миллий хавфсизлигининг муҳим элементларидан бири сифатида қарайди. Ахборот хавфсизлиги муаммосини ҳал қилишда миллий манфаатлар устиворлиги мавжуд бўлиб 1967 йилдан бошлаб ҳозирги пайтга қадар оид муҳим қонунлар қабул қилинган. Улар ахборот хавфсизлиги ва ахборот муҳофазаси соҳасида ягона давлат сиёсатини шакллантириш ва олиб бориш учун ҳуқуқий базани яратди.

1967 йилда "Ахборот эркинлиги тўғрисида"ги федерал қонун, 1974 йилда "Махфийлик тўғрисида"ги қонун, 1986 йилда "Компьютер жиноятлари ва фирибгарлиги тўғрисида"ги қонун, 1987 йилда "Компьютер тизимлари хавфсизлиги тўғрисида"ги қонун ва "ЭҲМ хавфсизлигини таъминлаш тўғрисида"ги қонунлар пайдо бўлди.

Номахфий ахборот, масалан, ҳукумат идораларининг сир тутилмаган ахбороти, шунингдек, давлат буюртмаси бўйича ишлайдиган хусусий компанияларнинг деярли барча маълумотлари АҚШда эркин фойдаланиш чекланган ахборот турларидан ҳисобланади. Ушбу компанияларга ахборот хавфсизлиги таъминлаш бўйича муайян талаблар қўйилади.

Масалан, улар Миллий хавфсизлик агентлигида сертификация қилинган ёки унинг буюртмаси бўйича тайёрланган шифрлаш аппаратураларидан фойдаланишлари мумкин. АҚШдан криптографик техникани олиб чиқиш учун Миллий хавфсизлик агентлигининг рухсати талаб қилинади.

Францияда ҳам вазият худди шундай. Турли шифрлаш техникаларини тайёрлаш, фойдаланиш, олиб чиқиб кетиш давлат томонидан тартибга солинади. Бу ускунани мамлакатга олиб кириш қонун бўйича умуман тақиқланган. Уни мамлакат ҳудудидан олиб чиқиб кетишга фақат Франция Бош Вазири рухсати талаб этилади, акс ҳолда, бу жиноят саналиб, бунга жарима, ҳатто камок жазоси белгиланган.

Ўзбекистонда бутун жаҳонда бўлгани каби, ахборот хавфсизлиги, шунингдек, ахборотни муҳофазалаш масалаларини тартибга солувчи қонунлар мавжуд. Ахборот хавфсизлиги масаласи миллий хавфсизликнинг таркибий қисми ҳисобланади.

Мамлакатимизда ахборот технологияларини қўллашнинг давлат томонидан тартибга солинишининг энг муҳим йўналишларидан бири ахборот муҳофазаси соҳасидаги лицензиялаштириш ва сертификация масаласи ҳисобланади.

Ўзбекистонда ахборотни муҳофазалашнинг криптографик воситаларидан фойдаланиш, уларни ишлаб чиқариш, сотиш, тузатиш масалаларини тартибга

солувчи меъёрий ҳужжатлар шифрлаш фаолиятини лицензиялаш ва бу хилдаги маҳсулотни, шунингдек, мамлакатлар ҳудудида жойлашган банклар, ташкилотлар, корхоналар, ҳокимият олий органларининг телекоммуникация тизимларини сертификациялаш жараёнлари жаҳон андозалари даражасида йўлга қўйилган.

Ахборотни муҳофазалаш соҳасидаги фаолиятни лицензиялаштиришнинг давлат тизими ташкилотларга ахборот муҳофазаси бўйича хизмат кўрсатишга рухсат этиш ҳамда бундай хизматлар самарадорлиги ва сифатини назорат қилишни таъминлашга йўналтирилган. Ахборотни ҳимоялаш соҳасидаги фаолият турларини белгилайдиган асосий қонун ҳужжатларига кўра, субъектлар давлат томонидан албатта лицензияниши зарур.

Давлат техник комиссияси ахборот махфийлигини муҳофазалашга тааллуқли фаолият турлари, жумладан, ахборотни техник муҳофазалаш ва ишлаб чиқариш, шунингдек, ахборотнинг ҳимоя воситаларини ишлаб чиқиш бўйича лицензияловчи орган ҳисобланади.

Ташкилотлар лицензия олиш учун муайян талаб ва шартларга жавоб беришлари лозим. Масалан, ахборотга ишлов бериш учун фақат сертификация қилинган автоматлашган тизимлардан, шунингдек, ҳимоя воситаларидан фойдаланишлари зарур. Соҳага доир фаолиятни фақат «Компьютер хавфсизлиги» ёки «Телекоммуникация тизимларининг хавфсизлиги ихтисослиги» бўйича олий маълумотга эга бўлган мутахассисларгина олиб боришлари мумкин. Мамлакатимизда ахборотни муҳофазалаш соҳасидаги фаолиятни давлат томонидан лицензиялаш тўғрисида махсус меъёрий ҳужжатлар мавжуд. Шунингдек, ахборотни криптографик муҳофазалаш воситаларининг сертификациялаш тизими ҳам йўлга қўйилган. Бу тизим криптографик муҳофазалаш воситалари ва тегишли сақлаш тизимларини сертификациядан ўтказиш қоидаларини белгилаб беради, шунингдек, бундай асбоб-ускуналарни сертификациялаш тизимининг ташкилий тузилмалари белгилаб олинган.

Бошқа давлатларда бўлгани каби криптографик техникаларни мамлакатга олиб кириш ва ундан олиб чиқиб кетиш давлатимиз томонидан назорат қилинади. Хусусан, экспорт Ўзбекистоннинг ваколатли органлари лицензияси бўйича амалга оширилади. Ҳар қандай ташкилий-ҳуқуқий шаклдаги барча субъектлар, жумладан, жисмоний шахслар томонидан амалга ошириладиган махфий ёки номахфий ахборотни криптографик муҳофазалашга оид барча турдаги фаолият мажбурий тарзда давлат томонидан лицензияланиши лозим.

Барча давлат муассасалари ва тузилмаларида, Ўзбекистон банкларида, давлат буюртмаси бўйича ишлайдиган компанияларда, шунингдек, Марказий банк билан ўзаро ҳамкорликдаги ҳар қандай корхоналарда сертификациядан

ўтказилган ахборотни муҳофазалаш воситаларидан фойдаланиш мажбурий ҳисобланади.

Шундай қилиб, хулоса қилиш мумкинки, нафақат давлат сирини ташкил қилган махфий ахборотни муҳофазалаш воситалари, шу билан бирга давлат учун аҳамиятли бўлган ҳар қандай маълумотни ҳимоялаш воситалари сертификациядан ўтказилган бўлиши лозим.

Ташкилот ва корхоналар даражасида ахборот хавфсизлигини таъминлаш бўйича аниқ чора-тадбирлар амалга оширилмоқда (37-расм). Уларнинг таркиби ва мазмуни асосан муайян бир ташкилот ёки корхонанинг ўзига хос хусусиятлари билан белгиланади. Бундай чора-тадбирлар асосида ахборот хавфсизлиги сиёсати ётади. У ахборотни ва у билан боғлиқ ресурсларни муҳофазалашни таъминлаш мақсадига қаратилган ҳужжатлаштирилган бошқарув қарорлари мазмунини ўзида ифода этади. У ахборот хавфсизлигини тегишли равишда таъминлаш учун ташкилотлар томонидан ажратиладиган зарур восита ва ресурслар миқдорини, стратегияни белгилайди. Ахборот хавфсизлиги сиёсати корхонанинг ахборот тизимига таҳдид солувчи мавжуд хавф эҳтимолларини таҳлилдан ўтказиш асосида шакллантирилмоқда.



40-расм. Амалиёт даражасида корхона ахборот хавфсизлигини таъминлаш чора-тадбирлари[1]

[1]Интернет материаллари асосида, муаллифлар томонидан ишлаб чикилган.

Ташкилий тадбирлари даражасида (37-расм) ахборот хавфсизлигини таъминлаш бўйича корхона ходимлари томонидан амалга оширилаётган бевосита чора-тадбирлар белгиланмоқда. Уларга ходимларни бошқариш, ускуналарни таъмирлаш ишларини режалаштириш ва моддий муҳофазалашни киритиш мумкин (40-расм).

Дастурий ва техник тадбирлар даражасида асбоб-ускуналар, дастурий воситалар ва ахборот ресурсларининг муҳофазаси амалга оширилмоқда. Бу хавфсизлик хизмати ёрдамида бажарилмоқда, яъни

- идентификациялаш ва мувофиқлаштириш жараёнлари;
- эркин фойдаланишни чеклаш;
- протоколлаштириш ва аудит жараёни;
- шифрлаштириш;
- экранлаштириш;
- бутунликни таъминлаш;
- эркин фойдаланишни таъминлаш;
- бузилишга қарши бардошлиликни таъминлаш.

Бугунги кунда мавжуд дастурий-техник воситалар танлаш имконияти кўплигига қарамай, корхоналарнинг ахборот хавфсизлигини таъминлашга зарур бўлган воситаларни ҳарид қилиш масаласи қийин бўлмоқда. Бунга сабаб ахборот технологиялари соҳасида қуйидаги йўналишларнинг жадал ривожланаётгани сабаб бўлмоқда:

- ахборот тизимлари ишлаш тезлигининг ортиши;
- тармоқ технологияларининг ривожланиши, яъни технологияларни қиска муддат ичида модернизициялашуви;
- бозордаги юқори рақобат ва даромад олишга интилиш билан боглик равишда қиска муддатларда яратилган ва зарур даражада муҳофаза қилинмаган дастурий маҳсулотларнинг анча кўпайганлиги;
- янги ахборот хизматларининг пайдо бўлиши ва ривожланиши.

Ушбу соҳада қонунчилик базасини такомиллаштириш билан боғлиқ бўлган ахборот хавфсизлигини таъминлашнинг ҳуқуқий жиҳатлари фавкулодда муҳимлигича қолмоқда.

Кейинги вактларда маълумотлар базасидан ахборот сизиши каби нохуш ҳолатда пайдо бўлмоқда. Очиқ ва махфий ахборотларни аниқ чегаралаш зарур. Маълумотларни шифрлаш билан шуғулланадиган ва тижорат асосида бундай

хизматларни таклиф қиладиган барча тузилмалар тегишли тартибда лицензия олишлари лозим. Ахборот хавфсизлигини таъминлашнинг амалдаги меъёрий-ҳуқуқий базаси бу соҳадаги барча муаммоларни қамраб ола олмайди, баъзи масалаларда эса зиддиятлар юзага келади. Ахборотлаштириш, телекоммуникация ва алоқа воситалари бўйича мамлакат саноати нисбатан заиф ривожлангани, мамлакатда ишлаб чиқарилаётганган маҳсулотларнинг дунё бозорига чиқишидаги қийинчиликлар вазиятни мураккаблаштирмоқда. Ҳозирги шароитда шу асосида долзарб технологияларни яратиш, саноатни технологик қайта қуроллантириш, мақсадга мувофиқ бўлади.

Бу давлат ҳокимият органларини ахборот тизимларини яратишда хорижий техникани сотиб олиш ва чет эл компанияларини жалб қилишга мажбур этмоқда. Натижада ишлов берилган маълумотлардан тегишли рухсат олмай фойдаланиш эҳтимоли кучаймоқда ва компьютер техникаларининг хорижий ишлаб чиқарувчиларига Ўзбекистоннинг боғлиқлиги ортмоқда. Ўзбекистонда ахборот-коммуникация технологиялари бозорининг ўтказилган таҳлиллари бу бозор ҳали мамлакатимизда нисбатан суст шаклланганлигини кўрсатади. Бу соҳа бўйича расмий статистика ва унинг тузилмаларини такомиллаштириш лозим. Шундай бўлса-да, кўпчилик мутахассислар ва рейтинг агентликлари бу бозорнинг тузилмаси ва миқёсини баҳолашга ҳаракат қилмоқдалар.

Давлат ҳокимият органлари учун манфаатли саналган махсус мўлжалдаги муҳофазаланган ахборот-коммуникация тизимини яратиш борасидаги ишларни етарли даражада молиялаштиришни йўлга қўйиш лозим. Шунга мувофиқ, сертификация қилинган ахборотни муҳофазалаш воситаларини ишлаб чиқариш етарли даражада таъминланмаяпти. Бу таъминотдаги етишмовчиликка мамлакатда тайёрланган муҳофазаланган операцион тизимлар ва амалий дастурий воситаларни ҳам қўшиш лозим. Қайд этиш жоизки, АҚШда 2004 йилда Президент маъмурияти ахборот хавфсизлигига бюджет маблағидан 2,7 млрд доллар, 2005 йилда 4,7 млрд доллар сарфлаган[1].

Жаҳон банкининг ахборот хавфсизлиги учун молиявий харажатлари 800 млн.долл.ни ташкил қилади. Яқин беш йил мобайнида АҚШ Федераль бюджетидан турли вазирликлар бўйича ахборот хавфсизлигига 32 млрд. долл. атрофида маблағ ажратиш режалаштирилмоқда. (41-расм).

[1]Манба: «CNews» маълумотлари.



41-расм. АҚШ Федерал бюджетидан турли соҳалар бўйича ахборот хавфсизлигига ажратиладиган маблағлар(2008 й, %)[1]

АҚШ идораларининг ўзида ахборот хавфсизлигига сарф-харажатлар мутлако ўзгача тақсимланиш характерига эга (42-расм.). Бизнинг мамлакатимизда ҳам регион (минтақа)лардаги ахборот хавфсизлиги борасидаги ишлар етарли даражада эмаслиги, бу соҳада марказий ва маҳаллий давлат ҳокимиятлари, давлат ва нодавлат ташкилотлари фаолияти етарли даражада мувофиқлаштирилмаганлиги жиддий масалалардан ҳисобланади.



42-расм. АҚШ идораларининг ахборот хавфсизлигига сарф-харажатларининг тузилиши.[1]

[1] «CNews» маълумотлари асосида тайёрланди.

АҚШда иқтисодиётнинг муҳим соҳалари бўлган молия, транспорт, телекоммуникация, энергетика объектларига ахборотни хавфсизлигини таъминлаш воситаларини татбиқ қилиш билан профессионал тузилмалар ҳам шуғулланадилар. Масалан, Ахборотни муҳофазалаш ассоциацияси, Хавфсизлик соҳасида маҳсулот ва хизматлар ишлаб чиқарувчилар ассоциацияси, Ҳужжатли электралоқа ассоциацияси. Мутахассислар етишмаслиги ахборот хавфсизлиги соҳасида маҳаллий лойиҳаларни амалга ошириш билан боғлиқ муҳим қийинчиликлардан бири бўлиб қолмоқда.

Корхоналарда ахборот хавфсизлигини таъминлаш муаммосини ҳал қилиш учун кўпчилик мутахассислар ягона ишлаб чиқарувчининг жиҳозларидан фойдаланишни тавсия қиладилар. Бундай ёндошув мўмайгина (30 фоизгача) маблағни иқтисод қилиш имконини беради. Шу билан бир қаторда, фойдаланувчиларни айнанлаштириш (иденфикациялаш) учун мўлжалланган ноёб биометрик ўлчовларга асосланган маълумотларни муҳофазалаш технологияларига доимий эътибор қаратиш лозим. Бу йўналишда тадқиқотлар олиб борилмоқда ва лойиҳалар ишлаб чиқилмоқда. Хусусан, мамлакатимиз мутахассислари субъект ҳақидаги барча муҳим маълумотлар — бармоқ излари, нутқининг ўзига хослиги ва шу кабилар жамланган электрон паспортни лойиҳалаштириш устида иш олиб бормоқда. Шу муносабат билан қонунчилик базасини таъминлаш, шунингдек, ушбу лойиҳаларни маблағ билан таъминлаш билан боғлиқ бўлган бир қатор муаммолар туғилади. Европа давлатлари тажрибасини таҳлил этганимизда шу нарса маълум бўлдики битта электрон паспортнинг нархи ўртача 25 еврони ташкил қилади, ушбу лойиҳаларни амалга оширишга кетадиган давлат харажатлари эса 700 млн. Евродан ортиб кетади[1].

8.1.3. Замонавий ахборот тизимларида хавфсизликка таҳдид солувчи омиллар

Ахборот хавфсизлиги муаммоси кўриб чиқилар экан, ахборот хавфсизлигига таҳдидлар каби муҳим жиҳатларга батафсил тўхталиш лозим. Негаки, айнан улар ахборот хавфсизлигини бузиш манбаи ҳисобланади. Ахборот хавфсизлигига таҳдид ахборотнинг махфийлига путур етишига, шунингдек, ноқонуний тарқалишига олиб келиш эҳтимоли юқори бўлган хатти-ҳаракатлар, жараён ва ҳодисалар сифатида белгиланади[3]. Одатда, таҳдидлар муаммолар мавжудлигидан, яъни ахборот хавфсизлигининг заиф жойидан хабар беради.

[1] «Sage Research» агентлигининг маълумотлари асосида тайёрланди.
[2] Интернет материаллари асосида муаллифлар томонидан ҳисобланди.
[3] Лукацкий А.В. Краткий толковый словарь по информационной безопасности. М., 2000. С. 72.

Аммо ҳамиша ҳам шундай бўлавермайди. Масалан, электр таъминотининг нотекис ишлаши ёки электр қувватининг узилиб қолиши хавфи техниканинг сифатли электр таъминотига боғлиқлиги туфайли мавжуд.

Ахборот ресурларидан эркин фойдаланишни, унинг бутунлиги ва махфийлигини таъминлаш ҳозирги замонавий корхоналарининг самарали фаолият юритишида энг муҳим вазифалардан бири ҳисобланади. Бундай ресурсларга қуйидагиларни киритиш мумкин: битим ва шартномалар; молиявий ва техник характердаги ахборотлар; янги лойиҳалар, бизнес режалар; ходимлар тўғрисидаги маълумотлар; номоддий активлар ҳақидаги маълумотлар; бухгалтерлик ҳисоби маълумотлари; ташкилотнинг жорий фаолияти ҳақидаги маълумотлар.

Бу хилдаги барча ахборотлар, асосан, автоматлаштирилган ахборот тизимлари ёрдамида сақланади ва ишлов берилади. Демак, корхона фаолиятининг натижалари кўп жиҳатдан бу тизимларнинг ғаразгўй кишилар ва рақибларнинг хатти-ҳаракатидан муҳофазаланганлиги ва уларга бардошлилигига боғлик.

Диверсификация ва янги бозорларга кириш, янги мижозлар ва таъминотчилар топиш, янги бўлинмаларни ташкил қилиш ташкилот тузилмасининг мураккаблашувига олиб келади, бу янги ахборот технологияларини қўллаш билан ахборот тизимларини такомиллаштиришни талаб қилади. Аммо замонавий автоматлаштирилган тизимлар яратилиши билан корхоналарнинг ахборот хавфсизлигини бузишга қаратилган турли хилдаги таҳдидлар эҳтимоли ортиб бормоқда. Ахборот хавфсизлигига таҳдид, одатда, ахборотнинг махфийлиги, бутунлиги, эркин фойдаланиш имкониятини бардод қилишга қаратилгандир. Ушбу таҳдидлар натижасида ахборот сизиши, ошкор бўлиши, бузилиши, йўқ қилиниши мумкин. 43-расмда бир неча ўлчовларга кўра таҳдидлар таснифи келтирилган:

- таҳдидлар манбаи (ички ва ташқи);
- келтирилган зарар хусусияти (моддий ёки маънавий зарар кўришга олиб келувчи таҳдидлар);
- пайдо бўлиш эҳтимоллиги;
- вужудга келиш сабаблари;

Ахборот хавфсизлигининг ташқи таҳдидларига қуйидагиларни киритиш мумкин:

- саноат ва иқтисодиётга оид жосуслик, шантаж, ёлғон ахборот таркатиш;
- ахборотни ўғирлаш, йўқ қилиш, бузиш, бўлинмаларнинг маромида ишлашига путур етказиш мақсадида ҳимоя тизимига ҳужум;
- бозорда етарли миқдорда сертификация қилинган ахборотни муҳофазалаш воситаларининг йўқлиги;
- ахборот хавфсизлигининг амалдаги меъёрий-ҳуқуқий баъзасининг тўлаконли эмаслиги;
- виждонсиз шериклар ва мижозларнинг фаолияти.



43-расм. Ахборот хавфсизлигига тахдидларнинг жамлама таснифи[1]

Тахдидларнинг ички манбаига биз қуйидагиларни киритамиз:

-фойдаланишдаги ахборотни муҳофазалаш тизимининг такомиллашмагани.

- маълумотларни сақлаш ва кайта ишловчи техник-дастурий воситаларнинг эскирганлиги;
- ходимлар малакасининг пастлиги;
- лицензиясиз дастурий таъминот воситаларидан фойдаланиш;
- персонал саботажи;
- корхонани ёнғин ва техник хавфсизлиги етарли даражада таъминланмаганлиги.

Статистиканинг кўрсатишича, ахборот рискининг ўртача 17фоизи ташқи тахдидларга, 1 фоизи тасодифий шахслар, қолган 82 фоизи корхона ходимлари томонидан содир этилади (44-расм).



44-расм. Ахборот хавфсизлигига тахдидларнинг таркибий тузилиши[2]

Кўриладиган зарар нуктаи назаридан энг хавфлиси ва энг кўп юз берадигани штатдаги ходимларнинг билмасдан йўл қўйган хатолари (масалан,

[1]Муаллиф томонидан тавсия этилмокда

[2]Хронометрик тадкикотлар асосида аникланган

маълумотларни нотўғри киритиш, хато орқасида маълумотларни ўчириб юбориш, эҳтиётсизлик, саводсизлик ва бошқалар) ҳисобланади.

Кўпинча худди мана шу хатолар ташқи таҳдид учун ахборот хавфсизлигининг заиф жойини ташкил қилади. Билмасдан йўл қўйилган хатолар, ўртача 60-65% талофатларга сабаб бўлади. Айни пайтда, масалан, табиат офатлари (бўрон, ёнғин, сув тошқини, электр таъминотининг узилиб қолиши кабилар) ҳиссасига ахборот хавфсизлиги таҳдиди бўйича барча йўқотишларнинг 13 фоизи тўғри келади. Айни вақтда корхонада ишламаётган ёки ишдан бўшатилган — "ранжиган" ходимлар ҳам каттагина хавф туғдирадилар. Негаки, собиқ ходимлар фирмада ишнинг ташкил этилишидан хабардор бўлишади. Ишдан бўшатиш чогида бундай ходимлар учун ахборотдан эркин фойдаланиш ҳуқуқининг бекор қилиниши муҳим ҳисобланади. Кўпчилик ҳолларда улар бирор-бир маълумотни ўчириб юбориш, жиҳозларга зарар етказиш, оқибати маълумотларнинг, дастурларнинг бузилишига олиб келадиган "бомба"ларни ўрнатиш ёки тизим устидан назоратга эга бўлиш, ёхуд зиён келтирувчи бошқа дастурий таъминотни киритиш имкониятига эга бўладилар. Маълумотларни муҳофазалаш соҳасида хавфсизликка энг жиддий таҳдидлар борасидаги мутахассислар ўртасида ўтказилган сўров натижалари 45-расмда келтирилган.



45-расм. Корхона ахборот хавфсизлигига таҳдидларнинг бизнес таркиби бўйича тақсимланиши(%)[1]

Жадвалдан кўриниб турибдики, кўпчилик мутахассислар асосий таҳдидларни корхона ходимларининг ишдан бўйин товлаши эҳтимолида

[1]Positive Technologies компаниясининг тадқиқоти асосида муаллифлар томонидан ишлаб чиқилган.

(гўё ишлаётган бўлиб, ишга зарба беришида), таркибий тузилмаларни ўзбошимчалик билан ўзгартиришларида, спам ва DoS хужумларда кўрадилар.

Корхоналар хавфсизлиги бўйича аудит ўтказган, ахборот хавфсизлиги масаласи улар учун муҳим ўрин тутадиган Англиянинг NTA Monior фирмаси маълумотларига кўра, корхоналар, асосан, ахборот тармоқларига энг катта хавф келтирадиган таҳдидлардан ҳимояланишга эътибор қаратишади. Ўртача таҳдидлар гуруҳига етарли даражада эътибор берилмайди. Тестлашган тармоқлар муҳофазасининг жиддий заиф жойлари фоизи йил сайин камая бошлади ва 2007 йилда 21 фоизини, 2008 йилда эса 3,9 фоизини ташкил қилди. Аммо NTA Monior маълумотларига кўра, ўртача таҳдидлар гуруҳида зарарлар миқдорининг бироз ортгани қайд этилган. 2007 йилда у 74 фоизи тестни, 2008 йилда эса 73 фоизини ташкил этди. Шунинг учун хавф эҳтимолининг ўртача даражасидаги ахборот тармоқлари нуқсонларига янада кўпроқ аҳамият бериш зарур, чунки ғаразгўй кимсалар ҳужум уюштириш ва рухсат этилмаган фойдаланишга эришиш учун энг самарали усулларни топишга ҳаракат қиладилар.

Вирусга қарши дастурлар ишлаб чиқадиган дунёдаги энг катта компаниялардан бири Trend Mikгонинг маълумотлари бўйича, ер юзида компьютер вирусларини тарқатилиши натижасида 2007 йилда кўрилган зарарлар 85 млрд. долл.ни ташкил қилган. 46-расмда 2008 йилгача кўрилган зарарлар график тарзда кўрсатилган.

Хавфсизлик соҳасидаги мутахассислар ҳам корпоратив, ҳам уйда фойдаланувчилар учун анчайин зарар келтирадиган, борган сари ўткир, универсал, мураккаб тус олаётган вирус дастурларининг йилдан-йилга сезиларли ўсиши кузатилмоқда, деб ҳисоблайдилар.



46-расм. Вируслардан кўриладиган зарарларнинг график ифодаси[1].

[1]Интернет маълумотлари асосида муаллифлар томонидан ҳисобланган.

Бугунги кунда ҳар қандай корхона учун ахборот хавфсизлигининг эҳтимол тутилган таҳдидлари мавжуд. Уларга қуйидагилар киради: хакерлар ҳужуми ёки муҳим махфий ахборот олиш ёки корхона фаолиятидаги муҳитга зарар етказиш мақсадида ходимларнинг қасддан қилган хатти-ҳаракатлари, ходимларнинг тасодифий (билмасдан) қилган хатти-ҳаракатлари. Бунинг натижасида корхонанинг нормал (меъёридаги) ишлашига путур етади ёки бегона кишилар ахборотдан эркин фойдаланиш имконига эга бўладилар. www. Cyber.net ахборот–таҳлилий тизими манбааларига кўра, корхона ходимлари жиноятнинг 94 фоизини, содир этишади, 6 фоизи ташки фойдаланувчилар томонидан содир этилади.

Хориждаги корхоналарнинг ахборот хавфсизлиги таҳдидларидан муҳафазаланиш ва уларнинг олдини олиш борасидаги IT Research center томонидан ўтказилган сўровномалар таҳлилий шарҳи бир қанча принципиал хулосалар чиқариш имконини беради. Сўнгги тўрт йил мобайнида ўз йиллик харажатларини ахборот хавфсизлигини таъминлаш учун 1млн. долл.дан ортиқ миқдорга оширган корхона ва ташкилотларнинг солиштирма оғирлиги 2005 йилдаги 8 фоиздан 2008 йилдаги 27 фоизгача, яъни 3 бароварга ортган. Шу билан бирга ахборот хавфсизлиги учун бир йилда 50 минг доллар сарфлаган ташкилотлар сони ушбу даврга мос равишда 52 фоизидан 22 фоизигача, яъни 2 баробардан кўпроққа камайган (47-расм).



47-расм. АҚШ хусусий секторида ахборот хавфсизлигига харажатлар таркиби динамикаси(минг долл.)

Хориж компанияларининг ахборот хавфсизлиги учун бўлган харажатларининг бундай динамикаси ахборот хавфсизлигининг ҳам ички, ҳам ташқи таҳдиди ортиб бораётганлиги билан боғлиқ. АҚШда ахборот технологиялари соҳасида 2500 мутахассисларнинг online сўровномаси асосида уларнинг бизнеси учун энг муҳим бўлган ахборот хавфсизлиги таҳдидларини аниқлашга доир тадқиқотлар ўтказилган[1]. 48-расмда ўтказилган сўровнома натижасига кўра ахборот хавфсизлигининг ташқи таҳдидлари таркиби келтирилган. Кейинги икки йил давомида ахборот хавфсизлигининг ташқи таҳдидлари орасида қуйидаги ўзгаришлар содир бўлган:

• интернет оркали маълумотлардан рухсат берилмаган эркин фойдаланиш учун тизимли дастурий таъминотдаги заиф жойлардан фойдаланиш билан боғлиқ бўлган нохуш ҳодисалар деярли икки баробарга ортган;

• вируслар таъсири туфайли нохуш ҳодисалар сони 10 фоизга кўпайган;

• электрон почтада спамлар чоғида буфернинг тўлиб кетиши билан амалда учдан бирга боғлиқ бўлган хизмат кўрсатишни рад қилишлар сони 2 фоизга ўсган.



48-расм. Ахборот хавфсизлигининг ташқи таҳдиди таркиби динамикаси (%)

DOS-ҳужумлар (Denial of Service) — хизмат кўрсатишни инкор этиш ахборот хавфсизлиги учун катта таҳдид ҳисобланади, чунки уларнинг салбий таъсирлари натижасида компания, одатда, узок вакт Интернетдан

[1]2008 Industry Survey – Information Security, October 2008

фойдаланишдан маҳрум бўлади. Тадқиқотларимиз кўрсатишича, 90 фоиз ҳолатда хизмат кўрсатишни рад этиш вақти 1 соатга етади, бу корхонанинг транспорт, энергетика, алоқа, тезкор тиббий ёрдам масалалари билан боғлиқ узлуксиз иш циклига жиддий хавф солади.

Ички таҳдидлар таркиби таҳлили кейинги вақтларда пайдо бўлган ўзгаришларни аниқлашга имкон беради.

1) 78 фоизгача ички таҳдид корхона ходимининг регламентга солинмаган дастурий таъминотни ўзбошимчалик билан ўрнатиб олиши ва ундан фойдаланиши билан боғлиқ.

2) Ходимлар томонидан асбоб-ускуна (жиҳоз) ва ахборот ресурсларидан шахсий мақсадда фойдаланиш ҳолати икки йил ичида 10 фоизга ортган.

3) Маъмурият томонидан назоратнинг кучайтирилиши оқибатида регламентга солинмаган ускуналар ўрнатиш ва фойдаланиш билан боғлиқ нохуш ҳодисалар 7 фоизга ошган.

Одатда, икки турдаги маълумот ҳимояга муҳтож бўлиб, улар хизмат ёки тижорат сири тоифасига киради:

• бевосита конструкторлик ва технологик ҳужжатлар билан боғлиқ илмий-техник маълумотлардан ташкил топган ахборотлар, шунингдек, янги буюмлар, ноёб дастурий маҳсулотлар ишлаб чиқариш усул ва услублари тавсифлари;

• муассаса фаолияти ҳақидаги ишга оид маълумотларни ташкил этган ахборотлар: молиявий ҳужжатлар, ривожланишнинг истиқболдаги режалари, ишлаб чиқаришни модернизациялаш йўналиши, рақобатчилар юзасидан ўтказилган тадқиқот материаллари ҳамда маҳсулот ва хизматлар бозоридаги ишлар самарадорлиги ҳақидаги таҳлилий материаллар, шериклар тўғрисидаги турли маълумотлар ва бошқалар.

Айнан ушбу икки тур маълумот ҳаммадан кўра компьютер жиноятларининг объектига айланмоқда. Бу термин остида компьютер информатикаси соҳасидаги жиноятлар тушунилади.

Уларнинг тарихи тахминан 1960-йиллардан АҚШда ЭҲМ ёрдамида содир этилган биринчи компьютер жинояти аниқланиши билан бошланган.

Компьютер соҳасидаги жиноятлар, ахборот жиноятлари каби терминлар илмий муомалага кирган.

В.А. Мещеряков ахборот жиноятларини қуйидаги тарзда таснифлаган[1]:

• ахборотни ғайриқонуний эгаллаш ёки ундан ёлғиз (танҳо) фойдаланиш ҳуқуқининг бузилиши;

• ахборотнинг гайриқонуний турланиши;

[1] Мещеряков В.А. Криминалистическая классификаимя преступлений в сфере компьютерной информации.// Конфидент, 1999, №4-5.

• ахборотга путур етказиш;

• маълум хусусиятдаги ахборотни ҳосил қилиш бўйича ҳаракат ёки ҳаракатсизлик;

• қонуний фойдаланувчиларнинг ахборотдан фойдаланишига тўсиқ яратишга қаратилган хатти-ҳаракатлар.

Ахборот технологиялари соҳасидаги жиноятлар йилдан-йилга ортиб бормоқда. Иқтисодиётнинг молия ва телекоммуникация сингари соҳаларида ахборот хавфсизлигини таъминлаш муаммоси айниқса кескин ҳисобланади.

Ахборот хавфсизлигини бошқариш борасидаги хорижий мамлакатлар, тажрибаси барча бўлинмаларнинг барқарор ва самарали савдо ҳамда ишлаб чиқариш фаолиятини барпо қилиш, хизматга доир маълумотларнинг йўқолиши, ўғирланиши, бузилиши ва йўқотилишидан, молиявий маблағларнинг талон-тарож қилинишидан муҳофазалаш, хавфсизликка таҳдидларни бартараф этиш ҳар қандай корхонанинг ахборот хавфсизлигини таъминлаш тизимининг асосий вазифаси ҳисобланишини тасдиқлайди. ахборот хавфсизлиги тизими тақдим этилаётган хизматлар сифатини ва хавфсизлик кафолатини ошириш, мижозларнинг мулкий ҳуқуқ ва манфаатлари учун ҳам зарур саналади.

Юқорида санаб ўтилган ютуқларга эришиш учун қуйидагилар зарур бўлади:

• ахборотларни хизмат ёки тижорат турларига тоифалаштириш:

• молиявий, моддий ва маънавий зарарларни, уларнинг сабаб ва омилларини ўз вақтида аниқлаш ва прогнозлаш (олдиндан белгилаш);

• ахборот ресурсларига хавфсизлик таҳдиди ва турли зарарлар етказиш хавфи энг кам бўлган фаолиятга шарт-шароит яратиш;

• ҳуқуқий, ташкилий ва техник воситалар асосида ахборот хавфсизлиги таҳдидларига самарали диққат қаратиш учун шарт-шароит ва механизмларни яратиш.

Корхонанинг хавфсизлик тизимини барпо этишда асосида умумий мезонлар ва ахборот рисклари таҳлили ётадиган моделдан фойдаланиш мумкин. Бундай модель мамлакатимизнинг соҳадаги меъёрий-ҳуқуқий базаси ривожланиш тенденциясини ҳисобга олиши, ахборот хавфсизлигини таъминлаш бўйича ЎзРда қабул қилинган меъёрий ҳужжатларга мос келиши лозим.

Ахборот хавфсизлигини тизимини яратиш учун риск даражасини таҳлил қилиш талаб этилади, шундан сўнг маълум мезон асосида рискнинг оптимал даражасини белгилаб олиш зарур.

Халқаро тажрибада корхоналар ахборот хавфсизлигини бошқаришнинг бир неча ўхшаш ёндошувлари ишлаб чиқилган. Ахборот хавфсизлигининг

комлекс муаммолари билан профессионал тарзда шуғулланувчи хорижий ташкилотлар бу соҳада ўз концепцияларини яратишган. Буларнинг бутун дунёда энг машҳур ва бизнес амалиёт томонидан талаб қилинадиганлари қаторига Британиянинг BS 7799[1] стандарти, Германия BSI[2] стандарти, Америка NIST 800-30[3] стандарти, шунингдек, MITRE (Risk Matrix)[4] ва бошқалар киради.

Биз ушбу китобимизда тақдим этилган дастурий маҳсулотларнинг афзалликлари ва камчикларини батафсил таҳлил қилишни мақсад қилмадик. Бизнинг асосий вазифамиз корхоналар ахборот хавфсизлиги бўйича ўзимиздаги бизнес шароитига мослашган концепциямизни таклиф этишдан иборат.

[1]Симонов СВ. Анализ рисков, управление рисками.//Jet Info, 1999, №1.
[2]Симонов СВ. Анализ рисков, управление рисками.//Jet Info, 1999, №1.
[3]Risk Management Guide for Information Technology Systems -NIST, Special Publication 800-30
[4]Anne Marie Willhite. Systems Engineering at MITRE Risk Management. RI. MP96B00000120, September, 1998; Risk Matrix

I БОБ.
КОРХОНАЛАРДА АХБОРОТ ХАВФСИЗЛИГИ ТИЗИМИНИНГ УСЛУБИЙ АСОСЛАРИ

8.2.1. Ахборот технологияларининг мамлакат иқтисодиётидаги ўрни ва ривожланиш йўналишлари

XX асрнинг охирги ўн йиллигида телекоммуникация ва алоқа соҳаси инсонлар ҳаёт тарзи ва жамият ривожига таъсир қилувчи асосий омиллардан бири бўлиб қолди. Бугунги кунда кишилик жамиятида ахборот-коммуникация технологияларини жадал ривожланиши натижасида инсонлар ҳаётининг барча йўналишларида чуқур ўзгаришлар рўй бермоқда. Ахборот-коммуникация технологиялари инсон ҳаётининг барча жабҳаларини, яъни иш фаолиятини ҳам, мулоқотини ҳам, маиший ва маданий соҳаларини ҳам қамраб олмоқда. Жаҳоннинг барча мамлакатлари ахборот-коммуникация технологияларини тезлик билан татбиқ қилиш ва такомиллаштиришнинг улкан афзалликларини англаб етди. Дунёнинг юксак ривожланган етакчи мамлакатлари ахборот-коммуникация технологиялари соҳаси миллий хўжаликнинг иқтисодий конъюнктура таъсири остида бўлмаган энг динамик соҳаси ҳисобланади. Ушбу соҳани барча давлатларда стратегик соҳа сифатида қаралаётганлиги сабаб соҳага катта миқдордаги инвестициялар жалб этилишига олиб келмоқда. Бу эса ўз навбатида соҳадаги рақобат муҳитини кучайтиришга ҳамда юқори сифатли ҳамда замонавий хизматларни кўрсатишга замин яратмоқда.

Мамлакатда инвестицион муҳитни мувофиқлаштириш ва инвестицион жараёнларн жадаллаштири шароитид иқтисодиётимизни либераллаштириш ва иқтисодий ислохотларни чукурлаштириш республикада ахборот-коммуникация технологиялари (АКТ) муҳитининг роли кундан-кунга ортиб бормоғини таъминламоқда. АКТ соҳаси тармоқда жалб қилинган сармояларнинг жуда тез суръатларда ўзини қоплашини таъминлаб берувчи юқори даромадли соҳалардан бири ҳисобланади. Ушбу мақсадда алоқа ва ахборотлаштириш соҳасига инвестициялар жалб этиш ҳолати ва бу жараённи миллий иқтисодиётни модернизация этиш шароитида заруриятини аниқлаш долзарб аҳамият касб этади.

Мустақиллик йиллари давомида республикада АКТ соҳасида сармояларни жалб қилиш тадбирлари бўйича бир талай ишлар амалга оширилди. Булар жумласига нафақат ички сармоялар балки чет эл инвестицияларининг иқтисодиётимизга тиккан хорижий сармояларини ҳам мисол тарикасида киритишимиз мумкин. Чет эл компанияларининг ушбу соҳадаги иштироки натижасида катта қувватли воситалар ва алоқа қурилмалари, халқаро ва маҳаллий алоқа хизматларини кўрсатишга хизмат қилувчи қурилмалар ишга

туширилди. Ўн минг километрдан кўпроқ оптик-толали кабелларини ўрнатиш ишлари амалга оширилди. Республиканинг турли вилоятларида янги алоқа станциялари ишга туширилмоқда.

"Ўзбектелеком" АКнинг телекоммуникация тармоғини қайта қуриш ва ривожлантириш ишлари Жанубий Корея (ДЭУ), Индонезия (БКК), Хорватия (Эриксон), Италия (Италтел), Германия (Сименс, Алкател, Де ТЕ Лайн, Детекан), Япониянинг (Митцуи, NEC), Хитойнинг (Хуавей, ЗТИ) компаниялари каби чет эл компанияларининг иштироки натижасида амалга оширилмоқда.

Мустақиллик йиллари давомида қуйидаги объектлар қурилиб ишга туширилди:

1. Ернинг сунъий йўлдош станцияси. Халқаро коммуникацион марказ (NEAX). Лойиҳа қиймати 6400000 АҚШ доллари. Ўзбекистон Республикаси Алоқа вазирлигининг марказлашган фонди молиялаштириш манбаи саналади. Сунъий йўлдош станцияси ва NEAX-61 АМТС 810 та халқаро алоқа каналининг қуввати киритилди. Яна 13 та халқаро алоқа каналини киритиш натижасида Москва орқали тўғридан-тўғри Япония, Германия, АҚШ, Туркия, Покистон, Буюк Британия мамлакатларига чиқиш таъминланди. Лойиҳани амалга ошириш натижасида вақтинчалик халқаро алоқа каналларини давлатимиз сиёсатига молик асосий тадбирларни амалга оширишни таъминлашни кўзда тутилган.

2. Андижон ва Фарғона вилоятларида телекоммуникация тармоғини қайта қуриш ва кенгайтириш. ДЭУ фирмаси кредити, Фарғона, Марғилон, Қўқон шаҳарларининг 50 минг ҳажмли алоқа шаҳобчаларини таъмирлаш кўзда тутилган. Лойиҳанинг умумий қиймати 13.8 млн АҚШ доллари. Андижоннинг Асака, Марҳамат шаҳарларида 12 минг номерга ва 3 минг портга мўлжалланган АМТС қурилди. Лойиҳанинг умумий қиймати 6.15 млн АҚШ доллари.

3. Транс Осиё Европа оптик-толали алоқа линияси. Ўзбекистон Республикаси телекоммуникация тизимини магистрал тармоғини Германия ривожланиш банки томонидан 249 млн. ДМ миқдорида Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг кафиллиги асосида кабул қилинди. Узунлиги 885 км. Транс Осиё Европа оптик толали алоқа линияси қурилди. Бунинг натижасида Европа ва Жанубий-Ғарбий Осиёга Ўзбекистоннинг 7 та вилоят марказларидан рақамли алоқа ташкил этилди. Транс Осиё Европа оптик-толали алоқа линияси орқали секундига 622.08 Мбит тезликдаги алоқа йўлга қўйилди.

4. Наманган ва Тошкент АТС ларини қуриш ва кенгайтириш. Алькатель фирмаси кредити. Ўзбкистон Ҳукумати ва Германиянинг Алькатель фирмаси ўртасидаги меморандумга мувофиқ Ўзбекистон Республикаси телекоммуникация тармоғини замонавийлаштириш ва кенгайтириш лойиҳаси

амалга оширилди. Тошкент шаҳрида 6 та АТС ва Наманган шаҳрида 2 та АТС замонавийлаштирилди. (умумий абонент сиғими 78.4 минг) Лойиҳа қиймати 70.9 ДМ.

5. Самарқанд ва Тошкент шаҳарлари АТС ларини қуриш ва кенгайтириш. Сименс фирмаси кредити. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси 24.05.95 П 180 сонли қарорига мувофиқ Сименс фирмаси ёрдамида рақамли коммутицион қурилма эксплуатация қилинди. Самарқанд шаҳрида 20 минг номерли АТС ва Тошкентда 48.7 минг номерли АТС ишга туширилди.

6. Андижон ва Фарғона вилоятлари телекоммуникация тармоғини замонавийлаштириш. Корея кредити.(ЕДСФ) 1999-2000 йилда Корея иқтисодий ҳамкорлик фонди ёрдамида 12480 млн. вонн миқдорида Андижон ва Фарғона вилоятларида телекоммуникация тармогини ривожлантириш ва замонавийлаштириш мақсадида умумий узунлиги 354 км. бўлган оптик толали алоқа линияси ўрнатилди. Худди шу вилоятларда умумий ҳажми 46 минг номерга мўлжалланган коммутицион қурилмалар ҳам ишга туширилди.

7. Ўзбекистон Республикаси телекоммуникация тармогини кенгайтириш. (1 босқич OECF-1) "Ўзбекистон Республикаси телекоммуникация тармоғини қайта қуриш ва уларнинг ишлаш фаолиятини яхшилаш" лойиҳаси 12 октябр 1994 йил Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори асосида ҳукуматнинг кафиллиги остида миқдори 12.8 млн. япон йени бўлган Япония Ҳукумати кредити қабул қилинди. Лойиҳа доирасида NEC фирмаси ҳамкорлигида:

• 607.2 км. бўлган оптик-толали алоқа линияси қурилди;

• 251.5 минг номерга мўлжалланган Бухоро, Навоий, Хоразм ва Қорақалпоғистон Республикасида электрон АТС лар;

• 8 та сунъий йўлдош радио станцияси, 196.8 км бўлган Тўрткўл-Ургенч радио релей линияси;

• Узунлиги 203.3 км бўлган Тошкент-Ангрен оптик толали алоқа линияси;

• 10 РРЛ станцияси, узунлиги 422.5 км. булган Ангрен-Фарғона водийси РРЛни қайта таъмирлаш;

Лойиҳани амалга ошириш натижасида:

1. Республиканинг вилоят марказларида рақамли каналларни ётқизишни тугатиш ва магистрал тармокни рақамлаштиришни тугатиш;

2. Туркманистон ва Тожикистон республикалари ҳудудидан Ўзбекистон Республикаси телекоммуникация тармоғи мустақиллигини таъминланишини амалга ошириш учун магистрал линияларни чиқариш, замонавий рақамли каналлар базаси асосида Республиканинг вилоятлари марказларида телевидения ва телерадиотўлқинларни умумлашган умумий узатиш тармоги юқори сифатлилигини таъминлаш;

3. Қорақалпоғистон Республикаси 86 фоиз, Бухоро вилояти 91 фоиз, Хоразм вилояти 93 фоизда тармокни рақамлаштириш ва кўрсатилаётган хизматлар сифатини ошириш;

4. 41 та район марказларининг рақамлаштиришга эришиш;

5. Нукус, Ургенч, Навоий ва Бухоро шаҳарлари станцияларидаги маҳаллий ва халқаро алоқа сифатини ошириш мақсадида рақамли телефон станцияларини киритиш ва узатиладиган маълумотлар ҳажмини ошириш;

1. Ўзбекистон Республикасининг бирламчи тармоғини кейинчалик ривожланишини таъминлаш.

2. Наманган шаҳар телекоммуникация тармоғини замонавийлаштириш ва кенгайтириш. Хуавей фирмасининг кредити. (Хитой)

Лойиҳа қиймати 1986000 АҚШ доллари. Молиялаштириш манбаи–ўзлик маблағлари ва Хуавей фирмасининг кредити.

Лойиҳанинг бошланиш ва тугатиш муддати 2003 йил. 4000 та номерга мўлжалланган АТС қайта қурилди. АТС ҳажми 5683 та номерга оширилди.

8.Хуавей кредити ёрдамида Тошкент шаҳрида 34/135 АТС ларни қайта таъмирлаш.

Лойиҳа қиймати 3306369 АҚШ доллари. Молиялаштириш манбаи–ўзлик маблағлари ва Хуавей фирмасининг кредити. Лойиҳанинг бошланиш ва тугатиш муддати 2003 йил. 19500 та номерга мўлжалланган АТС қайта қурилди. АТС ҳажми 5956 та номерга оширилди.

9. Ўзбекистон Республикасининг телекоммуникация тармоғини замонавийлаштириш ва кенгайтириш. 2-боскич (OECF-2).

"Ўзбекистон Республикаси телекоммуникация тармоғини қайта куриш ва уларнинг ишлаш фаолиятини яхшилаш" лойиҳаси 12 октябр 1996 йил 06 июнда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг №2331сонли қарори асосида миқдори 12692 млн. япон йени бўлган Япония Ҳукумати кредити қабул қилинди.

Ҳозирги вақтда Ўзбекистон Республикаси телекоммуникация тармоғини кейинчалик замонавийлаштириш ва кенгайтириш мақсадида JBIC лойиҳаси таркибида Ўзбекистон Республикасининг бирламчи (транзит)тармоғи секциясини яратиш. Бундан ташқари Бухоро-Навоий-Зарафшон-Учқудук-Нукус оптик толали алоқа линиясини Бухоро-Нукус оптик толали алоқа линияси орқали замонавийлаштириш, Фарғона ва карши шаҳарларида 2 та шаҳарлараро АТС ўрнатиш ва Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм, Бухоро ва Навоий вилоятларида маҳаллий телефон станциялари ҳамда 4 та ҳудудда кабелсиз маҳаллий шлейфларни ўрнатиш.

Телекоммуникация ва ахборот технологиялари соҳасида муҳим ўринлардан бирини эгаллаб келаётган, "Ўзбектелеком" акционерлик компанияси, Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётининг ривожланишида ва унинг дунё ҳамжамиятлари билан интергацияланишувида жуда сезиларли рол ўйнаб келмоқда.

"Ўзбектелеком" акционерлик компанияси — миллий оператор, 2009 йилга келиб унинг тармоғида 2000 телефон станциялари мавжуд бўлиб, монтажланган сиғими 2 миллиондан ортиқ номерни ташкил этади, улардан 37 фоизини рақамли қурилмаларни ва 15450 минг километр канални магистрал ва ички ҳудудий линияларни, ушбу линияларнинг 86 фоизини рақамли технологиялар асосида яратилган бўлиб, Ўзбекистон Республикасининг барча ҳудудини қопланган. Замонавий телекоммуникация технологиялардан фойдаланган ҳолда, 17 минг ходимга эга бўлган компания ва ўзининг 19 та филиаллари бозорга кенг турли хизматларини — жумладан, товушли алоқа, маълумотни узатиш, телекоммуникациянинг турли каналларини ижарага бериш, телевидения ва радио эшиттириш дастурларини узатиш, Интернетга чиқиш ва бошқа шу каби хизматларни тақдим этади. Компания 28 та йўналишга эга бўлган халқаро телекоммуникацион каналларига эга бўлиб, у орқали дунёнинг барча мамлакатларига чиқиш имкониятини яратиб беради.

АКТ соҳаси халқ хўжалиги соҳаларидан бири ҳисобланади. Ушбу соҳанинг асосий вазифаси аҳоли ва халқ хўжалигининг алоқа хизматлари ва воситаларига бўлган талабини қондиришдан иборатдир. Бошқача қилиб айтганда, халқ хўжалигидаги алоқа бу — шахс ва жамиятнинг турли кўринишдаги ахборотларни алмашишга бўлган эҳтиёжларни қондиришга қаратилган. Телекоммуникация ва алоқа соҳасининг ишлаб чиқаришдан фарқи шундаки, соҳадаги меҳнат предмети ашёвий бўлмайди. Умумжамият ишлаб чиқаришининг самарали ишлаши учун катта аҳамият касб этадиган барча соҳалар соҳавий ишлаб чиқариш инфратузилмаси деб аталади. Бу соҳаларга телекоммуникация ва алоқа соҳаси билан бирга транспорт, йўл қуриш, моддий-техник таъминот каби соҳалар киради. Алоқа воситаларининг ривожланиши мамлакатнинг миллий даромадини оширишга ва бутун халқ хўжалигини тараққиёти учун локомотивдир.

Телекоммуникация ва алоқа хизматлари сифати деганда истеъмол хусусиятига эга бўлган ва истеъмолчилар эҳтиёжини қондирувчи фаолият натижаси тушунилади. Телекоммуникация ва алоқа хизматларининг сифати истеъмол хусусиятларига боғлиқ бўлади. Истеъмол хусусиятлари хизматни истеъмол қилиш мобайнида фойдали самарани яратади.

Телекоммуникация ва алоқа хизмати сифати товар сифатидан фарқланади. Бу фарқ шундан иборатки, истеъмолчи сифатсиз хизматни истеъмол қилишни рад эта олмайди. Алоқа хизмати ишлаб чиқариш жараёнида истеъмол қилинади. Бузилган матн билан узатилган маълумот ёки жуда секин юборилган ахборот нафақат ўз қийматини йўқотади, балки истеъмолчига ҳам зарар келтиради. Шундай қилиб, алоқа хизматлари сифатлари бевосита корхона даромад олишига ва унинг бозордаги ҳолатининг ўзгаришига сабаб бўлади.

Юқорида келтирилганларга биноан республикамизда АКТ соҳасини ривожланиши юқори суръатлар билан олиб борилмоқда. Бунга АКТ соҳасини Республиканинг ЯИМдаги улушини таҳлили ҳам асос бўлади. АКТ соҳасини Республиканинг ЯИМдаги улуши 49-расмда келтирилган.



49-расм. АКТ соҳасини Республиканинг ЯИМдаги улуши[1]

Таҳлил маълумотларидан келиб чиққан ҳолда АКТ соҳасининг ЯИМ улуши 2008 йилда 6.1% тенг бўлган. Бу кўрсаткич 2002 йилга нисбатан қарийб 3 баробар юқори демакдир. АКТ соҳаси даромадлари 2008 йилда 1 триллионлик (1 440.0 млрд сўм) маррадан ошди. Ушбу рақамлар Республикамизда телекоммуникация ва алоқа соҳасини жадал суръатлар билан ривожланаётганлигидан далолат беради.

Ахборот коммуникация ва телекоммуникация хизматлари бозоридаги асосий ўзгаришларни алоҳида тартибда кўриб чиқамиз. Битирув малакавий ишнинг 50-расмида телекоммуникация ва алоқа соҳасида кўрсатилган хизматлар ҳажми келтирилган.

[1]ЎзААА ҳисоботлари асосида муаллифлар томонидан ишлаб чиқилган.



50-расм. Соҳа бўйича кўрсатилган хизматлар ҳажми[1]

Телекоммуникация хизматлар бозорида 2008 йилда 1 440 млрд. сўмлик хизматлар кўрсатилди. Ушбу кўрсаткич 2007 йилга нисбатан 1,6 баробар ўсди. Шу жумладан аҳолидан олинган даромад — 865 млрд. сўмни ташкил этди (ўсиш суръати – 1,7 бар.)

Юқоридаги расмда келтирилган аҳолидан олинган даромад улушини ўсиши йиллар мобайнида сезиларли даражада ўзгарган. Бу ўзгариш бевосита аҳолини алоқа хизматларидан кенг фойдаланаётганлигидан далолат беради. Бу ўзгариш 51-расмда келтирилган.



51-расм. Алоқа хизматларидан даромадда аҳоли улушининг ўсиши[1]

[1]ЎзААА ҳисоботлари асосида муаллифлар томонидан ишлаб чиқилган.

51-расмда келтирилган алоқа хизматларидан даромадда аҳоли улуши 2005 йилда 45% ташкил этган бўлса, бу кўрсаткич йиллар давомида ортиб борган ва 2006 йилда 51%, 2007 йилда эса 57%га тенг бўлган. Алоқа хизматларидан даромадда аҳолининг улуши 2008 йилда энг юқори чўққисига етган ва 60% ташкил этган. Ҳар бир мижоз билан алоҳида индивудал муносабатда бўлиш лозим. Демак алоқа корхоналарида бу жараён узлуксиз равишда олиб борилмоқда. Бу эса даромадлар таркибида аҳолининг улушини ортишига олиб келган.

Маълумки, хизматлардан олинадиган даромадлар таркибида халқаро хизматлар алоҳида аҳамият касб этади. Бу кўрсаткич соҳанинг экспорт салоҳиятини кўрсатади. Хизматларни экспорт ҳажмини ўзгариши ҳақидаги таҳлилий маълумот 52-расмда келтирилган.



52-расм. Экспорт ҳажмининг ўзгариши

52-расмда келтирилган экспорт ҳажмининг ўзгариши таҳлилига кўра 2007 йилда экспорт ҳажми 31 089 млн. АҚШ долларини ташкил этган бўлса, бу кўрсаткич 2008 йилга келиб экспорт ҳажми 47 млн. АҚШ долларини ташкил этди ва белгиланган режа 140 фоизга бажарилди. Бу кўрсаткич орқали соҳани ривожланиш тенденциялари ижобий томонда эканлигини кўриш мумкин.

Ахборотлаштиришни ривожлантириш, иқтисодиёт ва жамият ҳаётининг барча соҳаларида замонавий ахборот технологияларини, компьютер техникаси ва телекоммуникация воситаларини оммавий равишда жорий этиш ҳамда улардан фойдаланиш, фукароларнинг ахборотга ортиб бораётган талаб-эҳтиёжларини янада тўликроқ қондириш, жаҳон ахборот ресурсларидан баҳраманд бўлишни кенгайтириш учун қулай шарт-шароитларни яратиш алоқа ва ахборот-коммуникация соҳасини ривожлантиришнинг асосий вазифалари ҳисобланади. 2008 йил давомида олиб борилган иқтисодий ислоҳотлар,

таркибий ўзгаришлар, иқтисодий ва ижтимоий сиёсат АКТ соҳасида ҳам ўзининг натижаларини берди. Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш 2002-2010 йилларда компьютерлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш дастури, Мувофиқлаштирувчи кенгаш томонидан қабул қилинган дастурлар ва Кенгашнинг иш режасига мувофиқ амалга оширилади.

Юқорида келтирилган чора тадбирларни амалга ошириш натижасида мамлакатимизда мобил алоқа абонентлари сони кескин ортиб бормоқда.

53-расмда Ўзбекистонда мобил алоқа абонентлари сонини ўзгариши ҳақидаги маълумотлар келтирилган.



53-расм.Ўзбекистонда мобил алоқа абонентлари сонини ўзгариши

19-расмда келтирилган Ўзбекистонда мобил алоқа абонентлари сонини ўзгариши ҳақидаги маълумотларга биноан 2009 йил боши ҳолатига кўра мобил алоқа абонентлари сони 6 760 минг донага ошди ва 12 650 млн.тага етди. Ҳозирги кунда мобил алоқа бозорида бешта компания фаолият юритмоқда. Бу эса кучли рақобат муҳитини шаклланишига асос бўлиб хизмат қилади. Мобил алоқа абонентлари сонини ортиши билан бир қаторда станционар симли алоқа телефонлар сонини ҳам ортиши кузатилмоқда. Асосий телефонлар сони йил бошига нисбатан 42,3 минг донага ўсиб, 2009 йилнинг 1 январ ҳолатига 1 млн. 917.6 мингтани ташкил этди. Монтаж қилинган АТСларнинг ишлатиш коэффициенти 92,4 фоизга етказилди. 2004-2008 йиллар мобайнида ахборот-коммуникация технологиялари бозорини ривожлантириш бўйича сезиларли чора-тадбирлар амалга оширилди. Ахборот-коммуникация технологиялари соҳасидаги мазкур жараённинг мамлакатимиз иқтисодиётининг барқарор

[1]Мамлакатимизни модернизация қилиш ва янгилашни изчил давом эттириш – давр талаби. Президент Ислом Каримовнинг 2008 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2009 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаси // Халқ сўзи. 2009 йил 14 февраль.

ўсишига ҳамда аҳоли фаровонлигига таъсирини ҳар томонлама ва жиддий баҳолаган ҳолда, Президентимиз "Сўнгги тўрт йилда телекоммуникация ва алоқа соҳаси 50 % ўсиш суръатларига эришганлигини[1]" алоҳида таъкидладилар.

Соҳада кучли рақобат муҳитини шакллантиришни асосий сабабларидан бири бу — инвестицион фаолиятни ривожланиши ҳисобланади. 2008 йилда соҳа бўйича киритилган инвестицияларни асосий қисми телекоммуникация корхоналари томонидан амалга оширилди. Демак, Инвестиция дастурига киритилган лойиҳалар бўйича 288,9 млн. АҚШ дол.га (381,6 млрд. сўмга) тенг хорижий инвестициялар соҳага жалб қилинган (режа 155 фоизга бажарилган). Корхоналарнинг ўз маблағлари ҳисобидан 42,9 млрд. сўмлик капитал қўйилмалар амалга оширилган.

Соҳага киритилган инвестицияларни корхоналар кесимида таксимоти 54-расмда келтирилган.



54-расм. Соҳага киритилган инвестицияларни корхоналар кесимидаги таксимоти

54-расмда келтирилган соҳага киритилган инвестицияларни корхоналар кесимидаги таксимотига кўра 2008 йилда киритилган инвестицияларни асосий қисми Юселл компаниясига тегишлидир, бу компания жами киритилган инвестицияларни 41.5% эга бўлган, кейинги ўринда Билайн компанияси эгаллаган, яъни 34.6%, инвестиция киритиш бўйича учинчи ўринни 18% билан МТС компанияси эгаллаган. Соҳага киритилган инвестицияларни асосий кисмини мобил алоқа компаниялари киритишган.

Бугунги кунда телекоммуникация тармоғини ривожлантириш соҳасида бир қатор ижобий ишлар амалга оширилмоқда жумладан,

• АТСларнинг рақамлаштириш даражаси 88,8 фоизга етди;

• «Ўзбектелеком» АК филиаллари томонидан 31 328 портли 179 та "КоинотЭл-СГМ" коммутация қурилмаларини монтаж қилиб эксплуатацияга тушириш бўйича ишлар олиб борилмоқда;

• Оптик толали кабеллардан самарали фойдаланиш ва тармоқнинг ишончлилигини ошириш бўйича лойиҳалар устида ишлар олиб борилди ва қисман якунланди . Жумладан:

• Тошкент-Фарғона водийси йўналишида телекоммуникация транспорт тармоғини DWDM технологияси асосида кенгайтириш бўйича «Huawei technologies Co Ltd» компанияси билан умумий қиймати 4,6 млн АҚШ долл.

• Тошкент-Қўқон йўналишида рақамли РРЛ қурилиши учун радиорелей қурилмаларини сотиб олиш бўйича "NEC» компанияси билан умумий қиймати 2,2 млн АҚШ долларига тенг шартномалар имзоланди.

Умуман олганда, телекоммуникация соҳаси бугунги кунда миллий иқтисодиётни энг истиқболли соҳаларидан бири ҳисобланади. Шу боис президентимиз томонидан ушбу йўналишга алоҳида эътибор берилаётгани бежиз эмас.

Президентимиз ўз асарларини бугунги куннинг энг долзарб муаммоси — бу 2008 йилда бошланган жаҳон молиявий инқирози, унинг таъсири ва салбий оқибатлари, юзага келаётган вазиятдан чиқиш йўлларини излашдан иборат эканлигидан бошлаб, жаҳон молиявий инқирозининг мазмун-моҳияти, келиб чиқиш сабабларига батафсил тўхталиб ўтдилар ва Ўзбекистонда инқирозга қарши курашиш чора тадбирлари ҳақида тўхталиб, "Таркибий ўзгаришларни ва иқтисодиётни диверсификация қилиш жараёнларини давом эттириш, хизмат кўрсатиш ва кичик бизнес соҳасини янада ривожлантириш — устувор вазифа"[1] эканлигини алоҳида таъкидладилар.

Сўнгги йилларда республикада кичик бизнес, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш борасида ҳукумат томонидан амалга оширилаётган изчил тадбирлар, хизмат соҳасидаги алоҳида олинган тармоқларини ривожлантириш бўйича қабул қилинаётган қатор дастурий йўналишлар хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини, шунингдек маиший хизмат кўрсатиш соҳасининг юқори суръатлар билан ривожланишига олиб келмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 17 майдаги «Хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини 2006-2010 йилларда ривожлантириш ҳақида»ги ПҚ-325-сонли, 2007 йил 21 майдаги «Ўзбекистон Республикасида 2010 йилга қадар хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришни жадаллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар ҳақида»ги ПҚ-640-сонли қарорлари бунга яққол мисол бўла олади. Хусусан, республикамизда 2010 йилга қадар хизматлар ва сервис соҳасини ривожлантиришни жадаллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар ҳақидаги қарорда қуйидаги асосий йўналишлар белгилаб берилган:

---

[1]Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. – Т.: Ўзбекистон, 2009, 4-б.

- хизматлар кўрсатиш соҳасида тадбиркорликнинг фаолиятини янада кучайтириш учун қулай шарт-шароит яратиш;

- 2010 йилгача хизматлар ҳажмининг ялпи ички маҳсулотдаги улушини 49 фоизга етказиш;

- қишлоқ жойларда истиқомат қилаётган аҳолига кўрсатилаётган хизматлар турларини кўпайтириб бориш;

- анъанавий хизмат турлари билан биргаликда янги истиқболли — юридик, консалтинг, банк, молия, суғурта, лизинг ва баҳолаш хизмат турларини жадал ривожлантириш;

- мамлакатимиз корхоналарининг халқаро бозордаги хизматлари даражасини ва сифатини ошириш ҳамда шу асосда хизматлар экспортини кўпайтириш;

- хизматлар ва сервис соҳасида ишлайдиган кадрларни тайёрлаш ва улар малакасини оширишни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш.

Қарорларда белгиланган вазифаларнинг амалга оширилиши натижасида 2008 йилда аҳолига кўрсатилган умумий хизматлар ҳажми 121,3 фоизга ўсиб, 20082,7 млрд. сўмни ташкил этди.

Хизматларнинг замонавий, илгор турлари — телекоммуникация хизматлари, уяли телефон алоқаси, молия-банк хизматлари, лизинг тартибидаги кредитлар ажратиш, сугурта, сайёҳлик-экскурсия ва бошқа замонавий хизмат турлари жадал суръатда ривожланмоқда.

Сўнгги йилларда республикада кичик бизнес, тадбиркорликни қўллаб-қуватлаш ва рагбатлантириш борасида ҳукумат томонидан амалга оширилаётган изчил тадбирлар, хизмат соҳасидаги алоҳида олинган тармоқларини ривожлантириш бўйича қабул қилинаётган қатор дастурий йўналишлар хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини, шунингдек телекоммуникация ва алоқа хизматларини кўрсатиш соҳасининг юкори суръатлар билан ривожланишига олиб келмоқда.

Президентимиз ўз асарларида узоқ муддатга, яъни 2009-2014 йилларга мўлжалланган "Ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техникавий ва технологик қайта жиҳозлаш" дастури ишлаб чиқиш тўғрисидаги масалага алоҳида эътибор қаратдилар. Бу дастурда иктисодиётимизнинг асосий тармоқларини модернизация қилиш ва техник янгилаш, мамлакатимизнинг янги марраларни эгаллаши учун кучли туртки берадиган ва жаҳон бозорида ракобатдошлигини таъминлайдиган замонавий инновация технологияларини жорий қилиш бўйича мақсадли лойиҳалар ўз ифодасини топади.

Мазкур кенг кўламли дастурни амалга ошириш учун мамлакатимизда сўнгги йилларда жиддий ишлар амалга оширилмоқда. Жаҳон иктисодий инқирози бу жараённи янада жадаллаштиришга туртки бериб, уни ҳар томонлама тезлаштиришни тақозо этмоқда.

Иктисодиётда иш ўринлари сонини кўпайтиришда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириш ва кенгайтириш муҳим ўрин тутади. 2008

йили алоқа, ахборотлаштириш, молия, банк, транспорт хизмати кўрсатиш, маиший техника ва автомобилларни таъмирлаш соҳалари анча юкори суръатлар билан ривожланди (21-жадвал).

21-жадвал

Ўзбекистонда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаларининг ўсиш суръатлари, олдинги йилга нисбатан фоизда

Хизмат турлари	2007 йил	2008 йил
Бозор хизматлари	126,6	121,0
Шундан савдо ва умумий овқатланиш хизматлари	132,5	126,8
Транспорт хизматлари	121,1	112,7
Телекоммуникация ва алоқа хизматлари	151,5	140,1
Молия ва банк хизматлари	123,8	132,2
Туристик-саёҳат хизматлари	122,3	126,3
Меҳмонхона хизматлари	133,5	122,5
Маиший ва коммунал хизматлари	109,3	108,4
Автомобилларни таъмирлаш ва бошқа техник хизматлар	138,7	139,2
Бошқа хизматлар	142,5	130,6

Сўнгги тўрт йил мобайнида йилига ўртача 50 фоиз ўсишни таъминлаётган ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида хизмат кўрсатиш жадал ривожланаётганини алоҳида таъкидлаш лозим. Натижада хизмат кўрсатиш соҳасининг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 2007 йилдаги 42,5 фоиздан 2008 йилда 45,3 фоизга ўсди

Шу билан бирга, Президентимиз айни пайтда қишлоқ аҳолисига кўрсатилаётган хизматлар ҳажми йилдан-йилга ўсиб бораётганига қарамай, ҳали-бери паст даражада – бор-йўғи 26,8 фоиз бўлиб қолаётганига алоҳида эътибор қаратиш лозимлигини, аҳолига хизмат кўрсатиш сифати ҳам талаб даражасида эмаслигини таъкидлаганлар.

Бугунги кунда иқтисодиётимизни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш, унинг рақобатдошлигини кескин ошириш, экспорт салоҳиятини юксалтиришга қаратилган муҳим устувор лойиҳаларни амалга ошириш бўйича "Ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техникавий ва технологик қайта жиҳозлаш" давлат дастури ишлаб чиқилган. Шу борада, дастлабки ҳисоб-китобларга кўра, умумий қиймати 24 миллиард АҚШ долларидан зиёд бўлган қарийб 300 та инвестиция лойиҳаси устида иш олиб борилмоқда.



55-расм. Узоқ муддатга мўлжалланган дастур лойиҳалари таркиби, млрд. долл.[1]

Жумладан, республика бўйича янги қурилиш лойиҳалари — 18,5 миллиард долларни, модернизация ва реконструкция қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш бўйича лойиҳалар эса тахминан 6 миллиард долларни ташкил қилади (55-расм).

Дастурга киритилиши мўлжалланаётган бу лойиҳалар авваламбор ёқилғи-энергетика, кимё, нефт-газни қайта ишлаш, металлургия тармоқларига, енгил ва тўқимачилик саноати, қурилиш материаллари саноати, машинасозлик ва бошқа соҳаларга тегишлидир.

Лойиҳалаштириш ва қурилиш ишлари бошланаётган иншоотларни қуйидаги маблағлар ҳисобидан молиялаштириш кўзда тутилмоқда: компания ва корхоналарнинг ўз маблағлари — умумий ҳисобда 8,2 миллиард доллар, Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт фонди кредитлари – 2,5 миллиард доллар, хорижий инвестиция ва кредитлар – 13,5 миллиард доллар (56-расм).



56-расм. Узоқ муддатга мўлжалланган дастур лойиҳаларининг молиялаштириш манбалари, млрд. долл.[1]

[1] "2009-2014 йилларда ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техникавий ва технологик қайта жиҳозлаш" дастури

Президентимиз ушбу лойиҳаларнинг бир қисми бўйича 2007-2008 йилларда қурилиш ишлари бошлаб юборилганлигини, баъзиларининг қурилишини эса 2009 йилда бошлаш кўзда тутилаётганлигини таъкидлаб ўтдилар. Мазкур лойиҳаларнинг амалга оширилиши инновацион ва энергияни тежайдиган технологияларни жорий этиш ва жаҳон бозорида талаб мавжуд бўлган янги турдаги товарлар ишлаб чиқаришни ўзлаштириш ҳисобидан йилига 10,4 миллиард долларлик қўшимча маҳсулот ишлаб чиқариш, йиллик экспортни 6,5 миллиард долларга кўпайтириш, ялпи ички маҳсулот ҳажмини сезиларли даражада ошириш имконини беради.

Бугунги кунда асосий вазифа — ҳар бир лойиҳани қисқа муддатларда барча манфаатдор тузилмалар, биринчи навбатда, хорижий инвесторлар билан биргаликда батафсил кўриб чиқиш, улар бўйича келишувларни охирига етказиш ва 2009-2014 йилларга белгиланган ушбу стратегик муҳим дастурнинг қабул қилинишини тезлаштиришдан иборат. Шунга кўра, 2009 йилдаги иқтисодий дастурнинг яна бир муҳим устувор йўналиши — бошланган таркибий ўзгаришларни ва иқтисодиётни диверсификация қилиш жараёнларини давом эттириш ҳисобланади.

Президентимиз иқтисодиётни таркибий ўзгартириш ва диверсификация қилиш жараёнлари борасидаги ислоҳот ва янгиланишлар йўналишини 2000 йилдаёқ белгилаб олинганлигини, бироқ жаҳон иқтисодий инқирози ишлаб чиқаришни мунтазам янгилаб, модернизация қилиб бориш заруратини кун тартибига янада ўткир қилиб қўяётганлигини, бунинг учун бор куч-имкониятимиз ва ресурсларимизни сафарбар этишимиз зарурлигини қайд этдилар. Шунингдек, хусусан, телекоммуникация соҳасида:

• Халқаро йўналишдаги ахборот алмашинуви ҳажмини (каналлар сонини) ошириш ва валюта тушумини кўпайтириш.

• Қўнғирот–Бейнеу (Қозоғистон) участкасида оптик толали алоқа линиясини қуриш ҳамда "Тошкент шаҳрида маълумотлар узатиш тармоғини кенгайтириш" лойиҳаларини амалга ошириш.

• Денов–Турсунзода (Тожикистон) участкасида оптик толали алоқа линиясини ишга тушириш.

• Тошкент– Фарғона оптик толали магистарл алоқа линиясини кенгайтириш ҳамда "ТШТТ" филиалининг Махсус алоқа хизмати боғламаси (Call centre) ни реконструкция қилиш лойиҳаларини якунига етказиш.

• Андижон-Ўш ва Термиз-Хайратон участкаларида оптик толали алоқа линияларини ҳамда Тошкент–Олмалик–Бегителек–Қўқон участкасида радиорелей линиясини ишга тушириш;

• Тошкент–Бухоро оптик толали магистрал алоқа линиясини кенгайтириш лойиҳасини якунига етказиш;

• Радио мониторинг тизимини кенгайтириш ва ривожлантириш лойиҳасини йил якунигача тугатиш;

• "Коинот" ОАЖ томонидан Set top box қурилмаларини ҳамда янги турдаги электрон ускуналар ишлаб чиқаришни жадаллаштириш.

• "Ўзбектелеком" АК тармоғи орқали хизмат кўрсатадиган Интернет провайдерлари сонини кўпайтириш орқали, истеъмолчиларнинг танлаш имкониятини ошириш.

Ушбу чора тадбирларни амалга ошириш натижасида авваломбор инқирозга қарши дастурни руёбга чиқаришга замин яратса, иккинчи томондан телекоммуникация хизматлари бозорида рақобат муҳитини такомиллаштиришга асос бўлади.

Давлатимиз раҳбарининг 2010 йил Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги қилган маърузасида мамлакатимиз иқтисодиётини барқарор ўсишини таъминлаш, макроиқтисодий ва молиявий барқарорликка эришиш борасида бир қатор устувор йўналишларни ва вазифаларни белгилаб берган. Натижада 2008 йилда олиб борилган ислоҳотларнинг боскичма-босқич амалга оширилиши натижасида давлатимизнинг барча соҳаларида стабил иқтисодий ўсиш кузатилди.

Ахборотлаштиришни ривожлантириш, иқтисодиёт ва жамият ҳаётининг барча соҳаларида замонавий ахборот технологияларини, компьютер техникаси ва телекоммуникация воситаларини оммавий равишда жорий этиш ҳамда улардан фойдаланиш, фуқароларнинг ахборотга ортиб бораётган талаб-эҳтиёжларини янада тўлиқроқ қондириш, жаҳон ахборот ресурсларидан баҳраманд бўлишни кенгайтириш учун қулай шарт-шароитларни яратиш алоқа ва ахборотлаштириш соҳасини ривожлантиришни асосий вазифалари ҳисобланади.

Бугунги кунда республикамиз алоқа хизматлари бозорида 15 та давлат корхонаси, 3 та давлат улуши бўлган йирик компания, 5 та уяли алоқа оператори, 8 та йирик қўшма корхона, маълумотларни узатиш тармоғи бўйича 600 дан зиёд оператор ва провайдерлар, дастурий маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва тарқатиш бўйича 130 дан ортиқ компаниялар фаолият кўрсатмоқда. АКТ нинг ривожланиши Ўзбекистон иқтисодиётининг асосий қисмларидан бири бўлиб колиши ва иктисодиётни ривожлантирувчи асосий куч сифатида хизмат кўрсатиши керак.

Иқтисодий ўсиш, турмуш тарзининг яхшиланиши ва маданий фаолиятнинг фаоллаштириш замонавий ахборот инфратузилмасини ва АТни кундалик ҳаётга кенг тадбиқ қилиш билан бирга тезлашади.

Республикамизда маълумотлар узатиш ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш бўйича бир қатор амалий ишлар олиб бориляптики, жумладан 2009 йил якунларига кўра:

• Интернетдан фойдаланувчилар сони 2,6 млн. тани ташкил этди. Ҳукуматнинг АКТ соҳасини ривожлантириш режасига кўра, ушбу кўрсаткич 2010 йил охирига келиб 3,4 млн. тани ташкил этиши кутилмоқда.

• Маълумотлар узатиш тармоғига уланиш хизматини кўрсатувчи хўжалик субъектлари сони 921 тага етди (2008 йилга нисбатан 140 тага кўпайган).

• «UZ» домен зонасида иккинчи даражали доменларни рўйхатдан ўтказувчи ташкилотлар сони 7 та, рўйхатга олинган миллий доменларнинг сони 9416 тадан ошди.

• Дастурий маҳсулот ишлаб чиқарувчи корхона ва ташкилотлар сони, 210 тани ташкил этди. Уларнинг 91 фоизи Тошкент шаҳрига ва 5 фоиздан ортиғи Самарқанд ва Бухоро вилоятларига тўғри келади.

• Рўйхатдан ўтган дастурий маҳсулотларнинг сони 226 тани ташкил этди. Рўйхатдан ўтган дастурларнинг 73 фоизи Тошкент шаҳрига, қолган 14 фоизи Самарқанд ва Бухоро вилоятларига тўғри келади.

• Ёш дастурчиларни тайёрлаш ва қўллаб-қувватлаш марказида 1298 тингловчи таҳсил олди. Навоий ва Нукус шаҳарларида Марказнинг филиаллари ташкил этилди.

• "Ўзбекистон электрон кутубхоналар тармоғи" дастурий мажмуасини ишлаб чиқариш жараёни тугатилди.

• Республикада Электрон рақамли имзо калитларининг рўйхатга олиш марказларининг сони 3 тани, Марказлар томонидан берилган калитлар ва калит сертификатларининг сони 28 900 тани ташкил этди.

Бизнинг фикримизча, ҳозирги кунда ахборот коммуникация технологиялари асосида хизматлар кўрсатиш самарадорлигини оширишни қуйидаги йўналишлар бўйича олиб бориш мақсадга мувофиқдир.

1. Электрон тижорат ва интернет магазинлар яратиш;
2. Электрон тўловлар қабул килиш;
3. Электрон пул ўтказмаларини ривожлантириш;
4. Интернет хизматларини кенгайтириш;
5. Замонавий телекоммуникация ва алоқа асосланган бошқа хизматларни кўрсатиш.

Юқоридаги ахборот-коммуникация хизматларининг жадал ривожланиши, ахборот хавфсизлиги йўналишида изчил ишларни амалга оширишни талаб этади. Чунки, хавфсизлик чораларини кўрмай туриб, сифатли ахборот хизматларини кўрсатиш мумкин эмас.

Ўзбекистонда ахборотлаштириш жараёнларида телекоммуникация соҳасининг тутган ўрнини баҳолашда биз бевосита юқорида келтирилган йўналишлар бўйича телекоммуникация соҳасини бозордаги ўрнини баҳоладик. Ахборотқоммуникация технологиялар ва уларга хизмат кўрсатувчи ташкилотларнинг жадаллик билан ривожланиши кечиктириб бўлмайдиган қарорлар қабул килишга ундайди.

Инсоният ахборотлаштириш соҳасида ҳақиқий инқилобий ўзгаришлар даврини бошдан кечирмоқда, умумжаҳон ахборотлашган жамияти шаклланмоқда. Бу ўзгаришлар асосини ахборотлаштириш, телекоммуникация ва компьютер технологиялари негизида ахборотни узатиш ҳамда истеъмолчига етказиб беришнинг энг замонавий ва самарали воситалари дунёга келаётганлиги ташкил этади. Телекоммуникация соҳаси эса иқтисодиётни мустаҳкамлашга хизмат қилувчи замонавий соҳа бўлиб, инсоният учун фойдали ва қулай хизмат турларини таклиф этади.

Хулоса қилиб айтганда, Ўзбекистон Республикасида АКТ соҳасида чет эл сармояларидан фойдаланиш зарурияти ва уни жалб этишни ривожлантириш истиқболларини аниқлаш ва бу борада самарали фаолият олиб бориш шу соҳада фаолият олиб бораётган ҳар бир корхонанинг олдида турган долзарб масалалардан бири ҳисобланади.

Хорижий сармояларнинг самарадорлигини аниқлаш методи ва методологиясига асосланган ҳолда қўйилган капитал қўйилмалардан фақатгина бир марталик даромад кўриш тизимини маъқул кўрмаслик ва имконияти борича фойдалилик даражасининг занжирсимон тадқиқотларини ишлаб чиқиш билан характерланувчи фаолиятни амалга оширишни кўзда тутишади.

Бу бевосита бирон бир ишлаб чиқариш ёки хизмат кўрсатиш тизимининг нафақат жалб қилинган объектларга келтирувчи самарадорлигини аниқлаш билан, балки халқ хўжалигининг барча жабҳаларида фойдаланилишини кўзда тутиб, халқ хўжалигида янги техника ва технологияларни жалб қилиш, умумий тарзда ишлаб чиқаришни самарадорлигини, фан тараққиётининг янги жабҳаларини, ижтимоий-иқтисодий вазифаларни умумийликда ечиш каби масалаларни кўтаришга ва ойдинлик киритишга ҳаракат қилади.

Инвестицияларнинг жамият ўртасидаги самарадорлигининг ўсиши ўзи билан биргаликда жуда қийин ва кўп қиррали социал-иқтисодий муаммоларни келтириб чиқариши билан характерланади. У ўзи билан биргаликда иқтисодиётнинг барча кирраларини қамраб олади: унинг маъноси жуда кам меҳнат харажатлари, материал ва пул воситаларини амалга ошириш натижасида катта ҳажмдаги даромадларга эришиш билан аниқланади. Натижада жамият самарадорлигини ошириш миллий даромадлар ўсишини, Ўзбекистон халқининг турмуш тарзининг ошишига туртки бўлади. Агарда капитал қўйилмалар ҳажмининг ўсиши бевосита миллий даромад ва унинг жамғарилган улушига боғлиқ бўлса, миллий даромаднинг ҳажми бевосита капитал қўйилмаларнинг самарадорлиги ва улар эвазига пайдо бўлган ишлаб чиқариш фондларининг самарали фаолияти орқали аниқланади.

8.2.2. Корхоналарда ахборот хавфсизлигини таъминлаш йўналишлари

Ривожланиш суръатларининг ва ахборот технологиялари таркалишининг доимий тарзда ўсиши ҳамда ахборот билан боғлиқ жиноятчиликнинг

вазиятнинг мавжудлиги корхонада ҳозирги барча талабларга жавоб берадиган, ягона ахборот хавфсизлиги тизимини яратиш масаласини ўртага қўймоқда. Корхоналар учун ахборот хавфсизлиги тизими ўзида ахборот ресурслари муҳофазасини таъминлашнинг ҳуқукий, ташкилий, моддий, инженер-техник ва дастурий йўналишларини ўзаро боғликликда қамраб олиши лозим. Ахборот хавфсизлигини таъминлашнинг барча йўналишлари бўйича корхонадаги вазиятни тўла баҳолаш учун ахборот хавфсизлиги концепциясини ишлаб чиқиш зарур. Бу концепция ахборот ресурслари хавфсизлиги муаммосига тизимли ёндошувни белгилаб, корхонада ахборот хавфсизлигини таъминлаш бўйича мажмуавий чора-тадбирлар ва лойиҳалаш тамойиллари, мақсад-вазифаларнинг тизимлаштирилган шаклини ўзида ифода этмоғи керак (57-расм).



57-расм. Корхонанинг ахборот хавфсизлиги концепциясининг таркибий қисмлари.

Концепцияни ишлаб чиқишда ахборот хавфсизлигининг ички ва ташқи таҳдидларига нисбатан қарши таъсирнинг замонавий ташкилий-ҳуқукий услублари ва дастурий-техник воситалари, шунингдек, ахборотнинг амалдаги муҳофазаланган ҳолати ва ахборот технологияларининг истиқболдаги ривожланишини ҳисобга олиш лозим.

Ахборот хавфсизлиги сиёсатининг асосий талаб ва қоидалари, одатда, ахборот ресурсларини яратиш, қўллаб-кувватлаш, сақлаш, уларга ишлов бериш билан бирор-бир даражада боғлик бўлган, уларнинг бутунлигини, махфийлигини ва эркин фойдаланиш имконини таъминлаш талаб этиладиган барча

корхона ходимларига, шунингдек, дастурий таъминотни қўллаб-қувватлаш ва янгилаш учун жавоб берадиган чет ташкилотлардаги субъектларга татбиқ қилинади.

Ахборот хавфсизлиги концепцияси қуйидагилар учун асос бўлиб хизмат қилади:

• корхонада ахборот хавфсизлигини таъминлашнинг ягона сиёсатини юзага келтириш;

• ахборот хавфсизлигини таъминлаш бўйича компаниянинг таркибий тузилмалари фаолиятини мувофиқлаштириш;

• ахборот хавфсизлигининг турли таҳдидларини аниқлаш, бартараф этиш, оқибатларини тугатишга қаратилган қарорлар қабул қилиш ва чора-тадбирлар кўриш;

• ахборот хавфсизлигини таъминлашни такомиллаштиришга йўналтирилган янги қарорлар қидириш.

Корхонада муҳофазалаш объектлари бўлиб қуйидагилар ҳисобланади: ходимлар; молиявий воситалар; маблағлар; моддий бойликлар, тижоратга оид технологик ёки бошқа сирни ўзида ифода этган, эркин фойдаланиши чекланган ахборот ресурслари; шунингдек, ўз ифода шаклидан қатъий назар ҳамма эркин фойдаланиши мумкин бўлган ахборот; ахборотни таҳлил қилиш ва унга ишлов беришнинг дастурий ва техник воситаларидан, кўрсатув ва тасвирдан, ахборот алмашув каналларидан, ахборотни муҳофазалаш воситалари; ахборот тизимлари; бинолар; корхона имиджи.

Кўпчилик ҳозирги корхоналар ахборот тизимининг таркиб ва тузилмаси, асосан, маълумотларга ишлов бериш дастурий ва техник воситаларидан шахсий компьютерлар серверлар ва бошқалар, интернетга чиқиш имконияти бўлган маълумот алмашув воситаларидан, маълумотларни сақлаш воситаларидан ташкил топади.

Ҳозирги ахборот тизимлари ишлашининг ўзига хослиги қуйидагиларда намоён бўлади:

• турли ахборот узатиш ва унга ишлов бериш воситаларидан ягона тизимда фойдаланиш;

• турли вазифадаги ва махфийлик даражасидаги ахборотлар учун ягона маълумотлар базасидан фойдаланиш;

• турли тоифадаги фойдаланувчилар ва хизмат кўрсатувчи ходимларнинг ахборот ресурсларидан эркин фойдаланиши;

• глобал тармоқли ўзаро ҳамкорликдаги каналларнинг мавжудлиги;

• ахборот тизимининг доимий ишлаб туриши.

Корхонанинг ахборот тизимида махфийлик даражаси турлича бўлган ва тарқалиши эркин ёки чекланган маълумотларни ўзида жамлаган турли хилдаги ахборотлар доимий ҳаракатда бўлади.

Ахборотга алоқадор субъектларни ахборот ресурсларига нисбатан қасддан ёки тасодифий қилинган хатти-ҳаракатлар туфайли кўриладиган моддий ва

маънавий ёки бошқа зарарлардан ҳимоя қилиш ахборот хавфсизлиги концепсиясининг асосий мақсади ҳисобланади.

Ахборот хавфсизлиги концепциясининг вазифалари корхонанинг мавжуд ахборот инфратузилмаларини ғаразгўйлар аралашувидан муҳофазалашни таъминлаш, эҳтимолдаги зарарни кам даражага тушириш ва кенгайишига йўл қўймаслик шароитини таъминлаш, таҳдид манбаларининг пайдо бўлиш сабабларини бошланғич босқичда аниқлаш кабилардан иборат.

Юқорида қайд этилган вазифаларни ҳал қилишга қуйидаги йўллар орқали эришилади:

• компания ахборот ресурсларини аниқ тоифалаштириш;

• ходимлар хатти-ҳаракатини регламентга солиш;

• ахборот хавфсизлигига риоя қилиш ва таъминлаш бўйича маъсул шахсларни тайёрлаш;

• корхона ходимлари томонидан ахборот хавфсизлигини таъминлашга оид коида ва талабларни билишлари ва қатъий бажаришлари;

• ахборотни муҳофазалашнинг дастурий-техник воситаларидан фойдаланиш;

• ҳуқуқий ва жисмоний ҳимоялар;

• фойдаланишдаги ҳимоя тизими ва кўрилаётган чора-тадбирлар зарурийлиги, самарадорлигини доимий таҳлил ва назорат этиш.

Ходимларнинг тасодифий хатти-ҳаракатлари ҳам, корхона фаолиятига алоқадор бўлмаган шахслар томонидан қасддан содир этилган ҳаракатлар ҳам ахборот хавфсизлиги таҳдидларининг манбалари бўлиши мумкин. Корхоналарда фаолият кўрсатаётган ёки ишдан бўшатилган ходимларни жалб этиш билан гуруҳлар тузишга лаёқатли бизнес бўйича шериклар ёки рақиблар, шунингдек, жиноий тузилмалар томонидан ғайриконуний хатти-ҳаракатлар бўлиши мумкинлигини алоҳида қайд этамиз.

Бундай иттифоқлар ахборот хавфсизлиги тизимига энг кўп даражадаги таҳдид туғдиради. Шунингдек, махсус хизматлар, давлат амалдорлари, хакерлар, техноген ва табиий омиллар ҳам таҳдид манбалари бўлиши мумкин.

Ахборот хавфсизлиги сиёсати деганда, корхонанинг ахборот ресурсларини муҳофазалашга қаратилган ҳужжатлаштирилган бошқарув қарорлари мажмуаси тушунилади. Бундай қарорлар ўз навбатида, улар корхона раҳбарлари томонидан ахборот хавфсизлиги соҳасидаги сиёсатни самарали бошқариш ва қўллаб-қувватлашни таъминлайди. Ахборот ресурсларидан фойдаланишнинг энг мақбул усулларини танлаш, шунингдек, хавфсизлик тартиби бузилишини бартараф этадиган, унинг меъёрда бўлишини таъминлайдиган чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ахборот хавфсизлиги сиёсати вазифаларини ташкил қилади.

Компания ахборот хавфсизлиги сиёсати стандартлаш объекти ҳисобланади, шунинг учун кўпчилик мамлакатлар бу хилдаги ҳужжатларнинг асосий

мазмунини белгиловчи миллий стандартларга эга. Ўзбекистонда ахборот хавфсизлиги сиёсати мазмун-моҳиятини белгиловчи меъёрий ҳужжатларга Ўзбекистон давлат стандартлаш ташкилотининг бир қатор етакчи ҳужжатлари киради. Бироқ, мамлакатимизда ахборот хавфсизлиги бўйича меъёрий-ҳуқуқий база жуда кўп такомиллаштиришни талаб этади.

Шу сабабли, ахборот хавфсизлиги сиёсатини ишлаб чиқишда корхоналарнинг янада сифатли ҳужжатларни ишлаб чиқишга имкон берадиган замонавий ва мукаммалашган хорижий стандартларидан фойдаланишлари мақсадга мувофиқдир. Корхонанинг ахборот хавфсизлиги тизимини ташкил этишда муайян тамойилларга суяниш зарур (58-расм).



58-расм. Ахборот хавфсизлиги тизимининг тузилиш тамойиллари[1]

Қонунийлик тамойили шуни англатадики, ахборот хавфсизлиги тизимини лойиҳалаштириш ва ахборот ресурслари муҳофазаси бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш ЎзР давлат ҳокимияти органлари томонидан ахборот хавфсизлиги бўйича тасдиқланган амалдаги меъёрий ва қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ бажарилиши зарур. Корхоналар ахборот хавфсизлигини таъминлашнинг фақат рухсат этилган усулларидан фойдаланишлари лозим.

Тизимлилик корхонада ахборот хавфсизлигини таъминлаш бўйича масалаларни ҳал қилиш ва тушуниш учун муҳим бўлган турли элементлар, фактлар ва шароитлар ўртасидаги алоқа турларининг барча хилма-хиллигини ҳисобга олган ҳолда, ахборот хавфсизлиги тизимини лойиҳалаштиришга бўлган ягона тизимли ёндошувни кўзда тутади. Ахборот хавфсизлиги тизимини яратиш заиф жойларни, рухсат берилмаган хатти-ҳаракатлар объектларини, таҳдидларни бартараф қилиш йўлларини ҳисобга олиши лозим.

Мажмуавийлик тамойилининг моҳияти шундан иборатки, ахборот хавфсизлиги тизимини тузишда барча эҳтимолдаги таҳдид манбаларининг йўлини тўсадиган мувофиқлаштирилган чора-тадбирлар бирлигидан фойдаланиш зарур.

[1] Муаллифлар томонидан тавсия этилмоқда.

Узлуксизлик тамойили эса шу билан боғлиқки, корхонанинг ахборот инфратузилмаси ва ахборот муҳофазаси — бу ахборот хавфсизлиги тизими фаолиятининг барча босқичларида белгиланган қоида ва чораларнинг аниқ ва доимий риоя қилинишини талаб этадиган узлуксиз жараёндир. Негаки, кўпчилик аппарат-техникавий ва дастурий воситалар учун доимий ва ўз вақтидаги маъмурий қўллаб-қувватлаш талаб қилинади, ҳатто аҳамиятсиз оддий ҳимоя воситаси ғаразгўйлар томонидан ўз таҳдидларини амалга ошириш учун фойдаланилиши мумкин.

Ахборот хавфсизлиги тизими тузилишининг мақсадга мувофиқлиги деганда, ахборотнинг асосий хусусияти йўқолишидан кўриладиган эҳтимолдаги зарарнинг қиймати ва харажатлари даражасини таққослаш тушунилади. Ахборот хавфсизлиги тизими ақлга мувофиқ, иқтисодий самарадор бўлиши ва муҳофазаланган ахборот айланадиган ахборот тизимининг меъёрида ишлашига халақит бермаслиги зарур. Ҳимоя тизимини лойиҳалаштиришда шуни инобатга олиш зарурки, зарар кўриш эҳтимолини буткул истисно қилиш мумкин эмас, фақат буни камайтириш мумкин.

Шунинг учун ахборот ресурсларининг шундай етарлича ҳимояланганлик даражасини танлаш керакки, бунда ахборот хавфсизлигини таъминлашга кетадиган харажат ва эҳтимолдаги зарар даражаси мос келсин. Бир қатор мутахассисларнинг фикрига кўра[1], ахборот хавфсизлигини таъминлашга кетадиган харажатнинг умумий зарар даражасини камайтирадиган баъзи мақбул қийматлари мавжуд (59-расм). Уларнинг фикрича, ахборот хавфсизлигини таъминлашнинг ҳатто нисбатан арзон восита ва усулларининг қўлланиши (вирусга қарши дастурлар, ташкилий чеклашлар ва шу кабилар) умумий харажатни кескин камайтиради. Шу сабабли махсус компьютер ҳужумларига учрамайдиган унча катта бўлмаган ташкилотлар учун ахборот хавфсизлигини таъминлашда нисбатан кичик миқдордаги харажатлар жуда самарадорлидир. Шу билан бирга оптимал (энг кам) қийматга эга эгри чизиқ нуктаси мавжуд.

Мослашувчанлик (қайишқоқлик) ахборот хавфсизлиги тизимининг муҳофазаланганлик даражасига таяниш имкониятидан, шунингдек, эскирганлигига қараб модернизация қилиш учун қулай бўлишидан иборат.

Назорат тамойили ахборот хавфсизлиги тизими кўзда тутган чора ва воситаларни ходим томонидан кузатишга бўлган уринишларни ўз вақтида аниқлаш ва олдини олишни билдиради. Хавфсизликни таъминлаш фаолиятдан олдинда юрмоғи, яъни ўз вақтида бўлмоғи лозим.

---

[1]Мишаев В., Карпычев В. Экономические аспекты информационной безопасности // Вестник связи International, 2003, № 8. С. 23-25.



59-расм. Ахборот хавфсизлигига харажатлар даражасига зарар даражасининг боғлиқлиги

Оддийлик тамойили ахборот ресурсларини муҳофазалашни амалга оширишда фойдаланиладиган механизмлар интиутив (сезгига асосланган) бўлиши, оддий фойдаланувчилардан алоҳида билим, ортиқча ва асабни қўзғайдиган хатти-ҳаракатларни талаб этмаслиги лозимлигини англатади. Ахборот ресурсларининг муҳофазалаш механизмларини яратиш ва амалга оширишда иштирок этаётган ташкилотнинг барча ходимлари ёки бошқа субъектлар юқори даражада тайёрланган, иш тажрибасига эга, яъни ўз соҳаларнинг устаси бўлмоғи лозим.

Ахборот хавфсизлигини таъминлаш учун жавобгарлик (масъулият) ўз ваколати доирасида барча ходимларга юклатилади. Бу ахборот ресурсларига таҳдид амалга ошган тақдирда айбдор кишилар доирасини қискариши учун зарур.

Мавжуд тажрибаларни ҳисобга олиб, корхонада ахборот хавфсизлигини таъминлашнинг асосий, хусусан, ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий, ташкилий ва инженер-техник йўналишларини белгилаймиз.

Корхона ахборот хавфсизлигининг ҳуқуқий асосини ташқи ва ички мухофазага бўлиш лозим (60-расм). Ташқи муҳофазасига биз фаолиятнинг шундай ҳуқуқий асосларини киритамизки, уларнинг таркиб ва мазмунига корхона ҳеч бир тарзда таъсир кўрсата олмайди, шу тариқа ўзининг муҳофазаланганлик ҳолатини оширади.

Ушбу даражага халқаро ва давлат ҳуқуқи меъёрларини киритиш мумкин.



60-расм. Ахборот хавфсизлигининг ҳуқуқий асослари[1]

Ички ҳуқуқий асос деганда, биз махсус қоидалар, ҳужжатлар (актлар), чора-тадбирлар, процедуралар, буйруқларни тушунамиз, уларни корхонанинг ўзи белгилайди, ишлаб чиқади, тартибга солади ва назорат қилади, шу тарика ахборот хавфсизлигининг ички сиёсатини таъминлайди.

Ташкилий муҳофаза корхона фаолиятини қуйидаги йўналишлар бўйича регламентга солишни кўзда тутади:

- тартиб ва кўриклашни ташкил қилиш;
- ходимлар билан ишлашни ташкил қилиш (ходимларни танлаб олиш, махфий ахборот билан ишлаш коидаларини ўргатиш, мотивация, коидани бузганлик учун жавобгарлик билан таништириш);
- ҳужжатлар билан ишлашни ташкил қилиш (ҳужжатларни тузиш ва улардан фойдаланиш, уларни ҳисоб-китоб қилиш, сақлаш, йўқ қилишни ташкил этиш);
- махфий ахборотнинг ички ва ташқи таҳдидини таҳлил қилиш ва унинг муҳофазаси юзасидан чоралар ишлаб чиқиш бўйича ишларни ташкил қилиш;
- ходимларнинг махфий ахборот билан ишлаши устидан мунтазам назоратни ташкил этиш.

Ташкилий муҳофаза ахборот хавфсизлигини таъминлашда катта ўрин тутади, негаки, ахборот сизиши ва ундан рухсат берилмаган эркин фойдаланиш

[1]Муаллифлар томонидан тавсия этилмоқда

кўпинча қасддан содир этилган ҳаракатлар ва ходимларнинг эҳтиётсизлиги билан боғлиқ (61-расм). Бу ҳолатларни техник ва жисмоний ҳимоя воситалари билан бартараф этиш жуда мушкул. Ахборот муҳофазаси (ёки хизмат хавфсизлиги бўйича) махсус штат бирликларини тузиш корхонада ахборот хавфсизлигини таъминлаш бўйича муҳим тадбир ҳисобланади.



61-расм. Ахборот хавфсизлигининг ташкилий асослари

Инженер-техник муҳофаза — ахборотни муҳофазалаш мақсадида ходимлар ва моддий, дастурий-техник воситалардан фойдаланиб ташкил қилинадиган тадбирлар мажмуасидир. (62-расм).



62-расм. Ахборот хавфсизлигининг инженер техник асоси

Қўриқлаш — ўт ўчириш сигнализацияси хонага одам киришини, объектга ҳаракатланишни, деразалар, панжаралар бутлигини, эшиклар очиқлигини ёки хоналарга ўт тушганлигини аниқлаш ва бу ҳодиса тўғрисида қўриқлаш постига хабар бериш учун мўлжалланган. Қўриқлаш хизмати, ўз навбатида, ушбу ҳодисани бартараф этишнинг зарур чораларини кўради.

Видео кузатув тизими — бу марказлаштирилган қўриқлаш постидан туриб қўриқланаётган объектдаги вазият ҳақидаги ахборотни мунтазам визуал мониторинг қилиш ва магнит ёки рақамли ташувчига ёзиб боришдир.

У корхона ҳудудига, бинога, алоҳида хоналарга киришни назорат қилиш имконини беради. Зарур бўлганда видеокамералар тизими бевосита хоналарга ўрнатилиши мумкин, бу хонада юз бераётган ҳодисаларни назорат қилишга имкон беради.

Узлуксиз таъминлаш ва захира аккумуляторлари тизими электр тармоғида кучланиш содир бўлганда барча сигнализация, видео, назорат ва компьютер тизимларининг ишлаш қобилиятини таъминлайди. Эркин фойдаланишни назорат этиш тизими — бу муайян хоналарга кишилар киришини чеклаш, маълум ўтиш жойидан ўтган кишилар ҳақидаги ахборотларни тўплаш ва ёзиб бориш (ўтиш вақти, сони, исм-фамилияси ва шу кабилар)дир.

Барча тизимлар, жумладан, компьютер тармоқлари ҳамда масофавий эркин фойдаланиш имкониятларини қўллаш (видеокамералардаги тасвирларни кўриш, бошқариш, таркибий тузилмасини шакллантириш) орқали комплекс ташкил қилинган хавфсизлик тизимига бирлаштирилиши мумкин. Ҳудуднинг жисмоний (моддий) ҳимояси тўсиқлар ўрнатиш, зарур бўлганда тиканли симлар тортиш, ўргатилган итлардан фойланишдан иборат. Бинони муҳофазалаш панжаралар, ўк ўтмайдиган ойналар, эшиклар ўрнатиш йўли билан амалга оширилади. Хоналар албатта қулфланиши, зарур бўлганда сурғучланиши лозим. Корхоналарда ахборотни муҳофазалашнинг энг кўп тарқалган дастурий-техник воситаларини қисқача тавсифлаймиз.

Вирусга қарши дастурий таъминот компьютер вирусини топиш, шунингдек, зарарланган файлни чиқариб ташлаш имкони бўлмаган тақдирда, объектни илк шаклида тиклай туриб, зарарланган объектни даволаш учун хизмат қилади.

Захиравий нусхалаш ахборотдан эркин фодаланишни юкори даражада таъминлаш борасида энг маъкул ечим ҳисобланади ва маълумотларни тиклаш ҳамда захира нусхаларини яратишга мўлжалланган.

Айнанлаштириш (идентификация) эркин фойдаланиш субъект ёки объектларига идентификатор бериш жараёнини ўзида ифода этади. Аутентификация — бу субъект тақдим этган айнанловчи (идентификатор) унга тегишлилигини текшириш жараёнидир.

Ахборотни шифрлаш уни ғаразгўйлар ўқишига имкон бермасликни таъминлаш учун қўлланади. У махфий ахборотни узатганда ёки магнит ташувчига ёзишда, айникса, долзарб саналади. Экранлаш деганда, рухсатсиз ташқи кисмдан келаётган сўровларга эътибор бермай, ички тармоқ ишлари хавфсизлигини таъминлаш имконини берадиган тармоқлараро экрандан фойдаланиш тушунилади. Одатда, глобал тармоқлар билан ишлаганда зарур эле-

мент ҳисобланади. Протоколлаш (баённома тузиш) ва аудит фойдаланувчилар хатти-ҳаракатини рўйхатдан ўтказиш, пароллар ва тизимларнинг турли параметр (ўлчам)ларининг ўзгаришини қайд этиш, келгусида таҳлил ўтказиш ва қарор қабул қилиш учун рухсат этилмаган хатти-ҳаракатларни аниқлаш орқали ахборот муҳофазасини кўзда тутади. Электрон рақамли имзо олувчига олинган ахборот ҳақиқийлигини, унинг ҳақиқатдан хатда кўрсатилган жўнатувчи номидан келганлигини кафолатлашни таъминлайди.

Корхона ахборот хавфсизлиги тизими тузилишининг концептуал асосларини кўриб чиқишни якунлар эканмиз, шуни қайд этамизки, бизнинг назаримизда, "максадга мувофиқлик" тизим тузилишининг энг муҳим тамойили ҳисобланади, чунки мақсадга мувофиқликнинг йўқлиги ахборот хавфсизлиги тизимини яратиш бўйича бошқа барча ишларни самарасиз қилади. Шу сабабли мақсадга мувофиқликни тавсифловчи компонентлар тадқиқига алоҳида эътибор қаратилади.

Демак, ахборот ресурсларининг етарли даражада муҳофазаланганлик даражасини аниқлаш учун корхонада ахборот хавфсизлиги ташкилий муҳофазасининг методологик ташкил этувчилари, хусусан, мавжуд таҳдидлар шароитида ахборот ресурсларининг таркиб ва ўзига хосликларини ўрганиш айниқса, долзарб ҳисобланади.

8.2.3. Корхонада ахборот рискларини баҳолаш ва режалаштириш

Тадқиқотимизнинг ушбу қисмида корхонанинг ахборот рискларини режалаштириш ва баҳолашга *доир тавсиялар тақдим қилинади. Бунга корхона*нинг автоматлаштирилган тизимида ишловчи ахборот ресурслари таркибини тадқиқ қилиш учун мўлжалланган ахборот рискларини баҳолаш процедуралари, уларнинг қийматини, заиф ўринларини аниқлаш, кутилаётган талофатларни баҳолаш бўйича тавсиялар ҳам киради. Ушбу методика эҳтимолдаги таҳдидларга қарши таъсир этиш бўйича чоралар мажмуини шакллантириш учун асос бўлиб ҳисобланади. Баҳолаш жараёнлари бир қатор изчил тадбирлар ўтказишни кўзда тутади (63-расм), бунда барча ахборот ресурсларини инвентаризация қилиш ва уларни аниқ тоифалаштириш муҳим саналади.

Ахборот тадқиқотини ўтказишни бошлаш учун махсус ишчи гуруҳ шакллантирилади, унинг таркибига корхонанинг автоматлашган тизимини бошқариш ва ахборот хавфсизлиги учун жавобгар шахслар киради. Корхона раҳбарияти фармойиш чиқаради. Унда ишчи гуруҳи аъзоларига муайян ваколатларни тайин қилади, шунингдек, бўлим бошликларига тузилган гуруҳга тадқиқотларда ёрдам кўрсатиш тўғрисида буйрук беради.



63-расм. Ахборот рискларини баҳолаш тадбирлари[1]

Ишчи гуруҳ анкеталарни ишлаб чиқади, уларда қуйидагиларни кўрсатиш таклиф қилинада:

-автоматлашган тизимдан фойдаланиб бажариладиган вазифалар, уларнинг тавсифи;

- ишларни бажариш учун зарур бўлган ахборот ресурслари, уларнинг махфийлик, бутунлик ва эркин фойдаланишлик даражаси кўрсатилади;

- вазифаларни ҳал қилиш учун фойдаланиладиган техник ва дастурий воситалар;

Сақланадиган, ишлов бериладиган ахборот ресурсларининг хилма-хиллиги, корхоналар учун улар қийматининг турлилиги ва эҳтимолдаги ғаразгўйлар туфайли муҳофазаланаётган ахборотларнинг махфийлиги, бутунлиги ва ахборот олиш осонлигининг тўрт даражасини келтиришни ўринли деб ҳисоблаймиз, хусусан:

[1] Соҳага оид адабиётлар материаллари асосида муаллифлар томонидан тавсия этилмоқда

1. Нолинчи даража — бу тоифага фойдаланиш ва тарқатилиши чекланмаган, "муҳим бўлмаган" ахборот киради;

2. Паст даража — бу тоифага "муҳим" ахборот киради, бу ахборот хусусиятларидан бирининг йўқолиши корхонанинг унча катта бўлмаган зарар кўришига олиб келади;

3. Ўрта даража — бу тоифага корхонага сезиларли зарар келтирадиган ахборот ресурслари киритилади;

4. Юқори даража — бу тоифага "ҳаётий муҳим" ахборот киради, унинг бутунлиги ва махфийлигига путур етиши корхонанинг улкан зарар кўришига олиб келади.

Ахборот ресурси қийматини (Asset Value, AV) балл тизимида баҳолашни унинг ахборотни тоифалашнинг юқорида тавсифланган даражаларига алоқадорлигига кўра келтирамиз (22-жадвал). Бунда ҳар бир кўрсаткич 0-10 балл оралиғида баҳоланди.

22-жадвал

Ахборот ресурси қийматини балл тизимида баҳолашнинг матрицаси(AV)[1]

Махфийлик даражаси	Бутунлиги, эркин фойдаланиш осонлиги даражаси			
	Ноль	Паст	Ўрта	Юқори
Ноль	0	2	4	6
Паст	1	3	5	7
Ўрта	2	4	6	8
Юқори	3	5	7	9
	Ноль	Паст	Ўрта	Юқори

Бланкалар бўлинма бошлиқларига берилади, улар ўз навбатида ўз бўлимларидан ахборот ресурслари инвентаризациясини ўтказишга жавобгар шахсларни тайинлайди. Ахборот тадқикотини ўтказишда нафақат махфийлик тоифасига кириши мумкин бўлган, балки унинг бутунлигига путур етиши (бузиб кўрсатилиши, қалбакилаштирилиши) ёки эркин фойдаланиш осонлигининг бузилиши (йўқ қилиниши, тўсиқ қўйилиши) корхона бизнесига сезиларли зарар келтириши мумкин бўлгани учун муҳофаза қилиниши лозим бўлган ахборотни ҳам аниқлаш зарур.

Тадқикот якунлангач, тайинланган шахслар ишчи гуруҳ тўғрисидаги тўлдирилган анкеталарни қайтарадилар. Ўтказилган анкета сўровномаси асосида автоматлашган тизимда айланаётган ахборот ресурсларининг умумий рўйхати тузилади. Бунда битта ахборотнинг ўзи турли бўлинмаларда турлича ёки аксинча номланиши (аталиши) мумкинлигини ҳисобга олиш лозим.

[1]Ушбу матрицани тузишда жуфт ва тоқ рақамларни математик тарзда ахборотнинг махфийлик даражасига мослаштириш усулидан фойдаланилди(муаллифлар)

Ахборот ресурси қийматининг балл тизимида баҳолаш матрицасидан фойдаланиб, корхона учун энг аҳамиятли бўлган ахборотлар рўйхатини тузамиз.

23-жадвал

Корхонада ахборот ресурсларининг махфийлик даражаси бўйича рўйхати[1]

№	Номи	Ресурс коди	AV
1	Техник ахборот	IR1	6
2	Мижозлар ва таъминотчи ҳақида ахборот	IR 2	7
3	Янги лойиҳалар, бизнес режалар, НОУ-ХАУлар ҳақида ахборот;	IR 3	9
4	Молиявий ахборот.	IR 4	6
5	Корхона архивлари (ходимлар, ҳисобчилик, техник соҳа бўйича;	IR 5	7
6	Бухгалтерлик ҳисоби маълумотлари	IR 6	7
7	Шартномалар, битимлар.	IR 7	6
8	Тўлов топшириқномаси ва бошқа пул-ҳисоб-китоб ҳужжатлари.	IR 8	6
9	Ташкилотнинг жорий фаолияти тўғрисидаги ахборот.	IR 9	5
10	Маркетинг тадқиқоти натижалари	IR 10	7
11	Кадрлар ахбороти.	IR 11	6
12	Ходимлар тўғрисидаги маълумотлар.	IR 12	5
13	Шахсий ҳисоб варағи маълумотлари.	IR 13	6
14	Номоддий активлар ахбороти.	IR 14	6
15	ЭЦП, электрон калитлар ва ш .к.	IR 15	7

[1]Ахборот ресурсини баҳолашнинг матрица кўрсаткичи Ўз АСИ ва <<Ўзбектелеком>> мутахассисларининг кўрсатмаларига асосан танлаб олинди.

Корхона ахборот ресурслари муҳофазаси тизимини танлаш учун эҳтимолда тутилган қоидабузарлар моделини тузиш зарур. Бунда манфаатдор шахслар тоифаси, уларнинг мотивацияси, ихтисослиги ва имкониятлари ҳисобга олинади. Эҳтимолдаги қоидабузар деганда, билмасдан ғаразсиз ёки ўзининг ғаразли мақсадига етиш учун ёки кўнгилхушлик, қасд олиш, ўз амбициясини қондириш («спорт қизиқиши») учун турли услуб ва воситалардан фойдаланиб ахборот ресурслари устида тақиқланган хатти-ҳаракатларни амалга ошириши мумкин бўлган шахс тушунилади.

Қоидабузарларни икки гуруҳга ажратамиз: ички ва ташқи. Ички қоидабузарлар деганда, ташкилотнинг бевосита ахборот ресурсларидан эркин фойдаланиш имконига эга бўлган ўз ходимларини, ташқи қоидабузарлар деганда эса, корхона хизматчиси (ходими) бўлмаган бегона шахсларни тушунамиз.

Қуйидаги ходимлар ички қоидабузарлар бўлиши мумкин:

- Корхонанинг маълумотлар базасидан фойдаланувчи ходимлар;
- Тармоқ администраторлари;
- Амалий ва тизимли дастурчилар;
- Техник ходимлар (фаррошлар, электриклар, телефончилар ва бошқалар);
- Хавфсизлик хизмати ходимлари;
- Раҳбарлар.

Ташқи қоидабузарлар бўлиши мумкин бўлган шахслар:

- Корхонанинг ишдан бўшатилган ходимлари;
- Энергия таъминоти, сув таъминоти, иссиқлик таъминоти масалалари билан шуғулланувчи ташкилотлар ходимлари;
- Ташриф буюрувчилар (турли товар ва хизмат кўрсатувчи таклиф этилган фирма вакиллари, ташкилот ходимларининг қариндош ва танишлари);
- Жиноятчилар ёки жиноий тузилма юборган шахслар;
- Махсус хизмат агентлари;
- Корхонанинг маълумотлар базасига кириши рухсат этилган шахслар ёки ходимлар
- Виждони нопок ракобатчилар;
- Глобал тармоқ орқали рухсат этилмаган эркин фойдаланишни тасодифан ёки қасддан амалга оширган шахслар (хакерлар).

Қоидабузарларнинг ҳар бир тоифасига ўз идентификаторини берамиз (24-жадвал).

24-жадвал

Ахборот хавфсизлиги қоидабузарлари тоифалари

№ т/р	Қоидабузар	Қоидабузар коди
1.	Компания ходимлари	I1
1.1.	Маълумотлар базасидан фойдаланувчилар	
1.2.	Тармоқ администраторлари (маъмурлари)	
1.3.	Дастурчилар	
1.4.	Техник ходимлар	
1.5.	Хавфсизлик хизмати ходимлари	
1.6.	Раҳбарлар	
2.	Корхонадан бўшатилган ходимлар	E 1
3.	Нопок виждонли рақобатчилар	E 2
4.	Жиноятчилар ёки жиноий тузилмалар	E 3
5.	Хакерлар	E 4
6.	Тижоратдаги шериклар	E 5
7.	Энергия таъминоти, сув таъминоти, ва иссиклик таъминоти масалалари билан шуғулланувчи ташкилотларнинг ходимлари	E 6
8.	Махсус хизматлар	E 7
9.	Дастурий махсулотларни ишлаб чикиш, янгилаш, ва қўллаб-қувватлашни амалга оширувчи чет ташкилотлар ходимлари	E 8
10.	Ташриф буюрувчилар	E 9

Компания ходимлари рухсат этилмаган хатти-харакатларни амалга ошириш учун энг кўп имкониятга эга, чунки улар ахборот ресурларидан эркин фойдаланиш имконига, ахборотни сақлаш ва унга ишлов бериш технологияси хамда корхонада фойдаланилаётган ахборот хавфсизлигини таъминлаш воситалари тўғрисида яхши билим ва маълумотларга эга бўладилар.

Корхонанинг собиқ ходимлари ҳозирда бу жойда ишлаётган ходимлар сингари ташкилот тузилмаси, ҳимоя чоралари ва бошқалар ҳақида яхши хабардор бўладилар.

Бу фикрларнинг барчаси асосан лоқайд ходимларга тегишли, негаки, худди мана шундай кишилар ташқи қоидабузарлар учун юқори қизиқишни ўзида намоён этадилар.

Хакерлар техник ва дастурий жиҳатдан энг профессионал ҳисобланишади, уларнинг ишлаётган ёки собиқ ходимлари, шунингдек, жиноий тузилмалар билан ҳамкорлиги корхона ахборот ресурслари учун энг ката таҳдид туғдиради.

Имконияти, билимлари, эгаллаган мавкеи, мотивацияси ва манфаатдорлигига қараб қоидабузарларнинг энг эҳтимоли юқори моделини тузамиз. Бунда мавжуд ҳимоя тизими заифлиги сабаб бўлган (Exposure Factor, EF-ресурс заифлиги фактори) ресурс заифлигининг балли баҳолари ҳам кўрсатилади (25-жавдал).

25-жадвал

Ахборот ресурси заифлигининг баҳолаш матрицаси[1]

	Ходимлар (I1)			
Рақобатчилар (E2)	паст	ўрта	Юқори	Жиноятчилар (E3)
паст	1	2	3	
ўрта	2	4	6	
юкори	3	6	9	
Рақобатчилар (E2)	паст	ўрта	Юқори	Жиноятчилар (E3)
	Собиқ ходимлар (E1)		Хакер-лар (E4)	

Корхонада ахборот хавфсизлиги таҳдидининг амалга ошиш йўлларини аниқлаб оламиз ва хар бир таҳдидни шартли равишда T деб белгилаймиз, бу ерда i – таҳдиднинг тартиб рақамидир (26-жадвал).

[1]Рақамлар кетма-кетлиги ва балл даражаси «Ўзбектелеком» мисолида муаллифлар томонидан танланган

26-жадвал

Ахборот ресурсларига таҳдидлар идентификацияси

№ т/р	ТАҲДИД	Қоидабузар коди
1	Компьютернинг вируслар билан зарарланиши	T1
2	Ахборот ресурсларидан яширинча эркин фойдаланиш учун зарар етказувчи дастурларни жорий қилиш	T2
3	Ахборотни киритишдаги хатолар	T3
4	Ахборотни рухсат этилмаган ўзгартириш	T4
5	Ахборот тизими элементларини шикастланиши ёки бузилиши	T5
6	Ахборот ресурсларининг йўқ қилиниши	T6
7	Махфий маълумотлари бўлган турли ахборот ташувчи дастурларнинг йўқолиши	T7
8	Ахборот ташувчи дастурларни ўғирлаш	T8
9	Ахборотдан рухсат этилмаган нусха кўчириш, ўқиш	T9
10	Ҳимоя воситаларини созлаш ва таъминлашга жавобгар шахслар ёки хавфсизлик хизматининг компетентсизлиги ва масъулиятсизлиги.	T10
11	Пароллар, калитлар, шу жумладан, электрон рухсатномаларнинг йўқолиши	T11
12	Ғайриқонуний йўл билан эркин фойдаланиш пароллари, ЭЦП, шифрлаш калитларини қўлга киритиш.	T12
13	Ходимларни киритиш ёки ёллаш	T13
14	Турли алоқа каналлари оркали узатилаётган ахборотни рухсатсиз олиш.	T14
15	Ахборотдан эркин фойдаланиш қоидаларига риоя қилмаслик	T15

Қоидабузарликни эҳтимолдаги моделлар билан таққослаб, энг муҳим ахборот ресурслари бўйича таҳдидларни идентификация қиламиз.

AV ресурси қийматини балл тизимида баҳолаш (2-жадвал) ва ресурснинг EF таҳдидига (хавфига) нисбатан заифлиги (5-жадвал) муаллифлар томонидан бир қатор корхоналарнинг раҳбарлари ва етакчи мутахассислари билан ўтказилган маслаҳатлашув ва суҳбатлар асосида белгиланган. Мазкур корхоналар маҳсулотнинг яратилишидан сотилишигача: маркетинг – ғоя – илмий-текшириш ва малакавий-конструкторлик ишлари–ишлаб чиқариш – сотиш (ёки унинг айрим элементлари) жараёнларининг тўлиқ циклига эга.

Маълум вақт давомида таҳдиднинг юз бериши эҳтимоллиги (Annual of Rate Occurrence, ARO) тушунчасини киритишни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз. Унинг балл тизимидаги даражаларини шахсий тажрибамиз ва мавжуд амалиёт асосида белгилаймиз.

Кутилаётган талофатлар баҳосини, яъни аниқ ахборот ресурси учун риск даражасини аниқлаймиз. У маълум вақт давомида аниқ таҳдид (Annual Loss Exposure, ALE)дан кутилаётган якуний талофатларни ўз ичига олади.

Таҳдид талофатларни формула бўйича ҳисоблаб чиқамиз :

ALE = AV x EX x ARO (1)

Кутилаётган талофатлар баҳосини ҳисоблаш учун мисол тариқасида маълумотлар базасини бошқариш тизимидан фойдаланамиз (64-расм). Бунинг учун ахборот ресурслари анкеталаридаги барча маълумотлар жадвалга киритилади. Шундан сўнг, маълумотлар сўров дастури ёрдамида бир гуруҳга келтирилади. Бунинг натижасида корхонанинг автоматлашган тизимида айланаётган барча ахборот ресурсларининг маълумотномаси шаклланади, уларнинг қиймати AV матрица жадвалидан фойдаланиб белгиланади.

Рискни баҳолашдаги иштирокига кўра ахборотлар маълумотномасидан танлаб, якуний кутилаётган талофатлар қийматини аниқлаш учун эркин жадвални тузамиз. Алоқадор жадваллардан фойдаланиб, уларни қоидабузарларнинг эҳтимолдаги моделлари билан таққослаб, ҳар бир ахборот ресурсига таҳдидни белгилаймиз.



64-расм. Якуний кутилаётган талофатларни ҳисоблаш учун маълумотлар чизмаси

Учта энг муҳим ахборот ресурслари (компания ходимлари, рақобатчилар, жиноятчилар оркали рақобатчилар) мисолидаги ҳисоб-китоб натижалари 27-жадвалда келтирилган.

27-жадвал

Турли қоидабузарлардан IR 1 – IR 3 ахборот ресурсига зарар келтириш рискини баҳолаш

№ т/р	IR коди	AV	Амалга ошириш механизми	Таҳдид	Қоидабузарлар модели	EF	ARO	ALE
1.	IR1	6	Компания ходимлари	T1	I1	3	3	54
2.	IR1	6	Ходимлар оркали ракобатчилар	T1	I1xE2	9	2	108
3.	IR1	6	Хакерлар оркали ракобатчилар	T1	E2xE4	9	1	54
4.	IR1	6	Ходимлар оркали ракобатчилар	T2	I1xE2	9	2	108
5.	IR1	6	Хакерлар оркали ракобатчилар	T2	E2xE4	9	1	54
6.	IR1	6	Компания ходимлари	T3	I1	3	3	54
7.	IR1	6	Ходимлар оркали ракобатчилар	T4	I1xE2	9	1	54
8.	IR1	6	Хакерлар оркали ракобатчилар	T4	E2xE4	9	1	54
9.	IR1	6	Компания ходимлари	T5	I1	3	2	36
10.	IR1	6	Ходимлар оркали ракобатчилар	T5	I1xE2	6	2	72
11.	IR1	6	Жиноятчилар оркали ракобатчилар	T5	E2xE4	9	1	54
12.	IR1	6	Компания ходимлари	T6	I1	3	3	54
13.	IR1	6	Ходимлар оркали ракобатчилар	T6	I1xE2	9	2	108
14.	IR1	6	Хакерлар оркали ракобатчилар	T6	E2xE4	9	1	54
15.	IR1	6	Компания ходимлари	T7	I1	3	3	54
16.	IR1	6	Жиноятчилар оркали ракобатчилар	T8	E2xE3	9	1	54
17.	IR1	6	Компания ходимлари	T9	I1	3	3	54
18.	IR1	6	Ходимлар оркали ракобатчилар	T9	I1xE2	9	3	162
19.	IR1	6	Хакерлар оркали ракобатчилар	T9	E2xE4	9	1	54
20.	IR2	7	Компания ходимлари	T1	I1	3	3	63
21.	IR2	7	Ходимлар оркали ракобатчилар	T1	I1xE2	9	1	63
22.	IR2	7	Хакерлар оркали ракобатчилар	T1	E2xE4	9	1	63

23.	IR2	7	Ходимлар оркали ракобатчилар	T2	I1xE2	9	2	126
24.	IR2	7	Хакерлар оркали ракобатчилар	T2	E2xE4	9	1	63
25.	IR2	7	Компания ходимлари	T3	I1	3	3	63
26.	IR2	7	Ходимлар оркали ракобатчилар	T4	I1xE2	9	1	63
27.	IR2	7	Хакерлар оркали ракобатчилар	T4	E2xE4	9	1	63
28.	IR2	7	Компания ходимлари	T4	I1	3	2	42
29.	IR2	7	Ходимлар оркали ракобатчилар	T5	I1xE2	6	2	84
30.	IR2	7	Жиноятчилар оркали ракобатчилар	T5	E2xE3	9	1	63
31.	IR2	7	Компания ходимлари	T6	I1	3	3	63
32.	IR2	7	Ходимлар оркали ракобатчилар	T6	I1xE2	9	2	126
33.	IR2	7	Хакерлар оркали ракобатчилар	T6	E2xE4	9	1	63
34.	IR2	7	Компания ходимлари	T7	I1	3	3	63
35.	IR2	7	Жиноятчилар оркали ракобатчилар	T8	E2xE3	9	1	63
36.	IR2	7	Компания ходимлари	T9	I1	3	3	63
37.	IR2	7	Ходимлар оркали ракобатчилар	T9	I1xE2	9	3	189
38.	IR2	7	Хакерлар оркали ракобатчилар	T9	E2xE4	9	1	63
39.	IR3	9	Компания ходимлари	T1	I1	9	2	54
40.	IR3	9	Ходимлар оркали ракобатчилар	T1	I1xE2	3	2	162
41.	IR3	9	Хакерлар оркали ракобатчилар	T1	E2xE4	9	2	162
42.	IR3	9	Ходимлар оркали ракобатчилар	T2	I1xE2	9	2	162
43.	IR3	9	Хакерлар оркали ракобатчилар	T2	E2xE4	9	1	81
44.	IR3	9	Компания ходимлари	T3	I1	3	3	81
45.	IR3	9	Ходимлар оркали ракобатчилар	T4	I1xE2	9	1	81
46.	IR3	9	Хакерлар оркали ракобатчилар	T4	E2xE4	9	1	81
47.	IR3	9	Компания ходимлари	T5	I1	3	2	54
48.	IR3	9	Ходимлар оркали ракобатчилар	T5	I1xE2	6	2	108
49.	IR3	9	Хакерлар оркали ракобатчилар	T5	E2xE3	9	1	81
50.	IR3	9	Компания ходимлари	T6	I1	3	3	81

51.	IR3	9	Ходимлар орқали рақобатчилар	T6	I1xE2	9	2	162
52.	IR3	9	Хакерлар орқали рақобатчилар	T6	E2xE4	9	1	81
53.	IR3	9	Компания ходимлари	T7	I1	3	3	81
54.	IR3	9	Жиноятчилар орқали рақобатчилар	T8	E2xE3	9	1	81
55.	IR3	9	Компания ходимлари	T9	I1	3	3	81
56.	IR3	9	Ходимлар орқали рақобатчилар	T9	I1xE2	F9	3	263

Техник-ахборот таҳдидларни таҳлил қилиш (IR1) шуни кўрсатадики, 36 дан 54 баллгача баҳоланган таҳдидлар, қачонки қоидабузарлар моделлари компания ходимлари томонидан содир этилса, мавқега эга бўлади (I1). Ҳақиқатан, компьютернинг вируслар билан зарарланиши (T1 таҳдид), маълумот киритишдаги хато (T3), ахборот ресурсларини йўқ қилиш (T6), махфий маълумотлари бўлган ахборот ташувчиларни йўқотиб қўйиш (T7), рухсат этилмаган нусха олиш ёки ахборотни ўқиш (T9) компьютер файллари ва архивлари шаклидаги техник информациядан эркин фойдаланиш имконига эга ходимлар томонидан осон амалга оширилиши мумкин. Шуни ҳам ҳисобга олиш керакки, ходимларнинг бундай хатти-ҳаракатлари душманлик билан ёки атайлаб бўлиши мутлақо шарт эмас.

Бир катор мамлакатимиз компанияларида ўтказилган сўровларда аниқландики, кўплаб хатолар ходимларнинг махфий ахборот билан ишлаш малакалари ва тегишли кўрсатмаларнинг йўқлиги туфайли юз беради. Ҳозирча Ўзбекистонда корхоналари ходимларининг факат 8-10 фоизи ахборот хавфсизлиги асосларидан хабардор (асосан компьютер хавфсизлиги соҳасида). Ваҳоланки хорижда бўлса, ходимларнинг 80-90 фоизи ушбу йўналиш бўйича махсус таълим олиб чиқади. (Олий бизнес мактабида ўтказилган сўровномани қўшиш лозим)

Агар рақиблар (E2) корхона ходимларини (I1) сотиб олиш йўли билан ёки бошқа усул ва мотивлар билан авраб, маълумотни қўлга киритиш борасида қоидабузарлак қилса, техник ахборотнинг талофат кўриш эҳтимоллиги қиймати 72-108 баллгача ортади.

Қайд этиш жоизки, биз томондан тадқиқ этилаётган кичик ва ўрта ҳажмдаги корхоналар учун рақобатчиларнинг хакерлар ёки бошқа жиноятчилар билан тил бириктириб касддан қилган хатти-ҳаракатлари (E4) натижасида ахборотни йўқотиши хавфи унча катта бўлмайди; унинг хавфи эҳтимоли 54 балл даражасида баҳоланади. Айни пайтда бундай корхоналарнинг (IR1) ахборот ресурсига (техник ҳужжатларига) рақобатчилар томонидан бўлиши эҳтимоли юқори ва ошкор кўриниб турган таҳдидлар аниқланди. Рақобатчилар корхона раҳбариятига мойил бўлмаган ходимлар билан тил бириктириб, 162 балл кўрсаткич билан хавф эҳтимоли энг юқори бўлган таҳдид туғдиради. (27-жадвал).

Мижозлар ва етказиб берувчилар (таъминловчилар) ҳақидаги ахборот (IR2) – кўриб чиқилаётган компаниялар учун анча қимматли ресурс ҳисобланади, шунинг учун (IR1) ресурс билан таққослаганда хавф эҳтимолларнинг қуйи чегараси бир мунча катта қийматга эга бўлади: 42 дан 63 баллгача. Хавф эҳтимолларининг ўртача даражаси ҳам катта қийматга эга бўлади ва 84дан 126 баллгача диапазонда туради.

27-жадвалда келтирилган қоидабузарлар томонидан таҳдидларни амалга *ошириш услублари ва характери кўриб* чиқилаётган ҳар бир ахборот ресурслари учун айни ҳолдир.

Ҳақиқатан, корхонадаги мижозлар ва таъминловчилар бўйича маълумотлар базасининг махфийлиги ва бутунлигига энг катта таҳдид (хавф), тадқиқ этилган компаниялар тажрибаси кўрсатганидек, раҳбариятга майил бўлмаган ходимлардан келиб чиқади. Бунинг натижасида бу ахборотдан рухсат этилмаган нусха кўчириш ва уни ўқиш (Т9 таҳдид) 189 баллда баҳоланади (37 пункт, 27-жадвал).

Бунинг устига нусха олинган ахборот эртами, кечми рақобатчининг қўлига тушади (Е2), бу маҳсулот сотишдан келадиган даромаднинг камайиши оқибатида корхонага сезиларли молиявий зарар келтиради, чунки дўст бўлмаган ходимлар томонидан рақобатчига «олиб кетилган» харидорлар илгари ўрнатилган тижорат алоқаларини тўхтатадилар. Бундай рақобатчилар бир қанча бўлиши мумкин, аммо бундай ходимлар — амалда уларни жосуслар деб аташ мумкин, фаолиятидан келадиган зарар уларнинг «мойил эмаслик» даражаси ва рақобатчилар томонидан тўланадиган "ҳақ"ка боғлиқ бўлади.

Бу каби иттифоқчилардан етадиган зарарнинг даражасини амалда олдиндан айтишнинг иложи йўқ. Шу сабабли, яхшиси, ишни бундай иттифоқларнинг вужудга келишигача олиб бормасдан, рискни камайтириш чоралари тизимини ишлаб чиқиш лозим.

Агар батафсил кўриб чиқилган учта ресурсдан энг қимматлиси тўғрисида гапирадиган бўлсак, янги лойиҳалар, бизнес режалар, ноу-хау (IR3) ҳақидаги ахборотни жуда пухталик билан асраш зарур, чунки унга рақиблар билан биргаликда ходимлар томонидан 243 баллдаги энг кўп зарар етказилиши мумкин (56 пункт, 27-жадвал). Паст, ўртача, юкори хавф эҳтимолларини аниқлаш учун улар бўйича олинган илк баҳоларни муҳимлик даражасига кўра тизимлаштириб чиқамиз. Ахборот рискларни бошқариш бўйича қарорлар қабул қилиш учун зарур, улар қуйидагилардан иборат бўлиши мумкин:

- паст рисклар тоифасига мансуб бўлган рискни қабул *қилиш, яъни риск* ва эҳтимолдаги талофатларга рози бўлиш;

- ўртача рискка мансуб рискни камайтириш, яъни уни пасайтириш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқиш;

-рискни ўтказиш, яъни зарур бўлганда зарарларни қоплайдиган (тўлайдиган) суғурта компанияларига рискларни кўчириш ёки махсус механизмлардан фойдаланиш орқали анча паст қийматдаги бошқа рискка айлантириш;

- рисклардан қочиш ёки уларни тугатиш, бу риск манбаини йўқотишга имкон берувчи чоралар қабул қилишни англатади.

Навбатдаги қисмда бу рискларни камайтириш бўйича чора-тадбирлар режасини шакллантириш йўли билан 108 баллгача бўлган бошлангич рискларни қабул қилиш ва шу қийматга етказиш ҳамда 6-жадвалда кўриб чиқилган рисклар ичида катта аҳамиятга эга бўлган энг паст рискларнинг алгоритмини кўриб чиқамиз.

Таҳдидларга қарши кенг чоралар мажмуаси асосланади. Улардан ахборот хавфсизлиги бўйича реал бюджетга фақат шундай тадбирларни киритиш кўзда тутиладики, уларнинг амалга ошиши қолдиқ рискларни кўрсатилган баллардан қуйига тушириш имконини беради.

8.2.4. Ахборот рискларини камайтириш бўйича тадбирлар режасини шакллантириш

Ахборот хавфсизлигининг бузилиш эҳтимолини энг паст даражага келтириш учун ахборот хавфсизлиги тизимининг самарадорлигини ошириш ва ахборот рискларини камайтириш бўйича тадбирлар режаси (чоралар мажмуи)ни ишлаб чиқиш лозим (65-расм.). Тадбирлар режаси турли кўринишдаги хавф-хатарларни бартараф этишга қаратилган ҳуқуқий, ташкилий мазмундаги чораларни ва дастурий-техник ҳимоя воситаларини қамраб олади (28-жадвал).



65-расм. Ахборот рискларни камайтириш бўйича тадбирлар режасини шакллантириш чизмаси

Маълум ҳимоя даражасига эга танланган чора ахборот рискини пасайтириш фоизини белгилайди (10-жадвал-иловада). Шуни ҳам қайд этамизки, мухофазалашнинг юкори даражаси олдинги даражаларнинг барча тадбирларини албатта қамраб олиши лозим.

28-жадвал

Корхонада ахборот хавфсизлигини ошириш чора-тадбирлари

№ т/р	Карши чоралар коди	Тадбирлар	Ҳимоя даражаси, (J)		
			паст	ўртача	юкори
			J=1	J=2	J=3
Ахборот хавфсизлигини таъминлашнинг ҳукукий йўналишлари					
1	L1j	Ахборот хавфсизлиги сиёсати	Мажбурий эмас	Керак	Мажбурий
2	L2j	Патентлаш	Мажбурий эмас	Керак	Мажбурий
3	L3j	Лицензия қилинган дтлан фойдаланиш	Керак	Мажбурий	Мажбурий
Ахборот хавфсизлигининг таъминлашнинг ташкилий йўналишлари					
1	O1j	Кадрларни танлаш	Синов муддати	Кадрлар малакасини ошириш	Кадрлар агентлиги
2	O2j	Кадрлар билан ишлаш	Кўрсатмалар (инструктаж) Лавозим кўрсатмалари	Масъулиятни оширишга ўргатиш	Рағбатлантириш, назорат қилиш, таъкиклаш
3	O3j	Дастурий воситалар таркибини чеклаш	Чекланмаган	Керак	Мажбурий
4	O4j	Фойдаланувчилар сонини чеклаш	Чекланмаган	Бир неча фойдаланувчи	Фойдаланувчиларни чеклаш
5	O5j	Ишга рухсат беришни регламентга солиш	Мажбурий эмас	Керак	Мажбурий
6	O6j	Кўриклаш тартиби	Мавжуд эмас	Рухсатнома	Рухсатнома
7	O7j	Глобал тармокларга уланиш ва уларда ишлашни регламентга солиш	Талаб килинмайди	Керак	Мажбурий
8	O8j	Махфий ахбороти бўлган ташувчилардан фойдаланиш ва уларни сақлашни ташкил килиш	Талаб килинмайди	Керак	Мажбурий
Ахборот хавфсизлигини таъминлашнинг инженер-техник йўналишлари					
1	ET 1j	Хоналар, биноларни ҳимоялаш.	Эшиклар, кулфлар, панжаралар	Сигнализация, сурғучлаш	Видео кузатув, кодли кулфлар
2	ET 2j	Техник воситалар модлий бутлигини таъминлаш (сурғучлаш).	Мажбурий эмас	Керак	Мажбурий

3	ET 3j	Янгиланиб турилади*ган* вирусга карши дтдан фойдаланиш	Керак	Мажбурий	Мажбурий
4	ET 4j	Иденфикациялаш (айнанлаштириш).	Мажбурий эмас	Ходимда бир нечта тармок номи бўлиши мумкин	Ягона Ноёб тармок номи
5	ET 5j	Паролнинг мавжудлиги	Мажбурий эмас	Мажбурий	Мажбурий
6	ET 6j	Эркин фойдаланишни чеклаш	Тўлик эркин фойдаланиш	Айрим ресурс-ларга чеклов	Энг кам даражада эркин фойдаланиш
7	ET 7j	Курилмалардан фойдаланишни чеклаш	Мажбурий эмас	Баъзи фой-даланувчилар учун	Барча учун маж-бурий
8	ET 8j	Масофадаги курилмалар (принтер-лар, сканерлар)дан фойдаланшни чеклаш	Мажбурий эмас	Баъзи фойда-ланувчилар учун	Барча учун маж-бурий
9	ET 9j	Мунтазам юритиладиган журналда ходисаларни автоматик тарзда хисоб ва рўйхатга олиш.	Мажбурий эмас	Тармок ва махаллий ходисалар учун имкон кадар батафсил	Тармок ва махаллий ходисалар учун имкон кадар ба-тафсил
10	ET 10j	Ахборот ресурслари бутунлиги *бузилганини рўйхатга олишдаги* харакат	Талаб килинмайди	Мунтазам юритиладиган журналда кайд этиш	АРС ишини ёпи
11	ET 11j	Ходисалар рўйхатга олинган журнал-лар тахлили	Зарурий холатда	Хар хафталик	Хар куплик
12	ET12j	Фойдаланувчилар *хатти – харакатини* назорат килиш.	Зарурий холатда	Даврий	Доимий
13	ET 13j	Файлларни ўчириш режими	Талаб килинмайди	Мумкин	Мажбурий
14	ET 14j	Бутунликни назорат килиш метод ва воситаларидан фойдаланиш.	Талаб килинмайди	Кафолат-ланмаган усуллар(хэш-функция)	Кафолатган на*зорат усуллари*
15	ET15j	Махфий ахборотларни шифрлаш.	Зарурий холатда	Алмашиниш учун зарур	Сакдаш ва алмаши-ниш учун зарур
16	ET16j	АРС аудити ва олисдан бошкарув	Рухсат этилган	Зарурий холатда	Таъкикланган
17	ET17j	*Тармокдараро экранлаш.*	Зарурий холатда	Мажбурий	Мажбурий
18	ET18j	Захирага нусха олиш.	Хар куни	Хар соатда	10 минутда
19	ET19j	Маълумотларни киритиш назорат воситаларидан фойдаланиш.	Талаб килинмайди	Зарурий холатда	Мажбурий
20	ET20j	Узлуксиз таъминот воситалари-дан фойдаланиш	Факат сервер учун	Танланган холда	Барча фойда-ланувчилар учун

21	ET21j	Ахборот ресурсларига ҳужумни аниқлаш воситаларидан фойдаланиш	Талаб қилинмайди	Зарурий ҳолатда	Мажбурий
22	ET22j	Аппарат захирасини тайёрлаш	Талаб қилинмайди	Ўртача захира	Тўлиқ захира
23	ET23j	Критик янгилашни ўрнатиш ва ОС хавфсизлик тизимини янгилаш	Зарурий ҳолатда	Даврий	Доимий

28-жадвалда амалда кенг тарқалган тадбирлар рўйхати мавжуд бўлиб, аслида, муаллифлар томонидан ўрганилган корхоналарда турли усулларда фойдаланилган. Ушбу жадвалда биз олдин кўриб чиқилган хавф-хатарларга чора-тадбирлар мажмуасини таклиф этмоқчимиз.

Тадқиқотнинг ушбу босқичидаги асосий вазифа тақдим этилган кўплаб чора-тадбирлардан исботланганини танлаб олишдан иборат бўлиб, уларни амалга ошириш ахборот ресурсларини етарлича муҳофаза қилишни қўллаб-қувватлашга сарфланадиган ҳаражатларнинг оптимал даражасини таъминлашга имкон беради.

Таклиф қилинган чора-тадбирларнинг ҳар бири учун муаллифлар томонидан ахборот ресурсларини муҳофаза қилишнинг паст – ўрта – юқори даражалари ифодалаб берилган бўлиб, улар худди шу даражаларда режалаштирилган қарши чораларни молиялаштириш йўллари орқали амалга оширилиши мумкин. Масалан, кадрларни танлаб олишда иш берувчи томонидан синов муддатининг қўлланилиши билан муҳофазанинг паст даражаси таъминланади.

Муҳофазанинг ўрта даражасига эса кадрлар хизмати ходимига физиономик назоратнинг махсус билимларини ўқитиш орқали эришилади. Бу эса ишга "тасодифий" одамларнинг келиб қолиш хавфини пасайтиради. Ниҳоят, агар синов муддати ва кадрлар хизмати ходимини доимий қайта тайёрлаб бориш кадрлар агентлиги томонидан танлаб, тавсия қилинган ишчини ёллаш билан уйғун келса, муҳофазанинг юқори даражаси кафолатланган бўлади. Табиийки, ишчи ёллашнинг ушбу учинчи варианти корхона учун энг қимматли ҳисобланади.

Аксарият тадбирлар Ахборот хавфсизлигини (АХ) муҳандислик-техник жиҳатдан таъминлашга доирлиги, ташкиллий тадбирларнинг сони камлиги, ҳуқуқий тадбирлар эса ундан ҳам кам эканлиги борасидаги далил эътиборни ўзига тортади. Бироқ бу кейингилари аҳамиятсиз дегани эмас. Аксинча, таъкидлаш керакки, молиявий ресурсларни сарфлашнинг биринчи ўриндаги йўналиши ахборот хавфсизлиги Низомларини ишлаб чиқиш, шунингдек, кадрлар билан ишлаш тадбирларини молиялаштириш ҳисобланади. Ахборот хавфсизлиги масалаларида ходимнинг тайёргарлиги ва уюшқоқлиги,

бошқарув ёндашувларининг етарлича расмийлашмаганлиги муҳандислик-техник таъминотига мавжуд маблағларнинг кириб келишида катта аҳамиятга эга эмас.

9-жадвалда келтирилган барча ахборот хавфсизлиги чоралари муайян хавф-хатарларга қарши туриш учун Si (i – тартиб рақами) қарши чоралар мажмуини ифодалаш қулай бўлсин деб кодлаштирилган. 8-жадвалда берилган хавф-хатарларни пасайтириш бўйича белгиланган вазифаларни амалга ошириш мақсадида олдин кўриб чиқилган ҳар бир қоидабузарлар моделлари учун тадбирлар мажмуини белгилаб оламиз. Масалан, 7-жадвалдаги 1-тартиб рақамига S1 мажмуа мос келади ва ҳ.к. Мазкур ахборотни тизимлаштириб, сўнг 8-жадвал кўринишида тақдим этамиз (иловада).

Қолган рискларни режалаштиришга киришишдан олдин, ахборот ресурсларига нисбатан хавфни камайтириш бўйича бюджетни шакллантириш учун корхоналарнинг ахборот хавфсизлиги хизматига ажратиб бериладиган молиявий ресурсларининг чекланганлигини инобатга олишимиз лозим.

Мантиқий қарор қабул қилиш асосида, 108 баллдан ошмаган риск даражасини рухсат этилган деб қабул киламиз (8-жадвалдан ўртача кўрсаткич сифатида олинди).

ALE дастлабки хавфининг камайиши тартибида юқоридан пастга томон (9-устун) жой-жойига қўйиб чиқамиз. Ушбу дастлабки хатарлар санаб чиқилган 27-жадвалдаги сатрларнинг тартиб рақамини биринчи устунда кўрсатамиз. Қоидабузарнинг ҳар бир моделига дастлабки хатарларни камайтиришга қаратилган табдирлар мажмуи (Si қарши чоралар мажмуаси) тўғри келади. Бундан келиб чиқадики, T9 хавфига IR1-IR3 нинг ўрганилаётган барча учта ахборот ресурсига, иккинчи ва учинчи ресурсларга нисбатан T2 ва T6 хатарларига ҳамда қоидабузарларнинг тегишли моделлари иштирокидаги учинчи ресурси учун T1 хатарига қарши ҳаракат қилиш учун S2-S4, S13, SI8 ва S23 қарши чоралари мажмуини ишга тушириб юбориш керак.

Иловадаги 9-жадвалдаги биринчи сатрнинг ичидагиларини, мисол учун, қуйидагича изоҳлаш керак бўлади. ALE=243 балли рухсатсиз нусха олиш ва ахборот ўкишнинг дастлабки хавфини ALEn=81 балли (рақобатчилар билан келишган ҳолда корхонанинг нохолис раҳбарияти томонидан етадиган хавф) қолдиққача тушириш учун S18 қарши чоралар мажмуини ишга тушириш тавсия этилади. Бу S18 кадрларни танлаш, АРС фойдаланувчилари сонини чеклаш, эркин фойдаланиш ҳукукини чегаралаш бўйича ишларни ўзида жамлаб, парол, идентификация мавжудлигини, катор ташкилий тадбирларни ўтказиш ҳамда муҳандислик-техник мухофаза чораларини (8 ва 9-жадваллар) такозо қилади. Шунга ўхшаш дастлабки хатарлар курсив билан белгиланган

10-жадвалнинг кейинги сатрларидаги ёзувларни "топиб ўқиш" мумкин. Шунингдек курсив билан кўрсатилган S2-S4, S13, S18 ва S23 қарши чораларини амалга ошириш орқали ҳам дастлабки хатарларни камайтириш режалаштирилади.

Ахборот ресурсларига нисбатан рискни камайтириш бўйича тадбирларнинг аниқ режасини тузиш орқали санаб ўтилган қарши чораларни ўзида камраган барча тадбирларни батафсил кўриб чиқамиз. Шу аснода муаллифлар тадқиқотлар жараёнида ўргангани сингари, буни ҳам шартли корхонага мослаб оламиз.

Қолдиқ рискларни (10-жадвал-иловада) режалаштириш иқтисодий самарани аниқлаш мақсадида амалга оширилди. Қолдиқ рискларни бошланғич (асосий) рисклар билан қиёслаш корхонамиз тадбирлари режасига киритилган ахборот хавфсизлигини таъминлаш учун компаниянинг тадбирлар ўтказишга кетадиган харажатларининг иқтисодий самарадорлигини ҳисоблаб чиқиш имконини беради.

Ахборот рискларини камайтириш бўйича тадбирлар режаси

1. Ақлий мулкни муҳофаза шакли сифатида патентлаш.
2. Лицензияга эга ДТ дан фойдаланиш.
3. Кадрлар танлаш.
4. Кадрлар билан ишлаш.
5. Дастурий воситалар таркибини чеклаш.
6. АРС фойдаланувчилар сонини чеклаш.
7. Ишларга рухсат беришни регламентга солиш.
8. Глобал тармоқлардаги ишлар ва уланишни регламентга солиш.
9. Махфий ахборот ташувчилардан фойдаланиш ва уларни сақлашни ташкил қилиш.
10. Янгиланиб туриладиган вирусга қарши ДТдан фойдаланиш.
11. Идентификациялашни жорий қилиш.
12. Паролни киритиш.
13. Эркин фойдаланишни чеклашни жорий қилиш.
14. Масофадаги қурилмалар (принтерлар, сканерлар)дан фойдаланишни чеклаш.
15. Мунтазам юритиладиган журналда ҳодисаларни автоматик тарзда ҳисоб ва рўйхатга олиш.
16. Фойдаланувчилар хатти – ҳаракатини назорат қилиш.
17. Бутунликни назорат қилиш восита ва услубларидан фойдаланиш.
18. Махфий ахборотни шифрлашдан фойдаланиш.
19. АРС аудити ва масофадан бошқарув.
20. Тармоқлараро экранлашдан фойдаланиш.
21. Захирага нусха олишдан фойдаланиш.

22. Узлуксиз таъминот воситаларидан фойдаланиш.

23. Ахборот ресурсларига ҳужумии аниқлаш воситаларидан фойдаланиш.

24. Критик янгилашни ўрнатиш ва хавсизлик тизимини янгилаш.

ахборот ресурсларини суғирталаш.

25.Ахборот ресурсларини суғурталаш.

Тавсия қилинган тадбирлар режасининг корхона томонидан бажарилищи биз томондан кўриб чиқилган учта энг муҳим ахборот ресурслари бўйича рискларни қолдиқ даражасигача туширишни таъминлашга имкон беради. Тадқиқотларимизнинг кейинги қисми режадаги тадбирларни ўтказишга кетадиган харажатлар самарадорлигини тадқиқ қилишга бағишланади.

II БОБ.
КОРХОНАНИНГ АХБОРОТ ХАВФСИЗЛИГИГА САРФ-ХАРАЖАТЛАРИНИ ИҚТИСОДИЙ АСОСЛАШ

8.3.1. Ахборот хавфсизлигига сарф-харажатларни баҳолаш учун методик ёндашувлар ва уларнинг самадорлигини аниқлаш

Бозорда энг юқори талабда бўлган маҳсулотни яратиш ва ўзини яхши томондан кўрсата олиш ҳар қандай компаниянинг муҳим мақсади сифатида бизнесни ўсиши ва акциядорлик мулки қийматининг энг юқорига кўтарилишини талаб қилади. Компанияларнинг фаолиятига нисбатан бундай ёндошувни жорий ва стратегик мақсадларни, шунингдек, компания фаолиятининг турли — молиявий, технологик, меҳнат, ресурс каби қирраларига бошқарув доирасидаги таъсирларни ўзида мужассам қилган самарали бизнес бошқарувининг замонавий моделларидан фойдаланиш билан уйғунлаштириш мақсадга мувофиқдир.

Бизнес бошқарувининг асосий замонавий тамойиллари бир катор илмий тадқиқотларда ифодаланган: бенчмаркинг, бизнес-жараёнларни қайта техник ишлаш модели, Бостон консалтинг гуруҳи матрицаси, Жон Кэйнинг ажралиб турувчи кобилиятлар модели, Грайнернинг ўсиш босқичлари модели, корхона камолоти даражаси модели, самарадорлик кўрсаткичларининг 7 та туркуми, Нортон-Капланнинг мувозанатлаштирилган кўрсаткичлари тизими, Роберт Сай Монснинг тўртта назорат даражаси кабилар.

Санаб ўтилган тамойилларни барча рухсат этилган манбалардан (ресурсларнинг барча моделлари, инновациялар, бошқарув самарадорлигини ошириш ва х.к.) фойдаланиш ҳисобига янги қийматни вужудга келтириш асосида компаниянинг стратегик ўсишини таъминлаш каби муҳим мақсадга қаратилган вазифа асосида умумлаштириш мумкин.

Тадқиқотимиз асосида компания қийматининг *ўсиш манбаи* бўлиб қуйидагилар ҳисобланади:

• номоддий активлар кўринишидаги ахборот ресурслари (асосан дастурий таъминот);

• тегишли таркибий элементлари мавжуд бўлган корпоратив ахборот тизимлари (КАТ);

• моддий актив сифатидаги аппарат таъминоти, яъни компания мулкининг бир қисми;

• ахборот технологиялари мутахассисларининг орттирган билим, заковат ва тажрибалари, яъни компаниянинг ақлий сармояси.

Мазкур кўрсаткичларнинг мазмуни қуйидагиларда ўз ифодасини топади: номоддий активларни ўлчагич; инсон капитали индекси; дисконтланган пул оқимлари услуби; қийматга мўлжалланган ҳисоб-китоб; адолатли ҳақ тўлаш; амалий опционлар; маънавий капитал рентабеллиги; инвестициялар рентабеллиги; хавфни эътиборга олган ҳолда капитал рентабеллиги; хусусий капиталнинг рентабеллиги; соф активлар рентабеллиги; бозорнинг қўшимча баҳоси; соф ўрнатилган баҳо; қўшимча иқтисодий қиймат ва бошқалар.

Ахборот ресурслари, КАТни яратиш ва қўллаб-қувватлашда инвестиция, ахборот хавфсизлигига сарфланадиган харажатлар қиймати юқорида саналган баҳолаш кўрсаткичлари даражасига у ёки бу даражада таъсир қилади. Мазкур ишнинг олдинги бўлимларида олиб борилган тадқиқотлар ахборот хавфсизлигига сарфланадиган харажатлар ва уларни асослаб бериш, ахборот хавфсизлиги инвестициялари қийматини ҳисоблаш, шунингдек ахборот хавфсизлиги тизими фаолиятидан келадиган иқтисодий фойдани аниқлаш муаммоларини кўриб чиқиш зарурлигини тақозо қилади.

В.Исаев таъкидлайдики, компания пухталигини 4 даража бўйича баҳолаш мумкин[1]. Ахборот хавфсизлиги тизимини молиялаш ва таъминлашда ўша даражаларда бўлишни максадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз (11-жавдал). 2007 йилги ҳисоб-китобларга қараганда, текширилган компаниялар 10-жадвалда ифодаланган 4 даражага мувофиқ қуйидаги тартибда тақсимланган: 0-даража - 30%, 1-даража – 55%, 2-даража – 10%, 3-даража – 5%. Табақалаштиришнинг 2009 йилга башорати мос равишда қуйидагича: 20%, 35%, 30% ва 15%.

Аксарият хориж компанияларининг ахборот хавфсизлигини таъминлаш соҳасидаги пухталигига оид статистика шундай кўринишга эга. Энди бу ҳолат мамлакатимизда канчалик муаммоли эканини фараз қилсак бўлади. Гарчи, маълумотлар мавжуд бўлмаса-да, шу нарса аниккки, бу каби тадқиқотлар мамлакатимиз корхоналари мисолида деярли ўтказилмаган ёки муаммонинг фақат у ёки бу жиҳатини ифода этади.

Ахборот хавфсизлигини таъминлашда турли воситаларнинг самарадорлигини аниқлашга нисбатан ёндошувини қуйидагича асослаш мумкин (66-расм).

[1] http://computerlib.narod.ru



66-расм. Ахборот хавфсизлигини таъминлаш воситаларининг самарадорлиги ва қийматининг ўзаро нисбати[1]

28-жадвал

Ахборот хавфсизлигини таъминлаш бўйича компаниянинг пухталиги даражаси

Даража	Раҳбариятнинг муносабати	Маблағ билан таъминланиши	Фойдаланилаётган ахборот хавфсизлиги воситалари
0-даража	Эътиборсиз	Мавжуд эмас	Операцион тизим штатли воситалари, пароли муҳофазаланиш, ресурс ва сервислардан эркин фойдаланишнинг чекланганлиги
1-даража	Ахборот хавфсизлигини "техник муаммо" деб ҳисоблашади, ахборот хавфсизлиги сиёсати мавжуд эмас.	Умумий ахборот хавфсизлиги бюджети доирасида	0-даража воситалари + захиравий нусхалаш, вирусга қарши воситалар, тармоқлараро экранлаш, аньанавий муҳофазалаш воситалари
3-даража	Ахборот хавфсизлиги -корпоратив маданиятнинг таркибий қисми, ахборот хавфсизлигига жавобгар мутахассис тайинланган.	Алоҳида бюджет доирасида	2-даража воситалари + ахборот хавфсизлиги бошқарув тизими, ахборот хавфсизлиги бузилиши, ҳодисаларни пайқаш гуруҳи, хизмат даражаси бўйича битим мавжуд

[1] Deloitte & Touche нинг директори Стивен Росс материаллари асосида муаллифлар томонидан тайёрланди.

3.1.52-расмда тақдим этилган ахборот қуйидаги хулосаларни қилишга имкон беради:

- 1-туркумга энг қиммат ҳамда энг кам фойда берувчи ихтисослашган воситалар (хусусий ёки буюртма асосида ишланган) киради;

- 2-туркумга операцион тизим, муҳофаза қилишнинг штатли ва унинг анъанавий воситалари киради;

- энг қиммат саналган 4-туркум 2-иккинчи ва 3-даражаларга тегишли бўлган энг қиммат ва энг самарали муҳофаза воситаларидан иборат.

Табиийки, компания раҳбарияти томонидан ахборотни муҳофаза қилиш воситаларини танлаш, энг аввало, харажатлар кўламига, яъни молиявий омилга, тўғрироғи эса харажатларнинг тўғри ва ишончли асосларига боғлиқ бўлади. Ушбу востилар ёки хавф-хатарларни таҳлил қилиш натижаларига, ёки жойлардаги ҳодисалар бўйича йиғилган ва умумлаштирилган статистика маълумотларига асосланади.

Маълумки, тадқиқотимизнинг 2.2. бўлимида риск даражасини таҳлил қилганмиз. Статистикани тузишга келадиган бўлсак, у сермашаққат, кўп вақт ҳамда эътибор талаб қиладиган жараён бўлиб, кўпинча компанияларда бу иш билан машғул бўлишмайди. Аммо ахборот хавфсизлиги масалалари бўйича тегишли нашрларнинг барча муаллифлари, амалиётчи-мутахассислар ҳар доим вокеа-ҳодисалар статистикасини компаниялар раҳбарлари учун энг ишончли асослар сирасига киритишади.

Масалан, А.В.Лукацкий асосий муаммо — бу зарарнинг қийматини ҳисоблаб чиқиш, чунки ахборот хавфсизлигига қилинадиган харажатлар келтирилган зарарнинг ҳажми ёки муҳофаза қилинадиган объект қийматидан кам бўлиши керак деб таъкидлайди. А.В.Лукацкий зарар қийматини ҳисоблашнинг қуйидаги содда моделини таклиф қилади (29-жадвал).

29-жадвал

Зарар қийматини ҳисоблаш учун бошланғич маълумотлар

№ тр	Шартли белгилар	Номи	Ўлчов бирлиги
1	tп	Ҳужум окибатида бекор туришлар вақти	соат
2	tв	Ҳужумдан кейинги тикланиш вақти	соат
3	tви	Йўқотилган ахборотларни кайта киритиш вақти	соат
4	Zo	Хизмат кўрсатувчи ходимлар (маъмурлар ва ҳ.к) маоши	долл/ бир ойда

5	Zc	Ҳужумга учраган узел ёки сегмент ходимлари маоши	долл/ бир ойда
6	No	Хизмат кўрсатувчи ходимлар (маъмурлар ва ш.к.) сони	киши
7	Nc	Ҳужумга учраган узел ёки сегмент ходимлари сони	киши
8	O	Ҳужумга учраган узел ёки сегмент сотув ҳажми	долл/ бир йилда
9	Пзч	Жиҳозлар ёки эҳтиёт қисмларни алмаштириш нархи	долл
10	I	Ҳужумга учраган узел (узв) ёки сегментлари сони	бирлик
11	N	Бир йилдаги ҳужумлар сони	марта

Ҳужумга учраган узел ёки сегмент ходимлари иш унумдорлиги пасайишидан келган талофат қийматини қуйидаги формула орқали ҳисоблаш мумкин:

$$П_п = \frac{\sum Z_c}{N_c} * t_п \quad (2)$$

192

га тенг бўлади[1].

Ҳужумга учраган узел (узв) ёки сегмент иш қобилиятининг тикланиши баҳоси бир неча ташкил этувчилар (таркиб топтирувчилар)дан иборат:

$$П_в = П_{ви} + П_{пв} + П_{зч} \quad (3)$$

бу ерда

Пви – ахборотни қайта киритиш бахоси.

Ппв – узел (узв)ни тиклаш (тизимни қайта ўрнатиш, таркибий тузилма) баҳоси.

$$П_{ви} = \frac{\sum Z_c}{N_c} * t_{ви} \quad (4)$$

192

[1]Бу ерда 192-бир ой давомидаги иш соати миқдори(24 кун давомида 8 соатдан: 24x8=192 соат)

$$П_{пв} = \frac{\sum Z_o}{\frac{N_c}{192}} * t_в \quad (5)$$

Ҳужумга учраган узел ёки сегмент бекор туриши оқибатида йўқотилган фойда қуйидагини ташкил этади:

$$U = П_п + П_в + V \quad (6)$$

Бу ерда: V — узелининг хужумига учрашидан то қайта тиклангунга қадар хизматларни сотишдан йўқотган даромади.

$$V = \frac{o}{52 x 5 x 8}(t_п + t_в + t_{ви}) \quad (7)^1$$

Шундай қилиб, компания корпоратив тармоғининг сегменти ёки узелига уюштирилган ҳужумдан келган зарар қуйидагини ҳосил қилади:

$$O Y = \sum_{i}^{йил} U \quad (8)$$

А.В.Лукацкий таклиф қилган ҳисоблаш модели:

а) муайян корхонанинг шарт-шароитлари, б) муҳофаза объекти, в) юз бериши мумкин бўлган ҳодисалар учун бир хил изоҳланиши мумкин. Агар ўтган йилда йиғилган статистикага мослаб бу каби ҳисоблаш амалга ошириладиган бўлса, уларнинг натижалари компания раҳбарияти учун ахборот хавфсизлиги тизимини молиялаш масалаларини ҳал қилишда ишончли асос ҳамда харажатлар кўлами бўйича қандайдир мўлжал, тўғрироғи охирги ўлчов бўлиб хизмат қилиши шубҳасиздир.

Таъкидлаш керакки, компаниянинг ахборот хавфсизлиги учун сарфлайдиган харажатларини асослаб беришнинг ўзаро боғлиқ ҳамда моҳиятига кўра яхлит йиғиндиси, воқеа-ҳодисалардан етадиган зарарнинг қийматини ҳисоблаб бериш, молиявий маблағлар ва ахборот муҳофазаси бўйича тадбирларнинг самарадорлигини баҳолаш, ахборот хавфсизлиги тизими самарадорлигининг мезонлари ва кўрсаткичларини ифодалайдиган муаммолар ушбу мавзудаги тадқиқотларда муҳокама қилинади, аммо, айтиш мумкинки, ҳанузгача расмий методикалар, кўрсатмалар, норматив ҳужжатларда ўз ифодасини топган эмас[2].

[1]Бу ерда: 52-йил дваомидаги ҳафталар сони, 5-ҳафтаги иш кунлари, 8-бир кунлик иш соати; (52x5x8) – йиллик иш соати
[2]Хмелев Л. Оценка эффективности мер безопасности, закладываемых при проектировании электронно-информационных систем. Труды научно-технической конференции «Безопасность информационных технологий». Пенза, 2001

Албатта, ахборот хавфини назорат ва таҳлил қилиш учун алоҳида дастурлар мажмуи мавжудлигини эслатиш мақсадга мувофиқ. Улар ахборот бозорларида мавжуд бўлиб, йирик компаниялар томонидан қўлланилади. Ушбу маҳсулотларнинг ҳар бири ўз афзалликлари, шунингдек камчиликларига ҳам эга бўлиб, уларнинг энг асосийлари – лицензия олиш нархининг баландлиги, махсус ўқитилган малакали кадрларни талаб этиши билан изоҳланади.

Бизнингча, ахборот хавфсизлиги тизимининг иқтисодий самарасини баҳолашга доир мавжуд ёндошувларни кўриб чиқишдан олдин, бу борадаги иқтисодий терминларга эътиборимизни қаратишимиз керак. Биз бир қанча: самара, сарф-харажат, инвестиция каби терминлардан фойдаланамиз.

Самара — бу натижани англатади. Компания эса унга ахборот хавфсизлиги тизимини яратиш ва уни қўллаб-қувватлаш орқали эришади. Самара ҳам ижобий, ҳам салбий бўлиши мумкин. Ижобий самарага қуйидаги ҳолларда эришиш мумкин:

- нохуш ҳодисалардан етадиган зарар кийматининг ўтган даврларга нисбатан камлиги;
- ўтган даврдаги бюджет билан таққослаганда ахборот хавфсизлиги тизимига сарфланган харажатлар кўламини тежаш;
- муҳофазанинг янги воситалари жорий килинганда ходимнинг бўшатилиши эвазига маблағларни тежаш;
- ахборот соҳасида ишончли муҳофаза қилинган компания обрўсини мустаҳкамлаш ҳисобига мижозлар, ишбилармон ҳамкорлар, янги инвесторларни жалб қилиш.

Салбий самарага ҳам мазкур ҳолатларда эришилади. Аммо улар манфий белгили бўлиб, йўқотишлар, харажатлар, зарарлардан иборат бўлади.

Энди "инвестиция" иборасига мурожаат қиламиз. Иқтисодий луғатда ўрганилаётган тушунчанинг ягона изоҳи мавжуд эмас. Маълумки, "инвестиция" ибораси лотинча invest сўзидан келиб чиққан бўлиб, «қўймоқ, маблағ киритмоқ» маъносини англатади. Кенг маънода эса "қўймоқ" сўзи: "Келажакда катта маблағга эришиш учун бугун пулдан ажралмоқ" маъносини билдиради[1]. Бу жараён, одатда, вақт ва хавфга боғлик бўлади. Айрим ҳолларда вақт (масалан, давлат облигациялари учун), бошқа ҳолларда эса хавф муҳим омил бўлади. Бир қатор вазиятларда эса ҳар икки омил ҳам тўсатдан муҳим бўлиб қолади (масалан, оддий акциялар учун).

Мамлакатимиздаги ва хорижлик иқтисодчилар ўз тадқиқотларида ахборот соҳасига инвестиция қилиш муаммоларига кенг ўрин берганлар. Бу масалада П.Самуэлсон, Л.Ж.Гетман, Ж.Кейнс, П.Массе, У.Ф.Шарп, А.М.Марголин, В.Д.Миловидова А.Д.Шеремат, С.И.Шумилин, Т.С.Хачатуров ва бошқаларнинг ишлари қизиқарлидир. Инвестиция тамойилларининг ривожи Ўзбекистон АКТ соҳаси мисолида А.Н.Арипов, Х.А.Муҳитдинов, Т.К.Иминов, М.М.Махмудов каби ўзбек олим-мутахассисларнинг тадқиқотларидан ҳам ўрин олган.

[1]Шарп У.Ф., Аяександер Г.Дж., Бэйли Д.В. Инвестиции. М.: ИНФРА-М, 1997. С. 1

И.А.Бланк ва М.И.Книш инвестор жорий даврда истеъмол учун мўлжалланган маблағларини фойдаланмасдан инвестиция қилиши учун унинг бу риски учун мукофотлаш, келгуси даврдаги инфляциядан етадиган зарарлар ўрнини тўлдириши учун капиталининг ўсиши етарли бўлиши кераклигини таъкидлайдилар[1].

Инвестицияларнинг иқтисодий моҳиятини англаган ҳолда, биз компанияларнинг ахборот хавфсизлигига инвестициялари борасида фикр юритган муаллифларга қўшила олмаймиз. Бизнинг фикримизга кўра, улар "инвестиция", "харажат" каби тушунчаларни аралаштириб юбориб, улар ўртасидаги асосий фарқларни кўрсатишмайди. Иқтисодий нуқтаи назардан бу иккиси ўртасида етарлича муҳим бўлган тафовут мавжуд. Инвестициялардан фарқ қилган ҳолда харажатлар ўзида у ёки бу корхоналарни, айниқса ахборот хавфсизлиги тизимини яратиш ва молиялаштириш учун воситаларни етказиб беради.

Бу ерда гап сарфланган маблағларнинг даромадлилиги ва қайтарилиши ҳақида бораётганлиги йўқ. Тўғри, сарфланган харажатларнинг фойдаси ҳақида сўз очиш одатий ҳол. Аммо, шу нарса аниқки, самара ва фойда – бир-биридан фарқ қилувчи тушунчалардир. Фойда – қиймат ўсишининг шакли, ахборот хавфсизлигига сарафланадиган харажатлардан келадиган самара шаклларини эса биз юқорида ифодалаб бердик.

Шу аснода, кўриб чиқилган тушунчаларнинг иқтисодий мазмунидан келиб чиққан ҳолда, биз ахборот хавфсизлигига сарфланадиган харажатларни асослашни, баҳосини ва самарадорлигини ўрганамиз. А.Баутовнинг[2] фикрларига қўшилган ҳолда шунга аниқлик киритиш керакки, ахборотни муҳофаза қилиш лойиҳаларини ишлаб чиқиш, хавфсизликнинг зарурий элементларини сотиб олиш ва ахборотнинг эгаси учун муҳофаза тизимидан фойдаланишга кетадиган харажатлар номоддий иқтисодий зарардан бошқа нарса эмас.

Ушбу харажатларни амалга ошира туриб, фойдаланувчи махфийликнинг бузилганлиги сабаб келиб чиқадиган аксарият йўқотишлардан сақланишга ҳаракат қилади. Фойдали иқтисодий қарор ахборот хавфсизлигига сарфланадиган харажатларнинг энг кам зарурий миқдорини ҳисоблашга сабаб бўлади. Бу эса рухсат берилмаган ҳаракатлар пайтида энг кам молиявий зарарга олиб боради.

Мутахассислар турли услубларни таклиф этадилар. Уларнинг бир қанчаси бизнес бошқаруви тамойиллари сирасидан бўлиб, улар ҳақида мазкур бўлимнинг аввалида маълумот берган эдик. Шулар каторида, С.А. Петренко ва Е.М.Тереховаларнинг ахборот хавфсизлигига сарфланадиган харажатларни иқтисодий асослашда фойдаланиш мумкин бўлган тўққизта услубини келтириб ўтишни жоиз деб ҳисоблаймиз[3]. Уларга куйидагилар киради:

---

[1] Бланк И.А. Инвестиционный менеджмент. Киев, 1995. С.10; Книш М. И., Перекатов Б. А., Тютиков Ю. П. Стратегическое планирование инвестиционной деятельности. СПб., 1998.С.7.

[2] Баутов А.Н. Програмно-методическое обеспечение "Расчет рисков и вычесление оптимальных затрат на систему защиты информации от несанкционированных действий и сохранение конфиденциальности информационных ресурсов". М., 2001.

[3] С.А.Петренко, Е.М. Терехова. Оценка затрат на защиту информации // Защита информации. 2005, №, январь-февраль

- ахборотнинг амалий-таҳлилий услуби (AIE–Applied Information Economics);
- истеъмол индекси услуби (CI–Customer Index);
- қўшимча иқтисодий қиймат услуби (EVA – Economic Value Added);
- активлар портфелини бошқарув услуби (PM. – Portfolio Management);
- реал имкониятларни баҳолаш услуби (ROV – Real Option Valuation);
- ҳаётийлик даврини таҳлил этиш жараёнлар услуби (SLCA – System Life Cycle Analysis);
- мувозанатлашган кўрсаткичлар тизими (BSC – Balanced Scorecard);
- эгалик ҳукукининг умумий қиймати услуби (TCO – Total Cost of Ownership);
- функционал-қиймат таҳлили (ABC – Activity Based Costing).

Турли муаллифлар томонидан таклиф қилинган ахборот хавфсизлиги харажатларини баҳолаш ва уларни асослаб бериш тамойиллари, моделлари ва услубларини умумлаштириш шундан далолат берадики, ҳисоб-китоблар инвестицияларнинг даромадлилик кўрсаткичларини (ROI) ёки эгалик ҳукуқининг умумий қийматини (TCO) ўзига қамраб олиши лозим. Модомики, биз харажатлар устида тўхталар эканмиз, компаниянинг ахборот хавфсизлиги борасида қилган харажатларини асослаш учун TCOни энг мақбул услуб деб оламиз. АҚШдаги Gartner Group[1] компанияси томонидан ишлаб чиқилган TCO услуби қуйидаги мақсадларни амалга ошириш имконини беради:

- ахборотни муҳофаза қилишнинг корпоратив тизими ва унга эгалик қилиш ҳукуқининг умумий қиймати ҳамда тақсимловчи ҳисоблаш воситаларнинг муҳофаза қилинган даражаси ҳақида ишончли маълумот олиш;
- компаниянинг ахборот хавфсизлиги хизмати бўлинмалари ишини ўзаро ва шу соҳадаги бошқа турдош бўлинмалар билан қиёслаш ва таҳлил ўтказиш;
- TCO кўрсаткичининг ҳақиқий моҳиятини ҳисобга олган ҳолда, ахборот хавфсизлигига сарфланган харажатларнинг энг мақбул миқдорини аниқлаш.

8.3.2. Ахборот хавфсизлиги харажатларини ҳисоблаш ҳамда уларнинг самарадорлигини баҳолаш

Маълумки, Ўзбекистонда корхоналар ахборот хавфсизлиги масаласига кейинги йилларда алоҳида эътибор қаратилмоқда. Айниқса, хавфсизлик маълумотларининг махфийлигини сақлаш корпоратив сир билан тенглаштирилган. Шунинг учун ахборот хавфсизлигига сарфланадиган харажатларни аниқлаш ва уларнинг самарадорлигини баҳолашни тахминан 50 тача ишчи фаолият юритадиган йиллик обороти 148 млн. сўмни ташкил этувчи мамлакатимиздаги компаниянинг шартли бирликларда олинган кўрсаткичлари мисолида кўрсатиб берамиз. Дейлик, 30 та одам ишлайдиган станциялари ва 2 та сервери

[1] R.Witty, J.Dubiel, J.Girard, J.Graff, A.Hailawell ets. The Price of Information Security. Gartner Research. Strategic Analysis Report. K-11-6534, June, 2001.

мавжуд бўлган корпоратив компьютер тармоғи бор. Бу серверларнинг бири чекланган мухосиблар ва савдо-сотиқ бўйича менежерлар гуруҳи учун эркин фойдаланишга берилган. Ушбу серверда мухосиблик мажмуи ўрнатилган. Иккинчи сервер барча фойдаланувчилар учун очиқ бўлиб, катта ҳажмдаги маълумотларни ўзида мужассам қилган, яъни иш юритиш, шартномалар, хизмат ҳужжатлари (йиғилиш баённомалари), техник ҳужжатлар ва шу каби. Эркин фойдаланиш чегарасини белгилаш, паролларнинг мавжудлиги, захира килиб қўйиш учун нусха олиш, вирусга қарши ҳимоя ва бошқа тадбирлар администраторлар гуруҳи ҳамда ахборот технологиялари (АТ) бўйича муҳандислар томонидан уюштирилади. Барча турдаги тадбирлар содда даражада ташкил этилган. Агар бу мисолга 7-жадвалдаги дифференциаллашни қўллайдиган бўлсак, унда муҳофаза даражасини 1 га тенг, яъни паст деб ҳисоблаш мумкин.

Аввалги бўлимларда ахборот хавфсизлигини ошириш бўйича ишлаб чиқилган тадбирлар режасини ахборот хавфсизлиги бюджетини шакллантириш учун фойдаланамиз. Уларнинг асосий қисмлари қуйидагилар ҳисобланади:

- дастур таъминоти (ДТ)га сарфланадиган харажатлар;
- асбоб-ускуналар учун сарфланадиган харажаталар (аппарат таъминоти);
- операцион харажатлар;
- маъмурий харажатлар;
- бекор туриб қолган воситаларга етадиган зарарларни қоплаш учун сарфланадиган харажатлар.

Аппарат воситалари ва дастур таъминоти учун сарфланадиган харажатлар ўзида фойдаланувчилар учун компьютерлар, ташқи қурилмалар ва тармоқ қисмлари, серверларни сотиб олиш ва уларни таъминлаб туриш учун кетадиган харажаталарни қамраб олади.

Операцион харажатлар — бу ходим, бошқа ташкилотларнинг хизматлари (жумладан, дастур таъминотини техник қўллаб-қувватлаб туриш, асбоб-ускуналарга хизмат кўрсатиш), умуман ишлаб чиқарувчи компанияларнинг мехнати, бизнес-бўлинмалар ёки ахборот технологиялари бўлимлари томонидан компаниянинг барча ахборот тизимини ташкил этувчи инфратузилмани таъминлаш ҳамда техник қўллаб-қувватлаши учун тўланадиган харажатлардир.

Административ харажатлар — бу муҳофаза тизимини бошқаришга сарфланадиган харажатлар бўлиб, ташқи хуружларни аниқлаш тизими ва унинг аппарат-дастур таъминотини модернизация қилиш билан боғлиқ ходим хамда хавфсизлик администраторларининг ойлик маошини ўз ичига олади. Мазкур қисмга бошка ташкилотларнинг хавфсизлик ҳодисаларига нисбатан ўз муносабатини билдиришига оид хизматлари ҳам киради.

Бекор туриб қолган воситаларнинг зарари корпоратив ахборот тизимидаги техник нуқсонларнинг оқибатларини қоплаш учун харажат қилиш зарурлигини тақозо қилади.

Олиб борилган тадқиқотларнинг маълумотларига қараганда хориж корхоналарида ахборот технологияларига сарфланадиган харажатлар даражаси умумий савдо оборотининг[1] 0,5 %идан 2,0 %и ўртасида ўзгариб туради. Турли хил соҳалар турли даражада автоматлаштириш стратегиясини талаб қилганлиги боис харажатлар даражаси кўпинча ана шу автоматлаштириш даражасига ҳам боғлиқ бўлади.

Модомики, телекоммуникация корхоналари иши муайян даражада ахборот технологияларига боғлиқ бўлар экан, бу каби корхоналарда ахборот технологияларига сарфланадиган харажатлар даражаси, масалан, машинасозлик саноат корхоналарига қараганда бир мунча катта бўлади. Ахборот технологиялари соҳасидаги молиячи экспертлар ҳар бир корхонага ўзи учун муайян бенчмарк (benchmark – даража белгиси, эталон) танлаб олишни тавсия қилишади. Ушбу бенчмарк бирор соҳага мўлжалланган энг самарали ишловчи компаниялар кўрсаткичи бўлиб юзага чиқиши мумкин.

Биз кўриб чиқаётган корхона ахборот технологиялари ёрдамчи характерга эга эканлигини ва амалий ҳисоб-китоблар учун етарли даражада аниқлигини ҳисобга олган ҳолда унда ахборот технологияларига сарфланадиган харажатлар даражасининг ўртача қийматидан пастроғини, айнан — 0,8 фоизлигини қабул қиламиз. Шу аснода, ахборот технологияларининг йиллик бюджети 0,8 х 148,0 = 1,184 млн. сўмни ташкил қилади.

Ахборот технологияларига сарфланадиган харажатларнинг йиллик бюджетидан ахборот хавфсизлигига сарфланадиган харажатларга ўтадиган бўлсак, уларнинг ўзаро боғлиқлигини, яъни нисбатини билиб олиш керак бўлади. Махсус адабиётларда шундай манбалар учрайдики, уларда ахборот технологиялари бюджетидаги ахборот хавфсизлигига сарфланадиган харажатлар улуши турлича изоҳланади.

Масалан, 2007 йилда олиб борилган KPMG "Global Information Security Survey" мавзудаги тадқиқот ахборот технологиялари бюджетининг ўртача 10,1 фоизи ахборот хавфсизлигига сарф этилганлигини аниқлади (сонлар соҳалар бўйича ўзгариб туради: молия соҳасида – 11,6 фоизи, саноат ва савдода – 8,3 фоизи, коммуникация ва хизматлар соҳасида – 11,6 фоизи, давлат сектори ва инфратузилмада – 8,7 фоизи)[2].

Forrester компанияси тадқиқотларига биноан, хавфсизлик масаласи аввалгидек ахборот технологиялари менежерлари учун устувор бўлиб қолмоқда. Маълумотларга қараганда, Европа компаниялари худди Америка компаниялари сингари ўз ахборот технологиялари бюджетининг 7,9 фоизини ахборот хавфсизлигига сарф этган[3].

В. Минаев ва В. Карпичеваларнинг фикрларига кўра, ахборот хавфсизлиги тизимининг қиймати белгиланган суммадан, яъни қоида бўйича ахборот тизими қийматининг 20 %идан ошмаслиги керак[4].

---

[1]Стратегия компании в области информационных технологий//Финансовый директор, 2003, № 7 (июль).
[2]www.rbc.ru
[3]Волков Д. Части и целое//Открытие системы, 2004, № 10.
[4]Мианев В., Карпычев В. Экономические аспекты информационной безопасности//Вестник связи International, 2003, № 8.С.23.

А. Лукацкий Gartner Group маълумотларига таянган ҳолда ахборот тизимидан фойдаланиш учун сарфланадиган харажатлар умумий суммасининг 15-21 фоизини ахборот хавфсизлиги харажатлари учун ажратишни таклиф қилади.

Молия, банк институтлари, телекоммуникация компаниялари каби юқори технологияларга асосланган бизнес соҳаларида бу кўрсаткич янада юқори бўлиши мумкин. Уларда ахборот ресурслари кўринишидаги номоддий активлар капиталнинг аксарият қисмини ташкил қилади, шунинг учун бу соҳада ахборот хавфсизлигига сарфланадиган харажатлар ахборот технологиялари бюджетининг 30 фоизигача бўлиши мумкин.

Ахборот технологиялари бюджети доирасида ахборот хавфсизлигига сарфланадиган харажатларга доир хорижий мутахассислар томонидан амалга оширилган тадқикотларни кузатиш ва таҳлил қилиш асосида ахборот технологиялари харажатларининг ахборот хавфсизлигига сарфланадиган йиллик ҳаражатлар ҳажмининг 10 фоизи миқдоридаги улушини кейинги ҳисобкитоблар учун қабул қиламиз. Демак, биз ўрганаётган корхонада ахборот хавфсизлиги бюджети 0,1184 минг сўмга тенг бўлиши лозим.

Ахборот хавфсизлиги бюджети структурасини аниқлаш учун иккита усул мавжуд. Биринчи усулда бюджет қисмлари режасини бенчмарклар, статистик маълумотлари асосида тузиб чиқиш мумкин. Иккинчи усулда эса *ҳаражатларнинг ҳисобини режали тадбирларни амалга ошириш* бўйича сарфланган харажатларни тўғридан-тўғри ҳисоблаш орқали олиб бориш мумкин(30-жадвал).

Муаллифлар бюджетни лойиҳалаштиришнинг дастлабки босқичида бюджет режасини моддама-модда тузиш учун бенчмарклардан фойдаланишни кўзда тутувчи тегишли усулдан фойдаланишни тавсия қилади. Шундан сўнг ҳар бир қисмга тегишли сумма доирасида барча режали тадбирларнинг бажарилиши учун маблағларни тақсимлаб чиқиш керак (масалан, ДТга 17760 сўм ва ҳ.к.).

30-жадвал

Корхонанинг ахборот хавфсизлиги бюджетини шакллантириш

Режавий тадбирлар	Ахборот хавфсизлиги бюджети моддалари				
	ДТга Харажатлар	Аппарат таъминотига Харажатлар	Операцион Харажатлар	Маъмурий Харажатлар	Тўхтаб колиш билан боғлиқ харажатлар
1	2	3	4	5	6
Лицензияга эга ДТ дан фойдаланиш	2836	-	3000	-	-
Кадрлар танлаш;	-	-	9000	-	-

Кадрлар билан ишлаш.	1524	-	11300	-	500
Дастурий воситалар таркибини чеклаш.	-	-	360	-	-
АРС фойдаланувчилар сонини чеклаш.	-	-	870	-	-
Ишларга рухсат беришни регламентга солиш.	-	-	560	-	-
Глобал тармоқдаги ишлар ва уланишни регламентга солиш.	680	-	980	1250	450
Махфий ахборот ташувчилардан фойдаланиш ва уларни сақланишни ташкил этиш.	-	1420	640	282	500
Янгилаб туриладиган вирусга қарши ДТдан фойдаланиш.	2640	-	1200	3000	-
Иденфикациялаш.	584	-	400	3400	-
Паролнинг мавжудлиги.	521	-	550	5200	-
Эркин фойдаланишни чекланганлиги.	-	-	160	4600	950
Масофавий қурилмалар (принтерлар, дисковод, сканерлар)дан фойдаланишни чеклаш.	-	-	420	-	-
Ҳодисалар рўйхатга олинган журналлар тахлили.	833	-	1000	6500	-
Фойдаланувчилар хатти-ҳаракатини назорат қилиш.	-	-	5000	4100	2040
Бутунликни назорат қилиш усул ва воситаларидан фойдаланиш.	1240	-	-	1300	-
Махфий ахборотларни шифрлаш.	945	-	1500	-	700
АРС аудити ва олисдан бошқарув.	537	3096	1000	1600	-
Тармоқлараро экранлаштириш.	1580	-	-	3500	-
Захиравий нусхалаш.	-	120	600	-	464
Узлуксиз таъминот воситаларидан фойдаланиш.	-	4836	-	-	1500
Ахборот ресурсларига ҳужумни аниқлаш воситаларидан фойдаланиш	2590	-	-	3500	-
Критик янгилашни ўрнатиш ва ОТ (ОТ) хавсизлик тизимини янгилаш	1250	-	1452	3840	-
ЖАМИ:	**17760**	**9472**	**44992**	**39072**	**7104**

Ахборот хавфсизлиги бюджетини шакллантириш ва унинг узвийлигини амалга оширишни таъминлашда, бизнинг корхонамизда иккита сервери бор бўлган компьютер тармоғи фаолият юритаётганлигига, серверлар ва ишлаб турган станцияларда дастур таъминотининг асосий офис пакетлари, шунингдек, конструкторлар бўлимидаги компьютерларда хавфсизлик воситаларининг ўрнатилганлигига эътиборга оламиз. Шу аснода, аппарат таъминотига

сарфланадиган харажатлар минимал даражада, яъни ахборот технологиялари бюджетдан компьютер мажмуасининг кўпи билан 10-15 фоизини қайта янгилашга бўлган эҳтиёж даражасида бўлади. Корхона етарлича узлуксиз қувват етказиб бериш манбаларига эга эмас, лицензияланган дастурий таъминотининг танқислиги сезилади.

118,4 минг сўмлик ахборот хавфсизлиги бюджетини моддама-модда тақсимлашда ахборот технологиялари бюджети таркиби ҳақидаги ахборот технологиялари бўйича консултант С.Пулатовнинг маълумотларидан фойдаланамиз[1].

Корхонанинг ахборот тизимини ишлатишга сарфланадиган харажатлар таркибида операцион харажатлар 48 фоиз, административ харажатлар 46 фоиз ва ишлашдан тўхтаган асбоб-ускуналарнинг бекор ётиши, операторларнинг хатоси билан боғлиқ харажатлар 6 фоизга тенгдир. Дастур таъминоти ва асбоб-ускуналар сотиб олинадиган капитал маблағлар барча ахборот технологиялари харажатларининг 60 фоизгачасини ташкил этади.

Корхонамизнинг ўзига хослигини ҳисобга олган ҳолда қисмлар бўйича ахборот хавфсизлиги бюджетининг қуйидаги режасини қабул қиламиз:

Дастур таъминотига сарфланадиган харажатлар - 17 760

Асбоб-ускуналарга сарфланадиган харажатлар - 9 472

Операцион харажатлар - 44 992

Административ харажатлар - 39 072

Бекор туриб қолган нарсаларга сарфланадиган харажатлар - 7 104

118 400

Келтирилган суммаларни 12-жадвалга жойлаштирамиз ва уларни аппарат-дастур таъминоти бозори, ахборот хизматлари бозорининг махсус билимларига таяниб, соғлом фикр юритган ҳолда режали тадбирлар ўртасида тақсимлаб чиқамиз. Амалиётда бюджет жараёнининг мазкур босқичи компаниянинг барча бўлинмалари вакилларини ўз ичига олган бюджет комитети томонидан амалга оширилиши керак.

Шундай қилиб, бюджетни шакллантириш босқичини тугатгач, ахборот хавфсизлиги учун режалаштирилган харажатларнинг иқтисодий самарасини аниқлашга ўтамиз.

Тадқиқотимизнинг аввалги қисмларида ахборот хавфсизлигига сарфланадиган харажатларни баҳолашнинг усулларини таҳлил қилиш ва уларнинг самарасини аниқлаш усулларига эътибор қаратилган. Ҳақиқатан, олимлар ва амалиётчилар ахборот хавфсизлиги бўйича тадбирларнинг иқтисодий самарасини ҳисоблаш масаласида фаол баҳслашишади. Уларнинг усуллари мураккаб ҳисоб-китобларга таянади ва йирик корхоналар учун мақбул келади. Биз таҳлил этаётган ўрта ҳажмдаги корхона учун бундай ўта аниқлик зарур эмас, деб ҳисоблаймиз.

[1] «Информацион-психологик хавфсизликни таъминлаш вазифалари ва муаммолари» мавзуидаги семинар тренинг материаллари.

Шунинг учун муаллифлар ахборот хавфсизлигига сарфланадиган харажатларнинг мақбуллиги ва иқтисодий самарадорлигини аниқлаш учун қуйидаги оддий усулни таклиф қилади. Қабул қилинган барча хавфсизлик чоралари ахборот хавфсизлигининг рўй берган хавф-хатарлари ва улардан етган ўртача зарарларни тегишли миқдоргача камайтириш учун зарур эканлигидан келиб чиқилса, ахборот хавфсизлиги даражасини кўтаришга қаратилган тадбирларни амалга ошириш орқали эришилган иқтисодий самарани қуйидаги ибора орқали аниқлаш мумкин:

Самара = Тежаш - АХга сарфланадиган ҳаражатлар, (9)

АХга сарфланадиган харажатлар = 118,4 минг сўм бўлиб, бу 12-жавдалда *ифодаланган ахборот хавфсизлиги бюджетидир;*

Тежаш – бу қолган умумий хавф-хатарларнинг озайиши ҳисобига иқтисодий зарарнинг камайишидир:

$$Тежаш = Y\ x\ (1 - \frac{\sum_{t=1}^{56} A\ L\ E_{ni}}{\sum_{i=1}^{56} A\ L\ E_{i}}) \quad (10)$$

Бу ерда: $\sum_{t=1}^{56} A\ L\ E_{ni}$ ва $\sum_{i=1}^{56} A\ L\ E_{i}$ мос равишда 10-жадвалда келтирилган дастлабки ва қолдиқ рискларнинг йиғиндиси бўлиб, уларнинг умумий миқдори 4743 ва 4011баллга[1];

Y – хавфнинг рўй бериши эҳтимоли туфайли етиши мумкин бўлган зарар миқдори, минг сўм.

(10) ва (9) формулаларга миқдорий кийматларни қўйгандан сўнг, қуйидагига эришамиз:

$$Самара = Y\ x(1 - \frac{4011}{4743}) - 118.4 = Y * 0.15 - 118.4 \quad (9*)$$

Тадқиқотимизни аввалги қисмларида кўриб чиқилган хавф-хатарлар мажмуидан етган "Y"ни, яъни хавфлардан келадиган зарар миқдорини тўғри ҳисоблаш бир қанча мураккабликларни келтириб чиқаради.

Рўй бериши мумкин бўлган зарарнинг ўлчамини ўз вақтида ҳисобга олиш алоҳида аҳамиятга эга. Ушбу зиён статистик, экспертли ёки ҳисоблаш- таҳлил усуллари орқали аниқланиши мумкин[2].

---

[1] Тадқиқотларнинг 9-жадвалидаги дастлабки ва қолдик рисклар кўшиб чикилгандан кейин хосил бўлган миқдорлар.

[2] Панкратьев В.В. Корпоративная безопасность. Методическое пособие по спецкурсу. М., 2005. С. 177.

Статистик усул хусусий компанияда у ёки бу кўринишдаги кутилмаган йўқотишларнинг пайдо бўлишнинг такрорланишини, турдош корхоналардаги *йўқотишлар статистикасини, йўқотишлар миқдорини* ва бошқа омилларни таҳлил қилиш имконини беради. Етарлича маълумотлар мавжуд бўлганда хатар даражасини прогноз қилиш, йўқотишларнинг пайдо бўлиш тезлигини аниқлаш ва бошқа турдаги ишларни амалга ошириш мумкин. Шу билан бирга, қарор қабул қилинаётганда йўқотишлар сонини хавф самарали натижаларга олиб келган ва фойда берган вазиятлар сони билан қиёслаш, зарар ҳажмини эса қўшимча олинадиган даромад билан таққослаш керак.

Экспертли баҳолаш усули мутахассисларнинг бошқарув, маркетинг, молия ва бошқа соҳалардаги тажрибаси, билими ва ҳисоб-китобини ўрганиш, қиёслаш ҳамда фойдаланиш асосида хавф даражасини тасаввур қилиш имконини беради.

Ҳисоблаш-таҳлил қилиш усули эҳтимолли йўқотишларнинг пайдо бўлиш графигини тузиш учун эҳтимоллар назарияси, тренинглар назарияси, амалий математик баҳолаш ва бошқа усуллардан фойдаланишга асосланади. Ушбу усул ишлаб чиқариш корхоналарида ўта самаралидир, чунки ундаги аниқ ўлчамлар асбоб-ускуналарнинг туриб қолиши, иш вақтининг йўқотилиши, яроқсиз нарсалар фоизининг кўпайиши, меҳнат унумдорлигининг пасайиши ва шу каби параметрларга асосланади.

Бизнинг тадқиқотлар олиб бораётган корхонамиз ва қўллаётган услубиётимиз учун кўпроқ статистик усул тўғри келади. Ҳақиқатан, сўнгги уч йилда "Орзутеххизмат" корхонасидаги рўй берган ахборот хавфсизлигининг бузилишидан етган зарарларни статистик таҳлил қилиш шуни кўрсатадики, йиллик ўртача реал зарар Y=1,0 млн.сўмни ташкил қилади.

Шу аснода унинг каттагина улуши кадрлар бўлимининг хатоси, ходим устидан ҳақиқий назоратнинг йўқлиги, ходимнинг ўсишидаги нуксонлар, яъни самарасиз менежмент билан боғлиқдир.

Юқоридаги (9*) формулага Y=1000 минг сўмни қўйиб, 31,6 минг сўмга тенг бўлган иқтисодий самара қийматига эга бўламиз.

Аввал тақдим қилинган (9) формуладан фойдаланган ҳолда, ахборот хавфсизлигига пул маблағларини сарфлашнинг мақсадга мувофиқлигини тушунарли ва содда мезон асосида танлаб олишимиз мумкин. Яъни:

$$Y \; x \; (1 - \frac{Риск_{колдик}}{Риск_{дастлаб}} - АХга \;\; харажатлар \geq = 0 \;\; (11)$$

Бошқача қилиб айтганда, ахборот хавфсизлигига сарфланадиган харажатларнинг мақсадга мувофиқлиги (11) тенгсизлик билан асосланади. Яъни (9) формула бўйича ҳисобланган иқтисодий самаранинг салбий бўлмаган ҳолати ахборот хавфсизлиги харажатларини асословчи бош мезондир.

Келтирилган (9*) формулани имкон қадар ахборот хавфсизлиги харажатларининг мақбул ҳажмини аниқлаш нуқтаи назаридан таҳлил қилиб, (9*) қуйидаги ифодага ўзгартириш мумкин:

$$A\ X\ г\ а\ \ харажатлар\ \ Y\ x\ 0.15 = 1000x\ 0.15 = 150\ минг сум \quad (12)$$

Яъни, «Орзутеххизмат» корхонаси учун ахборот хавфсизлигига қилинган 150 минг сўмгача ҳажмдаги ҳаражатларни иқтисодий жиҳатдан ўзини оқлаган деб, ҳисоблаш мумкин.

Олиб борилган тадқиқотлар ахборот хавфсизлигига сарфланган харажатларнинг иқтисодий самарадорлигини ҳисоблаш услубиётини ишлаб чиқишга имкон берди.

Агар фақат «тежадинг демак даромад қилдинг» тамойили нуқтаи назаридан қаралса, ахборот хавфсизлигига сарф-харажатлар бўйича(11) тенгсизликнинг бажарилишини ўзи хавфсизлик тадбирларининг даромадлигини кўрсатади.

Аммо, фикримизча бу асосий мақсад эмас. Ахборот хавфсизлигини моҳиятлаштириш, аввало, асосий ишлаб чиқариш ва бизнес фаолиятининг узлуксиз ишлашини таъминлайди ҳамда ишлаб чиқаришдаги йўқотишларни камайтиришга хизмат қилади.

Албатта, ушбу жараёнда яна хавфсизлик харажатларини камайтиришга эришилса, бу қўшимча даромад манбаи бўлиб, корхонани ривожланишига хизмат қилади.

Ахборот хавфсизлиги учун харажатлар — бугунги куннинг қочиб қутулиб бўлмайдиган ҳолатидир, буни ҳар бир корхона ва ташкилот раҳбари яхши англаб олиши лозим. Ахборот тизимларидаги узилишлар ва хавфсизлик билан боғлиқ рисклар қанчалик кам бўлса, корхона иқтисодиёти шунчалик соғлом бўлади ва бу миллий иқтисодиётга ҳам ўз таъсирини ўтказади.

Шунинг учун ахборот хавфсизлигига кам харажат қилиб корхонада «даромад» яратиш мақсадга мувофиқ эмас[1], аксинча, хавфсизликка «оқилона харажат қилиш» орқали, келгусида руй бериши мумкин бўлган аниқ хавфларни бартараф этиш лозим. Ушбу тадқиқотимиз якунлари бўйича келтирилган хулоса ва таклифларимиз бу фикрни тўғрилигини тасдиқлайди.

[1]«Хасис икки марта тўлайди» - ўзбек халқ маколи (муаллифлар)

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

I. Қонунлар, ҳуқуқий ва сиёсий ҳужжатлар

1. Ўзбекистон Республикасининг «Ахборотлаштириш тўғрисида»ги қонуни, 2003 й.

2. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. -Т.: Ўзбекистон, 2008.

3. Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Президент Фармонлари ва қарорлари, Вазирлар Маҳкамаси қарорлари ва бошқа идоравий меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар.

4. Ўзбекистон Республикаси «Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида»ги Қонуни 12.12.2002 й. N 439-II.

5. «Частота спектридан фойдаланиш, теле-радиодастурларни шакллантириш ва тарқатиш ҳамда маълумотлар узатиш самарадорлигини ошириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўгрисида»ги 1998 йил 10 июлдаги 293-сон Вазирлар Маҳкамасининг қарори.

6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ахборотлаштириш соҳасида норматив-ҳуқуқий базани такомиллаштириш тўғрисида»ги қарори 22.11.2005 й. N 256

7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Идоралараро ахборот-компьютер тармоғини ташкил этиш тўгрисида»ги қарори. 10.04.1998 й. N 150

8. Вазирлар Маҳкамасининг «Ахборотнинг криптографик ҳимоя воситаларини лойиҳалаштириш, тайёрлаш, ишлаб чиқариш, реализация қилиш, таъмирлаш ва улардан фойдаланиш фаолиятини лицензиялаш тўғрисида»ги низом 2007 йил 21 ноябрдаги 242-сон қарорига илова.

9. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ахборотнинг криптографик ҳимоя воситаларини лойиҳалаштириш, тайёрлаш, ишлаб чиқариш, реализация қилиш, таъмирлаш ва улардан фойдаланиш фаолиятини лицензиялаш тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» қарори 21.11.2007 й. N 242

10. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Давлат ва хўжалик бошқаруви, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда юридик ва жисмоний шахслар билан ўзаро ҳамкорлиғини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўгрисида»ги қарори 23.08.2007 й. N 181

11. Ўзбекистон Республикасининг Қонуни «Электрон тижорат тўғрисида»ги 29.04.2004 й. N 613-II

12. Ўзбекистон Республикасининг Қонуни «Электрон ҳужжат айланиши тўғрисида»ги 29.04.2004 й. N 611-II

13. Ўзбекистон Республикасининг Қонуни «Электрон рақамли имзо тўғрисида»ги 11.12.2003 й. N 562-II

14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасида ахборотни криптографик муҳофаза қилишни ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори 03.04.2007 й. N ПҚ-614

15. Ўзбекистон Республикаси «Автоматлаштирилган банк тизимида ахборотни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Қонуни 04.04.2006 й. N ЎРҚ-30

16. Ўзбекистон Республикаси Давлат Мулки Қўмитасининг «Биржа савдолари электрон тизимларига қўйиладиган умумий талаблар тўғрисида»ги низом 2006 йил 13 июлдаги 01/20-ф-к-сон қарорига илова.

17. Ўзбекистон Республикасининг «Алоқа тўғрисида»ги Қонуни 13.01.1992 й. N 512-XII

18. Вазирлар Маҳкамасининг «Давлат органларининг ахборот тизимларини яратиш тартиби тўғрисида»ги низом 2005 йил 22 ноябрдаги 256-сон қарорига 2-илова

19. Вазирлар Маҳкамасининг «Алоқа соҳасидаги меъёрий ҳужжатлар, давлат ва тармоқ стандартлари талабларини, кўрсатилаётган хизматлар сифатини бузганлик учун молиявий санкцияларни ҳисоблаш тартиби» 2000 йил 14 августдаги 318-сон қарорига 2-илова

20. Ўзбекистон Республикасининг «Давлат сирларини сақлаш тўгрисида»ги Қонуни 07.05.1993 й. N 848-XII

21. Ўзбекистон Республикасининг « Фукаролик Кодекси».

22. «Компьютерлаштиришни янада ривожлантириш ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2002 йил 6 июндаги 200-сон Вазирлар Маҳкамасининг қарори.

23. «2001-2005 йилларда компьютер ва ахборот технологияларини ривожлантириш, «Интернет» ахборот тизимларига кенг кириб боришни таъминлаш дастурини ишлаб чиқишни ташкил этиш чора-тадбирлари тўгрисида»ги 2001 йил 23 майдаги 230-сон Вазирлар Маҳкамасининг қарори.

24. "Телекоммуникациялар тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикасининг қонуни.

25. «Товар бозорларида монополистик фаолиятни чеклаш ва рақобат тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунини амалга ошириш чора-тадбирлари тўгрисида»ги 1997 йил 31 мартдаги 165-сон Вазирлар Маҳкамасининг қарори.

26. «Телекоммуникациялар ва почта алоқаси соҳасида бошқарув тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2000 йил 27 ноябрдаги 458-сон Вазирлар Маҳкамасининг қарори.

27. Ўзбекистон Республикасининг «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўгрисида»ги қонуни. Ўзбекистон нинг янги қонунлари. Т.: «Адолат», 1996 й.

28. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Компьютерлаштиришни янада ривожлантириш ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш тўғрисида»ги 2002 йил 30 майдаги Фармони.

29. Каримов И.А. Ўзбекистан иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида. Т.: "Ўзбекистон", 1995 й.

30. Каримов И.А. «Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз». Т.: «Ўзбекистон», 2001й.

31. Каримов И.А. Эришган марраларимизни мустаҳкамлаб, ислоҳотлар йўлидан изчил бориш – асосий вазифамиз. - Т.: «Халқ сўзи», 10.02.2004.

32. Каримов И.А. «Бизнинг бош мақсадимиз–жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир». Т.: «Ўзбекистон «, 2005 й.

33. Каримов И.А. «Янги ҳаётни эскича қараш ва ёндошувлар билан қуриб бўлмайди». Т.: «Ўзбекистон «, 2005 й.

34. Каримов И.А.«Юксак маънавият — енгилмас куч». «Маънавият» нашриёти Т.:2008, 115 б.

35. Каримов И.А. Асосий вазифамиз ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. //Халқ сўзи, 30.01.2010.

36. Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. -Т.:Ўзбекистон, 2009й.

37. Каримов И.А. Мамлакатимизни модернизация қилиш ва янгилашни изчил давом эттириш — давр талаби. «Халқ сўзи», 14 февраль 2009 й.

38. Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. – Т.: Ўзбекистон, 2009, 4-б.

39. Каримов И.А. Мамлакатимизни модернизация қилиш йўлини изчил давом эттириш – тараққиётимизнинг муҳим омилидир. Президент И.Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 18 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси // 2010 йил 7 декабр: Ўзбекистон, 2010 йил 32 б.

40. Каримов И.А. Мамлакатимизни демократик ислоҳотларини янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузаси "Халқ сўзи" газетаси 2010 йил 13 ноябр.

41. Абдукаримов И.Т. Менежерларга корхона ликвидлилиги ва тўлов кобилияти ҳакида // Бозор, пул ва кредит. –1999. №5.

42. Алексеев И.Ю. Возникновение идеологии информационного общества. - М.: «Мысль», 2005.

43. Мамлакатимизни модернизация қилиш ва янгилашни изчил давом эттириш – давр талаби. Президент Ислом Каримовнинг 2008 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2009 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига

бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаси // Халқ сўзи, 2009 йил 14 февраль.

44. Арипов А.Н., Х.М.Мирзоҳидов ва бошқ. Ахборот-коммуникация технологиялари изоҳли луғати. – Т.: «Рақамли ривожланиш дастури», 2004.

45. Арипов ва бошқ. Ўзбекистон ахборот-оммуникация технологиялари соҳаси менежменти масалалари. – Т.: «Fan ve tehnologiya», 2005. 300-б

46. Арскип Ю.М. Информационный рынок в России / Ю.М. Арский, Р.С. Гиляревский, В.С. Егоров и др. - М.: ВИНИТИ, 1996. - 293 с.

47. Афонина СВ. Электронные деньги / СВ. Афонина. — СПб.: Пи¬тер, 2001. - 128 с.

48. Алексеева И.Ю., Авчаров И.В., Вотрнн Д.С. , Стрельцов А.А. и др. Информационные вызовы национальной и международной безопасности. Под общей ред. А.В. Федорова и В Л. Цыгичко. М.: ПИР-Центр, 2001.

49. Анализ типовых нарушений безопасности в сетях / Норткан С, Купер М., Фирноу М. и др. [Пер. с англ. под ред. А.А. Чекаткова]. М.: Вильяме, 2001.

50. Анин Б.Л.О. Защита компьютерной информации. СПб.: BHV-Санкт-Петербург, 2000.

51. Аскеров Т.М. Защита информации и информационная безопасность. Учеб. пособие. Под ред. К.И. Курбакова. М.: Рос.экон.акад., 2001.

52. А.Ўлмасов, М.Шарифхўжаев. Иқтисодиёт назарияси. – Т.: «Меҳнат», 1995.

53. Балабанов И.Т. Электронная коммерция / ИХ Балабанов, — СПб.: Питер, 2001. - 336 с.

54. Бабаш А.В. Криптография: Учеб. пособие. / Бабаш А.В., Шанкин Г.П.: СОЛОН-Р, 2002.

55. Байбурип В.Б., Бровкова М.Б., Пластун ИЛ. и др. Введение в защиту информации. Учеб. пособие. М.: ФОРУМ-ИНФРА-М, 2004.

56. Баутов А.Н. Программно-методическое обеспечение «Расчет рисков и вычисление оптимальных затрат на систему защиты информации от несанкционированных действий и сохранение конфиденциальности информационных ресурсов». ML, 2001.

57. Баяндин Н.И. Технологии безопасности бизнеса. М.: Юристъ, 2002.

58. Белл Д. Социальные рамки информационного общества. Новая технократическая волна на Западе.- М.: «Наука», 2004.

59. Бланк И.А. Основы финансового менеджента. – К.: Ника-центр, 2000 г., Т. 2.

60. Брейли Р., Майерс С. Принципы корпоративных финансов.-М.: «Финансы», 2004.

61. Беззубцев О.Л. Лицензирование и сертификация в области защиты информации: Учеб. пособие / Беззубцев О.А., Ковалев А.Н. М., 1996.

62. Бланк И.А. Инвестиционный менеджмент. Киев, 1995.

63. Бочаров В.В. Финансово-кредитные методы регулирования рынка инвестиций. М, 1993.

64. Буянов В.П., Кирсанов КЛ., Михайлов Я.Л. Управление рисками (рискология). М.: Экзамен, 2002.

65. Васильев А.И. Система национальной безопасности РФ (конституционно-правовой анализ).//Автореферат диссертации на соискание ученой степени доктора экономических наук. Санкт-Петербургский Университет МВД РФ. СПб., 1999.

66. Волоткин А.В., Маношкин А.П. Информационная безопасность. М.: НТЦ «ФИОРД-ИНФО», 2002.

67. Волжин И.О., Эргашбоев В.В. «Молиявий таҳлил».-Т.: «Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси» нашриёт уйи, 1998.

68. Галатенко В.А. Интернет-университет информационных технологий - ИНТУИТ.ру.

69. Галатенко В.А. Информационная безопасность: практический подход / Под ред. Бетелина В.Е.; Рос. акад. наук. НИИ систем, исслед. М.: Наука, 1998.

70. Гаценко О.Ю. Защита информации. Основы организационного управле¬ния. СПб.: Изд. Дом «Сентябрь», 2001.

71. Голиусов А.А., Дубровин А.С., Лавлинский В.А. и др. Методические основы проектирования программных систем защиты информации. Воронеж: ВИРЭ, 2002.

72. Дубровин А.С., Макаров О.Ю., Рогозин Е.А. и др. Методы и средства автоматизированного управления подсистемой контроля целостности в системах защиты информации. Монография. Воронеж: Воронежский гос. ун-т, 2003.

73. Завгородний В.И. Комплексная защита информаиии в компьютерных системах: Учеб. пособие для вузов. М.: Логос, 2001.

74. Зегжда Д.П. Основы безопасности информационных систем / Зегжда Д.П., Ивашко А.М. М.: Горячая линия-Телеком, 2000.

75. Иброҳимов А. Т. Молиявий таҳлил.- Тошкент: «Меҳнат», 1995.

76. Информационное общество. Информационные войны. Информационное управление. Информационная безопасность. СПб.: СПб ун-т, 1999.

77. Кирсанов К.А. Информационная безопасность: Учеб. пособие / Кирсанов К.А., Малявина А.В., Попов Н.В. М.: МАЭП, 2000.

78. Кныш М.И., Перекатов Б.А., Тютиков Ю.П. Стратегическое планирование инвестиционной деятельности. СПб., 1998.

79. Конеев И.Р., Беляев А.В. Информационная безопасность предприятия. С-Пб.: «БХВ-Петербург», 2003.

80. Копылов В.А. Информационное право. Учебник. М., Юристь, 2002.

81. Левин М. Хакинг и фрикинг: Методы, атаки, секреты, взлом и защита. М.: Оверлей, 2000.

82. Липсиц И.В., Коссов В.В. Инвестиционный проект. М., 1996.

83. Ловцов Д.А. Информационная безопасность больших эргатических систем: концептуальные аспекты. М,,, 1998.

84. Лопатин В.Н. Информационная безопасность России: Человек. Общество. Государство. СПб.: Фонд «Университет», 2000.

85. Лукацкий А.В. Краткий толковый словарь по информационной безопасности. М., 2000.

86. Лукацкий А.В. Обнаружение атак: Практ. руководство. СПб.: БХВ-Петербург, 2001.

87. Малюк АЛ. Информационная безопасность: концептуальные и методологические основы защиты информации. М.: Горячая линия - Телеком, 2004.

88. Маликов Т.С. Молиявий қарор қабул қилиш асослари.-Т.: «Шарқ», 1996.

89. Мельников В.П., Клейменов С.А., Петраков А.М. М.: «Академия», 2005.

90. Олимжонов О.О., Маликов Т.С. Молиявий менежмент.-Т.: "Академия", 1999.

91. Панкратьев В.В. Корпоративная безопасность. Методическое пособие по спецкурсу. М., 2005.

92. Партыка Т.Л., Попов И.И. Информационная безопасность. М.: ИД «Форум», 2002.

93. Пардаев М.К., Исроилов Б.И. Молиявий таҳлил. Тошкент, 1999 й.

94. Петраков А.В. Основы практической защиты информации. М.: Радио и связь, 2000.

95. Петровский А.И. Хакинг, крэкинг и фрикинг: Секреты, описания атак, взлом и защита. М.: Солон-Р, 2001.

96. Почепцов Г.Г. Информационные войны. М.: «Рефл-бук», 2001.

97. Приходько А.Я. Информационная безопасность в событиях и фактах. М: Синтег, 2001.

98. Проскурин В.Г. Защита в операционных системах: Програм. аппарат. средства обеспечения информ. безопасности: Учеб. пособие / Проскурин В.Г., Крутов СВ., Мацкевич И.В. М.: Радио и связь, 2000.

99. Пярин ВЛ., Кузьмин А.С. , Смирнов СИ. Безопасность электронного бизнеса. М: Гелиос-АРВ, 2002.

100. Романец Ю.В. Защита информации в компьютерных системах и сетях /Романец Ю.В., Тимофеев П.А., Шаньгин В.Ф. - 2-е изд., перераб. н доп. М.: Радио и связь, 2001.

101. Садердинов А. Л., Трайнев В.А, Федулов А.А. Информационная безопасность предприятия, М.: «Дашков и К», 2004.

102.Семкин С.Н. Основы информационной безопасности объектов обработки информации: Науч.-практ. пособие / Семкин С.Н., Семкин А.Н. М., 2000.

103. Скембрей Д. Секреты хакеров. Безопасность сетей - готовые решения: Пер. с англ. / Скембрей Д., Мак-Клар С, Курц Д. - 2-е изд. М.: Вильяме, 2001.

104. Соколов А.В. Методы информационной защиты объектов и компьютерных сетей / Соколов А.В., Степанюк О.М. СПб.: Полигон; М.: АСТ, 2000.

105. Стрельцов А.А. Обеспечение информационной безопасности России. Под. ред. В.А. Садовничего и В.Л. Шерстюка М.: МЦНМО, 2002.

106. Теоретические основы информатики и информационная безопасность. Под. ред. В.А. Минаева, В.Н. Саблина. М.: Радио и связь, 2000.

107. Технические методы и средства защиты информации / Максимов Ю.Н.. Сонников В.Г., Петров В.Г. и др. СПб: Полигон, 2000.

108. Торокин А.А. Инженерно-техническая защита информации: Учебное пособие. М.: Гелиос АРВ, 2005.

109. Хайдаров Н.Х. Давлат молиясини бошқариш. – Т.: «Академия», 2005. 128-б.

110. Хайдаров Н.Х. Солиқлар ва солиққа тортиш масалалари. – Т.: «Академия», 2007. 256-б

111. Устинов Г.Н. Основы информационной безопасности систем и сетей передачи данных. М.: Синтег, 2000.

112. Уфимцев Ю.С., Ерофеев Е.А. Информационная безопасность России. М, Экзамен, 2003.

113. Шарп У.Ф., Александер Г.Дж., Бэйли Д.В. Инвестиции. М.: ИИФРА-М, 1997.

114. Шумский А.А., Шелупанов А.А.. Системный анализ в защите информации: Учебное пособие. М.: Гелиос АРВ, 2005.

115. Щербаков АЛО. Введение в теорию и практику компьютерной безопасности. М.: Молгачева, 2001.

116. Ярочкин В.И. Безопасность информационных систем / Попеч. совет правоохран. органов. М.: Ось-89, 1996.

117. Ярочкин В.И. Информационная безопасность. Учебник для вузов. М, Фонд «Мир», 2003.

118. Ғозибеков Д.. ва бошқ. Лизинг муносабатлари назарияси ва амалиёти. Т.: «Fan va texnologia» - 2004 й.

119. Воҳидов М.М. Ўзбекистон акциядорлик жамиятларида корпоратив бошқарув тизимининг ҳуқуқий муаммолари ва такомиллаштириш йўллари: ю.ф.н. илмий даражасини олиш учун ёзилган дисс.иши. -Т.: 2007.

120. Гурков И.Б. Стратегия и структура корпорации. -М.: Дело, 2008.

121. Дементьева А.Г. Основы корпоративного управления: Учебное пособие / А.Г.Дементьева. – М.: Магистр, 2009.

122. Зайнутдинов Ш.Н., Рахимова Д.Н. Корпоратив бошқарув асослари. -Т.: Академия, 2006.

123.Зохидов А.А. Повышение эффективности управления акционерными компаниями в условиях переходной экономики: дисс. раб. на соискание к.э.н. -Т., 2004.

124.Исаев Д.В. Корпоративное управление и стратегический менеджмент: информационный аспект / Д.В. Исаев, - М.: Изд.дом Гос. ун-та – Высшей школы экономики, 2010.

125.Карнаухов С. Эффективность корпоративных структур. //Риск – 2000-№12.

126.Коллис Д.Дж. и др. Корпоративная стратегия. -М.: «Олимп-Бизнес», 2007.

127.Корпоративное управление: поиск модели. //Экономические стратегии. 2004. №2.

128.Корпоративное управление: формирование и развитие в условиях демонополизации. //Материалы научно-практической конференции и семинаров обучения. - Т.: 2004.

129.Корпоративный менеджмент: Учебное пособие. /И.И. Мазур, В.Д. Шапиро, Э.М. Коротков, Н.Г. Ольдерогге. -М.: ОМЕГА-Л, 2008.

130.Кравченко Р.С. Корпоративное управление. -М.: СПАРК, 2002.

131.Кукура С.П. Теория корпоративного управления. - М.: ЗАО Издательство "Экономика", 2004.

132.Макарова О.А. Корпоративное право: Учебник. – М.: Волтерс Клувер, 2005.

133.Масютин С.А. Корпоративное управление: опыт и проблемы. Монография. – М.: ООО "Финстатинформ", 2003.

134.Михайлов Д.М. Эффективное корпоративное управление (на современном этапе развития экономики РФ) учебно-практическое пособие. -М.: КНОРУС, 2010.

135.Проблемы внедрения лучшей практики корпоративного управления в Узбекистане. //Материалы международной научно-практической конференции. – Т.: Академия, 2007.

136.Селезнев В.А., Орехов С.А. Основы корпоративно управления. -М.: Маркет DG, 2006.

III. Рўзнома ва журналлардаги мақолалар

137.А.Н.Арипов, Т.К.Иминов, Х.А.Мухитдинов. Телекоммуникация соҳасида баҳо ва лицензиялаш сиёсати ва давлат томонидан тартибга солишни эркинлаштириш.-Т.: «Ўзбекистон иктисодиёти», №4. 2004.

138.Досумова Д.Р. Қишлоқ алоқа линияларини баҳолашнинг техник – иктисодий мезонлари тўғрисида. – Т. : «Алоқа дунёси», № 1\2007, с. 40.

139.Жамолов Х., Абдуллаев Х. Корхоналарнинг тўловга қодирлиги ва рентабеллиги. Бозор пул ва кредит. 1-сон, 2001 й.

140.Ивонина Н.В. ва бошқалар. Маркетинг тадқиқотларини олиб бориш ва ривожланиш дастурларини ишлаб чиқиш бўйича услубий тавсиялар, техник даражани ошириш ва корхонада рақобатбардош маҳсулотлар (хизматлар) чиқариш учун ишлаб чиқаришни қайта ихтисослаштириш. Ўзбекистон молия қонунчилиги.. 6-Илова Тошкент, 1996 й. 99-112-бетлар.

141.Иминов Т.К. ва бошқ. Телекоммуникация соҳасида баҳо ва лицензиялаш сиёсати ва давлат томонидан тартибга солишни эркинлаштириш. - Т. :«Ўзбекистон иқтисодиёти», №4. 2004. с. 68.

142.Мамчиц Р. Электронная коммерция в ближнем и дальнем зарубежье / Р.Мамчиц. Poletekonom.-2001. - № 3(16).- С.74.

143.Мильчакова Н. Телекоммуникации в России: Структурные реформы и проблемы повышения рыночной стоимости акций. Ж. «Вопросы экономики» № 7, 2001 г.

144.Муҳитдинова М. «Предупреждение кредитних рисков». Бозор, пул ва кредит, № 12, 2001 й.

145.Пул-кредит соҳасидаги мавжуд вазият ва монетар сиёсатнинг 2005 йилга мўлжалланган асосий йўналишлари. «Банк ахборотномаси», № 14, 2005.

146.Matthews W, Setting a Course for E-Government / W. Matthews // Federal Computer Week. – 2000. – December 11. – P, 19.

147.Moore G.E. Cramming More Components onto Integrated Circuits. “Electronics”. № 38 (8). - 1995. с. 114-117. Moore G.EA. Living on the Fault Line: Managing for Shareholder Value in the Age of Internet. - New York: Harper Business, 2000.- P.140.

148.Sato S. Electronic Finance: an Overview of the Issues / S. Sato, J. Hawkins. BIS Papers № 7. Electronic Finance: a New Perspective and Challenges. – 2001. November. – P. 5.

149.Sernau S. Bound: Living in the Globalized World / Sernau S. – Bloomfield, Conn.: Kumarian Press, 2000. – P. 216.

150.Wellman B. Networks in the Global Village: Life in Contemporary Communities 8, Colo.: Westview Press 1999.-P/377.

151. 2003 Industry Survey - Information Security, October 2003.

152. Anne Marie Willhite. Systems Engineering at MTTRE Risk Management, Rl, MP96Booool20, September, 1998; Risk Matrix.

153.Managing the Threat of Denial-of-Service Attacks, CERT- Coordination Center, October 2003.

154. R. Witty, J. Dubiel, J. Girard, J. Graff, A, Hallawell ets. The Price of Information Security. Gartner Research, Strategic Analysis Report, K-11-6534, June, 2001.

155. Babic V. The Key Aspects of the Corporate Governance Restructuring in the Transition Process // Economist/ - 2001. Vol.33 No.2.

156. Berle Jr.A., Means G. The modern Corporation and Private Property – NY.: Macmillan, 1932.

157. John K and Senbet L. Corporate governance and board effectiveness // Journal of banking and finance/ - 1998 - #22.

158. O'Sullivan M. Corporate Governance and Globalization. The ANNALS of the American Academy of Political Science, Vol. 570, No.1 (July 2000).

159. Porter M. Capital Choices: Changing the way America Invests in Industry / D.Chew/ Studies in International Corporate finance and governance systems – A comparison of the US, Japan and Europe – Oxford: Oxford University Press. 1997.

160. Shleifer A and Vishny R. A Survey of Corporate Governance // Journal of Finance – 1997.

161. Williamson O.E. The Mechanism of Governance. New York: Oxford University Press. 1996.

162. Risk Management Guide for Information Technology Systems - N1ST, Special Publication 800-30.

IV. Статистик тўпламлар ва бошқалар

163. Алоқанинг регионал бирлашмаси (АРБ) ҳисоботи материаллари, 1998-2004 йй.

164. А.Н.Арипов. Ахборот-коммуникациялар соҳасида бошқарув тизимини такомиллаштириш муаммолари. – Т.: Автореферат, 2004.

165. Бутун дунё электроалоқа /АКТ ривожлантириш ҳисоботи // ЭАИ – 2006 й.

166. «Ўзбектелеком» АКнинг йиғма бухгалтерлик баланси, 1998-2004 йй.

167. Ўзбекистон Алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг ҳисобот материаллари, 2007 й.

168. «Ўзбекистоннинг 2000-2007 йиллардаги асосий ижтимоий-иқтисодий кўрсаткичлари». Т.: Давлат статистика қўмитаси, 2000-2008.

V. Электрон материаллар ва интернет ресурслари

169. info@uztelecom.uz

170. http://www.e-gov.com/egovjoumal

171. http://www.globalcrossing.com

172. http://www.go vaffai rs. se nate.gov/egov

173. http://www.intel.com/research/silicon/mooreslaw.htm

174. http://www.ipso.cec.be/Ecommerce

175. http://www.level3.com
176. http://www.mid.ru/mid/inform.htm
177. http://www.monitoring.ru
178. http://www.nasdaq.com
179. http://www.nua.ie/surveys/how_many_online/index.html
180. http://www.oecd.org/dsti/sti/it/ec/act/sacher.htm/
181. http://www.ogit.gov.au/ica/icaindex.html
182. http://www.open.gov.uk/citu/gdirect/itndl.htm!
183. http://www.policyworks.gov/intergov
184. http://www.scrt.gov.ru/Documents/Decrec/2000/09-09. html
185. http://www.usinfo.state.gOv/journals/itgic/1100/ijgrllOO.htm
186. http://www.wto.org/wto/ecom/ecom.htm
187. http://rcc.ru/Rus/IT
188. http://www.academy. uz
189. http://www.arsin.ru
190. http:// www.crime-research.ru
191. http://www.egovernment.ru (журнал «Information Security/Информационная безопасность»)
192. http://www.infosafe.ru (каталог ресурсов по информационной безопасности)
193. http://www.inside-zi.ru (информационно-методический журнал «Защита информации. Инсайд»
194. http://www.osp.ru (журнал «LAN»)
195. http://www.secju (форум по ИБ)
196. http://www.security.com.ua/books (литература по ИБ)
197. http://www.wisp.ru
198. http://www.old.infosec.ru (сайт по ИБ)

МУНДАРИЖА

КИРИШ 3

I. БЎЛИМ
ИНҚИРОЗГА ҚАРШИ БОШҚАРУВ

1.1. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг моҳияти ва юзага келиш сабаблари 24
1.2. Ривожланган ва ривожланаётган давлатларда инқирозга қарши чораларнинг устувор йўналишлари 36
1.3. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг Ўзбекистон иқтисодиётига таъсири, уни юмшатиш, бартараф этиш чоралари 49
1.4. Инқирозга қарши бошқарувнинг асосий хусусиятлари 62
1.5. Давлат бошқаруви тизими ва ташкилотлар миқёсида учраши мумкин бўлган инқирозлар 76
1.6. Инқирозларни диагностикалаш босқичлари ва услублари 97
1.7. Инқирозли вазиятларда бошқарувни амалга оширишнинг стратегия ва тактикаси 114
1.8. Корхоналарнинг банкрот бўлиши ва тугатилиши 137
1.9. Инқирозга қарши бошқарув технологиялари 155

I БОБ.
ИНВЕСТИЦИЯЛАРНИ БОШҚАРИШ

2.1. "Инвестиция" тушунчаси, унинг турланиши ва иқтисодиётда тутган ўрни 172
2.2. Хорижий инвестициялар иқтисодий ўсишнинг асосий омили сифатида ва уларнинг шакллари 183
2.3. Халқаро инвестицион фаолият ва халқаро валюта-молия ташкилотлари: мақсадлари ва фаолиятининг хусусиятлари 193

II БОБ.
КОРПОРАТИВ БОШҚАРУВ

3.1. Корпоратив бошқарув тушунчаси ва моҳияти 207
3.2. Корпоратив бошқарув тамойиллари ва кодекслари 215
3.3. Ўзбекистонда корпоратив бошқарувнинг ривожланиши 226
3.4. Корпоратив бошқарув моделлари 242
3.5. Корпоратив бошқарув муносабатлари иштирокчилари 264
3.6. Корпоратив бошқарув механизми 270

II. БЎЛИМ
ИҚТИСОДИЁТ БОШҚАРУВИДА АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИ ҚЎЛЛАШНИНГ МОҲИЯТИ ВА ТАРКИБИЙ ҚИСМЛАРИ

4.1. Ахборот жамиятининг шаклланиши ҳамда социология ва иқтисодиётда инфокоммуникациялар тушунчаси 283
4.2. Ўзбекистонда инфокоммуникациялар тармогини ривожлантиришнинг долзарб муаммолари 291
4.3. Социология ва иқтисодиётда инфокоммуникация маълумотлари концепцияси 297
4.4. Ахборот маданияти ҳақида 311
4.5. Ахборот технологияларининг пайдо бўлиши ва ривожланишидаги асосий босқичлар 320
4.6. Ахборотлаштириш соҳасидаги давлат сиёсати 322

I БОБ.
АХБОРОТ-КОММУНИКАЦИЯ СОҲАСИДА ЗАМОНАВИЙ БОШҚАРУВ ТИЗИМИНИ ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

5.1. Ахборот коммуникация соҳаси ривожининг муҳим хусусиятлари 331
5.2. Соҳа бошқарувининг замонавий тамойиллари 339
5.3. Бошқариш тизимининг замонавий элементлари таснифи 344
5.4. Бошқариш тизими элементларининг ислоҳотлар давридаги шаклланиш қонуниятлари 352
5.5. Ахборот коммуникация соҳаси бошқарув усуллари ривожланишининг илмий асослари 355

II БОБ.
ЎЗБЕКИСТОН АХБОРОТ-КОММУНИКАЦИЯ СОҲАСИ БОШҚАРУВ ТИЗИМИНИНГ САМАРАДОРЛИГИ

6.1. Ахборот-коммуникация соҳасининг республика иқтисодиётидаги ўрни ва аҳамияти 361
6.2. Соҳанинг ривожланиш босқичлари ва истиқболли йўналишлари 371

6.3. Бошқарув тизимининг самарадорлигини баҳолаш 385
6.4. Ахборот-коммуникация соҳасини давлат томонидан тартибга солишнинг самарадорлиги 395

III БЎЛИМ.
КОРХОНАЛАРНИ БОШҚАРИШ ТИЗИМИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ЗАМОНАВИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ

7.1.1. Корхона — замонавий ахборотлаштириш объекти сифатида 414
7.1.2. Ахборотлаштиришнинг корхонани самарали бошқаришдаги ўрни 419
7.1.3. Ахборотни бошқаришнинг ташкилий шаклларининг ривожланиши 425
7.1.4. Ҳужжат айланишини бошқарув усуллари 430

I БОБ.
ЭЛЕКТРОН ТЕХНОЛОГИЯЛАР АСОСИДА КОРХОНАЛАРДА ҲУЖЖАТ АЙЛАНИШИНИ БОШҚАРИШ ТИЗИМЛАРИНИ ЯРАТИШ УСУЛЛАРИ ВА ЖАРАЁНЛАРИ

7.2.1. Ҳужжатларни бошқаришнинг электрон тизимлари таснифи 437
7.2.2. Ҳужжат айланишини бошқариш тизимининг самарадорлигини баҳолаш омилларининг таснифи 446
7.2.3. Электрон ҳужжатлар айланишини бошқариш тизимини баҳолаш кўрсаткичлари 454
7.2.4. Электрон ҳужжат айланишини ташкил этишда риск омиллари 459

II БОБ.
ЭЛЕКТРОН ҲУЖЖАТ АЙЛАНИШИНИ БОШҚАРИШ ТИЗИМИНИ ЯРАТИШ ВА БАҲОЛАШ УСУЛЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ

7.3.1. Электрон ҳужжат айланишини бошқариш тизимини яратиш услубиёти 462
7.3.2. Электрон ҳужжат айланишини бошқариш тизимининг самарадорлигини баҳолаш услубиёти 473

IV БЎЛИМ.
АХБОРОТ ХАВФСИЗЛИГИНИНГ КОНЦЕПТУАЛ АСОСЛАРИ

8.1.1. Ахборотлашган жамият даврида ахборот хавфсизлигини таъминлашнинг иқтисодий моҳияти ва назарий асослари 486
8.1.2. Ахборот хавфсизлигини таъминлашнинг мақсадлари ва зарурият даражаси 496
8.1.3. Замонавий ахборот тизимларида хавфсизликка таҳдид солувчи омиллар 507

I БОБ.
КОРХОНАЛАРДА АХБОРОТ ХАВФСИЗЛИГИ ТИЗИМИНИНГ УСЛУБИЙ АСОСЛАРИ

8.2.1. Ахборот технологияларнинг мамлакат иқтисодиётидаги ўрни ва ривожланиш йўналишлари 517
8.2.2. Корхоналарда ахборот хавфсизлигини таъминлаш йўналишлари 534
8.2.3. Корхонада ахборот рискларини баҳолаш ва режалаштириш 545
8.2.4. Ахборот рискларини камайтириш бўйича тадбирлар режасини шакллантириш 558

II БОБ.
КОРХОНАНИНГ АХБОРОТ ХАВФСИЗЛИГИГА САРФ-ХАРАЖАТЛАРИНИ ИҚТИСОДИЙ АСОСЛАШ

8.3.1. Ахборот хавфсизлигига сарф-харажатларни баҳолаш учун методик ёндашувлар ва уларнинг самарадорлигини аниқлаш 564
8.3.2. Ахборот хавфсизлиги ҳаражатларини ҳисоблаш ҳамда уларнинг самарадорлигини баҳолаш 572

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ 581

УДК: 372.882
ББК 74.261

Илмий-оммабоп нашр

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ҲУЗУРИДАГИ ДАВЛАТ ВА ЖАМИЯТ ҚУРИЛИШИ АКАДЕМИЯСИ

ЗАМОНАВИЙ МЕНЕЖМЕНТ: НАЗАРИЯ ВА АМАЛИЁТ

Муҳаррир: Улуғ БЕК
Техник муҳаррир: Элмурод Мусаев
Мусаҳҳиҳ: Татьяна Абдуллаева
Саҳифаловчи-дизайнер: Элмурод Мусаев

2011 йил 26 ноябрда босишга рухсат этилди. Бичими 70x100 $^{1}/_{16}$
«Times New Roman» гарнитураси. Шартли босма табоғи 37,2
Нашриёт ҳисоб табоғи 35,4. Адади 500 нусха.
9-сонли буюртма. Баҳоси шартнома асосида

Оригинал макет «SHARQ» НМАК қошидаги «NAFIS BEZAK» МЧЖнинг дизайн бўлимида тайёрланди ва матбаа бўлимида офсет усулида чоп этилди.
Манзил: 100000, Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.
Тел: (+99871) 233-4537. Факс (+99871) 236-5401
Web: www. sharq.uz E-mail: nafisbezak@mail.ru